




ЖЕ ШАРАФДИР, БЕИ КУМОБЖИ ЖАМЪ ЭМЕАМ,
"НАЖЖ ТАЖЖ" КАБИ УЖИ ЭДИМТА МУМЕАМ.

"ДЖИИ КАМЕА" ДЕБОЖ ФАКУР КҶҶЕАМ ЖОМ,
КОИКИ, МУРК УАУЕИ АЖИ ЭМЕА КОМ.

БАРОМ БОЎҚОБУЛОВ

ЯШТИ
КАМЕА

"ШАРХ" ХАИРИЕТИ МАЎБАДА "КОЖАЕРЖИЖИЖЕ"
БОИИ МАХРИРИЯТИ



Мазкур асарни нашр этишида раҳнамолик қилган салоҳиятли матбаачи ва заковатли олим, ажойиб инсон ИСЛОМ ШОҒУЛОМОВГА муаллиф ўзининг самимий миннатдорчилигини изҳор этади.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р л а р:
ЖОНИБЕК СУБҲОН
РАШИД РАУФ

М у с а в в и р: Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ rassоми, Давлат мукофоти соҳиби, профессор ҚУТЛУҒ БАШАРОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бosh таҳририяти, 1998.

МУҲТАРАМ КИТОБХОН!

Ўзбекистон халқ шоири, ҳозирги замон ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаларидан бири, публицист ва олим, маданият ва жамоат арбоби Барот Бойқобилов қирқ беш йилдан буён ўзбек маданияти тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб, элу юрт равнақи учун астойдил хизмат қилмоқда.

Истиқлол ва саодат куйчиси Барот Бойқобилов ўнлаб дoston, қирқдан зиёд шеърлий китоблар муаллифи. У ўзбек шеърлигида сонет жанрига асос солган шоирдир. Унинг «Сонетлар» (1982) китоби бунга гувоҳ. Барот Бойқобилов пировардида «Сонетлар гулчамбари» ва юз сонетдан иборат «Мен кашф этган Ўзбекистон» дostonини рақам этди.

Халқимиз ва юртимиз тарихи билан ўз тақдирини боғлаган Барот Бойқобилов «Кун ва тун» (1968) шеърлий қиссасида ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Бобурнинг бадний тимсолини яратди.

Барот Бойқобилов ижодида улуг шоир ва буюк мутафаккир Алишер Навоий мавзуи алоҳида диққатга моликдир. У сўз мулкнинг султони, ўзбек адабиётининг соҳибқирони Алишер Навоийнинг етук сиймосини яратиш устида узоқ йиллар ўз умрини сарфлади.

Забардаст шоир, навоийшунос Барот Бойқобиловнинг ҳазрати Низомиддин Амир Алишер Навоийнинг ҳайратли ҳаёти ва хайрли аъмоли ҳақида яратган «Навоийнома» («Нотинч Хуросон», «Шукуҳли карвон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон» шеърлий рўмонлари) чоркитоби муҳтарам Президентимизнинг Фармони билан 1994 йилда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофоти билан тақдирланди.

«Навоийнома»да адабиётимизда ҳукм суриб келган синфийлик назариясидан чекиниб, тарихимизга тўғри ва одил кўз билан ёндошилди, Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларини ҳаққоний ёритишга ҳаракат қилинди. Навоийшунос олимларнинг фикрича, муаллиф бу вазифанинг уддасидан чиқди ва «Навоийнома» чоркитоби шеърлигимиздаги улкан воқеа деб тан олинди.

Не бахтки, муаллиф яна мозийга қайтиб, хайрли ишга қўл урди ва Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари сингари буюк зотларга, шавкатли те мурийлар салтанати соҳибларига пири муршидлик қилмиш Нақшбандия тариқатининг қутби — Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ал-Шоший ас-Самарқандий — Хожа Аҳрори Валий ҳазратлари хусусида «Навоийнома»нинг бешинчи китоби — «Ҳайратул-Аҳроп» («Аҳроп ҳайратлари») шеърлий асарини ёзди. Маълумки, ислом ва тасаввиф, Хожа Аҳроп ҳақидаги боблар, ўз вақтида, баъзи сабаблар тўғрисида «Навоийнома»га киритилмаган эди. Энди уни


муаллиф қайта тиклади ва алоҳида бир китоб қилди. Унда буюк Валииуллоҳ Хожжа Аҳрор ҳазратлари яшаган мураккаб даврни, унинг ижтимоий-сиёсий муҳитини, улуғ Эшоннинг ибратли ҳаёти ва савобли аъмолини тасвирлади ва Шўро тўзуми даврида илм-фанда, бадиий адабиётда ҳақиқатга хилоф равишда Хожжа Аҳрорга нисбатан тўқиб келинган турли уйдирмаларга барҳам берилди.

Зеро, XV аср — Алишер Навоий ва Хожжа Аҳрор асридир.

Мозийга муборак сафар қилган Барот Бойқобилов «Хамса»нинг буюк ирлари Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Ҷомий, Алишер Навоийнинг қутлуғ анъанасини давом эттириб, беш улкан достондан иборат «Янги Хамса»ни яратди. Ҳазрати Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса»сидан кейин беш юз йил ўтгач юзага келган мазкур асар Мустақилликка эринган элу юртимиз ҳаётида, шоғи, ўзбек адабиётида улуғ воқеадир. Маҳорат ва шижоат билан ишио этилган «Янги Хамса» миллий шеърятимизнинг ажойиб ютуғи, маданият ва маънавият ёдгорлиги сифатида муҳтарам китобхонларга тақдим этилмоқда. Бу подир асар севимли шонримизнинг узоқ йиллик ижодий меҳнатининг шарафли маҳсулидир.

Шоир орзу қилганидек:

*«Янги Хамса»дан ҳам ўтиб замонлар,
Баҳрамид бўлсалар азиз инсонлар!*



ХИ , ДАВРИДА БЎЛАДИ ЕРЖИЖИДЕК ХИШИ ,
ЭМАЕДУР ИШИЖИ ОДАМУСОД ИШИ .

АЛИШЕР НАВОИЙ

БИЕМУЛААХУР РОҶМАЖИР РОҶИЙМ !

ДЕБОҶА

Навоий назмига тундию кўзим,
Хайрат гулшанида унутдим ўзим.

Сохили кўриди бу чархи кўҳан,
Кўк билан ер узра тузиб анжуман.

Фалакдан заминнинг фажоси ичра,
Жаннатда тоилмас ҳавоси ичра.

Сарбалид тоғлардек юксалиб турар
Дунига кўрк бўлиб улуг сиймослар.

Буюк тоғлар ичра бўлиб буюкроқ,
Суюк тоғлар ичра бўлиб суюкроқ.

Навоий кўринар кўзимга менинг,
Пафаси урилар юзимга менинг.

Қалбимга ёнлар сиймосидан нур,
Вужудим қамрайди наҳом ва сурур.

Ажиб саводетдан тоғ қилиб устоз,
Садоқат уйида қилурлар эъжоз.

Меҳрибон кўл билан бошимни силаб,
Армонли дунёда тилшклар тилаб.

Нирн комил мени этурлар дуо,
Жаҳоннинг гажини тутурлар гуё:

Мозий чанмасидан қониб ич, дерлар,
Буюк тоғлар сари дудил уч, дерлар.

Аллома меҳридан кўзимда жола,
Ҳаёт бўстонига тикилдим вола.

Нурли жамолидан кўзим қаманди,
Тилсимот дунёда ақлим аданди.

Билгур чанмасларин ахтариб мунгоқ,
Юксак тоғлар аро сайр эрдим узоқ.

Навоий чанмасин толиб ниҳоят,
Бир ҳовуч ичдиму кўрдим шоят.

Неча кун, неча ой унутдим ўзни,
Неча йил кўзладим олис юдузни.

Ҳазратнинг изидан кездим субҳи, шом,
Жонга ўт ташлади кўнглим ичра ком.

Буюк маҳзанидан олиб дурри ноб,
Гўёки қалбимда балқиди офтоб.

Мурид бўлай дебон қўлини тутдим,
Хок пойини кўзимга тўтиб эрдим.

Маънавий қаламини тутқазиб, устоз,
Дедилар: «Найттидур, «Ниги Хамса» ё!»

Кўнглимни кўтарди соҳибни камол,
Осойиш бермади энг улуг оғол.

Не бахтки, салафлар кўлимдан тугди,
Тилим Навоийга ҳамоҳанг этди.

Низомий, Деҳлавий, Жомий маълумий
Имдод берди гуё менга маънавий.

Қутлуғ ашъарани қилғил деб давом,
«Хамса»нинг ширлари айлади инром.


Салафлар сўзидан ўйлашиб қолдим,
Мозий боғларига кириб, йўқолдим.

Тарих суқмоқларин кезиб шўда,
Кўн сирри-ситоат кўрдим дунёда.


Ва лекин Навоий васф этган дийр
Дўстони билмакка эрдим ихтиёр.




Мухтор элчи бўлиб Ўзбекистондан,
Истиқбол баҳори кулган бўстондан

Қадим Хуросонга азимат эрдим,
Хирот қонқасининг ҳақиқати тутдим.



ՀՕՄԱԴԵ
ՔՄԹԸԸԴ





БИРИҶҶИ ҚИЕМ



"УМР ФУСУЛИҶИҶ НАВБАҶОРИ..."

Туфулият овониким етти-саккиз Ёштин йигирма Ёшқача ченаса бўлгайким, умр фусулининг навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфа ва гулзоридур...

Алишер Навоӣ

...Ҳоқони олий макон Шоҳруҳ султоннинг халифалик даврида... иззат ва иқбол гулшанида омонлик ва умид мевалари берадиган бир дарахт кукарди, мартаба ва улуглик осмонида давлат ва бахт-саодат кўзини ёритувчи бир юлдуз порлади.

Байт:

Дил бустонида кукарди ниҳол,
Жон осмонида кўринди ҳилол.

Хондамир

...Замонасининг машҳур кишиси ва Чигатой улуси улуғи... фозиллиги туфайли уғлига фазилат ўргатишни тарк этмади, олий ҳимматини саодатли фарзандини фазл безаклари билан зийнатлаш ва ҳидоят нурлари билан равшан этишга сарфлади... Ул бузрукворнинг олижаноб ҳаракати зоё кетмади ва отадан нодир даврон иззату тамкинлик минбарини безади...

Давлатшоҳ Самарқандӣ

I

Икки тоғ қуришмиш ёйдек Ҳиротни,
Хуросон кўкида ойдек Ҳиротни.

Бир — Кўҳи Сафид, осмонга пайванд,
Бир — Кўҳи Сийёҳ, паҳлавон монанд.

Сарбаланд тоғларда эриб ётар қор,
Сайҳону адирда энтикар баҳор.

Офтобни оқиншлаб боқар даралар,
Даралар қўйнида сойлар жар солар.

Сойлардан сув олмиш масрур Ҳирируд
Қалбида мусиқа, тилида суруд.

Ҳирируд бошида гумбази осмон
Кўёшни эркалар бир гудаксимон.

Уфқни кўзлаган дарё кўзлари,
Гул бўлиб очилур босган излари.

Ҳирируд туфайли шаҳри Ҳирот ҳам
Хуросон мулкига нойтахти аъзам.

Яккаш утганида Тахти Сафардан,
Эл боши кўкадир ул туттан зардан.

Оби ҳаётдан бўлиб баҳраманд,
Гозургоҳ боғларини толеъи баланд.

Субҳи, шом ким утса Пули Молондан,
Ҳирирудга боқиб, қувонар жондан.

Ҳирируд иккига бўлиб Ҳиротни,
Чавандоз сингари қамчилар отни.

Бир қирғоқда — Боғи Давлатхонадир,
Бир қирғоқда — юртга машҳур қалъадир.

Боғи Давлатхона даргоҳи бугун
Кўёш таъзим этса, арайди мамнун.

Бугун Шоҳруҳ мирзо Хуросонида,
Амир Ғиёсиддин¹ хонадонид

Тонг чоғи туғилмиш бир азиз фарзанд,
Улус меҳри бўлиб жонига пайванд.

Мунажжим юлдузга қараб очмиш фол
Ва демиш сўзида порлаб истиқбол:

«Саодат юлдузи бошинда кулмиш,
Шу юлдуз остинда дунёга келмиш».

Ота боши кўкка етган кун бугун,
Она боши кўкни ўнган кун бугун.

¹ Амир Ғиёсиддин Муҳаммад Баҳодир.

Бугун қавм-қариндон ўзида йўқ шод,
Бугун аҳли башар боғидир обод.

Бугун ўзгачадир Хирот чиройи:
Хижрий ўн еттинчи рамазон ойи

Саккиз юзу қирқ тўрт¹ санаси кўркем
Тарих саҳфасига қилинмиш рақам.

II

Боғи Давлатхона маъмур азалдан,
Буида жон яйрамини куй ва газалдан.

Хиридул насими сайр этган даргоҳ
Муסיқа ё шеърга бўлмиш қароргоҳ.

Хиротнинг элсевар шоирлари ҳам,
Нуктадон олиму амирлари ҳам

Дилга завқ оларди бу дилкушодан,
Қадамин узмасди боғи рўшнодан.

Амир Ғиёсиддин Мухаммад буида
Гўё дарға эди катта тўлқинда.

Чингачой улусин пешвоси эди,
Фуқаро дардининг давоси эди.

Кичик Баҳодир деб мулки Хуржон,
Мардлинги ҳақида тўқирди достон.

Кўксига урарди шернинг юраги,
Ғанимга бош эгмас эрининг юраги.

Муқанна мардлинги яшаб жонда,
Юрт инқи туғилар қилмиш қонда.

Бисёр саодатманд хун шийт инсон
Фазлдан эл қўнги эди чароғон.

Олиму шуаро ундан шод эди,
Номи тилда такрор, дилда ёд эди.

Етти нушти билан Баҳодир насин
Улуғ хонадонга дахлдор асин.

Гарчанд бўлмаса-да, азалдан қондон,
Бобоси Умаршайх билан кўкалтон.

Нону туз тотиниб бир дастурхондан,
Гуллар узингандир бир гулистондан.

Бир майдонда от чоғандир икки жон,
Бир бўстонда бахт тоғандир икки жон.

III

Йиллар ўтмиш мисли карвон, тебраниб,
Шукуҳли қушлари нурга чулғаниб.

Темурийзодалар билан ҳамнафас
Ғиёсиддин умри кетмади абас.

¹ Мелодий ҳисоб билан 1441 йил 9 февраль.

Саройда қозониб обрў-элтабор,
Беқибс ҳурматга бўлмиш сазовор.

Дўсти содиқ тошиб Бойқаро мирзо,
Ўзидан уни ҳам қилганди ризо,

Мирзо давронда унинг бобоси
Қандаҳор мулкнинг эди пешвоси.

Амирлик матлаби этиб сарбаланд,
Бобосини йўқларди ҳатто Самарқанд.

Икки юртни сўраб турса-да, гарчанд,
Ҳайиқиб яшарди ота ва фарзанд.

Кемадек чайқалиб мулки Хуржон,
Шоҳруҳнинг қўнгига соларди сўрон.

Диндорлар макридан Мовароуннаҳр
Олий ҳукмдори чекарди жабр.

Фитналар домида қолиб мамлакат,
Қалқиб турар эди тожу салтанат!

IV

Амир Ғиёсиддин даргоҳи бугун
Хиридул сингари урарди тўлқин.

Меҳмонлар чехраси очик ва равшан,
Чарақлаб тургандек осмон қўнidan.

Янги фарзанд билан уни қўтланар,
Катта тўй беришини зимдан чўтланар.

Толеси қўлгандан Ғиёсиддин шод,
Қўнгида мавж урар орзу ва мурод.

Ақл шамчироғи ёнар кўзида,
Шижоат шуъласи норлар юзида.

Кўркига яранар калта соқоли,
Ёруғ манглайида ҳаёт иқболли.

Миқти гавдасида баҳодирлик жамъ,
Ҳар бир ҳаракати қатъий ва шаҳдам.

Мулоҳим феълига хос бир камтарлик
Умр қағрин унинг безарди зардек.

Ёнида Мирсанд, Мухаммад Али:
Назмда хунзабон қайноғалари,

Элга манхур эди бу икки хўб зот:
Назм боғи ичра сийлаган ҳаёт.

Чўгдай ёниб турмиш хонада гилам,
Гиламда ўз аксини тоининдир кўклам.

Барқуту беқасам тўнақлар узра
Қадрдон дўсту Ёр қўрминлар давра.

Ўртада Ёзилмиш серфайз дастурхон,
Нозу шеъматини тўкмиш Хуржон.

Барча ном ахтариб гўё гўдакка,
Ширин ҳислар ҳамроз эди юракка.

Эгу номлар бир-бир этилгач такрор,
Ота уз мақсадин айтмиш бахтиёр:

«Миннатдор эрурмен сизлардан беҳад,
Фақир севинчига йўқ бугун сарҳад.

Кўнгил кулбасини обод этмишсиз,
Тилаклар қасрини бунёд этмишсиз.

Нек орзу кўнглимга бермас осойиш,
Шарорин кўзимда қилимиш намоиш.

Эгу бир соатда олиб хушхабар
Муҳаммад Али шод келмиш тонг-саҳар.

Али шеър машқ қилур, ҳам эрур фозил,
Анинг муроди ҳам бўлсин деб восил,

Али номи ила атасак дермен,
Тагин «шер» сўзини анга қўшурумен.

Фарзандимнинг номи Алишер бўлгай,
Ул шердек қудратли ва жасур бўлгай!

Шер билан шеър сўзи ҳамоҳанг эрур,
Бул икки сўз асли ёнма-ён турур.

Шоирда бўлмаса шернинг юраги,
На ҳожат назмга қўлин урмаги!

Угил тоғасига ўхшайди дерлар,
Не ажаб, Алишер битса хўб шеърлар».

Анжуман аҳлига хуш ёқмиш бу ном,
Дилларга самимий ут ёқмиш бу ном!

Меҳмонлар қутлашиб Гиёсиддинни,
Тарих айламишлар бу қутлуг кунни.

V

Темур бунёд этган улуг мамлакат,
Оламини ларзага солган салтанат

Шаҳзодалар аро дунё боғида
Низо ёнғинида қолган чоғида

Шоҳруҳ мирзо қўли келдию баланд,
Ота тожин кийди музаффар фарзанд.

Бу буюк зафардан Улугбек мирзо
Бошига қутлуг кун қўнмишдир ҳумо.

Туркистон дийёрин йирик юлдузи,
Улус узугининг дурафшон кўзи —

Самарқандни этиб ўглига инъом,
Ҳиротни айламиш Шоҳруҳ кўнгли ком.

Буюк давлатининг пойтахти Ҳирот
Қўёшдек ярқираб турибди! Наҳот,

Жаҳон айвонида кексайиб қолди,
Чинордек қомати букчайиб қолди.

Аммо ҳануз жангда ўзи от сураб,
Қилич тортиб, қари шердек ўқираб.

На чора? Кексайди, «умри гузарон»
Чаман боғларини қоплади хаёон.

Ва лекин тан олмас, чекмайди оҳлар,
Қаримас деб ўйлар гўёки шоҳлар.

Шоҳруҳни қуршаминиш беклар, амирлар,
Салтанат кифтида турган кабирлар.

Шоҳ оғзин пойлайди жангчи барлослар,
Ўтли нигоҳлари бургутга хослар.

Хомуш сўзлайди шоҳ, сўлгин юзлари,
Ваҳима даштида сарсон кўзлари:

«Давлатда йўқолса тартиб ва низо,
Исёнчилар бошин кўтаргай мудом.

Қавм бузилди тагин, йўқолди тинчи,
Қиндин суғурилсин жазо қиличи.

Тинчитмак лозимдир улусни дарҳол,
Ким низо қўзғаса тонгуси завол».

Шоҳ амрига дарҳол қидириб тадбир,
Юмшоқ овоз билан сўзлади вазир:

«Улуг шоҳим, андак сабр даркордур,
Форсийлар гавғосин хавфи ҳам бордур».

Шоҳруҳ мирзо бир оз сақлади сукут,
Қаноти қайрилган каби сор бургут.

Сунгра сўлиш олди — узун, оташли,
Кўзлари серташвиш, юраги гашли.

Толиққан шоҳига демай бир сухан,
Ҳайиқиб турарди аҳли анжуман.

Аммо Гиёсиддин ёқлаб вазирни,
Журъат билан деди: «Шоҳим, фақирни

Қавм низолари ташвишга солур,
Хун тўкилса, улус гурбатда қолур».

Шоҳ нотинч, мажлисга ясаркан якун,
Қатъий қилиб деди: «Тўкилмаса хун,

Осойиш топмагай мамлакат зинҳор,
Аскарлар жабҳага қилинсин тайёр.

Қурол-аслаҳани аямангиз ҳеч,
Салтанатни сақлаб турадир қилич».

Қўзғолиб, юрди шоҳ сўнг эшик сари,
Таъзим-ла кузатди мулозимлари.

Букчайган қадди-да антиқа зар тўн,
Этаклари ерга сургалар, узун.

Оқ шоҳи саллада йирик гавҳар тож
Ярқиради гўё бошга сарвар тож.

Қўлларида эса камёб ва малиҳ
Энг асл тошлардан терилган тасбеҳ.

Таъзим ила очиб эшикни дарҳол,
Эшик оға шоҳни кузатар хушҳол.

Ичкари хонага ўтганида у,
Навқирон ёшларга келар рўбарў.

Шаҳзодалар билан туриб ёлма-ён,
Қўлини кўксига қўйиб, беэабон

Бобо ҳазратини қаринлар хуррам,
Қув қўли набира Абдуллатиф ҳам.

«Самарқандлар тинчми? Ўғлимиз қалай?»
«Тузук, бобо ҳазрат! Гавго кўн, пайлай?»

«Қачон келмоқчилар? Соғиндим беҳад».
«Билмадим, надари бузрук саломат.

Ёлғиз юлдузлардур мангулотлари,
Юлдузга сарф бўлур хашиа зарн».

Истеҳзо оҳангин сезиб сасидан,
Шоҳруҳ ранжигандай набирасидан:

«Шундоқ деш!» — хўмрайиб, хомун сўзлади,
Набира феълидан бағри музлади.

Ва тўрға ўти-да, тахтта ўлтирди,
Вазирдан элчилар келишини сўрди.

VI

Хиротда кезади наврўз шамолн,
Офтобдан яннамини наврўз жамолн.

Энтикиб уйғонар қини уйқусидан,
Пон ҳиди анқийди ер туйғусидан.

Майсалар қўлогини тортқилар пасим,
Далалар гўдакдек қилар табассум.

Дарахтлар шоҳида сабо сөз чалар,
Қўрталар лабидан ел бўса олар.

Ола-чалмоқ боқар чўққиларда қор,
Хиридуд бағрида нўргана баҳор.

Офтобга юз тутиб ишнадн ер
Ва лекни чиқмайди манглайдан тер.

Ҳайт китобини қилиб қироат,
Дехқон ерини сийлаб, бошлар зироат.

Тондан то шомгача гинирлаган жон
Чумолн снгарн тинчимас бир он.

Турмуш аравазини судраб чор-пачор
Ҳайт кўчасидан ўтар гамгусор.

Жафокан улусининг бошини сийлаб,
Мушфиқ онашзор каби мултираб,

Тоғлар орқасига офтоб беркинар,
Сабзаманж боғларга номозином қўнар.

Амир Гўбёндун даргоҳини вале
Бугун ҳам бошида қулганлар толесъ.

Печа дўйр олиб, печа эл қўрган,
Жапонларда Темурнинг ёнида турган.

Қонлонбек сўзлайди бошиқ ҳам вазмин,
Зар билан ўлчайди сўзларн вазмин.

Юзида қайғунинг туман қўлкаси,
Қўзида аламиниок ёшлар ҳалқаси:

«Икки қари шердек ўқирар подон:
Бизининг Хуросону олис Туркистон.

Билмадим, оқибат не бўлур холи,
Бошида эадир исеи шамолн.

Темур ҳазратлари ўтғоч оламдин,
Анча вақт юрт боши чиқмади гамдин.

Шоҳруҳ қўли баланд келса-да, ҳамон
Шоҳзодалар потинч, қўзғанаар исеи.

Туз тотган эрса-да, бир дастурхондин,
Бирн-бирнга ёт, тошмин иймондин.

Бир она қориндин тушса-да, ё раб,
Оға тиг кўтарминн нинга қараб.

Темур давлатининг офтоби сўминин,
Бошига зулумот тумани қўминин.

Нарча-нарча бўлминн кўҳна матодек,
Шоҳруҳ ҳам бу ҳолга қўйламади чек.

Давлатининг илдизи бўлмаса маҳкам,
Жабр денгизига эл қўяр қадам.

Бағримини эадир шул андиналар —
Чил-чил сийиб ётур гўё ишналар.

Қўнганда андуҳлар кўтарур исеи,
На чора? Ёрошлар, дил тўла армон.

Ҳоқон Темур этминн печа намойини,
Печа таптанага берган оройини —

Биздек қариялар бундай фалокат
Зарбига қилолмас бардон ва тоқат.

Чорасини ахтариб, дафъ этмоқ даркор,
Давлатда осойини бўлсин барқарор».

Чўқур уйга толди аҳли анжуман,
Шуур офтобинини тўстаидек туман.

Лек баъзан ялт этиб фикрат чақмоғи,
Рўшно тортар эди қўнғил нуҷмоғи.

Маълоно Ардашёр баржос сўзини
Маъқуллаб, ҳамдарддек сөздн ўзини:

«Оламда йўқ эрди Темурдек ҳоқон,
Они кўн эслагайи ҳали бу жаҳон.

Шоҳруҳ мирзо дилин эадур армон:
Жапонлар бўроннда потинч Хуросон.

Ул эиди кексайди, лек шаҳзодалар
Қўшларда ҳамон ўйнайди ханжар.

Тахт-талаш, низолар олиб аланга,
Бойқўшлар қўнимасини тағни чаманга.

Лек гумон утида уртанмагай жон,
Бобоси тахтига муносиб хошон.

Улугбек мирзодур, эл рози андин,
Йуқласак, келгайлар ул Самарқанддин.

Маърифат мангалини ёндириб сўзгон,
Улуслик кўнглини этмин чароғон».

Тилга олинганда Улугбек номи,
Даврага файз кирди, эл эҳтироми

Дилларда мавж урди мисли нуртана,
Кўзларда балқиди нурли тантана.

Мирсайд фурعاتни бои бермай қўлдан,
Эҳтирж тўққини тошгандек дилдан.

Ардашер сўзига қўйганда нуқта,
Улугбекни мақтаб, сўзлади нухта:

«Машиққи оламда кезиб не шаҳар,
Кўрмадим гузал юрт Самарқанд қадар.

Мулкани харж этиб Улугбек ҳазрат
Кўҳак ёқасида яратмиш жаннат.

Оламда мислсиз расад боғламини,
Юлдузлар сайрига ўзин чоғламини.

Қадам қўйғонимда бўсағасига
Само индо бермин кўнгулум сасига.

Ҳайрат оламнида ўзин йўқотдим,
Маҳдига, азизлар, сўзин йўқотдим.

«Е оллоҳ!» — дедим-да, ёқамин тутдим,
Эгиткиб, нафасим ичмига ютдим.

Кўзим дол айламини илм каъбаси,
Юзимга урламини юлдуз шуъласи.

Тангрига шукрлар айтдим-да, фақир,
Дурбийидан боқдим фалакка, тақсир.

Одамзод нигоҳи етмаган само
Асрорин фои этмин ул буюк зако.

Фахрдин отанлар ёниб кўнглимда,
Бир маҳдуня битедим туркнй тилимда».

Мирсайд газалини тинглаб, анжуман
Шоир қаламига яна берди таш.

Ғиёсиддин кўнгли тошиб гурурдан,
Кўзлари чақнади хузурбахш нурдан.

Мирсайд фикрини этгани давом
Бийрон тилларида жуфтланди калом:

«Мухаммад Тороғой Улугбек мирзо
Самарқанд дийрин қилиб дилакушо,

Расад боғласа-да, оламда тенгсиз,
Самовот бағрини этса-да, кўнгуз.

Салтанат гинги лек қолидин кўчмини,
Кўзларига гафлат боғичи тушмини.

Бир даста гоғиллар зимдан, пинҳона
Обру дарахтига урмоқда пона.

Фисқу фасод бирла ҳазрат шаънига,
Кашф этмин жадвали: илму фанига

Бўхтон тошларини отмоқдин тинмас,
Хонилик йўлига ўтмоқдин тинмас.

Парвадигор ўзи асрасин. иллю,
Ҳазратдин қўрқамен, астағфурилло...»

Ғиёсиддин сўзин тинглаганки жон
Қалбида қўзғолди таншин, ҳаяжон.

Улугбек жонидан олиб хавотир,
Барча мунажжимга боқди бесабр.

Умидвор кўзларга тикилди-да жим,
Осийини топгандек, деди мунажжим:

«Соҳиб комил башар бу йўлни тутмас,
Улугбек жонига аслю қасд этмас.

Хуроғот этагин тутганлар маҳкам
Хонилик йўлига қўйгайлар қадам.

Эҳтиёт чорасин кўрмоқлик даркор,
Бил ичида ничоқ тутганлар ҳам бор.

Улугбек мирзодур кўз қароғимиз,
Маърифат қасрида шамшироғимиз.

Фалак илмида ул тенгсиз даҳодур,
«Зижн Кўрагон...»дек умри бақодур!»

VII

Неча бор айланди қўбин ер юзини,
Неча бор ой тикди ерга нур кўзини.

Кун сайин улгайиб Алишербек ҳам
Кўзига сехрли боққанда олам,

Боннида — бахтиёр кўрди онаш,
Жонига гиритгон бир парвонани.

Она фарзандига берди оқ сўтини,
Тоғдан баланд учени, деди бурғутини.

Алла айтиб, тунлар беник тебратди,
Мурғак дилга гўё қўшиқ ўратди.

«Она» сўзини ҳам ўратди она,
Гўё ҳайт йўзини кўратди она!

Кўлса — бирга кулди, қувонди беҳад,
Йилгаса — юнатди, кўндирмади гард.

Сув билан отану гул билан тикон
Фарқини ангитди она меҳрибон.

Сўзламини ўрганган кундан Алишер
Кўнглига ўт солди мусиқа ва шеър.

Шеър мустиқага ошна бўлган пайт
Лафзини бевади унбу гузал байт:

«Ришдему ошнцдему жаҳон сўзу жома чок,
Бо давлати гами ту зи фикри жаҳон чи бок!»

VIII

Ҳиридуҳ бўида боғларга тутанш
Муҳташам ҳовлидан кўз узмас қўён.

Ҳавасманц боқадн бағри ловулаб,
Бошидан зарини сочади, сийлаб.

Қўёшдек, эшикка қўзларин тикиб,
Меҳр тугёнидан қалби эгтикиб,

Алишерин кутар Маъсума бегим,
Лолагун юзида ёниб табассум.

Ун тўққиз баҳорнинг бўстонида ул
Саодат қасрида дастламинш гул.

Ҳиротда тенги йўқ унинг тийнатда,
Маликалар ичра доим иззатда.

Завқу ҳавас билан кийинмиш мудом,
Оразин ёпмоқни кўнгли этмиш ком.

Кобул элидандир Маъсума асли,
Шажарасин безар амирлар насли.

Шайх Абу Саъид Чанг — азиз падари,
Улуг аждодлари элнинг сарвари.

Қалбига кирганда дилафруз кўклам
Қўйди Ғиёсиддин уйига қадам.

Умр дарё мисол оқди бетиним,
Мавжидан маст эди Маъсума бегим.

Она саодати, қувончи бўлиб,
Умид осмонида юлдуздек кулиб,

Алишер қувончи оламни тутди,
Фарзанд иқболидан ўзи унутди.

Катта ҳавас билан кийинтириб у
Хушрафтор кўркини қилади орзу.

Оқ ювиб-тарайди, қундирмайди гард,
Хушғуй бўлсин, дейди, бўлсин, дейди мард!

Она суянч тоғи Алишер эрур,
Уни кутар илҳақ, жони беҳузур.

Маъсума тоқати булганида тоқ,
Кўчада кишнади саман аргумоқ.

Кўнгил уйи бирдан ёришгансимон,
У шаҳдам отилди дарвоза томон.

Падарининг қилиб умрини обод,
Алишер эгарда ўлтирарди шод.

Юлдуз каби чақнаб қора кўзлари,
«Онажон» — деб лабдан учди сўзлари.

¹ Мазмуни: Ришдмиз, ошиқлармиз, жаҳонни ур-товчи ёқавайронлармиз, сенинг гаминг давлати турганда жаҳон тугрисида ўйлаш нега керак.

Ғиёсиддин ўғлини юзидан ўниб,
Маъсумага тутди қалби эгтикиб.

Боши билан шўғиб умид наҳрига,
Она фарзандини босди бағрига.

IX

Келишдек юз очди наврўзи олам,
Олам дафтарида ўйнар нур қалам.

Қўён жилосидан чарақлар осмон,
Осмонда бир нарча булут саргардон.

Тоғлар бошдан олмиш оқ қалноғини,
Кун ўминин водийлар гул ёноғини.

Оламни чулғаминш қушлар овози,
Ғўёки чертилмиш табиат сози.

Ўзал табиатнинг саз кучоғида,
Ҳиротнинг жаннатдек сулим боғида,

Алишер сайр этар тоғаси билан:
Қалбида илҳому кўзлари шўх-шаън.

Бўя-басти келишган, ниҳолдек кўркам,
Гавдаси хипча-ю, кўринар уқтам.

Устида сурф кўйлак, бошида тақя,
Оёғида шиппак — наврўзий ҳадя.

Туйғун кўзларида теран ақл жамъ,
Лўнни юзларидан ўминин турт кўклам.

Алишер бог аро кезади хурсанд,
Сайроқи қушларга боқиб орзуманд.

Қушлар тилига гоҳ излаб таржимон,
Қалбини чулғайди ўгли ҳаяжон.

Завқи дилдан тошиб, термилар ҳайрон,
Тоғасин саволга тутади бийрон:

«Не хусусда кўйлар булбул тинимсиз,
Нечун шохдан-шоҳга утар, қўнимсиз?»

Тоғаси ҳайратда, тили эса лол,
Берилган саволдан юзи булур ол.

Фикрат тулпорига сўнг босиб эгар,
Олтин узангига оёгин қўяр:

«Булбул — гул ошиги, гул шайдосидур,
Гул ҳажрида ёнур, гул гадосидур.

Кўнглига гул ишқи солимишдир тугён,
Шул важҳдин беором, кўнгул тарҳи қон».

Алишер кўзлари порлаб чўғ мисол,
Савол гирдобида ўйланиб хиёл,

Яна тоғасига илтижо қилур,
Сўзлари, ажабки, оҳангдон булур:

«Қушлар ўз тилида не деб сўйлашур,
Балки, одам каби қушлар уйлашур?»

Залворди тоғ янглиғ босиб бу савка,
Тоғаси хаёлини тизгинлар дарҳол.

Вале таажжубдан уйга толади,
Алишер ақлига хайрон қолади.

Сарсари уйлари салт тушор гўё
Тўғидан чақнар хайратбахш зин:

«Қушлар ҳам одамдек азиз манжудот,
Уз тилида сўйлар ҳар қайси жонжот.

Қушлар ҳам севинур ва чекшинур гам,
Қушлар ҳам сўйлашур бамисли одам.

Шодликдан сайраса, чирқиллар гамдин,
Носа чекар, бири ўтса оламдин.

Қушларнинг ҳам ота-онаси бордур,
Бу олам боғида хонаси бордур».

Алишер мамнундай хайратли боқди,
Тоғаси кўзига журыатли боқди:

«Йўқса, ўқ узинур қушларга нечун?
Нечун тоғасини этинур забун?»

Нечун ўқ-эй қилур, отинур камон,
Қушларга гашими ва ёким инсон?»

Бу саволдан боқди тоғаси ерга,
Сўзлади, боғаро сайр этиб бирга:

«Бағри тош кимсалар қушга ўқ узур,
Халоват қасрини қузғундек бузур.

Аҳли башар, жиян, эмасдур иноқ,
Бири бирига ёв, дўстликдин йироқ.

Ўқ-эй ясагайлар гашим қасдида,
Ёғий бор бу дунё баланд-настида.

Башар фарзандидур барчаси гарчанд,
Меҳрин қилмаган дилига пайванд».

Алишер боши ҳам, уйланиб қолди,
Дунё савдосидан хаёлга толди.

X

Боғ сайридан қайтар Алишер хайрон,
Минг турли саволлар бошида гужгон.

Сарҳовуз ёнидан ўтаётган пайт
Отасин кўрди-да, даврада хушбахт,

Бағрига отиди, бир даста амир
Гўё Алишерга эди мунтазир.

Тожида дур порлаб офтоб нурида,
Шоҳруҳ ўлтирарди давра тўрида.

Али шоҳ қошида таъзимга келди
Ва аҳли даврага мамнун эгилди.

Зийрак Алишер ҳам тоғаси монанд
Таъзим бирла этди барчани хурсанд.

Хавасманд кузатди бу ҳолни Шоҳруҳ,
Юзида барқ урди саодатли руҳ.

Меҳри жўшиб кетди, бироз тиллаб қад,
Олиш ният билан тиллади омад.

«Отангдек улусда бўлини баҳодир,
Баҳодир кимсалар ҳар нинга қодир».

Кўзини кўксига қўйиб дилагун:
«Қуллуқ, шоҳим!» — деди Алишер мамнун.

Отаси ёнига ўлтирди келиб,
Лек сўлтон, кўзига ўгли тикилиб,

Деди: «Алишербек, отурсен камон?»
«Йўқ, тақсир!» — деди у, дилда хайжон. —

Фикрат камонидан ўқ оттум, аммо,
Илму назм этмиш фақирин шайдо».

«Во ажаб», — деди-да, Шоҳруҳ лол қолди,
Хайрат уммониди гўё йўқолди.

Ўт сўзли синоҳи от қўйиб илдам,
Сўхбат жипловини ушлади маҳкам:

«Раъийнингиз бўлмаса тийру камонга,
От миниб тушингиз, бўтам, майдонга».

Алишер кўзида қатъият ўти,
Шуурида эса фикр бургути

Нарвозга шайланиб ёзди-да қанот,
Синоҳига деди: «Бўласа гар бирот,

Майдонга тушурмен сиз каби, аммо,
От қўймоқдин фикр юритмак аъло.

Мен фикрат отида нарвоз этурмен,
Хаёли қанотида нурдин ўтурмен.

Юлдузли осмонга тикилсам бодор,
Кўнглимда замзама қилади анбор».

Хайрат тоғи босди анжуман аҳли,
Шоҳруҳ эслаб, деди халойиқ нақли:

«Қўчқор булар кўзининг пешонаси дўнг бўлур,
Шоир бўлар боланинг пешонаси кенг бўлур!»

Миннатдор тўйғуни кўриб кўздан,
Барча мамнун бўлди Шоҳруҳ сўздан.

Кўзларида ёниб ақл чироғи,
Алишер сўздан яшнаб дил боғи,

Ғиёсиддин сари боқиб оташин,
Домла Фасихиддин сўзлади вазмин:

«Фикрининг чақмоғи — илм чақмоғи,
Илм чақмоғидин олам чироғи.

Алишер фикрати тийри камондек,
Ақл кўлами кенг нилий осмондек.

Таъби эса нозик, зеҳнидир ўткур,
Хаёли қамровли — бургутдек учқур».

Қувонч офтобидан нурланиб юзи,
Манглайида порлаб толеъ юлдузи,

Углининг бошини силаб меҳрибон,
Ғиёсиддин боқди, дилида тугён.

Сухбат асносида топиб имконни,
Хазинадор деди сийлаб меҳмонни:

«Уғлонга ургатинг зар қадрин вале,
Башар умри обод савдо туфайли».

Утдай сачраб, деди яна сипоҳи,
(Қадалди барчанинг унга нигоҳи):

«Тижорат — нек ишдур ва лекин уғлон
Баҳодир эр бўлғай падарисимон.

Уқ-ёйга не етсун, кимки бўлса мард,
Элу юрт кўзига қўндирмағай гард».

Алишер ақлига ҳайрон қолиб, жим,
Бир четдан кузатиб турган мунажжим.

Деди, аста силаб кумуш соқолин:
«Берсин парвардигор умру иқболин.

Уқиб, мулло бўлсин, Улугбек монанд,
Юлдузлар этмишидир ҳаёлини банд».

Куллуқ қилиб, деди бахтиёр ота:
«Илоҳим, тангри бахт айласин ата».

Меҳр офтобидан сочилганда нур,
Мирсаид суҳбатдан қилиб завқ, ҳузур,

Қучиб жиянининг елкасидан шод,
Деди, гўё унга этгандек имдод:

«Алишербек севар назми ифрот,
Ғазал киншарида шаҳдам сурур от.

Бир ғазал уқиса, сизлар не дерсиз?
Анжуман ўтмағай Ҳирийда шеърсиз!»

Қувонч нури бўлиб жонга пайваста,
Ғиёсиддин деди ўғлига аста:

«Қани, уқинг, ўғлим, билурсиз-ку, ёд,
Шеър билан этгайсиз кўнгуллариш шод».

Чўкка тунди, қўлини қўйиб тизига,
Туйғулари отани селди сўзига:

«Бўлмаса гар ул санами гулшўр:
Бизга хазонтек ўла бу навбахор...»

Бир он сукут сақлаб, деди Алишер:
«Халқ уйини бузмўли ошиқнинг бул шеър.

Ҳазрат ғазаллари менга ёқур хўш,
Уқуған қўнданоқ кўнгулмўдур сархўш.

Сизга ҳам ёқурми назми, отажон?»
Алишер юзида нурли ҳаяжон.

Қўзлари севинчдан шод Ғиёсиддин
Ўғлини эркалаб, сўзлади назмин:

«Лутфий ҳазратлари менга ҳам мақбул,
Туркийий шуаро хоқонидур ул.

Ул зот неки айтмиш улус ёд билур,
Дилни ёруғ этмиш назми мисли нур».

Домла Фасиҳиддин гурур ичра гарқ,
Зукко кузларида таҳсин урар барқ:

«Сорбутут чиқажак бу полапондин,
Парвардигор, ўзинг асра ёмондин».

Домла дуо қилди, у билан бирга
«Омин!» — деб анжуман тўлди сурурга.

Ғиёсиддин эса қўли кўксига:
Қуллуқ қилди ҳамроз ёру дўстига.

Алишер юзлари оловдек ёнди,
Бошин қуйи эгиб, секин тўлғонди.

Мирсаид салафлар йўлини тутмиш,
Назмда Кобулий тахаллус этмиш.

Муҳаммад Алига ёр бўлиб илҳом,
Ғарибий деб олмиш улус ичра ном.

Кобулий эркалаб уни меҳрибон,
Юзланди укаси Ғарибий томон:

«Мавлоно, нечун сиз сақлайсиз сукут,
Е сизни Алишер этдими унут?»

Улуглар қошида сақлаб эҳтиром,
Лол бўлиб Алишер мадҳидан тамом,

Ўлтирган Ғарибий қалбида севинч,
Суҳбат оқимини кузатарди тинч:

«Туркий ила форсий — икки тилда ҳам
Алишер баравар шеър айтур кўркам.

Қўшлар тилига ҳам қўйгандур кўнгул,
Оромин йўқотур сайраса булбул.

Тангрига шукрим, ақлу ҳофиза
Бул ёнда кам учрар ноёб ҳодиса!»

Ғарибий сўздан топиб қаноат,
Кобулий қувониб деди: «Саодат

Офтоби кучмишидир Алишербекни,
Нурафиюн этгандек заминну кўкни.

Мавлоно Лутфийдин айтмиш ғазал
Туркий шеърятнинг кўрки, сайқали.

Туркий бир уммонким, мўлдил гавҳари,
Авжодлар назминни безагай зари.

Ҳазрат шул гавҳардин бўлмиш баҳрамалд,
Зар қадрини билими заргарга монанд.

На бўлғай, бу даврон шоцлари ҳам
Ҳазратдек туркийда шеър айтса кўркам».

«Мен туркий айтурмен!» — деб Алишербек,
Кобулий кўзига тикилди шердек.

XI

Ҳиротда энг кўркам нақшин дарвоза,
Шуҳрати оламга эрур овоза.

Шоҳруҳ мирзо ўтмиш бундан неча бор
Отини ўйнатиб мағрур, савлатдор.

Дарвоза ёнида соқчилар сергак,
Соҳиби даврондай керишар кўкрак.

Муҳташам бинолар боғнинг турида,
Ял-ял товланарди офтоб нурида.

Ҳаёт гулшанига бергандек оро,
Алишер сайр этиб юрмиш боғаро.

Дарахтлар шохида қафаслар — рангдор,
Қушлар тиним билмай сайрар оҳангдор.

Гоҳ тинар сайрандан, боқишар маънос,
Гоҳ тўхтар сакрашдан, ҳаёти маҳфуз.

Тути, бир нуқтадан узмасдан кўзин,
Такрорлар, соҳиби ўргатган сўзин.

Бедана, кўтариб боғни бошига,
Гўё Алишерни чорлар қошига.

Боғаро сайр этмиш товус хиромон,
Патлари камалак рангларисимон.

Алишер ҳайратдан ёқасин тутар,
Булбул кўз ёшидек дардин унутар.

Қушчи чол кетидан изма-из кезиб,
Унга саволларни ташлайди тизиб:

«Қушларни қафасда тутмушлар нечун?
Нечун қисматини этмушлар забун?»

Қушларки, яралмиш сайр этмак учун,
Ложевард осмонда тайр этмак учун!»

Фикратли саволдан қушчи чол ҳайрон,
Ўйлайди: болакай мунча ҳам бийрон.

Ёйсимон қошини чимириб хиёл,
Алишер кўзига боқади хушхол:

«Азалдин хуш кўрмуш қушларни инсон,
Қушлар бирлан ҳаёт боғи гулистон.

Хушнаво қушларни қафасда тутмиш,
Сайраса, одамзод дардин унутмиш.

Тути, бўлса ҳамки ҳуснида танҳо,
Хушвозни ҳаёт кўрмамиш раво.

Қафасга тушмиш ул ҳусни учун лек
Бойқуш — озод, чунки овози хунук.

Бул дунё шунақа яралмиш, бутам,
Тугунин ечолмай ўтурмиш биз ҳам».

Бошида саволлар қурса-да гужгон,
Чол сўзлари мағзин чақайтган он,

Боғаро талниниб мисли шўҳ дарё
Шаҳзода Ҳусайн бўлмишдир пайдо.

Кўзларида унинг ўтли шижоат,
Юзларида эса нузли саодат.

Ноёб ипак салла порлар бошида,
Олам жилва қилар гўё қошида.

Қирмизи бахмал тўн устида ёнар,
Оёғида зарҳал этик товланар.

Белини безамиш ҳаворанг камар,
Камарда — кичкина олтин соп ханжар.

Бургут боласига ўхшар Ҳусайн,
Чўққига қўнмоқни истар Ҳусайн.

Етти баҳор унга бағрини очмиш,
Пойига турфа ранг гулларни сочмиш.

Деди, қизгин боқиб Алишерга у:
«Нетурсен, кўзингда ўтли бир орзу?»

Алишер сўйлайди: «Ажабсан, ошна,
Сайроқи қушларни қилгум томоша».

«Томоша қилмоқдин сенга не фойда?» —
Кибру ҳаво билан деди шаҳзода.

Алишер

Қушларнинг нағмаси мени юпатмиш,
Кўнглимда ажойиб ҳислар уйғотмиш.

Ҳусайн

Қушлар беҳисобдур ушбу чаманда,
Аммо кабутарга ихлос зур маида.

Алишер

Ана, қаср узра, боқинг, шаҳзода,
Кабутар рақс этиб учмиш фазода.

Ҳусайн

Кабутар чарх урса, тинчим йўқолгай,
Кўзларим осмонга ўқдек қадалгай.

Алишер

Шафақ эллиғидин қанотлари зар,
Сайр этар гўёки кўкда парилар.

Мен ҳам севадурмен кабутарларни,
Оромимни бузмиш шўҳ париларни.

Ҳусайн

Дон сочиб чорлаймиш, Алишер, отлан,
Том бошига чиқмак эрсанг, қанотлан.

Қушчи чол

Шаҳзода, эҳтиёт бўлинг, шотиға,
Қамчи босманг асов, шўхлик отиға.

Ҳусайн

Кўнгли ўтдуг бўлса — бола шўҳ бўлур,
Бола шўҳ бўлса гар дилда чўғ бўлур.

Алишер

Биздин ҳеч хавотир чекманг, бобожон,
Кабутарлар ерга тушур, сочсак дон...

Болалар қасрга отланди шаҳдам,
Қушчи қараб қолди — кичриклари нам.

Қабутар рақсидан роса қилиб занқ,
Булоқдай жўш уриб қалбларида шавқ.

Танқари ҳокимга кирганлари он
Одам камроқ эди, бир неча нобон,

Сондай жим эди, турарди қотиб,
Алишер тикилди хайлга ботиб.

Ҳусайн шивирлаб дедики: «Ҳазрат
Ором олур, балки, тугаб машварат».

Сўнгра кулиб, деди истехо билан:
«Бечора кексайди, бошида туман».

Улуғ бобомиздан бир ўзи қолминн,
Улуғ гавгалари тинчини олминн».

Алишер кўзлари ўган порқиди,
Шаҳюдани жа қушчи чорқиди.

Алиш волидаси шитвор кутминн,
Ҳусайн йўлига илҳақ кўз тутминн.

Бу ҳолдан шаҳюда ўкениди бир оз
Ва лекин қилади унга элтироз.

Салмоқлаб деди у — «Алишербек, хайр!
Эртага қилурмиз бафуржа сайр».

Ва қўшиб қўйди у: «Йўқлармен сизни,
Қўнглим қўмсар дилкан суҳбатингизни».

Алишер жилмайди: «Хайр, шаҳюда!
Юлдузлар учқулаб қолминн самода».

Яхши бординг, сиздин қўнглим эрур шод,
Тонг билан этурмиа боғларини обод».

«Хайр, Алишербек!» — чақнаб кўзлари
Ҳусайн лабидан учди сўзлари.

Шу он навкар бўлиб от билан ҳозир,
Деди: «Волидангиз сизга муғтазир».

Уангига Ҳусайн қўйди-да оёқ
Эгарда ўт сочди мисоли чақмоқ.

Дарвоза очилди, икки отлиқ шўх
Кўчага отилди — кўзларда шукўх.

Алишер ўйлаиб бир ўзи қолди,
Ичкари ҳокимга сўнгра йўл олди.

Унда синарқандлик айи меҳмонлар
Шавинга зийрат берминн меҳмонлар.

Баамга бош эди Гавҳарнодбегим
(Кексаликинн, ахир, тап олинбди ким!)

Мункиллаб қолса-да, ўзига хондир,
Ҳар сўзи шоҳга ҳам худди фармондир.

Қари маликанинг ҳавоши балаид,
Амрига бош эгар Ҳирот, Самарқанд.

Шоҳруҳ не, йироқда бўлса-да, бу дам
Дастур бериб турар Улуғбекка ҳам.

Алишер, ҳокимга қўйдию қадам,
Ўзини унутди, ўзга бир олам —

Қўшиғу мусиқа бағрида қолди,
Нари раққосалар хайлини олди.

Баам гулшанида кезди-да, хурсанд,
Волидасинн ишлаб, боқди орауманд.

Маликалар ичра қирмизи гулдек
Маъсума ўлтирминн — қабоғи шилдек.

Алишер жувоқлар ёнидан ўтди,
Оҳиста онасинн қўлидан тутди.

XII

Сахний кўз оҳиста эшик қоқмоқда,
Ҳиридул сувлари сокин оқмоқда.

Қўшн ҳам кезмакда кўкда муҳташам,
Тоғлардан эмакда шамол муғташам.

Дарахтлар учи ҳам олтинланмоқда,
Ҳақкаю қаргалар кўзи ёноқда.

Янги тахтачани қўлтиқлаб маҳкам,
Орзу тулпорида Алишер хуррам.

Бошида — кичкина оқ салла, кўркам,
Оёғида — хиром эликча, шинам.

Муллабқа кўйлак устидан адрас
Тўшинн кийиб олган, кўзида ҳавас.

Отаси — Ёлма-ён, умиди улкан,
Мақтаб сари елар фарқасиди билан.

Ўғлидай хурсанддир Ғиёсиддин ҳам,
Бундайди кун умрида учрар камдан-кам.

Нўртана қилминдир томирида қон,
Туйғулар қалбида ўрминдир туйён.

Ҳайт кўзларига жонон кўринур,
Мақсад чуққисидан жаҳон кўринур.

Боғ сари бурилгач, ўтиб гузардан,
Кўзлари қаманди ажиб манзардан:

Серсоя дарахтлар қўйнида мактаб,
Бағрини очгандек ўғлига қараб:

«Домулла улуғ ва муғтабар одам,
Ассалом дегинда, қўлинн ўн, болам».

Алишербек деди: «Ёдда тутурмен,
Айтминн сўзингизни бажо этурмен».

Ғиёсиддин кезиб тилак боғида,
Мақтаб хонасига кирган чоғида,

Бир лаҳза тинди-да, ўқинн шовқини,
Болалар дув этиб турди-да, уни

Салом-ла, қаршилаб таъзим этдилар,
Сунг бирдан чўкишди — хурсанд эдилар.

Алишер қўлидан ушлаганча у,
Қалбида ўтланиб олий ҳис-туйғу,

Домлага ҳурмат-ла, берди-да салом,
Қуришди... Алишер сақлаб аҳтиром,

Деди: «Ассалому алайкум, тақсир!»
Ва ўпди домланинг қўлини масрур.

«Боракаллоҳ, ўғлон!» — Домла олқади,
Миннатдор кўзида севинч балқиди:

«Алишербек туйғун, зийрак ўғлондур,
Салоҳиятли ва тийрак ўғлондур».

Ғиёсиддин уни мамнун кузатди,
Тугуну яна ўн тилло узатди.

Домла қуллуқ қилди, жилмайди хурсанд:
«Ўғлон мулла бўлғай отаси монанд».

Дуо қилиб, қўлин юзига сурди,
Алишер кўзида ҳайратни кўрди.

«Ташаккур, домулла!» — деб Ғиёсиддин,
Ташқарига чиқди, қутлуғ эди кун!

XIII

Ҳиротда бор эди мўсафид найсоз
Най ясаб, эл ичра тонганди эъвоз.

Нонини еярди беминнат, ҳалол,
Лек боши ҳам эди мисли мажнунтол.

Ўзидек мункиллаб қолган кампири
Унга таянч эди, эди ғамхўри.

Чол-кампир яшарди шаҳар четида,
Зилол Ҳирируднинг кунгай бетида.

Қаттиқ шамол турса — қулаб кеттудай,
Қавми йуқ — йиқилса, қўлдан туттудай.

Кимнинг иши тушса — чол булар азиз,
Юмушсиз кимсалар йўқламас ҳаргиз.

Супрадек ҳовлида қилмиш зироат,
Қулбаси ўзидек ғариб, омонат.

Бисоти — қирчанги бир эшак, холос.
Яна кўрпа-тўшак ва жулдур полос.

Мўсафид умрига бўлгандек гаров,
Ризқи-рўзи эди найсознинг гаров.

Алишербек ишқи тушгандан найга,
Отаси бош уриб, бормади қайга!

Мансур мирзо этмиш мушкулни осон,
Найсозга азалдан эди меҳрибон.

Ота-бола ҳаддан зиёд шодланмиш,
Себзор қишлоғига тонг-ла отланмиш.

Қидириб тонмишлар чол қулбасини,
Тоғларга сочганда кун шуъласини.

Дарвозани очиб соҳиби даргоҳ,
Меҳмонларга синчков ташлади нигоҳ.

«Хуш келибсиз, тақсир!» — дея чорламиш,
Хурсандлик утидан кўзи порламиш.

Алишерни ота тизидан олиб,
Бағрига босди у, меҳри қўзғолиб,

Ғиёсиддин отдан тушди-да чаққон,
Чол билан кўришди мисли қадрдон.

Уста, от жиловин қўлидан олиб,
Тутта боғлаб қўйди, сунг емиш солиб,

Азиз меҳмонларга бўлди-да пешрав,
Ҳовлига бошлади — юриши хушрав.

Чорхари хонада ўтқазди тўрга,
Хона тўлиб кетди гўёки нурга.

Таомилга кўра, ёзди дастурхон.
Ночор турмушидан иймангансимон,

Сонол пиёлада кук чой узатди.
Мева-чева қўйиб, нонини ушатди.

Меҳмонлар озгина қилгач тановул,
Ўзрли боқди-да, сўраб қолди ул:

«Сизларни учирди қай шамол, тақсир,
Қулбаи ғарибни этмишсиз маъмур».

Устага курсатиб чексиз аҳтиром,
Ғиёсиддин деди: «Кўнгул этмиш ком».

Сунг эса танитди унга ўзини,
Безади Алишер номи сўзини:

«Сиз сари учирди найнинг садоси,
Ўғлимиз бўлмишдир анинг шайдоси.

Кўнглига оҳанги бўлмиш пайваста,
Хушнаво най ясаб бергайсиз, уста?»

Шундоқми, кўзичоқ?» — ўглин эркалаб,
Жилмайиб қўйди у устага қараб:

«Ҳа, шундоқ, отажон! Найнинг навоси
Кўнглимни забт этмиш, хушдир садоси!»

Мойдек ёқиб тушди устага бу гап
Ва деди қувончдан кўзлари порлаб:

«Алишербек исми жисмига мосдур,
Машойихлар гапи, амирим, ростдур.

Ўғлоннинг қарашини нақ тоғ бургути,
Кўзида кўринмиш кўкрагин ути.

Найми, майли найга садқа бўлғай жон,
Най чалиб, шод қилсун барчани ўғлон».

«Қуллуқ!» — деб юзланди унга Алишер,
«Офарин, уста!» — деб бош эгди амир:

«Сиздин бағоят мод аҳли найнавоз,
Найсиз мақомига етмас эрмин саз.

Найингиз шухрати тутмин Хиротин,
Билмакин негаймен бул синовтин».

Уста хайрат неча боқди-да, кулиб,
Чой ҳушлаб, сўзлади юраги тўлиб:

«Ғоят бахтиёрмен сизни кўрмақдин,
Сиз бирла кулбамда сўхбат қурмақдин.

Эшитган эрдим мен таърифингизни,
Қадрингиз баланддур улусда сизни.

Коникийди, улусда сиздек баҳодир,
Эларвар кимсалар кўн бўлса, амир.

Афсуски, бармоқдек сапоқли эрур,
Милтиллаб ёлғондек зулмат неча нур».

Уста таърифидин тортиб хижолат,
Ғиёсидин узрли жилмайди фақат.

Ва деди: «Хизматга белли боғлабмен,
Улус неки деса, ўзин чоғлабмен.

Беш панжа баробар эмасдур, уста,
Даврон осойини элга вобаста.

Эл улкан денгиздур, билмас осойини,
Лек қилур тўфонда ўзин намойини».

Жумбоқли туғуни счган каби чол,
Қўзлари ўтганиб, деди сўзамол:

«Амирлар шафқатсиз, қўзлари ўқтур,
Зулмдин улуснинг напоҳи йўқтур.

Шоҳруҳ мирзо эса, афсуски, билмас,
Ҳокиму беқлари мурувват қилмас.

На чора, эл хароб — бечораҳолдур,
Ким билгай, балки, бул ўткич шамолдур...

Амирим, фақирин тутгайсиз маздур,
Алишербек бўлмин кўнглимга манзур.

Най ясаб бергаймен анга беназир,
Турфа оҳангидин этгай муфтахир».

Найсоз сўзини олди, юзи руҳланди,
Сўздан Алишер қўзлари ёнди:

«Бобожон, токи най бўлгунча гаров,
Табият неча йил этминдир сийлов?»

Ҳайратдан жонланди уста сурати,
Ўтли ҳаяжондан ёнди сийрати:

Уч ёнда гаровдан най қилса бўлур,
Най бўлай дебон ул ҳусна тўлур».

Алишер устага айлади қуллуқ,
Бола-да, саволи сон-сапоги йўқ.

«Бобожон, сиз найни чалурмисиз хуш,
Тингласа, қушлар ҳам бўлгайми сархуш?»

Ким сизга ўрагтмин ажиб хунарин,
Хуналар қасрига зоб ила зарин?»

Уста бу саволини кутмаганид ҳеч,
Сўзин олиб, деди сўргандек ўткич:

«Беш кушлик дунёда бул ғариб бондин
Не савдо кечмади, бон экан тондин.

Қирчиллама йинит эдим бир замон,
Қилич солсам, тоғ ҳам бўларди яксон.

Чапдаст аскар эдим Амир Темурга,
Не юртлар олмадим ҳазрат-ла бирга.

Налахмон тошидек отди лек даврон,
Оқибат, тушганим бўлмин Хурожон.

Самарқанд диври эди ватаним,
Қисмат-да, Хирийдир бугун масканим.

Найсозлик фақирга ота хунардир,
Хунар ҳам ҳумодек бонга қўнардир.

Чалмасмен, нафасим етмайдур, ўзлон,
Хуш чалур азалдин кимки навқирон».

Ғиёсидин, хомун тинглаб устани,
Бонига кўгарди дили хастанни:

«Банаар боғида ким бўлса хунарманд,
Номини айлагай улус сарбаланд».

Хунари тонгандек қадр ва эъзоз,
«Ташаккур, амир!» — деб жилмайди найсоз.

XIV

Катта боғ қўйнида кўркам иморат,
Илм дунёсидан бермин башорат.

Қай фарзанд бўлса гар олий насабдан
Таълим олур махсус ушбу мактабдан.

Алишер ҳам қўйиб саҳнига қадм
Идрок-ла ўзини тутмин мунтазам.

Тонг билан болалар кийиниб башанг,
Мактаб қучоғини этмин сероҳанг.

Токчали хонақоҳ, қўзларин тикиб,
Болалар ўлтирмин қатор, тиз чўкиб.

Ёнда қора тахта, қўзларда қуръон,
Қироат этмакка тиллари бийрон.

Турда ёзилминдир хирий ғилами,
Ғиламда акс этмин хунар кўклами.

Қат-қат кўрначада домла ўлтирмин,
Бонига ярашиқ салла қўндирмин.

Узун адрас тўнга ўралиб олмин,
Салюбат-ла, жиддий ниғоҳин солмин.

Хушчехра бўлса-да, қовоғи солиқ,
Болалар ботиниб этолмайди миқ.

Отадек гамхўр у, кўнгида меҳр,
Юзида ясама таҳдид ва сеҳр.

Болалар боқинлар ҳайиққаннамо,
Домла нахосдан гар жиламайса, аммо,

Хонани қонлайди шовқини сурон,
Бир ёқда қолади тахтаю қурьон.

Узун жингилтаёқ шунда қўл келар,
Тўполон қилганинг адабини тилар.

Шаҳзодалар эса боқинлар мағрур:
Бешкидаёқ саниган руҳига гурур.

Бу гурурини қанда этмайди бир дам,
Домладан таёқлар еганида ҳам.

Уларнинг мақсади ўзга юмушдир:
Ўқ ўзини, от чонини, қилнч солинидир.

• Ина совуғ-қалқон, келажакда ким
Қайси юртин олар, қасрга ҳоким?

Уларга кор қилмас домла чораси,
Мақсади сабоқ ва тахт можажаси.

Ўқинига кўнгимини Алишербек ҳам
Алифбонин ёзлаб олинидир бу дам.

Ҳафтияк ўқинига ислам ўтганда,
Мақтаб русумини этмасдан қанда

Домлага уйдан куймоқ келтирмини,
Офарин эшитиб, хурсанд ўлтирмини.

Ёнида Хусайн — Ўн улдуғроқ,
У билан дўст бўлиб кетинган биروق.

Алишер қоқилса ҳафтиякдан сал,
Хусайн кўмакка келади ҳар гал.

Талабалар турли ёндадир гарчанд,
Ҳар бири ўзича қироатла банд.

Бирини алифбодан оқса илк сабоқ,
Бирини ҳафтиякдан кўз узмас, чанқоқ.

Хона тўлиб кетмини вағир-буғурга,
Болалар дарсини тунунар зўрга.

Қулоқини қоматга келтирар шовқин,
Бирини ўқиндан тўхтаб, оқса тин.

Домла жаҳли чиқиб, қабоқ уяди,
Ёки таёқ билан «силаб» қўяди.

Болаларга беҳад бўлса-да гамхўр,
Шафқат офтобидан таратса-да нур.

Меҳрини жилокдаб прода билан,
Бакдан юзда қатъий ифода билан

Муомала қилар, булар қаттиққўл,
Унга ярашарди ҳар гал бу усул.

Юмшоқ табиат ва кўнгилачан бу зот
Хиротда чиқарган эди яхши от.

Олий тонфага мансуб бўлса ким,
Унга фарзандини кўрарди лозим.

Талабалар ундан қўрқса-да гарчанд
Меҳрини қалбига этмишдир пайванд.

У эса берарди билимини пухта,
Билимга одобни этмиш омухта.

«Ўзиб ичирарди» тавозеъни ҳам,
Ўзидек бўлсин деб элда муҳтарам.

Болалар ўқиндан толиққани дам,
Хира торганида қўзлар мисли шамъ,

Ёнида тахлоглик китобдан олиб,
Болаларга синов назарин солиб,

Маълум саҳифани очиб қўзатар,
Сўнг эса халфага мамнун ўзатар.

Халфага етганда навбат ниҳоят,
Болалар шодланиб кетинлар гоят.

Халфа тарк этмасдан ўз одатини,
Ўқийди завқ билан ҳикоятини.

Назм гулшанида сайри боғ этиб,
Хайл оғушида ўзини унутиб,

Болалар миқ этмай қулоқ солинлар,
Ажиб ҳикоятдан ором олинлар.

Домлага ўзатар халфа китобини,
Ўзича қўлида тутиб оқитобини.

Бу китоб — Саъдийнинг «Гулистон»идир,
Эзгулик маҳзани, маълум китобидир.

Рухи сенил тортиб, болалар яна
Қироатини болалар, дилда нўргана.

Ина бошланади хонада сурон,
Ина ҳижжаклашар суран қурьон.

Асло парю қилмай гала-ғонурга,
Алишер шуурини чулғамини нурга.

Банд этмини дарсининг зеру забарни,
Чарх урминини бошида фикрат кайтарни.

Шаҳзода Хусайн қўзатар хурсанд,
Дўст меҳрини этмишдир юрагини банд.

Унга кўмаклашар ўз дарсини қилиб,
Тахтасига чизар савоғич олиб.

Алишер бу ҳолдан нижаса-да сал
Дўстига сездирмас ва бермас халал.

Гарчанд Хусайндан эҳидидир тийрак,
Дўстини аяйди, ақидидир зийрак.

Дарс билан машғулдир икки қадрдон,
Домла умид билан боқар меҳрибон!

XV

Хирот ҳалжонда, Хирот тўғида,
Хирот талмасида, Хирот фиғонда...

Қўён юзин тўсмин қора булуслар,
Тогларни тарк этмин гўё бургутлар.

Туман босиб келар Қўхи Сибҳдан,
Совуқ шамол эса Ҳиррирд Ғўдан.

Қуюнда қолгандек учқунлайди қор,
Кенг дунё қафасдай кўринадн тор.

Гурас-гурас бўлиб аламзада эл
Куча-кўйдан оқар мисли тошқин сел.

Уммондек чайқалар Чорсу майдони,
Бўғизга тиқилминн халойиқ жони:

Рагнар хунармандлар, юнун дехқонлар,
Жулдуз чорикорлар, фақир чўноқлар

Туда-туда бўлиб маҳзун сўзланур,
Ғам-алам даштида гирён бузланур.

Юзларга ниминдир қайғу кукунн,
Кўзларда чақнаминн ғазаб учқунн.

Сарбозлар, қулида ўйнатиб дарра,
Майдонда юришар, солгандек ларза.

Дуқ ва зугум ила ўқрайиб қарар,
Кимки ғавго қилса, тазирин берар.

Майдон уртасида серрайминн дорлар,
Улим тимсолидай хўмрайминн дорлар.

Дорларда сиртмоқди чилвир тебранар,
Жабрнок халойиқ боқиб, мунғаяр.

Оломон сафидан туртиниб, ҳай-ҳай,
Майдонга талшинар икки болакай.

Бирн — Ҳусайн мирзо, дорин неча бор
Кўриб, кўзи пишган, юзида виқор.

Бирн — Алишербек, умрида асло
Кўрмаган, эшитган булса-да, аммо.

Пешинда — мактабдан қайтаётган он
Эл билан тўлганда каттакон майдон,

Қулогин тугди-да мудҳиш хабарга,
Ғамгин нигоҳ солди аянч манзарга.

Ҳусайн, қўймасдан ҳоли-жонига,
Етаклади уни алам конига:

«Маҳбусларга қандоқ берилур жазо,
Кўрурсен ва лекин қўрқмагинн асло»

Деди-да, ўзини тугиб мардона,
Отидди чайқалиб турган майдонга.

Дорлар атрофида одам эди лиқ,
Алишербек боқар, қовоғи солиқ.

Ҳислари паришон, ичида титроқ,
Кўнгли ёришмайди ёқса-да чироқ.

Қўлтигида жилди, тахтачаси ҳам,
Дорга боққан ҳамон боши булар ҳам.

Алишер қонида найсоз — қадди дол,
Асога ташиб, ўйлашар алҳол.

Кўзига шонмай, боқди-да бир дам,
Энганиб деди у: «Натурсен, бўтам?»

Уйинга кета қол, дор деган бало
Ҳафта сайини бўлиб турминн бир савдо.

Жаҳаннам даҳнатинн кўрма, кўй, болам,
Бегуноҳ бандига қафас бу олам».

Алишер ўқиниб боқди-да ҳайрон,
Деди: «Не воқеа ўзи, буважон?»

Найсоз чол ҳайиқиб, деди оҳишта
(Қалтираб оёқин чиқарди хашта):

«Э, бўтам, жойимас, гап кўн дунёда,
Ким ночор, дард-ғамн эрур зинёда.

Жаҳон айвонида золимлар устун,
Камбағал кимсанинн толеъи забун.

Қишлоқ дехқонларн, чорикорларн,
Замининн титратиб оҳу зорларн,

Қўзғалон кўтарминн беклар зулмидин,
Айрилиб ризқ-рузи, еру мулкидин.

Бекларнинг қулида минг-минг таноб ер,
Сандиғига снғмас тиллоси, ахир.

Бўтам, бу фалакдир чархи кажрафтор;
Адолат талабнинг қисматишдур дор».

Ҳусайн, найсозга боқиб такаббур,
Бир ғариб кимса, деб этди тасаввур.

Шу пайт «пўшт, пўшт!» деган хитоб таралди,
Кўзлар дор томонга ўқдек қадалди.

Оёғи кишанбанд — қўроғошиндай зил,
Усти-боши жулдур, рагн-руйн заҳил

Ўн чоғлик маҳбусни олиб зиндондан,
Жаллодлар келарди раста томондан.

Маҳбуслар оёғин судрарди зўрга,
(Ўз оёғи бирла ким бормиш гўрга!)

Дор тағига келган пайтда маҳбуслар,
Оломон чайқалди, ёшланди кўзлар.

Қора дажвол янглиғ солди-да ваҳм,
Бойқушдек кўзлари чақнаб бераҳм.

Аълам ҳазратларин ноибн шу он
Пайдо бўлди, юзи арвоҳдек беқон.

Овоз кўтарилди майдонда гуррос,
Шайланиб турса-да, қанчалаб сарбоз.

Сарбозлар бостиргач эл суронини,
Ноиб огоҳ этди шоҳ фармониңи:

Маҳбуслар ўлимга ҳукм қилинмиш,
Исёнчилар боши дорга илинмиш.

Ҳеч ким чурқ этмайди, барча сукутда,
Йонлар жиганақдир гўёки ўтда.

Ўнкалари тўлиб хўрсинар гамнок,
Юраклар газабдан тенар аламнок.

Маҳбуслар рин-рўин бўлдек оқарган,
Запжирбанд қўллари эса қабарган.

Қавму қариндоши кўтарса увюс,
Дўқ билан овқини бўғди сарбос.

Йиғидан толиққан Алшшер кўнгли,
Дорга тикилади, қўллари мунгли.

Ҳусайн кўзида ёиса-да шафқат,
Доренз бўлмаган, деб ўйлар салтанат.

Алшшербек янглиг аламийда чол
Хира қўлларида аламни савол:

«Бор етти пунгани қўллайдди, бўтам,
Йўқ қўллайд олмаган ҳатто ўзин ҳам.

Ё раббим, ҳақиқат бир гавҳар эрур,
Бир кўни оқибат ул ошкор бўлур!»

Чол сўзин мағзини чақиб Алшшер,
Ақли шинган каби пунга қараб дер:

«Буважон, қизганур, маҳбусларин эл,
Қаранг, қўлларига, ёни бўлмин сел.

Аларнинг ҳолига йиғлайди шаҳар,
Шунча бағри тоинми шохнинг, алҳазар!»

Мудҳини сукут чўқди майдонга ногоҳ,
Қўрғошиндек қотди мин-минглаб ногоҳ.

Дехқонлар бошига жаллодлар абжир
Ажал қончиқларин кийидири бир-бир.

Сўнг эса дорларга тортиб юборди,
Умр дарахтларин тубдан қўнорди.

Юзлари тош янглиг ёвуз жаллодлар,
Қўллари тикандек қаттиқ муртадлар

Гўн қилмининдан мамундек қотди,
Ғариб оломонда газаб қўзғотди.

Даҳшатли сукунат майдонга чўқди,
Бу фожеъ чинордек қадларин буқди.

Алшшер жиемин босди зўр титроқ,
Ортиқ азобларга чидаммай шу чоқ

Оломон ичидан чиқди отилиб
Ва чоиди уйига, кўнгли ботиниб —

Орқага қаролмас, қувғандек биров,
Ўксиниб йиғлайди, кўз ёши — олов!

XVI

Кулранг қанотини ёзиб, кўнди шом,
Юлдузлар заминга йўллади салом.

Намози асрдан сўнг Ғиёсиддин
Хонада ёнбошлаб, олар эди тин.

Кўнунча тўлдириб кўнглин бегумон
Она-бола қайтмин меҳмондан шодон.

Хонзодабегимини элжонлаб хунбахт
Ферузабегим шаъи бермин зифат.

Алшшерин босиб бағрига мамун:
«Қани сўзланг, ўғлим», — дер Ғиёсиддин.

Отаси ёнида тиз чўкиб дилгир
Кўрганни сўзлади Алшшер бир-бир:

«Ҳиротта эгандек Кўҳакдин пасим,
Самарқанддин келимин Хонзодабегим.

Шаҳзодаю беклар бўлмин жамъ-улжамъ,
Улуғ зотлар эрса кўн эди бирам.

Абдуллатиф мирзо эмаскан тузук,
Мушоқаша қилмин бегим-ла хунук.

Надари бузургин кўраркан ёмон,
Ақлим бовар қилмас, нечун, отажон?

Тагин таибех берди Ҳусайнга ҳам
Ва эди ҳамманин қошида музам.

Ўғлин ўтқир зехин, мушоқаша,
Равшан фикратини мулоҳазаси

Ота юрагида ҳавас қўзғатур,
Сўллари парвозин хунуд қўзғатур:

«Хунгатаб созандалар, шўх раққосалар
Ажиб базм қурди, дилкан наволар

Кўнгулмга ўт соғди, газалларга жўр
Рақсин севамен, қилтурмен хузур».

Маъсума ўғлини эркалаб, қучди:
Ниста даҳанидан сўллари учди:

«Қилу қолнгача қилдинг ҳикоя,
Ҳоридинг, болажон, билюншоя.

Энди ётиб ухла, ором ол бир оз,
Эрталаб мактабга борурсен, шовхоз.

Зифатда бўлмин гап-сўзин унут,
Ҳали ёисен, мисли полапон бургут».

Ғиёсиддин бағрин босиб ҳаяжон,
«Нима гап?» дегандай боқди меҳрибон.

Маъсума бир лаҳза хайлга ботди,
Дилида юк бўлмин дардин қўзғотди:

«Абдуллатиф мирзо галатироқ-да,
Тинч юрмайдур ҳатто юртдин йироқ-да.

Хонзода дедиким: «Ҳазрати ҳоқон
Соғинмин, қўллари йўлга ниғорон».

Буюрмин: «Тарк этсин мулки Ҳиротин,
Самарқанд сарига жилдирсин отин».

Абдуллатиф эса жилмайди совуқ
Ва деди бегимга, сўзи мисли ўқ:

«Янги мадрасага не хат битилмиш?
Аёлу эркакии Ҳазрат тенг қилмиш!

Даҳрий илмларга йўл қўймоқда шоҳ,
Динга шак келтириб, қилмакда гуноҳ.

Оллоҳ таолонинг қаҳри ёмондур,
Ҳазратдин қўрқамен, дилда фиғондур».

Барча сукут қилди, бошлар эди ҳам,
Хонзода куйиниб, чекарди алам:

«Подшоҳи оламнинг покдур иймони,
Исломи дини учун қўрбондур жони.

Динга мустаҳкамдур эътиқодлари,
Илму урфоннинг ҳам эрур сарвари».

Шаҳзода жаҳлдан бузариб кетди,
Аммасидан ўзин баландроқ тутди:

«Биз ҳам қадрлаймиз илму урфони,
Лек баланд кўюрмиз дини ислумни.

Аъло ҳазрат эса юлдуздин ўзга
Нарсани, Қўшчидек илмайдур кўзга.

Азиз вақтин сарфлаб «зиж» билан банддур,
Тузмиш жадвалидин ўзи хурсанддур.

Уламою шайхлар хоки туробдур,
Дарवेशлар ҳазратдин ўта хунобдур.

Ниятлари бордур: кўтармак исён,
Шул ваҳждин камина дилгир, бағри қон».

Анжуманга қараб, деди Хонзода:
«Ғалати гапларни қўйинг, шаҳзода,

Ҳазратнинг Оллоҳга эътиқоди зўр,
Улус осойишин уйлаб иш тутур.

Тадбири одилдир, элга меҳрибон,
Шайху уламолар тинчдир бегумон».

Зарда билан, деди жеркиб шаҳзода:
«Хаммаси нуч хаёл, гап кўн подшоода».

Мансур мирзо бўлиб унга фикрдон,
Салмоқлашиб, деди ердан олмаи бон:

«Султон Улугбекнинг илкига қарар
Самарқанддин тортиб Қўшчоққа қадар.

Улуг мамлакатга бўлса-да хоқон,
Нўноқлик қилмакда, афеуски, султон.

Фалакиёғ бирла бўлиб овора
Диний илмларни унутмиш, зеро,

Исломи давлатининг оғтобибдур дин,
Ул сўнса, туголмас шамширини қин.

Шаҳзода шул ваҳждин чекмакда афеус,
Дин танҳо, лек кўкда беҳисоб юлдуз».

Эл ичра обрўли Қўшқонбек барлоғ
Қонда қайнади гўё аҳтирос:

«Содиқ аскар эдим улуг хоқонга,
Меҳри қон сингари сингимиш жонга,

Ул чоғлар шамолдек ўтиб кетмишдур,
Хотирот китобин хаёл титмишдур.

Улугбек мирзони жонидин ортуқ
Қуради Темурбек, кўнгли эди туқ.

Дердилар: ул бузург саркарда бўлғай,
Илкида мамлакат толеми кулғай.

Нек орау ушалмиш, алҳамдулиллоҳ,
Улугбек бўлмишлар олим, одил шоҳ.

Олам тилсимини, фалак сирини
Билмакка сарф этур тафаккурини,

Думалоқ демишлар ер қуррасини,
Юлдузлар ўрамини ой теграсини.

Юзида бор эмиш қон-қора доғлар,
Эътироф этмушлар: бул эмин тоғлар.

Юлдузлар йўлин ҳам билиб олмишлар,
Канфидин улуғлар ҳайрон қолмишлар.

Ё оллоҳ, асрагин ўз паноҳингда,
Қорачиғдек туткил кўз — нигоҳингда».

Барлоғ сукут сақлаб, уйланди бир дам,
Аҳли мажлис ташвиш чеккандек мубҳам,

Ким тинглар, ким эса қилмайди парво,
Ким хурсанд, кимнингдир кўнглида игво:

«Энди билсам, ўткир қўли Темурбек
Султон истиқболни ёритмиш нурдек.

Беш-олти ёшида қилмиш каромат
Ва сочмиш бошидин дурри саодат.

Шоҳлар аро қўллон юлдуз Улугбек,
Илму урфонда ҳам тенгсиз Улугбек!

Самарқанд сингари бўлсин, деб кўркем,
Мадраса қурдирмиш Бухорода ҳам.

Қўли муслим ҳамда муслималарга
Илм талаби фарздур дебон илк карра

Анинг пештоқиға тамго қилмишдур,
Лек мутаассиблар гавағо қилмишдур.

Бўлди деб динимиз ер билан яксон
Султон Улугбекка этмушлар бўхтон».

Отаси ёшида Ҳусайн мирзо
Сўхбат манзулдан бўлиб порисо,

Алишербек янглиғ боқар эди эл,
Меҳрини тортибди доно барлоғ чол.

Барлоғни танирди Алишербек ҳам,
Отаси қонда эди муҳтарам.

Уйларида меҳмон бўлмиш неча бор,
Рост сўзлар, адолат тоқсин, дер, қарор.

Мансур мирзо эва ўйга бўлиб гарқ,
Сўзлади, кўзида чақин чақди барқ:

«Мирзога тўғри йўл кўрсатмак зарур,
Уламо ва шайхлар ифрот зид эрур.

Интиқом тигларин олмай филофдин,
Асрамак лозимдур ани гуноҳдин».

«Жаноб Мансур мирзо, — чўрт кесди барлос, —
Султон Улугбекка зўр менда ихлос.

Ул зот замонамиз Афлотунидур,
Тошинмиш меҳроби ислом динидур».

Абдуллатиф қолиб аросатда лол,
Мугомбир бошидан учгандек хаёл,

Аммасига боқди сохта ва айёр
Ва уэр сўради мисли гуноҳкор:

«Кечиргайсиз мени, улуг султоним,
Айбим йўқ, гавҳардек тоза иймоним».

«Асло ташвиш чекманг, — деди Хонзода, —
Ҳазратим мунтазир сизга, шаҳзода».

Кечмиш гап-сўзлардан хавотир олиб,
Абдуллатиф деди зимдан кўз солиб:

«Буюк мударрислар сабогин олиб,
Илмда камолот касб этиб, голиб,

Тез кунда етурмен ҳузурларига,
Парвона бўлурмен кўз нурларига.

Самимий дуою эҳтиромимни
Айтиб, шод этгайсиз бузургворимни».

Хонзода руҳини эзган анжуман
Саҳнидан тарқалган сингари туман,

Сўлгин чехралари очилди бир оз,
Салобат-ла боқиб, кампирларга хос,

Деди у: «Шаҳзодам, айтмай нетурмен,
Ҳазрати олийини хурсанд етурмен».

Кечмиш муноқаша руҳидан дилгир,
Деди Ғиёсиддин, олиб хавотир:

«Хуллас, шаҳзодалар тахт деса агар,
Оға-ниҳси не, отадан кечар».

Маъсума тикилди — безовта дили;
Меҳр нури билан йўғрилди тили;

«Қўйинг, аралашманг, йўқ асло тобим,
Ўзингизни четда тутинг, жанобим».

Маъсума сўзидан тортди-да маъюс,
Ғиёсиддин деди, чеккандек афсус:

«Ҳақ гапни айтмушсен, Абдуллатиф қув,
Улуг салтанатта ул солгай гудув.

Султон Улугбек ҳам сезиб феълини,
Қошига чорлайдур, балки, ўғлини.

Шаҳзодалар гоҳо очиқ, гоҳ пинҳон,
Бир-бирларига чоҳ қазур бегумон.

Тахт учун жон тикиб, оладилар жон,
Тоғ кийиб, сурмакчи барчаси даврон.

Юртимиз жаннатдур, ҳар бир жанг, ахир,
Жаннатни дўзахга айлантирадир».

Алишербек ҳайрон ота бағрида,
Ҳайратли кўзлари хаёл қаърида.

Чурқ этмай тинглайди суҳбатни, бироқ,
Қалбида қўзғолар момақалдироқ.

XVII

Мактабда борарди гала-говур дарс,
Болалар тутарди ўзини сарбаст.

Бирдан кутарилди кўчада шовқун,
Суфи пайдо бўлди эшикда дилхун.

Ранг-рўйи буз каби оқариб кетмиш,
Қоқилиб, домланинг ёнига етмиш.

Ва деди нафасин ростлаб олгач у,
Кўзларига чўккан тош бўлиб қайғу:

«Тақсирим, жабҳаддин келмиш шум хабар —
Шоҳруҳ мирзо вафот этмишлар саҳар».

Домла зўрга деди: «Хаста эди шоҳ,
Жойини жаннатдин буюрсин оллоҳ!»

Дуога қўл очиб, ўқиди қуръон,
Барча қўлин сурди юзига шу он.

Шаҳзодалар гамгин дув этиб турди,
Жилдни олиб, эшик томон югурди.

Уларга эргашиб Алишербек ҳам
Кўчага отилди, кўнглида алам.

Бир онда кимсасиз қолди хонақоҳ,
Домла ҳам қўзғолди дея «е оллоҳ!»

Суфи билан халфа эргашди унга,
Булутли кун эва ўхшарди тунга.

XVIII

Сингандек парвозда бургут қаноти,
Шундоқ содир бўлмиш Шоҳруҳ вафоти:

Ғаним лашкарини энгиб, музаффар,
Жангдан қайтар эди Ҳиротга аскар,

Султон қўшинига эди раҳнамо
Набираси Султон Муҳаммад мирзо.

Тоби қочиб қолиб тўсатдан, аммо,
Султон бандаликни келтирмиш бажо.

Қўп яшаб, отаси Амир Темурдан
Кексайиб қолса-да, қонмай умрдан

Оқибат етмиш ул сўнги манзилга,
Алвидо айтолмай жафокаш элга.

Мотам либосини киймишидир Ҳирот
Ва лекин кўз ёшини тиймишидир Ҳирот.

Бузчию касиблар, ғариб деҳқонлар
Кўнглини эздир ғамли армонлар.

Аросат ўтида қолгандек гўё
Омонат кўринар бекларга дунё!

Шаҳзодалар эса ичидан хурсанд,
Улуғ орзу билан хайслари банд.

Шоҳруҳ мирзо ҳали кирмай қабрга,
Даъвогар кўнаймиш олий қасрга.

Эл оғзида юрар ҳар хил минн-минлар,
Маликалар ўғлини тахтга кини-кинлар.

Гавҳаришод бегимнинг макри авжида,
Даргадек сузадир ғавво манжида.

Суюк набираси Аловуддак
Ул учун ўғлидан азиз ва аъло.

Сунъи тоғим дея уни дунёда,
Улуғбек мирзодан кўрар зинда.

Бобоси уришга қилгани подшоҳ
Пинҳон нишонига изларди паноҳ.

Неча йил муқаддам тугаб дармони
Тахтга ўлтиришга қолмай имкони.

Шоҳруҳ хаста бўлиб ўтиб қолганда,
Малика давлатни қўлга олганда.

Аловуддакнинг номига ҳатто
Хутба ўқитмакни қилганди даъво.

Шоҳруҳ мирзо тахтни ўғли Муҳаммад
Жўқинга бермоқни этганди мақсад.

Қари маликадан хайиқиб, аммо,
Ушалмай қолганди эзгу муддао.

Малика, Жўқини хуш кўрмай бироқ
Девон ишларидан тутарди йироқ.

Аммо отасидан икки йил бурун
Жўқин вафот этди тўсатдан бир кун.

Шоҳруҳ орауларни дард бўлиб қолди,
Умридан ҳаловат, ором йўқолди.

Мана, вафот этди энди Шоҳруҳ ҳам,
Маликага қолди гўё бу олам.

Ўғиллардан Ёлғиз Улуғбек ҳайёт,
Унинг йўлларига кўз тикар Ҳирот.

Лекин беҳисобдир набиралари:
Ўлжага ташланар бўри сингари.

Шоҳруҳ мирзо таслим этганида жон,
Гавҳаришод бегимга тугилди имкон.

Абдуллатифни ул чақитини учун
Бош сардор тайинлаб қўйди уша кун.

Ҳиротга пинҳона юбориб чопар
Аловуддакни қошига чорлар.

Абдуллатиф хабар топиб бу сирдан,
Бувиени ҳибета олдириди бирдан.

Аловуддакка лек келди-да етиб,
Уни овоз қилмиш. Сўнг эса тутиб,

Абдуллатифни ул зиндонга солмиш,
Салтанат бувиени қўлида қолмиш...

Сўнг Шоҳруҳ жасадин олиб, жабҳадан
Ҳиротга отланди кўшини субҳидан.

XIX

Самарқанд тахтини султон Улуғбек,
Ўғли Абдулазизга тошириб тугдек,

Тунса-да, ногаҳон саросиммага,
Отасининг мотам маросимига

Неча кун йўл босиб етиб келмиш у,
Ҳорғин кўзларида алам ва қайғу.

Гавҳаришод, ўғлини қаринлаб похун,
Кўз ёши тўқди-да, сўнг боғди хомун.

Улуғбек деди лек, кўнглида ҳасрат:
«Афсус, бевақт ўтмиш оламдин ҳасрат.

Жашин ким қўйибдур қариган чоғда,
Бул ёнда, куч-қувват қолмас аёғда.

Оллоҳ-тасолога қилиб минг шукр,
Ўлтуржалар эди... На чора? Умр

Бебақо, дейдилар, давлат бевақо,
Дунё айвонида кўн эрур жафо».

Қари маликанинг дилида фитон
Ҳийла лашкардек қўзғолмиш пинҳон:

«Абдуллатиф мирзо кўнган бузқидир,
Ҳирийдин йироқроқ турса тузқидур.

Бобоси тахтига ўзини кўзламини,
Хонзодабегимга хунук сўзламини».

«Е раббим!» — деди-да, Улуғбек мирзо,
Азиз волидасин тинчлатди гўё:

«Тахт даъвосин мунда истамай шаҳзода,
Мен бирла Самарқанд истамай шаҳзода.

Хатти-ҳаракати эмини ножаъя,
Кўнглида фишқ-фузжур кўрмишидур уя».

Малика кўзлари макри, айёр,
Ўғлига тикилди — фитна бешумор:

«Бобоси тахтига Аловуддакка
Муносиб номзоддур, не мушкул савдо

Тунса юрт бошига, тонур иложин,
Ул кийса арзигай бобоси тожнин!»

Малика сўзидан кўнгли гаш бўлиб,
Улугбек бош эгди укинчга тўлиб.

XX

Саройда мусибат шарпаси сарсон,
Ғам қуши кезадир, гўшаси вайрон.

Шаҳзодаю беклар аламнок, хомуш,
Амирлар ороми бўлмиш фаромуш.

Хос хона ёнида султон Улугбек,
Дил кўки — булутли осмон Улугбек,

Улугбек қошида Қоплонбек барлос,
Азалдан аўр унда султонга ихлос.

Мансур мирзо бўлиб султонга ҳамдард,
Бош эгмиш қошида, ахир жигарбанд!

Улугбек энида қора кимхоб тўн,
Шикаста кўнглида мотамсаро тун.

Зако шамий ёнмиш кўзалари мунлуг,
Мотамдан толиққан юзлари мунлуг.

Чархи даврон чинор қоматин букмиш,
Тоғни кўтаргудек елкаси чўкмиш.

Қалбида дардлари эрур бешумор,
Ҳасрат оташлари ёнур бешарор.

Улугбек мирзодан кўнгли сўргали,
Дарду ҳасратини баҳам кўргали

Келмишдир Ҳиротнинг ақобирлари,
Хуросон мулкининг бек, амирлари.

Келмишдир шоиру олимлари ҳам
Зим-зиё кўнглига ёқайлик деб шамъ.

Асога таяниб Лутфий келмишдир,
Дунёнинг савдоси бағрин тилмишдир.

Шоирлар хоқони пири бадавлат,
Аҳли Ҳирот уни дер олий ҳазрат.

Мавлоно Мирхонд ҳам келур — боши ҳам,
Ардашер бўлай дер султонга ҳамдам.

Кобулий, Ғарибий, Ғиёсиддин ҳам
Сарой остонига қўймишлар қадам.

Улугбек, Лутфийни кўриб ғамгусор,
Мирхонд, Ардашерга боқиб дилафгор,

Сукут ичра маънос кўнгли ёришди,
Гўёки севинчу алам қоришди.

Кўксига босди-да, ўксинди оғир,
Ҳамдард элни кўриб, эзилди бағир.

Сунгра хос хонага марҳамат этди,
Барчаси имомга қулогин тутди.

Қулин юзга суриб, қилишгач дуо,
Лутфийга юзланди Улугбек мирзо:

«Олий ҳазрат, сизни истардим ғоят.
Кўзум тиригида кўрдим ниҳоят.

Кўндин кўмсар эрдим суҳбатингизни,
Кўнглумни ром этмиш фикратингизни.

Расад илми бирла бўлиб овора,
Ҳирийга келмакка топмадим чора.

Неча йил кўз юммай расад боғладим,
Юлдузлар сарига ўзини чоғладим.

Салтанат тугини кўтариб баланд,
Улус хизматиға жон этдим пайванд.

Не тонг, утиб борур «умри гузарон»,
Самарқанд боғлари сизга нигорон.

Ҳамон ёд этмишдир эл-улус сизни,
Тилидин туширмас ашъорингизни.

Кўнгул хоҳиш этга, Самарқанд сори,
На бўлмай, отланса умр тулпори».

Лутфийнинг нуруний чехраси ёруғ,
Кўнгли дард-аламдан бўлгандек фориг,

Улугбек меҳридан бағрида оташ,
Зукко кўзларида мултирайди ёш:

«Фақир ҳолин сўрмиш улуг султоним,
Гўё обод бўлмиш қасри вайроним.

Сизни кўрмак эрди олий муддао,
Мақсудимға етдим, кўнглумдир рўшно.

Вале, олий ҳазрат, мулки Хуросон
Қисмати не бўлмай оқибат гумон.

Мамлакат нотинчдур, билмас осойиш,
Амирлар зугумин этмиш намоийиш.

Улуснинг зулмдин ҳоли харобдур,
Олиму шуаро аҳли хунобдур.

Саройда фитнанинг шамоли елмиш,
Ҳақсизлик, адоват бағримиз тилмиш.

Улусда адолат топмаса қарор,
Башарни тортгайдур сиртмоғига дор.

Сизга кўзин тутмиш Хуросон тахти,
Сиз бирла очилмай улуснинг бахти».

Лутфий ҳазратлари сўзидан барча
Улугбек қалбига изларди дарча.

У хомуш, ғарқ эди ҳаёл наҳрига,
Андиша чанг солмиш ўгли бағрига.

Улугбек ҳолатин кузатиб бир оз,
Салмоқ билан деди Қоплонбек барлос:

«Хуросон чўнг давлат, улуг ҳазратим,
Анинг ҳасрати-дур меним ҳасратим.

Жонимни утларга солмиш андиша
Кўнгул кулбасинда яшар ҳамиша.

Фурқати келмундир, айтмай на илож,
Омонат тебранур буюк тахту тож.

Ҳалокат домидин қутқармоқ даркор,
Улуғ ҳолини сўреш одил бир сардор.

Ҳақ ганин деминдир шонри аъзам,
Хурӯсон айлағай сизин муқаррам.

Конки, бир мулк бўлса икки мамлакат,
Бир илқини кўри олса икки салтанат.

Бир элга икки мулк ўзи не даркор,
Икки мулкда бир эл қисмати почор!

Улуғ хоқонининг нек шиятлари,
Элини қовуштирмак азиятлари,

Афғуски, кетминдур ўзлари бирла
Муборак жасади қўйилмини ерга.

Сизга умид қўзин тикиб, хоқоним,
Дердилар: «Қонлонбек, комил иймоним.

Зукко олим бўлғай Улуғбек мирзо,
Улуғ кўнглини этгай илқини рўшно».

Дедимки: «Ҳазратим, Мирзо ҳам сиздек
Шайб-шавкат кўкида балқир юлдуздек.

Буюк салтанатга муносиб султон —
Бўлиб етишгайлар, келганда даврон.

Дедилар, кайфи чоғ соҳибқироним:
«Камолни кўрмақдир орқу-армоним».

Темурбек орқусини кўрминдур фақир,
Ҳазратим, салтанат сизга мунгазир».

Қонлонбек қўлида ёниб илғижо
Улуғбекка боқди, вале истиғфо

Сўргандек, Улуғбек хайрга ботди
Ва кўнглини элган дардин қўзғотди:

«Тақдирим, воқифмен улуғ ҳолидин,
Хурӯсон мулкнинг истиқболинин.

Ҳазрати Лутғий ҳам нек шият этмин,
Улуғга кўнгулдин аминият этмин.

Бул фақир боши ҳам эмасдур тошдин,
Ғуссалар чекминдир қавм-қариндондин.

Икки салтанатга бир бош етмайдур,
Фақир икки мулкни илқда тутмайдур.

Самарқанддин хийла йироқдир Ҳирот,
Идора этмақлик мунқул инҳоят.

Алиқлар, бергайеиз руҳеати олий,
Расад даргоҳини хуш кўрминш толей.

Надари бузургвор кетминш ғам бирла,
Азиз волидамиз хушқарам бирла

Аловуддавлига марҳамат этминш,
Соҳибни даврон, деб илқини тутминш».

Улуғбек кўнглига бериб тасалло,
Ардашер, этгайдек унга тавалло.

Деди: «Аъло ҳазрат, илми нужумини
Тараққий этминсиз, фалак қўзумини

Юлдузлар сайрига чорлаган айём
Сизин бир кўрмақни кўнгул этминш ком.

Шукрим, ушалмини эзу мудоа,
Фақир бошига ҳам қўйминдур ҳумо».

Мансур мирзо жа тўлғаниб шу он
Сўзлади, султонини етигансмон:

«Қудратли эрча-да салтанатингиз,
Потинч кўршиадур мамлакатингиз.

Абдуллатиф мирзо хавотир тортминш,
Кун сайини кўнглида ташвишлар ортминш.

Сиз «яқсон этминсиз» дини ислонин,
Йўздаш чалғитминсиз аҳли аюмин.

Дину шариятин айлаб беқадр,
Шайху уламога этминсиз жабр».

Ғиябдин бир дам боқиб оташин,
Мансур мирзо сарин сўзлади назмин:

«Абдуллатиф мирзо гаилари бежо,
Фисқ-фужур уясини қўзғаманг, мирзо.

Аъло ҳазрат тошмин илқда камол,
Ким ҳақдур, ким ноҳақ — айтур истиқбол.

Ислон илминин ҳам муқаммал билур,
Дин ва шариятга риоя қилур.

Эйтиқод манғалини кўтариб баланд
Ҳазратини қўлагай мулки Самарқанд».

Бошини кўтариб Улуғбек маъжос,
Укинч билан деди: «Дўстларим, афғус.

Фақирга отминшлар таъна тошмин,
Еқминшлар ғавгою фисқ оташин.

Улуғ кўзин боғлаб дин пешволари
Илқини тортминшлар жаҳолат сарин.

Эл бўлса баҳраманд илм ва фандин,
Анга ҳавас қилғай етти тумандин.

Маърифат офтоби порлаган ўлка
Бошига хурӯфот соқолмас қўлка.

Ислонга азалдин эйтиқодим зўр,
Дек кўнглим ғрутминш илм мисли нур.

Тугдек баланд тутиб дин ва илмин,
Мақсудим: саводхон кўрмак элмин.

Саводхон кимсага барча ошнодур,
Саодат нуридин кўнглини рўшнодур».

«Офарини, султон», деб дўсту қадрон
Кўнгли ташаққурин айлади бағи.

Улугбек анжуман аҳлидан мамнун
Жилмайди, ҳаёти бўлиб сермазмун.

Лутфий қўзғолмакка сўрмиш ижозат,
Улугбек поилож этмиш ижобат.

Дуога қўл очмиш дўстлар осуда,
Улугбек мушгаймиш, кўнгли озурда.

Қўли юзга сўриб барча жим қолди,
Сўнг Лутфий нздан гамгин қўзғолди.

Дарвоза олдида саф тортмиш Хирот,
Хомуш турар эди қанча улуг зот.

Бонин қўйи солиб шаҳзодалар ҳам
Тахту тож дивосин тутарди муҳам.

Вале Алишеру Хусайн мирзо
Кўнглида яшарди ўзга мулло.

Бу орау — Улугбек мирзони кўрмак,
Найт пойлаб, бир лаҳза анжуман кўрмак.

Икки дўст қўзлари ёниб ўт каби
Рўбга чиққандек кўнгли матлаби.

Улугбек мирзою Лутфий Ёлма-ён
Улуглар қонидан жилгани замон.

Хусайн мирзо ўзин тутди-да бардам,
Алишер қўлидан стаглаб хуррам.

Юраги дов бериб, олға ўтдилар
Ва султон қонид таъзим этдилар.

Чехраси ёришиб Улугбек мирзо
Зукко болаларга жилмайди сина.

Меҳрибон қўл билан бошларини силаб,
Елкасига қоқиб қўйди эркалаб.

Хусайн, ботирдек тутиб ўзини,
Сўзлади, султондан узмай қўзини:

«Алло ҳазрат, маъмур тутгайсиз бизни,
Кўрмакка орзуманд эдик биз сизни.

Мансур мирзо ўгли Хусайндурмен,
Баҳодир бўлмакни орзу этурмен.

От чонмак, ёй отмак мангулотимдур,
Жанг қилмак усул мушкулотимдур.

Вале канда этмай манқини бир муддат
Қилич ўйнатурмен, соҳибни қудрат!»

Ўздай чақнаб турган шаҳзодадан лол
Улугбек кўзида ҳайрат ва савол.

У деди: «Офарин, Хусайн мирзо,
Оллоҳим қўлашини сизни доимо.

Унутманг, илмда кимки пешқадам,
Қиличсиз бон эгар қонид олам».

Хусайн «қуллуқ» деб таъзим этган он,
Алишерга хуранд юзланди султон.

Алишерни босиб Улугбек сирини,
Ичига сигмасдан кўнгли сурурини.

Ҳаяжон утида тулганиб бир дам
Худди шеър айтгандек сўзлади ўктам:

«Олий ҳазрат, сиздек муътабар сиймо
Номлари кўнглимда эрди доимо.

Юлдузлар бағрига тушганда кўзим,
Ҳайратдан унутиб қўюрмен ўзим.

Надари бузургим ардоқлаб сизни,
Бағримга жо этмиш пок меҳрингизни.

Мунажжим эмишсиз оламда танҳо,
Қўзунгиз нуридин ёрушмиш само.

Мен эрсам самога боққаним онлар
Кўнглим пора этмиш кўкдин пайконлар.

Юлдузлар шивирлаб шеър айтур менга,
Илҳом нарисидек сир айтур менга.

Юлдузу назмга кўнгли ниқибоз
Алишербек сизни этмиш сарафроз.

Надари бузургим (тоҳо шеър айтур)
Амир Ғийёиддин Муҳаммад эрур».

Синчков назар билан кузатиб шодон,
Улугбек ашқиди: «Офарин, ўғлон!»

Ва сўрди, кўнглида шубҳали тўқини:
«Кичик Баҳодирнинг фарзандимисин?»

Алишер, кўзлари гурурдан порлаб,
«Ҳа» деди, қонига отасин чорлаб.

Ғийёиддин шаҳдам елди-да, алҳол,
Улугбек қонид бон эрди хунҳол.

«Амир Ғийёиддин, Алишербекдин
Бағоят хурандмен, юлдузлар кўкдин

Оқномлар намойиш этмиш ўзларини,
Анга шеър сўйламини, сузмин кўзларини.

Юлдузлар сўзини англамини ўғлон
Кўнглида, не ажаб, шеър қилса тўғин.

Не ажаб, булса ул шонри даирон,
Бонига кўтаргай мулки Хуросон».

Ғийёиддин бир оз чекиб хижолат,
Ташвишга солгандек тўғи бу ҳолат.

Узрин оҳангда деди султонга:
«Ҳақ ато этгандек ифтидор онга.

Алишербек қўйини назмга илҳом,
Шеър айтса, дил булгай дардлардин халом.

Қани ўғлим, ўқунг, устод Лутфийдин,
Ҳазратим шод бўлсин олий лутфидин».

Ниҳоддек қаддини ростлаб Алишер,
Қўздан ўт чақнаб, ўқий кетди шеър:

«Ҳақ ким сени дилрабо яратти,
Ошиқлар учун бало яратти...»

Улугбек кўнглидан дард фориғ бўлиб,
Офаринлар айтди севинчга тўлиб:

«Боракаллоҳ, уғлон! Ҳофизанг баланд,
Дилингда шеър инқи ёминин ўт монанд.

Бул инқи ўти ёсини, сўнмасин асло,
Офтобдек нур сочини, эл бўлиши ризо!

Сўт билан кирминдир туркий қонингга,
Мангу пайванд бўлиши туркий жонингга!

Туркийини асрагин қорачиғ қадаш,
Ул бир уммондирки, ҳар сўзи — гавҳар.

Ҳазрат Лутғийи бўлғай сенга раҳнамо,
Шул эрур фақирда олий муддао!»

Алишер, қуллуқ деб, мамнун эди бош,
Қалбида ловуллаб ёнарди кўнги!

XXI

Улугбек кетдию Самарқанд сари,
Ҳиротда бошланди тахт гавғолари.

Кечмин ҳодисотдан Алишер ҳайрон,
Нокиза кўнглида оташин тугён.

Ўзгармиш отасин кайфияти ҳам,
Тоғаларин эса кўнглида алам.

Ўзини унутиб қўйган султонлар,
Улуснинг бағрини ўртар фиғонлар.

Фитналар инига ухшайди сарой,
Осойиш дамларини қўмсайди сарой.

Шаҳар безиллайди фарёд, гавғодан,
Жон ҳовучлаб гирён қонли савдодан.

Бу ҳолга нажотбахш боқиб Алишер,
Ичидан куйиниб: «Бу не савдо!» дер.

Ҳусайн, дўстига бериб тасалло:
«Шунақа яралмин, дейди, бу дунё.

Парво қилма, кимнинг илқидур баланд,
Ўшани бу дунё этар шер монанд.

Кимнинг қўли қисқа, камдир қудрати,
Анинг бошидадир дунё гурбати».

Алишер Ҳусайнга боқди-да ўгли,
Мулзам этмак бўлиб саволга тутди:

«Нечун парво қилмай, нечун турай жим,
Дунё зўрники, деб ким айтмин, дўстим?

Дунё рамзи эрса тахту тож агар,
Нечун подшоҳ бўлмас адолатпарвар?

Дунё — улусники, аммо ҳоли танг
Улус ёқасига зулм солмин чанг.

Қўли қисқа эмас улуснинг — узун,
Соҳиб рои бўлса-да, қудрати фузун.

Эл агар чиқарса бир ёқадин бош,
Тоғлар ҳам зарбига беролмас бардон».

Ҳусайн жилмайиб деди: «Ғолибсен,
Фикрат иншонини тўғри олибсен».

Шу пайт уйга қўйди отаси қадам,
Отаси изидан тоғаларин ҳам.

Икки дўст баҳсининг инн узилди,
Манқал атрофида давра тузилди.

Кўриб Ғиёсиддин авзойини ноҳун,
Маъсума ўлтирди ёнида хомун.

«Бек, ўзи нима гап?» — оҳиста сўрди,
Аммо кўзларида зўр ташвини кўрди.

Ғиёсиддин каби, оғаларин ҳам
Хотиржамъ эмасди, бошлар эди ҳам.

Манқалин чўп билан қўзғаб, беҳузур
Ғиёсиддин деди: «Сарой нотинчдур.

Тахт учун авж олмин тагин гавғолар,
Шаҳзодалар аро чиқмин низолар.

Огоҳсиз, барчаси тахтга даъвогар,
Тож битта, кўн эрур лек шаҳзодалар.

Бу ўт ичра бизга йўқдур омонлик,
Лек айтгинг, кимга биз қилдик ёмонлик?

Бу ўтдин узоқроқ турсакми дейман,
Еки бирон тadbир кўрсакми дейман?»

Бир муддат уртага чўқди-да, сукут,
Ўртади шикаста бағирларини ўт.

Соқоли кумирдек, чехраси туйғун
Кобулий кўксига сўз урди тўлқин:

«Улус аламзада, юрт ҳоли хароб,
Шердек тўлғанадир, кўксига зардоб.

Кобулий ҳақдир, деб ирғади-да бош,
Ғарбий сўзлади унга тилақдон:

«Амиру беклар кўн ҳадидин онмин,
Улусга зулм айлаб, газаби тонмин.

Ҳар мақомга солиб шаҳзодаларин
Евуздек таламин газнадин зарни».

Тубсиз хайлларга гарқ Ғиёсиддин
Чуқур сўлиш олиб, сўзлади гамгин:

«Тўғри айтминсизлар, шоир аҳли ҳеч
Ўтрик сўзламайдур, юртимиз нотинч.

Улусда осойиш тонмаса қарор,
Элни қўрқитолмас шамшир ила дор.

Улусимиз буюк, халқимиз ботир,
Тоғни йиқмоққа ҳам қудрати қодир.

Лозимдур биз анга суяимоғимиз,
Печунким улусдир таянч тоғимиз!»

«Бек, — деди Маъсума, — ҳақдур сўзингиз
Ва лекин эҳтиёт қилинг ўзингиз.

Сарой гавҳарига бош қўйманг зинҳор,
Ҳеч кимса бўлмаган сизга гавҳар».

Маъсума кўнглини юпатмак бўлиб,
Ғиёбатдин деди юраги тулиб:

«Билурғиз, тахт бирлаи меним ишим йўқ,
Эл-улусдин ўзга ҳеч ташвишим йўқ».

XXII

Ҳорғин карвон елар Ироқ чўлида,
Мушқил бир сафарнинг йироқ йўлида.

Сарғайиб ётарди тена, сайхонлар,
Ёз гангин сурарди юлғун, тиконлар.

Бўзтўрғай бўларди чўл осмонида,
Сахро ташвишлари бордек жонида.

Ўт нураб жади сахро шамоли,
Чўл бетин сийналар сафро шамоли.

...Шоҳруҳ миродан сўнг ҳимоясиз тахт
Мўрт эди, мисоли қурт тунган дарахт.

Икки оғани — бир-бирига ёв,
Тахт учун жанг қилди, жангки, беайв.

Аловуддавлано Муҳаммад султон
Бобо тожи учун ҳадсиз тўкмиш қон.

Бу икки ўт аро тополмай чора,
Бўлиб Ғиёбатдин юраги пора,

Ҳиротдан поилож бош олиб кетди,
Армон билан Ироқ йўлини тутди.

Балодан қутулиб, сақлашгандай жон,
Қавми-қариндоши унингдек сарсон:

Бириси отлигу, бири туяда,
Бириси эшакли, бири ниёда.

Эркагу аёлда ташвишли савдо,
Болалар бу ҳолга қилмаган парво.

Саман от устида Алишербек ҳам,
Ҳайратта солади чўли муаззам.

Навокаш тўрғайлар парвозидан лол,
Ошуфта бўлгандек суради хаёл.

Узоқдан силсила тоғлар имлашар,
Тоғлар этагида боғлар имлашар.

Қуш бўлиб тоғларга учсам, дейди ул,
Муздай булоғидан ичсам, дейди ул.

Хаёли тулпордек олиб қочмишдир,
Тилсимлар эшигин гўё очмишдир.

Қуш бўли мағрибга от қўйиб шитоб,
Сарбаланд чўққида жилмаяр офтоб.

Кўнглида қўзғолмин отан ва илҳом,
Чўққида офтобдек қилсам дер ниҳом.

Офтоб, мусавирдек тутиб нуриқалам,
Кўкка чизди шафақ суратин кўркем.

Алишер, шафақдан шигоҳин олмас,
Офтоб сағъатидан кўзин узолмас.

Бола-да, гам-ташвиш бўлгандек унут,
Парвоз қилсам дейди мисли ёш бургут.

Оби ҳаётга зор отанзада чўл
Гўё дейди унга: «Иқин қолди йўл».

Жон қўлоғи билан уни тинглайди,
Сахро ҳам одамдек мунгли ниграйди:

«Раҳм эт, лабларим тарк-тарк ёрилиш,
Кўз ёшим тупроғу қумга қорилиш.

Бир дарғ сув келтир, чанқоғим қочсин,
Менинг бағримда ҳам ҳаёт уйғочсин.

Йўлингизда ўсадир бир тун қайрағоч,
Сув бергил ва ҳаёт ниҳусини соч.

Тарк этма йўловчи удумин зинҳор,
Ким ўтса, унга сув қўймоғи даркор.

У ниҳол бир кун бергусен соя,
Ҳимматингизни этгай элга ҳикоя.

Муширқ кимсадин ул азиз ёдгордир,
Ўткинчи йўлига муштоқу зордир.

У сендек, ёни ҳам, балки баробар,
Сув қўймай, ёнидан ўтма, навсафар».

Алишер лол бўлмиш чўл ниҳосидан,
Кўнглини уртаган илтижосидан.

Ва демин: «Отажон, гаройиб-да чўл,
Менга бир ривоят сўзлаб бермиш ул».

Алишер кўзига боқди-да ҳайрон,
Деди ул: «Чўлда ҳам армон бор, ўғлон».

Кўзларида порлаб сеҳрли ёғду,
Чўлнинг илтижосин сўзлаб берди у.

Хуржунлар кўзида сопол кўзалар:
Сувим кам қолди, деб кўзин сузалар.

Чўл айтмиш қайрағоч кўринди мунгли,
Тўлқилланиб кетди Алишер кўнгли.

Шаҳдам елмиш отдан тушиб мардона,
Қайрағоч бошида бўлди парвона.

Отаси кўзани унга узатди,
От устида ўглин мамнун қузатди.

Алишер қондириб сувга ниҳолни,
Шод этди гўё бир бечораҳолни.

Сунг хурсанд, отига минди-да чаққон,
Қайрағач қошидан силжиди карвон.

Кун ботиб, оҳиста чўлга қўнди шом,
Салқин шамол эди берганча ором.

Кўк ёқди чирогин, ойдин эди тун,
Алишер самодан кўз узмас, мафтун.

Тортилиб қолганди йўлнинг таноби,
Карвон елар эди сарбонга тобеть.

Йўл юриб, мўл юриб, ҳориган карвон
Тафт шаҳрига қадам қўйди бедармон.

XXIII

Тафтга ҳусн улмиш баланд иморат
Ушлаб ҳужралардан эрур иборат.

Бу — қадим хонақоҳ, кўрки ораста,
Дарвешу шайхларга умри вобаста.

Азалдан маскандир зикру самоғга,
Самоғси етмишдир олис самога.

Ҳовлисин саҳнин кенг — серсоя, салқин,
Бағрига ариқдан эсади эпкин.

Чинорин, одамлар муқаддас билиб,
Шоҳига латгалар кетмишдир илиб.

Унинг соясида шинам шоҳсуна,
Бир кунжга таҳланган ёстиқ ва кўрпа.

Сунага солинган бўйра на гилам,
Гиламга тушақлар бергандек ҳашам.

Ўртада хонтахта, соҳиб назар чол
Китобин варақлаб, суради хаёл.

Хонтахта устида қалам ва довод,
Бир чойнак-ниёла, ликонда новвот.

Заррин муқовали баёзу девон,
Солномалар солминн кўнглига туғён.

Чолнинг манглайида ажинлар қат-қат,
Ўз изин қолдирминн йиллар бешафқат.

Кўксини қоплаган соқолн — қордек,
Нуроний кўзлари меҳрга зордек.

Устида сурф либос, бошида дастор,
Хаёли оламинн кезди барқвор.

Қаминн қаламинн доводдан олиб,
Ўлтирган жойида секинн қўзғалиб,

Тўфонин тарихинн этгани рақам
Закий нигоҳ билан суради қалам.

Эшигини ланг очиб сокинн ханақоҳ
Тинчлигинн бир зумда бузилди ногоҳ.

Ҳовлида ҳайратнок бир тўда бола,
Шовқинн — қондан тунган шавола!

Болалар уйинин кузатиб хурсанд,
Кўнгли жузбинн қилди булоққа монанд.

Қошига чорлади — дилда ҳаяжон:
«Қани азияларим, келингиз буён».

Нотаниш кимсадан ҳайиққансимон
Болалар отилди кўчага шу он.

Ҳовлида тийнатли бир бола қолди,
Чол сўзи кўнглига илиқлик солди.

У келиб, чол кўнглин мунаввар этди,
Таъзим-ла қўлини кўксига тутди.

Жонини яйратди иссиқ саломи,
Бағрига ўт солди ширин каломи.

«Ўғлон, отинг недур?» — сўрди доно чол,
«Алишербек», — деди болакай хушқол.

«Исминг ҳам жисмингга мос экан, бутам,
Шер журъати сенга хос экан, бутам.

Елғиз сен сўзимга қилиб итоат,
Фақирни шод этдинг, отангга раҳмат!

Айтгандек, отанг ким?» — сўрди яна чол,
«Амир Гўйсиддин», — деди бемалол.

«Кичик Баҳодирми?» — синчков боқди чол,
«Ҳа, шундоқ, ҳазратим!» — юзи бўлди ол.

Ч о л

Фарзанди экансан журмард одамнинг.

А л и ш е р

Сўзидан чиқмасмен сира отамнинг.

Ч о л

Қандоқ келиб қолдинг бу ерга, ўғлон?

А л и ш е р

Ироққа кетмакда каттакон каврон.

Ч о л

Ироқ сафаридин ўзи не мурод?

А л и ш е р

Отам осойиш жой излайдур, устод.

Ч о л

Кичик Баҳодирнинг ўзлари қайда?

А л и ш е р

Понунга қиладур карвонсаройда...

Алишер ақинга лол қилиб, хуррам,
Чол деди, «Кел, дуо қилайинн, бутам:

Дошннманд олим бўл, закий фозил бўл,
Неки мурод этсанг, анга вожил бўл.

Ўқисанг, мартабанг булғуси баланд,
Чирогим, илмга жон эттил пайванд.

Ҳар қалай, ухшайсан мактаб курганга?»

А л и ш е р

Ҳа, ҳазрат! Тўрт ёшдин қатнайман анга.

Ч о л

Боракаллоҳ, ўғлон! Омадинг келсун;
Илму фан йўлида толеъинг кулсун!..»

Қўлин очиб, олқаб кетди меҳрибон
Ва сурди юзига, бўлғил деб омон.

Алишерни излаб отаси шу дам
Хонақоҳ саҳнига қўйганда қадам,

Қошида турарди Яздий — улуг зот,
Тушими, ўнгими? Бу не мўъжизот!

Қўзига ишонмай боқиб қолди у,
Сир бермай, ўзини қўлга олди у.

Орадан неча йил ўтди — саргардон;
Наҳотки, унутган бўлса Хуросон!

Дунёни тарк этиб қомус ул-аълам,
Наҳотки, узлатга чекинмиш бу дам!

Ҳайрат тула қўзлар бирдан ёшланди,
Қалбларга ўт берган чўғ оташланди.

Қадрдон ошналар қучоқлашиб шод
Диллар дилга гўё излади имдод.

Ўзини унутиб хурсандликдан чол
Ҳужрага бошлади уларни дарҳол.

Отаю ўғлини утқазиб тўрга
Гўёки қалбларин йўғирди нурга:

«Алишербек этди фақир кўнглин ром,
Ота ўғли экан, кўрсатди икром.

Хийла суҳбат қилдик, зеҳни кўп ўтқир,
Кўзлари айтмишдир: дилида не сир.

Салоҳияти зўр, фикрати равшан,
Улуғ олим бўлса, олам бергай тан».

«Қўлуқ» деб жилмайди Кичик Баҳодир
(Бу — ўғли шаънига олий баҳодир!)

Олқишдан ўзини тутиб мусаллам,
Буюк алломага айлади карам:

«Фақирга азиядур ҳузрат дуоси,
Сиз бирла фахр этур илм дунёси.

Ўғлимни олқабсиз, сиздек улуг зот
Дуоси мўнқул дам бергайдур нажот».

«Офарин, Бек!» дея тарихчи олим
Мишнатдор жилмайди, шу пайт мулозим

Нону чой келтириб, ёзди дастурхон
Ва деди: «Марҳамат қилгайсиз, меҳмон».

Нон ушатиб, кўк чой қўйиб узатди,
Алишерни эса зимдан қузатди.

Алишер маҳлиё боқмиш девонга,
Меҳри ортмиш яна хоксор мезбонга.

Чол қалбини гўё этиб инкишоф,
Девонни варақлаб, ўйлари шаффоф.

Баҳодир кўнглини кутаргансимон
Чол дейди: «Бошингиз бўлса гар омон,

Ҳирийга қайтурсиз, тингай можаро,
Эл-улус жонига киргайсиз оро.

Тахту тож гавғоси тинмагай, аммо,
Фисқу фасодларга тула бул дунё».

Топиб Гийёсиддин фиғони дилда:
Деди: «Нима гуноҳ жафоқаш элда?

Сизга айтсам, ҳазрат, аҳвол ёмондур,
Тахтни ким эгаллар, ҳали гумондур».

Баҳодир қўзига жиддий боқиб чол,
Деди: «Ким зулм этса, топғуси завол,

Қўрғаймиз, не бўлса пешонада, Бек,
Яшармиз, эл аро бошни эгмай, тик».

«Дунё сафосидин воз кечиб, тақсир,
Не тарих ёзмишлар?» — сурди Баҳодир.

Чол бир оз ўйланиб, сўнг берди жавоб:
«Умр ўтиб кетмиш дарёдек шитоб.

Фақирга омонат эмди бу дунё,
Йўлига мунгазир эмди у дунё.

Ўзга чораси йўқ тарих битмақдин,
Дунё ишратидин узлат этмақдин.

Фақирнинг умри бир сафарномадур
Ва битмиш китоби «Зафарнома»дур.

Амир Темур этмиш кўп юртларни фатҳ,
Музаффар тарихин фақир этмиш шарҳ.

Турк элин тарихи бой ва улугвор,
Улуғга битгим қолгайдур ёдгор».

Аллома кўнглини кутариб, ҳамдард,
Деди: «Кўзингизга қўнмасин ҳеч гард.

Улкан юмушга даст урмишдур тақсир,
Мулоқот этмақдин бахтлидир фақир!»

Меҳмонлар уэрли хайрлашиб хуш,
Ҳужрани тарк этди, чол қолди хомуш.

Алишер босолмай ҳаяжонини,
Йўлда гапга солди отажонини:

«Бу чол ўзи кимдур, закний ва хоксор?
Эҳтиром кўрсатди сизга бузургвор?»

«Шарафуддин Али Яздийдур бу зов,
Фикр қўлами кенг, мисли коншот.

Умр йўлларида кўп чекиб заҳмат,
Оқибат тонгани бўлмишдур узлат».

Алишер кўзида таажжуб бир ҳол,
Кўнглини чол меҳри этганди инҳол.

«Ҳазрат китобларини ўқурмен қачон?» —
Дея сўраб қолди ундан ногаҳон.

Ғиёбидин ўзлин бошини еслаб,
Деди елмасидан қучиб, эркалаб:

«Ўқурсен, ўзлоним, келганда даврон,
Илмда қилгайсен ўзин намоян».

XXIV

Ғиёбидин излаб Ироқдан папоҳ,
Оқибат Язддан ул тонди қароргоҳ.

Уруғ-аймоғин ҳам қўймай гурбатда,
Нажот илкин чўзди мушқил фурсатда.

Муҳтожлик сездирмай бағрига олди,
Меҳрини чўғ қилиб қалбига солди.

Гарчад тинч бўлса ҳам ўзига бари,
Бош эгиб келарди Баҳодир сари.

Баҳодир бу элда тошиб эътибор,
Улуғлар меҳрига бўлмиш сазовор.

Хурожон тахтига Муҳаммад султон
Чиққани, умидин айлади яксон.

У билан юлдузи тўғри келмасди,
Чунки у элга ҳеч шарафат қилмасди.

Шаҳзода кўзлари тиканли эди,
Саройда қилмиш фитнали эди.

На чора? Езилмиш неки қисматда,
Ўқигай, роз айтиб умри фурқатга.

Алишерни бериб мактабга яна,
Юз тутди гўёки офтобга яна.

Унут бўлмасе-да, таъини-ғамлари,
Умид қулбасида ёлмиш шамълари.

Алишер мактабининг сабоғи-ла банд,
Илмда от сурар чавандоз монанд.

Вале хайёини олимни бир китоб,
Бағрига отанлар солмиш бир китоб.

Бу китоб сеҳридан наришон ва лол,
Алишер мажнунвор кезади алҳол.

Қушлар билан бирга қилгандек сайр,
Қўлидан тушмайди «Мантиқ ут-гайр».

Қойил қолар Худҳуд матонатига,
Толмас ўттиз қўшининг жасоратига.

Учгиси келди баланд тоғ сари,
Ўз йўлидан қайтмас Худҳуд сипгари.

Ед бўлиб кетсе-да, ўқийди такрор,
Ўйини суҳбатга қилмас эътибор.

Болалик дунёсин тарк этган мисол
Ҳайъдан қушларга излайди тимсол.

Қушлардек иноқмас, дейди, эл нечун?
Нечун Худҳуд янглиг сардор йўқ бутун?

Эли қовуштирса, ким тошиб бардон,
Улуғга Худҳуддек бўлса қайғудон.

Худҳуддек талбиркор, меҳрибон бўлса,
Элга нажоткор, меҳри кон бўлса!

Бошига тушганда энг мушқил савдо
Жасур Худҳуд каби бўлса раҳнамо.

Қушлар дўстлигига қилади ҳавас,
Қушлар бирдан бирга олади нафас.

Қуну тун қушлар-ла кезиб, сарафроз,
Тонмади китобдан ўзга бир ҳамроз.

Бу китоб чорлади уни хилватга,
Тилини йўғирди дурри ҳикматга.

Лафзига нур берди, фикрига зийнат,
Ақлига зарифлик, умрига тийнат.

Қушлар билан уни мангу дўст этди,
Дўст бўлиб, Алишер ўзин унутди.

Бу ҳолдан отаси бўлиб хабардор,
Ташвишига тушганди Ҳирийда илк бор.

Ханифдан асрагандек севган ўзлини,
Ўқиниш манг эгмиш «Қушлар тили»ни.

Вақт ўтиб, «Қуш тили»н унутди-да у,
Кўнглида қўзғолди илҳомбахш туйғу.

«Бўстон»да сайр эгиб гўёки булбул,
«Гулистон»дан термини даста-даста гул.

Ўзга бир оламда кўрмиш ўзини,
Назмий оҳангларда айтмиш сўзини.

Саъдий қудратига гўё бериб тап,
Шом-саҳар у билан кўрмиш анжуман.

Аммо келиб қолгач Ироқ элнга,
Тағин меҳри тушмиш «Қушлар тили»га.

Саъдий китоблари Ҳирийда қолиб,
Уни олиб келмиш қўйинга солиб.

Вале бу ошналик бормади узоқ,
Волидаси қўймиш йўлига «тузоқ».

Ўзлининг кўзига қўнганда уйқу,
Естиғи тағидан олиб қўйди у.

Алишер «лардини» ичига ютди,
Тонилиб қолгай деб умидвор кутди.

Аммо китобидан дарак йўқ ҳамон,
Қудуққа тушгандек кетди бенишон.

У ёд олган эди китобни бутун,
Назми қўшган эди умрига мазмун.

Такрор этиб юрди неча кун хумор,
Неча кун тунларни ўтказди бедор.

Қуёш ҳайдагандек кўкдан булутни,
Аста-секин «Қушлар тили»н унутди.

Яна дўстларининг бағрига қайтди,
Юрак сўзини ҳам шеър билан айтди.

Кечаю кундуз у дарс-ла булиб банд
Назм гулшанига кирди орзуманд.

XXV

Ғиёсиддин яшар мулки Ироқда,
Ҳирот ғамларидан гўё йироқда.

Давлат ишларидан қўл силтаб муддат,
Бегона ўлкада яшар муваққат.

Хуросонда эса даҳшатли ҳолат,
Жангу жадал ичра яшар мамлакат.

Шоҳруҳни дафн этмай қўзғолмиш ғавво
Тинмайди неча йил ўтса-да ҳатто.

Карвонсарой дейсан шоҳ саройини,
Бири келиб олар бирин жойини.

Тахтта даъвогардир қанча шаҳзода,
Жанглардан жафокаш эл кўнгли зада.

Бошига ёғмишидир кулфат тошлари,
Қўздан қон булиб оқмиш ёшлари.

Жабру ситам ила бош оққан томон
Даста-даста булиб кетмиш саргардон.

Саргардон эл билан чекиб азият,
Мирхонд ҳам Ироққа келмиш оқибат.

Излаб Ғиёсиддин қароргоҳин ул,
Намозшом эшикда қовуштирди қўл.

Қўзига ишонмай Ғиёсиддин лол,
Мирхонд эса мунгли, афтода бир ҳол.

Соғинч-ла кўришди қадрдон дўстлар,
Юраклар тўлғанди, ёшланди кўзлар.

Алишер отилди Мирхонд бағрига,
Эмди қайтамиз, деб Ҳирот шаҳрига.

Кучиб, Алишерни ўпди-да Мирхонд,
Айтганинг келсин, деб жилмайди хурсанд.

Дастурхон устида дўстлар бафуржа
Сўхбат қурди, кўкда чиққунча Зўҳра.

Осмон маликасин қилиб томоша
Алишер ҳам булмиш сўхбатга ошна.

Кўнглини ўқитмиш Мирхонд ҳасрати
Ва улус бошига тушмиш кулфати:

«Денгизда тўфонда қолган кемадек
Ҳирий чайқалмишидур ғавволардин, Бек.

Булиб қолганида жон сақлаш душвор,
Сиз сари елмакни дил қилмиш қарор.

Шоҳруҳнинг авлоди бир-бирига ёв,
Ғавҳаршод илкида қолгандек жилов.

Улугбек сўзини олмай инобат,
Хазонаи хосни қилмишидир горат.

Отаси жасадин олиб кетмакка,
Самарқанд бағрига дафн этмакка.

Ҳирийга келган пайт от тортиб султон,
Мамлакат ҳолидан бағри булмиш қон.

Ва тахтни Улугбек илкига олмиш,
Ғавҳаршодбегим лек ғафлатда қолмиш.

Жони омон қолган Аловуддавла
Бувисини сургаб қочмиш шу палла.

Абдулатиф бир оз тинчисин дебон
Хутбаи давлатни ўқутмиш султон.

Улугбек кетганин ярим ой ўтмай,
Тантана нашъаси кўнглидан кетмай.

Султон Муҳаммадга беролмасдин дош
Абдулатиф қочмиш мундин олиб бош.

Ул тинч туролмасдин Самарқандда ҳам
Ота тахтин кўзлаб юрмишидир ҳар дам.

Шайхлар анга кўмак бериб турмишлар,
Улугбек мирзони даҳрий демушлар.

Тахтдин воз кечмиш-да оқибат, султон,
Бош олиб кетмишидур шаҳардин гирён.

Самарқанд қонқасин ёпиб ушбу дам,
Мирзонинг изидан қўймишлар одам».

«Е тавба!» — ғазабдан кўзлари ёниб,
Ғиёсиддин секин қўйди қўзғолиб.

«Тақсир, сўзланг тезроқ, тагин не савдо
Рўй бермиш?...» «Куп кўрмиш мирзони дунё!» —

Деёлди товуши қалтираб Мирхонд, —
«Мотам либосини киймиш Самарқанд».

«Е раббим!» — ушлади ёқасини Бек,
Бошида юлдузлар мунгаяр, ўқсик.

«Нечун ўлдирмишлар? — Алишер ҳайрон,
Нохуш хабар этмиш дилини вайрон.

«Қай қотил тиг санчмиш улуг султонга?»
Баҳодир ғазаби олди аланга.

Япроқ каби титраб Мирхонднинг жони,
Зўрга баён этди, тошиб ғиғони:

«Шаҳарга қайтмакка тонолмаи имкон,
Ҳаж йўлини тутгани ул бесару сомон.

Бир кўнолга тоғнинг шаҳар четидин,
Жонин ваҳмада лек тун сукутидин.

Уйқуга кетса-да мулозимлари
Султон кўз юмолимас, гурбат нишлари

Кўнглини пора этгани, юрагин қондур,
Оқиналар фарзандин дилда неғидур.

Кўзин мудроқ босиб, чапг солгани гафлат,
Тун торгани комига, қилмасдин шафқат.

Паламдек танигани қотил устига,
Ажал шогини сангани бўғизга.

Тоғ билан тарқалини бул ноҳун хабар,
Самарқанд кўкига ургандек ханжар.

Эл тургани оёққа, аҳли хурофот:
«Духрийнинг жазоин шул дергани, ҳайҳот!»

«Ҳайҳот! — деб уридан сачраб кетди Бек,
Алишер кўзида қўрқув ва ҳадик:

«Энди юлдузларга ким бўлган ҳамроҳ,
Ким эган аларни элга сарафроҳ?»

Майяс давом этди Мирхонд сўзида,
Ҳасрат шуъалари намни кўзида:

«Ота тоғини кийгани Абдуллатиф шод
Ва қилгани шайхларнинг боғини обод».

«Муртад Абдуллатиф! — ланбатлади Бек —
Э-узус, наҳотки, қараб турса тек!»

«Чорасин тоғини эл кўн утмай, аммо
Абдуллатиф бўгани бошидан жудо».

Ғийбатдин сўрди туниб танишга:
«Тақсир, ким қўл ургани бул савоб ишга?»

Мирхонд деди, ўзи тоғандек таскин:
«Сарой мулозими Бобоҳусайн!»

Мирхонд сўзидан Бек тоғиб қаноат
Юрагин амрига этди итоат:

«Қасосин дундир бу дунё, тақсир,
Қасосдин ким қочиб қутулгани, ахир!»

Ғийбатдин айтгани сўздан руҳланиб,
Мирхонд деди шу он фикри чўғланиб:

«Ҳа, дунё шунақа, не қилурмиз, Бек,
Фарзанд отасига қилса қотиллик?»

Дунё — қатта бозор, олин-сотдин кўн,
Бириси дур ола, бири сотгани чўн.

Бирин савдосардин, бириси даллол,
Бирин табиб ҳалим, бириси дажжол.

Барчага очикдур дарвозаси ланг;
Бирин жанда кийгани, бириси башанг.

Ҳеч ким сурмас анда абадий даврон,
Бир кулик бозорда, тарқалур хуфтон.

Дунё — бозор бўлса, тақсир, нетурмиз,
Бозорга келгандек келиб-кетурмиз».

Чуқур уйга толди, сергаво дунё
Баҳодир кўзига кўриди рўё.

«Бу чингал дунёда фарзанди башар
Қисмати азалин экан серҳунар.

Бирин гадо бўлса, бири эрур шоҳ,
Бириси раҳнамо, бириси гумроҳ.

Бирин доно бўлса, бириси подон,
Бирин шодон бўлса, бириси подон.

Бирин олим бўлса, бириси жоҳил,
Бирин табиб бўлса, бириси қотил!

Дунё савдосдин чекиб надомат,
Умар Хайём демин, қилиб башорат:

«Опон, ки куҳан буданду опон ки наванд,
Ҳар як нан ядигар якояк бишаванд.

В-ин мулк қаҳон ба кас намонанд чоид,
Рафтанду равему боз ояиду раванд»¹.

XXVI

Яд чўн... Кўз етмас, йўқдир ноғин,
Офтобда тоқлангани кўктам уммони.

Майса гиламини тўшаб табиат,
Заминга кўрагани олин марҳамат.

Табиат келини — фусункор баҳор
Тўйида очилгани гуллар бахтиёр.

Баҳор базм қўрмин чўлда бесармон,
Ҳуснин оламга этгани намоён.

Гўё умрим менинг детандек абад
Турфа гулларини сочгани беадад.

Қувончдан юклари қирмиз қизғалдоқ,
Бўтакўз бошида ашвои қалпоқ.

Сарвад чучмома ўраб кўк рўмо
Гўсафсар қонида суради хаё.

Бошида бир сават сариқ гул тутиб,
Момақаймоқ тургани намолини қўтиб.

Жағжағининг қўлида бир даста оқ гул,
Офтобга узатиб, мағрур боқгани ул.

Яна қанча гуллар қилгани тамашо,
Табиат сеҳрига ўқиб тасашо.

¹ Кекса, йил — ҳаётга ҳар кимки етар —
Ҳаммасин нама-на, бирма-бир кетар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келинар, кетар.

Жилва қилиб, кўркам чўл сурурида,
Нафис товланади офтоб нурида.

Қурту қумурсқага кириб қолди жон,
Қоқилган қозикдек боқади юмрон.

Арилар зингиллаб уқдай учади,
Қора қўнғиз эса тулроқ кечади.

Ошиқи беқарор бўлиб капалак
Гулдан-гулга қўнар гўё жон ҳалак.

Турғай наво қилар чўл самосида,
Баҳор қувончлари кўй-навосида.

Чўлга султонман деб учмиш қорақуш
Юксақдан қарвонга боқади нохуш.

Тонг билан Ҳиротга отланмиш қарвон,
Муждан жон келиб, шодланмиш қарвон,

Елмоқда Язд чўлини обод этгандек,
Мухтожлик комидан омон ўтгандек.

Алишер сазирмиш самаи отини,
Шўх сабо уфурмиш чўлининг тоғини.

Гуллар неси этмиш димоғини маст,
Қўнларининг навоси — қўлогини маст.

Сохрин дунёда қолмиш аданиб,
Гуллар боқмиш ҳайрон кўзи қаманиб.

Ватан меҳри айлаб толеъни қушод
Обғин ўйнатмиш узағида шод.

Бир қўлида қамчи, бирида жилов,
Қўзида — чўл мавжи, қалбида олов!

Қайнар булоқ бўлиб тошар илҳоми,
Гулларда ранг бўлиб яшар илҳоми.

Қуш бўлиб, кўзларда этади парвоз,
Кўй бўлиб, қирларда беради овоз.

Саҳронинг кезади сарин ел бўлиб,
Қўнидан тўқилар ёғду — ел бўлиб.

Шеър бўлиб, қалбида замзама қилар,
Ишқ бўлиб, ҳажрдан таштана қилар.

Уфққа туташар чексиз чўл бўлиб,
Ватанга стаклар ойдин йўл бўлиб.

Намозгар бўлса-да, тин олмай ҳамон
Бениқдай тебраниб сазмоқда қарвон.

Амир Гибсиддин чақнайди ўғдай,
Безакдор эгарга қўнмиш бурғутдай.

Отининг бошида зийнатли юган,
Манглайига эса тумор осилган.

Елнин ўйнатиб шамол ўтади,
Сағриси офтобда ялт-ялт этади.

Қумуш узағида Бекнинг обғи,
Қўнгли тинч: ҳамсафар уруғ-аймоғи.

Икки урқачи тоғ чўққиси монанд
Ювош нор туйда Маъсума хурсанд:

«Болагинам, отинг ювошдир, аммо,
Хушёр бул, жиловин бушатма асло!»

Алишер, онасин юпатмак бўлиб,
Сузлайди, шафаққа мафтун тикилиб:

«Онажон, бул манзар бўлмагай яккаш,
Офтобга боқинг-а, худди мис баркаш.

Оламга мунгаяр, юзи беғду,
Тун, балки хурсанддир, кун чекмиш қайғу».

Волидаси деди: «Само бағри ол,
Қўнгулда маъюслик қўзғотмиш бу ҳол».

Чўққиларга ташлаб заррин шуъласин
Кун ботди, сайёҳдек излаб гўшасин.

Бир оз йўл босди-да, шом домонида,
Қарвон қўнмиш тонди қудуқ ёшида.

XXVII

Саҳарлаб қўзғолди яна жамоат
Яна йўл амрига этди итоат.

Бадаллар жулжикар чўл сазинидан,
Мужда кутар гўё кун ёқинидан.

Ноёисиз саҳронинг мудроқ тунда
Алишер еларди қарвон думида.

Ғафлат туманида қолгандек тапхо,
Оромбахш маъвога ўхшарди саҳро.

Уйқутоб, эгарда мункиб кетарди,
Ғира-шира тунда мудғиб кетарди.

Ғарчанд чиқса ҳамки қўлдан жиловни,
Йўлидан қолмасди унинг бедовни.

Қарвон лек тўхтамай одимлар чўлда,
Рўй берди дафъатан сипоат йўлда.

Алишер кўзини очолмай қолди,
Қаттиқ уйқу босиб, комига олди.

Тушиб кетди ерга бир найт сирғалиб,
Келган эди ундан уйқуси қалиб.

Соҳибни ёнига қайтиб уна кез,
Нажот излаб боқди самаи ўкесиз.

Қарвон кетиб қолди — хабари бўлмай,
От эса ўт чимдиб турарди жилмай.

Юзлари лолагун уфқ жилмайар,
Тонг ҳуснини кўриб, ўкениар саҳар.

Балаид тоғлар она кўтарди-да бош,
Жулжиккан ташларин илғиди кўши.

Алишер уйқули кўзларин очди,
Атрофига қараб хаёли қочди.

Чўзда қолиб кетмиш бир ўзи якка,
Ким келгай отидек унга кўмакка.

Тушорин бошини силаб меҳрибон,
Тенага етаклаб, минди-да, гирён,

Карвонни қидириб, йўлга тушди у,
Кўзида зориқниш, кўнглида гулу.

Жамоада бу пайт саросима ҳол,
Боши қотиб ҳамма ҳайронди алҳол.

Бу ҳолга Баҳодир бергандек барҳам,
Бир лаҳза қилди-да жамоани жамъ.

Изига қайтмоққа айлади қарор,
Ташвишли кўзида гўё ваҳм бор.

Икки-уч йигитни ёнига олиб,
Ўқдек учди, чўлга ҳаяжон солиб.

Ота-ўғил елиб икки томондан,
Бир-бирини излаб қиру сайҳондан,

Бедовлар тушини босганида тер,
Сойликда учрашиб қолишди охир.

Ғиёсиддин қучиб Алишерни шод,
Манзили йўлини қилдилар обод.

Отлиқлар қораси кўринган замон,
Маъсума танига югурди дармон.

Ўғлини узоқдан кўриб қолиб у,
Қонинга отилди, кўз ёши — нижу:

«Алишербек, болам, юз берди не ҳол?» —
Бағрига босади ўғлини бемажол.

Юзу кўзларидан тўйиб ўнади,
Гоҳ ерга, гоҳ тизга қўйиб ўнади.

Аҳли жамоанинг юпатиб кўнгли,
Шоду хуррам, иши келгандек ўнгли,


Карвон манзилни тарк этди яна,
Чошгоҳда Ҳиротга йўл тутди яна.

Неча йил саргардон бўлган жамоат
Бошини ўпмишдир гўё саодат.

Олий марҳаматдан шод Ғиёсиддин,
Ҳиротга қайтмишдир бот Ғиёсиддин.

Алишер кўзида меҳр юлдузи,
Она шаҳарига хумордир кўзи.

Шом қўниб, самога ёқилганда шамъ,
Ҳирот қопқасига қўйдилар қадам.



ИККИТЎВИ ҚИЕМ



"ҚАЁМ ТУАШАЖИЖИЖ ШУҚУФИ ВА ТУАЗОРИ..."

Отам бу остоннинг хок беги,
Онам ҳам бу саро бустон канизи.
Манга гар худ булай булбул ва гар зог —
Ки ушбу даргаҳ улғай гулшану бог.

Алишер Навоий

Алишернинг отаси маърифатпарвар, софдил бир киши бўлиб, ўз ўғлининг улуг олим бўлиб етишишини жону дилидан истар эди. Шу сабабли ўғлининг маълумот олиши учун қулидан келган ҳар бир ишни қилди ва бу иқтидорли бола ўзининг фавқулодда ҳаракати натижасида камол топиб, ун икки яшарлигида ўзини адабиёт мамлакатининг ҳуқуқли кишиларидан бири деб ҳис қилди.

Садриддин Айний

Алишер билан Ҳусайн ораларидаги дўстлик мактабдошлик йилларидан бошланган. Гуё бу икки бола келажакда қайси бирлари баланд мартабага эришсалар бир-бирларини унутмасликка аҳд қилишган ва онт ичишган.

Олим Шарафиддинов.

I

Ғиёсиддин қайтди уйига хурсанд,
Султон карамидан кўнгли баҳраманд.

Абулқосим Бобур — райиятнавоз,
Аҳли сарой ичра айлади эъзоз.

Ота қувончидан дилда ҳаяжон,
Бағрига отилди Алишер шу он.

Ўғлини эркалаб, даст кўтарди у,
Кузларида ёнди ут бўлиб орзу.

Кобулий уридан сачраб қўзғолди,
Ғарибий қалбидан қуёш жой олди.

Қайнилари билан азалдан иноқ
Ғиёсиддин кўнгли эди шух булоқ.

Маъсума, чеҳраси гул-гул очилиб,
Юзидан оламга ёғду сочилиб,

Уларни бир лаҳза кузатди мафтун,
Дилида ечилди ғам солган тугун.

Сўрида ултириб сўнгра хотиржамъ,
Дил қулфини очди Баҳодир хуррам:

«Фақир билан султон этмиш мулоқот,
Салтанат кутмишдир улусдин нажот.

Улус кўмагига эмишлар муҳтож,
Улус деб киймишлар бошларига тож.

Вале ҳокимият кетган сўнг қўлдин,
Аламноклар урмиш улусни йўлдин.

Улус орасига солмишлар нифоқ,
Шаҳзодалар тутмиш илқида пичоқ.

Барча маликанинг истаги битта:
Бошига тож кийсин ўгли, албатта!

Бу истак йўлида тонгай иймондин,
Ўғлини гиж-гижлар: қўрқма, ҳеч жондин.

Ҳатто қасд эттирғай ота жонига,
Ут қўйиб фарзанди хонумониға.

Қоринда тинч ётмиш шаҳзодалар ҳам
Даъво қилар тахтни тугилгани дам.

Дарвоқе, нек ният қилмишдур султон:
«Беш қўлдек қовушса, дейди Хуросон»

Кошки, сузи билан бир бўлса иши,
Кўнглин тинчитмаса улус ташвиши.

Улусга таянса — боши эгилмас,
Улусдин юз бурса — толеъи кулмас».

Кобулий сузида қатъий бир ишонч,
Кўзида порлайди ўй тўла қувонч.

Қоши орасида нўхатдек тугун,
Диққат билан деди: «Эл бўлса мамнун:

Осойиш боғида яшар мамлакат,
Ғавво калхатлари қўрмас салтанат.

Сиз ҳақсиз, кучаймиш ўзаро низо,
Ўзи шоҳ бўлмаса — шоҳдин поризо.

Фитна улсида аридек ётмиш,
Бири-бирисига захрини қотмиш».

Ғиёсиддин ўйлар, Қобулий ҳақдур,
Барчасини матлаби тож ила тахтдур.

Тоғ киймак истамас қайси шаҳзода,
Муддаоси йўқтур бундин зиёда.

Ўзилаган гапини ўйида улаб,
Деди: «Маликалар ҳатто тахт талаб».

Сухбат авзойидан олиб хавотир,
Ғарибий анганиб сўзлади охир:

«Қўйинг бу гапларни, ўрни эмас, Бек,
Деворининг қулоғи бор дер халойиқ».

Ғарибий қошида бўлгандек мулзам,
Ғиёсиддин чойдан хўшлади шу дам.

Ва деди юзланиб Матъума томон:
«Фақирга марҳамат қилмишдур султон.

Улус хизматига масъул эгдилар,
Аҳли бор қошида муҳр тутдилар».

Бу қутлуғ муждадан ҳозирчилар шод,
Ғўёки бахт қўни бошга қўнмиш бот.

Қобулий чеҳраси очилиб, деди:
«Почча, бели маҳкам боғлайсиз эмди.

Фахрдур саройга бўлмак мулюзим,
Султон шоятти оқламак лозим.

Улус ҳоли хароб, тангдур аҳволи,
Мадорини қуритмиш зулм шамоли.

Фуқаро оҳидини ўртганин осмон,
Юрак-бағри худидир, ранг-рўйи сомон.

Мулкни талон этмиш бек ва амирлар,
Бошига дўл каби ёғмиш жабрлар.

Сизга раҳнамолни қилмаса султон
Мулкдорлар илкани тиймак дарғумон».

Ғиёсиддин ўйлар, излайди чора:
Улус — бу асида аҳли фуқаро.

Мулкдорлар улусни от қилиб минмиш,
Эл бошида зулм тағби синмиш.

Бир ҳовуч бўлса-да, эрур ҳукмрон,
Жабру ситам ичра эл эса гирён.

Улар туя қилмиш улус понини,
Хонавайрон этмиш хонғумошини.

Сандиқлаб олгини домига тортмиш,
Аждаҳо сингарни комига тортмиш.

Ўйлаб боши қотди, излади имкон,
Бафуржа, аҳдини айлади баён:

«Подшоҳсиз иш тутмак — чоҳ қазмақдур,
Қўзинг очиқ бўлиб, йўлдан озмақдур.

Инсоф тарозуси бўлса илкнингда,
Эътибор тонгайсен элу мулкнингда.

Қўлингда порласа адолат шамъи,
Сени азиз этгай улус қарами.

Маҳкам бўлай десанг улус жонига,
Бош эгиб боргайсен ашинг ёнига.

Инобатга олсанг арзу ҳолини,
Қалқондек тўсгайсен гам шамолини.

Улус мулкчилини айласанг осон,
Надомат даштда азоб чекмас жон.

Вале бек, амирлар сенга бўлгай гов,
Шафқат қилгаймен деб, орттиргайсен ёв.

Мулкдорлар жон бермас, бўйни йўғондур,
Мурувват йўлини тўсган тўғондур.

Ўзим чоғлабменки улус ишига,
Нажот илкни чўзгум нек юмушига.

Бу йўлда жонимни фидойи этгум,
Элу юрт раёнига қараб иш тутгум».

Надари аҳиддан Алшербек лол,
Қалбида қувончу қўзида савол.

Уш бу ҳолатда кўрмагани ҳеч,
Ишингиз нечук, деб сўрмагани ҳеч:

«Отажон, бошингиз гавгода қолмиш,
Сувдин олиб султон оловга солмиш.

Акобир, аъёнлар сизни тинч қўймас,
Ўзлари тўйса-да, кўзлари тўймас.

Рутба ё суюрғол олгани шоҳдин,
Алар қайтмас асло бўҳтон, гуноҳдин.

Яхши кўринмак-чун шоҳга ниҳоят
Тоймагай қилмақдин сизга хиёнат».

Ўйчан Ғиёсиддин торгандек хушёр,
Ўғлини бағрига босди миннатдор.

Унинг идрокига яна бериб тан,
Чекмиш ташвишлари тарқалди зотан.

«Ўзга чора йўқтур, англа, ўғлоним,
Улус хурсанд бўлгай, комил иймоним.

Ўйламай иш тутмас подшоҳи олам,
Элу юрт гамида ул чекмиш алам.

Дорул-ҳаводисда марҳамат этмиш,
Улус даргоҳига юзумни тутмиш.

Фақирга муқдир ҳам олий бахт йўқтур,
Улус рутбасидан юксак тахт йўқтур».

Намозном тушдию дустлар булди жамъ,
Кукдан кўзин сузди юлдузчалар ҳам.

Ой хира, юзини қопламиш доғлар,
Гуё чангал солмиш ҳуснига зоглар.

Тудадан айрилган булутлар сарсон,
Жулдур пўстагини қоқмоқчи осмон.

Ҳирируддан эгар сарин шаббода,
Гул исн анқийди салқин ҳавода.

Тоглар — паҳлавондек ёнбошлаб ётур,
Боглар — жаннат сари кўз ташлаб ётур.

Кун буйи қозондек қайнаган Ҳирот,
Фароғат бағрига бошини қўйди бот.

Чунг Ихтиёридин қалъасига ҳам,
Ором парилари қўйдилар қадам.

Заливор дарвозалар қулфланди магар,
Кўтариб қўйилди осма кўприклар.

Сувли хандаққа ҳам тун нигоҳ отди,
Тўрт буржда соқчилар ҳайкалдек қотди.

Ҳирот ўрдасига тикиб жонини,
Кўриқлар Хурожон истехкомини.

Амир Ғиёсиддин эшиги, аммо,
Ланг очиқ, дўсту ёр этмиш мархабо.

Ёғдулар таралмиш биллур шамълардан,
Сўрилар серфайёзир мухтарамлардан.

Дастурхон кўркидир нозу неъматлар,
Дилларини ёритгай ширин сўхбатлар.

Ҳазрати Лутғий ҳам зиёрат этмиш,
Назм боғи ичра зироат этмиш.

Ҳазратнинг улусда қадри баянлудур,
Иززату икромда подшоҳ монандудур.

Ғиёсиддин чорлаб Деҳи Капордан,
Ул зотни шод этиб, чиқмиш хумордан.

Алишер ўлтирар устод ёнида,
Илҳоми жўш уриб қайноқ қошида.

Мирхондиннинг ёнида закий Ардашер,
Кўрмаган эди ҳеч уни Алишер.

Ҳурматла эларди отаси баъзан,
Қомус ул-аълам деб ул Саййид Ҳасан.

Алишер қошида Атоён — тетик,
Назда зулматин ёритмиш нурдек.

Ёнида утнафас Ҳусайн мирзо,
Кўзида аке этмиш юлдузли само.

Балогоат боғида этминдир сайр,
Ўсемирлик фаслига деминдир: «Хайр!»

Мўйлаби майсадек сабзалар урмиш,
Тизида салобат билан ўлтирмиш.

Мухтарам зотлардан узин кўрмай наст,
Навқирон бир йигит тўрга ўтди даст.

Кийиниши башанг, олифтанамо,
Офтоб меники, дер бўлмаса само.

Бошига қистириб салла пешини,
Илжайиб, кўрсатмиш тилло тишини.

Бу — Даҳо Ҳиравий, осмондав шоир,
Тили бурро, сўзга чечан ва моҳир.

Ғазали чиройли сўздан иборат,
Юрак ути йўқдир, муздан иборат.

Мадҳи сано ўқир кимки бўлса шоҳ,
Шоҳ унинг эгилган бошига папоҳ.

Ҳиравий топинган меҳроби — Ўрда,
Ўрдада ҳаминша жойидир тўрда.

Улуғлар жой берди ўрнидан туриб,
Ул мамнун ўлтирди чордона қуриб.

Нечун булдай ҳурмат, сохта эҳтиром?
Нечун тўрга ўтар Ҳиравий мудом?

Катта бир масжидда отаси имом,
Имомни эл этгай иззату икром.

Тоғаси Ўрдада мирзабонидир,
Доғули вазирлар кўзу қошидир.

Уларга эрганиб печа бор Даҳо
Уйларнинг тўрида ўлтирар, аммо.

Ўрганган кўнгилда, ўрганса қўймас,
Пойгоҳни ўзига ҳатто эл кўрмас.

У кўкда — зог каби қилади парвоз,
Гуё дорда юрмиш лағгарез дорбоз.

Кобулий чой қўйиб, унга узатди,
Авзойини зимдан Мурхонд кузатди.

Ғиёсиддин келиб ҳол сўрди дарҳол,
Бу зот ким бўлди, деб Алишербек лол.

Ҳожа Юсуф Бурҳон эса саз чалиб,
Ўлтирган жойида қўйди қўзғолиб.

Бу улуғ зот — машҳур мусиқашунос,
Кўнгилидан куй бўлиб чиқар эҳтирос.

Мусиқа илмида хунтаъб, беназир,
Дилкаш навосига улус мунтазир.

Алишерга бўлмиш мусиқий устод,
Шапмақом йўлида уни этмиш шод.

Кўнгил дугорини безатгандек зар,
Ҳазинадан тутмиш бир ҳовуч гавҳар.

Шогирд даргоҳига айлаб марҳамат,
Гуё анжуманга кўнмиш малюҳат.

Ғиёсиддин билан дўсту қадрдон,
Меҳр-оқибатдан диллари бустон.

Ғарибий ёнида ўлтирмиш ул зот
Умрини навога чулганган ҳайт.

Лутғий газалига савт боғламини ул,
Созига қўнгандек чамандан бўлбул.

Ликопни ўйнатиб, жўр булар ҳофиз,
Сел этиб, ўзига жўр қилар ҳофиз.

Ғарибий сўйлатиб дуторини шўх,
Ҳофиз овозига бахш этар шўқуҳ.

Алишер сархушдир куй ва газалдан,
Куй билан газалдир жони азалдан.

Аҳли шуарога келганида гал
Даврага файз берди яна куй, газал.

Яна Атойининг бағри бўлди қон
Ва уни йиғлатди саркаш бир жонон.

Ғазал кишварида кезиб музаффар
Ҳусайний таҳсинга бўлмиш сазовор.

Алишер юзланди Кобулий сари,
Ҳаёлин чулғади шеър парилари.

Бошида чарақлаб юлдузли осмон
Интизор кўзлардек боқмиш меҳрибон.

Ғиёсиддин кўнгли хаприқиб кетди,
Сурига таяниб, қулогин тутди.

Ҳазрат Лутғий эса бергандек нажот:
«Ўқи, бутам!» деди... Тилсиз коинот

Шод эди бу даргоҳ хуш толеъидан,
Навқирон шоирнинг истиқболидан.

Алишер ҳаёлин олди-да тўшлаб,
Тизиди ўлтириб, шеърга очди лаб:

«Фурқатингдин заъфарон узра тукармен лолалар,
Лолалар эрмас, ки бағримда эрур парголалар».

«Ваҳ!» деди ҳайратдан муҳтарам зотлар,
Дилга дард солгандек ранж, муножотлар.

Барча Лутғий сари тикди кўзини
Ва кутди умидвор устод сўзини.

Ҳазратнинг юзида барқланиб сурур,
Нуроний кўзида ёниб порлоқ нур.

Дилдан дуо қилди Алишерни у,
Беғубор қалбида олий бир орзу:

«Алишербек шоир бўлмиш азамат,
Сидқидилдан шеърга этса азимат,

Улусга туркийда дур аҳсон қилгай,
Назм бўстонида толеъи кулгай.

Боқинг, кўк ҳам бугун ғоят серюлдуз,
Фақир кўзуи олимши аммо бир юлдуз.

Бу юлдуз Хуросон кўкида балқимиш,
Ёғдуси оламни ёритгон барқимиш.

Не тонг, Навоийнинг юлдузидир — бу!
Улус боши узра норласин мангу!»

III

Қадрдон мактабга қайтди Алишер,
Сабогин назмда айтди Алишер.

Домласи ҳайратдан тутди яқосни,
Устоди бўлгандек наам даҳосни.

Сабоқдош дўстлари боқинди ҳайрон
Ва орзу кўкида уришди жавлон.

Ҳусайн мирзодан улар эди шод,
Мактабдош бўлди деб, ёрқин истеъод.

Бугун Алишердан узилмас нигоҳ,
Навқирон шоирга диллар хайрихоҳ.

Ажиб ҳол, болалар кўтариб сурун,
Алишер шеър айтсин, дейишар шодон.

Анордай қизариб кетмиш Алишер,
Ҳаёл дафттарини титмиш Алишер.

Сунг кеча ўқиган газалин такрор
Этмакдан ўзини сезар бахтиёр.

Юлдуз каби чақнаб, шуълалар сочмиш,
Назм кишварининг тилсимин очмиш.

Ғаввосдек дур термиш сўз уммонидан,
Богбондек гул узмиш шеър бўстонидан.

Болалар севинчдан қарсак чалдилар,
Алишер қалбига гулу солдилар.

Домла сабогини унутиб тамом,
Кўнглида қўзғолиб қувонч, аҳтиром,

Миннатдор кузатмиш ғаройиб ҳолни,
Ғазал кўкидаги янги ҳиллолни.

Ўлтирган жойида чайқалмиш аста,
Ғазал ришгасига жони пайваста.

Ҳусайн мирзонинг юзида виқор,
Алишерда куриб ноъб иқтидор,

Қалбида тантана қилмиш гурури,
Кўзида барқ урмиш ғазал сурури.

Домла қайрилди-да Ҳусайн томон:
«Мирзо, сизга навбат», деди шодумон.

Жуссаси шерпайкар, кўзлари утқир,
Ҳофизаси баланд, сўзлари кесгир

Шаҳзода боқди хуш Алишер сари,
Ҳужумга отланиб сухан лашкари:

«Соқие, тут бир қадахким, боданинг додин берай,
Ким, баса хуноб ичибмен давр эли бедодидин».

Ғазал мақтағини тугатгач мирзо:
Домла: «Офарин!» дер, юзида жилю.

Мамнун туйгуларни қилғали манзур
Алишер садафдан гу! тонди дур:

«Даврон бедодидин Хусайний қондур,
Қон ютиб ўртағини эшарвар жондур».

Лутғиний ҳазратлари айтмиш: «Хусайний
Назмиддин элу юрт топмиш хун мағин».

«Назм сабоғи»га айланмиш бу кун
Ялт этган чақмоқдек ўтди сермазмун.

Ким айтди: «Бўстон»дан, ким «Алломин»дан,
Ким «Гул ва Навруз»дан, ким «Чор дарвеш»дан.

Ким деди: «Гўрўгли», «Тоҳир-Зухро»дан,
Ким Дурбек, Атойи, «Вомиқ-Узро»дан.

Домла хурсанд бўлиб, сабоқ сўнигида
Ешларин оққади, гурур кўнглида.

Фасиҳиддин Соҳиб эдилар бу зот,
Фозиллик турайли қозонмишлар от.

Узлари қирқларга бориб қолса ҳам,
Ешидан улғуроқ кўринмиш бу дам.

Домласи ижозат бергани ҳамон,
Дув этиб қўзғолди толиблар шодон.

Ва лекин икки дўст ўйлашиб қолди,
Ҳирируд бўйига сўнгра йўл олди.

Энди улар: Хусайн, Алишер эмас,
Хусайний, Навоний деса, элга бас.

Элу юрт сурури — икки навқирон
Юрагида яшар бир орзу-армон.

Бу орзу — вобаста қисматларига,
Бу орзу — пайваста тийнатларига.

Дўстликнинг бош урмиш қибласидир бу,
Дўстликнинг мангулик қиссасидир бу!

Муסיқий оқмоқда ниллий Ҳирируд,
Созанда бағрида чалган каби уд!

Мусоҳаба этмиш қирғоқда дўстлар,
Юракда Ҳирируд мавжидек ҳислар.

Намозгар уфқида саргашта қуёш
Дўстлар туйғусига булғандек сирдош.

Шеър баҳси, дўст васли ва васфи дунё,
Жушқин юракларда саз чалмиш дарё.

Хусайний қонида пуртана сезмиш,
Навқирон йигитлик боғида кезмиш.

Мақтабни тарк этиб энди ул тамом,
Ўрда хизматини кўнгли этмиш ком.

Кўнглида яшайди олий бир мақсад,
Йигит орзусига йўқ асло сарҳад.

Етти ёнга қадам қўйганда, ҳайҳот!
Надари бузурги этмишдир вафот.

Азиз волидаси бўлиб жигархун,
Сулиса — тоғ бўлди, йиқилса — устун.

Унинг хаёлини олимни салтанат,
Кўнглига гулгула солмиш салтанат.

Нечун у бўлмағай тахтта даъвогар,
Бобосидан қолган бахтта даъвогар!

Бир юракда яшар икки зўр шият:
Бириси — салтанат, бири — шеърият!

Бир қўлида қилич, бирида қалам,
Бириси — тахт талаб, бириси — қарам!

Орзулардан унинг руҳи балаидир,
Истиқбол умиди жонга пайвандир.

Ўспирин Алишер дарёга боқмиш,
Хаёли тўлқинлар мавжиде оқмиш.

Шеър ишқи кўнглида кўтармиш туйғи,
Илҳом парисидан роҳат билмас жон.

Неча йил яшади дарёдан йироқ,
Ўнғидан кетмади Ҳирируд бироқ.

Қувноқ болалигин олган бу дарё,
Қалбига илҳомлар солган бу дарё.

Қандай бахтки, васли яна мўяссар,
Кўй билан кўнглини этча мунаввар!

Қандай бахтки, зилол сувидан ичса,
Саратон қушлари яланго кечса.

Балиқдек бағрида сузса беармон,
Зилол тўлқинларда кўтарса сурон.

Тўлқинлар сизмаса қучоқларига,
Жон яйраб, узанса қирғоқларига...

Сидқидил қўл бериб дўстлар шодумон,
Бир мақсадни кўзлаб, этди аҳд-паймон.

Улусни ўртага қўйиб, умрбод
Дўст булмакка улар қилди қасамёд:

«Кимнинг мартабаси бўлса гар баланд,
Дўстин ҳам ўзидек этсин сарбаланд».

Сут-ла кирмаса-да бу қасам қонга,
Пайванд бўлмиш иймон сингари жонга.

Муқаддас қасамни бузмасликка ҳеч,
Онт ичишди, бошга келса-да, қилич!

Дўстликни оқлашга келтириб иймон,
Дарёни тарк этди икки қадрдон.

IV

Дорус-салтанага қайтиб келди шоҳ,
Йўлига мунтазир эди қароргоҳ.

Ноилож Самарқанд билан сулҳ тузиб,
Мовароуннаҳрдан умиддин узиб,

Регистон саҳнига босолмай оёқ,
Регистон устига тиколмай байроқ,

Қирқ кун қамал қилиб қадим шаҳарни,
Беором утказиб шому саҳарни,

Абу Саъид билан жангда бешафқат
Жон бериб, жон олиб, кўриб талофат,

Неча кун йул босиб, чекиб азият,
Хуросон мулкига қайтди оқибат,

Бойсунқур мирзонинг тўнгич ўғлини
Абулқосим Бобур — Ҳирот султони.

Хусайн мирзо ҳам туриб ёнида,
Музаффар ўт ёниб қайноқ қонида,

Шердек ҳамла қилиб от солди жўмард,
Муяссар бўлғай деб тахти Самарқанд.

Гарчанд Абу Саъид унга қариндош,
Шафқатни этмади кўнглига йўлдош.

Тоғу тахт жангида қондош бўлур ёт,
Жоннинг гаровидир: «Ҳаёт ё мамот!»

Барча шахзодага бу хислат хосдир,
Тахт учун жанг қилмоқ бобо меросдир.

Сулҳ билан Ҳиротга қайтса-да султон,
Хусайндан кўнгли нотинчдир ҳамон:

Қолмиш Абу Саъид ҳузурда у,
Баланд мартабани қилгандек орау.

Ва лекин тоғаси ҳибсага олмиш,
Тахт даъво қилмиш деб элга жар солмиш.

Бу ҳолдан онаси кўтариб фарёд,
Султон оромини этмишдир барбод.

Ўғлининг жонига қасд этса, нетсин!
Туғишгани, бошини наст этса, нетсин!

Иззат-иқром билан Самарқанд томон
Феруза бегимини йўллагани султон.

Ул бориб, оғасини чорлаб инсофга,
Ўғлини олиб қайтмиш олий даргоҳга.

Хусайн бел боғлаб хизматга яна,
Султоннинг қонида бўлмиш нарвона.

V

Абулқосим Бобур хуш таъб, хушгўйнат,
Эзгулик, марҳамат — умрига зийнат.

Бойсунқур мирзодек илм ва санъат,
Нааму мусиқадан қилмишлар лаззат.

Меҳридан баҳраманд соҳиби хунар:
Муҳандиси ганжкор, наққошу заргар.

Унинг замонида мулки Хуросон
Бир оз тинчиб қолди ва лекин ҳамон

Ғавғолар домида баъзи вилоят,
Низомга мулкдорлар этмас итоат.

Инсофини бури егандек очкўз,
Фуқаро жонига этмиш тажовуз.

Ҳокимларга ташлаб хуракли қармоқ,
Сўнг қўймиш йўқсуллар йўлига тузоқ.

Ихтилоф солмишлар уруғ-аймоққа,
Иноят қилмишлар мулки бойроққа.

Иши ўнг, ким турса ариқ бошида
Ёни амал бўлса қариндошида.

Ким бўлса фуқаро ё қўли калта,
Муҳтождик домига маҳкум, албатта.

Кимнинг улови йўқ, ҳоли харобдир,
Кимнинг ер-суви йўқ, умри саробдир.

Бойларнинг даргоҳи равшан ҳамиша,
Фуқаро маскани — қоронғи гўша.

Султон бўлса ҳамки райиятпарвар,
Ночор эл кулбаси бўлмади анвар.

Улусга ён босиб Ғиёсиддин ҳам
Кўнгли уксинди-ю кузи бўлди нам.

Султон қошида ул чорасиз қолмиш,
Даврон жумбоғини ечолмай, толмиш.

Ғиёсиддин билан ҳамроз султон ҳам
Иложини тополмай чекмишдир алам.

Нотинч вилоятдан бири Сабзавор,
Унинг кўнглини ҳамон этмиш беқарор.

Улус, ҳокимидан норизо бўлмиш,
Султон ҳам уларга жонфизо бўлмиш.

Ғиёсиддин билан султон ўзаро
Сабзавор дардига наламиш даво.

Дилкаш мусоҳаба чўзилди узоқ,
Давоси топилиди сўнггида бироқ.

Бўлмиш Ғиёсиддин рутбаси баланд
Ва уни кўтламини султон орзуманд,

Баҳодир лол қолмиш бу марҳаматдан,
Бонни кўкда гўё мулк, салтанатдан.

Энди ул тонг билан Сабзавор кетгай,
Улус хизматига жонсипор этгай.

Жонсипор бўлмагай улус бонида,
Жонсипор бўлғай ул улус қонида.

Ҳоким бўлиб, улус ҳолини сўрғай,
Орзую ғамини тенг баҳам кўрғай.

Саодат шуъласи жонбахш руҳида,
Садоқат ҳилоли қалбини кўкида.

Толъ бустонида ургандек жавлон
Уйига отланди Баҳодир шодон.

VI

Хиротдан Йироқда мулки Сабзавор,
Тоғлар олқишига бўлмиш сазовор.

Турнақуз булоқлар қайнаб ётмиш шўх,
Чинорлар умрида минг йиллик шукӯҳ.

Фалакка қадалмиш чўққиларда қор
Офтоб ёғдусидан тинглайди ажд.

Жаҳаннамга ўшар тоғли даралар,
Асов шаршаралар қушиқ таратар.

Қояга тутаниб кетмиш арчазор
Бағрида сайр этар оху ва олқор.

Бургутлар қоядан чангалин узиб,
Сабзавор кўкида юрмишдир кезиб.

Тоғларни бошида тутмиш сайҳонлар,
Сув дейди, кўкида ўтли фиғонлар.

Дашту биёбонни қилмасдан сайрон,
Сувини бағирлаб, Ринд оқар сарсон.

Бафре Меҳр билан Заъфарони ҳам
Мажнунвор оқади — бағри тўла ғам.

Уч дарёга ювиб юзин Сабзавор,
Хиротта тикмишдир кўзин Сабзавор.

Икки улус бунда — мисли икки кўз:
Форсий ва туркийда бунда айтур сўз.

Туркигуй форсийда сўзлар бемалол,
Фарсигуй туркийда қийналур хиёл.

Бўлиб Ғиёсиддин Баҳодир ҳоким,
Улусга раҳнамо бўлгунча токим,

Неча ойлар ўтди, йил ҳам юз тутди,
У элдан, эл ундан яхши сўз кутди.

Қаре ҳам икки қўлдан чиқади, ахир,
Улуссиз иш тутмоқ ҳокимга оғир.

Қай ҳоким ўз элин этса миннатдор,
Унинг фармойиши бўлур барқарор.

Сабзавор улуси кўмакка муҳтож,
Илигин қуритмиш солинган хирож.

Султон амри билан ҳоким даставвал
Хирож масаласин қилиб олмиш ҳал.

Ҳоким карам этмиш ўз улкасига,
Офтоб нури тегмиш эл елкасига.

Саробга айланмай фуқаро зори,
Бир ҳисса камаймиш закот миқдори.

Барчага дахлдор бўлмай, бу низом
Этмиш заминдорлар уйқусин ҳаром.

Ғиёсиддин боглаб белини маҳкам,
Улус билан бўлмиш доим ҳамқадам.

Сунгра ариқ қазиб, Ринддан олиб сув,
Аҳд қилди, дашт ҳуснин эттали сулв.

Йўқсулларга ҳам ер улашди даштдан,
Лек, ҳоким, орттирди ўзига душман.

Бу ҳолдан аламнок аҳли амлоқдор
Султонга арз қилиб борди неча бор.

Ва лекин султондан чиқмагач ҳожат,
Ноилж ҳокимга этди итоат.

Уйида тинч ётмай мулкдорлар аммо
Закоат хусусида қўзғади ғавго.

Ҳоким ўз сўзида турмиш устувор,
Оқибат кўникмиш аҳли амлоқдор.

Элатлар сардорин кўнглига, ҳоким,
Қўл солиб, ҳамжиҳат иш кўрмиш доим.

Мулкдорлар орага солмиш ихтилоф,
Низога қолмагай элда иштибоҳ.

Султон фикри билан ҳоким иш тутмиш,
Сабзавор улкасин осойиш этмиш.

VII

Қадимдан машҳурдир асли Сабзавор,
Бу юртда яшайди насли сарбадор.

Чақмоқли кўзғолон нидоси ҳамон,
Сабзавор бағрида яшар бегумон.

У дамлар чиққан йўқ улус ёдидан,
Мерос бўлиб ўтмиш ўз аждодидан.

Аждодин қони бор улус қонида,
Интиқом руҳи бор улус жонида.

Осон тутиб бўлмас ҳокимга асло,
Элин илкда тутмоқ — мушқил бир савдо.

Баҳодир доврўғи, обрўси баланд,
Сарбадор наслининг жонига пайванд.

Бу элда бор эди дўсту ёрлари,
Хизматда ҳамқадам биродарлари.

Улар Баҳодирга елкадош бўлмиш,
Ҳар бир юмушида кўзу қош бўлмиш.

Баланд тутиб дўстлар қадрини ул ҳам,
Садоқат боғида айламиш карам.

Бу юртда туғилмиш сарбадор шоир —
Мир Шоҳий, Лутфийдек этилар қадр.

Улусга азалдан эди меҳрибон,
Уни ардоқламиш ҳануз Хуросон.

Мулозими этиб Бойсунқур мирзо
Бир вақтлар қилганди шоирни ризо.

Мир Шохий хурматин кестириб бажо,
Баҳодир мурувват этминн доимо.

Сабзавор элига келар чоғи лек,
Бир хабар эшитиб афсусланди Бек.

Мўйсафид шоирга булиб соябон,
Қошига чорламинн ҳокимнн Журжон.

Шохий хурсанд бўлиб бу марҳаматдан,
Осойинн тонминндир ул мамлакатдан.

Астробод бағрида шоирнн даврон,
Иззату икромда яшайди ҳамон.

Қўрмаган эса-да, Шохийинн гарчаид,
Алишер хаёлинн ул зот этминн банд.

Отасн шоирдан этминн ҳикоя,
Хурматинн оширминн билюниҳоя.

Латиф ғазаллари гарчи эрур оз,
Элининн назарида тонминндир эъвоз.

Икки шоир аро тоҳеъ кулминндир,
Мақтублар юбормак воқеъ бўлминндир.

Ул зот юрган йўлдан кезминн Алишер,
Сарбадорлар сасинн сезминн Алишер.

Отасн кўнглини чоғ қилиб турминн,
Суянгса — ёнида тоғ бўлиб турминн.

Ота хурсанд бўлминн оқил фарзанддан,
Фозилу покдомон, софдил фарзанддан.

VIII

Абулқосим Бобур ва Ғийбатдин
Ота-инн каби эдилар яқин.

Улар бўлмаса-да, азалдан қондош,
Азиз боболари эди кўкалтон.

Шул важдин марҳамат кўрсатиб султон,
Сабзавор мулкига этминн ҳукмрон.

Сарой хизматига чорлаб мухтарам,
Раҳномалиг қилминн Алишерга ҳам.

Алишер бу бахтдан ўзида йўқ шод,
Тоҳеъ этминн гўё мулкининн кунод.

Фарсий ва туркийда Бобур мирзо ҳам
Назм боғи ичра сурарди қалам.

Нозик таъб, закий қалб, дарвинванн, хушхулқ,
Амрига итоат этса-да чўнг мулк.

Фақир киннн эди, баладд ҳиммати,
Олтиннинг йўқ эди тошдек қиммати.

Назмига Алишер эди мунтазир,
Ушбу туркий байти эди беназир:

«Неча юзунг кўриб хайрон улайинн,
Илоҳи, мен сенга қўрбон улайинн».

Алишер саройга келган кунданок
Хусайн кетмади қошидаи йироқ.

Ундаи-да қувониб, тонминн ҳамрозинн,
Гулигани назмда чертминн дил созинн.

Дўстлар кезминн шодон ёшлик боғида,
Илҳомбахн дамларининг гул қучоғида.

Хусайн кўксига йиғитлик ўти,
Алишер қалбига илҳом сукути.

Хусайн кўзига барқ ва шижоат,
Алишер сўзига шеър ва нафосат.

Хусайн бошида тож-тахт савдосн,
Алишер фикрида ғазал дуйёсн.

Хусайн ўйида даврон қисмати,
Алишер кўйида даврон ҳикмати.

Олий саодатдан бахтиёр дўстлар,
Кечминн-кечирминннн завқ билан сўзлар.

Хусайн — Самарқанд азиматидан,
Алишер — Сабзавор савҳатидан.

Хусайн дедиким: «Улдубек мирзо
Расадн кўнглиминн айлади рўшно.

«Зеби жаҳон» дерминн ани халойиқ,
Дарвоқеъ, мўъжиза, мақтовга лойиқ.

Қўшак тепасида ул тикламинн қад,
Самарқанд буржидан ҳаттоқи балад.

Расад зийнатидур «Зижн Қўрагон»...
Алишердек кўрмаган мулки Хурожон.

Дурбийиллар қадалминн тоқи фалакка —
Юлдузлар сайр этминн боқий фалакда.

Фақир ҳам солиминндур фалакка назар,
Рўёбга ўхнайидур гаройиб манзар».

Алишер кўзлари норлаб севинчдан,
Хусайнга ҳавас қилар ич-ичдан!

Ул эса, дўстинн бахтиёр этиб,
Сабзавор сайринн сурди, кўз тутиб.

Алишер ўзинн тутди-да вазминн,
Рўёбга чиқарди Хусайн азминн:

«Оқибат осойинн тонминн Сабзавор,
Ҳаловат билмайдур аммо бузургвор.

Ҳукумат расми-ла борса-да, вале
Хотири жамъ эмас фақир туфайли.

Шу важдин, эҳтимол, фақиринн подшоҳ,
Саройга чорламинн, бўлғали паноҳ».

«Балки, ундоқ эмас» деди Хусайн,
Дўстига жилмайиб, сўзлади майинн:

«Аҳли шуаронн хуш кўрур султон,
Сизинн, Алишербек, ёқтирур султон.

Азимат этганда Самарқанд сари,
Жайхунни кечганда жумард лашкари,

Оромгоҳда кўрмиш газалин афзал
Ва ўқумиш сиздин бир латиф газал.

Фақирдин сўрмишлар, нечук ҳолингиз,
Назмда кўрмишлар хуш толеъингиз».

Алишербек кўнгли топгандек таскин,
Сабзавор мадҳида сўзлади мафтун:

«Сабзавор — хуш ўлка, латофатда ул
Тенгсиздур, тарк этмас боғларин булбул.

Дарёлари жўшқин, суварли зилол,
Мевасин есангиз, тилдин томур бол.

Шуаро илҳоми Сабзавор эрур,
Билурсиз, аждоди сарбадор эрур.

Сарбадорлар меним ҳаёлим олмиш,
Дилимга оташин тугёнлар солмиш.

Бошин дорга тикиб, истаб хуш даврон,
Алар наъра тортмиш мисли арслон.

Зулм қалғасини вайрон этмишлар,
Тарихга зарварақ саҳфа битмишлар.

Шоҳ огоҳ бўлгандек ҳолу зоримдин,
Фақирни тиламиш бузургворимдин».

Хусайн қалбида фахр қўзғолмиш,
Алишер кўнглига тасалю солмиш:

«Мурод ҳосил ўлмиш, саодатманд шоҳ
Аждоди азалдин сизларга дилхоҳ».

Алишер сўзида айлади давом,
Дилида подшоҳга олий эҳтиром:

«Ҳазрат Бобур мирзо беназир зотдур,
Марҳамат булоғи оби ҳаётдур.

Демушлар: саройда отангиз каби
Мулозим булғайсиз, иқбол кавкаби

Бошингиздан заррин шуълалар сочғай,
Мурувват қасрининг эшигин очғай.

Бул фақир таъзимга бош этиб дедим:
Ҳазратим илкида қисматим эмди.

Неки юмуш бўлса, этурмен бажо,
Илкимдин келмаса, қилгум илтижо.

Бошлари осмонга етгандек ҳазрат,
Вазирлар қошида кўрсатмиш хурмат.

Ва чорлаб мавлона Муаммойни,
Билғайсиз дедилар бул Навойни.

Ул зот фақир сари боқди-да хурсанд,
Деди: Баҳодирга булғайлар фарзанд.

Мавлона сўзлари султонга ёқмиш,
Вазирларга гурур қўзлари боқмиш.

Демушлар: Мавлоно, Навойга сиз
Бу олий даргоҳда папоҳ булғайсиз.

Ул зот таъзим ила қуллуқ, дедилар,
Олий ҳазрат амри қутлуғ, дедилар».

Қувончдан Хусайн сизмай ўзига,
Вазмин оҳанг берди таҳсин сўзига:

«Алишербек, сизда бўлмиш истеъдод,
Этгай шеърда қасри олийни бунёд».

Алишер қуллуқ деб айтди тасанно,
Хусайн кўзида пурвиқор маъно.

Доимо сўзида эди устувор,
Чунки султон бермиш унга эътибор.

Падари шоҳ билан оға-инидир,
Шоҳ унинг суянган бахт устунидир.

Вале Алишер ҳам Хусайн қадар
Мурувват дурига бўлмиш муяссар.

Бу дурнинг қадрига етмиш Алишер,
Эъозлаб, бағрида тутмиш Алишер.

IX

Шоирлар қадами етганки даргоҳ
Илҳом парисига булғай қароргоҳ.

Ва лекин гулни ҳеч этмасдан канда
Алаф ҳам гул билан усар чаманда.

Гулдан бол тўпласа асалари гар
Алафдан, ҳаттоки, капалак қочар.

Султон Бобур мирзо саройида ҳам
Алафсиз бўлмасди гуллар муҳтарам.

Гулларнинг буйидан хуш бўлса ҳаво,
Алафнинг дастидан эди бедаво.

Ким гулга маҳлиё, кимдир алафга,
Ким дурга ишқибоз, кимдир садафга.

Гар дурни бағрида яширса садаф,
Гул пойин қирқадир тигсиз талх алаф.

Шуаро толеъи кулган масканда,
Навой бир гулдир саҳни чаманда.

Бу гулнинг юзига қўнмасин деб гард,
Бобур мирзо бўлмиш унга жоннарвард.

Уни азиз кўриб фарзандидан ҳам,
Ҳади этмиш подир довоту қалам.

Улуғлар меҳридан баҳра топсин деб,
Бошини силади соябон бўлиб.

Лутфий ҳузурига йўлаб гоҳида,
Отасидек тутмиш ўз паноҳида.

Хожа Юсуф Бурҳон, Мирхонд, Гадоий
Меҳр булоғидан қонмиш Навой.

Гадоний — туркиий, хасас қалб шоир,
Латиф сўз айтмакка кўп эди моҳир.

Шеърни шухрат тутмиш Хуросон ичра,
Тугъилар қиладур мулки жон ичра.

Улус орасида ул бўлмиш машхур,
Бобур мирзо кўрмиш газалии манзур.

Шоҳ айтмиш шоҳ байтии бу анжуманда,
Давоси йўқ дардга бўлгандек банд:

«Оҳким, девона кўнгулм мубтало бўлди яна
Бу кўнгулниинг илкидин жонга бало бўлди яна».

Мўйсафид Гадоний қуллуқлар қилмиш,
Эҳтиром рамзидек шоҳга эғлиммиш.

Бу матлаъ Навоний қалби фатҳ этмиш,
Шоирга ҳурмати сарбалаид тутмиш.

Шоҳ чорлаб қонига Муаммонийни,
Уқунг деб узатмиш бир рубонийни.

Шоҳдан олиб хурсанд зарҳал варақин,
Кўнгуллар уйига ёқмиш чироқин:

«Қардонинг эмас улки қўюб бош санга,
Давлат чоғи қилай ўзин қўлдон санга,

Ким қилди қатиклида вафо фои санга,
Ул бўлди ҳақиқат ичра қардон санга».

Ҳозиронлар шоҳга боқмишлар мамнун,
Навоний юзлари бўлмиш жолагун.

Муборакбод этмиш барчаси шоҳни,
Лек узмас Навоний ердан нигоҳин.

Бобур мирзо эса юзида гурур,
Рубоний завқидан қиларди ҳузур.

Анжуман аҳлига боқиб бахтиёр
Рубоний соҳибни айлади ошкор:

«Туркий уммон бўлса, ундан Алишер
Жўмард гаввос каби термиш жавоҳир.

Дил мулкии безамини бу дурри манзум,
Ҳақиқий қардонини этмиш тараннум.

Алишердек ким айтмиш аъло ва ҳуброқ,
Фақирини шод этмиш Навоний кўпроқ.

Навоний таҳсинга сазовор ўлмиш,
Назм бўстонида тодъи қулмиш».

Шоҳ назми деб фикр этганлар шу дам,
Шоирни қутлашар, диллари хуррам.

Навоний паринион тасодиф ҳолдан,
Ким ахир иқболни кўрмишдир оқдан?

Найғамбар эгса-да ҳатто каромат,
Оқибат бўлолмас унга шаҳодат.

У шоҳга қуллуқ деб таъзимлар қилмиш,
Бийрон тили зўрга каломга келмиш.

Гадоний қувончдан синамай ўзига,
Саодат нуллари балқиб кўзида,

Эҳтиром-ла демин мўйсафидга хос,
Жисми жаҳонда ёшиқ эҳтироҳ:

«Ҳазрати султоннинг сўзлари ҳақдур,
Навоний назмидин кўнгулмда барқдур.

Шеъринг кўкида навқирон лочин,
Ҳадсиз кенгликларга ёзмиш қулочин.

Олий ҳавас билан кузатиб фақир,
Лочин парвозидин этмиш муфтаҳир.

Улусни шод айлаб сор лочин бўлғай,
Навоний лафзидин дурлар тўкилғай».

Гадоний шаънига таҳсин айтиб шоҳ,
Даҳо Хиравийга ташлади нигоҳ.

Хиравий илжайиб кўзголдн бирдан
Ва қусур тонмакка уриди шеърдан:

«Алишер лочинмас, ўстирини шоир,
Назмда послинон, эмасдур моҳир.

Бу қадар мадҳга ул номуносибдур,
Назмда сўзлари нотаносибдур.

Вале олий ҳазрат демун ҳақ сўзин,
Намойини этени ул назмда ўзин.

Сўнгра аён бўлғай, кўрсатғай даврон,
Алишердек шоирга тўлуғ Хуросон».

Навоний юзлари қизармиш дов-лов,
Қалбида учқунлаб ёнарди олов.

Бобур мирзо эса босиб ўзини,
Хиравийга тикди нафрат кўзини.

Анжуман газоби ичидан тошиб,
Ҳусайиний сўзига кетди тутаниб:

«Хиравий қилмиши талбехга лойиқ,
«Юз ўйлаб, бир сўзла», демун халойиқ.

Ўйламай сўзламак бошга бало дур,
Ҳасад одамзодини ўтга соло дур.

Хиравий адоват ўтида ёнур,
Ҳақиқат оқиди иймондин тонур.

Навоний анъори аъло, беазир,
Муқднн ҳам юксакроқ мақтовга арзир».

«Офарин, Ҳусайиний!» — деди шоҳ мамнун,
Бу сўзда бор эди оламча мазмун.

«Мавлоно Хиравий, — деди сўнг вазмин, —
Фаҳмига етмасиз Навоний назмин.

Хуш ўлғай, гар ақдин ослангиз сабоқ,
Навқирон эгса-да, анъори порлоқ.

Фақир умиди зўр Алишербекдин,
Саодат тонғай ул ҳали бу муқднн».

Султон сўзи солмиш қалбаларга ёғду,
Кўзларда акс этмиш миннатдор туйғу.

Кўвонч осмонда ургандек жавлон,
Алишер қуллуқ деб боқарди шодон.

Х

Ҳирируд бўйида хилваттоҳ қишлоқ,
Боғларга кўмилмиш жилвагоҳ қишлоқ.

Бағоят машҳурдир Хуросонда у,
Эларо манзурдир бу жаҳонда у.

Кўҳи Сафид — нобон унинг бошида,
Кўҳи Сабҳ — мафтун эрур қошида.

Сервиқор боқинар қорли чўққилар,
Васлида бағрини офтоб чўғ қилар.

Бу — Деҳи Канордир, офтобру даргоҳ,
Ҳазрати Лутғийга манзур қароргоҳ.

Улус гамини еб, айлаб навозини,
Она қишлоғида тоғини осойиш.

Тундай ўтиб кетиб елдим умр,
Азиз кулбасида қилмиш жон ҳузур.

Сарой суронидан воз кечиб тамом,
Хилват бу гунаҳи кўнгли этмиш ком,

Темур салтанатини, Шохруҳ ҳашамини,
Улуғбек мирзонинг олий қарамини.

Тўфонли давронни кўрган бу шоир,
Эл қошида тоғдек турган бу шоир,

Кексайиб қолса-да қари шер монаид,
Осуда кулбада ижод билан баид.

Форсей ва туркийда бўлса-да сарвар,
Туркий азиз эди унга жон қадар.

Қонига сингмиш туркий суг билан,
Форсейини ўрганмиш вале қунт билан.

Туркий ғазаллари улусда машҳур,
Форсей анъори ҳам элга кўн манзур.

Икки тилда суриб мунтазам қалам,
Сўз билан қурмишдир қасри муҳташам.

Бу қасри олийга қадам кўйса ким,
Улус бағрин очар бамисли тилсим.

Фароғат уйида мўйсафид шоир
Яздийга илкани узатмиш охир.

«Зафарнома» сари қилиб азимат
Наам кинвариде чекмиш азият.

Баҳраманд этай деб туққан элини
Варақларга тўкмиш юрак селини.

Форсейдан туркийга ағдармоқ учун,
У қушни қун демас, тунни жа тун.

Суронли йилларга қилмиш сайҳат,
Ҳаёли толдирмиш олис масофат.

Улус гамин этиб унга омухта,
Қорачиги билан қўймиш сунг нуқта.

Ун минг байтдан зиёд шоҳона асар,
Маънавий либосин кийди мунаввар.

Баёзга ёзмакка бермасдан имкон,
Шоирнинг қулини тутмишдир туқсон.

Деҳи Канор бўлиб элга қадамжо,
Лутғийдек бағрини очмиш доимо.

Улус меҳри зўрдир унга нисбатан,
Ҳар босган изини қилгандир чаман.

Баҳор ҳавосидан яйраб тап-жони,
Кўкламдай кўкариб дилда армони.

Кўзлари навқирон фаслдан хурсанд,
Қалбига яшарини ўйлари найбанд.

Асога таяниб, тоғ қучоғида
Шоир сайр этарди ўз чорбоғида.

Гул билан наврўзга тикиб кўзини,
Жон қадар қадрлаб туркий сўзини.

Дилда янги ғазал юз очиб латиф,
Унга излар эди оҳорли радиф.

Усти бонни ўрик гулларидек оқ,
Кўмуидек соқоли шакдек юмишоқ.

Қону кинриги ҳам нафис оқармиш,
Чакка томирлари бўртиб қабармиш.

Букчайиб қолса ҳам расо қомати,
Чорбоғини нарварини этмак одати.

Тасбиҳини ўтириб, гоҳо боқар жим,
Илҳом парисига бўлгандек таслим.

Наврўз тоғи каби кўнгли мусаффо,
Ғазал завқи билан кезар жонфизо.

Ярқ этиб фикрида чақин чақди барқ
Ва барқ шуъласига шоир бўлди фарқ.

«Нозуқлик ичра белнча йўқ торн тисўйин,
Ўз ҳаддини билиб, белидан ўлтирур қўйин».

Латиф байт завқидан очилди руҳи,
Кўнглини сархуш этди ғазал шуқуҳи.

Тоғдан хурсанд бўлиб маликул-калом,
Кайфи чоғ, йўллади қўнига силом.

Тоғ она жиламаймиш само султони
Шеър билан қўтлади назми хоҳони.

Шоирдек тоғ билан уйғонмиш улус,
Нойнга гулларини сочмишдир наврўз.

Наврўз русумини этмасдан канда,
Байрам завқи билан диллар кулганда.

Аҳли Деҳи Капор акобирлари
Йўл оламиш шоирнинг даргоҳи сари.

Муҳтарам зотлардан хурсанд аллома,
Боши кўкка етиб, демиш: «Марҳаб».

Наврўз билан қўглаб, бўлиб тилакдон
Ҳазрат ҳузурида барча эгмиш бош.

Алишербек билан Ғиёсиддин ҳам,
Чошгтоҳ этмиш шоир уйини кўркам.

Лутфий ғоят хурсанд, ўзида йўқ шод,
Азиз дўстлар билан кулбаси обод.

Лутфий таҳсинига бўлиб сазовор,
Ғиёсиддин сўзин безар Сабзавор.

Дийдор кўришгандан хурсанд Гадоий,
Устоз сўзларига мафтун Навоий.

Оқ шоҳи салласи бошида кўркам,
Қирмизи барқут тўн эгнига ҳашам.

Хироми этиги товланар ажиб,
Кук чалвор ўзига ғоят муносиб.

Кўзлари ухшайди лочин кўзига,
Закийлик ҳуснидир кўркам юзига.

Мўйлаби майсадек сабзалар урмиш,
Танида балогат қони кўпирмиш.

Навоийга ташлаб умидвор назар,
Лутфий қалби бўлур тонгдек мунаввар.

Навқирон шоирни сийлаб, меҳрибон,
Деди: «Не билан шод этгайсиз, ўғлон?»

Алишер кўзлари қувончдан ёнмиш,
Олий марҳаматдан кўнгли тўлғонмиш

Юзлари анордек қизариб кетди,
Ҳалжон қаърида ўзни унутди.

Ҳаёли кўкларда чарх уриб чаппор,
Бир газал ўқиди, сўзлари барқвор:

«Оразин ёпқач кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон улғоч қуёш...»

Қут бир бодому ерим гушан меҳроб эди,
Ҳорати дин этти ногаҳ бир балолиг кўзу қош.

Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой ишқини,
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.

Бусан қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг,
Десам оғзи ичра айтур лағл ҳам бор навъ тош.

Новакнинг кўнглумга киргач жон талашмоқ бу жан,
Ким қилур пайкониини кўнглим била жоним талош.

Умри жовид истасанг фард улки, бустон хизридур,
Сарвким даъб айлади озодалиг бирла маош.

Қоши олинда Навоий берса жон айб этмангиз,
Ғар будур меҳроб, бир-бир қўйғусидир барча бош».

Лутфий кўзи чақнаб кетди газалдан,
Сўзгин юзи яшнаб кетди газалдан.

Газал сеҳри билан қўзғолиб шаҳдам
Навоийни босди бағрига маҳкам.

Ва қилиб анжуман аҳлига хитоб,
Деди: «Бошимизда гувоҳдир оғтоб,

Навқирон йиғитдек бағримда тўнчи,
Ишқ тиги кўтармин бошимда нечи.

Боракалю, ўғлим! Қойил қилмишсиз,
Барчани газалга мойил қилмишсиз!

Зоеъ кеткизмадим фақир умримни,
Ўн икки минг байтдин кўпроқ шеъримни,

Қорачигдек асраб келмишмен ҳамон,
Элга ёдгор бўлиб қолғай бегумон.

Қасамёд қилғаймен олюҳ номига,
Фақир жони тушмиш газал домига.

Вале ушбу газал маҳв этмиш мени,
Умр адоғинда саҳв этмиш мени.

Назм сўзини чалиб келса-да азал
Туркийда йўқ эрди мунингдек газал.

Улус назмини деб нек қадам этдим,
Туркий ва форсийда не рақам этдим,

Шу битта газалга этсам-да нисор,
Ўзимни санардим голиб, бахтиёр!»

Лутфий олқишидан Навоий лолдир,
Ниҳолдек қомати таъзимда — долдир.

Буюк ихлос билан пешонасига
Устод қўлини сурмиш, қалбин састига

Қўлоқ тутган каби мавлоно Лутфий,
Навоий қошида парвона Лутфий!

Фарзандидек босди бағрига яна,
Нуроний кўзида фахру тантана!

XI

Боғи Давлатхона куз кучоғида,
Навоийни тутмиш ўз кучоғида.

У билан кўркамдир ота макони,
Бошида соябон — бобокалони.

Бувиси мункиллаб қолса-да бироқ
Жонин фидо этар, меҳрини чироқ.

Йироқда бўлса-да ота-онаси
Навоий бошида бор парвонаси.

Қумсаб, улар бағрин, меҳрини аммо
Соғиниш домига тутқун доймо.

Меҳр кўп кўргузмиш падари бузрук
Навоий суянган тоғидир — буюк.

Подлигу гамига ҳамдам онаси —
Бахтиёр умрининг кўрки, маъноси.

Ҳолидан олса-да ҳамини хабар,
Елғизлик кўнглига кўрғазар асар.

Сабзавор мулкин ҳам кўрмагай лозим,
Подшоҳ саройида, ахир, мулозим.

Кажрафтор эрмаса гардини фалак,
Бўлмасди икки ўт ичра жон ҳалак.

Соғинч ўтказганда кўнглига ҳукмин
Сайрибоғ этади у газал мулкин.

Ноёб китоблардан бўлиб баҳравар,
Улуғлар фикридан излайди жавҳар.

Мусоҳаба этар Кобулий-ла ё,
Ё тиллар Ғарибий сөзидан наво.

Бугун ҳам уйда тоғалари жамъ,
Муҳташам хонага беҳу сочар шамъ.

Ўртада хонтахта, бир печа китоб,
Тун оғиб қолса ҳам уч шоир беҳоб.

Довуллаб ёмоқда суҳбат гулхани,
Хуш бўйин таратар газал гулхани.

Навоий ўт бўлиб сочади учқун,
Гоҳ тонқин дарёдек уради тўлқин.

Гоҳ парвоз этади кўкда турғайдек,
Гоҳ қалби куйлайди навокаш пайдек.

Илҳом бустонида сайр этар гоҳ,
Устода аъзамлар назмига дилхоҳ.

Кобулий сўзлайди босиқ ва назмин,
Салоҳият билан айтар ўз азмин.

Чиройли соқолин сизлар гоҳида,
Илҳом жилва қилар ўт нигоҳида.

Ғарибий таъби лек азалдан шўхдир,
Хушчақчақ, кўнглида гўбори йўқдир.

Нақшн амал боғлаб Навоийга у,
Созини чертади — кўзида орав.

Ҳар қайси бир дунё, йўқдир қиёси,
Барин шеърга баланд меҳри, ихлоси.

Қондошлик туйғуси қонида гарчанд,
Шеър ишқи қалбларин этминдир пайванд.

Шеър ишқи дустлигин этмиш мустаҳкам,
Қон билан ўтмин ул Навоийга ҳам.

Навоий қонида шеър ишқи жўшар,
Ул ажод қонига ўтдек туташар.

Тоғалари, балки, бўлмаса шоир,
Қолар эди садаф ичра жавоҳир.

Ҳар қалай, садафнинг кўзи очилди,
Олам айвонига дурлар сочилди.

Улуғ уммонда гаввосдек сузиб,
Эл билан сизқидил анжуман түзиб,

Бебаҳо кўнглига солиб жолалар,
Назм гавҳаридан тизди шодалар.

Кобулий туркийга қилиб жонисор,
Сочди Навоийнинг қалбига шарор.

Форсийда азалдан бўлса-да моҳир,
Туркийга майли кўп эди бу шоир.

Бу оқиом баҳсининг сарвари туркий,
Шоирлар назмининг гавҳари туркий!

Кобулий демушким: «Турк эли улуг,
Улуг эл тили ҳам азалдин қутлуг.

Волида сутидек пок ва азидир,
Волида меҳридек жонга лазидир.

Она сутти-ла ул сингимин қонга,
Она суттидек ул пайвандир жонга.

Онадек азидир она тилимиз,
Она тили билан улуг элимиз!

Тилимиз бағоят гўзал ва бойдир,
Назмга азалдин ҳусну чиройдир.

Улуғ неча юз йил айтмин бу ўлан,
Балки, назминизга волида бўлган:

«Ҳай-ҳай, ўлан, жон ўлан,
Ўлан кўндир, ёр-ёр.
Ўлан айтган тилиндин
Менга ўндир, ёр-ёр».

Бу ўлан сўзлари қуйма ва содда,
Бир айтсанг, умрбод қолгайдур ёлда.

Шоир шеърин агар тушунмаса эл,
Яхшидур тилидин олиб кетса ел.

Форсий русум бўлиши, вале туркий ҳам,
Назмда форсийдек жаранлар кўркам.

Фақир неки битмин ўз тилиндадур,
Ўз тилин англамин улусиндадир.

Навоий ҳўб қилмин, кўп туркий айтмин,
Улуғга дилназир назмин улғайтмин».

Ғарибий кўзида порлаб эҳтиром,
Кобулий фикрини этгирди давом:

«Қай шоир бош эгса кўнгли амрига,
Она тилининг ул етгай қадрига.

Она тили этгай қадрини баланд,
Она тили этгай улуста фарзанд!

Фақир ҳам форсийни қилса-да одат,
Туркий назми билан топмин саодат.

Ва лекин газалда Лутфийдек зариф
Навоий қошида Ғарибий ғариб».

Ғарибий ҳолига ачингансимон
Қаҳ-қаҳ уриб кулди Кобулий шодмон.

Ғарибий сўзини ҳазилга йўйиб,
Навой завқ ила жилмайиб қўйиб:

«Ғарибий азалдин ғарибдур», деди.
«Ғариб, лек газалда зарифдур», деди.

Қунгил каломини йўғирди нурга,
Туркий хусусида сўз очди сунгра:

«Улусимиз тили улкан бир маҳзан,
Анда ҳар қайси сўз бир дурри адан.

Кобулий сўйламиш улан нақадар
Порлоқдур, сўзлари нафис, мунаввар.

Улус тили содда, тили бокира,
Боқинг, эл нечоғлиқ сўзга моҳир-а!

Меҳри раҳшон каби ҳар сўз товланмиш,
Дурри шоҳвор каби байтлари ёнмиш.

Шоир қадам қўймай назм мулкига,
Жон фидо қаламни олмай илकिга,

Заргардек сўз қадрин билмоғи лозим,
Сўнг анга мулозим бўлмоғи лозим.

Латиф газал битмак элга муносиб,
Ҳар қандоқ шоирга қилмағай насиб.

Улус уммон бўлса — гавҳари шоир,
Улус карвон бўлса — сарвари шоир!

Улус кўз бўлса гар шоир — қорачиг,
Улус ўт бўлса гар шоир — лахча чўг!

Шоир боғбон бўлса, эл чаман боғдур,
Шоир чашма бўлса, эл баланд тоғдур!

Фақир ҳам туркийга жоннисор этгай,
Назми-ла эл кўнглин бахтиёр этгай.

Элдин узга йўқтур фақир ташвиши,
Элга хизмат этмай, не этгай киши!

Форсий шеър бобида бўлса-да нафис,
Туркийда қурғайдур фақир мажолис.

Назми жавоҳирин туркийда тўзгай,
Туркий чаманидин ул гуллар узгай!»

Кобулий кўзида сурур бир жаҳон,
Кўнглида ушалмиш энг буюк армон.

Ғарибий сўзини чертиб шўху шаън,
Юзида табассум гуллари чаман.

«Балли, Алишербек! — қилишар дуо. —
Ўзи паноҳида асрасин худо!»

XII

Дунё уйи бўлмиш офтобдан рўшно,
Инсон кўнгли бўлмиш китобдан рўшно.

Рушнолик изламиш азалдан башар
Ва уни топмишдур газалдан башар.

Башар табиъ назмга хушдир, ошнадир,
Башар қалби назмга кондир, чашмадир.

Шу конга қўл уриб мисоли кўҳан,
Шу чашма сувидан силқориб шўх-шаън,

Навойнинг элга танилди номи,
Қалбларга ҳаяжон солди илҳоми.

Ҳироту Сабзавор, Машҳад, Астробод
Улуси назмига қўймиш эътиқод.

Газали қўйланмиш анжуманларда,
Номи шўҳрат топмиш хуш чаманларда.

Олимлар тилида назми ёд бўлмиш,
Порлоқ истеъдоди мўъжизот бўлмиш.

Закий табиъ назм соҳиблари ҳам
Навой шарафин тутмиш мукаррам.

Ҳатто турк элида энг доврўқли зот,
Мавлоно Ардашер демиш: «Мўъжизот!»

Падари бузурги билан Ардашер
Қадрдон дўстлигин билур Алишер.

Аммо улутлигин қилиб андиша,
Йироқ тутар эди узин ҳамиша.

Вале Сайиид Ҳасан Ардашер бир кун,
Кобулийдан уни сўратмиш мамнун.

Навой лол бўлиб бу марҳаматдан,
Майл пайдо қилди мулозаматдан.

Ҳирируд буйида кўркам иморат,
Олим доврўгидан бермиш башорат.

Нақшин дарвозаси кучоғин очмиш,
Меҳмонлар бошидан гўё дур сочмиш.

Отлиқ Навойга кўзи тушган он
Ардашер қалбида кўзголди тутён.

Ҳиротнинг шавкатли бу алюмаси,
Хуросон давлатин закий даҳоси.

Юксак эҳтиромга бўлиб сазовор,
Эл ичра топса-да обрў, эътибор,

Хуштабъ киши эди, эди хокисор,
Меҳрига этмасди кишиларни зор.

Отаси, Босунқур мирзо даврида,
Нафас олган эди сарой бағрида.

Баланд мартабага бўлиб мушарраф,
Шеър у илмда у тонганди шараф.

Олиму шоирга эди раҳнамо,
Кўнглида эзгулик берарди садо.

Ота русумини ул этиб давом,
Фузало аҳлини қилмиш эҳтиром.

Қирчиллама ёшга кирмиш Ардашер
Қалбига азалдан ошна эди шеър.

Шеър уқиган чоғда унутиб ўзини,
Қалб утига гўё йугирай сўзини.

Чехраси батамом ўзгариб кетур,
Қўзида завқ чақнаб, сеҳрида тутур.

Товуши бўлса-да, майин ва нафис,
Ҳар байт мазмунини қалбдан қилиб ҳис,

Гоҳ шиддат, гоҳ маънос янграр овози,
Созанда риндона чертгандек созини.

Бир куни олимлар суҳбатида у,
Доно кўзларида барқ уриб орау,

Бугун вужудини қамраб эҳтирос,
Навоийга қўйиб юракдан ихлос.

Мақтов сўзлар айтиб шоир шаънига,
Фикрат чашмалари тўлмиш маънига:

«Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам
таҳайюрдин,
Ажаб ҳолатки: болни тутмайин бармоқ
ялайдурмен».

Бу олқиш муждаси чарх уриб кўркам,
Етганди Навоий қўлогига ҳам.

Шундан у бахтиёр сезиб ўзини,
Кўлдан қўмсар эди олим сўзини.

Ҳарқалай, ўзлари йўқлатмиш бугун,
Ечилди Навоий кўнглида тутун.

Ардашер илмда бўлса-да ҳакам,
Мусоҳаба пайти сўзлар эди кам.

Олимлар баҳсига қўймас эди чек,
Нуқели фикрин ҳам тинглар эди тек.

Юзига солмасди хатойин зинҳор,
Андиша кўзгуси эди беғубор.

Хижолат чекмасин эл қошида деб,
Сукут сақлар эди, ҳурматин тутиб.

Эҳтимол, шу ваяҳдин нодир фазилат
Аллома умрига берарди зийнат.

Навоий газалин булиб мафтунни,
Бугун даргоҳига чорлатмиш уни.

Алишер отидан тушди-да илдам,
Ардашер қошига отилди хуррам.

Ниҳоддек қомати таъзимга келди,
Олим ҳам Навоий сари эгилди.

Ва босди бағрига зур ихлос билан,
Қўнғиллар боғида яшнади гулшан.

Ардашер Навоий камолдан шод,
Толъ кўлиб боққан иқболдан шод,

Таклиф этар уни сўлим боғига,
Бог чорлар шоирни ўз қучоғига.

Унда сайр этарди Мирхонд, Гадоий,
Хожа Юсуф Бурҳон ҳам Муаммоий.

Навоий изидан Ҳусайн мирзо ҳам,
Ардашер қошида бош эгмиш хуррам.

Меҳмонлар самимий бағирлашиб хуш,
Меҳр шаробидан бўлмишлар сархуш.

Сарҳовуз буйида ултириб сунгра
Ардашер кўнглини тўлдирмиш нурга.

Боғнинг неъматидан яшнаб дастурхон,
Тукин ёз кўркини этмиш намоён.

Файзига файз қўшмиш ҳар хил таомлар,
Кетма-кет қуйилмиш сархил таомлар.

Таомдан сунг эса суҳбати дилкаш,
Дилларни ром этар мисли париваш.

Суҳбат гули бўлмиш Гадоий назми,
Газал бустонида Ҳусайний аزمи.

Соз билан сўзлайди муганий Бурҳон,
Боғаро латиф куй уради жавлон.

Бурҳонга Ғарибий бўлур жуъровоз,
Кобулий газали янграр дилнавоз.

Мозийга от суриб муаррих Мирхонд,
Гавгодан чиқмас дер ҳамон Самарқанд:

«Султон Улугбекнинг фарёди ҳамон
Самарқанд кўкида кезмиш беомон.

Аълоҳазрат анда не қилмиш бунёд,
Абу Саъид мирзо этмади обод.

Расад уламосин танг бўлмиш ҳоли,
Бағрин вайрон этмиш қувғин шамоли.

Шуаро шаҳардан бош олиб кетмиш,
Ғуссадан кўзига ёш олиб кетмиш.

Улус қулбасини айламиш вайрон,
Ғариб эл емиши бўлмишдир явғон».

Ардашер Мирхондга тасалли бермиш,
Сўзидан Алишер жавоҳир термиш:

«Ўткинчи дунё бу, мавлоно Мирхонд,
Абаддир ва лекин умри Самарқанд.

Анга кимлар келиб, кимлар кетмади,
Самарқанд бошидан нелар ўтмади.

Султон соҳибқирон қилиб жонфизо,
Бир шаҳар яратмиш оламда танҳо.

Довругин авлодлар этгай сарбаланд,
Дунё тургунича тургай Самарқанд!

Улугбек мирзонинг «Зиж»ин насллар
Сарафроз этажак неча асрлар!

Ёруғ қуллар қулгай расад бошида,
Улус таъзим этгай расад қошида.

Зиёраттоҳ бўлгай олам аҳлига,
Авлюдлар тап бергай олим ақлига.

Мунаажим руҳини мангу этиб шод,
Номини ёд этгай келажак авлюд!»

Тасалло тошгадек анжуман руҳи,
Юзларда порлади фахр нуқуҳи.

Муаммой деди (кўзларида барқ):
«Офарин, мавлоно, сўзингиз барҳақ».

Дунёни забт этмин Темурбек хоқон,
Самони забт этмин Улугбек комрон.

Бобо ва набира — икки улуг зот
Руҳидан насллар излагай нажот».

Навойи боқадн кўллари чақноқ,
Қалбининг кўкида кезади чақмоқ.

Ардашер сўзидан келса жулбинига,
Муаммой гани ўхшайди тунга.

Мирхонд алаמידан бағри тўлганар,
Самарқанд ҳолидан борлиғи ёнар:

«Жаҳолат домига илинса подшоҳ,
Ул подшоҳ эмасдур, балки, бир гумроҳ».

Маърифат чироғин сўндирган сўлтон
Мамлакатн бўлгай қоронғи зиндон.

Зулму ситам солса улус бошига,
Ул оғу солгондек ўзин ошига.

Ва лекин адолат ўрнатиб амир,
Улуси ичинда тоинишдир қадр.

Улугбек илмда ёқиб кетмин намъ
Нуридан мунаввар бўлгай не олам».

Ҳайрат тоғи босиб барчани шу он
Қалбларин қамради сирли ҳаяжон.

Терап ақл сочмин нурдан баҳравор,
Кўзларда ўйнади шодлик нурвиқор.

Ардашер қалбида сурури нидо:
«Ташаккур, Навойи!» деб қилди дуо.

Юрак меҳри бўлиб сўзига пайванд:
«Ташаккур, устод!» дер Навойи хурсанд.

Сўнг эса: «Бир янги ғазал ўқун!» деб
Ардашер боқадн, меҳри жуш ўриб.

Ўтли бир нуқтага кўзларин тикиб,
Навойи тўлғанди — кўнгли энтикиб,

Илиди тонг битган ғазал домига,
Гўё лабин тутди илҳом жомига:

«Ул паривашким, бўлубмен зору
саргардон анго,

Ишқидин олам манга ҳайрони мен
ҳайрон анго».

Дилларга гулгула солганида шеър,
Анжуманга деди мамнун Ардашер:

«Азизлар, барқ урмин порлоқ истеъод
Нуридн дил бўлмин мунаввар ва шод».

Навойи бўлса-да, гарчанд навқирон,
Улуглар кўнглига солмин ҳаяжон.

Мулки назм ичра камол тоинин ул,
Тулин ой сингари жамол очмин ул.

Фақир хурсандлиғини лол ва ҳайрондур,
Муҳаббат дағида кўнгли вайрондур».

Оқиндан Навойи юзи бўлмин ол,
Хижолат чеккандек бош эгмин хийл.

«Умрдин барока тоғайсиз, бўтам,
Улуглик боғига қўйминсиз қадам».

Назм дурри ила безамин даврон,
Муҳтождир сиз янглиг зотга Хуросон.

Шеър айтмоқ ҳаммага қилмагай пасиб,
Гулишанда сархушсиз мисли андалиб.

Этминсиз Навойи дебон таҳаллус,
Латиф наволардин шод ўлеун улус».

Назм дуррин асраиғ қорачиғ қадар,
Қорачиғ — одамзод умрига сарвар!

Туркийга кўл уриб мардона, бўтам,
Савобга қолминсиз, фарзона, бўтам!

Улуг эл сўзлашур туркийда азал,
Қўшиқдек янграмин туркийда ғазал.

Туркий маҳзанида жавахир мўлдин,
Турк эли азалдин ғазалхон элдин.

Турк эли — бу Турон элдин закний,
Беназир тили ҳам ўзидек боқий!

Бу элнинг меҳридин баҳра тоинин зот,
Бошига тушмагай ҳаргиз мушкнлот!»

Навойи кўзголиб, аллома сари
Таъзим этди, лабдан учди сўзларн:

«Ташаккур, мавлоно! Кўзқаддир боиним,
Назм айтмоқ ишқиди отмин қўйиним».

Меҳрингиз тушгандин бахтлимен гошт,
Ишончин оқламоқ мушкнл ниҳоят.

Вале сиздек зотлар бўлса раҳнамо,
Фақир жонин этгай туркийга фидо.

Туркий—дурри адо бўлмас уммондир,
Туркий—назм ила қўшиққа кондир!

Туркий—камалакдек кўркама ва рангдор,
Туркийда ҳар калом янгар оҳангдор.

Форсийдин фақир ҳеч кўрмагайдур кам,
Туркий деб олмишдур илкига қалам!»

Анжуман кўзида ифтихор нури:
«Офарин, Навоий!» — диллар сурури

Янгради боғ ичра, юзлар мунаввар —
Мамнулик туйғуси сочар шуълалар!

XIII

Ардашер меҳрига бўлиб сазовор
Алишер сезарди ўзин бахтиёр.

Камтарлик боғида сайр этиб хуш,
Назм шаробидан дил эди сархуш.

Фозиллар тилида ёд бўлиб номи,
Кун сайин ошарди эл аҳтироми.

Устодлар олқиши бахш этиб қанот,
Жўшқин илҳомига берарди нажот.

Саодат боғида кезганча хурсанд,
Ғазал ишқи билан кўнгли эди банд.

Деҳи Канор сари этиб азимат,
Табаррук устодин қилиб зиёрат,

Маликул каломнинг дуосин олиб,
Гавҳарин уммондек бағрига солиб,

Мамнун қайтар эди Ҳиротта яна
Тугъли қалбида ўтли пуртана.

Бобур мирзо қўйиб унга зур ҳавас,
Меҳри билан гўё оларди нафас.

Мурувват даргоҳин катта очиб у,
Нажот офтобидек сочарди ёғду,

Назмнинг беҳудуд мамлакатида,
Назмнинг мангулик салтанатида

Шоҳ эмас, фақирдек лек чекиб алам,
Шоҳ Бобур мирзо ҳам сурарди қалам.

Шу ваҳҳдин, ул этиб назм қадрига,
Навқирон шоирни олмиш бағрига.

Бу карамдан хурсанд эди Алишер,
Шоир шоҳга дилбанд эди Алишер.

Ногоҳ, кўкни булут қоплади гўё,
Кўзига бу олам бўлди зим-зиё.

Самода тун ҳоким, самода ваҳшат,
Алишер бағрида самовий даҳшат.

Юм-юм йиглаб, тўкар булутлар кўзёш,
Кўкдан ёмғир эмас, гўё ёғар тош.

Бу тошдан Алишер қалби ярадор,
Мусибат тунида чекади озор.

Қайғу тиғи этмиш кўксини вайрон,
Қалбидан сирқираб оқмиш лахта қон.

Хазонга айланмиш орзу гулшани,
Гурбат отанида кул бўлмиш тани.

Яшин тегиб, умид дарахти синмиш,
Кифтига ғам қуши — қора зог қўнмиш.

Булоқлардан сувмас, оқмиш оғулар,
Йўллари сел янглиг босмиш қайгулар.

Қанотлари синган қушдек нотавон,
Алам саҳросида фарёд қилмиш жон.

Алишер суйанган тоғ қулаб, ҳайҳот,
Мотам либосини киймишдир Ҳирот.

Ҳаётдан умиди бўлгандек барбод,
Отаси бошида чекади фарёд.

Онаси оламини кўтариб бошга,
Дод солмиш, бошини ургандек тошга.

Етим кўзичоқдек мўлтираб, мунгли,
Дарвеш Али йиғлар, эзилиб кўнгли.

Бевақт жудоликдан бағрида алам,
Кўзидан ёш тўкар тоғалари ҳам.

Ялдо кечасидай узун эди тун,
Гусса ништаридан бағри эди хун.

Бошига тушгандек олам кулфати,
Қаддини дол этмиш мотам кулфати.

Мотам кулфатидан кулбаси вайрон,
Топинган меҳроби, қибласи вайрон.

XIV

Тонг билан «Йиғлади» дилпора созлар,
Мусибат тошидан чилпора созлар:

Ҳиротни уйғотиб, нола қилди най,
Бутун бағирларни пора қилди най.

Танбур ситамидан кўзларда жола,
Ҳазин оҳангидан юзларда жола.

Етим бола каби ингранар дутор,
Торини узгудек мунгранар дутор.

Ғижжак гуссасидан ўртанар олам,
Ярадор шер каби тўлғанар олам.

Созлар тори залвар дарддан солар дод,
Олам уйин бузар нола ва фарёд.

Жудолик дардидан кўнгиллар вайрон,
Фигонли оҳангдан юрак-бағри қон.

Жудолик даштида сарсон «Шашмақом»,
Навоий кўнглидек гирён «Шашмақом».

Ҳофизлар куйлайди «Шашмақом»га жўр,
Ҳазин хонишидан олам ўртанур.

Боғи Давлатхона мотамсародир,
Ҳиротнинг қайғудан бағри порадир...

Дарвоза ёнида Навоий маҳзун,
Етим бута каби бўзлайди беун.

Навоийга ҳамдард мотамзада эл,
Фигонли бағридан гўё оқар сел.

Қайғудан Кобулий боши эгилмиш,
Ғарибий кўз ёши тирқираб келмиш.

Мулки жаҳон боғи бўлгандек барбод,
Маъсума бегимнинг қалбида фарёд.

Ҳол сўриб келмиш эл йўқдир ҳудуди,
Қондошлар бошида мусибат дуди.

Навоий дардига бўлганли малҳам,
Таъзияга келмиш Бобур мирзо ҳам.

Султоннинг кўксига бошини қўйиб,
Надари бузурги доғида қўйиб.

Навоий йиғлайди, қалбида фиғон,
Қулаб тушган янглиғ бошига осмон.

Бобур мирзо уни юнатар маънос,
Потавон кўнглида алам ва афсус.

Ғамзада умрига бўлиб соябон,
Отадек бошини силар меҳрибон.

Навоий қалбида ёқолмасдан шамъ,
Ҳамдард бўлур Ҳирот улдулари ҳам.

Лутғийнинг дил уйи — гўнаси вайрон,
Ардашер мусибат чўлида сарсон.

Бобур мирзо бўлиб ҳамдард элга бош,
Кўзида гилтиллаб аламангиз ёш.

Тобутни кўтарди, кўнглида ситам
Ва чиқди кўчага, маънос, боши ҳам.

Тобутга ғамкан эл тутадил элка,
Дафнига келганди бутун бир ўлка.

Навоий бенажот йиғлаб борадур,
Тумонат эл бағрини тиглаб борадур.

Тоғалари уни суяб олинмишлар,
Дунида бепаноҳ, етим қолмишлар!..

Жаноза ўқилгач, ғамднийда султон
Қабр ичра қўйди амирини гирён.

Бир сиқимдан тунроқ олиб борки жон
Навоий барига солди потавон.

Отаси қабрига тунроқни тўкиб,
Навоий оламини титратди ўкисиб.

Амир қабрига эл тортиди-да тунроқ,
«Қандай одам эди?» — деб қилди сўроқ.

«Яхши одам эди!» — минглаб акс садо
Бағрида кемадек чайқалди дуни!

«Яхши одам эди!» — деб она тунроқ
Кўз етмас бағрига яширди бироқ.

XV

Ярим кеча... Ҳамон Алишер бедор,
Рухида оғир дард, ғам бирла озор.

Ўксиниб, қоғозга тўкар қайғусини,
Ҳайт ичиргандек унга оғусини.

Мунгли кўзларида фиғон учқусини,
Қалбини тарк этмас мусибат тунини.

Юзлари ҳасратли, сўлгини, заъфарон,
Орзу уйи бўлмиш шикаста, вайрон.

Ботмиш отасининг умр қўбини,
Гўё тошга тегмиш Алишер боши.

Ўспирини кифтига қўймиш чўн тоғлар,
Бегубор қалбига қўймиш гард, доғлар.

Тўфонда қолгандек умр кемасини,
Ҳалокат домида шуур кемасини.

Азиз волидасини қадди камондур,
Қулфату аламдан ранги сомондур.

Қора сочларига тушмиш оқ тола,
Бағридан тутундек чиқмиш оҳ, पोла.

Дарвеш Али жа мунгайиб қолмиш,
Ел бошига ҳайт кулфатини солмиш.

Умид боғларига тушгандек хазон,
Алишер қалбида гўсғали армон.

Ҳар қалай, онаси қилиб жонфидо,
Ўзлини ўкситиб қўймагай аслю.

Унинг носасидан қўйса-да фалак,
Фарқандлар бошида жонидир ҳалак.

Ғусса отанида ёнса-да гарчанд,
Меҳр чанмасидан қилар баҳраманд.

Фарқандлар камолни ўйлаб мунфиқ жон
Қаддини тик тутай дейди, ҳар қачон.

Умид кўзин тикиб Алишерга у
Тунларини ўтказар бедор — беуёқу.

Бугун ҳам бедордир ўгли сингарини,
Ғамгин хабллари елар сарсарини.

Хонтахта устида шамъ ёнар хира,
Шуъласи хонани ёритар зўрга.

Бағри хун Алишер илкида хома,
Қоғозга мунгайиб қилади пола.

Афтода бир ҳолда Маъсумабегим
Мунгайиб ўглини қузатади жим.

Дарвеш Али ухлаб ётар ёнида,
Ҳасрат ўти ёнур она қонида.

Она орзулари бўлгандек пайхон,
Устида кўк либос, ранги заъфарон.

Кўнгил кулбасида музлаб ётур қор,
Қор қачон эрийди? Қайдасан, баҳор?

Алишер оҳидан куйгандек қоғоз,
Хома фиғон ичра беради овоз.

Хома ҳасратига беролмай бардош,
Алишер қоғоздан кўтаради бош.

Ўридан қўзғолиб, кўнгли шикаста,
Онасини қошига чўқади аста.

Она болиш қўяр ўгли ёнига,
Малҳам излаб унинг ўксик жонига,

Сўнг дейди, бошини силаб, мунфиқ зот,
Бергандек Алишер қалбига нажот:

«Не ёминисиз, ўғлим, кўнглумдир илҳақ,
Ўқунг-чи, дардимга бўлурми дилхоҳ?»

Боқиб волидасини кўзига маҳзун,
Алишер сўзида чақнади учкун:

«Гардуни анинг жаврида мамлу гамдур,
Ҳар бир гамида юз ибтило мудгамдур.

Дунёдаги эл навҳаси зеру бамдур,
Ҳар зовияси анинг тўла мотамдур».

Ўғлини бағрига босиб ингранар,
Ғам дағида она кўнгли мунгранар:

«Бошини тондин бўласи сенинг, болажон,
Кўзини кўнмасини губор ҳеч қачон.

Отанг ўрида сен отасан эмди,
Дунё бошимизни гамларга кўмди.

Ҳар қалай, йиғитлик тутмин илқиндин,
Оқибат топғайсен элу мулқиндин.

Бошинида, яхшики, тағоларини бор,
Мунқул кўнларинида бўлғайлар ҳамкор.

Султон меҳр кўзи тушминидир санга,
Содиқ бул, ўғлоним, ҳамини анга.

Назмида тушминисен улус тилига,
Кам бўлмас, суянса, кимки элига.

Улус илқидин тут, анга хизмат эт,
Назмида, шунқорим, қадринг баланд тут!»

Алишер онасини кучиб, юнатди,
Ўксик кўнгли юмшаб, вазмин сўз қотди:

«Онажон, ғам чекманг, кори дунё бу,
Ҳеч ким устун бўлмас дунёга мангу.

Нетай, бевақт кетмин оламдин отам,
Кулбамизни вайрон этмин ғам-алам.

Вале ғам-аламга бардош бергаймен,
Улусни ўзимга қардош кўргаймен!

Йиқилган чоғимда тиргак бўлғай у,
Адаксам келгайлар фақирга ўрту.

Назмида тутгаймен қадримни баланд,
Тирикмен, жонимга шеър ишқи найванд!

Ўздин ризо этгум Бобур мирзони,
Отадек кўргаймен ул раҳнамони.

Отам, шоир бул деб этганди ҳавас,
Бу ҳавас, онажон, менга муқаддас!

Отам орзулари эмасдур сароб,
Ул менга нур сочур мисоли офтоб!»

Она дуо қилди, тилаклар тилаб,
Меҳрибон ўғлини қучди эркалаб:

«Илоҳим, ушалсин отанг матлаби,
Шоир бул, ўғлоним, ҳазратим каби».

XVI

Хуросоннинг олтин бешини — Ҳирот
Бошидан кўп ўтмин сирру синоат

Унут бўлган каби олмишдир нафас,
Олам боқмин унга: кўнглида ҳавас.

Юксак миноралар ял-ял товланиб,
Кўнги ёдусида ранглари ёниб.

Улкан шаҳар ичра бўй чўзиб дароз,
Ҳирот доврғини этар сарафроз.

Ҳирируд сувлари биллурдек тоза,
Нилни осмон гўё олмин андоза.

Гарчанд порласа-да офтоб шарори,
Алишер кўнглига ўғмин ғам қори.

Бу қор неча кундир эримас ҳамон,
Ҳамон исканжада озор чекар жон.

Ҳар қалай, банд этмин сарой хизмати,
Бир оз унут бўлмин дарду кулфати.

Тумани қалбидан ёзилмин алам,
Ёру дўстлар бўлмин дардига малҳам.

Устози Мунфиқдан кўнглидир ризо,
Мусибат дамида қўймади талҳо.

Гарчанд жудолондан кўнглидир гирён
Мунгли кўзларига боқди меҳрибон.

Мавлоно Ардашер бўлиб жонфизо,
Қошидан бир нафас кетмади асло.

Нажот илқин чўзиб аллома Мирхонд,
Кўнглини юнатди жигари монанд.

Дўстнинг гамида дард чекиб фузун,
Оҳидан ўртаниб гўёки гардуни.

Бобур мирзо олмин бағрига уни,
Умр қасрин бўлмин таянч устун.

Алишер миннатдор бўлиб султондан,
Гўё паноҳ тониб ёруғ жаҳондан,

Умидвор кўтариб эгик бошини,
Ўксик хайл ўртаб ичу тошини.

Сарой сари елар озурда бир ҳол,
Нима ваъда этар унга истиқбол?

Билмасди, назм уйи бўлгандек вайрон,
Кўнглида кўп эди, афсуски, армон.

Отасин ўғити ёдига тушиб,
Нотинч хайлига кетди туташиб:

«Хайт гулшанингиз шукуфа этмиш,
Йигитлик фусули илқингиз тутмиш.

Баҳраманд улгайсиз ул чашмасордин
Ва илҳом олгайсиз чаман гулзордин.

Хайтбахш овози этганда сархуш,
Шодлик бодасини айлагайсиз нўш.

Унутманг, назм айтмак ҳунари азиз,
Барчага муяссар бўлмагай ҳаргиз.

Тангри, сизга ани этмишдир эҳсон,
Қадрин баланд тутинг ҳаминча, уғлон.

Ўзни йироқ тутинг аҳли маддоҳдин,
Кишига дўст бўлмас нокас, гумроҳдин.

Ёмондин қоч, дерлар, тегур балоси,
Яхшига ёндошинг — дардинг давоси.

Сухбати жон тузинг яхшилар билан,
Яхши зотлар кўнгли — ҳикмати гулшан.

Улусимиз буюк, мулкимиз улкан,
Минг йилдин бурунроқ айтмишдир ўлан.

Юртимиз азалдин ўлан дафтари,
Элимиз тилида — ўлан гавҳари.

Саводхон улус бу, гувоҳдир ўтмиш,
Уғлонлари ажиб китоблар битмиш.

Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиб,
Беруний, Синодек эл ичра нажиб.

Султон соҳибқирон жон фидо этиб
Ўз «Тузуқот»ини кетмишдир битиб.

Улутбек мирзодин «Зижи Қурагон»
Бўлиб қолмиш элга табаррук эҳсон.

Ўғлим, улус кўнгли тоза булоқдур,
Ким андин сув ичса, толеъи оқдур.

Баҳравар бўлгайсиз уша булоқдин,
Кўнглингиз қонмасин асло чанқоқдин.

Дурри ноъбини териб олгайсиз,
Қорачигдек асраб шеърга солгайсиз.

Яхши кунда элни унутманг асло,
Мушкул кунда улус бўлгайдир асо.

Кимки қисматини боғласа элга,
Матлаби ҳазондек учмагай элга.

Назмингиз бўлмаса улуста ҳамроз,
Мажруҳ қуш сингари қилолмас парвоз.

Умидим: назмда қозонгайсиз от,
Сизин ўз боғида шод этгай хайт.

Бетоблик чапг солмиш фақир жонига,
Ўқ отмиш умримнинг гулқотинига.

Умр фусулимни қонласа ҳазон,
Не ҳазон, қуш тушиб, бўлса қаҳратон.

Фигон чекманг, башар умри ўтқинчи,
Лек ани тинчитмас фарзанд илқинчи.

Бахтимга, улгайиб қолмишсиз эмди,
Йигитликка от ҳам солмишсиз эмди.

Мен сиздин ризомен, оқил фарзандеиз,
Фақирга муносиб бир жигарбандеиз!

Азиз волидангиз, ўғлим, ҳеч қачон
Ғам-кадар чекмасин, бўлинг соябон!

Дарवेश Али эса ҳали бир ниҳол,
Парварини этсангиз, тонгайдур камол!»

Ота васиятин дилда этиб ёд,
Табаррук руҳини қилган каби шод.

Алишер елади султон қошига,
Дунё савдолари тушиб бошига.

XVII

Султон Бобур мирзо нақшин саройи —
Ҳирот ҳашамати, Ҳирот чиройи.

Саройга кўрк бўлмиш кўркама дарвоза
Буюк салтанатни этмиш овоза.

Муҳташам қасрлар ўнгудек осмон,
Ҳазонрез куз ичра сурмишдир даврон.

Ўймакор устунлар, гулчин пештоқлар,
Жилвагар тўсинлар, гўзал равоқлар

Антиқа безаги лол этар кўзни,
Кундузи қуёшни, оқшом юлдузни.

Хуросонга қойил қолсин деб олам,
Олгиндан қилимиш подшоҳ тахти ҳам.

Шоҳруҳдан меросдир олгин тахту тож
(Бу-буюк улусдан йигилмиш хирож)

Биллур қандиллар ҳам ундан ёдгордир
(Ёнмиш ҳар шамъида кўз нури бордир)

Ноёб гиламлари юрт бисотидир,
Оламаро машҳур эл санъатидир.

Алишер саройга келмасин қачон,
Унинг ҳашамага боқади ҳайрон.

Дилда пайдо бўлиб олий бир ният,
Барқарор бўлса дер юртда амният.

Гоҳ ёнар ифтихор оташнда у,
Рухини яйратар илҳомбахш туйғу.

Гоҳ чекар азият улус ҳолидан,
Хуроҷон мулкининг истиқболдан.

Гарчанд эл қулбаси эрур вайрона,
Яратиб қўймиш ул шуилоқ қонона!

Ким келиб-кетмади бу қононага,
Бу қонона янглиг дорул-фаюга!

Ҳайрат қуюнида қолар Алишер,
Оташини ҳаёлга тослар Алишер.

Муҳзим, бўлгандек дардига ҳамдам:
«Сизга мунтазир, — дер, — подшоҳи олам».

Қўнғил қулбасига тушиб ёруғ нур,
Хоксор мулозимга дейди: «Ташаккур».

«Қуллуқ, бўтам!» — дея боқиб мулозим,
Султон ҳазурига бошлар мулозим.

Мунаққаш эшикни очиб дарҳол у,
Тавозъ қилади, қўнғилда гўлу.

Маъжос Алишерни кўрган замон шоҳ,
Тахтдан тушиб, уни қаринлар дилхоҳ.

Нажот қутган каби (ўт тушиб жонга)
У таъзим этади улуг султонга.

Бобур мирзо уни бағрига босиб,
Ардоқлайди, меҳри дилидан тошиб.

Барқут тўшак сари чорлаб меҳрибон,
Мурувват мулкида бўлиб жонқирпон,

Бошини силайди — юанч излайди,
Ўксиган қўнғилга қувонч излайди:

«Алишербек, қўнқим обод этмишсиз,
Ўғлимдек фақирни дилшод этмишсиз.

Сизга тикиб азал умид кўзимни,
Миннатдор сезурмен юртда ўзимни.

Назмингиз улуста хуш ёқур гоят,
Ҳаётда ёр бўлғай сизга ҳидоят.

Газалингиз ёдга олганим чоқлар,
Қўнғилда замзама қилғай булоқлар.

Фақир ҳам даст уриб назмга шул пайт,
Илҳом кишварида айтмиш неча байт.

Салтанат бошида турсам-да, вале,
Қўнғилум мажнунсифат назм туфайли.

Фақир ҳам сиз каби дилпорадурмен,
Мулки назмда бир фуқародурмен.

Назм шаробидин этганимда нўш,
Илҳом завқи қўнғилум қилганда сархуш,

Ўзимни сезурмен гоят бахтиёр,
Бағримдин учқундек чақнайди ашъор.

Тоғ-тахтдин пок кечгим келур ўшанда,
Беармон кезурмен сўлим гулшанда.

Шоир бўлмоқ мушкил, шоҳ бўлмоқ осон,
Шоҳдин буюк турғай шоирни даврон.

Гарчанд юксак эрур шоҳнинг нуфузи,
Лидин баланд турғай шоирнинг сўзи.

Элини тобъъ этса шоҳ фармойишни,
Шоирини шоҳ қилғай эл намоённи.

Шоир эл қўнғилининг садоси эрур,
Эл эса шоирнинг даҳоси эрур.

Раҳматли отангиз фақирга мудом,
Ўғлим шоир бўлғай, деб этарди ком.

Баҳодир тилаги икк эди гоят,
Орауини рўйга чиқмиш ниҳоят.

Надарингиз руҳини шод этинг, бўтам,
Сўнмасин ул азиз ёқиб кетган шамъ.

Фақир ҳаёт экан раҳнамо бўлғай,
Қўнғилунигиз торига хуш наво бўлғай.

Бул қутлуғ даргоҳда чекмагаёниз гам,
Аҳли сарой сизин тутғай мукаррам».

Ўксик қўнғил гўё тоғдек юксалиб,
Деди у, ўрнидан ўйчан қўзғалиб:

«Қуллуқ, шаҳаншоҳим! Сиздек жонқиро —
Табаррук зот этмин қўнғилимни рўшно.

Сизни деб урғаймен ўзини ўтга ҳам,
Хизматга боғлармен белимни маҳкам.

Надари бузургим хуш кўрмин тобъ,
Қўнғилда яшарди нияти олий.

Ул зотининг умиди бўлмағай поймол,
Ул тўлин ой янглиг кўрсатғай жамол.

Назмга бахш этғай умримни фақир,
Назмсиз қўнғиларим ўтгайдир тахир.

Сиз агар тутсангиз фақир илкени,
Қўнғиларга кўтарғай улуг мулкени.

Шоирни шоҳдин ҳам қўймишсиз баланд,
Чунки ул улуста жон этмиш пайванд.

Улуста қисматин шоҳ этса туташ,
Осойиш мулкида яшарди яккаш.

Шоҳ бўлмак осонмас, шоир бўлмак ҳам,
Ҳазратим, жумбоқдур яралмиш олам».

Алишер сўзидан қаддин тутиб гоз,
Олтин тахт қўнғилдан олиб бир баъз,

Зарҳал саҳифани очди-да султон,
Бир рубоий ўқиб, жилмайди шодон:

«Май ичгин ва лекин бўлмагин бадмаст,
Саркашсан, жонингга мажнунлик пайваст.

Май ичдинг, ичмадинг, дунёга нима,
Дунё ҳам сен каби телба ёки мастъ.

XVIII

Боғларга тўшалмиш барги хазонлар,
Ҳавода сайр этмиш кумуш мезонлар.

Турналар арғимчоқ ташлаб осмонга,
Жонсарак учмишлар жануб томонга.

Ҳовридан тушгандек оқар дарёлар,
Бағрини тарк этмиш жушқин садолар.

Тоғлардан эмишдир салқин шаббода,
Тўрғай наволари тинмиш самода.

Булутлар қовоғи солиқ, хўмраяр,
Қаргалар қағиллаб, гўё жар солар.

Дехқонлар кўймоқда тоқлар зангини,
Хазонлар босмоқда йўллар чангини.

Ким ўтин, ким эса ташийди сомон,
Ким хирмон бошида уради жавлон.

Ким терар, қолдирмай сўнгги чаноқни,
Ким эса қоқади боғда ёнғоқни.

Кўз ёшин заминга тўкай дер осмон.
Қиш ғамин емакда мулки Хуросон.

Осойиш боғида лек Бобур мирзо,
Улудан оқибат бўлгандек ризо.

Ҳиротдан кўчириб ўз қароргоҳин,
Машҳад жамолига тикмиш нигоҳин.

Машҳад ором олмиш куз бешигида,
Васфи достон бўлиб эл қушигида.

Кўк билан унишиб олий қасрлар,
Қўйишга роз айтмиш неча асрлар.

Бошини қўйғали фалак тоқига,
Миноралар боқмиш кўк равоқига.

Оламга доврўқин мадрасалари
Кўксинда тоқлаинмиш оғутоб зарларин.

Машҳад манзараси кўзини этиб мот,
Бобур мирзо олмиш қалбига нажот.

Гарчанд бўлмаса-да, Ҳиротдан кўркам,
Осойиш излаган жонгадир малҳам.

Бағри холи эди тахт ғавғосидан,
Ҳузур қилар эди жон ҳавосидан.

Илму фанда эса тониб саодат,
Ҳирот билан қилар эди рақобат.

Нойтахт бўлмаса-да Хуросонга у,
Ҳирот шўхратини қиларди орзу.

Осойиш ҳаётини этиб ихтиёр,
Машҳадни ташлади улўғ ҳукмдор.

Унинг кўнгли тинчиб эл-юрт ҳолидан,
Мамнун эди гўё ўз толейидан.

Сулҳ тузгач, Самарқанд султони шодон,
Улўғбек жадвалини қилганди эҳсон.

Мирзодан чўчирди Абу Саъид ҳам,
У ҳаёт, қўёлмас бу юртга қадам!

Гарчанд шахзодалар кўнглида киндир,
Ботинмас, аламдан юраги хундир.

Машҳад кучоғила ул топиб ором,
Жафокаш улудан кутиб эҳтиром,

Кўнглида уйғониб завқли пўртана,
Майл пайдо бўлмиш назмга яна.

Сарой аъёнлари билан шодумон,
Машҳадга отланган чоғида султон,

Ҳусайн мирзою Алишербек ҳам,
Улўғвор карвонни кузатиб хуррам,

Садоқат машғалини тутанча баланд,
Машҳадга келмишлар фарзанди монанд.

Султон карамидан бўлиб баҳравор,
Алишер илмга этиб жон нисор,

Узун кечаларни улади тонгга,
Кўнгли ҳамроз бўлди назмий оҳангга.

Илми нўжум қилди ҳаёлини банд,
Юлдузли осмонга боқди ҳавасманд.

«Зижи Қўрагоний» илкидан тутди,
Ҳайрат оламида ўзин унутди.

Сигинди Улўғбек мирзо руҳига,
Фикрати чулганди кўк шукўҳига.

Самовот сеҳрли жамолин очди,
Сирларин дўр каби бошидан сочди.

Файласуф сингари ҳаёли сурди гоҳ,
Гоҳ дилда қўзғолди сирли ништибоҳ.

Шубҳа оташинда ўртанса-да, жон,
Фикрини банд этди ўзига осмон.

Юлдузларга ҳамроҳ бўлмиш кечалар
Саробга айланди илк тушунчалар.

Бўлди унинг ҳаёли гўнаси равшан,
Анжуман тузганда олимлар билан.

Хуроғот пардасин очгандек само,
Қошида жилмайди мулки муалло.

Тилсимдек фан бўлиб кўкнинг асрори,
Шуурин ёритмиш фикрат шарори.

Алишер оташда ёнур дилнора:
Бағрида назми ниқ, ниқни ситора.

Икки ўт ичра у яшар, жон талаш.
Мажнунвор қалбига ботгандек қўш.

Ғазал маликасин сочини силаб,
Тонггача ўлтирар, кўзи мултирар.

Гоҳ бағри қон бўлиб истигносидан,
Бош олиб кетай дер ишқ дунёсидан.

Гоҳ ҳижрон майидан бўлиб мажнунвор,
Ноласи гардунни этур лолазор.

Гоҳ эса оҳидан куйгандек олам,
Самога чирмашур тутун бўлиб ғам.

Гоҳ Ҳусайн мирзо бўлиб ғамгусор,
Алишер кўнглини этар шуъладор.

Назм гулшанида сайр этиб ҳамроз,
Йигитлик кўкида кезур сарафроз.

Султон карамига бўлиб сазовор,
Саройда топганди обру, эътибор.

Тожу тахт даъвоси яшаб жониди,
Пуртана қилса-да қайноқ қониди,

Бобур мирзога ул садоқат билан
Хизмат қилар эди, бахти кулиб шағн.

Султон туғишганмас, ўз аждодидан,
Унинг марҳамати чиқмас ёдидан.

Яхшилик қилганга ёмонлик нечун?
Султонга миннатдор бош эгар бу кун.

Отасидек тутиб уни умрбод,
Хизматин қилмакка этмиш қасамёд.

Ҳатто назмда ҳам қозонсин деб ном,
Ҳусайн кўнглига солади илҳом.

Алишер қатнаса мадрасага гар,
Ҳусайн жанг қилмоқ илмин урганар.

Алишер назмга бағишласа жон,
Ҳусайн от чопар сипоҳисмон.

Гарчанд ораулари ҳар хил, ухшамас,
Дўстлик меҳрин тутмиш дилда муқаддас.

Садоқат чашмасин сувидан қониб,
Илҳом боғларида кезмишлар, ёниб.

Қайсиси ёза гар янги бир ғазал,
Ошино этмаклик одатдир азал.

Бир-бирига гоҳо боғлаб мухаммас,
Бир чаман боғ аро ошишар нафас.

Ғазал хусусида султон билан гоҳ
Баҳе этиб, бўлишар назмда ҳамроҳ.

Соябонлари йўқ султондан ўзга,
Кинрик билан олур гард тушса кўзга.

Султон саломатки улар бошида,
Гўё салом бергай тоғлар қошида.

XIX

Кумуш қиш кўрпасин ёпинмиш Машҳад,
Офтобнинг пойига топинмиш Машҳад.

Юксак миноралар бошларида қор,
Баҳайбат чинорлар шоҳларида қор.

Қордир куча-кўйда, майдонларда ҳам,
Хилваттоҳ боғлару сайҳонларда ҳам.

Силсила тоғлар ҳам қорга бурканмиш,
Кашафруд қирғоғи қордан нурланмиш.

Қорли чуққилардан мўралар қуёш,
Беғубор оламга жилмаяр қуёш.

Карнайлар ғат-ғути янграб тонг билан,
Қулоғига унинг айтмишдир улан.

Машҳадга маҳлиё термулади у,
Садолар мавжида шўх кулади у.

Тонгданоқ карнайлар чалинмиш нечун?
Нечун султон барвақт уйғонмиш бугун?

Нечун шодиёна, нечун тантана?
Нечун эл жамъ бўлмиш яна майдонда?

Сарой аъёнлари серташвиш нечун?
Нечун шикор беги хурсанддир бугун?

Нечун тулпорларга урилмиш эгар?
Балки, Бобур мирзо урушга жунар?

Йўқ, асло! Ўзгадир султон мақсади,
Ул энди жанг қилмас бобоси каби.

Осойиш топсин деб мулки Хуросон,
Қиличдин ғилофга солмишдир султон.

Ғаним қадам қўйса тупроғига гар,
Тигдор шамширини қиндан чиқарар.

Султон истаб қолмиш шикорни бугун,
Шикор зўр ҳусндир қиш фасли учун!

Қўғирчоқ сингари ясоғлиқ оти,
Кук сари учгудек, булса қаноти.

Енида навкарлар сачрайди утдек,
Ўлжага ташланмиш ёвқур бургутдек.

Кўзида шижоат оташи ёниб,
Ҳусайн турибди, меҳрига қониб.

Унинг сиймосига боққанда султон,
Ҳасур саркардани кўрмиш беғумон.

Мирзо ҳам садоқат билан донмо
Султонга жонини этарди фидо!

Саман тулпор узра Алишербек ҳам,
Илқида жилову кўнглида кўклам.

Қундуз телпагини бостириб олиб,
Халойиқ қошида ҳайратда қолиб,

Султон теграсида бўлиб парвона,
Отлиқлар сафида турар мардона.

Шикор бети жа йўрга тулпорда,
Бахтини синайди гўё шикорда.

Халойиқ кузатар султонни ҳайрон,
Издан чайқалиб қолади майдон.

Канафруд ёқалаб, йўл босиб узоқ,
Қор кечиб, жайронга қўйгани тузоқ.

Овчилар қўниди тоғ домонига,
Тобиктон дараси — каклик қонига.

Шикор бети шайлаб тийру камонни,
Уздан мишлатдор этди султонни.

Қалбида ўтланиб ов иштиёқи,
Камонканга ўхшаб унинг сийёқи.

«Ҳайт», дея қор кечиб, овга отланди,
Султоннинг азидан барча шодланди.

Навкарлар ҳайданиб каклик тўдасини,
Унга пешвоз келур, султон ўлжасини

Илқидан чиқармай олур нишонга,
Ихтиёрин бериб гўё камонга.

Бошидан учиндир какликлар полон,
Печаси ўқ тегиб, йиқилсин гирён.

Навкарлар ўлжага шердек ташлансини,
Султон қаҳ-қаҳ уриб, қўзи ёнлансини.

Ҳусайн, султонни ов билан қўтлаб,
Ўзи ҳам ўқ узур, омадин чўтлаб.

Алишерга ташлаб нигоҳин мағрур,
Ўлжасин қонига илдам югурур.

Шикорда шингандир унинг қўллари,
Шижоат аксидай қатъий юзлари.

Какликлар галасин навкарлар ҳамон
Қувлаш-ла овора ва лекни султон.

Овга даъват этар Алишерин ҳам,
Дилқушо сайрда этгандек қарам.

Султонга «қуллуқ» деб, камонни шайлаб,
Ов учун энг қулай фурсатин пойлаб.

Навкарлар томонга у слар ўқдек,
Дунида гўёки танишини йўқдек.

Бобур мирзо боқар изидан мамнун,
Унинг қўнгли каби беғубордир қун.

Алишер шикорда бўлиб неча бор,
На каклик, на жайрон отмаган зинҳор.

Уни мафтун этиб ов томонасин,
Қалбида жўшарди илҳом чанмасин.

Вале раҳм айлаб қўшлар жонига,
Озор бермаганди хонумонига.

Қўшлар унинг яқин ҳамроҳи эди,
Қўнглини сайратган шўх сўзи эди.

Қўқда парвоз этмин жамикни жонолот
Дўстидек айларди унга муножот.

Каклик навосига ул бўлиб вола,
Ҳайратли қўзида порлади жола.

Бугун паҳот унга ўзи ўқ узминн,
Беғубор газалхон уйини бўзминн!

Бир каклик фарўдванн йўрғалар қорда,
Жонин омон қўлиб гўё шикорда.

Алишер отмасдан, қувлайди илдам
Ва тугиб олади — ҳолдан тойган дам.

Севинчдан жўш уриб томирида қон,
Какликни султонга қилади эҳсон.

Султон хурсанд бўлиб уни олқинлар,
Мерган экансиз деб овга кин-кинлар.

Сўнг навбат келади жайрон овига,
Қай навкар дош берар ов ситовига?

Шикор бети бошлар дарага шодон,
Унга жайронларнинг манзин аён.

Вале жайрон ови муқимил бир савдо,
Мерган овчинин ҳам қилади адо.

Бирор шарна сезжа хуркак жайронлар,
Бенишон кетади тийру камонлар.

Навкарлар изидан отланиб султон
Йўлга тушар Қўққан дараси томон.

Алишер қўзида умид чирогин,
Қумуш узангида унинг оёгин.

Ҳусайн дўстига бўлиб парвона,
Елма-ён еладир отда мардона.

Беғубор оламда очилсин руҳи,
Қалбида нўргана шикор шукӯҳи.

Алишерга жа ҳайратбахш илҳом
Бир латиф газалин айлади ниғом.

XX

Баҳор келиб кўҳна олам безанди,
Тоғ-адирда зола гулхани йиди.

Канафруд сувлари тонди қирғоқдан,
Пон ҳиди ақиқиди яна туяроқдан.

Чақмоқлар булутлар чокнин тилди,
Анҳорлар бағрида нўргана елди.

Қуртаклар гул бўлиб, қийғос очилди,
Оламга муаттар бўйлар сочилди.

Қўён зийвонин эмиб дала-дашт,
Сўрурли боғларда дехқон қилди гашт.

Кўнглини қувнатиб навруз айёми,
Тилидан кетмасдан сумалак таъми.

Заминга тўқди у манглай терини,
Дур билан беади гуё ерини.

Машҳади муқаддас гул кучоғида,
Шодон нафас олар ҳаёт боғида.

Кўкида чарх урар кабутарлар шўх,
Муаззам шаҳарда ажиб бир шукуҳ.

Томларнинг бошида ёнар қизгалдоқ,
У боқар оламга — кўзлари чаңоқ.

Баҳор либосида яйрайди эл ҳам,
Дилда гунчадек кўзи юмуқ гам.

Алишерни қутлар наврузи олам,
Фалакдек ранго-ранг зардузи олам.

Ўтли туйғулари сигмас кўксига,
Сўз топмай, лол боқар баҳор хуснига.

Хаёл кўкида ҳам йўқдир осойиш,
Илҳом чақинлари бошлар намоиш.

Қалбида ҳаяжон беради садо,
Туфон бошланади денгизда гуё.

Бошига тушгандек Алишер ҳоли,
Хусайн манглайин ўпгандек толеъ.

Қалбида замзама қилади илҳом,
Хаёл кабутарин этолмасдан ром.

Баҳор насимдан яйрайди қушдек,
Чаманзор бу олам туюлар тушдек.

Алишерга тикар ҳайрат кўзини
Ва унда кўради шеър юлдузини.

У ҳам Хусайнга ўтли тикилар,
Меҳр ёғдулари дилга тукилар.

Бир-бирини босиб бағрига маҳкам,
Дейишар: афсуски, баҳор умри кам!

Сўнг яна боғаро сайр этиб дўстлар,
Болалик дамларин завқ билан эслар.

Ҳирируд буйида қилинган қасам,
Қалбларда қургандек қасри муҳташам.

Ул қасри олийда биллур шамъ ёнар,
Дўстлар ҳаёт йўлини этиб мунаввар.

Биллур шамъ сўнмагай, турса ҳам шамол,
Унга умид кўзин тикар истиқбол.

Мушкил кунлар тушса бошларига гар,
Муқаддас қасамга дўстлар топинар.

Дўстлик ишларини боғлаб мустаҳкам,
Садоқат рамзидек янграб бу қасам.

Унга содиқ қолгай дўстлар умрбод,
Умрбод этишар юракларда ёд!

Ким бузса, эл аро юз қаро булгай,
Дўстлик дарахтига болта урилгай.

Ул учрар, ҳаётнинг аччиқ қаҳрига,
Даво тополмагай унинг захрига.

Қасамни бузган зот ёлчимас асло,
Лаънат тошин отар бошига дунё.

Хаёлга гарқ булиб дўстлар сайр этар,
Балки, ушбу гаплар кўнглидан утар.

Норгул йигит энди Хусайн, ахир,
Тоғни талқон қилур, ул этса амр.

Шоҳликни ул ҳамон орзу қилади,
Қудрати етмас лек — ўзи билади.

Содиқ мулозимдир Бобур мирзога,
Тож киймаса, нечун келди дунёга?

Алишер шоҳликни қилмайди даъво,
Олтин тож солмайди кўнглига гавво.

Басдир булса унга назм кишвари,
Шай турса амрига сўз парилари.

Илм булоғидан ичсам, дер қониб,
Шеърят ишқида утсам, дер ёниб.

Гарчанд икки дилда икки зўр мурод,
Дўстлик меҳри этмиш қалбларни обод.

Бу меҳр булоғи қуримасин ҳеч,
Ҳатто бошларига келганда қилич!

XXI

Султон Бобур мирзо осойиш истаб,
Осойиш топмади, тан-жони титраб,

Қора безгак тутиб, ётиб қолди у,
Машҳаднинг бошига қайғу солди у.

Ундан ҳол сўргани келди ҳабиблар,
Бошида парвона булди табиблар.

Кун сайин дард хуруж қилди жонига,
Қор ёғди умрининг гулистонига.

Муътадил булса-да Машҳад ҳавоси,
Топилмади унинг дардин давоси.

Назмкаш хомаси қоғозда қолди,
Улуғга номаси оғозда қолди.

Нафосат мажлиси булди харобат,
Илҳом парилари этди қиёмат.

Баҳор булутлари чақин чақдилар,
Ариқлардан селмас, ғамлар оқдилар.

Яшин тегиб синди азамат чинор,
Мусибат тунда ингради дутор.

Аёзнинг бағрида қолди гулзорлар,
Тирик жон сингари чекиб озорлар.

Дарахтларнинг гули ерга тўкилди,
Худди дўл ёққандек шохи букилди.

Манҳаднинг кўз ёши мисли сел бўлди
Ва селга гарқ бўлган шўрлик эл бўлди.

Эл энди қалдини ростлаган чоғда,
Тагин қисмат уни қолдирди доғда.

Энди оқарганда косасин таги,
Очилмасдан сўлди умид куртаги.

Сарой саросима, сарой гирдибод,
Тумандек қонлади саройини фарёд.

Тагин шаҳзодалар қўзғолиб қолди,
Шоҳсиз тожу тахтга кўз солиб қолди.

Нотинч бўлиб қолди маликалар ҳам,
Ким подшоҳ бўлмай деб чекдилар алам.

Султонни қабрга қўймасдан ҳали,
Саройда бошланди тож-тахт жанжали.

Тахтга даъвогарлар кўнайиб қолди,
Барчаси илкига шамширини олди.

Ўзига тарафдор изланиб пинҳон
Энг қулай фурсатни кутди бегумон.

Хусайн бўлса-да тахтга даъвогар,
Печундир олмади илкига ханжар.

Алишер сингари ёниб мотамда,
Таянчи қолмаган эди оламда.

Ғанимга элмаган бошини эгиб,
Афтода ҳол эди, кўз ёшини тўкиб.

Хусайн ёнида мунгли Алишер,
Мотамзада эди, мисли мажруҳ шер.

Буюк таянч тоғи кетгандек қулаб,
Кўз ёши шапқатор, боқар мўлтираб.

Соябонсиз қолиб, бўтадек бўлар,
Умид осмонида сўнминн юлдузлар.

Андухдан қораймиш назм кўёни,
Кулфат деворига урилимиш боши.

Ҳали унут бўлмай отасини гами,
Уни тутқун эгмини султон мотами.

Бу не кўргуликдир, бағри тош ҳайт,
Наҳот, раҳму шафқат сенга бўлса ёт?

Наҳот, сизламасаңг унинг бошини,
Бошига ёдирсаңг кулфат тошини?

Заррача мурувват бўлса сенда гар,
Ўқимол, кун келиб тақдир эркалар.

Ғамзада эл билан чекиб азият,
Эгилган бошини силаб раийят.

Фарзанди сингари бўлиб жоңғишон,
Султонни туяроқда тошириб полон.

Алишер ғамзада қайтди мазордан,
Бағри қон йиғларди чекмини озордан.

Хусайн полавани бўлса-да ҳамлард,
Унинг ҳам кўзига қўйган эди гард.

Бу гардин ким олур, йўқдир соябон,
Лек шоҳсиз қолмагай мулки Хуросон!

XXII

Муҳташам хонада шамъ сочар ёғду,
Ўчмини, шамъдек уйғоқ қўлардан уйғу.

Ой ҳамон ботмаган, кўк ҳам серюлдуз,
Ғуё даричадан боқар неча кўз.

Икки дўст сўзига остандек қўлоқ,
Само соқчиларин кўзларин чақноқ.

Бобур вафотидан ўтган не кеча,
Сўхбати чўзилар, балки, тонгача.

Бошини эгса-да бемаврид қайғу,
Хусайн мирзонинг кўнглида гулу.

Тахтин олай деса журъати етмас,
Журъати етса-да, қудрати етмас.

Саройда бор ундан қўли баландлар,
Шоҳликка даъвогар шерга монандлар.

Эски мато каби ҳали Хуросон,
Парча-парча бўлиб кетмаса гирён.

Кимнинг баланд бўлса ҳарбий қудрати,
Хукмдор бўлмоққа етгай журъати.

Кучли кўшини йўқдир ҳеч бирда ҳам,
Даста-даста навкар эмас мустаҳкам.

Шаҳзода зоти бор — шоҳлик даъвоси.
Бенинда ўргатмиш, балки, онаси.

Хусайн мирзо ҳам шаҳзода, ахир,
Аммо сийламади азалдан тақдир.

Надари бузурги Мансур мирзо ҳам
Шоҳ бўлмай оламдан ўтди хотиржамъ.

Вале волидасин жон этиб фидо,
Подшоҳ бўл деб ният қилди доимо.

Волидасин сўзи қалбида ҳамон
Акс садо беради: шоҳ бўлгини, ўғлон.

Печундир, Хусайн ўйлари тарқоқ,
Журъати лишиллар мисли шамъчироқ.

Алишер мақсади тамом бўлакдир,
Илм чашмасидан қонмак — тилакдир.

Дўстининг ништардек ўткир кўзига
Ўйчан боқиб, хайрон эди сўзига:

«На чора? Ғанимат дамлар ўтмакда,
Умримиз дарёдек оқиб кетмакда.

Ҳануз бирор жойда қўним топмадик,
Ё жангда мардона от ҳам чопмадик.

Эмди бу оламда паноҳимиз йўқ,
Ҳатто бош урарга даргоҳимиз йўқ.

Умидлар ойнадек чил-чил синмишдир,
Бошимизга ҳасрат қўши қўнмишдир.

Бу оқшом биргамиз, эртага, фақир
Машҳаддин бош олиб кетмакка мажбур».

Алишер дўстига тикилди ўтли,
Ҳаяжон нчида бузди сукутни:

«Бул қатъий қарорми? Кетурсиз қаян?
Ё Ҳирий кўнгулга солдим тугён?»

«Йўқ, — деди Ҳусайн, — Ҳирийда маним,
Ватаним эрса-да, йўқдир таянчим.

Фақир боролмағай Самарқандга ҳам,
Гарчи Абу Саъид бўлса-да тоғам.

Мени ганимидек хуш кўрмас асло,
Кўнглида яшайдур ўзга муддаю.

Ҳирийдин умидин узмаган ҳамон,
Жонига гўлгула солмиш Хуросон.

Аммо чўчир эди Бобур мирзодин,
Афсус, бевақт кетди султон дунёдин.

Ул эмди филофдин суғуриб шамшир,
Хуросон устига, балки, от солур.

Машҳадда қолмакка йўқ сира илож,
Ғавғолар домида омонат тахт-тож!»

Алишер туманли хаёлга ботди,
Шафқат кўзи билан маъжос сўз қотди:

«Йўқса, қайдин паноҳ тоғайсиз, мирзо,
Ким этгай қоронғу кўнглингиз рўшно?»

Абу Саъид мирзо темирый гарчанд,
Ўз қавми қошида бўлмиш нонисанд.

Маърифат аҳлини қатагон этмиш,
Зулмидин олимлар яқсон тутмиш.

Билурмен, ул сизин хуш кўрмас азал,
Сиздин кўра анга бегона афзал».

Ҳусайн кўзлари баттар ўтланиб,
Вазмин жавоб берди, бир оз ўйланиб:

«Марвини истамиш бу кўнгул, нестай?
Мақеудга ўзга бир йўқдир йўл, нестай?»

Марвга тобеъдур Жом бирла Макон,
Улусин бошида Санжардек султон.

Вале норизодур улус Санжардин,
Санжар топган эмиш бахтни ханжардин.

Марҳум султонимиз этиб ҳимоя,
Марҳамат кўргазмиш било ниҳоя.

Ёвқур қўшини ҳам кучлидир гоят,
Санжар паноҳ бўлса бошимга шояд.

Камтарлик либосин кийсам-да, фақир,
Қошида бош эгсам мисли мусофир.

Мурувват илкени узатгай, балким,
Вайрон дил кулбасин тузатгай, балким».

Шубҳа оташида қолиб бегумон,
Алишер сўзлайди куйингансимон:

«Қадам қўймакдасиз хатарли йўлга,
Ўт излаб, чўпни сиз тикқандек кулга.

Санжардин улуси эрса норизо,
Сиз андин марҳамат кутманг ҳеч, мирзо».

Боши қотиб деди Ҳусайн зўрга:
«Билурмен, ул мени ўтқазмас тўрга.

Тўрт томон қиладур, фақирга бул он,
Қайга бош урса ҳам егайдур пушмон.

Вале қудратлироқ бирор ҳукмдор
Паноҳида бўлсам деган умид бор».

Алишер ўт каби кетди-да сачраб,
Мардона деди у, дўстига қараб:

«Афсус, минг афсуски, нотинч Хуросон
Мулкига керакдур Сиздек соябон.

Илм ва маърифат, фан ила санъат,
Кошки, кўнса Ҳирий ҳуснига зийнат!»

Ҳирий қисматидин бағримда фиғон,
Умид гунчалари бўлмакда хазон.

Ҳирийга керакдур адолатли шоҳ,
Қудратли раҳнамо, саодатли шоҳ!

Улусимиз қачон яшагай озод,
Қачон тинч яшагай, қачон бўлгай шод?»

Тўқ ва обод бўлгай юртимиз қачон?
Қачон улусимиз бўлгай фаровон?»

Алишер сўзидан қалбида гулу,
Диққат билан жиддий назар солди у.

Тасодиф фикридан босди-да, ҳайрат,
Ақлига тан бериб, дейди: «Раҳмат!»

Ҳусайн қошида ўспиринмас, йўқ,
Доно йнғит турар, сўзи мисли ўқ.

Узоқ сукут сақлаб, эгилди яқин,
Кўзида ёнди шамъ, қалбида чақин:

«Йўлим равон эмас, кўндир тўсиқ, гов,
Бир кимса дўст бўлса, ўзгасидир ёв.

Оғир синовлардин ўтмоғим даркор,
Мақеудга етгунча чекурмен озор.

Аммо мени кутар, шўҳрат, тахту тож,
Қасд этсам, ишларим тонгайдур ривож.

Қулни қовуштириб турмак найтмас,
Машҳадда ҳеч кимса тож кийгин демас.

Фурсат ганиматдур, бой бермай илқдин,
Нажот сурсам дейман қудратли мулқдин.

Успирин эмасмен, энди йигитмен,
Улжасин излаган ёвқур бургутмен!

Хоҳиш билдирсангиз, бирга кетурмиз,
Субҳидам Марв сари йўлни тутурмиз?»

Ялт этиб, Алишер унга тикилди,
Қалбидан учқунли меҳр тукилди:

«Темурийзадасиз, Хусайн мирзо,
Ҳақлисиз тож-тахтни этмакка даъво.

Вале мен... туттаймен илм йулини,
Кўнглум хуш кўрғайдур Машҳад элини.

Мадраса таҳсили сизга аёндур,
Тарк этиб кетмагим, дўстим, гумондур.

Камол Турбатийни хоҳиш этурмен,
Ул зот карам этса, илқин тутурмен».

Хусайн дўстига боқиб меҳрибон,
Сузлади, кўнглини тинчиттансимон:

«Қадамингиз сизнинг илмда шаҳдам,
Аmmo қанда қилманг назм машқин ҳам.

Уқуб олинг, дўстим, борича имкон,
Менинг эса вақтим йўқтур бегумон.

Юрт қачон тинчиса, учрашурмиз бот,
Насиб этса, қутлар бизни ҳам Ҳирот.

Дустликка хиёнат қилмай ҳеч қачон,
Дийдор кўришгаймиз бўлсак гар омон.

Қайда бўлсам, сизга хабар этурмен,
Азиз номингизни ёдда тутурмен.

Кимга кулиб боқса олдиндан иқбол,
Қадрдон дўстидин сурагай аҳвол.

Болалик қасамин унутманг асло,
Анга содиқ булмак эзгу муддао!»

Алишер кўзлари севинчга тўлиб,
Қутлуг аҳд-паймоннинг шоҳиди бўлиб:

«Эр йигит сузидин қайтмас», деди у,
«Арслон изидан қайтмас», деди у.

Ва тилаб жонажон дўстига оқ йўл,
Хусайн мирзонинг қўлин олиб ул.

Манглайига босди бир лаҳза шодон,
Ёришиб қолганди субҳи Хуросон!

XXIII

Денгиздек безовта мулки Хуросон,
Елқандек чайқалар Машҳад беомон.

Яна шаҳзодалар кўтардилар бош:
Ўртада — олтин тахт, улоқдек талош.

Номанъдум — қай бири чиқади голиб,
Ҳатто маликалар қолди кўзголиб.

Ҳаёт билан ўлим кзма-юз келмиш,
Бири қочса, бири пайдан елмиш.

Кимнинг қўли баланд келса бу жангда,
Хуросон тож-тахтни бўлгай ўшанда.

Ботиру мард бўлса кимнинг қўшини,
Ўша эгаллагай султон қўшқини.

Тахт битта ва лекин даъвогарлар кўп,
Қайси мард жанг қилмай бўлади мағлуб!

Барчаси бу жангда қозонмоқчи ном,
Йўқ эрса, волида сўтидир ҳаром!

Барчаси ўзига излаб тарафдор,
Улуснинг бағрини этмиш ярадор.

Султон қўшини ҳам бўлиниб кетди,
Қўмондонлар ҳийла йўлини тутди.

Ит билан буридек оға-ини ёв,
Бош қўшмас, гўёки сув билан олов.

Тахт деса — оға не, ота ҳам ётдир,
Тахт жанги жанг эмас, нақ қиёматдир.

Сарой ўхшаб қолди ари инига,
Шамширлар сизмади гўё қинига.

Бу ҳолдан Алишер тинчи йўқолди,
Хусайн мирзо йўқ — бир ўзи қолди.

Фитнаю гавғодан турай деб йироқ,
Зулумот қўйнидан излади чироқ.

Саройни тарк этиб кетди-да тамом,
Мадраса бағрини кўнгли этди ком.

Чунки Ҳиротга ҳам қайтолмасди у,
Мунда ҳам қўнганди тахт учун гулу.

Қўюнда қолгандек нотинч Хуросон
Бошида ўйнарди қилич бегумон.

XXIV

Самарқандга етди бир нохуш хабар
(Абу Саъид учун лек бу хушхабар):

«Султон Бобур мирзо оламдин утмиш,
Хуросон фиғони самони тутмиш».

Манъос тортди — кимки унга қариндош,
Бепарво тинглади — кимки бағри тош.

Ҳукмдор жони лек ут ичра қолди,
Ҳирот фатҳи дилга гулгула солди.

Фурсат — чақмоқ эди, бой берса агар,
Сўнгра ўқинарди улғунга қадар.

Чақмоқ — толкъ эди, ялт этиб бир дам,
Равшан этди, балки, қолган умрин ҳам.

«Ўлжа»га куз тикди буридек ёвуз
Ва қилмоқчи бўлди унга тажовуз.

Бахтини қаранги, қулай пайт келди,
Сулаймон ўлдию девлар қутулди.

Ахир неча йилдир, тахти Хуросон
Умидида нотинч, жони саргардон.

Шаҳот, ёрлақди уни бахт, толкъ?
Шаҳот, кулиб боқди Ҳирий ҳилоли?

Абу Саъид ўйчан, аммо кайфи чоғ,
Боғаро кезса-да илқида яроғ.

Баҳор жамоли ҳам этмайди мафтун,
У боққин ўйларнинг домига тутқун.

Сулҳ тузиб, янади чўчиб Бобурдан,
Отланса, ул тўмас, чиқиб қабрдан!

Ҳар лаҳза ганимат, ганимат ҳар кун,
Хуросон тахтини забт этмак учун!

Мовароуннаҳр билан Хуросон
Мулкига олий бахт бўлмак ҳукмрон.

Лек унда Ҳусайн мирзо сингари
Баҳодирлар борки, балки лашкари

Қўли баянд келиб, керилса голиб,
Қайга ул бош урар аскарсиз қолиб.

Яна Санжар ҳам бор — Марв султони,
Қудратли қўшиннинг чўнг қўмондони.

Бобур мирзо унга зур ҳомий эди,
Олий зотлар ичра энг олий эди!

Ул ҳам Ҳирот сари от сурса агар,
Жанговар қучлари, балки, тўқнашар.

Абу Саъид ўйлар, кўпирар қони,
Кўзига кўринмас, ҳаттоки, жони:

«Мардга кенг дунё бу, қўрқоқ учун тор,
Мардга қасри олий, қўрқоққа-чи, дор!»

Сен хунхор бўлмасанг, хунхор бўлғайлар,
Сен озор бермасанг, озор берғайлар».

Икки мулк сулҳини бузиб ҳукмдор,
Ҳиротни олмакка айлади қарор.

XXV

Баҳор келиб, кўҳна олам уйғонди,
Ҳирот эса мажруҳ шердек тўлғонди.

Ҳирируд сувлари сигмай қирғоққа,
Оби ҳаёт элтар дала-туз, боққа.

Оқ ювиб-оқ тараб деҳқонлар ерни,
Дур каби тўкарди манглайдан терни.

Саройга тиккандек нажот кўзини,
Нотинч сезар эди барча узини.

Осойиш йўқ эди саройда вале,
Аёздек эсарди фитна шамоли.

Тоғга даъвогарлар гоёт кўп эди,
Тахтин уз қўлига ким олғай энди?

Ҳеч кимса билмасди, очар эди фол:
Кимга кулиб боқар улусда иқбол?

Тахт учун анж олиб қиргин ўзаро
Бўлмиш неча зотлар толкъни қаро.

Бутун — бири, эрта узгаси султон,
Қиронлар домида ниграр Хуросон.

Ҳирот пароканда, саросимадир,
Тўфонда бенажот қолган кемадир.

Афсуски, кеманинг сарбони йўқдир,
Тўфондан чиқмакка дармони йўқдир.

Элга бош ва юртга бўлмаса сардор,
Ҳаним этар унинг тупроғини хор.

Мушкил кунда бўлиб бошига бало,
Улусни кулфатга этиб мубғало.

Ҳирот осмонида тутилгандек ой,
Душман оёқ қўйди унга ҳойнаҳой.

Хуросон мулкига солиб галаён,
Қўюндек бостириб келди беомон.

Абу Саъид мирзо фатҳидан, ҳайҳот,
Аламга юз тутди, на чора, Ҳирот!

УЎНИЎУНИ ҚИЕМ

"ШАБОБ ЗАМОЖИ..."

Шабоб замониким, йигирмадан ўттуз бешгача деса бўлгайким, ҳам бу фусулнинг ёзидурким, йигитлик чашмасорининг ҳаётбахшлигининг оғозидур.

Алишер Навоий

Амир Алишер... Абу Саъид мирзо султоннинг замонида Хуросон дорус-салтанасига бориб, бир неча кунини ул иқбол уйи остонасининг мулозаматида ўткарди, аммо узининг ҳолига яраша риоят ва тарбият тополмади.

Мирхонд

Имом Ризо равзасида улкан кутубхона мавжуд бўлиб, аҳтимол Алишер ундаги ноёб китобларни истифода этган. У мадраса ҳужрасида истиқомат қиларди. Шу даврда эса баъзи кўзга кўринган шоирлар билан танишишга мушарраф бўлган.

Е. Э. Бертельс.

I

Кашафруд водийси баҳор қўйнида,
Ҳаёт қуйи янграб гуллар тўйида.

Қиру адирларга сочилиб чўгдек
Турфа гуллар боқар армони йўқдек.

Булоқдек тиниқдир кўм-кўк осмонни,
Қушлар нағмасида баҳор достони.

Оҳудек кезади бағрида илҳом,
Табиат тилида ажиб бир калом.

Қиличдек ярқираб оқар Кашафруд,
Тунда аксин кўрмиш унда Аторид:

Бу — фалак котиби, сирли сайёра,
Кошки, Алишерни этмай овора.

Ҳомий бўлса унинг бошида абад
Ва ўксик кўнглини айласа обод.

На бўлгай, безаса толес китобини,
Умрига ёр этса илҳом офтобин.

Мозий афсонаси бўлиб ҳақиқат,
Кашф этса, назмда янги мамлакат!

Кашафруд бўйида у сурар хаёл,
Рухида янайди таажжуб бир ҳол.

Рутубатли тунда сиқилиб кўнгли,
Тонг билан ҳужрасини тарк этди мўнгли.

Қафасдек кўриниб кўзига Манҳад,
Бош олиб кетмакни қилдимиз мақсад?

Қайга боришини билмайди ўзи,
Булут ичра гўё умид юлдузи.

Кўнгли губорини ёзмакка, наҳот,
Манҳаддан топилмас дилга яқин зот?

Хусайн мирзо ҳам узга йўл тутди,
Паноҳ излаб, Марв сарига кетди.

Мавлоно Лутфий ҳам қолди йироқда,
Алишер не қилгай энди бу ёқда?

Ҳамон хабар йўқдир Ардашердан ҳам,
Ё соя солдими боши узра ғам?

Азиз волидасини не кечди ҳоли,
Ё хазон этдими гурбат шамолни?

Дарवेश Али, балки, бутадек бўзлар,
Оғаси ҳажрида бағрини тузлар?

Қора булут кезар Ҳирий бошида,
Қалхатлар дағдаға қилар қошида.

Зулм тонларидан бағри яра эл
Қулбасини вайрон этган каби сел.

Осойини чироғи сўнғандек абад
Ҳирий кулфатига йўқ каби сарҳад.

Қайга этса Абу Саъид қадами
Тутундек ўрламини кўкка эл ғами.

Оғи остида найхондир Ҳирот,
Ҳирот осмонини тўсмини зулумот.

Қувғинга учрамини улғу зотлар ҳам,
Тегирмон тошидек босминдир алам.

Ари уясига ухшаган шаҳар,
Алишер қалбига солмиш ғам, қадар.

Қадам қўёлмайди Ҳирот сари у,
Гарчанд яшаса-да, кўнглида орау.

Узоқ уйга толиб, бағри эзилди,
Умид иморати, нетсин, бузилди.

Дардига оқибат тополмай даво,
Кашафруд бўйига келди бенаво.

Сайр этди соҳилда хаёл ичра банд,
Тулқинлар мавжига боқди ҳавасманд.

Рухида тарқалган сингари туман,
Мафтун этди гуллар қурган анжуман.

Борлиққа боқди у шайдо кўз билан,
Гуё нидо этди угли сўз билан.

Табиат васфига гоҳ топмай калом,
Сарбаланд тоғларга бергандек салом.

Юксак чўққиларга хуш нигоҳ отди,
Буюклик қошида хаёлга ботди.

Унут бўлиб кўнгил дардлари гуё
Баҳор қўшиқ айтди унга бир дунё.

Кечгача лолазор қўйнида қолди,
Турфаранг гулларнинг тўйида қолди.

Қолмади бағрида заррача ғубор,
Тумандек тарқатди уни лолазор.

Кашафруд тулқинин олиб қайтди лек,
Ғазал ишқи ёниб қалбида утдек.

Йўлда у бир чолни учратиб қолди,
Гаплари қовушиб суҳбат авж олди.

Толиби илмлигин билиб олгач у,
Қалбида кўзголиб оташли гулу.

Бир ажиб ҳикоят сўйлаб берди чол,
Жон қулогин тутди Алишер хушҳол:

«Бутам, сизга айтсам, қадим замонда
Икки дўст бор экан Ажам томонда:

Бири — Муқбил экан, бириси Мудбир:
Ҳаёт гулшанида яшаркан масрур.

Муқбил орау қилса илм булогин,
Мудбир излар экан фароғат богин.

Икки дўст ажралиб оқибат бир кун,
Икки йўлни тўтиб кетмишлар бутун.

Муқбил мадрасадан топса гар паноҳ,
Мудбир майхонада чекмиш оху воҳ.

Муқбил уламога эгса бошини,
Мудбир хумга тўкмиш кўзин ёшини.

Муқбил фанда эгса ўзини намоён,
Мудбир гадо каби кезмиш саргардон.

Муқбил лойиқ бўлса эл ҳурматига,
Мудбир боши тушмиш май гурбатига.

Муқбил илм уйин шонга тўлдирмиш,
Мудбир бир кимсани уриб ўлдирмиш.

Муқбилни шоҳ сийлаб, этса гар мамнун,
Мудбирни қатл этмиш гуноҳи учун.

Муқбил узоқ яшаб кўрса эҳтиром,
Мудбир инсонлигин айламиш бадном.

Яхшидан от қолур, ёмондан-чи дод,
Алқисса, эзгулик яшар умрбод.

Сиз илм боғига қўймишсиз қадам,
Эл-улус кўнглига ёқинг биллур шамъ».

Қуллуқ, деб Алишер хуш таъзим этди
Ва чолнинг табаррук илкени улди.

Чол дуо қилди-да ҳаяжон ичра,
Унга бахт тилади бу жаҳон ичра.

Меҳмон этиб уни кулбасида чол,
Намозном кузатди шаҳарга хушҳол.

Алишер унутиб ўзини тамом,
Чол суҳбатин тагин кўнгли этиб ком,

Қадам қўйгач яна Машҳадга, аммо,
Хужрасидан берди танҳолик садо.

Тоғ ошиб, уфққа ботгандек қуёш,
Алишер болишга маҳзун қўйди бош.

Чол нақлидан узоқ хаёлга толди,
Ҳикматли суҳбатнинг бағрида қолди.

Чўққида ёнгандек бир тутам шуъла,
Шамъ айтмиш бошида ҳазин ашула.

II

Бир даста навкар-ла Ҳусайн мирзо
(Кўнглида элига шоҳлик муддао)

Марвга қадам қўйди, йул босиб узоқ,
Халойиқ ётсираб кузатди бирок.

Қатъият акс этиб қиёфасида,
Шижоат барқ уриб ишорасида.

Ўжарлиги бўлиб юзидан аён,
Кўзлари ништардек қадалиб ҳар ён.

От қўйиб, Ҳусайн мирзо еладир,
Санжардан ул паноҳ излаб келадир.

Санжар — Марв ҳокими, гарчи бермиш тан,
Вале бўлак эди мақсади аслан.

Довруғи тутганди Хуросонни ҳам
Бобур билан Санжар эди ҳамқадам.

Ҳусайн мирзони қадрлаб Санжар,
Ҳадея этган эди Ҳиротда ханжар.

Шу важдин Санжарга қилиб тавалло,
Ўзин этмак бўлмиш элда муалло.

Хусайн, қалъага яқинлашган он
Дарвозани қоқди навқари чаққон.

Дарвоза очилди, ўтмай кўп фурсат,
Қиличли соқчилар кўзида журъат.

Хусайн газабдан туюқди, аммо,
Ўзин босиб, кескин деди шу асно.

«Хусайн мирзо, денг, айламиш сафар.
Султонга келтирдим қайгули хабар:

Султон Бобур мирзо қилмишлар қазо,
Ҳазрат бандаликни келтирмиш бажо».

Бу хабар оғиздан-оғизга ўтди,
Кўз очиб юмгунча саройни тутди.

Саросима ичра қолгандек Санжар,
Мулозимга ўткир кўзларини қадар:

«Йигитлар толиққан йўлда, эҳтимол,
Эҳтиром кўрсатинг аларга дарҳол.

Мирзо ҳурматини баланд тутгайсиз,
Хузурига ани таклиф этгайсиз».

Мулозим таъзим-ла бош эгиб хурсанд,
Султон фармонига жон этди пайванд.

Кўп ўтмай, Хусайн қалбида гулу,
Санжар хузурида таъзим этди у.

Тахтидан тўнғиздек қўзғолиб Санжар,
Хусайнга синчков кўзи қадалар.

Саломга қўл чўзди, Хусайн мирзо
Ўткир кўзларида балиқиб илтижо.

Султон-ла кўришиди шаҳзодага хос,
Кўнглида уйғотиб меҳр ва ихлос:

«Адашиб қолмабсиз йўлдан, хайрият,
Балки, чекқандирсиз чўлда азият?»

Хусайн юзида қатъий ифода
Акс этиб, сўзлади кескин ва содда:

«Мақсуд аниқ бўлса, адашмоқ нечун?
Марвга келмадим томоша учун.

Фақирнинг кўнглида ўзга муддао
Бош уриб келмакка этмиш мубтало.

Султон Бобур мирзо оламдан ўтмиш,
Машҳади азимни мусибат тутмиш.

Ўн бир яшар ўғлини ва лекин султон
Ворис қилиб кетмиш, тахти Хуросон

Шоҳ Маҳмуд илкида қолмиш оқибат,
Машҳад қил устида турур омонат.

Шаҳзода номидин юртни сўрар ким?
Ким ўзин санайди улусда ҳоким?

Шу савол келтирмиш папоҳингизга,
Дўст қадам қўйгандек даргоҳингизга».

Бобур Мирзо руҳин шод қилган каби
Фотиҳа қилди-да, уртаниб қалби,

Санжар кўзларини юзига сурди,
Хусайн кўзида илтижо кўрди.

Вазмин деди сўнгра: «Марву Жом, Макон
Фақирнинг мулкидур, Санжардек султон

То тирик экандур, бермас ҳеч кимга,
Ахир, ул салтанат қурмаган қумга!

Қудрати етадур бўлмакка қалқон,
Балки, бош эгадур анга Хуросон!»

Хусайн кўзлари чақнади ўтли,
Санжарга эслатди ёвқур бургутни.

Фурсатни бой бермай Хусайн, аммо,
Солди гўё султон кўнглига гавго:

«Хуросон тахтининг даъвогарни бор:
Ул — султон Иброҳим, тулкидек айёр

Бобур замонида зиндонда эди,
Балки, бош кутариб қолгуси эмди.

Аламзада эди қавми ҳам бутун,
Қашқирдек таълимнинг, балки, тахт учун.

Хусайн газабин кўрди-да Санжар
Кўнглида қўзғолди нафрати баттар:

«Санжар тирик экан, бош эгмас асло,
Тиз чўкиб яшандин ўлимдир аъло.

Иймонингиз комил бўлсин, султоним,
Бўйсунмаймен, токи таъда бор жоним».

Хусайн кўзлари қўнғочга тўлиб,
Кўнглида ишончи барқарор бўлиб,

Санжар журъатига тан бериб яна,
Асил муддаосин деди мардона:

«Салтанат темирдек бўлса мустаҳкам,
Қуламас бостириб дажжол келса ҳам.

Қудратли бўлмаса шоҳ салтанати,
Осойиш топмагай эл, мамлақати.

Содиқ йигитлари бўлмаса, султон,
Ғолиб чиқолмагай жангдин ҳеч қачон.

Ул шафқат қилмаса улусга агар,
Муҳтожлик даштида ранги саргаяр.

Хуросон кулфати бағримни ҳамон
Тегирмон тошидек эзмиш беомон.

Абу Саъид мирзо хавфи бор, аммо,
Заҳрини сочмасе мисли аждаҳо.

Хуросон тахтига ҳоким бўлса у,
Балки, Марвга ҳам солади гулу.

Фақирга тағодур, лек баланд учим,
Яксон қилай десам, етмайду кучим.

Аmmo, у қаҳримдан қочиб қутулмас,
Ҳирийга захрини сочиб қутулмас».

Содиқ дуст топгандек Санжар узига,
Меҳр билан боқди унинг кўзига.

Мос келиб мақсаду мудаолари,
Босилди гуёки дил ғавғолари.

Иззат-икром билан Ҳусайини у,
Зиёфат айлади, дилда бир орау

Шароб таъсирида чақмоқлар чақди,
Ҳусайн сўзлари унга хуш ёқди.

Умидбахш шуълалар порлаб кўзида,
Деди, тоғдек қудрат сезиб ўзида:

«Қанча яқин бўлсак, бўлсак қон-қардош,
Огадек чиқарсак бир яқодин бош,

Меҳр ишларимиз боғланур маҳкам,
Қудратли бўлажак ҳоқимият ҳам.

Султонга эди лек ҳурматим баланд,
Уйимда бўлгайсиз энг азиз фарзанд».

Е Санжар сўздан ва ё шаробдан,
Е меҳр нурига муштоқ оғғобдан

Жунбиш қилди Ҳусайн томирида қон,
Зур ҳомий топдим деб келтирди иймон,

Султон Санжар мирзо шодланди беҳад,
Қувонч тўлқинлари билмади сарҳад.

Олий мақсад билан кийгизди-да тўн,
Қутлади, ўзидан гоғтад мамнун.

Ҳусайн бу ҳолдан шод ва лол эди,
Бошида ғам эмас, йўқ, иқбол эди.

Санжар сиймосида балқиб ифтихор,
Ҳусайнга қараб деди маънодор:

«Эмди дам олгайсиз Султон Ҳусайн,
Марв ҳавоси ҳам сулим ва майин».

«Қуллуқ!» деб Ҳусайн этди-да таъзим,
Орқага тисланди, уни мулозим

Ҳашамдор хоналар ичра бошлади,
Қия эшиқдан қиз нигоҳ ташлади.

Ҳусайн кўзлари қадалди ўқдек,
Қиз ёпди эшикни, чўчиб оҳудек.

Ва лекин кўнглида нури из қолди,
Кўзлари ўнгида қўш юлдуз қолди.

Ҳусайн узоқ вақт ўйланиб ётди,
Гурбат тунни тугаб гуё тонг отди.

III

Мадраса хужраси... Чоғроқ ва шинам,
Саҳнига тўшалган оҳорсиз гилам.

Тоқчада китоблар терилган қатор,
Олам ҳикматидан бағри шуъладор.

Деворларда ажиб насх талиқ билан
Езилган шеърлардан лавҳа осилган.

Хонтахта устида: девону баёз,
Қора тушли довот, бир даста қоғоз.

Ва қамиш қаламлар ҳамда билтур шамъ,
Алишер кўнглига ҳамрозу ҳамдам.

Ғариблик жонига кўрсатиб асар,
Азиз волидасин меҳрини қўмсар.

Хаёл қуши учар Ҳирот томонга,
Тугилмиш гушаси — ота маконга.

Вале борай деса йўқдир ҳеч илож,
Машҳад таҳсилига ул эрур муҳтож.

Олий орзуларни жувонмарг этиб,
Маърифат масканин кетса тарк этиб,

Ҳирийда ким тутғай илқидан яна,
Ким ғариб бошида бўлғай парвона.

Навқирон йигитлик бўсағасида,
Машҳаднинг энг олий мадрасасида

Илм чашмасидан бўлиб баҳраманд,
Боққанда истиқбол сари орзуманд,

Етмаса, ганимат кунлар қадрига,
Ким қулоқ осар сунг кўнгли амрига?

Ушбу саволларга тополмай жавоб,
Неча тунларни у ўтказди беҳоб.

Ҳамон хаёлига солиб оташлар
Қалбини беомон ўтларга ташлар.

Лекин у бу «жанг»дан чиқса-да голиб,
Нечундир ултирмиш хаёлга толиб!

Чарх уриб хаёлин кабутарлари
Парвоз этар гуё нилий кук сари.

Ижод ишқи бермас жонига ором,
Кўнгли уйи гуё қуёшли олам!

Бир латиф ғазалнинг сирли илҳоми
Домида тутқундир ўтли каломи.

Гарчанд қалам билан азалдан сирдош,
Муттасиял эгса-да қоғоз узра бош,

Бу тонг юрагида ўзга савдолар,
Дилидан оқади шеърый дарёлар.

Қалами улгурмас елиб қоғозда,
Тараннум қилади кўнгли минг созда.

Даричадан боқар бир нарча осмон,
Шоирга очгандек дарича осмон.

Борлиқ уйғониб тонг ашуласидан,
Ҳилол нурсизланиб кун шуъласидан.

Ҳужрага тушади бир тутам ёғду
Ва шамъ нури билан бағирланар у.

Алишер чехраси очилиб кундек,
Қуёни салиюмидан кунгли мамнуидек.

Шуфлаб учиради фидойи шамъни,
Довотта ботириб қамини қаламин,

Яна тонг газалин этади давом,
Тангана қилгандек сөз чалар илҳом.

Саодатли куннинг келиб муждаси,
Ёғдудан нурафшон бўлиб ҳужраси,

Бир нарча осмонга кўз тикади гоҳ,
Гоҳ ҳамроз қоғозга қандайдн нигоҳ.

Даричадан эсар куз шабюдаси,
Илкида сарбаланд тоғлар бодаси.

Баҳраманд бўлгандек қуёни тафтидан
Симоби тўнини олар кифтидан.

Ва шўх-шаън чертади илҳом сөзини,
Қоғозга тўкади кунгли розини:

«Ҳар гадоким, бўриёни фақр эрур кивват анго,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анго».

Бу — янги газалга бўлди-да матлаъ,
Шоир қилди унга жонини садқа.

Ғаввосдек дур излаб сўз уммонидан,
Мисқоллаб зар олиб гуҳар конидан,

Оламга ёғдусин сочганда қуёни,
Қоғоздан охиёта кўтарди-да, боши,

Ғазал мақтаёнга тошиб латиф байт,
Сўнг нуқта қўяди, дунё кулган пайт:

«Ғар Навоий сўз узотти фақрдин эрмас деманг,
Бўлмагунча ҳукм шаҳдин қайда бу журъат анго»

Бу гулшан бўйидан олам бўлар маст,
Олам дарди эса газалга пайваст.

Алишер ўридан қўзғолиб хурсанд,
Мадраса саҳнига чиқар орзуманд.

Кунгли тиниқ унинг осмондек бу дам,
Тоғ бошида ёнар қуёни мухташам.

IV

Ярадор бургутдек Султон Ҳусайн,
Қунай деса, унинг жойи йўқ тайин.

Мурғоб даштларида кезмакда сарсон
У билан Бека ҳам кезар ёлма-ён.

Бека — машҳур Санжар султоннинг қизи,
Ҳусайн мирзонинг суюк юлдузи.

Бириси малика, бири шаҳзода:
Илкида тутгани оғуми, бода?

Нечун Марвни ташлаб елар Мурғобга?
Нечун юз тутдилар фожий саробга?

Ким ҳасад тигини санчди кўксига?
Ким, ахир, ўт қўйди шодлик қўшқига?

Ва лекин сўймасдан умид қуёни,
Ғанимлар қасдидан эгилмай боши,

Мардлигу шижоат чақнаб кўзида,
Отанин куч-қудрат сезиб ўзида,

Йиғитлари билан баҳодирга хос,
Елмакда, Ҳусайн қалбида қасос...

Марга у дўст эмас, энди ёв бўлиб,
Қадам қўяр, балки, ўт-олов бўлиб!

Балки, қисмат уни эркаламас, йўқ,
Изига қайтмас-ку бир отилган ўқ!

V

...Ҳусайн мирзон кузатиб узоқ
Санжарнинг қалбида чақнади чақмоқ:

Унинг тимсолида султонга алҳол,
Буюк бир саркарда кўриди яққол.

Кунглида аҳд инин тутди-да маҳкам,
Ҳусайн қалбига қўл солди ўктам.

Шаҳзода бу бахтдан боши осмонда,
Ундан бахтли одам йўқдек жаҳонда.

Бека — келин бўлмиш, Ҳусайн — қуёв
Икки қалбда ёнар ишқ ёққан олов.

Беканинги илкида бебаҳо ёқут,
У ўзин қувончдан этгандек унут.

Авлюждан-авлюдга ўтмиш бу мерос
Ҳусайн ҳадяси — йўқ эди қиёс.

Ҳиндистон фотиҳи — бобосидан у
Ажиб ёдгор эди, дунёсидан у

Кечса ҳам, кечмади ёқутдан асло,
Уни ўз қадридек тутди муалло.

Олий ҳиммат билан Санжар султон ҳам
Баҳодир қуёвга кўрсатди қарам:

Бебаҳо шамширу араби тулпор,
Хазинадан олгин айлади нисор.

Баҳодир қуёвдан кунгли тўқ султон
Марвни тошириб унга шодумон,

Ёзда Машҳад сари мамнун йўл тутди,
Фароғат боғида ўзин унутди.

Тадбиркор Ҳусайн султондек дарҳол
Сарой аҳлини қилди кўнглини ишғол.

Вале вазир Ҳасан қалбида фитан,
Кўзида меҳрмас, ниш урди тикан.

Шикорга кетганда Ҳусайн мирзо,
Унга бўхтон қилиб, тарқатди игво:

«Ҳусайн азалдан тахтта даъвогар,
Кўёв қилиб уни панд еди Санжар.

Шаҳар дарвозасин бекитнинг маҳкам,
Шаҳзода қўямасин Марвга қадам».

Ҳусайн қайтганда ўзга ҳол эди,
Хар навкар гўёки бир дажжол эди.

Ўқ билан қаршилаб қалъа бошида,
Нафрат ёнар эди ичу тошида.

Вазир фитнасини англаб шу замон,
Ғазаби сел каби тошиб бегумон

Ҳусайн жанг қилди — кўзида чақин,
Вале келолмади қалъага яқин.

Шарт қўйди: гар халос қилинса Бека,
Марвининг бошига солмас таҳлика.

Ҳасан рози бўлди: малика шу он
Ҳусайн қошига отилди гирён.

Ўзи қўйган шартга қилди-да амал,
Ҳусайн қалъани қилмасдан қамал,

Шаҳардан бош олиб кетди ноилж,
На чора? Омонат қолди тахту тож.

Кечмиш воқеадан дил ўйи вайрон,
Йиғитлари билан бесару сомон

Мурғоб эли сари сурмақдадир от,
У кимдан бош эгиб, сўрайди нажот?

VI

Қаҳратон қўйинида Маншад боғлари,
Оқ пустиги ичинида Маншад тоғлари.

Чўққилар қўндириб кумуш телпагин
Оқиндек сўйламин қишининг эртагин.

Қорли манзарадан кўзлар қамашар,
Тиниқ бир ҳаяжон қалбга туташар.

Сутдек оқ оламдан очилиб руҳи,
Дилда тонгги ғазал завқи, шукӯҳи,

Алишер елмақда мадраса сари,
Қордек беғубордир қалб ораулари.

Аҳли Маншад ҳали танимас уни,
Ғарблик шомида ўрмақда кўни.

Вале мадрасанинг мударрислари,
Олим ушону муаррихлари

Салоҳиятига гўё бериб тан
Мусоҳаба этар Алишер билан.

Дил ўйин ёритиб барқвор фикрати
Фозилларни ҳайрон қилар ҳикмати.

Мударриси аълам Муҳаммад Эҳсон
Бошида отадек бўлмиш соябон.

Илми нужумда донг қозонмиш бу зот
Фикрат кўлами кенг мисли коинот.

Улугбек мирзонинг толмас издоши,
Юлдузлар нурига чулганмиш боши.

Ҳайрат ила боқар унга Хуросон,
Умрини безамини «Зижн Курагон».

Мунажжим дейилса улус учун бас:
Муҳаммад Эҳсонни англаш шу нафас.

Алишер таҳсилга келмиш кундаоқ
Мунажжим тожъи кулминидир порлоқ.

Тўғри келиб қолмиш улар юлдузи,
Меҳр нуқтасига қадалмиш кўзи.

Улугбек мирзонинг анъанасини
(Олимнинг илмда тантанасини)

Намойини қилгандек Муҳаммад Эҳсон
Илми нужум учун бағишламин жон.

Алишер кўнглига тинчлик бермай ҳеч,
Кўпдан банд этганди хаёлини «Зиж».

Бошини чуллаган қанча муаммо,
Жўмбоқлар жавобсиз қоларди, аммо.

Оқибат мушқили бўлгандек кўшод,
Илкни тугди шод мунажжим устод.

«Зиж» қулфига калит топгандек хурсанд,
Устод кўзларига боқди орауманд:

«Самовий кашфидин Улугбек мирзо
Хурофот аҳлини этмиш поризо.

Гарчанд бебаҳодур тузмиш жадвали,
Ақлга синайдур чекмиш алами.

Фикрат чароғидин нурланмиш само
Тилсими очилган фурсатда, аммо,

Мирзога отилмиш маломат тоши,
Тандин жудо бўлмиш олтиндек боши.

Илми фан йўлига кимки, тикса жон,
Наҳот, Улугбекдек бўлгайдир қурбон?

Наҳотки, таитана қилгай жаҳолат?
Ёким йўқолдим юртда адолат?»

Мунажжим кўзлари чақнаб ҳайратдан,
Қалби оловланди бундоқ журъатдан:

«Жаҳолат тумандур, адолат — бир шамъ,
Шамъ шуъласи эса ожиздур, бўтам.

Хурофот пардаси тўсмин эл кўзин,
Дунёда омонат сезмин эл ўзин.

Вале шамъ офтобга айлангай бир кун,
Хурофот тумани тарқалгай бир кун.

Нечоғлик тараққий қилса илму фан,
Жаҳолат домидин қутулгай Ватан.

Улугбек мирзонинг кашфидин ҳаёт
Асрлар утса ҳам олгайдур нажот.

Юзини булутлар тўса-да гоҳо,
Маърифат қўёши қораймас асло.

Бахтли замон келгай, ҳали не авлод
Улугбек мирзони, балки, этгай ёд.

Қачонки, адолат тантана қилгай,
Улус толеъи ҳам офтобдек кулгай.

Улугбек замони булгай ул даврон,
Башар закосидин ёришгай осмон!»

Мунажжим кўзига тикилиб утли,
Алишер гўёки ўзин унутди.

Кошки, келса дея бахтиёр замон,
Орзу гулбоғида уради жавлон.

Умид юлдузидан узолмасдан кўз,
Шу гўзал боғаро сайр этар ҳануз.

Ҳануз ёдидадир устод суҳбати,
Устод башорати, устод ҳикмати.

Олий орзуларнинг қанотида у,
Гўё парвоз қилар ғиротида у.

Таҳсилга ошиқар — қалбида баҳор,
Оёғи остида гарчиллайди қор.

Қорли олам ичра кўркам мадраса,
Мусаввир чиёлмас ажиб манзара:

Дўстлар даврасида қолур Алишер,
Меҳр чашмасидан қонур Алишер.

Шу пайт ўзин сезиб жуда биллагон,
Суюнчи олгандек ҳовлиқиб, шодмон,

Саъид Акбар бирдан чулдираб кетди,
Алишер қонида қаддин роз тутди:

«Султон Санжар бирла Ҳусайн мирзо
Ўртасида чиқмиш тахт учун низо.

Ҳусайн Мурғобга кетмиш, бош олиб,
Қувгин қилмиш аҳли Марв кўзголиб.

Ҳусайн мирзо лек шердек учланиб,
Мурғоб улусидин мадал, куч олиб,

Марвга отланмак қасдида кезмиш,
Санжар осойишин неча бор бузмиш».

Алишер қалбига тушди-да ларза,
Саросима ичра қолди бир лаҳза.

Ва лекин дардини ичига ютди,
Мадраса кўйинига шаҳдам йул тутди.

VII

Ҳусайн илкида қутлов номаси,
Мужғони учиди қувонч жоласи.

Бағрида ҳаяжон алангаланур,
Соғинч гулханида қалби тўлғонур.

Кўзига суради дўст мактубини,
Мактуб изҳор қилмиш дўст мақсудини.

Меҳрли боқади ҳар сўз, жумлага:
Қабутардек учиб келмиш муждага.

Жони халос бўлиб азоб домидан,
Боши кўкка етар дўст икромидан.

Тунгич фарзанд билан қутлаб ул, ахир,
Ҳаёт гулшанида кезмиш муфтаҳир.

Саодат боғида Бадиуззамон
Бўлсин демиш шоир ҳамиша омон.

Қалби қушдай учиб ғам қафасидан
Баҳравар бўлмишдир тонг нафасидан:

«Ҳарқалай, осойиш боғида Машҳад,
Ташвишу ғамига вале йўқ сарҳад.

Ҳирийда эл-улус чекмиш дуди оҳ,
Машҳад тарафга ҳам келиб етмиш гоҳ.

Фақир йироқ тушмиш Ҳирийдан гарчанд
Ғамкаш фарзандидек жон этмиш пайванд.

Ноланда кезадур гурбат шомида,
Жони қолмиш, нетсун, алам домиди.

Мадорисдин узга гўшаси йўқтур,
Ғариблик бағрига қадалмиш ўқтур.

Илму фан йулига умрини тикмиш,
Гоҳ назм мулкида азият чекмиш.

Вале толъидин булмай пушаймон,
Ўзлигини фақир қилгай намоян.

Гоҳ сизни ёд этсам, султон Ҳусайн,
Отгондек кўринмиш субҳи ҳумоюн.

Ярашса, не ажаб, султон Санжар ҳам,
Мадад илкин чўзса не пайгамбар ҳам.

Ва лекин, султоним, ҳушёрлиғ даркор,
Шароб деб, оғу ҳам узатгай ағёр.

Унутманг, фақирнинг уғитларини,
Ул бермиш сизга ўз йигитларини.

Айри тушманг элдин, эл — улкан дарё,
Дарёда сузинг-у, гарқ булманг асло.

Кунглумга хавф солмиш Абу Саъид гоҳ,
У — фотех, султоним, булғайсиз оғоҳ.

Абу Саъид билан Санжар гашик лек,
Келишиб яшолмас икки султон тек.

Сиз икки ўт ичра қоламинсиз, мирзо,
Адолат жангида ёр бўлгай худо».

Алишер номасин асраб жон каби,
Меҳр офтобидан нурланиб қалби,

Ҳасби ҳол айлади Ҳусайн шодон,
Қўшини бағрига босганда осмон:

«Гарчанд қариндошлик ила туташдур,
Санжар билан фақир сув ва оташдур.

Тажан бирла Несо ҳамда Астробод
Фатҳидин фақирининг кўнглидур обод.

Эмди Марв сари қўймакчимен от,
Элчилар юбордим: не деркин Ҳирот?

Залим султонларнинг зулмидин элни
Халос этмак учун боғладим белни.

Алишербек, жонга меҳрингиз пайванд,
Кўришмак истаги кўнглим этмиш банд».

VIII

Субҳидам... Алишер хаста ва беҳол,
Тушакдан турмакка уйда йўқ мажол.

Зах ҳужрада ётар неча кун танҳо,
Кўзига қоронғи кўринар дунё.

Жисми-жаҳонига бермасдан омон
Мафосил касали чанг солмиш ҳамон.

Суюк-бўғинлари тинмай зирқирар,
Оғриқдан кўзидан ёши тирқирар.

Гоҳ тунлар гашини қўзғар бедорлик,
Гоҳ жонига тегиб кетар беморлик.

Ҳасрат кўзин тикиб хира шамъга гоҳ,
Назмдан ахтарар дардига паноҳ:

«Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ,
Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ.

Теграмда аниси жонгудозим ҳам йўқ,
Бошимда шаҳи банда навозим ҳам йўқ».

Гоҳ чулғар бошини саргашта хаёл,
Илми толиблик ҳам келгандек малол.

Гоҳ олар бағрига оруз тулқини,
Туман ичра чақнар умид учқуни.

Юлдузлар сўнмакда осмонда чўгдек,
Навкарлар қулидан қулаган тўгдек.

Еруғлик мулкининг султони — қўёш,
Юксак чўққилардан кутаргандек бош,

Тонг отар, чекиниб ругубатли тун,
Алишер уридан қўзғолар маҳзун.

Юз-қўлини юшиб, чойга ўт ёқар,
Гимирлаб қолганди қўшни ҳужралар.

Қумгонни қайнатиб, ёзди дастурхон,
Ризқ-рўзи, майизу қотган патир нон.

Нонушта қилди-да, ёлбошлаб аста,
Токчадан девонни олди дилхаста.

Ҳужра эшигини очиб шу замон
Қошида номабар бўлмиш намоён.

Алишер қувониб, зўрға қўзғолди,
Меҳмонини шодон бағрига олди.

Қалбида жўш уриб меҳр булоғи,
Номани узатди азиз қўноғи.

Тугундан тўн олиб жылмайиб турди,
Ҳусайн совғасин унга кийдирди.

Паҳлавон Муҳаммад Қуштигир бу зот,
Қурашда эл ичра қозонганди от.

Ерга тегмаганди ҳали елкаси,
Енгилмас полвон деб сийлар улкаси.

Баланд бўйли, норғул йигит эди у,
Жўссаси чайир бир бургут эди у.

Куч-қувват ёғилмиш ўт сиймосидан,
Бахт юлдузи порлар қалб самосидан.

Чақноқ кўзларида табассум нури,
Беғубор кўнглида илҳом сурури.

Мусиқи илмида эди мукамал,
Қанот боғлаб учмиш куйидан газал.

Элга манзур бўлиб «Сегоҳ» ва «Чоргоҳ»,
Қалбларни этганди ажиб қароргоҳ,

Дилбар овозидан баҳра олган жон,
Ҳофизни бошида тутмиш бегумон.

Бастакор савтидан мулки Хуросон
Шоирлари бўлмиш машҳури жаҳон.

Алқисса, фозиллар даврасида у
Топганди беқиёс ҳурмат ва обрў.

Назмда ҳам эди қалами моҳир,
Дилписанд газали мисли жавоҳир,

Безарди улуснинг кўнғил кулбасин
Ва фикрат кўкида сочмиш шуъласин.

Ҳусайн бўлса-да, ўз сўзли, саркаш,
Унга меҳр билан боқарди яккаш.

Мурғобга чорлаган эди Ҳиротдан,
Паҳлавон шод бўлиб бу саодатдан,

Хизматига маҳкам белни боғлади,
Санжар билан жангга ўзин чоғлади.

Ҳусайн ёнида туриб мушқил дам,
Зафар шаробини сипқорди хуррам.

Беқиёс ҳурматга бўлиб сазовор,
Алишерни йўқлаб келиш бахтиёр.

Бегона эмасди Алишерга у,
Дийдорин курмакни қиларди орзу.

Ҳиротда у билан танишган кунлар
Шеър баҳси-ла утган фараҳли тунлар,

Ҳамон яшар эди унинг ёдида,
Бахтиёр йиллардан бўлиб обида.

Алишер дустининг келганидан шод,
Ғариб кунгли булди дафъатан обод.

Сўзидан ут чақнаб, дер Паҳлавонга:
«Башар нечун келиш ёруғ жаҳонга?»

Паҳлавон бу савол қаршисида лол,
Фикрат уммонига ғарқдир, эҳтимол.

Деди: «Маъзур тутинг, фақирни алҳол
Бу савол оллида жаҳон аҳли лол.

Инсон келиб-кетгай, қолгай бу дунё,
Банда осийни олгай у дунё.

Шоҳу гадони ҳам оллоҳ яратмиш,
Дунёда бесарҳад даргоҳ яратмиш.

Бирин баланд этмиш, бирин эса паст,
Бири хушёр эса, бири кезур маст.

Бири савоб излар, бириси гуноҳ,
Бири шодон эрса, бири чекур оҳ.

Билмагай ҳаётдин недур муроди,
Қолгайми улусга бирор бунёди?»

Дустининг сўзидан қониқмагандек
Боқди у Паҳлавон кўзларига тик.

Ва деди: «Наҳотки, Сиздек олий зот
Икки ут ичинда қолмиш бенажот.

Келиб-кетмак учун яшамас инсон,
Ҳаётдин муроди ўзга бетумон.

У тинмас чумоли янглиғ умрбод,
Бул жаҳон боғини қилгани обод.

Эзгулик умрининг шиори эрур,
Оламни яшнатин қарори эрур.

Вале юрт олгани ва тўқкани қон
Дунёга келмагай аслида инсон:

«Ким кўрди экин жаҳонда аё хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ.

Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омадлаҳурур ёнимда юз нохушлуқ».

IX

Алишер соғайиб кетмаган ҳамон,
Мафосил дардидан жисми нотавон.

Шеърдан юпанч излаб, унутар ғамни,
Тонгта боқиб дилхоҳ, учирар шамъни.

Субҳидам илҳомдан келтириб мужда,
Оҳиста муралар — нурланар хужра.

Қалбидан тўкилиб қоғозга ёғду,
Латиф бир газалга нуқта қўйди у.

Такрор ўқиб чиққач, кунгли тин олди
Ва оққа кучириб, чунгакка солди.

Шу пайт «Ассалому алайкум» дебон
Йўқлаб келиб қолди уни Паҳлавон,

Шоир «Ваалайкум ассалом» деб шод,
Хушнуд кутиб олди — толеъи кушод.

Бирдан қизиб кетди дустлар суҳбати,
Суҳбатни безади олам ҳикмати.

«Табиб Шерозийдин фақир эмас кам»,
Дея мақтанди-да Паҳлавон хуррам,

Алишер дардига ахтариб малҳам,
Оғриқ суякларин уқалаб бир дам,

Ҳузур бағишлади жонига гуё,
Дарди унут булди мисоли руё

Руҳи енгил тортиб, Навоий деди:
«Мавлю Абдусалом Шерозий эмди,

Не тонг, сизни шогирд қилиб олсалар,
Илки шифобахш деб мамнун қолсалар».

Алишер сўзидан қаҳ-қаҳлаб кулиб,
У деди, табиби аъламдек бўлиб:

«Фақирни демушлар куштигир гарчанд
Дардга даво топгай Шерозий монанд.

Вале ул кишидек табибни ҳамон
Кўрмаган дейдилар мулки Хуросон.

Соғаймай қолмагай ул боққан бемор,
Шерозий илкида сеҳри қудрат бор».

Дўстига жилмайди Навоий мамнун:
«Анингдек табиб кам», деди сўнг маҳзун.

Навоий ҳолатин пайқаб Паҳлавон
Кунглини кўтармоқ истади шу он.

Яна шеърга кўчди суҳбат мавзун,
Гуё амал тоиди диллар орзун.

Вале Навоийни қилиб имтиҳон,
Дафъатан саволга тутди Паҳлавон.

«Бул айём дерларки, Сиз туркий шеърни
Ғоят хуб айтмушсиз, барҳақ фикрни

Улус ҳам маъқуллар, фақирнинг, аммо,
Кўнглида бир савол ҳамон муаммо».

Навоий сўради: «Недур бу савол?»
Паҳлавон сўзлади мақсадин алҳол:

«Сизнингча, туркийда қай шоир буюк?
Қай нажиб зот шеъри эл ичра суюк?»

Деди у: «Барчаси хуб айтур, тақсир,
Шеърлари ҳурмату таҳсинга арзир».

Жиддий боқиб деди, аммо, Паҳлавон:
«Бу сўзда инсофдин кўринмас нишон.

Такаллуфни қўйинг, хоксорлик нечун?
Ҳақиқат қўзғусин синдирманг бу кун.

Ҳаммаси хуб айтмас, бордир тафовут,
Чаман ичра усгай, ахир, гулу ут».

Дадил жавоб берди Навоий мамнун:
«Мавлоно Лутфийдир барчадин устун.

Бу қавм устоди, сўз подшоҳи ул,
Ҳузурида барча қовуштирай қўл».

Паҳлавон сўради — кўнглида гулу:
«Саид Насимийни айтмадингиз-ку?»

«Хотирга келмади», деди у охир,
«Назми узга ранга эгадир, тақсир.

Айтмас зоҳир аҳли шуаросидек,
Ҳақиқат тариқин адо этмиш лек.

Саволингиз фақир хуб ўйлаб кўрди:
Мажоз тариқида айтур эл эрди».

Эътироз юзидин киноятмуз
Паҳлавон дедик: «Раво бўлса сўз,

Саид Насимийни қилмасдин писанд,
Лутфийини ул зотдин қўясиз баланд.

Зоҳир юзидин лек Насимий назми
Мажоз тариқиға шомилдур асли.

Ва маъни юзидин солсангиз назар,
Ҳақиқат тариқин этар мунаввар».

Навоийга фикрин қилгани исбот
Бир гўзал байтта у бахш этди қанот:

«Ҳар қаён боқсам, юзимга ул қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул ой манга манзур эрур».

Бу байт Навоийга эди дахлдор,
Тонг билан дилига сочганди анвор.

Шоир бир дақиқа ўйланиб қолди,
Эзгу ташвиш дилға ҳаяжон солди.

Синов назари-ла боқиб Паҳлавон,
Истеъдодин этди яна намоён.

Кўзларида чақнаб умид ва орзу
Энг сара байтларни ёд ўқиди у.

Ғазал мақтаъига етган чоғида,
Қалби жавлон урди ишонч боғида.

Бузмасдан салафлар шеър русумини,
Узгартиб «Навоий» тахаллусини,

«Насимий» деб айтди фахр билан у,
Навоий қалбида қўзғолди гулу.

Асли мундоғ эди ушбу гўзал байт.
Ислоҳ қилинганча, келиб, қулай пайт:

«Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб курса ранж,
Йўқ ажаб, невчунки хом этган киши ранжуб эрур».

Ҳайрат тоғи босди шоирни баттар,
Паҳлавон қай йўсин топди деб хабар.

Сездирмай, чўнтакка қўлин солди у,
Кўнгли тинчиб, аммо, ҳайрон қолди у.

Ғазали битилган қоғоз, ҳар қалай,
Турибди... Ёд айтур Паҳлавон қандай?

Яна таажжубки, «Насимий» сўзи
Мос эди гўёки узукнинг кўзи.

«Навоий лафзидан «Насимий» лафзи
Майинроқ жаранглаб турарди асли.

Паҳлавон, узини тиёлмай завқдан,
Баъзи байтларини такрорлар шавқдан.

Тугаб Навоийнинг сабру тоқати,
Гўё мулзам этиб дўст мулоқоти,

Исбот қилмоқ бўлса, ундоқ эмас деб,
Маҳкам туриб олди, ул баланд келиб.

Лангарсиз қолгандек дорбоз дор узра,
Зарурат юзидан сўради зўрга:

«Бу шеърни сиз қачон айламишсиз ёд?»
Деди у: «Ун икки йил бўлғай, дил шод.

Бобур мирзонинг шеър мажолисинда
Ўқулур эрдик, шабоб фаслинда

Бағоят хуш кўриб, мен битиб олдим,
Ёд этиб, умрбод сеҳрида қолдим.

Сурмакка тил бормас — Навоий ҳайрон,
Исботга гувоҳ йўқ, дил уйи вайрон.

Паҳлавон қўзғолди, уни мот қилиб,
Масканга отланди, узин шод қилиб.

Эртаси куни ҳам келди Паҳлавон,
Тўрт нафар шогирди билан шодумон.

Икки дўст суҳбати қизиди яна,
Шогирдлар пойғаҳда — диллар пўртана.

Кечаги таҳайюр шоирни ҳамон
Тинчитмас, қалбида яшайди гумон.

Тезроқ ҳал бўлмаса бу муаммо гар
Алишер бу кунни қандай ўтказар?

Яна шу мавзуда сўз очган ҳамон
Кулимсираб деди унга Паҳлавон:

«Ул шеърни ёд тутган пайтимда, ҳатто,
Мана бу куштигир йигитлар ҳам то

Ёдлаб олмагунча топмай осойиш,
Қувваи ҳофизасин этмиш намоиш.

Ўқунг қани, мен-ла урганмиш шеърни,
Ҳайратга солгайсиз лек Алишерни».

Куштигир йигитлар уйга ботдилар,
Шеърни бири қўйиб, бири айтдилар.

Сўнги байтда эса, Навоий қолиб,
Насимий дедилар, зийрак кўз солиб.

Шоир таажжуби ортди яна ҳам
Ва ҳайрат яқосин ушлади маҳкам.

Паҳлавон шеърни лек кўтариб кўкка,
Мақтовин юлдуздан қўйди юкцакка.

Дарвоқеъ, Паҳлавон ҳақдир сўзида,
Бу ишонч нурлари чақнар кўзида.

Ғазалнинг ҳар байту сўзи мукаммал,
Хулласки, ғазалнинг ўзи мукаммал.

Нисонга ургандек бўлиб Паҳлавон,
Йигитларга руҳсат берди шу замон.

Хужрада ўзлари қолишгач тапҳо,
Воқеъа сирини айлади ошно:

Уқалар чоғида Алишер эгини,
Чўнтақдан қоғозни олибди секин.

Ўқиб боқса, янги ғазал экан у,
Сўзидан кўнглига сочилмин ёғду.

Енига қоғозни очиб қўймиш ва
Ёд олмиш, ҳар байти қилганмиш жишва.

Қоғозни қайтариб чўнтакка солмиш,
Сезмади деб дилдан шубҳа йўқолмиш.

Оқшом бориб эса маскан сарига,
Ғазални ёдлатмиш шоирларига.

Устод билан қўйиб бир йўлга қадам,
Улар ҳайрон этди Навоийни ҳам.

Шоир қуллуқ қилиб, завқланиб кулди,
Мафосил дардини унутган бўлди.

Паҳлавон Муҳаммад ажиб зот эди,
Ҳар қилган иши бир мўъжизот эди.

Машҳад сафарига бўлган чоғида
Неча бор қўнди у дўст даргоҳида.

Мушқил кунлар уни зиёрат этди,
Гоҳ таом тайёрлаб, зиёрат этди.

Шоир тутди бир кун дўстини сўзга:
«Шайх Камол Турбатий танишини сизга?»

Паҳлавон дедики: «Ўзларин яхши
Билмасам-да, назми дилимнинг нақши.

Ғазал, мухаммасда олий мақомдур,
Хожа Ҳофиз янглиғ элда киромдур».

Навоий сузлади: «Менга ҳам мақбул,
Барчадин устундир фасоҳатда ул.

Гарчанд назми билан ҳаёлимдур банд,
Сухбатин олмакка кўнглум орзуманд».

Деди у, ижобат қилган мисоли:
«Иншооллоҳ, насиб бўлғай висоли.

Шайх беназирдур муаммода ҳам,
Маснавийда камрак юритур қалам».

Икки дўст суҳбатин тинглаган кўёш
Садоқатни этди дилларга йўлдош.

X

Чин арафа... Эсар ҳайит насими,
Машҳад руҳсорида гул табассуми.

Баҳор чеҳрасини очмиш келиндек,
Кашафруд сувлари чопмиш қулундек.

Боғлару адирлар кўм-кўк сабзавор,
Қирларда товланар чўгдек долазор.

Кўён жилвасидан чарақлар осмон,
Замин юрагида йўқ гўё армон.

Серташвини эл билан расталар гавжум,
Кучалар саҳнига сизмайди мардум.

Шаҳар кўкин тутмиш бозор суроини,
Ҳамёнини тўзгитар савдо бухроини.

Йўқин бор қилгандек ҳайит ўтунча,
Ҳар ким харид қилар қурби етунча.

Арафа русумин этмасдан қанда
Бугун қозон қайнар барча қулбада.

Қурбонлик беради тўқ хонадонлар,
Қайгурмас, имкони йўқ хонадонлар.

Масжидлар даргоҳи тўлар эл билан,
Қўшинлар келмайди қуруқ қўл билан.

Муқаддас жойларини қилиб зиёрат,
Савобини гўёки этур зиёдат.

Ғариб бир хужрада хастадир, гарчанд,
Мутолаа билан Алишербек банд.

Низомий «Хамса»си тушмас илқидан,
Мўъжиза кутгандек Хиёрав мулкидан.

Хужра деворида: «қитъаю байтлар,
Рубоий, муаммо, чистон ва қайдлар.

Эшикдан эсишди сарин шаббода,
Даричадан баҳор узатмиш бода.

Димоққа урилар бинафша ҳиди,
Қушларнинг тилида ҳаёт суруди.

Хасталик жонига кўрсатиб асар,
«Хамса»ни Алишер тоқчага қўяр.

Лавҳаларга ташлаб маънос нигоҳин,
Босмоқчи бўлади гўё дил оҳин.

Қўрпага бурканиб сўнгра бетоқат
Нотавон жонига излайди роҳат:

«Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олгун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш».

Ҳовлида — одамлар товуши бир чоқ
Эшитилиб қолди, Алишер бироқ

Эътибор бермади, чунки арафа,
Ҳатто қарамади эшик тарафга.

Имом равзасини зиёрат этмак,
Сўнгра хужраларни айланиб ўтмак.

Қутлуг одат эди арафа чоғи,
Элга азиз эди бу ер тупроғи.

Сўхбат-ла банд бўлмиш бир неча одам
Ғариб хужрасига қўйдилар қадам.

Уларнинг диққатин лавҳалар тортди,
Абётни ўқигач, қувончлар ортди.

Аммо, ҳозирунлар кўнглини шу пайт,
Нечундир ром этди ўзига бир байт.

Байтнинг мазмунидан ўйга толдилар
Ҳайрат бармоқларин тишлаб қолдилар.

Баҳс этиб, ҳар бири айтди ўз фикрин,
Гузал либос билан беадаи зикрин.

Улар орасида ёши улутроқ
Бир киши хаёлга гарқ эди бироқ.

Барчаси ҳурматин келтириб бажо,
Илҳақ кутар эди сўзин шу асно.

У киши ўз фикрин айтган чоғида,
Хурсанд маъқуллашди ҳайрат боғида.

Туман оғриқларга бергандек бардош,
Алишер тушакдан кутаради бош.

Тирсагини қадаб болиш зирҳига,
Эътироз билдирар унинг фикрига.

Алишерга боқди қайрилиб ул зот,
Бурчакда ётарди — кўрмади, наҳот!

Ҳурмат ила деди бириси шу дам:
«Бир сўз айтмиш, устод, бемор йигит ҳам.»

У сўрди, сўзини этмакни такрор,
Алишер ўз фикрин деди маънодор.

Улғу зот хаёлга чўмди-да, бир дам,
Маъқуллади унинг фикрини хуррам:

«Фақирдин саҳв ўтмиш, бу йигит ҳақдур,
Садаф ичра гўё яширинмиш дур.

Қўллуқ, бутам! Айтнинг, ким бўладурсиз?
Бул буқъада, балки, кўпдин турурсиз?»

Алишер ўзининг кимлигин айтди,
Ул киши қалбида меҳрин улғайтди:

«Исмим Алишербек, Навоийдурмен,
Илму назмда бир фидоидурмен.

Неча йилки, Машҳад қароргоҳимдур,
Мадраса буқъаси бошпаноҳимдур».

Сўхбат аҳли ҳурмат гулини тугди,
Табаррук сиймони унга танитди:

«Бул ҳазрат Шайх Камол Турбатийдурлар!...
Алишер юздан ёғилмиш нурлар...»

Қувониб кетди-да, қўзғолди аста,
Дардини унутди, ҳарчандки, хаста.

Таъзим бажо этиб, эгилди боши —
Саломга келгандек умид қўёни!

Чунки Хуросонда машҳурдир бу зот,
Эл-улус кўнглига манзурдир бу зот,

Унингдек баркамол соҳиб истеъод
Ҳам эди улусда, Лутфийдек устод.

Латиф ғазалларин бўлиб мафтун,
Баланд тутар эди барчадан уни.

Турбатий — зийрак ва хуштабъ зот эди,
Хушчақчақ, нозикфаҳм бир устод эди.

Зурафо ичида обрўси баланд,
Улус жони билан жонидир пайванд.

Ҳазрат Хожа Ҳофиз ғазалларига
(Ғазал кишварининг гузалларига)

Мухаммас қилмишдир куп ва беқиёс,
Алишер қўйганди унга зўр ихлос:

«Кўрмакка зор эдим ҳазратим сизни,
Шод эдим, ёд айлаб ғазалингизни.

Тангри мушқилимни қилмишдур осон,
Қоронғи буқъасин этмиш чароғон.

Олий бахт қилмишдур фақирга насиб,
Нажиб зотлар бўлмиш анга мусоҳиб».

Турбатий қалбида меҳр жилоси,
Кўзида ҳайрату сеҳр жилоси:

«Фақир ҳам эшитмиш сизни неча бор,
Назмингиз кўнглимни қилмиш бахтиёр.

Кўрмоқ ҳавасинда юрардим сизни,
Қўрбон вақфаси шод айламиш бизни.»

Алишер қонида ўлтириб хушвақт,
Дилжуйлик қилди у, гуё олий бахт

Турбатий бошига қўнди ҳумодек,
Бемор дардига у боқди Синодек.

Қўнгли жавлон уриб шавқ дунёсида,
Бир муаммо айтди сўз асносида:

«Оне ки дар ҳавои сари зулфи ёри мост,
Аз сар гузапта аввалу дар охираш ҳабост»¹.

Алишер дардини бир оз унутди,
Шеър завқидан ўзин шер қаби тутди.

Муаммо мағзини чақди-да шу найт,
Қўнғил деди тилга: «Дўстим, қани айт!»

Тил сочди, шод қўнғил махзанидан зар,
Турбатий қалбига тўкилди гавҳар:

«Гузал муаммоким, маъни бир жаҳон.
Гунча бағрида гул ётгондек пинҳон.

Фикрат уйн — маъни дуридин обод,
«Қутб» ҳосил бўлур, ечилса, устод!»

«Офарин, Навоий!» — аллома хурсанд,
Таҳсин ўқиб деди: «Эй, азиз фарзанд,

Фақир баҳам кўрғай дарду гамингиз,
Қўнғулда аламу кўзда намингиз.

Соғайиб кетгайсиз — шердек йиғитена,
Назмда қалами чақмоқсиз, ўтена!»

Турбатий қўзғолди, ўқиб дуолар,
Садоқат ўтида ёнмиш сиймолар.

Дардан фориг бўлди гуё Алишер,
Қонида пуртана қилди яна шеър.

Узоқ ўйга толди ётиб тўшақда,
Мулозим кўриди бир найт эшиқда.

Таъзим эттач, йиғит зеб берди сўзга:
«Ҳазратим тухфалар юбормиш сизга.

Марҳамат қилгайсиз», — деди у шодон,
Алишер қалбини босди ҳаяжон.

Хушчехра йиғитдан бўлиб миннатдор,
Турбатийга этди ташаккур изҳор.

Эртага ўзлари келажаклар деб,
У кетди, Алишер қўнглин кўтариб.

Кун қайтиб, намозгар қўймоқда эди,
Шаҳарда сурон ҳам тинмоқда эди.

XI

Ҳазарининг ҳажрида булғандек мажнун,
Аждардек тўлғаниб оқмоқда Жайхун.

¹ Мазмуни: кимки селдан ҳар нафасини (сўзи) эшитаркан, шубҳасизки, ундан унга ҳамнафас (киши) ҳам эшитади.

Қумлоққа сочилар кўзини жоласи,
Бағрини поралар саҳро поласи.

Асов тойдек ўжар лойқа тўлақинлар
Қирғоқин емириб, чўлга чўқинар.

Қўшининг дастлабки заррин толаси
Бугун ҳам тонгданоқ Жайхун воласи.

Жайхун товланади Сомон йўлидек,
Саҳрога чўзилган нажот қўлидек.

Дарё ёқасида музайян чодир,
Хоразм даштда гуё мусофир.

Чодирда — қийиқ кўз, шер андом султон
Ҳусайн Баҳодурхон, эғнида чакмон,

Қўнғуз терисидан чакмон ёқаси,
Дасторга қадалган қора жиғаси.

Шоҳи тўн устидан боғланган камар
Келинган қоматин кўркам кўрсатар.

Мулозимга бериб мовут чакмонини,
Тўшақка чўқди у-қузатиб хонини.

Яроғ-аслаҳасин узоқ қўймак ҳеч,
Ёнида: дубулга, совут ва қилич.

Дастурхон ноз-неъмат, қанд-қурқта сероб
Қадахда ёқутдай товланар шароб.

Шаробдан синқорар султон ташналаб,
Тахту тожга эса ҳамон ташна қалб.

Чодирнинг кўнжида — пастак курсига
Энганиб, котиб банд қорғоз устида.

Чодир эшигида қотган қозикдек
Икки навқар турар, нигоҳлари — ўқ.

Ҳусайн қонида: кўзлари жасур
Мир Саид Кобулий, ўктам ўлтирур.

Урганж неъматидан қилиб тановул
Шарбатини қўлгумлаб ичар эди ул.

Кобулий ёнида Ғарибий шодон,
Илқида танбуру қўнғилда тугён.

Қирмизи шаробдан бир хўшлаб султон,
Боладек севиниб, деди шу замон:

«Мавлоно Кобулий, демуш бир доно:
Бир кун шод, бир кўн гамгин бу дунё.

Фақирга бош эгар тагин Астробод,
Ғанимлар чекади илқимда фарёд.

Олсам — қайтиб бермас қилиб оламен,
Золимлар бошига даҳшат соламен!»

Ўридан турди-да, Ҳусайн ғолиб,
Товушин чиқармай, қовоғин солиб,

Йўлбарсдек у ёқдан-бу ёққа юрди,
Чодир ўртасида ўйлашиб турди.

Унга боқиб деди Кобулий босиқ:
«Улус хуш кўрмағай — кимки мунофиқ.

Иймонли подшоҳни эл қилар орзу,
Адолат истайди кўпдан бери у.

Ғам кўрмай, яшасам дейди осойиш,
Қувончим қилсам дер тўйда намойиш.

Элни тоғдек билиб, суянинг унга,
Эл сизни етказғай бахтиёр кунга.

Улуста суянган хор бўлмас асло,
Улус — қудратли куч, улус — зўр дарё!»

Ҳусайн чехраси ёришиб кетди,
Сўзлари шеър билан қоришиб кетди:

«Мавлоно, Ҳирий гар бўлса муяссар,
Салтанат жангидан чиқсак музаффар,

Заб-бертгайсиз, ғазал, қасидаларга,
Қўмилгайсиз бошдин то оёқ зарга».

Ширин орзуларга бўлди-да банда,
Деди у, бағрини ҳижрон тилганда:

«О, Ҳирот! Дунёнинг жаннати — Ҳирот!
Шуаро назмию саъяти — Ҳирот!»

Қайнаб Ҳусайннинг томирида қон,
Тутқиб деди у: «Жаннатдек бўстон

Дузахга айланса, наҳот, мавлоно,
Не дерсиз, от сурсак тонгда мардона?»

Ўтирган жойида қўзғолиб олиб,
Кобулий сўзлади, тўғида қолиб:

«Жоҳил ҳукмдордин эл-улус нигун,
Хуросон кўкнини қопламин тутун.

Сабр — тағи олтин, улуг султоним,
Ҳирийни олгайсиз, комил иймоним.»

Ҳусайн юзига қувонч югурди;
Шу асно чодирга Наҳлавон кирди.

У таъзим этди-да султон қошида,
Ўзини унутди дўст оғушида.

Кобулий билан ҳам хуш бағирланди,
Ғарибий кўксига кўксини туташди.

Сўнг қўнди тўшакка қадрон дўстлар,
Дийдор қўришгандан хурсандир кўзлар.

Алишердан айтиб дуою салом,
Номани узатди — айлаб эҳтиром.

Очиб, ўқир экан — титради саси,
Кўксига урилди дўстнинг нафаси:

«Бир буқъада хаста йиқилиб эрдим,
Сиздин мужда келиб оёққа турдим.

Қўрбон вақфасида олиб савғолар,
Ғариб кўнгулни тарк этмиш ғавғолар.

Бош уриб борурга йўқдир бир макон,
Ғалаён домида қолмиш Хуросон.

Ҳиротда хунрезлик, балою офат,
Абу Саъид мирзо қилмиш қиёмат.

Ғавҳаршодбегимни тигдин уткармиш,
Нолаю фарёддин қулоғи кармиш.

Улутбек мирзонинг невараларин,
Қузининг қаросин — чевараларин

Жаҳаннамга элтмиш қотили хунхор,
Илқида қиличу сиртмоқ ила дор.

Сарахс ёнида катта жанг бўлмиш,
Жангда султон Санжар ҳоли танг бўлмиш.

Тутқун этиб, узмин бошини тандин,
Фарзанди Умар ҳам қочмиш ватандин.

Найзага қўндириб Санжар бошини,
Ҳиротга келтирмиш, лаънат тошини

Отмиш анга улус, бағри хун бўлиб,
Қўёшли кунини ҳам қаро тун бўлиб,

Абу Саъид зулми топмаса барҳам,
Ҳирот жаннат эмас, бўлғай жаҳаннам.

Улусни зулмдин қутқармак даркор,
Ҳалокат домида Хуросон ночор.

Умид боғлаб, нома юбормиш фақир,
Умрбод сиз билан ул этгай фахр.

Вале бошингизни эҳтиёт айланг,
Адолат жангига қўнинини шайланг.

Эҳтиёт бўлгайсиз Кобулийга ҳам,
Наҳлавон Муҳаммад, Ғарибийга ҳам!»

Шароб кўширтгирмиш Ҳусайн қонин,
Дўст меҳри отанга тапсламиш жонин.

Мулозимга қараб демини мастона:
«Бир коса май кетур!» Мулозим таъна —

Нигоҳини узиб султондан шу он
Боғот шаробини узатар чаққон.

Ҳусайн, косани қўлига олиб,
Қўрмиш шаробга бир нигоҳ солиб,

Тантанавор дейди: «Дўст муждасидин
Гўё садо келмиш кўк гўмбазидин.

Амримга бош эгса мулки Хуржон,
Навоний номини безар олий шон.

Ул фикр юритмиш мисли дониниманд,
Фақир қисматиға жон этмиш пайванд.

Насиб эгса, бўлғай ул улуг арбоб,
Сўзимга шохиддур фалакда офтоб!»

Кобулий қувончи чодирни тутиб
Умид билан деди, ўзин унутиб:

«Улуғ султонининг тожларида у
Бebaҳo гавҳардек порлагай мангу!»

Хусайн, келтириб Навонидан байт
Майни ичмоқ истаб, деди уша пайт:

«Соқиб, тут бодаким, бир лаҳза узумдин бораи,
Шарт буқим, ҳар неча тутсанг лаболаб сипқорай».

Дўстим насиҳатини олмасам бажо,
Ким эттай фақирга, ич деб илтижо.

Майни сипқорди-да султон мардона,
Музаффарбекка дер боқиб мастона:

«Қозоқийлик тегмиш жонимга, нетай,
Тагин қушин тортиб Астробод кетай.

Дунёдин камаймиш битта душманам,
Вале қолмиш битта душманам манам.

Бир мулкка сизмағай икки ҳукмдор,
Икки ҳукмдорга ҳатто жаҳон тор.

Қуплик қилур — гарчанд биттадир душман,
Ҳазонга юз тутгай дўст кезмиш гулшан.

Мулкимиз ганимдин қилмасак озод,
Дунёдин утгаймиз чекканча фарёд.

Тонг билан босқинга шай бўлсин лашкар,
Хусайн мирзога ёр бўлгай зафар!»

Музаффарбек жангини кўп кўрган барлос,
Хусайнга қўйиб азалдан илҳос,

Султон Бобур мирзо вафотидан сўнг,
Саройда ишлари келмагандан унғ,

Бош бўлиб Хусайн йигитларига,
У билан Марвга кетганди бирга.

Яхши-ёмон кунда қошида турди,
Шодлиғу ғамини тенг баҳам кўрди.

Қозониб, Хусайн ишончини у,
Султон амрига ҳеч бормади ўтру.

Шу ваҳждан, кўнглини ёриб, дўстона,
Хусайн, барлосга буюрди яна.

Музаффар, амрига этиб итбат,
Кўзида чақмоқдек чақнаб шижоат:

«Кечув топиб қўйдик, деди Жайхундин,
Кўнглингиз тўқ бўлсин, султон қушиндин.

Йигитлар шай эрур жангга бургутдек,
Ғанимнинг устига ташланур ўтдек.

Сарахсдин қочмиш бир тўда навкар,
Бош этиб келмишдир, енгилмиш Санжар».

«Санжар ўлдирилди» — чўрт кесди Султон,
Музаффарбек кўзин тикди ўқсимон:

«Қон оқмиш Хуросон дарёларидин,
Кўк қаро — Ҳиротнинг фарёдларидин.

Ва лекин, султоним, қораймас кўнн,
Сизни деб дўсту ёр кўтаргайдур бош.

Зулматда қолмағай мулки Хуросон,
Тангри, мушқилингиз айлағай осон.

Абу Саъид биздин қочиб қутулмас,
Толёй юлдузингиз ойдек тутилмас.

Сарахсми, Астробод, Машҳад ё Ҳирот,
Йигитлар жангаро қозонгайлар от!»

Ғурурдан Хусайн қадди тоғ бўлиб,
Музаффар сўзидан кўнгли чоғ бўлиб,

Деди шод: «Офарин, сўзингиз аъло!
Олингу олдирманг ҳаётда асло!»

XII

Машҳад боғларига қўнди намозшом,
Шом тутди гулларга бода тўла жом.

Бир қўлтум сипқориб гуллар маст бўлди,
Ғунчалар нозланиб, ишвагар қулди.

Сарин ел қўзғолди Кашафруд ёқдан,
Япроқлар шивирлаб боқди бутоқдан.

Саратоннинг ўтли нафаси ўчди,
Тоғларнинг салқини Машҳадга кўчди.

Қозонга ёпишган ўт учқунидек
Юлдузлар чиқса-да, зулматга йўқ чек.

Ой ярим, мисли хом тарвуз палласи,
Доғ босган юзида ғам қўланкаси.

Шаҳар канорида бир муаззам боғ,
Мева-чевасидан уйсанг булур тоғ.

Сўлим боғ, юлдузли кўкдек ястаниб,
Меҳмонлар йўлига чиқмиш ясаниб.

Билгур шамъдан ойдин боғнинг турида,
Сарҳовуз буйида — баланд сўрида

Файзли дастурхондан тотиб ноз-неъмат,
Садоқат қасрига бергандек зийнат,

Юзидан нур ёғиб ўлтирмиш шодон:
Аллома Ардашер, муганний Бурҳон.

Боши кўкка этиб Алишербек ҳам
Устодлар қошида — кўнглида йўқ ғам.

Дийдор кўришгандан ўт каби ёнмиш,
Меҳр булоғидан чанқоғи қонмиш.

Ҳиротлик дўстларини пойқадамидан,
Лутғий ҳазратларини хуш карамидан

Бағри обод бўлиб, кўнгли бўлиб чоғ,
Бағрида жўш уриб илҳомбахш булоғ.

Меҳмонлар шаънига ўқиб ҳасанот,
Шайх Камол Турбатий хурсанд бағоят.

Ловуллаб ёнмоқда суҳбат гулхани,
Пора-пора чўгдек ҳар сўзда маъни.

Назм тавҳарини сочиб оламга,
Дилқушо сўрида мисли аланга

Маъни дурри сероб хирад кулбаси
Бағрини ёритмиш фикрат шуъласи.

Дўстлар таърифидан қувончи чексиз,
Турбатий қалбидан чақнаб чиқар сўз:

«Қай шамол учирмиш ҳазратларини,
Ғубордек тарқатмиш ҳазратларимни.

Бағрим тўлмиш гўё сийму зар билан,
Янги ой чиққандек толеъим кулган.

Дўстлар жамолидин равшан бўлмиш тун,
Юлдузлар чиқмишлар юз кўрмак учун.

Кеча, гир этмишки, сабо йўқ эрди,
Бу оқшом боғ ичра еллар югурди.

Ҳазрат қадамлари қуллуг келмишидир,
Фақир боши кўкда — қуллук қилмишидир».

Ардашер, Турбатий олқишидан лол,
Сўзлади, тилидан томди гўё бол:

«Дусту ёр сиймоси иссиқ қуёшдин,
Дўст нигоҳи тушса, ўт чиқар тошдин.

Кўнгул баҳра топгай дўст нафасидин,
Қушдек озод бўлгай ғам қафасидин.

Дўстлик чашмасидин дилки, баҳраманд,
Садоқатни этгай жонига пайванд.

Фақирни учурмиш Машҳад шамоли,
Кўнглига ўт солмиш Машҳад жамоли.

Дўстга макон бўлса қайсики, гўша,
Жаннатдек кўринмиш кўзинга ўша.

Кўнгул уйи равшан — дўст солса назар,
Еруғ уй қоронгу — ғаним боқса гар.

Гулшан ҳазон бўлгай — ёв қўйса қадам,
Дарё ҳам қуригай — душман ичган дам.

Ғаним нафас олса — қуюн бўлгай ел.
Ёв устун келса гар гадо бўлгай эл.

Душман утган тупроқ култена бўлгай,
Ҳаёт нафасимас, ғам саси келгай.

Дўст билан бу жаҳон боғи чамандир,
Дўст билан фақирга жаҳон ватандир.

Дўстни алишмаймен икки жаҳонга,
Жон фидо этгаймен бу азиз жонга.

Сиздек, Навонийдек дўст-ёр бўлмаса,
Кўнгулга ғамнишин дилдор бўлмаса,

Эҳтиёж йўқ эди Машҳад сайрига,
Қулоқ тутмас эдим кўнгул майлига.

Машҳад баҳонаю дийдор ғанимат,
Гурбатли дунёда дўст-ёр ғанимат».

Турбатий, таъзим-ла мамнун эгиб бош,
Қушлук қилиб деди унга тилакдош:

«Ташаккур, мавлоно, дўст қўйса қадам,
Ҳазон ҳам гулшанга айлангай шу дам.

Сиз келиб кўкда ҳам юлдузлар чиқмиш,
Ой заррин шуъласин боғимга тўкмиш».

Суҳбат оқимини кузатиб хурсанд,
Устодлар кўзига боқиб ҳавасманд,

Назм уммонидан тергандек дурлар,
Қалбида қўзғолиб ўтли сурурлар,

Унут бўлиб гўё ғариблик шони,
Ҳаёлин маст этиб саркаш илҳоми

Алишер сўзларди — кўзлари чақноқ,
Ҳикмат осмонида чақнади чақноқ:

«Бу жаҳон боғининг боғбони — устод,
Боғбон билан жаҳон боғидур обод.

Боғбонсиз қолса боғ бўлгайдир ҳазон,
Ҳазон боғни этгай бойқушлар макон.

Чаман боғда янграқ қўшиқ ва наво,
Ҳазон боғда эса фарёд ва нола.

Фақир қолмиш эди ҳазон боғ ичра,
Тўрт тарафи гўё баланд тоғ ичра,

Ул офтоб нурига бўлмиш эди зор,
Хасталик тунида чекмишди озор».

Алишер юзланиб Ардашер томон,
Сўзин давом этди — дилда ҳаяжон:

«Боқсам бир нажиб зот қошимда турмиш,
Ҳазрати шайх ғариб ҳолимини сўрмиш.

Эмди қадрдонмиз ота-фарзанддек,
Назм ришгаси-ла кўнгли пайванддек.

Мушқил савдо тушган чоғда бошингга,
Ҳол сураб, ким келса сенинг қошингга,

Едингдан чиқмагай ўшал умрбод,
Меҳр қасрин анга этгайсен бунёд.

Ўзингиз нечуксиз, устоди аъзам?
Хавотир тортгаймен сизни ўйласам?

Ғавғолар ичида қолди деб танҳо,
Ҳирийга кўз тутдим субҳи-шом, аммо.

Элни нотинч этмиш қаттол султондин
Кўнгулум пора бўлмиш, нештай фиғондин.

Лутфий ҳазратлари саломатмилар?
Олий зотга фақир саодат тилар.

Ҳирий гурбатидин ҳоли не кечмиш?
Устод сўзин қумсаб, дил қуши учмиш.

Азиз волидамдин тонг-ла ҳар сафар
Офтобни кутгандек кутгаймен хабар.

Муҳтожлик тунида ютганча қонлар,
Кўнглимни тилкалар соғинч, армонлар».

Ардашер андуҳли хаёлга ботди,
Кўнглида тош бўлиши дардини қўзғотди:

«Қуллуқ, Алишербек! Уйлаб фақирни,
Зулматдин излабсиз йилг этмиш нурни.

Қиёматдин дарак — дажжол келмаги,
Хиёнатдин дарак — қаттол келмаги.

Туфонда қолгандек Ҳирот кемаси,
Лек порлар соҳилда нажот шуъласи.

Султон Абу Саъид гафлатда қолмиш,
Тағин Астрободдин Ҳусайн олмиш.

Мирзодин Ҳиротта келмиш элчилар,
Абу Саъид бағрин тилмиш элчилар.

Шундоқ бир шарт қўймиш Ҳусайн мирзо:
Сулҳ тузмакка султон бўлмаса ризо,

Хуросон устига тортгаймен лашкар,
Ҳирий деб қилгаймен жангги музаффар.

Сулҳга рози бўлиб султон даставвал
Ва лекин оқибат қилмади амал.

Тағин низо чиқмиш, икки ҳукмдор
Ўртасида қонли жанглар хавфи бор.

Сиҳат-саломатдур ҳазрати Лутфий,
Вале кўкни тутмиш ҳасрати Лутфий.

Эл топса осойиш ҳазрат ҳам тинчдур,
Нотинч бўлса агар дилда ўкинчдур.

Ғарчанд чиқмаса-да Деҳи Канордин,
Азият чекмишлар ҳукми хунҳордин.

Гоҳ сизни ўйласа, босгандек қайғу,
Тонг отқунча келмас кўзига уйқу.

Ҳоли не кечди деб ғурбат шомида,
Ўзларин сезмишлар алам комида.

Сизни дуо қилиб юбормиш нома»,
Бир мактуб узатди унга аллома.

Алишер номани кўзига сурди,
Қалб тугени бирдан юзига урди.

Ардашер суюниб тикилди мамнун
Ва деди очилиб кўнглида тутун:

«Таҳсил бирла бандсиз, қочмагай Ҳирот,
Борсангиз, лек эшик очмагай Ҳирот.

Сабаби: Ҳусайн мирзога дўстемиз,
Наҳлавон Муҳаммад билан дурўстемиз.

Ҳусайн тарафда тоғаларингиз,
Султонга ганимдур оғаларингиз.

Анинг қулоғига етса бу хабар,
Иноят қилмагай борсангиз агар.

Келмай турсин демин волидангиз ҳам,
Сизни деб чекса-да гарчанд узи гам.

Дарвеш Али эса улгайиб қолмиш,
Волидангиз юкин илкидин олмиш.

Кўнглига солса-да соғиниш гавго,
Дуо қилиб, сизга юбормиш савго».

Аллома узатди унга бир тутун,
Қуллуқ деб Алишер хўрсинди нигун.

Қузида тирқираб пайдо бўлди ёш,
Бу ёш томса, балки, эрир эди тош.

Алишер кўнглини кўтариб бир оз
Хожа Юсуф Бурҳон деди, чалиб соз:

«Ким кутса золимдин меҳр ва шафқат,
Улуснинг кўнглида қўзгагай нафрат.

Умид кўзин узмиш улус султондин,
Балки, қувғун бўлғай ул Хуросондин.

Алишербек, сизга эл меҳри баланд,
Жонига пайвандсиз фарзанди монанд.

Эл ичра куйланмиш газалларингиз,
Диллар махзанида сийму зарингиз!»

Юлдузли фалакни тутиб фиғони,
Алишербек деди: «Султон даврони

Қурт еган дарахтдек турар омонат,
Қаттиқ шамол турса, қулагай албат.

Лек ҳозир пайғимас, Ҳусайн мирзо
Қудрати етмагай жанг қилса, аммо.

Эл эса одил бир подшоҳга муҳтож,
Тинкаси қуриди тўлайвериб бож.

Ночор элдин кўмак ўтинса мирзо,
Меҳр кўп кўргузув, айласа ризо,

Балки, Абу Саъид чорасиз қолгай,
Хуросон кўкидин булут йўқолгай!»

Алишер сўздан қониб кўнгуллар,
Муганний созига қўнди булбуллар.

Ҳазин садо чиқди танбур бағридан,
Юлдузлар тўкилди само қатъридан.

Ўғ ой ҳам келди ерга яқинроқ,
Бог ичра шуъласин сочди ёрқинроқ.

Муганний созига кўнгли жўр бўлиб,
Турбатий бир газал сўйлади, тўлиб.

Алишер илҳоми жўш уриб кетди,
Турбатий боғини оҳанги тутди:

«Менда бир ўлдурки: гар дам урсам
афлюк ўртанур,

Асрасам кўнглумда жону жисми
гамнок уртанур.

Меҳр эмас, оҳим утидин кўкка
етмини бир шарор,
Айб эмастур, гар десам: дам урсам
афлок уртанур...»

XIII

Зулматдек қоронғи Машҳад кечаси,
Жаҳаннам йўлидек Машҳад кучаси.

Қора либос киймиш гўёки олам,
Тун қўйнида маъюс миноралар ҳам.

Кўкда йўқ ой билан юлдуздан нишон,
Машҳаддек қўрқинчли зимзиё осмон.

Телбадек елади қора булутлар —
Само яйловида саркаш қулунлар.

Оч бўридек увлаб, шамол жар солди,
Машҳад селу жала остида қолди.

Дову дарахт шохи синди, қарс этиб,
Гўё ер силкинди, кўнгли дарз кетиб.

Само гумбазида гулдирак турди,
Чақмоқлар қиличин бағрига урди:

Олов тилин чўзиб мисоли илон,
Осмондан отилди заминга томон.

Машҳад зулматида мисли тор қафас,
Бир хужра уртаниб оларди нафас.

Бағри вайрон булиб қаро кечадан,
Хужранинг кўзидек тор даричадан

Шамъ боқар қоронғи тунга, мунгайиб,
Қошида Алишер — қадди мункайиб,

Паҳлавон кўксига қўйиб бошини,
Ўксиниб йиғлайди, кўздан ёшини

Тиёлмас, қўлида мирзо номаси:
Номамас, Ҳусайн чекмиш ноласи.

Паҳлавон дўстига юпанч излайди,
Ўзи ҳам Алишер янглиг бузлайди.

Кўздан ёшин артиб, чукишар маҳзун,
Алишер қалбини босмиш қора тун.

Нечун у бу қадар маъюс ва мунгли?
Нечун чироқ ёқса, ёришмас кўнгли?

Нечун қайгу ўқи олди нишонга?
Нечун ғам ништарин қадади жонга?

Шодлик қадаҳига ким солди захар?
Қотилдек ким тутди бошида ханжар?

Ёрут кунларини ким қора этди?
Қалбин тиг билан ким садпора этди?

Ғазал гулшанини ким қилиб пайҳон,
Мусибат тошини отди беомон?

Нечун азиз боши эгилиб қолди?
Нечун кўзларидан умид йўқолди?

Ҳасрат соя солди юзига нечун?
Аламдан келмайди ўзига нечун?

Кўнгли нотинч бўлиб волидасидан,
Бағри вайрон эди соғинч сасидан.

Жонига хасталик чанг солдими ё?
Ғариблик шомиди танг қолдими ё?

Ё зулм утқариб султони қаттол
Лутфийнинг умрини қилдими завол?

Ё мағлуб бўлдими Ҳусайн яна?
Ё душман қилдими элда тантана?

Ёки дўсти азиз ярадор шердек
Сурдями: қайдасан, деб Алишербек?

Ёки тоғалари, босиб фалокат,
Ҳусайн мирзога этди хиёнат?

Алишер боши ҳам, қоронғи дунё;
Кифтидан ғам тоғи босади гўё.

Паҳлавон маъюсдил, зурга сузлайди,
Алишер дардига даво излайди:

«Жанг-жадалда ғолиб келгани сайин,
Қуюн каби елмиш султон Ҳусайн.

Неча мавзи олмиш ва неча шаҳр,
Аммоки, улусга этмасдин қаҳр,

Сара йигитларин навқарга олмиш,
Эл ҳам уқинмасдин хайрихоҳ қолмиш.

Чунки султон зулми ўтиб жонидин,
Фуқаро айрилмиш емак нонидин.

Пичоқ қадалгандек устухонига,
Ғам-ғусса чанг солмиш хонумонига.

Шул вазҳдин Ҳусайн сиймосида эл
Халоскор кимсани кўргандек, хушфел —

Муомала қилмиш, кўтармай ғавго:
Зулмдин қутулмак эди муддао.

Дейдилар, дарёга кимки ғарқ булар,
Жонини ҳовучлаб, хасга ёпишар.

Қатта қўшин йиғиб олса-да, мирзо,
Осойиш ҳаётни қўмсарди, аммо.

Қазоқийлик ўтиб жон-жаҳонидин
Паноҳ топсам дерди Хуросонидин.

Аммо, сулҳга султон қилгач хиёнат,
Ҳиротга отланди мирзо ниҳоят.

Чанг-тўзон кўтариб елдик қуюндек,
Нону туз узатмиш элдин суюндик.

Ўтдек сачрар эди навкарларимиз,
Юлдуздек чақнарди сарварларимиз.

Ғоят баланд эди Ҳусайн руҳи,
Еру кўкни тутган эди шукўҳи.

Мирзонинг таянчи Музаффар барлос
От қўймиш мардона, голибларга хос.

Ҳазрат Кобулийнинг йигитлари ҳам,
Ўзларидек ботир, эдилар ўктам.

Навкарлар шай эди доим амрига,
Оғасидек кўриб етмиш қадрига,

Меҳри баланд эди Мирзонинг анга,
Номи ҳам ёйилмиш неча туманга.

Ғарибий назмию навосини эл
Эшитмиш ҳаминша кўнгли бўлиб сел.

Фақир ҳам Ҳирийни эшитган замон
Навкарлар кўнглига солмиш ҳаяжон.

Афсуски, муродлар ҳосил бўлмади,
Неча кун жанг қилдик — толеъ кулмади.

Хирот қамалинда қанча муҳориб
Олий аҳтиромга бўлмиш муносиб.

Қальани олмакка етмагач кўзи,
Бир оз хира тортиб умид юлдузи,

Чорасиз қолди-да, танг бўлиб ҳоли,
Бошида эгандек гусса шамоли,

Абу Саъид қули келди-да баланд,
Чекниди Ҳусайн, мағлубга монанд.

Ҳусайн йўл тортди Хоразм қараб,
Изидин от қўйди султон дарғазаб.

Сарахс қалъасини ололмай, аммо,
Абу Саъид мирзо кўп чекмиш жафо.

Тулкилик қилиб сўнг сулҳ ваъда этмиш,
Қалъага кирган чоғ сўзини унутмиш.

Кобулий чиққанда унинг қошига,
Нафрат тошларини отмиш бошига:

«Султон Ҳусайнга бермасдин нажот,
Мен билан қўйгайсен Хоразмга от.

Шердек йигитларга сардор бўлгайсен,
Мирзонинг қалъасин олиб келгайсен.

Йўқса, бошинг кетур — қатл этгаймен,
Шамширимга санчиб, Ҳирий элтгаймен».

Кобулий газаби тошиб ичидин,
Қони қайнаб кетиб ганим учидин,

Демушлар мардона: «Афзалдур мутлоқ
Тиз чўкиб яшандин тин туриб ўлмоқ.

Мард бир қарра ўлар, номард эса юз,
Ўлсам-да, қилмаймен, умримдин афсус.

Ваъдага вафо, бу марднинг ишидур,
Ваъдасини бузган номард кишидур.

Ким улус бошига ўтқарса зулм,
Зулм солур анинг бошига ўлим,

Фақир тутмиш мудом адолат йўлини,
Тиг санчиб, ҳали қон қилмаган қўлини».

Жазаваси тутиб Абу Саъид лол,
Кўзи қосасидин чиққандек алҳол,

Буюрмиш: боғланг деб кўзу қўлини
Ва тутмиш Кобулий ўлим йўлини.

Содиқ навкарлари олмиш интиқом,
Мислсиз жангаро қозонмишлар ном.

Бир дастаси эса қочиб қутулмиш,
Сарахс кўкида ой ҳам тутулмиш».

Алишер кўтариб ғамгин бошини,
Ғазаб ути қамраб ичу тошини,

Айюҳаннос солса-да кўкнида қалби,
Маънос оҳанг билан титради лаби:

«Азизим, фақирни илқин тутгайсиз,
Хунхор золимдин сиз нима кутгайсиз?»

Қотилга муносиб жазо тонилгай,
Кун келиб, анинг ҳам боши чошилгай.

Сиз ҳам ўзингизга бўлинг аҳтиёт,
Қилмасун ганимлар жонга хиёнат.

Душман сўзига ҳеч мирзо учмасун,
Сўзини кўрмасдин лек этик ечмасун».

Ҳазин уйга толди Алишер беун,
Кобулий ҳасрати этгандек кукун.

Нетсин ул, қуласа суянган тоғи,
Ҳазонга айланса гуллаган боғи.

Кобулий анъорин Алишер бедор
Туилари неча бор этарди такрор.

Назм даричасин ул очиб илк бор
Алишер дилини қилмиш бахтиёр.

Нажот қўлини чўзди мушқил кунларда,
Еру йўл кўрсатди қора туиларда.

Кобулий шеърини маҳзун этар ёд,
Бу туюқ ёдида яшар умрбод:

«Эй муҳиблар: етсангиз гар ёза сиз,
Гул адоқинда хумори ёзасиз.

Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошига
«Қуштан бир шўх эрур» деб ёзасиз».

Алишер дардидан олам ўртанар,
Зулматдек самода будут тулганар.

Саргардон кезаркан ғам домонида
Бир байт нола қилди дил осмонида:

«Турбатинг тошида қолмагай коминг,
Авлюдлар дилига ёзурмиз номинг!»

XIV

Зулму ситамлардан зада Хуросон,
Қора кийиб, тутмиш аза Хуросон.

Хуросон, ярадор шердек тўлғонар,
Қул-оёғи банди эрдек тўлғонар.

Ругубат тунида адодек Ҳирот,
Нурафшон кунларга гадодек Ҳирот.

Ҳиротнинг дийдаси лоладек қондир,
Шафақдан сочилган жоладек қондир.

Уйларда билтур шамъ таратмас ёғду,
Зулматдек қоплаган дилларни қайғу.

Қулгини чавақлаб ташлаган йиғи,
Қушиққа санчилган мусибат тиги.

Илҳом тулпорининг қаноти синган,
Шеърят қасрига бойқушлар қўнган.

Бўзига қадалиб зулм пичоғи,
Юлдуздек сўнгандир ақл чироғи.

Зулмдин кунни тун бадарга этган,
Кўкни ҳам мусибат булути тутган.

Халойиқ бўйнига осилгандек тош,
Ерга қараб юрар, кўтаролмас бош.

Қўрқувдан ичига тушиб нафаси,
Сўзласа, бўғилиб чиқади саси.

Ўз ерида ўзи бўлиб хору зор,
Келгинди султондан чекади озор.

Оғир солиқлардан қадди букилиб,
Эл қолди нотаваон, тутдек тўкилиб.

Қозони мой кўрмас — егани явгон,
Ҳафталаб очилмас ҳатто дастурхон.

Халойиқ айрилиб бор бисотидан,
Фигонлар чекади шўр қисматидан.

Султон Абу Саъид суради даврон,
Тувагин ялайди бир тўда аъён.

Тишлаб келтиради — бир суяк топса,
Ойболга тутади, эл бошин чопса.

Султон шароб эмас, эл қонин ичар,
Дарёда сув эмас, гуё қон кечар.

Ҳирот — гурбатхона, бури уяси,
Ҳирот — қора қозон, юқар куяси.

Бурунги файзидан қолмади асар,
Йиғи-сиги тинар, на шом, на саҳар.

Очилмас мадраса эшиклари ҳам,
Тебранмас маърифат бешиклари ҳам.

Савдо расталари ҳувиллаб қолган,
Дўконларга эса қулфлар осилган.

Игна кўзидек тор толеъ кўчаси,
Ойсиз тундек қаро шаҳар кечаси.

Фигони фалакни этгандек дилхун
Оҳ урар қалъаи Ихтиёриддин:

Бағри вайронадир ихтилофлардан,
Юраги зададир интиқомлардан.

У мард йигитларни тортиб домига,
Айланмиш истибод истехқомига.

Унда зиндон узра қуриб салтанат,
Султонлик номига келтириб лаънат,

Аждаҳодек сочиб элга захрини,
Қўзғатиб улуснинг газаб, қаҳрини,

Жоҳил Абу Саъид тахтдадир ҳамон,
Пойида — топталган мулки Хуросон.

Кичик Баҳодирнинг кулбасига ҳам
Тагин ғам қушлари қўйдилар қадам.

Очқўз султон ҳузиб бало илкени,
Мусодара қилимиш молу мулкени,

Гурбат хонасида Маъсумабегим
Қон қақшаб, кўз ёшин тўкмиш бетиним.

У мажруҳ — уяси вайрон қушсимон,
Паноҳ топай деса, йўқдир бир макон.

Боғу роғини ҳам тортиб олдилар,
Бошига минг турпи савдо солдилар.

Инисия қотили дастидан, ҳайҳот!
Қоронғи зиндонга ухшайди Ҳирот.

Катта шаҳар бўлмиш кўзларига тор,
Қиёмат-қойимдек ҳар қадамда дор.

Бош олиб кетмакка йўқдир иложи,
Қайтади Алишер — умрининг тожи!

Адоқлаб қолгандир мадориси ҳам,
Келса гар ёришиб кетади олам.

Тоғдек кўкрагига қўйиб бошини,
Бағрига босади бахт кўёшини.

Муздек эриб кетар алам тошлари,
Кузидан тўкилар қувонч ёшлари.

Орзуси ушалган волида монанд,
Эл ичра бошини тутади баланд.

Гарчанд сочларига ораламиш оқ,
Рангин заъфар этмиш ғам бирла финоқ,

Азоб қафасида тутқун қуш бўлмас,
Кулфат шамолдан қадди букилмас.

Чинор каби тетик тутар ўзини,
Ғанимга уқ қилиб тикар кузини.

Машҳад йўлларига боқиб умидвор,
Ўғлини кутади оназор зор.

Ўғлини кутади — тонгни кутгандек,
Тонг билан қўёшга таъзим этгандек.

Ўғлини кутади — нияти улкан,
Ғам тоғин поралар мисоли қўҳкан.

Ўғлини кутади — нон ёниб саҳар,
Тонг билан эшигин ланг очиб қўяр.

Ўғлини кутади — гоҳ шод, гоҳ мўнгли,
Бутун бўлсин дея яримта кўнгли.

Ўғлини кутади — комил нийоми,
Иймон бутун экан — келгай ўғлони!

Она армонлари кетмайди увол,
Она тилаклари тошмайди завол.

Сабр эт, онажон, ўғлинг келади:
От ўйнатиб, қалби чўғлинг келади.

Келади — уйингни нурга тўлдириб,
Душманни кўйдириб, дўстни қулдириб.

Келади — ҳар кунни тонг отганидек,
Қўёш эди юртни уйготганидек.

Келади — ҳар йили келгандек баҳор,
Баҳорда дарёлар айтгандек ажар.

Ёду олиб келар, олиб келар бахт:
Сен ғамни улутиб, бўлгайсан хушвақт.

Улус ҳам сенингдек, ўғлингга илҳақ:
Ўғлинг тутган йўл-ку азалдан барҳақ.

Чунки элдан айри тушмагай шоир,
Элсиз, булоқ каби жўшмагай шоир!

XV

Машҳад хайрланди мамнун, қиш билан,
Баҳорни қўлади зўр олқини билан.

Тоғлар қори эриб, сойлар шиққирди,
Анҳорлар ошиқиб боғларга кирди.

Дарахтлар уйғонди қиш уйқусидан,
Қуртаклар жилмайди кўклам сасидан.

Қўёш қўзларида кўриб шижоат
Ерига дон сочди аҳли зироат.

Будуллар подаси чоңқиллаб қолди,
Чақмоқли гулдирак кўкда жар солди.

Мозор бошидаги хонақоҳнинг бир
Ғариб ҳужрасида ҳамон Алишер.

Мадраса таҳсил билан банддир у,
Илм офтобидан баҳрамаддир у.

Ғурбат туни тугаб гўё тонг отмиш,
Навбаҳор авжидан ҳайратда қотмиш.

Қафасдан қўтилган қуш каби озод,
Қиш кетиб, дил боғи бўлгандек обод.

Хомани, учида чақиб чақмоқлар,
Гўдакдек бағрига олмиш бармоқлар.

Қоғоз узра чопмиш хома, бедовдек,
Сўзаларки, чавандоз тутган яловдек.

Киприкдек сафланиб сўзлар лашкари
Ғазал диёрининг бўлмиш сарвари.

Ёруғ манглайида балқигандек кун
Оташли хайллар домида тутқун.

Чехраси қўёшли кундай рўшнодир,
Қалбига қувончли дамлар ошнодир.

Туйғулар неёни жисми-жонида,
Уммон мавжн кезар дил тугёнида.

Қўзларида ёнар порлоқ юлдузлар,
Порлоқ юлдузлардек шод эди қўзлар.

Кўнгли булбул билан баҳслашиб гўё:
Сенинг қўшиқларинг дер эди рўё.

Тонқин дарё бўлиб қалбида илҳом,
Хайлин ўзига айлаганди ром.

Ғазал карвонига бўлгай деб сарбон,
Дилпазир матлаъдан руҳи чароғон.

Баланд овоз билан ўқиди тақроп,
Илҳом неъматидан бўлиб миннатдор.

Янги ой чиққандек кўрсатиб жамол
Бир пайт кириб келди ҳазрат Шайх Камол.

Алишер бу олий марҳаматдан лол,
Хушнуд бўлиб, тўрға ўтказди дарҳол.

Турбатнй изидан кириб мўлжозим
Бир тугун узатди, қилганча таъзим.

Совғани олди-да, хижолатнамо,
Қуллуқ деб, Алишер боқди сермаъно.

Шоир мушкилини қилгандек осон,
Мўлжозим ҳужрани тарк этди шу он.

Тухфани тоқчага қўйди-да хурсанд,
Шайх ҳолин сўради боқиб дилнисанд:

«Зиёратлар қабул улгай, ҳазратим,
Сизни кўтиб, ўтмиш қанча фурсатим.

Хайрият, қўёшдек қулминдир толеъ,
Буғъасига эмиш висол шамоли.

Ҳолингиз нечукдир, Ҳирнида не гап?
Қўзларим тўрт бўлмиш эшикка қараб».

Қўзларида меҳр қилди-да, жилва,
Турбатнй сўлади салобат ила:

«Кўнгул истагандек дўстлар хайлини,
Фақир хоҳин этмиш Ҳирнй сайлини.

Кеча қайтиб келдим, кезиб бир ҳафта,
Ҳирий манзаридин, афеус, дилхаста.

Зулумот қўйнида дорус-салтана,
Аждаҳо комидек ёвуз салтанат.

Олий кўшқлар боқмиш мотамсародек,
Ҳатто, миноралар бағри яродек.

Масжидлар айланмиш фитна инига,
Мадрасалар тўлмиш ғам тутунига.

Ҳирий қирғинхона тусини олмиш,
Гўеки қон ва ўт ичида қолмиш.

Тоҷу тахтта харис шаҳодалар ҳам,
Афеуски, Ҳирийга қўёлмас қадам:

Султон Абу Саъид қатоғон этмиш,
Шоҳруҳ мирзо наслин бағрин қон этмиш.

Илму назм аҳли парокандадур,
Сизни қайтмиш дебон орзумандадур.

Лутғий ҳазратларин қилиб зиёрат
Қувончим юлдуздек бўлмиш зиёдат.

Фақир хурсанд қилиб Саййид Ҳасанин,
Қўнглидин тарқатмиш гўё туманин.

Сизни кўп сўрдилар, нечук деб ҳоли?
Бир лаҳза қўймади фақирини холи.

Уйингизга айлаб қадам раижида,
Бахтиёр санадим ўзимни жуда.

Волидангиз боши кўкларга етмиш:
Ўғлимга элтинг, деб бир тугун тутмиш.

Саруно юбормиш, кийиб келгай деб,
Эл ҳавас қилгудек йигит бўлгай деб».

Алишер кўзида углиниб орау,
Чақмоқдек чақнади қувончидан у.

Қуллуқ деб, қўлнин кўккенга босди,
Қалбига сизмасдан сўзлари тошди:

«Потинч Ҳирий ичра не кечмиш холи,
Заъфарон этгандур гурбат шамоли?»

Турбатий сукутга чўмди бир лаҳза.
Қўюдек кўзғолди қалбида ларза.

Алишер кўзида кўриб илтижо,
Бор гаини рўйи-рост айтмади, аммо:

«Азиз волидан муҳтарамангиз
Ғоят соғинмишлар сизни, ғам ангиз

Бир хабарин сизга келтирмиш фақир,
На чора? Айтмасдин илож йўқ, ахир».

Худди ўт устида ўтиргансимон
Алишербек сачраб кўзғолди шу он.

Ва деди: «Не ноҳуш хабардур, устод?
Ким этмиш волидам ҳузурин барбод?»

Турбатий дедики, «Волидангиз тинч
Вале Ғарибийга қўнглидур илинж.

Султон Ҳусайнингиз хизматин Али
Тарк этиб, кетмишдур Самарқанд сари».

«Нечун мундоқ қилмиш, бордур сабаби?» —
Алишербек сўрди, тошиб газаби.

Ўйланиб қолди-да Турбатий бир дам,
Деди: «Нечун кетмиш, барчага мубҳам.

Кобулий ўлими сабаб бўлиб ё
Алар орасида чиққандир низо».

Алишер андуҳли хаёлга ботди,
Турбатий қалбида шафқат уйғотади:

«Қай гушага урсам бошимни, устод,
Гурбатдин кўзғолмиш қўнглумда фарёд.

Ғам ўқи кўксимни нишонга олмиш,
Бағримни хун қилиб, дилга қадалмиш.

Яшинга дуч келмиш дўстни тарк этиб,
На қилгай, Мирзонинг қўнглин ўкситиб».

Ёниқ нафас билан бир газал айтди,
Ёғдуга йўғирди гўё ҳар байтни.

«Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме, —
Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсак гаеме».

XVI

Навоий ҳужрада шеър билан машғул,
Илҳом парисига тутқун каби ул.

Фикрат чақмоғидан рўшно шуурин,
Нурли чехрасида ижод сурурин.

Гоҳо бир нуқтага қадаб кўзини,
Хаёлда ништар ҳар бир сўзини.

Гоҳ эса қоғоздан кўтармай бошини,
Сўйлатар қаламин — қўнгли сирдошини.

Гоҳ сарин сабога кўксини тутиб,
Хаёлга чўмади, шеърини унутиб.

Бир пайт ҳужрасига боққандек кўёш,
Остонада хаттот мамнун эгди бош,

Бу — Мавлоно Султон Али Машҳадий!
Ғоят олий эди дилда мақсади!

Қўлтигида унинг қора жузвдон,
Зийрак кўзларида ёниқ ҳаяжон.

Алишер меҳмонни чорлади тўрга,
Гўё тўлиб кетди ҳужраси нурга.

Машҳадий кўчирса, ғализ газал ҳам
Мазмун касб этгандек кўринар кўркам.

Фозиллар ул зотга қўйганди ихлос,
Навоий ҳурмати эди беқитъс.

Ҳатто «Султон Али қилқалам» дебон
Уни атар эди мулки Хуросон.

У қанча баёзу девонлар тузган,
Назм чаманидан сара гул узган.

Машҳадий нигоҳи тушганки шоир,
Шеърят мулкида саналган моҳир.

Навойи газали тилга тушган чоқ
Унинг қалб кўкида чақнаган чақмоқ.

Шундан буён назми билан ошнадир,
Шундан буён кунгил уйи рўшнодир.

Машҳад дидарида кўрган ониди
Гуё гарқ бўлди у бахт уммонида!

Навқирон шоирга айтиб офарин,
Еддан айтиб берди қанча ашъорин.

Бир девон тузмакни этди-да, орзу,
Дил қатига гуё тугиб қўйди у.

Неча йиллар утиб, мана у бугун
Орзуим ушалди, дегандек мамнун,

Суюкли шоирни зиёрат этмиш,
Таъзим ила унга девонни тутмиш:

«Ижозат сўрмасдин бул фақир сиздан
Бир девон тузибмен ашъорингиздин.

Кўнгул хоҳишини келтириб бажо
Эл ниятин этдим девон ичра жо.

Саҳвул қалам эрса, фақир гуноҳим,
Туркийга уткирмас ҳали нигоҳим.

Форсийдек сочилса анинг гавҳари,
Иншосин безамиш зеру забари.

Дустлик бустонида бир эҳсон бўлғай,
Машҳаддин ёдгор илк девон бўлғай!»

Навойи таъзимла девонни олди,
Кўзга суриб, тамом ҳайратда қолди.

Сўнг эса варақлаб, боқди-да хуррам,
Мижжасига кўнди гуёки шабнам:

«Мавлоно Машҳадий, фақир тили лол,
Дил сўзин демакка ожизмен алҳол.

Бул не олий бахтки, сиздек нажиб зот,
Илқидин яралмиш ушбу муъжизот!

Ғариблик шомига юз тутганимда,
Саодат тонгига кўз тутганимда,

Фақирга узатиб нажот илкени,
Гулистон этмишсиз ўксик кўнглини.

Саҳв улса, бул фақир кечиргай сизни,
Кўзга сургай вале ҳунарингизни!

Яхши кунлар келиб, шодмон бўлғайсиз,
Боқий дунё қадар омон бўлғайсиз!»

Мамнун қучоқлашди шоиру котиб,
Дарчадан боқар кун — севинча ботиб!

XVII

Абу Саъид билан жанг қилиб, толиб,
Ёвқур қўшинидан келюлмаи голиб,

Астрободга қайтди Ҳусайн мирзо,
Қисмат уйишдин кўнгли поризо.

Жонин ором истаб, кўнди боғига,
Боғ олди мирзони гул қучоғига.

Укпарли тожини олиб бошидан,
Боқди — кўзи тиниб гавҳар тошидан.

Совутини ечиб қозикқа илди,
Кўксига боғистон ели урилди.

Кифтига солди-да зарбафт хилъатин,
Ҳайрат-ла кузатди боғнинг хилқатин.

Мунаққаш шийпонда ултириб, салқин,
Мусаффо ҳавони симирди, толқин.

Парқув болишларга ёнбошлаб алҳол
Маъжус уйга ботди — дилда минг савол.

Бағрини доғлади саргардон йиллар,
Қозоқийлик билан утилган йўллар.

Кўюндек чирмашди хаёли кўкка:
Ёвга у шер каби ташланди тикка.

Тулқидек қочмади ёв зур келганда,
Ё омад кўкида ой тутилганда.

Қумликда қолганда — томчи сувга зор,
Оҳини фалакка айтмади зинҳор.

Ломакон кезганда дашт-биебонда,
Гадодек сезмади ўзни жаҳонда.

Мушқил кунда — этик билан сув кечди,
Умид чуққисига бургутдек учди.

Қафасдек кўринса дунё кўзига,
Ишончи барқарор этди ўзига.

Ғанимдан кутмади муруват, шафқат,
Абу Саъид тахтин деди: муваққат.

Лашкар қанот бўлди — қилса гар парвоз,
Танга мадад бўлди — қаддин тутса ғоз,

Зафарга чорлади дўсту ёр сўзи,
Адашса — раҳнамо бўлди юлдузи.

Тож ишқи яшади жон ичра жондек,
Майдон ичра жангга кирди қоплондек.

Қасамдек ёлида тутиб назмини,
Ғанимга кўрсатди шердек азмини.

Гоҳ голиб келди у, гоҳ бўлди мағлуб:
Қўним топса: шеърни дил кўрди марғуб.

Не кунлар кечмади унинг бошидан,
Дустлари кетмади, аммо, қошидан.

Гаму кулфатини баҳам кўрдилар,
Суянаман деса тоғдек турдилар.

Дустлар меҳри солиб қалбига тугён,
Жамълаб олди гўё хаёлин султон.

Бошини кўтариб, боққа тикилди,
Гўё гулшанаро назари елди.

Чехраси очилди — дил қуши яйраб,
Булбуллар чаҳ-чаҳлаб турарди сайраб.

Шеър завқи кўнглида қилиб тарона,
Боқди у булбуллар сари мастона.

Бир матлаъ тилига қуюлиб келди,
Инжуси қоғозга дурдек тўкилди:

«Эврулуб гул бошига булбул висол ўлгай анга,
Гул анинг бошига эврулса не ҳол ўлгай анга».

Дилбар байтни этиб ёдида такрор,
Битди у, ҳар сўздан чақнади шарор.

Назмдан бергандек булбулларга дарс,
Гулларга ўз ҳолин гўё этди араз.

Ҳазалга Ҳусайний нуқта қўйган он
Паҳлавон Мухаммад бўлмиш намоён.

Ижод саодатин наъшасидан маст
Шоир дўсти билан бўлмиш ҳамнашаст:

Паҳлавон бўлса-да маъюс, хаффа ҳол,
Султонга сездирмай жилмайди алҳол.

Қувончи ичига сигмай шаҳзода
Ҳазал кишвариде узатди бода.

Назм шаробидан сархуш Паҳлавон
Султонни қутлади дилдан беармон:

«Латиф ҳазал бирлан фақирни сийлаб:
Қўймишсиз кўнглига анинг ўт қалаб.

Гул ҳажрида булбул гар йиғласа қон,
Булбулсиз қолганда неттай бу жаҳон?»

Вале таъби нозик ва зийрак мирзо
Паҳлавон кўзида кўрди илтижо:

Ўзини тутса-да, маъюс овози:
Булут соя солган каби авзойи.

Тагин не ҳодиса юз берди дебон,
Паҳлавонга синчков тикилди султон:

Дардли боқар эди унинг кўзлари,
Ҳатто қовушмасди айтмиш сўзлари.

Султон изтиробга тушдию ногоҳ,
Деги: «Ўзи не ҳол? Қилингиз огоҳ?»

Паҳлавон сўзлади, босиб ўзини
Ва тикди султонга мунгли кўзини:

«Мавлоно Ғарибий оламдан ўтмиш,
Жонига ганимлар суиқасд этмиш».

«Ё раббим! — ўт каби сачради султон,
Ярадор қуш каби озор чекди жон.

Сўнг маъюс, қўлини юзига сурди,
Ҳазаб ичдан топиб юзига урди.

Жонсиз ҳайкал каби қолди-да қотиб,
Дили озор топди, гамларга ботиб...

Хуросон мулкида Мухаммад Али
Шухратига сарҳад йўқ эди хали.

Ул эди хуштаъбу хушхулқ, хушсуҳбат,
Дардманд йигит эди, топганди шухрат.

Ғарибий завқ ила чалганида соз,
Қўшиғи этарди дилларга парвоз.

Муסיқий илмида саводхон эди,
Хуснихат бобида бир жаҳон эди.

Султон Ҳусайн ҳам айлаб аҳтиром
Яқин тутар эди ўзига мудом.

Ва лекин Кобулий булган сўнг қурбон,
Ғарибий умрида бошланди сурон.

Султон хизматини тарк этиб кетди,
Ғарибий ғарблик ихтиёр этди.

Навоий Машҳадда экан чоғида,
Ул кезмиш ораста Қўҳак боғида.

Ғарибий кўнглини сийлаб Самарқанд
Диёри этганда ўзига фарзанд.

Афсус, минг афсуским, умри навқирон
Башар боғида кўп сурмади даврон.

Султон Абу Саъид мирзо буйруғи
Туфайли санчилди қотилнинг тиғи.

Ҳусайн кўнглини тилди-да бу дард,
Ногаҳон қўндирди кипригига гард.

Ғарибий туркийда кўпроқ айтди шеър,
Форсий ҳам назмига сочди жавоҳир.

Ушбу матлаъ бирла сайр этмиш ҳазал
Ҳофизлар тилидан тушмасди азал:

«Дарди ҳолимдин агар гофил, агар огоҳ эсанг,
Ҳеч ганим йўқ сен менга гар дилбару дилхоҳ эсанг».

Қай шоир тилига форсий сочса зар
Ушбу байт ҳамоҳанг назмини безар:

«Чашми бемори ту ҳар дам нотавонам мекунад,
Лаъли жонбахши ту, жоно қасди жонам мекунад».

М а з м у н и : сенинг хаста кўзинг мени ҳар дам
нотавон қилади, эй жонон, сенинг жон бағишловчи
лаъли лабини жонимга қасд қилади.

...Ҳасрат чекиб, бошин кутарди султон,
Сузига илҳақдек боқди Паҳлавон.

Деди, дили мажруҳ Ҳусайн уксиб:
«Эмди Навоийга айтуғмиз не деб?

Машҳадга етса гар бул нохуш хабар,
Ғамзада Навоий қон ютар саҳар.

Невчун кетай деса, ижозат этдим,
Ғаним шамширига кўксимни тутдим?

Дард устига бул ҳам тагин дард бўлди,
Навоий қошида юзим зард бўлди.

Нетай, дўстим, бул чарх бўлса кажрафтор,
Ўзга юртда ҳам тинч қўймаса агёр?

Ёв қочиб қутилмас илкимдан вале,
Қасос кунин ваъда этмакда толеъ.

Ҳирий тахти насиб этмагунча то
Жанг қилгум, бир ўзим қолсам-да ҳатто».

Алами ичига сизмай: қўлиб қон,
Паҳлавонга боқди — кўзлари гирён.

Деди, мадад илкин чузиб Паҳлавон:
«Ҳирийда мунгазир сизга дўст-ёрон!

Ҳазрат олийлари этсалар руҳсат,
Фақир Машҳад сари қилгай азимат.

Навоий дардига бўлмасам даво
Ушалмағай дилда асли муддао.

Фурсатини топиб огоҳ этгаймен,
Қулфат шамолига кўксим тутгаймен».

Юпанч топган каби жонланди мирзо
Ва этди дўстига бир мактуб иншо.

Деди, Паҳлавонга узатиб хатни:
«Фақир баҳам кўрғай огир қулфатни.

Жудоликдин қадди дол деб айтгайсиз,
Юрмакка мадор йўқ, шол деб айтгайсиз.

Ғарибий хунини олмасам фақир,
Бош кўтариб юрмак ҳожатсиз, ахир!

Омонат қолмасун дуойи салом,
Ҳануз фақир этгай ани эҳтиром.

Омон бўлинг, балки, учрашгаймиз бот,
Дарвозасин очгай бизга ҳам Ҳирот!»

Қўзғолиб, аламли боқди Паҳлавон,
Мунгайиб, кўксига бош қўйди султон.

XVIII

Бийдек чул қўйнидан — кўрмай талофат
Ҳиротга юз тутди карвон саломат.

Кўзларин қувнатди боғлар жамоли,
Кўкракка урилди салқин шамоли.

Фориғ булган каби танлардан чарчоқ,
Бир лаҳза гўёки босилди чанқоқ.

Анвои мол билан каттакон карвон
Боғ кучага қадам қўйди шодумон.

Гул буйи анқиди чаманзордан шўх,
Димоқни маст этди — енгил тортди руҳ.

Тожирлар отига беришиб ҳашам,
Мағрур савлат тукиб, елмакда хуррам.

Ўйида яшайди: нарх-наво, бозор,
Муғомбир кўзлари ўйнар беқарор.

Эшагин халалаб, туякаш хурсанд,
Гоҳо Навоийга боқар ҳавасманд.

Карвондан қолмасдан Алишербек ҳам
Елмакда, кўнглида қувонч ва алам.

Ҳиротга қуш бўлиб учсам дер, аммо,
Учмакка қаноти йўқдир, муаммо.

На бўлғай, карвондан кетса у ўзиб?
Тулпори ҳориди, аммо, чул кезиб.

Жонидек азиздир бу саман тулпор:
Чунки у Турбатий ҳазратдан ёдгор!

Ёдида: Машҳаднинг сўнгги кунлари,
Шайх Камол қошида ўтган тунлари.

Таҳсили оёқлаб қолган чоғида,
Ҳазрат меҳмон этди уни боғида:

«Шердек журъат ила кириб бул мулкка,
Салафлар қаламин олмишсиз илкка.

Дуойим: ёр бўлғай ҳамиша илҳом,
Мулки назм ичра топгайсиз икром».

Алишер, Турбатий сўзларидан лол,
Бошин қуршаб олди сўнгсиз бир хаёл.

Гарчанд ёш бўлса-да раҳмсиз ҳаёт
Бошига солмади қанча мушқилот.

Қанча синовлардан омон ўтди у
Ва қанча қулфатга келмади утру.

Ғам сели оқизган чоғида хасдек
Бош эгиб турмади кўнгли шикастдек.

Ғўсса қуюнида қилмасдан нола
Шодлик бўстонига тикилди вола.

Кифтидан босганда мотам тоғлари
Кўнглида қолса-да аза доғлари,

Кўксин баланд тутди, қаддин этмай ҳам,
Зулматда қолганда умид ёқди шамъ.

Ҳаёт чирогига парвозасимон
Талпиниб яшайди Алишер ҳамон.

Қиё боқмаганда унга салтанат,
Турбатийдан кўрди қанча марҳамат.

Бу сўлим оқшом ҳам бўлиб меҳмони,
Кўнглида ушалди эзгу армони.

Сўлим оқшом эди: осмон серюлдуз,
Юлдуздек шуълавор устод айтмиш сўз.

Алишер қалбини ёритиб гуё,
Сеники дер эди келажак дунё:

«Бўтам, ҳаёт йўли эрур паст-баланд,
Гоҳ тўғри, гоҳ эгри; боқманг нописанд.

Ҳаёт — синов, демак, ким ўтса омон,
Кўнглида қолмагай заррача армон.

Ҳаёт синовига ким бермагай дош,
Кўксин яра эттай, ҳаёт отмиш тош.

Ҳаёт — одил ҳакам, шоҳми ё гадо
Айбини юзига айтгай беҳато.

Адолат, инсофни ким этса шиор,
Элда қадрин топгай, бўлмас асло хор:

Машаққатли илм йўлин тутмиш эот
Толёини баланд айлагай ҳаёт.

Илму фан — ақлнинг сунмас чароғи,
Илму фан — ҳаётнинг хазонсиз боғи!

Илм йўлин тутиб, чекиб кўп заҳмат,
Дунёдин топмишсиз беҳисоб давлат.

Тагин қалам суриб вазмин назмда,
Ҳурмат қозонмишсиз мулки азимда.

Илмдин назм йўли сермашаққатдур,
Назм роҳат эмас, нуқул заҳматдур».

Ҳаёл оғушидан кўтарди-да, бош,
Шайх Камолга деди, қалбида қуёш:

«Бағоят мамнунмен, ҳазратим, сиздин,
Сизни устод билиб, хурсандмен ўздин.

Гарчанд йўқ эрса-да меҳримга сарҳад,
Едимга олгаймен сизни то абад.

Гурбатда фақирнинг сўраб ҳолини,
Мунаввар этмишсиз истиқболлини.

Ҳаёт хусусинда не дебсиз, ҳақдур,
Ҳаётда башарнинг умри чақмоқдур.

Бир лаҳза ялт этиб, сўнгай беғумон
Ва лекин нуридин ёришгай жаҳон.

Ҳаёт тўфонда ўчмай мисли шамъ,
Машғаладек ёнса, фақир умри ҳам.

Зоеъ кетмас эди ниётларингиз,
Эзгу дуойингиз — сийму зарингиз.

Аммо, ташвиш солмиш кўнглумга тугён,
Гирдибод домиди турмиш Хуросон.

Ҳиротга қайтмакдин ўзга илож йўқ,
Машҳадда қолмакка ҳеч эҳтиёж йўқ.

Аммо, Ҳирот нотинч, билмас осойиш,
Султон ўз зулмини этмиш намоийиш.

Азиз волидамнинг аҳволи ғариб,
Йўлимга кўз тутмиш ранги саргайиб.

Балки, Ҳирий фақир илқидан тутгай,
Султон шафқат қилиб, иноят этгай.

Балки, хазон бўлмас умид гулшаним,
Балки, обод бўлгай ота масканим».

Турбатий ҳайратли ҳаёлга толди,
Алишер қалбига гуё ут солди:

«Ўғлоним, Ҳирийга қайтмак лозимдур,
Султонга барчамиз бир мулозимдур,

Балки, сиздек ўтлуғ шоирга султон,
Ҳам салтанат кўзи боқур нигорон.

Бош эгиб борсангиз ҳузурига гар,
Балки, ул қувонгай — олгандек шаҳар!

Аммоки, кўнглумда яшар бир гумон,
Десалар: Ҳусайнга дўст ва қадрдон,

Абу Саъид мирзо хуш кўрмагай лек,
Балки, у сизга ҳам сақлаб юрар кек.

Бу гумон — балки рост, балки ёлғондур,
Не деса — шу бўлгай, чунки султондур».

Ҳаёл дарёсининг мавжлари тинди,
Узоқдан кўзига Ҳирот кўринди.

Қалби тулқинланиб кетди-да бирдан,
Нигоҳин узолмай қолди Ҳирийдан.

Юксак миноралар кўкка бош тираб,
Офтоб шуъласида турмиш ярқираб.

Савлатли қалъаи Ихтиёриддин
Зададек саройнинг ихтилофидин.

Шон-шухрати сўнган Гавҳаршодбегим
Мадрасаси гуё мунғаяди жим.

Киприги намланиб ўтли соғинчдан,
Кўнгли маъюсланиб дард ва севинчдан,

Карвондан қолмасдан елади ҳамон,
Жисми-жаҳонини босиб ҳаяжон.

Ҳирот боғларига қўниб намозгар,
Ҳирируд салқини юзига урар.

Нафас ростлаганда дорус-салтана,
Тоғжирлар қилгандек гуё тантана,

Шукуҳ тулпорини ўйнатиб шаҳдам,
Қўйдилар Ҳиротнинг бағрига қадам.

Алишер кўз узмай умид шамъидан,
Нажот кутган каби шоҳ карамидан

Бош урди Ҳиротнинг остонасига,
Падарининг азиз копонасига!

XIX

Тонг билан суюнчли қабони учмини,
Мушфиқ она кўнглини бир ташвини қучмини,

Оромни гўёки унутмини жони,
Хаёлини банд этмини азиз ўғлони.

Уйининг эшигин ланг очиб хурсанд,
Сунуриб, сув сениб қўйди орзуманд.

Нотинч юрагида ширин бир тўйғу,
Илқин ўшиб, сурар қабонига у.

Бағрига босиб гоҳ Дарвеш Алини,
Изҳор этмоқ истар дил амалини:

Оғанг Алишербек келса, дер қошки,
Уйимиз меҳмонга тўлса, дер қошки.

Дарвеш Али бўлса, таниб эсини
Қўрмакка зор эди ўз оғасини.

Аммо, элас-элас ёдида ҳамон,
Алишер сиймоси бўлур намоён.

Ўсмир бўлиб қолди — ўтди неча йил,
Йўлига кўз тутди унинг мутғасил.

Гарчанд йироқ тушминш ундан Алишер,
Ога деса — ога бўлғулук, ахир!

Кўзларида чақнаб орзу учқуни,
Қалбида мавжланиб, тилак тўлиқни,

Дарвеш Али сўрар: «Қачон келгай?» деб,
«Қачон бошимизга посбон бўлгай?» деб.

Она дер, ўғлига қилиб инobat:
«Абу Саъид мирзо бермини ижозат:

Ўғлим, бизларга ҳам қулминш хунтолеъ,
Машҳаддан эмакда иқбол шамол.

Тушимда Алишер миниб оқ отга,
Кириб келган эминш тонда Ҳиротга».

Дарвеш Али деди, дилда ҳаяжон:
«Тушингиз унғидан келсин, онажон!..»

Қул ботди: шафақдан булутсиз осмон —
Маъсума кўнглида ёнган дарденмон.

Тоғ бошида норлар умидбахш шуъла —
Қўён тунга айтган сўнги ашула.

Сен ёшиб, боғларга шом қўни аста,
Салқин сабо эди тунга пайнаста.

Ой чиқиб, самони юрганга кезиб,
Хиёбон мавзунин ўтди-да кесиб,

Алишер қалбида умид ва нажот,
Боғи Давлатхона сари қўйди от.

Ота даргоҳига кўзи тушган он
Қувонч кемасида тўлғонди-да жон.

Сакраб отдан тушди, сўнг эса дарров
Эшиқни қоқди у — кўнгли бермай дов.

Маъсума юраги севиниб кетди,
Бир зумда шамоддек эшикка етди.

Издан отилди Дарвеш Али ҳам:
«Онажон, эҳтимол, келди, деб, оғам».

Дарвозани очиб, кўзлар ёшланди,
Ўғлининг бағрига она ташланди:

Дарвеш Али бўлса сакраб оташини
Бўйинга осилиб олди оғасин.

Азиз оғани дийдорлашган он
Юлдузларин сочди бошлардан осмон.

Дарвеш Али отни стақлаб мамнун
Қовлига йўл олди, Алишер мафтун

Инисин кузатди — кўнгли тоғ бўлиб,
Кўзлари намланди — юраги тўлиб.

Сўрига чўқдилар — хонтахтада шамъ,
Шуъласидан қўйиб, қул бўларди ғам.

Алишер қонида бўлиб нарвона,
Ўзида йўқ хурсанд, шод эди она:

«Ўғлим, сени кўрар қул ҳам бор экан,
Ташрига шукрим, толеъ ёр экан.

Бахтимдан ўргилай, қайтдинг соғ-омон,
Кўзимга тор эди сенсиз бу жаҳон.

Найлаини, синадим ўз уйимга ҳам,
Йиғласам, бўлмади кўзларим ҳам нам.

Кўнглим фарёд қилди гурбат домида,
Жоним фиғон қилди кулфат комида.

Мусодара этиб мулкимиз султон,
Куча-қўйда бизни айлади саргон.

Ҳаним шинтар билан бағримни тилди,
Тоғаларинг ғами мени қул қилди.

Оҳимдан урташиб ёнганда олам,
Ёлғиз суялчнғим сен эдинг, болам.

Сени еб, умидим бўлмади поймол,
Сени деб, ҳаётим кўрмади завол.

Балолардан омон ўтдим сени деб,
Қафтимда чўғни-да тутдим сени деб.

Сени деб, яшадим ғамли дунёда,
Сени деб, инсончим бўлди энёда.

Ўзимни ўт-сувга урдим сени деб,
Юзимни бахт сари бурдим сени деб.

Сени деб, айтмадим элга зоримни,
Сени деб, асрадим, болам, боримни.

Дийдорингизни кўрмак умидим эди,
Орзуим унади дунёдин эмди.»

Румол учи билан артиб кўз ёшин,
Она қувонч билан кўтарди бошин.

Волидаси бошин силаб меҳрибон,
Деда Алишербек: «Кўйинг, онажон,

Ўқсинманг, унутинг дард-аламларни,
Дилдан фориг айланг барча гамларни.

Яхши кунлар келур — қувонгайсиз бот,
Бизни-да, сийлагай бир кун бу ҳаёт.

Биз каби элнинг ҳам гарибдур ҳоли,
Багрин вайрон этмиш гусса шамоли.

Неча шер йигитлар Гарибий мисол
Ганимлар илқида топдилар завол.

Мамлакат осойиш топмагунча то
Улус тинч ётолмас уйда, ҳатто.

Фақир, ҳосил ўлғай дебон муддао,
Умид боглаб келмиш султонга, аммо.

Марҳамат кўрсатса, бўлиб мулозим
Сарой юмушини кўргаймен лозим».

Дарвеш Али боқди — кўзида иқбол,
Маъсума ичидан қувонди алҳол:

«Султон одам бўлиб, қилса иноят,
Балки, чекмас эдик мунча азият.»

Алишер олди-да чарм жузвонни,
Онасига тутди — қутлуг аҳсонни.

«Бу не китобатдур?» — сурди Маъсума,
«Назмий машиқлар» — деди ўғли осуда.

Она мафтун боқди — очиб жузвонни,
Варақлаб, лол қолди, зарҳал девонни.

Ўлди-да, фарзандин пешонасидан,
Баҳра топди назм дурдонасидан.

Оғасин пинжида Дарвеш Али лол,
Бошида чарх урар эзгу бир ҳаёл.

Маъсума девондан узмай кўзини,
Дунёда бахтиёр сезар узини.

Бу — Навоийнинг илк девони эди,
Не девон, кашф этган жаҳони эди!

XX

Ҳирируд насими кезар боғ ичра,
Қушлар ҳам анжуман тузар боғ ичра.

Боғ ичра мураббаъ чоҳарпояда
Икки зот ўлтирмиш салқин сояда.

Бири — ҳазрат Лутфий, назм ҳоқони,
Бириси — Навоий, шеър арслони!

Юз билан юзлашиб турмишдир бири,
Бириси йигитлик фаслин гурури!

Эшигин ланг очмиш дийдор жаҳони,
Меҳр ўтидан кул ҳажр хазони.

Қалбларда ёнмишдир шодлик кўёши,
Муз каби эримиш айрилиқ тоғи.

Саодат шуъласи порлар кўзларда,
Садоқат қўшиғи янграр сўзларда.

Дунё савдосини кўп кўрмиш устод
Шогирди кўнглини қилай дер обод:

«Тангрига шукрим, сизни кўрдим бот,
Зиёдек югурди, кўнглимга нажот.

Кулбаи гарибга сиз қўйгач қалам,
Сарҳадсиз кўринмиш кўзимга олам,

Тумандек тарқалмиш гаму андуҳим,
Булутсиз осмондек очилмиш руҳим.

Танимга югурмиш ёшлик дармони,
Кўнглумнинг қолмади сира армони.

Эмди камолингиз хурсанд кузатиб,
Розимен, улсам гар оёқ узатиб».

Устоз сўзларидан эзилиб кўнгли,
Сўзлади Навоий, оҳиста, мунгли:

«Яхши гапга ёхуд ёмон гапга ҳам,
Фаришта омин дер, устоди аъзам.

Эзгу ниёт сизга ёр бўлғай ҳар вақт,
Юзни-да кўргайсиз биз бирла хушбахт».

Лутфий деди мамнун, киприқлари нам:
«Дуоингиз етсин, тангрига, бутам!

Сиздек ўтлиғ шоир қилмиш нек ниёт,
Юзга ҳам киргаймен, бўлса амният.

Афсус, минг афсуски, алу юрт нотинч,
Бошимизга кулфат солмиш бир ножинс.

Хайриятки, бутам, тангри ёрлақаб,
Жанг дуди эсмади Машҳадга қараб.

Ҳиротда булганда қиёмат қойим,
Ночор фақир сизни ўйлади доим.

Камдастлиғ солса-да жонингизга чанг,
Гурбатда бўлса-да болишингиз санг,

Гавгодан йироқроқ туринг деб, бутам,
Номалар юбордим, кўнглумда алам.»

Мушфиқ устодидан кўнгли тоғ бўлиб,
Навоий сўзлади, юраги тулиб:

«Сиз юбормиш нома, дуою салом
Гурбатда гарибни шод этди мудом.

Қасрдек кўринди кўзимга ҳужра
Ва илҳом боғидан келтирди мужда.

Шом қўнмиш кўнглумни гуё тонг қилди,
Ҳужрамга офтобнинг нури тўкилди.

Бағримдан чашмалар чиқдилар сизиб,
Жилгадек оқдилар қонимда кезиб.

Хушнудлик уйғотиб руҳиятимда,
Умид пайдо қилди ўй, ниятимда.

Сиз бирла бўлгандек мушкулим кушод,
Субҳи-шом айладим номингизни ёд.

Ҳазрат Лутғий деди боқиб миннатдор,
Нуроний кўзида умид барқарор:

«Қадри йўқотмаса шогирду устод,
Отаю фарзанддек яшар умрбод.

Шогирдга ёмонлик кўрса гар раво
Устод юзи бўлмай эл ичра қаро.

Ояқ босса шогирд устод юзига,
Эл боқмас қайрилиб анинг кўзига.

Мушкул кунда алар бўлмаса таянч,
Заққум ютиб, умри кечади аянч.

Шогирду устодда бўлмаса нймон
Дузахга айланмай, балки, бу жаҳон.

Сиздек зотга устод бўлмак шарафдур,
Сиз дурри рахшонсиз, фақир садафдур.»

Устод олқинидан юзи бўлиб ол:
«Қуллуқ, ҳазрат!» деди, Навоний хунҳол.

Қалби тугён уриб, ҳислари тошди,
Эътиқод отанини жонга туташди.

Шеъринг боғини безаган ниҳол
Гўё аанм чинор соясида жол.

Кўнган кўтарилиб Кўҳи Сафиддек,
Деди, устодига боқолмасдан тик:

«Камтарлик кемаси лангарин тутиб,
Олқинга кўмдингиз, ўзини унутиб.

Туркийда сиз янглиғ малик ул-калом
Қошида элу юрт берурлар салом.

Сизга шогирд бўлмак олний бахт ўзи,
Кўнглум рўшно этмин меҳр юлдузи.

Қошки, яхши кунлар қилсаю насиб,
Назмда бўлсайдим сизга муносиб.

Юзингизни асло қаратмай ерга,
Муборак номингиз урардим нурга.»

Лутғий тошиб унинг сўзидан таскин:
«Ташаккур, бутам!» деб жилмайди мафтун.

Мақсад боғи сари сўнг қўйиб қалам,
Навоний кўнглига излади малҳам:

«Набоб замониким, илқингиз тутмин,
Бу ёнда ҳар йилгит ўзини унутмин.

Вале сиз кўп заҳмат чекиб муттасил,
Идрок-ла инн тутган фарзандсиз асил.

Сизга айтсам, бутам, замон ўзгарди,
Одамлар ўзгарди, даврон ўзгарди.

Зарра ҳам қолмади инсоф, нймондин,
Дэгулик йўқолди гўё жаҳондин.

Барчаси султоннинг ялогин ялаб,
Қошида таъзимда, кўзи мўлтираб.

Султон Бобур мирзо вазирлари ҳам,
Садоқатли бегу амирлари ҳам,

Абу Саъид мирзо илқини ўмини,
Е раббим, султоннинг номини унутмин!

Лек фақир, фарқига етолмай доғмен,
Доғулик шарҳини битолмай доғмен!

Доғмен, баъзи шахслар тулкилигидин,
Уйинчоқ давроннинг кулкилигидин!

Фитналар комида дорус-салтана,
Фисқ-фужур, адоват қилмин таитана.

Аҳли қалам жа бўлиши беқадр,
Ким боқса улуста, чекминдир жабр.

Даҳо Ҳиравийнинг замони келмин,
Маодоҳ шуаронинг даврони кулмин.

Адолат чирогин ёқмоқ истабсиз,
Ҳақиқат уругин сочмоқ истабсиз.

Бу гоят мушкулдур, эҳтиёт даркор,
Ҳиротда бўлмаган инсоф барқарор.

Мен ҳам қариб қолдим, йўқдир дармоним,
Ўзим билан бирга кетмай армоним.

Бу ёғимдан кўра, у ёғим яқин,
Кун сайин сўминдир кўнглумда чақин.

Сизни ўйлаб, фақир тинчим йўқолмин,
Дилимга бир умид шуълалар солмин.

Сиздек бир шонга Хуросон муҳтож,
Саройга бормақдин йўқ ўзга илож.

Илтимос қилсангиз султондин агар,
Балки, дил уйингиз этгай мунаввар.

Мулозим бўлсангиз, хун кўриб-толсэ,
Ҳиротда очилгай назм иқбол.

Йўқ эрса, Ҳиротда қолмақдир маҳол,
Навқирон умрингиз тоқмасин завол.»

Навоний боғини кўтариб маҳзун,
Ғамгузор устодга тикилди беун.

Сўнг деди: «Ўзга йул йўқдир, сиз ҳақсиз,
Бонн эгиб бормасмен асло мақсадсиз.

Мақсадим: назминга бормақдир ривож,
Бу демак, назм деб киймак эмас тож!

Менга на тож даркор ва на олғин тахт,
Менга шеър бахтидин йўқдир ўзга бахт!

Элу юрт орузини этсам якқалам,
Одамлар кўнглига ёқа олсам шамъ,

Башар тилагига ҳамдам бўлосам;
Ҳадсиз дард-ғамига малҳам бўлосам,

Айласам улуенинг мушқилини осон,
Назмимда жаранглаб турса Хуросон,

Олий бахт шул эрур фақирга, устод,
Шул эрур яшашдин мақсаду мурод!»

Лутфийнинг юзлари ёришиб кетди,
Қўзғолиб, Навоий манглайини ўтди.

«Офарин! — деди у, — эй, оқил фарзанд!
Шухратингиз эддек бўлгай сарбаланд.

Оғгим узатиб ўлсам, ризомен,
Сиздек шогирдига жони фидомен!»

XXI

Хийбон гузарин қилдию макон,
Элга азиз бўлди бу хоксор нисон.

Энди Абдурахмон Жомий деса, эл
Хийбон бошига оқар мисли сел.

Саъяддин Кошғарий руҳин этиб шод,
Ул этди мазори бошини обод.

Ардоқлаб бирининг табаррук номин
Шамъ қилиб ёқди ул дил эҳтиромин.

Лутфий билан машҳур бўлгандек Хирот,
Не ажаб, қозонса, Жомий билан от!

Навоий қалбида гунчалаб орау,
Ўтлашиб турибди Хийбонда у.

Жомий назми етиб Машҳадга қадар
Фикрат денгизига сочганди гавҳар.

Ихлос билан сўзлаб дўсти Наҳлавон
Маҳдум таърифини қилганди достон.

Хиротга қайтдию дилдаги илмнж
Бир лаҳза қўймади Навоийни тинч.

Зийрат этмакка аҳд қилиб чупон
Азиз даргоҳига келиши нотавон.

Кўнгли дов бермайди кирмакка, аммо,
Тушмаган эди у бу ҳолга асло.

Ўйга ботиб турди не фурсат, ҳайрон,
Бирор таниши йўқ, кўнглидир вайрон.

Нотаниши кимсалар кирмиши бепарво,
Бирортаси демас унга: марҳабо!

Анжуманга келиши одамларга у
Ҳавас билан боқди — кўнглида гулу.

Бир пайт пайдо бўлди қошида бир зот,
Бу — Даҳо Ҳираний! Танимас, наҳот!

Усти-боши башанг, қадди эса роз,
Юриш-туриши ҳам амирларга хос.

Кибру ҳавосидан титрайди замин,
Риёли кўзида бойқуш қурмиш ин.

Арчилган тухумдек ияги-кўса,
Юзи заҳил, қошки, зарра қон булса.

Бошдан-оёқ разм солди-да Даҳо,
Ичкарига кирди, изидан, аммо,

Навоий эргашди-кўнглида гумон,
Парво қилмасдан лек «шоири даврон»

Ишқомлар тагидан ўтди-да шахдам,
Меҳмонхона сарни ташлади қадам.

Гур этиб анжуман аҳли кўзғолди,
Даҳо ҳол сўрашгач, тўрдан жой олди.

Чунки, келган эди унинг замони,
Ойдек қулган эди унинг даврони,

Абу Саъид мирзо ўтиргач тахтта,
Муяссар бўлмиш ул энг олий бахтта:

Султон шарафига мадҳия битиб,
Гўё қўли етмас юлдузин тутиб,

Ҳади этмиш унга ва сўрмиш паноҳ,
Фақирга ёт эди дея бу даргоҳ.

Султон Бобур мирзо шаънига бўҳтон
Тошини отмиш бу маддоҳ, бешймон.

Терисига сизмай мақтовдан султон,
Унга унвои бермиш: шоири даврон.

Ундан «улуг» шоир йўқдир саройда,
Султон олқиниланар у бўлган жойда.

Ким султон ҳақида сўз айтса бежо,
Ўлимдан қутқармас уни илтижо.

Султонга етказар неки эшитса,
Ё нево лойини ўзи иншитса.

Шоиру олимлар чўчир Даҳодан,
Даҳо бош тортмайди ҳеч бир балодан.

На Лутфий, на Жомий ва на Ардашар
Қусурин айтолмас, Даҳо айтса шеър.

Ахир, замон потинч, кимки доғули,
Бу потинч давроннинг «ардоқли ўғли».

Жамоат ўринга чўқди, бир лаҳза
Барча жимиб қолди — дилларда ларза.

Навоий бу ҳолдан бўлиб тамом лол,
Пойгаҳда омонат ўлтирмиш алҳол.

Ҳеч бир зот бермади унга эътибор,
Ҳатто танимади, ул эса хоксор

Анжуман аҳлини зимдан кузатди,
Хароба дил уйини гўё тузатди.

Турли тонфага мансуб жамоат
Ўлтирмиш, кўзларда сирру синоат.

Бир — зар либосда, бириси жулдур,
Бирин боши эгик, бириси мағрур.

Бириси — пиронсол, бири — навқирон,
Бир — аҳли дониш, биридир деҳқон.

Аммо, барчасининг нияти битта:
Жомийни зиёрат этмак, албатта.

Улар муридлардир, Жомий эса пир,
Пир бор жойда доим муридлар ҳозир.

Сойири ниёзманд сафида бутун
Навоий хурсанддир борлиги учун.

Жомийни топмади, кўзлари излаб,
Кўнгли нотинч бўлди бутадек бўзлаб.

Вале бўз либосли бир ҳақир инсон
Диққатини тортди унинг бегумон.

Ул зотнинг қошига келиб мулозим,
Муҳайё қиларди не бўлса лозим.

Ёнида ултирмиш хушхат бир котиб,
Ўзи-ла банд эди, хаёлга ботиб,

Янги бир назми кўчирмиш оққа,
Ҳар сўзи ухшайди гўё чақмоққа.

Ундан сўрмоқ бўлди: Жомий қани деб?
Коикийди, Махдумни қўйса танитиб.

Жамоат суҳбати қизгин тус олди,
Даврада тафовут гўё йўқолди.

Эркин ҳис қилгандек ўзини барча
Нотаниш дилларга очилди дарча.

Уруш мавзуга кўчганда суҳбат,
Дафъатан узида сезгандек қудрат,

Ўлтирган жойида керилиб шердек,
Ҳаммани оғзига қаратди бир бек:

«Хусайн мирзодин нотинч Хуросон,
Таҳдид солиб турмиш Ҳирийга ҳамон.

Вале султон қўли келган-чун баланд,
Тирногин яширмиш йўлбарсга монанд.

Пайтини топса ул чангалин чўзгай,
Бургут илкидин-да ўлжасин узгай.

Шул важҳдин тирногин қилмай туриб қон,
Йўлбарсининг жазосин берсалар султон.»

Ҳамма жимиб қолди, чунки, султондан
Эл ризо эмасди, тўйганди жондан.

Навоий бек сари зимдан тикилди,
Дустига ишончи жунбишга келди.

Бир маҳал сукутни бузди-да Даҳо,
Ўрта ёш кимсага деди: «Марҳабо,

Маълони Бадахший! Ҳазрати Махдум
Билгайлар, сиз элда шоири маъсум.

Олий ҳазратлари салтанатини,
Машриққа донг ёйини мамлакатини

Якқалам этмишсиз, хурсанддир султон,
Ўқунг жаноблари, муштоқмиз чўқон!»

Барча эҳтиром-ла боқди у томон,
Дилларда кўзголди нотинч ҳаяжон.

Бу зот — Абдусамод Бадахший эди,
Ундан ҳайрон эди Бадахшон эли.

Қанча подшоҳ ўтди — темирійзода,
Бадахшон шоҳларин кўриб зиёда,

Элининг бошига солмади соя,
Дўстлиги юксалди пойма-поя.

Вале бу удумга этиб хиёнат,
Абу Саъяд тутди ўзга сиёсат.

Амримга бош эгсин дея Бадахшон,
Зулмини ўтказди, қилди қатоғон.

Бадахшон эли лек бўйсинмай унга,
Тутқун бўлмайлик деб маъгун кўзгунга,

Нафратин тиг қилиб кўтармиш исён,
Аждаҳодек сочмиш захрини султон.

Шоир Лаълий эди Бадахшон шоҳи:
Улу соябони, улу саноҳи.

Унинг қураб кўзи — ибн Лаълий ҳам
Падаридек шоир эди хуш қалам.

Ота-ўғил жумард элга бош бўлиб,
Қонли жангга кирмиш ғазабга тўлиб.

Абу Саъид қўли лек келиб баланд,
Бирга қатл этилмиш отаю фарзанд.

Бадахшон исёни тинмасдан ҳамон
Таҳлика ичида қолмиш Хуросон.

Навоий Машҳадда экан чоғида,
Ибн Лаълий билан дўстлик боғида

Меҳр шаробини сипқорган эди,
Шаънига шёр битиб юборган эди.

Мактублар йўллашиб, ҳамдам эдилар,
Ташвишу дардига малҳам эдилар.

Исён босилмаган гарчи батамом,
Ҳамон Навоийнинг кўнглида мотам.

Бошини кўтариб, ичидан ёниб,
Бадахший томонга боқди тўлғониб,

Ул эса фаҳрдан юзи ол бўлиб,
Шарафли бу бахтдан қувончга тўлиб,

Анжуман аҳлига боқди-да шу тоб
Султон тарихидан ўқиди бир боб.

Хиротин забт этни лавҳасидир бу,
Музаффар қўшини кўтармиш «Ғу!»

Хурҷон тожини кийгани бошга,
Маснавий туфайли етмиш «қўбшга».

Удусин бошига кулфат солмиш зот
Шаъинга маҳфия битса у, наҳот!

Бадахшон мулкани вайрон қилмиш жон,
Наҳотки, куйланса мисли қаҳрамон!

Шоирлар бўзига тиг санчган қотил
Қилмишни битмакка, наҳот, борса тил!

Бадахший ҳолига ачиниш ичдан
Навойи кўнглини тийди ўқинчдан.

Бадахший назмидан завқланиб Даҳо:
«Нинионга урибсиз, деди, мавлоно!

Султон Абу Саъид маҳзин бу қадар
Айтолмаган ҳануз бирор суҳанвар.

Ибрат олса арзир сиздин шуаро,
Сиз хушхон бўлбулсиз бу тулпан аро.

Мартабангиз баланд айлагай султон,
Шоирн аъзам деб билгай Хурҷон!»

Барча маъқуллади Даҳо сўзини,
У ғолиб шер каби тутди ўзини.

Ва лекин Бадахший жилмайиб хоксор,
Деди жамоатга боқиб миннатдор:

«Азизлар, мақтовдин кўкдадур бошим,
Гўё тун қўйиндин чиқмиш қўшим.

Назмимда учраса, бироқ, нуқсонлар,
Тортинмай айтингиз, азиз инсонлар.

Олий ҳазратимга этмасдин инъом,
Батараф қилгаймен, дилда ушбу ком»

Барча сукут сақлаб, уйланиб қолди,
Навойи кўзголиб, ногоҳ сўз олди:

«Мавлоно Бадахший битмиш қасида
Маъносини чақмиш фақир осуда.

Таҳсинга сазовор байтлари кўндур,
Мажозий қиёсу ташбиҳи хўбдур.

Тажнис хаёл қилиб вале бир байтда,
Мисраъдин мисраъга утилган пайтда,

Қофиясин галат қилмиш мавлоно,
Назм мазмунига ул сўз бегона»,

Деди-да, шу байтни ёд этди такрор
Ва боқди шоирга камтар, беозор.

Навойи сўзидан ҳамма танг қолди,
Бадахший ҳайратнок секин кўзголди.

Ва келиб Навойи қошига мамнун,
Илкин қисиб, унга ўқиди таҳсин:

«Поэтик таъбиҳингиздин ҳайратда фақир,
Бул нуқсон вазнда сезилмас, ахир.

Бироқ, уни дарҳол пайқаб олмашсиз,
Азизим, кўнглумга шуъла солмашсиз.

Шеърятнинг янги билгичи билан
Қўтланга ижозат беринг анжуман?

Тақсир, исмиңгиз не? Билсун жамоат,
Порлюк юлдуз бирла кулсин самоват».

Бадахший сўзидан хижолат чекиб,
Шоир деди сокин, бошини эгиб:

«Амир Ғиёсиддин ўгли Алишер,
«Навойи!» таҳаллуқ қилурмен фақир».

«Навойи!» сеҳрдан шивирлар лаблар.
«Навойи!» деб урар ҳайратда қалблар.

Жамоат меҳр-ла унга тикилди,
Даҳо тили зўрга суҳанга келди:

«Навойи сизмисиз? Ишонимам асло,
Ул ахир Манҳадда кезмиш бенаво.»

Навойи бошини кўтариб ердан:
«Ҳа, тақсир!» — деди у. — Жомий сурурдан

Ўриндан кўзголиб келди-да аста,
Бошини силади — жони пайваста:

«Ғойибан назмингиз ёд айлаб фақир,
Сизни бир кўрмакка эдим муғтазир.

Тангрига шукурким, муродга етдим,
Латиф газал битмиш илкингиз тутдим.

Фақир кулбасига сиз қўйгач қадам,
Дилдан фориг бўлмиш ранж бирла алам».

Навойи, кўзига ишонмай алҳол,
Жомий қаринида турар эди лол:

«Фақирин авф этинг, мавлоно, зинҳор,
Зиёрат этмакка келдим умидвор.

Аmmo, сизни излаб одамлар ичра,
Юрагим эзилмиш аламлар ичра».

Жомий меҳмонини тўрга чорлади,
Навойини гўё бахт ёрлақди.

Даҳо Ҳиравийнинг кўзида ҳасад,
Навойига боқди — қилмасдан писанд.

Мажлис аҳли эса қувониб ичдан,
Кузлари юлдуздек порлар севинчдан.

Навойи назмига Жомий бериб тан
Токчадан бир китоб олиб дафъатан,

Илтифот кўрсатиб, узатди шодон
Ва деди: «Фақирдин булгайдур эҳсон».

Навойи «куллуқ» деб таъзимга келди,
Гўёки тилидин дурлар ёғилди.

Бу китоб — дўстликнинг ибтидосидур,
Жомийнинг «Муаммо» рисоласидир.

XXII

Мавлоно Лутфийдан сўраб маслаҳат,
Навоий султондан кутди марҳамат.

Абу Саъиддан лек чиқмагач садо,
Унга мадад илкин узатди Даҳо.

Ҳиравий саройда топиб эътибор,
Султон хизматига этмиш жон нисор.

Аҳли шуарога сардор бўлиб у,
Вазирлик мансабин қиларди орзу.

Салтанатни кўкка кўтарган қадар
Гуё сочиларди бошидан гавҳар.

Қай шоир султонга эрса хайрихоҳ,
Бошида Ҳиравий буларди паноҳ.

Ким унга қасида битиб берса ё,
Саройда кечарди юмуши аъло.

Шоирлар нонини туя қилиб у,
Султон назарида эди баобрў.

Шу мақсад отига босгани эгар
Навоий толеъи учун қайгурар.

Чунки, шуҳрат топиб Навоий номи,
Кун сайин улгаймиш эл эҳтироми.

Ўзи гувоҳ бўлди: ҳатто Жомий ҳам,
Навқирон йигитга кўрсатди қарам.

Аммо, ҳимояга ул эрур муҳтож,
Кўнглин топмоқ даркор, қилиб бир илож.

Борар жойи йўқдир саройдан ўзга,
Ҳозир не десангиз, киради сўзга.

Мулозим бахтига этсам мушарраф,
Дуррин олгай фақир, ул эса садаф.

Ҳиравий ўнча қилиб хомхайл,
Бошида ой каби қулгандек иқбол.

Навоийни чорлаб саройга бир кун
Муруват қилгандек сўзлади мамнун:

«Тақсирим, гап мундоқ: ҳазрати султон
Оламини тутсин дер мадҳи Хўросон.

Ким кўкка кўтармиш салтанатини
Султон аямас ҳеч марҳаматини.

Ножўя сўз айтса, кимки, шаънинга,
Ҳазрат сиедирмайди ўз ватанига.

Ўзингиз гувоҳсиз, Ҳирийга келиб,
Мавлоно Бадахший толеъи кулиб,

Қадри зот бўлмиш — шоири даврон,
Анга ҳавас қилмиш бугун Бадахшон.

Бадахшийдин ибрат олсангиз араир,
Сиздек истеъдодга султон мунтазир.

Не ажаб, сизни ҳам эркалаб толеъ,
Бошингизда эсгай иқбол шамоли.

Фақир бўлсам дейман сизга раҳнамо,
Мушқил кунда мадад бергум доймо».

Даҳо Ҳиравийнинг ҳимматидан лол
Навоий кўнглида ташвиш ва малол.

Хўп деса, султонни олқишлаш даркор,
Йўқ деса, ул булгай ўз юртида хор.

Ўзга чораси йўқ, қолди ноилож,
Сарой хизматига ул, ахир, муҳтож:

«Мавлоно Ҳиравий, қилгаймен қултуқ,
Фақирга бундан ҳеч зиёда бахт йўқ!»

Ҳиравий юзида барқ уриб виқор,
Деди у, ўзини тутиб улутвор:

«Саройдин қай шоир турса гар йироқ,
Султоннинг кўнглига ёқолмас чироқ.

Умридин ёлчимас, кун кўрмиш ҳақир,
Билмасдин сўзламас бир гапни фақир.

Мавлоно Лутфий ва Жомий ҳаёти
Сизга сабоқ булгай, салоҳияти

Гарчанд баланд эрур, яшашар ночор,
Топгани ўзига етмайди зинҳор.

Шоир бўлиб, ҳамён қуруқ бўлса гар,
Эл эмас, дўстинг ҳам солмайди назар.

Бадавлат бўлмакнинг йўлидир битта:
Бу — султон хизматин қилмак, албатта!

Тақсир чикмасалар фақир изминди
Бебахра қолмагай ризқу рўзидин».

Навоий газаб-ла ёнса-да, ичдан,
Лек ўзини тийди, кўнгли ўкинчдан

Пора-пора бўлди, топса чорасин,
Умрбод кўрмасди унинг қорасин.

Афсус, иложи йўқ, борар жойи йўқ,
Бенажот қайиқдек, оқар сойи йўқ!

XXIII

Саройга ноилож келди Навоий,
Тигез ўз бағрини тилди Навоий.

Қалбини эзарди ҳадик ва гумон,
Ташвини саҳроюда эди потавон.

Ҳусайн мирю билан дўстлигидан гар
Султон Абу Саъд бўлса бохабар.

Ёки тоғаларин этмасдан маълум,
Хизматга кирди у, деса бир маълум.

Навойи толеъи забун булажак,
Очилмасдан умид гули сулажак.

Машъум уйлар ичра бўлиб фаромуш,
Султон ҳузурига йул олар хомуш.

Энди замон ўзга, даврон ҳам ўзга,
Энди тож-тахт ўзга, султон ҳам ўзга.

Аммо, кўзга таниш қасри муҳташам,
Феруза гумбазлар, миноралар ҳам.

Танишдир чинорлар, сарву бодомлар,
Боғаро кезмиш лек ўзга одамлар:

Истараси совуқ, юзларда заъфар:
Қовоқлари солиқ, кўзларда хатар.

Бир эски мулозим Навоийнинг лек
Саломини бепарво олдию алиқ,

Кўзига нишонмай, ҳайрати тошди:
«Алишербек!» дея бағрига босди.

Ва шодон бошлади султон қошига,
Хумо қўнганидек кекса бошига.

Йул-йўлакай деди: «Ҳазрати олий
Ҳузуримга кирсун деди Навоий».

Навоий бир лаҳза ҳаяжонланди,
Гўе жисми унинг оташда ёнди.

Вале тутиб олди бирдан ўзини,
Ўйлади, султонга айтар сўзини.

Нақшинкор эшикни очиб мулозим:
«Марҳабо, тақсирим!» — деб этди таъзим.

Навоий кўзида умид ва орзу,
Тахттоҳ сари дадил қадам қўйди у.

Султон Абу Саъид мирзо кўрагон
(Амримда дегандек мулки Хуросон)

Ўлтирарди олтин тахтда басавлат,
Бошида уқпар тож, эгнида хилъат.

Навоий султонга солди-да разм,
Одоб бирла этди қошида таъзим.

Буридек қўзғолиб, боқди-да, султон,
Мағрур юриб келди Навоий томон.

Деди: «Ҳиравийдин эшитиб сизни,
Қўрмакни истадим лек ўзингизни.

Мавлоно Лутфий ҳам сизга бермиш тан,
Жомий фахр қилмиш, қуриб анжуман.

Мулозим бўлмакни хоҳиш этмишсиз,
Билгимча, энг одил йулни тутмишсиз.

Ким бўлса назмда соҳиб истеъдод,
Қасри олий боғин сайр этсин шод.

Мақсудим: жаннатдек мулки Хуросон
Довруғини Машриққа этмакдур дoston.

Соҳибқирон Амир Темур туфайли
Оламга машҳурдир Самарқанд эли.

Улуғ ҳазарт олиб неча юрт, шаҳар,
Қурмади гузал юрт Самарқанд қадар.

Мовароуннаҳрни обод этиб у,
Дунёни олмакни айлади орзу.

Афсуски, муродга етмади ҳазрат,
Қўнғлумини уртамиш менинг шу ҳасрат.

Табаррук бобомиз ётсин дебон тинч,
Илкимдин тушмагай музаффар қилич.

Сиз эрса биттайсиз назмий тарихим,
Олам ҳайрон қолсин ўқуб таърифим».

Навоий боши ҳам, уйларга ботди,
Қалби тугён қилиб, дадил сўз қотди:

«Бир қошиқ қонимдин кечинг, ҳазратим,
Одил сўзини дeяр фақир журъатим.

Қон тўкмак ва этмак юртларни вайрон,
Ҳукмдор номига келтирмагай шон.

Жаҳонгир бўлмакни айламанг орзу,
Уруш — ширин ҳаёт жонида орзу.

Мулки Хуросонни обод этинг сиз,
Мадраса ва кўшклар бунёд этинг сиз.

Боғлар барпо қилинг ва экинг ниҳол,
Ариқлар қазитинг, оқсин шўх зилол.

Улус яйраб юрсин боғлар аро маст,
Ободон юмушга жон этсин пайваст.

Ўшанда номингиз дoston бўлгуси,
Фақир назмига ҳам имкон бўлгуси.

Нетайким, ожизмен жангги битмакка,
Қўнгул амр этмас қалам тутмакка.

Улус қонини этмай назимга сиёҳ:
Фақирга урушни мадҳ этмак гуноҳ!»

Навоий сўздан қалбида исён,
Чақноқ кўзларига тик боқиб султон,

Аламини ютиб ичига, аммо,
Бўлмакни истади унга раҳнамо:

«Навоий, қойилмен журъатингизга
Ва барқдек шуълавор фикратингизга.

Машойхлар демуш, англаг яхшироқ:
«Юз ўйлаб бир сўйла». Сиз эса, бироқ,

Маслаҳат бермишсиз улуғ султонга,
Илқингиз чўзманг деб мулки жаҳонга.

Бу янглиш йўригдур, айтсам, тақсирим,
Вале жўшмиш дилда сизга таҳсиним.

Нечунким, ҳайиқмай, қўнгулда не бор,
Ширин забон бирлан этмишсиз изҳор.

Конида истецъоденз, бұлғаймен нажат,
Боши кетур эди бұлаз ұзга зот.»

Тахлика даитида Навоий хайрон,
Таъзим қилиб деди, дил уйи найрон:

«Айф этинг, ҳазратим, дедим чин сўзин,
Бул учун гуноҳкор санаймен ўзин.

Демунлар: ўйнанима султон била ҳеч,
Ўйнашсанг, бошининг кестуси қилич.

Вале адолатдин сўзладиш фақир,
Вайронадин гўзал кошона, ахир!

Башар қўли гулдур, тонга бермун жон,
Оғоч ҳам сўзламинш даст урса инсон.

Боқинг, улуг ҳазрат, бу қасри олий
Мадҳини демакка ожиз Навоий!

Нақшу ингоридин кўзлар қамашур,
Назмга солсангиз сўзлар адашур.

Олтин тахтга боқинг — бу улуг ижод,
Башар санъати-ла бўламиншур бунёд.

Осоийи давронлар мевасидур бу,
Дорус-салтаната биллурини кўзгү!»

Ҳайрат кўзи билан боқди-ла султон,
Санъат сеҳрин пак бор анлагансимон

Навоийга боқди ўзга кўз билан,
Кўнгли мумдай эриб, чиндан берди тап:

«Офарин, Навоий! Ўлтириб тахтга,
Мўъссар ўлғаймен дастлаб бу бахтга.

Вале ҳунаримдур юрт олмак маним,
Гар фақир олмасам, олғай дунманним.

Сиз эрса бұлғайсиз қонимда яккан,
Жангу жадалларда назмий аламкан.

Мартабангиз баланд бұлғай мулкимда,
Толжъингиз қулғай меннинг илкимда.»

Саросима ичра Навоий улениз,
Саркан дар! эди, лекин тўлқинениз.

Дилда ўт ёнар, алағаси йўқ,
Кўкени яра этмин отилмаган ўқ.

Нарвоз қилай деса, мажруҳ қаноти,
Бардон берай деса, йўқдир саботи.

Сўзлай деса, келмас тилига калом,
Ёруғ кун, кўнглига лекин қўнди шом.

Боши ҳам — кифтида залворин тоғлар,
Дилениҳ — ҳазонга юз тутмин боғлар.

XXIV

Боги Саййид Ҳасан жамоли бугун
Дўстлар дийдоридан яшнамин гулгун.

Ҳавоии мусаффо маклонолардан,
Навоий қонида шарвоалардан.

Наҳлавон Муҳаммад, Бадахшнӣ хуррам,
Хуррам Юсуф Бурҳон, Фасиҳиддин ҳам:

Навоий саройга хизматга кирмин,
Абу Саъид билан суҳбат ҳам қурмин.

Тарихин битмакин буюрмин султон,
(Бу «бахт»дан Навоий кўнглида фиғон).

Маснавийга солғай қотилин қандоқ?
Тоғаларин руҳи уни қилар оқ!

Дўстидан умрбод бўлур поризо
Астробод ҳокими Ҳусайн мирзо.

Муқобил бўлаз ўз элтиқодига,
Лаънат тамга босар, балки отига.

Мулозим бўлмаклик гарчи катта бахт,
Султон нестайдан бошидир қарахт.

Рад этса, сарой-ку, бўлур унга ёт,
На сарой, сиздирмас, ҳаттоки, Ҳирот.

Икки ўй шигардек бағрини тилар,
Умид дарахтидан ҳазон тўқилар.

Вале дўстларига сездирмас зарра,
Кўнлик кеза-да қалбида ларра.

Соҳиб камол устоз Ардашер, аммо,
Кўзидан англамини, дилда не гавго.

Навоий кўнглига бериб у таскин
Султон муддосини элади талқин:

«Яхши кўрнганли улус қўзига,
Абу Саъид муҳтож шон сўзига.

Зулму ситам соҳмини юрт бошига у,
Заҳру заққум соҳмини эл ошига у.

Тағин эл қонида бўлай дебон оқ,
Гўё қаро тунда изламин чироқ.

Умиди улкандур анинг дунёдин,
Саройи вадаванг мадҳу санодин.

Олқинлар кўкида урсам деб жавлон,
Фароғат шомини тарк этмиш султон.

Ва этмин Навоий сўзини орау,
Шу йўсин топмакчи улусда обрў».

Ҳақ сўздан анжуман руҳланди, аммо,
Кўнглиларда берди ҳайиқини садо.

Чунки, деворнинг ҳам қулоғи бордур,
Ёт кимса эшитса — бу жаҳон тордир.

Наҳлавон Муҳаммад куштигир гарчанд,
Оҳиста сўзлади ҳайиққан монанд:

«Дил амри — султоннинг амридан зўрдур,
Дилдин чиқмин анғор элга манзурдур.

Навой сароймас, улус шоири,
Эл мулкин бедамиш сўзининг нодир.

Назмга солмағай золимни асло,
Дилида яшайдур ўзга муддао».

Фасихиддин деди, маъкуллаб уни,
Дилларда чайқалар суҳбат тўқини:

«Саройга мулозим булмақдин мақсад,
Мушкилот кунларга қўймақдур сарҳад.

Навой бошида кўпдир ташвиши,
Хизматдин йўқ анинг ўзга юмуши.

Оқибат не булғай, кўрсатғай даврон,
Амри вожиб, демас, не айтса султон».

Бадахший кўнглига тушиб гулгула,
Асл мақсадини деди бир йўла.

Чунки ихлос қўйиб Навойга у,
Қадрдон булмақни қилганди орзу.

Жомий даргоҳида кўргандан буён,
Қалбида яшарди эзгу ҳаяжон:

«Тарихин буюргач фақирга ҳазрат,
Кўнглумдин бир қадар йўқолмиш ҳасрат.

На чора? Турмушнинг оғирдур тоши,
Ҳуссадин эгилмиш одамзот боши.

Гоҳ хурсанд, гоҳ ғамнок кунларим ўтмиш,
Гоҳ ёруғ, гоҳ сиёҳ тулларим ўтмиш,

Тирикчилик экан, йўқ ўзга чора,
Ҳиротда бўлмади толеъим қора.

Навой назмидин тушиб ҳайратга,
Фақир қойил қолмиш шеърин санъатга.

Не ажаб, саройда кулғай иқболи,
Назмида куйланғай эл истиқболи.»

Хожа Афзалиддин — Кирмон шарафи,
Олий табақага мансуб салафи.

Таъби ва ахлоқи тоза инсондир
Илм аҳли ичра соҳиб даврондир.

Зарбу қисматда у эди беназир,
Сўзига улуглар эди мунтазир.

Навой назмига меҳри тушиб у,
Қалбида яшарди оташин орзу.

Саодат дарахти бергандек ҳосил,
Бугун бўлмиш ул зот мақсадга восил.

Дил куки бегубор иллий осмондек,
Бағри кенг, гуёки ёруғ жаҳондек:

«Навой номини эшитиб элдин,
Ифтихор дарёси оқарди дилдин.

Тангрига шукурким, толеъ ёр этди,
Фақир ҳам муборак илкени тутди.

Сўзидин кўнглумга шуъла сочилмиш,
Садоқат гуллари чаман очилмиш.

Султон хизматиға кирмиш нажиб зот,
Бури уясидин изламиш нажот.

Бу мушкил савдодур, нечунким, султон,
Менсиз вайрон булғай демиш Хуросон.

Ул ўзин дунёга устун деб билғай,
Гуё ул булмаса, осмон йиқилғай.

Асли ундоқ эмас, эл бошига у
Қора дажжол булиб, солмишдур қайғу,

Навой султондин кутмайин имдод,
Улус илкин тутса, кўнгли булғай шод».

Саросима ичра қолиб анжуман,
Кўнглилар кўкини қоллади туман.

Саробга юз тутиб Навой ҳайрон,
Ғарқ булган кемада қолгандек гирён.

Вале қораймас, деб, тутилса-да кун,
Гуё анжуманга ясади якун:

«Фақир тили лолдур демакка бир сўз,
Арсат домида уртанур ҳануз.

Қайға бошим урсам, тегмиш деворга,
Найлайин, қадалмиш нигоҳим дорга.

Вале тутиб фақир улус илкени,
Назмга солсам дер буюк мулкени.

Мулк эса булмағай подшоҳсиз, аммо,
Подшоҳга хизматдин ўзга муддао:

Улус мушкилини қилмақдур осон,
Адолат лангарин тутса, дер султон.

Фақир умидларим саробга ўшар,
Лек кўнглим саодат шамъини қўмсар.

Вақт одил ҳакамдур, кўрсатур замон,
Ким ҳақу ким ноҳақ, билғай Хуросон!»

Ардашер сўзидаи — кўзида журъат:
«Хуросон дегунча утгай не фурсат.

Ҳусайн мирзодин ўзга бирор зот,
Эҳтимол, Ҳирийга суролмағай от.

Абу Саъид деса — тирик жон титрар,
Тирик жон не, мулки Хуросон титрар.

Фақат Ҳусайндек ёвқур баҳодир
Хуросон тахтини олмакка қодир.

Мирзо журъат этса, топса гар ҳамкор
Бетаянч қолажак қотили хунхор.

Чунки, эл илкени узмиш султондин,
Истибодд туниди тўйгандир жондин.

Улус ғами ортмиш ҳаддан зиёда,
Осойиш ҳаётни қўмсар дунёда.

Элдан мадад олиб от сурса агар,
Балки, Ҳирот тахти булғай муясар!»

Навой ич-ичдан қувониб кетди,
Дўст меҳрини қумсаб, ўзни унутди.

Илиқ сўз эшитиб дўсти ҳақида,
Порлоқ юлдуз кўрди кук пештоқида.

Шуъласидан кўнгли бўлиб мунаввар,
Дедди: «Улуста ул булғай сарвар».

Ишонч билан айтди бу сўзни — ёниб,
Анжуман тинглади уни қувониб.

Фасиҳидин унга бергандек таскин,
Юзи рушно бўлиб, сўзлади мамун:

«Аминмен, азиялар, келгай хун замон,
Ҳусайн мирзога кулгай бу даврон.»

«Конки...» деб анжуман аҳли руҳланди,
Каромат сехридан боғ шукўланди.

XXV

Навой саройда бехару сомон,
Қафасга солинган булбулдек номон.

Бирор мулозим йўқ кўнглига яқин,
Бошида чақмоқлар чаққандек чақин.

Аъёнлар боқди ёт назар билан,
Қалбига санчилар гўёки тикан.

Адолат гавҳарин тонолмас ҳеч ҳам,
Ҳатто кизаса-да: кундуз ёқиб шамъ.

Гумон қўлмагидан ичиб лойқа сув,
Кўнглига айғоқчи солади қўрқув.

На сарой, на уйда бордир ҳузур,
Ҳақ сўзин айтмаги — унинг қусур.

Ҳиравий ҳам санаб чучварани хом,
Ичидан зил кетиб, дили бўлмин шом.

Ишончин Навоий оқламади, йўқ,
Боқмади, ётса ҳам шудгорда қўйруқ.

Аммо, хизматини келтириб бажо,
Ҳеч кимга демади бирор сўз бежо.

Гарчанд муҳрдорга бўлса-да котиб,
Ўзин хоксор тутди, меҳр қўзғотиб,

Юмушидан кўнгли тўлиб муҳрдор,
Соҳиб қаламга берди эътибор.

Ичидан қиринди ўтгандек, аммо,
Уни камситишга уринди Даҳо.

Чунки, у тутмади Ҳиравий измин,
Тортиқ ҳам қилмади унга ўз назмин,

Ё унинг номидан (тоғиб имкони)
Қасида битмади мақтаб султони.

Шу ваҳидин Ҳиравий тоғиб фиғони,
Гўё халқумига тиқилиб жони,

Навой ҳақида тўқиди иғво
Ва содди султоннинг кўнглига гавго:

«Ҳазрат олийлари, аҳли Бадахшон
Гавғоси қуюндек тинмайду ҳамон.

Низо уругини сочминдур бир зот,
Исламин Бадахшон дардига нажот.

Ул қайтгач, Ҳирот ҳам тинчин йўқотди,
Сарой аҳлида ҳам ташвиш қўзғотди.»

Зурга асабини босди-да султон,
Даҳо Ҳиравийга боқди ўқинмон.

Ва деди: «Ким қилмин ўз жонига қасд?
Қасд этмин кимсанинг боши булғай насть».

Ҳиравий, мергандек уриб шишонга,
Қабиҳ мақсадини деди султонга:

«Бул зот Навоийдур, улуг султоним,
Кечгайсиз, албатта, бир қошиқ қоним.

Сиздек олийжаноб соҳибқиронни,
(Сўраб турсангиз-да мулки жаҳонни)

Оқинилаб, қасида битмади ҳануз,
Зоеъ кетди чоғи, сиз бермин пош-туз.

Кўнгли қоралиғи сезилиб қолди,
Балки, ул муҳрдор кўнглини олди.»

Султоннинг бошини қонлади туман,
Кўнглига чанг солди гўё ёсуман:

«Офарин, Ҳиравий!» дея миннатдор,
Тахтдан қўзғолди-да, юрди беқарор:

«Бадахшон улусин босса ёнини,
Хавф-хатарга қўйгай ул ўз жонини.

Тарихим битмакка тонса баҳона,
Олий даргоҳ булғай анга бегона.

Навоийга денгим, закий йиғит у:
Гулоб деб султонга тутмасин оғу».

Ҳиравий, уйнатиб шумишук қўзини,
Қуллуқ деб орқага олди ўзини.

Таъзим бажо қилиб тишга чиққан дам,
Уни қарши олди вазири аъзам.

Тиржайиб, Ҳиравий деди шивирлаб,
Вазирнинг кетди лек эти жимирлаб.

Ва бирдан жонига тушиб талваса,
Қора ниятлари қилди васваса.

Навой ҳақида йиғиб маълумот,
Кўнгли булган эди унинг азулмот.

Султонга айтмаса, бирор кун, аммо,
Ёғар эмин ўзин бошига баю.

Бало тошларидан қолай деб омон,
Қанча одамларни қилмади қурбон.

Султон ишонарди унинг сўзига,
У эса чўп тиқини султон кўзига.

Фитна уясини бадтар қўзғай деб,
Абу Саъид тинчин тагин бузай деб,

Қабиҳ ният билан тахттоҳга кирар
Ва султон қошида икки букилар:

«Бурчимдур, ҳазратим, огоҳ этмаклик,
Саройда адолат йўлини тутмаклик.

Не ҳукм қилгайсиз ихтиёр сизда,
Вале гуноҳ йўқдур бул қулнигизда.

Навоний Ҳусайн мирзо билан дўст,
Кўнгли ноосойиш, низо билан дўст.

Анга содиқ экан тоғалари ҳам,
Саройга келса-да, кўнглида алам,

Адоват яшарминш, ганимга ўхшар.
Ўҳтимол, Ҳусайн мирзоини қўмсар».

Султоннинг кўйинга киргандек илон:
«Наҳотки, Навоний!..» деб тортиди фиғон.

«Ҳақиқатини дедим», ерга боқди у,
Қалбида ҳусумат қиларди гулу.

Ғазаб ичра султон айлади нидо:
«Сизга рухсат! Мени қолдиринг танҳо!»

Тахттоҳни тарк этди вазир хотиржамъ,
Султон чилим тортиб, ўйлар, боши хам.

XXVI

Мушқил юмш тунган каби бошига,
Навонийни вазир чорлар қошига.

Буқаламун янглиғ турланиб минг бор,
Ҳираний ўлтирар — юзида виқор.

Навоний кирдию кўриб Даҳони,
Англади бошига тушимини савдони.

Ғолиб нигоҳ билан тикилди Даҳо,
Навоний унга лек қилмади парво.

Синов назарини солди-да вазир,
Кузидан уқмади пинҳон қандай сир.

Юмшоқ кўнгли билан сўзлади майин:
«Ошна бўлиб қолдик вақт утган сайин.

Сиздек фозил йигит улусда камдур,
Назмнингиз дилларга ёқилган шамъдур.

Котиблик ҳунарини қўйиб жойига,
Хизматингиз сингмиш мулк саройига.

Олий ҳазрат сиздин бўлиб миннатдор,
Яхши ният билан айламинш қарор:

«Самарқанд мулкига азимат этсун,
Илмда мадорис йўлини тутсун».

Навоний бу сўздан бўлмади ҳайрон,
Дил ўйи гумондан бўлганди вайрон.

Девонга ётлигин сезганди ўзи,
Саройдан кетмакка етганди кўзи.

Очиқ чеҳра билан қилди-да куллуқ,
Деди у: «Фақирда ўзага чора йўқ.

Ғоят миннатдормен олий ҳазратдин,
Кўнглум бахтиёрдир бул мурувватдин.

Қачон йўлга чиқсам хуш ўлғай, тақсир?»
«Фурсат ганиматдур!» — жилмайди вазир.

Ва деди: «Тоғ билан отлангай карвон,
Ҳирот қоқасида кутадур сарбон».

Булбул тарк этгандек олтин қафасини,
Саройдан чиқди у, ростлаб нафасини,

Ғамгузор улуста қўшилиб кетди,
Эл юрган адолат йўлини тутди.

Бир рубоний фикрини чулғади, аммо,
Кўнглидан қон сирқиб, айлади нидо:

«Зогекни чуқуб оқизди қон кўнглумдин,
Тириюг ила узди потавон кўнглумдин.


Аъзоида кўр асар дамим дудидин,
Мишқор ила чангида нишон кўнглумдин».










УУКУХА
КАРБОЖ





БИРИТВУИ ҚИЕМ



"ИИТИМАХ ҚАИМАОРИЖИВТ ҚАЎТБАЖШАИТИЖИВТ ОВОЗИ..."

Билмам не жарима била Абу Саъид Ҳиротдин ихрож қилди.

«БОБУРНОМА»дан

Амир Алишер Мирзо (султон Ҳусайн Бойқаро)хизматидан олдин Самарқандда бир қанча вақт Султон Аҳмад Мирзонинг мулозими бўлган... ва Чигатой амири деган мансабга эга эдилар.

«ТОМУТ-ТАВОРИХ»дан

Фитналар домида қолгач Хуросон,
Ҳиротни тарк этди Алишер мунгли.
Бағрини тилса-да алам ва армон,
Қадим Самарқандни истади кунгли.

«АФРОСИЁБ» достонидан

I

Ҳирот кипригида сахар губори,
Ҳарир либос ичра субҳ рухсори.

Борлиқни баногоҳ титратар азон,
Акс садо беради гумбази осмон.

Қалбига тугёнлар солар бу садо,
Қаро тун бағрида ёришар само,

Қуларин уқалаб уйғонар Ҳирот,
Фасли хазон ичра тўлғонар Ҳирот.

Бомдод намозига мисли тошқин сел,
Жомеъга ошиқар куча-қўйдан эл.

Шаҳарни бир зумда қопламиш сурон,
Оромин йўқотмиш боғу хийбон.

Қўзғолган сингари инидан ари,
Тожирлар елишар дўкони сари.

Толиби илмлар мадраса томон
Барқдек талпинишар, дилда ҳаяжон.

Сафар тадорикин кўрмиш Алишер,
Ҳаёлга гарқ бўлиб турмиш Алишер.

Қўз илгамас осмон уйғандир қабоқ,
Юзига бўлутдан солинмиш ямоқ,

Қўҳистон бошида доларанг шафақ,
Хуросон термўлар офтобга илҳақ.

Алишер самодан узмайди назар,
Бўлутлар тўпидан мунғаяр ҳулкар.



Шоир назарида гуё бир инсон,
Зулумот қўйнида қолган бегумон.

Кунглида қўзғолар ҳазин ҳиссиёт,
Лангарсиз кемада сузар ҳаёлот.

Туманли фикрида чақин чақар барқ,
Адолат йўлини изламиш барҳақ.

Интизор қўзларда умид ва армон,
На чора? Ҳолига боқмади замон.

ПАҲЛАВОН МУҲАММАД

Ассалом, Алишер, бормисиз омон,
Нечун паришонсиз, дўсти жонажон?

НАВОИЙ

Танҳолиғ — жонга тиг, дерлар, мавлоно!
Дўстсиз дил — қаноти куйган парвона.

Сизлар тарк айлагач оқшом фақирни,
Қаърига ютандек зулумот нурни.

То сахар қўзумга қўнмади уйқу,
Найлайин, жонимга чанг солмиш қайғу.

Кўнгулнинг зориға ахтариб даво,
Субҳидам бир газал айладим иншо.

ПАҲЛАВОН МУҲАММАД

Билурсиз, фақирнинг жонидур газал,
Эшитмак бахтига эрурмен маҳтал.

НАВОИЙ

«Нарим бўлса учуб қочсам, улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор...»

Навойй, билки, шаҳ кўнгли манга қайд ўлмасе биллаш,
Агар кавнайнга хошнок чоғлиғ илтифотим бор».

...Навойй газалини тугатгани дам,
Дўстлар даргоҳига қўйиниди қадам.

Наҳлавон оқрини тилида қолди,
Ҳазал муҳралиб дилида қолди.

Маълано Лутғийини кўргани асно,
Навойй кўзида ён бўлди пайдо.

Устод Фасиҳиддин ҳам Хोजа Афзал
Дўйдори қалбига бахш этди сайқал.

Ташаккур гулини тутиб толкўга,
Отилди дўстларини истиқболига.

Дилда армон билан кучоғин очди,
Кўнгли сандиғидан жавоҳир сочди.

НАВОИЙ

Қутлуғ қадамларга минг бор ҳасанот,
Сиз бирла танимга югурмин нажот.

Офтоб қутлагандек субҳ бирла элин,
Нурафшон этдингиз ғариб кўнгулин.

ЛУТҒИЙ

Алишербек, Сиздек соҳиб иткўдод
Жамолини кўрмақдин, фақир эрур шод.

Кўнгулум рингасига меҳрингиз пайванд,
Мўйсифид чоғида, нетай, эй фарзанд.

Адоват ништарни қадалимин жонга,
Разолат шамшири бўялимин қонга!

НАВОИЙ

Нетай, халқ бошига ёғилмин қушрат,
Ғўё вайрон бўлимин нақини иморат.

ЛУТҒИЙ

Алишербек, кетманг қадим этиб дол,
Сизгиз тарк айлағай қушамини иқбол.

Умрим дарахти ҳам тебраниб турар,
Қаттиқ шамол турса, илдири титрар.

НАВОИЙ

Мушкилдир Ҳиротда қолмақлик, устод,
Вале дил кетмақдин эмас унча шод.

Илимда эмасдур ўз ихтиёрим,
Шаҳри Ҳирот кўйгай, ўт олеа зорим.

ФАСИҲИДДИН

На чора, Алишер, йўқтур зўримиз
Ва лекин кўнгулда бордир зоримиз.

Сиз бирла, азизим, бул умри хоксор,
Хуросон мулкида эрур бахтиёр.

ХОЖА АФЗАЛ

Устоди аъзамнинг сўзлари ҳақдур,
Сиз бирла кўнглимиз кўкида барқдур.

Улус ҳам тикадур кўзини сизга,
Жонфизо этадур ўзини сизга.

НАВОИЙ

Улуснинг ҳолидин кўнгул тарҳи қон,
Зулам тинг бирла мажруҳ Хуросон.

Нетайким, жонимда оромим йўқтур,
Чорасин тонмакка имконим йўқтур.

«Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,
Ки, ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.

Анинг коми бирла тирилмак эрур,
Маош айламак аждаҳо комида».

ЛУТҒИЙ

Диловар, ҳақ ганин айтургиз, бўтам,
Бир тадбир этмакка ожизмиз бу дам.

Улуснинг ашқидин дил наҳри селоб,
Кушбасига қил боқмайдур офтоб.

Аждаҳо комидин омон қолган жон
Илкига тугқазар ганжини жаҳон.

Бевақт айрилиқдин хароб кўнглимиз,
Жудослик дарғидин беҳад муғлиминиз.

Валекин Самарқанд дилафрўз шаҳр,
Сўлим ҳавосидин очилур баҳр.

Буюк донишмандлар гушанидир ул,
Ҳазрат Соҳибқирон масканидир ул.

Мен тоғдим ул дилер пону тузидин,
Дур тердим элининг нуран сўзидин

Ҳикмат дарғидин бўлдим баҳраманд,
Шул қутлуғ фаслдин жон анга пайванд.

Самарқанд бигилимин толкўнигага,
Не ажаб, дўсту ёр зор бўлса сизга.

НАВОИЙ

Жонга дармон эрур сўзингиз, устод,
Фақир ёд айлағай сизин умрбод.

Ғар дўйдор кўринмак ўлса муяссар,
Сочурмен муборак пойингизга зар.

НАҲЛАВОН МУҲАММАД

Сизин унутмағай мулки Хуросон,
Умидвор Ҳирийга қайтургиз омон.

Саломат бўлсак гар йўқлаб турурмиз,
Ҳазал соҳибига жонин тикурмиз.

НАВОИЙ

Дустлар, кеча-кундуз сизни қилгум ёд,
Дуст бирла бу жаҳон боғидир обод.

Афсус, сайри Машҳад этмиш Ардашер,
Фақир кўзин ёшлаб кетмиш Ардашер.

Ҳазратнинг пандига дил эди муҳтож,
Не чора? Қолмакка энди йўқ илож.

ФАСИҲИДДИН

Дуст меҳри офтобдай яшаса жонда,
Кам бўлмас ҳеч кимса ушбу жаҳонда.

Кўнглунгиз тўқ бўлсин Саййид Ҳасандин,
Ул айри тушмагай ушбу маскандин.

Узрингиз, албатта, қўюрмиз айтиб,
Дилин шод этгайсиз, келганда қайтиб.

ПАҲЛАВОН МУҲАММАД

Шунақа, азизим, бу кори дунё,
Ўтирган бўйродир, юрган-чи, дарё!

II

Ҳиротнинг кўк ўпар миноралари
Нақшида ўйнади офтоб зарлари.

Кўзгудек товланди анвойи ранглар,
Рангларда жилвагар оқди оҳанглар.

«Гавҳаршодбегим»нинг гўмбазни узра,
Каптарлар чарх урди — сийнаси нуқра,

Мусичалар ўйнаб қолди пештоқда,
Чумчуқлар валфаржи тузди бутоқда.

Ёғдуга йўтрилди кўшк-кошоналар,
Эшигин ланг очди кўнга хоналар.

Барглардан шабнамни симирди зийё,
Рушнолик қўйнида энтиқди дунё.

Бу ажиб манзара қўзаб зўр ҳавас,
Навоий завқ билан кузатар бир пас.

Сўнг эса отига бостирар эгар,
Меҳрибон қўл билан ёлини силар.

Хуржунда лиқ тўла сафар анжони,
Кўн гилоф ичинда Лутфий девони.

Узангига оёқ қўйишар дўстлар,
Маъёс шуълаланар ашк пинҳон кўзлар.

Отлиқлар ўрнидан бир-бир қўзғолур,
Онаси эшикда мунгайиб қолур.

Айрилиқ дардидан ёниб кўзлари,
Изларин ўпади Бўстон гузари.

Бозорчаи Малик кучасин ўтди,
Бозори Қандаҳор сари йўл тутди.

Сўнг Ихтиёриддин қалъаси томон
Маҳзун нигоҳ солди, дил тўла армон.

Масжиди Жомеъдан ўтар чоғида,
Қалби жавлон урди назм боғида:

«Масжиди Жомеъ яна бир оламе,
Тоқи яна бир фалаки аъзаме.

Шаҳр жаҳон, анда бу ҳам бир жаҳон,
Икки жаҳон бир-бири ичра пинҳон!..»

Лек шаҳри жаҳонни севса-да, жондан,
Кетмай иложи йўқ, бу гул макондан.

Дилда гавго қилиб ҳижрон алами,
Дарё соҳилига етди қадами.

Ҳирирудга боқди Пули Молондан,
Офтоб чўкмиш унга тушиб осмондан.

Тахти Сафардан ул назар солган дам,
Қошида жонланди Давлатхона ҳам!

Киндик қони томган она тупроқ бу!
Қалбига нур берган машғал чироқ бу!

Кўзлари ёшланиб боқди-да, мафтун,
Гозургоҳ томонга отланди маҳзун.

Дустлар Навоий-ла елар ёнма-ён,
Борлигин этгандек Ҳирот намоян.

Расталар мавжланар, турнадек қатор
Анвои дўконлар кўрки ҳашамдор.

Саҳҳофу зурафо, кулолу заргар,
Меъмору тожиру нонвой, оҳангар.

Шуаро қошида айлаб эҳтиром,
Кўксига қўл босиб, йўллайди салом.

Халойиқ меҳрнок боқар изидан,
Дил уйи ёришар нурли сўзидан.

Отлиқлар изидан уч-тўрт болакай,
Яланго югурар, бири чалар най.

Дилда меҳру шафқат наҳри қўзғолиб,
Ироқи хуржундан парварда олиб,

Навоий узатар болакайларга:
Содиқ ул, дегандек, ушбу хунарга!

Болакай этади шоирга қуллук,
Лаблари оҳангга пайваста ва шук.

Яна куй янграйди, ўйнар бармоқлар,
Кўнгишлар кўкида чақнар чақмоқлар.

Тулпорлар еладир «Хиёбон» томон,
Қоққада шоирга мунгазир қарвон.

Хиёбон қоққаси... сертанвиш сарбон,
Мовароуннаҳрга шай эрур қарвон.

Тожирилар белида бадахший шамшир,
Қулида қамчию тилида тақбир.

Камеб мол юклаган туялар датор,
Зеби-зийнат билан отлар ҳашамдор.

Тонг билан беором бўлгандек Ҳирот,
Навоийга муштоқ аҳли тижорат.

Отлиқлар қонқага яқинлашган он,
Оқ тулпор устида бесару сомон.

Навоийни кўриб, сарбон шодланди,
Меҳрибон кўзида табассум ёнди.

Бағрини очгандай тонг шамолига,
Нешвоз чиқди унинг истиқболига.

Ва Лутфий қошида хуш таъзим этди,
Мулозим отининг жилловин тутди.

Узангидан олди обғин аста,
Алишер ҳам отдан тунди дилхаста.

Шоир ҳолини сўраб диловар сарбон:
Сизга муштоқ, деди, тонг ила карвон.

Алишер сарбонга айтиб танақкур,
Кўзларида кўрди меҳр тўла нур.

Ҳижрон алаמידан ўксук дўсту ёр,
Алишер юзига боқди безор.

Вале ўзин қўлга олди Алишер,
Устод дилига ўт солди Алишер.

НАВОИЙ

Бошингиз ҳам этманг, мени деб, устод,
Кўзингиз нам этманг, сўрманг ҳеч имод.

Замона зайли — бу, чархи кажрафтор,
Кун келиб, каж йўлдин қайтмоғи даркор.

Дуяга устумен демини шоҳлар ҳам,
Кун келиб қулагай, устоди аъзам.

Вале сўз нахридин ким тонса гавҳар,
Замоналар шарифи ўлғай муяссар...

Фарҳона шогирдин ардоқлаб Лутфий,
Шурҳикмат ганини салмоқлаб Лутфий,

Алишер дардига бўлиб гамғузор,
Қўнғил хазинасин айлади писор.

ЛУТФИЙ

Алишербек, ўғлим! Оқил йиғитсиз,
Ўзе сўз тоғидин учминш бургутсиз,

Лафзингиз безаминш туркий гавҳари,
Назмингиз безаминш элу юрт зарн.

Фақир назми сизга ёшлиқдан аён,
Дил розин туркийда этдим намоян.

Туркийга бахшида этдим ўзумни,
Васфида хокисор тутдим ўзумни.

Жон каби ардоқлаб она тилимин,
Ўздин ризо этдим, балки, элимин.

Кимки она тилин етмас қадрига,
Келажак наслиниг учрар қаҳрига.

Армонли дунёда умидим Сиздин,
Қадру камол тоини, эларо сўздин.

НАВОИЙ

Устод, токи танда бор экан жоним,
Она сутидек пок ўлғай иймоним.

Сут бирла кирмишдир туркий қонимга,
Қон ила ҳаёт бахш этмин жонимга.

Туркийда чексам-да қанча алам, ранж,
Анинг махзанига қўшгаймен дур, ганж.

ЛУТФИЙ

Баракалло, ўғлим! Толас ёр ўлғай,
Фақирга номингиз ифтихор ўлғай...

(Навоий бошини сизлаб меҳрибон
Лутфий хитоб этди сарбонга шу он)

Алишерни сизга тошпирдим, сарбон,
Сизга оллоҳ ўзи ўлғай солбон.

Хавфу хатарлардин омон ўтингиз,
Самарқанд элига хунбахт етингиз.

Алишер ҳолидин ўлғайсиз огоҳ,
Ажабмас, пойини ўйса ул даргоҳ.

Кўзумнинг қораси эрур Алишер,
Дилимининг пораси эрур Алишер!

САРБОН

Олий ҳазрат, тортманг хавотир аслю,
Алишер сафарда бўлмагай танҳо.

Фақир ҳам азалин газал шайдоси.
Не ажаб, ушалса дил муддоси!

Жон фидо этурмен Навоий деса,
Бахтдур, кампага ҳамсафар ўйса.

ЛУТФИЙ

Мени шод этминсиз, офарин Сизга,
Қўлгаў кун ёнламин толасингизга.

Алишербек, сафар ўлғай бехатар,
Сизни дуо эттум шом ила саҳар.

Насиб қилжун менга дийдор қўрмак бот,
Мендек йўлингизга қўз тутгай Ҳирот.

НАВОИЙ

Қуллуқ, олий ҳазрат! Сиз кезмин гулшан
Бог аро, не ажаб, тонсам бир ватан.

ФАСИҲИДДИН

Мавлоно Лутфий ҳам туркий туфайли,
Элу юрт меҳрини қозонмин вале.

Кўнглумиз сиз бирла кетур, Алишер,
Сизсиз дўсту ёрон нетур, Алишер!

ХОЖА АФЗАЛ

Орау кабутари учини бошлардин.

НАҲЛАВОН МУҲАММАД

Кўзумиз тийилмас қонли ёшлардин.

НАВОИЙ

Азизлар, меҳрингиз жонимга пойдор,
Сизларин тарк этмак эрса-да душвор,

Ҳирийдин кетмасдин иложим надур,
Бул фоний дунёда ихрожим надур.

Тангри, сизга, дўстлар, толеъ ёр қилсун,
Хоксор умрингизни бахтиёр қилсун.

Фалак айвонида бўлғайсиз омон,
Хору зор этмасун сизни Хуросон!

...Лутфийнинг қўллари бирдан ёшланди,
Ҳижрон дардларидан дил оташланди.

ЛУТФИЙ

Азизим, кам бўлмагг икки жаҳонда!

ХОЖА АФЗАЛ

Меҳрингиз жон қадар яшагай жонда.

ФАСИҲИДДИН

Ёрлақасин сизни тангри, иложим.

НАҲЛАВОН МУҲАММАД

Насиб этса, йўқлаб тургаймиз доим.

НАВОИЙ

Омон бўлнинг, дўстлар!

ХОЖА АФЗАЛ

Хайрли сафар!

ФАСИҲИДДИН

Бошингиздин сочсак арзир сийму зар.

ЛУТФИЙ

Оқ йўли, Алишерим!

НАҲЛАВОН МУҲАММАД

Тенгри ёр улсун!

ЛУТФИЙ

Умрингиз офтобга пойндор улсун!

НАВОИЙ

Хуш қолғайсиз, устод! Устод дуоси
Шогирднинг дунёдин топган дунёси!..

Ҳирот қопқасидан карвон қўзғолди,
Самарқанд сарига вазмин йўл олди.

Карвонга эргашиб елар оқ тулпор,
Чашми гирён дўстлар юрагида зор.

Паҳлавон Муҳаммад вале шу замон
Ҳусайн қошига отланди нолон.

III

Оқ тулпор еладир чули Қийёда,
Ҳирот ҳам ўксиниб қолди йироқда.

Ўғлидан айрилган мушфиқ онадек,
Мунчоқ шодасида гавҳар донадек.

Кўҳи Сафид қолди изидан боқиб,
Бағридан кўзгудек Ҳирируд оқиб.

Кўҳи Сиёҳ қалби уртаниб қолди,
Изидан термулиб кўзлари толди.

Карвон кўнгиригин жаранг-журунги,
Устомон тожирлар қизгин гурунги

Акс садо берадир тоғ домонида,
Йироқдай учадир чўл хазонида.

Машҳад бозорига файз берган суҳбат,
Фарағ бирла Румга қилиб саҳбат,

Дамашқу Бағдодни обод этади,
Кешу Самарқанду Шонга ўтади.

Бадахшон лаълию Бухоро зарни,
Хитой чинисию Кашмир сувсарни,

Самарқанд қоғози, Хутан бўёғи,
Кешнинг кимхобию Ургут пичоғи

Гурунг чорбоғини гулзордек безар,
Хайлот элчиси оламин кезар.

Омади ганлардан юзлар ҳам голиб,
Дилларга сеҳрнок нашида солиб,

Тижорат мулкининг акобирлари,
Нарх-наво бозорин муғомбирлари

Самарқанд китобин варақлашар бот,
Дарс олса арзийди дейдилар Ҳирот.

Чўлни обод этиб карвон қимирлар,
Сомон йўли каби изи жимирлар.

Симоби тўн ичра тожирлар бардам,
Аския бахш этар жонларга малҳам.

Навоий кўнгли ҳам қушдай яйрайди,
Завқ билан аския тигин қайрайди.

Ва ҳазил ништарин санчади қўлаб,
Гоҳ рақиб бағрини қўяди тузлаб.

Аския арқоғи узилган замон
Ҳеч кимга сездирмай улар бетумон.

У сўзга бўлса-да моҳир ва чечан,
Қўнғлида ўзга дард қураб анжуман.

Руҳида яшайди бутун ўзга ҳол,
Йўлдошлар меҳрини тез этар ишғол.

Ўзга бир дунёда у олар нафас,
Кенг дунё қуринар қўзига қафас.

Дилозор лаҳзалар ҳаёлин бузар,
Нотинч юрагига алам утказар.

Дилига жо айлаб Машҳад илмини,
Умид бирла тутди Ҳирот илкени.

Отасин ер-сувин, ҳовли-жойини,
Жонлиғи: қўй-қўзи, оту тойини

Султон мусодара этганди қачон.
Шунинг-чун Навоий бесару сомон,

Отаси мулкига бўлиб умидвор,
Султон ҳимматига кўз тикмиш ночор.

Дорус-салтананага келиб неча кун,
Риоят тополмай, бағри бўлиб хун,

Мулозимат бирла умрин утқарди
Ва лекин дўсту ёр кўнглин кўтарди.

Абулқосим Бобир улкан боргоҳи,
Бир замон пойини упан даргоҳи

Ер билан топталди, бўлди унга ёт,
Энди қай кимсадан сўрасин нажот?

Гурбат ичра қолди шуаро умри,
Хуросон мулкининг буюк гурури,

Бу олам аршидан қўшдек ботди,
Шон-шухрат тожини гўё йўқотди.

Абулқосим Бобир тарафдорлари
Уясиз аридек елди сарсари:

Саройдан ҳайдалди, қирғин қилинди,
Бу ҳолдан Навоий бағри тилинди.

Бадахшон исёни олиб аланга,
Абу Саъид жони сизмасди танга.

Ҳиротта чўзганда олов тилини,
Эл бўзига солди қонли қўлини.

Навоий кўнглига ҳамрозу ҳамдам,
Дўстлик бўстонида хуштабъ, мукаррам,

Бадахшоннинг шоҳи шоир Лаълийни
Ва унинг забардаст ёлғиз ўғлини,

Қиличдан утқаади бешафқат султон,
Қонланди лолазор янглиғ Бадахшон.

Бу исёнга ҳамроз шоир ўша дам,
Султоннинг кўнглига ёқолмади шамъ.

Ўзига нисбатан қўзғатса-да, кек,
Абу Саъид илкин тийлмади лек.

Бедодликдан сабр косаси тўлди,
Зулм дарахтини қўпормоқ бўлди.

Мурувват илқиға муҳтож Навоий
Бошида офтобдек қўлмади толеъ

Чунки жондан азиз дўсти Бойқаро
Хуросон тахтини қиларди даъво.

У билан Навоий ҳамфиқру ҳамдаст,
Бир мақсад йўлида жонлари пайваст.

Ҳатто тоғалари у билан ҳамдард —
Бўлишиб, яловин тутганди баланд.

Шерифат Мирсаид, Муҳаммад Али
Элга дoston бўлди мардик туфайли.

Бундан Абу Саъид хабардор эди,
Дилида аламу уч бисёр эди.

Шул сабаб, Навоий топмади қадр,
Аҳли сарой этди ҳолига жабр.

Маҳрум бўлиб тамом ота мулкидан,
Хуросон уртганди кўнгил мунғидан.

Топса-да, дўст-ёрдан қадрю илтифот,
Кўзига қафасдек кўринди Ҳирот.

Лутфий маслаҳати кўнглин ёритди,
Бошидан гўёки дардни аритди.

Ҳирийда қолса-да ул зот бенаво,
Самарқанд тарафни кўрдилар раво.

Бўлиб қолган эди Ҳирот хатарнок,
Рақиблар дастидан дили эса чок.

Шоирга қасд этса бирор нобакор,
Лутфий нолаеси ҳам қилмаяжак кор.

Устод насиҳатин кўрдию маъқул,
Осойиш излади Самарқанддан ул.

Ҳайрон бўлиб шоир кечмиш савдодан,
Қисмат айиргандай аҳли донодан,

Йул босиб борадир кечаю кундуз,
Донолар — бу даштда қўл етмас юлдуз.

Юлдузлар Ҳиротда қолди дардсиниб,
Буюк орауларнинг кўзгуси синиб.

Сароб чашмасида маҳзун жимирлар,
Шом еган ой каби хира чехралар.

Кўнгли дер: шоирим, қилмагин афсус,
Топталган ораудек хазон бўлар куз.

Даштаро қаламинг ожиз тасвирга,
Ихрож ҳам бор экан, нетай, тақдирда!

Файзиёб Маймана «Чаҳор боғи»да,
Булуғдай товланиб оӣ чирогӣда

Тунади, йўл юриб ҳориган карвон,
Туяю тушпорлар мудрар бедармон.

Осоиш хонани қилгандек обод,
Шамънинг шуъласини таратар мишкот.

Аҳли тижорат ҳам ухлар мук тушиб
Ва лекин саҳарга файз-шукӯҳ қўшиб.

Қўркам хона ичра Навоӣ бедор,
Қоғозга тўкилар дарди бешумор.

Бир ғазал домига илинган кўнгли,
Бу дардан титрайди хоманинг нўти.

У шамъдек ёнадир дўст фироқда,
Илҳомга ошнодир тонг қучоғда.

Навоӣ ихрожин эшитган замон,
Ҳусайн қалбидан сирқиб кетди қон.

Вале дўст издан барқдек елди у,
Тонгда Майманага етиб келди у.

Дилида Навоӣ меҳрин ардоқлаб,
Ўн чоғлиқ навқарла дўстин сўроқлаб.

Ҳусайн боғ аро бўдур намоён,
Жисм аро жонида яшар зўр армон.

Унга пешвоз чиқди боғбон чол ногоҳ,
Ҳусайн ўзини этмасдан огоҳ.

Таъзим бирла боғбон қошида турди
Ва дўсти Навоӣ ҳолини сўрди.

Чолнинг чеҳрасидан ёғилдию нур,
Навоӣ қошига бошлади масрур.

Эшикни ланг очиб, боқди-да маъсум,
Дилда тугён билан этди-да таъзим,

Севинч ўти қоплаб унинг кўзини,
Шоирнинг бағрида кўрди узини.

Кузлардан сочилур алам тула ёш,
Бедаво бир дардга берса-да бардош.

Киприқлар учида биллурий шабнам,
Икки дўст қалбини тирнайди алам.

Юзларда маъюслик изи кўринур,
Қалблари ҳаяжон домида турур.

Жонлари қолгандир икки ўт аро,
Ҳайратли сукутни бузар Бойқаро.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО

Алишер, огоҳмен борки савдодин,
Нетайким, чиқмади бошим ғавғодин.

Наҳлавон Муҳаммад айлади байн,
Сизни-да оқибат этдим саргардон.

Хабардор эрурсиз, Тариниз, Нишонур
Устинда яловим ёғлиб нур сочур.

Осоиш тонминдир Манҳад, Абивард,
Азизим, Ҳирӣйсиз чеҳрам бўлғай зард.

НАВОИЙ

Мақсадини бир йўла этдингиз ошкор,
Оқибат не бўдур — ўйламак даркор.

Хуросон тахтига адолатпеша
Подшоҳин эл-улус истар ҳаминша.

Улуста суянмай тортеангиз лашкар,
Елга учиб кетгай улғу ораулар.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО

Алишер, билурсиз, улус мен тараф,
Улуснинг ишончи — менга зўр шараф.

Ҳилотдек жилмайсин сизга ҳам тоқиб,
Рухингиз сийласин Ҳирӣй шамоли.

Қўласин, падари бузрукворингиз,
Энг мушкул дамларда — мадакдорингиз.

Ул зотнинг меҳридан бўлиб баҳраманд,
Лутф бирла эланин шаҳри Самарқанд.

Амир Султон Ҳасан дўстдир қадрдон,
Сиздан хабар тонса, йўқлағай шу он.

НАВОИЙ

Надарим ул элин севарди гоёт,
Тонггача этарди менга ҳикоят.

Самарқанд тавсифи тилинда эрди,
Дўстлари — офтобдек дилинда эрди.

Абуллайис суҳбатин қўмсаб умрбод,
Амир Арҳангийиш айлар эди ёд.

Қисмат китобига неки битилмиш,
Кимсага ўқимоқ азал фарз эмиш.

Шоҳ билан гадо ҳам фарзанди башар,
Вақт келиб, қисмати бўлғай баробар.

Бевафо дунёда мул эрур ҳунар,
Кургаймиз, кўзумиз тирик бўлса гар.

Одамзод дунёга бўлмағай устун,
Ризқини териб еб, кетгуси бир кун.

Ҳаёт ошиғидур то инсон ҳаёт,
Умр — уткинчидур, умр — омонат,

ҲУСАЙН БОЙҚАРО

Алишер, кўнглумга солмишсиз ларза,
Едимда яшағай ҳаргиз бу лаҳза.

Барги хазон янглиг титрамиш жоним.
Сизсиз кўкни ўртар меним фиғоним.

Найлайин, фурсатим оёқлаб қолмиш,
Ҳижрон ўти дилда аланга олмиш.

Яловим кутарган Нишонур томон
От қўймоғим даркор, дўсти жонажон!

НАВОИЙ

Азизим, фақирни этмишсиз хурсанд.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО

Сизни шод қутлағай аҳли Самарқанд.

НАВОИЙ

Ғолиб яловингиз тушмасин илқдин.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО

Кўнгулни узмангиз туғилган мулқдин.

НАВОИЙ

Иймоним кафилдур, бош бўлса омон,
Йўқлаб туражакмен сизни бегумон.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО

Саломат қайтурсиз, топурмен чора,
Хуросон толеъи бўлмағай қора.

...Офтоб олам узра сочганда шарор,
Айрилди армонли икки дўст ночор.

Танбур нола қилди қай бир даргоҳдан,
Маймана бир титраб тушди «Чоргоҳ»дан!

V

Ургут тоғларининг этакларида,
Тўнлари товланиб офтоб зариди,

Сайёҳлар боғларга боқинлар ҳайрон,
Бешикдай тебраниб бормоқда қарвон.

Юраги ўртаниб дўстлар дардида,
Қарвонга кўрк берган от эгариди

Навоий ўртаниб ҳаёлга чўмар,
Нафосат мажлисин завқини қўмар.

Ҳаёл кўзгусида жонланар Маншад:
Қамол Турбатий ва Хожа Муҳаммад

Бўлмаса, гурбатда кечарди жонин,
Қушфаяқун бўлур эрди армони.

Султон Абу Саъид дағдағасидан,
Кетдию мадраса бўсағасидан

Кўнгулни титратди ҳазин бир оҳанг,
Потавон хасталик жонга солди чанг.

Гоҳ кезди ул жунун маҳалласида,
Гоҳ кўнгли қон бўлди ғам қафасида,

Бўйнига разиллар шاپалоқ урди,
Бошига болалар тошлар ёғдирди.

Гоҳ Маншад элининг ситам-оҳидан,
Гоҳ Жибол қулласи оромгоҳидан

Сахрога бош уриб, сувсиз туюқди,
Гурбат дарёсида бенажот оқди.

Ғариб халойиққа қўшилиб хаста,
Кўнгли орзулари бўлиб шикаста,

Ҳиротдан иноят излаб, топмади,
Меҳрибон кимсани, бўзлаб топмади.

Ғанимат дамларни кеткизмай зое,
Паҳлавон Муҳаммад бирла Навоий,

Кўнгилда ихрожнинг дардини сезиб,
«Боғи Сафид» аро юганда кезиб,

Сув кўза кутарган бир бечораҳол,
Юсуф деган кимса: номинни ҳалол

Егани қўймас, деб, сураб иноят,
Сарой аҳлларидан этмиш шикаят.

ЮСУФ

Азизим, Алишер, тутгайсиз маъзур,
Паҳлавон бирла биз ошно бир умр.

Элга сув узатиб, умри нотавон
Ўтиб кетмақдадур беному нишон.

Кун бўйи еламен бозорма-бозор,
Йўқ эрса, на қилай, тебранмас рўзгор.

Оёғим ялангу либосим юпун,
Оби наҳр бирла кечирамен кун.

Бозорда учратиб бугун бир вазир,
Бир танга бермасдин, титратиб зир-зир,

Кўйиб олиб кетди сувни кўзамдин,
Иноят сўргали борсам Мирзодин,

Неовулар тўсди йўлимни, нетай,
Сизга айтмай дардим кимга ҳам айтмай.

Сарой остонида бағрим доғланди,
Жигарим пичоқсиз лек чавақланди...

Навоий ғазабнок ўйлиниб қолди,
Сўнг дилда борини ул тўкиб солди:

НАВОИЙ

Ўксиманг, Юсуфбек, чархдур кажрафтор,
Султондин иноят кутмангиз зинҳор.

Тангри кўрсатмасин анинг турқини,
Елгиз гўр тузатгай, дерлар, букрини.

Ит ҳам эгасига ўхшайдур, ахир,
Сизга султон феъли эмасми зоҳир.

Беҳуда ранжибсиз вазирдин, Юсуф,
Хуросон юртида ул сайраган кув.

«Гадое ки нон аз дарди шоҳ жуфт,
Бибояд зи оби худаш даст шуст».

(Шоҳ ашигидан нон тилаган гадо,
Уз сувига қўлин ювади гуё).

Саройдин мурувват ахтарманг ҳаргиз,
Сув келтирган кимса элгадур азиз.

Олмасун оҳингиз дилда аланга,
Сизга эҳсон ўлгай, мана, бир танга.

ЮСУФ

Алишербек, тангри қўлласин сизни,
Хуросон ёд айлаб ашғорингизни,

Номингиз эл аро этсун сарафроз
Ва ўлсун Лутфийдек умрингиз дароз!

...Навой ҳадясин суртиб кўзига,
Дуо бирла қўлин тортиб юзига,

Севинчдан минг қуллуқ қилганда Юсуф,
Шоирнинг қалбида қолди таассуф.

Яна бир воқеа ёдига тушиб,
Силсила сингари дардлар туташиб,

Навой кўнглидан ҳузур йўқолди,
Жисм аро жонида ўтлар кўзғолди.

Жума намозидан қайтаётган он
Аёлманд гадони куриб ломакон —

«Муфарраҳ» кучасин бир бурчагида,
Раҳму шафқат айлаб, ул чунтагида —

Бўлган бир тангани олиб шу замон,
Бечора кимсага узатгани он,

Гадонинг юзлари бўлиб иштиол,
Шоирга тилади омад ва иқбол.

Бу ҳади — Навой ҳаётидаги
Сунгги танга эди. Дўстлар кумаги

Жонга ора кирди — юз бериб ихрож,
Сафарда ҳеч кимга бўлмади муҳтож.

Ҳаёл кўзгуси бир тилсимга ўхшар,
Яна хотиралар ёдига тушар:

Жайҳун кўпригидан ўтдию карвон,
Бир оқшом Термизни айлади макон.

Тошқин дарё солди дилига тугён,
Оромин йўқотиб қўйди гуё жон,

Дарё бўйидаги дилкушо диёр
Ҳаким Термизийдан сўйлади ашғор.

Наҳиоб дашти этди қалбини гирён,
«Сув бер!» — деб пойини ўпди биёбон,

Шаҳрисабз этди кўзларини лол,
Оқсарой ҳуснидан лол эди хаёл.

Қошида қад ростлаб сарбаланд тоғлар,
Унга сув узатди биллур булоқлар.

Тахти қорачада қушдай яйраб жон,
Юксак чўққиларга боқди серармон.

...Чорбоғда дам олгач, карвон кўзғолди,
Кенагас даҳаси кўзатиб қолди.

Тошкесар бекатин ўтди-да карвон,
Солмониб йўл олди Самарқанд томон.

Сулда — кун ботинига чўзилган тоғлар,
Ўнгда — чўлга туташ ажиб қишлоқлар.

Чул ўзи аслида бир тошлик йўлдир,
Эл эса лек уни «Миср чўли» дер.

Чул уфқидан яна боғлар бошланур,
Боғлардан шаҳарга қадам ташланур.

Ярим ой йўл юриб толиққан карвон,
Сунгги манзил сари елар бедармон.

Навой кўзида умид тўла нур,
Қалбида оташин туйғулар ёнур,

Маҳлиё боқар ул оқ тулқорида,
Балки, улус васфи — дил ашғорида!

Самарқанд боғларин олгин кузида,
Тасаввур чашмасин биллур кўзида

«Зеби жаҳон» гуё курсатур жамол,
Кумуш мезон каби учар уй-хаёл.

Оқ масжид мавзиси боқур кўзатиб,
Дилларда гаройиб ҳислар кўзгатиб.

Севинчдан кўзлари ёшли Муллайон,
Карвонни қутлайди боғу хиебон,

Темурхон шаҳрига боқур Навой,
Ҳалжон наҳрида оқур Навой.

Руҳобод кўксига осмонга пайванд —
Гуримир гумбази! — Салом, Самарқанд!

VI

Самарқанд уйғонди фараҳли хобдан,
Жамоли нурланди зарваш офтобдан.

Бағрини яйратди Кўҳак шамоли,
Кун бўлиб балқиди бошида толеъ.

Ёғдуга чўмилди мусаффо боғлар,
Кузакка роз айтди хазон япроқлар.

Масжиди Муқатта хувиллаб қолди,
Регистон майдонин тинчи йўқолди.

Улкан карвонсарой Мирзойида ҳам
Кумуш ҳаририни йиғди субҳидам.

Хирот карвонидан олгали хабар,
Тождирлар йиғилди излаб сийму зар.

Регистон майдонин оstonасида,
Мирзоийининг кўркама кошонасида.

Навоний нонунта айлаб, хушкалома,
Каттаю кичикка кўржатиб киром.

Самарқанд сайлига шаҳдам отланди,
Довруқли шаҳарини кўргали ёнди.

Кўнглида кўзғолган сирли ҳаяжон
Утида сурурдан эгтиккарди жон.

Жаҳоннинг сайқали аталган шаҳар
Тузини тотмакка бўлминн муассар!

Дунёда бормикин буидан зиёд бахт,
Шонирга ёрмикин буида буиёд бахт?!

Ёр юзин сайқали кўнглини этар лол,
Масжиди Жумадан ҳайратда хаёл.

Ироқи дуншидек Чорсу гумбази,
Меъморлар ҳушарин эрур мумтози!

Даҳанин наҳангдай очминн дўқонлар,
Бозорга кўрк берминн илоти нонлар.

Тождирлар бошида кулгандек ахтар,
Кўкларга кўтариб молини мақтар.

Атласми, банорас — нима десанг бор,
Нархидан ёқасини унлар харидор.

Чорсуга кўрк бериб ароба қатнар,
Кўгирчоққа ўхшар ясоғлиқ отлар.

Навоний лол эрур гумбаз остида,
Кўлоғи карахгдай шовқини сасида.

Эгинида хиротий хилъати аҳзар,
Дилида Кўҳақдин илҳоми ахтар.

Антиқа бозорда ором тонмай жон,
Ул тинга отилди... Қадим Регистон

Хокини этгандек кўзга тўтнб,
Улғубек қасрига боқди маҳлиб.

Мадраса қошида ул мисли суврат,
Чанқоқ кўзларида бир олам ҳайрат.

Ҳайрат тоғдай босиб, фикрин лол этар,
Ифтихор шўъласи ёзин ол этар.

Анион рангларга ахтарар тимсол,
Нақину нигорларда эрийди хаёл.

Олтин бешик янглиғ илму ҳунарга,
Кошинкор пештоғи чўлғаниб зарга.

Маърифат даргоҳи ўзини осмонини,
Ҳайратга чўмдириб азиз меҳмонини.

Буюк миноралар этгандай хитоб,
Меъморлар наслидан сўзлар бобма-боб.

Кўнглин рўшно айлаб Машиқ маъғи
Мадраса зинасини ўзини оёғи.

Қалбида шарора, руҳи чароғон,
Кўзига бебаҳо кўринар жаҳон.

Бир лаҳза ёд этиб Улғубек руҳини,
Илим кўзгусида кўрар шукҳунини.

Ҳар ҳужра, гўнадан келар нафаси,
Акс садо бергандек гумбаздан саси.

Арғувон ёниглардан кетмаган оҳар,
Мунажжим изларини кўзига сурар.

Ва аста тиз чўкиб, бўлур деб савоб,
Мадраса остонини элади тавоф.

Навоний кўнглида уналиб армон,
Пўртана тинади, сукут ҳукмрон.

Сукут ичра вале тўлиб гурурга,
Мардона йўл олур Гури Амирга.

Рўҳобод кўксиде сирли тоқлиниб,
Офтобнинг нурида ранглари ёниб.

Гўримир гумбази кўкка чўзминн даст,
Маҳмуд Исфаҳоний жонига пайиваст.

Борлиғини забт этиб сехриок тўғи,
Гумбаздан кўз узмас шонир севармон.

Камалак конинлар селеласидан,
Ранглар оҳангининг замзамасидан

Қалбида кўзғолиб ўтли ифтихор,
Кўтлуғ зийратини этур ихтиёр.

Нақинин дарвозада этиб хун таъзим,
Навонийга пешвоз чиқур мулозим.

Шонир мақбарага кирди маънос,
Қабрлар бошида туради маънос.

Салафлар руҳига ўқигач дуо,
Мулозим оҳиста сўзлайди бурро:

«Бу — Мирзо Улғубек, бу — Амир Темур,
Мана бу — Муҳаммад Султон қабридур.

Мунажжим устоди бу ерда ётур,
Хоксор умри жаҳон умрига татур.

Темурининг бошида раҳнамо падар —
Мирсаид Барака, қабри — мўътабар.

Яшим тошини кўйиб бобо қабрига,
Улғубек столди анинг қабрига.

Мана бу — Мироншоҳ, мана бу — Шоҳруҳ,
Мармар лавҳасида олиғи бир шукҳу.

Муҳаммад Султонини севарди амир,
Ул жангу жадалда эди баҳодир.

Султон ворис эди амир тахтига,
Афреуским, чанг солминн ўлим бахтига.

Бир олий мақбара қилинг, деб бунёд,
Набира руҳини этмак бўлмиш шод.

Султонга аталмиш ушбу мақбара,
Амирни бағрига олмиш сўнг қарра.

Буюк бобосидан булсин деб ризо,
Ёнига қуйилмиш Улугбек мирзо.

Илму ҳарб туғини тутиб музаффар,
Мангулик уйқуси бўлмиш муяссар.

Мулозим сўзлари вазмин, улугвор,
Навоий қалбида дард бирла озор.

Сукунат қаъридан ул чиқмиш тишга,
Бу унут бўлмас дам ўхшайди тушга.

Қадамлари вазмин, эгилган боши,
Қузида гилтилар маънослик ёши.

Руҳида ҳукмрон тамом ўзга ҳол,
Ўйлари тизгинсиз, паршон ҳаёл

«Бибихоним» сари бўлмиш равона,
Зеҳнини банд этмиш ажиб афсона.

Бир қасри олийким, Машриқда танҳо,
Бисотин бахш этмиш гўёки дунё.

Меъморлар ҳунарин буюк ёдгори,
Қадам Самарқанднинг кўрки, виқори!

Тўрт юксак минора осмонга пайванд,
Жўмлаи оламга боқар орзуманд.

Масжиди муқаддас солмишдир довруғ,
Боши узра офтоб — кутарилган тўғ.

Навоий завқ билан қилиб томоша,
Кониғил томонга ўтур бог оша.

Меъмор ҳунарини этгандек кўз-кўз,
Шоҳизинда кутар шоирни бесўз.

Юксакка чорлайди гиштин зиналар,
Пойига тутади кифтин зиналар.

Мармар қабрларнинг туриб бошида,
Замонлар сукутин тинглар осуда.

Қурагон авлюдин зиёрат қилиб,
Қисмати башардан юраги тўлиб,

Боғи Дилқушони четлаб ўтар ул,
Расадхона сари ошқар кунгил.

Бир ҳовуч сув ичиб Обираҳматдан,
Умрбод розидек ушбу ҳаётдан,

Уч ошёна кўркам қасрга мафтун,
Қалбининг кўзи-ла термулар беун.

Жаҳоннинг сайқали — бул «Зеби Жаҳон»
Навоийга сўзлар бир қутлуг дoston.

РАСАД НИДОСИ

Икки жаҳон аро балоғардонман
Ва илми нужумга сирли маконман.

«Зижи Курагоний» бешигидурмен,
Фалакнинг заминий эшигидурмен.

Улугбек нигоҳи тушган ситора,
Нажот излагандек боқди дилпора.

Ақл чироғидан нурланиб осмон,
Кўз етмас тилсимдан дур этди эҳсон.

Мунажжим топинган қутлуг меҳробмен,
Кўҳақда порлаган илми офтобмен.

Офтоб тутилса-да қораймас асло,
Муйсафид бўлса-да тутмагай асо.

Найлайин, бошимда чархи кажрафтор,
Тегирмон тошини уйнатар хунхор.

Кўксимга тегдию санги палахмон,
Ногирон кимсадек юрагимда қон.

Тариқдай сочилиб кетди олимлар,
Аҳли дин ситамгар кўксим тилимлар.

Дардимни сўзласам, нетай, жон йиғлар,
Надур жон, балки, икки жаҳон йиғлар.

(Расад нидосини тинглаб шу фурсат
Сўзламиш соябон Муҳаммад Фикрат).

МУҲАММАД ФИКРАТ

Кўзимга сурурмен расад хокини,
Сиз учун ситурмен кўнгул чокини.

Мирзо Улугбекдек маърифатпарвар,
Адолат нешвосин кам кўрган башар.

Тахти ҳам, тожи ҳам шул расад эди,
Ситора Ширину ул Фарҳод эди.

Расадга парвона эди шабу рўз,
Бундан зиёд анга йўқ эди нуфўз.

Расад корхонаси, ҳобгоҳи эди,
Фалакка маҳлиё нигоҳи эди.

Ҳаёлин олганди самовий манзар,
Чашмига қўнғанди сирли юлдузлар.

Мени манзур кўриб, қиблаи олам,
Кўнғлум қулбасига ёққан эди шамъ.

Соябон тайинлаб, этганди мақсад:
Бепаноҳ қолмасин даргоҳи расад.

Улугбек мақсудин келтирдим бажо
Ва этдим расадга умримни фидо.

Қутлуг остониға қўндирмадим гард,
Хоксор мунажжимдек уллим фалакгард.

Али Қўшчи бирла Румий то саҳар
Менсиз солмас эди самоға назар.

Шом-саҳар парвона ўлиб қошинда,
Фалакнинг савдосин кўрдим бошинда.

Нақши жаҳон ичра «Зиқ»га бериб нақш,
Нужумга этмишлар умрларин бахш.

Алар бошини силяб Улугбек ҳазрат,
Гоҳида айларди даврондин ҳасрат.

Енг ичида яроқ тутиб аҳли дин,
Қуюндек қўзғолмиш бир зимзиё тун.

Тандин жудо айлаб мунажжим бошини,
Сўндирмиш маърифат порлоқ қўшини.

Эмдиким оқтобмас музда ёнур шамъ,
Бул шамънинг чашмида олам-олам гам.

Али Қунчи кетмиш бош олиб дардманд,
Изидин қон йиғлаб қолмиш Самарқанд.

Самарқанд шукӯҳи соврилмиш кўкка,
Булуллар соясин солмиш Қўҳакка.

Расад чироғини сўндирмай, вале
Соябон эрурмен Мирзо туфайли.

...Сайри расад сари бошлар соябон,
Навойи қўзида ҳайрат ва армон.

Юлдузлар жадвали ақлини эгар мот,
Хайлини сеҳрлар сўнгсиз конлот.

Улугбек руҳини тутиб мукаррам,
Зинадин зинага қўярди қадам.

VII

Навойи қалбида эзгу бир армон,
Нотанин шаҳарда кезди саргардон.

Мухтожлик жонини ўртаган сари
Дилига санчилди ихрож ништарини.

Қўнглини ёришга тонолмай бир дўст,
Танҳолик домида бош эди маънос.

Фикрини чулғади минг турли савол,
Оромини ўғирлаб олди ўй-хайл.

Неча кун ғариблик кўрсатди зулм,
Танҳолик даштида кун кўрди зугум.

Борай деса йўқдир бир танин даргоҳ,
Бир ҳамроз кимса йўқ ҳолидан огоҳ.

Лабихавз даҳасин қароргоҳ эрур,
Шамолга учгандек ўтмоқда умр.

Самарқанднинг гўзал хотираларини,
Наҳотки, алдаса сароб сингарини.

Ундан ҳол сўрмасдан каттакон шаҳар
Ўзининг ташвинини, дарди-ла яшар.

Кимнинг оёғига бош уриб, ҳайҳот,
Мусофир Навойи сўрасин нажот.

Ким унга раҳнамо, соябон бўлғай,
Йиғятлик фаслида меҳрибон бўлғай.

Утнафас шоирини чорлар қай даргоҳ,
Ё малҳам бўлурми қўнглига боргоҳ?

Азиз надарининг биродарларини
Ғурбатда бўлурми унинг сарварини?

Дардманд юрагига излашиб даво,
Бошини силарми? Бу ҳам муаммо.

Унутган эрсалар надарин агар,
Қайси йўл билан ул изига қайтар.

Сўнгра бош кўтариб юради қандоқ,
Ёришмас, қўнглига ёқса ҳам чироқ.

Амир Султон Ҳасан Архангийига ё
Айтсунми, дилида недир муллоа.

Дўстлигини унутган бўлса-я, наҳот,
Йўқ, улдоқ эмасдур, ул нажиб бир зот.

Ё фақиҳ Абуллайс қонинга бориб,
Дардини айтсунми, маҳзун ёлбориб.

Илим истаб келмишдир, йўл босиб узоқ,
Аллома этурми толеъини порлоқ.

Надари руҳини шод этса агар,
Мадраса даргоҳини кўрар муяссар.

Қўнгли орузсига бўлмаса қанот,
Қайи ургай бошини, нотинч-ку, Ҳирот!

Ё Аҳмад Ҳожибек айласа карам,
Олий ниёт бўлғай қалбига ҳамдам.

Султон Аҳмад мирзо боргоҳидан ё
Мурувват сўрсинми?.. Печа муаммо

Навойи қўнглига солади гулу,
Тушларини қочади қўздан уйқу.

Қундуз эса кезар шаҳарини маҳзун,
Орузлар чамани бўлгандек кўкун.

Бу шаҳри азимда мадраса бисёр,
Қай бири шоирини айлар бахтиёр?

Буюк виқор билан турар, ўлиб кўк:
«Мирзо Улугбек»у, «Аҳмад Ҳожибек» —

Остонасини уймак бўлса муяссар,
Андухидан, балки, қолмасди асар.

Балки, олар эди нишлари барор,
Дўсту ёр сўзига бўлмас эди зор.

Унут булар эди мусофирлик ҳам,
Тарк этиб кетарди қўнглини алам.

VIII

Шикаста қанотини ёйди шабистон,
Сукунат қўйинга чўмди Регистон.

Қўҳакдан эстандек экин сарсари,
Боғларда судралди салқини тун бари.

Қозонга мултираб қўнгандек учқун,
Қўкда ҳам юлдузлар жилмайди беун.

Нилранг миноралар нақш-нигориди,
Мирзо Улугбекнинг кўрк-виқориди,

Ой кўзгу ахтариб боқди жилвагар,
Симобдек титрайди зарқал шуълалар.

Гўримир гумбазин камалагида,
Қўқсарой қасрининг сирли рангида

Нур бўлиб порлайди мейморлар жони,
Тун билан талашар элнинг фиғони.

Бибиҳоним кўшқин чорминораси,
Улугбек расадин ҳар ситораси

Рамзи хитоб янглиғ эл достонига,
Роз айтур самовот қаққашонига!

Шоҳизинда гишттин зиналарида,
Афросиёб хароб сийналарида

Нурдан кўзи кўрдай судралади тун,
Қаро ридо кийиб кезади маҳзун.

Шабистон бағрида тин олар шаҳар,
Кимсасиз, ҳувиллаб ётур кўчалар.

Боғлар аро наргис кўзин юмса ҳам
Бир ғариб кулбада ҳануз сўнмас шамъ.

Навоий дардига ҳамроздир хома,
Ғамангез анъори этгандек нола.

Кўз ёшин тўкади қоғозга довот
Ва шоир қалбига излайди нажот:

«Менга неча нав ўлди бечоралиғ,
Ки олдимга тушди бу оворалиғ.

Ки бўлмоқ ватан ичра дунвор эди,
Кўнгулга жоло дафъи озор эди».

Дўсту ёр суҳбатин қўмсаб Навоий,
Ҳар сўзга жонини қилиб фидойи.

Милт-милт ёнган шамъдай эриб дард-ғами,
Кўнгиғл ҳасратидан сўзлар қалами:

«Бу мулк аҳли ул элга зору асир,
Бўлур наҳбу яғмо каллиду касир.

Менга бу эл ичра не бир ҳамдаме,
Ки бир дам икковлон дейишсак ғаме.

Не бир ҳужраким, ком тонгай кўнгул,
Даме анда ором тонқай кўнгул.

Етишса ўлум ранжи беморлиғ, —
Сув бергунча қилмай бирон ёрлиғ.

Сув бермак неким, зоҳир айлаб гулу,
Олурга агар бўлса жонимда сув».

Даврон бедодлиғи, зулм ва бидъат,
Жисм аро жонига чанг солган гурбат.

Бешафқат тақдирдан дили яролиқ,
Ҳаёт чарбоғида бахти қаролиқ,

Навоий қалбида бергандек нидо,
Қўйма мисраларда бўлар эди жо:

«Бировга неча гурбат изҳор этиб,
Чу бир ерда кўп тургузиб хор этиб.

Бировниким, айлаб бир эл ичра хор,
Анга чора айлаб ул энди фирор».

Навоий қалбида ўтли туйғулар,
Дард билан қоғозга дурдай тўкилар.

Машҳадда кечирган кунларин қўмсаб,
Дуст билан бахтиёр тунларин қўмсаб,

Ўртанган кўнглига таскин берар гоҳ,
Гоҳ эса оташнок дилдан чекар оҳ.

Самарқанд мулкидан топмай бир ҳамроз,
Саййид Ҳасанин ул айлар сарафроз:

«Ҳамол ичра тонг боши ноҳиддек,
Қамол ичра туш вақти хуришдек.

Вафо анга пеша, саҳо анга фан,
Вафою саҳо кони Саййид Ҳасан.

Зиҳи равзадин хулқинг ортиқ баса,
Келиб боғи қадрингда тубо хаса.

Чу сенсен буюн олам аҳлида фард,
Ки ҳолин де олгай санга аҳли дард.

Мангаким видодинга хурсандмен,
Жанобингга шогирду фарзанд мен».

Ардашер васфини битиб дилафкор,
Ғамгузор саҳарга термулар бедор.

Яна кўз ўнгида жонланар Хирот,
Зулму истибоддан тўлганар бот-бот.

Султон Абу Саъид — мансур ва қаттол,
Темурий наслидан чиққан бир дажжол,

Қавму қариндонини сира қилмай фарқ,
Уларин этмоқда ўз қонига фарқ.

Даҳшатли манзарлар бағрини тилар,
Тахт талаш жангидан кўнгли эзилар:

«Элида кинилиқдан осор йўқ,
Шароратдин ўзга надибор йўқ.

Не эл, не кини, балки, шайтону дев,
Келиб барчага даъб бедоду рев.

Бўлиб ломакон сатҳидин хошлари,
Адам мулки бугдойидин ношлари.

Қаро пул учун айлабон қатл фан,
Ўлуқтин тамаъ айлаб аммо кафан.

Ўлум келса бир зори бедил сари,
Мадад айлабон лек қотил сари».

Навойи ҳолатин отаркан рақам,
Фориғ бўлар эди кўнглидаги ғам.

Ва лекин ҳаётда ема дея банд,
Икки нарса отар ҳаёлини банд:

Бириси узадатдир, тарки дунёдир,
Бириси — адолат, роҳи рўшнодир.

Икки йўл бошида турар Навоий,
Икки хил уфқни кўрар Навоий.

Биринчи йўлдан ул силтади қўлни
Ва матлуб кўрди ул иккинчи йўлни.

Ҳаёт машаққати, зарбаларига,
Жонига чанг солмиш ларзаларига

Умрбод куксини қалқон эттали,
Ғазал офтобига осмон эттали.

Олий ниятларни дилда этиб жо,
Халқ учун, юрт учун яшаб доимо,

Адолат яловин баланд тутмакка,
Авлоддан-авлодга олиб утмакка

Аҳд қилди тонг отар чоғи Навоий,
Ардашер суянган тоғи — Навоий:

«Агар улса бу йўлда умрум талаф,
Чу бу йўлдадир ул ҳам эрур шараф.

Ва гар булсам ўз комима баҳраманд,
Зиҳи мулки жовиду бахти баланд».

Субҳидам, номага қўйиб сўнг нуқта,
Навоий дард билан қўчирди оққа.

Хира шамъ қошида ўқигач такрор,
Ҳиротта юбормак этди ихтиёр.

Лолагун шафақдай бағри бўлиб қон,
Ул маҳзун йўл олди «Мирзойи» томон.

IX

Лабиҳавз даҳаси азалдан машҳур,
Ҳунару санъати эл аро манзур.

Заргару муҳандис, наққошу меъмор,
Шоиру рассому ҳофиз, бастакор

Лабиҳавз довругин кўтариб баланд,
Санъатни айламиш жонига пайванд.

Муборак зотларни қутлаб Лабиҳавз,
Бахш этмиш умрлар гулшанига файз.

Лабиҳавз боғида Дақиқий илк бор,
«Шоҳнома»га қўймиш олгин пойдевор.

Саккокий елдириб қалам отини,
Мадҳ этмиш Улугбек салтанатини.

Қосим Анвор кечиб айши жаҳондан,
Назмига жон берди ишқи жонондан.

Лутфий иншо айлаб «Гул ва Наврўз»ни,
Элга манзур этмиш туркона сўзни.

Жомийини маҳлиё айлаб хуш оҳанг,
Дурафшон назмига бермиш турфа ранг.

Лабиҳавз шуқуҳин сўйлаб Самарқанд,
Осламин ўзига қилмиш орзуманд.

Не бахтким, неча кун кезиб ломакон,
Лабиҳавз файзидан баҳра топиб жон,

Ардоқин бастакор Жамшид Садоий
Даргоҳидан паноҳ топиш Навоий.

Не ажаб, бу қутлуғ даҳада ул ҳам
Улуғ киниларга бўлса ҳамқадам.

Мана, неча қундур соҳиби хона,
Шоирни этмоқчи ғамдан бегона.

Дардинок ғазалига ҳазин бир наво
Басталаб, кўнглига ахтарар даво.

Навоий миннатдор бўлиб нақадар,
Садоий қалбидан теради гавҳар.

Мовароуннаҳрда машҳурдир бу зот,
Халойиқ кўнглига манзурдир бу зот.

Бу зотнинг куйидан аҳли шуаро
Завқ олиб, ғазалга берар зеб, оро.

Қай ғазал Садоий дилин этса банд,
Ул бўлур бир умр қалбларга пайванд.

Шуаро ғазалсиз келмас қошига,
Ҳурмати беқиёс куй наққошига.

Мавлоно Мирзобек билан эса ул
Санъат гулшанида отаю ўғил.

Мирзобек ғазали Садоий сабаб
Қушиқ осмонида турибди порлаб.

Икки дўст туфайли ўтар шўху шаън,
Аҳли санъат қурган базму анжуман.

Мирзобек сафардан қайтган куниеқ,
Қошига йўл олди Садоий муштоқ.

Навоий келганин айлаб хабардор,
Навқирон шоирни этди бахтиёр.

Мирзобек қалбини чулғаб ҳаяжон,
Отланди Садоий даргоҳи томон.

Садоий ҳовлисин бир кунжагида,
Шохлари пайваста ўрик тагида,

Ораста кулбада Навоий маҳзун,
Дардди халқларнинг домига тутқун.

Қалам билан довот бўлиб улфати,
Қоғозга тўкилар кўнгили ҳасрати.

Мирзобек ҳовлига кирганда хумор,
Уйда йўқ эди, афсус, бастакор.

Уй бекаси билан сўрашиб хуррам,
Хилват кулба сари ул қўйди қадам.

Безор чертилди эшик ногаҳон,
Кўнглини ларзага солиб ҳаяжон,

Навобий ўридан сачраб қўзғолди,
Кулба остонида ҳайратда қолди.

Қошида бир йиғит турарди уқтам,
Навобий ҳол сўраб, қўл узатган дам,

Тавоф этмакка ул аста эгилди,
Навқирон қомати таъзимга келди;

— Ассалом, Навобий! Шаҳримиз пешкаш,
Сиздек бир шоирга эл эрди аташ.

НАВОБИЙ

Қуллуқ!.. Қулбамизни қилгайсиз обод,
Сиз бирла бу гариб кўнгул бўлгай шод.

Азизим, кўрмасин умрингиз завол,
Бул тараф учирмиш сизни қай шамол?

МИРЗОБЕК

Амир Султон Ҳасан Арҳангний ўгли
Мирзобек эрурмен, газалга кўнгли

Азалдан мубтало навқаламдурмен,
Зиёрат этмақдин шодмон эрурмен.

Мавлоно Садобий бўлиб гоят шод,
Сиздан хабар берди, муҳтарам устод!

НАВОБИЙ

Ташаккур, фақирни этмишсиз хурсанд,
Бошига кўтарсин сизни Самарқанд.

Садобий фахр ила сўзламиш сизни,
Барқдек порлоқ кўрмиш юлдузингизни.

Амир хусусида хушқалом бисёр,
Умрингиз умрига ўлсун пойидор.

МИРЗОБЕК

Кўнглумга ўт ёқди хушқаломингиз,
Қувончга чулғади эҳтиромингиз.

Не бахтким, сиз бирла кўришдим дийдор,
Бул нури оқшомдин кўнглим миннатдор.

Амир, ёдлар доим падарингизни,
Тилидан туширмас ашъорингизни.

Боғи Дилқушода ул табаррук зот
Сухбати амирга бахш этмиш нажот.

НАВОБИЙ

Падари бузургвор сўзалари ҳамон,
Кўнглумда яшайди булиб зур армон.

Чархи кажрафтордин дилимда ситам,
Ул зотсиз, найлайин, қон ўлди сийнам.

Бахт қуши қўндими билмам бошимга,
Балки, ул чорлади сизни қошимга.

Орқуёним, амирнинг жамолни кўрмак,
Гурбатда ул азиз ҳолатини сўрмак.

МИРЗОБЕК

Бу бахтдин падарим беҳад шод ўлгай,
Кўнгул армонлари тутдай тўкилгай.

Амирнинг ҳурмати сизга беқийс,
Назмингиз кўнглига солмиш эҳтирос.

НАВОБИЙ

Қошки, улуг амир мендек мусофир
Ташрифни туфайли этса муфтаҳир.

МИРЗОБЕК

Мавлоно Навобий, уз элингиз бу,
Сизни кўрмак элга энг буюк орзу!

НАВОБИЙ

Элга орзу эрур, Мирзобек, вале
Жабру жафю чекдим шеърим туфайли.

Мавлоно, бу кўнгул соҳибни азал
Назми ишқ шайдоси... Ўқунг бир газал.

МИРЗОБЕК

Лайли васлида Мажнун хун кезадур,
Ишқ бағрини этиб хун маҳзуни кезадур.

Яқсон чок ўлуб фиरोқ даштинда,
Оҳидини қуёб кун жунун кезадур.

(Мирзобек кўнглини босиб ҳаяжон,
Икки байт ўқиб лек тинди ногаҳон).

Назм дурри безаб кўнгили дафтарин,
Ҳайрат гулшанида деди:

НАВОБИЙ

Офарин!

Бир суҳан айтурга ожиздур фақир,
«Тарди акс» — назмда мушкул санъатдир.

Ки, панжа урубди ноёб истеъод,
Не ажаб, эл кўнгли андин ўлса шод.

МИРЗОБЕК

Менга зур сийлов бу, устоди аъзам,
Бошим кўкка етди, дилда ёнур шамъ.

Қошки, бўлур эдим сизга муносиб,
Меҳрингиз чашмаси этмас бенасиб.

Ва назм боғида сиз янглиғ даҳо
Бошига мангуга нур сочин само.

НАВОБИЙ

Мен даҳо эмасман, улмас муяссар,
Даҳолар — самовий юлдузга ўхшар.

МИРЗОБЕК

Не ажаб, номингиз бир кун Самарқанд
Кўкида порласа офтобга монанд.

НАВОИЙ

О кошки, Мирзобек, ҳавас эрур бул,
Вале бир умидга нймоним комил.

Улусга ҳамнафас ўлса шуаро,
Гўҳар қадрини ул англар эл аро.

МИРЗОБЕК

Улус деб ёгса-да бошга не бало,
Кулбасин тож-тахтдин кўрмишсиз аъло.

Жонингиз улуснинг жонига пайванд,
Қонингиз улуснинг қонига пайванд.

НАВОИЙ

Қисмат ўйинидин бу кўнгул қондур,
Анор донасидек кўздин пинҳондур,

Гурбат қафасида тутқундир жони,
Ёд этса, не ажаб, Хуросон они.

Бир почор йигитни олдим қаламга,
Илм олмоқ важҳидан ботмиш аламга.

Ўз она шахридин ул тушмиш йироқ,
Мирзобек, бир нафас берингиз қулоқ.

«Халқ кўпу йўқ бир ёри анинг,
Кўздин учуб шахру диёри анинг,

Куча кўпу уй кўпу бозор ҳам,
Билмайин улким, қаён урғай қадам.

Гурбат ўти кўнглига кор айлабон,
Жонини ёлғизлиги зор айлабон.

Сайр этиб оқшомгача бетушае,
Сун бўлуб оқшом тутибон тўшае.

Заъф ила ҳуши ўзига келмайин,
Тонггача уйқу кўзига келмайин.

Не топилиб кундуз анинг маскани,
Не билиниб кеча анинг маъмани.

Гурбат аро ҳоли ямондин ямон,
Ҳар не йўқ ондин ямон, ондин ямон».

МИРЗОБЕК

Мақтовдин баландроқ турғай бу анғор,
Шодада бамисли гавҳари анвор.

Зулумот қўйнида порлаган ҳулкар,
Олам айвониға сочай дермиш зар.

Бегона шаҳардин ахтариб нажот,
Мурувват илкига муҳтож хоксор зот.

Наҳотки, илм тилаб, эрса ломакон,
Саргардон кезса ул бесару сомон.

НАВОИЙ

Бул дунёким, сарвон саройга ўхшар,
Келиб-кетгунчидур фарзанди башар.

Бирисен гадодур, бирисен шоҳдур,
Вале сўнг манзили қаро туироқдур.

Мен ҳаёт боғида кўн чекдим заққум,
Йабру жафолардин лоззор кўнглум.

Улус шавкатини кўтардим тўддек,
Фитналар кўкенма санчидди тиедек.

МИРЗОБЕК

Ҳирийдин кетмаклик осон эмасдур,
Замона зайлидин рақиблар мастдур,

Вале сиздин умид узмас Хуросон,
Сизсиз бир мажолисе тузмас Хуросон.

Сиз неки битмишсиз элга ёд эрур,
Ул дилга дармону кўзга берур нур.

Самарқанд аҳли ҳам ардоқлаб сизни,
Бажо келтиргайлар ҳурматингизни!

НАВОИЙ

Кошки, шундоқ ўлса! Ушалгай армон,
Махзани илмдин бахра топгай жон!

«Менда бир утдурки, гар дам урсам афлок уртанур,
Асрасам кўнглумда жону жисми гамнок уртанур...»

Эй, Навоий, чун рутбадек оташин лаъли аро,
Хаста кўнглум тушти, тонг йўқ, гар бўлуб хок
уртанур».

X

Амри Арҳангийнинг қутлуг даргоҳи —
Нафосат мажлисин жонли гувоҳи.

Мирзобек туфайли бу хонадонда,
Дилларга сурурбахш дорул-амонда.

Мовароуннаҳрнинг хирад пешаси
Ва назм мулкининг аҳли пешвоси

Жамъ бўлиб, тонггача қурар анжуман,
Куй, қушиқ, газаллар янграр шўху шаън.

Анжуман завқидан мамнун амир ҳам,
Файзнок даврага мафтун кабир ҳам.

Самарқанд беълари ичинда амир,
Саодат пешалик мулкида машҳур.

Кўнгил махзанида мурувват дури,
Кўзин қаросида маърифат нури.

Султон Аҳмад мирзо ҳоким бўлса ҳам
Арҳангий сўзини қадрлар ҳар дам.

Амирнинг обрўси эл аро баланд,
Гоҳ ундан маслаҳат сўрар Самарқанд.

Ул Аҳмад Ҳожибек билан дуст эрур,
Ҳоким қайда бўлса, ёнида турур.

Унинг довругига қушилса довруқ,
Жонфизо бўлиб ул қилади қуллуқ.

Ҳоким суюк зотдир шаҳри азимда,
Ўгли шогирд эрур унга назмда.

Аҳмад Ҳожибек гар бўлмаса ризо,
Бир ишга қўл урмас ул Аҳмад мирзо.

Арҳангий даргоҳи яна ободдир,
Қуни-қўшилар ҳам меҳмондан шоддир.

Амир ва Мирзобек руҳида сурур,
Меҳмонлар қалбига сочар ёғду-нур.

Садой кўнгли жўр дилкаш навога,
Гўё ул роз айтмиш бир дилрабога.

Навой шаънига ёзиб дастурхон,
Амир кўнгли гўё бегубор осмон.

Бундай ҳашаматдан Навой лолдир,
Бегона шаҳарда бу бир хаёлдир.

Меҳмоннинг кўнглини эттали шодмон,
Нек сўзлар гавҳарин ахтарар мезбон.

АРҲАНГИЙ

Фалакнинг гардиши билан Навой,
Кўнглимиз этмушсиз гулшан, Навой.

Йўқ эрса, Самарқанд аҳли умрбод
Сизни бир кўрмакни этар эди ёд.

НАВОИЙ

Фақирга бир орзу эди Самарқанд,
Не бахтким, масқандур эмди Самарқанд.

Тақдир шамолига ким булғай қалқон,
Ул ризқин тариқдек сочғай ҳар томон.

АРҲАНГИЙ

Сизни ҳавас бирла сўзлаб Баҳодур,
Истеъдоди анинг, дер, эди нодир.

НАВОИЙ

Надари бузургвор умрин этиб харж,
Умрим биносига нақш этмиш ганж.

Кўзум қаросидек асраб бул ганжни,
Тортгаймен бошимга тушган ғам, ранжни.

АРҲАНГИЙ

Бисёр саодатманд, нек ният ул зот
Умридан миннатдор Самарқанд, Ҳирот.

Мирзо Умаршайхнинг умид чироғи
Ва масъул чоғларда суянган тоғи,

Баҳодур эдилар, шуқуҳи баланд,
Адолат пешалиг жонига найванд.

Бисёр бандиларга ул айлаб шафқат,
Хуни баҳосини тулаб ҳамма вақт,

Озод қилар эди бандиликдин ул,
Карам соҳибидин ризо не кўнгул.

НАВОИЙ

Улуғ амир, сизни сўйлаб ҳамиша,
Ул азиз дер эди: саодатпеша.

Бошимга ёққанда кулфат тошлари,
Кўзумдин оққанда алам ёшлари,

Ҳасрат уммонига булган чоғим гарқ,
Сизнинг ҳам ёдингиз дилда урмиш барқ.

АРҲАНГИЙ

Ташаккур, Навой! Булмаг асло кам,
Топғаймиз дилдаги дардларга малҳам.

Садой савт боғлар газалингизга
Ва ҳамроз булгуси Мирзобек сизга.

Аҳмад Ҳожибек ҳам газал шайдоси,
Назмда «Вафой» эрур имзоси.

Сизга ул ҳамиша мухаммас боғлар,
Номингиз кўнгулда гулдек ардоқлар.

Доруга огоҳдир, аҳтимол, сиздин,
Сиз эса юрмишсиз панада кўздин.

НАВОИЙ

Улуғ амир, ҳолим ямондин ямон,
Илм истаб, бошимни урайн қайн.

Фазлуллоҳ Абуллайс мадрасасида
Таҳсил кўрмак эрур мақсуд аслида.

Кошки, сиз чўзғайсиз нажот илкени,
Мунаққаш эттайсиз кўнгул мулкени.

АРҲАНГИЙ

Субҳидам фақиҳни этурмен ризо,
Эҳтимол, ул сизга йўқ демас асло.

САДОИЙ

Аъламул-уламо фақиҳ Абуллайс
Фазлидин Навой кўнгли топғай файз.

МИРЗОБЕК

Фақиҳ толибидин навқалам бисёр,
Навой сўзига алар ингизор.

АРҲАНГИЙ

Мавлоно Навой, шуарога хос,
Мирзобек газалга қўймиш зўр ихлос.

Кўнглунгиз чашмаси этса баҳраманд,
Умрбод унутмас сизни Самарқанд.

Вале бунда тонмиш обрӯ, эътибор,
Арҳангийнинг онга ҳурмати бисёр.

Ул кеча амирни этмиш зиёрат,
Шайхига Арҳангий бермиш зиёфат.

Навой саройга қадам қўйса гар,
Султон ҳурматиға булғай муяссар.

Шунинг-чун йулига чоҳ қазмоқ даркор,
Курмасин боргоҳнинг юзин ул гаддор».

Шакур Мирзо сўзин дўстлар маъқуллаб,
Мушгумга тугилар гуёки қуллаб.

Навой воқифмас ҳали бу ҳолдан,
Ул мамнун Қўҳадан эсан шамолдан.

Бу шамол шаҳарни уйготиб наҳор,
Самодан заминга инъом этди қор.

Лайлак қор эди бу — тонинг неъмат!
Самарқанд қишининг зебу зийнати!

XI

Опоқ қор қўйнида муътабар замин,
Қуларин сеҳрлар суманбар замин.

Кумуш кулгусидан олам мунаввар,
Қунгиллар бегубор, тиллар суханвар.

Борлиқни яйратар дилкушо ҳаво,
Богларда кезади ёқимли сабо.

Само муждасини ардоқлаб ҳумор,
Самарқанд касб этмиш дилафрӯз виқор.

Қуёш ҳам чарақлаб боқар фалакдан,
Сувратин ахтариб наҳри Қўҳадан.

Бу кумуш оламда кулиб толеъи,
Чокардиза сари елар Навоий.

Ҳар даҳа, ҳар кўча узига чорлар,
Мунаққаш мадраса офтобдек порлар.

Муқаддас даргоҳга ул қўйиб қадам,
Мударрис қошига талпинар илдам.

Нақшинкор хужрага бериб кўрку файз,
Фикҳ-ла банд эди Хожа Абуллайс.

Қошида Навоий айлади таъзим,
Фақиҳ ҳам шоирга жилмайди маъсум.

НАВОИЙ

Аъламул-уламо, сизни бул фақир
Курмакка азалдан эди мунгазир.

Субҳ бирла қўнмишдур бошимга ҳумо,
Сиз сари чорлаб ул этмиш илтижо.

Илм истаб, Ҳирӣдин келдим хокисор
Ва кўнгул айлади сизни ихтиёр.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Алишербек, келинг! Не улуг бахт бу!
Гул ёзмиш кўнгулда ниш оттан орзу.

Машҳури оламдур ҳар каломингиз,
Меҳр офтобидур дилда номингиз.

Сизни кўп кўрмасин элга деб худо,
Ғойибдан субҳу шом қилардим дуо.

Ҳарқалай, дуойим қолмай бесамар,
Дийдор кўришмак ҳам улмиш муяссар.

Кеча Аҳмад Ҳожи йўлламиш мактуб,
Ул сизни фақирга кўрмишдур матлуб.

Ризолик номасин битиб шул заҳот,
Кўнгулда ҳис этдим ажиб қаноат.

НАВОИЙ

Аъламул-уламо, ожиздур фақир
Бул бахтдин демакка сизга ташаккур.

Бир ғариб кимсанинг бошини силаб,
Қамоли умрига эзгулик тилаб,

Шодлик чашмасидан қилиб баҳраманд,
Кўнглини этмишсиз тоғдек сарбаланд.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Мавлоно Навоий, сизга бул хилқат
Салафлар умридин сўзлағай ҳикмат.

Олиму шуаро курса анжуман,
Кўнглунгиз яшнағай бамисли чаман.

Умри саодатдин улуб бахтиёр,
Дилингиз тарҳида қолмағай губор.

НАВОИЙ

Дур термак матлабим баҳри илмдин,
Ҳам қонмоқ истайман наҳри илмдин.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Не ажаб, улгайиб орзу ниҳоли,
Табассум айласа илм ҳилоли.

Фақир билмоқ истар: Машҳаду Ҳирот
Мулқида сабоқда ким эрди устод?

НАВОИЙ

Устодлар сиймоси бамисли ҳулқар,
Кўнгул осмонида нур сочиб турар.

Муборак кўнларни қилсам тасаввур,
Жисм аро жонимда қўзғолур ҳузур.

Фасиҳиддин Соҳиб умрин этиб сарф,
Болалик фаслида ургатмишлар ҳарф.

Ул зотнинг меҳридин дил тонмиш қамол,
Кўнглумни офтобдек этмиш иштиол.

Садриддин Равосий сайд қилмиш дилим,
Ул ошно айлади назмга тилим.

Атодек меҳрибон Ҳасан Ардашер
Бенуқсон айтарди туркий ила шеър.

Хожа Юсуф Бурхон илқида фақир,
Муסיқий фанидан термин жавоҳир.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Бул зотлар доврugin мулки Хуросон
Арзиғай Машириққа айласа достон.

Мавлоно Фасиҳу Ҳасан Ардашер
Номлари кўнгулмга кўндин ошнодир.

Шуқуҳ самосида Ҳирот мисли кун,
Ҳатто Самарқандни эттанди мафтун.

Ва лекин тутулмиш Ҳирот офтоби,
Кўнгулни уртағай ўтли хитоби.

Мунда Улугбекнинг руҳи барҳайт,
Ул бирла ҳамсабақ олимлар ҳайт:

Ул пири бадавлат Муҳаммад Олим,
Навқирон авлодга ургатур таълим.

Хожа Уҳд Мастуний эл аро манзур,
Фалакиётда ул беназир эрур.

Муаммо бобида Алоий Шоший,
Илми табобатда Қутб Санафий

Мовароуннаҳрда қозонмишлар от,
Алар бирла сизни куттай мулоқот.

НАВОИЙ

Ари уясига ўхшайдур Ҳирот,
Осула кўнларни кўмсайдур Ҳирот.

Самарқанд азалдин машҳури олам,
Ким келса, бул элда улғай мукаррам.

Мавлоно Лутфийга ургатиб сабоқ,
Самарқанд айламини умрини порлюқ.

Ул зот карам бирла сизни этур ёд
Ва мени сиз сари юбормини дилшоуд.

Деминшим: ул зотни айланг ихтиёр,
Фақиҳ сулоласи Машириқда донгдор.

Табаррук устоднинг орузини бажо
Айламак фақирга олий муддао.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Офарин, эй фарзанд! Аҳли Самарқанд
Лутфийнинг назмига эрур ҳавасманд.

Фақир хонадони эса бегумон,
Ул зотни шод этиб, эслайдур ҳамон.

Сизнинг ҳам падари бузрутворингиз
Самарқанд мулкидин, биллиб қўйинг сиз.

Боғи баландда ул айлаб мулоқот,
Фақир шуурини этган эди мот.

Дониш киши эрди, зеҳни беназир,
Муסיқа, назмда ул эди соҳир.

Қавму қариндоши бор эди мунда,
Иззату икромга ёр эди мунда.

Ғиёсиддин дўстга меҳрибон эди,
Арҳангий бирлан ул қадрдон эди.

Темурийлар аро ардоқлиғ ул зот,
Баҳодирлиғ ила қозонмишлар от.

Афсус, минг афсуским, умр бебақо,
Барвақт бандалиғни келтирмиш бажо.

НАВОИЙ

На чора, кетмушлар барвақт оламдин,
Бошга не тушмади кулфат, аламдин.

Ойнинг ними қаро, ними рўшнодур,
Башарга қайғую шодлик ошнодур.

Қаро тун кетидин офтобга сарвар,
Нурли тонг келмоғи эрур муқаррар.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Сиз ҳақсиз Алишер! Бошга сочиб зар,
Конки, офтоб этса дилин мунаввар.

НАВОИЙ

Аъламул-уламо, келур хуш замон,
Халойиқ кўнгида қолмағай армон!

XII

Дилситон хужрада Навоий хурсанд,
«Ҳазинаҳои фиқҳ»га боқар ҳавасманд.

Мадраса таҳсили кўнглин этган ром,
Абуллайс фазлидан барқ урар илҳом.

Илми нужумдан ул бўлиб баҳраманд,
Фалакиёт этмиш хайлини банд.

Наиғу намо топиб аруз дарсидан,
Дил рози раҳнамо мударрисидан.

Фақиҳ Абуллайсининг толиблари ҳам
Дилафғор қалбига бўлмишлар малҳам.

Илҳом тулйорида кезиб сарафроз,
Ул назм кўкида этмишдир парвоз.

Кўшини хужралардан шу гаройиб дам,
Шоирни йўқламини уч-тўрт навқалам.

БАДӢИЙ

Ассалом, Навоий!

НАВОИЙ

Салом, азиялар,
Мени шод этмишсиз, лутфи лазиялар!

БАДӢИЙ

Сиз бирла, Навоий, айламини фахр,
Бугун оламафроз Мовароуннаҳр!

НАВОИЙ

О, кошки! Азизлар, утгайсиз тўрга,
Сиз бирла ҳужрамиз пур бўлмиш нурга.

Мавлоно Мирзобек йулига муштоқ
Дилимга меҳрингиз ёқмиш шамъчироқ.

САФОИЙ

Муқарриб эткандин азизлар сизни,
Қўнглимиз қўмсади суҳбатингизни.

ҲАРИМИЙ

Не бахтким, бизларга ўлмиш муассар
Сиймонгиз дилларга этмак мусаввар.

НОДИР

Марвлик бул фақирин қўнглига азал,
Сеҳриок назмнингиз бахш этмин сайқал.

Сиз бирла қилгали мени ҳамсабақ,
Бул мулкка чорламниш умиди заврақ.

БАҚОИЙ

Шабоб гулшанида кезиб серармон,
Беруний юртидан келишим бу ён.

Тангрига шукўрким, бул қутлуг айём
Завқини фақирга айлади ишғом.

НАВОИЙ

Азизлар, сўзунгиз жонимга малҳам,
Вале олқин бирла қилмангиз мулзам.

Пойингиз ўнганда ҳужра остони,
Ғубордин покланди қўнгул осмони.

Сиз янглиғ дўсту ёр ўлса бебаҳо,
Кн, фақир умри ҳам кечгай бежафо.

Фақиҳ Абулайсдин дил тонмин таскин
Ва ўқир ул зотнинг шаънига таҳсин.

Сизларга отадек бўлиб раҳнамо,
Улуста этмишлар умрини фидо.

Латиф сўзлар билан таърифлаб сизни,
Фақирга танигди ҳар бирингизни.

Бул ажиб даврада бўлмиш намоён:
Самарқанд, Хоразм, Марву Андижон.

(Ҳужра остонида вале шу асно,
Навқирон Мирзобек бўлмишдир пайдо).

МИРЗОБЕК

Мавлоно Навоий, унутманг вале,
Бул давра шукўҳди Ҳирий туфайли.

НАВОИЙ

Азизим, Навоий дилибандлигдур,
Билсангиз, ул асли Самарқандлигдур.

МИРЗОБЕК

Самарқандлиғ ўлмак бахтдур азалдин,
Мунда дил завқ топгай шеърү газалдин!

Самарқанд улуму ҳикмат махзани,
Оламга бергусиз илҳом маъмани!

Баҳраманд ўлса ким Обираҳматдин,
Демушлар, беармон утгай ҳаётдин.

Қўнглини мусаффо этгай ҳавоси,
Жсонига пайваста ўлгай навоси.

Бул юртда Навоий толеъи кулсун,
Самарқандлиғ оти муборак ўлсун!

НАВОИЙ

Мавлоно Мирзобек, ташаккур сизга,
Камина бундоғ пайт оғиздур сўзга.

БАДИИЙ

Мирзобек азалдин моҳир суҳанга,
Ул зийнат бахш этур ҳар анжуманга.

НАВОИЙ

Азизлар, Мирзобек туфайли фақир
Амир Арҳангидан қўнгли муфтахир.

Амир зикроти тушга ўхшайдур,
Бошга қўнган ҳумо қўнга ўхшайдур.

Мурувват зарини сочмаса ул зот,
Фақиҳдин хаста дил топмасди нажот.

Мирзобек шаънига ўқуб ташаккур,
Самарқанд аҳлидин бу қўнгул масрур.

Олам аркони дур шаҳри Самарқанд,
Башар султони дур аҳли Самарқанд!

ҲАРИМИЙ

Киншари оламнинг кўзи Самарқанд,
Офтоб узугининг кўзи Самарқанд!

НОДИР

Самарқанд номига бўлүб муносиб,
Яшмак ҳар кимга қилмагай насиб.

НАВОИЙ

Азизлар, Самарқанд шаънига шул пайт
Қўнғлумда замзама қилмакда бир байт.

Бул назми Фоний дур, форсий зеб ўлмиш,
Туркигўй Навоий лек котиб ўлмиш.

«Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Дар олам қиблан меҳрам ҳамин аст».

БАДИИЙ

Марварид шодадек мухтасар газал
Матлаъи Самарқанд тожиге сайқал.

Кўнгулда туғиниш орзу туғилмиш,
Ғазал кишваринида нурга йўғрилмиш.

Навоий лутф этса, шоҳона ғазал,
Назм гулшанини эттиси ғўзал.

СЎҒДИЙ

Не ажаб, назми форс Фоний лутфиндин
Нурланса, қамашгай кўзлар ҳуснидин.

Эшитмак матлабим янги ғазални,
Буюклар васф этмиш шаҳри азални!

НАВОИЙ

Дил уйин лутфингиз чарогон этмиш
Ва ушбу ғазални армуғон этмиш:

«Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Дар олам қиблаи меҳрам ҳамин аст.

Тавофи хоки он доранд мардум,
Ба ҳар жо бингари нақши жабин аст.

Нагардад Кўҳаки шўҳ ҳеч фаромўш!
Ба лаззат оби он чун ангубин аст.

Чу дар олам Самарқанд офариданд,
Нидои офаридгор «офарин» аст.

Жаҳон бошад агар ангуштарине,
Ба ин ангуштари зебо нигин аст.

Ғазал гарчи арўси шеър, аммо,
Самарқанд аз ғазал ҳам нозанин аст.

Саное нест Фоний шаҳри моро,
Чаро ки сайқали рўйи замин аст».

(Самарқанд сайқали рўйи заминдур,
У меҳрим қибласи — жонга яқиндур.

Шаҳар хокин тавоф этгай бутун эл,
Буюклар хоки бу — хатти жабиндур.

Унутгайму киши Кўҳакни ҳаргиз,
Суви лаззатда мисли ангубиндур.

Самарқанд жилва қилгач олам узра,
Жаҳон аҳлин нидоси — офариндур.

Агар дунё узук бўлса, Самарқанд
Узукка ҳусн ато қилган нигиндур.

Ғазал сўз ғўзали, алҳақ, валекин
Самарқанд лафзи андин нозаниндур.

Адо бўлмас Самарқанд мадҳи, Фоний,
Ахир у сайқали рўйи заминдур).

МИРЗОБЕК

Мавлоно Навоий, ташаккур сизга,
Фоний тимсол улмиш форсийда бизга.

Тонг билан офтобнинг нуридек афшон,
Оламга тарқалур назми дурахшон.

Элда дoston улгай васфи Самарқанд,
Тоабад фахр этгай насли Самарқанд!

САФОИЙ

Самарқанд васфини Фонийдек аъло
Демабдур то ҳануз аҳли шуаро.

БАҒДИЙ

Навоий дилин бул шўҳ таронаси,
Кўнгулга ўт солгай ҳар шарораси.

НАВОИЙ

Тилак осмонида барқ урган матлаъ
Сиз туфайли сочмиш ғазалга шўъла!

Мирзобек, кўзларим тўрт эди сизга,
Кўнгул муштоқ эди сўзларингизга.

Не билан фақирни шодон қилурсиз,
Ҳирийда не ҳоддир, балки, билурсиз?

МИРЗОБЕК

Сизни шодон кўрмак буюк саодат,
Шуаро бахтига бўлинг саломат.

Афсуским, Ҳирийдин хабар йўқ ҳамон,
Мирзойига кўнмиш вале бир карвон.

Надари бузургвор дилида ишфоқ,
Сиз билан суҳбатга кўзгар иштиғқ.

Қошига этсангиз қадам ранжида,
Назми дур юз очгай дили ганжида.

НАВОИЙ

Қуллуқ, мени хурсанд этдингиз гоят,
Бирор хабар топсам Ҳирийдан шоят.

Нечундир кўнгулга чанг солар гашлик
Ва гашлик домида бағрим оташлик.

МИРЗОБЕК

Дилингиз эзмасин гашлик тикани,
Шукуфта айласин назм гулшани.

Сизни шод этмақдин бахтиёрдурмен,
Сиз қайда бўлсангиз мен ҳам ёрдурмен.

Доруға шавкатин яхши билурсиз,
Тонг билан қошида бирга булурсиз.

Ул сизни саройга чорламиш шодон,
Саодат гулидин кўнгли гулистон.

НАВОИЙ

Дилимга ўт солмиш бул хабар, амир,
Қадри баланд булгай ким этса қадр.

XIII

Феруза кўк билан талашиб ҳусн
Куксарой гумбазин нақшида фусун.

Офтобнинг кўзлари қамашиб ётур,
Камалак ранглардан нигоҳлар ёнур.

Ҳаймакор устунлар, нақшин пештоқлар,
Анвои кошчилар, турфа бўёқлар.

Қандил шамчиरोғу форсий гиламлар,
Деворда чамандек ёнган кўкламлар,

Қозикқа осиглик уқ-ёйли камон,
Дур соғли шамширу тиг утмас қалқон,

Сарой жамолига бахш этмиш виқор
Ва ҳоким кўзига кўринмиш дилдор.

Бир қўшиқ лол этди уни базмда,
Соҳиби — толибдир шаҳри азимда!

Тун буйи кўзини уйқу тарк этди,
Илҳом парилари илқидан тутди.

Шоир сурудига бўлиб ҳамнафас,
Ғазалга боғлади тонг-ла мухаммас,

Ва карам боғини эттали бустон,
Товачи юбориб мадраса томон,

Саройда қутлашни айлаб ихтиёр,
Навоий йўлига боқар интизор.

Доруға қошинда жамъдир аҳли бор,
Нечундир вазирнинг кўнгли беқарор.

Ҳоким мактубидан Навоий хурсанд,
Бебаҳо ораулар кўнглига пайванд.

Оламда кўрмиш ул ўзга бир чирой,
Муборак пойини ўпмиш Кўксарой.

Тилсимдай ақли сеҳрлар боргоҳ,
Зарҳал нақшлари тиндирар нигоҳ.

Аҳли бор эғнида ёнар барқутлар,
Саф тортиб, орауманд, шоирни қутлар.

Қутлар Навоийни Аҳмад Ҳожибек,
Шоир ташрифидин кўнгли розидек.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Мавлоно Навоий, Самарқанд пешкаш,
Сиз туфайли ўлди кўнгул мунаққаш.

НАВОИЙ

Қуллуқ, беҳад шодмен, сиздек мукаррам
Доруға фақирга айламиш карам.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Самарқанд мулкинда сиз бирла дийдор
Кўришмак бахтидан хурсанд аҳли бор.

Сизни Кўҳак сари йўллаб Хуросон,
Не ажаб, турсаким қўллаб Хуросон.

(Вазир Шакур Мирзо кўнглидаги тош
Барқдек чақмоқ чақиб, ердан олди бош).

ШАКУР МИРЗО

Ҳазратим, товачи келиб Ҳиротдин
Огоҳ этди бизни сир-синаотдин.

Навоий Ҳиротдин қилинмиш ихрож,
Ки, утлуғ сўзига эл эмиш муҳтож.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Огоҳмен, ўзгадур Ҳирот ҳавоси,
Бу юртнинг мусаффо саҳну самоси!

Навоий сўзининг қадридур баланд,
Дурдондан дур олса, не тонг Самарқанд!

Самарқанд азалдин гулшани илҳом,
Ки, қалам тулпори елгай хушхиром.

Дақиқий, Рудакий, Лутфий шуху шаън,
Бу юртдин топмишлар ўзига маскан.

Бу юртда Саккокий, Жомий, Атоий
Назига этмишлар жонни фидоий.

Ким тотса бу юртнинг нону тузидин,
Кўнгул нурланадур назмий сўзидин.

Навоий туфайли, вазири аъзам,
Не ажаб, Самарқанд ўлса якқалам.

НАВОИЙ

Кукка етмиш бошим, бул нажиб баҳо
Навқирон умримга бўлғай раҳнамо.

Салафлар қадами теккан бу тупроқ,
Азалдин муқаддас, толеъи порлоқ.

Мирзо Улугбекнинг юлдузи қадар,
Йироқдир бизлардин буюк сиймолар.

Одамзод бошидин кечур не савдо,
Афсуским, раҳм этмас гурбатли дунё.

Вазир қармоғига илинмиш жоним,
Вале омон қолғай, комил иймоним.

Ихрож кемасинда овора бул жон,
Таҳсил улум деб келмишдир бу ён.

ШАКУР МИРЗО

Мавлоно Навоий, туттайсиз маъзур,
Доруға кўнглига бўлмишсиз манзур.

Омади гапни мен сўйладим, холюс,
Шуаро аҳлига меҳрим беқиёс.

Манави Файз Маҳмуд — шоири боргоҳ,
Лутфи карамимдан эрурлар огоҳ.

Хуросон мулкига тобеъимиз вале,
Яқо чок ўлмасун ихрож туфайли.

(Қомати гаровдек, кўзлари бежо,
Файз Маҳмуд ўзига қўйганча бино,

Кибру ҳаво билан силаб соқолин
Мағрур кузатарди Навоий ҳолини).

НАВОИЙ

Таъна тошларини, вазири аъзам,
Отмоқдин мақсад не, қолмасун мубҳам.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Мавлоно Навоий, лек чекманг озор,
Гул улмас тикансиз, ойда ҳам доғ бор.

Шакур Мирзо жуда чечандур сўзга,
Утинчим, гапини олмангиз узга.

ШАКУР МИРЗО

Ҳазратим, фақирни маъзур туттайсиз,
Рўй бермиш савдони лек унуттайсиз.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Мевали дарахтта отурлар тошни,
Адолат қилчи кесмагай бошни.

НАВОИЙ

Олий ҳазратлари, вазир бегуноҳ,
Намойиш этмиш лек улагин ногоҳ.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Мавлоно Навоий, дилда неки бор —
Орау-матлабингиз қилгайсиз ошкор.

НАВОИЙ

Сиз бирла кўришмак — олий мукофот,
Соғинч бирла сизни ёд этар Ҳирот.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Огоҳмен, Навоий, аҳли Самарқанд
Номингиз дилинга айламин пайванд.

Орауманд эрурлар кўрмакка сизни,
Ҳофизлар мадҳ этмиш газалингизни.

Камина кўнглида сизга зўр ҳавас,
Ижодда булғаймиз, балки, ҳамнафас.

Сарой муруввати — бул кундин буён
Қушҳовуз даҳасин қилгайсиз макон.

Сизга бир бошпана топиб берурмен,
Субҳи шом назарда тутиб турурмен.

Қисмат савдосини унутинг дилдин,
Баҳраманд булғайсиз мунда шмдин.

Сизга эҳсонимиз булғай бул сарпо,
Кўҳакий зардузи қилгайсиз дуо...

Навоий кифтига ёшиб зарбоф тўн,
Доруға Ҳожибек қутлади мамнун.

Ҳам барқут ҳамёини этди-да инъом,
Шоирга кўрсатди сўнгсиз эҳтиром.

Кўнгли сурурини қилғали изҳор,
Муборакбод этди барча бахтиёр.

Шакур Мирзо билан Файз Маҳмуд мулзам,
Ичидан зил кетиб, қутлади шу дам.

НАВОИЙ

Олий ҳазратлари, бул қутлуг айём,
Саодат фаслидан менга тутмиш жом.

Ҳамиша барқ урғай салтанатингиз,
Кўҳақдек тинч улғай мамлакатингиз.

Кошки, насиб этса, Мовароуннаҳр,
Назмини безаса бул боғи Даҳр!

Хуросондин келиб бул қутлуг элга,
Қадру камол топиб, тушибсиз тилга.

Сизни фахр ила ёд этур Ҳирий,
Йулингизга муштоқ кўз тутар Ҳирий.

Сизнинг азиз пойи-қадамингиздин,
Мурувату лутфи карамингиздин,

Осойиш топибди Мовароуннаҳр,
Фирдавсдек боғида эл топғай баҳр.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Ано юртим Ҳирий булса-да гарчанд,
Ато юртим эрур мулки Самарқанд!

Бир элдир азалдин бул икки шаҳр,
Бир байтдир газалдин бул икки шаҳр.

Сиз қадам ранжида қилиб бул элга,
Ато меҳрин пайванд этмишсиз дилга.

Ул азиз изларин қилгайсиз тавоф,
Фарзандга зиёдроқ булмагай савоб!

НАВОИЙ

Ташаккур, доруға! Бул дорул-амон
Сайқали сўнмасин тургунча жаҳон!

XIV

Вазир Шакур Мирзо хилват даргоҳи —
Неча ҳодисалар тилсиз гувоҳи.

Фисқу фасодларнинг сандиги бунда,
Вазир қули билан очилар тунда.

Деворнинг қулоғи бор, деган башар,
Бу нақл олдиди, балки, адашар.

Вазир даргоҳида не булса содир,
Сарой ҳам билмакка эмасдир қодир.

Ёнигиқча қолур ёнигиқ қозон,
Қоппоғин ололмас узга бир инсон.

Вазирга вафодар содиқ қуллари,
Унинг тувагини ялаган сари,

Мансаб зинасидан ошиб поғона,
Уиларнинг турида қураб чордона.

Чоғир мажлисида бу оқшом яна,
Во ажаб, очилди сандиги фитна.

Ширакайф вазирнинг оғзини улар
Мушукдек пойлашиб, тавозеъ қилар:

Бири — Абу Бакр, машҳур савдогар,
Бири — Муҳсин Саркор, элдан бож олар.

Зокир Али бири — миршаби калон,
Бириси Мир Аҳмад, соҳибн зиндон.

Бириси Файз Маҳмуд — шоири боргоҳ,
Боғи назм аро савдойи гумроҳ.

Саллани олиб кел, деса гар вазир,
Каллани олмоққа улар мунтазир.

Дастурхон устида таомлар сархил,
Мис баркашда эса яхна гушт ҳил-ҳил.

Ургут каклигию Гавс беданаси —
Вазири аъзамга қиш кўрманаси.

Мингбулоқ зирасин бўйдан сархуш,
Кенагас шаробин этишмақда нўш.

Боши говлаб кетган майхора вазир
Навоий йўлига яна чоҳ қазир.

ШАКУР МИРЗО

Навоийни ихрож этдию Ҳирот,
Самарқанд ороми йўқолди, ҳайҳот!

Билурсиз, обрўси зўр анинг элда,
Номи ҳам ёд эрур эл аро тилда.

Аҳмад Ҳожибекдин кўнглум гаш эрур;
Анга кор қилмади мен берган дастур.

Саройга қўямасин дегандим қадам,
Лек чорлаб қошига, бошим этди хам.

Огоҳсиз, доруға газал шайдоси,
Аҳли шуаронинг ул раҳнамоси.

Шу ваҳҳдин Навоий излади паноҳ
Ва уни бошига кўтарди боргоҳ.

Ғишт кўчди қолипдин бемаҳал, эсиз,
Лек огоҳ ўлғайсиз Навоийдин сиз.

Навоий назмининг баланд ҳавоси,
Самарқанд кўкини тутмиш навоси.

Ул элнинг кўнглига солмасин оғу —
Ки, сарой булмасин бизга қоронғу.

Файз Маҳмуд ул билан ҳамсабоқ булғай,
Субҳу шом таомда ҳамтабоқ булғай.

Навоий кўнглига аста солиб қул,
Асл мақсудини билиб олғай ул.

Сизлар эса, дўстлар, булғайсиз ҳушёр,
Шуаро аҳлидин эҳтиёт даркор.

Навоий йўлига қўйғайсиз тузоқ,
Сарой остонидин ул булсин йироқ.

АБУ БАКР

Ҳазратим, Навоий хатарнок зотдур,
Анингдек кимсалар бул элга ётдур.

МУҲСИН САРКОР

Узунроқ ташламоқ даркор арқонни,
Дафъ этмак маҳолдур эл суйган жонни.

ЗОКИР АЛИ

Фақирга берилса фармони олий,
Ҳибса кўражак узин Навоий.

МИР АҲМАД

Ҳибс этмак мушкилдир Навоийни, лек
Раҳнамо улса гар Аҳмад Ҳожибек.

ФАЙЗ МАҲМУД

Навоийнинг элда обрўси баланд,
Биз анга чоҳ қазиб, сунг емайлик панд.

ШАКУР МИРЗО

Етти ўлчаб, бир бор кесмак даркордур,
Минг ўйлаб, бир сўйлаш элга широдур.

Аҳмад Ҳожибекнинг кўнглини андин
Қолдирмак чорасин кўрмаклик мандин.

Доруға қўйнига солиб пуч ёнгоқ,
Навоий васлидан эттаймиз йироқ.

МУҲСИН САРКОР

Ҳазратим, Файз Маҳмуд улса ҳамсабоқ,
Дўстона ташласин кўнглига қармоқ.

Устод, деб, ҳурматин келтирсин бажо,
Шаънига бирор сўз айтмасин бежо.

Навоий пинжиги кириб олиб ул,
Ўзига ром этсин кўнглини буткул.

Доруға қошига чорласин, майли,
Ишончин қозонсин боргоҳ туфайли.

Бу ишда, вазирим, сиз экан сардор,
Тузилган режамиз топгуси қарор.

ЗОКИР АЛИ

Муҳсин Саркор ҳақдур, тадбири шоян,
Файз Маҳмуд дўстлигини этса намоён.

Навоий илтингай қармоғимизга,
Сунг толеъ жилмайиб боқадн бизга.

Офарин, азизлар, этмишсиз мамнун,
Майноб айламин бу дилин мажнун.

Тагин бир косадин қуйинг шаробдин,
Навоий умидвор улмин саробдин.

Ул назм мулкида эрса-да сарвар,
Бул элда ичгани булгуси заҳар...

Фисқу фужур ипин тутишиб маҳкам,
Вазирнинг қошида бошин қилиб хам,

Бир тувакни пинҳон ялашиб улар
Нақ ярим кечада тарқалишдилар.

Уммонга отилган тошдай бенишон,
Тун қуйнига сингиб кетишди шу он.

XV

Мударриси ағлам Алойи Шоший
Сухбатин қумсарди кўпдин Навоий.

Илмда зуккою хуштаб донишманд
Шукуҳи баланддир Абуллайс монанд.

Улугбек мадрасасин этиб обод,
Ешларга ургатар ул хату савод.

Муаммо бобида Шоший беназир,
Шарафиддин Яздий сингари топқир.

Шул важеҳдин олимга кўрсатиб карам,
Халойиқ тутади уни мусаллам.

Навоий кўнглида яшаган армон,
Шоший даргоҳида айлади меҳмон.

Олим ётар эди тўшақда беҳол,
Қўзғолмакка унда йўқ эди мажол.

Синган оёғини даволаб, табиб,
Шошийга боқарди бамисли ҳабиб.

Табиб Санафийнинг туриб қошида,
Навоий тиз чўкди олим бошида.

Заъфарон юзига тикилиб маҳзун,
Шоший ҳолатидан ғам чекди фузун.

Бир муддат қурди-да ул билан суҳбат,
Соғайиб кетмагин айлади ният.

Сунг эса Навоий унга шу асно
Эзгу тилак билан битди муаммо.

Муаммони этиб устодга инъом,
Навоий қўзғолди... Шоший беором.

Қўзойнагин тақиб, ўқиди шеърни,
Шеър мамнун айлади донишманд пирни:

«Дур бод аз ту дарду заҳмати по,
Душманатро бало насибу ано».

(Балою дард узоқ бўлсин танингдан,
Қасос олсин ганиму душманингдан).

Сурурдан киириги намланган Шоший,
Дарди унут бўлиб, жонланган Шоший.

Бемор оёғига дармон югурди,
Муаммо соҳибин кимлигин сўрди.

Табассумдан юзи порлаб Санафий,
Ажиб гурур билан деди: — Навоий!

Навоий номини эшитгани он
Олим кўзларига ёришди жаҳон.

Санафийдан сўраб бир варақ қоғоз,
Навоий номини этди сарасфроз.

Бир латиф муаммо битиб шу замон
Шогирдин йўлади Навоий томон.

Навоий манзилга етмасиданоқ
Қошида жилмайди бир йигит қувноқ.

Тавозеъ билан ул ўзин танитди
Ва устод номасин шоирга тутди.

Навоий йигитга боқиб саросар,
Ушбу муаммога ташлади назар.

«Чашми ту маро диду манаш лек надидам,
Чун сер бубинам зи ту ин аст умедам».

(Мени кўрдинг, сени кўрсам на бўлгай,
Висолинг давлатин сўрсам на бўлгай).

Қувончдан ёшланиб Навоий кўзи,
Табассум сеҳридан нурланди юзи.

Навқирон шогирдга айтиб ташаккур,
Ул бозор томонга отланди масрур.

Хаёл кўзгусида Шоший намоён,
Гуёки изидан боқар серармон.

Устод ёди билан уйлари пайванд,
Дилафруз кўринар унга Самарқанд.

Бозор дарвозаси олдида, аммо,
Қалбига ут солди унинг бир гадо.

Асога таяниб, илҳом билан ул
Ушбу байтни ёддан ўқирди нуқул:

«Кукрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намкнорқ».

Усти-боши юпун, жулдур бул гадо
Байтидан Навоий булгандек адо.

Михланган сингари ер меҳварига,
Ёнидан кетолмай қолди нарига.

Сирли тугён ичра дили уртанар,
Гадонинг байтидан оташда ёнар.

Алангали туйғу ҳайрати кўзда,
Ишқ дардидан қайғу-ҳасрати кўзда.

Гадо эса унга бермай эътибор,
Узи севган байтни этарди такрор.

Аҳли дард, аҳли фаазл айлаб эҳтиром,
Гадога садақа қиларди инъом.

Ширали овози оламини тутиб,
Гадо эканини ўзи унутиб,

Ул ёниб куйларди бир ошиқ мисол
Айрилиқ дардидан қадди булиб дол.

Навий гадони тинглади узоқ,
Байтнинг сир-асорин билмади, бироқ.

Сунгра дил меҳрини эттали изҳор,
Садақа берди-да соҳибга, ночор

Мадраса томонга шаҳдам йул олди
Ва лекин хаёли гадода қолди.

XVI

Навий қалбида ишонч барқарор,
Умид офтобидан олам шуъладор.

Мадраса таҳсилни завқидан хурсанд,
Ўз она шаҳрига ўхшар Самарқанд.

Фаазлуллоҳ Абуллайс қилур ифтихор,
Доно толибидан кўнгли бахтиёр.

Навий туфайли ҳар қандай жумбоқ
Юз очар мисоли турнакўз булоқ.

Шуур осмонида мезонул авзон
Камалак рангида бўлур намоён.

Назм гулшанида гўёки булбул
Субҳи шом навозиш қилади кўнгул.

Навқирон шоирлар қалбига ҳамроз,
Улуғлар тилида номи сарафроз.

Мадраса ҳужраси ораста, шинам,
Ул учун гўёки қасри муҳташам.

Кўнглида юрт ҳажри этганда тугён,
Дўстлар дийдорини қўмсаганда жон.

Хуросон карвони билан доранда
Бир мактуб келтирмиш бугун азонда.

Хусайн Бойқаро номасидир бу,
Азиз дўст нафасин сабосидир бу!

Доранда ташрифи кўнглин чоғ этди
Ва наврўз субҳида кўнглин тоғ этди.

Мактубни оҳиста ул тавоф қилди,
Кўз нури қоғозга дурдек тўкилди.

Машҳад боғларидан эсмиш шаббода
Навийга гўё узатмиш бода:

«Азизим, Алишер! Сизсиз бу кўнгул
Айрилиқ дашгида нолаваш булбул.

Сиз кетиб, сўянчиғ тоғим қолмади,
Ҳирий ёғ ўлдию боғим қолмади.

Найлайин, ёнимда арконим йўқтур,
Танимда мадору дармоним йўқтур.

Маҳдум Ардашерга йўлламиш нома,
Кўнгул кулбасини этмиш вайрона.

Бошимга тошини ёғдирмиш афюк,
Гурбат оқшоминда мужгоним намнок.

Ашким сиеҳ айлаб этдим араиҳол,
Дил гамин хазондек учурмиш шамол.

Камдастлиғ тунида мадад бўлғай деб,
Кўнгул таскин топмиш ҳадя юбориб.

Бу олам боғида омон бўлғайсиз,
Дўсту ёр танига дармон бўлғайсиз.

Султон Абу Саъид дастидан ҳамон
Жанг-жадал домида инграр Хуросон.

Мавзилар вайрона, кулбалар хароб,
Силласи қуриган эл бағри кабоб.

Қачон тамоm бўлғай бул зулму озор,
Ё Ҳирий устига от сурмак даркор?

Алишер, қарорим ўлса гар манзур,
Умидвор куттайман сиздан бир дастур.

Мактубга бир газал илова этдим,
Гўёки бир лаҳза дардин унутдим.

«Бас эмас манга ҳам ўз ўтум, ҳам ёр ўти.
Ким, анга афзуи дағи бўлмиш яна бир зор ўти...»

Гар Хусайнийга бир ўтлуғ юз гами ўт солмаса,
Бас нечук оламини куйдурди Навоийвор ўти».

Навий мактубдан беҳад қувонди,
Халойиқ дардидан дил оловланди.

Ўнгида жонланди Машҳад манзари,
Ардашер, Турбатий... Дўстлар сарвари —

Хусайн номига битиб бир мактуб,
Самарқанд васфида сўзлар айтди хуб.

Хаёл гирдобида гарқ бўлиб боши
Шафаққа ранг бермиш дилин оташи:

«Юрт обод бўлмаса осойиш бўлмас,
Осойиш бўлмаса оройиш бўлмас.

Халойиқ бошига бўлғали паноҳ
Даркордир Хусайн янглиғ бир подшоҳ.

Султон Абу Саъид дағал ва тундху,
Токай сарвар бўлғай Хуросонга у.

Хусайн ҳар нечук адолатпарвар,
Темурийлар аро моҳир суханвар.

Мулки назмда ҳам хушрав қалами,
Дилбар газаллари жоннинг малҳами.

Ашъор деб ким олса илқиға қалам,
Қалами қошида қилгич боши ҳам.

Хуросон мулкига шоҳ бўлса шоир,
Балки, эл қалбидан терар жавоҳир.

Ҳали Абу Саъид қули баланддур,
Навкарлари эса дажжол монанддур.

Хусайн лашкари беролмағай дош,
Айламак лозимдур сабр ва бардош!»

Навоий ёдидан шу гаплар ўтди,
Сунг эса ул хатни элчиға тутди.

Хат билан музаффар ғазал лашкари
Мардона йул олди Хусайн сари.

«Меҳрдин дерменки бўлсам доим ул ойим била,
Найлайнким чарх эврулмас менинг ройим била...

Дам-бадам мискин Навоийнинг дегил қон ютмоғин,
Эй қадаҳ, гар ҳамдам улсанг бода поймойим била.»

Лутфи лазиз шоир васлидан хурсанд,
Камоли аҳтиром қалбига пайванд —

Доранда, номани олиб шу замон
Навоий ҳужрасин тарк этди шодон.

XVII

Боғинамол аро навруз айёми,
Гул бўлиб сочилмиш куклам илҳоми.

Ўриқлар бошида оқ шоҳи рамол,
Ноз билан боқар шўх келинчак мисол.

Ҳарирга чулганган нозанин гўё
Оқ олма ҳуснида сеҳру илтижо.

Боғаро сайр этиб ари йиғар бол,
Қушлар нағмасида саодатли ҳол.

Атиргул узатар қирмизи бода,
Настарап юзидан упар шаббода,

Қўзларни сеҳрлар наргиз чамани,
Боғаро қизиган гул анжумани.

Амир Арҳангийнинг сўлим боғида,
Наврузи оламнинг гул қучоғида

Сурурли табиат напғасидан маст
Шоирлар қалбига шеър ишқи пайваст.

Навоий, Мирзобек, Жамшид Садоий,
Риёзний, Ҳаримий, Юсуф Сароий,

Юсуф Бадий ва Бақоий, Нодир,
Хитобий, Файз Маҳмуд, Маъсуд Ақобир

Юзин кўрсатганда гули намозшом,
Лутф бирла боғ аро айлашиб хиром,

Навруз ясантирган боғ этагида,
Темурхон ўтказган чинор тагида

Кўҳақдай мавж уриб баҳорий илҳом,
Нафосат мажлисин диллар этмиш ком.

Назми турк сеҳридан диллар дурафшон,
Назми форс сеҳридан тиллар дурахшон.

Икки чашми сиёҳ — бул икки забон
Ва лекин бир дилда булур намоён.

Туркигўй шоирлар сурганда қалам
Ўз она тилидек янграр форсий ҳам,

Форсигўй шуаро назмини безар
Туркий уммонидан терилган гавҳар.

Дил билан тил каби бу тиллар сирдош,
Гўёки бир қалбда икки зур қўёш.

Форсий узук бўлса, туркий кўз эрур.
Туркий қушиқ бўлса, форсий сўз эрур.

Бу икки қардош тил сеҳри туфайли
Наврузга файз бермиш шеърят сайли.

Бу тиллар лутфидан ғазалсаролар
Назми ишқ боғида бағрин поралар,

Ҳаримий ўқиган ғазал барқ мисол
Қалбларга нур сочиб, этиб қўйди лол:

«Неча йиғлай шамъдек ҳажрингда ёрим, кечалар,
Оҳ ким кўйдурди доғи интизорим кечалар».

Ҳаримий Қаландар утлиғ зорига,
Мажнунвор кўнгилининг мунглиғ торига

Ҳамоҳанг дилларда гирён қилди ишқ,
Гирён тўфонида тугён қилди ишқ.

Ишқдан яқоли чок бўлиб Навоий,
Навруз Кўҳақидай тулиб Навоий,

Ҳаримий ҳажрига ахтариб малҳам,
Ғазал матлаъини айлади рақам.

Дедиким: «Бул матлаъ сиёдан бир ёдгор,
Авлюдлар дафтارين безар бул ашъор».

Ҳаримий бул бахтдан тамоман лолдир,
Навоий қошида қалди ҳилолдир.

Машварат файзидан Навоий шодон,
Кўнгили кўкида йўқ булутдан нишон.

Юсуф Бадийга қилиб ишора,
Давом этсин, дейди, баҳс-мушоира.

Андижон элидан келгандан буён
Навоий билан ул дўстдир қадрдон.

Бир мадраса аро олиниб таҳсил,
Яқин бўлиб қолган эди икки дил.

Навоий ёндан жылмай бир қадам,
Жонига дармону дардига малҳам,

Баланд эди унинг салоҳияти,
Чанмадай пок эди дилда нияти.

Саҳв пайдо бўлса шеърда агар
Ислоҳ қилар эди шоир ҳар сафар.

Навойдан узга бирорга шоир
Сўз айта олмади шеърига доир.

Дўстлар дерди уни: «Сухбати жонон»,
Сўз билан уликка бахш этарди жон.

Арузда Бадий эди беназир,
Шеърига Самарқанд эди мунгазир.

Ул икки забонни билса ҳам аъло,
Туркийда қалами эди бебаҳо.

Ва лекин Бадий бу сўлим оқшом
Форсий гулзорида кезди хушилҳом.

«Гар бад-ин обу ҳаво кўят бувад манзилпахам,
Не зулоли Хизр бояд, не дами рухуллахам».

(Манзилинг бўлса агар менга шу тахлит хушмақом,
Ул дами Исою оби Хизрдир менга ҳаром).

Дилларни бу матлаъ забт этиб олди,
Тилдан-тилга утиб, ёд бўлиб қолди.

Бадийга дўстлар деди офарин,
Ул мақтов кўкида кўрди ашғорин.

Навой шоирга умид боғлади,
Утли газалларга кўнглин чоғлади.

Дўстлар кутловидан Бадий лолдир,
Таъзим бажо айлаб қомати долдир.

Севинч ёғдулари порлар кўзида,
Мамнунлик туйғуси янграр сўзида.

Бадий назмидан ўзида йўқ шод
Юсуф Сафойнинг дил боғи обод.

Мақтабдош тенгқурин, ҳамшаҳарини,
Самарқанд элида ҳамсафарини,

Битта нонни баҳам кўрган дўстини,
Ғарибликда ҳолин сўрган дўстини

Бағрига олди-да, қучди Сафой,
Гуё завқ кўкида учди Навой,

Сўнг эса таъзим-ла дўстларга боқди
Ва илҳом париси дилга ут ёқди.

Сафой лафзига форсий бериб зеб,
Тилидан бир газал учди — андалиб:

«Менамоёд гоҳи ҳавлон наъли набрангат ба чашм,
Чун маҳи к-аз назар созанд мардум гойибаш».

(Тун каби наълинг кўрингай утганинда кўзима,
Кўриниб пинҳона булган худди янги ой каби).

Сафой назмидан қувонди дўстлар,
Кухистон сойидек тўлгонди ҳислар.

Риёзий серҳунар Боғи Даҳрда,
Хуш илҳом қалами тезқадам шеърда.

Хаёлига келган фикрни дарҳол
Назм риштасига тизар бемалол.

Газалин оҳангга солиб Риёзий
Завқ билан тараннум этади ўзи.

Ул қўли сеҳргар хаттоти хушхат
Эларо суюкли котиби хушбахт.

Гоҳ жавлон урар ул сўз чаманида,
Олиму фузало анжуманида.

Марҳамат гулидан Риёзий мамнун,
Навой лутфидан дилида тўлқин.

Завқ бирла ўқиди газалини ул,
Гуё гул қошида дилафкор булбул.

Аҳли шеър шоирга деди: тасанно!
Ул эса ўзига қўйгандек бино,

Дўстлар мақтовидан кўнглида ҳузур,
Навойга нигоҳ ташлади мағрур.

Ва лекин Навой ўй суриб бир оз
Ушбу байтга эса қилди эътироз:

«Ситораест дурри гуши он ҳилол абру,
Зи рўи ҳусн ба хуршед мезанад паҳлу».

(Сирғасин кўрган заҳот тўлпон қилур унга ҳавас,
Офтоб бирла қилур ҳусну жамолда баҳсма-бас).

Бу байтда бор эди катта бир нуқсон
Ва таҳрирга муҳтож эди бегумон.

Навой ёдида этди-да такрор,
Байтни тузатмакни қилди ихтиёр.

«Хуршед»нинг урнига қўйди «моҳ» сўзин
Ва ойга ўхшатди дилбар ёр юзин.

Қошини ҳилолга қилди-да қиёс,
Сирғасин юлдузга этди жилвасоз.

Мисралар урнини ўзгартириб сал
Мазкур байтга берди бетимсол сайқал.

«Зи рўи ҳусн дура гуши он ҳилол абру,
Ситораест, ки бо моҳ мезанад паҳлу».

(Ул қаламқош сирғасининг зийнати кўп беқиёс,
Мисли тонг юлдузидай ой бирла баҳс қилгай,
холос).

Навой таҳририн маъқуллар дўстлар
Ва Риёзий сари юзланар кўзлар.

Ўжарлик отига қўндириб эгар,
Риёзий жаҳлнок безанглаб кетар.

Риёзий важҳидин Навой мустар,
Баҳсин кузатарди хомуш ва бесар.

Бирор сўз демади Риёзийга лек,
Оҳиста даврани тарк этди бекек.

Икки байт устида баҳс ўти ёнар,
Диллар шафақ янглиг алангаланар.

Адолат юзидан берганда баҳо,
Навоний ҳақ эди, тахрири аъло.

Богаро сайр этар Навоний ҳайрон,
Риёзний хулқидан дил уйи вайрон.

Уфқни ол айлаб ботмоқда қуёш,
Қонли чўққидаги мисли тиллабош.

XVIII

Улуғбек илмга жонни этиб бахш,
Маърифат қасрига чекди олтин нақш.

Бу қасри олийда эл аро донгдор,
Олимлар баҳсига гумбази даввор.

Субҳи-шом барқ янглиг берди акс садо,
Бу садо нурига йўғрилди дунё.

Салтанат бошида турди Улуғбек,
Маърифат бошида турди Улуғбек.

Ва лекин аҳли дин тигга уриб даст,
Мунажжим жонига этди суиқасд.

Улуғбек қатлидан титраган даврон
Зулимдан бўлмади фан қасри вайрон.

Мунажжим назари тушган одамлар,
«Зиж»га ўз юлдузин қўшган олимлар.

Улуғбек расадин қилиб ҳимоя,
Азият чекишди билониҳоя.

Самарқанд бошига тушган савдолар,
Оқпадар фарзанддан қўшган гавғолар.

Абу Саъид бирлан яна олди авж,
Қурумдек қоплади эл дилини ранж.

Дунёвий илмдан таълим берса ким
Мадраса ёт бўлди, ёт бўлди илм.

Эл севган шоирлар кўнглин босди гам,
Маддоҳлар саройдан топишди карам.

Салтанат лангарин дин пешволари
Қулида ўйнатди хома сингари.

Вале Абу Саъид қалбида тугён
Урарди азалдан фатҳи Хуросон.

Султоннинг орзуси топдию қарор
Гавғолар тўфони босилмай, хунхор.

Бало шамолидай кўчди Хиротга,
Самарқанд ҳасрати учди Хиротга.

Султон Аҳмад мирзо бўлиб ҳукмрон
Осейиш топгандай кўринди замон.

Буюк мунажжимнинг расадхонаси
Бўлди яна илму фан кошонаси.

Яна ариқларда сув оқди тўлиб,
Ғунчалар гул ёзди навбахор бўлиб.

Навоний тосеъи қулди ойсином,
Самарқанд элидан тонди меҳрибон.

Улуғбек ҳамсабоқ улуг олимлар
Ва ундан нур эмган қутлуғ толиблар

Давраси бўлдию унга муассар
Илм уммонидан ахтарди гавҳар.

Улуғбек даҳосин порлоқ зиёси —
Навоний кўнглининг меҳри гиёси!

Бугун ҳам файзнок ҳикмат гулзори,
Устодлар васлидан гулзор узори.

Хожа Уҳд Мастуний — соҳиби фунун,
Илм осмонига эрур бир стун.

Фалакиёт ичра зўрдир шуҳрати,
Барқдин шиддатқордир ақлини суръати

Навоний бу элда ул бузургвор
Сухбати завқидан эрур бахтиёр.

Мана Хожя Хисрав — эл аро машҳур,
Мирзо Улуғбекда мударрис эрур.

Толиблар бошини силар бул надар,
Мурувват чароғи дилларда ёнар.

Муҳаммад Олимнинг тосеъи порлоқ,
Ул «Улуғбек мирзо билан ҳамсабоқ».

Шухтаъблик азалдан хислатига ёр,
Аскияда эса тенгсиз, беғубор.

Ва лекин илмда номи мукаррам,
Назм боғига ҳам қўйгандир қадам.

Мавлоно Соилий — нозик табиат
Сареул қаламдир, котиби хушхат.

Ул агар бир ғазал айласа рақам,
Жилва бирлан боқар юзига олам.

Ой каби танҳо ул ўз замонида,
Топилмас Навоний Хуросонида.

Мана Жалолитдин Лутфуллоҳ фақир
«Аҳмад Ҳожибек»нинг мударрисидир.

Илм бирла назм сингган қонига
Ва бир лаҳза ором йўқдир жонига.

Нафосат мажлисин сеҳридан ул зот
Кўзига гаройиб кўринар ҳаёт.

Қутбиддин Санафий — илми табобат
Мулкида эл аро қозонмишдир от.

Бемор кўзидан ул дардини билар,
Шифобахш меҳридан кулади диллар.

Фазлуллоҳ Абуллайс — машҳури олам,
Аъламул-уламо дея олган ном.

Саид Шариф билан фахр этар бул зот,
Дарс айтурга ул зот берган ижозат.

Абу Ханифан соний фикҳда ул,
Арабийда Ибн Ҳожиб берган қул.

Шеър ва муаммога фақиҳ майли зур,
Сухбатин тинглаган жон қилур ҳузур.

Навонийга эса қилиб илтифот
Фарзанди қатори кўради бул зот.

Шул ажиб даврада Навоний шодон
Ҳикмат дуралидан тизади маржон.

Сухбат гули бўлиб Улугбек номи,
Дур билан безайди етти осмонни.

Навоний қалбида чашман илҳом
Мавж урмиш бамисли наҳри эҳтиром.

Улугбек шаънига айтмоқ учун сўз
Бир сачраб кўзголди, балққандек юлдуз,

Шоирга ҳавасманд қадалди кўзлар,
Нигоҳин ўтидан нурланди юзлар.

Жисм аро жонида оташнок сурур,
Лафзидан сочилар бу оламга нур.

«Темирхон наслидин Султон Улугбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.

Анинг абнойи жинси бўлиб барбод,
Ки давр аҳли бирдин айламас ёд.

Ва лек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон наст.

Расадким боғламиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Билиб бул навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зижи Кўрагоний».

Қиёматта декинча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком».

Сухбат аҳли «вах» деб юборди бирдан,
Улугбек мангулик топди бу шеърдан.

Кўзлар чақнаб кетди, жунибишда қонлар,
Фахрдан оромин йўқотди жонлар.

Навоний олқишдан ҳаяжонда, лол,
Илҳом тулпорида қўллар истиқбол.

Мастуний дедиким: «Зижи Кўрагон»
Башарга кашф этмиш янги бир осмон.

Бул осмон юлдузи беҳисоб эрур,
Барчаси заминга бирдек сочмас нур,

Гар Чўлпон безаса субҳ рухсорини,
Хулқар тунга сочмиш уз шарорини.

Вале Улугбекнинг юлдузи монанд
Навоний юлдузи порлагай абад».

Мастуний лафзининг оҳангидан маст
Шараф тожин кийиб деди Абуллайс:

«Улугбек васфини бирорта шоир
Навоний сингари айтмаган моҳир.

Бул дурри ноёб-ла газал султони.
Тожини безагай иқбол даврони».

Мавлоно Соилий туттиб мусаллам
Бул назм дуррини айлади рақам.

Ва деди: «Навоний — комил истеъод,
Туркийда «Хамса»ни ул қилгай ижод».

«Мавлоно Соилий, бул бир хаёлдур,
Туркийда «Хамса»ни битмак маҳолдур».

Даргоҳ остонидан боқиб такаббур,
Риёзий тиржайди, дилида ҳузур.

Илми кўп бўлса ҳам ҳилми йўқ бул зот
Турқидан йўқотди файзин мулоқот.

Ва лекин Соилий унга шу замон
Ҳикмат қутисидан дур этди эҳсон:

«Навоний «Хамса»ни битмакка қодир,
Ки тошга қўл урса бўлур жаноҳир.

Вале ўзгаларга дур ҳам бўлур тош,
Назмда барча ҳам эмасдур наққош».

РИЁЗИЙ

Туркийда азалдан сўзлашур авом,
Авомга «Хамса»ни ким ҳам этар ком...

Бул баҳсининг танобин тортиб Абуллайс
Бахш этмак истаиди мулоқотга файз.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Азизлар, айбнок эмасдур авом,
Авом бирла бизлар кўрдик эҳтиром.

Не «Хамса», ул муҳтож туркий назмга!
Лутфийдек улуг зот келиб таъзимга,

Навонийнинг икки байтига ушбу
Ун икки минг байтин бермак истар у:

«Оразин ёпғоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш».

Азизлар, форсийда ўзга бир оҳанг
Ва лекин туркийда мўлрак эрур ранг.

Умидим комилким, Навоний бир кун
«Хамса» рақам этса, эл булгай мамнун».

Абуллайс пандидан Риёзий тажанг,
Мағлуб дил лашкарин қистар эди жанг.

Навоний жиловлаб баҳс тулпорини
Риёзийга деди дил қарорини:

«Форсий ила туркий — икки чўнг наҳр.
Бул икки наҳрдин эл олур баҳр.

Ва лекин туркийда сузлар кўпрак эл,
Дилида ниҳондур тилисми асыл.

Таъна тошларини отманг элга ҳеч,
Эл газаби тошса, кор қилмас укинч.

Қул тегмаган кондур туркий махзани,
Дуррини эл учун харж қилгум ани.

Форсий хазойиндин бойдир бул махзан,
Туркий — ўз элидек улкану аҳсан.

Филдай қудрат керак «Хамса» битмакка
Ва икки қўл билан элга тутмакка.

Туркий махзанини ўндин бирини
«Хамса»га харж этиб, эл гурурини

Ким этгай, азизлар, тоғдек сарбалад?!
Бул савол олдида ожиз Самарқанд!

Ҳирот ҳам!.. Ва ҳатто мулки Хуросон!..
Даркордур Хусравдек буюк паҳлавон».

Навоий лафзидан аҳли мулоқот
Шуури барқланди... Гуё коинот

Бағрида сузарди иқболи заврақ,
«Хамса» юлдузининг нуридан завқнок.

XIX

Шаҳарга тарқалди нохуш бир хабар,
Дилларга санчилди гуёки ханжар.

Халойиқ «ваҳ» дея яқосин тутди,
Қайғули хабардан узин унутди.

Кунгиллар кўкидан — айлаб муножот,
Орзулар юлдузи қулади, ҳайҳот!

Мажруҳ бургут янглиғ зорланди башар,
Тиллардан чақмоқдек учди: «Алҳазар!»

Осойиш излаган эркпарвар жонлар
Қалбидан дард бўлиб сирқиди қонлар.

Самарқанд жонталаш икки ўт аро,
Буюк обидалар гунг, мотамсаро.

Фитналар домида инграган даврон
Фигонидан бағрин тиглар Регистон.

Намозином Ҳиротдан келган хабардан,
Осойиш йўқолди бутун шаҳардан:

Тагин Абу Саъид ҳадидан ошминш,
Улуста нафрати сел бўлиб тошминш.

Қасос камонидан отилган ўқдан
Навқирон бургутлар қуламин кўқдан.

Ўксик нолаасидан титраб Хуросон
Ҳирот осмонини қонламинш фиғон.

Баланд тоғлар оша бу хунук нола
Самарқанд юрагин айламинш пора.

Бу мудҳиш ноладан Аҳмад мирзо ҳам
Кўксарой қасрида маҳзун, боши ҳам.

Кунгли гаш — падари бузургворидан,
Жони азобдадир улус зоридан.

Аҳмад Ҳожибекнинг руҳин эзар гам,
Кунгли Ғришмагай ёққан билан шамъ.

Фазлуллоҳ Абуллайс дарди бешумор,
Фитналар зарбидан кунглида озор.

Навоий қошига йўл олур аста,
Ҳирот хабаридан юраги хаста.

Ораста ҳужрада ижод билан банд
Навоий қалбига эл ишқи пайванд.

Ҳужра остонига қўйдию қадам
Абуллайс кунглида жунбиш қилди гам.

Навоий уридан сачраб қўзғолди,
Устод ҳолатидан ҳайратда қолди.

Пешвоз чиқдию ул истиқболига,
Лол боқди бу ҳолининг чигал фолига.

Устоднинг кунглига бермай деб озор
Қошида бош эгди шоир гамгузор.

Абуллайс Навоий бошини силаб,
Камоли умрига фотиҳа тилаб,

Кунглини эзган дард чокини сўқди,
Азамат шоирнинг қаддини буюқди.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Мавлоно Навоий, мудҳиш хабардин
Жонимда ором йўқ субҳи саҳардин.

НАВОИЙ

Тагин не ҳодиса руй берди, устод,
Фароғат кулбасин не этди барбод?

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Бир бойқуш оромим барбод айлади,
Тунга ларза солиб, фарёд айлади.

Тонггача қўнмади кўзимга уйқу,
Кўнгул ошёнига чанг солди қайғу.

НАВОИЙ

Огоҳ этинг, устод, не бўлди содир,
Балюкан қайси бир банди мақҳур?

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Тагин қатағонда қолминш Хуросон,
Шарордек сачраминш эл бўғиздин қон.

Ҳирий кўкин тутминш фиғон оҳанги,
Қон билан ювилминш қилчлар занги.

НАВОИЙ

Хусайн қошига ул тортиб лашкар
Яна кутардимү бошинда ханжар?

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Хусайн мирзодек чаптаст баҳодир
Хуросон мулкида ёвқур, танҳодир.

Ул душман шамишин синдирмасга гар
Улуснинг қонидин замин ранг олар.

НАВОИЙ

Боиси не эрур Ҳирот гавғосин,
Англамак истаймен кечмиш савдосин?

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Султон Абу Саъид илкида Ҳирот!
Кемадек чайқалиб турибди, ҳайҳот!

Амир авлодидин эрса-да султон,
Ўзининг қавмига келтирмиш қирон.

Темур Қурагоннинг эваралари,
Мирзо Улутбекнинг неваралари.

Қўзининг қароси — Мирзо Аҳмадни,
Мирзо Абдуразоқ, Мирзо Маҳмудни
Қиличдин утказмиш!..

НАВОИЙ

Ё раб! Эй гардун,
Бошимга йиқилсанг на бўлғай бу кун!

Наҳот зулмпеша чархи кажрафтор
Илкида уйинчоқ қотили хунхор!

Наҳот, ул раҳм этмай йигит ёшига,
Тиг санчар ўзининг қон-қардошига!

Эй офтоб, тугилгил, бул мудҳиш жазо
Мотамидин кийсин Хуросон қаро.

Найлайин, тарҳи дил таҳ-батаҳ қондур,
Жонимга санчылган ўқи намондур.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Қиличдин қонлари қотмасдин, султон,
Тагин бир жазога бермишдир фармон.

Мирзо Улутбекнинг волидасини
Чоптириб ташламиш!..

НАВОИЙ

Ё раббим! Ани

Оналарнинг хуни туттай муҳаққақ,
Оналар қарғиши азалдин барҳақ!

«Аноларнинг аёғи остидадур
Равзаи жаннату жиннон боғи.

Роза боғи висолин истар эсанг,
Бул анонинг оёғи туфроғи».

Султон Абу Саъид эл хунидин маст,
Ки, она жонига этмиш суиқасд.

Умри омонатин кутар охират,
Бул қадар зулмини кўрмаган Ҳирот.

Ким этса онанинг ҳурмитини хор
Икки дунёда ҳам бўлғай хору зор.

Ҳаёт ибтидоси азиз онадур,
Оналар бўлмасга ҳаёт қародур.

Гавҳаршодбегимдек муътабар она
Қошида замонлар бўлғай парвона.

Мирзо Улутбекни туққан улуг зот
Бошидан дур сочса араир коинот!

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Ким илкин кутарса она бошига,
Боши теккай анинг қарғиш тошига.

Бегуноҳ йигитлар қонин туққан жон,
Эл-улус қаҳридин қолмагай омон.

Султон Абу Саъид бўлдию ҳоким
Ҳиротни айлади қиёмат-қойим.

Бул мудҳиш қотиллик фаслин Хуросон
Қон бирла тарихга ёзур бегумон.

НАВОИЙ

Ҳиротда мотамдир мотам устига
Ва яна гам-алам алам устига.

Оху ситамлардин дилим эрди қон,
Яна кулфат солди бошга Хуросон.

Гавҳаршодбегимнинг улими, устод,
Улутбек авлоди кутарган фарёд!

Бул фарёд отилмиш бамисли вулқон,
Бул фарёд зарбидан титрар Хуросон.

Мирзолар бутздан отилган қонлар —
Улутбек қалбида қолган армонлар!

Султон Абу Саъид қурган салтанат
Шаънига замонлар ўқиғай лаънат.

Адолат нурига эл эрур муҳтож,
Одил бир подшога муҳтож тахту тож.

Афсус, бундоқ кимса Хуросонда кам,
Ки, улус айласа уни мукаррам.

Султон Ҳусайнда умидим кўзи,
Кошки, кулса анга толеъ юлдузи.

Ҳусайн мирзога улус қўшса бош,
Балки, осойишга ул бўлғай нурпош.

XX

Султон Аҳмад мирзо нотинчдир ҳамон,
Ҳамон наҳри ўқинч гирдобида жон.

Туфонида қолгандек елкан бенажот
Тебраниб турибди ғавғодан Ҳирот.

Улугбек қавмига келтириб қирон
Отаси ўглини ҳам дилини этди қон.

Бу зулм тигидан Мовароуннаҳр
Халқида қўзғолди ғазабу қаҳр.

Ҳатто, отасига мойил беқлар ҳам
Қалбини қоплади туман каби ғам.

Бу ҳолдан Мирзонинг дили бўлиб танг,
Кўнглини ўртаганда ҳазин бир оҳанг,

Ноиб, дардига бўлгандек ҳамроз,
Соҳиби давлатни юпатди бир оз.

ШАКУР МИРЗО

Олий ҳазратлари, Ҳирот туфайли
Ўқениманг, бул савдо замона зайли.

Улугбек авлодин жазолаб, султон,
Осойиш топарми, деди Хуросон.

Ва лекин халойиқ кўтармиш ғавғо,
Бул ғавғо сардори асли Бойқаро.

Ҳусайн азиздин хатарнок зотдур,
Анинг қўзлагани тахти Ҳиротдур.

АҲМАД МИРЗО

Султоннинг ашаддий ғанимидур ул
Ва лекин Ҳиротни олимғи мушқул.

Таршазу Абивард дангида кезиб,
Тинчимас, Хуросон тинчини бузиб.

Шамол турган билан қуламас чинор,
Чинорга, ҳаттоки, буюн қилмас қор.

Ҳирот салтанатин меҳвари маҳкам,
Анга бирор душман қўймас қадам.

ШАКУР МИРЗО

Ҳусайн навқари қурама эрур,
Лек чапдаст кимсалар бошида турур.

Навоийнинг ёвуқ тоғалари ҳам
Анинг қўшинини этди муаззам.

Ул бирлан Навоий азалий дустдур,
Шу важҳдин мунда ҳам ини дурустдур.

(Файз Маҳмуд бўлдию эшиқда пайдо
Шакур Мирзо сўзини қилмасдан адо,

Сухбат жиловини одди-да илиб
Сўзлади, Мирзога ўтли тикилиб).

ФАЙЗ МАҲМУД

Ноиб аъламининг сўзлари ростдур,
Ҳусайнга йўллар Навоий дастур.

Машҳад ё Ҳиротдин йўл олган карвон
Дустидин келтирур мактуби пинҳон.

Уч-тўрт кун Навоий ўзин унутур,
Ҳусайн айтгандек, балки, йўл тутур.

Болаликда тушса меҳр ўти дилга,
Деминг: алангаси етмиш юз йилга.

АҲМАД МИРЗО

Аларким, бир фурсат эди мактабдон,
Лек энди ароси ой билан қўён.

Навоий пандига муҳтож эмас ул,
Навқарин етлақаб, жанг ила машғул.

Назмидин ўзгани билмас Навоий
Ва бизга хиёнат қилмас Навоий.

Мана икки йилким Мовароуннаҳр
Навоий назмидин этмақда фахр.

ШАКУР МИРЗО

Ҳазратим, Навоий қудратли шахсдур,
Эли қўзғамакка бир шеъри басдур.

Навоий деганда аҳли Хуросон
Ҳусайн яловин тутар бегумон.

Шул важҳдин чоран эҳтиёт даркор,
Ғоятда тигдордур ул битган ашғор.

ФАЙЗ МАҲМУД

Навоий обрусин оғиб эл аро,
Булмақда бизларнинг кунимиз қаро.

Бирор айб тамғаси боғилмасга гар
Ҳолимиз бўлғуси мундин ҳам баттар.

ШАКУР МИРЗО

Ҳазратим, чиқмайлик Ҳирот измидин,
Отангиз бенажот қолмасин биздин.

Не мақсад билла ул этилди ихрож,
Вале мунда топмиш ижоди ривож.

Риёзий шаънига шак келтирмиш ул,
Анжуманда этмиш обрусин бир пул.

«Хамса»ни туркийда битмаклик маҳон»,
Десалар Риёзий, келибди малол.

Тагин ул форсийга келтирибди шак,
Саройдин йироқроқ тутсалар андак.

АҲМАД МИРЗО

Огоҳмен, азишлар, ойда ҳам доғ бор,
Бегуноҳ кимсани учратмак душвор.

Вале сизлар қилманг Навоийдин хавф,
Ул этмиш назмга сўз мулкани сарф.

Ҳали қадамини қўйган йўқ бежо,
Дили не амр этса, ул этур бажо.

Назм майдонида гарчанд беназир,
Ул улус сузига доим мунгазир.

Азалдин беҳудуд назм майдони,
Бул майдон соҳиби суҳан хоқони.

«Хамса» борасинда Навоий ҳақдур,
Дурахшон назмидин дилларда барқдур.

Туркона «Хамса»га ул урса қалам,
Не ажаб, қошида бош этса олам!

XXI

Мадраса саҳнида қирчиллама қор,
Мунаққаш ҳужрада Навоий бедор.

Хонтахта устида олов тилли шамъ,
Самарқанд қоғози, довог ва қалам.

Турдаги токчада баъзу девон,
Михда қундуз телпак ва мовут чакмон.

Навоий бошида кўк барқут қалпоқ,
Эгнида кўҳаки хилъати порлюқ:

Лутфий девонини олиб жавондан,
Назмул жавоҳирни излар ул кондан.

Устоди аъзамнинг карамидан шод,
Туркона газалин завқнок этур ёд.

Бир мактуб юбормак истаги дилда,
Гунчадек гул ёзар бу олис азда.

Устодни шарафлаб, қалами сарбон.
Оқ қоғоз саҳнида сайр этар равон.

Олам кишварининг бул чорбоғида,
Файзиёб Кўҳакнинг гул қиргоғида.

Нашгу намо топган шоир илҳоми,
Табаррук заминга дил эҳтироми

Назм чаманида бўлиб лолавор,
Самарқанд уфқини этарди анвор.

Лутфийни маҳлиё этган бул диёр,
Илҳом шаробини тутган гул диёр

Беқийс манзари дилда бўлиб нақш,
Мадҳига Навоий жонни этар бахш:

«Латофат аро равзадин баҳра анго,
Вале исм улуб Мовароуннаҳр анго.

Нединким, ики наҳр ароси келиб,
Яқин юз йигочқа фазоси келиб.

Оқиб ҳадди шарқийда Сайхун суйи,
Бориб ҳадди гарбийда Жайхун суйи.

Йўл улким анга бу икки руду бас,
Ун-ун беш сув ҳар бир нучукким Арас.

Бўлуб ҳар биридин жудо наҳрлар,
Ки, ҳар наҳри обод этиб шаҳрлар.

Ва лекин бу рудеки, дерлар Кўҳак,
Ки йўқ равзанинг наҳри арконга шак.

Ки ичгач тавоно бўлуб, нотавон,
Гузар айлабон умр янглиг равон.

Ки андин не бир шаҳар обод ўлуб,
Не маъмурасидин биров шод ўлуб.

Агарчи латофатда рашки Фурут,
Бўлуб барча зоё, нечукким ҳаёт.

Хусусан, Кўҳак рудиким, наҳри Нил
Эмас онча, не Нилким, Салсабил...

Ҳамул пуштаеким, Кўҳак топги исм,
Не пушта жаҳон ганжи узра тилисм.

Ушоқ тош анга лаълу инжу киби,
Яшил сабзаси нархи мийну киби.

Ки мансуб эрур анга Кўҳак суйи,
Нединким, эрур жорий андин қуйи.

Ҳамул тўпа оллидин андоқ оқар,
Ки ошиқ бошу ашки, дер ким боқар».

Ер юзин сайқали — Самарқанд зари,
«Самарқанди фирдасмонанд» манзари

Навоий лафзини қилиб дурафшон,
Масрур юрагига солур ҳаяжон.

Олам аро танҳо Мовароуннаҳр,
Самарқанд аталмиш бул Боғи Даҳр,

Навоий қаламин сеҳри туфайли
Ва унинг бу алга меҳри туфайли

Шеърят мулкида топиб шараф-шон,
Жаҳон аро бўлмиш довруги дoston.

Навоий завқ билан уқиб номани,
Ғойибдан шод этди ул алломани.

Жаннатта ўхшайди, деди Самарқанд,
Ариқлари жаннат наҳрига монанд.

Кўҳак сувин, деди, ҳар томчиси бол,
Баҳра топса бемор кўрмагай завол.

Жаҳон хазинасин тилсими дебон
Кўҳак тепалигин васф этди шодон.

Лаълу инжу, деди, ушоқ тошини
Ва унга ўхшатди ошиқ бошини.

Оқар сувин — ошиқ кўз ёши, деди,
Тепа тошин — ошиқ бардоши, деди.

Навоий руҳида саодатли ҳол,
Чақноқ кўзларида теран ўй-хаёл.

Самарқанд васфидан бўлиб бахтиёр,
Устодга юбормак этди ихтиёр.

Мақтубни муҳрлаб, ором топди жон,
Кунглида босилди наҳри ҳаяжон.

Сўнг эса уридан мамнун қўролди
Ва ҳужра остони сари йул олди.

Нақшинкор эшикни очди-да шаҳдам,
Ғишт айвон саҳнига ул қўйди қадам.

Оқариб қолганди Самарқанд тонги,
Кунглини мафтун этди ҳаёт оҳанги.

Бу бир тонг эдики, момиқ каби оқ,
Ошпоқ қор қўйинда эди ҳаммаёқ.

Ер нафас оларди сийнаси тўлиб
Ва мунис оламга боқарди кулиб.

Руҳини яйратиб оқ мрамар ҳаво,
Шоирни ўзига этди маҳлиё.

Бу бир тонг эдики, улуг бир гоя
Бениги бошида бўлганди доя.

Навқирон Навоий билмай ўзи ҳам
Туркона «Хамса»га урганди қалам.

Мана шу файзиб тонг кучоғида,
Мунаққаш ҳужрада, ижод боғида

«Хамса»нинг гояси тугилганидан,
Ул ўзбек меҳрига йўрилганидан

Беҳабар эди лек бу кўҳна олам,
Оламни яшартган қўли гул одам.

Бу бир тонг эдики, қадами қутлуғ,
Қўшини этганди тоғ бошига туг.

Бу тугдан нурланиб жумлан олам
Ғўё Навоийга берарди салом!

Туркона «Хамса»га қўйиб ноҳидвор,
Шоирни қутлади бу қутлуғ дийёр!

XXII

Борлиқ тонг киздан олмиш андоза,
Билгур ойна каби кўк саҳни тоза.

Беғубор ҳарирдек олам айвони,
Яшил сабзадан маст тоғлар домони,

Танларни эркалар насими Кўҳак,
Ноз билан бағрини очар ҳар куртак.

Тоғлар бошини ўпар эркалаб қўш,
Қўшндай хурсанддир бутун кенса-ўш.

Бугун олам рушно, юрт дилафруздир,
Бугун қутлуғ айём, бугун Навруздир.

Наврўани оразиқиб қутган тирик жон
Тонг билан бир-бирин қутлайди хандон.

Самога маҳлиё боқар Регистон,
Улкан миноралар устида шодон,

Ҳаётдан армони йўқ сурнайчилар,
Лунжини шишириб шўх карнайчилар

Кўкка ларза солар гата-гут қилиб,
Наврўани оламдан илк жарчи бўлиб.

Отлиқ жарчилар ҳам боғлашиб белни,
Кўҳак тепасига чорлашар элни.

Тадорикни курган бутун аҳоли,
Уйини тарк этиб мисли чумоли

Оту аравада, эшақли, яёв,
Бириси сокину бири гарман,

Ясаниб-тусаниб жилди Кўҳакка,
Карнай-сурнай билан келди Кўҳакка.

Кўҳак домонини қоплади одам,
Одамлар завқига тор келди олам.

Навоий бу ҳолдан чумар ҳайратта
Ва мафтун боқарди жушқин ҳаётта:

Бир ёнда дорбозлар кўржатар хунар,
Бир ёнда поливоллар абжир беллашар.

Турфа навоярга чулганиб осмон
Аҳли сўзандага ўқир шараф-шон

Товусдек товланиб шўх раққосалар
Ғамзаю ноз билан жонга ўт қалар.

Чавандозлар эса қуради пойга,
Бургут аргумоқлар учгудек ойга.

Қўпқари синайди ким бўлса чапдаст.
Чапдаст чавандозга улоқ бермас бас,

Асния ширлари қуриб чордона,
Пайривда бир-бирин синар мардона.

Дўшисин гўз қўйиб уста лофчилар
Игнадан туяю қилдан фил ясар.

Сехрғар оғзидан чиқарар мато,
Ўлик кабутарга жон этар ато.

Юзи ниқобланган масхарабозлар
Ўзини маймундек минг қўйга солар.

Дойра гижбангидан болалар завқнок,
«Кўҳакча» рақсига тупади шавқнок.

«Кўчқорлар жанги»нинг авжида бир ён,
«Хурозлар жанги»нинг мавжида бир ён.

Бир ёқда ҳайратнок «бедана жанги»,
Бир ёқда серкалар мардона жанги.

Ким қайси хунарга бўлса гар моҳир
Намойиш этарди Кўҳакда ҳозир.

Элни хурсанд айлаб нишодлапазлар
Нишодда шопирар, нишодда сузар.

Новвойлар қўлида нони Осиё
Баркашдек ой бўлиб кўринар гўё.

Шинни бозорида сопол кўзалар
Тут қонин сипқориб, кўзин сузалар.

Мушт каби тугилган новвот чақмоғи,
Чой васлига етса, қонар чанқоғи.

Оғзини ланг очиб боқар шурданақ,
Мағзида ниқобу юзида намақ.

Бирн бол сотади, бирн хўроққанд,
Бирн кунжўт ҳалво, бирн наврўзқанд.

Кўҳақ ёқасига осиб дошқозон
Сумалақ улашар бир сахий деҳқон.

Сумалақ — наврўзининг олий неъматн,
Сумалақ — наврўзининг кўрки, зийнатн.

Кимки сумалақдан бўлса баҳраманд
Яна бир йил бўлур умрига пайванд.

Она табиатнинг бу ниғомидан,
Наврўзининг энг тансиқ гул таомидан

Баҳраманд бўлиб эл деҳқонин олқар,
Олқиндан манглайн кун бўлиб болқар.

Оҳорин либосда ясан-тусан эл —
Фотима-Зухрою Ҳасан-Ҳусан эл

Наврўз сайилдан беҳад шод эди,
Умридан мамнуну дил обод эди.

Амиру беклар ҳам буида эди жамъ,
Фуқаро боши ҳам эмас эди ҳам.

Наврўзга файз бермиш аҳли фузало
Ҳурматин толиблар келтирмиш бажо.

Шоирлар туманот одам қошида
Шеър ўқиб, берарди дилга нашида.

Навойн устида кўк барқўт хилъат,
Ади қоматига берарди зийнат.

Бошида ол дўппи, оқ шоҳи дастор,
Хиромин этини Кўҳақдин нисор.

Чақноқ кўзларида шодлик учқуни,
Кўнглида мавжланар илҳом тўлқини.

Садоний қўшигин оҳангидан маст,
Ҳазалининг ҳар сўзи қалбига пайваст.

Садоний куйлайди кўнгли сел бўлиб,
Халойиқ тинглайди юраги тўлиб:

«Навбахор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз,
Булбул ўлгондек хазон фасли гулу гулзорсиз.

Гоҳ сарв узра, гаҳи гул узра булбул нағмасоз,
Ваҳки, менмен гунгу лол, ул сарви гулрухсорсиз...

Аҳли зуҳд ичра Навоний тошмади мақсадқа йўл,
Вақтингизни ҳуш тутунг, эй жамъиким, хумморсиз».

Садоний овозин сеҳридан диллар
Сархушу мақтовдан бурродир тиллар.

«Офарин, Садоний!» — деган садолар,
«Тасанно, Навоний!» — деган нидолар

Кўҳақ осмонини тутиб кетади,
Халойиқ шоирга гуллар тутати.

Навойн Самарқанд халқидан хурсанд,
Туманот одамга боқар орзуманд.

Аҳмад Ҳожибекнинг кўкси тоғ бўлиб,
Фазлulloҳ Абуллайс вақти чоғ бўлиб,

Янги ғазал билан қўтлар шоирни,
Яна шеър айтмакка ундар шоирни.

«Навойн ўқисин!» — деган овозлар
Само гумбазида гўё саз чалар.

«Навойн ғазалин эшитмак фарздур»,
Навойн тўфайли Наврўз пурфайздур».

Халойиқ садоси чулғар Кўҳакни,
Ҳаяжон босади минглаб юракни.

Навойн халойиқ олқинидан шод
Шеър айтмакка сўрар кўнглидан шод.

Қалбини бир лаҳза чулғаб ҳаяжон
Янги ғазалини ўқир беармон:

«Лолағун бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ,
Ё бало тоғидан этмиш лозазор изҳор тийғ...

Назм мулкни тил чекиб олмиш Навоний ўйлаким,
Чекса оламни олур шоҳи фалак миқдор тийғ».

«Янасин Навоний!» — янгради хитоб,
Хитобга ҳамроздек жилмайди офтоб.

Қарсақлар авжидан янгради само,
Оламни забт этди улғуввор садо.

Кўчоқлари тўлиб гулга Навоний,
Шодмон таъзим этди элга Навоний.

Бутун эл тилида Навоний номи,
Бутун эл дилида Наврўз айёми.

Наврўз сайли этди кечгача давом,
Ушалди гўёки юракларда ком.

Сапъатин бутун эл қилиб намойиш,
Кўҳақ домонига берди оройиш.

Кўнглилар кўшкни айлаб чароғон,
Уфққа бош кўйгач кўёш беармон,

Халойиқ шаҳарга шодон йўл олди,
Ушбу байт дилларда ёд бўлиб қолди:

«Назм мулкни тил чекиб олмиш Навоний ўйлаким,
Чекса оламни олур шоҳи фалак миқдор тийғ».

XXIII

Фазлуллоҳ Абуллайс мадрасасида,
Мунаққаш мадраса остонасида

Толиби илмлар чеҳраси гулгун,
Юраклар осмони беғубор, нилгун.

Икки йил орақиб кутилган айём
Бугун толибларга узатади жом.

Мадраса дафтари варақланса гар
Заррин саҳифалар хаёлни тортар.

Хушнавис котибнинг хатидан равшан
Тортади дил уйи, кўз эса шух-шаън

Ўтмиш онларига солади назар,
Сунг эса ўзи ҳам хаёлга толар;

Устод олқишига сазовор дамлар,
Шуур кулбасини ёритган шамълар,

Толиблар баҳсида голиб келгани,
Махзани илмдан толиб келгани,

Мударрис қошида қизарган чоғлар,
Елкасидан босган залвори тоғлар,

Фикрини банд этган сирли саволлар
Жавобин қидирган бедор саҳарлар

Ўтиб кетди кеча кўрган туш мисол,
Учиб кетди бошдан ўтган қуш мисол.

Толиблар мунтазир кутган кун бугун,
Бугун мадрасада саодатли кун.

Бугун севинчларга йўқдур ниҳоя,
Бу кун — минг йилларга бўлур ҳикоя.

Кўҳак офтобидан тўкилган анвор
Ҳовридан юзлари бўлгандек анор,

Бадий, Ҳаримий, Юсуф Сафой,
Муҳаммад Бадахший, Нодир, Бақой

Ҳамроз бўлган каби бахт-иқболига,
Пешвоз чиқмиш шоир истиқболига.

Чеҳрасидан нурлар томиб Навоий,
Шодлигидан қалби ёниб Навоий

Оламга сочгандек дур шоҳворини
Самимий қутлайди дўсту ёрини.

Навоий шаънига айтиб хушқалом,
Улар ҳам: муборак бўлсин, дер, айём!

Сунгра азиз дўстлар айлаб ихтиёр
Устод хузурига кирар бахтиёр.

Абуллайс чеҳраси очик ва равшан,
Қошида жамъ эди аҳли анжуман.

Донгдор мударрислар, машҳур олимлар
Фотиҳасин бугун олур толиблар.

Муҳаммад Олиму Қутб Санафий,
Жалолиддин Лутфуллоҳ, Хожа Мастуний,

Мавлоно Солий ва Хожа Хисрав
Издан толиблар бўлишар пайрав.

Амир Арҳангий ва Аҳмад Ҳожибек
Қутлуг маросимга бермиш файзу кўрк.

Устодлар кўзидан ўқимоқ мумкин
Ҳаёт китобини ҳикматин бугун.

Нурли сиймоларга назар солган зот
Дили равшан бўлиб юрар умрбод.

Фазлуллоҳ Абуллайс утқазган ниҳол
Самара бергандан ул бугун хушқол.

Шодлик неъматини қургани баҳам
Қадрдон дўстлари қўйишди қадам.

Меҳмонлар шаънига тузаб дастурхон
Лутф бирла сузлайди олими замон.

ФАЗЛУЛЛОҲ АБУЛЛАЙС

Азизлар, қутланмиш ушбу тантана
Толиблар умрида энг қутлуг сана,

Мавлоно Навоий топмиш саодат,
Бул кун истиқболга берур шаҳодат.

Олий мадорисни битирмиш аъло,
Ёрлиққа камина чекмиш хуҷ имзо.

Сизларга олий бахт бўлмиш муяссар,
Бу бахтдин кунгуллар гулзори яшнар.

«Самарқанди фирдавс монанд» шаҳрда,
Ул билан икки йил битта наҳрда

Гаввосдек ахтариб назм дурини
Нурафшон этмишсиз эл шуурини.

Улуми башарни ўқиб мукаммал
Салоҳиятингизга бермишсиз сайқал.

Сизлар ҳавас билан чеккан машаққат
Неъматин файзидур ушбу машварат.

Мадорис илмидин этиб баҳраманд
Учирма қилмакда сизни Самарқанд.

Улугбек мактабин сабогини сиз
Қорачиг сингари асрангиз гардсиз.

Сиз олган илмдин баҳра топса ким
Калитини тутгай илжига тилис.

Шарафли мақтовга лойиқ эрурсиз,
Мадорис офтобу сиз анда нурсиз.

Мавлоно Нодирнинг илмидин Марв
Қаддини ростлагай мисоли сарв.

Муҳаммад Бадахший қайтгани замон
Меҳрини поёндоз этгай Бадахшон.

Мавлоно Бақоий бирла Хоразм
Элида яшнагай гулшани назм.

Бадиий, Сафой ила Андижон
Лафзидин нурланса не тонг Хуросон.

Қайда булсангиз ҳам қилурмен дуо,
Сиз бирла яшнасин бул кўҳна дунё.

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Бир ажиб хабардин кўқдадир бошим,
Сурурдин сочилур кўзимдин ёшим.

Ифтихор туйғуси оромим олмиш,
Кўнглумга оташин офтобин солмиш.

Бул сурур майидин кимки эрмас нўш,
Ул ҳаёт боғида кезмагай сархуш.

Бул шодлик соҳиби Навоий эрур,
Мулозим ўлмоғи—нур устига нур.

Султон Аҳмад мирзо июнотли зот,
Меҳри карамидин ҳайратга Ҳирот.

Мавлоно Навоий топмиш эътибор,
Не ажаб, шод улса андин аҳли бор.

Дилрабо газалин бир тинглаган жон
Кўнглида ушалгай энг олий армон.

Навоий фазлидин не тонг Самарқанд,
Е Ҳирот «Хамса»га жон этса пайванд!

ХОЖА ХИСРАВ

Вале Ҳирот нотинч, Мирзо Бойқаро
Бирла султон аро жангу можаро

Гоҳо сўниб, гоҳо олар аланга —
Сичқоннинг ини ҳам анда минг танга.

Ҳар қалай, Самарқанд Ҳиротдин йироқ,
Ўт ёнса, келади тутуни бироқ.

Самарқанд нисбатан осойиш эрур,
Илму фан гулшани оройиш эрур.

Бул Аҳмад мирзонинг марҳаматидин,
Ҳам Аҳмад Ҳожибек июнотидин

Навоий бошига бахт қуши кўнмиш
Ва назм мулкинда тахт қуши кўнмиш.

Илми толиблардин мен беҳад шодмен,
Шабобат завқидин дили ободмен.

Қайсиким даргоҳга қўйишса қадам
Шодлигу бахт бўлсун умрига ҳамдам.

Эл бирлан доимо ҳамқадам бўлсун,
Улусда номлари мукаррам бўлсун.

Азизлар, ёшларни қилингиз дуо,
Ҳаёт боғида кам бўлмасун асло.

...Қўлини дуога очиб устодлар:
«Омин!» деб толиблар дилини шодлар.

Шогирдлар дилида шарафли сурур,
Тиллардан учади: «Раҳмат!», «Ташаккур!»

Мамнунлик туйғуси норлар кўзларда,
Масрурлик қўшиғи янграб сўзларда.

Лутф бирла боқишар Навоий сари,
Илтифот нуридин яшнаб кўзлари.

Дустлар карамидан бўлиб миннатдор
Дил сўзидан тизар Навоий ашъор.

НАВОИЙ

Улутбек илмидин чарогон шаҳр
Дилафруз ҳуснидин очилур баҳр.

Сизлардек донишманд эотларга фақир
Толиб улғонидин — дилида фаҳр.

Илмга ташна дил даштга саҳар
Шабоб айёмида солмишсиз назар.

Тилисмот сандигин қулфини очиб,
Маърифат зарини оламга сочиб,

Бахтиёр қилмишсиз бизни бир умр,
Муҳтарам устодлар, сизга ташаккур!

Чинорлар томири булмаса теран
Бир ўқдан қулатгай шамолдек мерган.

Тоғ бағридан қайнаб чиқмаса булоқ
Зилоли биллурдек булмагай бироқ.

Умрида азият чекмаса инсон,
Ҳаётнинг қадрига етмас бегумон.

Тоғ баланд булмаса турмагай қори,
Сувсиз кўкни уртар наҳр озори.

Маърифат очмаса башар кўзини,
Унутиб қўйгуси айтар сўзини.

Илми толибларга сиз берган сабоқ
Насллар толеъин айлагай порлоқ.

Халқ бирлан булмаса шоир ҳамнафас,
Назмига кенг дунё эрур тор қафас.


Ўз элин ораусин қўйлаган шоир
Анинг дарди бирла яшар бир умр.

Золим шоҳга шоир бўлса гар маддоҳ,
Уни домга тортур эл қазиган чоҳ.

Подшоҳ бўлса агар адолатпарвар
Саодат боғида яшагай башар.

Кошкийди, тинчиса Ҳирот гавгоси,
Ушалган бўлурди эл муддаоси.

Жаноби доруға — шоири даврон,
Бул лутфи карамдин фархундадир жон.




Илкимдин не келса этурмен адо,
Элга хизмат этмак асли муддао.

Аъламул-уламо фақиҳ Абуллайс,
Меҳрингиз туфайли дил боғи серфайз.

Устод мударрислар, минг раҳмат сизга,
Сиз рӯшно этмишсиз оламини бизга!

...Аҳли анжуманга таъзим айлаб хуш,
Навой оламга боқадӣ сархуш.

«Офарин, Навой!» — деган садолар
Самарқанд кўкида қундек ҳаволар.



ИЖЖИЖҶИ ЖИЕМ

I

Султон Аҳмад мирзо олий боргоҳи
Бугун саодатли куннинг гувоҳи.

Муборак ёрликқа чекиб хуш имзо
Самарқанд султони ўздан ризо.

Сарой ҳаётида қутлуг кун бугун,
Бу кун булур тарих умрига мазмун.

Чигатой амири деган лавозим
Бугун Навоийга қурилмиш лозим.

Бу дутфи карамдан юзлари анор
Навоий қалбида гул ёзмиш баҳор.

Муҳташам саройда бу қутлуг айём
Амирлик хилъати этилмиш инъом.

Султон Аҳмад мирзо уни ардоқлаб,
Шаънига сўз айтмиш юракдан олқаб:

СУЛТОН АҲМАД МИРЗО

Мавлоно, Навоий, сийлаб Самарқанд,
Бошингиз силамиш фарзанди монанд.

Сизга улуг бахтни кўрмиш муяссар,
Умрингиз субҳини этмиш мунаввар.

Боргоҳ остонида топғайсиз қадр,
Чигатой улусга булғайсиз амир.

Улусга пайваста бахтингиз кулғай,
Амирлик мансаби муборак улғай!

НАВОИЙ

Бошим кўкка етмиш бу иноятдин,
Самарқанд бахш этмиш бахт-саодатдин.

Чигатой улуси эрур забардаст,
Фақир сидқидилдин жон этгай пайваст!

Улуснинг дардини ким кўрса баҳам,
Ҳаёт гулшанида улғай мукаррам.

Кумак илкин чўзса фақирга боргоҳ,
Ул элнинг дардига улғаймен паноҳ.

Кўнглим рўшно қилғай назм анвори.
Назмимга маънидур эл ифтихори!..

Навоий назмага мафтун кўнгиллар
Богиди сайради завқдан булбуллар.

Хилъат Навоийга жуда ярашди,
Кўзлар қувонч билан унга қарашди.

«Муборак булсин!» — деб янгради сўзлар,
Лутф бирла жилмайди шоирга кўзлар.

Зарбоф хилъат тиккан барно йигит ҳам
Қутлуг маросимни қузатиб хуррам,

Ўзининг касбидан қувониб ўзи,
Табассум қилгандек санъат юлдузи,

Навоий қошида хуш таъзим этди,
Ўзини Бобур деб унга танитди.

Амирлик мансаби бирлан қутлаб ул
Орзу чаманидан терди даста гул:

БОБУР

Саодатли амир, дарзий хунари
Фақирнинг оламга бергусиз зар.

Сизга хилъат тикиб кўнглим шод ўлмиш,
Назм гулшанида дил обод ўлмиш.

Шуаро суҳбатин гадосидурмен,
Ҳазалу муаммо шайдосидурмен.

Дарзийлик хунарим шукуҳига хос
Муаммо айтсангиз, сиздин илтимос...

Тикувчи йигитнинг эҳтиромидан,
Ҳазал мухлиснинг кўнгил комидан

Навоий бир лаҳза ҳаёлга толди,
Сўнг эса завқ билан оқ қоғоз олди.

Ушбу муаммони битиб дафъатан
Бобурнинг кўнглини айлади чаман.

НАВОИЙ

«Қабо бар қадди ту медузад айём,
Барор аз қоф, то қоф, эй, писар, ном»

(Кийим тикгай сенинг қаддингга айём,
Жаҳонда топгин, эй ўғлон, улуг ном).

Жамоат шоирни қутлади шодон,
Мақтовдан тикувчи йигит беармон

Навоний мадҳига бўлиб мўъссар,
Шоир ҳадясини кўзига сурар.

Сурур чорбоғида Навоний кезар,
Муаммо таърифин Ҳожибек сўзлар:

АҲМАД ҲОЖИБЕК

Навоний лутфининг маъноси ажиб,
Демишким, Бобурга қилиб мунтасиб,

Бўйингга тун бичар, ҳаёт, эй углон:
Дунёга чиқаргил сен ҳам яхши ном.

Аминмен, бул олий баҳони Бобур
Ҳунари туфайли оқлашга қодир.

Бобуро, муаммо муборак ўлсун,
Навоний айттандек толеъинг кулсун...

Муаммо завқидан ҳайратда Бобур,
Қўлида қоғозмас, назмул жавоҳир.

Ифтихор туйғусин қилгали изҳор
Таъзим бажо этди шоирга такрор:

БОБУР

Мавлоно Навоний, бул лутфи карам
Тилимини лол этмиш, кипригимни нам.

Сизни бир кўрмакка орауманд фақир
Қувончин умрбод этгай муфтахир.

Сиз дебон қилгаймен жонимни нисор,
Бул муаммо булгай менга бир ёдгор...

Навоний шукуҳи саройни тутар,
Муаммо тиллардан тилларга ўтар.

Шакур Мирзо эса қузатиб зимдан,
Дили ўртанади ушбу русумдан.

Навоний обрусин поймол этгали
Фитна қалъасида тутқун ҳаёли.

Кўнглидан қон сирқиб вале ноилож
Навоний ишига тилайди ривож.

Файз Маҳмуд ичидан ўтиб қиринди,
Амирни қўгламоқ учун уринди.

Гуё шукуҳига етгандек зиён
Сарой шоирининг дилида фиғон.

Ва лекин тиржайиб тилади омад,
Амрдан ноилож кутгандек мадад.

Бу ҳолдан дили ғаш булса-да амир;
Файз Маҳмуд кўнглини айлади маъмур.

Маросим оёқлаб қолган ушбу дам,
Чигатой амирин тутиб мукаррам,

Абуллайс дуоси топиб ижобат,
Оқ фотиҳа берди аҳли жамоат.

II

Навоний чехрасин равшанлигидан,
Бахтиёр қалбининг гулшанлигидан

Файз топган Самарқанд жаннат бўлганда,
Богларда дилафрўз чаман кулганда,

Хушхиром қаламин қаро кўзидан,
Қоғозин мунаққаш этган сўзидан

Кўнглилар уйини безаганда зар,
Карам шарафига бўлиб мўъссар,

Саодатманд амир фикрига муштоқ
Шоирлар боргоҳда эдилар кўноқ.

Пурҳикмат суҳбатун доно маслаҳат,
Дилкаш мусоҳаба, ажиб машварат

Дилларни тонг каби қилиб бегубор,
Амир ҳузурига чорларди такрор.

Ким битса янги бир қасида, ғазал,
Даставвал Навоний берарди сайқал.

Қай олим илмда топса бирор гап
Тонг билан келарди амирни йўқлаб.

Меъмору муҳандис, косибу деҳқон
Меҳр китобидан ўқирди дoston.

Навоний эл билан бўлиб ҳамдийдор
Тонгга қадар дарднок битарди ашъор.

Тонг билан хизматда буларди машгул,
Элнинг дард-ғамига шерик эди ул.

Эл йиғласа йиғлар, кулса куларди,
Яшнаса яшнарди, сулса суларди.

Икки дарё аро неки шоир бор
Навоний сўзидан эди бахтиёр.

Амир Низомиддин Шайхим Суҳайлий
Саройда қадр топди унинг туфайли.

Элга номи кетган соҳиби қалам
Жонига Навоний топарди малҳам.

Бугун ҳам Суҳайлий кўнгли гулистон,
Навоний уйида ул бўлди меҳмон.

СУҲАЙЛИЙ

Мавлоно Навоний, гоёт хайрнок
Иш бирлан истади сизни дили пок.

Султон Аҳмад мирзо мадҳида фақир
Қасида битибмен, этсангиз таҳрир...

Суҳайлий кўнглини тўлдириб нурга,
Навоний хушчеҳра боқди амирга,

Қасидани олиб ўқиди шодон,
Олқиш наҳри урди қалбида тугён.

НАВОИЙ

Майлоно Суҳайлий, мадҳга сазовор
Қасида битмишсиз, толеъ булгай ёр.

Вале мадҳ соҳибин неми безалмиш
Байтдин сунг қасида ипи узилмиш.

Икки гўзал байтни қилгали пайваст
Ротиба лозимдур, урмак керак даст.

СУҲАЙЛИЙ

Меним фикримни ҳам шул этмиш зоҳир,
Илтифот юзидин сиз айтнинг, амир.

НАВОИЙ

Хайл уммонидин топгунимча дур
Сиз ҳам ўйланг, бир байт топилай манзур.

Кўргаймиш, пардасин очиб бул замон
Фалакнинг ўзи не этгай намоян...

Суҳайлийга бўлиб бу фикр маъқул
Самимий жиймайди Навоийга ул.

Икки зот олишиб қоғозу қалам
Тафаккур баҳрига чўмдилар шу дам.

Вақт соатин олгин кафгири шиддат
Лаҳзалар зарбидан тўлганган фурсат

Азиз бошларини кўтариб ердан
Бир байтдан ёзишди иккови бирдан.

Сунг эса бой бермай олгин пайтини,
Бир-бирига тутди битган байтини.

Иттифоқо, воқеъ бўлиб таворуд,
Дилларни чулғади ажиб бир суруд.

Мавлоно Суҳайлий этгак илтифот,
Навоий лафзида байт ёзди қанот:

«Баҳори боғи жавони, ниҳоли гулшани адл,
Гули ривзи карам, сарви жуйбори виқор».

(Ешлик баҳоридирсан, адл гулшанин ниҳоли,
Ҳимматда гул эрурсан, фахру виқор камоли).

Бир-бирига ўхшаш икки гўзал байт
Икки дил боғида тугилмиш бир пайт.

Қасидани безаб бул дурри макнун,
Таворуд сеҳридан бўлишди мамнун.

Суҳайлий офарин айтди амирга,
Амир ҳам қувонди ул билан бирга.

Форсийда Суҳайлий бўлса-да моҳир,
Наам гулшанида Фонийдек нодир

Истеъдод соҳибин тутиб мукаррам,
Навоий уйдан узмасди қадам.

III

Гавғодан чиқмади Хуросон боши,
Гоҳ ёниб, гоҳ сунди дилда оташи,

Эл фиғони кўкка ўрлаб тутундек,
Дилсиёҳ — гўё ой тутилган тундек.

Жанглар гирдобига бўлиб гирифтор
Осойиш кунларга боқди умидвор.

Султон Абу Саъид зулмига барҳам
Беролмай, халойиқ чекар эди гам.

Бешафқат солиқлар тегди жонига,
Ўт тушиди мазлум эл хонумонига.

Девон маъмуллари ҳаддидан ошди,
Форат ва торожи сел бўлиб тошди.

Дилларни кемирди фитна ва фасод,
Ҳаражу мараждан юрт эди барбод.

Қаёқдан эсса-да бало шамоли
Шаҳри Ҳирот бўлди унинг қамали.

Хосу аном эса дашт аро ҳайрон
Бедармон касалин дастидан гирён,

Тарки ватан айлаб, олиб кетди бош,
Юрагида қону кўзларида ёш.

Исканжа остида ўлиб не нисон,
Қутилди азобу укубатдин жон.

Ғамдиди аёллар юзларин очиб,
Қоп-қора сочларин ҳаринга сочиб,

Гурас-гурас бориб девонбошига,
Аламин сиғмасдан ичу тошига

Ялниниб-ёлвориб тилади шафқат,
Кўзларин сел қилди жабру машаққат.

Мурувват ахтариб ул бечоралар,
Эзилган бағрини тигиз поралар.

Фарёду фиғонга тўлса-да олам,
Лек султон қилмади заррача карам.

Юртда зулму ситам яна олди авж,
Ғазаб тўлқинлари яна урди мавж.

Жангу жадалларда толди халойиқ,
Балолар домиди қолди халойиқ.

Султон Бойқаро ҳам тинчимди ҳеч,
Ҳеч кимса демади: «Бу савдодин кеч!»

Ҳирот тахтига ул бўлиб даъвогар,
Осойиш билмади на шом, на саҳар.

Даста-даста аскар сарбони бўлиб,
Толиққан кезларда дармони бўлиб,

Ҳирот салтанатин ларзага солди,
Гоҳ унга ён босиб, эл ҳам қўзғолди.

Ҳусайн қошида Таршиз эгди бош,
Улус ишига ул бўлди кўзу қош.

Қалъа дарвозасин очгач Нишопур,
Абу Саъид ҳоли бўлди кўп огир.

Ҳусайн обрўси ошиб эл аро
Гоҳ унда, гоҳ мунда қўзғар можаро.

Гоҳо султон қўли келганда баланд,
Бойқаро лашкари еяр эди панд.

Мирзо билан султон туриб юзма-юз
Бир майдонда зур жанг қилмаган ҳануз.

Ҳусайн Ҳиротга келолмай яқин
Атрофда чақнарди мисоли чақин.

Султон моҳир эди жангу жадалда,
Кимлигин кўрсатган эди амалда.

Бир навбат, майдонда ҳар икки томон
Ўзини жанг аро этди намоён.

Жаҳ-жаҳ атрофида бўлган бу ҳарбда
Султон аскарлари беролди зарба.

Бойқаро қушини қочди, сақлаб жон,
Бир дастаси эса тополмай имкон,

Султон амирларин қўлига тушди,
Тутқунлик домида жони увушди.

Амирлар кенгашиб олиб ўзаро,
Асирлар қисматин этишди қаро:

Бошларин султонга эттали эҳсон
Ўлимга чоғлади уларни шу он.

Мингчинор даҳасин аскаргоҳида,
Амир Султон Ҳасан қароргоҳида

Унинг кўз қароси — Мирзобек танҳо,
Навоний дардига бўлганда ошно,

Товачи келтириб икки асирни,
Ошиқиб сўради улуг амирни.

Амирнинг йўқлигин билгани замон,
Товачи уларга деди ногаҳон:

«Иккисин умри ҳам топминдир завол,
Бошларин ҳокимга юборинг дарҳол».

Бу ҳолдан ўйланиб қолди-да бир дам,
Навоний ҳолати ўзгарди бирдан.

Олийхулқ амирдан мурувват сўраб,
Асирлар боқарди кузи мултираб.

Мирзобек раъинга бермасдан озор
Навоний кўнглини айлади низоҳор:

«Жаноби Мирзобек, жанг майдонида
Бир қурбон ётмишдур тена ёнида.

Бир-икки тангани олса гар жаллод,
Бошини келтиргай, бирини озод

Этмак умидим бор, қилсангиз амал
Бир умр боғига кирарди ҳамал».

Мирзобекка бўлиб бу тadbир маъқул,
Жаллодни шу замон хурсанд этди ул.

Бир одамни халос қилиб ўлимдан,
Ўзгасин қутқарсам қайси йўл билан,

Деб турган чоғида Навоний ҳайрон,
Товачи от қўйиб келди-да шу он:

«Яна бир асирни ўлдирманг, амир,
Бир бошнинг кетгани кифоя эрур».

Деди Мирзобекка топгандек имкон,
Навоний дилин ул этди гулистон.

Товачи қўлига бир бошни бериб,
Ўлимдан иккала жонни қутқариб,

Навоний уларни қўйиб юборди,
Шамширдан қўлларин тийиб юборди.

Бу бахтдан тутқунлар лол бўлиб қолди,
Ташаккур айтишиб кўздан йўқолди.

Навоний топган бу тadbири шоён
Сеҳридан ҳайратда Мирзобек ҳамон.

IV

Олтин кўз йиғмоқда дастурхонини,
Гулханда ёқмоқда зар хазонини.

Тупроқлар тортилди тоқлар зангига,
Боғлар қулоқ тутди қиш оҳангига.

Кўзгудай тиниқди Кўҳак сувлари,
Ғафлат уйқусига чумди болари.

Муздай шамол эди кўҳистонлардан,
Булбуллар йўқолди гулистонлардан.

Боғу роғ ҳувиллаб қолди кимсасиз,
Далалар ҳансираб ётар, жилвасиз.

Юзларга санчилди аёз игнаси,
Жонга хуш ёқади офтоб шуъласи.

Булутлар элайди элақда ёмғир,
Қарғалар «қар-қар» деб қорга мунтазир.

Сайр ётар кузакнинг сўнгги онлари,
Кумушга безанмиш тоғ домонлари.

Бу хазон фаслида маънос туйғулар
Дилафгор Навоний қалбини тилар.

Қафасдай қуриниб кўзига шаҳар
Ул бугун Кўҳакка отланди саҳар.

Дул бўлиб бошига ёрилган ғамлар
Нотавон этгандек, зўрга қадамлар.

Осмон ўртагандек мунгли оҳидан
Ёғилиб турибди дард нигоҳидан.

Энг мунқул қушларда Кўҳак ҳавоси
Навоний кўнглининг эди давоси.

Кўҳак тепасидан унга чор-атроф
Борлигин намоён ётарди шафқоф.

Хайлини чулгарди осуда тоғлар,
Тоғларга туташган чаманзор боғлар.

Кўнглини эркалаб дарё шамоли
Маҳлиё этарди юртин жамоли.

Дилида губордан қолмасди асар,
Кўзин сеҳрларди жаннатий манзар.

Кўҳакка топиниб келди бутун ҳам,
Кошкийди, топилса дардига малҳам.

Борлиққа суқланиб боқди ғамгузор,
Кўзида ҳасрату дилда алам, зор.

Не учун Навоий дили афғордир,
Не учун кўзига Самарқанд тордир?

Бошига ёғдими маломат тоши,
Не учун эгилмиш Навоий боши?

Ё ундан келдими рақиблар устун,
Орзулар чамани бўлдими кукун?

Ё Шакур Мирзонинг фисқу фасоди
Туфайли кетдими келган омади?

Ё султон Бойқаро ҳоли бўлиб танг,
Кўксига тегдими ғаним отган санг?

Йўқ, эслаб раҳматли тоғаларини,
Хўсайнга тарафдор оғаларини,

Танҳолик даштида кўнгли ўксинди,
Дилафгор бошида ғам тоши синди.

Дунёда қолгандек бир ўзи якка,
Алам нишгарини санчди юракка.

Суялган тоғлари қулади, ҳайҳот!
Мунчалар бешафқат бўлмаса ҳаёт!

Ҳарқалай, иниси Дарвеш Али бор,
Онаси қошида парвона, ғамхор.

Яна Кобулийнинг ўгли Мирҳайдар —
Суюкли жияни, чекади кадар.

Кўнгли андуҳини унутай дебон
Кўҳакдан дардига излади дармон.

Яна боқди Кўҳак жамолига у,
Кўксин тутди Кўҳак шамолига у.

Билтур зилолидан даво излади,
Сокин мавжларидан наво излади.

Зар афшон соҳилин сайр этди у,
Қумлари кўзига кўринди инжу.

Кўҳак оқар эди сокин, беозор,
Насими бахш этди танига мадор.

Сарин сабосидан руҳи очилди,
Дардлари дарёга қумдек сочилди.

Кўнгли фориг бўлди аламу зордан,
Мунгли хотиралар эзган озордан.

Дарё билан оқиб кетди дардлари,
Дилида қолмади чангу гардлари,

Кўҳак сувларига термулганча жим
Уйларга ботди у — кўнглида, балким,

Эзгу умидларнинг чироғи ёнди,
Ажойиб туйғулар, ҳислар уйғонди.

Дилкушо кўринди Кўҳак бўйлари,
Узоқларга олиб кетди уйлари.

Едида жонланди олис оламлар,
Пири муршид излаб кезган айёмлар:

Машҳади шарифдан қайтгач Ҳиротта,
Юраги чулғанди бир муъжизотта.

Хожа Аҳрор Валий ҳақида комрон
Улусдан эшитди ажиб бир достон.

Тилдан тилга утиб Ҳазратнинг номи,
Элу юртни тутган экан икромни.

Фазлидан ҳайратда алломалар ҳам
Эътиқод тахтида этмиш мукаррам.

Валий зотни кўрмак бўлиб зўр ҳавас
Закий Алишербек оларди нафас.

Мурид бўлсам дебон пири муршидга,
Боқди олисдаги юксак хуришидга.

Не бахтки, бошига тушдию ихрож,
Муродга етмакка топилди илож.

Самарқандга қадам қўйган кунданоқ
Мақсуд ганжига у интилди муштоқ.

Раҳнамо бўлмаса Хожа Фазлуллоҳ,
Балки, пир қошида топмасди паноҳ.

Не шараф, хуш айём муродга етди,
Шубҳалар ҳазонин ел олиб кетди.

Мурид бўлиб Хожа Аҳрор Валийга,
Ўзини топширди пир-илоҳийга.

Қадру камол топди пир дуосидан,
Дурри фикрат топди пир дунёсидан.

Узоқ-узоқ қолиб кетди ёнида,
Иzzат-икром кўрди хонадониди.

Ҳазратнинг суюкли фарзанди каби
Қулди даргоҳида толеъ кавкаби.

Тасаввиф боғини қилиб ободон
Эътиқод ниҳолин утқазди комрон.

Кашф этиб Хожагон тариқатини,
Англади тасаввиф ҳақиқатини.

Содиқ солик бўлиб тариқатга у,
Етишди шарафли маърифатга у.

Шуурин забт этди пир суҳбатлари,
Назмини безади тасаввиф зари.

Пир билан Тошкандга қилиб саёҳат
Азизлар мазорин этди зиёрат.

Соликлик кўйидап чиқмай бир қадам
Бирга сафар қилди Андижонга ҳам.

Ҳазрат уни кўриб ўзидан зиёд,
Камол тонсин деди соҳиб истеъдод.

Шаҳрисабз ҳаёлини чулғади нурга,
Ёдида қолди у бутун умрга.

Мафтуну дол этди уни шаҳри Каш,
Юрагига солди илҳом ва оташ.

Шаҳрисабз васфига у йўниб қалам,
Шабоб дафтарига айлади рақам:

«Дедилар: «Кишвари дурур дилкаш,
Оти ҳам Шаҳрисабз эрур, ҳам Каш.

Хизир монанд сабаддин рангги,
Сабзаси сўйи кўзгуси рангги.

Шаҳрисабз ўлди бизга чун мулкат,
Йўқ ажаб гар яшил дурур киеват...

Шаҳрисабз ўлди тахттоҳи анинг,
Ер уза сабадек синоҳи анинг.

Анга фарзанд бир паривашдур,
Ки пари ҳуснидин мушаввашдур.

Қила олмай, пари юзига ситез,
Ҳури жаннат анга камина каниз».

Бошини кўтариб наҳри Кўҳакдан,
Бегубор оламга боқди юракдан.

Дард-алами оқиб кетди дарёда,
Фархунда кўрди у ўзни дунёда.

V

Навоий ҳаёлга асир бўлган пайт
Ёдида жонланди гадо айтган байт:

«Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкилган сабаддин намнокроқ».

Бозор остониға бориб ул абгор
Бу байтни тинглаган эди неча бор.

Ғам билан бу байтни куйласа гадо,
Аҳли дард гўёки буларди адо.

Бозорга йўл олган барча харидор
Дарвоза ёнида тўхтарди бир бор.

Гадонинг ширали овози гўё
Осмон гўмбазида берарди садо.

Унинг хонишидан бўлиб дилафгор
Ғам даштин айларди диллар ихтиёр.

Бу байтни Навоий эшитган кундан
Ороми йўқолди гўёки ундан.

Кўнгли бўлиб тамом мафтуну асир
Ёд ўқиб юрмакдан топарди ҳузур.

Замзама қиларди ул шому саҳар,
Шодадан узилган бул икки гавҳар

Фикру ҳаёлини этган эди банд,
Сотиб олмакка ул эди орауманд.

Бу истак қўймади Навоийни тинч,
Гадонинг изидан борди-да бир кеч,

Дардин айтмоқ бўлди харобасида,
Йўқ демас, балки, ул илтимосига.

Дилини банд этган шу эзгу қарор,
Кошки, Навоийни қилса бахтиёр.

НАВОИЙ

Отахон, сотсангиз шу байтингизни,
Бул фақир миннатдор этарди сизни.

Кифоя қилмаса гар унга ақчам
Ечиб беражакман сизга тўним ҳам.

Йўқ деманг, отахон, сиздан ўтинчим,
Байтингиз йўқотмин кўнгулдин тинчим...

Навоий сўзини эшитган гадо
Қаҳ-қаҳ уриб қулиб юборди, аммо,

Бошини чайқаб ул рад жавоб қилди,
Шоир орузсини худ сароб қилди.

ГАДО

Янглишмасам, тақсир, мулаваҷчасиз,
Бу байтни олмакка етмас ақчангиз.
Шундоғми?

НАВОИЙ

Йўқ, асло!

ГАДО

Унда, эй, ўғлон,
Байтни сотиб олмак эмасдур осон.

Бу олий ниятдин кечинг умрбод,
Текинга берурмен, майли, олиб ёд,

Ўқиб юра беринг, эмасмен монъ,
Байт учун қилмасмен сизга даъвоини.

НАВОИЙ

Сотиб олмагимнинг бир сабаби бор,
Ул чоғда бўлмасиз байтга даъвогар.

Қуйлаб тиланишдин маҳрум бўлғайсиз,
Фақирни соҳиби байт деб билғайсиз...

Гадо бу даъвоини эшитган ҳамон
Мийингда қулиб қўйди-да шодмон,

Навоий сўзидан териб дурдона
Бошини чайқаб тамасҳўрона.

ГАДО

Балки, бунга сизнинг кучингиз етмас,
Ақчасиз, азизим, сўзингиз ўтмас.

Балки, шоҳликка ҳам алишмам буни,
Шу туфайли ўтар фақирнинг куни.

Зероки, отамдин бул байт меросдур,
Қирқ йилдан буёнким, куйлашим ростдур.

Шу билан тебраниб турибдур рўзгор,
Бола-чақамни ҳам бунда ризқи бор.

НАВОИЙ

Шоир ўтганмиди отангиз, тақсир?

ГАДО

Йўқ, богбон эдилар, гоят беназир.

Балад овоз билан куйлаб ҳар наҳор
Парвариш этарди боғин соҳибкор.

НАВОИЙ

Айтинг-чи, бир байтнинг узимиди, ё
Мукамал газаддин фақат энг аъло

Байти ёдингизда қолганми, тақсир,
Хайл кўзгусига уйлаб боқинг бир?

ГАДО

Йўқ, отам ҳам этиб шу байтни такрор
Боғ аро куйларди, ёзғали хумор.

НАВОИЙ

Соҳиби кимлигин, балки, билурсиз,
Меним мушкилимни осон қилурсиз?

ГАДО

Ному тахаллусин билмайман, бўтам,
Беҳабар бўлгандир, балки, отам ҳам.

(Навоий сукутта чумди, чекиб ғам,
Гадо эса берди сўзига ҳашам):

Ёд олиб сиз доим этмакка такрор,
Менинг ризолигим етмасми, шунқор?

НАВОИЙ

Йўқ, асло! Сиз ризо бўлмасангиз ҳам
Ёд олиб, дилимни қилгали хуррам,

Замзама қилурмен билониҳоя,
Лекин бул мен учун қилмас кифоя.

ГАДО

Ундоқ бўлса, тақсир, сизда ихтиёр,
Араонга сотмасмен бул байтни зинҳор...

Гадонинг сўзидан руҳи чароғон,
Навоий қалбида тугён қилиб жон,

Шод бўлиб, уйига қайтиб келди у,
Йулда ҳам шоҳ байтни айтиб келди у:

«Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкилган сабадин намнокроқ».

VI

Боғи Дилқушода фасли баҳордир,
Баҳорки, азалдан фасли ангъордир.

Гулзорлар оламга қилиб табассум,
Тароват қўшигин этмиш тараннум.

Кўнгилилар чамандан олиб андоза,
Баҳор саодатин айлар овоза.

Булбуллар «чаҳ-чаҳ»лаб куйлашар тонгдан,
Табиат сархушдир завқли оҳангдан.

Пайваста чинорлар учиди офтоб
Олам китобини ўқир бобма-боб.

Келинлар бергандек тонг ила салом,
Мажнунтоғлар ерга этмиш эҳтиром.

Самога қўл чўзиниш шамшод, тераклар
Кафтида бир ҳовуч нурли тилаклар.

Япроқлар ичидан муралар анор,
Бағри қон булгунча ҳали фурсат бор.

Анжирнинг шاپалоқ япроқларида
Нур уйнаб, мўлтирар қучоқларида.

Тим билан дилроздир кўркам ишқомлар,
Бошларда соябон гўё эҳромлар.

Ариқлардан оқар сувлар хиромон,
Дилбар навосидан ором топар жон.

Боғ аро сайр этар мусаффо ҳаво,
Ҳавоки, қирқ йиллик дардга ҳам даво.

Мунаққаш бинолар нақш-нигорида,
Офтобни лол этган кўрк-виқорида

Ёғдулар товланиб уйнар намозшом,
Кун билан таланиб қўнмоқда оқшом.

Боғнинг уртасида дилқушо шийпон,
Шифтида акс этмиш гумбази осмон.

Ҳовуз атрофида толу қайрағоч
Ҳавас гулшанида ёзмишлар қўлоч.

Дарахтлар шоҳида қафаслар яйрар,
Каклигу бедана маст бўлиб сайрар.

Пуртана қилгандек дилда илҳоми
Боғни тутиб кетмиш қўшлар мақоми.

Қўшлар мақомига гўё жўровоз
Боғ ичра янграйди мусиқаю соз.

Амиру умаро, аҳли фузалю,
Ҳофизу шуаро сархуш боғ аро.

Вафойи газалии куйлар муганний,
Ўт бўлиб, дардини суйлар муганний:

«Боғ аро куйсанг қадам саҳни гулистон уртанур,
Яшнатиб гул баргини инжуда хандон уртанур...»

«Ваҳ» деди нолаваши аҳли анжуман,
Дил баргин тиглади гўёки тикан.

Навбат Ривзиёга келган чоғида
Кибр ўти ёниб кўз қароғида,

Ўридан қўзғолди улуғларга хос,
Қалбидан отилди ёниқ эҳтирос:

«Эй пари, аз рух барафган турраи тарродро,
То ба кай бар руй муҳаф мениҳи зуннорро...»

(Не унар ўйноқи зулфинг, эй пари, рухсорни,
Не учун қўймоқ ахир муҳафга бу зуннорни...).

Бу латиф газалга бўлди-ю мафтун
Шоирни қутлади Навоий мамтун.

Амир Мирзобекка келганда сухан,
Жон қулогин тикди унга анжуман,

«Ена-ена кул бўлармен келмасанг ёнимга, ёр,
Кулмагин кул бўлди деб, раҳм айлагин жонимга,
ёр...»

Қутловдан Мирзобек хуш таъзим этди,
Шодликдан гўёки ўзини унутди.

«Навоий ўқусин», «Навбат амирга», —
Садолар завқ билан чулғанди нурга.

Навоий кўзига тикилди кўзлар,
Томоша қилгани чинди юлдузлар.

Ой чирогин ёқди дилбар тун қизи,
Заминнинг бир зумда нурланди юзи.

Сайроқи қушлар ҳам тинди беозор,
Амир газалига олам интизор.

Навоий қалбида зўр шеърини қудрат,
Сўзида товланар чақмоқли суръат.

Маънос туйғуларнинг оташ тугўни
Комида тўлганар шоир армони:

«Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилгин,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгин...»

Юзида терни кўруб улсам, эй, рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргини кафан қилгин!»

«Офарини, Навоий!», «Муборак улгай!» —
Нидоси Дилқушо узра чарх ургай.

Вафойи руҳида маънос аланга,
Навоий газалии жон берур танга.

Дўстлар меҳрин гўё этиб армуғон,
Шоирни дил-дилдан қутлади шодмон.

Навоий таъзимга хурсанд эғди бош,
Олқини дурн янглиг кўзларида ёш.

Вафойи дилига муҳрланмиш байт
Боғ аро сайр этмиш ушбу гўзал байт.

«Юзунг гулига кўнгул равзасини яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанини чаман қилгин!»

Нафосат мажлисини сухандонлари
Дил уйини безадди назм гавҳари.

Нодир истеъдодга беришганда тан,
Шакур Мирзо деди: «Гулда бор тикан».

Ва лекин кўчди тез суҳбат тўлқини,
Арқоғдек узилди ноибнинг уни.

Вафойига бўлиб Мирзобек ҳамроз,
Дард билан шоҳ байтга бахш этди парвоз:

«Юзида терни кўруб улсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргини кафан қилгин!»

Бу олий шарафдан гангиб бошлари,
Шарордек сочилиб дил оташлари

Навоий урнига қўнди омонат,
Ҳазал айёмидин дилда саодат.

Вафойи келгани Садоний сари:
«Куйлансини Навоий шўх газаллари!»

Садоний, сазининг чертиб торини,
Жалб этди Вафойи ихтиёрини:

«Амир газалига ўзини чоғлабмен,
«Муножот» аталмиш бир савт боғлабмен.

Бул фақирга бўлса руҳсати олий,
Умридан бахтиёр улгай Садоний».

«Марҳабо, Садоний!» — деди Вафойи,
Бу куйдан беҳабар эди Навоий.

Навоийга хушнуд қилиб наззора
Садоний куйлади ёниб дилпора:

«Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади».

Тун бағрини тилиб таралмиш қўшиқ,
Маҳзун дил оҳидан яралмиш қўшиқ.

Анжуман боши ҳам бу муножотдан,
Қалбини ўртар ҳам бу муножотдан.

Само кўз ёнидек боқди юлдузлар.
Мунгли куй мавжида оқди юлдузлар.

Тўлин ой терилди ерга мунгайиб,
Кўҳак тоғи қолди гамдан мункайиб.

Дилафғор нолага чулғанди Кўҳак,
Ярадор шермисол тўлғанди Кўҳак.

Дилкушо эзилди хижрон оҳидан,
Ором йўқолди ишқ қароргоҳидан.

Самарқанд ҳайратдан ҳаёлга толди,
Бир қатра симобдек ул титраб қолди.

Маҳзуи тун жонида дармон қолмади,
Муганний қалбида армон қолмади.

Ул ёниб дардини этмиш муножот,
Борлиқни сел каби тутмиш «Муножот».

«Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йулида интизор,
Келди жон оғзимау ул шўхи бадху келмади...

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким бода келган уйга қайғу келмади».

Қирғоқдан ҳасратнок қайтгандек тўлқин,
«Муножот» оҳиста тинди ва лекин

Мунгли бу кўшиққа бўлиб қайғудон,
Анжуман ғам ичра қуйи эди бош.

Тоғу тошлар ошиб савти «Муножот»
Кўнглилар дардига изларди нажот!

VII

Амир Навоийдан кўнгли миннатдор
Самарқанд элида ишонч барқарор.

Халойиқ юмушин қилгали осон
Энг мушкил дамда ул тошарди имкон.

Амир ҳузурига арга келса ким
Қонидан чиқарди қилиб табассум.

Унга ён босарди — сўзи бўлса ҳақ,
Музаам этар эрди гар бўлса ноҳақ.

Бор гапни юзига айтиб рўйирост,
Ранжиса, кўнглига солар эди даст.

Мансабдор кимсалар ҳузурда ул
Бир кун и ара сўраб, очганида дил.

Олий садоратлик мансаби теккан
Қутбиддин Хавофий изтироб билан

Кирди-да, арағуйлар ёнида чўқди
Ва дилда борини шошилинч тўқди:

«Мартабали амир, ҳаммадин бурун
Меним ишим кўриб, этгайсиз мамнун»...

Илтифот гулини тутди-да амир,
Хавофий кўнглини эттали маъмур.

Ҳазаб алангасин зўрға сўндириб,
Дилида зорланиш наҳрин тиндириб.

Ёнига ўтқазди уни шу замон
Ва арзин сабабин сўрди меҳрибон:

«Мавлоно Хавофий, не бўлмиш содир,
Изтироб чекмасдин этингиз зоҳир?»

Жаҳлу алам билан олий садорат
Кирангий устидан этди шикоят:

«Амир, Хожа Ҳусайн Кирангий бу кун
Сазо бериб, этди дилимни кукун.

Ул деди: сен аввал эдинг бир навкар —
Мавлоно Муҳаммад амрига музтар».

Бу сўзлардан амир таажжуб қилиб,
Хавофийга ваамин сўзлади кулиб:

«Бу гап изтиробга бўлмағай сабаб,
Модомики, мазкур хожани чорлаб,

Уртага ташласак бу гапни агар
Кирангай айтгани рост бўлиб чиқар.

Тўғри сўздан ранжиш яхши иш эмас,
Бу хислат сидаек зот умрин беаамас».

Мавлоно Қутбиддин Хавофий шу дам
Амрини қилмоқчи бўлди-да мулаам,

Султон Абу Саъид замонасида,
Кўжарой қасрининг остонасида

Амир Султон Ҳасан Арҳангий билан
Бир неча мартаба суҳбатда булган

Чоғларин эслатиб деди амрига,
Масъул дам ёнида тургандек бирга:

«Арҳангийга эдим илгари навкар,
Амирлик мансаби бўлиб мужсар,

Ноибликнинг баланд мартабасига
Эришган бўлсам-да, вазифасига —

Ҳозирмен, ор қилмак ётдир фақирга,
Хизматда бўлмаймен қулдек амрига.

Ул киши не деса этгаймен бажо,
Миннатдор кўнгулда олий мудда».

Бу сўзлардан мажлис аҳли тўлғанди,
Хавофий хулқидан таажжубланди.

Амир Султон Ҳасан чекиб хижолат,
Мийинида кулиб қўлди фақат.

Ўз айбин сезиб лек уялди амир,
Бемаъни даъводан кечди шу тадбир.

Навоий кифтидан қулагандай тоғ,
Хавофий дилига ёқди шамъчиноғ.

Арз навбати келгач, хокисор деҳқон
Таъзим этиб деди гуноҳкорсимон:

«Саодатманд амир, адолат излаб,
Ургутдан келибмен, дардимини сўлаб,

Найлайин, бормаган жойим қолмади,
Ҳеч кимса арзимга қулоқ солмади.

Халойиқ жуъли берди маслаҳат:
«Навоий курсатгай сенга марҳамат».

Деҳқонга меҳрибон боқди-да амир,
Деди: «Баён этинг арзингиз, тақсир.

Амир карамидан бўлгандек мамнун,
Деҳқоннинг кунглидан ечилди тутун:

«Ун беш таноб ерга фақир экиб дон,
Бошида айланмиш санги тегирмон.

Тоғ-тоғ ваъда бериб Муҳаммад Ансор,
Ваъдасига вафо қилмади бир бор.

Ҳосилнинг ярмига даъвогар эди,
Туртдин учин талаб қилмоқда энди.

Ургутда адолат топмаса қарор,
Аҳли деҳқон бўлмай парча нонга зор.

Қишдин омон чиқмас бола-чақамиз,
Бир сиқим дон сўраб қайга чопамиз?

Марҳамат қилсангиз, муҳтарам амир,
Муҳаммад Ансордин кўрмасдик жабр.

Раҳму шафқат қилса ул эл жонига,
Ўт қўймаса анинг хонумонига.

Деҳқон қорни агар тўймаса нонга,
Бойларнинг омбори лиқ тўлмас донга.

Иағиб юришибди масохиллар ҳам,
Хирмондин узмайди капсанчи қадам.

Деҳқон ҳосилига чуғурчиқ мисол
Кўз тикиб турганлар кам эмас алҳол.

Муҳаммад Ансорга қилинг насиҳат,
Деҳқонлар ҳолига айласин шафқат».

Деҳқон илтимоси, алам-зоридан
Мунгли садо янграб кунгил торидан,

Навойи боқди-да амалдорларга,
Бир мактуб битди сўнг Хожа Ансорга.

Ва деди: «Мана бу хатни, отахон,
Муҳаммад Ансорга қилгайсиз эҳсон.

Хожани чорладик инсоф боғига,
Парвона бўлмай ул эл чирогига.

Марднинг иши эрур ваъдага вафо,
Номард кимса эса торттуси жафо.

Сизни кўриб чиқур хожа фиғони,
Вале арзингизга булмагай монеть.

Баргоҳдин Ургутта боргай ваколот,
Хожа бирла албат қургай мулоқот,

Ноумид бўлмаг ҳеч, ноумид — шайтон,
Умид билан донм тирикдир инсон!»

Деҳқон Навойига икки буккидди,
Севинчдан кўз ёши юзга тўкидди.

Бағрига босганча згу номани
Таъзим-ла тарк этди қабулхонани.

Деҳқон елкасидан мисли кўҳафкан
Ғам тоғин қулатиб, Навойи рўҳан

Енгил тортди бир оз, лек яна қанча
Арзғўйлар турарди уни кутганча.

VIII

Навойи қалбиди мавж урган сурур
Саодат онларин шукуҳи эрур.

Қўзларин яйратар мафтунли олам,
Кўнглини сайратар жонфизо қалам.

Дўст сўзи жонига ором бағишлар,
Дил уйин нурафшон айлар олқишлар.

Умидли дунёда бўлма, дея кам,
Тилак чаманида тутар мукаррам.

Хайли бургутдек эттирар парвоз,
Юксак чўққиларга чорлар дилнавоз.

Рўҳини тонг каби этар бегубор,
Қалбига бахш этар ажиб бир баҳор.

Толети кўкида чиққандек ҳилол,
Шодлик чашмасидан узатар зилол.

Бахтиёр Навойи завқнок этиб нўш,
Саратон субҳига жилмаяр сархуш.

Қўлида — мукаррам дўстнинг муждаси,
Кўксига урилар Саййид нафаси.

Нома рухсорида меҳру эҳтиром,
Зар ичида зардир гуё ҳар калом.

Тоғу тошлар оғиб келмиш бул нома
Кузгусидан боқар гуё аллюма:

Интизор кўзларда меҳр қўёши,
Қўёндан нурланмиш мужгонлар ёши.

Баланд чўққиларни беагандек қор,
Бошига қўнмишдир кумушранг губор.

Пешанаси йиллар изидан кўркам,
Оқ тола тушмишдир соқолига ҳам.

Умр юкидан тик кифтлари чўкмиш,
Йиллар шамоли сал қаддини букмиш.

Сиймоси касб этмиш улуглик, виқор,
Зукко боқишида тийран маъно бор.

Хуросон боғидан териб даста гул
Навойига инъом этмоқ истар ул.

Илҳом онларининг завқидан шодон,
Кўнглини эзадир ҳамон бир армон.

Бу армон — Навойи суҳбати эрур,
Оламга бергусиз ҳикмати эрур.

Турфа муждасидан узида йўқ шод,
Навойи йўлига интизор устод.

Камоли умрини тилаб субҳи шом
Амирга кўрсатмини сўнгиз ахтиром.

Арданер васлига зору интизор
Навоний помани ўқийди такрор:

«Олий ҳазрат, тилаб камолинигини,
Кўрмакка муштоқмен жамолинигини.

Сиздек саодатманд давлатли амир
Мартабасин кўриб гоят шод фақир.

Диллар баҳра тоини камолинигинини,
Олам рўшно булмини қаламинигинини.

Мавлоно Лутфийга келган помани
Улуғбек юлдузи боқди самодни.

Ул ҳазрат шод ўлди караминигинини,
Назмида кашф этган оламинигинини.

Назм мулки аро султон Улуғбек
Номини сарбалаид тутмишсиз тугдек.

Анинг анворидин чароғон диллар
Боғида қуш урмин анвои гуллар.

Ким Кўҳак васфига соҳса гар назар
Кўзларин сеҳрлар дилкушо манзар.

Наврўзи оламга боқиб муфтахир
Анвои ранг билан ёзинишсиз, амир.

Самарқанд бошидин сочиб сийму зар
Бўйинига тақибсиз бир шода гавҳар.

Ул элда тошиб сиз обрў, эътибор,
Фақирга эътишсиз оламини нисор.

Ҳирийда, азизим, ўзга савдодур,
Хараж-мараж бирла жангу гавғодур.

Халойиқнинг эса ҳоли эрур танг,
Қашшоқлик солминшдур яқосига чанг.

Мирзо султон Абу Саъид Кўрагон
Зулминдин қон йиғлар ҳамон Хуросон.

Ул Ажам тарафга сурмак истар от,
Таҳлика остинда яшайдур Ҳирот.

Қуп мамлакат олди тиг билан султон,
Мухолиф элда ул тўқди қанча қон.

Лек ўзи тўйса ҳам кўзи тўймади,
Хунхор қиличини илқин қўймади.

Не юртлар учради анинг қаҳрига,
Ул эса етмади қалам қадрига.

Қалам бирла қилич — кун била тундир,
Қаламдин нур томур, қиличдин хундир.

Қилич тиги қанча булмағай ўткир,
Ул қалам қошида титрағай зир-зир.

Султоннинг қиличи етмаган диёр
Сизнинг қаламингиз васфидин анвор.

Мирзо султон Ҳусайн анга печа бор
Зарбадар берса-да, тиги қилмас қор.

Анинг ҳам бошига чиққай деб офтоб,
Умид саҳарига боққаймен беҳоб.

Сиз бермини кўмакка ул эрур муҳтож,
Одил бир подшога муҳтож тахту тож.

Баланд мартабали Ҳазрати олий,
Давлатманд мақлоно амир Навоний,

Оллоҳдин тилаб мен камолинигини,
Кўрмакка муштоқмен жамолинигини

Ҳирийда камоли ахтиром билан
Сизин дуо эътиш бул Сайийд Ҳасан».

Навоний чехраси ёринини кундай,
Дилнинг гўбори тарқалини тундай.

Садоқатли дўсту устод сўздан,
Юлдуз жой олганга ўхшар кўздан.

Хаёли банд этар ҳайрату сеҳр,
Томирида қондек югурар меҳр.

Ҳаёт чарбоғида бундоқ меҳрибон,
Донолар дилини эътиш гулистон.

Меҳрибонлик ўти ёнса дилда гар
Шуъласидан минглаб қўғил нурланар.

Марҳамат чашмаси манж ўрса дилда,
Қадрини тонади ҳар кимса элда.

Қўғилда яннаса карам гулзори
Бошида кўтаргай уни дўст-ёри.

Элга меҳрибонлик кўрғазмаган жон,
Адолат тигидан бўлғуси қурбон.

Хаёлга чўмади Навоний шодон
Ва назм кўкида уради жавлон:

«Хуб эл била суҳбат тутубон хуб ўғил,
Яхсини талаб қилғилу матлуб ўғил;

Ширин сўз ила халққа марғуб ўғил,
Юмшоқ де ҳадисингнни маҳбуб ўғил».

IX

Опноқ қор қўйнида бегубор олам,
Қишнинг муждасидан бахтиёр олам.

Борлиқ жилвасидан қамашар кўзлар,
Заминга тўкилиши кумуш юлдузлар.

Оламга нур сочиши офтоб мисли шамъ,
Шуълалар рақсидан олам мукаррам.

Қор билан безанмиш дилкушо боғлар,
Самога кифт қўймиш муаззам тоғлар.

Уфққа туташган кенгликларда қор,
Қиру адирларда, дўнгликларда қор.

Оқ филдек узанмиш қорли тепалар,
Кенагас, Мингбулоқ, Қоратепалар.

Роз айтиб қор ичра ётган баҳорга
Тоғлар домонида бурканмиш қорга.

Кенагасда булиб бир кеча меҳмон,
Нозу неъматидан баҳра топиб жон,

Катта йўлда елар бир даста отлиқ,
Шикор орзусидан диллари шодлик.

Юнг босма чакмонли, кундуз телпакли,
Хиром этик кийган, бургут келбатли

Доруға Ҳожибек, Амир Навоий,
Бадий, Мирзобек, Жамшид Садоий

Издан от қўймиш бир неча навкар
Қузини қувнатар сеҳрли манзар.

Сеҳрли манзардан завқнок Алишер
Сурурли қалбида тугён уриб шеър,

Хаёлин этганда мулки борлиқ банд,
Қорли чуққиларга боқиб ҳавасманд,

Муаззам дарага киргани замон
Қошида «Тешиктош» бўлур намоён.

Икки ошёналик уйдек баланд у,
Силсила тоғларга гўё пайванд у.

Икки қўлин бошда қилгандек чамбар
Музаффар қуёшни олқишлаб турар.

Қўллар чамбариди санги муаллақ —
Гўё ёв бошини этгудек мажақ.

Ўн одам сиққудек улкан «Тешиктош»
Қалбига минг йиллар бўлгандек сирдон.

Она табиатнинг ажиб муҷдаси
Қўкенига урилар шоир нафаси.

Қўзига инсонмас — дилида ҳайрат,
Сабабин сўролмас — тилида ҳайрат.

«Тешиктош» қошида сангтарошмисол
Навоий рўҳида тамом ўзга ҳол.

Шоир ҳайратига бермасдан озор
Ҳолатин қузатар мамнун дўсту ёр.

Навоий қўлига ўт солган савол
Дилларда акс садо берар, эҳтимол.

Меҳмонлар матлабин сезгандек шу он
Афсона китобин варақлар мезбон.

Мезбон — кенагаслик Музаффар Беҳзод
Эл оғзига тунган соҳиб истеъод.

Навоий уйида бўлиб неча бор
Қозонган эди ул обрў, эътибор.

Самарқандлик қалам соҳиблари ҳам
Ҳурматини бажо келтириб ҳар дам,

Ангори эл арў қилкин деб парвоз,
Сақта байтларига берарди пардоз.

Богбонлик касбини ардоқлаб тақдир
Мулки назмда ҳам топганди қадр.

Навоий қошида қилди-да таъзим,
Бир қисса айтмакка ул этди жазм.

Жон қулоғин тутди Навоий унга,
Қўнгил кемаси тўш урди тўлқинга.

МУЗАФФАР БЕҲЗОД

Бир афсона қолмиш мозийдан ёдгор,
Аждоддан-авлодга сўйланмиш такрор.

Мароқандга лашкар тортганда ганим
Қўксин қалқон этмиш бу кўҳи замин.

Оёққа қалқитмиш элни бир ботир,
Тоғни ҳам йиқмоққа ул экан қодир.

Ҳарбу зарбда ҳеч ким беролмаскан дош,
Тую базмларда кутараркан тош.

Уйқош экан унинг номи бургутга,
Ҳавас қилар экан барча Ургутга.

Ганимнинг устига қилганда ҳамла,
Тоғларнинг бағрига тушаркан ларза.

Юртга чанг солганда Доро лашкари,
Балогардон бўлмиш Ургут аскари.

Баланд тоғ бошидан қулатиб тошлар,
Душманининг қузидан оқизмиш ёшлар.

Ургут отган тошлар урилиб тонга,
Ажал олиб келмиш қанчалаб бошга.

Ганимнинг аҳволи бўлганида танг,
Қирон келтирибди шу муаззам санг.

Тондан-тонга тегиб кетибди-да дарз,
Дафъатан иккига бўлинибди «қарс».

Евқур арслондек наъра тортмиш ул,
Юрагин кўксидан юлиб отмиш ул.

«Тешиктош» шу йўсин бўлибди пайдо,
Шундан бўлиб этмиш ўзига шайдо.

Ургут ботир жа яшаб ёшини,
Тавоф қилиб ўтмиш «Тешиктош»ини.

Замонлар чарҳида айлашиб йиллар,
«Ургут» ағалибди шундан бу ерлар...

Музаффар Беҳзоднинг бу ажиб нақш
Сеҳрдан аданмиш меҳмонлар ақш.

Навоий демшиким: — Балки, ҳақиқат,
Афсона қонига ўхшар бу хилқат.

Ургут йиғитлари бўлмаса жўмард,
Бошида тутмасди, балки, Мароқанд...

Сеҳру ҳайрат билан боқиб сунғи бор,
«Тешиктош»да кўрди ҳикмати анвор.

Закий меъбонига ўқиб ташаккур,
Шикор орузида отланди амир.

Тоғлар каклигига интизорки жон,
От кўйди «Тешиктош» дараси томон.

Роз айтмиш ҳайбатли осуда тоғлар,
Сув тутмиш ғазалхон илиқ булоқлар!

X

Бу оқшом Навоий даргоҳи обод,
Дустлар таширифидан ул гоҳта шод.

Амирининг таклифи билан бу оқшом
Жўшқин мушоира этади давом.

Шоирлар юракдан айлаб навозини,
Бу оқшом санъатин этур намоини.

Ғазал насимидан мусоффо даргоҳ,
Не ажаб, то саҳар бўлса навогоҳ.

Навоий суҳбатин қумсаган дуст-ёр
Қалбида бу оқшом гул ёзар баҳор.

Шодон кулгулардан руҳлари яйрар,
Диллари булбулваши оҳангда сайрар.

Амир равнақидан хурсанд Абуллайс
Назмга ҳам этмиш дилини пайваст.

Маърифат мулкани айлаб гулистон
Муаммо кўкида урмишди жавлон.

Илҳом гулзорида кезган чоғида
Дили яйрар эди ғазал боғида.

Аъламул-уламо қошида ҳар гал
Навоий ўқиган чоғида ғазал,

Фикрини безарди фақиҳ ҳикмати,
Рушно кўринарди назм хилқати.

Ғазал ё муаммо битса фақиҳ ҳам
Навоий қонига қўярди қадам.

Форсий ила туркий — икки пайваст қалб
Самарқанд назмини турарди безаб.

Мавлоно Абуллайс бу нузли оқшом,
Аҳли анжуманга айлаб эҳтиром,

Дил сазин жўр қилиб ажиб навога,
Дил розин айттали бир дилрабога,

Форсийда ўқиди латиф бир ғазал
Ва берди муҳаббат қасрига сайқал.

Жон қулоғи билан тинглаб ғазални,
Кўрмакка зор бўлиб ўшал ғазални,

Қалам соҳиблари ўтда ёндилар,
Ўлтирган жойида бир тўлғандилар.

Олқиш гулларида булиб тамом лол
Фазлуллоҳ Абуллайс жилмайар хушқол.

Муаззам устоддан бўлсин деб ёлғор
Навоий ёд этар дилида такрор:

«Қади чун сарви ту жон аст маро, балки равон,
Сўям эй сарв, равон шав ки фидо созам жон».

(Жон эрур ёки жаҳондир сарви қаддинг, эй нигор,
Келгин, эй сарв, сенга бўлсин бу жаҳону жон
нисор).

Фақиҳ ғазалига жон ўлиб садқа,
Дафтارين безайди шу ажиб матлаъ.

Мавлоно Мир Қарший кўзида ҳайрат,
Навоий жилмайди, сизга, деб навбат.

Бу олий карамдин дилда ҳаяжон,
Довдираб қолди у ёш боласимон.

Мир Қаршийнинг ёши улуг бўлса ҳам
Ўзини хокисор тутарди ҳар дам.

Бозорда бор эди китоб дўкони,
Зурафо аҳлининг эди макони.

Навраста шоирлар унда булиб жамъ
Мир Қарший кўнглига ёқишарди шамъ.

Ёшларга ул санаб ўзини устод,
Гоҳо шеър илмидан ўргатди савод.

Толиблик даврида Навоийни ҳам
Мир Қарший устоддек тутди мукаррам.

Қай китоб бўлса гар шоирга даркор,
Унинг дўкони эди ихтиёр.

Мавлоно «Хатой» қилмиш таҳаллус,
Саҳҳоф деса уни танирди улус.

Мавлоно сурарди форсийда қалам,
Қалам эди унинг дардига ҳамдам.

Кўзлар Мир Қаршийнинг оғзига муштоқ,
Диллар эса унинг сўзига муштоқ.

Нафосат аҳлидан тортиниб бир оз,
Сўнг илҳом кўкида ул этди парвоз.

«Нест ойини муҳаббат кардан аз ёре гила,
Варна э-он бадахд мекардем бисъёре гила».

(Шиквани қилмас қабул дилдорадан расми вафо,
Йўқса, сизмас эрди шиквамиз олам аро),

Мазкур матлаъ бўлиб ғазалга сарбон
Барчани бошлади ишқ дашти томон.

Мир Қарший этмади ёрдан шикоят,
Чунки ишқда йўқдир бу тахлит оят.

Навоийга ғазал тунди-да маъқул,
Кўнгли дафтарига битиб қўйди ул.

Мавлоно боқди шод суҳбат аҳлига,
Барчани ҷумдирди ҳайрат наҳрига.

Мирзо Абдураззоқ «ваҳ» деди бирдан,
Садонӣ офарин айтди сурурдан.

Хокисор Мир Қарини куйи эди бош,
Олқиндан сачради кўзларидан ёш.

Мавлоно Жавҳарий — самарқандигур,
Собунхона билан дили бандигур.

Унинг ҳокиседа маънос ва юлус,
Бир ғариб ҳужрада кочирарди кун.

Бийрон эди анча Жавҳарий сўзда,
Билими бор эди бир оз арузда.

Соҳиб қаламга куйиб эътиқод,
Дилга хун анъорин олар эди ёд.

Навоий тошинган куйи эди,
Куйиға қўлбасининг наққоши эди.

Ўзи ҳам назмда машқ қилиб тоҳи,
Бир санам куйиға етмасди оҳи.

Бу тархи давронга ул солиб разм,
«Сиярун-наби»ни қилганди назм.

Ғариб тошиб айтган ушбу ғузл байт
Барча шуурда барқ урди шу пайт:

«Фалак бас ки дар мавқабан тохта,
Ба ҳар моҳ наъс бияндохта».

(Фалак кўргай нзинг, ҳарёна ўргай,
Ва наъл нақшини ҳар бир ойга сургай).

Жавҳарийни қўтлар Навоий дилдан,
Тароватли байти учади тилдан.

Шуур осмонни айлаб чароғон
Жавҳарий юлдузи порлади шодон.

Мавлоно Хавофий — шукуфта тасблнқ,
Ешлик айёмида порлади барқдек.

Кўркам йигит эди, қомати расо,
Қалбида шеър бўлиб ишқ бермин садо.

Тошинган қибласи — ёр қони эди,
Дилдор нафаси — дил отани эди.

Ўт бўлиб ёнди у ғазал боғида,
Шарора порлади кўз қароғида.

Мухаббат торига наво этиб бахш
Ушбу матлаъ бўлмин куйиғиларга нақш:

«Зоҳидо, қиблан мо обрўин дилдор акло,
Туву масжид ки туро рўин ба девор акло».

(Сажда қилгум, зоҳидо, ҳар дам ишорим қошига,
Сенга масжид бўлса афзал, сажда қилгил тошига).

Мирзо Хожа Сўғдий туркий забондур,
Вале форсийда ҳам номи айндур.

Самарқанд элининг хунтаъб шоирин
Навоий назари тушгандан бери

Нафосат мулкида тошиб эътибор
Ғазал киншарида кезар бахтиёр.

Ул бурро ўқиган анъордан ушбу
Ғузл байт қалбларга солиндиёр гулу:

«Ўхшатти қоматинга санавбарни боғбон,
Бечора билмас эрмин алифдин таъгин».

Мушоира давом этарди баривж,
Дилларда Кўҳакдек урар эди мавж.

Бобало таъбиҳу латиф мажоздан
Дилбар куй янгарди дил деган создан.

Мушоира тошай деганда ноён,
Дўстлар орзуни айлаб намоян.

Форсийда бир ғазал ўқди Навоий,
Сўз дурин дилларга тўқди Навоий:

«Агар Фарҳоду Ширин ҳар ду дар давронин ман
будӣ,
Ике шарманда аз ман, он яки жонон ман будӣ...»

Вафоро дар дили хубон асар гар будӣ, эй Фотий,
Нобуди ёр азон бешафоян, азон ман будӣ».

(Агар Фарҳоду Ширин кўз очиб боқса бу даврон,
Кўриб бизни, аё жонон, бўлурлар долу ҳайрон...»

Вафо бўлганда бир зарра ғузллар қалбида,
Фотий,
Вафосилларгамас, ул ёр бўлурди менга ҳамхона).

Навоийни дўстлар қутлашиб шодон,
Куйиға жавоҳирин этинди эҳсон.

Сўнг эса бошланди мустеъна базми,
Базмин безади Навоий назми.

Жамшид Садонийнинг ҳазин овози,
Аҳмад Самарқандий полавани сөзи

Чок-чокдан сўқди дилларин гўё,
Қулфу калит қилди тилларин гўё.

Аҳмад Самарқандий — муғаниний ринд,
Саъйати барқиди Хуржону Хинд.

Амир ғазалига ул боғлабди савт,
Савт ланкари этмин дил мулкани забт.

Жамшид Садоний ҳам ул билан ҳамроҳ
Қўшинқ осмонда этади парвоз.

Бу сўлим оқномда отанин ғазал
Нурлари дилларга чекмин заррин ҳал:

«Ун саккиз минг олам онуби агар бониндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ун саккиз йинидадур...»

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашқ,
Ҳар қачон боқсанг, кўён акен анинг ёшиндадур».

Дустлар ҳофизларга деди шараф-шон,
Дилда доғ қолмади бу дилбар оқшом.

XI

Самарқанд осмони зулматта ўхшар,
Зулматнинг қучоғи қулфатта ўхшар.

Яна ой тутилмиш шаҳар кўкида,
Яна дард қўзғолмиш шаҳар кўжсида.

Юлдузлар юзини қопламин булут,
Булутлар ланкардай кўтармин совут.

Само ҳунграб йиғлар, тинмай кўёши,
Мажнунтолдек эгик қайғудан боши.

Мотам либосидек чехраси қора,
Вайрона кулбадек қалби садпора.

Қаро тун дардига бўлиб қайғудош,
Навойй аламдан кўтаролмас бош.

Ҳазал бургутининг қаноти синмиш,
Шеърят чашмасин мавжлари тинмиш.

Илҳом парилари киймишлар қаро,
Сочларин юлмишлар мўнгли боғ аро.

Қалам тулпорининг ранги заъфарон,
Айрилиқ даштида тўғқлари қон.

Ҳаним қадамидан назм гулшани,
Саҳнида гурламиш қайғу гулхани.

Қотилнинг дастидан кўтариб нола
Қоғозда дод солмиш етим бир матлаъ:

«Кўзунг не бало қаро бўлбдур,
Ким, жонга қаро бало бўлбдур».

XII

Бул матлаъ соҳиби Мирзобек эрур —
Ҳазал шодасида гўё икки дур.

Мавлоно Мирзобек, деганда, қалам
Нуридан мунаввар буларди олам.

Самарқанд мулки-ю Хуросон ичра,
Равзаи фирдавсдек бу жаҳон ичра,

Инсонийлик ҳамда хушахлоқликда,
Камтарлик боғида, дили покликда

Беназир эди ул, эди ягона,
Дунёнинг ҳасрати эди бегона.

Бу икки мулк аро таъб ва фаҳмда,
Отару тутарда, караму раҳмда

Амир саромади замона эди,
Йигитлар ичинда мардона эди.

Зеҳни ўткир эди, идроки теран,
Кўнгли эса биллур чашмадек шўх-шаън.

Эҳтиёж сезмасди бу навъ таърифга,
Толёе кулган эди аҳли зарифга.

Ғариблик тунида Навоййга ул
Меҳрибон дуст бўлиб узаттанди қул.

Шоирнинг дардига ахтариб даво,
Кўнгил рубобига берганди наво.

Устоду шогирддек бўлиб қадрдон,
Назм бўстонида урганди жавлон.

Навоййни айлаб қалами шайдо,
Кўнглида садоқат эттанди пайдо.

Қўш қофия эди биттан ашъори, —
Гўёки танбурининг икки шўх тори.

Қофияси доим эди тарди акс,
Назмида этарди сўз париси рақс.

Мирзобек назминини ўқиган чоғда,
Шоирлар ҳайратдан қоларди доғда.

Ҳатто Навойй ҳам унга бериб тан,
Маҳолат, дер эди, айтмоқлик суҳан.

Тилида шоҳ байтлар бўлса ҳам пайдо,
Аммо, ҳаргиз амир қилмасди парво.

Ёд айтиб юрмакин этиб ихтиёр,
Бир ерда ўтириб битмасди ашъор.

Ноб истеъдоди мисли жавоҳир
Кўнгил уммонида қолиб кетмиш сир.

Улусда обрўён ошгани қадар,
Ҳанимлар кўксини тиглади бадтар.

Ул зотнинг отаси эди баобру,
Эл аро ардоқли амир эди у.

Аҳмад Ҳожибекнинг суянган тоғи —
Эди ул, шаън эди ул билан боғи.

Арҳангий туфайли Аҳмад мирзо ҳам
Салтанатин этган эди мустаҳкам.

Бу ҳолдан яқо чок Шакур ал Мирзо
Султону ҳоқимдан эди норизо.

Айниқса Мирзобек камоли ҳар кун
Унинг жигар-бағрин этар эди хун.

Вазирликка бўлмиш амир даъвогар,
Ҳаёт саҳнасида йўқотмоқ даркор,

Деб режа тузди-ю вазир пинҳона,
Қора ниятига топди баҳона.

Файз Маҳмуд уйида бир хилват оқшом
Чоғир мажлисида курсатиб киром,

Мирзобек шаънига айтиб нек сўзлар,
Амирнинг ширакайф бўлмоғин кўзлар.

Авжига чиққанда мажлиси чоғир,
Соқийга жилмаймиш вазир муғомбир.

Айёр тулки каби пайтгини пойлаб,
Мутбачани зимдан қошига чорлаб.

Аргувон шаробли косани тутди,
Мирзобек сари ул пилдираб кетди.

Титраганда мунгли куйлардан жонлар,
Томирда пуртана қилганда қонлар,

Армонлар қуюндай қузғолганида,
Шароб шамолининг тўзонларида

Адашиб қолганда навқирон амир,
Мутбача косани узатди абжир.

Амирга эгилди маст-аласт бошлар,
Қузларда илтижо, дилда оташлар.

Вазирнинг тиқилди ҳалқумига жон,
Жонида васваса қузғади исён.

Исён гирдобиди табассум этди,
Амирга илжайиб, хуш таъзим этди.

Мирзобек вазирга боқиб мастона,
Сипқарди бир коса майни мардона.

Вале дили бўлди бирдан беҳузур,
Барқдек чақнаб кетди қузларида нур.

Ичи утдай ёниб, айланди боши,
Қулади гуёки тоғларнинг тоши.

Ой тутилган туяда Шакур ал Мирзо
Қунглида ушалди битта муддао.

Аҳли чоғир эса бундан беҳабар,
Амирни кукларга кутариб мақтар.

Шаънига ҳофизлар айлар муножот,
Мирзобек гойибдан кутади нажот.

Вале сархуш бўлиб қолди, деб амир,
Қузатиб қўйиниға ундади вазир.

XIII

Тонг билан йиғлади нолаваш дутор,
Оламга дод солди жафоқан дутор.

Сурнай садосидан диллар эзилди,
Саодат бекасин қасри бузилди.

Ғижжак навосидан титради осмон,
Чанг торларин узди нолаю афгон.

Ғам тоғни остидан ингради танбур,
Қалбларни ситамкор тирнади танбур.

Ҳофизлар дардидан тиллар бекалом,
Жонларин поралар савти «Шашмақом».

Ситам юкларидан эгилди бошлар,
Қузлардан шашқатор тўкилди ёшлар.

Айрилиқ дардидан олам уртанди,
Назм боғи ичра хазонлар ёнди.

Яқосин чок қилиб йиғлади газал,
Аҳли дард қунглини тиглади газал.

Навоний қомати дол бўлиб қолди,
Қулига Мирзобек қаламин олди.

Бадий куксида фарёд қилди дил
Мисоли тонг пайти уқ еган булбул.

Давосиз бир дардга бўлиб мутбало
Фазуллоҳ Абуллайс суянди асо.

Амир Арҳангийнинг юзи заъфарон,
Кифтидан ғам тоғи босар беомон.

Амир суялган тоғ қулади, эвоҳ!
Ўғлига қасд этмиш номард бир гумроҳ!

Бу ҳолдан аламнок ҳокиму Султон,
Арҳангий дардига юрт бўлди дармон.

Эл бўлиб ул билан дардман, қайғудош,
Оғаси сингари қуйи солди бош.

Дили хаста эрди Мирзобекни деб,
Шаробни лаънатлаб, сирли мунғайиб,

Амирдан ҳол сўрди Шакур Мирзо ҳам,
Файз Маҳмуд ўқинди, қузларида нам.

Пешинда халойиқ ўқиб жаноза,
Бутун эл бир бўлиб, тутушиб аза,

Аҳмад Ҳожибекнинг мадрасасига
Дафн этди. Амирнинг мақбарасига

Сўнгги бор қадалди мунгли нигоҳлар,
Самони уртади дилдаги оҳлар!

XIV

Хира шамъ қошида Навоний мунгли,
Мирзобек ҳажрида фарёдваш қунгли.

Юзлари сулгиндир қайғу-аламдан,
Қузлари толиққан ҳасрату ғамдан.

Дустини тошшириб қаро тупроққа,
Дардини сўйлайди тилсиз чироққа.

Чил-чил пора бўлмиш қунгил шишаси,
Қафасдай қуринар қузга гушаси.

Кулфат кўчасида кезмиш саргардон,
Мотам саҳросида юраги гирён.

Умид ниҳолининг синмиш шоҳлари,
Оғзидан ўт бўлиб чиқмиш оҳлари.

Ғанимлар қилмиши бағрини доғлар,
Кифтига қунгандек залворли тоғлар.

Нафрат ўти дилда олар аланга,
Ўқинч нолалари ситмас оламга:

«Ҳайф, юз ҳайфким, анинг бахти кулмади,
Ҳайёт чашмасидин сероб булмади.

Умр чинорига тортилди арра,
Иқбол мевасидан топмади баҳра».

Мирзобекдан ёдгор бир шоҳона байт
Қоғозда нақшдек жонланар шу пайт:

«Қўзунг не бало қаро бўлубдур,
Ким, жонга қаро бало бўлубдур».

Шоир байтни яна этади такрор:
Навқирон бургутдай қалби ярадор.

Амирнинг тугамай қолган газали —
Қанот ростламаган полопон ҳали.

Ул дилдан-дилларга қилсин деб парвоз,
Мирзобек руҳини этганча эъвоз,

Қалбида қўзғолиб кучли бир тугён,
Илҳом оташида садо бериб жон,

Мукамал бир газал эттали уни,
Тонг билан элига туттали уни,

Мирзобек руҳига қилгандай қасам,
Ғам-алам дашгида суради қалам.

Кунгил йигисига юпанч тополмас,
Ўксик жон дардига қувонч тополмас.

Бир газал қўйида топиниб шамъга,
Дуст розин сўйлайди қайси санамга?

Куҳақда оқариб қолганида тонг,
Дилларга рўшнолик солганида тонг,

Газал ҳам тугилди мисоли гудак,
Жисмида жо бўлмиш икки утюррак:

«Қўзунг не бало қаро бўлубдур,
Ким, жонга қаро бало бўлубдур.

Мажмуи давони дард қилдинг,
Дардинги, манга даво бўлубдур.

Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки санго фидо бўлубдур.

Бегона бўлубдур ошнодин,
Бегонага ошино бўлубдур.

То қилди юзинг ҳавоси жоним,
Юз сори анго ҳаво бўлибдур.

Боқий топар улкан бўлди фоний,
Раҳравга фано бақо бўлубдур.

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубдур».

Баланд овоз билан этди-да такрор,
Ҳазин наво айлаб дил деган дутор,

Маънос нигоҳ отди Навоий тонгга,
Мирзобек ёдгорин битди девонга!

XV

Фарзандин топириб қаро тупроққа,
Ота жони қолди аъжб. қийноққа.

Ҳаётдан умиди узилгансимон
Мотам болишига бош қўйди нолон.

Оху фарёидан ут олди борлиқ,
Дунёга сизмади — қилгандай торлик.

Даво тополмасдан ғам-андуҳига,
Телбадек сизиниб углин руҳига,

Умр иморатин вайрон айлади,
Шароб қосаларин яқсон айлади.

Дунёдан ноумид бўлганда амир,
Айш-ишрат базмини қурганда вазир.

Мугбача этмаса гар сирни ошқор
Қотилдан хабарсиз эди дусту ёр.

Вазир бирла соқий тили бир эди.
Мугбачага оғу, балки, сир эди.

Элдан нохуш хабар эшитган замон,
Мугбача қалбида исён қилди жон.

Руҳобод даҳаси томон чопди ул,
Мотамли даргоҳни излаб, тонди ул.

Дод солиб, йиқилди амир пойига,
Арҳангий тош қотди турган жойида.

Чоғир мажлисини йиглаб сузлади,
Амирнинг қалбини тиглаб сузлади:

«Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, амир,
Оғу солган экан шаробга вазир.

Менга май қосани узатганда ул
Қотиллик тигига урган экан қўл.

Соқийга ишора қилганда вазир,
Макрининг тагига етмабмен, тақсир.

Билурсиз, Файз Маҳмуд отлиқ шоирни,
Май бирла ул сармаст этди амирни.

Амир унутганда ўзини тамом,
Соқийга кўрсатди вазир эҳтиром.

Вале гуноҳкормен, амирим, мен ҳам,
Мирзобек туфайли дилимда мотам.

Сизнинг илкингизда меним ёш жоним,
Мугбача бўлсам-да, покдир иймоним».

Арҳангий танида қуриди дармон,
Ярадор шер каби ингради нолон:

«Иблис Шакур Мирзо, қотили боргоҳ!»
Дастингдин қон бўлмиш бул даҳри даргоҳ!»

Бу хабар тонг билан Султонга етди,
Тилдан тилга ўтиб шаҳарни тутди.

Султон амри билан қотиллар ногоҳ
(Ўзи йиқилгандек ким қазиса чоҳ),

Зиндонга ташланди, вазир газабкор,
Ҳамтовоқ дўстлари чиқди беқарор.

Юз уғирди миршаб Зокир Али ҳам,
Зиндонбон Мир Аҳмад экан муттаҳам.

Зокир Али бўлиб миршабларга бош,
Қотиллар кўзидан тирқиратди ёш.

Мир Аҳмад «дўстларин» қўргани замон,
Зиндон остонида «қўтлади шодон».

Неча кун чоҳ ичра қилди-да «меҳмон»,
Уларни умридан этди пушаймон.

Оқибат Султоннинг олий фармони
Улимга ҳукм этди уч қотил жонни.

Мирзобек азаси тугамасданоқ
Вазир кўкрагига санчилди пичоқ.

Кўзачадан шароб тўкилгансимон
Соқийнинг бўғзидан тирқиради қон.

Файз Маҳмуд даргоҳи бўлди жаҳаннам,
Мишкотида сунди бир умрга шамъ.

Вале Арҳангийнинг оҳу фиғони
Қора булут каби тутди осмонни.

Чинордек қомати дол бўлиб қолди,
Сиобдаги мажнун тол бўлиб қолди.

XVI

Тоғларни бағирлаб ётмиш Астробод,
Ғам-ҳасрат наҳрига ботмиш Астробод.

Қорли чуққиларда эриб нигоҳи,
Булутдай таралмиш самога оҳи.

Астробод қалъасин этганча макон
Хусайн излайди дардига дармон.

Жонига дўстлари бўлса-да малҳам,
Зафарга ундовчи бир раҳнамо кам.

Кўнгил орзусига булғувчи қанот
Азиз дўст йироқда — беролмас нажот.

Йироқда бўлса ҳам унга ҳар қачон
Дастур йўллаб турди шоири даврон.

Ҳиротта от сурган чоғларида ул
Баланд тоғлар оша узатганди қўл.

Ғолиб кўнларида елкадош эди,
Мағлуб тўнларида қайғудон эди.

Адолатли шоҳга муҳтож Хуросон
Жанг-жадал домида чекарди фиғон.

Хусайн рамзида одил бир султон
Навоий унгида эди намоён.

Шул важдин дўстин ул руҳлантирарди,
Зафар ёр бўлғай деб ишонтирарди.

Султон Абу Саъид тарафдорлари,
Зулмкор тахту тож шарафдорлари

Навоий Ҳиротдан кетгандан бўён
Маишат боғида сурарди даврон.

Уни йироқда деб шодмон эдилар,
Ўзгалар ер бўлса, осмон эдилар.

Жангдан мағлуб қайтган Султон Бойқаро
Кўнглига ҳеч кимса киролмас оро.

Яқин одамлари этмиш хиёнат,
Кўпидан йўқолмиш иймон, диёнат.

Тақдир зарбасидан ул бўлмиш гаранг,
Манглайин қонатмиш ганим отган санг.

Гурбат кечасининг тонги бормикин,
Ё дунё дегани бир хунхормикин?

Наҳот, ўз шаҳридин тушиб дарбадар
Қалбин поралағай дудама ханжар?

Мирзо ер бағирлаб ётган чоғида,
Мунгли хайёлларга ботган чоғида

Навоий қошидан келган доранда
Жонини ғамлардан айлади канда.

Ул йиғлаб ўқиди дўст номасини,
Ҳар каломга тўкиб дил носасини.

Умидсиз Хусайн кайфиятидан,
Яқинлардан қилган шикоятидан

Эл ганим ўйлаган шоир орауси
Барбод бўлган эди, кўнгил кўзгуси

Хира тортган эди, бу хатдан аён
Ва лекин жонига бергувчи дармон,

Умидбахш сўзлардан рушноланиб дил,
Орзиқиб ўқирди дўст хатини ул:

«Кўтиш сувориси саҳар кўзгўлғай,
Зулмат қушинини нишонга олғай.

Ва зангбар шоҳининг гулгун чехралар
Зулфидек хайлин тору мор айлар.

Сўнгра шаҳдам қўйиб кўк сари қадам
Фалак ҳисорини фатҳ қилғай илдам.

Ул саҳархандалик, қуёшрўйлик кун
Во чобук суворлар султони учун

Тангри таоло ўз наҳри хифзидин
Хандак қилиб, душман чериги зулмин

Мунгазам этсин ва сабо хайлидек
Хандаки жўйбордин ўтқарсин тетик.

Зулмкор адувнинг туфроғин кукка
Совуриб, ёр этсун кишвару мулкка.

Ул мулк ҳисори фатҳи насиб қилсун,
Ҳирийда адолат офтоби кулсун».

Хатни кўзга суриб, хўрсинди оғир,
Сўнг босди кўксига, ўт олди бағир.

Чашмадек қайнайди кўзларида ёш,
Мужгонлар майсадек титрар бевардош.

Дўст дуоси бўлиб дардига шифо,
Бу олам кўринди серфайз, дилкушо.

Шамшоддек қаддини мағрур ростлади,
Қошида жамъ бўлди содиқ дўстлари:

«Сизни дуо этмиш амир Навоий,
Дуо бирла бермиш фармони олий:

«Ул мулк ҳисори фатҳи насиб қилсун,
Ҳирийда адолат офтоби кулсун».

Мавлюно Навоий ораусин бажо
Этмаклик, азизлар, олий муддао.

Биз танҳо эмасмиз, Навоий бордур,
Навоийга муштоқ эл бизга ёрдур.

Мушқил кунларда ул раҳнамо булғай,
Йироқда эрса-да, бизни қўллағай.

Навоий дуоси сизга ёр бўлсун,
Навкарлар дилида барқарор бўлсун.

Ҳирий устига от қўймаклик даркор,
Дилда садо берсин муқаддас шиор!»

Хусайн сўзидан дўстлар руҳланди,
Олмос кўзларида гўё ўт ёнди.

Қалбларига ишонч барқарор бўлиб,
Шоир дуосидан бахтиёр бўлиб,

Томирларда қайнаб шижоат қони,
Кўзголдди Мирзонинг унлаб ўғлони.

Йигитларни огоҳ этмоқлик учун
Лашкаргоҳга улар йўлланди мамнун.

Кузатиб, дили шод қолди Хусайн,
Дўст васфига қалам олди Хусайн.

XVII

Мирзо султон Абу Саъид Қурагон
Зулмидан зорланди мулки Хуросон.

Хунхор шамшири ҳеч кўрмади ғилоф,
Дилига ўт солди ҳатто Қуҳи Қоф.

Хоразму Бадахшон, Тусу Сабзавор
Халойиқ хунидан бўлди лозавор.

Ўзи тўйса ҳам ҳеч кўзи тўймади,
Истило қиличин илдан қўймади.

Табризу Рум ишқи тушиб дилига,
Яна ул ханжарин олди қўлига.

Яна жанг-жадалга қўшин отланди,
Отлар тўғидан Ҳирот тўлғанди.

Паст-баланд йўлларда кутариб тўзон
Яна елди қўшин тунлар бемакон.

Амир Султон Барлос, Амир Аҳмадёр
Тоғ бўлди йиқилса, суянса чинор.

Бундай жангда ботир лашкарбошилар
Туфайли энг баланд тоғлар ошилар.

Тулпорин тўғи текканки тупроқ
Кўксини айлади қон, момоталоқ.

Эл эса айрилди бор бисотидан,
Тоғлар ҳам титради оҳу додидан.

Очкўз подшоҳидан норизо лашкар
Ҳолати кун сайин буларди бадтар.

Шоҳ йиққан давлатин қилган сари жамъ,
Аскарлар қалбида ортарди алам.

Қорабоғ қораси кўринган замон
Султоннинг танига югурди дармон.

Вале бир яқодан бош чиқарган эл
Хужумга отилди мисли тошқин сел.

Узун Ҳасан, қилич уйнаб қўлида,
Кимлигин кўрсатди Мўғон чўлида:

Бошида шамширин кутариб баланд
Бедов от устида арслон монанд —

Амир Султон Барлос «ҳайт» деган налла,
Мур-малаҳдек қўшин кўзголдди олға.

Амир Аҳмадёрнинг аскарлари ҳам
Таҳлика остида от қўйди шу дам.

Кўксиди қалқону бошда дубулға,
Султон ҳам қилич-ла интилди олға.

Баҳор ғиламидек ястанган кўклам,
Гулу чечаклардан ясанган кўклам,

Додини фалакка айтиб йиғлади,
Йигиси ҳаётнинг бағрин тиглади.

Лолаларнинг боши узилди тандан,
Ер кўкси уртанди қирмиз гулхандан.

Тупроққа қоришди сабаалар ношон,
Капалаклар эса унсиз берди жон.

Қўшларнинг ноласи фалакни тутди;
Булбуллар сайрашни гўё унутди.

Булоқлар кўзёши бўлдию дарё,
Қорабоғ қалбини тиглади гиря.

Ҳазин садо чиқди шалолалардан,
Юраклар эзилди мунг-нолалардан.

Султоннинг озурда сипоҳилари
Ғаним қўли баланд келгани сари

Душман томонига утиб кетдилар,
Қорабоғ яловин баланд тутдилар.

Амир Султон Барлос яккама-якка
Жангда мағлуб бўлди, оҳи фалакка

Тутундек урлади, узилди боши,
Жасади қошида тулпор — йўлдоши

Бошини кутаролмай, йиғлади юм-юм
Уруш майдонида бошланди қуюн.

Ким дўсту ким душман — қилиб бўлмас фарқ,
Не жонлар бўлишиди қон наҳрига гарқ.

Султон Абу Саъид ҳалқумида жон,
Қиёмат домиди эди оломон.

Бу қулай фурсатни бой бермай қўлдан,
Бир даста аскарни қайрилиб йўлдан,

Ҳалқа каби ураб олиб Султонни,
Тигли исканжага солишиб жонни,

Қатли этди, сўнг эса Амир Аҳмадёр
Куженга санчилиди шамшири хунжор.

Узуи Ҳасан ҳайрон тасодиф қолдан,
Дили шод Мўғондан эгтап шамолдан.

Тариқдай сочилиган ланкар сулҳ кутиб,
Ҳасанини чорлади оқ ялов тутиб.

Тумандай тарқалиб дилидан ваҳм,
Қушини ҳолига солди-да разм,

Битим тузмакка ул айлади қарор,
Йўқ эрса, ким жангда келар устувор.

Мухолиф қушинга эрмасди аён,
Гўё тиг устида турар эди жон.

Шу йўсин Мўғонда сулҳ имзоланди,
Узуи Ҳасан жангда шухрат қозонди.

Султон Абу Саъид қатли билан жанг
Туғади, Мўғонни айлаб лоларанг.

Табризу Рум сари отланган ланкар
Бу муаззам жангда қолди-да бесар,

Даста-даста бўлиб қайтди саргардон,
Бу ҳолдан беҳабар эди Хуросон.

XVIII

Султон Абу Саъид қатлини Хуросон
Эшитмасдан бурун Астробод томон

От қўйди бир даста норизо аскар,
Султон Ҳусайнга бергали хабар.

Бир ҳафта йўл юриб толиққан қушин
Тонгда обод этди Бойқаро қўшқин.

Аскарлар сарбони Миржалол Бурҳон
Кечмиш воқеани этганда баён

Ҳусайн бир лаҳза этди-да сукут,
Мисоли қондан қўзғолган бургут,

Шодумон қўллари ўт каби чақнаб,
Қушинни қўқларга қутариб, мақтаб,

Бошдан-оёқ сарпо, шамширу қалқон,
Юз тангадан олтин айлади эҳсон.

Сўнгра қушинига берди-да фармон,
Яшидек отланди Ҳиротга томон.

Ари уясидек бетиним шаҳар
Бир ойди яшарди потинч, беҳабар.

Амир Деҳдор бўлиб аркони давлат,
Улуста этмади заррача шафқат.

Навоий йўлига қўз тутиб муштоқ,
Хожа Афзал қалбини эзарди фироқ.

Ардашер ҳоли танг эл билан бўлиб,
Саройдан кетганди тамом ўгрилиб.

Паҳлавон Муҳаммад дарди эди сел,
Назмини тўйларда куйлар эди эл.

Устод Фасиҳиддин бўлиб муаллим
Дарвеш Алига ҳам берарди таълим.

Барчасининг умид қўзида ҳижрон
Висол айёмига чорларди пинҳон.

Қорабоғ қатлидан беҳабар Ҳирот
Қалбини эзарди дарди мушқилот.

Ғафлат уйқусига чуққанда шаҳар,
Хийбон қонқасини минг чоғли аскар

Ланг очиб, от қўйди саройга томон,
Ҳиротни қонлади шовқини сурон.

Қўрқувдан уйғонди эл тутиб яқо,
Не ҳолдир, хабарсиз эди мутлақо.

Ичкаридан қулқлаб эшикларин бот,
Туйиқдаги пурдан кутинди нажот.

Юрагин олдириб қўйган шўрлик эл,
Яна олди қўлга ўроқ ёки бел.

Болалар гўнага бекниб олди,
Кекесалар мунгайиб, даҳшатда қолди.

Оқариб қолганда Наврўз саҳари,
Султон Ҳусайннинг голиб аскарни

Ҳирот қалғасини забт этди шодон,
Бир силқиниб олди гўё Хуросон.

Яна Ҳирот узра тонг отди сулув,
Халойиқ кўнглини тарк этди қўрқув.

Шаҳарда осойиш топгандек қарор,
Оламга сочилди офтобдан шарор.

Ҳусайн мирзони эл қилиб дуо,
Ният қилди: кошқи, тинч бўлса дунё.

Адолат лангарин илкида тутса,
Зуампеналикни дилдан унутса!

Ўтиб султон Абу Саъид даврони,
Келди энди Ҳусайн мирзо замони.

Сақкиз юзу етмиш учинчи йил
Наврўзи васлидан шодланганда дил,

Руза ойидаги биринчи жумъа
Хусайн номига уқилди хутба.

Хуросон кўкида балқиб янги ой,
Наврўзи оламга бахш этди чирой.

XIX

Самарқандда кезар Наврўзи олам,
Олам боғларига бахт қўймиш қадам.

Уйқудан уйғониб борки мавжудот
Офтоб ёғдусидан олади ҳаёт.

Ҳаёт гулга безар замин юзини,
Дарахтлар тинглашар қўёш сўзини.

Қўёшга интилар ўт-ўлан шодон,
Жажжи кафтларида нур урар жавлон.

Куртаклар беором елда позланар,
Бутоқлар қалбига шамол соз чалар.

Гунчалар чок айлаб қоп яқосини
Кўрсатса, кошки, гул-махлиқосини.

Баҳорга етдим, деб умрига шодон
Шукрона айтади чоллар бегумон.

Жаннат суви оқар Обираҳматдан,
Офтоб кулиб боқар Обимашҳатдан.

Кўҳак мавжларида асов нўртана,
Зарваш қирғоқларда қурар тантана.

Боғларда бойчечак, қирларда сафсар
Дарё насимида шўх базм қурар.

Баҳор нашъасидан ол дея илҳом
Навойга офтоб беради салом.

Боғи Дилқушода ул кезар шўх-шаъб,
Юзида суруру қалбида гулшап.

Шодлик осмонда этганда парвоз,
Боғни чулғаганда қўшлар чалган соз.

Бадний булди-да қонинда пайдо,
Навой кўзини айлади шайдо.

Тамом бўлак эди унинг авзойи,
Ҳайрат ичра боқди унсиз Навойи.

Ўзин қўлга олиб шоирни жавон
Дилда бор гагини этди намоён:

«Хуросон тахтига Султон Хусайн
Баҳодурхон чиқмиш... Хуршиди айн

Ҳирот салтанатин мунаввар этмиш,
Боргоҳ остонини сийму зар этмиш».

Шоир йиллаб кутган бу муборак кун
Бахтидан тўлғанди қалбида тўлқин.

Аммо ўзин голят тутди-да сицо,
Абу Саъид ҳолни сўрди шу асно:

«Не бирла тугамиш султон тақдири,
Жонига қасд этмиш кимнинг шамшири?»

«Қорабогда қаттиқ урушлар бўлмиш,
Ғаним тарафиндин хуружлар бўлмиш.

Ризо эмас экан сипоҳиси ҳам,
Жанг вақти султонга чанг солмиш ўктам.

Таҳликада қолмиш адув аро ул,
Хунидин буялмиш қирмиз рангга гул».

Воқиф булиб, содир бўлмиш бор сирдан,
Навойи авзойи узгарди бирдан.

Оҳиста пичирлаб, бошин этиб ҳам,
Қуръондан бир оят ўқиди шу дам.

Ва деди: «Жойларин оллоҳ таоло
Этсинлар (то абад) жаннатдин ато».

Сўнг эса қўлларин тортиб юзига
Фотиҳа ўқиди... Юсуф сўзига

Жон қулогин тутди Навойи хомуш,
Дунёнинг савдоси бўлмай фаромуш.

Воқъанинг қолган тафсилотин ул
Ошино этди шоир қалбига буткул.

Навойи бир лаҳза хаёлга ботди,
Сўнгра Баднийга вазмин сўз сотди:

«Адду нисоф бирлан иш тутса Мирзо
Элу юртин қилгай умридин ризо.

Золимларга зарра қилмаса шафқат,
Осойишда даврон сургай мамлакат.

Инишоольоҳ, қилгай шу кунлар насиб,
Хуросон тахтига улдир муносиб.

Фақирга хўшхабар келдур, эҳтимол,
Кўнгулам сезиб турур: яқиндир висол.

Ҳирот тадорикни кўрмаклик даркор,
Йулга мунгазирдир, балки, дўсту ёр.

Аммо Самарқандин тарк этмак мушкул,
Ҳирийдек қадрдон бўлиб қолди ул.

Бул юртнинг ҳавоси фирдавсмонанддур,
Навоси, туфрўғи жонга пайванддур».

Дилга тугиб қўйган аҳдини ошкор
Этмоқдин Бадний эди бахтиёр:

«Саодатманд амир, сиз билла бирга
Эл гамини чексам бутун умрга.

Енингизда бўлсам соянгиз каби,
Шул эрур кўнгулумнинг эзгу матлаби».

Баднийга боқиб Навойи шодон
Ҳикмат сандигидан дур этди эҳсон:

«Одами эрсанг демағил одами,
Ониким, йўқ халқ гамидин гамин».

Дустлар қилинганда қатъий бир қарор,
Самода булутлар қуришди бозор.

Кукка ларза солди момақалдироқ,
Гоҳ ёнди, гоҳ сунди ул ёққан чироқ.

Шаррос ёмғир қўйди, дайиди шамол,
Сочилган сочини ювди мажнунтол.

Навоий ҳолати ўзгарди шу он
Матъос боқиб қолди оламга ҳайрон.

Сунг Бадиий бирла хомуш қўзғолди,
Куксарой томонга шахдам йўл олди.

Боргоҳ остонида девон аҳли жамъ,
Сарбаланд бошларни эгган эди гам.

Саф тортиб турарди: амир, умаро,
Мударрис, савдогар, дегрез, шуаро.

Султон Аҳмад мирзо кийиб қаро тўн,
Белбоғ билан боғлаб белини, беун,

Дарвоза олдида қўйи солмиш бош,
Дардига Навоий бўлди қайғудош.

Султон Абу Саъид руҳин этиб шод,
Фарзанди дилига ул бўлди имдод.

Султон Аҳмад мирзо кўзларида ёш,
Шоир елкасига мунгли қўйди бош.

XX

Мағрибдан боққанда хайрли офтоб,
Бозор сари елди Навоий шитоб.

«Бибихоним» узра уйнаган шуъла
Наврўзга ўқирди нузли ашула.

Фируза кўчасин тўлдирганча эл
Бозордан қайтарди гўё тошқин сел.

Каппон бусағасин қилганча макон,
Гадо чол куйларди мунгли, бедармон.

Ширали овози минғирлаб қолмиш,
Хасталик бошига кулфатлар солмиш.

Навоий узоқдан боқиб бир лаҳза,
Бу манзардан тушди дилига ларза.

Сунг қошига келиб зиёрат этди,
Хокисор гадога узин танитди:

НАВОИЙ

Едингизда борми, отахон, бир бор
Байтингизга булган эдим харидор?

Сиз эса, қилсам-да қанча муножот,
Рад этган эдингиз қилмай илтифот.

ГАДО

Ҳа, ёдимга тушди. Ҳали ҳам уша
Даъводан қайтмабсиз, недур андиша?

НАВОИЙ

Ҳа, отахон! Уша газалининг ҳамон
Мафтун эрурмен, дилимда армон.

Ҳамон харидормен газалингизга,
Дардимни айттали келибмен сизга...

Навоий сўзини тинглаб гадо чол,
Деди, мийиғида кулганча хушҳол.

ГАДО

Сотажакмен! Сотиб олишга бироқ,
Кошки, етса эди қурбингиз, чироқ!

НАВОИЙ

Балки, қурбим етар, балки, етмасдур,
Сотмасангиз тақсир фақир кетмасдур.

ГАДО

Аҳдингиз нақадар қатъий-ку, углон!
Орзу ушалгайдур, чин бўлса паймон.

Жуда қариб қолдим, тагин хастамен
Ва лекин газалга дили бастамен.

Энди куйламақдин ожизмен они,
Қолмади овозим кучи, дармони.

Ҳақ сўзни айтганда, гадолим ҳам
Меъдага тегди-да, найлайн, бўтам.

Қурбингиз етса гар: яхши ҳовли-жой,
Енидан утса бир анҳор ёки сой.

Тегирмон ҳам бўлса, яна бир эшак
Тортиқ айласангиз, сотурмен бешак.

Ушанда шоҳ байтим сизники бўлур,
Умрбод фақирининг кунгли ҳам тўлур.

Дилим ризо бўлиб, улгунимча то
Сизнинг ҳақингизга қилурмен дуо.

Купи кетиб, қолди умримнинг ози,
Умрда ҳам бордир тошу тарози.

Тегирмончилик-ла кечсин қолгани,
Элга хизмат этай, дуо олгани...

Манглайин упгандай ботаётган кун
Гадога жилмайди Навоий мамнун.

НАВОИЙ

Отахон, шартингиз этурмен бажо,
Янги тонг сизга ҳам бахт қилгай ато.

Сизни бир хабардин айласам огоҳ,
Мени койиманг лек, отахон, ногоҳ.

ГАДО

Йўқ, асло, чирогим! Қулогим сизда,
Не ҳикмат пинҳондур сиз айтмиш сўзда?

НАВОИЙ

Фақиҳ Абуллайсин билурсиз, балки?

ҒАДО

Ҳа, ул зотдин мамнун Самарқанд халқи.

НАВОИЙ

Ул азиз ҳам яхши таниркан сизни,
Тарихин биларкан шоҳ байтингизни.

ҒАДО

Умрин узоқ қилсун оллоҳ фақиҳни,
Эслаб, шод этибди ожиз фақирни.

НАВОИЙ

Харидор бўлганим эшитиб устод,
Матлабим боғини айлади обод.

...Ғадо чол юзида балқида зиф,
Фақиҳдан шод бўлди бир умр гуё.

Чолнинг ҳолатини қузатиб Амир,
Уйлади не чоғли бенафқат тақдир.

Машҳур байт этса-да чолни бахтиёр,
Илкида йўқ эди энди ихтиёр.

Бир жуфт оқ кабуғар сингари бу байт,
Қанот ростлар эди, балки, ушбу найт.

Навоий бу байтга бўлса-да дилроз,
На бирор девону на-да бир бағза.

Соҳибни кимлигини этмади ошкор,
Оқибат, ул қилиб қатъий бир қарор.

Сотиб олмоқ бўлди ғадо мулкани,
Шу бирлан шод этди унинг кўнглини.

Данғиллама ҳовли, битта тегирмон
Ва бир йўрға эшак айлади эҳсон.

Амрдан миннатдор бўлиб ғадо чол,
Шоҳ байтин умрига тилади камол.

Бу матлаъ, қаранги, ўтиб не йиллар
Ғадо умрин беэаб, босиб кўп йўллар.

Навоий қалбидан мангу жой олди,
Зархарид мулкига айланиб қолди:

«Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокроқ».

Шу кеча Навоий тонгача бедор
Улмас байт умрига жон этди нисор.

Шамъ қошида шоир боши эгилди,
Мукаммал ғазалга жон пайваст қилди.

Илҳом неъматидан шоду бахтиёр
Завқ бирла ўқиди ғазални такрор:

«Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокроқ,
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокроқ».

Печа ўқлосанг Навоий кўнгли захминроқ бўлур.
Кўрмадук, захмики тиккан сойи бўлмай чокроқ».

XXI

Субҳи саҳар... Ҳануз Навоий бедор,
Олам уйқусига боқар бахтиёр.

Кўҳакдан эсади майин шўҳ сабо,
Кўзига кўринар борлиқ дилрабо.

Шодон таралади наво кўнглидан,
Асар ҳам қолмаган гуё мунгидан.

Бегубор қалбида заррача доғ йўқ,
Йўлига гов бўлмиш сарбаланд тоғ йўқ.

Дуст шамъи уйини этмиш чароғон,
Дилига офтобдек бўлмиш чароғон.

Дунёда бўлса гар битта бахтиёр,
Уша деб санамини ўзини илк бор.

Қувончдан юраги қушдек талпинар,
Кўзида порламини сирин ёлқинлар.

Сухан гулзориди кезиб то саҳар
Дил мулкидан сочди қоғозга гавҳар.

Ошпоқ тонг қанотини ёзганда шодон
Саодат боғида жилмайди жаҳон.

Султон Аҳмад мирзо эди бенажот,
Дилига ваҳима соларди Ҳирот.

Бузургвори инъом этган салтанат
Дарз кетиб, турарди гуё омонат.

Мулкига даст чўзса ғаним дафъатан,
Унга кулиб боқмас, балки, бу чаман.

Вале Султон Ҳусайн Баҳодурхондан,
Навоийга муштоқ юрт — Хуросондан

Элчи қадам қўймиш шаҳри азимга
Ва унинг қошида келмиш таъзимга.

«Давлат маншури»ни узатмиш шодон,
Бу бахтдан ёш олмиш кўзига султон.

Дилдаги ваҳима тарқалгансимон
Амир Навоийни чорлади шу он.

СУЛТОН АҲМАД МИРЗО

Ҳирий гулшанидин Самарқанд сари
Иноят насими эсмиш сарсари.

Боргоҳдин ҳидоят қосиди келмиш,
Бошингизда толеъ офтоби кулмиш.

«Давлат маншури»ни юбормиш Султон,
Сизга кўз тугадир мулки Хуросон.

Мавлоно Навоий, тавқеъ муборак!
Бул тавқеъ муҳридин нур олмай Кўҳак.

...Навойга Султон келмиш таъзимга!
Заррин либос тикмиш илҳом назмга!

Таъзим-ла ёрлиқни Султон узатди,
Навой ҳолатин шодон кузатди.

Ёрлиқни кўзига сурганда амир
Оламни ёритди нурли бир тақдир.

Султон Ҳусайн мирзо номасидан ул,
Бир лаҳза унутди дунёни буткул.

НАВОИЙ

Олий салтанатдин йўлланмиш маншур
Маънисин чекмакка ожиздур шуур.

Фалак гумбазини ёрутмиш ҳилол
Бошимга сочмишдур шуълаи иқбол.

Сиздин ҳам ризомен, Султони аълам,
Бул даҳр боғинда сира бўлманг кам.

СУЛТОН АҲМАД МИРЗО

Самарқанд тупроғи унутмас ҳаргиз,
Кўзига суради босган изингиз.

ЭЛЧИ

Субҳидам отлангай Ҳирийга карвон,
Сизга муштоқ бўлиб, кутадур Султон.

НАВОИЙ

Қуллуқ сизга, қосид, толеъ ёр ўлгай,
Роҳи Ҳирий, албат, мунаввар ўлгай.

...Лоларанг бўлганда уфқ ёноғи,
Чирт этиб узилди ҳаёл арқоғи.

Азиз дўст номасин солиб назмга,
Мамнун боқди шоир шаҳри азимга.

Қўлида тун буйи битилган ашъор,
Меҳру садоқатдан ўқирди алёр.

Марҳамат эшигин қўйгандек кушод,
Султон Ҳусайн мирзо Навоийни шод

Эттали, дер гўё ушбу сония,
(Балки, туғилгани шунда «Вақфия»).

«Ки-эй, фазл жаҳониниш синеҳри!
Йўқ, йўқки, ушул синеҳр меҳри!

Таъбингга дами бўлур не ворид
Юз йил бити олмайин Аторид.

Сен гарчи гўҳар дўкони очдинг,
Лекин бу гўҳарни элга сочдинг.

Фикринг чаманида кўп раёҳин,
Лекин бўлуб анда халқ гулчин.

Назминг гулидинки даҳр тўлди,
Дегилки: санга не баҳра бўлди?!

Лафзингдин улусқа важеҳу ҳолат
Етмай сенга баҳра жуз малолат,

Сен қон ютуб, эл бўлиб қадақаш
Элдин санга етмайин дами хуш,

Сен эл бошига бўлиб гўҳарпош,
Бир пок гўҳар демайки, шобош!..

Эндики, тараб замони етти,
Даврондин алам нишони кетди.

Олди қўлумиз жаҳон диеҳрин,
Очди кучумиз фалак ҳисорин,

Ой кунни нақора қилди давлат,
Чолди бизнинг отимизга навбат.

Оламни бизнинг қуёш ёрутти!
Ҳақ — марказида қарор тутти!

Бу дамки тарафқа қолмади суъ,
Бахтинга очилди уйқудин куъ.

Ҳам субҳи умидинг ўлди толеъ,
Ҳам меҳри муродинг ўлди ломеъ.

Чунки соқийи давр жоми ишрат
Тутти, яна чекма захри меҳнат...»

«...Тавқеъ етишгач, айла лозим,
Ким, жон била бўлгайсен мулозим.

То лутф тенгизига тушуб мавж,
Тутқай бори ишинг ул сифат авж.

Ким, ой узра қўйгансен қадамни,
Кун лавҳига чеккасен рақамни.

Меҳр олтунидин қазо қилиб ҳал,
Ул саҳфани айлагай мужадвал.

Ҳар байтини меҳри гавҳарафшон,
Анжум ила айлагай зарафшон.

Неча бийик айласанг сўзунгни,
Ондин бийик эттабиз ўзунгни...»

Дилда садо берди дўстнинг нидоси,
Қўзин сеҳрлади тавқеъ имзоси.

Толеъ тухфасидан Навоий хурсанд,
Аҳд этди: дўстига жон бўлғай пайванд.

Улуғбек тоқига тикди-да нигоҳ,
Бир байтни ёд этди, олам хайрихоҳ:

«Неча бийик айласанг сўзунгни,
Ондин бийик эттабиз ўзунгни».

XXII

«Мовароуннаҳр соҳибни ихтиёри» —
Мирзо Аҳмад Ҳожин — шеър жонсипори!

Қалбида Кўҳакдек мавж урур илҳом,
Қувончин чеки йўқ бу сўлим оқшом.

Муборак даргоҳи серфайз ва обод,
Аҳли мулозим ҳам узида йуқ шод.

Кунглидай кенг бугун меҳмон сароси,
Диллини эркалар Навруз сабоси.

Мирзони улусда тутиб мукаррам,
Олиму шуаро бўлмиш жамъулжамъ:

Фазлulloҳ Абуллайс, Қутб Санафий,
Муҳаммад Олиму Хожа Мастуний,

Хожа Хисрав, Сугдий, Жамшид Садоий,
Жалол Лутфиллоҳ ва Юсуф Бадиий,

Аҳмад Самарқандий, Риёзий қувноқ,
Барчаси Навоий йулига муштоқ.

Самога чиққандек наврузи ҳилол
Дилларни порлоқ нур айлади ишғол.

«Мархабо, амир!» — деб барча қўзғолди,
Юзларни табассум забт этиб олди.

Аҳмад Хожибекнинг ёнида шодон
Навоий турарди, дилда ҳаяжон.

Қўркам либосидан кўзлар қамашар,
Порлоқ сиймосидан дил уйи яшнар.

Қирмизи духоба жубба ярашмиш,
Кўлоҳи наврузий ёғду талашмиш.

Баҳор юлдузидек кўзлари чақноқ,
Чақноқ кўзларида барқ урар чақмоқ.

Бугдойранг юзлари севинчдан порлар,
Улуғ манглайида гўё кун болқар.

Қўмирдай қорадир чўққи соқоли,
Нурли чеҳрасида Ҳирот иқболи.

Дўстлар қучоқ очиб, кўришди дийдор,
Толёе насиб этган кундан бахтиёр.

Ҳаяжон наҳрига ғарқ бўлиб шодон,
Илҳом самосида урганча жавлон,

Барча Навоийни тўрға чорлади,
Кўзларда илтижо ўти порлади.

Таъзим бирла тўрға утди-да амир,
Дўстлар дил уйини айлади маъмур.

Мирзо Аҳмад Хожии айлаб эҳтиром,
Амир Навоийга кўрсатмиш киром.

Хуррам кузаттали уни Ҳиротта,
Дўстларин чорлади бул зиёфатта.

Шоҳона дастурхон тўла ноз-неъмат,
Сархил таомларда зеб ила зийнат.

Самарқанднинг машҳур пазандалари,
Машшоғу ҳофизу созандалари

Бу оқшом ҳунарин айлар намоиш,
Меҳмонлар кунглига берар оройиш.

Аҳли зиёфатнинг дилида чаман,
Нафосат боғида қизир анжуман.

АҲМАД ХОЖИБЕК

Азизлар, ушбу кун саодатидин,
Кунгул ризо бўлгай бор ҳаётидин.

Амир Навоийни йуқламин Ҳирий,
Шараф иморатин тикламин Ҳирий.

Ҳирий шукӯҳига бўлиб жонфизо,
Висол субҳига зор Ҳусайн мирзо.

Давлат маншурини йўллаб амирга,
Истиқбол йўлини чулгамиш нурга.

Бул шараф майидин сархуш Самарқанд,
Шоир давронни фарзандимонанд.

Қамол эҳтиром бирла кузатгай,
Таъзим бирла Ҳирий сари узатгай.

Самарқанд элидин амир шод ўлсун,
Кунглида бул оқшом мангу ёд ўлсун.

Бул оқшом тонгача янгрисин наво,
Ушалсин дилларда эзгу муддао.

Навоий газалин мусиқасидин,
Назмининг сеҳрнок мўъжизасидин

Ҳайрат уммонида чайқалсин борлиқ,
Шул эрур шоирга энг қутлуг ёрлиқ.

Аҳмад Самарқандий, Жамшид Садоий
Савтида янгрисин назми Навоий...

Мирзо Аҳмад Хожии этгач илтифот,
Яна тилга кирди савти «Муножот».

Оҳанги дилафкор таралди яна,
Дунё куйдан қайта яралди яна.

Яна ўт ташлади раққоса жонга,
Яна гамза ўти тушди жаҳонга.

Ҳофиз ноласидан дил ёнди яна,
Жисм аро жон эса ўртанди яна.

Яна маҳзун куйга ғарқ бўлди олам,
Яна киприкларга тизилди шабнам.

«Муножот»дан барча ўзин унутди,
Дардлари гўёки оламни тутди.

Дилларни маст этди танбур навоси,
Тилларни лол этди ҳофиз садоси.

Бир лаҳза даврага чўқди сукунат,
Дардларни тут каби тўқди сукунат.

Сукут ичра бошлар эгилди маҳзун,
Барча Навоийга тикилди мафтун.

Хожа Хисрав силаб кумуш соқолин
Оллоҳдан тилади шоир иқболин.

Фазлудлоҳ Абуллайс қаддини ростлаб,
Навоний шаънига сўзга очди лаб.

ФАЗЛУДЛОҲ АБУЛЛАЙС

Тавқеъ қутлуғ бўлгай, эй азиз фарзанд!
Сизни Ҳирӣй тагин этмин сарбаланд!

Мирзо Султон Ҳусайн айлаб мукаррам,
Меҳридин ёқмишдир йўлингизга шамъ.

Орауинм ушалмиш меним ҳам, углим,
Ҳирӣй осмонида порламиш тугим.

Мирзонинг қонида сиздек фарзона
Бўлмоғи даркордур элга парвона.

Алишербек, айтсам бир гапин сизга,
Эҳтимол, ёр бўлгай гул умрингизга.

Бир кун туз тотиган даргоҳга-қирқ кун
Салом бермак элга азалий удум.

Сиз мулки Самарқанд тузин тотмишсиз,
Чинордек бу юртда томир отмишсиз.

Фарзанди эрусиз бу элиниг, амир,
Бу элдин термишсиз назмул жавоҳир.

Бобо юртингиздур аслан бу тунроқ,
Сизга ҳам муқаддас маскан бу тунроқ.

Бу тунроқ толеъи тонг каби оқдур,
Офтоб боқий экан — бахти норлюқдур.

Умидим, бу юртни йўқлаб тургайсиз,
Ҳирӣйдин дўстларининг ҳолини сўргайсиз.

НАВОИЙ

Олий ҳазратлари! Кукдадур бошим,
Шафақ узра қулмиш толеъ қуёшим.

Ҳирӣйга чорламиш дўсти жонажон,
Бу бахтдин чароғон ўлмиш Хуросон.

Мирзони тутурмен дилда мукаррам,
Ул зот этмиш мени элда мукаррам.

Доруған аъзам! Сизни умрбод
Бахтиёр айёмда фақир этур ёд.

Камоли умримда, сиз улуг устод,
Нақшин бир қасрин этмишсиз бунёд.

Бу қасри олийда Сизни ёд эттум,
Муборак номингиз дилимда туттум.

Бобоюртим бўлмиш бу гул ватанин,
Обод этганидек булбул чаманин,

Дилда армон билан эттум якқалам,
Васфидин то абад нурлангай қалам!..

...Навоний шаънига ўқиб офарин,
Дўсту ёр безади кўнгил дафтариин.

Созини созлади яна ҳофизлар,
Томошага чиқди ою юлдузлар.

Навоний газали куйланди яна,
Куй билан утли ниқ суйланди яна.

«Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқи зор, э дўстлар,
Неча тортай ҳажр чун йўқ менда ёр, э дўстлар...»

Ёрингиз васлини ганимат айлабон шукр айлангиз,
Ким Навоний бўлди бекасликда зор, э дўстлар».

Муסיқаю газал бу нузли оқшом
Ярим кечагача айлади давом.

Дилларни уртади фақат бир армон —
Шоирга нигорон эди Хуросон.

Қутлашиб Навоний навбахорини,
Дўстлар изҳор этди дилда борини.

Қалбларда манж уриб меҳру садоқат,
Шоирга тиланди бахту саодат.

Дўстлар сийловидан Навоний хурсанд,
Бошидан юлдузин сочди Самарқанд!

XXIII

Самарқанд уйғонди ширин уйқудан,
Юраги нуранди гузал туйғудан.

Баҳор ҳавосидан мусаффо шаҳар
Халойиқ кўнглини қилди мунаввар.

Сафар ашъсини айлаб саранжом
Навоний жилмайди тонгта хулхиром.

Дўстлар тавоф айлаб шеър қароргоҳин,
Тонг-ла обод этди шоир даргоҳин.

«Зижи Курагоний» — мулки мумтозини,
Самарқандда тузган девон, баёзни,

Нодир қўлзмаю юзлаб китобни —
Дил уйин нурафшон этган офтобни

Сандиқларга жойлаб қуйган Навоний,
Дилда ҳижрон дардин туйган Навоний,

Дўстлардан айрилмоқ бўлса-да мушкул,
Ҳирот сафарига ошиқарди ул.

Олиму шуаро сезгандек кўнглин,
Амир Навонийнинг зархарид мулкин

Туяга юклашди — дилларда армон,
Кузларда айрилиқ ёши намоян.

Оқ отин келтирди Сугдий амирга,
Бадий отланди ул билан бирга.

Азиз даргоҳидан шоир қўзғолди,
Гўё бунда унинг юраги қолди.

Шоир билан бўлди дўстлар ҳамсафар
Нақшинкор Фирюза қопқаси қадар.

Кетидан халойиқ эргашиб борди,
«Ҳолимиз ким сўргай? — дея ёлворди.

Регистонда эса гуё тошқин сел, —
Қошига отилди унинг бутун эл.

«Бизни унутманг!» — деб бағрини тилди,
«Тагин бир келинг!» — деб илтимос қилди.

Навқирон шоиру олим, толиблар
Ерлиқ бирла уни дилдан табриклар.

Баҳор қуёшида товланиб ял-ял,
Шоир юрагига бағишлаб сайқал,

Буюк обидалар айлади хитоб,
Навой қошидан елганда шитоб.

Шамолда тебраниб азим чинорлар,
Илҳом гушасига келинг, деб чорлар.

Анҳорга сочини ювиб мажнунтол,
Оқ йул тилаб боқар изидан хушқол.

Фируза қопқасин дарвозабони,
Буюк салтанатнинг содиқ посбони

Навой қошига чиқади пешвоз,
Таъзим бирла уни этади эъвоз.

Навой тушди-да отидан илдам,
Соҳиби қопқага бош эгди хуррам.

Лутфи карам бирла узатишди қул,
Хайрли сафарга чол деди: — Оқ йул!

Оқшомги базмда жамъ булмиш дустлар,
Навой қалбига шамъ булмиш дустлар

Кузида ёш билан хайрландилар,
Баҳорий Кухакдек тулиб-тошдилар.

Туйгулар наҳрини жиловлаб зурга,
Дустлар хайрлашди ингилиб нурга.

Ҳиротта отланди шуқуҳли карвон,
Карвонга мунтазир эди Хуросон.

Дустлар армон билан қул силкиб қолди,
Дилларни ўтли дард забт этиб олди.

Навой борарди карвон бошида,
Жилва қилар эди олам қошида.

Карвон қунғироғи жаранглаб яна
Борлиққа таралди мисли тарона.

Бу оҳанг саодат ибтидосидур,
Ихрож қулларининг интиҳосидур.

Навой қалбига ҳамроҳ бу оҳанг,
Садоқат куйига дилроз бу оҳанг.

Бу оҳанг йул аро чорлади элни,
Бу оҳанг чароғон айлади йўлни.

Баҳор оғушида олам гулистоқ,
Гулистон оламдан излаб бир достон,

Ҳайрат билан боқар шоир борлиққа,
Борлиқ ҳамроз эди қутлуғ ёрлиққа.

Жаннатий манзарни айлаб томоша,
Кеш сари йул олур карвон тоғ оша.

Катта карвон билан ўн чоғли навкар
Шоирни қузатмиш Ҳайхунга қадар.

«Хамса»нинг пурҳикмат байтлари гуё
Шуқуҳли сафарга сочарди зиё.

Табаррук заминда тугилган «Хамса»,
Буюк эл меҳрига йўғрилган «Хамса»

Бешикни тарк этган гудак сингари
Тетапоя қилмиш Хуросон сари.

Дилда ҳаяжони жўшиб чашмадай,
Навой назмига мангу ташнадай,

Самарқанд боғлари кузатиб қолди,
Шоирга қулларин узатиб қолди.

Тахти қорачага қуйганда қадам,
Касфда турган каби кўринди олам.

Гулшан водий этди ҳаёлини банд,
Изидан армон-ла боқди Самарқанд.

Вале дилга Ҳирот оташин солди,
Қулга «Ҳилолия» қаламин олди:

«Чун ниҳон қилди турунжи меҳр рахшон талъатин,
Ошкор этти фалак бир тавқи ғабғаб ҳайъатин.

...Қайси шоҳ улким, азалдин ҳаққа ул эрмиш мурод,
Халқ қилмоққа салотин гавҳарининг хилқатин.

Шоҳ Абулғози саодат ахтари Султон Ҳусайн
Ким қуёшни зарра дер, қурган сипеҳри ҳашматин,

Шоҳлар шоҳи демай, ул шоҳларнинг шоҳиким,
Ҳар бири юз шоҳлар шоҳича тутқай мукнатин.


...Шоҳлар дарवेशию дарवेशлар шоҳики, ҳақ
Шоҳ қилди суратин, дарвеш қилди сийратин.



...Янги ою ийд икки қуллуғчинг ўлсун, айлаган
Сен ҳилол онинг отин, байрам бу ернинг қунятин».

* * *



کتابخانه
مطالعات





БИРИНЧИ ҚИСМ

"ФУСУЛУНИНГ ЁЗИ..."

Шабоб замониким, йигирмадан уттиз бешгача деса бўлгайким, ҳам бу фусулнинг ёзидурким, йигитлик чашмасорининг ҳаётбахшлигининг оғозидур.

Алишер Навоий

Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳуб айтқон эмас... Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

Бу буюк Амир (Алишер Навоий) бутун давлатнинг ҳимоячиси ва миллатнинг таянчидир.

Давлатшоҳ Самарқандий

Мозий тўзонига кўксини тутиб,
Жабҳадан жабҳага жанг билан ўтиб,

Замонлар кўюнин кечириб бошдан,
Ҳирот боши гўё яралмиш тошдан.

Лойсувоқ деворлар, тор куча-қўйлар,
Супрадек ҳовлилар, катакдек ўйлар.

Қалашиб ётибди саржин сингари,
Кирса гар адашиб қолади ари.

Ғариб иморатлар кифтидан босиб,
Фалак равоқини кўриб муносиб,

Миноралар қилар офтобга хитоб,
Меъморлик илмида ясаб инқилоб.

Мунаққаш бинолар, олий қасрлар
Санъати қошида соқов асрлар.

Муаззам Гавҳаршод мадрасаси лол,
Шохруҳ замонини қўмсар, эҳтимол.

Арафа богида Масжиди жомиъ,
Бағрида мугъёдек Ҳирий авоми.

Баҳайбат қалъан Ихтиёриддин
Толиққан Хуросон ихтилофидин.

Шодлик куйи янграб «Боги зоғон»да,
Элнинг нажот кўзи дорул-амонда.

Самарқанд йўлига боқиб умидвор,
Боги Давлатхона ташвиши бисёр.

«Хиёбон» қопқаси серқатнов тонгдан,
Йон яйрар туркий ва форсий оҳангдан.

Занжирдек узилмас ундан ўткинчи,
Бағри тош даврондан дилда ўкинчи.

Чориғи лой кечиб чўпон гўранар,
Тинкаси қуриган деҳқон судралар.

Қирчанғи энақда солланар чоллар,
Бозор илинжида бева аёллар.

Савдо-сотик билан суяғи қотган,
Ҳаётда аччиғу чучукни тотган

Тижорат аҳлига бўлиб ҳамсафар,
Навоий қайтмоқда — узгача шаҳар.

Ҳавзи моҳиёндан утаётган чоқ
Даҳо Ҳиравийга дуч келди, бироқ.

Унинг ҳолин сўраб, илжайди Даҳо
Ва лекин кўнглида кўзғолди ғавго:

«Ҳирий пешкаш, қабул улғай зиёрат,
Мақсудга етибсиз қилиб азимат¹.

Омад келса — шер ҳам келар саломга,
Омад кетса — чумчуқ ҳам тушмас домга».

Заҳарханда билан Навоий сўзлар,
Гаранг Ҳиравийнинг жон эти музлар:

«Ким султон бўлса ҳам сизга барибир,
Кўнглини топасиз бир кунда, тақсир».

Ҳиравий бузариб, тош каби қотди,
Маждиддин дўқондан аччиқ сўз қотди:

¹ А з и м а т — бирор ишга қасд қилиш, ният этиш, интилиш.

«Ҳаёт исбот этгай: ким тулки, ким шер?
Қиёмат бўлмас-ку, қайтса Алишер?»

Гадонинг душмани, дейдилар, гадо,
Ё сизга Навоий душманми, Даҳо?»

Дўқондор бойвачча қаҳқаҳлаб кулди,
Ҳиравий ёндию бирдан кул бўлди:

«Жаноби Маждиддин, гапми қиёмат,
Ул эмди юргизур мулкда сиёсат».

Маждиддин — жон бермас, Даҳо ҳангу манг,
Навоий изидан кўз узмас, гаранг.

Боғи Давлатхона томонга далер
Саман йурғасини бурди Алишер.

Домга тушган қушдек қалби потирлар,
Ёшлик айёмини тушдек хотирлар,

Она масканига етишди, наҳот?
Наҳот, ўз уйига қайтиб келди бот?

Бедови кишнади кўча бошида,
Депсиниб, тўхтади манзил қошида.

Дарвеш Али очди дарвозани шод
Ва этди оғаси кўнглини обод.

Алишер отидан тушди-да илдам,
Инисини босди бағрига маҳкам.

Боғ ҳовли саҳнига қўйганда қадам,
Она қотиб қолди — кутган бўлса ҳам.

Ўзини йўқотиб қўйди — гирёна,
Фарзанди бошида жони парвона.

Тўйиб-тўйиб улди юзу кўзидан,
Уни омон куриб, хурсанд ўзидан.

Жаҳаннам қаърига қулаб гам тоғи,
Озурда кўксига қолмади доғи:

«Ўғлоним, этдингиз мунча интизор?
Соғиниб, найлайин, йиғладим зор-зор».

Алишер юпатди: «Йиғлабсиз абас,
Кўз ёши тўқмакни кўнглим истамас.

Гарчи ихрож¹ қилди зулмгустарлар,
Билмадим: фақирдин нима истарлар?»

Ўглининг кўзига боқиб умидвор,
Таскин берган каби деди маънодор:

«Ҳар қалай, дўстингиз Ҳусайн мирзо
Тахта чиқди, кошки, халқ бўлса ризо».

Алишер уйланди: «Мушқил муаммо,
Ечимини топмак мумкин у аммо,

Улус ризо бўлган подшоҳ ўтмаган,
Подшоҳ йўқки, элга зулм этмаган.

Ҳусайн мирзонинг нечук паймони?
Кошки, элга зиё сочса кайвони!»¹

Она деди хурсанд: «Ён босиб элга,
Мурувват камарин боғласа белга».

«Фақир улус тараф, — деди ўғлони, —
У билан ободдир жаҳон айвони.

Одил шоҳни азал халқ қилар-ҳавас,
Кошки, султон бўлса анга ҳамнафас».

«Ўғлим, айтганингиз келсин, илоҳим,
Дуодин узга йўқ, нетай, иложим.

Аламга ҳожат йўқ ажиб фурсатда,
Ҳолингиз не кечди узи гурбатда?»

«Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш».

Она деди, дилдан ариб аламлар:
«Ҳар қалай, кўп экан яхши одамлар,

Йўл азоби ёмон — истироҳат кам,
Жиндак ором олинг, қавм бўлмай жам».

«Сизни куриб, унутилди чарчоғим,
Томоша қилайин — соғиндим боғим».

Бир-бир қадам босиб, яйраб жону дил,
Боғ аро сайр этди онаю ўғил.

Она ниётлари топмади озор,
Она умидлари кетмади бекор.

Нондек бутун эди она иймони,
Жондан азиз эди унга ўғлони.

Ҳар қалай, қошига қайтди у омон,
Кўзига нур бўлди, танига дармон.

Ўғли билан гўё келди кетган бахт,
Соябон — отадин мерос ҳар дарахт!

Девордан муралар қўшни қиз, шайдо,
Кўзлари ҳавасин этмиш ҳувайдо.

Алишер нигоҳи тушганда бехос,
Ғамзаваш боқиб у, яширинди хос.

Бу сирли ҳолатни сезмади она,
Гарчи келин танлар, гўзал, фарзона.

Дарвеш Али фойдаланиб имкондан,
Суюнчинин олиб қайтди султондан.

«Навоий келибди!» деган хуш пайғом
Маҳалла аҳлига етди шу айём.

Даргоҳи қавмга тўлди бир зумда,
Кулгини унутган боғ табассумда!

¹ Ихрож — сургун, бадарға қилиш, четлатиш.

¹ Кайвон — Зуҳал юлдузи.

Она учун борми бундан ортиқ бахт,
Шоир ўгли билан нурийдир пойтахт!

II

Навойи кирдию «Боғи зоғон»га,
Қўзи тушди унинг ўзга жаҳонга.

Димоққа урилди гуллар хуш бўйи,
Қўнглини маст этди булбуллар қўйи.

Хаёлин сеҳрлаб олди чаманзор,
Гуллар жилвасидан ёзилди хумор.

Таъзим-ла кокилин ёйиб мажнунтол:
«Марҳабо!» дегандек имлайди хушҳол.

Хурмолар бошига гўё тож кийиб,
Хушнуд чеҳрасига боқар суюниб.

Хушқомат сарвлар елда солланиб,
Ҳаворанг либосда кутар нозланиб.

Олмалар бошида нафармон рўмол,
Ийманиб, кўз сузиб, суради хаёл.

Ўриклар бурканиб оппоқ шойига,
Садаф гулларини сочар пойига.

Ўзини унутиб, ўйларга ботиб,
Мунаққаш бинога тикилди қотиб.

Офтоб нури ўйнар нодир қасрда
Оҳу каби учқур хаёл асирда.

Бир пайт эшик ога чиқди-да хурсанд,
Деди: «Олий ҳазрат сизга орзуманд».

«Қуллуқ!» деб Навоий ичкари кирди,
Султон Ҳусайн шод уридан турди.

Шақли-шамойили қоплонга қиёс,
Қийиқ кўзларида чақнаган ихлос.

Улуғвор кўрсатар ёшини хиёл,
Юзига ярашган хошия соқол.

Бошида — олтин тож, беҳисоб гавҳар
Тожга зийнат бериб; сирли товланар.

Эгнида — қирмизи, узун кимхоб тўн,
Олтин безаклари порлар серфусун.

Ёқа гулидан то барига қадар
Қадалган: лаъл-ёқут, феруза, гавҳар.

Ҳаттоки, хироми этигига ҳам
Жавоҳир тошлардан берилган ҳашам.

Ҳусайн, қувониб қучоғин очди,
Меҳри жўшиб, уни бағрига босди.

Дустлар елкаларга бошларин қўйиб,
Озод нафас олди, меҳрга тўйиб.

Орзу наҳри урди юракларда мавж,
Иқбол сози янграб, гўё қилди авж.

Табассум ёйилиб султон юзига,
Деди, мамнун боқиб шоир кўзига:

«Зиёратлар қабул ўлгай, азизим,
Сизга муштоқ бўлиб, унутдим ўзим.

Тангрига шукрим, қуришдик дийдор,
Саодат давронин қилмишлар пойдор».

Садоқат каломи безаб лисонин
Навойи сўзлади: «Улуғ султоним,

Тожи давлатингиз муборак улсун,
Толё офтобингиз чарақлаб кулсун!»

«Қуллуқ!» дер Ҳусайн — қўли кўксиди,
Мурувват кўзлари содиқ дустиди.

Қат-қат шойи тўшак узра ўлтириб,
Дил қулфин очдилар, хуш суҳбат қуриб.

Шоир Самарқанд-ла қилиб ифтихор
Бир газал ўқиди унга даҳлдор:

«Самарқанд сайқали рўйи заминдур,
У меҳрим қибласи — жонга яқиндур.

Шаҳар хокин тавоф этгай бутун эл,
Буюклар хоки бу — хатти жабиндур¹.

Унутгайми киши Қўҳакни ҳаргиз,
Суви лаззатда мисли ангубиндур².

Самарқанд жилва қилгач олам узра,
Жаҳон аҳлин нидоси — офариндур.

Дунё агар узук бўлса — Самарқанд
Узукка ҳусн ато қилган нигиндур³.

Газал — сўз гўзали, алҳақ ва лекин
Самарқанд лафзи андин нозаниндур.

Адо бўлмас Самарқанд васфи, Навоий,
Ахир у сайқали рўйи заминдур».

Ҳусайн «ваҳ» дебон айтди офарин
Ва кетди варақлаб кўнгил дафтарин.

То насиб қилгунча тахти Хуросон,
Не кўнлар кўрмади айлади баён.

Ва лекин узини қувончдан тутди,
Навойи меҳридан марҳамат кутди.

Мақсад қутисини очиб, оқибат,
Дур инъом этмакка қилди азимат:

«Камина ёнида турсалар, тақсир,
Ҳамфикр, ҳамжиҳат кўрсалар тадби

Улусимиз буюк, юртимиз улкан,
Мулкимиз — мавж аро чайқалмиш елкан.

¹ Жабин — манглай, пешана.

² Ангубин — асал, бол.

³ Нигин — узун кўзи.

Тадбиркор бўлмаса дарға уммонда,
Талофат чекади кема тўфонда.

Дарғага раҳнамо бўлса донишманд,
Мурод соҳилида очилгай дарбанд¹.

Донишманд фикрига сезиб эҳтиёж,
Мушкилни ечмакка қидирдим илож.

Зуд билан маншури олий² юбордим,
Саодат шаробини гўё синқордим.

Умидим гулзорини этмасдин пайҳон,
Тангри паноҳида еткурди омон.

Ватан хизматига бел боғлағайсиз,
Салтанат амрига дил чоғлағайсиз».

Толё манглайига қўлни босиб,
Уйланди: гар султон кўрса муносиб,

Умрини назмга бахш этмоқ бўлиб,
Сўзлади Навоий, юраги тулиб:

«Ҳазрати султондин хурсандмен гоят,
Бошимга офтоб чиқди ниҳоят.

Салтанат не деса этурмен адо,
Камина қалбида узга муддао.

Занжи каби чекиб ҳаёт ранжини,
Ижодга сарф этсам юрак ганжини.

Умр қўласига³ қўлмиш бир қадам,
Ушоқ шеърдини узга не эдим рақам.

Марҳамат қилсалар, қошки, султоним,
Ижод билан утса дейман ҳар оним».

Диққат билан тинглаб, зорланди султон,
Дўстликни ўртага қўйиб беғумон:

«Алишербек, дўстим, йўқса, мен нетай?
Шеър дебон саройини ташлабми кетай?

Воз кечай: салтанат, тож ила тахтдин,
Жанг ила илкимга келмиш бу бахтдин!

Тахт учун неча йил курашдик нечун?
Саргардон тоғу тош, қир ошдик нечун?

Сиз гоят даркорсиз салтанат учун,
Доно фикратингиз фақирга бечун!⁴

Йўқса, подшоҳлигим бекордур менинг,
Орау гули булгай туироқ ила тенг».

Шоир деди унга ўтли тикилиб,
Сўзлари юракдан қуюлиб келиб:

«Султон ҳазратларини амри вожибдур,
Сийёсат соҳаси, аммо нозикдур».

¹ Дарбанд — дарвоза.

² Маншури олий — олий ёрлик (фармон).

³ Қўлла — чуққи, қоя.

⁴ Бечун — тенгсиз, бебаҳо.

Хусайн кўзлари севишдан балқиб,
Ғурур билан деди меҳрдан қалқиб:

«Ташаккур, азизим! Кўкдадур бошим,
Сиз бирла порлағай, балки, қўёшим!

Ижодга яратиб бергаймен имкон,
Шеъринг бешиги булгай Хуросон!»

«Қошки», деб, Навоий жилмайди мамнун
Ва кўзлар сўзлашди бир лаҳза беун.

Сунг деди уйланиб: «Олий ҳазратим,
Назмда булгайлар, балки, ҳамроҳим.

Бирга қалам сурсак бу майдон ичра,
Не майдон, мунаввар бу жаҳон ичра.

Якқалам айласак буюк улусни,
Анинг хизматига бахш этсак ўзини».

Хусайн жойида оғир тўлғанди,
Илҳом шавқи билан қалби чулғанди.

Қора юлдуз ёниб бирдан кўзида,
Сеҳрли бир қудрат сезди ўзида.

Қаддини тиклади ва уйга ботди,
Жиддий нигоҳи бир нуқтада қотди.

Илҳоми тошгандек: шеър айтур чоғи
Йирикланди гўё кўзин қароғи.

Султон эмас, риндга ухшаб кетди у,
Шоҳликмас, мажнунлик кўмсаб кетди у:

«Эй чархи жафогар, не ситамлар қилдинг,
Жонимни нишонан аламлар қилдинг,

Муҳлик нафасим утин аламлар қилдинг,
Узрунгни нечук қулай карамлар қилдинг».

Рубоий домига тушди Навоий,
Ҳайратдан булоқдек жўшди Навоий.

Не фурсат Хусайний лисонидан у
Эшитмас эрди шеър, ултириб утру.

Неча йиллар ўтди йиглаб, саргардон:
На у, на бу топди кўрмоққа имкон.

Хиротдан йироқда кезиб гурбатда,
Йигитлик даврони ўтди кулфатда:

«Шеър гоят латифдур — муборак улгай!
Баҳраманд кўнгулдин дардлар тўкилгай.

Чархи дундин этса Хусайний нола,
Невчун келмас фақир кўзига жола!»

Хусайн бош эгиб ташаккур айтди,
Навоий қалбида меҳрин улғайтди.

Сазовор бўлиб дўст эҳтиромига,
Жони илинди бир хаёл домига.

«Даҳо Ҳиравийни танурмисиз?» деб,
Похос сўраб қолди, уйчан тикилиб.

Навоий синқориб ҳайрат майини,
Қўздан пайқади султон раъйини:

«Билурмен, назмда санохон, аммо,
Ўзидин ўзгани тан олмас Даҳо.

Абу Саъид мирзо кўнглини овлаб,
Чирмовиқ сингари кетганди говлаб».

Султон жимиб қолди — иш битган эди,
Суздан қайтмоққа вақт ўтган эди.

Ҳиравий подшоҳни қутлаб тож билан,
Қасида битганди севиниб дилдан.

Кўнгли ийиб, имдод айлади султон:
Даҳо қилди сарой бағрини макон.

Ўзга йулга буриб сўз оқимини,
Сўзлади Маждиддин маноқибини:¹

«Маждиддин Муҳаммад билмиш иш кўзин,
Мирзойи Кичикда² курсатмиш ўзин.

Девон хизматини келтирса бажо,
Ушалган бўлурди, балки, муддао».

Ҳайрон боқиб деди шоир султонга:
«Подшоҳи олийсиз, сиз Хуросонга.

Сизга мақбул эрса, не дегай фақир,
Ақл кўзи билан кўргайсиз тадбир.

Мулозим ул шахски, бўлса илки пок,
Кўзи пок, сўзи пок ҳамда дили пок».

III

Ҳайитни ўтказиб янги ҳукмдор
Зиёфат бермоқни этди ихтиёр.

Қудратин қилмоқчи бўлди намойиш,
Гарчанд йўқдир ҳали юртда осойиш.

Меҳмонлар файзидан «Боғи зогон» шаън,
Куркам қаср ичра аҳли анжуман.

Остонада эса ушлаб мулозим,
Тавозеъ айлашиб, боқар мулойим.

Баковул жилмайди жамоат сари:
«Ташриф этмақдалар шоҳ ҳазратлари!»

Улуғлар саф торғди — қўллар кўкрақда,
Бир маснад³ илинжи ҳар бир юракда.

Маҳобат билан шоҳ қасрга кирди,
Кўрқиди голиблик мужассам эрди.

Таъзимга эгилган зотлар билан у
Бирма-бир кўришди, келиб рубару.

¹ М а н о қ и б — яхши сифатлар, гузал хислатлар.

² М и р з о й и К и ч и к — Муҳаммад султон, Султон Ҳасайнинг жияни.

³ М а с н а д — юксак урин (мансабда).

Султонга тақлидчи вазирлар алҳол
Кибру ҳаво билан сўрашди аҳвол.

Аркони давлат жамъ катта базмда
Навоий қаддини кўриб таъзимда,

Подшоҳ карам айлаб илкин узатди,
Гўё хоксор кўнгил уйин тузатди.

Эъозлаб, сидқидил чорлади тўрга,
Жамоат ҳайрат-ла қузатди зўрга:

«Нечун мунча олий ҳурмат ва карам?
Нечун мунча азиз соҳиби қалам?

Наҳот, кеча келиб ўзи ихрождин,
Дурдек жой олса у шоҳ кийган тождин?

Чинми ё султонун шоир дўстлиги,
Бир оғоч самарин мағзи-пўстлиги?

Улуғ боболари бўлса кўкалтош,
Баробар эмас-ку, гавҳар ила тош?»

Кабирлар¹ кўнглидан турли ган ўтди,
Вазирлар пуфлашар кин ёққан ўтди.

Султон тўрга ўтди оғир, мардона,
Ёнида вазирлар — хушгўй, парвона.

Зиёфат аҳлига солиб хуш назар,
Асл мақсудини деди суханвар:

«Сизлар салтанатнинг арконидурсиз,
Улуғ мулк кўзининг пайконидурсиз!

Юракда жуш урса Ватан туйғуси,
Кўзаларини босмаса гафлат уйғуси.

Қинига кирмаган ганим қиличи,
Қурумдин қорадур душманнинг ичи.

Абу Саъид мирзо фарзандлари лек
Ҳирот тахти учун турмагайлар тек.

Улусга таянинг — йиқилмагайсиз,
Ин излаб, гўшага тикилмагайсиз.

Хуросон тан эрса, улус анга жон,
Жонсиз ўлук тандир мулки Хуросон!

Халқимиз қудратли, лек хароб ҳоли,
Дармонин қўритмиш зулм шамоли.

Элга шафқат илкин узатмак даркор,
Хароб рўзгорини тузатмак даркор.

Улусни ранжитса қайси бек, амир,
Ўзларин жонига қилгайлар жабр.

Фуқаро ҳақиқа қилмай хиёнат,
Инсоф-ла юргузинг мулкда сийёсат!»

Хомуш ерга боқди баъзи амирлар,
Сездирмай, қўзғолиб қўйди вазирлар.

¹ К а б и р — улуг.

Султон диққат кўзи билан тикилди,
Лафзи рағнин унинг тилига келди:

«Хиротга қайтмишдур Алишербек бот,
Хизматин аямас, тиласак нажот.

Султон Аҳмад мирзо¹ илкида жаноб
Чигатоӣ амири бўлмиш жаҳонтоб.

Девон муҳрдорга сезур эҳтиёж,
Халқ эса шоирнинг сўзига муҳтож.

Рутбан олийга этсак сазовор,
Навонӣ хизматда бўдур фидокор!»

Ушбуни айтди-да, сўз оғозида,
Битилмиш Самарқанд зар қоғозига.

Фармони олийни ўқиди султон,
Табригин эшитди гул Хуросон.

Шоирнинг кифтига солиб зарбоф тўп,
Юксак унвон билан қутлади мамнўп.

Навонӣ «қулуқ» дер ҳаяжондан лол,
(Келган омад асло тонамасин завол!)

Уни муборакбод этдилар бир-бир,
Ким нчдан кўйинар, ким этар фахр.

Шинам тахти хоста чўкиб ҳукмрон,
Навонӣ шаънига май ичди шодон.

Ҳиравий илжайиб сарҳун султонга,
Ўзини кўрсатди аҳли давронга.

Соҳиби давлатдан қутиб мукофот,
Назм дашти аро этди муножот.

«Олий ҳазратлари чиқдию тахтта,
Гул либос кийгизди жамъи дарахтта.

Назари тунганки, олам беъаниди,
Назм дурри бирла қалам беъаниди.

Беъаниди маънодан сўз кийиб либос,
Шоир султонига элда зур илҳос.

Эмди улус бўлмас ўз юртида хор,
Ўз элидан чиққан раҳномаси бор.

Абу Саъид мирзо ўтказиб жабр,
Фақир ниғидорин этмади қадр.

Тилимни жўр қилди, нетай, санога,
Бахт насиб қилмади вале Даҳога.

Ҳар қалай, шуаро хор даврон ўтди,
Аъло ҳазрат азиз илқини тутди.

Навонӣ билан мен дўстман азалдан,
Ҳимоя айладим оин ажалдан.

Қаттол ҳукмдорин зўрга унатдим,
Самарқандга карвон ила жўнатдим.

¹ Султон Аҳмад мирзо — Самарқанд ҳокими, Абу Саъид мирзонинг ўғли.

Нетай, дилим мажруҳ, соғ улса, кошки,
Таянсам, султоним тоғ улса, кошки».

Қарчиғай келбатли Музаффар барлос
Керилмиш жаҳонгир саркардага хос.

Бошида дубулга — оқ дастор бутун,
Эғнида совутмас, заррин кимхоб тўп.

Дур соғли қиличи сўл томонида,
Ажралмас дўст каби турар ёнида.

Кўмирдек соқоли қуюқ ва кўркем,
Қаҳрли чехрасин танийди кўр ҳам:

«Улуста аёндур Навонӣ номин,
Рўзбга чиқмақда назмда комин.

Жанобин девонга¹ қилиб муҳрдор,
Мурувват кўрғади олий ҳукмдор.

Умидим комилак, аҳли Хуросон
Мушқилин, албатта, энтайдур осон.

Ҳарчи ҳурматини баланд тутгаймен,
Арқони давлатини огоҳ этгаймен.

Қўшинсиз мулк — қалъа, нобони йўқдур,
Не нобон, вайрона — арқони йўқдур.

Қўшинсиз мулк бўлмас, мулксиз қўшин ҳам,
Қўшини мулк бирлаи салтанат маҳкам.

Қўшини жўмард юрт қудратли бўлғай,
Қудратли юрт эли журъатли бўлғай.

Султон ҳазратлари билдурлар, нечук,
Дашт кездук, тоғ ондук, дарёлар кечдук.

Мулки Хуросон деб тикдик жонимиз,
Ҳирий тахти учун тўқдик қонимиз.

Муродга етдик, деб турсак хотиржамъ,
Мамлакат бўлмағай тинч ва мустаҳкам.

Мулк учун лозимдур мунтазам қўшини,
Ўт-сўвга киргүвчи муаззам қўшини.

Улуснинг лочиндек мард ўғлонларин,
Шерин даст қўтармиш наҳлавоиларин —

Наварга олинса, бўлсалар қалқон,
Эҳтимол, тинчиғай мулки Хуросон.

Арқони давлатдин шулдир ўтинчим,
Қинга солилмағай ҳали қиличим».

Саркарда сўздан руҳланди барча,
Дунё дарғоҳига очгандек дарча.

Султон мажлис сарн ўт зеҳн солди,
Қўмондон лафзидан дили завқ олди.

«Офарин!» деди-да, саркарда учун
Соқийга буюрди: «Майи гулгун сун!»

¹ Девон — давлат маҳкамаси.

Мирзои Кичикнинг буйругига шай
Остона пойлайди Маждиддин, жилмай.

Хизматга бел боғлаб турибди, шитоб,
Тиканли кўзидан сизгандек хуноб.

Аҳли базм шоҳни бир-бир қутлашар,
Саройдан ёглироқ мансаб чутлашар.

Навоий ўридан кўзғолган асно,
Саросима бўлиб тиржайди Даҳо.

Орау кўзи билан тикилди султон,
Не султон, умидвор мулки Хуросон!

Шоир дилкаш боқди аҳли базмга,
Шеър ганжин келтириб мулки азимга.

Бир лаҳза фикратсоз сақлади сукут,
Завқи жўшиб, ёнди кўзларида ўт.

Кўнгил зари билан безанган калом
Бол томган тилдан учди хуш айём.

Султон Ҳусайини тахт билан қутлаб,
Дунёда энг олий бахт билан қутлаб,

Янги ой чиқди, деб, Хуросон узра,
Ёғдусин сочди деб мулки жон узра,

Салтанат тонгида башорат қилди,
Навқирон қомати таъзимга келди.

Тутқазди илжига, қасидасини, —
Жонажон мулкига қасидасини.

Ҳиротга келгунча тунлар беуйқу
Йўлларда битилган «Ҳилолия»¹ бу!

Беадад завқ олиб аҳли зиёфат,
Шодлиги тагин ҳам бўлди зиёдат.

Хожа Афзал портлаб: «Ваҳ!» — деб юборди,
Ҳираний шавқ гулин тууроққа қорди.

Маждиддин ичгани тирнади ҳасад:
«Нега менга қулиб боқмайди омад?»

Кеча қайтиб келиб Ҳиротга, бутун
Мансабга минди не хизмати учун?»

Шеърда таъби нозик, ҳам сўзда бийрон,
Назмда қалами хуш рафтор султон,

Навоий шаънига ўқиб ташаккур,
Деди у: «Қасида фақирга манзур.

Шоир ораусига бўлгани қанот,
Аркони давлатдин тилаймен нажот».

Муסיқа таралди «Боғи зогон»га,
Дебоча бўлгандек янги давронга!

¹ «Ҳилолия» — Алишер Навоийнинг «Ҳилолия» қасидаси.

IV

Дилкушо масканда аҳли дониш жамъ,
Қардошлик туйғуси дилларга ҳамдам.

Навоий меҳрига бўлиб сазовор
Жомийнинг кўнглида умид шуълавор.

Фасиҳиддин — сабоқ ургатган устод
Содиқ шогирдининг камолидан шод.

Гоҳ Ҳирот, гоҳ Машҳад бўлиб макони,
Фароғат топмади Ардашер жони.

Ихромж кemasида сузиб ломакон,
Навоий қалбидан сирқиб оқди қон.

Орадан неча йил ўтди қуюндек,
Даврондан демади бири: суюндик.

Навоийни олий мартаба билан
Самимий қутлади аҳли анжуман.

Ардашер дедик: «Рутбаи олий
Сизга кўп имтиёз берур Навоий.

Вазифангиз оғир, аммо, шарафли,
Дур деб кўрсатурлар сизга садафни.

Элу юрт равнақини ўйлаб ин тутинг,
Чора топмай, аввал азмойиш этинг.

Улусимиз хароб, мулкимиз вайрон,
Нодон ҳурматдаю доно саргардон.

Жоҳил иззатдаю оқил гадодур,
Гумроҳ нишратдаю одил ақодур.

Тилимиз кесилган, сўзимиз полон,
Дилимиз эзилган, кўзимиз гирён!

Ўз она юртида занжирбанд шермиз,
Қулбамиз зиндону озодман, дермиз.

Кулгимиз йинғию кўзимиз шамъдон,
Илкимиз калтаю дилимиз гамдон.

Орзумиз саробу фикримиз подир,
Умримиз ҳубобу зикримиз қодир.

Муҳожир залиму муқим эл тутқун,
Фитнагар қойиду¹ соф кўнгил тутқун.

Илму фан жаҳолат ботқоғида хор,
Шеър, санъат саодат муждасига зор».

Ардашер фикрини эттириб давом,
Жомий деди, ўтдек чақнади калом:

«Зулм чангалида эл бағри қондур,
Қулдек боши эгик, қадди камондур.

Усти-боши юнун, ранг-рўйи заъфар,
Егани зогора, ичгани заҳар.

¹ Қойил — зиндонбон.

Қаттиқ шамол турса — қулар кулбаси,
Куксига тегмайди офтоб шуъласи:

Фуқаро яланғоч, қашшоқ ва гадо,
Дармони қуриган — чиқмайди садо.

Муҳтожлик домига жони илинмиш,
Хор-зорлик тигидин бағри тилинмиш.

Масжидлар фитнаю игво уяси,
Имомлар разолат, кин шумғияси.

Амиру бекларнинг зулмига йўқ ҳад,
Боши кетар, кимки, амрин этса рад».

Паҳлавон Муҳаммад газабн тошди,
Ўт бўлиб эритди алами тошни:

«Захходек¹ кифтида ўсмаган илон,
Аждаҳо комига ем бўлди инсон.

Абу Саъид деса — жон тортди фиғон,
Юртни вайрон қилди, элни қатагон.

Хожа Аргун унга бўлдию мироб,
Ариқдан сув эмас, оқизди зардоб.

Мулкдору мансабдор ариғи тўлди,
Сувга зор фуқаро гул каби сўлди.

Балиққа йўл бўлғай наҳанг бор ерда,
Не наҳанг, оч аждар ҳукмдор ерда.

Кўз-кўзлаб фарзанди Ўсмаг хожани,
Бургут деб курсатди элга жўжани.

Султонга келтирди топса устихон,
Улуснинг хунидин гарчи илки қон.

Сарой паноҳ бўлди доғулиларга —
Зулматда сайраган бойўғлиларга.

Тасодифан унга келдию қирон,
Зулмдин қутулди аҳли Хуросон».

Ҳаёт тажрибаси гоятда бисёр
Фасиҳиддин Соҳиб деди маънодор:

«Хонавайрон мулкка бўлмиш ҳукмдор
Султон Хусайннинг аҳволи душвор.

Мансаб курсисиди буқаламунлар —
Амал дарахтида думсиз маймулар.

Нима ҳунар қилсанг улар ўйнайди.
Ёки ўйнатмаса сени қўймайди.

Думи бўлмаса-да ликиллатади,
Донони нодон, деб лақиллатади.

Саройдин ўзига топса-да паноҳ,
Камлик қилур, дейди, бу олий даргоҳ.

Сизни чорлаб, султон савоб иш қилмиш,
Бобоси русумин мўътабар билмиш.

¹ Заххок — афсонага қура, икки елкасида
илон ўсган шахс.

Ёмон кўздин ўзи асрасин, оллоҳ,
Фуқаро ҳолидан бўлғайсиз огоҳ».

Улуғларни кўриб мундоқ диловар,
Навоий ақлига қилмади бовар:

«Ўткир кўзларида кўрди қатъият,
Халқ учун бу қадар чекминн азият!

Башар ортмас асло ўз ташвинидан,
Огоҳ бўлмас баъзан дунё ишидан.

Мамлакат дардига бўлса қайғудон,
Нечун улар билан бўлмагай йўлдон?»

Элу юрт тақдирин ўйлаган одам
Хуросонда анқо уругидек кам.

Мамлакат шавкати ва халқнинг шони
Ўт жабҳага солди қайси инсонни?

Бу савол жавобсиз қолмоқда ҳамон,
Ҳамон тутқунликда мулки Хуросон!

Хусайн мирзонинг султон бўлгани,
Ким деди: элу юрт бахтин кулгани?

Хамирнинг учидан ким қилди патир?
Ким деди: ой нури оламга татир?»

Ўйга гарқ Навоий йиғиб хаёлин,
Оташзабон деди кўнгил мақолин:

«Ақл кўзи билан боқсак дунёга,
Инсон зоти азал муҳтож зиёга.

У нурга интилиб яшайди гарчанд
Оёғига солар зулумот каманд.

Инсон умри оқар дарёга қиёс,
Қадами етган ер кияр гул либос.

Қули гул бўлса-да, улусимиз хор,
Золимлар илкида чекади озор.

Ташналик даштда у сувга зордур,
Булбул қафасидек кулбаси тордур.

Махзани ирфондин бўлиб беҳабар,
Жаҳолат горида яшар бесамар.

На ўқур, на ёзур ўз тилида у,
Айтолмас, не дард бор ўз дилида у.

Султон Хусайндин умидларим зўр,
Кошки, бўлса улус кўнглига манзур!

Вале топмагондур улка осойиш,
Баъзи шахзодалар этмиш азмойиш.

Султон илқин заиф сезишса агар
Енг ичидин алар чиқарур ханжар.

Хизматга хоҳишим йўқ эди гарчанд,
Аъло ҳазрат этди руҳимни баланд.

Ерга тикмай, унинг умид кўзини,
Бебаҳо санадим улус сўзини.

Ризо буддим, нетай, Хуросон дебон,
Анинг ишқи бирла нафас олар жон.

Адолат китобин дастур этмакка,
Хароба дийрни маъмур этмакка,

Улусни гуссадин қилгали озод,
Ўз она юртида яшасин деб шод,

Камина бахшида қилгай жонини,
Елга совурмагай ўз имконини!»

Навоий азмидан тоғдек юксалиб,
Иқбол сазини дил машшоғи чалиб,

Аҳли дил умиди гул ёзиб, шоён,
Ватан истиқболин кўрдилар аён.

V

Навоий қалбини тарк этиб кадар
Буюк орзуларга булар муяссар.

Эзгу мақсад билан хаёлидир банд,
Фикрига канифит ташлайди каманд.

Юрт ишқи, эл ишқи, ёр ишқи дилда,
Юрт васфи, эл васфи, ёр васфи тилда.

Шоирнинг юраги — битмас шеър кони,
Ҳам улус каломин жўшқин уммони.

Шеър — унинг иймони, дийнатиدير,
Шеър — унинг давлати, сийсатиدير.

Шеър билан қургай у қасри мухташам,
Хароба бўлмагай даврон ўтса ҳам.

Аmmo, фурсати зиқ — тонгдан то оқшом
Сарой хизматига жони андармон.

Эл унинг қошига дарёдек оқур,
Меҳр ва илтижо кўзи-ла боқур.

Халқнинг дарди билан нафас олиб у,
Осойиш турмушин қилади орзу.

Эл кўнгли — чаманзор, болари мисол
Чаманзор оралаб, у йиғади бол.

Денгиз бўлса агар — у шому саҳар
Қаъридан ғаввосдек излайди гавҳар.

Тилсимдек кон эрса — кўхтан Навоий,
Сўз олмос тоғида кўхқан Навоий!

Қули гул боғбону улус боғида,
Меҳрини ардоқлар кўз қароғида.

Сарой аҳли қилар зимдан ётқараш,
Элга соябон деб кўнглин этар ғаш.

Султон тутади деб ўзига яқин,
Қилдан қийиқ излаб, қилишади кин:

Мактабдош экани, бирга ўсгани —
Тилига санчилган алам тикани.

Иғво тўрин тўқиб, тарқатар «миш-миш»,
Умидвор авомда қўзғатар ташвиш:

«Султон боши чиқмас жамшид базмидан,
Муҳрдор умидин ўзмас назмидан.

Гумбази гардунга етса нўшо-нўш,
Эрта-индин бўлгай хазина ҳам бўш,

Зако¹ ошмаса гар икки-уч ҳисса,
Мулк ҳолига маймун йиғлар, алқисса»,

Подшоҳ сезса, балки, кетгайдир боши,
Е ўйнар бошида тегирмон тоши.

Девонда не ҳужжат бўлса, муҳрдор,
Адолат юзидан кўрмоғи даркор.

Учраб қолса агар қинғир томонин,
Уни кўндирмоқнинг йўқдир имкони.

Шул важеҳдин саройда казо-казолар,
Навоийни иғво билан жазолар.

Вазирми, амирми, доруға ё бек,
Ҳужжати ўтмаса сақлар эди кек,

Гоҳ кириб, султонга қилар эди арз,
Ишонч биносига солар эди дарз.

Е бўхтон жомини тўлдириб хўноб,
Оғу тутар эди дебон майн ноб.

Е бўлиб кетди деб уни эл билан,
Илкани ўнарни заҳар тил билан.

Шоирлар саройга қатнаб қолди, деб,
Олимлар истаган йўлга солди, деб,

Соврилмоқда дея хазина елга:
Кутубхона, работ, мадраса, йўлга,

Иғво қулоғига зирак тақиншар,
Ёки чумолидек изгиб, чақиншар.

Муҳрдор шаънига йўқин бор қилиб,
Тухмат либосини тикишар ҳадеб,

Навоий шиканжа икки ўт аро,
Лек эмас шикаста икки ўт аро.

Истиқбол умиди яшар жонида,
Истиқлол шуъласи ёнар қонида.

Сарой каби нотинч Хуросон ҳамон:
Гоҳ унда, гоҳ мунда чиқар ғалаён.

Душман бош кўтариб ичу тошидан,
Тожни олмоқ истар султон бошидан.

Ший билан сунний мазаҳаби аро
Қўзғолиб қолар гоҳ кин ва можаро.

Хуросон тинчлигин кўзлаган султон,
Ғавғони босмоққа қидирар имкон.

¹ З а к о т — солиқ.

Навоий ҳам унга булғали паноҳ,
Нобакор шахсларга дуч келар гоҳ-гоҳ.

Осойиш урнатмоқ истаб мулкида,
Адолат лангарин тутиб илкида,

Сим дор узра кезар гуё Навоий,
Орзулари мисли руё Навоий!

«Лангарни тутмаса икки қўл билан
Энг моҳир дорбоз ҳам тушар юзгубан.

Салтанат симдормас, дорбозмас султон,
Салтанат — элу юрт, султон-чи — сорбон.

Элга машғалафруз бўлмаса султон
Зулматда яшайди шабпараксимон.

Жаҳолат боғичин боғлаб кўзига,
Ҳалокат чоҳини қазир ўзига.

Осон эмас бошга тож киймоқ зинҳор,
Бошда сақлаб қолмоқ лек андин душвор».

Навоий ҳикмати шамъироғ мисол
Ҳусайн кўнглини ёритди хиёл.

Аммо, мулкни илқда тутолмай маҳкам,
Кўнгли нотинч бўлиб чекар фузул ғам.

Яна Навоийга арз этар эди,
Нусрат насимиға юз тутар эди!

VI

Хожа Мажиддиннинг боши палағда,
Ота мерос боғда кўнгли алағда.

Баланд кўшқда чилим тортар, дилсизҳ,
Оғзидан чиқади тутун бўлиб оҳ.

Олазарак кўзин уйнар қароғи,
Қароғи қаърида ҳийла қармоғи.

Мугомбир тулкидек боқади айёр,
Чанг солиб ўлжани босмоққа тайёр.

Суюкка ёнишган юзининг эти,
Кўнглиға кўзгудек ривзи бети.

Мўйлаби сийрақроқ, пешонаси тор,
Қовоқдек бошида бурама дастор.

«Ота ўғли» дейди уни халойиқ,
Ўзи дер: улуснинг гаши ҳақойиқ.

Бир туки кам эмас отадан унинг,
Ғар нафъи тегмаса қилмайди гурунг.

Аҳли дил илниса ёмон кўзига,
Пайини қирқмаса келмас ўзига.

Игвою бұхтондан чиқмас мияси,
Мияси — хусумат, фитна уяси.

Амал деса, сотиб кетар дўстини,
Билингирмай шилиб олар ифтинни.

Мансаби бўлмаса ёки бўлса паст,
Назар-писанд қилмас, узатмайди даст.

Мартабаси баланд зотларга, аммо,
Ипақдек эшилиб қилар тавалло.

Тозидек югурар айтган жойига,
Топганин келтириб қўяр пойига.

Отаси қаттиққўл, раҳмсиз эди,
Султонға суйниб, ваҳмсиз эди.

Шоҳруҳ саройида очилиб иқбол,
Вазирлик мансабин қилганди ишғол.

Ҳазина тўлдирди улусни талаб,
Яшади султоннинг қозонин ялаб.

Амир Ғийсиддин Ҳавофий деса,
Е унинг номидан закотчи келса,

Эл қақшаб, фалакка айтди зорини,
Солиққа тўлади уйда борини.

Боғ эмас, амал ҳам ота меросдек,
Мажиддин қичқирар энди хуроздек.

У элга қилинган бағри тошлиқдан,
Қаҳри қаттиқ бўлиб усди ёшлиқдан.

Отадан урганди золимликни у,
Кўнглиға ёт этди ҳалимликни у.

Соҳиби қудрат деб билди ўзини,
Халқ мулкиға тикди ёвуз кўзини.

Эли қул, ўзини қулдор деб билди,
Эл — гадо, ўзини мулкдор деб билди.

Босқин ясаганда Ҳирийға душман,
Бозургон ғорини у этди маскан.

Улус қилинганда қирғин, қатагон,
Балолардан чиқди Мажиддин омон.

Тарафдор булганлар Бобур мирзоға,
Тошширди омонат жонни қазоға.

Ташлади қоронғи заҳ зиндон ичра,
Қон ютди зиндондек Хуросон ичра.

Ҳиротин тутганда бойқуш овози,
Мажиддин маҳрамдек қилиб тавозъ.

Инъом-аҳсон билан саройға келди,
Абу Саъидға у қулдек эгилди.

Нажот истаб, нолюн арзиҳол этди,
Бобур мирзо гўрши ит каби титди:

«Омонлик кўрмадим, — деди — Бобурдан
(Билди: тирилиб чиқмас у гўрдан). —

Улуг бир мулкка у бўлиб ҳукмдор,
Қавмидан ўзгага боқмади зинҳор.

Саройни эгаллаб ўз сулоласи,
Гушига¹ кирмади ёт алоласи²

Аламзада бўлиб бек ва амирлар,
Сийёсат туфайли кўрди жабрлар,

Иш тутди улуснинг раъйига қараб,
Фуқаро манглайи қолди ярқираб.

Олиму шоирнинг кулиб даврони,
Базмдин чиқмади, нобон султони.

Давлат хазинаси талон этилди,
Хуросон кўкида офтоб тутилди».

Абу Саъид кўнгли гарчи қора тош,
Мум янглиғ юмшади, мамнун ирғаб бош,

Марҳамат илкени узатиб, деди:
«Иқбол субҳи отгай Ҳирийда эмди.

Адолат туғини баланд тутгаймиз,
Мавзидан мавзига³ олиб ўтгаймиз!

Амирлар топмағай салтанатдин ранж,
Улус ҳам султондин кўрмағай шиканж.

Нажот тилаганлар инобат топғай,
Сахосиз кимсалар саховат топғай.

Қим янги давронни кўрмағай авло,
Қилмишига лойиқ тортуғуси жазо.

Хуросон мулкию Мовароуннаҳр
Улуғ мулк бўлгонин кўрғай бул даҳр.

Улуғ бобомизнинг руҳи ёр булғай,
Мушқилот тушганда мадакдор булғай!»

Мажиддин чехраси очилиб кетди,
Қувончин таъзим-ла ифода этди:

«Муродлари ҳосил ўлғай, султоним,
Фидойи булғаймен, токи бор жоним!»

Абу Саъид кўлди: «Ташаккур, тақсир!
Сизни ёрлақади, ҳар қалай, тақдир».

Кичик бир лавозим олиб девондан,
Марҳамат кутди у яна султондан.

Неки хизмат бўлса лаббай деб турди,
Оёғини қўлга олиб югурди.

Абжир йигит эди — зийрак, устомон,
Сувда чўкмай, ўтдан чиқолди омон.

Фитна косасига гоҳ-гоҳ қўйиб май,
Абу Саъидга у тутди пайдарпай.

Кўп бошлар танидан жудо қилинди,
Омон қолганларин кўкеси тилинди!

¹ Г у ш — қулоқ.

² А л о л а — шовқин-сўрон, гавго, қий-чув.

³ М а в з и — қишлоқ.

Зулукдек ёнишди эл танига у,
Қонин сўриб олди — келганини утру.

Илигин қуритди солиқлар солиб,
Гоҳ молини, гоҳ донини, гоҳ жонин олиб.

Султон Ҳусайн олғач Хуросон тахтин,
Сувдан қуруқ чиқди Мажиддин тагин.

Ва лекин бу гал у ўзага йўл тутди,
Муҳаммад султонга таъзимлар этди.

«Мирзойи Кичик» дер уни эл аро,
Жиянин сийлайди султон Бойқаро.

Шеър муаммони англаб эрди хўб,
Гар кўнгли тиласа айтарди марғуб.

Мажиддин, шаҳзода раҳм қилар, деб,
Балки, хизматимни кўнгли тилар, деб,

Бошин эгиб келди кононасига,
Хурмат ичра шафқат остонасига.

Абу Саъид даври йиққан сийм-зарин
Узатиб, мирзодан олди: «Офарин».

«Ҳалол» хизмат қилди унга жон билан,
Жони ичиди жон — «дин, иймон» билан.

Қозонгач мирзонинг ишончини у,
Кўнглида қўзғолди тагин бир оруз.

Олий даргоҳ сари уйғонди ҳавас,
Сарой остонаси насиб қилса, бас.

Кичик мирзо билан улуғ султонга,
Унинг шум фикрича, соҳиб жаҳонга,

Баъзан йўллаб турди инъом-аҳсонлар:
«Сийму зарга ўчдир азал султонлар».

Кошкийди, очилса сарой эшиги,
У билан тебранса сарой бешиги!

Қўйган тузоғига илинса султон,
Сўзини тингласа мулки Хуросон.

Подшоҳи оламнинг сояси бўлса,
Девонда салтанат мояси бўлса!»

Хужасин оёғин итдек ялаб у,
Игво гулханига ўтин қалаб у,

Обрусига зимдан қилса-да ҳасад,
Ноилож этади унга хушомад.

Вале омад унга боқмасдан қиё,
Кундан-кун қилади дилини сиё.

Ҳатто, Ҳиравийни уртага солди,
Унинг тизгинини қўлига олди.

Найт толиб, султонга Даҳо очди суз,
Қўлоғи динг бўлиб, умидвор ҳануз.

Девон маъмуридан Хожа Абдулло
Хатининг кўнглига қўл солди, аммо,

Ҳануз садо йўқдир, ўйлаб хун бўлар,
Иложин тополмас, қуни тун бўлар.

Шул важеҳдин, чилимин тортар кетма-кет,
Май ичиб пайдарнай, баъзан гажир эт.

VII

Астробод тарафдан келган шум хабар
Ҳусайн кўксига қадади ханжар:

«Хуросон мулкининг вориси Едгор
Азим черик тортмиш Ҳиротга девкор.

Қайтариб олмақчи ота тахтини,
Не тахти, тожию мулк пойтахтини!»

Қурама қўшинга бўлиб руҳпарвар,
Едгор мирзо томон у тортди лашкар.

Душманин Машҳадда тўхтатмаса гар
Ҳиротнинг бошида синади ханжар.

Қўнди тагин эди тинчиган Ҳирот,
Ичидан ўқениди ишжиган Ҳирот.

Ҳирот-ку, гадодек ёқавайрондир:
Бузилган, тўзғиган, ғариб макондир.

Обод эгсам деган аҳдлар бузилди,
Яна жанг ғавғоси — лашкар тузилди.

Ҳусайн қавми-да жангга жунади,
Дуч келган манзилга қўндек қўнади.

Қўна-қўна келди душманга яқин:
Гоҳ ёғди, гоҳ сўғди мисоли чақин.

Жанг кўриб пишиган, ҳайқмас султон,
Ваҳима домига иллингасмон.

Ё Едгор мирзонинг қўлими баланд?
Ёки у от сургай жангда девмонанд?

Йўқ, аслю! У гарчи Темур авлоди,
Отару тугарда¹ йўқдир омади.

У барча баҳодир шаҳзодагимон
Тахтта ўч, жангда лек қозонмаган шон.

Эрка, тагиниқ ўеди бошалиқдан у,
Муҳтожлик ё гурбат келмади ўтру.

Янади тожесвар шаҳзодага хос,
Аммо, чарх юрмади истагина мос.

Эга бўлмади ота тахтига,
Ҳусайн чапг солди унинг бахтига.

Гарчи тоға-жиан надарн билан,
Бир-бирига улар бўлдилар душман.

Аммаси Ноянда Султонбегим лек
Ҳиротга гиж-гижлаб, яшолмади тек.

¹ О т а р у т у т а р — жангу жадалда.

Ҳусайн никоҳида гарчи Ноянда,
Ҳамлард эмас эди унга бу жангда.

Едгорин эрдан кўрди-да афзал,
Ҳамсафар бўлмоқдан бош тортди тугал.

Туркман беги — амир Ҳасанбек билан
Тил тошиб, куч-мадад ўтинди ундан.

Ҳасанбек имлоди ўт солиб жонга,
Едгор лашкар тортиб кирди Ҳуржонга.

Зафарга эринди кўрмай талофат,
Эл бошига, аммо, келтирди офат.

Рухланиб кетди-да навқирон мирзо,
Туполол кўтарди яна данг аро.

Сара навкар билан туркман лашкари
Едгор қўшинининг бўлди сарвари.

Султон Ҳусайини қилишса яксон,
Едгорга бўйсунгай бутун Хуросон.

Астробод бегига дахлдор Бастом
Амир Ҳасанбекка қилингай инъом.

Бу сирдан Ҳусайн гарчи беҳабар,
Ғашлик солар эди дилига хатар.

VIII

Ўрдугоҳ, Чодирда султон бетоқат,
Фуратни бои берса — булур қўбмат.

Қўлидан чиқармай ғанимат дамни,
Душмани бошига солмоқчи гамни.

«Хужумин қай маҳал бошламоқ керак?»
Унинг боши қотди, бўлди жонсарак.

Охир қарор қилди: улуғлар билан
Кенгашса, эҳтимол, бўдгайлар яқтан.

Турли-туман ўйлар қилса-да потинч,
Аъёну ашрафга сездирмасди ҳеч.

Ўзини тутарди баҳодир, кордон,
Барчага бағишлаб руҳ ҳамда дармон.

Мушкил дамда эса кўтариб шамшир,
Жангга кирар эди лашкари замир.

Султон одатини шоир биларди,
Унга лек адолат, инсоф тиларди.

Ҳоли танг фуратда Навоий билан
Маслаҳат қилмоқни билар эди фан.

Бу гал эса тамом ўзга ҳол эди,
Катта жанг олдидаи барча лол эди.

Бошлар эгик, кутар султон сўзини,
У дейди, мардона тутиб ўзини:

«Жаноблар, маълумким, қўтмиш оғир жанг,
Синалур: ким балиқ, ким эса наҳанг.

Баҳодир сардори бўлмаса лашкар,
Не лашкар, гурбатта мубтало, маҳшар.

Жанг кўрмиш саркарда, бек, амирларсиз,
Довюррак қўшинга бош, кабирларсиз.

Бу жангда ҳал булғай: «ҳаёт ё мамот»,
Ё адув¹, ёки биз қозонғаймиз от.

Осойиш замони етган бир онда,
Наҳотки, Хуросон қолғай исёнда.

Билгимча, куч-қудрат сизгайдур танга,
Кирмак лозим: бугун ё эрта жангга.

Ёдгор мирзо ўтса ҳужумга аввал,
Биз жангга киргаймиз қилиб таваккал.

Биз дастлаб от сурсак душман устига,
Сомон тижажакмиз, балки, пустига.

Жаноблар, фикрингиз айтгайсиз ошкор,
Ғалаба қисмати анга даҳлдор».

Эгик бошлар ҳаёл ичра тикланди,
Ҳайратли нуқтага кўзлар михланди.

Султонга айтмасдан номақбул сўзни,
Аъюдир тийиброқ ултирмоқ ўзни.

Баъзи бошни эгди андиша тагин,
Тарозига солиб фикрат салмогин.

Султон бузди чўкмиш оғир сукутни,
Гуруллаб ёнсин деб пуфлади ўтни:

«Лашкар-ку, жангга шай, лек илми нужум
Не дегай, қай фурсат этгаймиз ҳужум?

Мунажжим не дебон қилгай башорат?
Фикрини билмакчи аҳли машварат».

Аҳли жоҳга² жиддий тикилди султон,
Саросима кўзлар ерга боққан он,

Қаддин тиклади-да Музаффар барлос,
Босиқ, дағал деди — сузалари олмос:

«Фармони олийга лашкар мунтазир,
Амиру беклару навкар мунтазир.

Фурсат илк узатди — пешдор навкарлар
Адувдин келтирмиш турли хабарлар.

Душман — дўст булмагай, тутдими қилич,
Мағлуб булғаймен, деб ўйламагай ҳеч.

Ғалаба жомини сипқорсам дегай,
Ёдгор мирзо сархуш, аммо, май ичмай.

Босқин ўзи бўлмас — қулай пайт даркор,
Мунажжим каромат этмаса душвор.

¹ А д у в — душман, ганим, ёв.

² А х л и ж о ҳ — мансабдорлар, юқори даражали кишилар.

Лашкарбошиларнинг фикри — тигида:
Бугун ҳужум қилсак кун қизигида».

Амир Хожа Ўснат билмас жанг нима,
Сир сақлаб ўлтирар — дилда ваҳима.

Султон оғзин пойлар мисоли мушук,
Мушукнинг кўзидек кўзалари шумшук.

Жанг пайти ўзини уради қайн,
Ё Ҳирий тарафга бўлсами «кўён»?

Отда хуб чополмас, хомсемиз бир оз,
Ўрдакдек лапанглар, гарчандки дароз.

Ичида буралиб ётса ҳам илон,
Тили ширин эди, сезмасди султон.

Палағда бошига келиб «зўр» фикр,
Сўзига зеб бериб айлади зикр:

«Дарҳақиқат, адув даҳшатангиздур,
Туқайзор ичинда ваҳший тунгиздур.

Юлдузлар не айтур — билмай сўзини,
Ғаним ўқиға ким тутгай ўзини!

Мунажжим қилмасдин ҳазратни огоҳ,
Босқин ясакамми... Наузу биллоҳ!»

Тунгиллаб, ўқрайиб қаради барлос:
«Нафасингиз совуқ қилманг, илтимос».

Мунажжим нужумни кузатсин дебон,
Султон сирли боқди Навоий томон.

У — фикрат домида, жиддий ултирур,
Аввало юз улчаб, сўнгра бир кесур.

Барча неки демиш ақли-тарози,
Ҳатто султонга ҳам бор зътирози,

Неча кун лашкаргоҳ макони унинг,
Гуёки ҳар навкар бир жони унинг.

Қўшинни қилгани иноқ, мустаҳкам,
Бекларни этгани ҳамфикру ҳамдам,

Низо чиқмасин, деб, лашкарлар ичра,
Не лашкар, лашкарга сарварлар ичра,

Султонга ишончи қилиб барқарор,
Каттаю кичикни этиб дўсту ёр,

Гоҳ машварат тузиб, гоҳо айтиб шеър,
Эрта-кеч оромни билмас Алишер.

Фикрлар туқнашди: ҳақ билан ноҳақ
Жанг қилар мисоли булут ва чақмоқ.

Адолат юзидан бермаса баҳо,
Зафарга эришмоқ булғай муаммо.

Юрак риштасида ечилиб туғун,
Фасоҳат била у сузлади узгун!¹

¹ У з г у н — тошқин.

«Султон ҳазратлари, тутгайлар маъзур,
Фикрим анжуманга бўлмаса манзур.

Менимча, ҳожат йўқ мунажжимга ҳеч,
Юлдузлар раъйига боқсак, булур кеч.

Сизга кўмак бермиш юлдузлар қачон?
Қачон галабага яратган имкон?

Қачон имдод бергай нужум даъвати,
Идрокли иш тутмак — султон саъвати.

Ақл кўзи бирла боқсак бу фурсат,
Хайриги субҳидам қилгай мурувват.

Эрта ё индинни кутмак, султоним,
Мағлуб булмак демак, комил иймоним.

Тонг отмай: ясамак керакдур босқин,
Ёвни дафъ этгаймиз қўнгандек тошқин».

Султон уйга ботди. Келди деб омад,
Ҳиравий шоирнинг сўзини этди рад:

«Нужумга ишонмай кўфр қилгайсиз,
Мунажжим сўзини ўтрук билгайсиз.

«Амри вожиб» эрур не дерлар ҳазрат,
Жанги муаззамга бор ҳали фурсат».

Обрусига гўё етгандек нугур,
Ундан излагандек Навоий кўсур,

Қимтигиб олди-да, Музаффар барлюс,
Шоирга панд берди баҳодирга хос:

«Русумоти жангдин эмассиз огоҳ,
Боғи назм эмас, тақсир, бу — жангтоҳ!»

Отару тутарда ким бўлса моҳир,
Ғалаба майини ичмакка қодир.

Мунажжим қилмаса жангдин башорат,
От сурмак бекфойда дегай жамоат».

Мирзои Кичикнинг мулозими ҳам
Бош суқиб, хўжасини кўрди боши хам.

Султон эътиборин қозонай дебон
Кўримли ўринга чўқди бегумон.

Жиддий эди шоҳнинг чехраси ҳамон,
Лек унга руҳ берди сўзлаб Наҳлавон:

«Мавлюно Навоий билмаса — айтмас,
Арслон сингари изидан қайтмас.

Босқин борасинда сўзлари одил,
Зафар кулгай, лашкар кўзголса дадил».

Мунажжим султонга этди-да таъзим,
Деди: «Олий ҳазрат, эҳтиёт лозим.

Нужум ҳаракати хатарли эрур,
Каҳқашон гўборга бурканиб турур».

Султон умид билан боқди шоирга,
Ҳужум муаммосини счгали бирга.

Навоий хотиржамъ тутди ўзини,
Назокат безади унинг сўзини:

«Султон ҳазратлари, жаноб мунажжим
Беҳуда солмишлар нужумга разм.

Фақир аминманки, отмай бурун тонг,
Душман урдусида урмак керак бонг.

Ғафлат уйқусида босиб дафъатан,
Чодирда тутмак лозимдир зотан.

Саодат офтоби сочганда шарор,
Ғалаба байрогин тикмаклик даркор».

Хусайн Бойқаро юмшади бир оз,
Навоийга жиндак қилди эътироз:

«Улуғ бобомиз ҳам емай дебон панд,
Нужумга ишонмиш, сиздек аржуманд —

Мунажжимга тикмиш шубҳа кўзини,
Рад этмиш ҳикматга мойил сўзини».

Навоий дедики: «Ётилниш фурсат,
Нужум карамига йўқдир зарурат.

Биз ерда яшаймиз, ер фарзадимиз,
Замин қисматиға жон найвандимиз.

Ерга мос келмагай само шиёми,
Хатардин йироқдур кўк истеҳкоми.

Заминда яшамак қўтлуғ ва мушкул,
Токи қисматиға эканмиз масъул!»

IX

Оқ чодир тикилган лашкаргоҳ ичра,
Не чодир, оқ уйдир қароргоҳ ичра.

Наварлар хўрматин қозонган оқ уй,
Меҳрга, қадрга, нурга муштоқ уй.

Шоҳона чодирдек эмас муҳташам,
Вале тонг отгунча ўчмас унда шам».

Жиҳози: буйраю гиламу тўшак;
Қаламу қоғозу доводдир бешак.

Мунаққаш сандиқча ҳам чарм жузвдон,
Шатранж тахтасино баъзу девон.

Қозиқда: қин ичра дур сопли қилич,
Қалқону дубулға — тутилмаган ҳеч.

Шоирга қиличмас — қаламдир қурол,
Қилич кўтармоқни у санар увол!

Зарурат юзидан илминш қозиққа,
Қиличмас, қалам зеб аҳли ҳозиққа.

Султон ҳамроҳ этди — йўқ ўзга илож,
Душман ҳужум қилса — ссзгай эҳтиёж.

Кошки, жонга қалқон бўлса қалами!
Қинида зангласа қиличнинг дами!

Дубулгамас, бошда дастори бўлса!
Шеър билан бошидин элининг эврўлса!

Бир кемага тушди султон билан боз,
Бир омом отида этдилар парвоз.

Замона зайлидан дили фиғонда,
На кундуз, на кеча роҳат бор жонда.

Биллур шамъ ёнмоқда тонг қучоғида,
Ҳасрат шуълалари дил пучмоғида.

Қоғоз узра равон сайр этар қалам,
Унга ҳавас билан термулади шамъ.

Қалб сўзин сўйлар у қоғозга пинҳон,
Қўз кўриб қувонар, ўртанади жон.

Қалам лисонидан сочилиши дурлар
Гўёки офтобдан тўкилиши нурлар.

Ижоддан маънос бош кутарар шоир,
Бир дам андуҳ майин сиқарар шоир.

Қаламни довогга қилиб ҳамоғун,
Битигин ўқийди — дарди уриб жун:

«Тут ҳақ тарафи касби саноат қилмоқ,
Ҳақдин неки юзланса, қаноат қилмоқ.

Жон топмоқ эрур дўстга тоат қилмоқ,
Душманга зулум дурур итоат қилмоқ».

Саркаш ҳаёл оти уради жавлон,
Жиловин тутолмай, Навоий ҳайрон.

Юрак дер: «Саройни эттину қанда,
Ижод қил, эй шоир, сокин масқанда!

Шеър айтмоқ иқболи нечоғлик хушдур,
Назмингдин улуснинг кунгли сархушдур.

Халқ гамин шеър бирла бошидин дафъ қил,
Хизматин ўзингга доим шараф бил.

Улуста ҳамдам бўл, бир фарзандисен,
Андин айри тушма, жигарбандисен!

Юрагин ўзингга азиз ватан қил,
Хазонга юз тутса, ани чаман қил.

Гамини баҳам кўр, топмайсен завол,
Шодлигинг бер анга, топмайсен камол.

Жонни фидо этсанг эл камолига,
Юзни тутмағайсен гам шамолига.

Улуғ аждоқларинг ватани бу ер,
Не ватан, гўрию кафани бу ер.

Бу ер — сенга она, буюк волида,
Жаҳон ичра азиз, суюк волида!

Волидам шод бўлсин десанг ўзингдин,
Осойиш субҳида қайтма сўзингдин.

Олтин фурсатингин билсанг ганимат,
Шоҳ бирла қилмайсен, балки, азимат.

Жанг-жадал азалдин ётдир руҳингга,
У бир кун туширғай доғ, шуқуҳингга.

Не обру топғайсен кучиб юрмақдин,
Беватан қуш каби учиб юрмақдин.

Султон зафар кучса — яхши эрурсен,
Мағлуб бўлса — бошни эгиб турурсен.

Осойиш билмасдин жонинг овора,
Муҳрдор эрурсен, шоир, на чора?»

Навоий ўйланиб қолди дафъатан,
Дил унга ургатди мислсиз бир фан.

Воқинан, ул ўйлаб халқ манфаатин,
Афзал кўрган эди давлат хизматин.

Қалбидан ачиниб эл турмушига,
Қумак бўлсам деди эл юмушига.

Халқ гамига кифтин тутмоқ истади,
Зулм эзган юртда адл излади.

Ҳусайн Бойқаро сиймосида у,
Халқпарвар шоирни қилганди орзу.

Адолатли ҳамда илмпарвар шоҳ
Бўлғай, деб, ишонган эди у ногоҳ.

Саробга айланди умиди, наҳот?
Наҳот, орзу қуши ёзолмас қаноат?

Хазинада чалар сичқонлар чапак,
Пароканда қушин жанг билан ҳалак.

Тинкаси қуриган элининг зақотдан,
Мадрасалар нотинч фисқу фасоддан.

Қишлоқлар хароба, работлар бузғун,
Хонақоҳ, масжидда ин қўрган қузғун.

Ариқлар қуриган, ерлар сувга зор.
Йул, кўприк бузилган, халқ чекар озор.

Ақдлар чироғи тортгандир хира,
Адолат шамъидан асар йўқ сира.

Султон машғал этмай салоҳиятни,
Сақламоқ қасдида ҳокимиятни,

Ўйламай юрт тинчи, ҳам ободлигин,
Илму фан равнақи, улус шодлигин,

Унутиб авомга берган сўзини,
Уруш қўюнига урмин ўзини.

Ўйининг тағига етолмас шоир
Ва унинг шарҳини битолмас шоир:

«Ёдгор ҳам, Ҳусайн ҳам Темур авлоди,
Ҳатто бир мазорда бобо ажлоди.

Қариндош — бир улкан дарахт меваси,
Ҳаёт наҳрида бир сузар кемаси.

Шохлари бошқаю танаси бирдир,
Бирдир азим дарахт илдиз отган ер.

Едгор турган шохга болта урса ёт,
Ҳусайн турган шох силкинмас, наҳот!

Кесила-кесила бу дарахт шохи,
Замину самода йўқдек паноҳи.

Калтак бўлиб қолди, наҳот, бу дарахт,
Танига қурт тушмиш, бошидир карахт.

Кесилган шохлардан қон оқар чак-чак,
Қон наҳри ютмакда улусни лак-лак.

Токай кўкси қалқон душман тигига,
Кулбаси ватандир йиғи-сигига?

Токай қуламайди чириган дарахт,
Ногирон шохлари қуриган дарахт?

Токай эл яшамас осойиш ва тинч,
Токай синмас зулм кўтарган қилич?»

Шоир жавоб топмай бағри қон эди,
Ярадор бургутдек нотавон эди.

Лашкаргоҳда кўрди: не авбошларни,
Танидан узилган қонли бошларни.

Қалбидан хун сирқиб, огриди жони,
Фигон чекиб, исён қилди виждони.

Бир халқ фарзандлари бир-бирин чопса,
Дуч келса, қутурган ит каби қопса,

Шоир нола қилмай ким қилсин нола,
Ким унинг ўрнига оқизсин жола?

Чархи кажрафтордан бўлиб беқарор,
Чодир куринди қафас каби тор.

Тонг отиб, кун ёйди олгин сочини,
Нур билан йўғирди жон огочини.

У пуфлаб учирди оҳиста шамъни
Ва чиқди кўргали ёруғ оламини.

Чуққига чирмашган қуёшга боқди,
«Жанг қандоқ кечди?» — деб, жони туюқди.

Едгор гарчи думбул, беклари айёр,
Бурига сиртлонмас, шер жанги даркор.

Сипоҳи дижамга¹ дош беролмас у,
Ўзи Ҳусайнга келолмас ўтру.

Тиг узра турарди лашкаргоҳ жони,
Симобдек титрарди қароргоҳ жони!

Х

Ҳусайн Бойқаро тинчигани йўқ,
Ҳаёт узар унга янги-янги ўқ.

¹ Сипоҳи дижам — қаҳрли қўшин.

Чинорон ёнида булган катта жанг
Қулони остида ҳамон урар занг.

Едгор билан уруш қимматга тушди,
Салтанат гиштлари қолнидан кўчди.

Яксон қилолмиди гарчи батамом,
Кўнглида яшайди, аммо, интиқом.

Талофат пешоғлиқ бўлмасин оғир,
Юрагини чўқийди негадир гоҳир.

Бошида кезади булут подаси,
Қуюндек эсади ғам шаббадаси.

Еқаси чок бўлиб айланар чодир,
Мамлакат юкнини кўтармоқ оғир!

Кўнглин пора айлар мудҳиш ахборот,
Қил кўприк устида тургандек Ҳирот:

«Отамерос тахтта қилиб даъволар,
Султон Маҳмуд мирзо кўкка ҳаволар.

Қалбига ўт солмиш фатҳи Хуросон,
Жангсиз яшай олмас насли Курагон.

У Балхни олгани қўшин туширмиш,
Ҳусайн бошидан ҳўшин учирмиш.

Абу Саъид руҳи тирик деб ҳамон,
У жангга отланмиш, қаҳри беомон!

Султон Аҳмад мирзо — оғаси унинг,
Самарқанддан чиқмиш, лашкари минг-минг.

У ҳам даъво қилмиш Хуросон тахтин,
Обод қилсам демиш ота пойтахтин.

Кўҳақда истило шаробин ичмиш,
Ёвқур лашкар билан Жайҳунни кечмиш.

Мағлуб Едгор бўлса ёта олмай тинч,
Яна қўлларига олганмиш қилич.

Ҳасанбек берганмиш бир туман навкар,
Ҳужумга қўзғолмиш даргазаб лашкар.

Жанговар бекларин олмиш саралаб,
Пинҳона отланмиш Ҳиротта қараб.

Ҳусайн лашкарин қўйиб гафлатда,
Дуч келса, кўргай деб ўзни лаҳатда,

Машҳад канорида елмиш қуюндек,
Норизо эл демиш: кўриб, суюндик».

Вожаб, не бўлмиш ўзи дунёда!
Ақл ишонмайди — душман зиёда.

«Миш-миш»лар тутуни кўкни тутуди,
Ҳусайн чодирда зардоб ютади.

Заҳар қатрасидир гўё томчи май
Вале у аламдан туролмас ичмай!

«Миш-миш»лар кўксига тигдек санчилмиш,
«Миш-миш»лар пойида дондек янчилмиш.

«Алғамон! Султонни ожиз алғамон!»
Ғойибдан аке садо келар беомон.

Наҳотки, Хусайн англамас ҳамон,
Ўқини туғрилаб турибди камон.

Қўшида кучаймиш парокандалик,
Фитна тузоғидан чиқолмас малик.

Қурама лашкарнинг чоки сўқилминш,
Атэ урган мева каби тўқилминш.

Беклар бир-бир ундан юзин ўтирар,
Едгор паноҳига ўзини урар.

Навкарлар ичидан сотқин чиқмоқда,
Ишончини гуё гурга тиқмоқда.

Қўшин ичра кезар «миш-миш», ваҳима,
Навкарлар ишонар: ким деса нима.

Еинки, бу иғво — Едгор ҳийласи,
Е лашкар ичинда ёт ашуласи?

Қочқин бек, навкарни пайқаб қолса гар,
Бошини узиб у қўлига берар.

Афсус, тун кўзи кўр, ўлимдир уйқу,
Ким қочар қайққа, тунда сезмас у.

Тонгда биллиб, аммо, ичдан қайғурар,
Ўзгага сир бермай, шердек дам урар.

Амирлар олдида, лашкар қошида
Ўтоғаси порлаб тождор бошида,

Ўзини тутади дониниманд, кордон,
Бобоси Темурдек соҳиби даврон!

Жазога маҳкумдир, дейди қочоқлар —
Душманлик ниқобини кийган олчоқлар.

Навкарга: қашқирни шер бўлиб бос, дер,
Босдингми, илкингни дор қилиб ос, дер:

«Хусайн бошига кийибдими тож,
Улусу мулкига кўрсатгай минҳож!»

Ўтирган тахтини ҳеч ким ололмас,
На олғай, Хиротта от ҳам соллолмас.

Навкар мард бўлса гар душман гард бўлғай,
Қиличин сугурмай жувонмарг бўлғай!»

Сўзида устувор, баланд руҳ билан
Музаффар подшодек тузар анжуман.

Мустаҳкам эътиқод яшаб жонида,
Шавқ ўтин ёндираб навкар қонида.

Беклар ҳам руҳланиб кетар сўзидан,
Мардлик юлдузини кўриб кўзидан.

Навоий бераркан қалбига сабот,
Сотқин қочоқлардан кутмайди нажот.

¹ М и н ҳ о ж — ёруғ ва равшан йул.

У яккаш қайғурар қўшин ҳолидан,
Не қўшин, давлатнинг истиқболидан.

Иттифоқ этгани азим лашкарни,
Саросима бостан бегу навкарни,

Шому саҳар ором билмайди тани,
Ўзга раҳнамо йуқ шоҳ суянгани!

Хусайннинг гарчи ундан кўнгли туқ,
Зоҳиран юзига айтганича йуқ.

Ҳақгўйлик, тангилик унинг одати,
Эзгулик — инсоний зур саодати!

Навоий бўлса гар бошида омон,
Қўлидан кетмагай тахти Хуросон!

XI

Ўрдутоҳ кўкесида муаззам чодир,
Зебу зийнат билан муҳташам чодир.

Уни қўриқлайди махсус посбонлар,
Султон Хусайнга кўкес қалқонлар.

Эшик оға потинч, авзойи бузуқ,
Юзнда ясама табассуми йуқ.

Султон ҳолатига тирик кўзгу у,
Тили кесилгандек тутмиш ўзини у.

Чодирда ҳукмрон ташвишли бир ҳол,
Подшоҳ уйга ботиб гуё очар фол.

Ғулғула қилади қалбида нафрат,
Омонлик тилайди жонига шафқат.

Атэга юз тутган марҳамат боғи,
Хира нур сочарди меҳр чироғи.

Кўнглини кўтармоқ истаб, эҳтимол,
Абулвосеъ билан Ҳиравий алҳол

Маждиддин изидан кирди ичкари,
Ярасига малҳам бўлган сингари.

Шоҳи тўшак узра чўкиб омонат,
Мадлоҳ шоир деди айлаб каромат:

«Ижозат этсалар, ҳазрати султон,
Дилингиз назм-ла қилсам гулистон».

Шоҳдан у рухсати олийни олиб,
Сухан дашти аро кетди от солиб.

Едгор-ла жанг ичра чанг кўтарди у,
Мағлубдек қоқилиб, чанг ютарди у.

Султонни хуршиди Хуросон дебон,
Жанг майдони ичра арслон дебон,

Мадҳ қилди, этолмай кўнглини равшан,
Ҳиравий дилига санчилди тикан.

Жаҳддин уюлиб султон қабоғи,
Қарс уриб, чорлади эшик офани.

Буюрди: Навоий келсин деб дарҳол!
Ҳайиқиб, бош эғди Маждиддин хиёл.

Шоир ҳозир бўлди: жамъдир анжуман,
Султонга эғилди илтифот билан.

Ўзига яқинроқ ўтқазиб, ночор,
Ташвишли кузларин тикди ҳукмдор.

Шоир ўқиб олди: аҳволи оғир,
Тағин уруш бўлса — не топқай тадбир?

Ёдгорми, Маҳмудми ва ёки Аҳмад,
Қай шаҳзода? Йўқми урушга сарҳад?

Улар жанг-жадалда туғилган каби,
Қай юртда бўлмасин: тахтдир матлаби.

Элни ёқавайрон айлаб, нор улар,
Элсиз гадо улар, хору зор улар.

Жигари эзилган халқ қилиб гавго,
Султонга қарши бош кўтардимиз ё?

Ё диний мазаблар туқнашди тағин:
Ё ший, ё сунний сугирди тигин?

Ҳусайн асабий — мўртдек асоси,
Лим-лим тўлган каби сабр косаси.

Навоий мулозим тикилди унга,
Кўксини тутгандек асов тўлқинга.

Ҳусайн кучаниб, босмоққа ўани,
Оғир оҳанг билан бошлади сўзни:

«Ҳирийда оломон кўтармиш исён,
Молия аҳлини қилмиш «тошбўрон».

Ҳисса чиқаргандек шоир қиссадан,
Таажжуб қилмади бу ҳодисадан.

Аланга олмасин дея фиғони,
Тинчитмоқ истади дилгир султони.

Майин оҳанг билан аста сўради:
«Улус исённинг недур сабаби?»

Ҳусайн полди: «Бир кўп оломон
Салтанатга қарини қилмиш галаён.

Деҳқону ҳунарманд тутмиш Ҳирийни,
Чугурчўқ раҳнамо этмиш қирғийни.

Рустам полвон деган оҳангар йиғит
Девонга бостириб қилмиш ур-йиқит».

Шоир диққат билан тинглаб султони,
Деди у, қувватлаб дилдан исёни:

«Подшоҳ ҳазратлари кўргай не чора?
Адолат истайди улус бечора!»

У деди: «Исёни бостирмак даркор,
Улус салтанатга бўлмас ҳукмдор.

Халойиқ энг олий жазога лойиқ,
Жазо билан қарор тошгай ҳақойиқ».

Фурсат нозик эди, тадбиркор шоир
Фасоҳат-ла деди фурсатга доир:

«Жазо чорасини кўрмасдин бурун,
Галаён сабабин англамак мумкин.

Эътимодли беклар бўлсалар ризо,
Билсангиз, не сабаб қўзғолди низо?

Халойиқ беҳуда кўтармағай бош,
Беҳуда олмағай қўлларига тош.

Фаҳимча, султоним, галаён сири,
Қабиҳлик пардаси ичра яширин».

У ўйланиб қолди, юмшай бошлади,
Маждиддин қимтиниб луқма ташлади:

«Қилични сугурмак лозим қинидин,
Занглари ювилсин улус хунидин».

Навоий алами тошди беомон:
«Эл қони сув эмас, ҳазрати султон!»

Қаттол душман учун яралмиш қилич
Авом хуни ила бўялмасин ҳеч.

Жаноби Маждиддин сўзи нолойиқ,
«Юз ўйлаб, бир сўзла» демиш халойиқ.

Ўзини ҳимоя қилгани учун,
Ғариблар бурнини қонатмак нечун?»

Султон ақлин ростлаб сўзлади оғир,
Сўзидан ўкиниб, титради чодир:

«Шоир ҳазратлари, ўксинманг асло,
Амирлар қилични кўрмишлар раво.

Ҳирийга отланса бир даста навкар,
Исёни босмакка бўлғай муяссар».

Ҳиравий руҳланиб султон сўзидан,
Улуғ «шоир» йўқдек гуё ўзидан,

Ялтоқланиб деди: «Улуғ султоним,
Ади йўл тутмишсиз, кафиридур жоним.

Мавлоно Навоий ён босмиш элга,
Тўгон кор қилмағай қўтурган селга.

Ҳеч ким бас келолмас лашкардин ўзга,
Ҳар қунмас, қунида синади кўза!»

Ҳиравий гапига бермай эътибор,
Навоий сўзлади — дилида озор:

«Ҳазратим, гуноҳкор бўлиб раийят,
Беҳуда чекмасин сиздин азият.

Гавго қўзиб турган пайтда ҳар ёндин,
Улус юз бурмасин асло султондин.

Ҳануз аросатда Ёдгор билан жанг,
Ҳирийсиз ҳам қўшин аҳволидур танг.

Ёдгорни бир ёқлик қилгунга қадар,
Лозимдур метиндек мустаҳкам лашкар.

Пойтахтта йўланса эътиборли бек,
Улус исёнига қўяжақдир чек».

Султон сўлиш олди, тинчланди бир оа,
Шоирга жилмайди қилмай эътироз.

Маждиддинга голиб буюрди чилим,
Қулт-қулт тортди, қилиб жонига зулм.

Деди, юзи яшнаб адл фикрдан,
Кўнгли юпанч топди мазкур зикрдан:

«Шоир ҳазратлари, эл галаёни
Хавфлидур, Ҳирийдур салтанат жони.

Жонни асрамақдур султон муроди,
Самони тутса-да улус фарёди.

Вақтида сўнамаса бу исён ути,
Хуросонни тутгай анинг булути.

Сафар тадорикин қўргайлар, тақсир,
Исёни босмакка топгайлар тadbир».

Навоий ичидан қувонди, илло,
Авомни не билан қилгай у ризо?

Нозик парда ичра ураб сўзини,
Султонга миннатдор тикди кўзини:

«Исёни элга не инъом этгайлар?
Гуноҳкор бандасин маъзур тутгайлар.

Элчингиз борса гар қуруқ қўл билан
У қандоқ сўзлашур осий эл билан?»

Султон кулиб деди: «Сизни не савғо
Шод этур, сўз беринг, бўлмас деб гавғо».

Сўхбат рафторидан Маждиддин тажанг,
Ичида адоват қилар эди жанг.

Абдулла Хатиб-ла тили бир эди,
Қўшимча закот лек ҳали сир эди.

Навоий жилмайди: «Улуғ султонсиз,
Сизнинг номингиздин борсам эҳсонсиз,

Фармони ҳумоюн бўлмаса илқда,
Халқ тинчимас, дейман, серташвиш мулкда».

Султон рози бўлди ва деди алҳол:
«Шоирим, йўл гамин уйлангиз дарҳол.

Неки тadbир лозим, иншо қилгайсиз,
Вазир аъзам-ла ижро қилгайсиз.

Хотирни жамъ қилинг, фармони олий
Сиз йўлга тушгунча бўлур, Навоий!

Элни огоҳ этинг фақир номидин,
Оёгин узсинлар исён домидин.

Сизга хос йингитлар ҳамроҳ бўлгайлар,
Энг мушкул фурсатда паноҳ бўлгайлар».

Шоир руҳсат тилаб чиқди чодирдан,
Салқин шамол эди гўё адирдан.

Шаҳдам кириб келди ўз масканига,
Не маскан, муътабар сўз чаманига.

Абётини йиғиб жузвдонга солди,
Девону баёзлар мунгайиб қолди.

Қозикдан қилични олиб мулозим,
Шоирга узатди: «Эҳтиёт лозим».

Бедавин сафарга шайлаб қўйди у,
Жузвдонни хуржинга жойлаб қўйди у.

Султон эса чўчиб амирларидан,
Соясидек юрган вазирларидан,

Музаффар барлосни юмшатиб, дилхоҳ,
Дедиким: «Фармонга киритсак ислоҳ»...

Барлос рози — беклар ризо эдилар,
Чунки, у энг баланд дорга осилар.

«Амри вожиб» деди амир ниҳоят,
Ичидан қувонди султон бағоят.

Барлос ичидагин айтмади, бироқ,
Навоий кетгани унга яхшироқ.

Фармони келтирди вазири аъзам,
Навоий талаби қилинмиш рақам.

Султон ўқиб чиққач, босди муҳрини,
Ўзича тинчигди нотинч мулкчини!

Навоийни чорлаб сўнгра меҳрибон,
Фармони олийни узатди шодон.

Шоир садоқатин айлади изҳор,
Не бахт, улус учун бўлса жонсипор.

Чодирдан чиқдилар — чошгтоҳ эди кун,
Само китобида янги бир мазмун.

Оқ фотиҳа берди озурда султон;
Ҳирий мушқулини қилинг, деб, осон.

Мулозим келтирди саман бедовни,
У мингач, қулига тутди жиловни.

Нотинч лашкаргоҳдан шоир қўзғолди,
Султон умид билан кузатиб қолди!

XII

Жомиъ майдонида банди мўмин,
Бирлашса тоғни ҳам йиқиши мумкин.

Ҳақсизлик даштида бугадек бўзлар,
Минбарга умидвор тикилган кўзлар.

Жарчилар тонг билан кезиб шаҳарни,
Улусга етказди ажиб хабарни:

«Сарой муҳрдори амир Навоий
Подшоҳдин келтирмиш фармони олий;

Масжиди жомиъда тузмиш анжуман,
Сўйлашмак истамиш фуқаро билан.

Адду инсоф эрур ашннг ишори,
Ҳақиқат шамъини ёқмак қарори».

Жарчилар сасидан авом қўзғолди,
Гурас-гурас жомиъ сари йўл олди.

Ҳамон қўзларида сўнмаган газаб,
Дилларни уртайди ўнмаган талаб.

Майдон тўлғонади, билмас осойиш,
Улус бирлигини қилмиш намойиш.

Кўк бағрин тешар гоҳ ўгли нидолар,
Гулдираб заминга қайтар садолар.

Тағрига марҳамат тилар оломон,
Подшоҳга — адолат, шафқат ва ниймон.

Едгорга тарафдор амирлар, аммо,
Умум орасида қўзғашар низо.

Айғоқчилар шохни қилиб нишона,
Иғво уругини сочар нишона.

Ундан айинттали фикрини бузар,
Едгор тож кийсин, деб Ҳиротни қўзгар.

Жазосин олғай деб авбон оломон,
Худбин нозирлар ҳеч қилмади гумон.

Аммо, чил-чил синди ишонч қўзғуси,
Бўғзига тиқилди алам ёҳуси:

Қатагон қилгани лашкар эмас, йўқ,
Маслаҳат этгани — элдан кўнгли тўқ

Навойи келибди Ҳирийга, наҳот!
Ундан қайси амир топибди наҳот?

Улуста ён босса аҳли адолат,
Бекларда қўзғарди ҳасад, адоват.

Кам эди шонрга хайрихоҳлари,
Чунки бошқа эди турмуш роҳлари.

У босса халқига назм шоҳворин,
Беклар талар элнинг уйида борин.

Илҳақ оломондан майдон урар мавж,
Жонларда азобу юракларда ранж.

Ҳаёт сабоқлари — рангнар юзларда,
Умид учқунлари — ботган қўзларда.

Мавж узра кўпикка ухшар салталар,
Елкада омонат каби каллалар.

Буруншўқ пешана, эғни чуруклар,
Тўзгиган соқолли қадди букуклар,

Жомиъ равоғидан кўзин узмайди,
Минбардан дардига малҳам излайди.

Мирсодиқ дурадгор шогирди билан
Минора соясини этмишлар маскан.

Оҳорсиз кўк бахмал дўппи бошида,
Ранглари қорайган ёз оташида.

Бонига бир элик қийиқ боғлаган,
Эғнида кенг яктак, кўкраги яланг.

Белбоққа қистирган уста тешасин,
Умр зийнати дер ҳунар шевасин.

Нақшпардоз шогирди унинг Миржалол,
Еғочга жон ато қилур бемалол.

Навойи газалин ёд билур гарчаид
Сиймосин кўрмоққа гоҳт орзуманд.

Устани пайдарпай тутар саволга,
Кўнгли илтиқ бўлиб соҳиб камолга.

Бир пайт юзидан нур ёғилган одам
Жомиъ минбарига қўйганда қадам,

Сув сенгандек жимиб бир зумда майдон,
Жон қулоғин тутди унга оломон.

«Бу киши Навойи бўладилар», деб,
Шогирдига айтди уста севиниб.

«Навойи!» — ҳайратнок шивирлар тиллар,
«Навойи!» — сеҳрнок ёд этар диллар.

Бир кўп эл ёд билар газалин унинг,
Ихлосмаид кинилар саноғи минг-минг.

Юпун элга боқди шонр гамгусор,
Вазият мушқулу имкон эса тор.

Бир ноқўн қадам йўлдан оғдирар,
Бир ноўрин сўздан авом оғдирар.

Султонга халқ меҳрин қўзғатмоқ даркор,
Дилида ишончин уйғотмоқ даркор.

Салтанат тинчимас эл тинчимаса,
Салтанат инжимас эл инжимаса.

Халқ раёинга қараб сўзламаса гар
Ҳалаён кўтаргай буидан ҳам багтар.

Юрак китобини ўқиб кўзидан,
Виждон хитобини англаб сўзидан,

Эзу бир қанот қилди-да пайдо,
Деди у, муддао бўлиб ҳувайдо:

«Халойиқ! Мен султон Ҳусайн Бойқаро
Ҳазрат олийлари номидан барқвор

Ҳиротга отландим жанг майдонидин,
Анинг кўнгли нотинч эл исёнидин.

Султон ҳазратлари сизни бахтиёр,
Бадавлат этмакни айламин шонр.

Олий мақсад бўлмиш юрт ободлиги,
Давлат тинчлигию улус шодлиги.

Одил подшо бўлиб адолат этгай,
Бандан мўминга саодат этгай.

Сизни ул яшасин, дейди, фаровон,
Қорин тўқ, усти бут эл чекмас фиғон.

Маърифат мангъалин ёқмоқчи дилга,
Мақтабу мадраса қурмоқчи элга.

Улус фарзандига келгайдур омад,
Бир чақа сарфламай чиқаргай савод.

Шифохона, ҳаммом, масжиду работ
Бунёд этиб, сизга қилгай мукофот.

Изига солимоқчи бутқул ҳаётин,
Ислоҳот қилмоқчи ер-сув, закотин.

Солиқлар камайгай, зулм бўлгай йуқ,
Тикланур тоғталган башарий ҳуқуқ.

Ариқлар қаздириб чиқармоқчи сув,
Бог-роғлар яратса, юрт бўлгай сулув.

Кўприклар қурдиргай, содиргай йўллар,
Қудуқлар қаздиргай, яшнагай чўллар!

Султондин келтирдим яна бир пайғом:
Ерсиз фуқарога ер қилгай ниғом.

Осойиш уриатса султон Ватаида,
Озодликдан баҳра толгай ҳар банди!»

Навоийнинг элгу ораусидир бу,
Султоннинг номидан айтди элга у.

Бир лаҳза ўйлашиб халққа тикилди,
Кўнгли косасига меҳри тўкилди.

Ёринди озурда халойиқ юзи,
Умид шуъласига йўғрилди кўзи.

Ўтли хитоб билан деди: «Айтнинг, хўш,
Ҳирот осойишини бузмиш қай бойқўш?

Ким зулм ўтказмиш халққа бу қадар?
Хон¹ узра таомин айламиш заҳар?

Ғалаён қилмакка ким мажбур этди?
Бошида ким закот қиличин тутди?

Сабаби маълумдур: арбоби давлат!
Кўзини ёғ босган аркони давлат!

Афеус, минг афеуски, неча бадният
Султон ишончига қилмиш хиёнат.

Истифода этиб вазифасини,
Оғзидин олмиш эл насибасини.

Халқ гами бўлмасдан умрин шиори,
Тинчини бузмаклик бўлмиш қарори.

Ўйлаб ўз ҳамёнин, солиқлар солмиш,
Молия каззоблар илкида қолмиш.

Султон кўзин буюб, даврон сурмишлар,
Улуснинг бошига гаврон урмишлар.

Бу — Хожа Абдулла, Хожа Қутбиддин,
Хожа Низомиддин! Эрта ё индин

¹ Хон — дастурхон.

Жазога тортилгай, қолмас девонда,
Айшини сургайлар, балки, эшонда».

Майдон тўлақилланди, учди нидолар:
«Жазога тортилсин нафси балолар».

Нидолардан шоир қалбида гулу,
Халқ тингач: «Фармони ҳумоюн»ни у.

Бош узра кўтариб намоёини қилди,
Ўқиб бериб, хурсанд айлади элни.

Халойиқ: умрингиз бўлсин, деб, узун,
Дуо қилиб, боқди шоирга мамун.

Навоий тинчигиб аҳли неёни,
Минбарга чорлади Рустам полвоини.

Иёни сардорини халқ оқинилади,
Пориёо амирлар тилин тинилади...

Навоий Ҳиротта қайтдию дарҳол
Иёни сабабларини ангилади яққол.

Рустамни қутқарди ажал комидан,
Кўилар жазоланди султон помидан:

Подшоҳга оингандек авом ишончи,
Ичига снғмасди бутун қувончи.

Қонунсиз солиқдан у бўлиб озод,
Адолат елига кўксин тутди шод.

Шоир билан Рустам полвон минбарда,
Меҳр кўзи билан боқар мингларга.

Ялангтўш дурадгор Мирсодиқ ашҳол
Баён этди халқнинг фикрини хушҳол:

«Шоир ҳазратлари, демуш бир доно:
«Ҳақиқат эгилар — синамайди, аммо».

Эл бирла ўйнашиб бўлмагайдур ҳеч,
Тиз чўкмас, бошига келса-да қилич!

Сиздин миннатдормиз — ҳақ топди қарор,
Жазога тортилсин, кимки айбдор!»

Навоий устанинг кўнглин чоғ қилди,
Не уста, улуснинг кўксин тоғ қилди:

«Халойиқ! Айтилган сўз — отилган ўқ,
Нозирлар жазога маҳкумдир, сўз йуқ!»

Рустам полвон таъзим этди шоирга,
Улус ҳам бош этди у билан бирга.

XIII

Ҳирот аҳолисин тинчигиб хиёл,
Ҳукмдор танига югурди мажол.

Аммо лашкар тарқоқ, аҳвол танг эди,
У хатар оғзида — боши гангиди.

Ҳар ёқдан ғаними қилиб тажовуз,
Бутзидан тутмоққа қўл чўзар ёвуз.

Хуросон тахти бот улоқдек талош,
Бу тахт деб кетади ҳали қанча бош.

Отамерос тожни қилишиб даъво,
Оёққа қўзғолди неча шаҳзода.

Биринчи зарбадан қақшаган Ёдгор,
Куч йиғиб, Ҳиротта отланди такрор.

Марвни титратар Аҳмад «уйини»,
Балхга ларза солар Маҳмуд қўюни.

Улардан-да хавфли ички душмани:
Нишопур, Сабзавор элин исёни.

Олов халқа ичра қолди Ҳусайн,
Тождор боши қотган — толди Ҳусайн.

Талофатта учраб — лашкар дармонсиз,
Умид шамъи сўниб — навкар дармонсиз.

Элни тинчитса у, душман тинчимас,
Душманни тинчитса — элдан тинигмас.

Озор еган қушдек дили жонсарақ,
Муаллақ — сигдирар на ер, на фалак!

Кўнглига бир қултум май ҳам сигмайди,
Не май, жонин уртар дард-гам сигмайди.

Танг ҳолда қолганда, келганда оғир,
Жаҳонга сигдирмай, қисганда чодир,

Навойи узатди нажот қўлини
Ва унга кўрсатди уфқ йўлини:

«Отланмак лозимдур Ҳирийга илдам,
Токи, Ёдгор мирзо қўймасдин қадам!

Абу Саъид мирзо фарзандлари ҳеч
Сиз билан юзма-юз тортолмас қилич.

Аҳмад мирзо эса сизни қадрлар,
Ев бўлиб, қилмагай элга жабрлар.

Маҳмуд мирзо кўнгли, балки, бермас дов,
Оёғига ўзи солмагай тушов».

Султонга қолмади ўзга ҳеч илож,
Ҳиротга қайтмаса — омонат тахт-тож.

Чодирлар юкланди бедоқларга боз,
Ҳукмдор лочиндек қилолмас парвоз.

Султонга садоқат бўлсаки кимда,
Ҳиротга отланди бу талотумда.

Навкарлар, ҳар қалай, тугади деб жанг,
Омон қолганидан кўнглида оҳанг.

Неча кун йўл босиб, қўшини толиқди,
Пойтахтга етгани подшоҳ ҳовлиқди.

Гоҳ ўтдек ёнди у, гоҳ қотди муздек:
Гоҳ қақнаб сўнди у ожиз юлдуздек».

Чортуғ қинилоғига келган чоғида,
Бир дам ором олди омонат боғида.

Беш-олти чақирим Ҳирот ораси,
Йулларда кўринмас одам қораси.

Нечун улуғлардан дарак йўқ ҳамон?
Нечун пешвоз чиқмас? Қайтмоқда султон!

Шаҳар доругаси, вазирлар қани?
Обрули беклару амирлар қани?

Пойтахтга киради қайси юз билан?
Улуга қарайди қайси кўз билан?

Ғолиб, тантанавор кутмади нечун?
Бедови жилловин тугмади нечун?

Дафъатан кўнглига гулгула тушди,
Тани музлаб кетди, эти увишди.

«Ёдгор забт этдимиз?» Шум хаёл бирдан
Чалғитиб юборди уни фикрдан.

Ақлин йиғиб олди: гап ўзи нима?
Нечун лашкар ичра солғай ваҳима?

Ҳиротга зуд билан юборди одам,
Аҳволни билди у: қалъадир маҳкам.

Ҳирот улуғлари угирмиш юзин,
Ёдгорнинг пинжиги урмишлар ўзин.

Уларга бўлгани: жон қолса омон,
Тож насиб қилмайди, топилар султон.

Қалъа берк. Ё уни қилсинми қамал?
Ё ўзин бошига биттайми ажал?

Ҳужум қилай деса: лашкар талотум,
Мағлубият билан тенгдур бу ҳужум.

Фигони фалакка чиқди-да султон,
Навойига деди бесару сомон:

«Бекларда йўқолмиш иймон, диёнат,
Худкомлиг йўлида қилмиш хиёнат.

Қалъани ёппишлар ўз султонига,
Ўт қўймиш тахт ила хонумонига.

Сотқинлар юзимга оёқ босдилар,
Дор қуриб, чилвирсиз мени осдилар.

Қандоқ бардош берай бу хиёнатга?
Жазо топилағайми бу жинойтга?»

Шоир ошкор этмай дил фиғонини,
Тинчитмоқ истади унинг жонини:

«Қасд этган наст бўлғай, демун машойих,
Хонлар дахлдор жазога лойиқ.

Ғарқ бўлғай, кўз тугтап икки кемага,
Лек тушманг, ҳазратим, саросимага.

Ақл-идрок билан иш тугмак даркор,
Ўзини йўқотиб қўймагай саркор.

Ақл устун келса, чекинар жаҳл,
Дардинсиз бекларга айламанг нақл.

Ўзни голиб тутинг, бошни қилманг ҳам,
Умид бутун бўлса, мағлуб бўлмай ҳам.

Юракда сўнмасин шижоат ути,
Бош узра қўнмасин алам булути.

Иймон бутун бўлса, ҳақ топмай қарор,
Ади йўлини тутган адашмас зинҳор».

Султоннинг жонига югурди дармон
Гарчи нимталади кўксини армон:

«Бошга мушкул тушса, излаб қўмақдош,
Хурсандмен, тоғфондин сиздек эмақдош.

Кўзимга кўринса бу кенг олам тор,
Кўнглимга сабри эдингиз пойдор.

Шодлик қўл узатиб, чекинди кулфат,
Кун чиқиб, тарқалган сингари зулмат.

Тахт насиб этганда адашдимми ё?
Салтанат субҳида бўлинг раҳнамо!

Нетурмиз, дашт аро қолдик саргардон?
Ё қўлдин кетдимми тахти Хуросон?»

Не десин? Ҳиротнинг бўсағасида,
Султон турар эди жар ёқасида:

«Хоинлар измида вақт соати,
Гарчи олга юрмак унинг одати.

Қаёққа бураса, юрмай шу томон,
Вале вақт бермакда бизга ҳам имкон.

Айни пайт, ҳужумдин воз кечмоқ даркор,
Қўшинда бирликни этинг барқарор.

Қўлон тинса, бўлмай барчаси равшан:
Ким содиқ дўст эрур, ким эса душман.

Ҳиротда сиз тараф кишилар бир кўп:
Гурбатда қўймамай кўрсалар марғуб.

Бир оз фурсат ўтсин, куч йиғинг яна,
Ганимда қолмамай дорус-салтана.

Жаҳим¹ гулханига отиб гамларни,
Саройда ёқурмиз тагин шамъларни.

Ўқсинманг, тутинг-да, руҳингиз баланд,
Лашкар бошин силанг падари монанд.

Навкар қочса, тахтнинг кетганидир бу,
Тоғнинг шоҳ илкидин йитганидир бу!»

Ҳусайн танига югуриб мадор,
Навкарлар қошига елди беқарор.

Беклар ҳам эргашди унинг изидан,
Қўл ўтмай, қўзғолди қўшин мавзидан.

Пароканда лашкар билан Бойқаро
Паноҳ излаб, кезди чўлу боғ аро.

¹ Ж а ҳ и м — жаҳаннам.

Микроз улангида қўниб утди у,
Қорабоғ мавзисин кўзда тутди у.

Овчидан қутулган қашқирдай чўчиб,
Бадавий сингари юрибди кўчиб.

Навоий нечоғлик берса-да нажот,
Энди у мардона суролмайди от.

Ҳирот қўлдан кетди, қўлдан кетди Балх!
Кетди Астробод! Умри кечар талх.

Энди у, киролмас жангга музаффар,
Юрагин олдириб қўйди, у қўрқар.

Омадсиз сайёдек ношуд, нотавон,
Бир ерда туролмас, кезар ломакон.

Дарбанд қалъасига ўзини урди,
Форёб қасабаси сари югурди.

Қинга солинмаган тиги интиқом,
Фатҳи Ёлғор этар уйқусин ҳаром.

Унга тинчлик бермас тахт васвасаси,
Ё маскан бўлмайми Жом қасабаси?

Тоғ бошда, улгирай деса — тахти йўқ,
Тахти йўқ подшоҳнинг, нетсин, бахти йўқ!

XIV

Форёб қасабасин «Боғи Чинор»и,
Ҳусайн, тахт кетиб, «боғ ҳукмдори».

Жони «ором» олмиш ёз салқинида,
Дил япроғи титрар дард экиннида.

Кун ўтар ўқинчу гамдан иборат?
«Тахттоғи» қасрмас, жун бир иморат.

Кўнглига қил сизмас — тарки май этди,
Қадаҳпаймоси йўқ, чилимни тутди.

Базм унут бўлди — навосози йўқ,
Фасли ёз эрса-да, дилда ёзи йўқ.

Шодлик танбурининг тори узилган,
Саодат қасрининг тоғи бузилган.

Кун сайин газаклар қалб жароҳати,
Алам чангалида жон фароғати.

Ҳул ўтин сингари тутаб ёнади,
Ғусса тўфонида боз тўлғонади.

Базм саси янграб бир пайт боғ аро,
Танига жон кириб, қўпар Бойқаро.

Даврада мастона ёзиб қўлочин,
Рақе этар ер тепиб икки шўх лочин.

Бир навкар «ёр-ёр»ни этар тарона,
Рубоб оҳангидан жони гирёна.

Самога ўрлайди авжи «беш қарсақ»,
У ўйланар: «мумкин тоғни қўпорсақ!»

Мулозимга сирли жилмайиб, деди:
«Кошки, Алшербек кўрсалар эди».

У англаб Хусайн кўнглини филол
Хоҳишини бажо келтирди хунҳол.

Шатранж уйнар эди шоиру Рустам,
Бир-биридан тутиб усулни муҳтам.

Шатранжга ўхшайди қисмат ўйини,
Шоҳ учун узилар шўда бўйини.

Шўда шоҳ эмас, фарзин бўлай, дер,
Фарзин бўлиб, майли, жангда ўлай, дер.

Кўксин қалқон этиб, қуриқлар шоҳин,
Шоҳдан бир дақиқа узмас ингоҳин.

Қурбон булар, шоҳин омон қолсин, деб,
Рақиб-ла жанг қилар юзма-юз туриб.

Ўзга шоҳин банди қилмагунча то
Жанг қилар, жонидан кечса-да, ҳатто!

Бонлар шатранж узар ўйчан эгилган,
Кўзлар бир нуқтага ўқдек тикилган.

Ақл шамъи ёнар фикрат уйида,
Не фикрат, шатранжу ҳикмат уйида.

Боғ аро янграган қарсақ садосин,
Не садо, сертошқин қарсақ дарёсин.

Шоир диққатини тортолмас асло,
Унинг юрагида ўзга бир садо.

Афсуским, мулозим хайлини бузди,
Тафаккур гулидан бир баргин узди:

«Жаноби Навоий, этгайсиз узр,
Султон ҳазратлари сизга мунтазир».

У сокин кўзгалди — ўйлаиб туриб,
Фарзинини бир каттак илгари суриб:

«Шу йўсин қолсин» деб бўлди равона,
Мот бўлишдан Рустам қутулди яна.

Навоий, русумин этмасдан қанда,
Эгилди, Хусайнга яқин келганда.

У деди шод: «Дилда сунган эди шамъ,
Йиғитлар базмидан ёнди ушбу дам.

Рухлари нечоғлик тетик, азизим,
Тахтада ўлтиргандек англадим ўзим.

Томоша қилмакни истадим фақир,
Сизсиз татимайди базм ҳам, тақсир».

Навоий жилмайди, султон боқди хун
Ва елди гашилги бўлиб фаромун.

Йиғитлар базмига жўр бўлиб шодон,
Замзама қилдилар шоиру султон.

Улуғлар изидан Рустам ҳам алҳол
Даврага қўшилиб қарс урди хунҳол.

У тошиб Навоий қоннда навоҳ,
Хирот ҳолатидан этмоқда огоҳ.

«Тил» олиб келмоқда кун ўтган сайин,
Унинг хизматидан хурсанд Хусайн.

Хиротга ҳукмдор бўлса-да Ёлгор,
Полида бегимда барча ихтиёр.

У, султон Хусайннинг собиқ хотини,
Тилига олмайди энди отини.

Позирларни қилиб ҳибсдан озод,
Унинг фармонини айлади барбод.

Рустамдан аҳволни билгач батафсил,
Султон билан шоир қилинар таҳлил.

Навоий бўлмаса, балки, Хусайн ҳам
Иётичи йиғитга қилмасди қарам.

Аҳли навкар билан у бўлиб иноқ,
Қуштигир илмидан¹ ўргатди сабоқ.

Машқдан холи пайтда Боғи майдонда
Белланди, йиғитлик жўн уриб қонда.

Элдан аямади ўз ҳунарини,
Гўё эл пойига сочди зарини.

Шатранжда нечоғлик бўлса-да моҳир,
Иложин тополмас, ўйнаса шоир.

Базмин тарк этиб улуғлар бир он
Боғ аро кездилар, хилват хиббон.

Бир ярим ойдирки, султон бу қадар
Қувончга бўлмаган, балки муяссар:

«Ади маслаҳатга сезиб эҳтиёж,
Фикрингиз билмакка қидирдим илож.

На чора? Хиротда Ҳасанбек туркман
Йиғитлари гашир яловин тиккан.

Ғафлат онёнида таптиқ шаҳзода,
Билгани — кайф-сафо, ичгани — бода.

Аммаси уриятган янги тузумдан
Норизо эл боши чиқмас зугумдан.

Молия беқлари яна қутурмини,
Элин талаб, собун каби кўширмини.

Шул вақҳдин, мувофиқ кўрсангиз агар,
Пайт келди, Хиротга отланса лашкар.

Мир Али мироҳур тиламини шуни,
Эҳтимол, биттайдур Ёлгорнинг кунни.

Шоҳд, иқбол қулиб, банди мўмин
Аввалгидек бизни қўллашни мумкин».

¹ Қ у ш т и г и р и л м и — наҳлавонлик санъати, ҳунари ва ҳ.к.

Навой юзида ёнди табассум,
Орзуманд султонга этди такаллум:

«Бу сўз айтилмаса каминага ҳам
Яхшироқ бўлурди, жанобим бу дам».

Хусайн ҳайратда: «Нега шу қадар
Таъкиду эҳтиёт, борми ё хатар?»

«Шул важҳдинки, — деди Навой босиқ, —
Узганинг билмоғи эрур нолюйиқ.

Бу сўзни сир тутмоқ гоятда зарур,
Мисли садаф ичра ётгонидек дур.

Чунки сирдан бўлса айғоқчи огоҳ,
Душман қулогига етказгай ногоҳ.

На чора? Кун аро бир тўда киши
Ёдгор томон қочиб кетмақдир иши.

Алар совға топмас мундин қимматроқ
Ва лекин ақлдин эмаски йироқ,

Бизнинг режамизни сезиб қолса гар,
Эҳтиётроқ бўлиб Ёдгор иш кўрар.

Балки, бу томонга қўшин юборгай,
Сотқин бегу навкар боғин сугоргай.

Зоеъ кетмай барча тоат-ибодат,
Дил уйин ушбу сир этсун иқомат.

Ошкор айлағайсиз Ҳиротга яқин,
Ганимлар бошида чақурсиз чақин!»

XV

Қушиндан сир тутиб ҳужум режасин,
Беором ўтказиб Форёб кечасин,

Султон дилдан гумон дарахтин йиқди,
Тонг-ла Сарипули Мурғобдан чиқди.

Қайга? Нечун? Ҳали билмайди лашкар,
Хусайн дили қулф, елар музаффар.

Қийиқ қўзларида нияти пинҳон,
Омол самосида уради жавлон.

Тулпорин уйнатар Музаффар барлос,
Рустам ҳам от қўяр арслонга хос.

Амир Бобо Али, амир Қул Али
Каромат бобида мисоли вали.

Хусайн умиди ҳар бир навкарда,
Ҳирируд ёқалаб елган лашкарда.

Қўзларни мот қилар тоғлар ҳайбати,
Қояга тирмашган боғлар ҳайрати.

Чўққилар бошида мудрайди булут,
Қанот қоқмай учар кўкида бургут.

Навой ҳаялқаш елару отда,
Қўзи ҳайрат тўла бу мўъжизотда.

Гоҳ ёниб, гоҳ сўниб от сурди султон,
Манзиллардан ўтди тўхталмай бир он.

Шоирни очилиб гапга солди гоҳ,
Беклар жиловини тортиди баногоҳ.

Навкарлар билан у қўз-қабоқ бўлди,
Эту тирноқ бўлди, ўқ-садоқ бўлди.

Бир оқшом дам олди «Боғи работ»да,
Тонг-ла яна елди, жони — Ҳиротда.

Йўл таниш — Лангари Бобо хокий бу,
Юрагига тушди ўтли бир туйғу.

Қўзига дув этиб қайноқ ёш келди,
Киприқдан сирғалиб, юзга туқилди.

Ва лекин сезирмай сидирди ёшин,
Бир мўддат йўл босди кутармай бошин.

Қурмасликка олди кўриб Навой,
Юраги тутёнваш уриб Навой.

От узра чақмоқдай чақнар ҳар навкар,
Машриқни олғудай, гарчи юз нафар.

Бадавий сингари чаптаст ва чаққон,
Тушса, омон чиқмас панжасидан жон.

Жасур қўшин оз-моз олгани ором
Лангари Буканга қўнди намозином.

Рустам полвон билан Бобо Али лек
Ҳиротга равона бўлди беҳадик.

Султонни сийлади Лангари Букан,
Дил қулфин очиб у тузди анжуман:

«Жаноблар, шер каби ҳамла қилсак гар
Ҳирот дарвозаси бизга очилар.

Ҳужум фурсатини олсак кенгашиб,
Беҳуда елмадик қир-адир ошиб,

Қундаланг турибди энг огир синов,
Қулай фурсат бўлгай зафарга гаров».

Керилиб, сўзлади Музаффар барлос,
Тажрибасин этди гапига асос:

«Куннинг қизигида сарой олар тин,
Қалъага бостириб кирсак бешовқин.

Ўзини унглолмай қолгай аҳли жоҳ,
Ғафлат тўшагидин туролмас ногоҳ.

Ганимни бугзидин маҳкам тутурмиз,
Навкарин ер билан яксон этурмиз».

Тадбир Навойга тушмади маъқул,
Ақл чирогини ёқиб, деди ул:

«Ҳужумга фурсат йўқ тундин яхшироқ,
Кундузи хатардин холимас, бироқ.

Душман сезиб қолса, филҳол қўзғолгай,
Жонимиз таҳлика остида қолгай.

Тунда биздин гарчи тонса-да хабар,
Оёқда тургунча ақлдан озар.

Юзага чиқмаган тақдирда мақсад,
Йўлимиз тўғолимас Ёдгор Мухаммад.

Тутилиб, кўзига зулмат пардаси,
Чекиниши мумкин бир ён бандаси.

Кундуз кун бўлса, бундай ҳол, бироқ
Муяссар бўлмоғи ақлдин йироқ».

Акобир бир муддат уйга толдилар,
Шоир тақлифини маъқул толдилар.

Русумоти жангнинг билгичи симои,
Ҳукм оҳангида деди корчалон:

«Ўҳитёт чорасин кўрмасак, аммо,
Муродга етмаклик булур муаммо.

Отлар тўғига нағал устидан
Намат қоқмак пайти келди ушбу дам.

Токи, сезилмасин оёқ товунини,
Душманнинг бошидин учасин ҳушин.

Ҳиротга киргаймиз тун қаросида,
Зулумат лашкарин можаросида.

Саҳар боқин ясаб «Боғи зоғон»га,
Тош-ла ўлтиргаймиз тахти жаҳонга!»

Чақмоқдек ёритиб тун оғушини,
Бобо Али аҳол эди бошини:

«Султон ҳазратлари, «Боғи зоғон» маст,
Базми жамини аро доруламон маст.

Мироҳур тилади: илдам елгаймиз,
Ҳирийни балодин халос қилгаймиз».

«Балли Бобо Али!» — дебон ўқиб мадҳ,
Тошди: «Боғи зоғон» этилажак фатҳ!»

Эл кўзи юмилагач кўзгалди лашкар,
Ҳар зулмат гўнада бордек бир хатар.

Ҳирот дарвозасин бузиб, қулатиб,
Соқчиларин жаҳаннамга жулатиб,

Шаҳарга қуюндек босиб кирилди,
Не қуюн, тошқиндек тошиб кирилди.

Ярим кеча эди — эди зулумот,
Гунг эди, кар эди, кўр эди Ҳирот.

Саксон навкар билан султон Ҳусайн,
«Бози зоғон» томон учиб ўқдайини,

Хиёбон бошини ўтдию кесиб,
Ҳирот бўғзидан ғам бўзасин узиб,

Деди: «Боғни қуришанг дарҳол тўрт ёқдин,
Дарбонни чиқарманг зинҳор тўзоқдин».

Амирлар жони бир, унга маслақдош,
Қасд этмас, тиқдилар бир кўчага бон.

«Боғи шимол»гача урди-да жавлон,
Отининг юганин тортмади султон.

Рустаму мироҳур кутиб олдилар,
Қалладек қулфга қалит солдилар.

Ланг очилди боғнинг дарвозалари,
«Ёҳу!» деб Ҳусайн кирди ичкари.

Боғ сукут домида — гафлат ичра у,
Ястаниб доғ қотмин — сазмас не гулу.

На фаррош, на боғбон, на бир нигоҳбон,
Ғимир этган жондан кўринмас нишон.

Навкарлар чақмоқдек елиб, қидирар,
Ҳайратда: ё душман шистирма қуар?

Оғир жимлик солар дилга ҳавотир,
Дарфъатан бир ишқал бўлмаса содир?

«Боғи шимол» ичра Ёдгор хобгоҳи,
Ҳироти азимдан тоинини нашоҳи.

Султон таралдулда тўхтади ногоҳ:
Балаид тена узра қасри самогоҳ.

Ўзининг қасри бу, ўз хиргоҳи бу!
Не ёруғ қушларнинг чин гувоҳи бу!

Аммо, нимқоронғи тунда бу тена
Ҳайбати дилларга солмин ваҳима.

Тена узра, унинг орқасида ё
Соқчилар пойларми чиқармай садо?

Қўққис ёширилса султон на қилгай?
Сўзимин тоғлари қулаб, йиқилгай!

Йўқ, асло! Ёдгорга келюлмаса бас,
Эр бўлиб, тож киймоқ қилмасди ҳавас!

Саҳар гўё ваъда этади зафар:
Тош-ла бўлгай дегар тахтнинг муяссар.

Шўкда таратгандек иқбол чироғи
Равшанроқ кўринар салтанат боғи.

Буюрар: «Тенага чиқингиз дарҳол,
Қасри самогоҳин қилингиз ишқол».

Гарчаидки ҳужумга берилди фармон,
Навкарлар юраги дов бермай, ҳайрон.

Саросима бўлиб тошдек қотдилар,
Бир-бирга зимдан нигоҳ отдилар.

Навкарларга боқин уқрайиб султон,
Ваҳмин енгмоққа ахтариб имкон.

На «ҳа», на «йўқ», чиқмас бир танин садо,
Бу ҳолини кўрмаган Ҳусайн асло.

Шунча йўлни босиб келдилар нечун?
Нечун акобирлар ҳайкалдек беун?

Қўшнинг юраги бўлса кўкенда,
Нечун савлат тўқар тулпор устида?

Ярқ этиб не савол бошидан ўтди,
Важоҳати бирдан узғариб кетди.

Тоқати тоқ бўлиб, чекиб изтироб,
Бедовидан тушиди Навоий шитоб.

Жилловни тутқазиб Бобо Алига,
Қарамай ҳайратнок султон майлига:

«Каминна боргайдур, беринг ижозат?
Зеро, матлабингиз топгай ижобат»,

Деди-да, қиличчи қишдан сугурди,
Баланд сарой сари у дадил юрди.

(Бу — унинг илк дафъа ҳамда сўнги бор,
Қилич тутинидир илкида ночор).

Номаълум йўл билан шоир шу асно,
Қиличга таяниб мисоли асо,

Юқори чиқарди, бўлиб дарғумон —
Амир Қул Алини юборди султон.

Унинг орқасидан отилди Рустам,
Қумакка ошиқди Ҳожи Али ҳам.

Султон боқар хуноб, Навоий ҳамон
«Асо» билан ўрлар қасрга томон.

Ушбу долзарб дамда Исмоил Фаррош
Икки даста шамъни ёқди-да, нурпош —

Бўлиб, сарой томон бошладди ўзи,
Султон билан тўғри келиб юлдузи.

Навкарларда журъат бўлди-да пайдо,
Саройга бостириб кирди шу асно.

Навоий тенага кўтарилган он
Ўткир нигоҳини солди ҳар томон.

Одам шарпаси йўқ, қаср ҳам жим-жит,
Сергак тортиб, бир дам кўнгли бўлди хит.

Сўнг қаср кетига йўналди шаҳдам,
Жон билан тенг эди ғанимат ҳар дам.

Эшикдан оҳиста ичкари кирди,
Оёғин учида товушсиз юрди.

Хонадан хонага ўтди барқмисол,
Хиргоҳга кирдию туриб қолди лол:

Базми жамшид тори узилган янглиғ,
Кўзалар қулаган, қадаҳлар синиқ.

Тўрт нафар жон ётар мурда сингари,
Наҳри шароб ичра ғарқ бўлминн бари.

Тўрда қулаб ётар мисли навчинор
Жиғали бир йиғит, бу — балки, Едгор?

Дарича ёнида ярим яланғоч
Икки жувон ётар, хасдек тўзғиб соч.

Нойгаҳда бир кимса — ёнида дугори,
Балки, бу созанда — базм хушгори.

Навоий бир лаҳза ўйланиб турди,
Хиргоҳга навкарлар отилиб кирди.

«Тутинг!» деб Едгорни кўрсатди амир,
Ҳожи Али босди қоплондек абжир.

Рустам созандага шердек ташланди,
Хиргоҳ тўс-тўпалон, ғавго бошланди.

Дод солиб, яширди куксин жувонлар,
Хонани титратди ўгли фиғонлар.

Довдираб, бош яланг, келмай ўзига,
Мастона, қовушмай сузи-сузига,

Едгор алаҳлайди, боқар ҳангу манг,
Ваҳмдан оёқда турибди аранг.

«Султонга элтингиз!» — шоир буюрди.
Навкарлар кетидан ўзи ҳам юрди.

Икки ёндан тутиб Едгор мирзони,
Хиротдан дафъ қилиб гўё низони,

Судраб келишарди навкарлар ғолиб,
Султон эгар узра қўйди қўзғолиб.

Тинчитган сингари барча ниқорни,
Оёғи остида кўрди Едгорни:

«Ҳа, тушди! Тушдингми, ахир, илкимга,
Подшоҳ бўлгаймен, деб, шондинг кимга?»

Бошини кўтариб ёлворди Едгор:
«Жонимга раҳм этинг, улуг ҳукмдор».

Шоирнинг матлабин сўрганда султон:
«Сақлаб қолинг, — деди, — бошини омон».

Вале аҳли кибор бўлмади ризо:
«Дарҳол қатл этилсин, — дедилар, — мирзо».

Едгор тирик қолиб, янаса тутқун,
Ўлим деб билдилар ўзлари учун.

Чорасиз бош эгди шоир ва султон,
Оқариб келарди субҳи Хурожон!

XVI

Қўён кўкнинг тиниқ ферузасида,
Кўзи гўё Аркнинг дарвозасида.

Тош қотиб турибди соқчилар сергак,
Найзадаст ботирдек керишиб кўкрак.

Қадлари эгилар султон ўтганда,
Қон эмас, ўт-олов югуриб танда.

Алишербек билан олиб ёнма-ён
Дарвозадан чиқди оқ отлиқ султон.

Эгнида зар тўну бошида уқнар —
Подшоҳлик рамзи бу, ел майини ўнар.

Кўзини олар отин эгар-жабдуғи,
Дурри жавоҳиру ақиқининг чўғи.

Обрули зотлар ҳам сафарда ҳамроҳ,
Шоҳ билан кезмоқдан хурсанд аҳли жоҳ.

Ўткинчи эл билан гавжум расталар,
Таъзим-ла қаршилар дили хасталар.

Элга шафқат айлаб, солиб хуш назар,
Султон улус кўнглини айлар мунаввар.

Кўзу қулоқ бўлиб йўлда сарбозлар
Аркони давлатни бошда эъозлар.

Работи Қандаҳор кучаси сермавж,
Аҳли замонадан дил ториди авж.

Навоий қистови ила ақобир,
Бозори Маликка тушдилар охир,

Куз неъматин билан бозор яшнаб соз,
Меҳри меҳмонларга эди ноёндоз.

Эл сийлаб, султонни эҳтиром этди,
Шоирнинг сўзини кўнгли ком этди.

Султон сўрди элдан нархи-навони,
Ривожин уйлади, балки, савдони.

Сузлашди дукондор базозлар билан,
Қулолу косибу баққоллар билан.

Бозорни кезиб у улгурмайди лек
Эл берган саломни олгани алиқ.

Навоий ниётин этиб намоян,
Бозор истиқболин айлади байн:

«Бозор — азал элнинг ҳожатбарори,
Не элнинг, юртнинг ҳам кўрк, ифтихори.

Бу ерда учрашур турли-туман эл,
Қондошдек қурғайлар хуш анжуман эл.

Сухбат асносида унутгай гамни,
Дийдор кўринганлар ёзгай аламни.

Бозорда нарх-наво бўлмаса баланд,
Эл кезмас даврондин норизо монанд.

Қурилса: баҳово тиму дуконлар,
Савдо-сотиқ қилиб яйраса жонлар.

Каттароқ этмакнинг бордир иложи,
Токи қонса мундин эл эҳтиёжи.

Кошки, кўҳна тимлар қилинса таъмир,
Доруғайи Ҳирот курсайди тадбир.

Бунёд этилса гар бир работи хос,
Пойтахт жамолига тушар эди мос».

Ҳусайнга хуш ёқди Навоий сўзи,
Зураки жилмайди доруға кўзи.

Султон ёнди: «Мулк йўқ бозори йўқдур,
Бозор билан улус қурсоғи тўқдур.

Бозор обод бўлса, эл маъмур демак,
Элки маъмур, замон бадастур демак.

Амир Навоийнинг ниёти катта,
Бош қўшқак рўзга чиқур, албатта!

Ҳирний оламушумул шавкатига мос,
Бунёд қилажакмиз бир бозори хос».

Бозордан чиқдию шарифлар яйраб,
Елдилар Ҳайиттоҳ томонга қараб.

Масжиди жомигъа дин пешволарин
Кўтдилар, тоқланиб тўнларин зарин.

Илқиди тасбиҳин ўгириб имом,
Сарой маъмурларин этди эҳтиром,

Жомигъини зиёрат қилиб баҳузур,
Навоий ўз фикрин айлади манзур:

«Жомигъ эл уйдур, ибодат уин,
Ҳироти азимда шаҳодат уин.

У бўлса ободон, эл кўнгли тўлғай,
Чинакам зиёрат маскани бўлғай,

Жомигъининг бошидин вале тушмиш тож,
Таъмирчи меъморга сезмиш эҳтиёж.

Қули гул усталар берсалар оро,
Қиёси бўлмагай бу машриқ аро.

Улус санъатининг бўлиб ҳайкали,
Кўзни қамаштирса анинг сайқали».

Навоий фикрига қушилиб султон,
Деги: «Комрон эрса имоми даврон,

Мева беражакдур орзу дарахти,
Жомигъ-ла безанур мулкнинг пойтахти.

Хуросон меҳроби бўлса гар жомигъ,
Элга инсоф тилар шайхулисломга».

Оғзи қулогига етгандек имом,
Илжайиб, сўзлади гоёт хушқалом:

«Имомат қуллуқ деб хизматда бўлғай,
Аҳли авом эса иззатда бўлғай.

Амир Алишербек сўзи маънодор,
Кошқийди, жомигъа бўлсалар меъмор.

Иноят қилғали ҳақир авомга,
Раҳнамо бўлсалар дини исломга».

Сукут — аломати ризо, дер умум,
Навоий имомга тикилди маъсум.

У савоб йўлида бўлғай фидойи,
Масжидлар қурдиргай элга киройи.

Таъбир жонз бўлса — етгай комига,
Виқор бағишлагай яна жомигъа.

Шод бўлиб ақобир пойқадамидан,
Имомат кузатиб чиқди жомигъидан.

Навоий истаги туфайли султон
От жиловин бурди Ҳирируд томон.

Улкан дар! тўлиб оқса-да гарчанд,
Хирот ташна эди бадавий монаид.

Кўксига текканда дар! шамол,
Янада очилди султон жамол.

Хирируд бўйида турдилар узоқ,
Халқлар — тизгинсиз мисли аргумоқ.

Не тонг, тулган бўлса болалик эста,
Олиб қочган бўлса олис ўтмишга.

Не тонг, садо берса хув ўна қасам,
Дилларни боғласа тагин ҳам маҳкам!

Не тонг, наҳр каби тўлиб оқсалар,
Элга шафғи бўлиб, комжў боқсалар!

Навоий, дарёдан шихоҳин узиб,
Деги, сўз гавҳарин бир нинга тизиб:

«Тўрт унсур дунёда бўлмаса мавжуд,
Аҳли башар узгай ҳайъдин умид!

Бир анинг сувдир, сувга ҳам замин
Башардек муҳтождир қадимдан қадим.

Сув сероб, вале йўқ миришкор мироб,
Шузи ваҳждин ҳосилдор ер ҳоли хароб!

Бир ариқ қазисак, кошки, Инжилга,
Ер берса ҳосилин заҳматкан элга.

Жўйи Инжил дебон атасак ани,
Тилисминн очса замин маҳзамин.

Эл тўйиб, ер тўйиб сув ичса, кошки,
Эл сўйиб, ер сўйиб сув кечса, кошки!»

Улус дарди билан янаган султон
Кўнглига хуш ёқди бу сўзлар чунон:

«Ушалгай, азизим, энди ораулар,
Инжил сари оқур шарқираб сувлар.

Сизга қанот бўлгай комил мақсадлар,
Истиқбол режага йўздур сарҳадлар.

Хирийин жаннатдек макон этгаймиз,
Машириқда ойини жаҳон этгаймиз!»

Хусайн саройда бўлиб тахтнинини,
Соқит қилган эди Хирот ташвишини.

Шаҳарни кезгани берсаю сабоқ,
Кошки, шоир билан бўлса куз-қабоқ:

«Бир элга еттулик Навоий ақли,
Бир элни туттулик Навоий нақли.

Яна кўрди ўзи: улусда унинг
Ҳурмати баланддир, мисли шоҳга тенг.

Навоий обрўсин салтанат учун
Истифода этмоқ истади бутун».

Навоий ўйлайди: «Агар этса аҳд,
Султон ҳам хайрли нинга қилур жаҳд!»

Ариқлар қазирса, сувлар чиқарса,
Боғлар бариво қилса, бинолар қурса.

Мақтабу мадраса, хонақоҳ, работ,
Шифохона ичра қолса не, Хирот!

Боғлардан мусиқа аримаса ҳеч,
Қиллари ичинда зангласа қилич!

Бунёдкорлиг ила юраклар ёнса,
Меҳнат шавқи ила диёр чулгонса.

Тинч-тоғув янаса эллар, элатлар,
Дўсту қардон бўлса барча миллатлар!»

Намозгар насими эгач Хиротга,
Саройга қайтдилар, эрк бериб отга.

XVII

Қор ёғар, печа кун қутилган қор бу!
Хирот боини узри сочилар ёғду!

Тун бўйи ёғди у, сокин, осойини,
Тун бўйи заминга берди оройини.

Замин беғубору ҳаво бўлди пок,
Гуноҳ доғин ювди савоббахш афлок.

Зулм тўзонини қор босган янглиг,
Қор остида қолди гўё қонли тиг.

Қор билан ювилди қилгилар қони,
Қор билан кўмилди излар сурони,

Урушлар, ғавғолар, ўлимлар тинди,
Азоблар, фиғонлар, зулмлар тинди.

Оқ шоҳи кўрнага бурканган замин
Бағрида борлиқни эркалар тамкин.

Фалак туман ичра, офтоб юзи берк,
Пардасин очмоққа сиғмас унда эрк.

Митти оқ юлдузлар кинот ичра,
Чарх уриб, рақс этар бу Хирот ичра.

Бетиним ёғмоқда нага-нага қор,
Оламнинг юзини кўрсатиб дилдор.

Мадраса, масжидлар, минорлар қорда,
Қасрлар, кулбалар, деворлар қорда.

Қорда «Боғи зағон» — дарахтлар ларзон,
Чумчуқлар чирқиллаб дон излар сарсон.

Бу кумуш оламга бериб зеб, оро,
Сайр этар инки зот хибон аро:

Бир — сўз мулкининг али арслони,
Бир — Хуросоннинг комрон султони!

¹ Ж а ҳ д — тиришиш, астойдил ҳаракат қилиш.

Оёқлар остида гирчиллайди қор,
Қор билан безаниб уйғонди наҳор.

Аёали бу кунда султон шавқи зур,
Оламтоб боғига тароват мансур.

Ҳайтовур, қоқилиб уридан турди,
Қаро кунлар кетиб рушнолик курди.

Юртин ҳам тинчйтиш мумкин бегумон,
Вале осмон эмас бўлмоқлик султон.

Салтанат таянчи унинг ёнида,
Гавғолар қузғолмас Хуросонида.

Гарчи неча ойни ўтказди сарсон,
Неча шеър, дostonни айлади қурбон.

Энди муқим туриб у қилгай ижод,
Истиқболда толеъ эшиги қушод.

Қор сайрин севарди шоир азалдан,
Қор мужда келтирмиш мулки газалдан.

Андухлар тарқалгай сайр этса қорда,
Еру кук базмини курса наҳорда.

Қорда сайр этмоқнинг ажиб гашти бор,
Руҳафзо манзара бағишлар виқор.

Фараҳли айёмда Навоий комрон,
Осуда қалбида қолмаган армон.

Ҳусайн уйғониб субҳи содиқда,
Биринчи қорни боз курди борлиқда.

Завқ билан битди у дустига «қор хат»,
Не «қор хат», ажойиб улфатта «зор хат».

Боғ аро шоирни кўрганда мағлуб,
Султон голибона жилмайди марғуб.

Кўзидан инжудек ёш чиқиб кетди,
Дилидан ғуссаи тош чиқиб кетди.

Юзига табассум энди ярашди,
Мумин қилди гўё ҳаёт саркашини.

Шоир чекинмади, гарчи у султон,
Деди: «Тонг газалин этмишлар қурбон!»

Қаҳқаҳа отди у: «Ноўрин даъво,
Улиқка жон ато этар бу ҳаво.

Биринчи қордир бу, шоирни аъзам,
Бутун қиш фаслининг хосияти жамъ.

Файзи бўлакчадир биринчи қорнинг,
Дардини тарқатур ғубори борнинг.

«Қор хат» қалай? Қўлга тундингиз, жаноб»,
У дедик: «Сизга юткизмак савоб.

Аммо, тонг-ла емай салтанат гамин,
Ўйин билан султон ўтқарса дамни.

Танбеҳга ҳожат йўқ, не ҳам дедгай,
Фақир зифатни бўйинга олгай».

Султон мулозамат этиб сайрга,
Дил яйраб, боғ аро кездилар бирга.

Сайрдан мақсади булак султоннинг
Қалбида яшар бир тилак султоннинг:

«Ҳокимият бўлсин дейди мустаҳкам,
Қуламасин дейди бўрон турса ҳам».

Исёнчи улусдан қалқиган Ҳирот
Элида қолдирди шоир яхши от.

Нозирлар ҳибсада кўргач узини,
Қудратин англади унинг сўзини.

Саройда бор дебон ўз одамимиз,
Кўнгли тўқ яшар эл, йўқ деб камимиз.

Султонга нисбатан унга ишонар,
Бошига иш тушса, қошига чопар.

Навоий обрўси ортиб тобора,
Ҳар қандай мушқилга топарди чора.

У билан Ҳусайн кўнгли ҳамоҳанг,
Камалак рангида буртган каби ранг.

«Яна баланд этса, балки, обрусин,
Элда машҳур бўлгай ўзи шу йўсин.

Эл билан эт-тирноқ бўлиб кетажак,
Шавкат тонги отгай кулиб келажак.

Меҳрини қозониб олса чинакам,
Салтанати бўлгай яна мустаҳкам.

Қаерга етсаки унинг қадами,
Босилар эл-улус исёнин дами.

Музаффар барлос ҳеч қўймас ҳолига,
У, балки, гов ташлар истиқболига.

Давлатдан олса-да қанча суюрғол,
Гоҳо иғво қўзғар зимдан бемалол.

Ўзи тўйган билан кўзи тўймайди,
Бузуқ нафсини ҳеч, нетсин, тиймайди.

Подшоҳ қилдим дебон сўзламас очиқ,
Лек обрў талашиб, сўз айтар аччиқ.

Навоий обрусин кўтарса агар,
Балки, беклар бегин ҳоври насар;

Балки, амирларнинг тинар фитнаси,
Балки, санчилмагай фитна игнаси».

Султон сукут ичра сайри қор айлар,
Юзи яшнаб, бирдан дил изҳор айлар:

«Алишербек, қандоқ зебо қиш фасли,
Барча фаслга у волида асли.

Ҳаёлларим олиб кетди йироққа,
Туфлушият¹ кечмини Ҳирируд ўққа.

¹ Т у ф у л и й а т — Ёшлик, Ёшлик пайти.

Едингизда бордур, чиқиб сабоқдин
Шомгача кетмадик, кезиб қирғоқдин».

Шоир кулимсираб бахш этди қанот:
«Инсон тирик экан, улмас хотирот».

Султон давом этди ёниб, завқ билан;
Лайлак қор ёғарди ўзга шавқ билан:

«Содиқ дўстлик учун ичгандик қасам,
Риоя айладик унга мунтазам.

Аслини олганда — қасамни бузмак,
Дўстлик ипларини, демакдир, узмак.

Қасамга биноан иш тутса фақир,
Жанобим булғайлар нуфузли амир!»

Ҳайрат билан унга тикилди шоир,
Султоннинг кўзлари кулар муғомбир.

Домга илинди, деб, ўйлар ичида,
Тилаги юз очмиш дил севинчида.

Қор кечиб, дилписанд Навоий сўзлар,
Бир лаҳза синовчан тўқнашар кўзлар:

«Подшоҳ ҳазратлари, қуллуқ қилгаймен,
Бундай марҳаматни шараф билгаймен.

Вале туфулийят айёми ўтмиш,
Шабоб замони ҳам дилини тарк этмиш.

Ўтмакда умримиз фусулин ёзи,
Ҳадемай соз чертар кўз ишқибози.

Сиз — султон, камина шоирдур, холос.
Тарки мансаб этмак шоиргадир хос.

Не хизмат бўлса лек этгаймен адо,
Номингиз ҳаминша тугтиб муалло.

Амирлик унвонин кўрмасмен маъқул,
Ҳасад уйғотмасин кабирларда ул.

Умримни ижодга бахш этсам, девдим,
Давлат хизматларин унутсам, девдим».

Шоирдан бу сўзни эшитган султон,
Ҳайратга тушмади — қилмади гумон.

Деди: «Насиб этмиш олий мартаба,
Токи обод бўлсун дорус-салтана.

Амирлар сўзига тиксалар қулоқ,
Ёзда ҳам музлагай сиз ичмиш булоқ.

Ижоду хизматни этсалар пайванд,
Вақт зоеъ кетди деб қилмагайлар панд».

Фитначи беклардан шоир дилозор,
Ўтинчини айтди султонга сўнг бор:

«Бир элимиз, лек неча уруғлари бор,
Ҳар қайси уруғнинг улуғлари бор.

Улусда барлосу арлотдур номдор,
Чиготой, тарҳон ҳам кам эмас зинҳор.

Сизни ҳам аймак лозим, султоним,
Фақир амир улса, комил иймоним,

Улуг беклар аро қўзғолгай низо,
Каминадин сизни этгай норизо.

Мен ички ва яқин кишиман сизга,
Гард қўнмаса дейман ҳеч шаънингизга.

Расм-русумга ҳам қилмай риоя,
Меҳрингиз туфайли мен топиб поя¹,

Турга ўлтирамен барча амирдин,
Агар амир бўлсам, анда фақирдин

Барлос кабирлари юқори тургай,
Мансаб мартабамга пуғур еткургай.

Умид қиламанки, муҳр босишдин
Мени қутқарсалар, барча юмушдин

Бош тортмай, ўзимни этгум намоиш,
Хизматни бажарсам чехра қушойиш».

Султон ўз сўзида туриб устувор
Чекинмак нелигин билмади зинҳор:

«Сиздек заковатли диловар инсон
Сўзига муҳтождир мулки Хуросон.

Амирлик либоси беагай сизни,
Яна кўркам этгай қоматингизни.

Ўзга илинжим йўқ, холисдир мақсад,
Бағоят зарурдир сизга бу маснад.

Барлос амирлари сиздин юқори
Ўлтирмас, бу Шоҳи Ғозий² қарори.

Аларнинг измидин чиқмаса султон,
Фитналар инида қолгай бегумон.

Бадиуззамондин ўзга бир амир
Сиздин тўрда зинҳор ўлтирмас, тақсир.

Ҳукми хос чиқаргум ушбу хусусда,
Мартабангиз баланд булгай улусда.

Сиздин юқорида ёлғиз бир амир
Музаффарбек барлос босгайдир муҳр.

Агар хоҳласангиз қилгаймен қарор,
Вале йўқ десангиз сизда ихтиёр.

Чунки у сиз билан дўст-биродарлик
Даъвосин қалбида асрар гавҳардек.

Ўзга барча амир рухсати биздин,
Алар муҳр чеккай, қўйида сиздин.

Хуросон давлатин иқболи учун
Хизматдин буюкроқ бурч йўқдир бу кун».

¹ По я то п м о қ — мартабага эга бўлмоқ.

² Шоҳи Ғозий — Султон Ҳусайн Бойқаро.

Шоир ўйга ботди, арзга ўрин йўқ,
Андиша юзидан қилсам қуллуқ.

Султон Ҳусайиннинг сиймосида у
Иймонли подшоҳни қиларди орау.

Муқтадир ҳукумат, одил ҳукмдор,
Илму шеър ҳомийси, софдил ҳукмдор,

Ишқол этган эди тасаввурини,
Халқига сарф этса бутун умрини.

Шоҳ тилагин қўйиб жон асосига,
Шоир кўнди унинг илтимосига.

Вале хоҳин этди бўла деб амир
Шайхим Суҳайлий ва Ҳасан Ардашер.

Султон кулиб қўйди мийиғида сал,
Ерда қолдирмаган сўзини азал.

Қор ёғар, ниҳтиқиб кутилган қор бу!
Ҳирот боши узра ёғилар парқу!

XVIII

Эрта билан қўён ёйилган бир пайт:
Наврўз газалидан ўқилди бир байт.

Ҳаво тиниқ, тиниқ феруза осмон,
Ерга сўзлар гуё маъруза, осмон.

«Боғи зогон» ичра эриб ётар қор,
Бугланиб боғ ичра оқади анҳор.

Ҳусайн хушрафтор кезади боғда,
Қушчи чол кўзини қолдириб доғда.

Боғ узра чарх урар кабутарлар шўх,
Ҳирот осмонига бағишлаб шукўх.

Гарчи ўрта ёшда, боладек ҳамон
Кабутар ўйинини тарк этмас султон.

Қўчқор уриштириб завоқ олар гоҳ дам,
Назардан қолдирмас хўроз жангин ҳам.

Бошида товланар қора қўзи бурк¹,
Қарқара ўтоға бурки узра кўрк.

Кўкчи кенг, ингичка белидан қўйи,
Зарбоф тўн ярашиқ шерандом бўйи.

Ҳарбу зарбда гоёт чаққон, моҳир у,
Ҳайиқинини билмас жўмард, ботир у.

Қилич яланғочлаб жангда печа бор,
Душманлар ҳолини этганди дунвор.

Жасур ва мардона сурар эди от,
Кўрагон наслидан унингдек бир зот

Қилич тортганини кўрмаган ҳамон,
Жанглар гирдобида қолган Хурўсон.

¹ Қора қўзи бурк — қора қўзичоқ терисидан ясалган телпак.

Бир қўлда қилнчу бир қўлда қалам
Тутар эди султон, хулласи калом.

Валекин мунтазам битмас эди шеър,
Раҳнамо бўлса-да унга Алишер.

Буюк подшоҳ бўлиб салтанатга мос,
Сийёсат юргузур теуриғига хос.

Бошини қуршаган давлат ишлари,
Улуснинг арзлари, қун ташвишлари.

Дарвозан Мулкдан елар Маждиддин,
Дилғир, кеча бўлиб ўтган мажлисдин.

Тун бўйи кўзига қўймади уйқу,
Этовдек емирди ичини қайғу.

Тўшакда илоидек тўлғониб чиқди,
Алам инигарини бўғзига тикди.

Ғазаби беҳудуд Кичик мирзога,
Наҳот, маснад учун боргай низога?

Не низо, сўзига келтиролмас шак,
Шак келтирса, думини тугади бенак.

Ҳадиёи султонга етди ёки йўқ?
Билмайди, нишонга тегмадимми ўқ?

Ўзгалар мансаби бўлаю баланд,
Печун у саройда дайди ит монанд?

Навойи, Ардашер бўлсаю амир,
Печун султон уни этмайди қадр?

Шайхим Суҳайлийини қилиб муҳрдор,
Не фойда тонади ундан ҳукмдор?

Ваъдасин унутди, балки, мирзоён,
Ё ҳазм бўлмади еган гизён?

Бармогин безаса унинг узукдек,
Сунг қонин сўрарди, балки, зулукдек.

Бойлиги кетса ҳам кетмасин обрў,
Бойлик билан келган олий насаб у.

Отамерос зардан этса гар эҳсон,
Мартабага ноил қилса не султон.

Бахтан таваккал, деб дадил қўзғолди,
Эшикни ичидан занжирлаб олди.

Калит солди зўрга бисот сандиққа
Ва парво қилмади инграб, санчиққа.

Олтин, кумуш ақча тугунун етди,
Қизганиб, чаңгаллаб, тахминлар бичди.

Кўкчига босади — қўли қалтирар.
Жонидан азизроқ кўринарди зар.

Шоҳи халтачанинг оғзин боғлади,
Илкига киргандек сарой маснади.

Ҳамёнга солди-да отланди шаҳдам,
Кибр билан қўйди у боққа қадам.

Султонни олидан кўриб, шовилди,
Юз қадам наридан таъзим-ла елди.

Хушомад, русумни келтириб бажо,
Ҳийлагар кўзида ёнди илтижо:

«Олий ҳазратлари, сизга атолгон
Эҳсоним бор эди, отамдин қолгон».

«Не эҳсон?» — Ҳусайн сўради ҳайрон,
«Ҳазонаи хосга»¹ — деди у шодон.

Султон деди: «Элтинг хазоносанжга²,
Салтанат эҳтиёж сезадур ганжга».

Мажиддин қувонди: «Харжингиз улуг,
Сийму зарга бўлгай хазона»³ тўлуг.

Фақир хизматларин сиздин аямас,
Ёнингизда бўлса соянгиздек, бас».

Султон кулиб қўйди: саройдан, демак,
Ёғлироқ мансабни олажак бешак.

Қаср сари юрди султон, кайфи хуш,
Мажиддин эргашди изидан хомуш.

Ҳашамдор хос хона ичра ақобир,
Маснад поясида ўлтирмиш оғир.

Султон киргач барча оёққа турди,
Аъёну ашрафга кўз югуртирди.

Тахт узра ўлтирди сўнгра бемалол,
Киборлар ҳам чўкди урнига дарҳол.

Султонга тутдилар жон қулогини,
Тикдилар кўзларин — қалб чирогини.

Ҳусайн хотиржамъ, сўзлади босиқ,
Амирлар билади: у нексўз, ноғиқ.

Кўнгли пок, феъли кенг, хушхулиқ ва доно,
Жаҳли тез чиқса-да, тез қайтар, аммо:

«Жаноби умаро, келмиш хуш замон,
Субҳидам пайтидек сокин Хуросон!

Улус тинч, ҳар қалай, низолар камдур,
Закот низомидин улус хуррамдур.

Элга қай амирки зулм ўткарса,
Ҳақиқа хиёнат қилмакка борса,

Мурувват кутмасин шоҳ Ғозийдин боз,
Салтанат олдида қилинмас эъвоз.

Маснади бўлмасин юксак нақадар,
Ҳаддин ошса, жазо олур муқаррар.

Шафқат кутмак йўқдур ташқи душмандин:
Гул узмак пайида бизнинг гулшандин.

¹ Ҳазонаи хос — подшоҳнинг хусусий хазинаси.

² Ҳазонасанж — хазина эгаси, хазиначи.

³ Ҳазона — хазина.

Гарчи хатар йўқдур, ҳушёрлик даркор,
Барча мулклар билан дўст-ёрлик даркор.

Тинч-тотув яшамак шноримиздур,
Рўшнолик маскани диёримиздур.

Ота юртимизни айлаб ҳимоя,
Солмаймиз ўзга эл бошига соя».

Султон қароридан шод аҳли даврон:
Фаровон ҳаётни қумсар Хуросон.

Лашкар хусусида қайгуриб ичдан,
Барлос дер: «Умидни узманг қиличдан.

Қилич ўткир бўлса, душман ҳайиқар,
Навкар жумард бўлса, тоғни-да йиқар.

Лашкар сафи бўлса метиндек маҳкам,
Ани бузолмагай қаттол ганим ҳам».

Амирлар маъқуллаш барлос сўзини,
У гайир шер каби тутар ўзини.

Султонку барлосни кўриб аҳдиеша,
Навойи сўзлади қилиб андиша:

«Аъло ҳазрат аҳди қатъий, устувор,
Анга қанот бўлмиш шаҳди шиддаткор».

Вале беҳаловат мамлакат ҳамон,
Қайиқдек қалқийди ҳамон Хуросон.

Хуш замон келса-да улус харобдур,
Қалбига боқсангиз ўтли хитобдур.

Ер танқис, сув танқис, танқис ғизоси,
Зироат бобида чиқмиш низоси.

Ҳирируд бўйида яшар — сувга зор,
Ер кўпу фуқаро ерсиз, чоракор.

Эртага етмайди бугун толгани,
Тандир бор, уни йўқ анинг ёгани.

Заминдорлар этмиш мулкани гораг,
Ғизоси — зогора нондан иборат,

Уйдирма ахборот бермакда беклар,
Ўзининг фойдасин кўрмакда беклар.

Қашшоқ, ночор яшар мавзиларда эл,
Азимат қилсангиз — орауманда эл.

Қиличдин илк узмас жаноби амир,
Қилич бирла кўрмоқ истайдур тадбир.

Пайт келди — қўйсалар қилични бу дам,
Зироат уругин сочсалар илдам.

Турмушга сарф этсак уруш харжини,
Солиққа йиғилмиш мулкнинг ганжини,

Кошки, барпо қилсак боғу бўстонлар,
Қир-адирни бўстон этса инсонлар.

Бунёд этсак, кошки, бинои хайр,
Фуқаро ҳам келиб айласа сайр,

Йиғитлар булсалар боғбону меъмор,
Қули гул наслдин яшаса дивёр».

Амирлар сукутда, султон ҳайратда,
Наҳотки, аданиди султон ҳайъта!

Оғир уйга ботди, Навоний-ку ҳақ,
Нега ҳақдан топсин? Дўст кўзи илҳақ!

Султон деди босиқ: «Жаноби амир
Навоний дегандек кўрғаймиз тадбир.

Мамлакат либоси эканки жулдур,
Зулм дастида у гадо ё қулдур.

Озодлик шамоли жмаса анга,
Эркинлик истаган сизмасе Ватанга.

Эл бирла чиқарсақ бир яқодин бош,
Олтинга айланур биз ушлаган тош.

Тўйдирмасак анинг қоринини понга,
Душ ё кўринади ўхшаб зиндонга.

Еру сув бермасак гар фуқарога,
Бош урғай Самарқанд ё Бухорога.

Хулласки, бошланиб осуда айём,
Муҳтожлик кўрмасдин яшасин авом».

Амирлар пошлож тикилди ерга,
Монельник қилмади бундай фикрга.

Долзарб масъалалар туриб кўндаланг,
Мансабдор зотларининг бошини қилди ганг.

Баҳс қилиб, жумбоқлар счилди шоён,
Кўпийини чехра-ла ўйлаиб султон.

Муҳр босмоқ учун фармон узатди,
Барча Навонийни зиндан кузатди.

Биринчи фармон бу, у бўлиб амир,
Акобир бошида кезар бир фикр.

Подшоҳнинг ҳукмича, бутун Алишер
Барчадин юқори босади муҳр.

Хожа Афзал олиб фармонини дарҳол,
Навоний қошида эгилди хушҳол.

Умаро кўзи ўқ, тадбирли амир,
Нишонин¹ олмасдан, мамнун боқиб дер:

«Беринг аввал амир Саййид Ҳасанга,
Ул зот муҳр боссин олиий нишонга».

Ҳурмат нэхор қилиб Саййид Ҳасан ҳам,
Амирга фармонини қайтарди шу дам.

Хожа Афзал икки ўртада ҳайрон,
Шопрга жилмайди, илкида фармон.

Навоний ул зотдан олди нишонини,
Умаро боқарди, ҳовучлаб жонини.

¹ Нишон — фармон.

Ўта камтарликни этди-да зухур,
У шундай жойинга босдики муҳр,

Ундан кўйироққа бирорта амир,
Муҳрини босолмай, қолди бетадбир.

Камтар Навонийдан султон ҳайратда,
Амирлар ҳайратда, девон ҳайратда!

XIX

Навоний хотиржамъ ҳам ошнфтаҳол,
Ижод огушида суради ҳаёл.

Оқ бадан шамъ илҳом фаринштасидир,
Пилги тап ичра жон ринштасидир.

Нур сочиб, ўт ичра қолгандир боши,
Поинга тўкилар инжу кўз ёши.

Калом хизматига белнини боғлаб,
Ҳаёл ҳимматига ўзини чоғлаб,

Дил тилга тутади фикрат зарини,
Не зарн, шешар учун сўз гавҳарини!

Ғаввосдек гарқ бўлар шоир ўй ичра,
Қузғолиб, ўй билан кезар ўй ичра:

«Сокин замон келди — дамлар осойиш,
Ҳаёт неча сафар қилди озмойиш:

Бало тошларини у сари отди,
Нотавон бошида тошини ушотди.

Йул кезди, чул кезди, кезди саргардон,
Эл кезди, юрт кезди, кезди ломакон.

Тош саҳн мадраса бағрида ётди,
Хароба ҳужрада совуқда қотди.

Қаҳатда қайнади зўрга қозони,
Кўннга яради зогора пони.

Зўр билан тебранди умр бешини,
Зориқиб, кўз тутди дўстга эшиги.

Ўз юртида ўзи кезди мусофир,
Мурувват кўрмайини — дард чекиб оғир.

Мусофирлар кулмин ҳолини кўриб,
Не мусофир, боқмин муҳожир кулиб.

Келсалар Арабу Юнону Чиндан,
Хутану Кашмиру Ажаму Ҳинддан

Қафтида кутарди мулки Хуросон,
Оёғи остида ўз эли яксон.

Азиз бўлди кўза синдирган, ҳайҳот!
Хор бўлди нечук сув келтирган, Ҳирот?

Қуксин қонатса ҳам ётлар отган тош,
Қуллуқ, деб, улуси нечун урар бош?

Ўз қадрин билмайди нечун миллати?
Ўзини паст тутар, недур иллати?

Бегона эркиндир — иззат-икромда,
Ўз улуси нечун тутқундир домда?

Нечун туркийда у ашғор битмайди?
Нечун она тилин ҳурмат этмайди?

Лутфий назми гарчи содда ва равон,
Нечун андин ҳамон гафлатда авом?*

Навонидан ўзга йўқдир издоши,
Ҳар қалай, Ҳусайний унинг йўлдоши.

Жавоб тополмасдан саволларига,
Юз тутди давронининг шамолларига.

Ўзга ерда кезди ўз ерин қўйиб,
Жони озор чекди ғурбатда қўйиб,

Дунёда кўп экан яхши одамлар,
Одамлар дардига қалби ҳамдамлар.

Умр елканин гарқ этолмай уммон,
Евуз тўфонлардан чиқолди омон!

Дур каби тўкилар сўзлар қоғозга,
Дур каби муҳтождир баъзан пардозга.

Юлдузлар сингари ораулари мўл
Ва юксак, узатса стармикин қўл?

Бу боқий дунёдан умиди катта,
Умид билан қадам қўймиш, адбатта.

Улкан ва қудратли юрт фарзанди у,
Ботир ва журъатли эл дилбанди у.

Туркистон мулкидан Хуросон қадар,
Маржондек сочилган бу эл муқаррар.

Бу тунроқ — мўътабар волидасидир,
Азим шаҳарлари — обидасидир.

Самарқанд, Бухоро, Шош ва Лидижон,
Ўтроқ, Ҳўжаид, Чимкент, Уш ва Марғилон.

Фарғона, Наманган, Хиваю Урганж,
Хироту Кеш каби ганжи ичра ганж.

Шаҳара оғози заминга пойдор,
Ўз юртида яшаб келишин устувор.

Искандар ҳарбини кўрди бу тунроқ,
Чингизхон жабрини сўрди бу тунроқ.

Сингамен, Муқаннинг шоини,
Темур Малик, Жалолоддин номини

Ялов қилиб даст кўтарди не авлод,
Ади излаб ҳаққа этди қасамид.

Эрк деганлар — бошини кўрди дорда,
Эл деганлар — умри ўтди озорда.

Бироқ, тиз чўкмади кетса-да боши,
Кўйса кўйди, қораймади кўшини!

Икки улуг дарё: Сайхуну Жайхун,
Обикавсар каби оқмоқда уйғун.

Яна қанча сувлар оқмиш мавж уриб,
Гулшан водийларда шўх базм қуриб.

Азамат улканиннг тупроғи нодир,
Зулми кўп кўрган халқи баҳодир.

Шундоқ эл лек бугун парокандадир,
Истибод илкига қарам бандадир.

Мозийси буюку саволхони кам,
Алломаси кўпу абжадхони кам.

Фаргоний, Беруний, Сино, Хоразмий,
Фаробий, Қошғарий, Улугбек, Яздий

Ватан гардунида сўнмас юлдузлар,
Мозийдан замонга тикилган кўзлар!

Ҳар қайси бир иқлим яратди фанда,
Маърифат машъалин ёқди ватанда.

Адолат ўрнатиб мулкда Темурбек,
Устувор бир давлат тузди темирдек.

Аҳли жаҳон аро ул қозонди ном,
Машиқу мағрибда топди эҳтиром.

Хожа Баҳоваддин ҳам Хожа Аҳрор,
Исмоил Бухорий сингари номдор.

Буюк зотлар билан тарихи буюк,
Суюк зотлар билан таърифи суюк!

Донинманд фарзандлар стинтирган халқ,
Ғурурин йўқотиб, наҳот, бўлса гарқ!

Наҳот, унутилди ботирлар руҳи!
Қайига йўқолди улус шукӯҳи!

Бир халқ яна, наҳот, икки дивёрда,
Иккига бўлинган бир қалб озорда!

Икки улка яқдил қовушмас, наҳот?
Наҳот, айри тушган Самарқанд, Хирот?

Низо қўлиб турмини уруғлар аро,
Уруғлардан чиқмиш улуглар аро.

Беклилар — кўксига санчилган ханжар,
Ватанин комига тортгучи аждар!

Бир ҳовуч сув ила парча ер учун,
Ўткинчи мансаб деб тўкишади хун.

Элиниг бири баланд, бириси настдур,
Бириси ўт-олов, бириси хасдур.

Бириси оқсуяк — роҳатда жони,
Бири қорасуяк — азобда қони.

Оқсуяк хос табиб билан эт-қўйруқ,
Қорасуяк учун чорасози йўқ.

Оқсуяк — насабдор бегу умаро,
Қорасуяк эса аҳли фуқаро.

Фуқаро фарзанди эркиз — мунғар,
Мақтабу мадраса кўрмай, улғар.

Бирор ҳарф танимай — чиқармай саною,
Турмунида турганиб янайдн поною.

Ўқимақ истаса, афсус, мактаб оз,
Акобир аҳлида анга матлаб оз.

Кутубхона лозим аҳли допишга,
Кошки, қўл урса шоҳ хайрли ишга.

Пойтахти азимда карвонсароӣ кам,
Халқ дардин сўйловчи дostonсаро кам.

Жумбоқлар тугуни тизилиб ётур,
Зуд билан енгали ким нигоҳ отур?

Шуаро бошини қовуштиргай ким?
Парвонадек узин утга ургай ким?

Ким булғай йулбошчи зариф зотларга?
Марҳамат қилғай ким аҳли ҳунарга?

Фузало — замона ақли, виждони,
Кўз бирла қулоғи, қалби, иймони!

Ярасига унинг санчмайин тикан,
Кўнглин кутарса бас ширин сўз билан.

Истеъдод учқуни ярқ этган онда,
Аланга бўлолмаё сўнар тўзонда.

Илқиндан келмаган чоғда савоб иш,
Гуноҳ қилиб элга орттирма ташвиш.

Яхши сўз гадоси — инсон фарзанди,
Жаҳон айвонида йўқдир монанди.

Меҳри — шифо анинг, газаби — шамшир,
Халқ бахтин уйласанг — хор этмас тақдир».

Навоий уйлари шамъ билан ҳамроз,
Ҳамроздир қаламу довоғу қоғоз!

Тасарруфда: она тили махзани,
Она тили махзанидир маскани!

Бу махзан ганжидан ҳайратда кўзлар:
Камалак сингари товланар сўзлар.

Сўзларки, маънодан кияр зар либос,
Сўзларки, юракдан чиққан эҳтирос.

Туркийни ҳақсизлик тиканзоридан,
Таънаю бўҳтонлар суҳанзоридан

Элтсам дер шеърят бустони томон,
Шаън-шавкат тахтида қутласа жаҳон!

Форсийдек назмда қозонса, дер ном,
Ўзга тилга асло бўлмаса гулом.

Тиллар аро топса ўз ҳуқуқини,
Камонидин отса у ўз ўқини.

Давлат тили бўлиб танилса, кошки!
Олам аро донғи ёйилса, кошки!

Қоғоз узра елмиш қалам тулпори,
Мисрага тизилимиш юрак изҳори.

Келиндек юз очмиш бир дилдор газал,
Не газал, ишвагар, гулнигор гўзал.

Оқтоб тоғ бошида ёйганда шуъла,
Дарёлар айтганда унга ашула,

Уйига мавж уриб кирганда ёғду,
Янги газал билан қарини олди у.

Қалам довоғ билан айлади висол,
Зилул чанма каби тиниқди хаёл.

Рухий бир енгиллик сезиб ўзида,
Қаноат учқунин баққди кўзида:

«Мен жаҳондин кечдиму
кечмас менинг жонимдин эл,
Мен илик жондин юдум,
чекмас илик қонимдин эл.

Туш-тушимдин баски
расволиқ ўти лов-лов ёнар,
Ҳар тараф йулдин чиқорлар
ўтсалар ёнимдин эл.

Бахтим уйқусига гўёким
сурудекдур ҳазин,
Кўйида буким уюмас
ҳар тун афғонимдин эл.

Тонимаслар бир-бирин ётқон
мазаллат гардидин,
Сургони ҳолим кириб чиққунча
вайронимдин эл.

Менда тумори жунундек печ,
вахким, бохабар,
Ҳар тараф кўнглумда қонлиқ
доғи пинҳонимдин эл.

Истарам, эй Хизр, келгаймен
қилиб жон бирла тавф,
Кабан куйин хабар топқунча
борғонимдин эл.

Эй Навоий, қилмагайлар айб агар девонамен,
Ул пари васфи ўқуғон сойи девонимдин эл».

XX

«Боғи шимол» ичра нақшин кошона,
Ҳирот санъатидан олий нишона.

Кошона ичинда қизгин базми хос:
Султон Ҳусайн билан Музаффар барлос.

Кайфлар чоғ, ултирар рубару, дилгоҳ,
Эт гажиб, сипқорар шаробдин гоҳ-гоҳ.

Уларга парвона Хожа Ўсмаёт бот,
У элда Қорун деб чиқаргандир от.

Тўнғиздек чорпахил, гавдаси кўпол,
Қовоқбош, кенг елка, ҳам эчки соқол.

Кўзлари косадек, қошлари бароқ,
Қулоғи супрадек, чакка муйи оқ.

Мулкдор ота ўйлаб ўгли иқболни,
Хазинага туқди жамгарган молни.

Гулдек чўри қизни элтиб ҳарамга,
Сажоюр бўлинидир олий карамга.

Насаби понокдир, вале мисли пок,
Узини тутғинидир саройда бебок.

Ҳусайн қўйинга кириб олиб у,
Амирлар тағига қўймоқдадир сув.

Устомон, кечиб у ҳийла сойидан,
Тутиб олди султон ноаник жойидан.

Исама хушомад, ёлғон табассум,
Сохта тавожъни айлади русум.

Отаси орқали бўлдию мироб
Сувга муҳтожларни этди жингиртоб.

Дарёнинг бошида ўз одамлари,
Ариқ қўлогига ўз маҳрамлари.

Ақчага айрибош айлади сувни,
Эл қочди, узоқдан кўрса бу қувни.

Султоннинг оғзини мойлаб қўйди у,
Кўзини қийиқсиз боғлаб қўйди у.

Хазина бут бўлса, султон кўнгли туқ,
Гўё ундан ўзга бирор ташвиш йўқ.

Қўлогига етмас улус арз-доди,
Сувга ташна замини чекмини фарёди.

Хожа Ўснат хурсанд, мисли муғбача
Косага май қуяр, қўлда кўзача.

Кўнгли очар базм тузиб шоҳона,
Султон атрофида жони парвона.

Эврилар барлоснинг кўнглин чоғ қилиб,
Саройда соябон якка тоғ билиб.

Чунки, у султонга яқин, ҳамнишин,
Мартабаси баланд, унингдек кишин.

Соясига салом бермоқ шарафли,
Пинжиги олар у тоза насабни.

У назар қилдию, кўтариб мўнди,
Сарой саҳнасига калхатдек қўнди.

Авраб, ўз йўлига солди султонни,
Дўстлари эгаллаб олди девонни:

Хожа Низомулмулк кийди зар либос,
Мажиддин Муҳаммад парвоначи хос.

Мансаби учидан бериб кўрмана,
У билан бу оқшом қурди тантана.

Хожалар тўрига илинди султон,
Бу тўрдан чиқмоғи энди дарғумон.

Ҳусайн мастона, барлос кайфи хуш,
Бошларда чарх урар хаёллар сархуш.

«Қозоқлик» йиллари эсига тушди,
Аламли армонлар наҳрдек жушди.

Хаёл қўни учар Мурғоб узра гоҳ,
Гоҳ Фарғоб боғида топади наноҳ.

Астробод, Маймана ошён бўлур,
Хоразм даштгида жони эврўлур.

Тугёнда кайф қилар Хоразм дебон,
Бир пайтлар у юртга эди ҳукмрон.

Хоразмин обод қилиш хаёли
Қўзғолиб, жонланди Жайхун жамоли.

Ер кўну эли кам, сув эса сероб,
Экинсиз, боғ-роғсиз, чўллар жингиртоб.

Беклар беги торғди саволдан ҳунёр:
«Негурсиз, «қозоқлик» бошланса такрор?»

Барлос қаҳ-қаҳ уриб, деди ширакайф:
«Урмимиз данг аро кетмади-ку ҳайф.

Кезмасак сарсонлик-саргардонликда,
Қадримиз бўлмасди, балки, бу мулкда».

Султон деди, қийиқ кўзлари чақнаб:
«Бизни ёд қилса не Хоразм, олақаб.

Обдон дилакан манзил Жайхун соҳили,
Жайхундек феълни кенг Хоразм эли.

Алюма Беруний янглиғ улуг зот,
Ани атамиллар: буюк мўъжизот.

Урганждин то Дехли, Жайхундин то Ганг,
Беруний илмидин элга урмиш занг.

Меҳр кўп кўргизгач Маҳмуд Ғазнавий,
Шўҳрат тожини кийимин Беруний қавий!

Ҳиммати баланд эл Хоразм эли,
Дўшманга нафрати — Жайхуннинг сели!»

Барлос деди: «Сизки, қилгач иқомат,
Сел янглиғ тошса-да, этди итоат».

Султон деди мамнун: «Умаросига,
Не умаро, балки, фуқаросига,

Хоразм юртини обод қилгали,
Олий иморатлар бунёд қилгали,

Фақир ваъда этмиш — тордир имкони,
Фурсатин кутмакда шабоб армони».

Хожа Ўснат деди: «Улуг султоним,
Сиздин улус хурсанд, комил иймоним».

Унинг тилини чўрт кесди Музаффар:
«Жайхун соҳиллари афсона манзар.

Туқайи шикорбон, тупроғи булик,
Сувини ичса гар тирилгай улук.

Валинеъмат қилса ваъдага вафо,
Хоразм юртида қургаймиз сафо».

Ютоққан қоплондек сипқориб шароб,
Дарга деди: «Борки, фалакда офтоб,

Мурод ҳосил улғай, улугдир мақсад,
Валламат кишилар улжада беҳад.

Хоразм элидин булмай қарздор,
Боғу бўстон этур ани шахриёр.

Хуросон мулкидин минглаб хонадон
Кўчиб, Хоразми қилғайлар макон!»

Мироб далда берди: «Ажаб иш булғай!»
Барлос мамнун боқди: «Эл бахти қулғай!»

Кайфи ошиб Ҳусайн сузди кўзини,
Жаҳон подшосидек сездди ўзини.

Хожа Ўсмаат уйчан: келди деб омад,
Яна май қуйди-да, қилди хушомад:

«Аъло ҳазрат, менга этсалар рухсат,
Кучманчи улуста тузғаймен руйхат».

Бекларбеги сари қилиб ишора,
Шоҳ деди: «Амирим, йўқ узга чора.

Хожа Ўсмаат белни боғламинч маҳкам
Ва лекин ўзингиз булғайсиз ҳамдам.

Норизо булмасин ҳукуматдин эл
Ва яна қўпмасин хусуматдин эл.

Сиёсат юргизинг раъйига қараб,
Толёнинг қулғай, денг, кунига яраб».

«Амри вожиб!» деди бош эгиб барлос,
Бош мироб керилди ҳукмдорга хос.

Май қуйиб кўзадан тутар паёнай,
Мажнунвор шеър ўқир, султон, ичиб май:

«Туқуб қоним, тараҳхум қилмадинг ҳеч,
Кўруб ҳошим, табассум қилмадинг ҳеч.

Табассум қилмайин, жонимни олдинг,
Олиб жоним, тараҳхум қилмадинг ҳеч.

Жаҳон аҳли куюб оҳимдин, эй ёр,
Бу оҳимдин таваҳхум қилмадинг ҳеч.

Фироқида: кўнгул, кўп чеқдинг афғон,
Висолида тараннум қилмадинг ҳеч.

Ҳусайиний ҳажрида афғондин ўзга,
Кўруб меҳнат танаъум қилмадинг ҳеч».

XXI

Дустлар билан маъмур шоир даргоҳи,
Пойтахтда доврўқин шеър қароргоҳи.

Сулим соя-салқин боғу бўстонда,
Ҳовлига файз қўнган шинам шийпонда,

Дастурхон устида суҳбат олар авж,
Сарафроз юраклар денгизиди мавж.

Навоий меҳмонлар ташрифидан шод,
Жонин садқа қилса арзир умрбод.

Абдурахмон Жомий — соҳиби калом,
Нуфуз-ла даврада ултирмиш киром.

Ун гарди қўнгандек оқарган мўйи,
Қулоғи остида кексалик кўйи.

Умр фусулининг тугаб хазони,
Қишида сайр этмиш назм аркони.

Ўзни йироқ тутди саройдан доим,
Не сарой, дунёда ким булса лаим.¹

Шоҳруҳу Улугбек мирзо замони
Самарқандда угди таҳсил даврони.

Улугбек иним, деб кўрсатди имдод,
Сулукатли шоир ҳамон этар ёд.

Нақшбандий маслагин раҳнамоси у,
Ислои илмининг пир уламоси у.

Навоий фикрдош табаррук инсон
Дустлик тангрисига келтирди иймон.

Ога-ини булиб назм шерлари
Бир дуторнинг икки тори сингари!

Жомий суҳбатидан мамнун меҳмонлар,
Фасоҳат сеҳридан фархунда жонлар:

«Алишербек амир булиб киройи
Иқтидор навосин қилди хиргойи.

Ҳирот гавғосида туриб эл тараф
Таҳсини олқишга булмиш мушарраф.

Халойиқ ичинда ортмиш обрусси,
Нусрат соҳибини топмиш улуси.

Умум ризо булса, ризодур илоҳ,
Ҳожатин чиқармак савоб, аҳли жоҳ —

Авом раҳматини олғаймен деса,
Кошки, сиздек анинг ғамини еса!

Кошки, хўб шеър айтса она тилинда,
Довруқ топса сиздек она элинда.

Мазаллат² ранжини кўп чекиб гоят,
Туркий ўз шоирин тонмини ниҳоят!

Туркий буюк тилдир, зебо ва рангин,
Жон қўни яйрагай тинглаб оҳангин.

Анинг маҳзани бой — битмас то абад,
Шуҳратда форсийдек билмагай сарҳад.

Форсий ила туркий янграб асрлар,
Маҳзанин бойнтур янги насллар!

¹ Лаим — паст, нокас.

² Мазаллат — хўрлик, хорлик.

Икки тил соҳиби булмак зур шараф,
Бир дурни чиқарса не тонг, минг садаф!

Ҳавас кўзим сизда — «зуллисонайн»сиз,¹
Кўҳи баланд аро зилол айнисиз.²

Амир Алишербек, аҳли дил муҳтож,
Атрок³ лисонига бергайсиз ривож!

Ҳазрати Лутфийнинг дилин этиб шод,
Туркий бустонини қилибсиз обод!»

Фасиҳиддин Соҳиб Низомий мавло
Сиймоси нуридан обод бу маъво.

У Ҳиротда манзур зотлардан бири,
Мадраса илмида Навоий пири.

Хуросонда машҳур улуг бобоси,
Умрига дастурдир бобо дуоси.

Низомиддин Ҳиравий набираси у,
Насаби кўп нажиб ҳамда баобрў.

Низомийлар дерлар уларни элда,
Аллома ухшаши йўқдир илмда.

Мударриси аълам деб олмиш унвон,
Китобларин уқир бугун Хуросон.

Жомийдан бир мучал кичикдир ёши,
Зоҳирий илмда унинг йўлдоши.

Неки иншо этса нодир аллома,
Ундан баҳраманддир аҳли уламо.

Бошида кўтаргай толиблар уни,
Не толиб, илмда голиблар уни.

Навоийнинг меҳри жони ичра жон,
Шогирди бошида доим соябон.

Жомийни қувватлаб у этди давом,
Юракдан отилиб чиқди ҳар калом:

«Қутадғу билиг»ни яратган бир халқ
Лисони чақнаса арзир мисли барқ.

Асрлаб йиғилган туркий эл зари
Навоий каломин булғай гавҳари.

Амир анъорига халойиқ мойил,
Нозик маъносига қолмакда қойил.

Ҳиравий бош тикса сўз қўюнига,
Навоий чорлайди сўз уйинига.

Ҳофизлар кўй боғлаб айтар базмда,
Халқ эса жўр булур мулки азимда.

Афсус, омий кўпу камдур саводхон,
Кўзи очик кўрга ухшар Хуросон».

¹ Зуллисонайн — икки тил соҳиби.

² Айн — булоқ.

³ Атрок — туркийлар.

Аллома фикрига бергали ривож,
Деди Саййид Ҳасан Ардашер миҳож.

У илм-ирфонга умрин этиб бахш,
Фикрат кошонасин безаб, солди нақш.

Иноят кўрсатиб Султон Ҳусайн
Амирликка уни айлади тайин.

Ардашер амиру ҳаловати йўқ.
Олиму ишидан кўнгли эмас тўқ.

Илмга вақт қолмас амирлик қилса,
Амирлик оқсайди олимлик қилса:

«Ингичка маънолар гарчи сўзида,
Жаҳолат пардаси авом кўзида.

Хуросон тунида ёққани чироқ
Чароғбон йўқ эди, тонг эса йироқ.

Уста богбон керак диёр боғига
Ҳамда бир чароғбон эл чироғига.

Истиқбол уфқига ташласам назар,
Навоий сиймоси яққол кўринар».

Мирхонд мамнун Ардашеру Жомийдан,
Кўҳна тарих чангин қоқди мозийдан.

У муаррих Сайид Ховандшоҳ ўғли,
Тарих жабҳасида юраги чўғли.

Балхнинг донишманди, бузурги эрди,
Минг йиллик мозийни титкилаб кўрди.

Тенги йўқдир иншо, тарих фанида,
Бехато «жанг» қилар нард майдониди.

Жомий билан тенгдош, илмда пуркор,
Салафлар қисмати умрига пойдор:

«Афросиёб подшоҳ бўлиб Туронда,
Сўғду турк яшади дорул-амонда.

Юнону арабу мўғулга қарши
Енма-ён жанг қилди қуламай арши.

Сомонийлар, темурийлар замони
Жабҳаларда синалди боз иймони.

Тарихда эгизак тугилган халқлар
Минг йиллар субҳида офтобдек балқар!

Форсийми ё туркий — қай бири афзал?
Деганлар англамас ўзин муфассал.

Ўзга халқ тилини билмак нодир бахт,
Икки тилда, зотан, сўзлашур пойтахт.

«Зуллисонайн» булса анга не етсин,
Манманликни аҳли сурат унутсин.

Миллати бошига бўлиб бир бало,
Маҳдудлик қилади худком фузало.

Алишербек фикрин султон қадрлар,
Мундин ташвишдадур баъзи кабирлар.

Донишмандлар турса шоир ёнида,
Ҳақ қарор тошгайдур Хурожонида».

Даврада яна не аҳли мусоҳиб
Ўлтирур акобир савлати босиб.

Навонийга азиз Аҳмад Ҳожибек —
Самарқандга қилган эди ҳокимлик.

У билан қадрдон ўшандан бўён,
Марҳамат этганди оғасисмон.

Мўйлаби қалдирғоч қаноти йўсин,
Қора калта соқол юзига ҳусн.

Заррин ҳошияли кўркам барқут тўп
Қоматин кўрсатар расо ва дурқун.

Ҳусайн кўрғазиб унга эҳтиром,
Амирлик унвонин бермин бу айём.

Таъби ҳуш, назмга азалдан шайдо,
Кечмишин айламин ғазал ичра жо.

«Вафой» деб бежиз қилмас тахаллус,
Аҳдига вафодор, ризодир улус.

Яна бири — амир Шайхим Сухайлий,
Қадрли Навоний меҳри тўфайли.

Назм билан ойна ёшлик чоғидан,
Гул ўзини туркий ва форсий боғидан.

Навонийга тенгқур ҳам мусоҳиб,
Девонда инсофли муҳр соҳиб.

Яна Хожа Афзал, Қирмон мулкнинг
Азиз зотларидан аждоди унинг.

Кибриза, таъби ва тийнати хўбдир,
Аҳли қалам каби элга марғубдир.

Ҳисоб-китобда у нодирни даврон,
Қирим-чиқимни хўб билган ҳисобдон.

Султон ҳам хурсанддир Хожа Афзалдан,
Навонийга меҳр қўйган азалдан.

Қурдошу лек ундан ўзин тутар наст,
Долзарб жабҳаларда ҳамқору ҳамдаст.

Яна Султон Али Маиҳадий — котиб,
Акобирин тинглар хаёлга ботиб.

Ҳуснихатда моҳир Хуросон ичра,
«Насх таълиқ»да, балки, бу жаҳон ичра.

Зурафо тан берган ҳассос санъаткор
Риндона ҳаётин этмин ихтиёр.

Мушоира қизиб ихват базмида,
Армонлар акс этди ғазал рамзида.

Вафой тилида Қўҳак дилбари,
Сухайлий сўзона ошиқ сингари.

Ҳикмат ганжи бисёр Жомий назмида,
Шер журъати Навонийнинг аамиди:

«Назмга бағишлаб фақир умримин,
Битмак тилгаида эрдим шеъримин.

На чора? Иноят қилмади султон,
Садоқат бурчига келтирди гумон.

Ўйлаб боқсам, анинг нияти эзгу,
Салтанат субҳида тадбири узгу¹.

Фармони Ҳумоюн чиқариб ҳангом
Марҳамат қилмакчи улуста комрон.

Зеро, давлат халққа этса муравват,
Ранӣят ҳам анга бағишлар қувват.

Элга шафий бўлиб қилсам хизматин,
Ўрнига қўярмен, балки, иззатин.

Туркий ҳусусида айтилмин нек сўз,
Мулк аро форсийдек у тошгай нуфуз.

Даставвал — лисонга ҳуррият лозим,
Ҳурликка сазовор шеъринг лозим.

Тикламак пайтидур туркий эркини,
Қўрғатмак пайтидур калом кўркини.

Коски, бешитибоҳ бўлса мулозим,
Илму шеър дарғаси — олим ва позим.

Муддо равнандур: аҳли уламо
Кифтида турибди бисёр муаммо.

Мақтабу мадраса этилса бунёд,
Улус фарзандлари чиқарса савод.

Илм қўзин очса — одамни таниб,
Олам асрорини олса ўрганиб.

Аҳли дониш эса сокин давронда
Асарлар яратса туркий лисонда.

Илмда, назмда ҳамда девонда
Шуҳрати тикланса айни замонда.

Султон Ҳусайн ҳам мазкур фикрда,
Фикримиз қолмағай фақат зикрда.

Исбот этмак лозим амалда аввал,
Насия ваъдадин нақдина афзал».

Барча ўйга ботди — сукут ҳукмрон,
Аҳли дил сўзига муҳтож Хуросон!

XXII

Энди тошган чоғда улус осойини,
Ҳусайн Бойқаро берди фармойини:

«Хуросон халқидан уч минг хонадон
Кўчирилсин дарҳол Хоразм томон.

Токи, эл у ерни қилсин-да макон,
Юлғунзор даштларин этсин гулистон».

¹ Узгу — ўз, ўзига ҳос.

Фармоннинг ижроси Музаффар барлос
Ва Хожа Ҳуснатга юклатилди хос.

Билмасдан топширди қўйни бўрига,
Амирлар яралган халқнинг шўрига.

Навоий фармонни кўрмай мувофиқ,
Йўлдан урган деди аҳли мунофиқ.

Раҳми келиб ҳақир авом ҳолига,
Ошиқди султоннинг истиқболига.

Арзини айтди у жасорат билан:
«Гарчи аъло ҳазрат мақсади бундан

Ислол мамлакатин обод этмакдур,
Аъёнлар роҳатин кузда тутмакдур,

Бир гуруҳ мардумнинг уйлаб иқболин,
Тузатмак булса-да, гариб аҳволин,

Урганган ватандин ажралиш, аммо,
Муслмон аҳлига азал муаммо.

Бу жамоа бориб ўрнашган билан,
Маълуммас, у ернинг бўлмоғи гулшан.

Умид шулки, подшоҳ марҳаматидин,
Хуросон мулкининг ҳукуматидин —

Бу ишнинг баҳридан утсалар, зеро,
Халойиқ бўлмаса сиздин норизо.

Хуросон улуси борур ёки йўқ,
Тақдир иродаси топса тааллуқ,

Хоразм ҳам обод бўлмоғи мумкин,
Дашт аро бустонлар кулмоғи мумкин.

Бунинг учун шартмас, чиқариб фармон,
Муқим аҳолини қилмак саргардон».

Навоий қайғуриб қидирди имкон,
Ризолик қулоғин тутмади султон.

Фармони олийни этмоққа бекор
Жўрғат қилолмасдан деди ҳукмдор:

«Амир ҳазратлари, ҳеч иложим йўқ,
Сўзимдин қайтмакка эҳтиёжим йўқ.

Тагин мушоҳада қилинг бир бора,
Саҳв улса, тузатинг, бўлмади дилпора.

Сиздин бемаслаҳат иш кўрмам зинҳор,
Инобатта олинг сўзимни бир бор.

Улус турмушини яхшилаш мақсуд,
Мақсудга биноан кўрдик тараддуд».

Навоий — бош эгиб саройдан чиқди,
Умид ниҳолини гам ели букди.

Себзорга қадами етганки замон,
Сурон эшитилди унга беомон.

Отни илдамлатди: қий-чув ва йиғи;
Кўксига урилди мусибат тиги.

Шоирни кўрдию бир чол узоқдан,
Рўхланди қутулган каби тузоқдан.

Уроққа ухшарди унинг қомати,
Бургут эса, синган эди қаноти.

Оқсоқол асога таяниб базур,
Таъзим қилиб деди: «Тутгайсиз маъзур.

Арзиҳол айласам, муҳтарам жаноб,
Қутқаринг балодин, ҳолимиз хароб.»

Чол сиймоси таниш кўринди хиёл,
Навоий сўради: «Рўй бермиш не ҳол?»

Чол деди: «Жин урмиш султонимизни,
Хоразм элига кучирар бизни.

Амир Хожа Ҳуснат рўйхат тузмишидир,
Қалдирғоч инини илон бузмишидир.»

Халойиқ куч олиб чолнинг сўзидан,
Ғазаб учқунлари чақнар кузидан.

Қулларин ҳавога чўзиб беомон,
Елвориб сўзланар бесару сомон.

Биринчи овоз:
«Кичик бир амалдор келиб девондин,
Элни огоҳ этди олий фармондин».

Иккинчи овоз:
«Хожа Ҳуснат амри билан тутиб иш,
Қовоқ ари янглиг элга санчди инш».

Учинчи овоз:
«Хатта тушдик, утта тушдик, дебон эл,
Қузғолди ғазабдин, эди гармсел!»

Қули билан босиб эл ғавғосини,
Навоий сўзлади муддаосини:

«Озурда халойиқ! Тинчланинг, қўпманг,
Ҳирийдин ким келса, илкени ўпманг.

Себзор беги кимдир, қани ул жаноб?»
Оломон ичидан гурлади хитоб:

«Хожа Дехдор! Ана, «девонбеги» ҳам,
Кулбамизни вайрон қилимиш, шумқадам!»

Узини йўқотиб қўйди-да Дехдор;
Навоий қошида бош эгди ночор.

«Девонбеги»-си бу — олғир Қашқирбек,
Кимни кўрса ғажир, сира юрмас тек.

Оқпадар фарзандни ичида қарғаб,
Эл унга «Гумроҳ» деб қўйгандир лақаб.

У, Хожа Ҳуснатта содиқ мулозим,
Адо этар, мироб не кўрса лозим.

Парвонанининг ҳам этагин тутди,
Ёғли қозон истаб девонга ўтди.

Кўнгли фитна ини — ниёти қора,
Гўё соғлом танга ёпишган яра.

Яхшини кўролмас — ёмон билан дўст,
Унга дучор бўлса, илон ташлар пўст.

Қилминин қабиҳлик, тилида захар,
Мурдага ўхшайди ранги, алҳазар!

Салла деса, олиб келади калла,
Қон қақнар у борган қишлоқ, маҳалла.

Улусни тишчишиб, сўради шоир:
«Айтгиниз, буюрди сизга қай амир?»

Хожа Ўсмаат дебон гудранди Гумроҳ,
Дехдур ерга боқиб айлади огоҳ:

«Итоат этмакдур фақир вазифам,
Зарурат тухайли буюрди хўжам».

Себзорликлар кўчса Хоразмга гар,
Бу ерда хўжаси хуморини ёзар.

Чорбоғи хос қилгай қазоб амирга,
Не ажаб, сўйр эгса Хусайн бирга.

Себзор беги билан Гумроҳ тошиб тил,
Фигон гулханида хасдек ёнди эл.

Босиқ деди шоир: «Билдурезми, бек,
Поризо бўлса эл турмагайдур тек.

Умид кўзларини узгай султондин,
У пажот нетайди ҳар мусулмондин.

Қуш ини бузилса, дод-фарёд қилгай,
Эл ини бузилса, юрт барбод бўлгай!

Хоразм юртига экансиз хунтор,
Ўзингиз отланинг, бўлманг бадқирдор.

Вале элга тегманг, Қашқирбек, тезроқ
Ҳирийга жилсангиз бўлур яхшироқ».

«Қуллуқ» деб бек билан «девоибег» хор,
Қўлтигидан тушди тарвузи ночор.

Шоир халққа деди: «Қилинг қапоат
Ва лекин қолмасин қори зироат.

Мишбаъд ҳеч ким озор бермайди сизга,
Эмди боргайсизлар уй-уйингизга».

Эл тишчиб, тарқалди. Шоир билан чол
Диққат назарини тикдилар алҳол.

Навоий таниди... Бу ўша — найсоз.
Болалик боғини яшнатган устоз.

Саксонни қоралаб пиронсол ёши,
Не муникул қушларини кўрмади боши.

Чайир бўлганидан жуссаси унинг,
Ҳамон тетик эди, елкалари кенг.

Меҳр балқиб турмини кўзлари ўгли,
Иймони мустаҳкам, бир сўз, субутли:

«Жанобим, барака тонинг умрдин,
Тонинг қадрү камол, шоир-шавкат шеърдин».

«Ташаккур, отахон!» — деб Навоий шод,
Най ясаб берганин унга этди ёд.

«Сиз ўша болакай, най шикрбози?
Ёрқин истеъдоднинг пайдур оғози!»

Қаранг-а, чақмоқдек ўтмиш неча йил,
Лек сизни ёд этдим, бўтам, муттасил.

Бошим тошдин экан, янадим узоқ,
Нетайин, бағрига олмаса туироқ.

Кўрдим: носозликлар, жабру зулмин,
Бошимдин кечирдим неча ўлимни.

Барига кўникиб кетар экан кўз,
Насибам рингаси узилмас ҳануз.

Шифо берур ҳайт гулининг ҳиди,
Танимга дармондир яшан умиди».

У бирдан Ҳиридуд сингари тонди,
Шоирин эркалаб бағрига босди,

Мулозамат этди: «Бўғайсиз меҳмон,
Ўша ўзингизга қадрдон макон».

Навоий рисолик илқин узатди,
Найсоз ҳолатини хушнуд кузатди.

Чол ўзин ийитдек тутди-да, бардам,
Меҳмон билан шаҳдам ташлади қадам.

Ҳиридуд бўйида ғариб бир кулба —
Бағрини ёритиб югурди шуъла.

Йиғирмини чархини кўйди-да каминр,
Ўрикнинг тагига жой сохди абжир.

Қушлар шодибна сазини чалди,
Қўнғиллар кўкидан туман тарқалди.

XXIII

Амир Хожа Ўсмаат дилқуно боғи,
Ҳирот акобирини унинг кўноғи.

Ҳиридуд бўйида кўркам иморат
Мироб доврўғига қилур ишорат.

Мевазор, узумзор, гулзордир бу боғ,
Соя-салқин, баҳор узордир бу боғ.

Намозгар насими кезар боғ ичра,
Улфатлар анжуман тўзар боғ ичра:

Мажиддин турқида кибр ва ҳаво,
Фитнагар кўзида сирли мулдаво.

Ғарчанд улуг эрур Ҳиравий ёши,
Мажиддин қонинда эгикдир боши.

Гумроҳ кўрс, сўзида қўланса ҳиди,
Ниҳолдек синмаган ҳали умиди.

Хожа Ўсмаат дилғир — дарди ичиди,
Жонин чавақланар ғам қиличиди.

Музаффар барюста кўзи бўлмиш турт,
Танига қурт тунган дарахт каби мўрт.

Шоҳи тушакларга чуқиб, бемалол,
Парқув болишларга ёнбошлаб хиёл,

Тановул қилишиб таомдан гоҳ-гоҳ,
Майи ноб ичишар, мугбача — Гумроҳ.

У дилгир узатар тўла-тўла жом,
Хожалар йўлига қўйган каби дом.

Дилида хусумат олови ёнар,
Ўтда қолган илон каби тўлғонар.

Орусин сочмоққа тополмай имкон,
Кўлча бўлиб ётар ичида илон:

Миробу Мажиддин хизмати учун
Шай турар, йиқилса бўлгайлар устун.

Девонга ўтди-да қилиб бир илож,
Хаваси кўзғолди киймоқ учун тож.

Тож-ку, кўзи етмас энг баланд юлдуз,
Амир бўлса, кошки. Унга етар кўз!

Навоий домига нега илинди?
Девонда қолмоғи муаммо энди.

Хожасин эгагин тутса гар маҳкам,
Балки, насиб этгай доруғалик ҳам.

Сабзорга бормаса, жони эди тинч,
Севинчи дилига содди-ку ўкинч.

Шоирга бош эгмас Хожа Ўсмад, йўқ,
Кўрарга кўзи йўқ, отай деса — ўқ!

Фармондан қай кимса товласа бўйин,
Султон хонавайрон этади уйин.

Ким унинг сўзига келтираркан шак,
Хор қилиб, думига боғлайди челак.

Ҳали шоир қадрли бўлиб бир танга,
Бош эгиб келмаса ушбу масканга.

Йўлимга Навоий бўлди деб тўғон,
Хожаси тўғиздек қутирди ёмон.

Сел бўлиб емирса, тўғон бермас дош,
Ўзидан хавфсизраб, балки, эгар бош.

Султон нима дейди — бу ҳали гумон,
Навоий фикрини қадрлар чунон.

Агар хожасининг мисли чиқса-чи!
Аламга чиқолмай ишқор ичса-чи?

Қашқирбек ичида қўзиб гулгула,
Бир коса шаробини ичди бир йўла.

Мажиддин керилиб, боқар сарвиқор,
Маснад поясида ҳаммадан илгор.

Салтанат таянчи — улуг аркони,
Султон билан яккан, йўқдир армони.

Хазина бешигин тебратиб турар,
Қул келса, султонга ургатиб турар.

Ғап териб амирлар оғзидан гоҳ-гоҳ,
Оқизмай-томизмай етказар, дилхоҳ.

Ким оғзин мойласа, қилса хушомад,
Ўшанинг бошида кулади омад.

Ким дилин ранжитса, айтса ҳақ сўзни,
Дилин яра қилиб, сенади тузни.

Сув қуяр султоннинг тегирмонига,
Вафодор ит гўё хонадонига.

Қоронғида танир, дерлар кўр-кўрни,
Бир боқишда билар сур одам сурни.

Хожа Ўсмад билан бўлиб ҳамтовоқ,
Умид билан қўйди саройга оёқ.

Бу ишда миробнинг қўли бор эди,
Эт билан тирноқдек бирлашди энди.

Султонни қўриқлаб, жонидир ҳалак,
Яқин йўламаса ўзидан бўлак.

Ғаними — ким эса султонга яқин,
Ёлки — у билан бўлса ҳамнишин.

Хожа Ўсмад унинг обрусига мос,
Хотамдек тузатди дастурхони хос.

Даҳо Ҳиравийнинг толеми қулган,
Киборлар меҳрига сазовор бўлган.

Не амр этсалар — қилажак адо,
Билади: йиғиндан ўзга муддао.

Беминнат хизматин алайди нечун?
Умрида кам учрар буздай «бахтли кун».

Навоий қайтмаса Ҳиротта агар,
Бўларди улуқнинг кўзида гавҳар.

Малиқун-шуаро бўлмаса-да у,
Дорус-салтанатда топарди обру.

Зеро, Навоийни кимки кўрмас хун,
Ҳиравий назмидан қўнғилдир сархун.

Навоий обрусини бўлсини дебон паст,
Печа бор урди у қабиҳ ишга даст.

Қадрлаб, сийласа аркони давлат,
Нечун кўзларини босмасини гафлат?

Қулт-қулт шароб ичмини, кайфи чоғ унинг,
Валинъматлар-ла кўкеси тоғ унинг.

Гарчаид Хожа Ўсмад дилидир хуфтон,
Юаида аўраки кулги ҳукмрон.

Сайёддек ўлжасини чиқарди қўлдан,
Чўғ тошмай, озурда, совуған қўлдан.

Калавасини учин йўқотиб қўйди,
Қабиҳ режасининг ўтида қўйди.

Қинғир шининг гўё чиқди қийини,
Тўфонга дуч келди мақсад қайини.

Султонга Себзордан очганида сўз,
Огоҳ этган эди: умидингни уз.

Вале меҳри тушиб унинг Себзорга,
Ўзи келган эди шундай қарорга:

«Хоразм ерини қилгани гулшан
Себзор эли кўчини хоҳини билан».

Энди нима дейди сўраса султон?
Еки Навоийга ёғдирсин бўҳтон?

Миси чиқди унинг, кўмакка муҳтож,
Утинар: Маждиддин топгай бир илож.

Ўз ёғида ўзи қовриллар, дилтанг,
Кифтида бош эмас, юмалоқ харсанг.

Дардин ошкор этди, парвоначи — ғоз,
Шоҳга сўзи утар, қўлидир дароз:

«Жаноби Маждиддин, умидим сиздин,
Азим гуноҳ ўтмиш фақирингиздин.

Себзорликлар ғавго кўтармиш кеча:
«Ўлғонимиз яхши дермини кўчгунча».

Ғавго устига лек Навоий келмиш,
Босиб эл ёнини, дағдаға қилмиш.

Аччиқ сўзлар айтмиш Қашқирбекка ҳам,
Хожа Дехдорни-да қилибди мулзам.

Аъло ҳазратларин огоҳ этсалар,
Фақир қилмишини маъзур тутсалар.

Себзорни шоҳимга қилсам деб инъом,
Қўз остига босган эдим бир айём».

Парвоначи кулди, эди ширакайф
Ва деди: «Ким сизни амир дейди, ҳайф!

Қўёнюррак эмас, булинг шерюррак,
Сиздек амирга шер ҳамласи керак.

Барчага дахлдор султон фармони,
Олий шараф эрур бажармак они.

Амир Навоий лек билмас ҳаддини,
Истифода этмиш ўз мансабини.

Ҳазрати олийнинг кўнглин билгаймиз,
Фурсати келганда хурсанд қилгаймиз».

«Ташаккур, амирим!» — қўли кўкракда,
Миробнинг севинчи жушар юракда.

Давом этиб деди: «Жанобимга ҳам,
Бог-роғли, ер-сувли жой чиқса, кўрмак,

Соҳибин кучириб Хоразм томон,
Хизмат эвазига эттум армуғон».

Маждиддин миннатдор жилмайиб қўйди,
Қашқирбек, жомига майн ноб қўйди.

Ҳиравий ҳиринлаб кулди беҳшов,
Май соғди дилига гулгула, олов.

Кестирди Маждиддин таърифини сўнг,
Лоф ўрди, мадҳ этди — иши келди ўнг:

«Жаноби Маждиддин — арқонин давлат,
Сиз билан салтанат бой ва бадавлат.

Аъло ҳазратларин соясибдурсиз,
Не соя, салтанат моятидурсиз.

Хурсандмен, ҳаминини сиздек молдаст,
Обрў дарахтингиз тонмасини шикаст.

Фақир яйраб юрсам қўлапкасида,
Шабнингизга битсам шеърү қасида,

Бир чўқиб, қочирсам Навоийни ҳам,
Бўлғайсиз улусда гоят муҳтарам.

Содиқ мулозимлар лойиқдур сизга,
Чин дўстлар йиғилса атрофингизга.

Умаро, уламо, шуаро мудом
Сизни улугласа — қилса эҳтиром.

Улуг султондин сўнг энг муҳтарам зот,
Кошки, сиз бўлсангиз, фахр этса Ҳирот!»

«Офарин, Ҳиравий, шоири аъзам!»
Хожа Ўснат боши кукдадир бу дам.

Қашқирбек тиржайди, ранги совуқ лек,
Мастана, харсангдек қотиб турар тек.

Тошдан садо чиқди: «Жаноби шоир,
Бир байт тўқисалар амирга доир».

Парвоначи сари илжайди Гумроҳ,
Мастана Ҳиравий мадҳ қилди дилхоҳ.

«Бахтимизга подшоҳи олам
офтобдек омон булгай,
Бошимизга ноиби аъзам
моҳтобдек посбон булгай».

«Зур шоир экансиз!» — деди Қашқирбек,
Май ичди, гажиди этни қашқирдек.

Маждиддин шоирга миннатдор боқди,
Мироб эса олқини гулханин ёқди:

«Жаноби Ҳиравий юксак истейдод,
Хароб назм боғин этмишлар обод.

Обрусн юксалса саройда яна,
Сизга садоқатда булгай яғона».

Қашқирбек гудранди: «Алишербек зур,
Эл кездим, газали барчага манзур».

Ҳиравий жигига тегди атайин,
Шоир безанглади: «Султон Ҳусайн

Фақирга ҳам берса мансаби олий,
Машҳур булгай элда худди Навоий».

Гумроҳ бўш келмади: «Шоир кўп мунда,
Потирлаб, кызгаси чиқар бир кунда.

Кеча йўлим тушимин Моҳиён сари,
Шоир чиқиб қолди бир дурадгори.

Тили аччиқ экан, сўзи бенарда,
Биной деминлар ани шаҳарда.

Мулоқот айладим, зўр шоир экан:
Сўзида — киноя, тилида — тикан.

Мажиддин Қашқирбек тилини кесди,
Сўздан таибехнинг шомоли эсди:

«Сизнингча ҳамма зўр, ожиз шоир йўқ»,
«Ҳа» деди Қашқирбек, кўзин қилиб лўқ.

Маст эди, бошидан хаёли қочди,
Хожасиннинг қизи жамолин очди.

Унга кўзи тушиб неча кун бурун,
Ётган ўрнида ҳам тортиб чиқар ун.

Васлига эришмоқ йўлини қидирар,
Ишқ аро жунушвор шароб симираар.

Кўз сузиб мастона, бир байт шеър айтди,
Шеър айтиб, ўз дардин яна улгайтди:

«Қани бу шаклу шомойил фалакнинг ойида?
Даги бу ҳусну малоҳат гунаш чиройида?»

Жамоат завқланди: «Йианг, Қашқирбек!»
У эса санодан керилди шердек.

Ҳиравий гудранди: «Амир Навоий
Туфайли кўтармиш бурнин Бинойи.

Саройда топдим деб тоғ каби таянч,
Ҳеч кимни тан олмас — аҳволи аянч.

Феълди ҳам ғалати — кўрс, тили заҳар,
Шуарога ўхшаб кийинмас магар».

Хожа Ўснат тўсди суҳбат йўлини,
Урона кўкида тутди қўлини:

«Жаноблар, улусни кўчирмак ҳамон
Фақирнинг кифтида турмиш тоғсимон.

Музаффарбекдин лек дарак йўқ ҳануз,
Келсалар, бақамти юритардик сўз.

Жаноби Мажиддин, сиз қўшсангиз бош,
Қўргошиндек эрир фақир тутса тош».

Парвоначи деди: «Кимки бизга ёт,
Хоразм даштидан изласин нажот.

Ё бўлса норизо, қидирсин имкон,
Қорасин кўрмасин Ҳирийда сулгон.

Кўз остига босиб қўйинг мулкени,
Рухсатсиз чўзмасин ўзга илкини».

«Амри вожиб!» деди Хожа Ўснат шод,
Амрида: Ҳиротдин токи Астробод.

Илкида қолгандек уч минг хонадон,
Тақдирдан полнган бебон оломон!

Мажиддин илмоқли гап ташлаб қўйди,
Миробнинг дилини лек гашлаб қўйди:

«Амир Музаффарбек шоҳнинг ўнг қўли,
Бу қўлни кесмасак, анинг чўнг қўли

Бизни бўғиб қўяр, яна Алишер
Қўнглини тонганга ўхшайди амир».

XXIV

Хизматта отланди шоир наришон,
Себзор гафгосидан руҳида шишон.

Почорлар дардига даво қидириб,
Дийдасидан оққан ёшни сидириб,

Тарқоқ хаёл билан келди девонга
Мунгазир халойиқ олдн нишонга.

Ҳол сўраб, улусни тинчитиб бир оз,
Ичкари кирди у, дилида ниёз¹.

Дуч келди Мажиддин, Низомулмаулк;
Салом-ла қовушди бир дам илк-илкка.

Парвоначи найқаб шоир авзойин,
Едидан ўтказди Себзор шўхсини.

Кибру ҳаво билан боқди-да зиндан,
Юзлари тиржайди ёт табассумдан.

Низомулмаулк сино, кўзлари айёр,
Ясама ҳурматдан юзи шуъладор.

Ясап-тусан, тўйга келган меҳмондек,
Девонда тутади ўзин сулгондек.

Навоий хонага киргани замон,
Қонида ёш котиб бўлди намоён.

Амир деди: «Фурсат тигиз шўҳоят,
Арзғуй фуқарога қилинғ иноят».

«Хун» деди мулюзим, кирди бир деҳқон,
Ранги сўлгин эди, кўзида армон.

«Сўзланг, тақсир!», деди шоир ғамгусор,
Деҳқоннинг танига югурди мадор:

«Амир ҳазратлари, фақир дарди мўл,
Супрадек еримдан ҳазар қилар чўл.

Сув танқис, ташнадир экин-тикиним,
Елғизмен, йўқ бирор оғаю иним.

Илкимни узатсам етмас ҳеч ерга,
Арз қилсам, ёқмадим фақир амирга.

Ували-жували жонмен, нетайин,
Яхшиси Хоразм томон кетайин!

¹ Ниёз — умид.

Бунда солиқ дейди, бола-чақам оч,
Кучага чиқолмас, усти ялонгоч.

Солиққа сизгирим тортиб олди бек?
Хоразмга кучсам қўярмикан тек?

Сизни лозим кўрди бир касиб ошнам,
Раҳм этинг, шоирсиз, уйим тўла ғам».

«Қайси қишлоқдانسиз? — сўради амир;
«Хайрабод»дан деди деҳқон домангир.

Котибга буюрди: «Даҳа бегига денг,
Фуқаро аҳлига феълин қилсин кенг.

Мардумни қийнайди не жумбоқ — етсин,
Бу киши солиғи баҳридин кечсин!

Тақсир кучиб борса Хоразмга хар
Бошингиз тарк этар барча мушкуллар.

Ери мул, суви мул, булиқ тупроғи,
Бойликнинг конидир Жайхун қирғоғи.

Султон ҳам отадек булғай нажоткор,
Кимки Хоразмни этса ихтиёр.»

Амир тадбиридин деҳқон лол қолди,
Хоразм ташвиши ила қўзғолди.

Яна қирол кирди, кирди оҳангар,
Кирди буюқчию касиб, чилангар.

Ҳар бири бир ташвиш, бир дард билан банд,
Турмуш эгиб қўйган бошин қул монанд.

Пичоқ қадалмаса устихонига,
Нажот сўраб келмас шоир ёнига.

Ким имдод тилади — чиқди ҳожати,
Мурувват кўрсатмоқ унинг одати.

Арағулар қолмагач девон олдида,
Хоразм жонланди яна ёдида.

Эзгу мақсад билан тахттоҳга кирди,
Чехраси мунаввар султонни кўрди.

У ҳун кўтиб олди: садоқат боғи
Ниҳолни сўғорди меҳр булоғи.

Чунки муштоқ эди — утиб не фурсат,
Хизматдан нарнига ўтмади суҳбат.

Тонг билан битиб у янги бир ғазал,
Тахтада ўлтириб ҳам баҳин этди сайқал.

Илҳом тўҳфасини кўргали баҳам,
Ташриф қилганидан қувонди бирам.

Илтифот гулини тўтиб шоирга,
Шоҳи тўшак узра ўлтирди бирга.

Чарм муқовали баъздан ғолиб,
Оққа кўчирилган ғазалини олиб

Узатди, кўздан мақсудин билиб,
Навоний ўқиди қироат қилиб:

«Гунчани оғзинг десам найлай анинг гуфтори йўқ.
Сарвни қаддинг десам нетай анинг рафтори йўқ.

Ойни не янглиг санга нисбат қилурким, хуснаро
Сарвдек ҳам қадди йўқ, ҳам гул киби рухсори йўқ.

Зулфунга сунбулни не навъ айлағай ташбиҳким,
Ҳам дилосо атри йўқ, ҳам жон риштасидек тори йўқ.

Айта олмон лаълинига ёқут ухшарким онинг
Ҳам чучук таъмию ҳам жонбахшлиқ осори йўқ.

Гар рақибингдин мени ўқсук кўрар сен тонг эмас,
Кимки ошиқ бўлди итдин кам ҳам онинг ори йўқ.

Истасанг кўнглумга осойиш қадаҳ тут, соқиб,
Ким даме йўқким улусдин юз туман озори йўқ.

Қуйида итти Хусайний кўнгли, тонг йўқ, истаса
Ким, бўлубтур онда бир девонаи афғори йўқ.

Туркий оҳангидан лйраб жисму жон,
Қувонч тўлқинида тўлғонди султон.

Қузи утдек ёнди, ҳислари жушди,
Қалбига ҳар калом ёлқини тушди:

«Туркий этди ўзин назмда исбот,
Девонда ҳам ани синоп курсак бот.

Форсий каби топса ўз ҳуқуқини,
Замон камонидин отса ўқини.

Давлат сийёсати кечарди осон,
Ўзлигин танирди, балки Хуросон».

Шоир деди шодон: «Туркий гузал, хуб,
Ўз тили ҳар элнинг дилига марғуб.

Она сути билан сингмиш қонга у,
Қон билан, сут билан сингмиш жонга у.

Туркий — қалбга азиз, азиз — жон қадар,
Азиздир она халқ Хуросон қадар.

Конки, шуаромиз етса қадрига,
Конки, қулоқ тутса улус дардига!

Она тилда гарчи этур мулоқот,
Назмда форсийга қилур муножот!

Форсийни билмак ҳам зийнатдур, вале,
Шараф тонса, кошки, туркий туфайли.

Давлат тили бўлса туркий, билмай ҳад,
Савоб иш қилғайсиз дунёда абад!

Осон кўчар эди девон ишлари,
Камайган бўлурди эл ташвишлари».

«Ғоят хуб дедингиз, ортса тил қадри,
Ортғайдур юрт қадри, ортғай эл қадри.

Туркийнинг имкони ҳадсиз ва улғу,
Камалак сингари рангин ва қутлғу.

Туркона саз билан қилсанг тараннум,
Дилларда қўзғолғай манжи табассум.

Туркий бошида ҳам қулажак толеъ,
Тонг ила бергаймен фармони олий:

Давлат тили бўлгай туркий то абад,
Анинг махзанига йўқдур ҳадду ад¹.

Султон қароридан шоир завқланди,
Озурада қалбида умид барқланди:

«Фармони олийни эшитганки жон
Бағоят қувонур, энг улуг хоқон —

Темурбек қилмаган ишни қилди, дер,
Икки тил жанг қилмас, аммо, мисли шер.

Фарсий ила туркий икки дарёдур,
Не дарё, бир мулкда икки дунёдур.

Овора бўлмай икки дунё аро,
Кошки, бир дунёда бўлса фуқаро».

Султон деди қониб: «Туркий уз тилинг,
Ўз тилингда айтсанг, англайди элинг.

Қойим мақом этсанг фарсийни агар,
Фонийдек тилингдин сочилса гавҳар,

Раҳмат дегай улус, ким қилгай монёъ,
Не битсанг, борига эл қилгай қоний»².

Шоир уйга ботди — дилда Хоразм
Ва улус қисмати юк эди азим.

Ўн бор таъкид этди — ҳеч қилмади кор,
Шафқат кемасида жон чекди озор.

Бу гал боғлаб журъат камарин маҳнам,
Султонга арз қилди — излади малҳам:

«Подшоҳ ҳазратлари, сиз чекмиш фармон
Фақирга ҳақ-ҳуқуқ бергай бегумон.

Ноурин ҳар бир иш гар бўлса содир,
То туққиз галгача айтмакка қодир.

Менга ташвиш солмиш Хоразм ҳамон,
Юртдин кўчирмакка йўқ сира имкон.

Туққиз бор арз қилдим — чиқмади ҳожат,
Ўнинчи қарра бот сўрдим ижозат.

Вале муддаомга топмадим жавоб,
Яна бир айтмакни билгаймен савоб.

Умидим: муродим ҳосил бўлажак,
Фақир мақсадиға восил бўлажак».

Султон жавоб берди: «Фақирга аён,
Бу борада нечўк куйдирасиз жон.

Давлат манфаатин қилиб ҳимоя,
Азият чекмишсиз — йўқдир ниҳоя.

Салтанат тонгимиз отмасдин, бироқ,
Қунгулда бир ниёт ёзганди япроқ.

Ваъда берган эдим: у диёрни ҳам
Хуросон мулкидек этгани кўркам.

Шул важҳдин, бутунлай фармонни инкор
Этмакка, жанобим, не имконим бор?

Охир қолиб мунда икки минг уйлик
Минг уйлик кўчсин, деб фармойиш қилдик.

Захмат чекмасин, деб минг уйлиги ҳам
Хос таклиф бўлмаса кўчмагай ҳар дам».

Шоир сукут этди, сўнг деди такрор;
«Тоғлик қишлоқ эрур, билурсиз Себзор.

Фақир йўли тушиб, қайтмишдур дилгир,
Улус гавгосини тинчитмиш охир.

Амир Хожа Ўсмаг кўчсин деб элни,
Қишлоқ беги билан бир қилмиш тилини.

Эл кўчса, боғ қилиб бутун Себзорни,
Ёзмакни истамиш анда хуморни.

Элга ваъда этдим: сиз бор уртада;
Кимсасиз қолмасин Себзор уртада.

Улуски осойиш — султон бахтиёр,
Тинчлиги бузилса — султон беқарор.

Фармон дастак бўлиб Хожа Ўсмагга,
Авонии солмасин оғир қисматга».

Султон газабланди: «ҳаддидин ошмиш,
Боқмай, эл юзига оёғин босмиш.

Нек юмуш қилибсиз, Себзор, эҳтимол,
Музаффар мирзога бўлгай суюрғол.

Миробнинг илкени тортиб кўюрмиш,
Хоразм томонга уйлаб юрурмиш».

Навоий қоникди, боқди миннатдор
Ва хоҳишин этди султонга изҳор:

«Хоразм дедингиз, бу масалада
Бир фикр айланиб юрур каллада.

Ҳазратим не дерлар: ул диёр сари,
Отланса, юртимиз асл ёшлари.

Ёки ёш уйликлар борса, соз бўлгай,
Азият кам ўлгай, тадбир хос ўлгай.

Фақир дер, кексалар чекмаса озор,
Хуросон даштларин қилса не гулзор!

Яна бутун қишлоқ кўчмаса бирдан,
Ёсмаса, шамоли гусса у ердан.

Мулкимиз улугдур, ҳар қишлоқ, шаҳар,
Маҳалла берса нек бир уйлик агар.

Ёки хоҳиш этмиш аҳли фуқаро
Азимат айласа, тингай можаро.

¹ Ҳадду ад — чек, чегара.

² Қонийъ — қаноат этувчи.

Девонда тингладим фуқаро арзин
Беклардин нолишиди — узолмай «қарзин».

Нечаси мушкилни қилгани осон
Кучгаймиз дедилар Хоразм томон.

Кунгулли кимсалар элимизда кун,
Дилига қул солжак, бўлур эрди хуб».

Султон бу тadbирдан завқланиб кетди,
Қийиқ кўзларида ўт ёниб кетди:

«Алишербек, дўстим, тенгсиз закосиз,
Бу олтин бошингиз нархи баҳосиз.

Офарин дегаймен, тап бердим яна,
Ақлнинг қудрати қилди таптана.

Рубга чиқса гар тadbири шоян,
Ҳайрат яқосини тутгай Хуросон!»

XXV

«Бог бинафина»га олтин куз тушиди,
Апору узуму беҳи гарқ нишди.

Олмаю ноқларнинг шох эгилди,
Ёнгоқлар нўстлогин ёриб, тукилди.

Тўкип дастурхонни очилди кузининг,
Ҳосил бўлиб тоилди қувончи кузининг.

Салқин шамол эди Ҳиндукуш ёқдан,
Япроқни эркалаб узди бутоқдан.

Ариқдан тиниқиб зилол сув оқди,
Қўйиш ҳоври тушиб эринчоқ боқди.

Сарвлар қомати бирам нозанин,
Нурга чўмилтирди нозанин танин.

Бурма тап хурмолар қадди эва роз,
Нилий рўмол ичра боқар жилавасоз.

Дилкушо бог аро мавж урмин ҳаёт,
Нағмасоз қушларнинг тилида байт.

Роҳатбахш, завқбахшидир кузак айёми,
Навойи қалбида унинг илҳоми.

Оғаси қадрини тутиб мукаррам,
Дарवेश Али бўлур завқига ҳамдам.

Соҳиб Доро билан Шайх Баҳлул қувноқ,
Шоирдек меҳмонлар йўлига мунитоқ.

Боққа қадам қўйди аҳли созанда,
Созидан рақс этар гуллар чаманда:

Уста Қулмуҳаммад Удий несправдир,
Хушсурат, соқоли узра қировдир.

Уд чалса, дардлардан фориг бўлгай дил,
Сафо гулшанида тонгдек қулгай дил.

Уста чалар эди гижжакни ҳам хуб,
Унга уч қил тақди ва буюди марғуб.

Аҳли нағма, аҳли саз ичра бир зот,
Мунча кун ва хуб куй боғласа, наҳот!

Шоҳқули Гижжакийи созда беназир,
Эл унинг куйига азал мунигазир.

Умр фуқулнинг ёзида ул зот,
Хуросон мулкида қозонминдир от.

Куй боғлаб, ашула яратмин бисёр,
Мушиқа туфайли у элда номдор.

Шайхи Нойи эса пай ила манҳур,
Навоси бўлмин эл кунглига манзур.

Удин, гижжакни ҳам чалар бемалол,
Сағъатидан барча ҳайратда ва дол.

Найда у машқ қилмин ўспирин ёндан,
Эл рост айтур: бўлар боладир бошдан.

Навойи дўстларга қучоғин очди,
Меҳр гулларини йўлига сочди.

Уламо аҳлидан яшнаб кетди бог,
Нойига бош урди гул ила япроғ.

Олим Мулло Усмон-бисёр дошминмайд,
Бешигин тебратган унинг Самарқанд.

Улуғбек мирзоянинг хуш замонида,
Фикри камол тошмин илам қонида.

Ўн тўрт ёшида дарс бергани учун,
Мулло Модарзод дер эжанлар мамнун.

Унингдек олим кам бу замон ичра,
Мовароуннаҳру Хуросон ичра.

Аллома Мир Муртоз — баҳста уч кини,
Ҳикмату мағиқи шатранжидир ишн.

Бошини китобдан қўтармас кун-тун,
Баҳс қилиб, толиқмас, келгунча ўстун.

Тиши чиқибдики, ўйнайди шатранж,
Шатранж жонидир, йўқ, жони ичра ганж.

Агар учраб қолса икки ишқибоз,
Бири билан шатранж ўйнаб, бири боз —

Этагидан маҳкам тутиб ўлтирар,
Кетиб қолмасин деб кўзи мўлтирар.

Шатранжини қўлтиқлаб келди бутун ҳам,
Шатранж ўйнамаса туролмас бир дам.

Яна шайхулисом Сайфиддин Аҳмад:
Билимдон, камтарин, табъи хуш беҳад.

Арабия, мантиқ, қофия, аруз
Илми-ла манғулдир кечаю кундуз.

Дорус-салтанада аркони ислом,
Бошида тутгудек эл этар икром.

Олим Шайх Ҳусайн — тонқир, билагон,
Кўздан билади, дилда не ниҳон.

Ҳикмату фалсафа, илми эътиқод,
Фикрат кишварини қилмишдир обод.

Мулоқот бобида суҳбати жондир,
Тилидан бол томар, кўнгли жаҳондир.

Мирак Наққош қадам қўйди боғ аро,
Қўли гул, не кўшикка у берди оро.

Хожа Илҳом келди ясаниб, керик,
Қўан косасидан чиққудек йирик.

Бўй-бастаи теракдек — мевасиз, дароз,
Илмда омадсиз, лекни қадди фоз.

Шанғиллаб сўзлайди, қиради томоқ,
Ўзини ҳаммадан санар донороқ.

Илм кучасида кўтариб тўзон,
Неча кишиларни этди дилсўзон.

Боғда ҳазон титиб Ҳиравий келди,
Такаббур Биноний мамнун эгилди.

Биноний-форсиғўй, соҳиб истеъод,
Ҳофизга ёшиқдан қўймиш эътиқод.

Қўли гул меймор у, фикри шеър-ла банд,
Навоий суҳбатини этар дилписанд.

Табиати ўжар, тили аччиқроқ,
Ҳазил-мутоийба жондир бироқ.

Очиқ чехра билан кутди Навоий,
Меъзоини бош узра тутди Биноий.

Ҳирот арконлари таприф буюрди,
Истиқболи сари Навоий юрди.

Жомий атрофида бўлиб парвона,
Боққа файз киритди аҳли фарзона.

Кўришиб, очилгач кулфи диллари,
Гаплашиб, юрдилар янги кўшк сари.

Боғни тутмиш кўшиқдан таралган наво,
Элнинг дард-ғамидан яралган наво.

Наво тулқинида тулғониб жонлар,
Кўшиқни обод этди азиз-меҳмонлар.

Гул узор нақшлардан қўлар қамашди,
Санъати олийдан ақл адашди.

Ҳайратда, ҳаттоки, Мирак Наққош ҳам,
Гарчи ўзи чекди нақшини хуррам.

Улуғлар бахтиёр утди-да турга,
Ўлтирдилар шоҳи тўшаклар узра.

Навоий пойғаҳга қўнди омонат,
Миннатдор жилмайди унга жамоат.

Суҳбат қизиб кетди дастурхон узра,
Фасоҳат яловкаш кўшики жон узра.

Нафосат мажлисини гули шеър бўлди,
Ўзгалар муриди Жомий пир бўлди.

Жомийини Навоий айлаб эҳтиром,
«Маҳдуми Нуран»¹ дер кўнгли этим ком.

Унингдек нажиб зот камдир Ҳиротда,
Зурафю аҳлига шамъдир Ҳиротда.

Пир дебон кишилар тутар бош узра,
Неки бош, шуаро кўзу қон узра.

Найғамбар ёшида, бўлгай деб савоб,
Аҳд этди Каъбани этмоқин тавоф.

Тоғ билан азимат қилгай Маккага,
Не Макка, бош ургаи бориб Каъбага.

Ҳажга бориб-келинг дебон саломат,
Шаънига Навоий бермиш зифрат.

Жомий хуррам, тўрда ўлтирар хоксор,
Ёру дўстлар ила кўришиб дийдор.

Ҳолва шимиб, ичар хитойи кўк чой,
Дили пок, кўзи пок, ўзи ҳам покрой.

Аҳли дил қистови тўрайли Жомий
Бир газал ўқиди — тошиб илҳоми.

Миқ этмай тинглашиб, шоирлар дарҳол,
Татаббуъ қилишар шеърига хушҳол.

Мавлоно туркийда сурмайди қалам,
Туркийнинг ўз ири бордир муҳтарам.

Бу — Мир Алишербек, юрт фахри эрур,
Форсий ва туркийда эл ичра машҳур.

Туркийда — Навоий, форсийда — Фоний;
Қай тилда айтмасини қадрлар Жомий.

Икки эл фарзанди оға-инидир,
Жонажон дўстлигини эл мафтунидир.

Тарихнинг эгизак фарзандлари бот
Боғи назм ичра этур мулоқот.

Мушоира борган сари олди авж,
Қалбларда туйғулар тошқин ва сермавж.

Суҳайлий, нишқ аро кезиб, бағри қон,
Мажнундек тоғ-тошни айлади макон.

Оҳининг ўтидан осмон қораймиш,
Ҳадсиз олам қафас каби тораيميш.

Ҳиравий илжайди — ичида дарди,
Киприги учида хусумат гарди.

Сийрак соқолини силаб, купирди,
Сано чаманига ўзини урди.

Қасида бағишлаб Хожа Ўсманга,
Шукрлар қилди у шоён қисматга.

Салтанат вафодор итимаан дебон
Султонга ёлворди: бер деб устихон.

¹ Маҳдуми Нуран — нури инсон.

Бир санам домиди Биноий жони,
Оламга ўт қўйди чекмиш фиғони.

«Дадо, ки дил аз ишқи ту девона шуд охир,
Дар шахр ба девонағи афсона шуд охир»¹.

Хожа Илҳом қилди бошини сарак,
Мисли дарахт узра илинган варрак:

«Садагаси кетсанг форсийнинг арзир,
Бинойи назмидек форсий беназир.

Туркийга Навоий гарчи фидойи,
Форсийни ҳуб қурса бўлур бинойи».

Анжуман сукутда, Ҳиравий, аммо,
Тарвуздек ёрилди, тилида игво:

«Амир Навоийни мот қилдингиз, мот!
Форсий — назми забон, форсий — муъжизот!

Туркий оми тилдур, зурафоси кам,
Оми шеър ўқимас, англамайди ҳам».

Мир Муртоз баҳсга қилмасдан парво,
Четга чиқиб, кўрмиш шатранжни раво.

Хожа Илҳом сўзи заҳарли ўқидир;
«Туркийда шеър битмак ҳожати йўқидир».

Бинойи боши ҳам, Бинойи мулзам,
Гудранди: «Жаноблар, тинч қўйинг бир дам.

Туркий қудратини амир Навоий
Намойиш айлади, огоҳ Бинойи.

Вале фақир дерки, форсийдир гузал,
Форсий то азалдин лисони ғазал!»

Меҳмонлар кўнглини инжитмай, аммо,
Навоий Жомийга берди тасалло:

«Ҳар кимники ўзига,
Ой кўринар кўзига».

Ўт каби ёнади Жомийнинг ичи,
Яна форсий дебон бузилди тинчи.

Кўн кўрган бунақа шаллақиларини,
Ичи қора, тили эса заҳарини.

Хасдек тутаб, алҳол кул бўлишадиди,
Аввал йиғлаб олиб, сўнг қулишадиди.

Навоийга солди афсус назарини,
Боғланг деди гўё сабр камарини.

Хожа Илҳом эса безанглар ҳамон,
Туркий гулзорини қилгудек пайхон.

Илмдан бенасиб, форсий забон у,
Туркийни камситиш — қонида оғу.

Ҳиравий на ўзбек, на тожик — сарсон,
Дурагай, аросат дантида ҳайрон.

¹ М а з м у н и: Сенинг ишқинг дардида кўнгли девона бўлди охир, девоналикда эса шахарда афсона бўлди охир.

Форсийғу, мадҳбоз, қасидабоздир,
Азалдан Навоий ила носоздир.

Худком манфаатини кўзлаб ҳар сафар
Туркий уммониға сочади заҳар:

«Амир Алишерга фақир қайгурар,
Тиканзор оралаб беҳуда юрар.

Чаман гулзор аро сайр этмак хубдур,
Гулга булбул киби кўнгул маҳбубдур.

Балки, ҳайиқурлар Хожа Ҳофиздин,
Кумак утинсалар Саъдий ё биздин».

Уммонга сочилган қатралаб заҳар,
Хубобдек йўқолди, қўзғотиб ҳазар.

Сухайлийи гижинди: «Жаноби Даҳо,
Огоҳимиз, назмда ким шоҳ, ким гадо.

Тош отмакни сизга ким қўйди, етар,
Ношукур кимсалар тилини камситар.

Ҳофиз ва Саъдийни тинч қўйинг, тақсир,
Навоий учун сиз қайгурманг дилгир».

Мулла Усмон давра билан тил топди,
Қайнаган қозонга қонқоқни ёнди:

«Жаноби Навоий, сизни халқ билур,
Икки тил ҳам сизга жонажон бўлур.

Аҳд этиб, туркийга бермишсиз ривож,
Чекилманг, кийдирур туркий сизга тож.

Туркийда битолмас туркийлар ғариб,
Форсийда утурлар ранги саргайиб,

Форсий ила туркий аро Чин девор
Кўрмакни истаган жондин эл безор.

Икки халқ биродар, яшар тенги-тўш,
Нечун тили бўлмас иноқ, ҳамоғуш!

Жаноб Хожа Илҳом тилдин этмай баҳс,
Ҳуб ўлгай илмга уринса билъакс.

Ҳиравий тақсирнинг улғудур ёши,
Ёшига ярашмас, балки, талоши.

Жаноблар, тил дебон қилманг можаро,
Дўстликка не етсин бу даҳр аро!»

Хожа Илҳом керди кекиртагини,
Ҳиравий терди кин чўкиртагини.

Жомий деди, хурсанд Мулла Усмондан,
Кўнгли гаш Ҳиравий, Хожа Илҳомдан:

«Кўнглум обод этди Мулла Модарзод,
Сиз келгач, бўлгондек Ҳирий ҳам обод.

Тақсир Хожа Илҳом, тақсир Ҳиравий,
Ғавво кўтармангиз мисли бадавний.

Туркий бўлмағайи ҳеч сизларга муҳтож,
Алга берур алҳақ Навоий ривож.

Туркийни безамниш дурри-жавоҳир
Конидин узгалар бенасиб, ахир.

Бир эл лисонига ким тил текизар,
Боши тош остида дондек эзилар.

«Тилга ҳурмат — элга ҳурмат» мақолин
Унутманг, келтиринг олиий мақомин.

Ушанда қадрингиз ошгай халқ ао,
Хижлатдин булмагай юзингиз қаро!

Карам гулзоридин гул терса кам-кам
Жаноби Ҳиравий, Хожа Илҳом ҳам».

Навоий дардини ичига ютди,
Туркий гавғосини гўе унутди.

Шоён, меҳмон азал отадан улуг,
Хоки пойи эса сурмадек қутлуг.

Тил баҳсидан гарчи эмас хотиржамъ,
Қадр этгай, уйига гадо келса ҳам.

Жомийга эгилди эҳтиром боши,
Миннатдор жилмайди форсий наққоши.

Созанда аҳлига айтиб эзгу сўз,
Деди Удий сари: «Риндона соз тўз!»

Муסיқи янгради уйноқи ва шўх,
Дилларга бахш этди завқу шавқ, шуқуқ.

Жомий ва Навоий газаллари боз
Икки халқ дўстлигин этди сарафроз!

XXVI

Хиёбон бошида Жомий даргоҳи,
Подшоҳу дарвешнинг азим паноҳи.

Пирни азиз тутиб келар муридлар;
Дилида эътиқод, рағбат, умидлар.

Машриқни тутандир улуг шайх номи,
Не шайх, ҳассос шоир, олим каломи.

Ҳаёт тарзи вале фуқарога хос,
Этница солмайди ҳеч заррин либос.

Мевали дарахтдек эгикдир боши,
Адолат, эзгулик умрин йулдоши.

Машриқда тасаввуф фалсафасида
Унингдек донишманд йуқдир аслида.

Сўфийлик оқими авж олган айём,
Иштиёқ уйғотди Навоийда ҳам.

Жомийга қўймаса, балки, у ихлос,
Тасаввуф кўчасин кезмас эди хос.

Қунг билан ўрганиб бу таълимотни,
Жомийдек ҳал этди не мушқилотни.

Ижодда фикрдош, шеърда ҳамқалам,
Ғойда маслакдон, ҳамкор, ҳамқадам.

Маҳдум меҳрин қумсаб, қидириб нажот,
Хиёбон бошига шоир сурди от.

Озурда дилини бугар бир укинч:
Душманлари ҳамон қўймас уни тинч.

Қинидин суғуриб игво қиличин
Таъма билан зимдан олмақчи учин.

Шаҳарга тарқатмиш турли миш-мишлар,
Навоий эшитиб тилини тишлар.

Жони фиғон чекар дил қафасида,
Алам оҳи — оташ жон нафасида:

«Султон обрусига етказмиш путур,
Дўст булиб, лек анинг кўзини чуқур.

Сарой оёқ ости бўлмиш эл билан,
Эл билан иш тутмиш Алишер фикран.

Хазина тариқдек сочилмиш ҳар ён:
Иморат, еру сув, йўл, кўприк дебон».

Фитнагар кимсалар тинч туролмас лек,
Шоир обрусидан тортишар ҳадик.

Фитна яроғини тинмай қайрашар,
Султон атрофини ураб, «сайрашар».

Айтди дер Алишер айтмаган сўзни,
Эски ярасига сепишар тузни:

«Навоий эл ичра кезур норизо,
Осойишин бузиб, қўзғатмиш низо.

Бекларга нисбатан гиж-гижлар элни,
Эл билан низога бир қилмиш тилни.

Гарчи мансабидан берди истеъфо,
Дахлсиз амирдек, қилмас илтижо.

Адолат измидан чиқди деб султон,
Аҳли зурафода уйғотмиш гумон.

Нафосат баъзида этиб риёсат¹,
Шуаро ичинда қилмиш сиёсат.

Андалиб эмас деб шоҳни назмда,
Ўзин танҳо демиш мулки азимда».

Бухтон топларига булиб нишона,
Навоий, тутса-да узни мардона,

Аламдан юраги санчийди гоҳ-гоҳ,
Гумроҳлар макридан этгандек огоҳ.

Султон паноҳида жон сақлаб бугун
Яшамоқ қасдида не буқаламун.

Алишер саройдан кетди деб тамом,
Муродга етгандек сипқаришар жом.

Султон оёғига солгандек кишан,
Баъзи чоғир қураб, гул қизлар билан —

¹ Риёсат — раислик, бошлиқлик.

Сийлаб турар уни — обод ҳарам,
Арқони давлатнинг бу бир қарам.

Султоннинг базмдан ўзга уни йўқ,
Дилда аввалиги халқ таълими йўқ.

Мажиддин энг содиқ маҳрамининг,
Хожа Ҳаснат эва ёдуси кунининг

Низомулмулк бўлса оғаси монанд,
Вазирлар ичиде обрўси балаид.

Султонни қуриқлаб вафодор итдек,
Дейишар: шоирдан кўнгилни совутдик.

Низомулмулк билан Мажиддин яқин,
Чиқинмас, дилларда хусумат ва кин.

Мансаб улогини зимдан талашар,
Султонга яқинроқ бўлсам деб яшар.

Шайхим Сухайлий ва Хожа Афзал лек
Навойи деталда туришар тоғдек!

Шоирнинг пок номин қилиб ҳимоя,
Тунмасин дейдилар шаънинга соя.

Унинг кинригинга қўнмасин деб гард,
Жонлари қалқондир, диллари ҳамдард.

Навойи тапҳомас, дўстлари печа
Ва лекин юраги — бағри қон гунча!

Не гунча, юзи ол, кўкен доғ лаъла,
Халқ гами лиммо-лим қирмиз шўъла.

Ўз гами ундан бир қатрадир, ҳолос,
Қатрани уммонга қилмагай қиёс.

Саройнинг ясама ҳўрмат, қарам
Бўлмасин унинг кўнгил ҳамдами.

Бўғилди ширин сўз амир, вазирдан,
Нозик муомала, сохта таъзимдан.

Мажиддин осилди кибр дорига,
Боши билан кирди фитна горига.

Юзида зураки табассум гули,
Ҳамнишини заҳар жомиде қўли.

Хожа Ҳаснат айёр, ичидир қудўқ,
Ўтда ёнмас, сувдан чиқади қуруқ.

Низомулмулк ташлаб арқонини узун,
Фитна ниҳолини эсмоқда мамнун.

Сарой диққинашас — ҳавоси бузўқ,
Не ҳаво, саройнинг навоси бузўқ.

Бузўқ наво тинглаб иетур Навойи,
Навосоз халқ сари кетур Навойи.

Эл — табиб, дардига даво бўлажак,
Мақсад юлдузига само бўлажак!

Яна Жомий бўлур дардига нажот,
Макка сафаридан қайтмиш нажиб зот.

Зийрат қилгани устодин хўррам,
Хиёбон бошига эсмоқда илдам.

Кўксига урилди боғининг ҳавоси,
Хайлини тортиди қўнлар навоси.

Саман тушоридан тунди-да алҳол
Мулозимга тутди жиювини хўшҳол.

Жомий пешвоз чиқди — ўзида йўқ шод,
Дийдор кўриниши бот шоғирд ва устод.

Кўзларида норлаб меҳр чирогин
Яна равшан бўлди қўнғиллар боғи.

Навойи ҳол сўрди: «Қалайсиз, устод?
Ҳаж қилиб, муяссар ўлдим мурод?»

Жомий деди: «Аҳли муслимга савоб,
«Хажарул-асвад»ни¹ айламак тавоф».

Ҳар қалай, эл-юртда бўлиб амният,
Найғамбар ёшимда уналди ният».

Навойи фахриок деди маҳдумга:
«Ҳожи бобо бўлиб юринг мардумга».

«Ташаккур, жанобим, етинг муродга,
Навойи нарқона бўлиб устодга.

Кутубхонасига кирди изма-из,
(Дилдан ўтди: «таклиф қилмади бежиз»).

Нақшнинг жавонларда нодир китоблар!
Дуниш билмоққа қодир китоблар!

Китобдир маҳзанул асрори ушнинг,
Абёт ичра маъини абкори ушнинг.

Китоб кирган уйга нодон қирмагай,
Шодлик уйин бузиб афғон қирмагай.

Китоб — кўрар кўзи ва айтар сўзи;
Барҳайт ажодлар сўнмас юлдузи!

Мазкур юлдузлардан кимки баҳравор,
Улуси меҳрига бўлгай сазовор.

Навойига ошна ҳар китоб бунда,
Ҳавас кўзин тикди юрак тўлқинда.

Жомий мамнун боқиб уни қўзатди,
Жавондан бир китоб олиб узатди:

«Улўғбек мирзодин қолмиш бул ёдгор,
Жаноб Али Қўшчи қилмиш жон инсор.

Стамбулда фақир учрашган айём,
Ҳирийга элтинг, деб қўнгли этди ком.

Мирзо ишоси, деб айлади тайини:
Кўриб хурсанд бўлгай султон Ҳусайн.

¹ Ҳ а ж а р у л - а с в а д — қора тош (Қаъбада ҳожилар тавоф қиладиган, табаррук саналган қора тош).

Ё деди, етказинг Алишербекка,
Нодир тухфа булгай улусу мулкка!»

Шоир тасодифдан қотди ҳайратда,
Не воқеъ булмайди дейсиз ҳаётда!

Қулида — Улугбек мирзо китоби!
Не китоб, нужумга олим хитоби!

Аллома дастхати, иншосидир бу!
Мунажжими Жовид имзосидир бу!

Мафтун бўлиб, тавоф қилди китобни,
Не китоб, мунажжим туттан офтобни!

Деди, тугён ичра Махдумга шодон:
«Қарогдек асрагай «Зиҷ»ни¹ Хуросон!

Мунажжим ўтган деб ажодларимиз,
Не тонг, фахр этгай авлодларимиз!

Илкимизни тутгай улуг насллар,
Бизни ҳам ёд этгай эргли асрлар!»

«Кошки!» — дебон Жомий миннатдор боқди,
Истиқболга умид чирогин ёқди.

Ва сурди: «Ҳолингиз нечук, азизим?
Муштоқ эдим, сизга тўрт бўлиб кўзим».

Навойга маъқул тушди бу савол,
Дардини айтмоққа тили эди лол.

Сўзлади нечун у хизматдан кетди,
Сарой мансабини нечун тарк этди.

Танбех ва насиҳат юзидан алҳол
Аллома сўради қимтиниб хиёл:

«Не боис бу йулга қўйдилар қадам?
Ким булгай фузало аҳлига ҳамдам?»

Навой уйланиб қолди бир лаҳза,
Деди, юрагига тушгандек ларза:

«Душвор бўлиб қолди менга бу фурсат
Инсон жинси билан айламак суҳбат.

Бирга бўлиш эса андин ҳам оғир,
Шу боис хизматни тарк этдим фақир.

Фузало кўчада қолмас бу даврон
Вале халқ бошида уйнагай гаврон».

Истеъфо берганим кўрмас дебон хуш,
Алишер Махдумга тикилди хомуш.

Жомийнинг сўзидан бўлдики аён,
Унга маъқул тушмиш тадбири шоён:

«Инсон дебон кимни қилурсиз хаёл,
Бизга-да кургузинг, бўлса, эҳтимол?»

Қувонгандек устоз фикридан гоёт,
Хотири жамъ бўлди унинг ниҳоят.

¹ «Зиҷ» — Улугбек мирзонинг «Зиҷи Курагоний»
(«Курагоний жадвали») китоби.

Озурда қалбидан гам тоғи кўчди,
Фитнадан балокаш бошдин зог учди.

Булбул ватан этди илҳом боғини,
Ишиқ очди турнақўз шеър булоғини.

Деди: «Сухайлий ва Хожа Афзалдин
Ўзгасин инсон деб бўлмас азалдин.

Шақли-шамойили инсону аммо,
Буқаламун эрур алардин аъло».

Жомий деди, дилгир: «Бало тўфони
Ичинда қолгайдур маккорлар жони.

На чора, азизим? Қилгаймиз сабр,
Иблислар дастидан тортсақ-да жабр.

Сиз кетиб, осойиш этгайсиз ижод,
Элга қийин бўлди, дили эмас шод.

Мева берган чоғда умид ниҳоли,
Ер-ла яксон этди гурбат шамоли.

Сизга боқар улус зур умид билан,
Нетурмиз, илқига санчилди тикан.

Гунча боғлаганда мақсад гуллари,
Тарк этмиш боғини эрк булбуллари.

Султон кўзин тўсмиш гафлат тумани,
Саройда ин курмиш, афсус, душмани.

Дўст билан душманни нечун қилмас фарқ,
Гафлат тўфониди сизсиз булгай гарқ!»

Оғир сўлиш олди Навоий ҳайрон,
Замона зайлидан юраги вайрон.

Деди: «Халққа қийин, сиз ҳақсиз, устод,
Бизга ҳам осонмас, кимга деймиз дод?

Султонни лўлидек аврар маккорлар,
Не маккор, эл қонин сурмиш хунхорлар.

Низомулмулк, Ўснат, Маждиддинки бор,
Халқ бошига солур сиртмоғини дор.

Салтанат таназул топмагунча то
Алар тинч ётмагай лаҳадда ҳатто!

Сарой фитналари тегмиш жонимга,
Яроғи қадалмиш устхонимга.

Осойиш истайди озурда кунгул,
Не кунгул, қон йиғлар бағримда булбул.

Девон хизматидин юрибмен бешиб,
Ғуборим ёзгаймен эмди эл кезиб.

Ижод кулбасига ўзни урғаймен,
«Бинойи хайрият» элга қурғаймен!»

Махдум хурсанд бўлиб, тилади омад,
Шоир қўзларида кўрди зур мақсад:

«Хайрли юмушга белни боғлабсиз,
Савоб гулшанига ўзни чоғлабсиз.

«Бинойи хайр»-да бўлиб овора,
Илҳом парисини этманг дилшора.

Шеър битмак азалдин эмасдур осон,
Суз билан эл кўнглини айланг гулистон.

Бино қурмоқ йиғит кишининг иши,
Йиғит кишига бахт улус ташвиши.

Мақтабу мадраса қилсангиз бўяйд,
Улус сиздин хурсанд бўлғай умрбод.

Ботиб қолгаймен денг қони савобга,
Имдод бўлса, қонки, фақир жанобга!

Навойи маҳдумга кўрсатди қарам:
«Савобин сиз билан кўргаймен баҳам!»

Жомий мамнун боқиб этди илова:
«Улуғга ҳам насиб қилсин, илоҳа».

Навойи қулуқ дер, қули кўкракда,
Халқ ишқи, шеър ишқи ёнар юракда!

XXVII

Тахтоҳ. Султон билан шоир сўхбати,
Сўхбатини безамини даврон ҳикмати.

Кўнгли ноасойини қайтса-да Балхдан,
Султон боши кўкда шарафли бахтдан.

Қулида — Улуғбек мирқонинг «Зиж»и,
Не мирзо, дунёин самонинг «Зиж»и.

Қувонч қони жўшиб, тўйғуси шаффоф,
Кўзга суриб уни қилади тавоф.

Деди: «Подир ёлгор буюк инсондин,
Фақирга аълодур ганжи жаҳондин».

Навойи истиқбол уфқини кўрур,
Улуғ мақсад унинг йўлдонин эрур:

«Асрамак лозимдур «Зиж»ни қарордек,
Ёритгай маърифат уйини чарордек!»

Жаноби Манҳадий жоншор бўлса,
Кўчириб берсалар бир неча нусха.

Нужум ишқи орғини мударрисларда,
Ўқитмак фарз эрур мадорисларда.

Толиблар баҳраманд бўлсалар андин,
Не тоғ, Ҳирий олса зоб Самарқанддин.

Ҳазрати Улуғбек ёқиб кетмин шамъ,
Ёниб турса дейман Хуросонда ҳам.

Наслар қилишиб мунажжамини ёд,
Қонки, расадини этсалар обод».

Султон ҳалжонда «Зиж»ни варақлаб,
Кўккага босади севиб, ардоқлаб;

«Нурҳикмат сўзингиз таҳсинга лойиқ,
Букилса-да, вале синамас ҳақойиқ.

Улуғбек мирқон қатл этган даврон
«Зиж»нинг олдда қолди потавон.

Қуладан қулга, элдан элга ўтмин у,
Манриқи оламини нурдек тутмин у.

Жон ичра асраймиз ани, қўнмас гард,
Жаноб Дарвеш Али бўлғай жоншарвард».

Шоир хурсанд, унинг ишиси, ахир,
Султон меҳри тушиб, тоғандир қадр.

Оғаси туфайли айлаб ҳумоюн,
Кутубхонасини берди Ҳусайн.

Бебаҳо китоблар илкида унинг,
Не илки, Хуросон мулкида унинг.

Ул «Зиж»ни жонидан зиёда кўргай,
Мунажжам қанфрини кўзига сурғай.

Султон мақсад шамъин ёқди-да хуррам,
Мулоқот боғини айлади кўркем:

«Шоир давронини шод қилай дебон
Тахтоҳга тиладим Балхдин қайтган он.

Аҳмад Муштоқ гарчи кўтармин исеи,
Жангиз у қалъани тоширди осон.

Улуғ оғасини қилиб ҳукмдор,
Ҳирийга ошиқди барқдек шаҳриёр.

Жанобим кўзида илҳом кавкаби,
Истеъфо баҳона, оғод қуш каби

Чарх уриб юрғайдур ижод боғида,
Ғазал маликасини куйиб доғида».

Ингичка табассум қилди Навойи,
Султон не демоқчи — билди Навойи:

«Ижод қилмоқ хундир хизматдин, шодим,
«Бинойи хайрият» қурмак дилхоҳим.

Қалб қуши қутулмин олгин қафасдин,
Тап эса роҳатда — айрар нафасдин.

Фуркат қадри баланд билонихоя,
Қим ани бой берса, ғам солғай соя.

Ўтиб кетмакдадур олгиндек дамлар,
Кўнгулни ўртамин ўқинч, аламлар.

Зоеъ дамлар ҳаққи — кифтин узра тоғ,
Не тоғ, мафтун юрак кўзусида доғ.

Дил майлига қулоқ осмай, илож йўқ,
Вақт шаҳаншоҳдур, бошида тож йўқ».

Султонга хуш ёқди Навойи сўзи,
Кўнглида эриди қудурат музи.

Қудуратнинг асл боиси унбу:
Шоир мақсадинга у чиқди ўтру.

Саройда авж олиб фисқ ила фасод,
Навойи орқуси бўларди барбод.

Аҳвол оғир: сарой ҳавоси бузуқ,
Салтанат илкига бўлолмас узук.

Кўнгли тилаганин қилолмас султон,
У тузоққа тушган шердек нотавон.

Ҳўлаб боқди: селдек қирғоқдан тошиб,
Душманлар дарёси келмоқда босиб.

Унга тўғон бўлиб берса-да бардош,
Каззоблар қошида асло эгмас бон.

Ижодга урмаса ўзини агар
Қулга айланажак улў орзулар.

Ҳамон «Хамса» ишқи бермас осойиш,
Ҳамон қилгани йўқ ўзин намойиш.

Ушоқ шеърдан ўзга не битди, ахир,
Маснавийга кўндан эл-ку мунтазир.

Ижод кулбасига ёқай деб чироқ,
Султоннинг кўнглини оғритмай, бироқ,

Вазирликдан озод этгайсиз дебон
Қатъий талаб қилди ундан ногаҳон.

Ушбу байт мазмуни ўтиб ёдидан,
Истеъфо берди у ўз мансабидан:

«Эи мансаб рўй дар бемансаби неҳ,
Ки аз ҳар мансабе бемансаби беҳ»¹

Султон муззам бўлиб ўйлашиб қолди,
Меҳр ўти дилни тўғиға солди.

Навонийнинг кўнгли истагани, аммо
Ўз дил орзусидан қўйиб муалло.

Ризолик бошини эгди амирга,
Не амир, эл аро дошдор шоирга.

Ҳусайн қўзида орзу учқунлаб,
Бир олий умидга тутқун эди қалб:

«Азизим, бу кўнгул истаги баланд,
На бўлғай, қилсалар анга жон найванд.

Бустондин энг хуш буй гуллар узсалар,
Мулк донгин ёйғали девон тузалар.

Хуросон шухрати Машириқни тугса,
Не Машириқ, садоси Магрибга етса».

Гул ёзган синари умид гулчаси
Ечелди шоирнинг дил тугулчаси:

«Подшоҳ ҳазратларин орзуси улў,
Мақсад тоғи узра қадалдилар тўғ.

Осойиш дамларга илҳақ бул фақир
Девонига улўс кўндан мунтазир.

¹ М а з м у н и: Мансабдан мансабсизликка юз
ўғир, (чунки) ҳар бир мансабдан мансабсизлик яхши-
роқдир.

Мавлоно Жомий ҳам орзу қилмишлар,
Фурсат етди дебон кўнглим билимишлар.

Ҳазрат олийлари этса иноят,
Миннатдор бўлғаймен сиздин ниҳоят.

Девон тузмакка ҳеч топмадим имкон,
Гарчи ишқи бирла нафас олур жон».

Султон юзларига кулги ёйилди,
Раҳнамо бўлгандек кўмакка келди:

«Шоир давроним не этса мурод
Салтанат номидин қилғаймен бунёд.

Фароғат боғида ижод этгайсиз,
Мамлакат ташвишин лек унутгайсиз.

Латиф ашғор бирла шод қилсангиз, бас,
Мушқил дамда бўлғай фақир ҳамнафас».

Мурод карвонига топиб соябон
Навоний хоҳишин айлади баён:

«Юракда бўлмаса Ватан ташвиши,
Беғамлик наҳрига гарқ бўлғай киши.

Ғафлатда яшамоқ азал ёт менга,
Элу юрт иқболи қўшқанот менга».

Навоний азмида султон қувонди,
Умид ўти билан кўзлари ёнди:

«Шоирга шарафдор Ватан хизмати,
Хизмат билан баланд элда иззати.

Ва лекин жанобим тарк этиб ани,
Сокни ижод боғи бўлмин масканни.

Давлатнинг юмуши қолмин фақирга,
Бу юкни кўтарғай ким билан бирга?

Ўзингиздин собит таянч тоғим йўқ,
Не тоғим, ишончли дўст-ўртоғим йўқ».

Шоир ачингандек боқди султонга,
Алам ништарлари қадалди жонга.

Нетени, меҳр ойини кези узри доғ,
Не доғ, дўст боғида ин ясамин зог:

«Биламен, аъёнлар дўст эмас, ашғор,
Баъзи вазирингиз тулкидек айғор.

Амирларнинг эса нафслари ўшқон,
Домига илниса, омон қолмас жон.

Беклар худбинликда қанқирдек ёвуз,
Найт топса, девонга қилур тажовуз.

Мулкдорлар қозинмас бўлма илодин,
Бойлик деб тошинар дини ниймондин.

Ҳокимлар балюдан қилмағай ҳазар,
Текин унса, ютар, гарчи у заҳар.

Қозию мироблар буқаламундур,
Илқингин ювганда силлиқ сабундур.

Шакли-шамойили гарчандки, инсон,
Алардин юз қатла яхшидур ҳайвон.

Устаси фарангдур муомалада,
Қотидин фарқи йўқ муқоталада¹.

Ичи қора, юзи сертабасумдур,
Дилида адоват, сертакаллумдур.

Зур келса, билганлар, думлари қисқ,
Мансабга миндими, курсатар қилиқ!

Ҳатто отасини танимай қўяр,
Не ота, онага ётдек ўқрайар.

Фисқ-фужур уясин қузгашиб пинҳон,
Бир-бирин гажийди зимдан беомон.

Фитналар майдан гаранг бошлари,
Ичларида ёнур кин оташлари.

Зоҳиран иноқдек, дўсту уртоқдек,
Учрашса, букилар қадлар уроқдек.

Бир қадам ёнидан кетдими йироқ,
Еки кузи қузга тушмай турган чоқ,

Бўхтон тошин отиб қилар ярадор,
Шунақа, ҳазратим, аҳли амаддор.

Йиртқишлар ичинда мисоли қонлон
Яшашга мажбурдур чорасиз султон.

Саройда қолмасиз ўзингиз танҳо,
Мушкул дамда фақир булғай жонфизо».

Хомуш уйга ботиб, бўлиб сердиққат,
Хусайн тикилди унга беминнат:

«Расмий хизматдин сиз озодсиз гарчанд
Мансабингиз этгум яна ҳам баланд.

Чунки, давлат сизсиз ололмас нафас,
Осойиш ижоддин улуг, муқаддас,

Сиз учун алу юрт ташвишлари бор,
Кифтингизда давлат юмушлари бор.

«Улуг амир» деган энг олий унвон
Жанобим номини безар дурсимон.

Барча орзу қилур бул мартабани,
Эл ҳавас этгандек қутлуг Қазбани.

Улуг унвонингиз муборак булғай,
Салтанат донгидин зур дарак булғай!»

Бундай марҳаматдан шоир лол тамом,
Сузлай деса, келмас тилига калом.

Ташаккур бошини эгиб миннатдор,
Фикрини айтмоққа этди ихтиёр:

«Таҳайюр богида кўзим қамашди,
Адл йулин излаб, ақлим адашди.

¹ М у қ о т а л а — бир-бирини уддириш, уруш, жанг.

Дер эдим, хизматдин зўрга қутилдим,
Сувдин қочиб, нетай, утга тутилдим.

Носоз кимсалардин кетганмен безиб,
Мақридин қалбимдин қон томар сизиб.

Уналар юзини кўрмасам дебон
Хизматин тарк этдим, ҳазрати султон.

Сухбатин эшигтам — қардир қўлюғим,
Даврасига бормам — шалдир оёғим.

Аmmo, воқифманки, алар гам емас,
Каззоблар сўзига қўнглим жўр эмас.

Фақирни сиздирмас жаҳон айвонин,
Оғудек туюлмиш оби ҳайвонин¹.

Ўзга жаҳон йўқдур кетсам бош олиб,
Айшин сурса бунда маълунлар қолиб:

Зулукдек сўрсалар улус қонини,
Дажжолдек бузсалар хонадонини.

Жаллоддек узсалар бошини тандин,
Азроилдек қилса дастор кафандин!

На чора, султоним? Ҳаёт хумдони
Ўтида тоблагай ҳар бир инсонини.

Мамлакат иқболини уйлаб бул фақир
Ризодур, булмак бахт Амири кабир!»

Миннатдор кўзини тикди-да шодон,
Садоқат тахтини безатди султон:

«Бинойи хайрият» курай деб элга,
Ҳиммат камарини боғлабсиз белга.

Азм этдим: бергаймен яна суюргол²,
Нечук юмуш лозим, айтинг бемалол.

Дил яйраб, Гозургоҳ янглиг масканда,
Ясагайсиз сарой ва ҳовли анда.

Боғлар барпо қилиб, сайр этгайсиз,
Нокаслардин ўзни йироқ тутгайсиз.

Инжилдин ҳам ер-сув қилгум иноят,
«Бинойи хайр»дин этсун ҳикоят!»

Мева бермагунча орау ниҳоли,
Юзин очмагунча мақсуд ҳилоли,

Мурод хирмани то булмагунча чош,
Раҳмат демагунча сизга кекса, ёш,

Умид биносига бўлиб дурадгор
Камина ҳам сиздек этгай жон нисор.

Салтанат узатгай нажот илкени,
Не тоят, жаннат қилса шоир мулкени!»

¹ О б и ҳ а й в о н — чашма суви.

² С у ю р г о л — подшоҳнинг яқинларига доимий фойдаланиш учун бериладиган ер-сув.

Қалб сўзин деди у: «Улуғ султоним,
Азозил макридин озурда жоним.

Нетайким, қилолмам замонасоалик,
Фақирга азалидин ётдир носозалик.

Юзингизга айттум не бўлса, ахир,
Сиз билан ҳаминна қилгаймен фахр.

Аммо, орамизга солишиб нифоқ,
Ғанимлар қайрашиб туришар ничоқ.

Гумон булутидин аҳд кўки қора,
Иғво ништаридин бағримиз пора.

Зеро, ақли-идрок бўлмаса дастур,
Кўзи очик одам кезар мисли кўр.

Кўр илкидин тутса гумроҳлар агар
Ғафлат кечасида санчади ханжар.

Қутурган ит каби қопмаса ошкор,
Фитна қилиб, қурар сиртмоқ ила дор.

Нокаслар уруғи қўнаймасин деб,
Кишилик уйига доно бергай зёб.

Бу уйга битта фишт қўймоқ ҳам бахтдур,
Остонаси анинг мен учун тахтдур.

Камина боғ аро қилмагай сайр,
Умрини безар шеър, бинойи хайр!»

XXVIII

Маждиддин боғида берар зиёфат;
Қувончи, ташвиши, дарди зиёдат.

Ари уясидек ғўнғиллар боши,
Фитнади кўзида майнинг оташи.

Қалбида адоват ути ёнади,
Ўтда илон каби жон тўлғонади.

Бир «гаш» бўлмаса, ёнамас дастурхон,
Текинга бермас у гадога ҳам нон.

Бир улик камаяр ўтса мазордан,
Даллол ҳам қочади, кўрса, бозордан.

Қурумсоқ қўллари очилди нечун?
Ё мансаб олгайми «сахийлик» учун?

Ҳожатсиз кимсага у бермас салом,
Қорасин кўрдими уриб қолар гом.

Ҳожатбарор бўлса, гарчанд у кичик,
Оёғин ялайди — кўзлари шумшик.

Ғажийди ташлаган устихонини,
Нафсига сотади ўз иймонини.

Думин қисиб турар унинг қошида,
Сўнғак чиқарми деб яна ошида.

Санохонлик қилур биттунча иши,
Сурбетлик касб этмиш чиқмасдан тиши.

Чучийди мансабдор соясидан ҳам,
Не соя, хизматда поясидан¹ ҳам.

Парвоначи эрур султонга гарчанд
Вазирлик ташлаган фикрига камаанд.

Ширакайф кўзларин сузиб ўлтирур,
Кўнгил кулбасини бузиб ўлтирур.

Лолагун май ичар меҳмонлар саркаш
Мисоли чанқоғи қонмаган боркаш.

Тановул қилишар барра кабобдан,
Жонлар гулгулага тушар шаробдан.

Шодлик ноғорасин чертар така-тум,
Қонларда ўт ҳислар бошлар талотум!

Хожа Ўсмаат шодон ғажир сўнғакни,
Қомати эслатар кўйик тўнғакни.

Ҳўкиздек пишқириб, қулт-қулт май ичар,
Сувни лойқалатиб, сузгудек, кечар.

Серкадек керилмин Маждиддин сари
Тикилди, соққадек уйнаб кўзлари:

«Алишербек оёқ узғач саройдин,
Зилол сувлар, тақсир, оққандек сойдин.

Бироз тинчиб қолдик, жонда ҳаловат,
Қўзондек босилди жанги маломат.

Дўст-ёрон мамнундир хизматиғиздин,
Барчамиз «қарздор» умрбод сиздин».

«Ғанининг отаси»ни айтди деб хўжа,
Беклар чуғурлашди мисоли жўжа.

Маждиддин тиржаар, кўзлари айёр,
Кўнгил қавағидан бошин чўзар мор².

Илондек, дуч келган жонни чақмас у,
Чақса — таллаб чақар, хунари — оғу!

У ҳозир йиғмоғда қатралаб заҳар,
Сочмаса, заҳари ўзин улдиарар,

Чақди Навоийни — заҳри қилди кор,
Ғалаба жомини сиқорди ғаддор.

Халқ бошида эса уйнатиб гаврон,
Маждиддин бошини силади даврон.

Хожа Сахобиддин — шаҳар қозиси,
Маждиддиннинг содиқ, олғир тозиси.

Хожасидан хурсанд — ёғли жой тегди,
Хизматига қулдек бошини эгди.

Меҳрибон илжайиб Хожа Ўсмаатга:
Алишербек кетди деди узлатга.

¹ П о я — мартаба.

² М о р — илон.

Ғуладек гавдаси силкиниб, кулди,
Ғуштдор юзларидан заҳар тукилди.

Сесканиб, диккайди бароқ қошлари,
Заҳарли нишини санчгандек ари.

Хумдек боши ғовлаб шароб кучидан,
Фигони тутундек чиқди ичидан:

«Навоий шиори — халқ ва адолат,
Ва лекин кўнглида кин ва адоват.

Султонга аёндур мақсад моюси¹:
Барчадин буюқдур анинг пояси.

Жаноби Мажиддин тиймаса илкин,
Қулига олғайдур Хуросон мулкин.

Улуғ султон эса чиқмас измидин,
Аммо беҳабардур анинг азмидин.

Мансабдин кетса-да, саройдин кетмас,
Анингдек соҳиб рой² эл аро йитмас.

Султон кўнглин андин совутмасак гар
Бошимизда зулм шамшири уйнар».

Ғилай кўзли Хожа Хатиб Абдулла,
Кумирдек ичига тушиб гулгула,

Ултирган сингари игна устига,
Заҳарханда деди, сизмай пўстига:

«Бир карра олдирғай кўр асосини,
Олмаса қўймас лек ул қасосини.

Фақир бошим тегиб туҳмат тошига,
Кўзим булоқ бўлди ғурбат ёшига.

Кўксини зах ерга тутиб ётди ул,
Алам зиндониди тошдек қотди ул.

Алишербек элда қилса-да бадном,
Тонг отиб, тарк этди умр боғин шом.

Яна қайтди, дўстлар, кетган давлатим,
Тикланди ғам ичра эгик савлатим.

Арқони давлатим бор экан, шукр,
Ҳаётда толеъим ёр экан, шукр.

Жаноби Мажиддин бўлмаса таянч,
Камини қисмати кечарди аянч.

Алишербек бўлғай йўлимизга ғов,
Қўрқамен, султонга бизни этар ёв.

Ғовни кўпормасак ҳамдам, эл бўлиб,
Ул бизни оқизғай, тошқин сел бўлиб».

Миқ этмай ултирган Амир Мўғулбек
Маст кўзини тикди Хатибга ўқдек.

Қунол гавдасини тиклаб, ғудранди,
Алчиқ сўзларида заҳар тўлганди:

¹ М о я — моҳият.

² С о ҳ и б р о й — тўғри фикрли.

«Навоий йўғида тилимиз бийрон,
Борида — соқовмиз, дилимиз гирён.

Устамиз отмоққа орқасидан тош,
Дуч келсак, гуломдек бош ағамиз, бош!

Тилимиз бошқаю дилимиз бошқа,
Ҳарқалай, от каби эмасмиз қашқа.

Тугри сўз — тош ёрар, ҳар эгри сўз — бош,
Бошимиз асрасак, анга тегмас тош.

Тинч қўйинг, хизматдин кетди у бутун,
Илҳом париси-ла кўнглидир жунун.

Жомийдек истайди сокин ҳаётни,
Умрин безағи деб билур аётни».

Барча бир-бирига боқди ҳангу-манг,
Амир сўзи тегди бошга мисли санг¹.

Гаранг бошларини қилишиб сарак,
Қотдилар; Мажиддин лек олазарак.

Имосига маҳтал мугбача шу он
Лиммо-лим қадаҳни узатди чаққон.

Тутди у, ширакайф меҳмонларга ҳам,
Оғир жимлик тушди даврага бир дам.

Ҳайиқиб қолдилар Амир Мўғулдан,
Уйлашди: «Навоий урибди йўлдан».

Мажиддин узини босди, мугомбир,
Кулиб, узиб олди, сўзлари — омбир:

«Жаноб Амир Мўғул айтдилар юзга,
Дафъатан чўп тушар аяган кўзга.

Тугри сўз ёқмайди туққанингда ҳам,
Не туққанин, узинг уққанингда ҳам.

Вале Навоийни қилиб ҳимоя
Жон фидо этдилар билониҳоя.

Дўст эса ачитиб гапирар мудом,
Аммо, ёмонликни кўнгли этмас ком.

Навоий тикмоқда ҳар тешикка бош,
Бирор кун манглайин қонатади тош.

Давлатнинг олдида барча тенг, дер ул,
Ҳисоб берсин, дейди, ким бўлса масъул.

Вазирми, амирми, ҳоким ё қози,
Барчага тенг, дейди, тошу тарози.

Салтанат жиловин тутиб ул маҳкам,
Арқони давлатни этмоқчи қарам.

Аммо, олий ҳазрат пайқаб қолдилар,
Бузуқ ниятиднн ташвини олдилар.

Ҳар қалай, ул кетгач, сарой тинчиди,
Фақирдин ва лекин кўнгли инжиди.

¹ С а н г — тош.

На чора? Инжисин, илож йўқ узга,
Шоирдин муҳтождур салтанат бизга!»

Ултирган урнимиз бўлсин деб омон,
Ичдилар, утланди томирларда қон.

Амир пўнгиллади уйнаб кўзлари,
Сочма уққа ухшар эди сўзлари:

«Ойни ёпиб бўлмас этак-ла зинҳор,
Ҳақиқат, бир куни бўлгуси ошқор».

Парвоначи лекин ютди аламин,
Ножўя қуйгандек мироб қадамин.

Қозининг ичидан утиб қиринди,
Амир Мугул унга ёвдек кўринди.

Ҳиравий чурқ этмас — чўкқанди оғир,
Аросатда қолди дурагай шоир.

Гоҳ унинг, гоҳ мунинг оғзига боқиб,
Ҳиринглар, аламдан жони туюқиб.

Қанча баланд бўлса Навоий қадри,
Ҳиравийни тортар шунча ер қаъри.

Урай деб бир уқ-ла икки кўёни,
Қулига олди у гуё камонини:

«Жаноблар, Навоий қилди не жабр,
Фақир тотдим, аммо этадур қадр.

Истеъдоди баланд диловар фарзанд,
Тугри сўзлигини элда еяр панд.

Султон Абу Саъид мирзо замони
Хизматим қилди у — ёшлик даврони.

Чарх экан кажрафтор, эмди ул амир,
Мулозим менингдек хужаста замир¹.

Зурафо аҳлига бўлиб раҳнамун,
Жонини аямас хизмати учун.

Адл истаб сизни қилса норизо,
Ўзи ҳам оқибат олди-ку жазо.

Бу қайтар дунёдур, утар бегумон,
Навбати биландур, ахир, тегирмон.

Бадхоҳ одам эмас Навоий асли,
Етти пуштигача тозадур насли.

Ва лекин мижози нозикдур гоят,
Тез инжиб, унутар теада ниҳоят.

Кек сақлаб юрмайди кўнглида сира,
Дил ойнасин гард-ла этмайди хира.

Туркийни камситмиш кимсаларни лек,
Азаддин хуш кўрмас ҳеч Алишербек.

Камина рост гапни, нетай, сўзладим,
Эзилмиш бағримни яна тузладим».

¹ Х у ж а с т а з а м и р — пок юрак, пок кўнгил (киши).

Маждиддин Даҳога қадаҳ тутқазди,
«Айниб қопти» дебон дилдан утқаади.

Навоий мақтовини келтирди дебон,
Хожасига боқди қози нотавон.

Маждиддин гижинди, кайфи зур Ўсмаат
Ўсмоқчилаб деди: «На чора? Қисмат!»

Ҳиравий маст эди... Алжиди яна,
Гилай хожа Хатиб кўзида таъна,

Безанглаб тошди у: «Қасосли дунё!
Алишербек бошин тарк этди ҳумо».

Серка соқол қози деди мастона:
«Шоирнинг маскани бўлғай майхона».

Шифо берсин дебон майни ичдилар,
Иғво ариғини яна кечдилар.

Маждиддин ичса-да, лек эди хушёр,
Дил овлар, кибрли кўзлари айёр.

Ҳотамтойлик қилди яна мугбача,
Гарчанд бушаб қолди не-не кўзача:

Қадаҳни кўтариб деди Маждиддин,
Хулоса чиқариб мазкур мажлисдин:

«Жаноблар, гар садо чиқмаса жомдин,
Дўст излаб келмагай бизни Ажамдин.

Бошимизни қўшмиш бир холис ниёт,
Муродга етгаймиз қилсак қатъият.

Фақир чекдим алам — тинглаб сўзингиз,
Бу қадар паст тутманг зинҳор ўзингиз.

Сиз билан тикланган давлат биноси,
Сиз анинг аркони ҳамда ғиноси¹.

Сизга таянмасдин иш кўрмас султон,
Соҳиби қудратсиз, чекмангиз фиғон.

Алишербекдин лек ҳайиқманг асло,
Эмди чиқмас анинг созидин садо.

Камина бор экан токи саройда,
Бўлмагай шоирнинг пичоғи мойда.

Султон кўнглин андин совутсак муздек,
Салтанат кукида кулмас юлдуздек».

Шу асно ўлжасин излаб қашқирдек,
Ҳовлиқиб бош суқди дилгир Қашқирбек.

Шароб таъсиридан аҳли анжуман
Кўзини босганди қоронғи туман.

«Тинчликми?» — гулдираб сўради Ўсмаат,
Маждиддин кўнглида алами қат-қат.

«Шароб бер!» — Қашқирбек мугбача сари
Оч бўридек боқди, уйнаб кўзлари.

¹ Ғ и н о — бойлик.

Бир печа қадаҳни ичгач пайдарнай,
Қони жунди, унга таъсир қилди май.

Тутоқиб деди сунг: «Ҳазрати султон
Олий фармонидан хайратда девон.

Навоийни «Улуғ амир» этмишлар,
Салтанат жиловин анга тутмишлар.

Ҳоз каби керилмиш Сухайлий яна,
Хожа Афзалиддин қурмиш таитана.

Вазир Низомулмулк ўхшар дилгирга,
Лек чиқмиш саройдин у билан бирга.

Сизлар базми жаминд бирла овора,
Ғафлатда қолмишсиз, афсус, на чора?»

Барча хушёр торғди — тошдек қотдилар,
Алам балчиғига тиздан ботдилар.

Маждиддин, қўлтиқдан тушиб тарвузи,
Биди-қосасидан чиққудек кўзи.

Ғазабин босилмай бақирди май деб,
Ичидан эил кетди, қон ютди ўхчиб.

XXIX

Ғозургоҳ ҳавоси ёқимли ва соф,
Навбахор сеҳридан яшнаган атроф.

Илиқ ва хушбўйидир замин нафаси,
Шудгордан келади тириклик саси.

Уйғонган боғлардан узолмай кўзин,
Навоий бахтиёр ҳис қилар ўзин.

Завқ аро хотира чанмаси жунди,
Болалик чоғлари ёдига тушди.

У илҳом кўкида урғанда жавлон,
Ота мулки эди ушбу боғ-бўстон.

Беармон сайр этиб баҳору ёзлар,
Сафобахш гулшанида чертгани соғлар.

Отаси тўсатдан ўтгач оламдин,
Ёш боши чиқмади ғаму аламдин.

Ҳиротга ёв босиб нопок оёғин,
Бошида ўйнатди зулм таёғин.

Абу Саъид қилиб мол-мулкин талон,
Онаси кўзларин айлади гирён.

Юртидан қилинди ўзи бадарға,
Надари боғида ни қурди қарға.

Ҳар қалай, бахтиёр қўнлар ҳам келди,
Булуғлар тарқалиб, хуш сабо елди.

Султон Ҳусайн ади йўл тутиб алҳол,
Отаси мулкени қайтарди дарҳол.

Чуқур сўлиш олди тўлиб кўкрағи,
Аламдан қутулди, балки, юрағи.

Далада қайнаган қори зироат,
Дехқонлар ташвини беҳад, зикдат.

Меҳнатқан улуста келар ҳаваси,
Водийни туттадек ижод нафаси.

«Хорманғиз!» дебон у кезар боғ ичра,
Меҳнатда устозу дўст, ўртоғ ичра.

«Бор бўлинг!» — ҳавога учар садолар,
Саминий сўрашар меҳри дардилар.

Ҳалжондан зўрга ўзин босади,
Отаси дўстларин кўриб, тонади.

Ўқ ариқ бўйига қўниб омонат,
Сухбати жон тузиб, топар қаноат:

«Қўнгул хоҳини-ла навбахор айём
Сиздин ҳол сўрғали фақир урди том.

Сихат-саломатми тани-жонингиз?
Омон-осойишми хонадонингиз?

Рўзгорингиз нечук? Ким бўлса муҳтож,
Дегайсиз, албатта, тонғаймиз илож.

Иложи йўқ ишнинг асли ўзи йўқ,
Сўзимиз чин, ёлгон сўзнинг тузи йўқ».

Жамоат фикрини қилгандек баён:
«Амир Алишербек, — деди бир деҳқон, —

Тапғрига шукрим, тап-жонимиз соғ,
Рўзгоримиз тўқис, димоғимиз чоғ.

Бонимиз силаси сиздек соябон,
Муҳтожлик кўрмаган бирор хонадон».

Барча маъқуллади деҳқон сўзини,
Шоир деди яқин тутиб ўзини:

«Маслаҳатин бир гап яшар кўнгулда,
Билмоқ мақсадимдур: не фикр элди?

Ишжили билурсиз — Ҳирий ишижада,
Кўзи боқур танина сув илинжида.

Бир ариқ қазисак ва чиқарсак сув,
Боғлар жамол очиб, дашт бўлса сулув.

«Биноий хайрият» айласак бунёд,
Улус кўнгли бўлғай сизу биздин шод.

Фикрим маъқул топмиш оламнаоҳ ҳам,
Мақсад уин ичра ёқмиш биллур шамъ».

Ботирбек қувватлаб шоир фикрини,
Лочиндек қад ростлаб деди зикрини;

«Улуғ амир, неки бўлса фармоиши,
Сиз учун қилғаймиз ўзин намойиши.

Индан қочган йиғит аслида номард,
Эл ичра қилмаймиз юзингизни зард.

Йиғит ишга келу, чол эса онга,
Қасд этсак, не ажаб, жон берсак тошга.

Қали, шер йигитлар, чиқаринг садо,
Ким қилгай Инжилни олий муддао?»

Ботирбек тикилди жамоат сари,
Шайланди Ҳозургоҳ сор йигитлари:

«Қайга буюрсалар қайтмай борурмиз,
Ҳатто, тоғ бошига сув чиқарурмиз!»

Шоир йигитларга боқди миннатдор,
Деги тугён ичра: «Сизлардек шунқор

Йигитлар тер тўкса — чўл бўлгай обод,
Бинойи хайрлар қилингай бунёд!»

Рухлар қанотланди, тошди ҳаяжон,
Сўз торини чертди соҳибқор Нуъмон:

«Боғ қилмоқ, уй қурмоқ — ҳар йигит бурчи,
Не бурчи, йигитлик фаслининг курки.

Йигит боғ қилмаса, қурмаса бино,
Дунёда яшашдин анга не маъно?

Боғсиз, иморатсиз хароба дунё,
Ғам ёши йигилган сарбода дунё.

Фарзандга отаси утқазган дарахт
Соясида роҳат олмақ улуг бахт.

Ё отаси қуриб кетган иморат
Бағрида шарафдур этса иқомат!¹

Аммо фарзанд номи бўлгай муалло,
Ўзи ҳам яратса боғ ила бино!

Йигитлар урганса сиздин, амирим,
Фирдавс ойин² бўлди, дейсиз, заминим.

Неча боғ, иморат бунёд этмишсиз,
Яна элга манзур ғазал битмишсиз.

Давлат иши билан банд бўлсангиз ҳам,
Бизни унутмайсиз, ташаккур, отам!»

Қўзларида порлаб меҳру садоқат:
«Миннатдормиз сиздан!» — деди жамоат.

Шоир хурсанд эди — қалб ҳаяжонда:
Омон бўлинг, деди, дорул-амонда.

Рустам ишбошига берди фармойиш:
«Ҳотами тойликни қилинг намойиш.

Муруват камарин боғланг-да белга,
Заҳира ғаллани тарқатинг элга».

Дуога қўл очиб деди меҳрибон,
Белига ток қайчи қистирган боғбон:

«Отангизга раҳмат, эй улуг амир,
Яна қайда сиздек хужаста замир?»

Тангри паноҳида асрасин сизни,
Эҳтиёт қилгайсиз лек ўзингизни».

¹ Иқомат этмак — истиқомат қилмоқ.

² Фирдавс ойин — жаннатга ухшаган.

Навоний раҳмат деб, бўлиб гоят шод,
Миннатдор улус-ла қилди хайрбод.

XXX

Мажиддин саройга кирди дилшикаст,
Пажмурда кимсадек сўлгин, руҳи паст.

Калтакесак каби совуқ юзлари,
Чаноғига ботган укки кўзлари.

Тунги май кайфидан бошидир карахт,
Қомати мисоли эгилган дарахт.

Қоронги кўнглида алам музлари,
Ярага сепилган фиғон тузлари.

Суякка қадади пичоғин ғазаб:
Улуг амир бўлмиш Навоний, ё раб!

Тинч эди, у дилгир кетгач девондан,
Яна ҳамла қилди алп шер ёбондан.

Шер турса, на қилгай қашқир майдонда?
Қашқирга эрк йўқдир шер бор ўрмонда!

Бузгун хаёлида яшар бир фикр:
Султоннинг тилию дили эмас бир.

Не қилса жилоблаб олгай батамом?
Бу жумбоқ уйқусин айлади ҳаром.

Ечимин тополмай нақ боши қотди,
Тонг отгунча тикан устида ётди.

Аммо, эгарлади умид тойини,
Биларди ҳукмдор нозик жойини:

Ҳазина курсоғи қанпайиб турса,
У писанд қилмасди бурон уқирса.

Ҳожа Ўсмаат фойдаланиб фурсатдан,
Қутқармоқ истади уни гурбатдан:

«Қора кун» келганда нажот бўлгай деб,
Асраб қўйган эдим ақчамни йигиб.

Хоразм юртига кўчмайсиз дебон
Улусдин йигилган зураки ўшон.

Яна мироблигим бўлиб баҳона,
Сув солиғи солган эдим пинҳона.

Бу бойлик султонга қилинса эҳсон,
Рутбамиз сарбаланд бўлгай бетумон.

Ҳеч ким мушугимиз дейлмагай «пишт»,
Мансаб тамалига қўяжакмиш гишт».

Қултиққа урди-да мўмай улжани,
Мажиддин пинжиги олди хўжани.

Саройга отланди — ноумид шайтон,
Кошки, султон бўлса дардига дармон.

Қўлида гўёки унинг «жилови»,
Садоқатли қўлининг навруз «сийлови».

Кўнгли нотинч, девон сари бурилди,
Карахт боши, афсус, «тош»га урилди:

Низомулмулк тўғри келди эшикда
(Илон ётса кўрар эди тешикда).

Илиқ сурандилар илтифот билан,
Юзлари жилмайди инбисот¹ билан.

Мажиддин ичкари кирди, дили гаш,
Бирдан терлаб кетди — табида оташ.

«Дардимни» найқади Низомулмулк деб,
Ўзини қарғадди, ич этини еб.

Аҳли девон уни хун кутиб олди,
Раҳгин кўриб, аммо, анграйиб қолди.

Муставфий² жилнагилаб қилди тавозъ,
Оҳиста шинишди бўлиб порози:

«Алишербек бўлмиш «Амири кабир»,
Сиздек зот мансабни олимни муғомбир».

Мажиддин сездирмас — дарди ичида:
Улуғ амир жони кин қилнича.

Ҳазаб сели тошиб соҳиб газалга,
Яна у дуч келди Хожа Афзалга.

Тиржайиб, вазирга боқди маънодор,
«Душман кўзи» учун деди бемадор:

«Шоир жанобларин урида фақир,
Сизни қутламакдин қилгайдур фахр».

Вазир кулиб қўйди, найқади чоғи,
Ег устида бўлсин дейди ичогин:

«Муборак сўзлари қолмағай ерда,
Бахт эрур етказмак Улуғ амирга».

«Шод этинг» дебон у мулоҳим турди,
Ликонглаб тахттоҳга ўзини урди.

Ўлжасин қанқирдек тишлаб тишида,
Султонга бош эди жон ташвинида.

«Наврўз тухфаси» деб мамнуи узатди
Ва унинг авзойин зимдан қузатди:

Табассум ёинди султон юзига,
Шодлик чақнаб кирди қийиқ кўзига.

«Вафодор ит»идан бўлиб миннатдор,
«Совға»ни чамалаб кўрди шаҳриёр.

Сунг болиш остига бостириб қўйди,
Сўзларини шуъласи яннатди уйини:

«Салтанат панжаси бўлмаса маҳкам
Харжига дон бермас тоғини уйса ҳам.

¹ Инбисот — шодлик, хурсандлик.

² М у с т а в ф и й — дафтардор, ҳисобчи, ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи.

Хазинадор улки, дур — ҳавасида;
Ҳар дурни асрағай жон кавагида.

Хазина хароба — томиб турмаса,
Олгини жаҳоҳир ёиниб турмаса.

Ётиб санг, билки, чидамас тоғ ҳам.
Тоғ бўлур, йиғсанг гар мисқоллаб кам-кам.

Бир муштдан урса гар ўлдирди эл,
Бир бурдадан берса — тўйдирди эл.

Салтанат аркони халқ эрур азал,
Халқ берур хазина кўркига сайқал.

Қай кимса бош қўйса халқ елкасига,
Оёғин бозмағай гам ўлкасига».

Гарчи тоғдек босди султон шукӯҳи,
Синиқ қанотини тиклади руҳи.

Танига жон кирди унинг сўзидан,
Е таба, ўт чиқди кўнгли музидан:

«Ўзгалар ойқ-ла қилса амрингиз,
Бош билан бажарғай бул фақирингиз.

Шараф тожи билур хизматингизни,
Тож узра дур билур иззатингизни.

Сиз учун ҳазратим, фидоин жоним,
Йўқин бор қилгаймен, бўлса имконим.

Кўнглингиз тўқ бўлсин, борки камина,
Олгин, кумуш билан тўлғай хазина».

Хона ичра кезди султон қўзғалиб,
Мажиддин омонат, турар кўз солиб.

Султон салмоқлади: «Музаффар мирзо
Бўлмиш, не деса — қилинғ муҳай».

«Бош устига!» — деди парвоначи шод:
«Мирзо этгай, билки, мушкулун кўнод».

Кетмоққа ижозат сўради, аммо,
Кўнглида яшарди ўзга мўддо.

Раъийн сезгач, зўрға тили жуфтланди,
Занжир халқасидек сўзлар тутанди:

«Алишербек бошини сизлаб шаҳриёр,
Рутбан олийга қилимин сазовор.

Ушбу ган урмалаб юрмин девонда,
Адашиб қолгандек фақир ёбонда,

Ҳайратдин оғзимга солдим-да толқон,
Зийрат этгани елдим сиз томон».

Ҳусайн кўзларин қадади ўткир:
«Аҳли девон ўтрик сўзламас, тақсир.

Алишербек керак салтанат учун,
Давлату улусу мамлакат учун!

Ватан бахтин ўйлаб қўндилар зўрға,
Кошки, гавҳар бўлса тожимиз узра.

Мушарраф этсам-да олий унвонга,
Бошини суқмагай кори девонга.

Тил топиб, дуст бўлинг амирлар билан,
Ўз сўзли беклару вазирлар билан.

Девон аҳил бўлса — тинчдур салтанат,
Салтанат тинч бўлса — тинчдур мамлакат!

Мажиддин, Ёнса-да дилда ўкинчи,
Юзида ясама ҳурмат, севинчи:

«Ҳазратим, Ёдимдан чиқмас пандингиз,
Фақир ҳам жон қадар бир фарзандингиз.

Яна бир қўлингиз Хожа Ўснат ҳам,
Халқ билан сўзлашмак жазо, дер бу дам.

Улус Навоийни билиб соябон,
Тўламас эмишлар сув учун ўлпон».

Совғасин юз-хотир қилиб Ҳусайн
Кўнглини кўтариб, сўзлади майин:

«Жанобим ортиқча чекмагай ташвиш,
Хуш ўлгай, кўрсатса ўзин боёқини».

Ўзгача фаҳмлаб султон сўзини,
«Хўб!» дебон бахтиёр сизди ўзини.

Рухсат тилаб сўнгра чиқди ташқари,
Ёзилиб кўнглининг ўкинч, гашлари.

Девон томон ҳали қўймасдан қадам
Қиё боқиб деди унга бир санам:

«Ҳадича бегимлар тиламин сизни,
Аямас эмишсиз хизматиңгизни».

Мажиддин жонига гулгула тушди,
Қалбида маст ҳислар булоғи жўшди.

«Жоним билан» деди. Завқи зиёда:
«Не совға айласам Маҳди улға?»¹

Девонга ошиқди — руҳидир тетик,
Лайёр — сувни кўрмай, ечмагай этик!

XXXI

Ипжилда қайнаган ҳаёб булоғи,
Не булоқ, яншаган меҳнат гулбоғи.

Ҳирот кўчиб чиққан — ақл шошади,
Дилларда нефтиҳор наҳри тошади.

Кўзларда чақнайди муқаддас орзу —
Наҳрул ҳаёт қазиб чиқармоқчи сув.

Томирларда оқар шижоат қони,
Ҳайқириб ётибди улус уммони.

Эрлар жавлон урар мисли баҳодир,
Ҳиндикуш тоғини йиқмоққа қодир.

Башар қудратидан ўт чақнар тошдан,
Тош эрир, қалбидан чиққан оташдан.

Офтобда ярақлар бош узра кетмон
Ва ернинг бағрига солади сурон.

Тупроқ ташир толмай йигитлар нори,
Ғалтак араваю замбил дастёри.

Ғозургоҳ лочини Ботирбек сардор
Ёш-яланг азмига дош беролмас қор.

Пешанасин танғиб қийиқча билан
Ариқ қазийдилар мисоли кўҳкан.

Ботирбек ялангтўш — мисдек кўкраги,
Кўкраги тагида шернинг юраги.

Жўссаси шерпайкар — елкалари кенг,
Кифтига тоғ қўйсанг ушоқ билан тенг.

Тошдек нишиқ унинг эти, бадани,
Меҳнат офтобида тобланган тани.

Мўйлаби — юзига ҳусн, ярашиқ,
Қароғи — кўз ичра толинган ошиқ.

Уни кўрган жонда ортади ихлос,
Баҳодир Фарҳодга қилади қиёс.

Шакли-шамойили ўхшайди чиндан,
Бу — деҳқон фарзанди, фарқи шу уйдан.

Фарҳод каби у ҳам тахт қилмас ҳавас,
Меҳнат тожин кийиб янаса, шу бас.

Ишқ дарди туфайли эғлимни қалди,
Севгисин айтмоққа сизмасмин ҳадди.

Шаҳарлик тарсо қиз қилгач наззора,
Ишва ўқи эгмин қалбини пора.

Дардин айтай деса, ҳамроҳ киши йўқ,
Қизнинг эса ишқдан зўр ташвиши йўқ.

Ўзи ёққан ўтда кўяди ўзи,
Кўзида чақнайди умид юлдузи.

Ботирбек оладди ишдан аламин,
Қизнинг гузаридан узмай қадамин.

Белбоққа қистириб яктаги барин,
Манглайдан сидириб реза терлиларин,

Палахса-палахса ағдаради ер,
Қувониб боқади унга Алишер.

«Ҳорман!» деб, кўксини кўтарар тоғдек,
Навқирон кўнглини яншатар боғдек.

«Бор бўлинг, амирим!» — дейди у хурсанд
Ва шоир кўзига боқар ҳавасманд.

«Бир лаҳза дам олинг, иш қочмас сиздин,
Ер тушимин ларзага кетмонингиздин».

Ботирбек, юраги эриб олқиндан,
Жилмаяр, бошини кўтариб ишдан.

¹ Маҳди улға — подшонинг катта хотини.

Халқ ичида шоир ютиб чапг, туфроқ,
Оға-ини бўлиб, бўлиб дўст, ўртоқ,

Неча мардни кўриб қотса-да кўзи.
Ҳайрат ёқасини тутмаган ўзи.

Кезиб юрар экан одамлар аро,
Одамлар дилинда одамлар аро,

Курмади бу қадар пок кишиларни,
Оқил, одил кўнгли оқ кишиларни.

Кўнгли мамнун бўлмиш хайрли ишдан,
Жони ором топмиш эзгу ташвишдан.

Аҳли меҳнат билан шоир бир муддат
Шавқ ила дўстона қуради суҳбат:

«Ишимиз кун сайин усар, олар авж,
Ҳадемай ариқда сувлар урғай мавж.

Даштлар бўстон бўлғай наҳрул ҳаётдин,
Инжил обод бўлғай боғ, иморатдин.

«Бинойи хайрият» эшигин очғай,
Улуғса марҳамат гулини сочғай.

Фуқаро ери ҳам тўйиб ичғай сув,
Сув ташвиши жонга солмағай гулу».

«Улуғ амир, — деди себзорлик деҳқон, —
Найчи чол қўшниси, шоир қадрдон.

У гоёг кўп чеккан сув азобини,
Азоб тортиб қўйган жон танобини.

Хоразм юртига кўчмаймиз дебон
Ғавғо кўтарганлар биридир Нўмон.

Навойи дилига яқин ушандан,
Меҳр гулини у узди гулшандан:

«Кўз кўрқоқ — кўл ботир, дейди халойиқ,
Халойиқ демаган ҳеч вақт нохойиқ.

Ботир қўллар токи бўлсалар омон,
Гураи билан урсак тоғ бўлур толқон.

Бу, кўпга нима гап — қилсак бир ҳамла
Ҳирируд сувини тутғай карам-ла.

Ерга қаратмайди халқ юзингизни,
Оқлайди, амирим, нон-тузингизни».

Шоир раҳмат деди, Ботирбек шодон
Сўзлади, дилида тошиб ҳаяжон:

«Амир ҳазратлари, хурсандмиз сиздин,
Аҳли фуқарога ҳимматянгиздин.

Меҳнат деб тугилмиш фарзанди башар,
Башар фарзандига меҳнат ярашар.

Меҳнатга ошнолар тўқ, бахтиёрдур.
Меҳнатдин қочганлар гадодин хордур.

Биз — одам боласи, меҳнат бўлса, бас,
Меҳнат билан хурсанд оламиз нафас.

Яна ариқ бўлса — қазиб ташлаймиз,
Дарёни етаклаб, даштга бошлаймиз.

Йигитлик боғида хурсандмиз бисёр,
Ҳаёт дарсин берди сиздек омузгор».

Навойи қувонди: «Ҳақдур Ботирбек,
Дунё хароб бўлур инсон турса тек.

Инсоннинг инсондин фарқидур меҳнат,
Меҳнаткаш нонини егай беминнат.

Меҳнатдин кўрклидур жаҳон жамоли,
Меҳнатдин юксалур инсон камоли.

Йигитлар кўнглида яшар не ҳавас,
Наҳри Инжил битса, тутғаймиз нафас».

Навойи кумилди утли олқиниға,
Жамоат шодланиб, шўнғиди ишға.

Ботирбек қалбида тошиб ҳаяжон,
Тарсо қиз сурати бўлди намоён.

Балки, Навойидан тиласа нажот,
Мурувват илкени узатмас, наҳот.

Аҳд ипини дилга тутди-да маҳкам,
Ариқ қазимоққа тутинди шаҳдам.

Шоир ҳамдам бўлиб аҳли меҳнатга,
Белин боғлаб турар ўзи хизматга.

Қай тўда қошида бўлмасин пайдо,
Эл кўнглин кўтариб, уқир тасанно.

Аҳли бунёдкорга Рустам иш боши,
Неча унбошилар унинг йўлдоши.

Улар эл ичида шоир кўзидир,
Не кўзи, улугса айтар сўзидир.

Шоирни қувнатар кўнлар мазмуни,
Не кўнлар, қилинмиш ишлар якуни.

Қизгин меҳнат базми этади давом,
Базмда фидойи фарҳодваш авом.

Олтин ёғдуларин сочгандек бошдан
Ташаккур садоси келур кўшдан!

ИЖЖИЖИЖИ ЖИЖИ



"ФУСУЛИЖИЖИ ЖАЗОЖИ..."

«Ва куҳулият айёмиким, уттиз бешдин қирқ бешгача дегинча қиёс қилса бўлмайким, бу фусулининг ҳазонидурким, тириклик боғининг барғрезининг нишонидур».

Алишер Навоий

Шараф бўлсин, муборак бу рақамга,
Уни оламга бахш этган қаламга!

У форслар ичра тонди шухрату ном,
Дарий назмида ҳам дур этди ниғом.

Бу нақшни битса эрди гар шу тилда,
Мажол қолмасди сўз битмоққа элда.

Бўлурди узга мўжаз назм мизони,
Қаёнда Хусраву қайда Низомий?!

Абдураҳмон Жомий

Жомий билан Навоийни дўстлаштирган нарса фақат уларнинг катта фалсафий масалалардаги ҳамфиқрилиги, жамият ва табиат ҳодисаларини бир хил талқин этишларигина эмас, балки уларнинг табиати, кишиларга муносабатлари, дунёқарашлари, хуллас, инсоний сифатлари ҳам деярли бир хил бўлганида эди.

Азиз Қайюм

I

«Боғи бинафша»да баҳор айёми,
Кунгилни эркалар гуллар саломи.

Бир гузал айёмки — офтоб ёйилган,
Боғ қушлари сайраб, жунбишга келган!

Навоий ижоддан бошин кўтариб,
Илҳом шаробини риндваш сиққариб,

Хаёл ичра чиқди уй айвонига,
Ором қуши қўнди жон ошёнига.

Рухини яйратди баҳор ҳавоси,
Дил торини чертди қушлар навоси.

Кўзлари қувонди боғ жамолидан,
Туйиб нафас олди тоғ шамолидан.

Шу пайт Соҳиб Доро бўлди-да пайдо,
Шоирга келтирди таъзимни бажо:

«Илҳом парисининг истигносидин
Қочиб чиқдиларми? Ишқ биносидин —

Ажиб садо келди — кўнглим орзуманд,
Тонг газали билан этсалар хурсанд».

Шоир чехрасига қўниб табассум,
Унинг кўзларига тикилди маъсум:

«Тақсирим азалдин назм шайдоси,
Жунун ошиқ каби ишқнинг гадоси,

Ғазал ишқи бирла олулар нафас,
Қисматимга эса қилурлар ҳавас.

Вале ани сизга кўрмасмен раво,
Шоирнинг азалдин қисмати қаро.

Яккаш боши чиқмас гурбат, ғавғодин,
Не ғавғо, каж дунё солмиш савдодин.

Дунё бўлса ҳамки алифдек расо,
Қинғир деди ани аҳли норасо.

Кажрафтор эдилар неча беиймон:
Қаллобу каззобу фитнагар, нодон.

Тулкидек фирибгар, қашқирдек ёвуз
Нокаслар адлга қилди тажовуз.

Дунё аҳли нодон домида қолди,
Жаллоду аждаҳо комида қолди.

Ани кажрафтор деб бўхтон этдилар.
Нурафшон кунини хуфтон этдилар.

Қотиллар айшини сурди боғида,
Донони қовурди зулм ёғида.

Яхши ёмон бўлди, қора эса оқ.
Мардлар номард бўлди, номардлар бек.

Ўз айбин қўйдилар дунё буйнига,
Илондек кирдилар анинг қўйнига.

Беғуноҳ жонларга заҳар сочдилар,
Дузахга итариб алҳол қочдилар.

Жонларин олдилар азроил мисол,
Оғу-ла танларин ювдилар ғассол¹.

Адолат маҳбусдек ҳибс қилинди,
Адоват туги-ла бағри тилинди.

Оқибат занжирбанд этилди шердек,
Лек бошин эгмади бўйсинмас эрдек!

Диёнат хўрланди, булғанди иймон,
Инсоф чавақланди, бўғилди виждон.

Эътиқод бўйнидин дорга осилди,
Мурувват юзига оёқ босилди.

Зиндонга танланди эркин фикрлар,
Зулматда бўғилди саркаш зикрлар.

Ой каби тугилди ақл қўёши,
Тошларга урилди тафаккур боши.

Хазондек тонгалди инсон унвони,
Ҳақорат селига ем бўлди шони.

Хиёнат қиличи қадалди жонга,
Нокаслар чанг солди аҳли инсонга.

«Кажрафтор дунё», деб ўтди не даврон,
Бу азал шайтонлар тўқиган бўхтон.

Расо дунёни биз десак норасо,
Ҳаёт эзгуликин кўрмагай раво.

Дунё расо рафтор, кажрафтор — нодон,
Нодондин ҳеч холи бўлмагай жаҳон.

Кун билан тун каби оқилу жоҳил,
Бирга яшар, бири биридан гоҳил.

Жоҳил тош отадур оқил бонига,
Оқил боши қалқон жоҳил тошига.

Ҳамонки, дунёда нодон ҳукмдор,
Дононинг ҳамроҳи зиндон, қилич, дор!

Шеър эса дононинг ади ялови,
Нодонга қўзғолмини нафрат олови!

Шоир эса элга яловбардодур,
Эрк истаган дилга оловбардодур.

Ўзи қуласа ҳам тунмас ялови,
Наслдан наслга ўтгай олови!

¹ Ғассол — мурдашуй, ўлик ювадиган.

Нодон ҳукмронки, шоирга душвор,
Эл ичра бўлса-да, бир яловбардор!

Бошидин кетмас ҳеч зулм қиличи,
Не зулм қиличи, улум қиличи!

Тақсирим, шоирга қилмангиз ҳавас,
У — дардманд, булбулвор куйламас абас!

Кошки, мен ҳам сиздек эркин қуш бўлсам,
Шеър дардин унутиб, бир дам хуш бўлсам.

Аммо, иложим йўқ, қалбда — халқ гами,
Ўтли дард-ҳасрати, ҳадсиз алами!

Бошимга не кунлар солмади тақдир,
Ўз юртимда, нетай, бўлдим мусофир.

Вале гамхўр улус илкимни тутди,
Азоб-уқубатни кўнглим унутди.

Тонг-ла қалам неки этибди иншо,
Кошки, эл дардига бўлолса ошно:

«Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ гамидин гами».

Оғир ўйга ботиб, дер Соҳиб Доро:
«Бир шоир бошида шунча можаро!

Дардингиз қўзғабмен, узр жанобим,
Жоҳиллар сузига йўқ асло тобим.

Давронни ўйпатур мисли қўғирчоқ,
Баднафс, ишратпараст бир неча олчоқ.

Доно оёғига қопқон қўюрлар,
Қоплондин йиртқичу либос кнюрлар.

Оға-ини аро солурлар игво,
Шийи, сунний аро қўзғарлар гавго.

Адоват ўйғотар уруғлар аро,
Фитна захрин сочар улуглар аро.

Донойи давроннинг тегиб сояси,
Англадим фақир, не дунё мойеси».

Гулзор сари елди шоир осойиш,
Яна Соҳиб қилди илмин намоийиш:

«Нечун жоҳил ҳақу ноҳақдур доно,
Жоҳиллар хасису донолар саҳо?»

Уни хурсанд қилди Соҳиб саволи,
Не савол, Соҳибнинг ақли, камоли:

«Жоҳил акени сўзлар, гап шунда, тақсир,
Оби ҳаёт билан оғу эмас бир.

Ҳақ дебон ҳисоблар ноҳақ ўзини,
Ноҳақ ҳақ демагай ҳақнинг сўзини.

Ҳамонки, ҳақиқат тонмасдин қарор,
Беқарор айланар чархи кажрафтор».

Муаммо туғунин очолмай Соҳиб,
Хомуш елди сокин ҳаёлот босиб.

Боғбон пеншвоз чиқди — қадди саломда,
Жон қулоғи — шоир демиш каломда:

«Гулдин гузал нарса йўқдур дунёда,
Гул ишқи умрни этур зиёда.

Умрингиз кечадур гулзорда, жаноб,
Гул парвариш этмак азалдин савоб.

Умрлар ўтмоқда чангитиб кўча,
Сезмаслар гул бўлиб очилса гунча.

Дунёда тирикдур гул билан одам,
Гул ўсган даргоҳга босиб кирмас гам.

Сиз бахтли одамсиз, олсангиз нафас,
Чанг эмас, гул бўйи булғай ҳамнафас.

Ҳавасим келади сизга чинакам,
Гул булур, қаерга қўйсангиз қадам».

Зайниддин олқишдан ўзин йўқотди,
Бир лаҳза ҳайратдан сўзин йўқотди.

Деди у, ҳаяжон мавжлари тошиб:
«Маъзур тутинг, қолди сўзим адашиб.

Ғоят ҳўб дедингиз гул хусусинда,
Гулчи қадр топгай эл-улусинда.

Олқишга кўмдилар ҳунарим, устод,
Гулдин ҳам шеърингиз азиз умрбод».

Боғбонга Навоий дегач ташаккур,
Лимонзор сайрини кўрдилар манзур.

Анқиб, лимон ҳиди урди димоққа,
Не димоқ, ел билан таралди боққа.

Яшил барглар аро оқ гул чамани,
Илжайиб очилмиш гунча даҳани.

Мева тутмиш баъзи гуллар тўкилиб,
Нозик новдалари турмиш эгилиб.

Шоир ҳавас билан салади разм:
Боларилар кўрмиш гул узра базм.

Диққатин ўзига тортиб шу замон
Боғаро кўринди Бадиуззамон.

Ёнида ўғлони — Мумин мирзо бу!
Отаси сингари таъзим этди у.

Падари кўнглига сочиб зиёни,
Навоий эркалар Мумин мирзони.

Гулшанга етаклаб, ўзиб бериб гул,
Ўпиб қўйди: йўқлаб келибсиз, деб ул.

Шоирдан миннатдор бошини эгиб,
Бола чулдиради: «Раҳмат, устод» деб.

Сайр этиб ўдилар сўнгра кўшк томон,
Соҳиб Доро хурсанд ёзди дастурхон.

Мўҳим иш туфайли келгани сабаб,
Мақсадга кўчди у — раъйига қараб:

«Жаноби олийнинг бузиб тинчини,
Фақир айтмоқ истар дил ўкинчини.

Султон ҳазратлари яйраган кун йўқ,
Оромин нокаслар бузмаган тун йўқ.

Мажиддин орқали бир даста каззоб,
Йулдан уриб, этар кун сайин хароб.

Атрофин аридек ўраб олмишлар,
Игво-ла жонига чангал солмишлар.

Бизнинг орага ҳам тушди совуқлик,
На чора? Йўқолса бир кун ёвуқлик.

Ишониб маҳрамлар ширин сўзига,
Кўринур на фарзанд, на дўст кўзига.

Сизни ҳам бездирди алар девондин,
Фойда қидирурлар қулай имкондин.

Султонни инсофга чорланг, ҳазратим,
Ғанимлар макридин тошар ҳасратим».

Ичидан келса-да шоир газабга,
Эркинлик бермади нозик асабга:

«Нетай, улуг мирзо¹, камдур иложи,
Инсофга келарди — бўлмаса тожи.

Ва лекин уруниб кўргаймен яна,
Нокаслар бутунлай қилмай тантанна.

Ўзга сўзи билан фарзандин ота
Ўздин йироқ тутса, қилгайдур хато.

Кўнглини огритса сиздек угилнинг,
Сунг ўзи афсуслар чекади минг-минг».

Мирзо уйга ботди: падари, наҳот,
Душман чангалида қолди бенажот?

Навоий сўзин ҳам, наҳот, ўқмаса,
Адолат йўлига кўзин тикмаса?

Маъсум Мумин мирзо кўзида ақл,
Юрагида эса гунча бир фасл.

Гоҳ боқиб шоирга, гоҳ падарига:
«Шеър айтайми?» — деди сўз сарварига.

Навоий шодланди: «Қулоғим сизда».
Мумин мирзо хурсанд ултирди тизда.

Бир лаҳза уйланиб, тутиб ўзини,
Хаёл нуқтасига тикди кўзини:

«Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо булур юлдуз, ниҳон булғоч қўёш».

Шеърни оҳанг билан ўқиди Мирзо;
Ҳар сўзи дилларга бўлди жонфизо.

Кўзида ўт чақнаб тугатган чоғи,
Лоладек қизариб кетди ёноғи.

¹ Навоий Бадиуззамонни «Улуг мирзо» дер эди.

Ҳавасдан Навоий қалби тўлғониб:
«Ташаккур, шаҳзода! — деди қувониб.

Погоҳ Мўмин мирзо сиймосида у
Болалик чоғига келди рўбару.

Илк шеър айтган пайти ёнига тушиб,
Маъсум шаҳзодаши эркалаб, қучди:

«Ҳофизангиз, Мирзо, баланд бағоят,
Сиздин хурсанд бўлмиш фақир ниҳоят.

Шеърин ҳуб ўқурсиз, қилмангиз қанда,
Хушовоз булбулдек сайранг гулшанда».

Сунгра деди хушҳол Улуғ мирзога:
«Митти юлдуз келмиш ёруғ дунёга.

Сизни муборакбод этмақдин шодмен,
Ўзлингиз меҳри-ла кўнгли ободмен.

Нарварини қилгайсиз, навраста ниҳол
Ҳаёт гулшанида кўрмасин завол!».

Мамнунлик билдирди Бадмузамон;
Юзида қувончу кўнгида армон.

Маъсум Мўмин мирзо кўзида ақл,
Юрагида эса гунча бир фасл!

II

Шовқиндан бўғилар Ҳирот нафаси,
Бузилган, кечанинг соқин қафаси.

Қафасдан қутилган қўнлардек оқод
Ғариб эл шаҳарини эдилар обод.

Кўчалардан тошар одамлар сели,
Қайишар, сингудек кўчалар бели.

Елади: эшаклик, отлик, ишда;
Олди-сотдиси кам, дарди зиёда.

Тирикчилик эгиб қўйган бўйинини,
Юз мақомга солган тақдир уйини.

Боши қарахт бўлиб кезар бозорда,
Турмуш ташвинида жон озорда.

Нарх-наво осмонда, ерда — харидор,
Ҳайрондир: не қилса тебранар рўзгор.

Дерлар: ҳар қаллада — ҳар хаёл. Бу чин.
Ким тошар, ким тонмас бу хаёл учин.

Қорин оч — пон дейди, қорин тўқ — жонон,
Очга — дўзах, тўққа — жаннат бу жаҳон.

Зеб-зийнат растаси — Тоқи заргарон,
Осорн-отиқа дўқонига кон.

Икки кимса келар олдинма-кетин:
Бирини — жудур деҳқон, бирини — Мажиддин.

Деҳқон бу растада юрар аданиб,
Жавоҳир, олгиндан кўзи қаманиб.

Қидириб тополмас буз дўқонини,
Пайнаслаб қўяди лек ҳамёнини.

Мажиддиннинг эса димоғи баланд,
Гердаяр, Ҳиротнинг эгаси монанд.

Ундан ҳайиқади Боғи Мўлиён,
Бозори Малику Ҳавзи Моҳиён.

Йирқич панжасидек ўтқир чапгали,
Ким тушса домига — яқин ажални.

У — шермас, шер билан қила кўрмас жанг,
У — қашқир, солади қўй бўғзига чапг.

Шер қонига бошини эгса-да қашқир,
Йўғида, оғзидан қўланса анқир.

Ўзидан баланднинг итин сиз деяр,
Ўзидан паст бўлса — ерга киргизар.

Шунақа — Мажиддин ҳаёт қонуни,
Девонда дейишар сувилон уни!

Босайми-босмайми дебон қадамини,
Кибру ҳаво билан елар атайини.

Дўқондорлар чўчиб қилар тавқоъ,
Дейишар: у рози — султон ҳам рози.

Бир дўқонга кирди мисоли тождор,
Юзида ясама табассум, виқор.

Кўзи ёниб кетди зеби-зийнатдан:
Боши кўкка етди сохта ҳурматдан.

Сийму зар устида ётган аждаҳо
Сингари қўзғолди тожир Мирсафо.

Мажиддин билан у яқин, қадрдон,
Печа бор мушкилини айлаган осон.

Унга ҳомий бўлиб парвоначи ҳам,
Давлатнинг мулкидан юқитган кам-кам.

Қармак икки қўлда чикқандир, демак,
У бунга, бу унга муҳтождир, бешмак.

Қуюқ кўриндилар: хурсанд Мирсафо,
Мажиддин кўзлари уйнайди бежо,

Тожир ажабланди, сездирмади лек,
Оромида сўрди: «Ҳолингиз нечиқ?»

«Кайфим аъло» деб, у, чўқди курсига,
Мақсадин оҳишта деди дўстига:

«Суюкли бегимни қилгали хурсанд,
Бир туҳфа топингни, бўлсин бемонанд».

Мирсафо илжайди, қўзғолиб чаққон
Нояб узукларини кўрсатди шодон:

«Мана бу Арабдин, буниси Чиндин,
Буниси Ажамдин, буниси Ҳиндин.

Ёқса, сайлаб олинг, сизда ихтиёр,
Хурсанд бўлсалар, бас, улуғ шаҳриёр».

Парвоначи шошиб қолди — бериб тан,
Узуклар кўзида соф дурри адан¹,

Дурри шоҳвор² ёнар лақча чўғсимон;
«Бегим паноҳ булур айласа инъом!»

Ҳотамтойлик қилди Мирсафо тожир,
Гарчи йиртқич эди мисоли гоҗир:

«Султонга дом булар бу узуклари,
Маждиддин кўзини чўқийди ҳали».

Мирсафо тариқдек сочмас зарини,
Қароғдек асрайди дур-гавҳарини.

Жонидан кечса-да, кечмас мулкидан,
Бошидан кечса-да, кечмас буркидан.

Қорун³ деб бекорга олмаган унвон,
Отнинг қашқасидек танир Хуросон.

Карвони бормаган мамлакат йўқдур,
Эшигин очмаган салтанат йўқдур.

Тилло узукларни уриб ҳамёнга,
Маждиддин ошиғич елди девонга.

Бармогини тишлаб қолди Мирсафо,
Улжасин йўқотган мисли аждаҳо.

Намозгар кўнганда «Боғи зогон»га,
Парвоначи кўнгли тушди тугёнга.

Ивирсиб юрди-да бир оз девонда,
Ҳеч ким кўринмагач боғи майдонда,

Дарахтзор ичига узини урди,
Йўлакда боғбоннинг қорасин кўрди.

Узин четга олди тулкидек писиб,
Бўтазордан ўтди думини қисиб.

Хадича бегимнинг қасрин мулжаллаб,
Хавотир ичида елди жадаллаб.

Давлатбахтни кўргач уй остонида,
Шодлик туйғулари жўшди қонида.

Канизак ноз ила табассум қилди,
Маждиддин тавозеъ ила тикилди.

Инжудек сочилди қизнинг сузалари:
«Жанобимга муштоқ бегим кўзалари».

«Ташаккур, гулойим!» — Парвоначи шод, —
Сиз туфайли бегим мени қилмиш ёд.

Буни сиз билурсиз ва билур фақир,
Гап қолсин ўртада — маҳфий бўлсин сир».

«Намунча, жанобим!» — қулди канизак, —
Чўчиманг, ярангиз олмагай газак.

Қарганинг кўзини чўқимас қарга,
Сезсалар, иккимиз этгай бадарга».

«Офарин, Давлатбахт!» — деди, эриб у,
Оламтоб ҳуснидан жонида гулу.

Ичкари кирдилар, Маждиддин бежо,
Оч назарин ташлаб, қилди шўх имо.

Давлатбахт қув боқиб, қилди карашма,
Кўнгли парвоначи меҳрига ташна.

Домидан чиқармай ҳуркак оҳуни,
Маждиддин шод қилмоқ истади уни.

Қулоғи остида шивирлаб пинҳон,
Деди, ҳирси тошиб: «Қўтгайсиз, жонон».

Канизак нозланди, шўх имо қилиб,
Парвоначи эса эргашди, қулиб.

Хонага кирдилар даҳлиздан ўтиб,
Давлатбахт сўзини ичига ютиб,

Нақшинкор эшикка қилди ишора,
Шўх қайтди изига, йўқ узга чора.

Маждиддин, тузатиб у ёқ-бу ёғин,
Мақсад остонига қўйди оёғин.

Танин титроқ босди, журъати қочди,
Оҳиста, ҳайиқиб эшикни очди.

Ичкарига кирди оёқ учида,
«Бегим дарди не?» деб, уйлар ичида.

Шоҳи тўшак узра мисли бути чин¹ —
Бегим муштоқ эди, уйнаб соч учин.

У эди Ҳиротда қизлар дилқори,
Энди эса шоҳнинг суюкли ёри.

Ғамзасига мафтун бўлиб Ҳусайн,
Домига илинди кун ўтган сайин.

Унинг макри билан қўйди Бекани²,
Бошига кўтарди нозли эркани.

Девдек ўғил туғиб бериб султонга,
Малика деб билди узин жаҳонга.

Атрофида қирқ қиз парвона унинг
Ва лекин Давлатбахт — юзи узра менг.

Маҳди улғ бўлиб Хадича бегим,
Подшоҳга ургатиб, турмас эди жим.

Салтанат ишига суқар эди бош,
Ҳарамга нисбатан эди бағри тош,

Ҳайиқиб турарди ундан амирлар,
Давлатнинг аркони бўлмиш кабирлар.

¹ Дурри адан — энг тоза инжу.

² Дурри шоҳвор — йирик, энг аъло дур.

³ Қорун — Бениҳоят бойликка эга булган кишининг исми (адабиётда зўр бойликдан киноя тариқасида ишлатилади).

¹ Бути чин — Хитой гузали.

² Бека — Султон Ҳусайннинг биринчи хотини, Бадиуззамоннинг онаси.

Парвоначи таъзим билан эгилди,
Тамагир илжайиб табассум қилди.

Рухсат тилади-да, чўқди омонат,
Ер оғтидан боқди унга: аломат!

Кўзларини олди безак, пардозни,
Қалбида гулгула қўзғатди нозни.

«Саодатли бегим, сиҳатмилар?» — деб:
Хол сўрди, инакдек мулоийм бўлиб.

Бегим шод, тапгрига шукрлар қилди,
Мақсад кўзи билан сирли тикилди.

Давлат ишларининг билгичи мисол,
Мамлакат аҳволини сўради алҳол.

Девону хаазина, улусу закот
Хўсузда анча олди маълумот.

Сўнг малика аёл мақсадга утди,
Парвоначининг жон ишини тутди:

«Фарзанди иқболни ўйлар ҳар она,
Умид чироғига жони парвона.

Улуғ мирзо бахти тайини — валийаҳд,
Ота тахти билан хаёлидир банд.

Ўғай оға бўлмас инисига дўст,
Гарчи муомала қилса-да дуруст.

Ўшириш эрса-да Музаффар мирзо,
Не ажаб, тож киймоқ қилса муддо.

У — кўзин қораси, тўнғич фарзандим,
Умидим таянчи, азиз дилбандим».

Мажиддин, бегимнинг сездни раъйини,
Қадаҳга тўлдирди мақсад майини:

«Маликам орқуси лойиқ таҳсинга,
Хуш ишт ижросини тошириш менга.

Музаффар мирзодек оқил шаҳзода,
Конкнйди, тож кийиб, сикқорса бода».

Маҳди ула! деди қилиб истиғно:
«Орзуга айб йўқ, йўқдур интиҳо.

Шоҳнинг фарзандига юрт ила синоҳ,
Дарвеш фарзандига масжид, хонакоҳ.

Жанобим бўлсалар анга раҳнамо,
Саройда қадрини этгай муалло».

Парвоначи хурсанд, тондим деб паноҳ,
Илжайиб сўзлади дардини дилхоҳ:

«Ғоят хўб ўйлабсиз, суюк маликам,
Шаҳзода жонига бўлгаймен малҳам.

Ҳазрат ихтиёрин қўйинг ўзимга,
Не десам, киради фақир сўзимга.

Ва лекин йўлимда турибди бир гов:
Бу — амир Навоий, юрак бермас дов.

Йна ўртада бор Баднўззамон,
Лек андин совутдим, дилгирдир султон».

Малика, Мажиддин ниятин билди,
Бир мақсад дағида кумакка келди.

Кўкенда жимирлар гавҳар шодаси,
Кўлида дур кўзли узук аълоси.

Парвоначи кўзин сехрлар ҳамон,
Ўртадаги девор қўлагансимон.

Бегим деди: «Ҳазрат кўнглини билгаймен.
Навоийни сиздин нари қилгаймен».

Мажиддин илжайиб қўллуқ қилди шод,
Ўғли хизматида бўлгай умрбод.

Хона шамъдан равшан, қоронғида бог,
Чоғир мажлисида султон кайфи чоғ.

Ғанимат дам эди, фурсат эди сөз,
Бегим ғамза қилар мисли шўх танноз.

Мажиддин кўнглини тарк этмас ҳадик,
Кўв боқса, қуяди хонумони лек.

Рухсат тилаб, аммо, қўзғалар чоғи,
Кифтидан қулади ҳайқини тоғи.

«Кўнлигини маъзур тутгайсиз» дебон,
Бебаҳо узукни айлади эҳсон.

Малика миннатдор ташаккур айтди,
Парвоначи хурсанд изига қайтди.

Енгил қадам босиб тушди зинадан,
Кўзлари излади: қайда гулбадан?

Қалдирғочдек учиб келди Давлатбахт,
Мажиддин — муғомбир, жилмайди хунвақт.

Қонда ҳислари қилиб аланга,
Чўнтағидан олиб бир сикқам танга,

Жаранглатиб сөчди кафтига унинг,
Тухфаси эди бу қўвончли кўннинг.

Билагидан тутиб қучмоқчи бўлди,
Аммо, қиз илкидан чиқиб, қутилди.

Шўх кулиб, отилди ташқарига у,
Қоронғи бог ичра йўқолди оху.

Мажиддин ҳам боққа ўзини урди,
Қанқирдек ўлжасини қўвляб, югурди.

III

Сўлим кўшк, кўмилиши сарвистон аро,
Не кўшк, олиймақом бу меҳмонсаро.

Қўркига зийнатдир нақши монавий¹,
Илҳом маскани, дер, уни Навоий.

¹ Монавий — мошйча, машҳур расом, наққон, мошй қилганидек.

Меҳмонсаро обод — мусоҳиблар жамъ,
Юракларда Инжил ишқи мужассам.

Навоний мақсуди кўрсатиб жамол,
Унга ваъда этар ёрқин истиқбол.

Лойиҳага тиккан барча диққатин,
Муҳокама қилар меъмор хилқатин.

Кўҳакний — Самарқанд элида номдор,
Навоний меҳрига булган сазовор.

Шоир тақлиф этмиш Хиротга уни,
Намоённи қилинмиш ижод якуни.

Илкида ўйнайди қора қон қалам,
Теран ақли билан фикрдош қалам.

Меҳмонлар фикрига у бўлиб дилхоҳ,
Лойиҳа сиридан этади огоҳ.

Бугун нуқта қўяр улугвор ишга,
Кошки, насиб бўлса, меъмор олқишга.

Мирсодиқ дурадгор шоғирди билан
Ажиб лойиҳани кўргани келган.

Ҳамон ёдларида жомиъ майдони,
Навонийдан хурсанд улус уммони.

Муҳаммад Ҳиравий — моҳир дурадгор,
Кўҳакний кашфидин шод ва бахтиёр.

Феъл қизиқ унинг, кўнгли эса танг;
Қаттиққўл, сержаҳл, ўжар ва тажанг.

Навонийга баланд ҳурмати азал,
Мурувват қасрига бағишлар сайқал.

Севимли фарзанди унинг Биноий
Биноийга устод каби Навоний.

Қон билан ўғлига ўтмиш хислати,
Хиротга сипшиган унинг хизмати.

Ота, била қурди не кўркам бино,
Ўғлини тахаллуси касбига имо.

Муҳандис Сайфулло ўйнаб чизгичини,
Бағрига сийдириб завқу севиничини.

Қузатар ақли дил мулоқотини,
Тутолмас едирим хаёли отини.

Қўзлари чақнаган, кинриги узун,
Тутан қонлар аро ўйлари тугун.

Гарчи ёш, кенг қамров салоҳияти,
Навоний сингари олий ияти.

Тутиб ер томирин, билар ҳолатин,
Е ўқир кўзидан унинг одатин.

Тарҳи рақам¹ қилди жўйи Инжилни,
Оби ҳаёт билан сийлаб ер, элини.

¹ Тарҳи рақам — лойиҳасини чизмоқ.

Маслаҳаттўй бўлиб Кўҳакнийга ҳам
Истаган оннда кўрсатди ёрдам.

Мирак Наққош эса хаёлга чўмган,
Боши билан гўё ўйга кўмилган.

Тасаввур ойнаси кўрсатур яққол,
Бинолар нечоғлик, кўркам, баркамол.

Беҳзод — ёш, ҳавас-ла боқар чизгига,
Не чизги, келажак кулган кўзгига.

Лол бўлиб, безакни ўйлар мусаввир,
Кошки, маъмур бўлса у чизган тасвир.

Йирик кўзларида ақл чироғи,
Нозик хаёлида илҳом чақмоғи!

Ўмирлик наҳрида тўли уриб сузар,
Муўқалам соҳиби шўх Шоҳ Музаффар.

Назокат гулзори ичра кезар у,
Хаёли парисини гулга безар у.

Ҳайратда Кўҳакний кашфидан тамом,
Ғаройиб лойиҳа кўнглини этган ром.

Даврада Давлатишоҳ Самарқандий ҳам,
Навоний назари тунган, муқаррам.

Беҳзод билан қурдош навқирон олим,
Ардашер илкида олғандир таълим.

Нодир воқеалар гувоҳи бўлиб,
Балки, таърих битар, қувончга тўлиб.

Навоний юзиди поэтик табассум,
Шодликдан чақнайди кўзиди мардум.

Назардан ўтказар лойиҳаларини,
Бинолар акс этган саҳифаларини.

Диққат илғоҳини ўқдек қадаб гоҳ,
Оғир хаёли суриб қолади ногоҳ.

Кўҳакний ижоди улус синода,
Тафаккур фарзанди гўё сийловда.

Шу найт таширф этди Махдуми Нуран,
Хурсанд қарини олди ақли анжуман.

Ардашер ҳам кирди Жомий изидан,
Табассум ёғилиб нурли юзидан.

Дўсту ёр самимий сурандилар ҳол,
Шуъла сочди гўё бошлардан нўбол.

Ҳайкал каби қотди Жомий ҳайратдан,
Шодон ўйга ботди жонли суратдан.

Беназир санъатдан Ардашер ҳайрон,
Қўзлар — томонда, забонлар¹ биёрон.

Янги меҳмонларда жамоат кўзи,
Шоирга қадрли устозлар сўзи.

¹ Забон — тил.

Жомий Навоийга юзланди шу тоб:
«Бу лойиҳа кимнинг қанғидур, жаноб?»

Қоғозда муъжизот бунёд айламини,
Ҳайрат боғичи ақл кўзин бойламини?»

Қани ул, қули гул соҳиб истеъдод?
Фақир қилмоқ истар анинг кўнглини шод».

Навоий юзланди Қўҳакий сари,
Тилидан сочилди олқиш гавҳари:

«Маҳдум ҳазратлари, қилсам кашфи роз¹,
Бу, жаноб Қўҳакий илмидан оғоз.

Жанобим Самарқанд элида донгдор,
Шуҳрати Машриққа ёйилган меъмор».

Қўҳакий ийманди — қизариб кетди,
Маҳдуми Нуранга шод таъзим этди:

«Дилситон назмингиз булиб мафтунни,
Сизни кўрмак эди кўнгли матлуби.

Тангрига шукрим, мурродга етдим,
Не бахтдур, табаррук илқингиз тутдим.

Яна олқиш олиб табаррук зотдан,
Бошим кўнни ўнди зур саодатдин.

Ташаккур гулини узатиб шодмен,
Меҳр уйин сизга тузатиб шодмен.

Вале ҳазратимда бўлса не фикр,
Боқмай дил раъйига, этсалар зикр.

Фақир ислоҳ этур, берсалар нажот,
Доно танбиҳи ҳам юксак мукофот».

Маҳдум меҳр билан қилди дуолар,
Қўҳакий қалбида ўтли нидолар.

Жомий фикрат қуши учсин деб юксак,
Меъморга Ардашер билдирди тилак:

«Амирдин эшитиб жанобим номин,
Ғойибдан узатдим эҳтиром жомин.

Не бахтки, Ҳирийда куришдик дийдор,
Муъжиза яратиб қўйибсиз, меъмор.

Фақирнинг истаги: боғистон аро
Наҳрлар мавж уриб, бахш этса сафо.

Яна иморатлар саҳни бўлса соз,
Гумбазлар тоқда кулса нақши хос».

Анжуман аҳлидан булиб миннатдор,
Меъморга юзланди шу он дурадгор:

«Жанобим, сиз билан тенгқур эканмиз,
Вале гул бўлмайди, дерлар, тикансиз.

Сиз меъмор булибсиз, фақир дурадгор,
Эт билан тирноқдек жони баробар.

¹ Кашфи роз — сир очин.

Тақсир қоғоз узра чекмиш иморат,
Фақир замин узра тикмиш иморат.

Аммо, тилига чиқмас бўлмаса дилда,
Сиз — дилсиз, мен — тилмен, икковлон элда.

Муҳандис сўзига қилиб риоя,
Иморат қўргаймиз билонихоҳ.

Лойиҳа ойнадур, ойнада киши,
Ўз аксини кўрмак эрур танишини.

Бу ажиб бинолар тиклагунича қад,
Жанобим танишини бўлғайдур беҳад».

Донолар фикридан узмайди нигоҳ:
Музаффар, Миржалол, Беҳзод, Давлатшоҳ.

Дони териб олар, қолар сомони,
Фикрат уфқин безар ҳикмат хирмони.

Истеъдод кўзига боқишса-да тик,
Лойиҳа сеҳридан бошлари эгик.

Ёшлар гарчи чақмоқ, чақнамас, аммо,
Устозлар ҳурматин келтириб бажо.

«Сабр — таги олтин» ҳикмати — шпор,
Сабрсиз кимсалар қумушга ҳам зор.

Навоий Жомийга қилди такаллум;
«Йигитлар фикрини эшитсак, маҳдум?»

«Маъқул» дея Жомий тебратдилар бош,
Саодат булсин деб уларга йулдош.

Ёшлар бир-бирига қарашди ҳайрон,
Юраклар дов бермай, босди ҳаяжон.

Беҳзод тетикланди, жамълади фикрин,
Мирак наққош хурсанд солди кўз қирин.

У сўзлади оғир ҳаёлга чўмиб:
«Мундоқ уйлаб боқсам, кўзимни юмиб,

Истиқболни кўрмиш меъмор нигоҳи,
Тарҳи ажаб бўлмиш кишвар паноҳи.

Юксак иқтидорнинг нишонаси бу,
Хайрли мақсуднинг қошонаси бу.

Анинг ижросига белни боғлармен,
Тасвири олийга ўзни чоғлармен».

Давлатшоҳ қимтиниб, босиб салобат,
Эҳтироси қайнаб деди аломат:

«Муҳтарам жаноблар, бу нодир айём,
Келажак субҳидин узатмақда жом.

Инжилни сайр этиб ошди ҳайратим,
Халқ ишини куриб тошди ғайратим.

Рубега чиқарсак тарҳи ажабни,
Самодин узгаймиз гуё кавкабни.

Инжилга кўрк берса мазкур бинолар,
Мурувват эшигин очгай дунёлар.

Солномага фақир этгаймен рақам:
Янги тарих қўйди Ҳирийга қадам!

Инжил маскан бўлмай аҳли шарифга,
Олам асрорини очмай зарифга.

«Офарин, Давлатшоҳ! — алқади Жомий, —
Бу тарҳи ажабга Навоий ҳомий.

«Бинойи хайрият» тикласа қомат,
Улус зиёратни айламай одат».

Навоий қувонди: «Қуллуқ, жаноблар!
Қўшқини обод этмиш ўгли хитоблар.

Самарқандда таҳсил олган чоғимда,
Бир гулни ўстирдим умид боғимда.

Соҳибқирон каби қурсам иморат,
Улус қилсин дедим ани зиёрат.

Улкан мақсад сари бу илк қадамдур,
Боғ ичра ёқилган дастлабки шамъдур.

Ҳирируд сувлари оқса Инжилга,
«Бинойи хайрият» қургаймен элга.

Мадраса, хонақоҳ, доруи-шифодин,
Работу масжиду боғи сафодин

Жаннатга айланмай Инжил соҳили,
Умридин шод бўлмай Хуросон эли!

Халойиқ бошига чаққайдур офтоб,
Қўзи ҳарф танимай, ўқимай китоб.

Давосиз дардига топгайдур даво,
Боғларда тингламай қўшиқ ва наво.

Халқнинг хизматидин йўқдур улут иш,
Жоннинг роҳатидур бу ажиб ташвиш.

Шу вазҳдин тиладим аҳли улугни,
Инжил пештоқиға қадангиз туғни.

Усталар, белингиз боғлангиз маҳкам,
Улус бўлмай сизга ҳамқору ҳамдам.

Давлатшоҳ қилгандек олий муддао:
Тарих йўқдин бино бўлмамай асло.

Тарихни азалдин яратмишдур халқ
Ва анинг торини янграшдур халқ.

Тарих ижодкори бўлмоқ нодир бахт,
Бу бахтни илқиди тутиб турар вақт.

Вақт зоеъ кетса гар бахт кетар зоеъ,
Бахт зоеъ кетмасин — инсон чиройи.

Бахтни ёрлақабди бизга замона,
Қадрига етса не аҳли фарзона.

Бир қарра келаркан дунёга инсон,
Не тонг, ҳаёт боғин қилса гулистон!»

Жамоат кўзида ҳавас шуъласи,
Қалбларни қувнатди Инжил муждаси.

Жомий деди мамун: «Дарвоқеъ, янги
Тарихнинг қулоққа келмиш оҳанги.

Тарихда инсоннинг ўрни улуғдур,
Инсон билан олам боғи қутлуғдур.

Не ажаб, бу ишга шоир урса даст,
Эл бахтини ўйлаб жон этса пайваст!

«Бинойи хайр»га халқимиз муҳтож,
Ҳазрати султон ҳам кўрсатмай минҳож.

Умр ғаниматдур, ўтмасин зоеъ,
Конки, халқ бахтига бўлсақ фидойи!»

IV

Умр — дарё. Дарё узра аломат
Бир кўприк қурилмиш, турар омонат.

Арсат кўприги ўстида султон:
Икки қирғоқ аро турар девсимон.

Эгулик, адолат қирғоғи бири,
Ўвулик, адоват қирғоғи бири.

Бири — оби ҳаёт, жаннатдир боғи,
Бири — захрул ҳаёт, дўзах кучоғи.

Иймону виждону диннат бири,
Бўхтону фитнаю хиёнат бири.

Бири — кун, ёруғлик сийлови унинг,
Бири — тун, зулматдир гўркови унинг.

Қулгию хурсандлик, саодат бири,
Йиғию мотаму ҳалокат бири.

Икки кўзи боқар икки қирғоққа,
Икки қўли чўзар у икки ёққа.

Икки қирғоқ аро икки оёғи,
Халқ бошида эса зулм таёғи.

Оёғин узолмас бирор қирғоқдан,
Қўзлари умидвор ҳар икки ёқдан.

Кўнга боқса — тортар қоронғига тун,
Тўнга боқса — бошлар ёруғликка кун.

На кундан воз кечар, на кечар тундан,
Нажот олиб яшар тун ила кундан.

Ҳаёти кун ила тундан иборат:
Арсат кўприги узра омонат.

Навоий кун эрур — элга раҳнамо,
Маждиддин тун эрур — нурга зор сиймо.

Раҳнамо бўлса халқ бошида офтоб,
Нурга зор сиймодан халқ чекар азоб.

Улусга руҳ берса Навоий номи,
Уни қақшатади Маждиддин доми.

Ҳаёт — дор. Дор узра кутариб лангар,
Дорбоздек юрибди султон соҳибфар¹.

Халойиқ дорбозни қилур томоша:
Бири боғ, бири тоғ, бири қир оша.

Дор остида эса қанча сувилон,
Ҳилланглар: бошимда бўлинг деб омон.

Адолат лангарин йўқотган сайин,
Дўстига «уқ» отди гуё Ҳусайн.

Хушомад майдан кетди узидан,
Нотавон дорбоздек чиқди изидан.

Чирмовиқдек ураб Маждиддин кам-кам,
Қўйнига илондек кирди муттаҳам.

У — ноиб, наинки парвоначидир.
Султон — шамъ, у эса парвонасидир.

У — шоҳнинг сояси, юрар ёнма-ён,
Ҳатто муҳрини ҳам қўяр ёнма-ён.

Ҳусайн унингсиз қўймас бир қадам,
У сарой ишончин қозонган, маҳрам.

Ўагалар подшоҳга яқин келолмас,
Қўнглида не кечар, афсус, билолмас.

Ким яқин йўласа, хуш кўрса султон,
Оёғидан олар — итдек қопагон.

Ҳатто, вазирларнинг дарди ичида:
Маждиддин кўрсатар оёқ учиди.

Хожа Афзал кезар тошиб фиғони.
Қайнаса, қўшилмас у билан қони.

Гарчи Низомулмулк нозик фасоҳат,
Бош эгиб, қилолмас бирга мулоқот.

Сухайлий дош бермас бир чўқинига,
Ёки бош қўшолмас қабиҳ ишига.

Говлаб кетди унинг кибр дарахти,
Не кибр, оғули макр дарахти.

Макр мевасидан баҳраманд султон,
Фитналар горида яшар девсимон.

Давлат хазинаси — аждаҳо коми.
Аждаҳо комида мулкнинг авоми.

Хазина ғамида қолган ҳукмдор,
Унинг йўриғидан чиқмайди зинҳор.

У эса хожасин турар киш-кишлаб,
Не тонса, келтирар тинида тинслаб.

Хазинаи пойлар мисли аждаҳо,
Девонда ўзини тутуди якто.

Шу важдин, саройда тинмас мोजаро,
Рақобат кучайган вазирлар аро.

¹ Соҳибфар — иззатли.

Гарчанд бир-бирига кўринса-да дўст,
Мансаб талашурлар — бўлмас мағзу пўст.

Хожа Афзал билан Сухайлий лекин,
Инсоф, адолатда ҳамдард, ҳамнишин.

Пичоқ келиб устихонга қадалди,
Икки вазир бир хонага қамалди.

Бир қозонда қайнамас, дер икки бош:
Қайнар экан, ёғса агар бошга тош.

Низомулмулк, Хожа Афзал тил топди,
Ҳамдам бўлиб, бир майдонда от чопди.

Чора излар Маждиддинга нисбатан,
Дил қулфини очди улар дафъатан:

Низомулмулк деди: «Анинг айби қўп,
У султон кўзига зимдан тикир чўп.

Қағиллашдин тинмас бу қора қарга:
Амирни¹ девондин этди бадарга.

Музаффар барлосни заҳарлаган шу,
Ардашер тагига, ахир, қўйди сув.

Кабирлардин султон қўнглин совутди,
Фитнаю адоват йўлини тутди.

Навбат келди сизга ёки фақирга,
Тан бермоқ пайтмас эмди тақдирга».

Хожа Афзал деди: «Не қилмак даркор?
Ани биздин хуброқ кўрур шаҳриёр.

У шоҳнинг ўнг қули — кесмақдур мушкул,
Биз билмас сирлардин хабардордир ул.

Яна эътимодли ноибни бу дам,
Ани қадрлайди сизу биздин ҳам.

Ёмон отлиқ бўлмай десангиз, тақсир,
Пухта ўйлаб олиб, кўрилса тадбир.

Жаноб Сухайлий ҳам қўшса агар бош,
Бақамти, айбини қилур эдик фош».

Низомулмулк ҳадик назарин солди,
Сухайлийдан чўчиб, ўйланиб қолди:

«Аларнинг нозикдур муомаласи,
Чиқмаса дегандим гапимиз саси».

Хожа Афзал кулди: «Тортманг хавотир,
Ичидан ишиган у, ошкор бўлмас сир.

Анинг ҳам ҳалқумга тикилимин жони,
Понқўр баидамас у, бутун иймони».

Низомулмулк тикди ризалик кўзин,
Эҳтиёт юзидан деди лек сўзин:

«Қўнгли юмшоқ киши Сухайлий, бироқ,
Бош қўшса, бўлурди бизга яхшироқ».

¹ Амирни — Навоийни.

Куп утмай, хонага Суҳайлий кирди,
Суҳбатни бўлмасдан сокин ултирди.

Хожа Афзал очди мақсад қутисин,
Кўнглини билгани илҳом мутъисин.

У эса кўзига ишонмай боқди,
Алами учқунлаб, бирдан тутоқди:

«Рухим синиқ, ишга бормаиди қўлим,
Ҳеч нарса кўринмас — қоронғи йўлим.

Хожа Мажиддиннинг зардаси қайнаб,
Бошимда уккидек турдилар сайраб.

Навойи ҳаддидан ошмасин дебон,
Огоҳ этган бўлди мени беғумон.

Девондин кетса-да, юрмас эмиш тинч,
Халқни ўз ҳолига қўймас эмиш ҳеч.

Деди: олий ҳазрат тинчин бузмасин,
Алою айласин назмий тизмасин.

Бу, шоир шаънига тўқилган бўҳтон,
Не фикр қилмайди эшитса султон».

Хожа Афзал деди нафрати кўзиб:
«Султону амирлар орасин бузиб,

Кун сайин бўлмоқда саройга устун,
Домига тушган жон қисмати забун.

Олди олинмаса бўлмай деб ёмон,
Кулай бир фурсатда топдим-да имкон,

Фақир хазинани қилдирдим тафтиш,
Натijasи солди кўнглимга ташвиш.

Элдин тушмиш солиқ бир ҳиссаси кам,
Сичқон еган мулкнинг даромадин ҳам.

Хожа Хатиб эса яна иззатда,
Яна молияда масъул хизматда.

Базми жамшид тузиб, безаб ҳарамин,
Не султон, Мажиддин еяр ўз гамин!

Маълумингиз бўлсин, уша каламуш —
Унинг ўзи... мана, сизга маргимуш!

Ўзни дадил тутинг, ҳайиқманг асло,
Мажиддинга тайёр зур айбнома».

Вазирлар жонланди, қадди тикланди,
Низомулмулк тетик, кўзи ўқланди:

«Жанобим, дафтарни қилинг эҳтиёт,
Назарин солмасин бирор кўзи ёт.

Султон ҳазратлари топсалар хабар,
Ҳолига маймуллар йиғлар, алҳазар!

Муртад Хожа Ўсмаат бир ҳамтабоғи,
Салтанат кўз бўлса, улдир қабоғи,

Яна Саҳобиддин — қозию калон,
Мажиддин деганда жонидир қурбон.

Қашқирбекни олинг — бир сурбет, муртад,
Айгоқчиси бўлиб қидирар омад.

Ким нима ҳақида сузалар девонда,
Анинг қулогига етгай бир онда.

Подшоҳни қуршаган каззоб, гумроҳлар;
У билмас — йўлида қазилган чоҳлар.

Журъат пайдо бўлди Суҳайлийда ҳам,
Гаплари бир жойдан чиқмоқда — маҳкам:

«Мажиддин мансабин от қилиб минди,
Ани ким туширгай эгардин эмди.

Ҳар сузида этур давлатни пешна,
Халқ эса султонни қилур андиша.

Ҳеч ердин чиқмайди куруқ қўл билан,
Уликка дуч келса, айлар бекафан.

Аҳли тожир билан алоқаси зур,
Салтанат номидин қабиҳ иш курур.

«Тухфв» олиб турар аҳли миллатдин,
Илкани тиймайди ҳамон ришватдин¹.

Копки, каламушдек тушса қопқонга,
Сузимиз кор қилса улўғ султонга».

Мақсадлар муштарак бўлди бир онда:
«Мажиддин ё улар тургай девонда».

Мақсад ипин боғлашди — ҳеч узилмас,
Аҳд қилишди — умид уйи бузилмас.

Тахтнингинга кириб борди учавлон,
Султон кўриб, аммо, бўлмади ҳайрон.

Русумга биноан қилдилар таъзим,
Бор гапни айтмоқни кўрдилар лозим.

Султон: «Не хизмат?» деб тикилди синчков,
Вазирлар қимтиниб, кўнгли бермай дов,

Бир-бирига сергак қараб олдилар,
Юракда борини тўкиб солдилар.

Султон боши қотди: огир вазият;
Вазирлар озулда, лекин покният.

Кечикди: қолипдан кўчган эди гишт,
Қурт тушган устунга тўтолмагай кифт.

Деди, Мажиддинга ён босиб, аммо:
«Хуб ўлгай, учавлон кўтармай гавго,

Бирингиз десангиз асл мақсудни,
Босган бўлурдингиз тарқалмай дудни».

Хожа Афзал деди: «Тутгайлар маъзур,
Вазорат² ушбуни кўрдилар манзур».

Тафтиш дафтарини тутди султонга:
«Тилимиз ожиздур, ҳазрат, бўҳтонга».

¹ Ришват — пора.

² Вазорат — вазирлик.

Низомудумлик поэтик ташлади қармоқ:
«Хўб ўлмас тулкини домдин чиқармоқ.

Яна эл мурғига¹ келтирғай қирол,
Тухум жўжа очмай, тозилса имкон...»

Ғанин илб кетди бийрон Сухайлий:
«Девон поссойиш анинг туфайли.

Бурини тиқмаган бирор тешик йўқ,
Пойлоқчи қўймаган хона, эшик йўқ.

Аҳли девон андин зада, аламнок,
Хизматдин қочади, кўнглин этган чок.

Арзга келганларин қилур қотагон,
Салтанатдин кўнглин совуб, олюмон —

Норизо кезадур, улуг султоним,
Кўнглумга сизмай, дур, нетай, туйғим».

Подшоҳ ўзин божди — тилсиз фиғони,
Можаро комида қолмиш девони.

Бир ёқлик қилмаса ихтилофдин гар,
Истеъфо шартини қўймиш вазирлар.

Қути учди, кўриб тафтин дафтарин,
Ўз понби зимдон санчмин ханжарин.

Кўймасин, деди-да, сиз ҳам, кабоб ҳам,
Арсат фикрини кўрди сўнг баҳам:

«Жаноби вазирлар, хурсандмен сиздин,
Салтанат олдида хизматингиздин.

Бел боғлаб, қилинғиз хизматин адо,
Ёр бўлғай, сизларга олий муддао.

Арзинғиз қолмағай нибатениз ҳеч,
Афсуслар, очилди фақир кўзим кеч.

Талон-тороғ этга ким давлат мулкин,
Девон хизматидин ювғай, дур илқин.

Мажиддин олуси муносиб жазо,
Бундан сўнг бош суқмас девонга асло.

Токи мансабида қолғайми ё йўқ?
Салтанат дахлдор чиқарғай буйруқ».

Вазирлар миннатдор тилаб ижозат,
Тахттоқтин тарк этди тинчиб ниҳоят.

Султон қолди таиҳо — гарангдир боши,
Гаранг боши узра арсат тоши!

V

Саратон, Ёлгини нимариб қўйи
Дехқондек тер тўқар, қўтармасдан боши.

Тунининг барини қистирган белга,
Ҳашарга келгандек меҳнаткан элга.

¹ Мурғ — товуқ, парранда.

Қийиңча танитган манглайига у,
Юзидан дур бўлиб ёғилар инжу.

Катта тўйхонадай Инжил қучоғи,
Далада қизган бугдой уроғи.

Ўроқчилар билан азалдан иноқ,
Оқтоб қўлида ҳам ўйнайди уроқ.

Ғўе бутдой ўрар барча қатори,
У азалдан тирик жоннинг мадори.

Авом эса уни тутиб бошида,
Толмай бугдой ўрар ёз оташида.

Юки ерда қолмас мардумнинг асли,
Ризқини муҳайт этган ёз фасли.

Бир жону бир тан халқ чиққан далага,
Дуйёчин алинмас доқзарб наслга.

Ёшлиқнинг туфони денгиз буида,
Севғининг чақпаган юлдузи буида.

Тоғ бўлиб бўйи чўзар бугдой ғарамин,
Тезроқ ялчиб олин деҳқоннинг ғамин.

Бугдойзор бир ёни — чўнг Кўҳи сийёҳ,
Бир ёнида наҳри Инжил — оромтоҳ:

«Богин навда эса ниҳоллар қийғос,
Мурғак гўлак каби нурга ишқибоз.

Инжил ёқасида қатор тол, сада:
Алҳор нафасида — салқин шабада.

Инжил жамолга кўрк бўлиб беҳад
«Бинойи хайр»лар тикламоқда қад.

Ҳайт қўшиғининг оҳангидан маст,
Инжил истиқбол қалбига пайиваст.

Икки отлиқ тўхтар янги кўприкда:
Навоий — саманда, Жомий — тўриқда.

Наҳри Инжил суви зилол, лиммо-лим,
Соҳили жаннатдек ораста, сўлим.

Саман отлиқ деди: «Инсон қўли — гул,
Яна бир намойиш этди ўзин ул.

«Сув — ҳайт» ҳикмати мағзини чақди,
Ижодкор илқинла чўлга гул тақди.

Бўстондир обғи етганки замин,
Обиҳайт ила бут қилди камин».

Тўриқ отлиқ деди тилақдон бўлиб:
«Қачон сув оққанди ариқда тўлиб?»

Ариқ қулоғида ётиб мироблар,
Азалі фуқарога берди азоблар.

Табиат тухфаси соғилди нулга,
Меҳнаткан бечора айланди қулга.

Фуқаро ер дебон жонини кечди,
Сув ўринга ғўе зардоблар ичди.

Мулдорда азалдин йуқ эди инсоф,
Инсоф уруғи йуқ, борсанг Кухиқоф!

Вале сиз топмишсиз замон йуригин,
Мулк аро сочмишсиз инсоф уругин.

Ани эл қалбидин доналаб териб,
Бахтиёрсиз, яна узига бериб.

Бу уруғлар, кошки, берсаю самар,
Улуснинг дилини этса мунаввар».

Саман отлиқ деди, боқиб мулойим:
«Орзулар юзага чиқсин, илойим.

Қорни туқнинг иши йуқдур оч билан,
Усти бутнинг эса яланғоч билан.

Рузгорин тебратмак — халойиқ гами,
Қозони қайнаса — йуқдур алами.

Борига шукр деб яшар фуқаро,
Оч қолса — оч қолур, қилмас можаро.

Тиз чўкмас бекларга ё заминдорга,
Боши осилса-да ноҳақдин дорга.

Орияти қаттиқ, иймони бутун,
Қадрин ерга урмас бурда нон учун».

Туриқ отлиқ деди — кўзи Инжилда:
«Гуноҳ йуқ сув каби покиза элда.

Халқда орияту иймон бор, аммо,
Бу дурри рахшондин хожаси жудо.

Анинг виждони йуқ, ҳамияти йуқ,
Қорни туқ, усти бут — азияти йуқ.

Мансаб отида у, рўзгори туқис,
Ўрмондин ўтса гар ҳайиқар туғиз:

Унутиб қуйганлар юрмакни яёв,
Ҳожатга борса ҳам тагида бедов.

Хардек миниб юрар хожаси ани,
Оёғига тушов зулм кишани.

Аммо, қачон тўлғай сабр косаси?
Қачон мева бергай халқ муддаоси?»

Саман отлиқ деди — ичида фиғон:
«Халқ — замин, бошида хожаси — осмон

Офтоб — ҳаёт, юзи доим мунаввар,
Нурини барчага сочар баробар.

Халқу беклар фарқи — ер билан осмон,
Ани тенг қилғали курашса инсон!

Тенг бўлса: шоҳ-гадо, бегу фуқаро:
Эркинлик шеърини битса шуаро».

Туриқ отлиқ деди — кўзлари ёнган:
«Хору зор бўлмагай халққа суянган.

Халқ ила гул ёзгай мақсуд дарахти,
Не гул, мевасин еб, очилгай бахти,

Алишербек, сиздин улус миннатдор,
Сизда Ҳиндикушдек азим ҳиммат бор.

Қанча аҳли жоҳни кўрмадим фақир,
Халойиқ хор эди — ер эса тақир.

Сиз авом дардига тутибон қўлоқ,
Ташналик даштда очдингиз бўлоқ.

Ҳам барпо қилдингиз ишонч боғини,
Шамъ каби ёқдингиз эрк маёғини.

Халқимиз дўстлигин рамзи — «Боғи нав»,
«Анинг пештоқда сиз тиккан ялов, —

Саодат даврига дебоча бўлсин,
Шухрати еру кук — дунёча бўлсин!»

Навойи, Жомийга айтиб раҳматлар,
Қалбида уйғонди янги рағбатлар.

Сунг эса елдилар бугдойзор сари,
Олтин бошоқлардан қувнаб кўзлари.

Улуғларни кўриб эл қолди шошиб,
Қалб қувончи чиқди юзига тошиб.

Беклар келса асли кўзлаб хирмонни,
Шоирлар сийлади келиб деҳқонни.

Фуқаро нолимай боқди хуш тилак,
Орзу келинига тақдилар безак:

«Кўзнинг қароғи, дер, халқ шуарони,
Шуаро йуқласа бахт фуқарони».

Самимий мулоқот этди отлиқлар,
Булоқдек қайнади қалба шодлиқлар.

Туриқ отлиқ деди: «силаб эл бошин,
Кафтда кўтарди замин наққошин.

Ким сочмиш заминга бир дона уруғ,
Анинг пойин упиб, ер қилмиш қуллуғ.

Ким ерни сийласа — ер сийлар ани,
Шодликка юз тутгай гариб маскани.

Ер севар меҳнатни, ҳам парваришни,
Раво кўрмас элга ҳеч саргаринни.

Қилган меҳнатингиз кетмабди зоёв,
Кўриб, хурсанд бўлмиш жаноб Навойи!

Барака тилаймен хирманингизга,
Ғам-ҳасрат губори қўнмасин сизга».

Барча қуллуқ қилди, Ботирдек алҳол
Навойига деди, юзи бўлиб ол:

«Халқ эса миннатдор олқайди сизни,
Юрак меҳри ила ёлдайди сизни.

Еру сув бердингиз, йуқса бу ерда
Ййраб, бугдой уриш эди қаерда?

Ариқ қазимаса эди, бахт кулиб,
Юрарди бекларга қарам, қул булиб.

Ҳамда еру сувдан қолиб бенасиб,
Ғадодек кезарди, халтасин осиб.

Бошимизда омон бўлиб ҳаминча,
Сиздек эгуликни этайлик пешна»

Меҳмонлар аном-ла қилиб хайрбод,
Иқўйи Инжил томон қайрилишиди шод.

Фурсатни бой бермай Ботирбек, аммо,
Павонийга деди қилиб тавалло:

«Шоир ҳазратлари, қилинган раҳм,
Севги савдосидан дилимда ваҳм.

Фақир қўнгул қўйини бир тарсо қизга,
Не тарсо, Ҳирийда энг барно қизга.

Зеро, сезиб қолса ота-онамиз,
Тавқеъ лаънат этгай — ўтда ёнамиз.

Муруват қилсангиз: «йўқ» демасалар,
Муҳаббат йўлига гов бўламасалар».

Ботирбекка тикиб хайрат кўзини,
Бир лаҳза унутди шоир ўзини:

Муслим билан тарсо — динлари ўзга,
Вале инқда дин ҳам кўринмас кўзга.

Ишқ — қўнгул танлайди, танламайди дин;
Ишқда дин йўқ деган ҳикмат, балки чин.

Мунгул масалани ечолмас шоир,
Буидоқ дарс кўрмаган севгига доир:

«Ота-оналарин қилган ризо,
Уруниб кўрғаймен, бўи келманг асло.

Сизанидек бўлса қиз аҳди маҳкам,
Муҳаббат дардига тошлагай малҳам».

Ботирбек қувонди — соябон зўр,
Кўксиди тоғ бўлиб юксалди гўрур.

Жомийнинг изидан шоир қўйди от,
Қунда бир савдога дуч қилар ҳайт.

V I

Даргоҳи ободдир Хोजа Ўсмагининг,
Балки, бу ўйини яна қисматининг.

Яратган чоғида табиат жонзот,
Феъланга яраша ўзи қўйган от.

Жонзотлар султони дебон одамни,
Инсон деб қўйгандир унга ҳам номни.

Аммо, инсон зоти ичра табиат
Илои ҳам яратмини чекиб азият.

У биллиб илонга бермаган ошқ
Ва қилган ҳайвонни фикратдан йироқ.

Яратмини: тулкино қанқир қоллоп,
Унутиб қўймасин ўзин деб инсон.

Қанқир боласидан чиқмайди қоллоп,
Е тулки бўлмайди қанқир ҳеч қачон.

Асалга ёв қилиб оғу яратган,
Шодликка гов қилиб қайғу яратган.

Ёмон билан яхши асло дўст бўлмас,
Дўст бўлган чоғда ҳам мағзу иўст бўлмас.

Бўлмайди кўз-қабоқ е эту тирноқ,
Тирноқ орасидан кир излар бироқ.

Яхшилар давраси ёмон учун ёт,
Ёмондан хайиқар вале яхши зот.

Ёмонни «дўзахи» деса эл агар,
Яхшини «жаннати» дебон қадрлар.

Минг мақомда чалиб инсон кўйини,
Тўзонга бурқарлар қисмат кўйини.

Даврон ўйинида масхарабозлар
Қўлида ўйнайди чилдирма, соғлар.

Маждиддин — раҳнамо «аҳли нағма»га,
Шумшук кўзларида заҳар, дағдага.

Мугомбир чертади «чилдирма»сини,
Бонқариб туради «соғлар» сасини.

Қайси «соз» чиқса тар йўл-йўригидан,
Қанқирдек тишлайди жон қўйруғидан.

Е торин узади — чиқмас овози,
Е мунгли овозда ширтанар сози.

Хोजа Хатиб ҳадеб «най»ни пуфлайди,
Яхшироқ чалай деб лабини жуфғилайди.

Икки кўзи тикиб чилдирмачига,
Кириб олсам, дейди, унинг ичига.

Сахобиддин қози қўлида «танбур»,
Овози чиқмасдан тингиллар базур.

У кўздан ишнинг яширган ари,
Ишнинг учиди гарез заҳари.

Қанқирбек «ғижжак»и тинг-тинг қилади,
Нохин гўё унинг бағри тилади.

Кўз соғқаси ўйнар «учар» соғқидек,
«Тўй» бўлса, у некаб тонар тоғқидек.

Тили бир, дили бир «бон уста» билан,
«Кўй» бўлиб «ғижжак»дан дарди тўкилан.

Қўнол гавдасини эгиб «чанг» ўзра,
Қовоқдек бошини кўтариб зўрга.

«Чанг» торини чертиб ноҳинчўи билан,
Хोजа Ўсмаг дилгир, қўнгли сишиққан.

Тортганга ўхшайди, султон, танобин,
Тағидан зил кетган Ҳирот миробин.

Обру дарахтининг томири лат еб,
Хожасин мағтайди соябоним деб.

Мажиддин — бош уста, демак, саромад,
Унинг ҳам қулидан лек чиқди омад:

«Танбур» нола қилди: «чанг» билан ҳамроз
Муסיқи боғида бўлса жамъи «соз».

Навойдин илкни узмаса ҳазрат,
Биз ғариб кимсадек чекурмиз ҳасрат.

Чора тонмоқ даркор — илож йўқ узга,
У дўстлик қилмайди, дунмандур бизга!

Ҳирӣда ўзини санар ҳукмрон,
Мен қози эмасман, у — қози калон!

Ҳоким дер ўзини подшоҳдин кейин,
Афрус, огоҳ эмас султон Ҳусайн.

Бу — бир айб! Иккинчи айби бор яна,
Султон билса, бизга қулгай галаба:

Кеча йўқлаб келиб Даҳо Ҳиравий,
Фақирга тутқазди ғалат рубоний.

Ўқиб, тепа сочим тик бўлиб кетди,
Бошимдин ярқ этиб бир фикр ўтди.

Навой султонини савабди роса,
Залим подшо дебон қилмиш хулоса.

Жаноб Маждиддинга ул кўтармиш қўл,
Кесмоқнинг пайтидур бу қўлни бутқул.

Хожамизга хизмат қилмаса қулдек,
Жаноблар, нечун биз дунёга келдик?»

Рубоний қўл келди «аҳли нағма»га,
Қочиб қутулмағай шоир Каъбага!

«Нижжак» гингилади: «Рост деди «танбур»,
У бизни кўрмайди саройга манзур.

На чора? У буюк ақл соҳиби,
Улғубек мирзодек нам фотиҳи!

Курашда енгади зўр зўрин, аммо,
Белланиб кўргаймиз бўлса-да, даҳо.

Суворий ҳайиқмас фарзин ё шоҳдин,
Таслим қилгунича ўтар не чоҳдин.

Фақирга келса-ку яккама-якка,
Тондек иргитардим ани фалакка.

Ва лекин кўрқамен ҳазрат султондин,
Тан жудо бўлмасин дегаймен жондин.

Иш кўзини билиб қўймасак қадам,
Қаърига тортади бизни жаҳаннам.

Мен кўприкман икки зўр хожам аро,
Дилни дилга боғлаб тургум ўзаро.

Аларга теккан тош тегар бизга ҳам,
Аммо, қилмайгаймиз бошимизни ҳам.

Ўлсак ҳам курашиб ўламиз жангда,
«Соз» бўлсак янграймиз бир хил оҳангда».

Ўтта ўзин тутиб, олди-да қизиб,
«Чилдирма» сайради хонани бузиб:

«Ўчимни олмасам улуг амирдин,
Бошимни кўтариб чиққум қабрдин!

Менга қасд қилганнинг боши булғай паст,
Ҳамонки, султонга фақир ҳамнафас».

«Аҳли нағма» таниш куйни машқ қилди:
Амир Навойга ҳасад, рашк қилди.

Бир макр ғорида қовушди боши,
Адоват, хусумат, фитна йўлдоши.

Маждиддин ёрилди: «Арқони давлат
Кўзини босганга ўхшайди ғафлат.

Навой ётлитгин билишмас ҳамон,
Кун келиб, ўзлари тўлайди тавон.

Дафъатан иланиб анинг домига,
Ем бўлиб қолмадим захар қонига.

Эмди боши оғиб тушса тузоққа,
Амирлик отида бормас узоққа.

Жаноблар, тоилди тадбири шоён,
Ёнғилиқча қолсин лек ёнғи қозон:

Сирли нома битсак улуг султонга,
Омонлик тиласак озурда жонга.

Навой айбларин айласак ошкор,
Исботсиз айбнома бўлғай бу анъор.

Ҳарамда бор, ахир, ичкиларимиз,
Аларнинг бўлғаймиз ичи каби биз.

Султонга етказсак йўлини қилиб,
Сўнг боғғай Навой қадами биллиб.

Мард бўлса, қани сўнг чиқсин майдонга,
Гани ўтармикни бирор нисонга.

Юксак уновондин қилинса маҳрум,
Ҳеч кимса қилмағай анга табасум.

Жомийдек янасин кетиб узлатта,
Бошини тиқмасин, аммо, хизматта».

«Аҳли нағма» хурсанд сўлиш олдилар,
Ҳукумат уйда гавго соддилар.

Қоғоз узра дилгир бошлар эгилди,
Кўмирдек диллардан қурум тўкилди.

Хожа Ўснат чекар имзосиз нома,
Фитнада ўзини санар аллома.

Маждиддин, бошида бўлиб раҳнамо,
Заҳарин сочади мисли аждаҳо.

VII

Кечки салқин тунди «Боғи зого»га,
Тан яйраб, жон кирди дорул-амонга.

Чоғир мажлисини қўсаган султон
Даҳлизда тўхтади — қўллари ҳайрон:

Оёғи остида сирли бир мактуб,
Остона хокини кўрибди марғуб.

Мажиддин ноқулай тутди ўзини,
Хатдан эса олиб қочди кўзини.

Султон сезиб, унга қилди нишора:
Эгилиб, номани олди, на чора?

Гардин қоқиб, пуфлаб, тавозеъ билан
Султонга узатди (омади келган).

Амир Мугул ўқдек нигоҳин тикди,
Парвоначи шошиб қолиб, энтикди.

Амир Шужоиддин боқди бепарво,
Тупигига чиқмас гар тошса дарё,

Хожа Ўснат, аммо, безанглаб қолди,
Ўзини бир қадам орқага олди.

Тумордек мактубга тикилди султон,
Ичини ёндирди ташвиш ва гумон.

Очиб, ўқимоққа тутинди, аммо
Кўз олди қоронғи бўлди шу асно.

Нафрат назарини қадади сўнгра,
Кўзи юриб кетди сатрлар узра.

Ғазаби қайнади, асаби тошди,
Титради: «Навой ҳақидан ошди».

Ўзини босдию, кирди ичкари,
Туқнашди: дўст билан дўшман кучлари.

Юраги айланди жанг майдонига,
Куксини тутди у ёв пайконига.

Адоват жаллоддек тигдор силкинди,
Адолат бошида шамширлар синди.

Қалб наҳрин қоплади хусумат музи,
Дўст меҳр булогин ёпилди кўзи.

Умид кўкин босди гожиру зоғлар,
Қонланди тумшугу ўткир тирноғлар.

Аммо, боши қотди: «ким ёзди?» дебон.
Номада имзодан йўқ эди нишон.

Кимни гумон қилди — узига маълум,
Юзига ёйилди сохта табассум.

Мактубни тўрт буклаб киссага урди;
Қалбида гулгула, безанглаб юрди.

Мажиддин, урдим деб ўқни нишонга,
Зимдан назар солди нотинч султонга.

Амирлар хушомад қаддини букди,
Хусайн кибриок тўшакка чўкди.

Дастурхон дид билан безалган — бекам:
Одамнинг жонидан бошқа нарса жамъ.

Бу, Хожа Ўснатнинг ажиб ҳунари —
Шоҳ учун кўринмас кўзига зар!

Султон амр этса — у заҳар ичар,
Лозим бўлиб қолса — жонидан кечар.

Мажиддин лок унга қилди хийнат,
Дўстга бўлмас бундан ортинқ жинойт.

Имазон хатин-ку ёздирди, аммо,
Бўй етган қизига қаради бежо.

Кўз остига босди: «Ҳарамнинг гули,
Буюк султони бу гулнинг бўлбули!»

Ниятига етди: «тилади султон»,
Бугун рухсоридан ҳарам чароғон.

Подшоҳ хурсанд бўлса, басдир, Ўснатга,
Минг бор шукр дейди бахтли қисматга.

Хусайну Мажиддин ва ундан бўлак
Тирик жон беҳабар, пинҳона, демак.

Кошки, никоҳига ўтказса султон,
Унда булар эди олам гулистон.

Савлат тўкар эди қайнота бўлиб,
Юрса — кетар эди кўчалар тўлиб.

Бу — орау! Юзага чиқиши маҳол,
Наҳот, ота қилур қизини увол!

Юқ ювиб-таради қизини машшота,¹
Безатди — қўғирчоқ! Ноилж ота

Шоҳнинг сийловига бўлмиш сазовор,
Йўқ деса — галодек этгай хору зор.

Амирлик либосин ечиб олгай у,
Бошига ёмғирмас, ёғади қайгу.

Мусодара эгар молу мулкани,
Қашқирлар бор ерда, қўймас тулкани.

Виждон азобида аросат жони,
Тулғонади қурум босган иймони.

Мажиддин сўзига нишонди нечун?
Султон гинг демади «совға»си учун!

У, подшоҳ хурсанд деб кўнглини билган,
Қўйинини тўлдириб пуч ёнғоқ билан.

Бу — ёлгон! Қадрлар султон одатин:
Топтамас амирлар бахт-саодатин.

Яна чангал солмас ўз арконига,
Ҳар кимни йўлатмас, ахир, ёнига!

Мажиддин иши бу — солди ёт назар,
У эса тиржайди — кўзи ҳийлагар.

Қултўқ дея кулиб қўйганда султон,
Хожа Ўснат бунча чекмасди фиғон.

¹ Машшота — пардозчи (хотин).

Унга нима будди? Бермас эътибор,
Ахир, кўз қарогин қилди-ку нисор?

«Парвоначи дўстлик қиламан дебон,
Яна қуламасин бошига осмон.

Кўзига қоронгу қилиб жаҳонни,
Ёки у шод қилмоқ истар султонни?»

Уз ўтида тутаб ёнадир Усмат,
Уз куйида уни уйнатар қисмат.

Аммо толеъ кулди — жилмайди подшоҳ,
Энди бас келолмас Маждиддин гумроҳ.

Хусайн бедовдек саркаш, бежиллов,
Қулида қадаҳу қонида олов.

Амир Мугул чўккан — чўяндек оғир,
Косадек кўзлари ёнар муғомбир.

Маждиддин ҳаволаб кетган кибрдан,
Отдан тушса ҳамки тушмас эгардан.

Султон дилин овлаб, қилар хушомад,
Яна келгай дея бир кетган омад.

Амир Шужоиддин султон ёнида,
Лочин йиғит эди Туркистонда.

Султон тилаб олди, уз қавмидан у,
Деди: «Улус ичра қозонсин обр».

Улуғ амир дебон берди-да унвон,
Қушинига уни қилди қумондон.

Тили куйган эди Музаффарбекдан,
Дили хуфтон эди гинаю кекдан.

Маждиддин домига тушиб саркарда,
Огудан ўлди у қора саҳарда.

Лек Ҳирот дафн этди тантана билан,
Мотам қафасида жони бўғилган.

Йўқлик дунёсини у макон этди,
Улуғ султонига қўл силтаб кетди.

Шул вайхўдин қидирди муносиб номзод,
Садоқат қасрини қилса деб обод!

Шужоиддин билан эса бир замон
Самарқандда булган эди қадрдон.

Абу Саъид мирзо этганда тутқун,
У Хусайн меҳрин қозонмиш бутун.

Ҳибса икковлон булиб ҳамхона,
Бир-бирига тиргак эди ягона.

Толё кулиб, дўстлар биргадир яна,
Мақсуд чирогига кунгли парвона.

Хожа Усмат руҳи очиқ мисли кун,
Керилиб ўлтирар — самога устун.

Маждиддин кўзига кибрли боқди,
У эса зил кетиб, ичдан туюқди.

Номи безак бўлимиш султон тилига,
Меҳри сингигандек унинг дилига:

«Илки саҳий, дили саҳий, ҳотамтой»,
Деб султон мақтади, эмиш «соҳиб рой».¹

Хожа Усмат эса сийлаб «куёвин»,
Чўққига тикмоқчи мансаб яловин.

Май ичиб, акобир тузар анжуман,
Кўзларини қоплаган сархуш бир туман.

Хусайн кайфи хуш — боқар мастона,
Нечундир мактубдан дили сузона.

Киссасидан олиб боқар номага,
У кўнглин салади турли нағмага.

Айниқса, рубойи газабин кўзгар,
Меҳр биносини йиқитар, бузар:

«Шаҳ хони гамин қўйки, тарабини² уртар,
Иссиғ оши турку арабин уртар,

Топмоғлиғ ани аҳли адабини уртар,
Тотмоғлиғ ани худ икки лабини уртар».

Киссасига солди мактубни яна,
Аламли туйгулар қилди тантана:

«Навойи ўзлигин қўймиш йўқотиб,
На қилур шоҳ сари зимдан ўқ отиб?»

Хожа Усмат шодон деди султонга:
«Ҳазратим, номингиз кетмиш жаҳонга.

Улуста қазадириб наҳри Инжилни,
Ҳайратта солмишсиз етти иқлимни.

Навойи мулкидин бериб суюргол
Неча фуқарони қилмишсиз хушҳол.

Анда бунёд айлаб боғ-роғ, иморат,
Жаннатдин этмишсиз элга ишорат.

Оби ҳаёт топмиш элу юрт сиздин,
Боши кўкка етмиш карамингиздин.

Сизни хурсанд қилмак фақир тилаги,
Тунингиз шод этсун Ҳирий малаги».

Султон ҳаволаиб шароб сипқарди,
Маждиддин, суани улаб юборди:

«Наҳри Инжилни сиз этмишсиз бунёд,
Эл демиш: Навойи айлади обод».

Фақир деди элга: «мулк султони бор,
Навойига бу мулк эмас дахлдор.

Наҳри Инжил — олий ҳазрат ижоди,
Бунёдкор утандир асл ажлоди».

Султон чақнаб кетди, Амир Мугул ҳам
Хушомад боғида кезди ҳамқадам;

¹ Соҳиб рой — доно.

² Тараб — хурсандлик, шодлик.

«Ҳазратим ҳиммати — шернинг ҳиммати,
Халқ ёдидин чиқмас улкан ҳиммати.

Аммо, Алишербек таъби поэтикдур,
Инжилда ҳиммати анинг буюқдур».

Амир Мутул очди ҳақиқат кўзин,
Ўзгалар ўнгайсиз сезмади ўзин.

Навоний хизматини ерга урдилар,
Шухратини султонга лозим кўрдилар.

Ҳусайн бағоят хурсанд дунёдан,
Ўзини йўқотган мадҳу санодан:

«Ҳирий кулгай яна наҳри Инжилдин,
Қўшиқ каби Ҳирий тушмагай тилдин.

Ҳирийдин кўрк олғай мамлакатимиз,
Яна буюк бўлғай салтанатимиз».

Султон кайфи тарақ, жўбини қилди май,
Бир-икки қадаҳни ичди пайдарнай.

Ва шодон қўзғолди, Хожа Ўснат сўнг
Зарбоф хилғат ёнди эгинга ушинг.

Ҳамир учидан бу узилган патир —
Е «тўй»нинг маслаҳат зинфатидир?

Хушомад, мақтовдан султон самода,
Ҳаёли ҳарамда ва бир барнода.

Хайрбод қилдилар, кайфи хуш султон
Ўтдек сачраб кирди қасрга шодон.

Хобгоҳга йўл олди, даҳлизда масрур
Унга таъзим қилди сатанг бир кампир:

Султон кулимсираб сўрди: «Ҳа, эна,
Бугун ҳам ошиғинг олчидир яна?»

Кампир ғамза қилди: «Бир нари пайкар
Келиндек кўбвин кутар, зулфи зар.

Тирсилаб турибди гулдек бадани
Ва лекин бор экан гўлининг тикани.

Этини ўлдирдим, ишқ майидин маст
Ҳазратимга этгай жонини пайваст!»

Султон шод, узатди бир сиқим танга,
Кампир кўзи ёнди мисли аланга.

Хобгоҳга отилди, хуркак бир жайрон
Унга таъзим этди ҳайиққансимон.

Султон кайфли боқди — жўшди ҳислари,
Қанқирдек ташланди, очдир кўзлари.

Жайрон учиб қочди, қўлади абжир,
Эшик тирқишидан пойлайди кампир.

Ҳур қизни у султон қўйнига солди,
Ўзи ўлик ҳислар бағрида қолди.

Навоний ижодин қилдию канда,
Саройга отланди офтоб кулганда.

Юрагида янги газал илҳоми,
Бахтиёр субҳидам қутлуг ишбони.

Салом-алик қилиб эл билан шодон,
Отини қайирди қалбага томон.

Чундек дарвоза очилди оғир,
Ичкарига елди фархунда шоир.

Қаср майдонида тўхтагани он
Жилловини олди мулозим чаққон,

Тахтоҳга кирдию русумни бузмай
Эгилди султонга. У кўзни узмай,

Синчков боқиб, зўрга тахтдан қўзғолди,
Бу, жиндак шоирни ташвинига солди.

Ўйлади: сабуҳий қилмайди султон,
Шул важдини, карахтир боши бегумон.

Тўшакка чўқдилар рўбару, хомуш,
Ҳусайн хаёли бузуқ, фаромуш.

Навоний таажжуб бармоғини тиллар:
Ҳусайн руҳида синиқ ташвинилар.

Икки нарса эзар бағрини ушинг,
Баҳам кўрмоқ истар шоир билан тенг.

Бир — ўз яраси, излайди даво;
Бир — шоирники, дарди бедаво!

Ўз дардидан бўлса унинг кайфи хуш,
Шоирнинг дардидан қўнғилдир похуш.

Аммо, султон ташлаб арқонини узди,
Ўзоқдан бошлади суҳбатини мамнун.

Ёришди шоирнинг кўнғил осмони,
Азоб чапғалидан қўтилди жони.

Сўз келиб қадалди юрт аҳволига,
Ҳамон бағри пора улус ҳолига.

Масалани қўйди шоир қўндаланг:
«Солиқлар солмоқда халқ буйнига чанг.

Яна ер-суви йўқ қанча фуқаро.
Қўлдан ҳоли хароб, лол, мотамсаро.

Юрагида яккаш зўр орзу яшар:
Бир парча ер унга бўлса мўяссар.

Экин-тикин қилиб тебратса рўзгор,
Бола-чақасини этмаса хор-зор».

Ҳусайн жонланди мазкур фикрдан:
«Ер-сувин олғайсиз, айтинг, қаердан?»

Навоний тоғ ийқар азм этса гар:
«Чораси топилғай хоҳини этсалар».

Султон ҳайрон боқди: «Недур чораси?
Мур-малахдин кўп-кў юрт фуқароси?»

Ақл кўзин шоир боғичин очди,
Ҳикмат қутисидан дур олиб, сочди:

«Подшо ҳазратлари, юртимиз улкан,
Улкан юрт қудратли фуқаро билан!

Меҳр билан анинг сийланса боши,
Алам дийдасида қуриса ёши.

Савоб иш қилсангиз: аҳли фуқаро
Саргардон бўлмаса ҳам дашти аро.

Агарчанд еру сув этсангиз инъом,
Сизни олқар эди ўлгунча авом».

Ҳукмдор ўйлади: «Чигал муаммо,
Юзага чиқини мушкул бир савдо».

Ғани калта қилди: «Одил маслаҳат,
Вале нима деркин аркони давлат?»

Давлат ҳам, беқлар ҳам кўп чеккай зийн,
Ўзининг зийнини кўзлар қай инсон?»

Навойи, мақсади учгандек елга,
Ачиниб сўзлади камбағал элга:

«Сиз — мулк султонисиз, аркони давлат,
Яна ўша амир, беқлар — бенафқат,

Томдин ташлар ўзин бир танга учун,
Хасисдин мурувват кутмаклик нечун?

Давлат — халқиникидур, демак, шаҳривёр,
Анинг мол-мулкни ҳам халққа дахлдор.

Давлатни минволган от қилиб беқлар,
Ким, ахир, золимлар ҳуқуқин чеклар?»

Тортиб қўйилмаса таноби агар
Давлат мулкига ҳам чанг солар беқлар.

Ер-сувези яшаркан токи фуқаро,
Хуросон мулкига тинмас можаро!»

Шоирни тинглади султон бешарво,
Юзи совуқ эди, дили норизо.

Сўхбат оқимини бурди у, бироқ,
Шоирнинг кўнглига ташлади қармоқ.

Бир фурсат шакдек мулоим бўлиб,
Аерор дафтариини очди, шўх кўлиб:

«Олдимдин чиқинидур икки йўл, жаноб,
Бирини танломай, пестай, дил хуноб?»

Маслаҳат тожига муҳтождур бошим,
Йўқдур сиздин закний, доно сирдошим».

Навойи ҳайратда: «Нима гап?» дебон,
Кўзлари шўх чақнаб, сўзлади султон:

«Бир санам мунаввар этмин ҳарамин,
Тўзатмин ниқн-ла кўнгил ярамин.

Илкимдин чиқаргум йўқ ани асло,
Канизак бўлсам, никоҳ қилсам ё?»

Навойи ичида нафрат оташи,
Жирканиб, султонга кўзголди гаши.

Шоҳ билан уйнашмоқ хатарли — билар,
Лекин аянч кўзи билан тикилар:

«Подшоҳ ҳазратлари, бу мушкул савдо,
Фақирда ўзгадур асли муддао.

Гул ёсини ҳар гунча ўз бутогойда,
Пайҳон этманг ани гунча чогида.

Гуноҳдин илқингиз тийинг, ёмондур,
Қайтинг хатар йўлдин, гул бағри қондур.

Сиз элга отасиз, улус фарзанди
Сизга ҳам фарзанддур, йўқдур монанди».

Султон бошини эгди, тили кесилди,
Нечун айтдим дебон дили эзилди.

Оғир сукут чўқди тахтгоҳга мудат,
Навойи кетмоққа тилади руҳсат.

Аммо, султон унга бир хат узатди:
«Ўқинг» деб, шоирни совуқ кузатди.

Навойи, аламдан тонди фиғони,
Жисминини қонлади ғазаб неёни:

«Ҳазратим, фикрингиз билмак нестаймен,
Покаслар таҳқирни тилини кестаймен.

Ниятлари қабиҳ, хайллари пуч,
Сизни рўкач қилиб, меинди олтур уч.

Каминна қораю, алар бўлса оқ,
Қизил қор ёғини эмасдур йироқ».

Султон совуқ боқди: «Босиб халқ ёшин,
Фаромун қилмангиз анинг султонин.

Умидларим сиздин узлудир гоят,
Конки, эл қилмаса сиздин шикоят».

Навойи тўлғонди: «Алар эл эмас,
Аммо, эл кифтида олтурлар нафас.

Алар халқ танига ёнинган зулук,
Халқ ичинда инсон сифатли махлуқ».

Яна сукут чўқди — музлади тахтгоҳ,
Султон кўзларида гина, интибоҳ.

Тўхмат тошларига беролмай бардош,
Навойи саройдан олиб кетди бош!

IX

Хазонга кўмилган «Боғи бинафина»,
Бўтоқдан узилган баргллар дилхаста.

Изгирин фаррошдек титкилар хазон,
Кўзак поласидан шоир парижон.

Оғочлар — яланғоч, гулзорлар — сўлғин,
Олам дарди билан юраги тўлғин.

Мунаққаш кўнж ичра соҳиб камол,
Кўролмай, қадрига чанг солминш дажжол.

Навоний озурда, Навоний дилгир,
Умидин шамълари сўнмоқда бир-бир.

Кўзларига унинг олам қоронғу,
Даврон қотиллари тутмоқда оғу.

Дийнат уйига қўйиниб ёнғин,
Дейишар: адолат йўлидин тонғин.

Адоват ғорида ҳукмрон девлар,
Даҳшат солиб, боши узра эврилар.

Айбини қидирар — эгилсин, дейди:
Йўлига чоҳ қазир — йиқилсин, дейди.

Борида — ит каби оёғин ялар;
Йўғида — «ғўрига» унинг ғишт қалар.

Борида — ширин сўз, самимий, дилхоҳ;
Йўғида — аччиқ сўз, фитначи, гумроҳ.

Дуч келиб қолсалар — эгадурлар бош,
Қайрилса — отурлар орқасидан тош.

Илжайиб, дўстона сўрашар, бироқ,
Енг ичида тутиб турурлар пичоқ.

Лўлидек мақтарлар — тиллари бийрон,
Лек ичдан зил кетиб, диллари вайрон:

Борида — назмда маликул-калом,
Йўғида — шухратни кўзлаган худжом.

У йўқ анжуманда жамики сано
Ҳиравий шаънига айтилур, аммо.

Мадҳгуй шоирни хезлаб қўярлар,
Хусумат утида ёниб-қуярлар.

Борида — қадди ёй: улуг амир, деб,
Дорус-салтанада¹ мофиззамир², деб.

Худбинлар тилию дили эмас бир,
Ичлари қорадир, кўнгиллари кир.

Борида — супурги айлар соқолин,
Йўғида — уқ каби отар мақолин.

Борида — кўрсатар ўзни элпарвар,
Йўғида — ғоз юриб, аммо, эл талар.

Турланиб турарлар — буқаламунлар,
Найрангбоз — тамъагир думсиз маймунлар.

Инсон либосида юрминш махлуқлар
Панада хиёнат милтигин уқлар.

Навоний қалбини олур шишонга,
Бўхтон ўқи билан беласа қонга.

Бадном қилсалару султон қошида,
Сўнг ёнғоқ чақсалар унинг бошида.

Мансаб тулпорини тортиб олсалар,
Нибда бошига кулфат солсалар.

Дўстлар орасига тунса совуқлик,
Йўқолса ҳамроҳлик, дўстлик, ёвуқлик.

Бир тош нари қочса уни кўриб халқ,
Тухмат дешганига боши бўлса ғарқ.

Мажнунтол сингари қадди букилса,
Ғусса шамолдан барги тўкилса.

Зирқираб, нотавон, синса шохлари,
Хазон тугунидек чиқса оқлари.

Танҳолик даштида кезса саргардон,
Қафасдек кўринса унга Хурошон.

Таянчи йўқолиб, қолса бепаноҳ,
«Бормисан?» демаса энг олий даргоҳ.

Элу юртда қадри қилинса пайхон,
Бошин олиб кетса Ҳирийдин нолон.

Хурсанд бўлар даврон, балки, ушанда,
Гул кетиб, алафлар қолса гулшанда.

На чора? Тенг деса гулу алафни,
Фарқиға бормаса дуру садафни.

Ноҳаддан қилмаса ҳақни ҳимоя,
Тугри қолиб, эгри топса зур поя.¹

Гулшандан қилинса булбул бадарға,
Булбулнинг урнида сайраса қарға.

Дононинг бошида синсаю гаврон,
Девон ичра сурса айшини нодон.

Яхши — дон, бошини янгар тегирмон.
Емон — шайтон, ундан чиқади омон.

Шайтону нокаслар замон келмиш,
Бетавфиқ, фирибгар даврони келмиш.

Навоний ғам-алам утида қолган,
Элдан қочиб, хона ичра қамалган.

Ҳеч кимни кўришни кўнгли истамас,
Дўстлар суҳбатин ҳам кўнгли қўсмасас!

Дардин ошкор этмай дўсту улфатга,
Дили ранж, чекинган совуқ узлатга.

Осойиш биноси бузгун, бенаво,
Қалбидан чиқади ўксиниб садо.

Серғавго яралмиш бу дунё азал,
Ҳамон қила олмас можаросин ҳал.

¹ Дорус-салтана — пойтахт.

² Мофиззамир — дилдаги, кўнгилдаги (киши).

¹ Поя топмоқ — мартабага эга булмоқ, эътибор топмоқ.

Дунё инсонларни яратиб қўйиб,
Яна фиғон чекар дастидан қўйиб.

Бири одам бўлди, бириси илон;
Вале иккисин ҳам унвони: инсон!

Дунё савдосининг етмас тагига,
Кин гарди илашган жон этагига.

Кутарса-да ғазаб лашкари исён,
Сабри тоғдек эди — бўлмади толқон.

Қўлдек бош эгмади алам тигига,
Буйсулмади келади уч буйругига.

Тулғин ижод билан утар кунлари,
Роҳатни унутган қалб тулқинлари.

Сўз дуррин тизади ғазал ипига,
Қогоз безанади илҳом сепига.

Сокин хона ичра қуш каби тутқун,
Азобдан тулғонар дил уқтин-уқтин.

Боғ ҳуснига боқиб ўксинар бу дам,
Хазон тушган каби қалб боғига ҳам.

Дил розин айтмоққа дилнавози йўқ,
Жон дардин демоққа чорасози йўқ.

Дарвеш Али китоб билан овора,
Кун сайин ташвини ортар тобора.

Волида тинчини бузмоқ истамас,
Ўз ўтида ўзи ёнар беҳавас.

Шайх Баҳлул бўлолмас дардига малҳам,
Даво тополмагай Соҳиб Доро ҳам.

Қурдоши эса-да Зайниддин боғбон,
Кўнгил ярасини тутати шинҳон.

Жони огримаган, дерлар, дард билмас,
Мирҳайдарга шеър у шароб бўлса, бас.

Тоғдек оғир ғамни кутармиш боши,
Бағрини қонатмиш хусумат тоши.

«Жомий ҳазратлари келмоқдалар» деб,
Шайх Баҳлул бош эгди эшикни очиб.

Навоий уридан маҳзун қўзғолди,
Ўзини дафъатан қўлига олди.

Рухи синиқ эди, тикланди бир оз,
Қалб торин улади келиб нағмасоз.

Жомий хурсанд эди ҳаддан зиёда,
Орауси уналган каби дунёда.

Навоийни кўриб афтода бир ҳол,
Шуурин хавотир айлади ишғол:

«Азизим, юз берди яна не савдо?
Тагин қўзғадими нокаслар ғавго?»

Аллома дилига бермай деб озор,
Кечмиш воқеани қилмади ошкор.

Майин кулиб қўйиб деди хотиржамъ:
«Маҳдум ташриф этса, чекингай алам».

Жомий таскин тонди келтириб пайғом,
Зарварақ тарихни безар бу айём:

«Бағоят мамнунмен ўша суҳбатдин,
Жанобим фақирга бермиш фикратдин:

Низомий «Маҳзанул-асрор»ин¹ дури,
Деҳлавий «Матлаул-анвор»ин² нури,

Маҳлиё қилмишдур каминангизни,
Назм жабҳасинда эсладим сизни.

Пайрав этай дебон ўйландим узоқ,
Тарҳи тоза асар туғилмиш бироқ.

Даврон ҳикматини айлаб омухта,
«Тухфатул-аҳрор»га³ чекибмен нуқта.

Қувончимни филҳол кўрай деб баҳам,
«Боғи бинафша»га қўйибмен қадам.

Жанобим истагин этибмен адо,
Демакки, қилибмен ваъдага вафо.

«Тухфа...»га бир назар солгайсиз дебон
Ният қилмиш фақир, нажиби даврон!»

Навоий асарини қилди-да тавоф,
Янги дунё очди мисоли кашшоф.⁴

Узоқ фурсат ундаи узолмай нигоҳ,
Бир печа бобни у ўқиди дилҳоҳ.

Сунг зурга «Тухфа...»дан кутариб бошин,
Самимий қўлгади назм наққошин:

«Устод, янги асар муборак бўлсин!
«Ҳафт авранг»⁵ донгидин зур дарак бўлсин!

Форсий хазинасин бедамиш бу ганж,
Савоб иш қилибсиз чексангиз-да ранж.

Назм гулшанида сайр этмиш зот,
Не ажаб, «Тухфа...»дин тиласа нажот!»

Жомий деди мамнун: «Энди, жанобим,
Назм офтобидин кулсин сабоҳим.

Вақтидур туркийда «Хамса» яратмак,
«Хамса» билан туркий созин янградмак.

Ани рақам этмак сиз учун фарздур,
Не фарз, атроқ эли юклаган қарздур.

Улкан қарани узмак пайти етипти,
Истеъдод оғочин меваси нишпти».

¹ «Маҳзанул-асрор» — «Сирлар хазинаси», Низомий достоянининг номи.

² «Матлаул-анвор» — «Нурлар манбаи», Деҳлавий достоянининг номи.

³ «Тухфатул-аҳрор» — «Эркинлар тухфаси», Жомий достоянининг номи.

⁴ Кашшоф — очувчи, кашф этувчи, маъно ечувчи.

⁵ «Ҳафт авранг» — «Етти тахт» (Етти дostonдан иборат асар), Жомий асарининг номи.

Навойи руҳланди: «Ташаккур, устод!
Низомий, Деҳлавий эгсалар имдод.

Сиз қилиб турсангиз фақирни дуо
Юзага чиқажак эзгу муддо.

Анинг адосига киришмак учун
Хотирим жамъ эмас, мавлюно, бу кун.

Безовта қалб наҳри тонса осойин,
«Хамса»да қаламин қилгай намоийин.

Тез кунда «бинойи хайр» битгайдур,
Яна ғариб илки қалам тутгайдур».

Аллома эътироз кўзи-ла боқди,
Навойи қалбига баттар ут ёқди:

«Шуаро хотири сира бўлмас жамъ,
Чайқалиб турибди, жаноб, бу олам.

Сокин бўлмагай ҳеч кўнгул денгизи,
Қачон кулгай деманг илҳом юлдузи!

Алам чангалида чекмасдин азоб,
Ижодга урингиз ўзингиз, жаноб.

Ижод билан бўлгай дарду ғам унут,
Мушқилот қошида сақламанг сукут.

Белни боглаб, олинг «Хамса» қаламин,
Унутинг, азизим, дунё аламин».

Навойи сузлади дардини ютиб:
«Дунё аламларин бўлмас унутиб.

Ва лекин зиммамда буюк вазифа,
Умидим комилки, бергай натижа.

Менга қанот бўлгай «Тухфатул-аҳрор»,
Фикримда яшайдур «Хайратул-аброр»¹.

Жомий дуо қилди, улуғ салафлар
Навойи азмини гуё шарафлар!

X

Ҳирот ором олар куз бешигида,
Бир оёғи унинг қиш эшигида.

Жарчилар кўзголиб эрта саҳарда,
Тонг билан кездилар катта шаҳарда.

Жар солиб, чорлашди байрамга элни:
«Фуқаро, кўрингиз, — дея, — Инжилни.

Инжилда «бинойи хайр»лар бугун
Эшикларин очар фуқаро учун!»

Жарчилар сасидан шаҳар уйғонди,
Не шаҳар, замин у гардун тўлғонди.

Тонг билан юз очиб саодатли кун,
Эл чиқди кўчага, лек элдан бурун

¹ «Хайратул-аброр» — «Яхшилар ҳайрати», Навоий «Хамса»сининг биринчи достони.

Навойи тарк этиб тонг ижодини,
Томоша қилмоқда ўз бунёддини.

Дунё кирдикорин унутган бутун,
Ғанимлар макридан у келди устун.

Нокаслардан дунё бўлмаса холи,
Боғ аро эсмайдур жаппат шамолни.

Инсон яралгандир эзгулик учун,
Эзгулик маскани замин у гардун.

Она тупроғини қилмаса жаннат,
Умри ўтар унинг эшитиб миннат.

Иморат қурмаса, яратмаса боғ,
Ўлакка қидириб яшар мисли зоғ.

Ариқ қазимаса, чиқармаса сув,
Ҳаёт неъматига йўғирар оғу.

Бемақсад яшамак — ўлик жонга хос,
Тирик жон орзуси бўлмас беасос.

Буюк мурод бўлиб умр шиори,
Қулди Навоийнинг толей баҳори.

Дарё бўлиб тошай дейди қирғоқдан,
Бургут бўлиб ошай дейди зўр тоғдан.

Биолар кўркидан кўзи қамашар,
Боғлар жамолидан ақли адашар.

Ҳайрат гулшанида ошуфта тамом,
Дунёда топишмас бундай хуш айём.

Ўтқазган ниҳоли туғибди мева,
Туфонга дош берди у чиққан кема.

Кўзлаган эди у олис манзилни,
Режасин тузганда наҳри Инжилни.

Данг аро қолмади умид карвони,
Надомат утида ёнмади жони.

Қаноти синмади бахт кабутарин,
Маънолар беади мақсад дафттарин.

Орзулар кўзгуси чил-чил синмади,
Инжилга фалокат зоғи кўнмади.

Қалбида уйғотиб сунмас бир ҳавас,
Бечун жилваланад тоқи муқарнас.

Қатма-қат, қабариқ, ўйма шакллар,
Мовий гумбазлардан шошар ақллар.

Устунлар жилюси — наққош иншоси,
Деворлар гулзори — ганжкор имлюси.

Кимёгар санъати — анвойи ранглар,
Кошин узра мангу янграр оҳанглар.

Жонли суратларда Чин мўъжизаси,
Мусаввир қалбининг мундарижаси.

Шукӯҳли биолар — зако ҳайкали,
Меъмору муҳандис илмин сайқали.

Инсон даҳосига шоир бериб тан,
Бунёдкор зотлар-ла тузар анжуман.

Инжил тарихида бугун қутлуг кун,
Умр китобида янги бир мазмун.

Пешанасин ўпмиш толеъ қуёши,
Фалак пештоқиға етгандек боши.

Муסיқа янгради Инжилда яна,
Карнаю сурнайлар қурди тантана.

Навоий қўшилди халқ дарёсига
Ва кетди кўмилиб эл дуосига.

Гўзал бинолардан тошдек қотди эл,
Усталарни олқаб, ўйға ботди эл.

Бинолар тоқида ҳикматли байтлар,
Зар билан чекилган фикратли байтлар.

Томоша қилдилар кириб ичига,
Олам торлик қилди халқ севинчига.

Навоий бинолар тарихин сўзлар,
Санъат тилсимидан ҳайратда кўзлар.

Бирига ном қўйди «Халосия» деб,
«Ихлосия» берди бирисига зеб.

«Шифоия» бўлмиш бирининг номи,
«Сафоия» эрур Инжил ҳаммоми.

Бирини атади масжиди жомиъ,
Хурсанд бўлғай, деди, Ҳирий авоми.

Шоирга халойиқ қуллуқлар қилди,
Лафзидан ташаккур боли тўкилди.

Улусдан мавжланар куча, майдонлар,
Инжил соҳилию боғ, хибоблар.

Халқ аро Ботирбек — кўзлари қийиқ,
Тутқиҷ бермас унга бир асов кийик:

Тарсо қиз — маҳлиё Ботирбекка у,
Қалбида ишқ солган оташин туйғу,

Бир лаҳза тўқнашди маҳбублар кўзи,
Кўзларда чақнади севги юлдузи.

Қиз бардош беролмай ерга боқди лек,
Қувончдан унутди ўзин Ботирбек.

Ораусига шоир тутса нафасин,
Буэса не, диннинг у темир қафасин.

Инжилда тер тўкди у мисли Фарҳод,
Шоир меҳр уйин қилай деб обод.

У — далер; қарайди ўқ кўзига тик,
Аммо, қиз ишқидан кўнглида ҳадик.

Халқнинг кўз қароғи — зурафо келди:
Навоий қошида мамнун эгилди.

Мударрислар келди, келди толиблар:
Илмда гоҳ мағлуб, гоҳо ғолиблар.

Бугун илм аҳлини катта байрами,
Мадрасада ёнар маърифат шамъи.

Шоирга миннатдор таъзим эдилар,
Меҳр китобига номин битдилар.

Навоий ардоқлаб киrom аҳлини,
Томоша қилдилар улус сайлини.

Кўкка ларза солди карнайлар яна,
Шоҳ келиб, бошланди зўр шодиёна.

Аҳли нағма шўх-шўх чалди созини,
Еллар олиб кетди соз овозини.

Султоннинг кўзида табассум ёниб,
Шоирни бағрига босди қувониб:

«Ақл бовар қилмас — унутдим ўзим,
Меъморлар мадҳига етмайди сўзим.

Неча тегирмон сув сиймиш наҳрни,
Инжил соҳилида янги шаҳрни,

Десаңгиз: эл угли қилди деб бунёд,
Ишонгай на Маиҳад, на-да Астробод!

Тушми бу ё ўнгим, шоирни замон,
Кўзимга ишонмай қолдим бегумон».

Тилини тишлади аркони давлат,
Навоийда бор, деб, шердек зўр қудрат,

Кўркам биноларга келиб ҳаваси,
Бўғзида тикилди султон нафаси.

Усталар кўлини сиқиб, қутлади:
«Чекмиш заҳматингиз зоёе кетмади».

Меҳрин дариг тутмай халойиқдан бот,
Хос минбарга чиқди икки улуг зот.

Навоий улусга шодмон тикилди,
Қиличдек қомати таъзимга келди.

Шодлик денгизидек чайқалар майдон,
Тури тоифага мансуб оломон:

Ҳақир хунармандлар, мўмин деҳқонлар,
Моҳир кимёгарлар, уста боғбонлар,

Жулдурпуш гадолар, хоксор дарвешлар
Бошини тарк этган каби ташвишлар.

Аҳли нағма бир ён, шуаро бир ён,
Мусаввирлар бир ён, уламо бир ён.

Бир ёнда қизиқчи, бир ёнда дорбоз,
Бир ёнда лофчию бир ёнда морбоз.

Чавандоз бир ёнда, полвон бир ёнда:
Дунё ғами йўқдек шод оломонда.

Инжилни қилгали сайру томоша,
Келдилар: бири тоғ, бири қир оша.

Ҳиммат камарини боғлаб белига,
Ҳотамтойлик қилди шоир элига.

Сайилгоҳда танқис таомлар сероб;
Палову мангию сомсаю кабоб.

Сахийлик боғида кезар баковул,
Кунгли не тортса эл қилар тановул.

Анвои товланар улус либоси,
Баҳор гулларидек йуқдир қиёси.

Чолгу садолари тутар осмонни,
Не осмон, тоғу тош, боғу бустонни.

Йигитлар қарсиллаб рақсга тушар:
Қанотин қайириб лочинлар учар.

Куз юмиб, бош чайқаб риндваш созанда,
Сел бўлиб, ўт бўлиб қуйлар хонанда.

Мажиддин ичига ютар аламин,
Синдиrolмай доғда шоир қаламин:

«Навоий қуймаса йўлига тўгон,
Улуғ амир бўлиб сурарди даврон.

Ёки бирор мулкка қилинсайди даъф,
Ўзи танҳо қолиб, топарди шараф.

Пойтахти азимда у бўлса муқим,
Ёруғ кунни кўрмай утиши мумкин.

Хожа Афзал билан Суҳайлий бирга,
Маймундек ўйнайди чалса чилдирма.

Навоий аларнинг суянган тоғи,
Шундан ёғ устида доим пичоғи.

Тоғни қулатмаса яшай олмас тинч,
Куксини ханжардек поралар укинч.

Хожа Ўснат чиқмас султон пинжидан,
У мағрур боқади сурй кунжидан.

Ҳасад кўзин тикиб ўйлар ўзича:
«Алишер беозор мисли мусича».

«Йўқ» дея ўзини ўзи қилар рад:
«Беозор тутмақдан ўзгадир мақсад.

Чангалига тушса душмани агар,
Шер бўлиб, сичқондек эзар, мажақлар.

У яккаш қувлагай обрў изидан,
Обрў деган жойда кечар ўзидан.

Йўқ эса, нечун у улуста йўлдош?
Эл билан чиқарар бир ёқадан бош?

Мундоқ ҳашаматли бинолар нечун?
Нақши чин, ортиқча жиллолар нечун?

Нечун эл мулкни кўкка совурмак?
Шунча халқни йигиб, кўкракка урмак?

Нечун мунча доврўқ, мунча дабдаба?
Нечун ногинч кунда мунча тантана?

Элга ўзин яхши кўрсатмоқ учун,
Тоғ бошида бино қўрмаса бир кун.

Подшоҳдин обрўйим бўлсин деб баланд,
Қасрлар қўрмаса Темурбек монанд».

Султон кунгли мамнун фуқаросидан,
Қутилган сингари мोजаросидан.

Хурсанд халойиққа боқар фархунда,
Салтанат таянчин кўрмоқда мунда.

Ошуфта — Навоий биноларидан,
Инжилда нақши чин жиллоларидан:

«Ҳирот юзи узра Инжил менг бўлмиш,
Не менг, фирдавс монанд янги кент бўлмиш.

Хуросон доврўги оламини тутгай:
Арабу Фарангу Чину Ҳинд утгай.

Ҳашам иморатлар кўпайса, кошки,
Шамъ қилиб ёқардим анда қўёшни!»

Мўйсафид Ардашер ҳайратдан қотган:
Хуросон мулкида янги тонг отган!

Ниятига етиб жафокаш устоз,
Сурур кишварида мисли нағмасоз.

Келажак оламини кўради равшан,
Сайрга чорлайди шуқуфта савсан.¹

Кунгли дер: «Аллома, айла якқалам,
Умрда кам учрар бундай қутлуғ дам.

Дунёда гам кўпу шодлик эса оз,
Бунёдкор инсонни қилгил сарафроз.

Бино кўрмоқ қийин, бузмоқлик осон,
Чунки, доно камдур, кўп эрур нодон.

Яхшини қадрла, қочгин ёмондин,
Улус раҳматин ол, ҳайиқ бўҳтондин.

Халқингга ён босдинг, сендин ризомен,
Амримни ижро эт, менга мирзо сен.

Навоий бошини силаб, хўб қилдинг,
Камоли умрини тилаб, хўб қилдинг.

Умрим зоё кетди дема, аллома,
Бехатар, сен сузган кема, аллома!

Ўп, бутун Навоий пешанасидин,
Офтоб ялов тиккан кошонасидин!»

Навоий ҳаяжон ичра энтиқди,
Хурсанд эл денгизи сари кўз тиқди.

Бир муддат жим қолди — босди ўзини,
Ўйлаб, дона-дона деди сузини:

«Муҳтарам фуқаро!», деди у шодон,
Ҳавас тўлқинини босди олюмон,

Минбарга қадалди меҳр кўзлари,
Юрак торин чертди шоир сузлари:

¹ Савсан — гулсавсар.

«Бугун — улуг байрам! Зур шодиёна!
Сиз обод қилмишсиз Инжилни яна.

Асрлаб рўёбга чиқмаган орзу —
Жамолин курсатиб, даштга чиқди сув.

Сизларга қурилди ушбу бинолар:
Мадраса, хонақоҳ, шифохоналар.

Кутубхона, ҳаммом, масжиди жомиъ,
Буюк салтанатнинг элга инъоми.

Инжилдин кўрк олғай мулки Хуросон,
Деб ниёт этмакда ҳазрати султон.

«Боги нав» — халқ боғи, боғи оромдур,
Истироҳат учун фароғи комдур.

Сулим хиёбону чимзор майдонлар,
Сизларга мунтазир, азиз инсонлар.

Ҳовузалар буйида жон қилғай ҳузур,
Инжил соҳилида қолмас дард, қусур.

Асли бу бинолар сиз билан обод,
Сиз учун ҳамниша эшиги кушод.

Илм истаганга мадраса муштоқ,
Доно мударрислар ўргатар сабоқ.

Табибларга муҳтож кишилар учун,
Шифохона бағри очилдур ҳар кун.

Авом мушқил кунда чекмас азият,
Савоб бўлғай дебон қилганмиз ният.

Кутубхона қурдик аҳли донишга,
Китоб излаб, жони тунмас танишишга.

Мактаб юзин кўрғай улус фарзанди,
Оқибат саводхон бўлғай дилбанди.

Ҳаммом бунёд этдик — сафо маскани,
Киши енгил юрғай пок бўлса тани.

Муқаддас маскандир масжиди жомиъ,
Намозин уқйғай Ҳирий авоми.

Савоб эшигини очғай ул сизга,
Остонаси илҳақ қадамингизга.

Инжилда не бўлса — сизга дахлдор,
Қули гул меъморлар этди жон нисор.

Сизга хизмат қилғай мазкур бинолар,
Аҳли фазлу камол, аҳли сафолар,

Чекмиш захматимиз кўрсангиз лойиқ,
Марҳамат қилғайсиз, азиз халойиқ!»

Инжил кўкин тутди олқиш садоси,
Ҳиндикушга етди улус нидоси.

Соҳилга урилди шодлик наҳри бот,
Мавжиди чайқалди муаззам Ҳирот.

Султон номидан ҳам қутлаб дуст-ёрни,
Минбарга чорлади аҳли меъморни.

Усталар эгнига ёпиб зарбоф тун,
Улуг тантанага ясади якун.

«Берилсин, — деди сунг, — элга зиёфат,
Халойиқ шодлиги бўлсин зиёдат!»

Чақиндек учмоқда ҳамон санолар,
Шоирдан миннатдор шоҳу гадолар:

«Дунё тургунича туринг, Навоий!»
«Дунё ҳузурини кўринг, Навоий!»

Улус олқишидан бўлиб тамом лол,
Ҳайрат минбариди соҳиби камол.

Инжилда янгради карнай, соз яна,
Халқ хурсанд, шомгача қилди тантана!

X I

Намозшом — серташвиш кун интиҳоси,
Маъюслик уйғотар тун ибтидоси.

Кун буйи дардлашиб фуқаро билан
Навоий хомушдир — бағри эзилган.

Солиқдан тинкаси қуриб, бемадор,
Яна нола қилди халойиқ ночор.

Ғариблар ҳолини қилай дебон хуб,
Дард-аламни кўрди ўзига марғуб.

Соҳиб Доро кириб ёқди шамъларни,
Хонага таратди шуълаи зарни.

Тарки одат қилмай сўрди бенарво;
«Шаҳарда нима гап, жаноби Доро?»

Деди у, узатиб бир даста мактуб:
«Ҳар қалай, Биноий келибди қайтиб».

Шоир енгил тортди: «ажиб савдолар,
Кошки, барҳам еса энди игволар».

Дерлар: Навоийга бўлмағач манзур,
Ҳиротни тарк этди Биноий мажбур.

Яна деди Соҳиб: «Зоҳид Умрзоқ
Сизни истаб келмиш, у — бир қоп ёнғоқ.

Машҳадга жунармиш эрта азонда,
Ташриф буюрғаймен деди хуфтонда».

Навоий жилмайди: «Кошки, келса боз!
Дарёдек сершовқин, мутайибасоз.

Кунгул қумсар анинг мулоқотини,
Ҳавас қилғай баъзан шўх ҳаётини».

«Ажиб инсон, — деди чиқаркан Соҳиб, —
Барчага хислати қилмайдур насиб».

Шоир ёлғиз қолди — ҳаёлга тутқун,
Биноий банд этди фикрини бутун:

«Дурадгор эди у шаҳри азимда,
Қаламини йунди мулки назмда.

Акобир даврасин кўрди мувофиқ,
Андин қўл ювса-да, гоҳ аҳли тавфиқ¹.

Раҳнамолик қилди — соҳиб иқтидор,
Гарчи феъл-атвори нохуш, дилозор.

Ҳиротда ном олгач Биноий дебон,
Кибр дашти аро урди у жавлон.

Ҳасад ути ёнди, афсус қонида:
«Нечун Навоийнинг турмас ёнида?

Нечун аҳли шеърдан у баланд тургай,
Базму анжуманда турда утиргай?

Истеъдоди ундан кам эмас асло,
Бадавлат эмасдир у каби, аммо.

Яна бемансабдир — қўллари калта,
Амир бўлса, улус сийлар, албатта.

Шул важҳдин, обрўга қидирар барор,
Шухрати камроғу «душмани» бисёр».

Навоийни дерди: «Шоирӣ авом».
Туркийни ҳасаддан, камситди мудом.

Фоний газалига тан бериб, аммо,
Форсийни туркийдан қўйди муалло.

Таъна қилган эди: «Улуғ султон ҳам
Авомнинг тилида сургай деб қалам».

Хаёл оғушида Навоий ҳамон
Уйлайди: Биноий айби не дебон?

Табиати галат, забони заҳар,
Айбми — тилида бўлмаса шакар?

У ташлай олмағай бу одатини,
Англолмас хуш таъблик саодатини.

Бу — балки, отасин таъбин зуҳури,
Ё ношод болалик заҳри, қусури.

Биноий қисматин уйлаган сари,
Фикрини чулғайди хотиралари:

«Боғи сафид»² аро шатранж мажлиси,
Киприкдан кўп эди ўйин мухлиси.

Мавлоно Мир Муртоз — тошдек қотган у,
Пинагини бузмас эл соҳса гулу.

Навоий билан у суради шатранж,
Биноий этагин тутган — дили ранж.

Шоир қўли ундан келмоқда баланд,
Лекин жони қалқон суворий монаид.

Ҳар бир дона учун у қилади «жанг»,
Рақибга жон бермас гарчи ҳоли танг.

Биноий этагин қўйвормас ҳамон,
Биррав ўинамаса қўймайди омон.

Яна мот қилмоқчи Суҳайлийни ҳам,
«Эзиб ташламоқчи» Туфайлийни ҳам.

«Таъзирин бермоқчи» Паҳлавоннинг у,
Шатранж сурайлик, дер, ким келса утру.

Навоий оёгин узатган эди,
У ногоҳ Биноий кетига тегди.

Шоир кулгисини тиёлмай алҳол,
Деди ҳазил қилиб — давра аҳли дол:

«Ажаб балоест: дар Ҳирой агар пой дароз мекуни
Ба пушти шоир мерасад»¹.

Пайрав қилди ҳозиржавоб Биноий;
(Қотиб қулди қойил қолиб Навоий)

«Агар жамъ мекуни ҳам
Ба пушти шоир мерасад»²

Қаҳ-қаҳ урди филҳол аҳли шатранж ҳам,
Мир Муртоз пинагин бузмас, боши ҳам».

Навоий сақламас Биноийга кек,
У эса рашк қилиб тинчитмайди лек.

Тилини пичингдан тийиб туролмас,
Шавкатли обрусин зимдан кўролмас.

Навоий ҳам ҳазил ништарин санчар,
Безанглаб кетар у, ут каби сачрар.

У «уста» ўзгани мазах қилмоққа,
Заҳар тиги билан бағрин тилмоққа.

Ўзига келганда — юқтирмас губор,
Тажанг, сиркаси сув кутармас, кибор.

Бир лавҳа яшайди жон қароғида,
Хотира китобин зарвароғида:

Анжуманда Ҳирот нажиб зотлари:
Янгради зурафо куй, абётлари.

Қолмади Биноий ёпишмаган жон,
Шарифлар дилини айлади хуфтон.

Туфайлийни деди шатранжда думбул,
Осафийни³ эса навосиз булбул.

Жангда омадсиз деб Амир Мугулни,
Беҳзод ёқасига узатди қўлни.

Навоийнинг туркий газалин бир вақт
Форсий таржимада ўқиди карахт.

Заҳарханда деди: «Шоирӣ даврон,
Нафис фикрларга энди кирди жон.

¹ Тавфиқ аҳли — талабига етган, яхшиликка эришган кишилар.

² Боғи сафид — оқ боғ.

¹ М а з м у н и: «Ажаб бир балодирки, Ҳиротда оёгини узатсанг, шоирнинг орқасига тегди.

² М а з м у н и: «Итсанг ҳам, шоирнинг орқасига тегди».

³ Осафий — шоир.

Дағал сўзлар кийди муносиб либос,
Келин рухсоридек хусни беқийс!»

Гарчи обрў гули қилинди пайхон,
Бирор сўз демади Навоий ҳайрон.

Иғво турин тўқиб Ҳиравий билан
Маждиддин уйида тузди анжуман.

Таъқиб этмоқда, деб, мени Навоий,
Ҳиротдан бош олиб кетди Бинойй,

Паноҳ топди Яқуббек¹ ҳузурнда,
Рағбат кўрди, туркманлар кузирдан.

Толёйн қарангки — қайтиб келибди,
Ҳар қалай, ўз юртин афзал билибди.

Аразни унутган, балки, қайсар дўст,
Гина барҳам топса булғайдир дуруст.

Бинойидек шоир, ахир, Бинойй,
Қадрин баланд тутар унинг Навоий.

Қанча захмат чеқди унинг туфайли,
Майлига боқмади, замона зайли:

«Меҳр кўп кўргуздим, аммо, меҳрибоне топмадим,
Жон баче қилдим фидо, ороми жоне топмадим».

Бошига кутариб даргоҳин қувноқ,
Бир пайт кириб келди Зоҳид Умрзоқ.

Сўзга чечан, донгдор аскиячи у,
Ҳеч кимса келолмас унга рубару.

«Бир чўқишда» қочиради, пайравбоз,
Юз мақомга солар жонни, найрангбоз.

Кўнглида кири йўқ — момикдек оппоқ,
Доғули кимсадан юрар йироқроқ.

Навоий зерикиб қолган чоғида,
Меҳмон қилар эди уни боғида.

Сурашаркан шоир билан ҳол-аҳвол,
Назм гавҳаридан сочди бир мисқол:

«Қафас ичра нола қилмиш андалиб²,
Зоридин дилхаста келмиш бул гариб.

Андалиб савтини кўролмасдин зоғ,
Қонли чангалини чўзмиш, бағри доғ».

Навоий фархунда: «Қулдуқ, тақсирим,
Андалиб қисмати — фақир тақдирим».

Арзи ҳол айлади Зоҳид Умрзоқ:
«Жўжа бирдек жонмен, кам харжмен, бироқ.

Яна Машҳад сайрин майл қилибмен,
Ижозат сўргали, излаб келибмен».

Унинг мақсадини пайқадди шоир:
Ўзида қилиб деди: «Яшанг, баҳодир!»

¹ Яқуббек — Туркман мулкнинг султони.

² Андалиб — булбул.

Тақсир демоқчилар: чиқса ҳожати;
Ташвиши: рўзгору йўл харажати».

«Кўнглимни топдилар», у бошин эғди,
Орзу ипин тагин маҳкамроқ тутди.

Навоий чорлади Соҳибни дарҳол:
«Машҳад сайрин, тақсир, қилмишлар хаёл.

Қанча ақча лозим бўлса, бергайсиз,
Рўзгориға эса қараб тургайсиз».

Меҳмон қулдуқ қилди — кўнглида суруд,
Хайрбод қилмоққа кўрди тарадуд.

Шу асно отаси билан Бинойй
Эшикда кўринди, яйраб Навоий,

Қайсар дўстни олди бағрига хурсанд,
Кўзлар кўзга боқди бир зум ҳавасманд.

У келмиш падарин қистови билан
Тарқалган сингари бошидан туман.

Чунки, қадр топмиш элда падари,
Кўнглида йўқ эди энди кадари.

Навоий туфайли обрўси баланд,
Султон ҳам қадрлар оғаси монанд.

Хона яшнаб кетди, дўстлар эди шод:
Гўё хароб кулба қилинди обод.

Навоий сўради гап орасида,
Эзгулик оҳанги унинг сасида:

«Мавлоно Бинойй, султон Яқуббек,
Марҳамат кўрсатди сизга ёвуқдек.

Нечук эзгу хислат соҳибни экан?»
Бинойй тиржайди, сўзида тикан:

«Яқуббекнинг яхши хислати бисёр,
Туркийда ул жаноб битмаскан ашғор».

Ялт этиб тикилди унга падари,
Елга сочилгандек панд-ўғитлари.

«Ҳамон тузалмабди» — уйлар Навоий,
Ғолиб нигоҳ билан боқар Бинойй.

Гап оқимин бурди Зоҳид Умрзоқ:
«Ҳазратим, ясабсиз ажойиб хиргоҳ».

Яна заҳар сочди Бинойй ногоҳ:
«Хиргоҳ¹ булур баъзан, тақсирим, харгоҳ»².

Ҳазил тигин санчди Зоҳид бинойй:
«Камина пайқадим, жаноб Бинойй,

Келиб тураркан-да узлари, демак,
Сиз билан хиргоҳ ҳам харгоҳдур, бешак!»

¹ Гиргоҳ — ухлаш хонаси (хобгоҳ).

² Харгоҳ — эшакхона.

Хандон отиб қулди аҳли дил хуррам,
Тилин тишлаб қолди Биноий мулзам.

XII

Ҳусайн Бойқаро — шуҳрат кўкида,
Еру кўк гўёки унинг ҳукмида.

Хуросонда борки тирик мавжудот,
Унинг амри билан топгандек ҳаёт.

Ломакон гадодан амирга қадар,
Уни кўрса, мутеъ каби букилар.

Султон соясига беришиб салом,
Бошида парвона унинг не худком.

Мажиддин айрилмас — сояси унинг,
Қилмиши ўн шайтон қилмишига тенг.

Оёқли илондек — тилида оғу,
Оғулаб ўлдирди неча жонни у.

У сувда чўкмайди, ёнмайди ўтда,
Ўзиб олар ўлжа кўрса бургутда.

Мажиддин кўре, золим ўз уйида ҳам,
Хонадони титрар уни кўрган дам.

Бугун чора кўрса — эртага султон
Бошини силаб қўяр унинг бегумон.

Низоумулук — юмшоқ, нозик, ширин суз,
Аммо, яра узра зимдан сепар туз.

Султон товонини ялайди ҳамон,
Тили яра бўлиб кетди, устомон.

Мавқеи баланддир ҳамон девонда,
Адоват утидан жони фиғонда.

Султонга барчадан яқин турсам, дер:
У — осмон бўлсаю ўзгалар-чи, ер.

Ҳайиқиб яшайди Навоийдан боз,
Дабдаба кўкида қилолмас парвоз.

Мажиддиндан фарқли ўлароқ бу зот,
Ғамхўр надар дея қозонгандир от.

Ўғиллари учун тикиб жонини,
Олқинига йўғирмоқ истар номини.

Хожа Ўсманнинг лек «қондир сийнаси»,
Чил-чил сиғди унинг умид ойнаси.

Бир ҳафта ҳарамда бўлдию меҳмон,
Қизи қайтиб келди, уйига «шодон».

Қор ёғиб, гўёки излар босилди,
Улуғ султон эса инсофга келди.

Саройда кун сайини қадри юксалди,
Гоҳ Ҳусайн унинг сөзини чалди.

Мажиддиндан баланд қўйди номини,
Шайнига сипқарди гулгун жомини.

Кибр пайдо қилиб тобора Ўсман,
Халойиқ қилса дер султондек ҳурман.

Қашқирбекнинг оғзи қулоғидадир,
Хожа Ўсман қизи қучоғидадир.

Энг мулкдор амирга куёвтура у —
Ўхшаб, тушига ҳам кирмаган орзу.

Девонда обрўли мулозим яна,
Бек бўлиб қилмоқчи элга дабдаба.

Муҳташам боғ ҳовли, данғиллама уй,
Беҳисоб молу мулк, яна бир моҳруй

Қўлига сув қўйиб турса, ё ажаб,
Ғамза билан боқса парига ўхшаб:

«Анингдек пари йўқ, нозик бадан йўқ,
Сарвқад, мурчамийён, гунча даҳан йўқ.»

Балки, ростдир чархнинг кажрав экани,
Йўқ эса, бўлмасди фирдавс маскани.»

Султон Ҳусайннинг кўзин ёғ босган:
Душманни ажратиб ололмас дўстдан.

Зулим қамчисини ташқилмас ҳамон,
Тириклик даштда эл ёқавайрон.

Нокаслар лўлидек аврашар уни,
Ёлгон-яшиқ сўзининг эса тутқуни.

Ҳақгўйлар чин сўзи туюлар ёлгон,
Жисмин каламушдек кемирар гумон.

Ким қилса хушомад — кулади омад,
Толеси забундир гар эгмасе қад.

Кибридан донолар ҳайратда, бироқ,
Навоий ҳам тутар ўзини йироқ.

Қўнглини узмайди айшу ишратдан,
Хижилмас Навоий берган нусратдан¹.

Гина музи эса эримас ҳамон,
Адолат лангарин туюлмай сарсон.

Игволар наҳрида чайқалар девон,
Фитнакаи кимсалар уясисимон.

Аридек чақади бири-бирини,
Тирноқ орасидан излар кирини.

Ҳасад тиг кўтарган унда беомон,
Таъқиб этилади бўлса соф виждон.

Парвоначи бўзчи мокиси каби,
Вазирлар қондирар неки талаби.

Ишини битириб ими-жимиди,
Девсимон яшайди кин тилсимиди.

Қўлидан тунмайди таъқиб қиличи,
Ўч олмоқ қасдида ёнади ичи.

У қўйиб донолар оёғига дом,
Султон кўзин бўяр, хулласи калом.

¹ Нусрат — ёрдан, мадад.

Хадича бегим ҳам кириб ёнига,
Сув қуяр фисқ-фужур тегирмонига.

Мажиддин қозониб хурматин унинг,
Бир кунда қошида букилади минг.

Малика жиловлаб олиб султонни,
Оёқ ости қилди аҳли девонни.

Қувғинга учради неча пок киши,
Наҳот, унга қолди юртнинг ташвиши.

Шароб хумин қучиб майхур Хусайн,
Халқ гамин унутди йил утган сайин.

Унинг юрагида гулгула яшар,
Ғазабин қўзғайди «ҳақғуй» кишилар.

Аммо, Навойни қадрлаб султон,
Инисини этди Балхга ҳукмрон.

«Хамса»га боши-ла шунғиб кетмиш у,
Минг йиллик афсона қатин титмиш у.

Сарой гавғоси-ла энди иши йўқ,
Шеърдан-да улугроқ бир ташвиши йўқ.

Ижод бешигини тебратади халқ,
Билмаганин унга ўргатади халқ.

Халқдан ўзга унинг суянч тоғи йўқ,
Не тоғи, дунёда зур маъғи йўқ.

Хусайн — бўронда чайқалган дарахт,
Иғводан говлаган бошидир карахт.

Кифтига минволган нокаслар унинг,
Дўстларини қилиб душман ила тенг.

Бошида эврулиб мисли капалак,
Пойини ўпгали — жонлари ҳалак.

Аросат комида Хусайн яна,
Доно йироқдаю нодон парвона.

XIII

«Вақфия»¹га чекиб сунгги рақамни,
Навой «Хамса»га йўнди қаламни.

Ҳаёт гулшанининг баҳори энди
Хазон остонида маъюс чуқинди.

Гулшанда очилган шабон гуллари
Тўкила бошлади — учди сарсари.

Тегиб куҳулия² совуқ сабоси
Сабзаси оқарди, сариғ лоҳаси.

Сарбаланд ниҳоли тўкиб ёшини,
Фано³ тупроғига эгди бошини.

У дилда кечмаган комларга комгор,
Тушига кирмаган мақсадларга ёр.

¹ «Вақфия» — «Вақфнома».

² Куҳулия — кишининг ўрта яшарлик даври.

³ Фано — йўқлик.

Икки орзу ришгасидан ўзга бир
Тугуни кўнглида ечилмай дилғир.

Икки мурод гунчасидан ўзга ҳеч
Гунчаси очилмай, жон боғи нотинч.

Икки умид билан унинг дили банд,
Мевасидан бўлғай бир кун баҳрамад.

Муроди будирким, бу икки мурод
Гавҳаридан бўлғай сарбаланд ва шод.

Яшнагай бу орзумандлиг гулшани,
Кўнглида синмагай унинг тикани.

Ва бу мурод гавҳарининг ёғинин
Қатрадек тупроққа элтмагай, бу — чин.

Бир орзу — Маккага муборак сафар,
Ҳар бир мусулмонга бўлмас муяссар.

Ундан-да буюқдир иккинчи мурод,
Қисматга ёзилган, бу — қайноқ ижод:

Ерқин қасидалар, рангин ғазаллар
Эл мулкин безаса мисли сийму зар.

Матбуъ¹ маснавийлар, маснуъ² иншолар
Халқ қалбига солса угли садолар.

Ҳар навъ³ китоб битса насру назмда,
Қарздор бўлмаса мулки азимдан.

Тартиб берса эди жилд-жилд асарлар,
Улус юрагига сочса гавҳарлар.

Орзу қилар: ушбу восита билан
Жаҳон халқи ила тузса анжуман.

Дунёдан утса-да, неча асрлар,
Халқини ёд этса комгор насллар.

Султоннинг беғараз ҳиммат ёмғири
Хоксор рўзгорининг эрур сурури;

Меҳр бустонидан жонин яйратиб,
Илтифот шамоли турадир эсиб:

Кўнглин эзар лекин турли ташвишлар,
Ғанимлар тарқатиб юрган миш-мишлар.

Элнинг тарадуди — бағрида тикан,
Муомала қилиш ҳар муслим билан:

Сохта ялинади разил кишилар,
Хурсанд жилмаяди соф дил кишилар.

Мазлум алолоси⁴, авом гавғоси
Фуқаро гулуси, золим жазоси,

Аскарлар босқини, жоҳиллар зулми,
Амаддорлар макри, қозилар зикри

¹ Матбуъ — кишининг таъбиға мувофиқ.

² Маснуъ — санъаткорлик билан тузилган (шеър).

³ Навъ — тур, хил.

⁴ Алоло — шовқин-сурон.

Узлуксиз қиймалар шоир юрагин,
Кўзгудек чилпарчин қилар тилагин.

Тамаъ аҳли майин муносабати,
Илм аҳли ноқулай мулозамати,

Подшоҳга яқинлар иззат-иқроми,
Хаёлга кўмади, йўқдир ороми.

Яна қанча ташвиш, қанча машаққат
Дил тагида ётмиш қаланиб қат-қат.

Тизилса — узилгай сўзининг риштаси,
Азобдан бағри қон жон фариштаси.

Шоир мажруҳ каби — қалби ярадор,
Яланғоч жисмига санчилгандек хор.

Хужум қилса заҳар нишлик чибинлар,
Нокаслар қавмига хешдек чибинлар,

Қуварга илкнинг мадори йўқдир,
Нотавон кўнглининг қарори йўқдир.

Шундай машаққат ва ғам-ғусса билан
Не қилиб, у тузгай шеърин анжуман?

Не қилиб, шодлик бахш этувчи сўзни,
Бир инга тизгай у, ўйлаб улусни?

Не қилиб, хаёли тарқоқ ушбу дам
Маъно гавҳарларин қила олсин жамъ!

Аммо умиди бу — ҳазрати султон
Фароғат боғида яратгай имкон!

Озод қилгай улус ташвишларидан,
Вақтин ўғирлаган юрт ишларидан.

Умрининг қаймоғин, ҳаёт якунин,
Бир инга сарф этса — халқ бўлса мамнун.

Жаҳон сунгигача эл яшаб хурсанд,
Унинг ижодидан бўлса баҳраманд!

Шоир юрагида яшар зўр мақсад,
Туркона «Хамса»га ишқидир беҳад.

Аммо, мушкул эди унга даст урмоқ,
Назм майдонида шердек уқирмоқ:

«Навой, сўз айтурда фарзона бул,
Чу иш бошинга тушти, мардона бўл».

Аҳди маҳкам эди — чекинмоқ йўқдир,
Қўйган нек қадамдан ўқинмоқ йўқдир.

Майдон ичра, аммо, кезар икки шер,
Ҳайрат остонида қотди Алишер:

Бириси Низомий, Деҳлавий бири;
Форсийда «Хамса»нинг икки зўр пири.

Бири Ганжа, бири Деҳли фарзанди,
Шеъринг мулкнинг суюк дилбанди.

Қалбида зўр умид, отанин туйғу,
Буюклар қошида таъзим этди у.

Шоирга кўрсатиб олий эҳтиром,
Мақсадин сўрмоқин улар этди ком:

«Эй ўғлон, бу майдон аро нетурсен,
Сен дағи бизингдек «Хамса» битурсен?»

Навой бир қадам илгари қўлди,
Устозлар илкнин тутди-да, ўлди:

«Хамса» ишқи билан яшаб неча йил
Сеҳридин унутмиш фароғатни дил.

Туркона «Хамса»га йўнибмен қалам,
Не ажаб, фақир ҳам айласа рақам.

Раҳнамо бўлсалар ҳазратлар агар,
Туркий лисондин сочгаймен гавҳар».

Буюклар сипқарди ҳайрат шаробин,
Қалбида ёқдилар меҳр оқтобин:

«Салафлар пок руҳи қўласин сени,
Шарафлар боғига йўласин сени.

Туркий «Хамса» битмак эмасдур осон,
Азият чексанг-да, чекинма, ўғлон!»

Шоир эҳтиром-ла эгди бошини,
Гўё қалбга солди шеър қўбинни.

Ўйга ботди, қўзин юмиб бир нафас,
Буюклар дуосин жон этди ҳавас.

Қўзларини очиб боқса дунёга,
Жаҳон ҳамроз эди қутлуғ дуога.

Яна бир устозни эди барҳаёт,
«Хамса»дан «Ҳафт авранг» сари сурмин от.

Бу — пири мавлоно Жомий эдилар,
Унинг муродиға комжўй¹ эдилар.

Кўнгли ҳавас қилиб назм бешинин,
Маслаҳат сургани қоқди эшигин.

Надардек бағрини очди-да устоз,
Шоир ораусига бўлолди ҳамроз.

Навой мақсадин қилганда онкор,
Нуроний кўзида чақнади шарор:

«Дедиким: «Бу бир иш эди қайғулук,
Бу айтилмағон нуқта — айтулғулук».

Бу соатта мавқуф² эрди экин,
Бу дам тенгри тавфиқ³ берди экин.

Агарчи етишти малюлат санга,
Вале охир ўлди ҳаволат санга,

Ким ул ганжлар бошига еткасен,
Тилимотини доғи фатҳ эткасен.

¹ Комжўй — тилақдон.

² Мавқуф — тўхтатилган.

³ Тавфиқ — мадад, ёрдам.

Йўқ, атрок¹ аро анча билик —
Ки, бу навъ улуғ ишга урғай илик.

Не атрокким, ҳам Ажам, ҳам Араб —
Қурарлар бу ишни ажабдин-ажаб.

Бу беша² ародур икки нарра шер³,
Ки баҳр ичра икки наҳанги далер.

Анга кирғали шери жанги керак,
Мунча ҳам диловар наҳанге керак.

Сен — уқ сен бугун чобук андешае⁴,
Дақойиқ⁵ аро нозук андешае, —

Ки сўз таври⁶ келди сенинг шонингга,
Булуб ҳатм⁷ тавр дурафшонингга.

Мусаллам⁸ сўзунгга равонлик доғи.
Сўз ичра санга паҳлавонлик доғи...

Бу иш чунки бўлди муқарар санга,
Умид улки, бўлган муяссар санга.

Қуп эмди, ишининг хайлида бул,
Хайл аҳли зеби жамолида бул»...

Пир дуосин олиб, шоир ер ўтди,
Қувончдан чақмоқдек чақнади, қўлди.

Келиб «Унсия»га⁹ қони купирди,
Ўзини хилват бир хонага урди.

Буюк ниёт билан олди қаламин,
Қалб уйига ёқди «Хамса»нинг шамъин:

«Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.

Керак шер олдида ҳам шер жанги,
Агар шер улмаса, бори паланги».

XIV

Гоузроҳнинг ушоқ тоши мисли лаъл,
Тупроғи — бойликнинг конидир азал.

Унинг шимолида дорус-салтана,
Жанубида тоғлар қурган тантана.

Боғ-роғга қўмилиб сўлим қучоғи,
Бағрини ўртамас ташналик доғи.

Навоийнинг илҳом маскани бу ер
Ва ўзи яратган чамани бу ер.

Бу ернинг ҳавоси руҳпарвар, тоза,
Жаннат ҳавосидан олмиш андоза.

¹ Атрок — туркийлар.

² Беша — тўқай, урмон.

³ Нарра шер — эркак шер.

⁴ Чобук андеша — тез фикр, ўткир зеҳн.

⁵ Дақойиқ — ингичка ва нозик маънолар, нозик нуқталар.

⁶ Тавр — сурати ҳол, тарз.

⁷ Ҳатм — тугалин.

⁸ Мусаллам — инкор қилинмай маъқуллаган.

⁹ Унсия — Навоийнинг уйи ёки даргоҳи.

Сабоси ҳаётбахш — жоннинг малҳами,
Ҳирируд насими унинг ҳамдами.

Қўҳистон томондан яйраб, қилиб ноз,
Шўх жўйи Наврузий оқар, чалиб соз.

Қалбташналар қулогини тутади,
Оби ҳаёт таронаси етади.

Шаҳар томонидан оқади Инжил,
Зилоли шифобахш мисли Салсабил¹.

Бу ер ҳавосини соғиниб гоҳ-гоҳ,
Ҳусайн Бойқаро келарди дилхоҳ.

У севар, Навоий баъзу мажлисин,
Моҳир еҷар эди унинг тажнисин².

Ғазалига эса боғлаб мухаммас,
Ноеб истъоддин қиларди ҳавас.

Давлат ҳомийси деб унга суянар,
Ижоди камолин кўриб, суянар.

Инобатта олиб илтимосини,
Аямади унга илтифотини.

Таъкид этди: «Адо қилғали тезкор,
Эшикни қўлқлаб олғайсиз зинҳор».

Тулғин ижод билан яшар Навоий,
Довондан-довонга ошар Навоий:

«Ҳайрат ул-аброр»дан «Фарҳод»га ўтди,
«Ҳайрат»³ донғи эса Ҳиротни тутди.

Шоирнинг энг улуғ орузи — «Ҳайрат»,
Улуғ орузларнинг кузгуси — «Ҳайрат».

У, шоир қалбининг гузал дунёси,
Ҳаётин маъноси, фикрат кимёси.

«Ҳайрат» — бу, «Хамса»нинг яловбардори,
Яхши кишиларнинг мангу дийри.

Мадаккор бўлиб Шайх Низомий руҳи,
Қўлади «Махзанул-асрор»⁴ шукӯҳи.

Навоий «Хамса»га урган чоғда даст⁵,
Икки мақсад эди қалбига пайваст.

Икки орау бўлди унга зўр қанот,
Икки мурод эса бахш этди нажот.

Имлади икки тоғ юксак қояси,
Пойига бош тутди тоғлар пояси.

Гарчи орузлари улқандир беҳад,
Туркий «Хамса» эди биринчи мақсад.

Чунки, унга қадар «Хамса» пирлари;
Низомий, Дехлавий, Жомий сингари

¹ Салсабил — жаннатда бир булоқнинг номи.

² Тажнис — сўз уйини (туюқ).

³ «Ҳайрат» — «Ҳайрат ул-аброр»га ишора.

⁴ «Махзанул-асрор» — «Сирлар хазинаси».

⁵ Даст — қўл.

Туркий чаманидан узмаганлар гул,
Форсий гулшанида гарчандки, булбул.

Бургут отлангандек юксак парвозга,
Юрак дардин тўкиб солди қоғозга:

«Форсий ўлди чу аларга адо,
Туркий ила қилсам ани ибтидо.

Форсий эл топди чу хурсандлиқ,
Турк доғи топса барумандлиқ¹..

Менки талаб² йўлида қўйдим қадам,
Бордур умидимки, чу тутсам қалам.

Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса Хусрав била Жомий қўлум.

Нукта³ сурудида раво бўлмағай,
Буки Навоийга наво бўлмағай.

Элтса жоҳ аҳлига⁴ муфлис⁵ паноҳ,
Топса қабул ул ҳам ўлур аҳли жоҳ».

Иккинчи мақсади шоирнинг ушбу:
Тамом янги «Хамса» яратмоқчи у.

Уч боғнинг ёнида яратиб бир боғ,
Қилмоқчи турк элин димоғини чоғ.

Ниҳоллар ўтқазиб бу янги боққа,
Тирмашди кўк томон юксалган тоққа:

«Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай,
Улусга майли беандоза бўлғай.

Йўқ эрса, назм қилгонни халойиқ,
Мукаррар айламак сендин не лойиқ.

Хуш эрмас эл сўнгинча рахш сурмак⁶.
Йўлеким, эл югуртмишдур, — югурмак.

Бировким бир чаманда сойир⁷ эрди,
Нечаким гул очилгон кўрди, терди.

Ҳамул⁸ ерда эмас гул истамак хуб,
Бу бустон саҳнида гул кўп, чаман кўп».

Хуросондан ўтди «Ҳайрат» шуҳрати,
Самарқанд, Утрорни тутди қудрати.

Навоий доврўғи Хўтанга етди,
Не Хўтан, Кашмир, Ҳинд мулкани тутди.

Машриққа ёйилди Хуросон донги,
Оқариб келарди «Хамса»нинг тонги.

«Ҳайрат ул-аброр»дан ҳайратта тушиб,
Хўсайн сайр этар илҳоми жушиб,

¹ Баруманд — бахраманд.

² Талаб — майл, истак.

³ Нукта — нозик маъноли сузалар.

⁴ Жоҳ аҳли — юқори даражали кишилар, мансабдорлар.

⁵ Муфлис — камбағал, бечора.

⁶ Рахш сурмак — от солмоқ.

⁷ Сойир — кезувчи, сайр этувчи.

⁸ Ҳамул — ҳам ул, худди уша.

Кейинги пайтларда камқатнов султон
Навоий даргоҳини этди гулистон.

У қачон келмасин шоир боғига,
Ўзин урар эди шеър чирогига.

Бу гал ҳам бузилмай қутлуг анъана,
Боғда давом этди шеърини тантана.

Баҳаво кўшк обод шуаро билан,
Султонга парвона умаро билан.

Боққа зийнат бермиш аҳли нағма ҳам,
Хулласки, жамоат бўлган эди жамъ.

Созлар тилга кирди — боғ наво ичра,
Дала-туз, еру кўк, тоғ наво ичра.

Тарки одат қилмай, дўст-ёрни султон,
Янги газал билан сийлади шодон.

Айрилиқ тунда нолалар қилди,
Киприкдан қатралаб жола тўкилди:

«Ҳажр шони ой чиқиб, мен йиғлар эрдим дард ила,
Сайрлар қилдим, сени истаб, маҳи шабгард¹ ила...»

Ҳайратга чўмди-да аҳли анжуман,
Нозик ташбиҳига унинг берди тан.

Султоннинг ичига сигмас сурури,
Бошидан ёғилар тасанно нури.

Камтарона деди: «этгаймен орзу,
Туркийгўй шуаро қилғай татаббу»².

Баъзилар айтдилар, аммо лат еди,
Баъзилар айттолмай бошини эгди.

Садафни кийдирди баъзилар дурга,
Тан олди баъзилар айбини зурга.

Ўзгалар ҳолини сезиб кўздан,
Навоий демади инсоф юзидан.

Султон анжуманга тикилди марғуб³,
Дарвоқеъ, газали бошдан-оёқ хуб.

Ҳар байти пурмазмун, серҳаяжондир,
Ташбиҳлар — юлдузлар тўла осмондир.

Ғолиб чехрасида тантанавор руҳ,
Қийиқ кўзларида барқ урди шуқуҳ.

Унга аҳли қалам бўлди жуrowоз;
Топган гул келтирди, топмаган пиёз.

Навбат Навоийга келган чоғида,
Зарифлар сайр этди «Ҳайрат» боғида.

Султонни инсофга чорлаб неча бор,
Шоирнинг кўксига санчилганди хор:

¹ Маҳи шабгард — айланувчи ой, қамар.

² Татаббуъ — назира, ухшатма.

³ Марғуб — ёқямли.

«Ади ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила одам элини шод қил».

Ҳамонки, ололмас жиловлаб уни,
Учогида ёнар фитна утини.

Навой кўрди не золим шоҳларни,
Шоҳларки, элига қазди чоҳларни.

Одил шоҳни орзу қилар муттасил,
Шуурин ром этган ўйлари асл.

«Ҳайрат ул-аброр»ни этаркан рақам,
Бағридан ўт бўлиб отилди алам.

Золим подшоҳларга ўқиб лаънатлар,
Деди: халқ бошига қўнмиш калхатлар!

Кошки, Ҳусайнга қилса дебон кор,
Достонга шоҳ шарҳин киритди ночор.

Шоирга қадалди улфатлар кўзи,
Ўқ бўлиб отилди унинг ҳар сўзи:

«Э ки, қави¹ айлади давлат қўлинг,
Зулм сари тушти ва лекин йўлинг.

Қасрки базм анда муҳайё бўлиб,
Зийнати фирдавси муалло бўлиб,

Пардалари ринтаси эл жонидин,
Лаъли-ю шингарфи² улус қонидин.

Шамсаси³ эл моли билан зарнигор,
Эл дуру лаъли билан гавҳарнигор».

Навой ҳар сўзга қўйиб хитобни,
Қироат айлади бутун бир бобни.

У шеърин ўқирди гўзал, мафтункор,
Нотиқ шоир эди — зикри мазмундор.

Жамоат кифтидан босган каби тоғ,
Бошлари эгилди, султон ўша чоғ

Ялт этиб тикилди Навой сари,
Ғазабин ютса-да, бежо кўзлари.

«Ҳайрат»ни ўқиган эди-ку, ахир,
Ҳатто, қилган эди у билан фахр,

Эътибор қилмади, наҳот, бу бобга,
Наҳот, кўзин тикди ўтрик саробга.

Мажиддин тикилиб султон пинжиги,
Тухмат тошин отди шоир ганжиги.

Бош ёрилса, дўппи остида дебон
Бепарвога солди ўзини султон.

Дардини ўзгага сездирмай, аммо,
Навой шаънига айтди тасанно.

¹ Қавий — кучли.

² Шингарф — қизил ранг.

³ Шамса — уйнинг пештоқига қуёшга ўхшатиб
туғарак шаклда ишланган нақш.

Анжуман аҳлидек шоир ҳам хурсанд,
Адолатли шоҳга барча орзуманд.

Яна соз янгради — боғ наво ичра,
Дала-туз, еру кўк, тоғ наво ичра!

XV

Саратон оқшоми... Уйқуда Ҳирот,
Билдур шамълар ёниқ «Унсия»да бот.

Булуғлардан само бегубор айём,
Юлдузлар милтиллар, ой этар хиром.

Ҳиридуд ёқалаб насми сабо
Навойга гўё узатар бола.

Ишқ майидан сархуш бўлиб у тамом,
Илҳом гулшанида кезар беором.

Ошиқона ошкор этмайди сирин,
Шуурин банд қилган «Фарҳод ва Ширин».

«Ширин ва Хисрав»дан Мир Хисрав¹ дами
Ижод айёмида ажиб ҳамдами.

Нажот бахш этса-да гарчи Мир Хисрав,
Мақсуд карвонига бўлолмас пешрав.

Униқидан ўзга Ширин, Фарҳоди,
Тархи тоза достон бўлмай бунёди.

Золимликда ўхшаш гарчи Хисравшоҳ,
Шоҳ учун ёт эди ишқ деган даргоҳ.

Шоҳ бирла дарवेशни тенг деб ишқ аро,
Дарवेशни шоҳдан-да кўргайдир аъло.

Мир Хисрав сингари қилса-да иқдом,
Зебу оро берур туркона калом.

Навой — эҳтиёж фарзанди каби,
Батамом ўзгадир асл матлаби.

Узоқ ўлкаларга этиб азимат,
Хаёлот даштида чекди азият.

Ишқ зангини чалиб мулки Машриққа,
Раҳнамо бўлди у аҳли ошиққа.

Мулки Чинда эса шаҳзода Фарҳод
Алам дашти аро кўтарди фарёд.

Ойинада кўриб у бир санамни,
Ҳуснидан унутди гўё оламини.

Не олам, ўзини унутди тамом,
Аҳли савдо каби ҳар ён урди гом².

Оҳ урди боғ аро дардини сўзлаб
Ва йўлга отланди ишқ аро бузлаб.

Кўзлари волаю чехраси сафро³,
Тоғу тошни ошди, ошди чўл, сахро.

¹ Мир Хисрав — Амир Хисрав Деҳлавий.

² Гом урмоқ — юрмоқ.

³ Сафро — сарғил.

Тарки Ватан қилиб, нотаниш диёр
Даштида зорликни этди ихтиёр.

Ширин васли бўлиб энг олий мурод,
Дарё кечди, суэди денгизда Фарҳод.

Навоий қалбига тушиб аланга,
Бу ишқнинг нурини ёяр оламга.

Ишқ аро учраса йўлда тўғонлар,
Фарҳод бўлиб гуё тортар фиғонлар.

Биллур шамъ қошида тунлар эгиб бош,
Ишқ розини васф этар чиққунча қуёш.

Сайқал бериб толмас уз Фарҳодига,
Кошки, у зеб бўлса эл авлодига.

Шоирнинг ҳаёлий орузи — Фарҳод;
Кишилиқ дунёсин у этса обод.

Мукамал инсон у илму ҳунарда,
Навоий меҳридан топган парварда¹.

«Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини² касб етмаган илм.

Деди: «Ҳар ишқи қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод...

Ки вайроналикларида юз гуҳардур,
Агар қилсам мадад воқеъ хунардур³.

Ҳунарни асрабон негкумдур охир,
Олиб тууроққа му кеткумдур охир».

Обод қилмоқ учун қўрна оламни,
Хирад пеша⁴ бўлиб босди қадамни.

Гарчи ҳоқон ўғли, у исли дарвеш,
Ишқ гулин авайлаб этди парварниш.

Тоғу тахт, шоҳликка солмай назарни,
Ундан аъло кўрди илму ҳунарни.

Илму ҳунар аҳлин тутиб муалло,
Шоҳлардан устун деб билди донмо:

«Бўлуб шоҳлар эшигининг гадойи
Ва лекин ул гадолар хоки пойи⁵...

Қўнгул, айлабсен ул шоҳиқ била кенг,
Менинг олимда ул тууроқ ила тенг».

Муҳаббат кўйида чекса-да фарёд,
Миллату ирқига боқмади Фарҳод.

Ошиқ бўлиб, излаб арман қизини,
Севги қўюнига урди ўзини.

Фарҳод билан шоир тарки дин этди,
Ишқда дин йўқ дебон ишқ йўлин тутди.

¹ Парварда — тарбия топган, парварнишланган.

² Таҳқиқ — бирор нарсанинг ҳақиқатини излаш.

³ Воқеъ хунардур — мадад қилсам қўлимдан келур маъносига.

⁴ Хирад пеша — ақлли, доно.

⁵ Хоки пойи — оғзининг тууроғи.

Мушқилот тушганда бошига унинг,
Шопур баҳам кўрди ишқ дардини тенг.

Шопур ҳам эшарвар Фарҳод сингари,
Қалбига зийнатдир дўстлик гавҳари.

Гарчанд унинг ирқи, миллати ўзга,
Дўст учун жони ҳам кўринмас кўзга.

Кишилиқ боғида билмади Шопур:
Диний, миллий, ирқий айирма надур.

У Фарҳод дардига қидириб даво,
Қолдирмади гурбат шомида танҳо.

Ёв макридан олиб уттали омон,
Балоларга қилди кўксини қалқон.

Хисравшоҳ йўлига қазиганда чоҳ,
Дўстлик ҳаққи дебон у булди паноҳ.

Маккор кампир уни этганда банди,
Арман тоғи каби Шопур тўлғанди.

Содиқ ва фидокор дўст билан Фарҳод
Ғолиб энгиб утди, чиқса гирдибод.

Шопур мадад берди энг оғир дамда,
Инсоний бурчи деб билди оламда:

«Вафо ваъданга фош этмоқ кераксен,
Дегин сўз бошига етмоқ кераксен».

У Фарҳоду Ширин деб қўп чекди заҳмат,
Тортган уқубати, аммо беминнат.

Кишилиқ қасрига бағишлаб оро,
Чин дўстликни куйлар шоир халқ аро.

Дўстлик билан сеvgи эгизак азал,
Бир-бирига абад мезон ва тамал.

Муҳаббат гавҳарин асраб жон ичра,
Навоий сарбаланд Хуросон ичра.

Унинг ҳаёлида яшарди бир қиз:
Қошлари қораю юзлари қирмиз.

Сарвақад, хипча бел, кўзлари юлдуз:
Ўнгидан кетмади кечаю кундуз.

Етук, якто бўлиб фазлу камолда,
Тенги йўқ қиз эди ҳусну жамолда.

Ҳаёлда яралган санам сурати
Тасвирин чизмоққа қодир қудрати.

Барча олижаноб хислатни шу ваҳж,
Ширинда кўрмоққа севади эҳтиёж.

Ҳаёлий ораулар маҳсули — Ширин,
Навоий ўстирган ишқ гули — Ширин!

Ширин — бокира қиз, даврон бекаси,
Фарҳодга мўносиб ишқ маликаси.

Ўзи оруз қилган қизни, эҳтимол,
Ширин тинсолида кўрсатди яққол.

Ширин — тоғли арман улкасига зeb,
Дунёга келган у Фарҳод ишқи деб.

Фарҳод — башар ичра нодир дaврон,
Ишқ аро бошига кутарди замон.

Фазилатда Ширин ундан эмас кам,
Севгида Фарҳоддек аҳди мустаҳкам.

Навой ҳайратга солиб Машриқни,
Тенг қилиб яратди ошиқ-маъшуқни.

Бу ишқ — инсонийлик нишони дебон,
Мақсуд меҳробида келтирди иймон:

«Ҳижоби¹ бода зуридинки кетти —
Пари изҳори инсоният этти:

— Ки эй олам элидин фард², нодир,
Келиб зотинг бари қудратда қодир.

Хунарда зердастинг³ барча олам...
Хунар йуққим, камолу фазл аро ҳам».

Ширин ишқнинг асл моҳиятини,
Ҳар нарсага қодир хосиятини,

Мумтоз одамийлик рамзида кўрди,
Олижаноб қалблар азмида кўрди:

«Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам⁴ ушбу басдур».

Ишқ этди Шириннинг қадрини баланд,
Аҳдидан тонмади Фарҳоди монанд.

Фарҳод етмоқ учун унинг васлига,
Ибрат дарсин берди ошиқ наслига.

Шириннинг орзуси очсин деб жамол,
Ариқ қазиб, даштга оқиғди зилол.

Кўҳкан⁵ деб ном олди арман алида,
Донги дoston бўлди улус тилида,

Субҳ каби қулганда висол айёми,
Фарҳоднинг илкидан тушди ишқ жоми.

Ошиқлик даъвосин Ширин этгач рад,
Хисрав газабига топилмади ҳад:

«Ситамдин⁶ еткурай андоқ сазое,
Солай кишварлари⁷ ичра балое!...»

Бу ҳолдан Навоий алами тошди,
Фарҳод каби жонига уг гуташди.

Қонхўр шоҳга тикди нафрат кўзини,
Огоҳ этиб деди улус сўзини:

¹ Ҳижоб — парда.

² Фард — ёлғиз, ягона.

³ Зердастинг — қўл остингда.

⁴ Одам ўлсам — одам бўлсам.

⁵ Кўҳкан — тоғ тепуви (Фарҳоднинг лақаби).

⁶ Ситам — жабр, зулм.

⁷ Кишвар — мамлакат, ўлка.

«Керак ишқ аҳли қул бўлмоқ бу сўзга —
Ки шоҳлик узгаю ошиқлик узга».

Қасд этиб Фарҳоднинг жонига, маълун,
Ёсуман макри-ла айлади тутқун.

Хисравга келтирди банди Фарҳодни,
Шириннинг бошига солиб фарёдни.

Юзма-юз турибди ошиқ билан шоҳ,
Ошиқ — ишқ фарзанди, шоҳ эса гумроҳ.

Навой илҳоми аланга олур,
Жисм аро жонида тутён кўзголур.

Фарҳодни кутариб Арши-Аълога,
Хисравни сиздирмас мулки маъвога.

Фарҳодни қутқарса Хисрав макридан,
Хисрав ерга кирар Фарҳод қаҳридан.

Хисрав суроқ айлар Фарҳодни дилтанг,
Фарҳод жавоб ила уни қилар ганг:

«Деди: Қайдин сен эй, мажнуни гумроҳ?
Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ.

Дедиким: Куймагингни айла маълум!
Деди: Андин эрур Жоҳ аҳли маҳрум!

Деди: Бу ишқдин инкор қилгил,
Деди: бу сўздин истиғфор¹ қилгил.

Деди: Бу ишқ тарки яхшироқдур,
Деди: Бу шева² ошиқдин йироқдур

Деди: Ол ганж меҳрин куй ниҳони!
Деди: Тупроққа бермам кимёни!

Дедиким: Шаҳга булма ширкат андеи!³
Деди: Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш»

Деди: Кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: Бечора, кеч бу мултамасдин!⁴

Деди: Ишқ ичра қатлинг ҳукмин эткум!
Деди: Ишқида мақсудимга еткум.»

Фарҳодни қутқармоқ истаб балодан,
Кумакка ошиқди Баҳром Хитодан.⁵

Лашкар тортиб келди мулки арманга,
Жазосин бергали қаттол душманга.

Ўлдирилган эди, афеуски, Фарҳод,
Қабрини кучоқлаб кутарди фарёд:

«Кўзим чиқсин сени кўргунча мундоқ,
Кесилсин тил сени сўргунча мундоқ...»

Нелар келмиш бошингга гурбат ичра?
Не гурбатлар чекибсан шиддат ичра?

¹ Истиғфор — тавба.

² Шева — одат.

³ Ширкат андеи — шерик.

⁴ Мултамас — илтимос.

⁵ Хито — Хитой.

Кўзинг очиб, кўтарил бошинг охир —
Ки келиши бир ҳазин қўлдошинг охир.

Етиб гардунга ун¹, сесканмагинг йўқ,
Тушиб оламга ўт, тебранмагинг йўқ.

Кўз очмассен, дебон келган қулумдур,
Масал чин бўлдиким: «Уйқу ўлумдур».

Бу ишнинг тоқати мендан йироқдур,
Муни кўргунча ўлаам яхшироқдур...»

Навойи кўзғолди — дийдаси хуноб,
Баҳромдек гам туниг ўтказди беҳоб²,

Фарҳод ўлимига у тутди мотам,
Тун сендан либос кийди субҳидам!

XVI

Қизинг ижод билан кунлар ўтадир,
«Хамса» ишқи билан тушлар ўтадир.

Фарҳоддан Навойи қазиб сўз кочин,
Сўзга бахш этади наҳом тугъини.

Улу меҳри билан уриб юраги,
Унинг дард-ғамига қалқон кўкраги.

«Фарҳод ва Ширин»га қўяркан нуқта,
Унга ўз дардин ҳам қилди омухта:

Ҳамонки, уйдан узилмас қадам,
Эл дарҳси оқар — бағри тўла гам.

Сув узра ҳубобдек кўзида ёши,
Кунгабоқар янглиг эгикдир боши.

Ешқалар қоқсуяк, қўшлар тараши,
Юзлар заҳил, кўшлар меҳрга ташна.

Яна амирлардан, беклардан фарёд,
Яна ҳокимлардан, қозилардан дод.

Яна сув азоби, яна ер ғами,
Яна сиртмоқ солган солиқ алами.

Яна жабру зулм, яна дод-фарёд,
Яна зўравонлик, яна истибод.

Замона — зўринки. Нетсин оддий халқ?
Қўли калта унинг — гам наҳрига гарқ.

Нетсин, осмон узоқ — ер эса қаттиқ,
Беклар-ла бўломмас асло пош-қаттиқ.

Ўт билан сув иноқ яшабди қачон?
Оч билан тўқ қачон бўлмиш қадрон?

Қачон тенг бўлибди шоҳ билан гадо?
Қачон дўст бўлибди жоҳилу доно?

«Ҳокимият бўлса қўлида кимнинг,
Ҳақиқат бўлармиш қўлида унинг».

¹ Ун — садо, оҳанг, товуш.

² Беҳоб — уйқусиз, уйғоқ.

Наҳотки! Наҳотки, ростдир бу ҳикмат?
Наҳотки, кўгирчоқ бўлса ҳақиқат?

Ҳукмдор созига ўйнаса, наҳот?
Ҳақиқат излаган қолса бенажот?

Ҳақиқат номарддек ё тутиб тошни,
Ерса қонга белаб беғуноҳ бошни?

Ё чинор қадларни эгиб, қилса дол,
Дард бўлиб, эса ё оёқларни шол?

Дивнат бурҷига қилиб хиёнат,
Ҳақиқат: қилмадим, деса жиёлат?

Айтасан дардингни кимга халойиқ?
Полийсан, дунёда йўқ деб ҳақойиқ?»¹

Ҳақиқат бор, аммо, безиб турибди,
Дунёда шарнаси кезиб юрибди.

Қай кимса бошида ярқирайди тож,
Ҳақиқат бош эгар унга поилож.

Эгилар ва лекин синмас ҳақиқат,
Ҳақиқат изландан тинмас ҳақиқат!

Гарчанд ҳукмдорга у бугун қарам,
Кун келиб, қўяжак мардона қадам.

Ҳукмдор қўлида турган ҳақиқат,
Ҳақиқат эмас, йўқ, у — ҳокимият!

Ҳақиқат либосини кийиб у бугун,
Адолат фарзандин қилмоқчи тутқун.

Ҳокимият эса азал бевафо,
Қўлдан кетса, солар бошинга жафо.

Беш кунлик дунёдек у омонатдир,
Ҳақиқат йўлида зўр хиёнатдир.

Ҳокимият бўлса қўлида кимнинг,
Ҳақиқат бўлмагай қўлида унинг!

Ҳақиқат — халқ билан, халқ қўлида у,
Мангулик машғалдир халқ йўлида у!

Ҳақиқат яшайди халқ иймонида,
Халқнинг юрагида, халқнинг жонида!

Ҳақиқат яшайди то бор экан халқ,
Ҳақиқат — пок юрак кўкидаги барқ!

Халқ эса ўлмайди — ўлмас ҳақиқат,
Қўшидек мангуга сўнмас ҳақиқат!

Қўшидек нур сочар халқ бошига у,
Ҳақиқат қўшидек қораймас мангу.

Халқнинг кўнгли каби оқдир ҳақиқат,
Халқнинг кўзи билан боқ, дер, ҳақиқат!

Ким боқса ҳаётга халқ кўзи билан,
Ҳақиқат элтади у ўзи билан!

¹ Ҳақойиқ — ҳақиқат.

Ҳақиқат яловин ким тутса баланд,
Улусга раҳнамо бўлғай шер монанд.

Зулм қилинса-да яловбардорга,
Кузларини боғлаб элтса-да дорга.

Сиртмоқ солсалар-да бўйнига унинг,
Илон тиксалар-да қўйнига унинг,

Ҳибс этиб, маконин қилса-да зиндон,
Қафас кўринса-да кўзига жаҳон,

Ҳақиқат излаган толмагай асло,
Танлаган йўлидан тонмагай асло!

Балою қазодан омон чиқажак,
Ҳақиқат байрогин голиб тикажак!

Қачондир тантана қилғай ҳақиқат,
Оламда чарақлаб кулғай ҳақиқат!

Ҳамонки, ҳақиқат ҳукмдорга қул,
Унинг учун қулдек хизмат қилар ул.

Замона — зўрики! Нетсин Навоий?
Орау-умидлари кетмоқда зоё.

Мева бермай мурод ниҳоли элга,
Шукуфда гуллари учмоқда элга.

Мақсад чашмасининг биллур зилоли,
Қумга ем, йўқ унинг йўлга мажоли.

Тилак қушларининг синмиш қаноти,
Фитна дафтарига ёзилмиш оти.

Яна давлат иши, яна халқ иши,
Бошидадир яна «Хамса» ташвиши.

Бошини қанишга фурсати йўқдир,
Ҳар лаҳза — камондан отилган ўқдир.

Вақт ўтар беаёв, шафқат қилмас вақт,
Вақт қадрига етмоқ эса буюк бахт!

Вақт жиловин тутиб Навоий маҳкам,
«Хамса» қасри ичра кезади ўқтам.

Даврон ташвишидан тутинг деб йироқ,
Тавалю қилди у султонга, бироқ;

«Тараддуд меҳнатидин шод қилса,
Улус бедодидин озод қилса...

Фароғат кунжида бир гўша тутсам,
Мени эл, мен доғи элни унутсам.

Бари ашғолдин шоҳ тутса маъзур,
Ки бўлсам сўз демак шуглига маъмур».

Гоҳ-гоҳ назм билан ҳоли нозимдан,
Огоҳ бўлинг, деди шоҳи азимдан.

Тилагини бажо келтирди султон
Ва деди: «Хамса»га муҳтож Хуросон».

Яна шоир қалбин забт этиб алам,
«Лайли ва Мажнун»ни васф этди қалам.

Ина фиғон чекиб дард қафасида.
Саргардон кезди у ишқ ҳавасида.

Неча кун, неча тун ишқ майдан маст,
Қайсининг ишқи унинг жонига пайваст.

Қадаҳлаб сипқарар — келмас ўзига,
Дунё — вайрон кулба унинг кўзига.

Севги алаמידан жон чекар фарёд,
Ҳажр оловидан дил уйи барбод.

Бахтсиз ошиқ каби сезар ўзини,
Севгига сўйлайди юрак сўзини.

Эй сен, ғариб Қайсни мажнун этган ишқ!
Эй сен, шароб дебон оғу тутган ишқ!

Мунча бераҳмсан, баттолсан мунча?
Мунча зулмкорсан, қаттолсан мунча?

Қўлингда туттанинг гулми ё қилич?
Мубтало ошиқни қўярмисан тинч?

Ё тинглаб кўрдингми ошиқ арзини?
Ишқ бўлиб ўқдингми вафо дарсини?

Нега шодлик уйин қиласан вайрон?
Нега гам даштини этасан макон?

Висол гулшанини поймол қилиб ё
Ҳижрон тиканзорин кўрасан абло?

Лайлининг йўлига нега қўйдинг дом?
Нега ҳижрон бўлиб олдинг интиқом?

Олтин қафас ичра беғуноҳ оху,
Сени деб тутқунда яшасинми у?

Сени деб Қайс кезар тоғу тош аро,
Нега қисматини айладинг қаро?

Ўз Лайлисин топмай Навоий, ҳатто,
Данг аро кезсинми тирик экан то?

У ҳам Қайсдек мажнун, Қайсдек бедаво,
Навоий бўлса-да, Қайсдек бенаво.

Эй сен, жаллод қилиб яратилган ишқ!
Эй сен, қаттол қилиб яратилган ишқ!

Жабру жафо азал ҳунаринг сенинг,
Ҳижрон тиканзори гулзоринг сенинг.

Сен шафқат қилмайсан ошиқ жонига,
Сен ўтлар қўясан хонумонига.

Минг дардга қалбини этасан ошно,
Унинг боши узра солиб минг савдо.

Ит каби дашт аро айлаб саргардон,
Қоронги горлардан излайсан макон.

Тошлар ушатасан бошида унинг,
Тантана кўрасан қошида унинг.

Эй сен, Алмоминни жангга солган ишқ!
Эй сен, Барчин бўлиб доғда қолган, ишқ!

Эй сен, Тоҳир каби мотамсаро ишқ!
Эй сен, Зухра каби бахти қаро ишқ!

Эй сен, Фарҳод бўлиб қайгуланган ишқ!
Эй сен, Ширин бўлиб огуланган ишқ!

Бечора ошиқни сен осдинг дорга,
Е солдинг зиндонга — бағри муз горга.

Дарёга ташладинг ва тутдинг заҳар,
Қиличдан ўтказдинг бошини, алҳазар!

Айрилиқ даштида гадолар қилдинг,
Ҳажр тонги отмай адолар қилдинг.

Шоир эди, олим эди Қайс азал,
Инсон уивонига эди бир сайқал,

Лайли, Лайли дебон чекар эди оҳ,
Е севиб Лайлини қилдим гуноҳ?

Айт, нечун Қайси сен мажнун эдинг, ишқ?
Айт, нечун Лайлини тутқун эдинг, ишқ?

Бу саволга шоир излайди жавоб,
Бағрини куйдирар ишқ деган офтоб.

Ишқда мажнун деди Навоий ўзин,
Мажнун бўлиб чекди ишқда ҳар сўзин:

«То тутди жунун йўлини Навоий —
Ким, бўлди ватанга раҳнамоий».

Неча ой Қайс билан тортиб фиғонлар,
Нотавон қалбида сирқираб қонлар,

Лайлининг васлига бўлмай муяссар,
Ҳижрон кечасида чекиб гам, қадар,

Сўзлари қоғознинг бағрини куйдирди,
Гоҳо мажнун бўлиб шоир қичқирди:

«Сўзинг нечаким узаттим охир,
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир».

Ҳожи Ҳимматиёнинг «Гавҳарнома»си
Соч дебон узатди гавҳар шодасин.

Ошиқлар бошидан сочиб гавҳарлар,
Золим ишқ дардидан ютиб заҳарлар,

Кўзига ёш тулиб, кийрик бўлиб нам,
«Сабъан сайёр»га у урди қалам.

Кўнгли туген уриб тинчини бузди,
Етти сайёранинг расадин тузди.

Ашраф «Ҳафт найкар»ни тутиб, эгилди,
Етти гўзал унга таъзимга келди.

Қошида кеккайиб турди Шоҳ Баҳром,
Садоқат дуторин чалди Дилором.

Етти гўзал сўйлаб етти ҳикоят,
Етти қаср ичра нозланди гоят.

Навоий оромни билмас субҳи шом,
У — Моний, кутар «Ҳафт манзари Баҳром».

XVII

Алишер саройдан кетди деб яна,
Мажиддин гуруҳи қилар таптана.

Элга сир: шоиру султон суҳбати,
«Хамса» учун султон берган руҳсати.

Аммо, халқ оғзида ва кўча-кўйда,
Девонда, масжидда, ҳашам ва тўйда

Турли гаплар юрар шоир ҳақида,
Вале ҳеч ким билмас: чинми, ақида?

Бири дер: саройдан ҳайдалди шўрлик,
Бири дер: султонга қилди нонкўрлик.

Бу — Хадича бегим иши, дер бири,
Мажиддин заҳарли иши, дер бири.

Бири: кетди дейди тўғри сўзликдан,
Бири: тонмас дейди шоир ўзликдан.

Игвога учради — куюнар бири,
Жазосини олди — суюнар бири.

Бири дер: Навоий поэтикабъ киши,
Бири дер: раижитминн ётлар қилмиши.

Эл оғзига тутиб бўлмайди элак,
Мулла ҳам билганин уқийди бенак.

Униси у дейди, буниси-чи, бу,
Мини-мини солиб қўйди дилларга гулу.

Ким яқин ўлтирса султонга бугун,
Ҳамма унга салом беради мамнун.

Ким султон ёнида ўқиса намоз,
Барча қилар унинг уйига парвоз.

Подшоҳ соясига ким этса таъзим,
Девондан қўзлайди бирор лавозим.

Чибин каби унга ёнишар шумлар,
Шоирни четлайди қалласи хумлар.

Аҳли қаламкаш ҳам тортиниб қолди,
Ҳанимлари эса зимдан қўзғолди.

Судралиб юрибди миш-мишлар ёмон,
Навоий номини қилиб қатоғон.

Мажиддин иблислик йўлини тутди,
Тўйларда газалин унинг манъ этди.

Ҳофизларга зимдан берди-да дастур,
Ҳиравий газалин кўрди у манзур.

Биноий юрибди кеккайиб ҳамон,
Ҳавосидан кулаб кеттудек осмон.

Навоий тутқунмиш уйда дебон
Игво тарқатади Ҳиравий шодон.

Дўстлари шоирни қилар ҳимоя,
«Хамса» шуҳратига йўқдир ниҳоя.

«Хайрат» у «Мажнун» у «Фарҳод» у «Сабъа» —
Яловин кутарди Хуросон узра.

Бўхтонлар йўлини тўсди кўзголиб,
Адолат жангида чиққани голиб!

Фисқ-фужур, игвога парво қилмай ҳеч,
Бошида турса-да фитнакаш қилич,

Ижод денгизига говвосдек шўнғиб,
Хилъатин тирсаги кетса-да ўнғиб,

«Садди Искандарий» узра эғиб бош,
Лаъл бўлиб у тутган ушоқ ёки тош,

Хотир мухандиси солиб асосин,
Илкида тутгандек Маҳдум асосин,

Мадад ногорасин чалгандек Ҳазрат,
Қўнглини тарк этиб бир лаҳза ҳасрат,

«Хираднома» дурин бир ипга тизиб,
Ислоҳ ила имдод боғини кезиб,

Навоний бир олий қаср яратар,
«Хамса» мақомини авжда янгратар.

Илҳоми дарёдек қуюлиб келар,
Қогозга сўз эмас, дурлар тўкилар:

«Навосиз улуснинг навб баҳши бўл,
Навоний ямон бўлса, сен яхши бўл...»

Бошида соябон бўлиб салафлар,
Шайнига айтади унинг шарафлар.

Салафлар руҳини шод қилай дебон
Рухсиз танларига киритади жон.

Унгача яратди неча Искандар:
Низомий, Деҳлавий, Жомий муқаррар.

Навоний яратмиш Искандар, аммо,
Мавжуд Искандарга ўхшамас асло:

«Скандарки донои офоқ¹ эрур:
Билик ичра офоқ аро тоқ эрур».

У, шоир орауи — адолатли шоҳ,
Донишманд, халқларвар, саодатли шоҳ.

Инсоф ва адолат унинг шиори,
Маърифат ва тинчлик аҳду қарори.

Зулм ва зулматнинг қушандаси у,
Тириклик мулкининг бир бандаси у.

Адолат байроғи барча учун тенг,
Забардаст қўлида жон топар унинг.

Жаҳонгир бўлса-да, қилмас бузғунлик,
Эл-юртни таламас ёвуз қузғундек.

У олган юрт обод, халқи бадавлат,
Зулмдан чекмас дод, осойиш ҳаёт.

¹ Офоқ — дунё.

Навоний султонга булур деб сабоқ,
Адолат субҳида ёқди зўр майёқ.

Жаҳонгирликка у беҳуда тимсол,
Деб чекди Искандар шарҳини яққол.

Золим шоҳлар кўрган шоир бағри қон,
Хунрез жанглар кўрган дилида фиғон.

Тандан жудо бошдан кўзи ёшланган,
Ситамкор улусдан қалб оташланган.

Хонавайрон юртдан кўтарган фарёд,
Орзулари поймол, умиди барбод.

Урушни кўрарга унинг кўзи йўқ,
Урушга нафрати, сўзи унинг ўқ:

«Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки, андин жаҳон аҳли вайрон эрур.

Не тўфон, бало баҳри чайқалмоғи,
Жаҳон аҳли сув остига қолмоғи.

Адоватга боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ.

Бари қатл учун тортибон тиги тез,
Қилиб тиги эл ўлтурурга ситез¹.

Темурийлар аро қизиб тахти жанг,
Не бошлар танидан учиб мисли санг.

Қонга беланганда замину замон,
Кемадек чайқалиб турганда даврон,

Тож учун таланиб отаю ўғил,
Ога нинсига бўлганда қотил,

Мамлакат бўлганда муҳҳини қушхона,
Навоний минбарга чиқди мардона:

«Ато жон бериб, ўғлини ўлтиргали,
Ўғул ҳам анга тиги кин сурғали.

Қаришон тоқса қаришонини,
Дамодам тилар кескали бошини.

Яқин билким ул кундир офат кунин,
Не офат қушиким, қиёмат кунин».

Адолатин ялов қилар дебон у,
Чорасиз Навоний айлади орзу.

Яна бир орауи — замину замон,
Яхши-ла яшаса, йўқолса ёмон:

«Ямонлардан офоқни пок этиб,
Вале яхшиларни тарабнок² этиб».

Яна орзу қилди — тинч яшаб инсон:
«Этиб даштни адлидин бўстон».

¹ Ситез — кек, хусумат.

² Тарабнок — хурсанд.

Искандар мадҳини битаркан шоир,
Сўз айтди жаҳонгир шаънига доир.

XVIII

Мусаффо субҳидам — саодатли дам,
Кўзларин уқалаб уйғонар олам.

Сўнмоқда эдилар юлдузлар кўкда,
«Хамса»га қўйилди шарафли нуқта.

Шоир довод ичра солди қаламни,
Унутди дилдаги ранжу аламни.

Қулаган сингари елкасидан тоғ,
Эркин нафас олди — истади фароғ.

Уғли билан яккаш фикрдош она,
Кўнглини кўтариб деди фарзона:

«Фарҳоддек қазибсиз сўз мулкида кон,
Ҳикмат дурри этмиш ани нурафишон.

Бир дона дур олса кимки бу кондин,
Армони қолмағай, балки, жаҳондин».

«Кошки» деб жилмайди — хурсанд эди у,
«Хамса» диёрига дилбанд эди у:

«Устод назаридин утса хуб ўлғай,
Хуб ўлса, улусга ҳам марғуб ўлғай».

Оқ фотиҳа берди волидаси шод:
«Йўқ ерда беш қаср қилдингиз бунёд.

Эл сайр этса ҳар қасри олийда,
Сўз монийсин кўрса не Навоийда».

Таъзим-ла деди у: «Қуллуқ, онажон!
Ҳарқалай, кўнглимда қолмади армон».

Кўешни бағрига босгандек шодон,
«Хамса» билан елди Хиёбон томон.

Пир уйига қадам қўйди, у — мурид,
Қалбида ҳаяжон, кўзида умид:

«Чу «Ҳайрат»қа солдим кўнгили рағбатин,
Анга голлиб эдим улус ҳайратин.

Чу «Фарҳод»га булдим андешавар,
Туз эттим басе тоғ, улуб тешавар.

Чу «Мажнун» ҳадисига туздум фунун,
Басе халқни қилди шайдо жунун.

Яна «Сабъа»га таълим улғоч қарийн,
Эшитгим етти чархдин офарин.

Скандарга тил тортиб озар киби,
Дедим они «Садди Скандар» киби».

Жомий унди хурсанд пешанасидан;
Ҳайратда — замона фарзонасидан.

Пирнинг хароб уйин мурид тузатди:
Тиз чукиб, «Хамса»ни унга узатди.

Маҳдумнинг ҳайратдан қадди эгилди,
«Хамса»ни ардоқлаб, у тавоф қилди:

«Не «Хамса» битилимиш — форсийда бари,
Сарф бўлмади етибди туркий гавҳари:

«Бу тил бирла то назм эрур халқ иши,
Яқин қилмамни халқ сендек киши».

«Хамса» безакланса ганжидан унинг,
Улус раҳмат айтгай шоирга минг-минг.

«Чу форсий эди нуқта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи.

Ўз тил била назм бўлди маҳфуз —
Ким, форси англар ўлди маҳзуз.

Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.

Ким, шуҳрати чун жаҳонга булғай,
Туркий эли доғи баҳра олғай.

Нечунки, бу жаҳонда атроқ
Кўндур хуш таъби софи идрок.

Ҳар мода камроқ эрса не ғам?
Чун завқдир асл — ул эмас кам».

Эҳтироси ёниқ, завқи зўр улус,
Азалдан ўлану шеър манзур улус,

«Хамса» дostonларин кўзига сурди,
Шоирин оламда беназир кўрди.

Ҳар дoston қозониб кун сайин шуҳрат,
Унинг соҳибига бахш этди қудрат.

Жаҳон сўз мулкани бир қалъа дебон,
«Хамса»га Навоий фидо этди жон.

Икки йил билмади иссиқ-совуқни,
Аммо, олти ойда бор қилди йўқни.

Салафлар шаънига ўқиб шарафлар,
Бир дур тонди, гарчи мингдир садафлар.

Низомий, Деҳлавий, Жомий қошида
Таъзим қилди, улуг юмуш бошида:

«Менки бу тараф гузор қилдим,
Бу ранжни ихтиёр қилдим.

Авалда кўп айладим тааммул,
То кўнглима кирди бу тахайюл.

Ким: Ганжада ганжлар яшургон,
Ҳар ганжидаким ясоди кўргон.

Ё ҳинди нажоди ҳиндувий зод
Ким, қасрларни қилди обод.

Ҳам қалъа учун керақдир шаҳр,
Ҳам қасрга боғу сабадин баҳр.

Бўлса менга фурсат ул қадар чоғ —
Ким, шаҳр ила тарх солибон боғ.

Боғини риёзи хуррам этсам,
Шаҳрини саводи аъзам этсам».

Навойи орузи чиқиб рӯбга,
Устоз дуосидан ботди савобга.

Бу — буюк ҳодиса, дебон, олиб тан,
Жомий этди «Хамса» бағрини ватан.

XIX

Навойи қалбида орузли жаҳон,
Жаҳон бешингидек мулки Хуросон.

Тоғ каби сарбаланд мурод хирмани,
Умрини бежамиш «Хамса» маҳзани.

Хайрли иш қилиб ўзи ҳам хурсанд,
Она халқ сўзига кунгли орузманд.

Султон Ҳусайнга қилгани ниғом,
Саройга отланди субҳ қулган айём.

Боғлар аро эсар баҳор насими,
Оламини яшнатмиш гул табассуми.

Сафобахш, мусаффо Ҳирот ҳавоси,
Самои тутгандир қушлар навоси.

Наврўзи оламининг напъасидан маст,
Шоирнинг қалбига эл ишқи пайваст.

Олам ичра янги олам кашф этиб,
Жон илкида буюк «Хамса»ни тутиб,

Фархунда Навоий шодмон узатди,
Дил уйини меҳр билан безатди.

Султон ўзида йўқ суюниб кетди,
«Хамса»ни одию кўзига тутди.

Тавоф қилиб, босди бағрига маҳкам,
Гўё унут бўлди ранж бирла алам.

Султоннинг кўкида муқаддас китоб,
Не китоб, «Хамса»дек мунаввар офтоб!

Шуурин ёритди чақнаб бир фикр,
Фахр тахти узра у этди зикр:

«Чиқди Хуросоннинг ботган қўши,
Самога етгандек Хуросон боши!

Тикланди Туркийнинг азал шўхрати,
Намойиш этилди боқий қудрати.

Ани камситганлар забони мулзам,
Форсийни нафис деб энди урмас дам.

Жаҳонга тарқалгай мулк овозаси,
Улусга очилгай шеър дарвозаси.

Маснавий бошига кийди олгин тож,
Назм карвонига кўрсатди минҳож!

Туркийнинг туганмас кони очилмиш,
Халқимиз бошидан дуррдек сочилмиш.

Хумо қўнди яна Ҳирот бошига,
Офарин дегай ул шеър наққошига.

Яна ўнди унинг пешанасин бахт,
Шеърят мулкига бўлгайдур пойтахт.

«Хамса» шарафига қургай тантана,
Уч кечаю кундуз бергай туй яна.

Яна Самарқандин хайрон қолдиргай,
Қирқ минора узра карнай чалдиргай!

Ажаму Арабу Чин қилгай ҳавас,
Юнону Фарангу Ҳинд қилгай ҳавас.

Мағрибу машриқни ҳайратга солгай,
Жанубу шимолни ғайратга солгай.

Хуросон дөвруғи тутгай оламини,
Қутлагай «Хамса»ни битган қаламини!»

Навоийни қилиб у муборакбод,
Мулозимни чорлаб қарсақ урди шод.

У келиб букилгач амр этди шоҳ:
«Тахтоҳга йиғилиб келсун аҳли жоҳ».

Эшик оға таъзим ила тисланди,
Чувак юзларида нур жилваланди.

Бир замон жамъ бўлди аркони давлат,
Сафланиб, бош эгиб, тўқдилар савлат.

Зарҳал муқовали «Хамса»ни тутиб,
Улуғлар кўзини бир дам лол этиб,

Шукрона деди у чертиб ҳар сўзин:
«Алишербек узмиш кўкдин юлдузини!

Туркона «Хамса»ни айлаб якқалам,
Даргоҳи олийга қўймишлар қадам.

Элга шохмен, вале қулмен бу зотга,
Кўзларим иппонмас бу мўъжизотга!

Тилисмин очмишлар бу кун дафина,
Жаҳонга бергусиз мазкур хазина,

Айланмиш Хуросон мулкига бу кун
Олам китобига бағишлаб мазмун.

Янги саҳифадур таворихда бу,
Улусимиз борки — яшагай мангу!

Ҳаётда кам бўлгай бундай маросим,
Пайғом аҳлига тез етказсин роқим.

Алишербек кўрсатмиш қахрамонлик,
Туркийда қилгайлар соҳибқиронлик.

Ҳазрати Навоий, «Хамса» муборак!
Муборак бу «Хамса» даҳодин дарак!

Биз кетиб, жаҳонда «Хамса»нгиз қолгай,
«Хамса» донги етти иқлимни олгай!

Омон бўлса, зеро, авлодларимиз,
Дегайлар: ким эди аждодларимиз!»

Шоир қуллуқ қилди, аркони давлат
Муборакбод этди — кўзларда ҳайрат!

Бириси қувонди, бири тулғонди,
Бири фиқу фужур ўтида ёнди.

Душманлар ичидан зил кетди яна,
Низомулмулк қутлаб кудди ясама.

Хожа Ўсмаат гами билмас ҳадду ад,
Ҳиравий илжайди — кўзида ҳасад.

Маждиддин тополмас отай деса уқ,
Бадиуззамоннинг кўксига доғ йўқ.

Хожа Афзал билан Шайхим Суҳайлий
Боши кўкда эди «Хамса» туфайли.

Султон деди мамнун Хожа Афзалга:
«Баъзилар қул бўлиб беш байт газалга,

Ўн кунни сарфлайди: излаб қофия,
Ё ташбих, маънони қилур насия.

Бир байт ёзолмай ё кунни утказур,
Инио этганда ҳам қилолмас манзур.

Минг байт битмоғига лозимдур ўн йил,
Шунда ҳам топилмас латиф бир шингил».

Ҳиравий оёғи қуйган товукдек,
Навоийга кўзин қадади уқдек.

Совуқ тер босди-да, тани музлади,
Эски ярасини султон тузлади:

«Амир Алишербек гарчи минг ташвиш,
«Хамса»ни яратди — бу муқаддас иш!

Жарчилар юборинг мулк туманига,
Зиёфат бергаймен «Хамса» шаънига!

Ҳирот улуғларин чорланг базмга,
Шодийна чалинг шаҳри азимга!»

«Амри вожиб» деди Хожа Афзал шод,
Маждиддин мақсади қилинди барбод.

Султон шоир сари боқди мулойим;
«Бир можаро бизни қийнайди доим.

Аросатда қолиб ҳал бўлмас ҳамон,
Бир ёқлик қилмасак, ором билмас жон».

Эски можаронинг бонси ушбу:
Шоирни «пирим» деб атар эди у.

Навоий жавобан дерди: «Ё олю,
Ё олю, бу нечук сўзидир, ажабо!

Аслида — сиз пирез, мен эса мурид,
Муридлар қилмағай пирни ноумид».

Ундан баланд келиб сўради султон:
«Пиру Мурид надур, қилингиз баён?»

Навоий сўзлади — тошиб юраги:
«Пирнинг тилаги, бу — мурид тилаги!»

Султон эса сўзга либос кийдирди:
Оқ отим келтиринг дебон буюрди.

Маждиддин буйруқни қилгали ижро
Ичидан зил кетиб, елди шу асно.

Султон ташқарига йўлланди илдам,
Изидан эргашди ҳозирунлар ҳам.

У хурсанд тўхтади боғ майдоида,
Навоий лол эди унинг ёнида.

Мирохур оқ отни келди етаклаб,
Бошин силаб қўйди султон эркалаб.

Алҳол Хусайн деди: «Алишербек, сиз —
Муриду мен бўлсам сизнинг пирингиз,

Истагимни бир бор бажо қилгайсиз,
Истиҳола этмай отта мингайсиз».

Навоий биларди: бу — саркаш бедов,
Ўзгага бўйсинмас, жайрондек асов.

Миндирмас эди у шохдан булакни,
Орият санарди шохсиз елмакни.

Афсуски, қолмагач сўзга эҳтиёж,
Султон амрига у кўнди новлож.

Ўзангига секин қўйганда оёқ,
Бедов сакраб кетди бамисли чақмоқ.

Отига ўшқирди султон, у тинди,
Навоий лочиндек эгарга кўнди.

Тулпор жилловини қўлига олиб,
Етаклай бошлади Хусайн голиб.

Одатан: қадрлаб асл зотини,
Мурид етаклайди пирнинг отини.

Ёқа тутиб боқди аркони давлат,
Ғафлатли кўзларин босганди ҳайрат:

«Навоий пир бўлиб, мурид бўлса шох,
Арзини сўйлайди кимга аҳли жоҳ?»

Ўзига келдилар бу намоишдан,
Конкийди, тинсалар энди койишдан.

Вале бир-бирининг чуқийди кўзин,
Яқинроқ тутай деб султонга ўзин.

Илжайиб, сув қуяр, аммо тагига,
Тикадек ёпишар гоҳ этагига.

Султон жилловдору Навоий отда,
Бундай ҳол кечмаган ҳали Ҳиротда.

Дарвозан мулкдан шаҳарга чиқди,
Улус акобирни кўриб ҳовлиқди.

Ғалат ҳодисадан анграйди авом,
Фаҳмига етмади хулласи калом.

Томоша қилишиб, тутишиб ёқа,
Бир-бирига деди: «Дунё шўнақа».

Шаҳар кучасини айланиб бир бор,
Девон майдонига юрди ҳукмдор.

Навойй йўқотиб қўйди узини,
Туман пардалари тўсди қўзини.

Саросима бўлди бундай карамдан,
Кўтариб олдилар уни эгардан.

XX

Тонг билан чалинди зўр шодийна,
Карнайлар қадалди самога яна.

Фуқаролар чиқди кўчага тошиб,
Келдилар қир-адир, тоғу тош ошиб.

Яна тўлди халққа Ҳавзи Моҳийн,
Бозору кўчаю боғу хиёбон.

Ҳиротда бошланди «Хамса» байрами,
Байрамдан ҳайратда машриқ олами.

Офтоб ҳам тутгандек ҳайрат яқосин,
Миннатдор қўтлади назм даҳосин.

Шеър базмин қизитди аҳли шуаро,
Жон қўлогин тутди беғу фуқаро.

Тую томошадан хурсанд халойиқ,
Ҳурмат кўрсатдилар шоирга лойиқ.

Меҳр офтобидан сочдилар ёғду,
Олқишлар бағрида қолиб кетди у.

Байрам давом этди «Боғи зоғон»да,
Намозгар салқини тушган бўстонда.

Ҳирот киборлари чўкмиш серҳашам,
Илму шеър аҳли ҳам базм аро жамъ.

Дастурхонда одам жонидан бўлак
Ноз-неъмат муҳайё этилган бешак.

Тахти хосда султон чўккан улугвор,
Икки ёнда эса амирлар қатор.

Навойй — унг ёнда, унг қўли унинг,
Араийди: бошидан эврўлса минг-минг.

Бугун эса уни пир дебон султон,
Бошда тутсин, дейди, фархунда жаҳон.

Мутбача узатар косаларда май,
Шодликдан ким, ахир, ултирар, ичмай.

«Шошмақом»га жўрдек боғ тебранади,
Оҳанглар сеҳридан тоғ тебранади.

Бир қадаҳ шаробдан ёшиб вужуди,
Султон дер, шодингнн йўқдир худуди:

«Бу ҳумоюн дамда, афзун давлатда,
«Хамса» қўдратидан улус ҳайратда.

У туркий лисонин жасадига руҳ,
Умр ниҳонига бахш этди шукуҳ.

Бу кун Навоййдир назм аркони,
Туркона «Хамса»нинг буюк хоқони!

«Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисравнишони.

Дема хисрав нишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони».

Аҳли базм бирдан «ваҳ» деди шодон,
Акс садо берди гуёки осмон.

Самара берганда чекилган заҳмат,
Навойй шаънига ёғилди раҳмат.

Ардашер, меҳнатин баҳолаб юсак,
«Хамса»дан ўқиди бир байтни бешак:

«Жи, даврида¹ бўлди сенингдек киши,
Эмасдур ишинг одамизод иши».

Паҳлавон Муҳаммад қилди мухтасар:
«Туркийлар кўрмагай мундай шоҳ асар.

Бурунда бўлмади, бўлмагай сўнг ҳам,
Навойй оламга боз қўймас қадам».

Бинойй ичидан ўрганиб тутар,
Кек чоҳидан гуё бир ҳатлаб ўтар:

«Атрокда камрақдур соҳиби камол,
«Хамса»га эҳтиёж бўлмас, эҳтимол».

Ҳар ўлкада бўлиб неча кун меҳмон,
Пир келди муридни қўтлаб шодумон.

Жонига ҳайратнинг ўти туташиб,
Деди Жомий, завқи дарёдек тошиб:

«Кел, эй Жомий, умрлар чекиб ранж,
Этиб зоҳир хаёлингдан бу панж ганж.

Бу панжнинг панжаси қудратли панжа,
Ки дарё панжасин эттуси ранжа.

Бу дунё газнасин кўрдим ва лекин,
Не-не «Панж ганж»лар унда олгуси тин.

Қаён етгай у «Панж»ларга бу «Панж»инг,
Етолмас битта «Панж»га юзта ганжинг.

Не панжким, хоса шерга солди панжа,
Бу панжа нақшидан овоза Ганжа.

Ажиб бир нақш эрур туркий забонда,
Этибдур тилни лолу ақлни банда.

Шараф бўлсун, муборак бу рақамга,
Уни оламга бахш этган қаламга!

У форелар ичра топди шуҳрату ном,
Дарий назмига ҳам дур этди инъом.

Бу нақшни битса эрди гар шу тилда,
Мажол қолмасди сўз битмоққа элда.

¹ Султон Ҳусайн даврида.

Бўлурди ўзга мўъжаз назм мизони,
Қайида Хисраву қайида Низомий?!¹

У, ўзга тилда шеър битди, шу боис,
Хирад жолдур, қайи бут, қайиш ноқис.

Сенинг таъбонингга салламо, суҳандон,
Қалам бўлди калит, сўз ганжи — оҳсон.

Касод бўлганди сўз бозори, бешак
Ва хор эрди қалам гуфтори, бешак.

Калом мўъжизасини нақш этибсен,
Сен анга янги обрў бахш этибсен.

Муроднинг нуридан тонди сафо у,
Навойй дурфидан тонди наво у!»

XXI

Муаззам қасрнинг шамълари ёнди,
Муҳташам хосхона нурга чулганди.

Тонгдан берди бегим ҳуснига оро,
Товусдек товланди канислар аро.

Висол умидини ҳеч этмай қанда,
Кўзлари чақнади оқшом қўнғанда.

Дастурхон тузатди меҳмонига мос,
Шавкатли Хуржон султонига хос.

Мухайё қилинди — не бор дунёда,
Эҳтиром бўлмаганай бундан зиёда.

Чоғир мажлисидан қайтди бир замон
Кўзлари сузилган, ширакайф султон.

Малика ноз қилди, туйғуси тонди,
Ғамза билан қўйди кўксига боғини.

Гулгун юзларидан ўниб Хусайн
Мункип кокилини силади майини.

У шўх эркаланиб, қилиб иетиғно,
Бўйинига осилди — дилида иғво.

Султон қучди — баттар кўпирди қони,
Жисмида қўзғолди шароб неғни.

Фуркатни бой бермай Хадича маккор,
Ишва қилиб унга деди беозор:

«Хамса»дин гангимини Навойй боғини,
Фитначи эл бўлмиш анинг йўлдошини.

Сулч тоғимиз деб йўқлаб келармини,
Беклардин арз қилиб, паноҳ тилармини.

Султоним бермасдин ўзларига зеб,
Яна сийламинлар ани пирим деб,

Оқ отга мингани овоза бўлмиш,
Пир қачон муридга, айтнинг эғилмиш?

Тортиб қўймасангиз шоир танобини,
Бошингиз ташвиндан чиқмас, жанобим!»

Хусайн ташбеҳдан тортиди-да хушёр,
Кўз остидан боқди унга жаҳлдор:

«Яна Навоййми? Қўюрмисиз тинч?
У давлат биносини тутиб турган синч».

Хадича шўх жисмга қилди муғомбир,
Чумолидек чақиб олди домангир:

«Эмди синч бўлдим, эди-ку устун?
Эҳтимол, қўлагай анигсиз гардун?»

Шоҳим, Навоййдин сизга не фойда?
У кетса, ғавголар тингай саройда».

«Қайи?» — дея султон тутди яқосин,
Тағига етмасдан бегим даъвосин.

Малика кўзларин сузди, боқмай тик,
Нинжига тикилди унинг мундуқдек:

«Турсалар яхшидур Ҳирийдин йироқ,
Астробод ё Балхдин тонсалар паноҳ».

«Ғоят мункул савдо, — чўрт кесди султон,
Қайиғи учиб боқди, дилида гумон: —

На бўлгай, Навойй тинчин бузмасак,
Қўнғилининг яраси олмаса газак?»

Салтанатимизнинг лангаридур у,
Жомийдек зурафо сарваридур у.

Анигсиз мамлакат ҳоли бўлур танг,
Яқомга солгайлар ганимларим чанг».

Малика, султонини тутиб домиди,
Майи ноб узатди мугуз¹ жомиди.

У синқорди, бегим рўмолча билан
Позланиб, лабини артди шўху шаън:

«Йўқса, айтиб қўйинг, ошмай ҳадидин,
Истеъфо берсинлар ўз мансабидин».

Хусайн тўлғонди — аросатда у,
Фисқ-фужур ва майдан қалбиди гўл:

«Маликам, ножонз даъволарингиз:
Беадад шоирга жафоларингиз.

Оқила бегимсиз, мулкининг гузали,
Жонингиз эди-ку анинг газали.

Ё бирор воқеа бўлдимди содир,
Навойй боғинга солмоқ не жобир?»

Ёсуман синари бегим турланди:
Аланга нчида жони тўлғанди:

«Парвоначи шўрлик ҳоли сўрғай ким?
Таъқиб этиб, анга қилмоқда зуғим.

Навойй измидин чиқмас вузарот²,
Аммо, шонмасдин қилмиш назарот.

¹ Мугуз — ҳайвон шохи.

² Вузарот — назиралар.

Хизона¹ кулини созуриб кукка;
Барча хизматингиз чиқармиш йўққа.

Халқ бўйин товласа бугун закотдин²,
Эртага чиқ дегай сизни Хиротдин».

«Яна Мажиддинми? — фиғон чекди шоҳ, —
Анинг ўз уйи-ку бу олий даргоҳ!

Яна не истайди? Недур нияти?
Балки, ёқмас анга юрт амнияти?»³

Элда гавго қўпса, топгай не илож?
Фитна-ла бошига киймоқчимиз тож?

Навойига мунча ёпишар нечун?
Анинг улус аро обрусин бечун!

Навойий бўлолмас икки дунёда:
Отлиқ билан, ахир, тенгмас пиеда.

Навойий Ҳирийдин тушса гар йироқ,
Жомий ҳазратлари тинч турмас бироқ.

Давлат қушин алар икки қаноти,
Салтанат таянчи, халқнинг нажоти!

Маликам, дилингиз чекмасин озор,
Тожи давлатимдур сиздек гулнигор».

Султон эриб, уни бағрига босди,
Кайфи жунбин қилиб, ҳислари тошди.

Малика гамзаваш тикилиб айёр,
Макр қармоғини ташлади ночор:

«Парвоначи сиздин хурсанд, чекмас ранж,
Чош бўлиб турса, дер, хизонада ганж.

Севиқли ўглингиз Музаффар мирзо
Анинг хизматидин эмас норизо.

Бир гапини икки қилмас ҳеч маҳал,
Мушқил юмушини дарҳол этур ҳал.

Юксак баҳо берур иқтидорига,
Муносиб ворис дер ҳукмдорига.

Ўғлимга берилса бирор вилоят,
Идора этмакка топгай ҳидоят»⁴.

Кошки, кам бўлмаса Улуг мирзодин⁵,
Бошингиз қутулса, шоҳим, низодин».

Султон ўйга ботди: қўйнида идон;
Илонни бўғмакка тополмас имкон.

XXII

Чаман боғ қўйнида муҳташам бино,
Ижод бешигидек қутлуг ва зебо.

¹ Хизона — хазина.

² Закот — солиқ.

³ Амният — тинчлик, осойиш.

⁴ Ҳидоят — тўғри йул курсатиш, тўғри йул топиш.

⁵ Улуг мирзо — Бадмузамамон мирзо.

Бу — «Унсия» — Алишербек даргоҳи,
Муборак «Хамса»нинг тирик гувоҳи.

Сокин бир хонага шоир қамалган,
Яна китоб узра қўзлар қадалган.

Эшикни қиялаб боқди Шайх Баҳдул,
Қизгин ижод билан хожаси машгул.

Юраги дов бермай қимтиниб турди,
Назари тушса деб, энтикиб турди.

Шоир бош кутариб, жилмайди ўйчан,
Шайх деди қувониб (у — галга чечан):

«Яна йўқлаб келмиш жанобларин эл,
Балки, қулбасига эсмиш гармсел».

«Элга қийин! — шоир қўзғолди дилгир, —
Қутирчоқ сингари ўйнатур тақдир».

Эшикка чиқди у, гавжум жамоат
Жовдираб бош эгди — недур синоат?

Шоир деди, бағрин тилиб армонлар:
«Марҳамат қилғайсиз, азиз меҳмонлар».

Осмондан тушдимиз ё чиқди ердан,
Пайдо бўлди қувқуз Самовий бирдан.

Қомати гаровдек — ингичка, нимжон,
Қўзлари уккидек, қув ва устомон.

Ҳиравий измидан чиқмас бир қадам,
У билан «тош» отар Навойига ҳам.

Лойқалатиб кечар ёшлик дарёсини,
Юлдуздек безай, дер шухрат самосини,

Навойига гарчи эрур мулозим,
Айғоқчи, этказар не бўлса лозим,

Писемиқ, бегим амри билан гап оғлар,
Касов олиб, фитна учоғин қовлар.

Муйлаби ухшайди сичқон думига,
Заҳар сочилгандек табассумига.

Навойий сезса-да унинг мақсудин,
Нечунким, ҳамонки тутмайди думин.

«Вазифаси оғир» — уйлади шоир,
Самовий илжайиб боқди мугомбир.

Шу пайт нажот тилаб деди бир жувон,
Рўмолин юзига қилиб соябон:

«Шоир жаноблари, этсалар имлод,
Гариб қулбам бўлмиш гам ила барбод.

Бева-бечорамен, паноҳим йўқдур.
Мундин узга борар даргоҳим йўқдур.

Жўжа бирдек жонмиз, етим шўрликлар
Гарчи норасида, кўрди хўрликлар.

Қўзлари кўникиб қолди зулмга
Ва лекин дардимни айтамен кимга?

Яна солиқ дебон, қараб турмай тек
Хирмандин донимиз тортиб олди бек.

Энди бола-чақам улур очликдин,
Кучага чиқолмас ялангочликдин.

Хожа Ўсмадта ҳеч йўқ эди шафқат,
Яна халқ бошига солди у даҳшат.

Итдек талар яна куёви анинг,
Мўмин қишлоқ аҳли тупроқ ила тенг.

Сиздин узга тингламайди додимиз,
Тангрига етмайди оҳ-фарёдимиш».

Селоб кўз ёш тўкиб, бузлади жувон,
Шоир қалбин баттар тузлади жувон:

«Йиғламанг, тортгаймиз бек жиловини,
У олғай, султондин уз «сийлов»ини.

Қайтариб беражак галлангизни бек,
Нохушлик юз берса, хабар қилинг лек.

Мавлоно Шайх Баҳлул, бўлғайсиз йўлдош,
Бекка айтинг, эгсин амримизга бош».

Шайх билан кўзғолди қувониб жувон,
Шоир қилди унга ун тилло эҳсон.

Бу қарамдан узин йўқотди аёл,
Кўзлари ёшланиб дедди алҳол:

«Дунё турғунича туринг, жанобим,
Дунё хузурини кўринг, жанобим».

Қуллари тараша деҳқон қилди арз,
Шоирнинг кўнглига яна кетди дарз:

«Бир парча еримдин жудо қилди бек,
Элимдин айириб, гадо қилди бек.

Қулбамдин ҳайдади ярим кечада,
Бола-чақам билан қолдик кўчада.

Солиқдин бош тортувонг шу деди жазо:
Сендин баттар бўлғай ким қилса гавго».

Азиз қишлоғимдин бадарга этди,
Палақмон тошидек, найлай, итқитди».

«Бегингиз ким ўзи? — шоир даргазаб.
«Хожа Хатиб» — деҳқон боқди жовдираб.

«Хожамас, у махлуқ! — сўзлади дилхун, —
Баланд дарахтта у осилган маймун.

Мўмин бандаларни итдек қилиб хор,
Бошида ёнғоқлар чақур, зулмкор».

Шоирнинг ғазаби тошиб, битди хат,
Хатибга берилди бир кунлик муҳлат.

Яна неча киши қилди арзиҳол,
Нажот илкин чўзди Навоий алҳол.

Шоир нима деди, нима деди эл,
Самовий ичида айлади таҳлил.

Қора ипга тизди барча гап-сўзни,
Нарвон қўймай гуё узди юлдузни.

Бир пайт келиб қолди Шайхим Сухайлий,
Паҳлавон Муҳаммад, Али Туфайлий —

Улфатлар меҳридан «Унсия» равшан,
Бир зумда қизиди яна анжуман.

Муסיқий илмида ягона, илғор
Мавлоно Алишоҳ кўрсатди дийдор.

Арз қилиб, деди у: «Эй, улуг амир,
Илтифотингиздин баҳраманд фақир —

Ташриф қилмиш сиздин марҳамат кутиб,
Беқадрлик тиги жонимдин утиб.

Вақф¹ кишилари қилмиш овора,
Алар қилмишига бормикан чора?»

Навоий тикди-да ҳайрат кўзини,
Мулоим тинглади унинг сўзини:

«Олий ҳазратимдин шуки умидим,
Мулозимлар тутмай вақф удумин,

Берса дейман олти ойлик маошим —
Бир йўла гавғодин қутилса бошим.

Токи мен аларга сарғариб ҳар ой,
Юрмасам эшигин пойлаб, ҳой-наҳой».

Шоир позик боқиб мусоҳибига,
Ширин тилин очиб мугойбага,

Деди: «Умрингиздин сизнинг, мавлоно,
Олти кун қолганми-йўқми? Муаммо».

Мавлавий² утинди: «Сиз беринг фармон,
Ҳақимни уэсинлар, қилмай саргардон.

Борди-ю дафъатан ўлиб қолсам гар
Гури-каванимга, балки, асқотар».

Алишоҳ сўзидан бўлиб ҳангу манг,
Танг аҳволдан шоир қутилди аранг:

«Ўлиги ҳам бир бало, тириги ҳам бир бало»
Деганлари, балки, сиздир мавлоно?»

Мароқ қилиб қулди улфатлар, аммо,
Алишоҳ бўш келмай, деди голибо:

«Саховат мулкининг султони дебон
Олий ҳазратимин билгай Хуросон.

Мурувват илкнин узатсалар бот
Фақир қоматини букмас мушкилот».

¹ Вақф — масжид, мадраса ва шу кабилар таъминоти учун белгилаб қўйилган даромадди ер, дўкон, сарой, тегиримон ва ҳ. к. мол-мулклар.

² Мавлавий — эга, соҳиб маъносига: олимлар ёки суфийларнинг номидан илгари айтыладиган лақаб, ушвон (мулла ёки домудла каби).

Навой жилмайди: мусиқашунос
Маоши ҳақида фармон битди хос.

Соҳиб Доро кирди юзлари кулиб,
Азиз меҳмонларга раҳнамо бўлиб.

Бири — Абулқосим, Хожа Абуллайс —
Фарзанди, у берди «Унсия»га файз.

Куп мушкул савдолар тушиб бошига,
Паноҳ излаб келмиш шоир қошига.

Бири — Голиб, назм аро нуктадон,
Ироқда мактабдош эди бир замон,

Ўз она юртидан бўлиб қувғинди,
Азиз дўст меҳрига яна йўрилди.

Даврани безади навқирон ёшлар,
Улар тутса агар ут сочар тошлар.

Бири — муаммода шуҳрати баланд,
Бири — қасидага жон қилган пайванд.

Бири рубойда анча пешқадам,
Бири газалнавис, сариул-қалам.

Танишгирди Соҳиб қариндошини:
«Зийрат қилмакчи сўз наққошини.

Толиби илмдур — Зайниддин номи,
Пистадек чақади ҳар муаммони».

Ялаб «Ихлосия» тупроғини у,
Мадрасада топган илмда обрў.

Ўспирин фаслда кезса-да энди,
Дунё сирларини англаб, тушинди.

«Восифий» деб чекар назмига имзо,
Соҳиб истеъдоддан отаси ризо,

Соҳиб гар таъбига бермаганда тан,
Ошна қилай демас хожаси билан.

Навой ёшларга боқди меҳрибон,
Барчани бирма-бир қилди имтиҳон.

Ҳар ким иқтидорин намоён этди,
Зайниддин Восифий навбати етди.

Шоир сўрди яна Соҳибдин, аммо:
«Шу зотми муаммо бобида доно?»

«Ҳа, шу йигит», деди қувониб Соҳиб,
Зайниддин улгирар тутёнда ёниб,

Муҳаммад Бадахший — суҳбат чироғи,
Ажиб ҳазилкаши, яқин уртоғи.

Деди: «Олий ҳазрат, сўзларим аччиқ,
Ҳақиқатни айтсам ботмасин қаттиқ.

Муаммо ечишда моҳирсиз гарчанд,
Маҳорат бобида бу йигит баланд».

Зайниддин қалбида ёнарди гулхан,
Навой сўзлади табассум билан.

«Зийрак қўзларидан пайқадим буни,
Чақнайди тафаккур, ақл учқуни».

Сунгра бир муаммо ўқиди шоир,
Улутбек мирзонинг қатлига доир.

Унда яширилган сўзни шу замон
Зайниддин топиши керак бегумон.

Аммо, маълум бўлди: таниш муаммо,
Пинҳон калом эса фикрига ошно.

Гумонсираб қолди: не қилмоқ даркор?
Асл ҳақиқатни қилсинми ошкор?

Ёки алдасинми мажлис аҳлини?
Йўқ, ижро этди у юрак амрини:

«Жанобим, садафда гарчи дур пинҳон,
Бу муаммо сўзи фақирга аён».

Навой бошини солдию қўйи,
Анчагача жимиб қолди шу қўйи.

Сунг деди: «Дўстлар, бу йигит сўзида,
Илм мағзин чаққан доно кўзида,

Илғаб олдингизми не маъно пинҳон?
Шуур қувватини қилиб намоён:

«Бошқасини айтинг, бу муаммонгиз
Ўтмайди демакда. Не фикрда сиз?»

Таҳсин бошин эгди аҳли анжуман,
Навой ҳам берди Зайниддинга тан.

Аммо, ўқимади бошқа муаммо,
Унга меҳр билан айтди тасанно.

Жилмайди қувончи ичидан тошиб:
«Восифий ақлига қойилман, Соҳиб!»

Ва деди сўзида у этиб давом:
«Навқирон наслда умидим мудом.

Истеъдод гулини сочмасдин елга,
Ҳамнафас бўлингиз қудратли элга.

Булмагунча улус ўгли саводхон,
Жаҳолат комидин чиқолмас нисон,

Илм олмак бўлса ёшлик хунари,
Умр қасрин безар анинг гуҳари.

Маърифат зиёсин сочса авомга,
Халқ меҳри ошгайдур соҳиб каломга.

Ижодни тарк этманг, гарчандки душвор,
Оқибати эса бўлур мазмундор.

Хуросон мулкнинг ўғлонларисиз,
Истиқбол субҳининг чўлпонларисиз.

Машриқ умидини тиккан Хуросон,
Осойиш уругин эккан Хуросон

Боши узра гарчи шон-шуҳрат тожи,
Сокин янамакка йўқдек иложи.

Занжирбанд шер каби фитна домнда,
Риё аждаҳосин машғум комида.

Халос қилмак учун занжирбанд шерни,
Мақсудим: саводхон кўрмак ҳар эрни!

Халқ бўлса саводхон, ҳақ топса қарор,
Зулм йўқолсаю эрк бўлса пойдор.

Эркин нафас олиб озод замонда,
Бахтиёр яшаса инсон жаҳонда,

Кошки, барпо бўлса давлати умум,
Тоғу тахтдин этса шоҳларни маҳрум.

Барча эл яшаса тенг ва биродар,
Бир уммат ўғлидек бўлса баробар.

Армоним қолмагай, балки, ушанда,
Афсуски, жаҳолат элга кушанда.

Жафо дардларига ким топгай малҳам,
Улус деб ўзидин кечгай қай одам?

Султон узоқлашиб бормакда элдин,
Қочиб қутулмагай, аммо, у селдин.

Сел тошса, эҳтимол, дош бермас тўғон,
Қутқариб олмакка топилмас имкон.

Низомулмулк билан борки Маждиддин,
Саройни маҳв этар адоват ва кин.

Султоннинг ёнида туриб устувор,
Казоблар домидин қутқармак даркор.

Йўқ эрса, улуг мулк ҳоли бўлгай танг,
Анинг яқосига бало солгай чанг».

Аҳли дил сингари шоир дилпора,
Кўнглидан дарз кетиб, қидирар чора.

Йўлига ганимлар қўйса ҳам тузоқ,
Девон¹ хизматидан қилса ҳам узоқ,

Букмоқчи бўлса-да чинор қаддини,
Тиз чўккин деса-да, билмай ҳаддини,

Улус дарди билан уйғонар шоир,
Унинг гами билан, йўқ, ёнар шоир!

Душманлари гарчи эрур иттифоқ,
Шоир эл аро солломас нифоқ.

Халқ унинг сунган собит тоғидир,
Сайр этган гулзори, чаман боғидир!

XXIII

Бақамти ултирур шоир ва султон,
Гўёки сузлашур икки Хуросон:

Бир — истиқболга боқур умидвор,
Бир — бўлсам дейди собит жаҳондор.

¹ Девон — давлат маҳкамаси.

Бирига — эзгулик, адолат пеша,
Бирига — ўзгулик, киборлик кема.

Бирини уйлар элу юртининг бахтини,
Бирини уйлар олтин тоғу тахтини.

Шоир юрагида дўстлик, амният.
Султон юрагида меҳру махфият.

Кун билан тун гўё дуч келган бу он,
Ҳаёт синовида турар Хуросон.

Олий мақсад бўлиб шоирга шоир,
Султонга юрагин очди миннатдор:

«Подшоҳ ҳазратлари, кулиб хуш даврон,
Нисбатан тинчиди мулки Хуросон.

Элни тарк этмади гарчи ғам, қадар,
Ҳар қалай, осойиш топди бир қадар.

Шул важдин Хуросон хуб меҳмоннавоз,
Элчилар йўлига жони поёндоз.

Хиротнинг шухрати тутди Маширқни,
Ҳайратда қолдирди мулки Мағрибни».

Терисига сизмай султон қувонди,
Чилим тортиб, қийиқ кўзлари ёнди:

«Мавлоно Навоий, мадҳ этдилар сиз,
Дўстлик биносини қилдилар пардоз.

Ўзга юртга черик¹ тортмангиз дебон,
Фақирга дарс берди сиздек чин инсон.

Жанобим дастури бўлиб раҳнамо,
Ҳар қалай, кўрмадик ҳаётдин жафо.

Эл-юртдин кўнглим тўқ, Астробод вале,
Ҳамон нотинч Амир Мўғул туфайли.

Дарҳол кўрсак дейман дахлдор тадбир,
Ҳоким бўлиб борса обрўли амир.

Девон ҳам осойиш... Сокин бир айём;
Вазирлар кордону эмаслар худком.

Давлат ташвишидин холи пайтлар гоҳ,
Камина назмга қул урмиш дилхоҳ.

Шоир жанобларин кўнглин пайқадим,
Эшигимиз очик қадимдан-қадим.

Емон ниёт билан ким босса оёқ,
Анинг бошин ёрғай биз тутган тўқмоқ.

Ҳирий дўстга дўстдур, душманга — душман,
Дўстга гул узатур, душманга — тикан!

Қай ўлкага ташриф қилса элчимиз,
Қардошлик ялови бўлгай белгимиз.

Кўндаланг турибди юрт масаласи,
Кўнглумиз эзадир Астробод саси.

¹ Черик — қўшин, аскар.

Дорилфатҳни¹ тақсир унутди чоғи,
Анга нур сочмади кунгул маёғи».

Дусти таклифидан шоир озурда:
«Султонга дарс берар қайси омузгор?»

Синиқ овоз билан деди ноилож:
«Астробод осойиш кунларга муҳтож.

Амир Мугулни ҳам мансаб қилди маст,
Мамлакат ишига урмай қуйди даст».

Султон деди, уни тинглаб бепарво:
(Малика истагин этгани бажо)

«Ҳирийга чорлаймиз Амир Мугулни,
Тинчита олмади норизо элни.

Обрули бир амир ҳоким бўлса гар,
Эҳтимол, Дорилфатҳ осойиш топар».

Навойи утинди: «Ҳазрати султон,
Дорилфатҳга мосдур Бадруззамон.

Мирзодин обрули бирор амир йўқ,
Не амир, Ҳирийда мофиз-замир² йўқ».

Дафъатан узгарди авзойи унинг:
Углини курмади Астрободга тенг.

Дарди қолди, аммо, ичида мубҳам,
Ошкор қилолмади Навойига ҳам.

Юзи чидамади айтмоққа очик,
Қармоқ ташлаб қуйди — ҳураги аччиқ:

«Жанобим, Мирзодин обрули, қавий,
Салтанат фахри-ку амир Навойи!

Амир Шужонддин Муҳаммад ҳам бор,
Вале ул музаффар қўшинга сардор».

Алишер айтмади юрак матлабин,
Гарчи фаҳмлади султон мақсадин.

Мақсуд боғи энди бўлганда обод,
Оромин йўқотди унинг Астробод.

XXIV

Жомий кунгли нотинч хунук руъёдан,
Қулини ювгандек телба дунёдан:

«Навойи уксинмиш ганим домида,
Фитнаю маломат истехкомида.

«Каҳфи бақо»³ ичра қул-оёғи банд,
Наъралар тортмоқда, шердек занжирбанд».

Субҳиядам у сувга тушини айтди,
Губори тарқалиб, хужрага қайтди.

¹ Дорилфатҳ — ғалаба шахри, Хусайн Бойқаро даставвал Астрободда тахт олгани учун бу шаҳарга берилган ном.

² Мофиз-замир — кунгилдаги (одам).

³ Каҳфи бақо — абадий тириклик гори.

Аммо, бадбин уйлар қул қилди яна,
Умид чўғларини қул қилди яна.

Уридан қўзғолди бесару сомон,
Симоби тўнини кийди шу замон.

Маҳдум мулозимга бериб ижозат,
Туриқ тулпор узра кўнди омонат.

Енгил елиб чиқди Хиёбондан у,
Қалбини эзадир ташвишли гулу.

Нохуш хайёлларга у бўлиб тутқун,
Хазон япроқларга тикилди маҳзун:

«Умр фусулининг қиши оёқлар,
Қишга бегонадир утли чақмоқлар.

Маънос туйгуларга юраги ҳамроз,
Навойидан ўзга йўқ содиқ ҳамроҳ.

Гарчи муридлари кўндир юлдуздан,
На чора? Барчаси ортмайди ўздан.

Турмуш аравасин судраб чор-ночор,
Умр кучасидан ўтар дилафкор.

Ҳаётнинг бағри тош, чарх айланар каж,
Қисмат ҳунарига топиб бўлмас важҳ.

Волида: дунёга келганда гудак
Инсон бўлгин дея қилади тилак.

Қашқир булур деса, она шу заҳот,
Бағрига босмасди фарзандин, ҳайҳот!

Одам булур дебон қилса-да умид,
Не она дунёдан утмиш ноумид.

Ёвуз қашқир бўлиб етишган малъун,
Қотил бўлиб ичар сув ўрнига хун.

Унинг чангалига тушганки инсон,
Маҳолдир дунёда қолмоғи омон.

Қашқирлар замони келдими, ё раб?
Чарх, наҳот, айланса ортига қараб?

Инсон тоқай бўлур қашқирларга ем?
Ким унинг дардига эм бўлади, эм?

Ким силар инсоннинг азиз бошини?
Ким артар қўзидан аччиқ ёшини?

Кулги — жажжи булоқ, кўз ёши — уммон,
Еинки, уммонга гарқ бўлғай жаҳон?

Бир инсон золиму бири эса қул,
Бир юрак бўстону бири эса чўл.

Адолат офтоби балқийди қачон?
Қачон тенг бўлгуси жамъики инсон?

Эрк излаб, инсонлар зулматда яшар,
Зулмат ичра нур-ку, фарзанди башар!

Кошки, буза олса зулмат қафасин!
Кошки, уфуролса Эркнинг нафасин!

Беш панжаси муитдек тугилса, кошки!
Қон-қардош, бекоб эл тугилса, кошки!

Кошки, йиғи сўниб, кулги барқ урса!
Кошки, алам тугаб, эл шодон юрса!

Золим қолмай, озод бўлса эл, кошки!
Хазон бўлмай, яшнаб кулса гул, кошки!»

Жомийнинг хаёлга гарқ бўлиб боши,
Мушгарак фикрлар бўлиб йўлдоши,

«Унсия»га нечук етди — билади,
Ҳирируд аёзин писанд қилмади.

Қатнай-қатнай оти урганган даргоҳ
Пойқадамин ушиб, сийлади дилгоҳ.

Навойни босди оғушига шод,
Жонсарак ўйлари қилди гирдибод.

Вазмин, нурли эди шоир сурати,
Туфону ўт ичра, аммо сийрати.

Остона ҳатлагач Маҳдуми Нуран,
Меҳмонхона яшнаб кетди сурурдан.

Сичқон қулоқ шоир Самовий чаққон
Хизматга бел боғлаб, ёзди дастурхон.

Ўзида йўқ хурсанд соҳиби хона,
Хафалик дамлари унга бегона.

Маҳдум қизиқсиниб гал ташлар, бироқ,
Ҳеч нарса билолмай, босар иштибоҳ.

Нечундир Навоий очмас дил қулфин,
Ҳатто, тутқизмайди қулфининг зулфин.

Кўзларидан унинг аёндир, аммо,
Бағрини эадир сирли муаммо.

Кўрган тушм, кошки, бўлса деб ёлгон,
Фикридан ўтказди соҳиби даврон.

Мамнулик гулини тутмиш Алишер
Лафзини бегади мусиқа ва шеър.

Гарчи неча кундир йўқдир оромни,
Оёғида жа душманлар доми.

Истамади Жомий тинчтин бузмоқни,
Султондан умидин унинг узмоқни.

Эшик тирқишдан пойлар Самовий,
Сухбатни қўнглига жойлар Самовий.

Маҳдум Маждиддиндан сўз очганда лек:
«Фитнагар кимса», деб, ганга қўйди чек.

«Маҳди улё билан эмиш тили бир»,
Деганда, ўйланиб сўзлади оғир:

«Малика қўймакда ножўя қадам,
Олди олинмаса гарқ бўлар шоҳ ҳам.

Биламен, Маждиддин юрадур бежо.
Тил топса, ёмондур лек Маҳди улё.

Икки ёрғи агар бўлса бир бутун,
Саройни босади қўрум ва кўкун.

Султон жиловини берса бегимга,
Мавлоно, арзингиз дегайсиз кимга?

Соқолин сушурги қилса амирлар,
Бош эгса, ҳайиқиб бегу вазирлар,

Зурафо не қилсин? Гарчи зиёли,
Баъзилар кўрсатур ўзни риёли.

Маҳди улё деса — титрайди Ҳирот,
Не Ҳирот, яқину йироқ музофот.

Ётқизиб-турғузур эрман, деганни,
Кабирлар оғзинга солган юганни.

Зугуми остида қолди Хуросон,
На чора? Ер қаттиқ, узоқдир осмон!

Ким қилиб хушомад оёғин ялар,
Ушанинг бошида толей жылмаяр.

Ўз қадрин билиб ким эгмаса бошин,
Хор бўлиб, Ҳирийдан термакда тошин.

Чўп олиб, ковлар у фитна уясини,
Парвариш этади кин шумғиясини.

Мулк қисмати қолса Маҳди улёга,
Биз қўлиқ қилурмиз, балки, дунёга!»

Навоий озурда ечиб тугунни,
Сидирди қалбидан сирқиган хунни:

Вале Астрободдан оғиз очмади,
Гумон уругини, нетсин, сочмади.

Жомий андуҳ билан уҳ тортиб вазмин,
Рўйи рост сўзлади дилдаги азмин:

«Алишербек, фақир саройдин йироқ,
Шамоли эадур қулбамга, бироқ.

Сарой — фитна қўнган замбурхонадур,
Фисқу фасод ўти анда ёнадур.

Чогирдин чиқмаса султоннинг боши,
Ножинсу нокаслар бўлса йўлдоши,

Юз тутмоғи мумкин таназулга мулк,
Қулагай, омонат бошидаги бўрк.

Маждиддин азалдин қув ҳамда олғир,
Шайтонга ҳам фириб берган мутомбир.

Эрга-кеч сув қўйса султон илкига,
Даре берса шумликда, ҳатто, тулкига.

Маҳди улёга ул бўлса айгоқчи,
У емай ким есин, айтинг, қаймоқни!

Аларнинг изми-ла ин тутмиш султон,
Фалокат жариди турминш Хуросон.

Зурафо дедингиз, қўйдирманг жонни,
Бир пулга сотмакда виждон, иймонни.

Қузиқорин янглиғ кўтардилар бош,
Мансаб курсилари улоқдек талош.

Зурафо аҳлининг чиқиндилари
Саройда изғишар мисоли ари.

Бегиму Маждиддин бўлиб раҳнамо,
Тамаъ аҳли қадрин этмиш муалло.

Аларга ялатиб синиқ тувагин,
Хор қилса не дейсиз султон суягин.

Шилпиқ Ҳиравийга кун туғди яна,
Подшоҳга ёпишди мисоли кана.

Нажот тилаб келмиш Бадиуззамон,
Маккорлар домида қолди деб султон.

На чора? Юз тутди дилим ҳасратта,
Насиҳат қилсамми аъло ҳазратта?

Истиҳола этиб аросатдамен,
Эркинликда гуё асоратдамен.

Жанобим фикрига бўлибмен муҳтож,
Ё султон сезмасми сўзга эҳтиёж?»

Босиқ овоз билан деди Алишер:
«Ҳар қалай, барчани кўтаради ер.

Нокаслар макридин ёрилиб кетмас,
Алар тирик қолгай, ёрилса — йитмас.

Умуртқа суяги гарчи зирқира,
Ноилж кифтида кўтариб юрар.

Қунғлум совуб кетган тамом саройдин,
Бош олиб қочамен фитнали жойдин.

Султондин умидим кўп эди, нетай?
Тож кийган маҳалда хўб эди, нетай?

Жонни гаров қўйиб бўлдим фидойи,
Саройга хизматим сингди кироийи.

Давлат бахтин ўйлаб кечдим ўзимдин,
Кечдим фароғатдин, кечдим сўзимдин.

Адолат лангарин узатдим гарчанд,
Илқидан туширди адашган монанд.

Истиқбол уфқиға тикмасдин кўзин,
Дабдаба тахтада унутди ўзин.

Вале узолмайман илкимни буткул,
Улуснинг ғамини деса унуттил.

Халқ кўприк бўлмаса ўртада агар,
Саройни елкамининг чуқури кўрар.

Юз бурсак нокаслар қилмиши дебон,
Дажжоллар қўлида қолгай Хуросон.

Токи, танимизда бор экан мадор,
Енг шимариб, дадил курашмак даркор.

Бадиуззамонга бермасак нажот,
Биздин ўзга кимга қилгай муножот?

Ҳазратим, султонга қилинг насихат,
Камина ҳам бергай тўғри маслаҳат.

Ҳақ сўзни демаклик виждон бурчимиз.
Илкени тиймакка етгай кучимиз.

Иноқ қила олдик икки мазҳабни
Рақобат қилгувчи икки мактабни.

Султонга келганда ожизмиз, афсус,
Махдумнинг сўзидин чиқмагай улус.

Эл тутгай қулогин каминага ҳам,
Дардин ошкор этса, бўлгаймиз ҳамдам.

Сузласак улусни қўйиб ўртага,
Осойиш шамоли эсгай ўрдага.

Ювиндихўр чиқди баъзи зурафо,
Султон елкасига тушган рўдано.

Қилмагунча ани элга шармисор,
Тикандек ёпишиб, қадрин этгай хор,

Кўргаймиз — кунимиз бор бўлса агар,
Ёвузлик бежазо қолмас муқаррар!»

XXV

Ҳусайн Бойқаро кўнглида суруд:
Марвда қишлагига кўрар таралдуд.

Хаёлин чулгадай йигитлик они,
Султон Абу Саъид нотинч даврони.

У, султон Санжардан тилади имод,
Кўев бўлиб этди саройин обод.

Лек фитнага учраб қочди Марвдан,
Боши омон қолди душман қавмдан.

Энди — султон Ҳусайн Бойқаро деса,
Бош узра тутади Марв, алқисса!

Муҳташам қасрда тузса гар базм,
Не ажаб, ҳавас-ла боқса Хоразм.

Ноғора садоси тутса Жайхунни,
Довруги лол этар, балки, Сайхунни.

Шухрати ёйилар Шошдин то Ўтрор,
Гарчи бобосидек эмас жаҳондор.

Орау кўкида у уради жавлон,
Амрида — Машиқда танҳо Хуросон!

Тахт узра ёйилиб ултирар девбанд,
Ўрмонга ҳукмрон қоллонга монанд.

Тахт кўнжида эса Хожа Маждиддин,
Саройда огоҳдир барча мажлидин.

Қимтиниб пойлайди унинг оғзини:
Не деса — фикрида чақар мағзини.

Хожа Низомулмулк ва Хожа Афзал —
Оромиди, султон амрига маҳтал.

Хазина заридан хабарсиз мулкдор,
Деди: «Икки туман¹ кешаки² даркор».

Вазирлар сукутта чўмдилар бир оз:
Бошларин ҳам қилди мазкур илтимос,

Хазина таланган — не қилмоқ даркор?
Кукка совурадди уни ҳукмдор.

Мулк зари етмасди айшига унинг,
Саройнинг харжига сарфланар миң-миңг.

Солиқлар жабридан қуриб мадори,
Зурга тебранарди улус рўзгори.

Бешафқат садрлар³ топиб важ-қарсон,
Уриб қолар эди солиқдан ҳамон.

Қўйнидан тўқилса дея қўнжига,
Бошин суқар эди маснад⁴ пинжига.

Аросатда қолди вазирлар беун,
Гарчи жонин берар султонн учун!

Унинг фармойиши эл учун вожиб,
Ва лекин ким берар олсалар қарз деб.

Амирлар қўйса-да зарин жамғариб,
Пул десанг, кўрсатар ўзини гариб.

Қарзни мард беради, афсус, мардлар кам,
Лойиқ жавоб бермай, вазирлар мулзам —

Ташқари чиқдилар. Фурсат эди соз.
Мажидиддин таъзим-ла деди серихлос:

«Мен бу вазирларнинг урнида бўлсам,
Икки туман учун чекмасдим алам.

Ҳазратим истагин қилгани бажо,
Икки юз туманни тонардим, аммо —

Фақир ваколатта сезур эҳтиёж,
Ижозат этсалар, қилгум бир илоҳ».

Султон ўйлаб боқди — тадбири шойён
Ва лекин йўлида турибди тўгон.

Бу — Навоий! Ризо бўлмагай асло,
Мажидиддин мансабин қилса муалло.

Вазирлари ерга қаратди юзин,
Хиждан жой тонмас қўйрга ўзин.

Уларга ён босар Навоий эса,
Ғазаби тошади Мажидиддин деса.

«Нима қилмак керак?» — ўйланар султон. —
Тадбири шойёни кучмайди осон.

Вале пайти келди — чиқар гурбатдан,
Фойдаланиб қолса қулай фурсатдан.

¹ Бир туман — 10 миңг дийкор.

² Кешаки — пул.

³ Садр — улуг мансабдор.

⁴ Маснад — юксак урин (мансабда).

Баҳона ҳам тайёр: икки туман пул.
Унга вазир эмас, керак содиқ қул.

Не деса — муҳайё қилса шу замон,
Ўлжага тозидек югурга чаққон.

Яна бир баҳона: нотинч Астробод,
Амир Мўғул этди умидин барбод.

Навоийни унга ҳоким қилса гар,
Маснад поясида яна юксалар!

У эли тинчитар — тинчир дорилфатҳ,
Ҳирийдек ани ҳам, кошқи, қилса маҳд.

Мамлакат сарҳади булар мустаҳкам,
Хорижий душманлар қўёлмас қадам.

Жомий ҳам койиниб, қилмагай таъна,
Дуст олдиди хижлат чекмагай яна.

Шоирнинг ҳасадгўй душманларин ҳам
Талаби қонади, бўлгай хотиржамъ.

Қулидан чиқармай қулай имконини,
Ниқобга урагай олий фармонини.

Энг улуг ҳурматта қилса сазовор,
Ортиқча гап бўлмас улусда зинҳор.

Русумга биноан мулки Астробод
Боғини валийаҳд этарди обод.

Не ажаб, зур бахтни кўрса муяссар,
Навоий қалбида қўзғолмас кадар.

Ҳиротдан йироқда турмаса гарчаид
Мажидиддин маснадда бўлмас баланд.

Шу важдин зуд билан кўрмаса чора,
Обрусига путур етгай тобора.

Вазирлардан кўнгли совуди, бироқ,
Ким ёқар қоронги кўнглига чироқ?»

Мажидиддинни сийлаб, у берди ваъда:
«Мартабангиз баланд бўлгай янада».

Парвоначи хурсанд — қуллуқлар қилди,
Рухсат тилаб, бегим қошига елди.

Эшик оға бўлгач қошида ҳозир;
«Навоийни чорланг», деб қилди амр.

Кўнгли ранж, аламин босади чилим,
Аччиқ тутун ичра дил тилим-тилим.

Навоий эшиқда пайдо бўлган он
Бадбин хайлларга қул эди султон.

Чундек бошини кўтариб ердан
Мунаққан тахтидан қўзғолди бирдан.

Аҳд илмини туғиб юракка маҳкам,
Ҳийла шаробидан узатди кам-кам.

Амиру беклардан нолиди аввал,
Халқ ҳоли яхши деб туқиди матал.

Дорилфатҳ оромим бузмоқда дебон,
Койиниб, кутарди ясама фиғон.

Гарчи у бошлади гапни узюқдан,
Илжин чиқармади сирли қармоқдан.

Навоийни эса тортиб домига,
Муносиб деди эл эҳтиромига.

Оғиз кўпиртириб мақтагач роса,
Фитна матосидан олди андоза.

Маслаҳат кўзини тикди-да охир,
Қармоқ хўрагини тутди муғомбир:

«Билурсиз, жаноби олий мансабин
Яна баланд қилмак асли мақсадим.

Астробод Ҳирийдек топса осойиш,
Ўзлигин қилсалар анда намоийиш.

Салтанат бошида кутариб сизни,
Истифода этса обрўйингизни».

Шоир ёқа тутди, қотди тош каби,
Ярадор булбудек ўртанди қалби.

Султоннинг таклифи қолди бежавоб,
Булутлар ортига беркинди офтоб.

Аммо, у дилжўйлик қилди мулоим:
«Сизсиз фалак ичра тутилгай ойим.

Сарой ташвишидин йироқ турсангиз,
Сокин ижод қилиб, девон тузсангиз.

Илож йўқ, у ерни тинчитмасалар.
Камина кўнглини инжитмасалар.

Бағоят хушчақчақ Астробод эли,
Анда ёзиларди кўнгил чигили».

Султон таклифидан шоир ҳайратда:
«Не жафо чекмади, ахир, ҳаётда.

Султон Абу Саъид қилганда ихрож,¹
Ҳирийдан бош олиб кетди ноилж.

О, яна Ҳиротдан бўлса бадарга!
Умид дарахтига ин кўрса қарга!

Энди у додини айтади кимга?
Наҳотки, иморат қурди у қумга?

Бу гапни кутмаган эди султондан,
Тинч қўймас, кетса ҳам, ахир, девондан!

Қилич санчмақдалар ганимлар зимдан,
Дили яра, малҳам излайди кимдан?

Шамширига этмай кўксини қалқон,
Ганимлар гапига учмақда султон.

На чора? Шаҳриёр қилмаса карам?
Ихрождир Астробод ҳокимлиги ҳам!

¹ Ихрож — сурғун, хорраж этиш, четлатиш.

Душманлар макрига йўқдур интиҳо,
Бош олиб кетсинми узга юрта ё?

Улуе нима дейди? Не уйлар аҳбоб?
Умид иморати бўлгай-ку хароб!»

Боши қотди унинг, лек узин тутди,
Инсофдан султоннинг юзидан ўтди:

«Подшоҳ ҳазратлари, мушкул бу савдо,
Фикримни банд этган узга муддао.

Нетай, ўйлаб қўйган асарларим кўп,
Имкон яратсалар бўлгай эди хўб».

Шоир умидини қилмасдан пайҳон,
Жонин ором тонмай гудранди султон:

«Дорилфатҳ хатарда турибди, бироқ,
Номзод тополмадим сиздин яхшироқ».

Шоир саросима — қўзғолди зўрга,
Не фитна қиличи бир боши узра!

XXVI

Жомий қайтди дилгир шоҳ ҳузурдан,
Юраги шикаста даврон зурдан.

Фармонин олийини у қилиб дастак,
Мавқеъи юксалгай деди жонсарак.

Зўр кучи — тегирмон тошин юргизар,
Манфаат юзидан амрин кўргизар.

На чора? Илқида инсон — қўғирчоқ.
Бонгини тинглар Мулк, урса қўғирчоқ!

Навоийдан айри тушмишдир йўли,
Фитна шамширини тутмишдир қўли.

«Унсия»га келди — синиқдир руҳи,
Ичида ўт бўлиб ёнар андуҳи.

Навоий Ҳиротта сизмайин энди,
Сафар тадорикини кўрмоқда эди.

Жомий авзойини сизди-да нохуш,
Қисмат кемасида эгилди хомуш.

Не қилсин? Душманлар тушди пайига,
Султон қарамади, аммо, раъйига.

Натижасиз қолди илтимослари,
Елга совурилди хирмон сингари.

Ноилж бош эгди унинг амрига,
Аммо, йиғламади у ўз қадрига.

Дустлари кўнглини кутарди унинг,
Ардашер ўтинди: «Шоҳ-ла булманг тенг.

Сиз қайда, у қайда? Булут ила барқ,
Орангизда еру осмон қадар фарқ.

У янво домига илинди — аён!
Сиз эса ўзингиз қилинг намоён.

Уста бир йул топди — иложимиз йуқ,
Уз билгича зимдан чиқарди буйруқ.

Ғаддор амирлар ҳам босмиш муҳрини,
Барчаси ўйлашар ўз ҳузурини,

Сиз кетгач, бизга ҳам бўлмағай осон,
Ширин ҳаётимиз қилгайлар нордон.

Иймонимиз комил ва лекин бизнинг,
Қадрингиз кун утар султонга сизнинг.

Дорилфатҳ тинчиса қайтиб келурсиз,
Яна даврамизга чироқ бўлурсиз.

Меҳрингиз туфайли олурмиш нафас,
Қайда бўлсангиз ҳам унутмасак, бас».

Альюма сўзини эйтириб давом,
Жомий деди дилхоҳ: «Сиз билан авом.

Дусту биродар ҳам бирга доимо,
Танҳолик азобин тортмайсиз асло.

Соғиниб, оллоҳдин тилармиш имдод,
Номингиз этурмиш шому саҳар ёд.

Алишербек, ижод бўлмасин канда,
Олий бахт йуқ андан ҳаргиз ватанда.

Куксингиз қалқону ганим тигига,
Бўйсинмай илож йуқ шоҳ буйруғига.

Булуғлар тарқалиб — осмон бўлғай соф,
Ҳазрати султонга тилаймиш инсоф».

Устодлар сўзига бўлиб фидойи,
Озурда сингари деди Навоий:

«Тақдир тақозоси, йуқдир имконим,
Аммо исён қилур, нетай, виждоним.

Бўхтонга учрасак — истаб адолат,
Сийёсат юргизса аҳли қабоҳат.

Буқаламун шахслар қилса дабдаба,
Бош уриб, қаерга борурмиш яна?

Султон кўзи бир кун очилса мошдек,
Не деймиш, тиласа яна қардошдек!

Астробод хотирин қилмас экан жамъ,
Майли яна бир бор бўлғаймен ҳамдам».

Хожа Афзал деди қолгандек танҳо:
«Эмди бошимизга ёгилур жафо.

Душманлар етдилар муддаосига,
Бизни дучор қилиб гам балосига.

Сиз кетмай, бошлашди тантанасини,
Кўрсатиб қўймоқчи салтанатини.

Адолат галаба қозонғай, аммо,
Токи дунёда бор сиздек раҳнамо».

Рустам полвон тикиб ўқисик назарин,
Деди, бошда тутиб олий сарварин:

«Бир даста ғариб эл йуқламиш сизни,
Эшитиб келмишлар сафарингизни».

Шоир хурсанд бўлиб чиқди айвонга,
Дил амрини айтди аҳли деҳқонга:

«Азизлар, нотинчдур мўлки Астробод,
Амиру беклардин эл чекмиш фарёд.

Ҳокимидин шохга қилмиш шикоят,
Жабр-зулим қўлмиш анда ниҳоят.

Подшоҳ ҳазратлари ташвишда, бироқ,
Дорилфатҳга боринг дедилар тезроқ.

Улуста бўлмаса фақир кўмақдош,
Неча бошни ёрғай алар отмиш тош.

Дорилфатҳ осойиш толса бир қадар,
Ҳирийга қайтмаклик булур муяссар».

Ботирбек сўзлади улус номидан,
Жони қутулгандек шубҳа комидан:

«Шоир жаноблари, тортиб хавотир,
Йуқладик, қилсак-да сизни юз-хотир.

Душманлар иғвоси туфайли султон,
Узоқ юртга сизни қилмиш ҳукмрон.

Чин бўлса, улуста тарқалган бу гап,
Бостириб боргаймиш саройга қараб.

Сиз кетсангиз бўлғай ҳолимиз хароб,
Сув дебон амирлар тутгайлар зардоб».

Навоий очмади асрор дафтарин,
Гарчи гина тиги тиларди багрин:

«Йуқ, азиз фуқаро! Бу — иғво, бўхтон!
Емонлик тиламас менга ҳеч султон.

Мамлакат тақдири билан боғлиқ бу,
Астробод — мулк аро бир юртки, узгу.¹

У юртни тинчитмак олий вазифам,
На чора? Сочилган бўлса насибам.

Сиздин ҳам хабардор бўлиб турғаймен,
Мушкилингиз бирга баҳам кўргаймен.

Ботирбек истаса, бўлғай ҳамсафар,
Умид ниҳоллари бергайдур самар».

Йигитнинг кузлари чақнаб қувончдан,
Ўзини йуқотди юксак ишончдан.

«Қуллуқ», деб эгди у ризолик бошин,
Жамоат қувонди, қутлаб қардошини.

Халқ тинчиб, толеъи бўлгандек қушод,
Оқ фотиҳа бериб, қилди хайрбод.

Навоий қисмати кечарди душвор,
Халққа ҳақиқатни айласа ошкор,

¹ Узгу — ўзига хос.

Буйруғидан эса чекиб надомат,
Балки, қилар эди султон адолат.

Навий ҳақ эди — ишончи комил.
Нечун уни дебон зулм қулар эл?

Ахир, ўз ташвиши ортар бошидан,
Манглайи яра-ку, даврон тошидан!

Рўзгорин тебратар жафокаш, гариб,
Умри ўтмоқда-ку, ранги саргайиб!

Эртага етмайди бутун топгани,
Бутунга етмайди кеча ёпгани.

Ўзи қуш тортади — йўқдир улови,
Машаққат ва жафо — ҳаёт «сийлови».

Улус огирини қилай деб енгил,
Мурувват қизини айлади сингил.

Ўзидан кечиб халқ хизматин қилди,
Қайғудош эл унинг иззатин қилди.

Шу вайҳдин аяди улус жонини,
Низодан сақлади юрт султонини.

Гарчи у бадарга эгур Ҳиротдан,
Инсоф ва адолат кутур ҳаётдан.

Йўқолмасин дея қадр гавҳари,
Ноилож кетадир Астробод сари.

Кетадир ичига ютиб аламни
Ва элга узатиб илки карамни.

Кетадир: оройиш Ҳирийни ташлаб,
Еру дўст бағрини тилиб, оташлаб.

Дарвеш Али эса йўқдир ёнида,
Бошига мушқилот тушган онида.

Иброҳим Хусайн номидан Балхни
Идора этар у — қуриқлаб тахтни.

Энди ўз бошига тушди бу савдо,
Жон қуши нотинчдир — кўнглида гавго.

Палақмон тошидек отилиб, бироқ,
Оға-ини тушди Ҳиротдан йироқ.

Шоир аҳволдан эзилиб дили,
Сузга эса зўрга қовушиб тили,

Соҳиб Доро билан Шайх Баҳлул нолон,
Алам гирдобида ожиз Паҳлавон.

Отларин эгарлаб дилгир мирохур,
Сафар анжомларин юклади охир.

Бобо Али, Амир Бадриддин дилхоҳ,
Сафарда булгайлар шоирга ҳамроҳ.

Ботирбек ҳам жунар мисли қаришон,
Бахт кулиб, бошига нур сочди қўш.

Мирҳайдар эгарлаб қўйибди отни,
У ҳам тарк этмоқда бутун Ҳиротни.

Жомий ва Ардашер таянмиш асо,
Хожа Афзал дилгир, кўнгли бенаво.

Маъсума бегимнинг дард-ҳасрати мўл,
Кўз ёшини тўкса — булар эди кўл.

Аmmo, у ўзини тутди-да бардам,
Фарзандини босди бағрига маҳкам.

Волида кўксига бошин қўйиб у,
Ўтли нафас олди тўйиб-тўйиб у:

«Жон ўғлим, ой бориб-омон келгайсиз,
Иймоним комилки, шодон келгайсиз.

Султонга ҳам қийин — назият дунвор,
Анинг дилида зур сизга элтибор.

Вале устун келмиш дунмашлар қўли,
Адолат наҳрининг тўселимиш йўли.

Яна бир ўзликни қилинг намойиш,
Астрободда қарор тонсин осойиш.

Ҳазрат ўзи чорлар қадрлаб сизни,
Яна баланд қилгай обрўйингизни.

Навий бош эгди — волидаси ҳақ:
Султон илки ожиз эди муҳаққақ.

Она сўзларидан кўксин бўлиб тоғ,
Ўксик юрагида қолмагандек доғ,

Чехраси ёришиб дўст-ёрга боқди,
Қулоч отиб, меҳр наҳрида оқди.

Барча алам ёнин олиб кўзига,
Оқ йул тилаб, қўлини сурди юзига.


Навий отланди, қилиб хайрбод,
Қайдасан дегандек мулки Астробод!




* * *





КОЖА
КУПОЛОЖ





БИРИНЧИ ҚИСМ



"УМР ФУСУЛИНИНГ ҚИШИ..."

... Қирқ беш ёшдин олтмиш яқиниғачақим таъйин қилса булғайқим, умр фусулининг қишидурқим, кишининг ҳам қад била адам йулиға кириб, замон аҳли била хайрбод қилишдур.

Алишер НАВОИЙ

Қандай яхшики (Алишер Навоийнинг) овозаси туркийлар мамлакатидан Ҳижозгача... довруғи Нишопурдан Исфаҳонгача етди. Ажам мамлақати аҳли қулогига бу садодан (сирға тақиб), оламнинг (ҳамма) бурчаклари бу дарё гавҳари билан тўлиб-топгандир. Тонг насими унинг хабарини Ироққа етказди ва Туби дарахти баргларини бу ниҳол шохчаларига ёпиштирди.

Давлатшоҳ САМАРҚАНДИЙ.

Ушбу дам (XV аср)дан тўрттиб олам инқирозигача бундайин одам (Алишер Навоий)нинг дунёга келиши маҳолдур.

Зайниддин ВОСИФИЙ.

I

Амир Навоийга қилиб муножот,
Астробод бош уриб тилайди нажот.

Ҳазардан афсона тинглаган диёр
Шоирнинг кўзига боқар умидвор.

Золим ҳокимлардан у қўшдек зада,
Амир Муғулдан ҳам қалби азада.

Бўридек талади бори-йўғин у,
Ҳиротга ташиди тўш, қуйруғин у.

Шаҳарни қурумдек босди фаҳш, қимор,
Бандасин комига тортди зиндон, дор.

Қорин тўқлар сузди шароб наҳрида,
Қорин очлар тўзди ришват¹ макрида.

Пойтахтга етмади тутқун эл гами,
Оҳидан кун қуйган халқнинг алами.

Ҳар қалай, Ҳиротдан келдию чопар,
Мискин эл кўнглини этди мунаввар.

Селдек тошиб чиқди эл кўчаларга,
Гўёки сизмади сел кўчаларга.

Чиқди маҳаллаю гузар, блукот.²
Чиқди ёшү қари, жумла жамоат.

¹ Ришват — порахўрлик.

² Блукот — шаҳар атрофидаги қишлоқлар.



Кучаю майдону хиёбонда халқ,
Шодиёна чалар орауманда халқ.

Шоирни қутлайди ғариб оломон,
Тошқин юракларда меҳри бир жаҳон.

Навоий кўзида қувонч ва алам,
У элининг, эл унинг дардига малҳам.

Хурсанд халойиққа таъзимда боши,
Мурувват ва қарам кўнглил йўлдоши.

Эл хароб, элдан ҳам шаҳар хароба,
Аччиқ кўз ёшлари бўлмиш сардоба.

Товуқ катагидек паҳса кулбалар
Оҳи тутун каби кўкка ўрмалар.

Илон изидек тор жин кўчалари,
Адашиб қолади кирса гар ари.

Ёмғир ялаб кетган деворлар вайрон,
Зулм талаб кетган рўзгорлар гирён.

Фуқаро яшайди ғариб ва ночор,
Турмуш ташвишлари жонига озор.

Ер-сувга муҳтож у, муҳтож некеўзга,
Нон ушогин топса суради кўзга.

Золимларга бўлиб мутъ ва қарам,
Бағрини ўқ янглиғ тешиди алам.

Беклар миниб олган эл елкасига,
Бадарга қилганлар ғам ўлкасига.

Шоир аламзада чархнинг ишидан,
Жигари эзилар эл турмушидан.

Гарчи Астрободга бўлур ҳукмдор,
Кунглининг тубида дарди бешумор.

Соқол толасидан кўндир ташвиши,
Жонини тинчитмас элининг юмуши.

Инидан айрилган қушдек нотавон,
Бу улқада кезмас шоир ломакон.

Гарчи баланд беку амирлар қули,
Амрини утгазгай — булмагай қули.

Куймасин деса гар сих ҳам, кабоб ҳам,
Арсат домида ўзи чекар гам.

Нуфузли зотларнинг тортса танобин
Олгайдир гамгусор элининг савобин.

На чора? Умаро қилса-да гавго,
Эли хурсанд этмоқ асли муддао.

Астробод халқининг ҳеч гуноҳи йўқ,
Иложсиз, қисматга қилмасдан қуллуқ.

Шоир ораусига йўқдир ниҳоя,
Дилида яшайди энг олий гоё:

«Хиротдан ранг олса, кошки, Астробод!
Элини бут қилса, богини обод!»

Осойиш, омонлик барқарор бўлса,
Адолат, шодмонлик устувор бўлса.

Булса фаровонлик, муллик, тўқчилик:
Йўқолса золимлик, қувлик, йўқчилик.

Эзгулик чашмасин кўзи очилса,
Раййят¹ бошидан ёғду сочилса.

Ҳар ўғил, ҳар қизни курса абжадхон,
Меҳнаткаш улусни этса саводхон.

Мактабу мадраса айласа бунёд,
Маърифат нурига чумса Астробод!

Юзага чиққунча бу улуг мақсад,
Туфонга дуч келиб, букилмасми қад?

Не қилур, ўзига орттирса душман,
Гулшанин бойқушлар айласа маскан?

Чумчуқдан қўрққан, йўқ, тариқ эрмайди,
Қиличлар синса-да, бошин эрмайди!

Курашиб яшамоқ унинг одати,
Курашда тугилди эрк, саодати.

Курашда тугилди шеъру достони,
Курашда чиниқди қалбу виждони.

Ҳаёт, бу курашдир, курашсиз ҳаёт,
Матонат кўрсатган юрагига ёт.

¹ Раййят — бир ҳукмдорнинг қул остидаги халқ,
тобё халқ.

Шу буюк эътиқод яшар жонида,
Адолат оташи ёнар қонида.

Даврон туфонига куксини тутиб,
Неча синовлардан у келди ўтиб.

Яна ҳаёт этса уни имтиҳон,
Иймони комилки, чиқажак омон.

Бу улқада қолса ундан яхши ном,
Ўзга ҳеч нарсани кунгли қилмас ком.

Эл билан яшагай ҳамдард, ҳамнафас,
Эл ундан, у элдан ризо бўлса, бас.

Эҳтиром кўрсатиб шоирга лойиқ,
Денгиздек тошади мўмин халойиқ.

Зурафо аҳлининг боши осмонда:
«Омон бўлинг, — дейди, — ёруғ жаҳонда».

«Хирфа» амалдорлар фиғонда жони,
Қиринди ютгандек бугиқ виждони.

Тақдир қюнига беролмасдан дош,
Амирга ноилож эгадилар бош.

Олқишга кўмилиб елар Навоий,
Улуга омонлик тилар Навоий.

Унга парвонадир ҳамсафарлари —
Меҳридан баҳраманд жон гавҳарлари.

Нурланиб хаёлин ёрқин юлдузи,
Ҳайратга чўмгандек Мирҳайдар кўзи.

Бобо Али, Ботирбек сигмас ичига,
Диллари ҳамроздир халқ севинчига.

Бадриддин қўйвориб от жиловини,
Дилига жойлайди эл сийловини.

Баланд тутиб шоир қадрини яна
Оломон кўзида ёнар тантана.

Навоий, унутиб гаму кадарни,
Бош узра тутуди гариб башарни!

II

Хадича бегимнинг нақшин саройи,
Келиндек гулгундир унинг чиройи.

Қулларда хинаю қабоқлар нилгун,
Қўзларда сурмаю боқишлар сузгун.

Давлатбахт — қонида гирдикапалак,
Уни деб шом-саҳар жонидир ҳалак.

Дил сирин яширмас бекаси ундан,
Канизақлар ичра эркаси чиндан.

Қули билан ўйнаб гажак зулфини,
Хоҳаридек очар кунгил қулфини.

Тантиқ маликадек ораста у ҳам,
Ингичка қошига тортилган қалам.

Ўғри нигоҳ ташлаб қўяр йўлакка,
Ширин умидини жойлаб юракка.

Бир пайт боғ ичидан титкилаб хазон
Маждиддин кўринди қув тулкисимон.

Давлатбахт эшиқда кутди ноз билан;
Кўзида илтижо, дилда роз билан.

Парвоначи илдам кириб ичкари,
Ўлжага ташланган қузгун сингари

Канизакнинг нозик белидан қучди,
Ҳирси тошиб, икки юзидан ўлди.

Бағрида Давлатбахт қушдек тўлғанди,
Ширин ҳис-туйғуга қалби чулғанди.

Домидан қутулиб, истиғно билан
Бекаси қошига бошлади шўх-шаън.

Маждиддин эргашди унинг изидан,
Кўнгли сархуш мушки анбар исидан.

Даҳлизга кирганда қимтинди, аммо,
Шўх имо қилиб қиз деди: «Марҳабо!»

Эшикни очди-да, босмай остона
Таъзим бажо этди. Бегим мастона,

Маҳлиё назарин узмай кўзгудан,
Бино қўйиб, хурсанд эди ўзидан.

«Марҳабо, жанобим!» — жилмайди-да шўх,
Маждиддинга боқди — киприклари ўқ.

Бош эгиб деди у уйга кирган дам:
«Гулдек очилибсиз, улуг маликам!»

Бекасини зимдан кузатиб хушвақт,
Эшикни оҳиста ёпди Давлатбахт.

Мақтовдан малика унутиб ўзин,
Деди, ишва билан сузганча кўзин:

«Эмди хурсандмисиз маликангиздин?
Мурувват илкани узмагай сиздин».

Маждиддин қўлини қўйиб кўксига,
Деди, суқли боқиб зимдан ҳуснига:

«Хоксор қўлингизмен, улуг маликам,
Сиз учун киргаймен ўту сувга ҳам.

Навоий йўлимга гов эди баттол,
Кўрмоққа кўзи йўқ ёв эди қаттол,

Не бахтким, мушкилим этдингиз осон,
Меҳрин аямади ҳазрати султон.

Улуг вазир қилса, ишончин оқлаб,
Бош узра тутгаймен сизни ардоқлаб.

Азиз фарзандингиз хизматин бажо
Келтиргаймен, бегим, улғунимча то».

Малика, зулфини уйнаб сўзлади:
«Улуг мирзо яна тахтни кўзлади.

Валийаҳд бўлиб ул ўзин унутмиш,
Музаффар мирзонинг кўнглин ўкситмиш,

Қай она ўйламас ўгли бахтини?
Қай фарзанд истамас ота тахтини?

Пайт топиб султонни этгайсиз огоҳ,
Душманлар сўзига учмасин ногоҳ.

Қулоғига қўйсақ бир бўлиб агар
Ораулар ушалгай бир кун муқаррар.

Улуг вазир бўлиб жанобим яна
Маснад поясида қилгай тантана».

Терисига сигмай парвоначи шод:
«Фақир миннатдормен сиздин умрбод.

Чин сўзни дедингиз, Бадиуззамон
Ўзлигин унутди, авзойи ёмон.

Фақир бел боғласа — қилса агар қасд,
Султонни совутгай, гарчи валийаҳд.

Ишонган зур тоғи Навоий эди,
Билмайди: тоғ қулаб, танҳоқур эмди».

Яна бир фитнанинг уясин қовлаб,
Малика сўзлади, дилини овлаб:

«Аммо, вазирлардин бўлинг эҳтиёт,
Алар ҳамон сизга боқишади ёт.

Сиримизни сақланг жон гавҳаридек,
Токи пайқамасин бирор амир, бек».

Маждиддин кўрсатиб ўзин покдомон,
Деди, тўймас кўзи боқиб нотавон:

«Улуг маликамдек борки жонфизой,
Бало тошин отмас бошимга сарой.

Вазирлар фақирга боқар қузгундек,
Олий ҳазратимга қилгай бузғунлик.

Лек икки туманга бўлмишлар муҳтож,
Тож хурмати: алар топмади илож.

Бу ҳолатни кўриб кўнглим эзилди,
Алам тўфониди тинчим бузилди.

Вазирлардин бўлиб дил аламзада,
Фақир топгаймен деб айладим ваъда.

Талон-тарож этса хазинани гар
Нечун вазир бўлиб саройда турар?

Вазир улки, этса хазинани бут,
Саройдин учмаса баракаю қут».

Маликанинг ногоҳ тошди фиғони:
«Наҳотки, ялинса мулкнинг султони!

Афсуски, бу ҳолдин воқиф эмасмен,
Чорасиз вазирни вазир демасмен.

Аъло ҳазрат бошга кийиндимни тож,
Қилмагаймен ани ҳеч кимга муҳтож».

Мақсад сари қўйди Мажиддин қадам:
«Оромингиз бузманг, улуг маликам,

Сиз бирла доимо қилгаймен фахр,
Хазина бут бўлгай, мен борман, ахир».

Малика ғамзали нигоҳин тикди,
Мажиддин дош бермай бошини эгди.

Ниятингиз тоғени дебон ижобат,
Сирли ишва қилиб, берди ижозат.

Мажиддин таъзим-ла чиқди ташқари,
Саройини тебратган назир сингари.

Камондан отилган ўқдек шу замон
Чоғир мажлисига йўл олди шодмон.

III

Навбахор. Муаззам тоғлар сервиқор.
Самога санчилган чўққилар девқор.

Уйғонган боғларда туркирар ҳаёт,
Кўклам табиатга ўқийди абёт.

Офтобнинг дамига беролмасдан дош,
Қувғинди булутлар олиб қочар бош.

Ёдуга чўмилиб яйрар дала-туз,
Дала-туз бағрида деҳқон ялантўш.

Томирида қайнаб шижоат қони,
Қўйи яллиғида ёнар кетмони.

Бир лаҳза қўнимин билмас, мискин
Ризқу рўз ғамида қўнган чумоли:

Бирини нихол ажур, бирини ток очур,
Бирини қўш хайдайдди, бирини дош сочур.

Бирини ариқ қазир, бирини сув тарар,
Бирини марза тортур, бирини ер чопар.

Меҳрини қўйи элининг — баҳра тонган жон,
Мевали дарахтдек яшнар бетумон.

Элга йўлдош бўлиб, бўлиб раҳнамо,
Навоий ёмонлик кўрмади асло.

Даврон амри билан инн тутиб лекин,
Қалбида замзама қилар зўр тўлқин.

Енгил этай дея халқ мушкилини,
Улуғта узатди нажот қўлини.

Экин-тикин қилай деса халойиқ,
Қўли калта — ичгани, уруғи ҳам йўқ.

Йўқчилик наҳрига фарқ бўлмин боши,
Гарчи тоғдек собит унинг бардоши.

Ночорликдан элни қутқарай дебон
Ҳиротдан келтирди юз туяда дош.

Оқариб деҳқонлар косасин таги,
Зироат ҳунари бўлмин эрмаги.

Навоий азмидан хуркиган Ҳирот,
Астрободга солди қўшимча закот.

Мақсад кўзгусини гўё сийдирди,
Мурод кифти узра тоғни қўндирди.

Орау чанмасини оғулади бот,
Адолат қасрига ёвдек солди от.

Садоқат наҳрининг сувини қуригди,
Умид пешанасин яна шўр этди.

Муруват илккин кесди тиф билан,
Ором тўнағига сочди у тикан.

Меҳр гулзорини топтади тўғиз,
Муҳаббат фарзандин ютди оч денгиз.

Дивнат оғочин қўпорди бўрон,
Исоф уйин бузди қутурган тўфлон.

Иймон ёқасига чанг солди қузғун,
Ҳақиқат яловин қулатди мамнун.

Султон кўзи тўймак ўзи тўйса ҳам,
Астробод бошига яна соқмин ғам.

Мажиддин таъкиллаб қатъий қарорин:
Халқдан йиғчин демин юз минг динорин.

Экинга уруғлик дош йўқ улус,
Шоир карамидан кўнгли тўқ улус.

Қурбн йўқ, узмоққа мангум ўлмонин,
Бермоққа ризодир омонат жонин.

Улуғта етса гар бу ноҳун хабар —
Қулбасин боғандек бўлади аждар.

Навоий ҳоли танг — қотгандир боши,
Бошига урилмин ризолат тоши.

Қўш олазарак маҳсул элчининг, —
Соқоли лиқиллар қари эчкининг.

Бу — Хожа Мирҳосон, кўрса гар илон,
Бир фарсаҳ наридан утар бетумон.

Бозори Маликда у эди даслол,
Тутган жонин узиб оларди ахлол.

Мажиддин туфайли ўтмин девонга,
Ғадодек қўш оч хайру эҳсонга.

Қўшлари тикандек, юзлари чувак,
Илк узра оғзи синган бир тувак.

Оғзида илондек ўйшатиб тилини,
Кибрли деди у: «Дорилфатҳ элини

Бағоят қадрлар ҳазрати султон,
Зақотини узсалар, олам гулистон.

Омонат бир гаши десам, маклюно,
Ҳазратим иккиндин гарчи бегона.

Тадбирингиз олинш кунглига малол,
Улуенинг ёнини босмишсиз хивёл.

Нечун елга сочмоқ мол-мулкингизни?
Бу элга узатмоқ пок илкингизни?

«Амри вожиб» дебон иш кўрсалар гар,
Аъло ҳазратлари бош узра тутар».

Фигони ошса-да, нчида гарчаид,
Шоир вазмин эди собит тоғ монанд.

Ақл тушагига узатиб оёқ,
Элчига деди у — сўзлари чақмоқ:

«Илинги қуриган халқининг зақотдин,
Бош олиб кетмакин истар ҳаётдин.

Зулмдин бўғзига тиқилминн жони,
Ичмакка оши йўқ, смакка понн.

Усти-боши юпун, кулбаси хароб,
Обиҳафт дебон ютадур зардоб.

Юз минг динор, ахир, тушмас осмондин,
Зақотнинг найзаси ўтди-ку жодин.

Жаноби Мажиддин кетмишдур ўздин,
Қорачигин ўзмоқ бўлмишдур кўздин.

Гарчи болта урминн фақир пойнга,
Беланминн разолат билчиг лойнга.

Султон ҳазратларин оздирминн йўлдин,
Салтанат лангарин олиншдур кўлдин.

Узоққа бормагай, қай кимса худбин,
Шiori бўлса гар хусумат ва кин.

Гарчи малол одур ҳазрати султон,
Муқимдин улуга айладин эҳсон.

Фақир шiorидур — эли тиқитмак,
Кўнглимга ёт эрур ани ишжитмак».

Элчи қувник қилди: «Жаноби амир,
Ақл кўзи бирла кўргайсиз тадбир.

Вазифам: қилмоқдур хазинани бут,
Гарчи тушар улус хонасига ўт».

«Вазифангиз мушкул, — чўрт кесди шоир, —
Мисли ўлаккага таплаган гожир».

Элчи мулзам бўлиб уккидек қотди,
Калаваси учин бир дам йўқотди.

Ўзини ўнғайсиз сезган сипғари,
Ором олай дебон чиқди таниқари.

Улуларин чорлаб Навоий дилтанг
Солиқ масаласин кўйди кўндаланг.

Ақлу хуши учиб беклар гудранди,
Соат кафгиридек бошлар тебранди.

Қимтиниб дедди Амир Бадриддин:
«Эл қулдек эзилминн зақот жабриддин.

Бу кун тўламоққа йўқдур имкони,
Зақотни эшитса — тошур фигони.

Кузгача берилса улуга муҳлат,
Илкида мевасин узатгай меҳнат».

Барча маъқул топди, номи амир —
Хожа Турғун деди бўлиб домангир:

«Икки ҳисса кўндир зақот миқдори,
Узолмай: қуригай элнинг мадори.

Подшоҳ ҳазратлари қилмаса имдод,
Низолар комида қолгай Астробод.

Элик минг — блукот, элик минг — шаҳар,
Қурби йўқ, демоққа осон, алҳазар!»

Ғазабини ютиб деди Мирҳайдар:
«Хиротдин заҳарин сочибди ажлар».

Шайх Баҳулуд куюнди: «Зақот — баҳона,
Низодин чиқмасин дерлар даҳона.¹

Қўнса амир билан эл аро гавго,
Мажиддин қўнонар, тарқатар игво».

Йна неча бекин тинглади шоир,
Талих сўзлар айтилди пойтахтта доир.

Кенгаш жilовини кўйворди илк бор,
Кўнглидаги гаплар сўзланди ошкор.

Элчини чақириб деди Кенгашга:
«Ҳожат йўқ, гадою шоҳин тенглашга.

Вале гадо элнинг шоҳи ҳам гадо,
Элик йўқ, шоҳ қадри муқда муалло.

Усти бут, қорин тўқ, хонадонн тиқ —
Улус, султон сўзин икки қилмас ҳеч.

Ақлин, фикрин пешламоқ даркор,
Ўтмас ақлу фикр жонгадур гадор.

Элчи дерки: илким қайтмасин қуруқ,
Тақсир изламинидур шудгордин куйруқ.

На куйруқ, ўлакка ҳам йўқдур шудгорда,
Сўяк ҳам топилмас, қидирса горда.

Йна зақот солсақ улус бошига,
Бошини урғай ул гурбат тошига.

Шу важедин, жаноблар, давлат ҳоли танг,
Хазина бўш эмини, султон ҳам гаранг.

Давлат бизинкидур, давлатин зинҳор,
Ҳалокат домидин қутқармоқ даркор.

Улуени жонимдин афзал кўргаймен,
Зақотни муқимдин фақир бергаймен».

Озод нафас олиб улуглар алҳол
Олқини сўзларини дедилар хунҳол.

¹ Даҳона — чегара (дарвозаси).

Элчининг муғомбир кўзлари ёнди,
Ўлтирган жойида мамнун тўлғонди.

Шоир кўнгли бир оз топиб осойиш,
Рустамга шу замон берди фармойиш:

«Султон ҳазратлари сезмиш эҳтиёж,
Юз мингча динорга топинг бир илож.

Вақфга аталган мулкдин, эҳтимол,
Хазина қурсоғи тўйса бемалол».

Фармойишдан хурсанд бўлди-да элчи,
Дик этиб кўзгоғди мисоли эчки.

Бу карам яшиндек элга тарқалди,
Савоб гулшанида Навоий қолди.

Боши кукка етиб аҳли жамоат,
Амирга кўрсатди меҳру садоқат.

Ўзи йўқлаб келди элни у бугун,
Кори зироатдан қалбида тўлқин:

«Нафинг агар халққа бешақдурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпрақдурур».

IV

Мажиддин уйида қизиган базм,
Базм келинини безаган назм.

Муסיқа авжида, ҳофизлар хушхон,
Куй, кўшиқ мавжида замин у осмон.

Бог аро рақс этар бир жонон оху,
Қабоғи нилрангу кўзлари жоду.

Чумоли белидек миёни хипча,
Қалдирғоч думидек қошлар ингичка.

Сузгун боқишлари, ўгли ғамзаси
Бог аро ёқилган ишқ алангаси.

Ҳусайн Бойқаро мисли жаҳондор,
Бешиқдек тебратар уни «Омонёр».

Жонига ўт ташлар санам ишваси,
Васлини қўмсаган ноз, карашмаси.

Мажиддин хизматда — султон иззатда,
Иззатда бек, амир — Ҳирот хизматда.

«Тасаддуқ» деб султон ўт каби сачрар,
Мугбача май қуйиб шўх таъзим этар.

Оғзи қулоғида соҳиби хона,
Базмида йўқ унинг аҳли бегона.

Хожа Ўсмад эса амрига тайёр,
Қашқирбек мастона — кўзлари айёр.

Султонга юбориб совған нодир
Кибр тунин кийган Мирсафо тожир.

Ширакайф закотчи Хожа Миррҳсон —
Мажиддин макрига бағишлайди жон.

Гўлдираб кулади — сериловқин, ўжар,
Кимки нима деса «яхши» деб қўяр.

Бир қадах май билан Ҳиравий сархуш,
Шиллиқ кўзин артиб, мудраб, кўрар туш.

Самовийнинг эса ҳавоси баланд
Мисли Ҳиравийнинг ўстози монанд.

Чон деса — чопади, қон деса — қонар,
Фитнагар жонига макри асқотар.

Айгоқчи бўлиб у, таянч тонди — зўр,
Наздида Ҳиравий гарчи кекса — гўр.

Амир Мўгул чўкмиш тўнкадек, қўпол,
Маст боқиб, гудранар: «Хожа Хатиб, ол».

Қароқчилар беги Жамшид Қатоғон
Нозик хонадонда қадрли меҳмон.

Зиёфат қизиган, шўх ўйин-кулги,
Шароб хумига гарқ Хуросон мулки.

Ақлнинг кўзига боғич боғланган,
Идрокнинг жигари қон — чавақланган.

Шамолга сочилган умид хирмони,
Самога ўрлаган орзу фиғони.

Ишонч қалъалари хароба, бузгун,
Инсоф кабутарин гажийди қузгун.

Эътиқод офтоби қорайган — зулмат,
Шодликнинг қўллари кесилган — кулфат.

Зиндонга қамалган диёнат қизи,
Эрк чўгин сундирган сиёсат музи.

Ҳақиқат офтоби осмонда — хира,
Адолат кулбасин ёритмас сира.

Эзгулик гулшани кимсасиз сахро,
Садоқат парисин ранги қахрабо.

Тугрининг алифдек кесилган боши,
Эгрининг қабиҳлик, ётлик йўлдоши.

Булбул бустонида бойқуш ҳукмдор,
Оқил ватанида жоҳил зулмкор.

Мажиддин султонга қилар хушомад,
Хушомад туфайли жилмайди омад.

Улуғ вазир бўлиб юртни сўрайди,
Хусумат сепига дурни ўрайди.

Вафо эвазига хоинлик қилур,
Садоқат гавҳарин оддий тош билур.

Ким унга қайишиб, меҳр кўргизар,
Беқадрлик тигин жондан ўткизар.

Қалби шу даража қабиҳ ва жирканч,
Шафқат кишида кўзгатмас аянч.

Давлат дарахтининг гулин совулар,
Илдизига зимдан болталар улар.

Девонин босмоқда бало қуёни,
Игво саҳнасида қисмат уйини.

Ришват тикаслари ёнида танга,
Виждон гуани хасдек отди гулханга.

Ошна қадр тонди — бегона жабр,
Жабр эъозланди — тонгалди қадр.

Душманлар дўст бўлди, дўстлар-чи — душман,
Тунгиз кириб гўё тонгалди гулшан.

Кайф-сафо, айш-ишрат тахтида султон,
Мажиддин ҳам яшар мисли ҳукмрон.

Унга ташлаб қўйиб хўракли қармоқ,
Вазир элдан йиғди неча минг ёрмоқ.¹

Ер тағида ялон юрса билинди;
Элдан тушган солиқ «арра» қилинди.

Чўнтағи семирди, ютди хазина,
Улус, бу — текини куч, текини дафина.

Аҳли зироатдан хўнарманд қадар
Чеккан фиғонлари бермади самар.

Солиқ панжасида бўғилди жони,
Емоққа қолмади хонида² лони.

Хазина оғзини очиб ўпқондек,
Тутди оч комида элни қонқондек.

Кирим-чиқим билан султон иши йўқ,
Ҳараму шаробдан зўр ташвини йўқ.

Истифода этиб мансабин вазир
Қаҳрига учради неча бек, амир.

Низомулмулк, Хожа Афзал аугумда,
Сухайлий тентирар аччиқ самумда.

Валибек барюсни қилмас андиша,
Манфаат ариғин бўғар ҳамиша.

Ҳиротнинг ҳоқими Валибек гарчанд,
Мажиддин макри-ла қўл-оёғи банд.

Таъқибда қолгандек Бадиуззамон,
Жонида ором йўқ на тонг, на хуфтон.

Эл яшар ҳомийсиз — Навоий кетиб,
Оҳ, фарёд чекарлар ёқасин тутиб.

Шухрат тожи йўқдек Ҳирот бошида,
Кузлари хунобдир³ гусса тошида.

Пойтахт гарқ фисқ-фужур, игво наҳрига,
Бузуқлик, қузғунлик, гавго наҳрига.

Май ичиб, банг ебон сархушдек пойтахт,
Ақлдан озгандек, беҳушдек пойтахт.

Қуюндек қўнғандир сарой фитнаси,
Дилларга санчилар фитна игнаси.

Астробод закоти эди бир уйин,
Чиншакка чиқарди у вазир уйин.

Шоир у эл аро соғали шифоқ
Қўйинга тўлдирган эди пуч ёнгоқ.

Уйинин ютқазиб, ҳафсаласи шир,
Қовоқ боини билан қидирар тадбир.

Зимдан санчиб султони қузига хорин¹
Мўмай ундирса-да юз минг динорин²,

Навоий шаънига етмади пугур,
Аксенча, бўлмиш у улусда машхур.

Тоғ қадар юмушини кифтида тутмиш,
У элининг, эл унинг илкшини ўймиш.

Кун сайин юксалимиш шоир обрўси,
Шаҳотки, кор қилмас игво оғуши.

Баам — балад торда, авжида наво,
Қўшиқлар мавжида чайқалар маъво.

Гарчи соқолига тушгандир қиров,
Султоннинг қонида май ёқар олов.

Қузи оч — суқ боқар раққосага у,
Илондек тўлғонар гамзаваш оху.

Қулоғи остида шинишйиди вазир:
«Сарвад бир пари сизга муғтабир.

Фақир игвом этгай қўз қаросини,
Онаси ўлмаган дилрабосини».

Қуллуқ боини эгар ширакайф султон,
Виқор тўнини кияр Мажиддин шодон.

Қулоғига қуяр келди деб фуркат:
«Музаффар мирзодек соҳиби қудрат.

Шаҳзода кам бўлгай мулки жаҳонда,
Боши омон бўлсин дорул-амонда.

Балогат фаслига етминдур ёни,
Тож узра нур сочур порлюқ қўшини.

Гар бирор музофот қилинса игвом,
Улус сиздек уни этгай аҳтиром».

Султон эриб кетди — шўх кулди қузи,
Қузида чақнади ҳавас юлдузи.

Дилида гами йўқ — меҳмонлар шодон,
Куй, қўшиқ, шаробдан жонида тугён.

Қашқирбек кузлари ўйнайди бежо,
Раққоса нозланар қилиб илтижо.

Султондан ҳайиқиб боқади ўғри,
Қузи остидан отар қалбига чўғни.

¹ Ермоқ — танга, пул, ақча.

² Хон — дастурхон.

³ Хуноб — қовли ёш.

¹ Хор — тикан.

² Динор — олтин ақча.

Кукларга кутариб султон базмини,
Самовий ўқийди шира назмини.

Қашқирбек, офарин гулин узатиб,
Қийшиқ салласини қуяр тузатиб.

Мажиддин, кифтига қоқиб миннатдор,
Фитна кизин тикди унга умидвор.

Самовий пойлайди султон оғзини,
Чақдимикан дебон газал магзини.

Султон эса тутар раққосага май,
У ёнар истиғно ўтида ҳай-ҳай.

Вазирга ишора нигоҳин қадаб,
Гап отар: «Узибсиз, минг гулни танлаб.

Танноз дилрабони элтинг ҳарамга,
Танини кумгаймиз дурри карамга».

Мажиддин таъзимда: «Амри вожибдур,
Моҳируй кунглини олмоқ лозимдур».

Ўйинчи паризод қилиб ўт гамза,
Рақс этар — боғ аро ёнар аланга.

Алангада қолиб Ҳусайн жони
Қалбида қузғолди истак тугёни,

Қимматбаҳо совға ва шоҳона тўн
Қуйилиб, базмга ясалди яқун.

Султон кайфи баланд, хушчақчақ ва шўх,
Ғолиб чеҳрасида тантана, шукуҳ.

Аҳли базмга у, булинг деб бардам,
Ҳашамдор қасрга йўл олди шаҳдам.

Ясоғлиқ хонада гул каби титраб,
Бир санам кутарди кўзи мултираб.

Эшикдан кирганда қартайган қоплюн,
Ўт каби чақнади ҳайиққан жайрон.

Мажиддин, узгадек мурод юлдузин,
Султоннинг қўйинга солди ўз қизин.

Энди булғай дебон мартабам боқий,
Шодумон буюрди: «Шароб сун, соқий».

Унга жўр бўлиниди ҳамтабоқлари,
Тўти каби мутъ қўз-қабоқлари.

Мақсад ишин дилга тугди-да маҳкам,
Ганин калта қилди вазирни аъзам:

«Гарчи Астрободга қилинди ихрож,
Навоий султонга кўрсатур минҳож.

Мактуб битмиш: усул идорасидин,
Илк узманг демиш мулк фуқаросидин.

Огоҳ булинг демиш яна девондин,
Қўйинигизга кирган қора илондин.

Қора илони ким? Фақир ё Ўсмаат?
Шужондин ёки Қашқирбек, наҳот?

Йўқ, асло! Бу бўҳтон, уйдирма бир гап!
Қора илон чақур, тинч турсак қараб.

Навоий ёвлиги бизга бешакдур,
Ҳаёт саҳнасинин олмоқ керакдур».

Қашқирбек гудранди: «Мушкул вазифа,
Ақлда тенгсиз у, қандоқ зариф-а?»

Хожа Ўсмаат ёнди: «Йўқотмак даркор,
Токи улдирмасин заҳарлаб, у мор»¹.

Самовий хезланди: «Ўзидин ўзга
Аҳли шуарони илмайди кўзга.

Биной, Ҳиравий гарчи даҳодур,
Навоий — бошида битган балодур.

Астрободга борса бир одами хос,
Қўйса у кишига меҳр ва ихлос.

Ишончин қозонгач, қилса корини,
Тантрига топширса ихтиёрини».

Барча маъқул топди — вазир ҳам хурсанд,
Кунглини Самовий этиб олди банд.

«Жанобим, тонгласи мулки Астробод
Азимати этгай дилингизни шод».

Самовий ўзига сигмай қувонди,
Оқибат, Мажиддин меҳрин қозонди.

V

Амир ҳорғин қайтди шаҳарни кезиб,
Элининг кам-қустига эҳтиёж сезиб.

Истироҳат қилиб шом салқинида,
Дилини яйратди боғ эпкинида.

Ижод хонасига кириб кетди сўнг,
Назмга тушмаган фикри кўп унинг.

Мактублар келтирмиш дебон номабар,
Ҳузурига кирди бир пайт Мирҳайдар.

Гарчи малол олди, қўйди-да, кулиб,
Унга боқди, кунгли қувончга тўлиб:

«Амир Сухайлийдин келибди нома,
Жанобим ёд этмиш улўг аллома».

Мактубин олиб у кўзига сурди,
Дўстига ишбатган меҳри жўш урди.

Ошиқиб ўқиди — ҳар сўз, ҳар жумла,
Энг оғир фуқаратда келтирди мужда.

Кўзига нур берди, кўнглига қувват,
Ғурбатда жонига бўлди мурувват.

¹ Мор — илон.

«Мирзо тобугида,¹ — дебди у нолон, —
Ед қилиб, йиғлармен, дўсти жонажон».

Дард ели титратди дил япроғини,
Меҳр илки ёқди жон чирогини.

Кузғуда жонланди дўст сурати хуш,
Учиб борар эди, бўлса эркин куш.

Парвоз этай деса қаноти йўқдир,
Айрилиқ — кўксини қонатган ўқдир.

Гарчи дўст ҳажрида куйиб-ёнадир,
Кўнглини овутувчи Ёлғиз номадир.

Қалбин қалам қилиб, меҳрин сиеҳдон,
Жавоб мактубини битди шу замон:

«Фироқ ароки, етар кўкка шуълан оҳим,
Бу утга, оҳ, агар раҳм қилмаса моҳим»².

Номангиз гарибни қувонтирди бот,
Ешингизни узун айласин ҳаёт.

Давлатингиз ортсун, асло ғам еманг,
Ед қилинг — ризомен, йиғлаб, лек деманг:

«Ҳажрингда менга одат бўлубдур йиғламоқ,
Шод бўлғилким, менга қисмат бўлубдур йиғламоқ».

Саодат ёр бўлсун, толеъингиз оқ,
Насиб этсин яна дийдор кўришмоқ».

Дил истагин битиб азиз мардумга,
Қарогини нуқта қилди мактубга.

Дўсти таъсирида қолди у узоқ,
Алам ништарини санчиди фироқ.

Умид нури этди дилини рўшно,
Висол саболари эсди дилкушо.

Хурсанд очди яна у бир номани, —
Паҳлавон Муҳаммад битган иншони.

У, ёзмиш даврондан нолиб, балокаш,
Қафасдаги булбул каби нолаванг:

«О, Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,
Доим ба дуоғуйию бо ёди туем.

Ин шаҳр бату хушасту мо бату хушем,
Мардуми хароби Астрободи туем»³.

Мирҳайдар дардланди: «Зур-да иншода,
Дўсту ёр фикрини этмиш ифода».

«Яна ширакайфсиз», — шоир тик боқди.
У деди: «аламдин жоним туюқди.

¹ Тобугида — хузурда.

² Моҳ — ой, севғили, азиз дўст.

³ Мазмуни: Эй Мир, сен пиримизсан, биз сенинг иршодинг билан ҳаракат қиламиз. Доимо ишимиз сени ёдлаш ва дуо қилишдан иборатдир. Бу шаҳар сен билан хуш кўринади, биз эса сен билан кўнглимизни хуш этамиз. Биз улагимиз ҳолда сенинг Астрободининг хароби бўлурмиз.

Бу улқада ичмай туролмас киши,
Исканжада тутур дунё ташвиши.

Сиздек улуг зотнинг дилин этса ранж,
Не даркор, аждаҳо комидаги ганж».

Шоир деди: «Иним, сизга ҳам мушкул,
Вале назм машқин унутманг буткул».

У чиқди — қисматин уйлади шоир,
Дарди тугён қилиб хурсинди оғир.

Ўқиб чиқди ўзга мактубларни ҳам:
Берида қувончу бирида алам.

Ҳокимлар қутлашар, афсусда дўст-ёр,
Ҳамсоя давлатлар қилар ифтихор.

Туркман дийридан элчилар келиб,
Муборакбод этмиш уни, шод бўлиб.

Яқуббек совғалар юбормиш беҳад,
Ҳарқалай, осойиш топди деб сарҳад,

Меҳмонга чорламиш қулай фурсатда
Ва демиш: бўлғайсиз иззат-хурматда.

Хусайн билан у, дўст эмас гарчанд,
Навойга азал хурмати баланд.

Шоир ҳада қилиб Жомий девонин
Хурсанд қилган эди туркман султонин.

Биной ҳам топиб ундан бошпана,
Кўнгли кўмсаб, қайтди Ҳиротга яна.

У, чўчир Хусайдан, Хусайн ундан,
Иноқ яшолмаслик сабаби шундан.

Журжон беги эгди тобеъ бошини,
Мамнун суз-ла ёқди дил оташини.

Яна Мозандарон беги ҳам келди,
Меҳрин изҳор этиб, ҳоким деб билди.

Осойиш барқарор бўлиб шаҳарда,
Улус тинч яшайди шому саҳарда.

Ёпилди майхона, қиморхоналар;
Очилди мактабу беморхоналар.

Табиблар, ҳабиблар, зарифлар элдош,
Муаллим, шуаро, шарифлар қўлдош.

Навой ҳаёлга берилган онда,
Уйланиб, сайр этган чоғда бустонда,

Бобо Али кирди — ичдан суюнмиш:
«Жаноб Хожа Афзал ташриф буюрмиш».

«Наҳотки!» — ҳайрати тошиб қувонди,
Дўст меҳри қалбида ўт каби ёнди.

Эшикка отилди ва чиқди ўтру,
Навой қошида таъзим этди у.

Самимий кўришди қадрдонлар бот,
Дил дилдан излади меҳр ва нажот.

Ором тўнагига утиргач меҳмон
Хирот ҳақинин айлади баён:

«Мажиддин макен ошиб саройда,
Узгалар хор бўлди у турган жойда.

Султоннинг кўзига кўрсатиб ёмон,
Таъқиб туги билан кўжсин этди қон.

Вазирликдин кетди Ниёмулмулк ҳам,
Мулюзим бўлиб у чекмакда алам.

Ҳи беш йил саройга хизмати сиптан
Фақир бошим узра бутун тош сиптан.

Елга соғурисди шунча меҳнатим,
Туироққа тенг бўлмин қадри-қимматим.

Султоннинг кўзига кўрсатиб ёмон,
Мажиддин зуғумга олди беомон.

Давлат юмушини қилиб баҳона,
Астрободга қочдим тулда шихона.

Таъна тошларидан қонаган бошим,
Қалбимга тўкилар кўзимдан ёшим.

Макка сафарини дил қилиб ҳанас,
Бош олиб кетмакни нетади, хуллас.

Зулмдин не эотлар бўлди жувоимарг,
Менинг дардим эа дард устига дарг!»

Шоир дер: «Замоннинг келиши ёмон,
Комига тортмаса барчани зиндон».

Вазир дер: «Зиндонга ўхшайди девон,
Мажиддин барчани қилмин қатогон.

Ҳайиқиб, билмаймиз керагимизин,
Олдириб қўйганмиз юрагимизин».

Шоир дер: «Маккани дуруст ўйлабсиз,
Ўзингизни банди қилиб қўймабсиз».

Вазир дер: «Берсангиз руҳсати олий,
Ўлгунча унутмам сизин, Навоий!»

Шоир дер: «Водариг, умр ўтмакда,
Йўқлик дунёчи ҳам илк узатмакда.

Эмди ёни эмасмиз — умр қишида,
Сочимиз оқарди эл ташвишида.

Охират сафари яқиндур, ҳайҳот!
Билан ҳам сунг йўлга узатур ҳаёт.

Ситмасак, иштурмиз, Хирот бағрига,
Дур каби яширмас садаф қаърига:

«Соқол оқи ўлумга ишравдур,
Тириклик сабзаси узра қиравдур».

VI

Девон боғи яна ёз кучоғида,
Мажиддин ёнмоқда кин ўчоғида.

Кўчи алашгада, Саратон сели
Ўт нуқтар, эмайди Хироруд сели.

Бир даста оломон субҳи содиқдан,
Ҳайиқмай, арки-доҳ қилар солиқдан.

Ислоҳ қилинсин, деб, закот фармони,
Девонин босади ғазаб бўрони.

Ур-йиқит қилмоққа ҳозир оломон:
Арзимиз тингласин, дейишар, султон.

Илож йўқ, наиклар мисли аждаҳо
Халқни сарой томон йўлатмас аслю.

Ўтқир қилич бўлиб қўлини кесар,
Метин девор бўлиб йўлини тўсар.

Султонга етмасин дебон бу гаёго,
Мажиддин кезади — қадами бежо.

Бошини қонлаган баёо булутти,
Тикакли кўзида адоват ўти.

Ўлжага кўзи оч қанқир синағи
Ойчин ялайди баттол дўстлари.

Уларнинг бўйшидан «занжирин» ечиб,
Буюрар: тинчлитинг оломонин деб:

Селдек емирди эл Хожа Ўсмадин,
Йқин йўлатмади юраги ётин.

Наъра тортди: «Йўқал қўздин, эй мироб!
Сув эмас, ариқда оқиздинг зардоб».

Ўзингизни бек қилиб олдинг бир кунда,
Гадо подшо бўлди гўё бир тулда.

Олдинг ўзинга боқ, сўнгра ўзига,
Дарф бўл, муҳтож эмас эл маърузига!»

Мироб чекнади — дили ҳайиқар:
Омий эл бирланса тоғни-да йиқар.

Ўлига «тош отди» — нафрати йвуз,
Обрўсини тўкар қилса тажовуз.

Деди: «Ўзинг сенинг қошигдан эмас»,
Сирини фои этди ҳайиқмас нокас.

Узоқ фарсанд кўрмай қатта хотини
Ғамда хазон қилди гул ҳаётини.

Тириққа зор бўлиб ғуссада боини,
Зўғини остида қолди кундонини.

Ёқасидан тутди бир кун маҳкам:
«Уругинг пуч сенинг эркак бўлсанг ҳам».

Ошкор қилсам барча сирини бир бондан:
Сенданмас, кундонини туғар ўйнашдан.

Ўйнаш тутсам эди мен ҳам бонинда,
Ўтиндек ёнамасдим дард оташинда».

Мироб хасдек тутар — айблари ошкор,
Меъасиз дарахт у, қисмати дунвор.

Гарчи сирин билар кичик хотинин,
Сездирмас, покиза сақлайди отин.

Унга зурёд керак — йуқ узга чора,
Бор дарди ичида — яшар дилпора.

Бир гўдак тоғтилар, катта хотини:
«Тангриберди» дебон қўйди отини.

Кўксидан сут келди — қувонди она,
Угай угил боши узра нарвона.

Гам кўрмай усди у — қўнмади губор,
Усди меҳри қаттиқ, бағритон, хунхор.

Ниҳоят бек бўлди. Мироб умиди:
Улусда кўнайса ўглин муриди.

Амир бўлса гар Тус музофотига,
Шон-шавкат келтирар унинг отига.

Аmmo, эл ғавғоси тинчини бузди,
Юрагини тешиб тигин ўтказди.

Балки, ўглига ҳам бермас осойиш,
Қайдин бек бўлди, деб қилур намоийиш.

Бу ғавғо сасини эшитса султон,
Етиб олар беклик кулоҳин шу он.

Яна сарф этмаса неча минг динор,
Ўглининг беклиги қилинур бекор.

«Ўт билан ўйнашманг, ҳай-ҳай» деб мироб,
Маждиддин қошида букилди хуноб.

Фигони сел бўлиб, у голиб юрди,
Қашқирбекка ғазаб ила буюрди:

«Навкарбегига денг, қилсин қатоғон,
Овозини бугинг — тинсин оломон.

Сардорини тутиб келтиринг дарров,
Улуснинг нафрати олимасин олов».

Кўчага отилди у мисли дажжол,
Элни кўриб, учди бошидан хаёл.

Яқинроқ келди-да, деди ҳийлагар:
«Ғавғо билан битмас ишингиз магар.

Сиздин вакил қолсин, тарқалинг тезроқ,
Жаноби Маждиддин чиқсалар, бироқ,

Кеч булур, солмасин яна зиндонга,
Бостириб келмангиз минбаъд девонга.

Султонмас, бегингиз зулм кўргизар,
Закоғ баҳонаю ўзини кўлар.

Шафқат илкин чўзгай вазири аъзам,
Фақирининг сузи чин, чекмангиз алам.

Уч-тўрт киши юрсин менинг изимдин,
Ўлсам-да, қайтмасмен айтган сўзимдин».

Халойиқ ишонди — тортмади наъра,
Алданган бўлса-да, гарчи бир қарра.

Улуснинг номидан бир неча киши
Боғ томон йўналди — дилда ташвиниши.

Навкарлар зугимни ўтказиб чандон,
Ўйингизга жўнанг, деди оломон.

Ночор эл тариқдай сочилиб кетди,
Ишимиз битгай, деб қаҳрини ютди.

Қашқирбек улоқда чиққандек голиб,
Вакиллар дилига зимдан қўл солиб,

Маждиддин меҳрини қозонгансимон,
Бош эгди, ғавғолар босилди дебон.

Гарчи ғазаб дуди дилида бурқсир,
Мулоиймлиқ билан деди у дилгир:

«Билямен, закотчи Хожа Мирҳўсон
Кўюшқондин чиқмиш, чораси осон.

Тажовуз илкени кесурмиз анинг,
Қадрингиз қилмасмиз тупроқ ила тенг.

Бир миқдор ақчага хазона муҳтож,
Хазона оч бўлса — йўқдир ҳеч илож.

Муҳтожлик туфайли мажбурмиз, зеро,
Закотни қилмади фақир ихтиро.

Азал халқ бошига тушган ташвини бу,
Закотсиз давронни ким қилмас орзу?

Ҳокимият бўлсин деса мустаҳкам,
Закотдин бош тортмас ақлли одам.

Узмоғи лозимдур давлат қарзини,
Девонга айтмасдин ночор арзини.

Йўқдин бор қилмакнинг йўли топғайсиз,
Мушкул водийсида бедов чопғайсиз.

Кўз яқин, кутаргач хирманни алҳол
Тегишли закотни берингиз дарҳол.

Бир қисмини давлат олғай бўйнига,
Ғам ели эсмағай улус уйига.

Сиздин асло дилгир бўлмасин султон,
Гарчи сизу бизга эмасдур осон».

Вакиллар ҳайратда — тошар фигони:
«Шунча бағри тошми юртнинг султони?»

Дадил айтолмаслар ичдагини,
Вазир кавламоқда унинг тагини.

Султондан, мабодо, эл бурса юзин,
Жаҳаннам қаърида кўрар у ўзин.

Нуъмон очиқ деди: «Вазир аъзам,
Туқнинг оч киши-ла ниши йўқ ҳеч ҳам.

Эл жони тикилди, ахир, бугизга,
Закотнинг макридин уйи тўзиган.

Султон инсофини едим бурри,
Навоийсиз элнинг қурди шўри.

Хеч вақониз йўқдур — қочар гадо ҳам,
Тинкамиз қуриган — дилимизда гам.

Шафқат қилмасалар жанобим агар
Улус мур-малахдек яна қўзғолар».

Мажиддин қилди-да тил-гламалик,
Миробга ушқирди — дилида ҳадик:

«Ким дўсту ким дushman? Билмайсиз ҳамон,
Беклармас, улуста бўлинг қадрдон.

Минбаъд сиздин нолиб келса кишилар,
Сабр кўсасининг таги тешилар».

Хожа Ҳаснат берди ваъдани қуюқ,
Сўзининг вазни кам, маъноси суёқ.

Яна деди вазир тикилиб айёр:
«Навойининг, балки, музда қўли бор?»

Ундоқ бўлса, айтинг, гапининг ростини,
Кимдан олмақ бўлур шонр қасдининг?»

Нуъмоннинг фиғони чиқди фалакка:
«Бу гапингиз, жаноб, сизмас куракка.

Эли мен қўзгадим — туғаб бардошим,
Алам деворига текканда бошим.

Майли, ҳибс этинг, ташлап зиндонга,
Фақирдек тушгайсиз сиз ҳам қонқонга».

Мажиддин газабда — қотди тахтадек,
Қўзи чаногидан чиқди пахтадек.

Қарс урди — навкарлар кирди ичкари,
Амрига қўз тутди жалюд сизгари:

«Бу жоҳил бандалар онминн ҳадидин,
Улса-да, чекинмас ўз мақсадидин.

На чора? Зиндонни қилминлар ҳавас,
Тинч ҳайт жонига текканминн, хуллас.

Қўлу оёғига солинг-да занжир,
Элтинг ҳавас қилган жойига абжир».

Нуъмон қаҳри тонди: «О, номард тулрак,
Бирор кун қўлимга тушасан бешак!»

Бир деҳқон уқрайди Қашқирбек томон:
«Бизин алдаб қўлга туширдинг, илон».

Ур-йиқит бошланди: навкарлар бир ён,
Бир ёнда — тузоққа тушган беш деҳқон.

Бош мироб қўрқувдан қочди бош олиб,
Издан югурди Нуъмон тош олиб.

Мажиддин зўр келди навкарлар билан:
Деҳқонлар қўлига солинди кишан.

Гарчи тутқун — қаҳри қўнар сел каби,
Қонларда қайнайди улус матлаби.

VII

Султонни зулукдек сўрар, май, ҳарам,
Юзлари синиққан, кўзида алам.

Қомати букикроқ, чиққан елкаси,
Қўнгил кўзгусида ҳасрат кўлкаси.

Зуриқар бедаво беланги дарди,
Соқоли мўйида кўпроқ ун гарди.

Кун оққан — қўзғолар шароб хумори,
Чилим тутар дилкаш юртининг мироби.

Қулт-қулт тортар султон дил кайфи учун,
Кўксини тўлдирар заҳарли тутун.

Сўхбати жон тузар Хожа Ҳаснат шод,
Тилини илондек чақар Астробод:

«Амир Хожа Афзал тошиб бошана,
Ари уясига чўн тиқмини яна».

Султон дер: «Ул зотта кини бегонадур,
Бузоқнинг қочгани сомонхонадур.

Ташвин чекмагайсиз, салтанат маҳкам,
Тинчимиз бузълмас дажжол келса ҳам.

Жаноб Хожа Ҳаснат, чорландин мурод —
Қўнгул уйингизин этмоқдур обод».

Мироб ўзида йўқ қувонди чунон:
«Жон қўлогим сизда, ҳазрати султон».

Шоҳ деди: «Очилминн бир гул гунчаси,
Муаттар бағрида шик тулунчаси.

Мажиддин Муҳаммад қўз қароси у,
Сиймган паризод — кўзлари жоду.

Ошиқ булбулига бўлиб шитзор,
Хунбўй сочиб ҳар ён, ўсминн бахтиёр.

Ул гулнинг ҳидидин булбул бўлса маст,
Ҳайт гулшанида этса жон паймаст.

Фақирининг шияти: ўғлингиз хуррам
Бутоғидин укса шу гулши илдам.

Улуғ вазир билан бўлсангиз қуда,
Турмушингиз кечар яна осуда.

Хожа Ҳаснат эди қўлуқ бошини:
«Аъю ҳазрат, тонгай ой қўёшини.

Шият қилибдими улуг подшоҳим,
Келин билан обод бўлгай даргоҳим.

Ўғлимга бердингиз бек ушқонини,
Йўлингизда фидо қилгай жонини.

Музаффар мирқо-ла Тангриберди дўст,
Мирқо — магис бўлса, фақир ўғли — пўст.

Бахтимга шукрки, бир қўлингизмен,
Не қул, салтанатда ўнг қўлингизмен.

Ризо бўлса, кошки, вазирни кабир,
Азиз бошингиздин дур сочсак арзир».

Хўрсанд чилим тортиди султон пайдарпай,
Чилим кайфи билан хумор қилди май.

Ўнгида жонланди висол кечаси,
Огушида ётган гулнинг гунчаси.

Ҳарам гули эди сарви хиромон,
Истагин қондирди қумсаса қачон.

Энди боғлаб қуяй дебон бошини,
Қувва бермоқчи тун сирдошини.

Қарс урди, бош эгди эник ога шай,
Мироб тиржаяди ичига сизмай:

«Дарҳол ҳозир бўлсин ваъзари аъзам,
Чоғирга чорласин раққоса санам».

Бир зумда Мажиддин кирди ичкари,
Таъзим бажо этди қули сингари.

Рухсат тилаб чўқди мироб ёнига,
«Қайнота»дек боқди юрт султониغا.

Эркин тутиб эди ўзини вазир,
«Қуё»нига зимдан кўрсатар таъсир.

Висол шаробидан маст бўлиб у ҳам,
Давлат жиювини тутқазди маҳкам.

Шама қилди вазир тошиб қулай он:
Никоҳга олсангиз ҳуб бўлмай дебон.

Шариатга тўғри келмаган сабаб,
Хотини бўлмас унинг гунчалаб.

Мамнун деди султон: «Сиз ўстирмиш гул
Ҳуснига ошиқу шай,ю бир бўлбўл.

Хожа Тангриберди ила Дилором
Тақдир қўшилсини хуласи калом.

Жаноблар, кўргайсиз тўйга ҳозирлик,
Йилг хотинлигу қиз бўлмай эрлик.

Дўст эдингиз, қуда бўлмайсиз — ҳамдам,
Қариндошлик сини боғланмай маҳкам».

Қудалар қутланди бири бирини,
Жон уйида сақлар султон сирини.

Миробни қўзотди тўй таралдуи,
Султондан шодлигини йўқдек ҳудуи.

Мажиддин дилгирроқ, сездирмас, аммо,
Дилида гужанак неча муаммо.

Султон қизин қилур ўздан нари,
Нечук кечур эди мушкул ишлари?

Никоҳга олмади — бўлса уйини,
Тўфон турса ҳамки учмас отани.

Меҳри онди яна миробга унинг,
Қуввини кўргай ўгли билан тенг.

Ҳарқалай, қизининг боғланур боини,
Ҳайъда тошди содиқ йўлдоши.

Қулай фурсат ислар анчадан бўли,
Дилини ёрмоққа тоналмай имкон.

Бугун омад қулди — султон кайфи зур,
Кин тугунин еча, қиллолмай манзур:

«Олий ҳазратларин кўриб гоёт шод,
Яна Астрободни фақир этмиш ёд.

Навой тил топмиш Якуббек билан,
Гараз уругини сочмақда туркман.

Сизга душман киши дўст булур нечук?
Бегараз тувакни яламас кучук.

Мозандарон, Журжон ҳокимлари ҳам
Тобълик бошини эгмишлар хуррам.

Беш қўлдек бирлашиб, сизга нисбатан
Душманлик қилмасе дейман дафъатан».

Султон ҳадик тортди, лекин бир онда
Ишонч ва садоқат жуи урди қонда:

«Навой қадрига етмайсиз ҳамон,
У қабиҳ фитнадин юксак чин никон.

Дўст бўлиб душманлик тигини тутмас,
Ким қилса душманлик вале унутмас.

Истифода етмас мансабин асло,
Бош эгмас, боиндин ёнга-да басло.

Аҳлат тахтида доим устувор,
Эътиқод, иймонда эмас беқарор.

Якуббек соллоқда кўнглимга хатар,
Шоир қисматидин хавфдаман бағтар».

Вазир ўсмоқчилаб, яна гап таиллар,
Шубҳа учқунидан қўзаб отаиллар:

«Баъзан ноҳун хабар келмоқда Балхдин,
Амир Дарвеш Али нотинч койтахтдин.

Маҳмуд миркю билан анинг тили бир,
Огаси туфайли, эҳтимол, дилгир».

Султон деди бошиқ: «Ким қазиса чоҳ,
Ўзлари йиқилиб, омон қолмай шох».

Дарвеш Алинга денг: кетмасин ўздин,
Олий жазо олмай ким чиқса сўздин.

Ишониб юрмасин Маҳмуд мирзога,
Боинини суқмасин гараз никзога».

Мажиддин сукутда — фурсат кўрошини,
Неча савол яна кўрнаган боини.

Йўқ, оғиз очмайди эл никосидан,
Айрилиб қолмасин ўз гилосидан¹.

Оломон гавҳосин тили кесилган,
Нўъмонини остани чилвир энилган.

¹ Гизо — овқат, озиқ.

Гарчи зиндон ичра ётар — нурга зор,
Очофат оғзини очиб турар дор.

Қизининг номусин сотиб, бейимон,
Себзорни суюрғол олди бегумон.

Унда чорбоғ ясаб, қурар айш-ишрат,
Ўзи оқиб боргай совгаю риниват.

Саройда, мавқени кўтариб кўкка,
Юшмоқ, кескин деди Низомулмулкка:

«Жонингда яшашдин бўлса умидинг,
Мен бор жойда қисиб тургайсен думинг.

Изимдин, сўзимдин чиқмайсен сира,
Ҳадеб шоҳ қошида бўлмайсен хира.

Хизматимни қилсанг икки букилиб,
Ел турса, кетмайсен тутдек тўкилиб.

Қасам ичсанг, яна вазир этурмен,
Барча гуноҳингни маъзур тутурмен».

Низомулмулк деди: «Яшанг умрбод»
Ва тангри номига қилди қасамёд.

Ўғиллари бахтин кўзлаб, на чора?
Тозидек югурди — қилса ишора.

Мажиддин султонни измига солиб,
Подшоҳдек, саройда кезади голиб:

«Аъю ҳазратлари, муҳайе чоғир,
Гулбадан раққоса кўзи мунтазир».

Султон шод кўзголди, оғриқ белини
Уқалаб, тишлади оғоҳ тилини:

«Чоғирга чорламамг аҳли киборни,
Танҳода қумсаймен нозли дилдорни».

Султон виқор билан чиқди ташқари,
Мажиддин гўнгиллар мисоли ари:

«Аҳли созандаю фақирдин булак
Кишилар бўлмагай чоғирда бешак».

«Ғоят соз, офарин!» — жилмайди султон.
Енгил юриб кетди висолгоҳ томон.

Боғаро сайрда чиқдилар пешвоз
Мўмин мирзо билан Музаффар мирзо.

Музаффар — успирий, Мўмин — навбахол,
Ҳаёт гулшанида бир гунча мисол.

Меҳри тошиб қучди неварасин у,
Туйғун кўзларида кўрди зўр орзу.

«Бир газал уқунг» деб ширин сўзлади,
Қувончдан чақнади ҳорғин кўзлари.

Мўмин мирзо мисли полапон бургут
Дадил парвоз қилди — кўзларида ут:

«Дустлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз;
Меҳри гардун бўлсалар, кўз нуридин ёрутмангиз».

«Офарин, шаҳода! Дард кўрманг» дебон,
Газал мазмунидан ҳайратда султон.

Музаффар мирзога, бўлинг деб иноқ,
Вазир билан елди чоғирга муштоқ.

Мўмин мирзо ўйлар: «Хўб-ку оғаси,
Нечун иноқ бўлинг деди бобоси?»

VIII

Ижод боғи яшар ажиб ҳаётин,
Гоҳ мамнуи, гоҳ маҳзун тинглар баётин.

Бир кунда минг ташвини кечар бошидан,
Дарди тошиб ётар ичи тошидан.

Гоҳ сокин, гоҳ тошқин олмоқда нафас,
Қора қуюн ҳужум қилмоқда абас.

Боғ гамин тортади унинг боғбони,
Ҳаёт ишқи билан яшайди жони.

Боғбоннинг номини эшитган башар
Умид дарахтига суяниб яшар.

Тоғдек таянчим, деб у ҳам улусни,
Мурод чашмасидан ичмоқда сувни.

Ҳаёт бустонида оқса не дарё
Келиб қуюлади бу боққа гуё.

Бағрига туташар барча сўқмоқ йул,
Узоқ-яқин қумсаб узатади қул.

Меҳр билан қуёш ҳаёт бағишлар,
Сунбул сочин ёйиб ой тўкади зар.

Само туйнутидан пойлаб кундузлар,
Томошага чиқар тунда юлдузлар.

Парвариш этади боғини гарчанд,
Вилоят кори-ла боши унинг банд.

Салқин тушиб қолди — эшик қоқар қиш,
Қалашиб ётубди бошида ташвини.

Авж пардада йигим-терим мақоми,
Қули тегмас бошин қашнишга оми.

Узум узар, олма, беҳи, нок терар,
Енгоқ қоқар, момик терар, дон янчар.

Вақт тигиз — қуёшли кунлар ганимат,
Нон каби азиздир барча ноз-неъмат.

Ҳар лаҳза олтинга тенгдир бу асно,
Бир йўла қад ростлар уч янги бино.

Мактаб, шиғохонна, масжиди жомиъ,
Вилоят халқига шоир инъоми.

У, тонгдан усталар бағрида — яктан,
Бир юрак уч жабҳа ўтида ёнган.

Бунёдкорлик ишқи оқар қониди,
Сут билан киргандек яшар жониди.

Иморатлар киймиш мухташам либос,
Устуну эшикка безак нақши хос.

Кўркига кўрк қўшур оро қалами,
Тилсимдек очилур санъат олами.

Шоир энг шимариб бу долзарб пайтлар
Бинолар тоқига чекмоқда байтлар.

Дурадгор Мираслам, ганчкор Мирадхам
Хужралар ҳуснига бермоқда ҳашам.

Санитарон тош йўнар, наққош ўяр нақш,
Конишкор конинга меҳрини этар бахш.

Ҳаво очиқ эди, уйди қабоғин,
Қаттиқ шамол жиб, боиланди ёғин.

Саргардон булутлар исғини қўнди,
Келиб, қизғин шининг белига теғди.

Коргарлар дилига тунса-да ларза,
Осмон чарақлади ўтмай бир лаҳза.

Севалаган ёмғир ясомай қўлмак,
Намхуш ер бағрига синғди жон ҳалак.

Навоий ҳайратли боқди самога
Ва деди ҳазилкаш, шўх жамоага:

«Бу ернинг ҳавоси ғалати экан,
Танноз жувон каби гоҳ тунд, гоҳ шўх-шаён.

Наққош кулиб деди: «Шаҳримиз асл,
Бир кунда рўй берар бунда тўрт фасл».

Навоий жилмайди: «Ҳали шундоқ денг?
Дарвоқеъ, бир кунни бир йил билан тенг!»

Вақт секин ўтаркан, уста, бу ерда,
Қўрмадим бундайини юртни умрда».

Жамоат жонланди, шўх кулди меъмор:
«Яратган оллоҳдин булинг миннатдор.

Мурувват илкани узмаса амир,
Яна бунёд бўлғай не олий қаср».

Навоий руҳланди: «Яна бир работ,
Мадраса, ҳаммомга муҳтож музофот».

Дурадгор мамнулик гулини тутди:
«Астробод манглайин офтоб ўлди.

Толъи шўр эди бераҳмлиқдин,
Ҳасрати зўр эди беқадрлиқдин.

Ит каби талади ҳокимлар келиб,
Амир Мўгул кетди терисин шилиб.

Ҳарқалай, мушкул пайт жилмайди толъ,
Кўкрагига тегди иқбол шамоли.

Сиз келиб сув оқди ариқлардин бот,
Ўлкада янгидан жонланди ҳаёт».

Шоир қуллуқ қилди, хурсанд усталар
Ғайрат отин минди — ишлар қисталанг.

IX

Баҳе ўти қизиган шинам хонада:
Ким турар нишонда, кимдир панада.

Бирн боғдан келар, бириси тоғдан:
Фикрлар нурланар ади чароғдан.

Астробод тарихи, улус қисмати,
Султон сўёсати, шоир хислати.

Илму фан, шеър-санъат масалалари
Мулоқот кншварин сочилган зарн.

Мирҳайдар оғзига тикилган барча:
«Шоир кўн, қадри йўқ, аммо гавҳарча.

Ҳирот косибидин меъмори қадар
Назмда ўзини санар суҳанвар.

Ғарчи шоир эрур ҳазрати султон
Батъида гавҳарин кўрур тошсимон.

Навоий йўлига қўядилар дом,
Ҳиравий саналур маликул-калом».

Самовий безанглаб кетди: «Мавлюно
Хизмати улусда тенгиз, бебаҳо.

Ёшлари улугдир Навоийдин ҳам,
Жомийга тенгқурмен дейдилар ҳар дам».

Мирҳайдар кўрс боқди: «Сайраманг мунча,
Эл жонига теккан сиздек булбулча.

Оёққа ёнишманг қонгогон итдек,
Бирор суяк кўрса чоногон итдек».

Самовий кўчага отилди ўқдай,
Навоийдан ўзга таянчи йўқдай.

Қаҳ-қаҳ уриб кулди Мирҳайдар голиб,
Бобо Али ундан хавф тортди нолиб:

«Кўзим учиб турган йўқ эди анга,
Бойғули қўнғандек энди гулшанга.

Келганмиш ҳазратдин олғали сабоқ,
Қўзлари бежодур, юрнини чатоқ».

Тошди Ботирбекнинг ўтли газоби:
«Сабоқмас, ўзгадур бутун мақсади.

Балки, у олгандур фармойиши хос,
Пойлаб юрингизлар изин, илтимос».

Бобо Али ёнди: «Фитначи гоят,
Қутулдим дегандим андин ниҳоят».

«Таъзирини егай итвачча» дебон
Мирҳайдар жаҳлини босди. Ушбу он

Фигоний ошиғич ичкари кирди,
Дустлар томирига олов югурди.

Шу ерлик эди у — лафзи ҳалол, чин,
Хислатига ёғдир хиёнат ва кин.

Мирҳайдар сингари йигит ёшида,
Назм фикри кезиб юрар бошида.

Меҳрдан яшнади улфатлар дили,
Абёт¹ дурри билан беазнди тили.

Фигоний бир ажиб рубоий битиб,
Отланмиш, завқимни баҳам кўрай деб:

«Сен кеча шод эдинг, бугун гамноксен:
Лек эрта булғайсен гамдин йироқсен.

Индин қандоқ бўлур қисматинг, билмам,
Сен дунё қулида бир кўғирчоқсен».

«Ваҳ» дер Бобо Али, тошиб севинчи,
Жавоб излаб ёнди Мирҳайдар ичи.

Фигонийга айтиб олқиш сўзини,
Дард билан чақнатди шеър юлдузини:

«Бугун очсен, аммо эртага тўқсен,
Бугун борсен, вале эртага йўқсен.

Бу дунёга қайтиб келурмен дема,
Ҳаёт милтигидин узилган ўқсен».

Фигоний, Ботирбек дард наҳрига гарқ,
Диллари кўкида олов тилли барқ.

Боши узра сочиб офарин дуррин,
«Ўқингиз» дедилар яна бир шеърин.

Мирҳайдар қисматдан қилгандек нола,
Бир рубоий айтди — кўзида жола:

«Кам-кам ичдим, гоҳо пинҳона ичдим,
Гоҳ шодликдин, гоҳо гирёна ичдим.

Севгилим кўзидин сочилмиш жола
Қадаҳга тўкилди, мастона ичдим».

Бобо Али дарди кўзғолди баттар,
Ҳаётга мастона ташлади назар.

Дилда тўғи қилди: бир дилдор ишқи,
Ҳижронда бузилган муҳаббат кўшқи:

«Йиғдин бағримни садпора эдинг,
Кўлгидин завқимни шарора эдинг.

Гамнок тунларингда бўлмай ҳамдард,
Юзқаролинг қилдим, не чора эдинг?»

Бобо Али боқди чорасиз, полон,
Улфатлар қутлади уни «ваҳ» дебон.

X

Сафарга отланар дилғир Алишер:
Ҳирийга тиламин бетоб Ардашер.

Мироҳур бедовни келтирган замон
Қошига отилди Самовий гирён.

¹ Абёт — байтлар, шеърлар.

Шоир ҳайратланиб ҳол сўрди майин:
«Дилингиз безовта нечун кун сайин?»

У деди: «Жанобим, этсам арзиҳол,
Ҳолимга маймунлар йиғлагай алҳол.

Бу шаҳарда сиздин ўзга паноҳ йўқ,
Бошимни суқмакка таниш даргоҳ йўқ,

Улуғ шоирликка қилиб зўр ниёт,
Шеърят йулида чекдим азият.

Оқибат олғали сабогингизни,
Устоди аълам деб танладим сизни.

Итдин ҳам хор қилди вале Мирҳайдар,
Пойлаб, урди гуё ортимдин ханжар.

Жиловини тортиб қўйинг, илтимос,
Фақирга тариқча анда йўқ ихлос».

Дили гаш бўлса-да, шоир юпатди,
Меҳрибон сўзларкан, ҳолин кузатди:

«Сиз билан тенгқур у, феъли галати,
Ҳақ сўзни юзига айтмак одати.

Шеърда навқаламсиз иккалангиз ҳам,
Гинани унутиб, бўлингиз ҳамдам.

Шоир киши бўлса худбин, рижор,
Ҳиёнатни этар умрига шиор.

Шоирнинг дилию тили бўлса пок,
Номини ардоқлар замин у афюк:

Қули ҳам, кўзи ҳам пок бўлса, кошқи,
Йули ҳам, сўзи ҳам пок бўлса, кошқи».

Самовий тош каби қотди ҳангу манг,
Дардини яшириб сўзлади гаранг:

«Сиздин олсам дебон «Хамса» сабогин,
Тарк этдим ҳазрати султон саройин.

Даҳо Ҳиравийдин ювдим қўлимни,
Сиздек топай дедим шеърда йўлимни».

Шоир ўткир боқди: кичик муғомбир,
Кўзи бежо ўйнар, тозидек олғир.

Хушомад бобида устаси фаранг,
Буқаламун янглиғ олар турли ранг:

«Абас тарк этибсиз, тақсир, саройини,
Эмди тошолмассиз у ёғлиқ жойини.

Шарафдур султоннинг хизматин қилмак,
Барча шуародек иззатин қилмак.

Устоддин юз бурар ношукр киши,
Ношукр кишининг юришмас иши.

Ҳиравий ҳам эмди мункиллаб қолди,
Қисмат қарғаб, ани минг кўйга солди.

Дуосин олсангиз ўзингизга ҳўб,
Сизни у фарзанддек кўради марғўб».

Боши гандираклаб шоирча мулзам,
Кифтидан босади тогдек залвар гам.

У рухсат тилади — иши келмай унг,
Шуурсиз равишда жунаб қолди сунг.

Ғапшик музи ҳамон дилида қотиб,
Навоний йўналди хаёлга ботиб.

Бобо Али билан бир неча навкар
Шоирга бўдилар ҳамдари, ҳамсафар.

XI

Мажиддин оёғи куйган товукдек,
Саройдан кетмоғи унинг ёвуқдек.

Даҳшатли гулгула тушиб жонига,
Эрталаб отилди султон ёнига.

Тикан тушагида ётди тун бўйи,
Игнадек санчилди соч-соқол мўйи.

Ғазаб — захри қотил, ўч — макри илон,
У, гўё шишага қамалган чаён.

Очилган ондаёқ шиша оғзи бот,
Заҳрига учрайди яна бирор зот.

У — илон, чақмоққа тургандек ҳозир,
Кавакка бош суқмас, кўринса — гажир.

Кўндаланг турибди: ҳаёт ё мамот!
Меҳр ва эзгулик юрагига ёт.

У турди — султонни пойлаб эшикда,
Кўрарди қирқоёқ бўлса тешикда.

Бир пайт эшик оға — Қулали хоксор
Бош эғди: тилади ҳазрат шаҳриёр.

Мажиддин, кибрли қисиб кўзини,
Хос хона ичига урди ўзини.

Русумга биноян у буқди-да қад,
Рухсат тилаб чўқди. Султон, бемақсад —

Келмаган дегандек тикди нигоҳин,
У қазий бошлади адоват чоҳин:

«Амир Алишербек қайтмиш тахттоҳга,
Омолсиз бош суқмас олий даргоҳга.

Эҳтимол чорасин кўрмоқ лозимдек,
У — ҳоким, келмагай бир мулозимдек.

Балки, саройини у яна қўмсайду,
Ҳирот осойишин бузмоқ истайду?

Рухсатсиз Ҳиротга қайтмаган бежиз,
Эшитдим у дилим этиб кетди «жиз!»

Тасодиф хабардан султон эди лол,
Фикрин олиб қочди ҳар ёққа хаёл.

Ижозат бериб у улўғ вазирга,
Уяланди, туншунмай ўзи бу сирга.

Эшикка чиққанда вазири аъзам,
Навоний келарди йўлакдан шаҳдам.

Зиёрат қилиб у Ардашер қабрин, —
Боши узра тутди устода қабрин.

Мажиддин кўрдию босди қалтироқ,
Олиб қочолмади ўзини бироқ.

Шуурсиз ҳолатда йўргалаб кетди,
Беухшов илжайиб, шод таъзим этди.

Ясама назокат, нозик такаллуф,
Ниқобли хушомад, ширин такаллум

Устамонлик билан этилди ижро,
Гарчи дил тубида қўзғолди ғавро.

Бир дамда минг турда бўлди намоён,
Ёқа ушлаб қотди Навоний ҳайрон:

«Бағоят хурсандмен сизни кўрмақдин,
Яна тахттоҳ ичра аҳвол сўрмақдин.

Жанобим, не хизмат чорлади бу ён?
Десалар: элгардик Дорилфатҳ томон».

Шоир кулиб деди, жунаркан шитоб:
«Тақдир тақозоси туфайли, жаноб».

Издан боқди у тишлаб тилини,
Ишқор ичган каби зиб дилини.

Қулали, шоирга кўзи тушган он,
Севинчдан қалбини босди ҳаяжон.

Содиқ навкар эди унга бир маҳал:
Либоси бут эди, егани асал.

Навоний ҳол сўраб, самимий боқди,
Уғлидек эркалаб кифтига қоқди.

Сунгра умид билан кирди ичкари,
Қолидан кўчгандек умид гиштлари.

Кўриши биланоқ султон қўзғолди,
Дили муздек қотиб, бағрига олди.

Нозик муомала пардасин йиртиб,
Жамолин очмади чин сўз «йилг» этиб.

Усти ялтироғу ичи қалтироқ
Ваъдалар ёқмади дилга шамчиноқ:

«Амир Алишербек, шароит оғир,
Хазина бўлмагай еми йўқ охур.

Эл бир кўп: давлати, аммо, ягона,
Анга кўмак бермас келиб бегона.

Керакли кишисиз Астрободга сиз,
Ижозат бўлмаса қайтмангиз ҳаргиз».

Шоир баданини совуқ тер босди,
Миннатли сўзлардан ичидан тошди:

«Подшоҳим, эл-улус — ҳосилдор оғоч,
Мевасини териб берди — яланғоч!»

Давлат паноҳ бўлса раъийятига,
Ҳамдард бўлса анинг азиятига.

Икки қулдан чиқса — қарсақ, вассалом,
Қуз ила қош бўлса давлату авом.

Ҳирийга келмадим хоҳишим билан:
Мавлоно Ардашер тилаган экан.

Афсуски, эл билан қилмин хайрбод,
Айрилиқ дардидин қўнғулумда фарёд.

Узоқнинг шуниси ёмон, султоним,
Изимга қайтмакка йўқдир имконим.

Сизга очиқ айтсам, ижод туфайли
Ҳиротда қолмақдур асли дил майли».

Султон каловланиб турмади, лекин
Ердан қўз узмасдан деди у кескин:

«Тезроқ жўнасангиз яхшидур яна,
Душманлар базмини тузмасин анда.

Дорилқатҳ керакмас сизга, биламен,
Сиз анда даркорсиз — нима қиламен?

Илож йўқ, тинчиди энди Астробод,
Сарҳади мустаҳкам мулк бўлмай обод.

Вале Яқуббекдин бўлманг хотиржамъ,
Дўстман деб дил сирин тутади муҳкам.

Озарбайжон шоҳи дўст бўлмас, аммо,
Ажам подшоҳининг нияти бежо.

Тилак оғочлари бермакда мева,
Дарғасиз қолмасин сиз тушган кема.

Фурсати етганда тилаб олурмен,
Дўстликка умрбод содиқ қолурмен.

Сиздин шодон бўлмай Ардашер руҳи,
Дилингиз эзмасин анинг андуҳи.

Азизим, бирор кун биз ҳам кетурмиз,
Башар умри боқий эмас, нетурмиз?

Энди оқ йўл сизга, жаноби амир,
Жон уйида топсин меҳрингиз қадр».

Шоир дилгир бўлиб чиқди тахттоҳдан,
Омон ҳатлаб ўтди гўёки чоҳдан.

Бошига урилди омонсиз гурзи,
На чора? Подшоҳга ўтмади арзи.

Қўнғулига қил сизмас — қотандир боши,
Яна елкасида тегирмон тоши.

«Унсия»га қайтди — дўстлар эди жамъ,
Жони илҳақ эди волидасин ҳам.

Ўғлини олқади Маъсумабегим:
«Султонга ёвуқдир сиздин ўзга ким?

У сизни тоғ билиб, суяниб яшар,
Гарчи равон йўлдин баъзан адашар.

Атрофин ураган бадбин кимсалар:
Тамаъгир, ришватчи, газзоб, фирибгар.

Умидим: очилмай ҳазратнинг кўзи,
Яна сизни тилар қонига ўзи.

Қайтмас: йиғит сўздин, арслон издин,
Султон ҳам дилгирдир, эҳтимол, ўздин.

На чора? Қалбимиз яна босди ғам,
Бизни ташлаб кетди устозингиз ҳам.

Раҳнамо бўлмайсиз фарзандларига,
Муҳтож қилмагайсиз меҳр зарига».

Онаси раъйига боролмай ўтру
Мақсад яловини балад тутди у:

«Волидан азиз, ўтмоқда ёним,
Не қилай, гавғодин чиқмайдур бошим.

Бағримни тиладур дўст андишаси,
Қўнғулни сиздирар душман пешаси»¹.

Ҳали қилнажак юмуллари мул,
Не қилай, ижодга тегмас сира қул.

Қанча носир асар ўлаб қўйганмен,
Аҳд ипини дилга маҳкам тўйганмен.

Яна шуарою, аҳли суҳандон
Тарихин яққалам қил, дер Хуросон.

Яна туркий ила форсий забонин
Қийслаб очғумдур туркий имконин.

Яна Саййид Ҳасан Ардашер жаноб
Табаррук умрини қилғум бир китоб.

Яна қанча туркий ва форсий газал
Девон тузгил дебон йўлимга маҳтал.

Сочим толасидин қўл ишим, нетай?
Бир халққа етгуси, ташвишим, нетай?»

Волида юпатди: «Жумард кишисиз,
Ҳаёт ётдур сизга эл ташвишисиз.

Бу қушлар ҳам утиб кетар ҳадемай,
Китоб битолмассиз тиниб-тинчимай».

Она кўксин узар фарзанд қўйди бош,
Ўғитлари бўлиб қалбига йўлдон.

Қўнғули юпанч тошиб, очилиб руҳи,
Елларга сочиди алам-андуҳи.

Дўстлар даврасига кирган чоғида
Қўнғули эриб кетди меҳр боғида.

Мавлоно Жомийдан Беҳзодга қадар
Садоқат наҳридан излади гавҳар.

¹ Пеша — одат. Бу ерда ҳийла маъносига қўлланилган.

Дўст васли, шеър баҳси уни этди шод,
Дил тўрида, аммо, дарди Астробод!

XII

Ижод огушида шоир тўлғонар,
Ақлининг муқаддас олови ёнар.

Хусумат булут бағрини этиб чок,
Ҳақиқат нурларин таратар бебок.

Ҳамон дунманларини қўлдир устун,
Игво мўрисида урлайди тутун.

Дўсту ёр меҳридан яна узоқда,
Айрилиқ қўлида жонни қийноқда.

Умрининг йўлдонин: адолат, виждон;
Букилмас ирода, эътиқод, ниймон.

Бир қаноти бўлса элу юрт инни,
Бир қаноти унинг ижод ташвинни.

Бургутдек «булут»дан учгани баланд,
Ижод инқи билан фикру ёди банд.

Силлиқ қоғоз олиб, тарошлар қалам,
Фикрини босади андуҳ ва алам.

Олтин қафас ичра янаган булбул
Ҳаётига қийс қилар ўзин ул.

Булбул гарчи хушхон, ожиз қун эрур,
Қафасин сиқирмоқ унга туш эрур.

Қоғоз узра қалам сайр этар равон,
Турли чизиқларга бағишлайди жон.

Навоий сердиққат мисли мусаввир,
Қўзидан нур олар ажойиб тасвир.

Инсонни у шерга айлаб иқтибос,
Бир сурат яратар санъаткорга хос:

Узаниб ётибди одамсифат шер,
Шер бўйнига эса солинган занжир.

Занжирни боғлаган темир қозиққа,
Ҳаёт карами шу, дебон, ҳозиққа.

Боши оғиб, кириб қолди Мирҳайдар,
Яна хушқайф, дали-ғули, суханвар.

Халал бермай боқди жонли тасвирга:
«Жанобим тан бермиш энди тақдирга.

Сизни «занжирбанд шер» дер эди фақир,
Ғазабга учрадим неча бор, ахир.

Амир Алишербек занжирда, мана,
Ҳақиқат оқибат қилди тантана.

Вале шер занжирни узоғи даркор,
Жаҳолат уйини бузмоғи даркор.

Баъзилар тарихни яратмақдалар,
Баъзилар ўзига қаратмақдалар.

Гумроҳлар титмақда эски ахлатин,
Ифлос илки ила бўғиб ҳаётин.

Оч итдек кечаси гур кавламақда,
Қутирган қашқирдек юрт овламақда.

Тақдирга тан бериб ётса занжирбанд,
Гарчи шер, ким анга булғай орзуманд».

Мирҳайдарни шоир эшитди ёниб:
«Яна кайфингиз хуш» деди қизганиб.

«Шаробдин илк узинг — жон олин тиним,
Оқибати яхши бўлмағай, иним.

Хайрди иш қилинг, оқил кишисиз,
Кунингиз ўтмасин шеър ташвинисиз».

У деди куюниб: «Ўткинчи даврон,
Не қилай, бошимда сиқирса гаврон.

Ўриндин қўнорса таянч тоғимин,
Тўнғизлар тоғтаса чамаи боғимин.

Улуғ шоирини қилса занжирбанд,
Улуғ талабини этмаса инсанд,

Нечун шароб ичмай, кўтармай фарёд,
Қувғинди ватани бўлса Астробод!»

Навоий юнатди: «Чекмангиз озор,
Душ деганларин, бу — улкан бозор.

Бирн келса, бирн кетади андин,
Тирноқин ажратиб бўлмағай этдин.

Ҳаётдин ноумид бўлмасак бутун
Адолат таптана қилмоғи мумкин.

Султонга ҳам қийин, бизга ҳам қийин,
Маъносини англаб етгайсиз кейин.

Чирмовиқдек ўраб олиб не покас,
Чоҳ қазиб, устига ёниб қўймиш хас.

У сорбоз бўлмаса адолат учун
Давлат инқирозга учраши мумкин».

Мирҳайдар ўтланди: «Қасд этсам, жаноб,
Қўзларини мошдек очаман шу тоб».

«Ўзингизни босинг, ёшлик қилманг ҳеч,
Бағрингиз эзмасин сўнг аччиқ ўкинч.

Тилингизга доим бўлинг эҳтиёт,
Сўзлангиз, тугилиб қолса эҳтиёт.

Инсоннинг дўсти ҳам, душмани ҳам тил,
Ҳаётда қувончу пушмони ҳам тил».

У деди: «Юрамен сиздин узоқда,
Тилимдин тугилмай дебон тузоққа».

Шоир енгил кулди: «Тутсангиз тилни,
Дўст қилиб олгайсиз бутун бир элни.

Тилни бир қарич қилса қай инсон,
Ҳаёт тиги кесиб ташлар бегумон.

Сафарга отланинг, юмуши хос бор,
Ҳокимият ила элга дахлдор.

Султон ҳазратларин қилиб зиёрат,
Қайтгайсиз, меҳрингиз бўлиб зиёдат».

Мирҳайдар қувонч-ла сурди ўтиниб:
«Самовий юрмасин мунда кул титиб.

У — муртад бир жосус, қадами бежо,
Балки, душман амрин этмоқчи ижро.

Фақир билан қайтсин Ҳирийга тезроқ,
Баҳона қидириб қолмасин, бироқ».

Шоир хайрон боқди: «Сизда ихтиёр
Ва лекин Ҳирийда булгайсиз хушёр».

Бадриддин кирдию булинди суҳбат,
Куюниб сўзлади, ўтмайин фурсат:

«Амир ҳазратлари, шоир Самовий
Сизни рукач этиб, иш қилмиш осий.

Даҳобод бегини билурсиз, тажанг,
Эл ҳақини ютиб юборган наҳанг.

Самовий, бекликда қолгайсиз дебон,
Андин ўн минг динор олибди пинҳон.

Ўзи сўзлаб қолди хилват фурсатда,
Айбдор санамиш сизни ришватда.

Эшитдиму тутиб олдим бугиздин,
Жонини сугурдим қора кунгизини».

Еқасини тутди шоир даргазаб:
«Бек, наҳот, сўзламас оғзига қараб.

Тутиб келтирингиз тулрак жосусни,
Ришватта сотибди, аблаҳ, номусли.

Мажиддин одами, деди Мирҳайдар,
Қўйингизга кирибди илон, алҳазар.

Дарҳол фармон ўзинг: Даҳобод бегни
Бекликдин олсинин, айбин йўқ чегни.

Тегинли жазога тортилкин гаддор,
Фармондин улусни қилинг хабардор».

Самовийни тутиб келгаймен дебон
Кўчага отилди Мирҳайдар шу он.

Ҳазабин босолмай чиқди Бадриддин,
Бек қочиб қутулмас эди қаҳридин.

Шакли инсонлардан Навоий хуноб,
Ётлар қилмишиндан дилида азоб.

XIII

Тараддуд кўрмоқда Навоий шодон,
Хориждан келмоқда мўътабар меҳмон.

Ҳаёт аҳди эди мулк аминияти,
Рўёбга чиқмоқда улўғ нияти.

Шоирни қадрлаб султон Якуббек,
Дўстликнинг тожини безаб ёқутдек,

Туркман диеридан йўқлаб келмоқда,
Катта карвон билан хурсанд елмоқда.

Ўлка улўғлари қароргоҳда жамъ,
Боғ аро саф тортиб турар мунтазам.

Хиёбонлар боғнинг кўрки, виқори,
Нозик тебранади яшил «девори».

Гул тўни қирқ ямоқ, барглари йиртиқ,
Ҳусни гузал учун булбул зор — интиқ.

Нилий кўндек тиниқ ҳовуз сийнаси,
Офтобда жимирлар зилол ойнаси.

Ҳавоси соз кўшқда чўгдек гиламлар,
Гиламлар гулида ёнар гулханлар.

Тушаклар солинган мисли поёндоз,
Парқув болишларда безаклар мумтоз.

Кўшқни офтоб кўрмиш ўзига манзур,
Нақшлари гулида товланади нур.

Навоийга бўлиб улўғлар ҳамдам,
Энг азиз меҳмонга мунтазир бу дам.

Кўнглини яшнатди чопар муждаси,
Гўё тўй либосин кийди ўлкаси.

Якуббек қилганда қадам ранжида,
Шоир кутиб олди меҳр ганжи-ла.

Улўғлар қомати таъзимга келди,
Туркман султони ҳам мамнун эгилди.

Русумга биноан тутилди нон-туз,
Султоннинг шаънига айтилди искеўз.

Мулоқот бошланди кўшқда хон узра,
Офтоб хабарчидек Хуросон узра.

Якуббек азалдан назм фарзанди,
Ҳазалда туркмаида йўқдир монанди.

Туркман султонлари қилса-да икром,
Темурий шоҳлардан ҳайиқди мудом.

Унутилган эди тинч-тотув ҳаёт,
Давлатлар эгилди бир-бирига ёт.

Сийёсий майдонга чиққач Алишер,
Қалдини тиклади осойиш далер.

Балаид ихлоқ кўйиб ёшиқдан унга,
Якуббек етишди бахтиёр кунга.

У, улўғ шоирнинг азиз меҳмони,
Бу эса — тақдирнинг буюк эҳсони!

Нур тошиб чиқмоқда кўзидан унинг,
Юзида ёлқини қувончли кўннинг.

Қора чўққи соқол, мўйлабиди нур —
Ешига инсбатан улўғ кўрсатур.

Устида — момиксиз, зар тикилган тун,
Абришим саллада йигитдек дуркун:

«Амир Алишербек! — у дилкаш сўзлар,
Кўзларида чақнар қора юлдузлар, —

Хайрият, сиз келгач Астробод сари,
Очилди қалъанинг дарвозалари.

Азалдин меҳримиз баланддур сизга,
Хоки пойингизни сургаймиз кўзга.

«Хамса»нинг доврўги туркманга етди —
Ки, булбул навоси гулшанни тутди.

Султон Ҳусайнга дегайсиз, жаноб,
Дўстлик қадаҳида тутгаймиз шароб.

Гарчи туркман али истар осойиш,
Ўз аҳдин қилолмас эрди намойиш.

Сиз бўлиб восита икки мулк аро,
Фақир илкин тутса, кошки, Бойқаро».

Яқуббек сўзидан қониб Навоий,
Деди, меҳри ўтдек ёниб Навоий:

«Меҳмон жаноблари, кўнгил бўлсин тўқ,
Тинчликдин ўзга бир шиоримиз йўқ.

Султон Ҳусайннинг аҳдидир маҳкам,
Ўзга юртга босқин ясамас ҳеч ҳам.

Урушдин илкани тийиб тургаймен,
Осойиш неъматин баҳам кўргамаймен.

Элу юрт юксалгай уруш бўлмаса,
Ўзгалар мулкига хуруж бўлмаса.

Ҳаётни қадрлаб яшамак керак,
У, уруш қўлида бўлмасин эрмак.

Фақир тилагидин беҳад суюниб,
Жанобим нек қилмиш ташриф буюриб.

Умидим: Ҳироту Кирмон халқлари
Дўстлиги абадий, кундек балқади.

Тинчлигу дўстликка не етсин, жаноб,
Қалблардин жой олсин шу боқий офтоб».

Яқуббек қимтиниб улўғ ишончдан,
Миннатдор бошини эгди қувончдан:

«Амир ҳазратлари, иқбол ёр бўлгай,
Сиз туфайли тинчлик барқарор бўлгай,

Иймоним комилки, турк ила туркман
Тотувлик гулшанни қилгайлар маскан.

Зеро, қисматимиз этилса пайванд,
Осойиш давронга эллар орзуманд.

Дўстлик кошонаси бузилмасин ҳеч,
Тинчлик робитаси узилмасин ҳеч».

Навоий шодланди — улўғ фикрдан
Қалбида чақмоқлар чақнади бирдан:

«Жаноби Яқуббек, фарзанди башар
Бул боқий дунёда умидвор яшар.

Фақир умидимки, улўс бўлса тинч,
Мулк равнақ топғуси, уруш бўлмас ҳеч.

Урушнинг хавфини олмак лозимдур,
Барча тинчлик учун бир мулозимдур».

Яқуббек бахтиёр: «Мақсуди олий
Сизга қанот бўлсун, жаноб Навоий.

Кошки, барча мулкнинг султонлари ҳам
Эзгу йўлда сизга бўлса ҳамқадам».

Навоий фикрида туриб устувор,
Муқаддас орзусин айлади ошкор:

«Султон Ҳусайндин тиладим нажот,
Осойиш қалъаси бўлгайдур Ҳирот.

Бошимда айланур ҳамон бир ғоя,
Дўстликка азалдин йўқдур ниҳоя.

Мулки Юнон сари айласам сафар,
Балки, икки элини этсам биродар».

Ҳайрат ҳисси босди Яқуббек дилин,
Дўст кўриб юнону ҳам атрок элин:

«Офорин, Навоий! Фақир тили лол,
Мақсудга етказсин сизни истиқбол.

Эшиттанмен гарчи ул юртнинг отин,
Тасаввур қилолмам элин ҳаётин.

Сиз илм бобида қомусул-аълам,
Фикрингиз кўнглумга гуё ёқди шамъ.

Вале дини ўзга, тили ўзга эл,
Русуми, иқлими, дили ўзга эл,

Робита¹ қилмоққа эмасми йироқ,
Йўли ҳам хатардин холимас, бироқ.

Гарчи ният улўғ, елманг ўзингиз,
Юнон сари етса, аммо, сўзингиз».

Навоий жилмайди: «Ҳазрати султон
Нечундир ижозат бермайдур ҳамон.

Насиб этиб, қайтсам яна пойтахтга,
Эришмоқ истаймен бул олий бахтга.

Жонажон дўст бўлса элу элатлар,
Бир-бирин англаса турли миллатлар.

Мулклар аро тинчлик бўлур барқарор,
Дўстликка бўлгаймиз, балки, ижодкор».

Навоий ақлидан тамом бўлиб лол,
Таҳсин деди унга Яқуббек хушҳол.

Меҳмон шарафига қизиди базм,
Базмининг гулидир куй, қўшиқ, назм!

¹ Робита — алоқа.

XIV

Навоний мактубин чунтакка уриб,
Мирхайдар юрибди кайфини суриб.

Ҳамон майхонадан чиқмайди боши,
Чапани дустлари унинг йулдоши.

Султон ҳузурига ошиқмас асло,
Ҳаёти утмоқда изсиз, бемаъно.

Ногаҳон Мажиддин топдию хабар,
Комига тортмоқни ўйлади аждар.

Одам қўйди унинг изидан маҳсус,
Дустман деб ўзини кўрсатди жосус.

Мирхайдар шаънига қурди саз базм,
Май билан кўнглига ташлади разм.

Кайф билан Мирхайдар дил қулфин очди,
Кўнгил асрорини елларга сочди:

«Султондин Навоний кўнглида қадар,
Қувғинди бошида кезмоқда хатар.

Ҳокимлик мансаби теккан жонига,
Дилида араз бор юрт султонига.

Ҳазрат тиламаса Ҳирийга агар
Яқуббек билан у, балки, дустлашар».

Оқизмай-томизмай бу сирни шу он,
Жосус, эгасига етказди пинҳон.

Вазир, хоҳишича бу ганин бежаб,
Шоирга «исёнчи» тамғасин қадаб,

Ичида диклаб қасос илони,
Қора қуюн каби қўлиб фиғони,

Тахттоҳга кирди-да калтақдай маҳкам,
Деди у, бошини зўрга қилиб хам:

«Бир қонлиқ қонимдин кечинг, султоним,
Ташвини ноғорасин чалур виждоним».

«Марҳамат қилгайсиз». Султон тик боқди,
Мажиддин ҳусумат оловин ёқди:

«Илондек ўрмалар бир ноҳуш хабар,
Шаҳарга тарқатмиш ани Мирхайдар.

Амир Алишербек эмиш қувғинди,
Яқуббек тўрига, афсус, илинди».

Вазир тилин кесди султон тутақиб:
«Алишербек кетмиш, наҳот, бош олиб?»

Вазир сергак тортди: «Мени этинг авф,
Дорилфатҳда яшар Навоний беҳавф.

Лунда қилиб десам: Яқуббек билан
Салтанатга қарши қилмоқчи исён.

Анга ёқмас эмиш сиёсатингиз.
Дустликка қилинган хиёнатингиз».

Турдаги балиқдек тиширчилар шоҳ,
Танига шиштарин санчгандек жарроҳ.

Қалбида жанг қилар: меҳр ва қаҳр:
Ишонч билан гумон, бол билан захр:

Шердек олишади дуст билан душман:
Шодлик билан қайғу, хазон ва гушан.

Эзгулик, ёвузлик юзма-юз турар:
Кундуз билан кеча қизгин баҳс қулар,

Исёнкор тўқнашар эрк билан зулм,
Кулги билан йиғи, ҳаёт ва ўлим.

Адолат, қабоҳат жанги беаёв,
Беаёв жанг қилар сув билан олов.

Маъжун¹ еган султон боши туманда:
«Дунёда бўлмайди айбениз банда.

Кимки, ўз айбини сўзласа ошкор,
Хиёнат яроғин тутмагай зинҳор».

Ўйга ботган султон деди ҳукмона:
«Бу сирни билмасин биздин бетона.

Усти ёпиқ қолсин — кесингиз тилин,
Қулфи-қалит қилин, жанобим, дилин.

Синаб кўрмоқ даркор: чинми ё ўтрик?
Қароғин асрар-ку кўз билан кинрик.

«Мирхайдарин тошинг — келмаган абас,
Яна таъкид этгум: чиқарманг нафас».

Тисарилиб вазир тахттоҳдин чиқди,
Кўкес тоғ — нишонга уролди ўқин.

Кўзи ожиз Ҳиравийини етаклаб,
Самовий саройга келар «эмаклаб»,

Ўроқдек эгилди улар вазирга,
Тегди Самовийнинг манглайи ерга.

Астробод асрорин қилиб бир дафтар,
Келтириб берганди унга ҳийлағар.

Султондан тиланиб қўп нарса олди,
Сарой эҳсонига ўрганиб қолди.

Ишини битириб султон номидан,
У омон чиқади аждар комидан.

Бежиз келмагани яна девонга
Қасида битгандир, балки, султонга.

Вазир фитнасидан гофил Мирхайдар
Саройда кўриди беғам, бекадар.

Султон иззатини тутиб муқаррам,
Таъзимга эгилди: «Подшоҳи олам,

Хос мактуб келтирдим жаноби Мирдин,
Дорилфатҳ қасрида занжирбанд шердин».

¹ Маъжун — кайф берувчи куюк дори.

Номани узатди букиб қаддини,
Рухсат олиб чўқди, билиб ҳаддини.

Диққат-ла ўқиди хатни Бойқаро:
Илиқ сўз, латиф шеър, йўқдир можаро.

Лол боқди: давлату элга дахлдор
Бир неча масала қўйилган ошкор.

Амир ҳақ: ер бирла сув борасида,
Низо кам дорилфатҳ фуқаросида.

Беклар ҳам босишар билиб қадамин,
Севинчга алмашган улус аламин.

Қун сайин ободон бўлмоқда улка,
Сарҳадда қуринмас балокаш қўлка.

Дўстлик робитасин боғлашиб маҳкам,
Амиру Якуббек қадрдон, ҳамдам.

Озарбайжон билан Ироқ ҳам энди
Хуросон мулки-ла дўстлик тутинди.

Навоий хизмати мунда беқийс,
Ўлик ҳам тирилгай, у қўйса ихлос.

Илқида ўйнаса адолат жоми,
Оёғидан тортар адоват доми.

Мирҳайдар кўнглига қўл солди султон:
«Ким деди Навоий қилмоқчи исён?»

Қайдин пайдо бўлмиш таги бўш бу сўз?
Сабабин билолмай доғдамен ҳануз?»

Мирҳайдар жонланди: «Шоҳим, бу игво!
Улуғ вазираингиз қўзғамиш гафво.

«Чин сўзланг» — ўқрайди важоҳатли шоҳ,
У деди: «Авф этинг, эй олампаҳоҳ.

Осмондин келганди анинг одами,
Баланд келсам, тушди ичига дами.

У, мақтаб вазираи кўтарди кўкка,
Шоир хизматини чиқарди йўққа.

Жаҳлдин туюлмай дедим сўзимни,
Гуноҳкор билмаймен, ҳазрат, ўзимни.

Сизга бир саволим бордир ва лекин,
Ҳирийдин жаноб Мир қувгинди нечун?

Нечун халқни талар вазираи аълам?
Нечун сиз қолиб, у — қиблаи олам?

Жоҳил азиз, оқил киши хор нечун?
Ғариб улус саз ҳаётга зор нечун?»

Султон ғазабланди гарчи мулзамдир,
Мирҳайдар таъқибда — шўр боши хамдир.

Саволлари унинг қолиб бежавоб,
Тахттоҳни тарк этди — жигари каоб.

Султон, калавасин учин йўқотиб,
Маслаҳатта муҳтож, ташвишга ботиб.

Дурдек жой олгали унинг тождан,
Низомулмулк кирди... Гофил Маждиддин.

У қабиҳ анжуман тузар хилватда,
Мойил кишилари яна хизматда:

Режаси бузилди — Самовий ношуд,
Лозим бўлиб қолар, узмади умид.

Ҳаёт — ўйин, инсон эса қиморбоз,
Бирин ютар, бири ютқизар, холос.

Ўйинда ким бўлса энчил, устомон,
Жамият жиловин тутқизар даврон.

Мангу давом этар бу қалгис ўйин,
Бузгувчи мард йўқдир бу ўйин ўйин.

Қиморга тикади бири бисотин,
Бирин хотинини, бири ҳаётин.

Ўйинда ютқизди Маждиддин бу гал,
Яна ошиқ ташлар қилиб таваккал.

Эртага ютади бутун ютқизса,
Не булар эртаю индин ютқизса?

Баданига бирдан чиқди совуқ тер:
Унда — ўз бағрига сифдирмайди ер.

Қанча йироқ бўлса шоир ва султон,
Шунча тинглари унинг сўзини девон.

Улар ўртасида сўнмаса низо,
Фармони олийга у бўлгай мирзо.

Ошиқ ўйнашда-ку устаси фаранг,
Неча шоҳ, бек бошин қиллолди гаранг.

Аҳвол танг келганда — чиқар ўйиндан,
Адоват шамширин суғурар қиндан.

Музаффар мирзога ваъдаси катта:
«Дорилфатҳ ҳокими бўлгай, албатта».

Тогдек суяб турса Хадичабегим,
Унинг мушугини «пишт» дебелгай ким?

Бир масала доим турар кўндаланг,
Бутунлай ечолмай, кўнгил уйи танг.

Иши аъло бўлгай, хуш олгай нафас:
«Навоий пойтахтга қайтмаса, хуллас».

Шу жумбоқ кўнглида тош бўлиб турар,
Гарчи улуг вазир, гап бўлиб юрар.

Бошида чаёндек ўрмалар бир сир:
Мирҳайдар фикрига қилинса таъсир.

Мағзини чаққани ушбу жумбоқни
Хилватга чорлади «дўсту ўртоқни».

У, чақмоққа ҳозир турган илондир,
Жаллоддек кўзи қон, қўли ҳам қондир.

Навоийга, гарчи деса-да дўстман,
Сув билан оловдек эдилар душман.

Унда манъеъ, ҳуқуқ даҳлеиз чунон,
Зулмидан итдан ҳам хору зор инсон.

Ота қони билан қонига ўтган —
Мунофиқлик, уни макрида тутган.

Одил фикрат фалаж бугун пойтахтда,
Давлатнинг жилови қолган бадбахтда...

Низомулмулк дилгир, боқар мулоим,
У, хира мушукдек суйкалар доим.

Ғоят қулай фурсат — танҳоқир султон,
Бир сирни Мажиддин тутмоқда инҳон.

Ошкор қилса, балки, жилмаяр толеъ,
Кўксига тегади иқбол шамоли:

«Аъло ҳазратлари, фиғонда дилим,
Гар ёлгон сўзласам, кесилсин тилим.

Бузмoқни истамам тинчингизни ҳеч,
Лек бугун айтмасам, сўнгра бўлур кеч.

Султон деди: «Сўзланг, нима ган ўзи?»
Ўйнади вазирнинг илтижо кўзи:

«Балх нотинч, поризо эмин оломон,
Оломон тарафда барча зодагон.

Хун кўрмас Мажиддин сийқатини,
Амир Алишерга хийнатини.

Мансабдин кетмаса ваъзир аъзам,
Бўйинсинмаймиз деб ичганмин қасам.

Оғаси обрўси учун жоңғишон
Амир Дарвеш Али қилмоқчи исён».

Саросима султон деди қаҳринок:
«Ноҳун хабар олиб келди қай бобок?»¹

Чинми ёки ўтрик? Бўхтон ё нево?
Яна ким орага солмоқчи низо?»

(Балхдан сўз очганда вазири аъзам,
Парво қилмай нечун қайтарганди дам?)

Инакдек эшилди қув Низомулмулк:
«Шоҳим, бон ёрилса беркитади бўрк.

Балки, хаспушлаган вазири кабир,
Ким билади, сизга зимдан чоҳ қазир.

Мансабдин айрилиб қолгаймен дебон
Ҳақиқий аҳволни тутгандир инҳон.

Балхдин чонар келди йўқлаб фақирини,
Қўлогимга деди бир қабих сирни.

Оғаси Ҳиротга тиланмаса гар
Исён алашгаси пойтахтни тутар.

Балки, Дарвеш Али тахтта талабгор:
Бир мактуб юбормин, аммо, шахриёр».

¹ Б е б о к — қўрқмас, ҳайиқмас.

Султон ўқиб чиқди хатни беқарор,
Қаҳри тошиб, боқди вазирга почор.

У, тушган ўлжани чиқармай домдан,
Майин оҳанг билан деди киромдан:

«Фақир маслаҳатим: борилса ўрту,
Балх вилоятинда босилар гўлу.

Жаноби Мажиддин экан-ку худком?
Нега ўз тинчини кўзлар бу айём?

Яра маддаласа тузатмак дунвор,
Бу дардга, ҳазратим, бўлинг шифокор».

Султон нотинч, ташвиш кўзини тикди:
«Нега сувин кўрмай ечгай этикин?»

Пур билан зулматнинг жанги бошланди,
Арсат домда кўнгли гапланди.

Навоий қалбига бўлса ҳамоҳанг,
Ҳақиқат таратар муаззам оҳанг.

Мажиддин кўнглига танласа назар,
Зулумот горида заҳарнок аждар:

«Вазирлар санайди чучварани хом,
Ким менинг йўлимга қўя олур дом?»

Султон Ҳусайнга хийнат қилмоқ,
Элу юрт, Ҳиротдан юзин ўгирмоқ.

Наҳот, оғанин кўтарса исён,
Азиз кишилари этса қасди жон?

Яқуббек Астробод айшини сурса,
Маҳмуд мирзо Балхда базилар қурса.

Икки қўли икки мулкдан кесилар,
Хуросоннинг равнақ йўли тўсилар.

Пойтахтга чорласа Алишербекин,
Балки, Дарвеш Али унутар кекши:

Осойиш қанотин ёзмоғи мумкин,
Душманлар ақлдан озмоғи мумкин».

Низомулмулк қўлга олиб жиловни,
Зимдан ёқди яна фитна оловни:

«Содиқ итингизмен, аъло ҳазратим,
Оҳ урсам, лек сизга етмас ҳасратим.

Улуғ вазирингиз туфайли фақир:
Кўзи кўр, тили гунг, қўлоғи қардир.

Бирор ган айтолмам сизга бесўроқ,
Ани кўрсам, танин босар қалтироқ.

Вале журъат этдим: омонат бошим,
Ҳақсизлик жабридин битди бардошим.

Амир Алишерга яқин бир деҳқон
Мақони печа оӣ қоронги зимдон.

Тўрт нафар дўсти ҳам янар тутқунда,
Жон кemasи қолган гамли тўлқунда».

Султон сарғакланди: «Наҳот, бегуноҳ?
Зиндонга солганин билмас аҳли жоҳ».

У деди ҳайиқиб: «Авомдур авбон,
Қўшимча закотдин тортибдилар бош.

Аларнинг сўзига тутмасдин қулоқ,
Адолат юзига босмиңдир оёқ.

Сизин огоҳ этмоқ эди ниятим,
Илкимда эмасдур ҳокимиятим».

Вазирнинг қўзига тик боқди султон,
У, тошмади ўзин қўймоққа макон:

«Фиск-фужур ўрмалар яна девонда,
Етказиб тургайсиз қулай бир онда.

Эҳтиёт бўлгайсиз Хожа Ўсмаддин,
Сувилондек захрин сочар тўсатдин.

Мажиддинга очманг дил сирингизни,
Аммо, ҳурмат қилинг бир-бирингизни.

Тутқунлар ҳаёт-ла қилмас хайрбод,
Гуноҳи йўқ бўлса, этилгай овоз:

Қўзингиз босмасин гафлат уйқуен,
Дилингиз эса-да улус қайғуен».

Низомулмулк таъзим ила тисланиб,
Ташқарига чиқди — кўзлари ёниб.

Султонни қафасдек қисар хос хона,
Гоҳ боқар мағлубдек, гоҳ голибона.

Қўзида, юзида алам фарёди,
Қалбида Балх бирла Астробод ёди!

XV

Баҳор қўшинининг нурларига ғарқ
Астара даштнинг обод қилар халқ.

Аламисой оқар тезоб ва тошқин
Ўзанига сизмай ясади босқин.

Шакардек қор эрир Паланг тоғида,
Сув қайнар биқирлаб минг булоғида.

Навоий соҳибкор улус ичида,
Ором бор на кундуз, на-да кечада.

Шаҳарга қайтади қўнганда шом,
Тонг билан уради Астарага том.

Султон фармойишини этгали ижро,
Чопар келиб, таъзим айлади бажо.

Бир мактуб узатди илтижо билан,
Шоир ўқиб кўриб, қотди дафъатан.

Қўз олди зимзиё бўлди бир зумда,
Нафаси бўғилди гўё самумда.

Ўтириб қолди у, дармони қуриб,
Жаҳон айвонини вайрона кўриб.

Юраги санчиди — тегди дард ўқи,
Яшашга қолмади гўё ҳуқуқи.

Ўзилган сингари ҳаёт илинжи,
Умр қадри унга энди билинди.

Қуламоқда умр тоғидан тошлар,
Тошларнинг остида ногирон бошлар.

Дилда ғам йиғиси, киприкда нам йўқ,
Дардини демоққа бир муқаррам йўқ.

Кошки, яқин бўлса Ҳирот ораси,
Қушдек учиб борса жигарпораси.

Айрилиқ утида ёнмоқда, ҳайҳот!
Нега оғушингда тутмадинг, Ҳирот?

Замона зайлидан гурбатда боши,
Ўздан ҳам йироқ бир жигардоши.

Ёнида бўлмаса фарзанди агар
Ҳуссада кул бўлар, дейди оналар.

«Волидангиз бетоб, елингиз баривкор»,
Дедди хат сўнгида, тилаб шаҳриёр.

Дардини яшириб қўзғолди вазмин,
Деди сўнг, кузатиб халойиқ азмин:

«Эй азиз фуқаро! Хайрли ишнинг
Кечи йўқ, ҳунари кўлдир турмушининг.

Орзулар ушалгай, комил иймоним;
Ҳокимлик номидин мазкур фармоним:

«Давлат амридаги Астара даштнинг
Кўмушкент аҳлига қилинсин тақсим».

Халойиқ олқинини зўрға босди у:
«Асрий ташна даштга эмди чиққай сув.

Ер-суви бўлгайсиз, қўргайсиз уй-жой,
Астара кўркига бергайсиз чирой.

Амир Бадриддинга қолгай вилоят,
Ёрни ўлчаб бергай сизга ниҳоят.

Фақирни чорламин ҳазрати султон,
Балки, сизни қайтиб кўришим гумон».

Миннатдор улуста қилди хайрбод,
Шоирни кузатди гўё Астробод!

XVI

«Унсия»га қўйди Навоий қадам,
Соғинган юракда ўтинч ва алам.

Ўкинч чағалида озурда жони,
Ҳурбат тиканида тоза виждони.

Гуноҳкор фарзанддек эгилган маъсум,
Ўзилган руҳида синиқ тараҳҳум.

Дардли кўзларида соғинчли фиғон,
Сўлгин юзларида ғуссали армон.

Соҳиб Дору алҳол чиқди-да пешвоз,
Хокгор хожасига кўрсатди эъвоз.

Онасин сўхатин онингич билиб,
Қошига отилди шамолдек сиб.

Алишер меҳрига она бўлиб зор,
Астробод йўлига боқди интизор.

Балхдан мужда кутди, Дарвеш Али мард,
Огаси шаънига қўндирмайди гард.

Икки кўзи — икки йўлга тикилди,
Икки йўлга меҳр нури тукилди.

Она тарбиялаб ўстирган угил
Меҳридан баҳраманд у тугилган эл.

У, нурга интилиб, нур сочиб яшар,
Элга дил эшигин ланг очиб яшар.

Хуросон тожининг йирик юлдузи —
Шоир Навоийда бутун эл кўзи.

Эл учун яшади. У бўлиб инсон,
Ўзи учун яшамади ҳеч қачон.

Унутиб дунёнинг ташвишу гамин,
Шаробга бермади ҳаёт хуш дамин.

Дунё ишратидан юзин угирди,
Ишратни шеър, санъат, илмда кўрди.

Ҳаётда бахт — кўрмоқ ўзга қувончин,
Дилида қозонмоқ ўзга ишончин.

Ақл, инсоф адолат таянчи унинг
У, ерда яшаган фарзанди куннинг.

Илҳом ва муҳаббат тоза нурлари
Енган кўзларида абёт сирлари.

Ҳирот тупроғига қадам босганда,
Дардлари қалбидан селдек тошганда,

Йулида дуч келди Хожа Ўсманга,
У қулдек букилди — ўхшамай ётга:

«Ҳирийга марҳабо, амири кабир!
Кўпдин буён кўзим эди мунтазир.

Мақсад мевалари пишди ниҳоят,
Сизни кўрганимдин хурсандмен гоят».

Навоий таажжуб ҳиссини туйди:
«Фалакнинг гардиши...» деб кулиб қуйди.

У, узини яхши кўрсатмоқ учун,
Ўзгалардан нолиб сайради бутун:

«Феъли ётлар ила тузиб анжуман,
Бутунлай қоплади бошимни туман.

Киши йўқ — адлдин дастур бергувчи,
Мушкилотда гаминг баҳам кўргувчи.

Султон соясидин ҳайиқишим зур,
Гарчи улуг вазир, қилмайди шукр».

Шоир кўп синаган: тоқламачи у,
Чайидек чақадди, кўтармай гулу:

«Хожа Мажиддин-ла эдингиз иноқ,
Анга тош притмак яхшимас, бироқ».

«Амир ҳазратлари, — япинди мироб, —
Ўзга умр йўлини эдим интихоб.

Орамизда қолсин сирли мулоқот,
Йўқ эржа, бошимга тўнғай мушкилот.

Фақир аданибмен — босмоқда ваҳм,
Барингиздан тутай, қилинтинг раҳм».

Ўлидек авради — қилди тазарруъ,
Навоий соясин айлади оруз.

Мироб-да, билади сувнинг оқинин,
Ҳийла-ла олмоқчи унинг олқинин:

«Низомулмулк гапининг учин чиқарди,
Икковлон хусумат майин сипқорди.

Дарвеш Али қўли келмоқда устун
Шоирнинг иниси булгани учун.

Навоийдан юзин угиролмас шоҳ,
Ўгирса — аҳтимол, қолур бепапоҳ.

Мажиддин томири заиф тортмақда,
Салтанат қошида айби ортмақда.

Қаттиқ шамол турса қулаши мумкин,
Балх гавғосин ёшиб бўлмағай бутун.

Навоий қайтмақда: «Ҳаёт ё мамот» —
Жангини, аҳтимол, кечирса Ҳирот.

Ҳеч гапмас бу «жанг»да боши узилса,
Мансаб қалъасининг нақши бузилса.

Султоннинг меҳрига гарчи сазовор,
Бежазо қолмағай, фурсат келса тор».

Шоирга ёлворар, ранги қум учиб,
Тамаъ-ла илжаяр кин майин ичиб.

Навоий дили гап: «Сизга қийин» дер,
«Ҳарқалай, бандасин кўтаради ер».

У дейди: «Лек ҳамон пичоғи мойда,
Жиноят тимсоҳи кезар саройда».

Шоир индамади.. У, узоқ сайраб,
Отини бурди сўнг саройга қараб.

Хайр-маъзурни лек қилмади нася,
Бир қоп олди-қочди гап қилди «ҳадя».

Фикридан бир зумда шу ўйлар ўтди,
Волида қошида у таъзим этди.

Онаси кўтариб болишдан бошин,
Кўздан тийлмай меҳрнинг ёшин,

Қўли билан қучиб зурга, бедармон,
Ёруғ манглайдан ўпди меҳрибон.

XVII

Куркам хос хонада шоир билан шоҳ:
Бевафо дунёдан излайди папоҳ.

Навой олдириб қўйган рангини,
Ичига сиздирган олам дардини.

Тупроққа тоншириб волидасин ул,
Таянчсиз сезади ўзини буткул.

Дил розин айтмоққа яқин киши йўқ,
Шоир дарди билан олам ини йўқ.

Ҳамманинг стади дарди ўзига,
Мапаққат гардлари қунган кўзига.

На чора? Умрининг сўнгига қадар,
Янаши керакдир курашиб башар.

Курашмаса инсон ҳаёти учун
Келиб-кетилади у дунёга тутқун.

Тутқун элни шоир қилгани озода
Кураш жабҳасида яшар умрбод.

Ўзидек ботир бир ақлод яратди,
Адолат йўлига элни қаратди.

Аmmo, қора кучлар йўлга қўйиб гов,
Ҳамон оёғига бўлмоқда тунов.

Султоннинг қўйнида бир қон пуч ёнғоқ,
Шақир-шуқурдан маст ҳамда қувноқ.

Мотам кунларида бўлса-да гамдош,
Дилини эзарди ҳамон оғир тош:

Ҳамон таги йўқ гап ичида тутун,
Балки, чигал тутун ечилар бутун.

Сухбатни бошлади жуда узоқдан,
Балиқни чиқармас бирдан қармоқдан:

«Алишербек, олманг юракка оғир,
Мирҳайдар гапидан эзилар бағир.

Эл оғзига тутиб бўлмайди элак,
Ҳамонки, қалбимдин қон оқар лак-лак.

Кек сақлаб юрмишсиз менга нисбатан,
Исён қилмоқ бўлиб Яқуббек билан».

Навойнинг ичдан тошди газаби,
Лек зоҳир бўлмади юзда асаби.

Ўзини босди-да, сўзлади вазмин:
«Подшоҳ ҳазратлари, бу — қуруқ тахмин.

Мирҳайдар асаби жойида эмас,
Ақли-хушли кимса бу гапни демас.

Мағзи пуч, уйдирма, таги беасос,
Эси паст кишилар ўйлаб топган хос.

Мирҳайдар гуноҳин бўйнига олди,
Сизу биздин кўпроқ ташвишда қолди.

Нокаста кек қилиб демиш жаҳддин,
Гарчи маст — озмаган экан ақддин.

Гинаси зур вале улуг вазирга,
Дил сўзин яширмай деди фақирга.

Койидим, хабарим йўқ эди, афсус,
Анинг сўзига ҳеч инонмас улус.

Унутинг гинани эмди, ҳазратим,
Тўқима янғовдин ошмин ҳасратим».

Ёруғлик югурди султон юзига,
Ташвиши йўқолиб, келди ўзига:

«Жанобим, бўлмасин кўнгул шикаста,
Тирикмен, сизгадир меҳрим пайваста.

Яхши кўндин сизин қилмадим ҳоким,
Нотинч Астрободин тинчитарди ким?

Қўлим калта эди — эмди узундур,
Вале Яқуббекдин ташвини фузундур»¹.

Шоир чақнаб, султон тилини кесди,
Гўё тошқин селининг йўлини тўсди:

«Олий ҳазратлари, хавфга ўрин йўқ,
Яқуббекдин бўлсин нотинч кўнгул тўқ.

Меҳри зўрдир анинг сизга нисбатан,
Улугроқ бойлиги йўқдур дўстликдан.

Тиламоқ истайдур Кирмонга сизин,
Намойини этмоқчи дўстлигимизин».

Хавотир тумани тарқалди бир-бир,
Умид кўкида ой кўринди охир:

«Сарҳад нотинч эди — бўлмай мустаҳкам,
На туркман, на озар қўлмай қадам.

Мамлакат тинч бўлса, улус бўлса тинч,
Ортиқ саодат йўқ султон учун ҳеч».

Алишер қувонди: «Жоннинг озори —
Мустаҳкам бўлмаса сарҳад девори.

Душманлик қилмағай дўстлик истаган,
Дўстликни билмағай уруш қўмсаган».

Хусайн ёйилди: «Қўшининг тинч — сен тинч,
Қўшига ёмонлик ниятидин кеч.

Балиқ овлаш яна бўлибди машҳур,
Нечук ривож топди, қилинч-чи тасвир?»

Навой тикланди: «Аҳли Астробод
Денгиз ёқасида яшар умрбод.

Тирикчилик қилар балиқ туфайли,
Азалдан зўр анга фуқаро майли.

Ҳаёти кечди хуш қайиғи борнинг,
Йўқса, қармоқ эди жони рўзгорнинг.

¹ Ф у з у н — ортиқ, зиёда, кўп.

Аҳли хунармандга булиб парвона,
Қайиқ яшаш учун очдик корхона.

Усталарнинг иши олсин деб барор
Маошин тўлашни эгдим ихтиёр.

Зиммага олинди хомашёси ҳам,
Муҳтож кишиларга қилинди карам.

Чекилган машаққат топмади завол,
Эл қорнин тўйдирди луқмаи ҳалол.

Шоир тадбирдан султон эди шод,
Яна диққатини тортди Астробод.

Усмоқчилаб сурди унинг хоҳишин,
Юкламақчи булиб салтанат ишин:

«Жанобим истаги қолмағай ерда,
Астробод жумбоғин ҳал қилсак бирга.

Маслаҳатли кенгаш, дерлар, бузилмас.
Хўб эшилган арқон, тортса узилмас.

Ҳокимлик қилсалар яна бир муддат,
Деб хоҳиш билдирмиш аркони давлат».

Навойи чақнади: «Мулк султони — сиз,
Фақир билмоқ истар одил фикрингиз?»

Султон боши қотди — уз фикри йўқдек,
Шоир сўзи тегди нишонга ўқдек.

Бир фурсат ўйланиб деди беқарор:
«Мазкур масалада сизда ихтиёр».

Навойи қалбида зур оташ ёнар,
Хусайн ичида илон тўлганар.

Шоир босиқ деди: «Аркони давлат —
Болга нинна солиб, сизга дер: узат.

Ўзгу фикрингиздин мамнунмен гоят,
Ихтиёр ўзимда эмди ниҳоят.

Ўтиниб сўраймен яна бир карра:
Ҳокимлик истагим бўлмаган зарра.

Ижозат этсалар — Ҳирийда қолгум,
Илкимга қадрдон қаламини олгум.

Давлат юмушининг этсалар озод,
Мақсаду муродим бўлмасе барбод.

Дилга тугиб қўйган орауларим кўп,
Фақир тилагини кўрсалар марғуб.

Ижодга бахш этсам қолган умримни,
Қоғоз узра тўксам топган дурримни.

Ҳазратимдин йўқдур ўзга тилагим
Ва йўқдур ижоддин ўзга эрмагим».

Хусайн қониқди шоир сўздан,
Жолали¹ учқунлар чиқди кўздан:

¹ Ж о л а — ёш, кўз ёши.

«Алишербек, гарчи огир нақадар,
Ризолик бошини эгдим муқаррар.

Сизсиз битмас асло давлат ишлари,
Не давлат, битмайди эл ташвишлари.

Сиз — улуг мулкимиз ақл кўзисиз,
Салтанат номидин айтар сўзисиз.

Бергаймен тилаган маснадингизни,
Гарчи билдим асл мақсадингизни».

Шоир қуллуқ қилди, деди хотиржамъ:
«Олий маснад йўқдур шоирликдин ҳам.

Кўпи кетиб қолди умрининг ози,
Дил боғин тарк этди кузию ёзи.

Аёз ила кириб келмиш фасли қиш,
Юлдуздан-да кўпдур бошимда ташвиш.

Илкимдин не келса бергаймен мадад,
Хизматда бўлгаймен букилса-да қад.

Яна ўтинамен: маснад керакмас,
Ҳирийда қолмакдин маснад тилакмас.

Мақсадим ижоддур, ижоддин ўзга
Олий маснад бу кун кўринмас кўзга».

XVIII

Навойи бостириб кирди девонга,
Ғазаб учқунлари йўрилган қонга.

Айвон зинасига қадам қўйган он
Низомулмулк эгди бошини шодон.

Назокат, тавозеъ билан ҳол сўрди,
Эшилиб, мулойим эгилиб турди:

«Сизни кўрганимдин хурсандмен гоят,
Бахтиёр кунлар ҳам келди ниҳоят.

Жон пешкаш, бағримиз очиқ, марҳабо.
Йўқ эди девонда сиздек раҳнамо».

Шоир ҳайрон боқди — ўтди дилидан:
Устомон, бол томар доим тилидан.

Йиғлаган чоғда ҳам туради кулиб,
Душманлик ҳам қилар. йўқлар дўст бўлиб.

Баланддан паст келар, пастдан лек баланд,
Мунофиқ туйғулар қалбига пайванд.

Мансабдан кетганда — қўй каби ювон,
Мансабга минганда — макри ёрар бош.

Синчков Низомулмулк пайқади дарҳол,
Навойи авзойи бузўқдир хиёл.

Хизмат хонасига тақлиф этди хос,
Ерда қолмади бу илқ илтимос.

Унинг мақсадини билмоқлик учун,
Ғийбат мўрисида чикарди тутун:

«Ари уясидин қолишмас девон,
Ғунғиллаб ётибди доною нодон.

Маждиддин зўғимин жондин ўтказур,
Заққуми жаҳимни¹ қондин ўтказур.

Аҳли девон муҳтож сиздек инсонга,
Не хизмат етаклаб келмиш девонга?»

Шоир кескин деди: «Жаноби вазир,
Бўйнидин илинур, албат, муғомбир.

Сийёсатда кимки қилгай тулкилик,
Қадри кетиб, элда булгай кулгилик.

Огоҳсиз, деҳқонлар ётмиш зиндонда,
Не тадбир кўрдилар, жаноб, девонда?»

Низомулмулк қотди ҳайкалдек бесўз,
Нафаси ичига тушиб кетди, муз.

Зурға унгланди-да, қилди илтижо,
Буқаламун каби турланди, аммо:

«Ўлимдин хабарим бордур, мундин — йўқ,
Менга чегаралаб қўйилган ҳуқуқ.

Тилимга қулф солган вазири аъзам,
Оғзингни очма деб ичдирган қасам».

Ачиниш ҳиссини қўзғатмоқ учун,
У, айбни ўзгага ағларди бутун.

«Вазифангиз қийин», — шоир боқди тик,
Вазирнинг кўзида аянчли ҳадик.

Илдам қайрилди-да чиқди эшикка,
Маждиддинни босиб кирди у тикка.

Улуғ вазир сакраб ўрнидан турди,
Шоирни ўзидан улутроқ кўрди.

Очиқ чеҳра билан қўлин узатди,
Меҳру қарам уйин сошлаб тузатди:

«Қўзларим қувонди сизни кўрган он,
Тангри наноҳида асрасин омон.

Очилиб кетибсиз Ҳирийда қолиб,
Хурсандмен, йўқлабсиз охир ёд олиб.

Келинг, бош устига! Сизда қулогим,
Меҳрингиз туфайли ёнур чирогим».

Маждиддин қилса-да тилёғламалик,
Навоий кўнглини ололмади лек.

Шоир кўчди бирдан асл мақсадга:
«Жанобим эришиб олий маснадга,

Осойиш уйини бузгандек самум,
Меҳнаткан деҳқонга айламиш зўғим».

Вазир сергак тортди: «Беш-олти авбош
Низо қўчасида бўлмиш фикрдош.

¹ Заққуми жаҳим — жаҳаннам заққуми.

Закоат тўламоқдин бўйин товламиш,
Ғавғо учоғига ўтин қаламиш.

Улуснинг кўзини қўрқитмоқ учун
Уч-тўрт бузғунчини этганмиз тутқун».

Шоир танбеҳ берди: «Қилибсиз чакки,
Ўз сўзин демакдур улуснинг ҳаққи.

Қуюшқондин чиқманг — чекурсиз пушмон,
Элнинг жазо уйи булмасин зиндон».

Вазир каловланди: «Закоат низоми —
Бузилса, ҳеч кимга бўйсинмас оми».

Шоир талаб қилди: «Қутқаринг дарҳол,
Зироатин қилсин деҳқон бемалол.

Жавобин бергайдур ҳазратга фақир,
Мурувват этгали кўзголинг, тақсир».

Маждиддин бошига тушгандек гурзи,
Шуурсиз равишда урнидан турди.

Девондан юридилар зиндон томонга,
Навоий буюрди соҳиб зиндонга:

«Омонат умр-ла қилмай хайрбод,
Жафокан бандалар этилсин оёз!»

Чурқ этмай, вазирдан сўрмай зиндондон,
Тутқунларни халос қилди зиндондан.

Навоий бағрига отилди Нўъмон,
Хурсанд бошин эгди яна не деҳқон:

«Шоир ҳазратлари, минг раҳмат сизга!
Мурувват қилдингиз фуқаронгизга.

Биз қўллай олмасак, тангри қўласин,
Савоб бўстонига ўзи йўлласин!»

Навоий улашиб бир неча динор,
Деҳқонлар кўнглини этди бахтиёр:

«Адолат йўлига ким босгай қадам,
Унутманг, ҳаёти кечмагай беғам.

Ҳақни талаб қилмоқ чин инсон иши,
Элдин айри тушмас ҳақпарвар киши.

Энди зироатга урингиз қўлни,
Ақл қўли билан ечинг мушкилини».

Куллуқ деб деҳқонлар йўналди шаҳдам,
Шоир хурсанд эди. вазир боши хам:

«Жаноб Алишербек, сиздин утинчим,
Олий ҳазрат билса йўқолур тинчим.

Орамизда қолса ушбу сир пинҳон,
Яна бир яхшилик қилинг, қадрдон!»

Навоий Инжилга отланди бесўз,
Маждиддин зах зиндон бошида дилсўз.

Инжилда кўрди у ажиб саодат,
Холи ғўша топиб кўнди омонат.

Анҳорга тикилар оғир сукутда,
Замона зайлидан юраги ўтда.

Қалбида ҳаётнинг аччиқ дардлари,
Инжилга тўкилар алам гардлари,

Дунёни ўйлайди хаёлга ботиб,
Жўмбоғин ечолмас лек боши қотиб.

Дунёнинг ишлари гоҳ адл, гоҳ каж,
Кишилар топдилар ҳар нарсага ваях.

Яна ваях топилур — бу қинғир ҳунар
Насдан наслга меросдек ўтар.

Ваях ийқ нарса ийқ — бу, боқий дунё
Ўзи ҳам ечолмас энг зўр муаммо.

Даврон хизматини ўтади ҳалол,
Элу юрт ишини олмади малол.

Бало тоши ёғди гарчи бош узра,
Қунт билан ундирди гулни тош узра.

Гуллар мевасини тўкмоқ истар ел,
Қуритмоқ қасдида эсар гармсел.

Емирмоқ бўларлар томири билан,
Қўзига қум, санчар дилига тикан.

Гарчи товланурлар хилъат заридек,
Найзасин тикарлар қовоқ аридек.

Қошида бош эгар — ортдан тош отар,
Зур келса — қўз ёши бўлур шашқатор.

Дунёнинг тагига бўлмайди етиб,
Не қилур, хаёли дафтари титиб.

Сувда нигоҳ эрир — ўйлар тиниқар,
Қўнгил, тоза сувга қўмилиб чиқар.

Рухият покланар — дилдан кетар дард,
Қолмагай кинриги учидоғи гард.

Инжил жамолига боқар, қўзғолиб,
Ўйлари маҳзунимас — ўйлари голиб.

Меҳнат роҳатини кўрар эл билан,
Оламини кузатар тоза дил билан.

«Ихлосия» кўркем юксалимин кўкка,
Салобати қувонч солар юракка.

Муаззам мадраса — ирфон макони,
Унда ирфонпаноҳ шоирнинг жони.

Толиби илмлар бир кўнги унда,
Баҳс кемаси сузар асов тўлқинда.

Навқалам шоир кўп, кўндир аҳли саз,
Қанотин ростлайди эгтали парвоз.

Бу — асли Навоий дорилфунуни,
Улуғ орауларнинг порлоқ яқуни!

Шоир мадрасага яқин келган он,
Толиблар, қошига отилди шодон.

У, чақмоқ фикрли даврада қолди,
Чақинли дунёга гўё от солди.

Мадрасани тутди ажойиб хабар,
Суюнди толибдан мударрис қадар.

Ботирбек қувонди ўтли мужладан,
Шамолдек отилиб чиқди ҳужрадан.

Толиби илмлар сафида у ҳам,
Тафаккур уйига бермоқда ҳашам.

Барча пешвоз турди — жонлари пенкаш,
Қўзларда чақнайди меҳр ва оташ.

Амир Нишопурний — улуғ мударрис,
Азалдан Навоий назмга ҳарис¹.

Мухаммад Низомий ҳам Амир Муртоз,
Ҳасан Турбатийлар дилида шўх саз.

Мадрасани шоир зиёрат этди,
Мударрис, толибин бош узра тутди.

Анжуман тузилди — олимлар бир-бир
Маърифат наҳрдан терди жавоҳир.

Мадраса ҳаётин қилиб бир китоб,
Нишопурний ўқиб берди бобма-боб.

У, деди шоирдан бўлиб миннатдор:
«Мадорисда тенгдур барча миллатлар.

Турку форс, қозоғу туркману уйгур,
Арабу озару жондон дўст эрур.

Илм истаб келмишлар Чини Арабдин,
Ажаму Юнону Қашмир тарафдин.

«Ихлосия» энг очмиш жаҳонга —
Маърифат нурига ташна инсонга.

Толибу мударрис бўлиб суҳанвар
Меҳрингиз тўфайли кўнгли мунаввар.

Қутлуғ сўзимиз ийқ қўллуқдин ўзга,
Мадорис ҳокими сурғаймиз қўзга».

Навоий чехраси мамнун ва равшан,
Қалбига ҳуш ёқди ажиб анжуман.

Амир Муртоз деди тошиб қувончи,
Толиб шоирга зўр унинг ишончи:

«Шоир Ҳилолийни билурсиз, жаноб,
Назм китобида очур янги боб.

Бир найтлар тушганди назарингизга,
У муносиб шоғирд бўлғайдир сизга.

Таҳсинга сазовор ёзмиш бир достон,
«Шоҳ ва дарवेश» дебон анга қўймиш ном.

Анда дарवेश ошиқ, маъшуқ эса шоҳ,
Шоҳни фоҳиша деб битмиш, ё оллоҳ!

¹ Ҳ а р и с — бирор нарсага берилган.

Ҳилолий ҳолидин фақир азобда,
Бедорлигим демай, ором йўқ хобда.

Огоҳсиз, адллик анинг хислати,
Жанобим, боғлиқдур сизга қисмати».

Навойи жилмайиб қўйди мийиқда,
Ҳилолий сузадур бирга қайиқда:

«Қайиқ учраса гар тўфонга ногоҳ,
Шоирнинг дардига ким бўлғай паноҳ!»

Бошин қўйи солиб Ҳилолий дилсўз,
Ғуноҳкор кишидек деймас бир сўз.

Анжуман аҳлига Навоий деди:
«Жаноб Ҳилолийнинг навбати эмди.

Дил тубига жойлаб барча ташвишни,
Қани, эшитайлик «Шоҳ ва дарвеш»ни».

Ҳилолий қўзғолди мисоли лочин,
Шеърят кўкида ёзди қўлочин.

Юрагидан тошиб ўтли бир тўйғу,
Ҳар сўзу ташбиҳга қўндириб урғу,

Достонни завқ билан ўқиди дадил,
Лафзи ҳалол эди, қилич эди тил,

Не шоҳлар жонланди кўзи ўнгида,
Ўзини унутди достон сўнгида.

Унинг тасвирида: подшоҳ — зулмкор,
Шафқатсиз, субутсиз, нотайин, айёр.

Анжуман ҳайиқар бир сўз демоққа,
Не керак ўзини урмоқ чақмоққа.

Навойи қувониб бургутдек қўлди,
Бориб Ҳилолийнинг манглайини ўлди:

«Офарин, азизим! Жасурсиз шердек,
Ўзни кўрсатдингиз назмда эрдек.

Хор қилманг, қадрланг ҳақғўй қаламини,
Диллардин кетказинг дарду аламини.

Фақир ўтказмабмен умримни абас,
Ўтнафас шуаро бўлмиш ҳамнафас.

Сизга паноҳ бўлсин улуг салафлар,
Дур камдур, назмда кўпдур садафлар».

Ҳилолий қўллуққа эгди бошини,
Бошида кўрди у шеър қуёшини!

Анжуман жонланди: баҳс қизиди боз,
Гумбазлар чиқарди гўнгиллаб овоз.

Илмда ким қилди қандай кашфиёт,
Қай олим илғору қайси фанга ёт,

Замину замондан фазога қадар
Фикр юритилди эркин, муқаррар.

Навойи ҳам деди суҳбат асноси:
«Мадорис¹ — дўстликнинг улуг биноси.

Турли миллат ўғли ўқиса аҳил,
Яна яқин бўлур бир-бирига эл.

Илм танламайди миллат ҳамда ирқ,
Миллий маҳудларга эшиклари берк.

Бу маскан — илмнинг қўтлуг бешиги,
Барчага очикдур доим эшиги.

Фўқаро фарзандин ўқитмак қарадур,
Пухта билим бермак намоздек фарздур.

Илмли кишини зурафо дер халқ,
Халққа зиё сочинг — меҳри урсин барқ.

Зурафо қўнайса — мулк тонгай ривож,
Эл кўзи очилур, кўрсатинг минҳож².

Зурафо — бу халқнинг кўзу қароғи,
Эрк йўлида ёниб турган чароғи.

Қароғини кўр қилмак истар разолат,
Чароғини учирмак истар жаҳолат.

Душманлик уруғин сочиб тобора
Қабоҳат кезади миллатлар аро.

Сизнинг вазифангиз ҳаётда улуг:
Илқини ҳеч тунмасин илм берган туг.

Балаandroқ кўтаринг — Сиз манғлафруз,
Шуур қулбасини этингиз қулдуз.

Сиз ҳурлик элчиси — эрк фарзандисиз,
Бу Сино³, Улугбек жигарбандисиз.

Дўст бўлинг, хусумат дилга ёт бўлсин,
Умрингиз безағи — диёнат бўлсин.

Олиму шоирга элимиз муҳтож,
Тутқунда яшаган тилимиз муҳтож.

Териб олинг — улус кўнглида дур кўп,
Мулоқотни узманг — тилида нур кўп,

Фақир эл-юрт кезиб, титқилаб тарих,
Гоҳ бўлмиш мунаққид, гоҳо муаррих.

Битурмен не шоир, олим тақдирин,
Илмда олғайдур ўзгу таърифин.

«Мажолис»...⁴ қаламини қўлимга олдим.
Нотаниш майдонга гўё от солдим.

Анда салафлару замондоши хос
Ижоди қилинур гавҳарга қиёс.

Фақирга ёр бўлса илҳом, иқтидор,
Тез фурсатда элга эттаймен нисор.

¹ М а д о р и с — мадраса.

² Минҳож — ёруғ ва равшан йўл.

³ Бу Сино — Абу Али ибн Сино.

⁴ «Мажолисун нафоис» — «Нафосат мажлисла-
ри» асаря.

Илмда ким маҳкам боғласа белни,
Кашфи билан хурсанд қилажак элни.

Мударрислар барин тугибсиз маҳкам,
Қўйиб юбормангиз бурон турса ҳам.

Мадорис бағрини билинг муқаддас,
Елга сочилмасин ораюу ҳавас.

Умидим зур — сизни қўллағай даврон,
Сиз билан ободон бўлғай Хурсон!

XIX

Амир Муғул хонадони — байрамда,
Шодликлари чексиз унинг бу дамда.

Бермоқда у хуфйена зиёфат,
Ҳамтабоқлар меҳри балад — зиёдат.

Ҳоздек керилади Маждиддин тўрда,
Минг ўлиб, яна минг тирилган мурда.

Беклар беги амир Шужондин шод,
Яна қайтиб келди кетган Астробод.

Хумбош Хожа Ўсмаат — нафси оч наҳанг,
Ютиб юборади тоғни — келса танг.

Қашқирбек бошида беклик кулоҳи,
Хожаси тўфайли девон паноҳи.

Сонийнинг¹ бошида саватдек дастор,
Қилганоқ вазирга бағинлар виқор.

Даҳо Ҳиравийнинг тани пажмурда:
Бир оғни мунда, бириси гўрда.

Парвоз Самовийнинг ранги кигиздек,
Жўссаси нозигу сўзи бигиздек.

Хожа Сахобиддин, Хожа Хатиб ҳам
Қаторда норидек аҳдида маҳкам.

Ўрмалаб чиқмайди бу даврадан сир,
Сирга қалбларини қилишар қабр.

Ўлик сир кўмилар, тирек сир яшар,
Душманлик йўлида «дўстлар» бирлашар.

Аҳли санъат эса — зиёфат сози,
Дил раъйига қараб чиқар овози.

Илоининг ёғини ялаган Амир
Муғул тоғди яна саройда қадр.

Зиёфат авжида — шароб ичилди,
Ҳанимларга мослаб либос бичилди.

Ширакайф Маждиддин деди битталаб:
«Тинч турсак, ташлагай аёвримталаб.

Султонни ўзига оғдириб олур,
Қулфатли қулларини бошларга солур.

¹ Хожа Алавууддин Али Соний — вазир ва шоир.

Тадбирини кўрса кимки илгари,
Бахти қулғай Амир Муғул сингари».

Маждиддин тувагин ялади Соний:
«Султонсиз яшолмас бир кун Навоий.

Шуаро бошига у битган бало,
Шухрат балосига бўлмиш мубтало».

Султон соғлигига ичдилар яна,
Фитна аригини кечдилар яна.

Беклар беги деди: «Салтанат собит,
Улус нотинчлигин қилганда соқит.

Ким боқса вазирга гайри кўз билан
Бағрини тузлаймиз анинг туз билан.

Хазина оч эди — туйди қурсоғи,
Жавоҳир, олгинга кўмилди чоғи».

«Эл — улса тинчийди» — деб Хожа Ўсмаат
Вазирга аъзамга билдирди ният:

«Қўлингизда қамчи — савайсиз кимни,
Ихтиёр сиздадур, менинг дилимни —

Навоий эзмақда — қайтса девонга,
Сигамиз на еру ва на осмонга.

Яна қисматимиз сиз билан боғлиқ,
Дунёдин ўтмайлик бағримиз доғлиқ».

Маждиддин сукутда. Янги чиққан бек —
Қашқирбек кўзида аловат ва кек.

Деди у, эт гажиб — сипқариб шароб:
«Абас Навоийдин бўлмаклик хуноб.

У, буюк истеъдод соҳиби эрур,
Султон Ҳусайн ҳам анга суянур.

Билиб босмак керак ҳар бир қадамни,
Синдириб бўлмас у тутган қаламни.

Салла деса — калла олмангиз зинҳор,
Навоий илкидин кетмас ихтиёр».

Ҳиравий бор гапни ютар ичига,
Қўзойнак қўндирган бурнин учига.

Жўссаси бир тутам, кичрайиб қолган,
Шиллиқ қўзларининг нури йўқолган.

Лек сўзи ўқловдай, шароб-ку — жони,
Фитна майинга ўч оч жиғилдони.

Ёнида бўлса гар Парвоз Самовий,
Унга писанд эмас, ҳатто, Навоий.

У деди, ичидан бошин чиқариб:
«Ўқдек жангга шаймен, қолсам-да қариб.

Имтиёздин кечган жўмард йўқ ҳали,
Қурашиб яшамоқ умрим тамали.

Навоий қўли бор Балх ғавғосида,
У, ҳамон тинчимас тахт даъвосида.

Фитнали илкени кесмак лозимдур,
Гарчи салтанатда хос мулозимдур».

Маждиддин гижинди: сузлар бепарда,
Навойга етса бу гап агарда,

Саройда кучаяр яна низолар,
Низони хуш кўрмас азал подшолар.

Самовий тикланди «шер» боласидек,
Хуросон бошида шеър балосидек:

«Навой шеърлари чучмал гурадек,
Назм гулшанини босмиш шурадек.

Султонга дўст бўлиб топмиш эътибор,
Эл кўнглин айнитмиш у битган ашъор.

Вале базмларда куйланур ҳамон,
У, ҳофиз, машшоқлар билан қадрдон.

Низомий, Дехлавий — «Хамса» пирлари,
Чинакам шеърият чаптаст шерлари.

Навой алардин қилмиш кўчирма,
«Хамса»си полапон — булмас учирма.

Чучмал мисраларнинг даври ўтди, бас,
Янги даврон бўлур бизга ҳамнафас.

Бизга керак энди янги шеърият,
Янги шеъриятга эса — ҳуррият.

Биз анинг танига ато этиб жон,
Бонг урсак — уйғонур мулки Хуросон»,

Самовий даврани солди ҳайратта:
Чиқмоқни истади ўзи ҳайъатта.

Навой мансабдан кетмаса агар
Яна бориб унинг товонин ялар.

У, қадаҳ кўтарди истиқбол учун,
Шеърият мулкида истиқлол учун!

Пешанасин ўпди Ҳиравий хурсанд:
Келажак сизники, деди орумаанд.

У боқди — дунёни қилгандек қойил,
Баъзилар, фикрига булмади мойил.

Шужоиддин деди киноя билан:
«Гул деб тутганингиз бўлмасин тикан.

Мастликда сичқон ҳам шер булар эмиш,
Ожиз заифа ҳам эр булар эмиш.

Амир Навоийни кўролмас кўзим,
Шоир Навоийга қилурмен таъзим.

Назда ниқилоб ясаган ҳассос,
Хуросонда наъра тортиди шерга хос.

Наъраси Турону Чинни уйғотди,
Арабу Ажаму, Ҳиндин уйғотди.

Мулки Румга етди анинг садоси,
Кашмирини кўзғотди буюк нидоси.

Дерлар: «Чиранма роз — ҳунарингдур оз»,
Мушқил — алда топмоқ қадр ва эъзоз.

Аҳли саз куйлангиз «Қаро кўзим»ни,
Дард-ситам утида кўрай ўзимни».

Мушиқа янгради — ҳофиз куйлади:
Куй, қўшиқ дилларда дардни куймади.

Маждиддин қалбига ўқдай санчилди,
Самовий бағрини яроқдек тилди.

Баттар чуқиб кетди Ҳиравий қалди,
«Тухтатинг» демоққа сигмади ҳадди.

Хожа Хатиб деди қўшиқ тинган он:
«Қўшиқмас, бу гамга тортувчи уқон.

Алишернинг дарди бизга не керак,
Минг дардга мубтало бўлди-ку юрак.

Шўх-шўхидин бўлсин, яйрасин жонлар,
Кайфи хуш хушгорин кутар жононлар».

Яна куй таралди шўх ва ўйноқи,
Қўшиқдан тебранди фалакнинг тоқи.

Навой газали куйланди яна,
Душман устидан дўст қилди тантана.

«Бас қилинг» — Маждиддин фиғони тошди,
Ҳирот амримда, деб ҳаддидан ошди.

Саз тинди — лек аҳли саз кўнгли синди,
Боши узра зўғим тоғи силкинди.

Амир Муғул келиб қилди ишора:
«Кетмакка мажбурсиз эмди. На чора?»

Қўлмуҳаммад Удий кўзғолди дилгир,
Мавлоно Алишоҳ йигинди абжир.

Шайхи Нойи чиқди алами ёниб,
Шоҳқули Ғижжакий борар тўлғониб.

Оғир сукут чуқди — ҳеч ким этмас «чурқ»,
Ҳиравий тиржайр — сувга тушган мурғ¹.

Мутбача узатди косаларда май,
Маждиддин жонланди: «Бўлғайми ичмай!

Эмди холи қолдик — утиргаймиз тинч,
Одами қолмади Навоийнинг ҳеч.

Қани, бир ичайлик — ёзилсин хумор,
Бу шаробдан ичса, тузалгай бемор»,

Шодиёна боқиб май косаларга,
Ичдилар — тушди жон талвасаларга.

Сонийнинг ичида диканглаб илон,
Деди: «Аҳли саздин кўнглимда гумон.

Ҳайлаб, хўб қилдингиз, вазири аъзам,
Зур зарба бердингиз Навоийга ҳам».

¹ Мурғ — товуқ.

Мажиддин қаттиққўл, гарчи қизиққон,
Мулоим сузлади: «Нотинчдур даврон».

Ҳеч ким бас келолмас — муштдек туғилсак,
Ел кетгай учириб, қўлдай буқилсак.

Навой қайтди-ю, ўзгарди ҳайт,
Билмайсиз қаёққа бурилар Ҳирот.

У, бирор мансабни қилмади даъво,
Мансабдин ижодин қуролди аъло.

Ва лекин: «Мақраби ҳазрати султон»,¹
Доб унга берилди энг олий унвон.

Демак, у йўламас энди девонга,
Гарчи маслаҳатлар берур султонга.

Ҳамон салтанатда у улуг одам,
Саройда билиброқ қўйингиз қадам.

Мансабдин кечгани — байрам биз учун,
Энг оғир йўқотиш эл-улус учун.

Аmmo, сарой аҳли ва халқдан султон
Талаб этди: юксак қадрланг дебон.

Султонни эл қилса қанча эҳтиром,
Шонрин ҳам шунча эсин дер киром.

Жаноби Ҳиравий дедилар доно:
«Анингсиз қўзғолмас Балхдаги гавго».

Гиж-гижлаб қўйиб у инисин зимдан,
Уч олмақ истайди — билмайди кимдан?

Яна мен гуноҳкор — у мендин булак
Кимсани қидириб тополмас бешак.

Воз кечди Астробод гавғосидин у,
Мирҳайдарни қилди шоҳга рўбару.

Рад этди султоннинг барча даъвосин,
Бостира олмади вале иғвосин.

Кинанга солиди Мирҳайдар шўрлик,
Навой қилолмас султонга зўрлик.

Балх олдини ола ҳазрат вақтида,
Устувор ўлтирғай шоҳлик тахтида».

Барча маъқул дебон қалдин тиклади,
Иғво уруғини ортиқ экмади.

Елғиз Хожа Ҷемат деди маънодор:
«Ҳосанинг тагида нимқосаси бор».

Низомулмулк қадам олмақда бежо,
Балки, Навойга қилган илтижо».

Улуг вабир бирдан тортди-да ҳушёр,
Деди: «Низомулмулк қўлимдаги мор».

¹ Мақраби ҳазрати султон — султоннинг энг яқин кишия.

Диконглаб бошини қўтарган замон,
Бўйиндан бир бугсам, жон берар осон».

Амир Мугул боши осмонда бутун —
Астрободга ҳоким бузгани учун!

Қадахлар бушади: қўйилди яна,
Тонгача чўзилди маҳфий таитана.

Мажиддин кам ичди — мастдир ўзгалар,
Самовийдек қулаб ётар қузалар.

XX

«Унисия»га чўккан оғир сукунат,
Боғ аро шарнадек кезар қудурат.

Шонрга навоҳдир ижодхонаси,
Тирикдек бошида азиз онаси.

У тапхо янайди бир йилдан буён:
Шодлиги бир ёну ғамлари бир ён.

Тарих уммонидан терилган дурлар
Сингари жонларин порлоқ умрлар.

Мозий қўзғусидан боқар салафлар,
Шердек журъатига ўқир шарафлар.

Доналаб йигди у қанча гавҳарин,
Дуи давлатидан ортиқ сийм-зарин.

Ҳар гавҳар — бир шонр, бир олим — даҳо;
Ҳар варақ — бир юрак ва сўнмас садо.

Шоир у олимлар розини тинглаб,
Оҳорли таърифни тоғди у минглаб.

Мовароуннаҳр ила Хуросон,
Мафтун этди мисли икки гулистон.

Икки улуг мулкида ким чекди рақам¹,
Адолат қўли-ла отур якқалам.

Мақсади улугдир: салафлар билан
Замон зарифлари тузгай анжуман.

Барчасин маскани бўлғай бир бўстон,
Бир бўстон саҳнида аҳли суҳандон.

Икки юртни кезди отлиқ ва яёв,
Икки элни кезди — қалбида олов.

Ким назм мулкида тортди машаққат,
Дил тагидан унга қўйди муҳаббат.

Бир дуррига унинг қўшди минг дуррини,
Бошига садоқат тожин кийдирди.

Саҳв² улса назмида урди қаламни,
Фасоҳат сепига безаб рақамни.

Минг таъзим айлади бир саломига,
Минг жонни бахш этди бир каломига.

¹ Рақам чекмоқ — ёзмоқ, битмоқ.
² Саҳв — хато, янглиш.

Икки мулда гоят кўпдир шуаро,
Шуаро бошида шеърин можаро.

Фарёд чекадилар ишқу даврондин,
Бевафо, жафокор телба жаҳондин.

Бир ажиб замонки, аҳли ҳунарманц
Ҳавас учун этмиш шеърга жон найванд.

Поклик рамзи дебон билурлар шеърини,
Иймонига ялов қилурлар шеърини.

Шеърсиз ҳаёт йўқдир — йўқ башарият,
Шеърсиз саодат йўқ — йўқдир ҳуррият!

Навоий ҳаёлот гирдибодиди,
Фикрат дурларидан ясар обиди.

Аҳли қалам билан булиб дардпарвард
Меҳрин дариг тутмас мисли жигарбанд.

Ким деса бир байт шеър беназир ва хуб,
Истеъдод учқунун курулди марғуб.

Тарихга йуналди машғала тутиб,
Еруғлик қидирди тарихни титиб.

Темур замонидан бу кунга қадар
Кимки ижод этди — урганди яксар.

Ади кўзи билан боқиб у холис,
Сидқидил тузмоқчи саккиз мажолис¹.

Ҳуш буйи дилафрўз ҳар бир чаманинг,
Мазмуни бебаҳо ҳар анжуманинг.

Сўз бошлар ҳазрати Қосим Анвордан,
Еруғликка чиқар зарифлар гордан.

Саккизинчи мажлис — мажлиси хосдир,
Султон Ҳусайнга меҳру ихлосдир.

Орзу қанотлари қайрилмаса гар
Муродга етмоқлик бўлғай муяссар.

Юрак даъват этар шер журъатига,
Юрак мадад берар фил қудратига.

Гишгу ёғоч тайер, тайер лой, сомон,
Иморат қурмоққа энг қулай имкон.

Бор нарса муҳайё, илҳом жуш урса,
Не ажаб, тугатиб уридан турса.

Қосим Анвор номин этганда рақам,
Салобати босиб бош эғди қалам.

Замондош бўлмади у билан гарчи
Назмидан оламга бўлди хабарчи.

Турт яшар чоғида шеърин олиб ёд:
Умрбод санади ўзига устод.

Жаҳоннинг фикридан кечиб ул айём,
Ҳайрат ёқасини ушлади мудом!

¹ Мажолис — мажлис.

Устод қабри узра бўлғай деб ёдгор
Хотира биносин курди миннатдор.

Битганда аллома Яздий мадҳини,
Яловдек қутарди замон ақлини.

Муқаддас куринди Тафт хонақоҳи,
Синовдан ўтказди олам нигоҳи.

Нодир китобларда кумилди боши,
«Зафарнома»¹ бўлди унинг йўлдоши.

Тарих қатларидан қоқса чангини,
Мозийдан эшитди Темур зангини².

Ҳаёл ўқи билан титса самони,
Юлдузлар эслатди нодир сиймони.

Ҳирот учрашуви кўзи унгида,
Улугбек мирзонинг умри сунгида.

Олимнинг дуоси қилдию насиб,
Донгдор шоир бўлди элга муносиб.

Тасвиру тавсифин келтириб бажо,
Деди: зур донишманд, оламда якто.

Фикрини банд этди Камол Турбатий:
Бағрига тиг санчди Машҳад гурбати.

Раҳнамо бўлди у оғир кунда:
Танҳолик даштда, зулм тунда.

Еру дўст қочганда хуркиб, ёнидан,
Аллома жой берди хонадонидан.

Қулаган чоғида бошига осмон,
Кифтини тутиб у, бўлди солбон.

Лутфий ҳазратлари тушди ёдига:
Қанот берган эди илк ижодига.

Меҳру карам уйин тузатган устоз,
Қон йиғлаб, ихрожга кузатган устоз,

Камолин кўролмай дунёдан ўтди,
Алишер фиғони оламни тутди.

Ҳамонки, қалбида барҳаёт руҳи,
«Хамса»га зеб берди унинг шукуҳи.

Жон қулогин тутиб дилин амрига,
Мақбара қурдирди устоз қабрига.

«Мажолис...» гулшанин безайди номи,
Назмига беқиёс эл аҳтироми.

Оқизай деганда мусибат сели,
Қулини узатди жонажон эли.

Абулқосим Бобур³ бермади селга,
Матонат камарин боғлади белга.

¹ «Зафарнома» — Шарафиддин Али Яздий асар.

² Занг — қўнғироқ.

³ Абулқосим Бобур мирзо — Хуросон ҳукмдори.

Йўқлик дунёсига кетгач надири,
Оталиқ қилди у, бўлди сарвари.

Назмини, узидан ардоқлаб зиёд,
Садоқат қасрини айлади бунёд.

Порлоқ хотирасини шод қилиб унинг,
Аламини унутмас болалик кунининг.

Ардашер меҳридан дили қарздор,
Устоз номи билан қилар ифтихор.

Мақсуди: бир китоб битмоқдир аси,
Токи, ёдга олсин келажак насл.

«Ҳасби ҳол»да¹ дардин этгани баён
Хотира уйида яшайди ҳамон.

Кўз ўнгиди унинг ади қомати,
Мурувват боғида кечган ҳаёти.

Энг мушкил дамларда бўлмиш соябон,
Ниҳолни парварини айлаган боғбон.

Унинг оти бозар «Мажолис»ини,
«Мажолис»да сўзининг нафойисини.

Тиз чўкиб унади Жомий илқидан,
Қарздор кишидек назм мулкидан.

Ҳаётда содиқ дўст толмаи у каби
Шарафга буркамоқ аси матлаби.

Тарихнинг эгизак икки фарзанди² —
Икки улуг халқнинг суюк дилбанди.

Улар — Хуржонининг икки қаноти,
Сагтанат таянчи, элининг нажоти.

Мамлакатининг икки кўрар кўзидир,
Икки халқнинг жа юрак сўзидир.

Жомийни эъзозлаб, эҳтиром билан
Нафосат қўшиқда тузар анжуман.

Яна Абулхайсий — дўқмони даврон,
Самарқанд элида закий суҳандон.

Ихрожда — ўғлидек ўргатди сабоқ,
Дилини ёруғ этди, толғанини оқ.

Беқадрлик тиги ўтмади жондан,
Бемехрлик захри оқмади қондан.

Илму фан сиридан қилиб хабардор,
Истеъдод тонгини этди шуъладор.

Хожа Аҳрорга у муриди азиз,
Авлиё пирининг ўғити лазиз.

Яна Наҳавону Аҳмад Ҳожибек,
Умрини безади дўстлик тожидек.

¹ «Ҳасби ҳол» — Навоийнинг шу номдаги қасидаси.

² Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий.

Яна қанча закий аҳли зурафо,
«Мажолис...» бўстонини этар мусаффо.

Навоий — ой бўлса уртада агар
Бошида парвона юзлаб юлдузлар.

Гарчи барча юлдуз ёрқин, шуъладор,
Қалбида шодлигу алам бешумор.

Ҳар қўнғил қўлфига қалит излар у,
Ҳақ қарор тоини деб одил сўзлар у.

Ҳар дардга табибдек қидирар даво,
Дўқмони ҳақимлик қилмасдан даъво.

Яна титқилайди баёз, девонини,
Сомондан ажратиб олади донини.

Зариқлар, қисматин тошпирган унга,
Мангъала кўтариб у кирар тунга.

XXI

Гилосу тут ишиган ажойиб найтлар:
Рухлар тетик, диллар тоза, чоғ кайфлар.

Бозори Маликда боғлар нафаси,
Шодлик тулиб чиққан деҳқонлар саси.

Тўридек тизилган дўқонлар ҳашам;
Тахлашиб ётибди шоҳи, беқасам.

Эл бундан қочади бўз растасига¹,
Навоий қўшиқлар эл дастасига².

Халойиқ кўрсатиб унга эҳтиром,
Харид илмижда этади киром.

Қўзида ўт чақнаб аҳли ҳунарманд
Таъзимга эгилар мухлиси монанд.

Барча таклиф қилар ўз дўқонига,
Анжуман илҳақдир суҳандонига.

Косагар Манриқий «Мархабо» дебон
Устахонасига чорлайди шодон.

Боғули яннаган чойнакни олиб,
Томоша қилди у, завқи қўзғолиб:

«Офарини, мўъжиза қилибсиз ижод,
Мушкилот эинги бўлибди қўшод.

Ривожни тиласа ҳазрати султон,
Чин билан рақобат этгай Хуросон».

Ноъб калфиётга ҳамма бериб тан
Ҳайрат чорбоғини этдилар маскан.

Яна бир қувончини кўргали баҳам,
Шоир берди қалблар уйига ҳашам:

«Қутлуғ кун кам учрар асли ҳаётда,
Улкап орзу жамол очди Ҳиротда.

¹ Рафта — йўлак.

² Даста — гуруҳ.

Дўстлик робитасин боғламоқ учун
Юнон сари карвон отланди бу кун.

Элчиларга қилиб меҳрини изҳор,
Оқ фотиҳа берди улғу ҳукмдор».

Навой барчани кўздан ўтказди,
Фикрат денгиздан инжу тутқазди:

«Жаноблар, фикрингиз дедингиз бир-бир,
Истиқбол уфқини этдингиз тасвир.

Хўросон мулкни билдур Машриқда,
Содиқ дўсти камдур вале Мағрибда.

Не ажаб, ораулар чиқса рўёбга,
Эл боқса, Машриқдин чиқмиш офтобга».

Шоир кўнглин топиб деди Биноий:
«Сўзингиз муҳаққақ, жаноб Навоий.

Қуруқ гап ёқмайди дерлар қулоққа,
Нигоҳ ташламасдин мунча узоққа.

Шеър билан инқимиз этсак сарафроз,
Тошган — гул келтирса, топмаган — шёз».

Дилларин яйратди Биноий сўзи,
Кўзларда чақнади назм юлдузи.

Хиротда йўқ, балки, бирор ҳунарманд,
Шеър билан бўлмаса ҳаёл уин банд.

Ўзгалар газалин ёд этур бири,
Назм билан элни шод этур бири,

Шеърга ишқи баланд бу жамоат ҳам,
Юмўндан холи пайт тебратар қалам.

Навой юзланди Машриқий сари,
Самимий учрашди меҳр кўзлари.

Машриқий Машҳадда кечирди ҳаёт,
Дарवेशван кўнглига завқ берди абёт.

Навой чорлагач келди пойтахтга,
Жомий хизматида эришди бахтга.

Гарчи косагарлик ота ҳунари,
Назмда машқ қилди кўнлар сингарни.

Бир ажиб шеър айтди турмуш тарзидан,
Юраклар эзилди унинг арзидан,

«Аз чист сурх панжан маржону пои бат,
Гар хун бажон об равон нест дар биҳр»¹.

Навой бу байттин тутди ёдида,
Деди: Машриқийдан бўлғай обида.

Навбат Ўбаҳийга етган чоғида,
У кезди Ғозургоҳ сўлим боғида:

¹ Мазмуни: Маржон панжасининг ва ўрдак оёғининг қизиқлиги дарёларда сув ўрнига қон оққанидан бўлмаи, нимадан булар эди?

«Насими ҳулду умри Хизр мебахшад агар дони,
Ҳавои дашти Ғозургоҳ оби жуи султони»¹.

Навоййга солди Биноий назар:
«Ушбу байт «Мажолис...» дафтарин безар».

Латиф шеър уқиди наққош Ёрий ҳам,
Бағрини қон этмиш жафогар санам.

Навоййни излаб келмиш Шероздан,
Кўнгли яшнаб кетмиш меҳру ихлосдан.

Амир Қосим Анвор мақбарасига,
Нақш ўйиб, етишди мартабасига.

Хиротда қурилган неча иморат
Унинг санъатидан берур башорат.

Шеърда ёқутдек порлаган бир байт
Навой қалбига ўрнашди шу пайт:

«Зи ашқи дида ки дил пур зи дурри макнун аст,
Биё ки баҳри нисори ту ганжи Қорун аст»².

Яна шеър янгради — яйради диллар,
Боғда наво қилди гўё булбуллар.

Дўстлари оёғин тиради маҳкам:
«Бир газал эшитсак Навоийдан ҳам».

Шоир сукут этди, жамълаб ҳаёлин
Ноланда сўйлади замона ҳолин:

«Не ҳукм қилса вафо аҳли журмида гам эмат,
Бу зулм эрурки, жафо аҳлини ҳакам қиладур.

Замона ўқ каби тўзларин³ синдуриб ёдек⁴,
Аларким эгрудур, — шаҳга муҳтарам қиладур».



¹ Мазмуни: Ғозургоҳ далаларининг ҳавоси ва султонликнинг суви, агар билсанг, жаннат шабадаси, Хизр умри бахш этади.

² Мазмуни: Кўз ёшлардан дил ноёб дурларга тўлиди, келгил, Қорун хазинаси сен учун нисордир.

³ Тўзлар — тўғри, одил кишилар.

⁴ Ёдек синдуриб — қаддини букиб, хор қилиб.

ИККИТВУИ ҚИЕМ

"ЗАМОЖ АЖАИ БИЛА ХАЙРБОД..."

Гардун гаҳ манга жафои дунлиқ қилди,
Бахтим киби ҳар ишта забунлиқ қилди.
Гаҳ ком сари раҳнамунлиқ қилди,
Алқисса: баче буқаламунлиқ қилди.

Алишер НАВОИЙ.

Бу кун назм арконининг рубъи масқунида қаҳрамон ул турур ва мамолик фатҳига соҳибқирон ани деса булур.

Эрур сўз мулкининг кишварситони,
Қаю кишварситон, хисрав нишони.
Дема хисрав нишонким, қаҳрамони.
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони.

Хусайн БОЙҚАРО.

Навоий машҳур «Ҳилолия» қасидасидан бошлаб, бутун асарларида Хусайн Бойқаро ҳақида сўз юритади, унинг томонидан амалга оширилган муҳим тадбирларни олқишлайди. Бойқаро Навоийнинг таъсири билан қатор илгор сиёсий, маданий тадбирларни ҳаётга татбиқ этган, узбек халқининг тарихида тараққийпарвар ҳукмдор, айни замонда кўзга кўринган шоири булгандир.

Ҳамид ОРАСЛИ.

I

Хусайн Бойқаро Балхга отланди,
Мажлиддин ичидан беҳад шодланди.

Ҳиротни тонг билан тарк этди лашкар,
Чанг-тузон кутариб елди музаффар.

Султон ҳамроҳ этди Навоийни ҳам,
Юрагига солиб ҳайрат ва алам.

Нечун иссиқ жойин қилдилар совуқ?
Балх йули узоқдир, эмасдур ёвуқ.

Яна от устида ўтар ҳаёти,
Эгарда битилар яна абёти.

Фикрида яшайди «Мезонул-авзон»¹,
Тинч қўймаса нетсин озурда султон.

Беором жонини ташлаб қийноққа,
Илингирмоқ истар, балки, тузоққа?

Балки, ёв қилгали оға-инини,
Балх устига тортар ғам қўшинини?

¹ «Мезонул-авзон» — «Вазилар мезони» асари.

Ичидан койиб у Дарвеш Алини,
Яловдек кутарди эрк машъалини.

Нечун керак булди сафарда — билмас,
Султон — ичи қудуқ, дарди тукилмас.

Исён хусусида оғиз очмайди,
Режасини абас елга сочмайди.

Мақсад ипин тугиб фикрида маҳкам,
Пешдор қўшин билан елади илдам.

Султон Маҳмуд мулки — Ҳисор баҳона,
Жанг қилмоқ истайди султон мардона.

Астробод исёни бостирилди тез,
Амир Мугул қочди Кирмонга барқхез.

Яқуббек қошида у топди паноҳ,
Қазиган чоҳига йиқилди ногоҳ.

Тож-тахтта валийаҳд Бадиуззамон
Астрободга ҳоким қилинди шу он.

Хадичабегимнинг фиғони ёнди,
Шум ичида қора илон тўлғонди.

Нафрати кучайди ўғай ўғилга:
«Шаҳоншоҳ бўлмаса ҳали у элга».

Музаффарга ваъда қилганди султон,
Навоний айниган, деб этди гумон.

Қил кунрик устида Мажиддин жони,
Жонига қасд қилди Балхнинг исёни.

Дарвеш Али билмас ҳамон ҳаддини,
Дадил эълон қилди ўз мақсадини:

«Мажиддин кетмаса мансабдан агар,
Балхни Хуросондан ажратиб олар.

Душманлик қилмоқда Навонийга у,
Асалнинг ичида тутмоқда оғу.

Вазири баҳридан кечмаса султон,
Олов тилин чўзар Ҳиротга исён».

Бунда Навонийнинг қули бор дебон
Мажиддин султонда қўзғатди гумон.

Пиширган таомин сузсин деб ўзи,
Султон билан тўғри келди юлдузи:

«Оға бўлса — жазо берсин инига,
Овғи боғлансин исён ишига.

Омон чиқолмагай чигал «тушов»дан,
Таслим бошин эгиб боқар қуршовдан.

Осойини уйини бузди — тузатсин,
Султонни сафарда ўзи қўзғатсин».

Навоний елмоқда бирга, ёлма-ён,
Мақсад чапмасидан дили қонмаган.

Йўлига тўкилди барги хазонлар,
Боши узра учиб ўтди мезонлар.

Чақмоқли мисралар фикридан ўтди,
Ўтди фикрларнинг баридан тутди.

Султон ҳаёлида яшар эди Балх,
Қилмади Навоний хуш дамини талх.

Қўшин тортмас эди Балхга, эҳтимол,
Амир Дарвеш Али иш тутса ҳалол.

У, султон фармонин қилди-да ислоҳ,
Иброҳим мирзони¹ жўнатди ногоҳ.

Мутлақ ҳоким санаб ўзини Балхда,
Султондан юз бурди — гарчи у тахтда.

Шаҳзода Ҳиротга қайтган замони,
Фош бўлди «ҳоким»нинг сохта фармони.

Ҳусайн газаби олди аланга,
Қаҳр тиканлари санчиди танга.

Ғиёсиддин Деҳдор босди фиғонин,
Ўзидан шод қилди гамгин султонин.

Бойўғли қунибди дебон гулшанга,
Тутиб келмоқ бўлди солиб кишанга:

¹ Иброҳим мирзо — Султон Ҳусайннинг ўғли.

«Бу аянчли гулом — кутубхонадор,
Дор остида бўлгай айбига иқдор».

Деб султондан олдин Балхга қўйди от,
Таҳликадан гўё қутулди Ҳирот.

Ҳусайн Деҳдордан бўлиб умидвор,
Исёни босмоққа елди беқарор.

Юраги дов бермай Балхга кирмоққа,
Қўшин мажбур бўлди даштда қўймоққа.

Дарвеш Али кўнглин тонди-да Деҳдор,
Ярашмоққа алдаб кўндирди ночор.

Катта ваъда берди султон помидан:
Оғаси қутулгай шоҳ дашномидан.

Мажиддин ҳайдалгай саройдан тамом,
Аҳли даврон учун келгай хуш айём.

Дарвеш Али вале тортиб хавотир,
Ланикар тортиб, тикди сайхонда чодир.

Уч фарсах нарида султон қўшини,
Бошидан учирган даштнинг хушини.

Жанг қилса — каттакон майдон ўртада;
Дийнат ўртада, ниймон ўртада.

Деҳдор елди илдам қўшин томонга,
Суюнчи ҳаёли ўришиб жонга.

Уни танҳо кўриб Ҳусайн туюқди,
Деҳдор таъзим ила мулоҳим боқди:

«Олий ҳазратлари, мард иши — вафо,
Вафо қилган киши — чекмагай жафо.

Амир Дарвеш Али даъво қилмас тож,
Сиз-ла ярашмоққа қидирай илож.

Занжир ясамоққа тонмай оҳангар,
Ўқдек учдим, хоҳиш этсалар агар,

Оҳангар чорлатинг ўрда бозордан,
Занжирбаид этгаймен чиқиб хумордан».

Ҳусайн ўзига сизмай қувонди,
Ғалаба завқидан қўзлари ёнди:

«Гарчи Дарвеш Али гуноҳи улуг,
Авф этдим, Навоний қадами қутлуг.

Сақлаб қолди амир жонини омон,
Чорлангиз, гуноҳсиз тугилмас инсон».

Дарвеш Али келди — таъзимда қалди,
Оғасин қучмоққа бўлмади ҳадди.

Султон Ҳусайндан тилаб ижозат,
Қурган чодирда этди зиёфат.

Йўқолган сингари гина, кудурат,
Дилларни боғлади яна мурувват.

Балхда қуниб, қишни ўтказди султон,
Баҳорда отланди Ҳисорга томон.

Қушин тортди Маҳмуд мирзо устига,
Тирик тутса — сомон тикар пустига.

Навоийни Балхда қолдириб кетди,
Кетар чоғ Хусайн қабиҳ йул тутди:

«Гирифтор бўлмасдин гам балосига,
Инингизни қаманг Балх қалъасига.

Анга макон бўлғай эмди зах зиндон,
Токи, қилмишига егай пушаймон».

Навоий хангу манг қотди — дилафкор,
Кунгли қон йиғлади, негсин? — ҳукмдор!

Фармонни этмоқчи бўлганда ижро,
Инис газабкор деди: «Бу — игво!

Огани инига душман қилмакчи,
Эзилган бағримни тигсиз тилмакчи.

Мени алдаб қўлга туширди баттол,
Яроқ санчмай, жонни олмакда қаттол.

Огам илки билан урмакда ханжар,
Қотил султонингдан асра, алҳазар!

Сиз донгдор шоирсиз алу юрт аро,
Илқида ўйнатур вале Бойқаро.

Сиз учун исёнга кўтардим бошни,
Нетай, ўзим урдим бошимга тошни.

Султоннинг измидин чиқмайсиз нечун?
Адолатга жонни тикмайсиз нечун?

Нечун ёвуз душман қилур тантана?
Нечун керак сизга бундоқ салтанат?

Менинг яшаганим етар, энди бас,
Вале сизга илкин чўмасин нокас.

Сизнинг обрўйингиз топмаса футур,
Бошимни кўтариб юрурмен мағрур.

Сизнинг душманингиз — менинг душманим,
Султонни илқида олибди ганим.

Муртад Мажиддинни кўрар кўзим йўқ,
Отмакка ўқиму жонда тўзим йўқ.

Оқ иту қора ит — бари бир итдур,
Мансаб тўнин ечса, итдин иркиндур.

Бўйинтуриқ солиб султон бўйинига,
Қора илон каби кирган қўйинига.

Адл қадамини босмаса султон,
Инқирозга юзин тутур Хуросон.

У, баҳра топмади мен ёққан шамъдин,
Кўзи очиқ кўрдек ўтур оламдин.

Зиндонга солингиз — бўйин эгмаймен,
Душманлик йўлига жоним тикмаймен.

Номингиз покиза сақламоқ учун,
Инилик бурчимни оқламоқ учун

Кўзга илмасам-да гарчи мансабни,
Султонга қўйганмен одил талабни.

Ваъдасин унутиб, қилди хиёнат,
Элу юрт унгида этди жиноят.

Жиноятга лойиқ у тортгай жазо,
Дарвеш Али — дарвеш, енгилмас, аммо!

Эмди, қамоқ этинг — сизда ихтиёр,
Жазога тортмасин сизни-да гаддор!»

Навоий гуссада — Дарвеш Алимас,
Ўзини зиндонда кўрди шу нафас.

II

Гуссадан чиқмади Навоий боши,
Ҳар куни янги гам, кулфат йўлдоши.

Зулм утказмоқда даврон жонига,
Ошкор ўт қўймоқда хонумонига.

Ҳақгўй қаламини синдирмоқ истар,
Илҳом чашмасини тиндирмоқ истар,

Тилига қулф солмоқ истайди даврон,
Тиз чўкиб яшашга қистайди даврон.

Туҳмат тошларига эттириб нишон,
Озурда ҳолидан завқ олар пинҳон.

Қонагон итларга талатиб қўйиб,
Томоша қилади қабогин уйиб.

Телба даврон унга боқиб беаёв,
Бир жонига қўйди ундан ортиқ ёв.

Кузатиб юради сояси каби,
Мардона қадамин тиймоқ мақсади.

Енгининг ичида дудама пичоқ,
Орқасидан санчмоқ истайди, бироқ.

Кўзига тик боқмас — журъати йўқдир,
Дангал олишмоққа қудрати йўқдир.

Зимдан зўр, йиқитар барча кишини,
Пинҳона битириб қўяр ишини.

Билмаганга солиб ўзини, аммо,
Парвона бўлурлар мисли раҳнамо.

Бетайин даврондан дилида фиғон,
Адолат қидириб яшайди ҳамон.

Адолат ердасмас, бўлса осмонда,
Нечун исён ўти ёнмайди қонда?

Аммо, у эл ичра кезди — пора қалб,
Адолат уруғин экди доналаб.

Уруғ униб чиқди бирма-бир, асл,
Парварии илқида муҳтож муттасил.

Даврон поймол этса, қилмай ҳимоя,
Қора булут бўлиб ташласа соя.

Навой айтиди кимга додини?
Ким жонсуз эшитур дил фарёдини?

Шоир қўларини кесмоқда даврон,
Не қўл, йўларини тўсмоқда даврон.

Мирҳайдар тутқунда, Дарвеш Али ҳам;
Султони кўргузур яна не карам?

Яна не кўргулик эгар бошини?
Яна не ситамлар тўкар ёшини?

Хусайн мағлубдек қайтди Ҳисордан,
Сулҳ тузиб, дўстликни кутди гаддордан.

Султон Маҳмуд эса жангдан қўрқмади,
Унинг шўхратидан чўчиб, ҳурқмади.

Яна салтанатни қилиб мустаҳкам,
Отасин ёвига беролди барҳам.

Хусайн ҳам ўзин голиб дер жангда,
Бир сузи янграйди турли оҳангда.

Аммо, дилин эзар Балх воқеаси,
Навой бошига солган нағмаси.

Зеро, таъмирига муҳтождир бу кун
Дарз кетган дил уйин тутатмоқ учун!

Рубару ўлтирар шоир ва султон,
Бир-бирисидан хижолатсимон.

Қўргошиндек совуқ жимлик бузилди,
Ўртада андиша — мажлис тузилди.

Юнондан қайтганди дўстлик карвони,
Не карвон, осойиш, тинчлик сорбони.

Шартнома тузилди икки мулк аро,
Навойдан хўрсанд бўлиб Бойқаро,

Деди: «Мулки Юнон ҳамда Хўросон
Базмини тузгайдир «Унсия» шодон».

Навой бошини эгди номлож,
Ташаккур демакка йўқдир эҳтиёж.

Мамлакат аҳволин қилди-да баён,
Амиру вазирдан нолиди султон:

«Амир Дарвеш Али гарчи тутқунда,
Ҳамонки, фақирнинг умиди унда.

Маждиддин хўсуда талаби одил,
Вазирни ёқтирмас аламзада эл.

У, беку амирни олмиш зўғимга,
Вазирлар юзини бурмиш самумга.

Аммо, ён босмоқда барлос беклари,
Унут бўлган каби гина, кеклари.

Тарафин олмоқда Беклар беги ҳам,
Оғзини мойлаган, балки, муттаҳам.

Бегимни ҳам қўймас ҳоли-жонига,
Сунқасд қилмоқда ўз иймонига.

Маслаҳатга муҳтож бошим қотмоқда,
Саройда фисқ-фужур қўлоч отмоқда.

Не қилсам: фитнани тутатмоқ мумкин,
Сиздан ўзгаларни унатмоқ мумкин?»

Фурсат пишди — очиқ айтмоғи лозим,
Ади сўзни унга дея олур ким?

Юз-хотир қилса гар зўраяр низо,
Мумиё ҳам унда беролмас шифо.

Ўртада қулайди «Хитой девори»,
Маслаҳатга муҳтож мулк ҳукмдори:

«Аъло ҳазратлари, меҳрингиз жонда,
Инжудек покиза дил ва иймонда.

Гарчи Дарвеш Али қилмиш носозлик,
Кўнглида мансабга йўқ ишқибозлик.

Жонидин ўтмишдур Маждиддин зулми,
Зиндондин бушатманг, майли у қўлни.

Вале уйласангиз мулк тақдирини,
Узмоқ лозим эрур хавф занжирини.

Маждиддин мансабдин кетмоғи даркор,
Ҳаётда ўзга йўл тутмоғи даркор.

Анинг дили бўлак, тили бўлақдур,
Гуруч ичра тушган қора курмақдур.

У кетса, эл яшар сиздан миннатдор,
Саройда осойиш бўлмай барқарор.

Барлос бекларининг сузлари ноҳақ,
Беклар беги эса янглишур мутлақ.

Бегимга йўқ, балки, сўзининг изоҳи,
Вазири аъзамнинг зўрдур гуноҳи.

У элни талади — закот баҳона,
Уйига ташиди сиздин пинҳона.

Хазина зарини совурди қўкка,
Элга хизматингиз чиқарди йўққа.

Десангиз: салтанат бўлсин бардавом,
Анинг хизматидин воз кечинг тамом».

Султон мулазам бўлиб бош эгди хомуш,
Ризолик булоғи гуё урди жўш.

III

Низомулмулк кириб икки букилди,
Дўл урган гўрадек дарди тўкилди:

«Олий ҳазратлари, бир кўп оломон
Девон майдонида қилур тўполон».

Султон газабланди: «Бостилинг дарҳол,
Юз бермасин яна бирорта ишқол.

Боисини билинг — уқтирди такрор, —
Улус гавғосига қай авбош сардор?»

Бош вазир ичда диклаб илон
Мажиддинга макрин тўқди беомон:

«Собиқ улуғ вазир тарафдорлари,
Мироб Хожа Ҳуснат бақирдорлари.

Кўёни Қашқирбек эмин сардори,
У демур: «Ноҳақдур мулк шаҳриёри».

Султон сачраб кетди бу хусуматдан:
«Норизо бўлибди денг ҳукуматдан?»

Низомулмулк захрин тўқиб солди бот:
«Алал-хуус, Хожа Ҳуснат — бизга ёт.

Хожа Мажиддиндир асли раҳнамо,
Катак эмин анга бу дорул-фано»¹.

Султон кўзларининг нахтаси чиқди,
Деди у бугилиб, ютандек миҳни:

«Наварбегига денг: қўшин қўзғолсин,
Барчасин тириклай хибта олсин.

Истеъфога чиқди десам Мажиддин
Сақлаб юрган экан юрагида кин.

Давлатдин олса-да катта нафақа,
Ўз қадрини қилди эмди бир чақа.

Яна тўн ёнибмен устига анинг,
Кўзимга санчиди ибто тиканин.

Хожа Ҳуснат билан Қашқирбекни лек
Бу ёруғ оламда қўймагум тирик.

Ғавғони бостириинг — бўласини қўён,
Авбошлар ватани эмас Хуросон!»

Хожа Низомулмулк ичдан қувонди,
Қасоскор қўзлари ғазабдан ёнди.

Рухсат сўраб, мамнун чиқди ташқари,
Тириклай тутмоқчи ёвуз қашқирини.

Шаҳдам олиб, навкар бегини тонди,
Ғазабдан қутурган ит каби қонди:

«Фармони олий шу: бир даста авбош
Девон майдонида қўтарминилар боп.

Тириклай тутингу солинг зиндонга,
Авбошлар кирмасин токи девонга.

Тутинг Хожа Ҳуснат, Қашқирбекни ҳам,
Мажиддин уйини босингиз илдам».

Наварбегни дажвол каби отланди,
Бош вазир амридан беҳад шодланди.

Майдонда бир даста бебош ён-яланг,
Қичқираб, бақираб — қўзларида санг².

¹ Дорулфано — бу дунё.

² Санг — тош.

Саройга қайтсин дер Хожа Мажиддин.
«Тухматга учради шоир макридин».

Селдек босиб келди бир тўда навкар,
Ур-йиқит бошланди — бошланди маҳшар¹!

Бирини қочди, бирини тунди тузоққа,
Ғавғо қўзилмади унча узоққа.

Сув сенгандек тинди бир пасда майдон,
Сардорларини тортди комига зиндон.

Низомулмулк қонди олиб қасосини,
Энди олдирмайдн кўрдек асосини.

Мажиддин ишлари тафтиши қилинди,
Ҳуснату Қашқирбек домга илинди.

Мусодара қилиб молу мулкни,
Залимлар бугизга қўзди илкни.

Қойилмақом қилиб ганим ишини,
Тириклай бугизлаб печа кишини,

Яна пайдо бўлди султон қонинда,
Хусумат утлари тутаб боинда:

«Султон ҳазратлари, вазирни аъзам
Аждаҳодек ютмин хазинани ҳам.

Уйидан тоилди беҳад мол-дунё,
Тушимми, унгимми? Ишонмам, аммо?»

Султон кулиб деди: «Хожа Мажиддин,
Дўрдек жой олганди подшоҳ тождини.

На чора? Йўлиқмин нафе балюсига,
Ножўл боқибди эл «савго»сига.

Бирини фақирга ибғом этса гар,
Бирини комига урибди, аждар».

Низомулмулк деди бўлиб сўзамол:
«Эл босиб келмакда девонга алҳол.

Миробдин куйгандур бир кун оломон,
Текин сувни пулга сотмин бейимон.

Ҳақимизин қайтиб берсин дейинлар,
Дорга осинг дебон арқонлар эшар.

Мол-мулкни бир ўлка бойлигинин мул,
Элининг қонин сўриб, эминин мисли қул.

Хазинага тўқдик бор бисотини,
Лаънат дафтарига ёздик отини.

Ўғли Тангриберди қочмин Машҳадга,
Ўзини урмоқчи қора лаҳадга².

Қилинмаса беқлик унвони бекор
Машҳадин оёққа турғизар ғаждор.

Хонавайрон эдик Қашқирбекни ҳам,
Қашқирдек талабди элни муттаҳам.

¹ Маҳшар — тўс-тўпалон.

² Лаҳад — гўр.

Зиндонга ташланди қайната, куёв,
Қариндошлар бўлмай бир-бирига ёв.

Фармони олийга чексалар имзо,
Ҳазратимдин бўлмай элу юрт ризо».

Султон имзо чекди ўқиб фармонни,
Дузахга тўгрилаб қўйди не жонни.

Хожа Ўсмаат умрин ботди қуёши:
Эл олдида дорга осилмай боши.

Қашқирбекни кутар ажал кундаси,
Кўзи қон жаллодлар оч кушандаси.

Авбош ёшлар умри ўтмай зиндонда,
Уларнинг қисмати энди султонда.

Маждиддин хусусда битилган фармон
Хайла чўқтирди — аросатда жон:

«Элу юртга сингди анча хизмати,
Аянчи тутаса, наҳот қисмати?»

Шафқат ҳисси ногоҳ дилда уйғонди,
Ўтирган жойида оғир тўлғонди.

Фармонни узатиб деди ҳукмона:
«Маждиддин уйини этманг ғамхона.

Ен босган бекларга топғаймиз «даво»,
Беклар бегига ҳам берғаймиз жазо».

Қуллуқ бошин эгди вазири аъзам,
Қасосгир кўнглида қувонч ва алам.

Алам шуки — қолди Маждиддин омон,
Тиқилмади унинг нустига сомон.

IV

Ҳирот нотинч — босилмайди қуюни,
Томоша кўрсатар даврон уйини.

Эл-юртни талаган гала чуғурчуқ
Девон дарахтидан учганича йўқ.

Бир дастасин қанотлари кесилди,
Оч кўзлари қопчиқ билан тўсилди.

Қашқирбекнинг боши соққадек учди,
Хожа Ўсмаат буйини сиртмоқлар қучди.

Маждиддин занжирда — қул-оёғи банд,
Элга зулм қилиб, ўзи еди панд.

Ҳибса ғамзада барлос беклари,
Султонга зўрайди яна кеклари.

Беклар беги эса қалъада тутқун,
Маждиддин туфайли мақсади кукун.

«Навоий қўли бор», дерлар бу ишда,
Даврон ҳунаридан жонлар ташвишда.

Яна дерлар: нечун чекамиз алам,
Қамоқда шоирнинг жигарлари ҳам.

Султонга тўнкашар барча гуноҳин:
Ўзи қазимоқда ўзига чоҳин.

Қулади салтанат зўр арконлари,
Қуюнда тўлғонар мулк аъёнлари.

Таҳлика комида турар салтанат,
Тўзонда очолмас кўзин мамлакат.

Хожа Низомулмулк юрар осмонда,
Ҳокими мутлақ дер ўзин девонда.

Тикандек ёпишиб султон барига,
Зулмини ўтказар ағёрларига.

Вазир Сухайлийнинг ҳоли танг яна,
Низомулмулк чақар мисоли кана.

Амир Носириддин Абдулҳолиқ ҳам
Гарчи янги вазир — кезар боши ҳам.

Амир Валибекдир яна бир вазир,
Навоий дастурин этадур қадр.

Низомулмулк азал устаси фаранг,
Шоирга дуч келса, олур ўзга ранг.

Ўзидан улугнинг ити булай дер,
Ўзидан кичикни тепар мисли ер.

Беку амир билан хуш муомала,
Фуқаро бошида у совуқ жала.

Балога дуч келди эл қочиб ёвдан,
Ким энди бўшатар уни тушовдан?

«Мезонул авзон»дан кўтариб бошин
Босолмас Навоий алам оташин.

Арузда очса-да янги баҳрлар¹ —
Суз билан қурса-да нақшин қасрлар,

Ихтиро қилса-да янги бир олам —
Мушфиқ халқ қалбига бўлса-да ҳамдам,

Теран таҳлил этиб халқ ашуласин,
Вазнида кўрса-да аруз шуғласин,

Юрак исён қилур халқнинг ғамидан,
Қоғоз ёнай дейди ўтли дамидан.

Ўзидан илгари ўтган олимлар,
Назмдан берса-да элга таълимлар,

Аммо, халқ яратган шеър гавҳарини,
Ғамзада кўнглининг сийму зарини,

Садафдек кўрмади назм мулкида,
Мағзи пуч пўчоқ деб тутди илжида.

Гарчи салафларни қилса-да икром,
Одил фикрин деди, хулласи калом.

Дурни дур деди у, демади садаф,
Улуснинг назмига ёғдирди шараф.

¹ Баҳр — шеърда вазн, ўлчов маъносида.

Минг йиллар азобда яшаган эли,
Минг йиллар ашула тўқиган дили!

Турк улуси эди азал арузгүй,
Шоир ҳақгүй эди — эмас гаразгүй.

Қалби ёнар унинг ғам отанида,
Улуғ халқ қисмати турар бошида.

Улус дарди билан нотинчдир кўнгли,
Нотинч кўнглидан ким аритар мўнгли.

Бир бошида, нетени, минглаб ташвиш бор,
Минг ташвишга эса бир жони нисор.

Яна Жомий бетоб — дард устига дард,
Бу дардин кўтарса, тоғлар бўлғай гард.

Юраги тоғ экан — бермоқда бардон,
Нетгай? Жомий эди энг яқин қардон!

Орттирган давлати дунёга келиб
Жомий билан дўстлик эди — шир билиб.

Мурид каби тутди ҳурматин баланд,
Бошида кўтарди мисли жигарбанд.

Юраги сиқилиб чиқди боғига,
Боқди маҳзун ойга — тун чирюғига.

Юлдузлар мунгайди — кўзлари намли,
Шоирлар сингари қалби аламли.

Боғ аро кезди у — хаёон янроқлар
Ингранар, дилида азоб, фироқлар.

Дилгир юриб келди ариқ бўйига,
Турли фикр келди тарқоқ ўйига.

Шоввадан таралар оҳанглар ажиб:
«Сув этар ҳаёту башарини нажиб».

Ўзи ясагани бу топ шоввани.
Хун кўрар шоввадан чиққан навоини.

Кўнгли сиқилганда келса тушлари,
Дардини тарқатар шовва ушлари.

Ижод билан машғул сирли кечалар
Қўлоғи остида гўё саз чалар.

Руҳи енгилланиб ичкари кирди,
«Мезонул авзон»га яна ўтирди.

Қалам тушпори лек йўлдан бош тортиди,
Кифти узра залвор тоғларини ортиди.

Тушакка чўзилди — ётолмади тинч,
Дилини гижимлар ғашлик ва ўкинч.

Уйқуси йўқ унинг — бедорлик ҳамроз,
Ҳузурни йўқ унинг — дилдорлик ҳамроз.

Кийиниб, чорлади Хожа Дехдорни,
Қўрмоққа отланди ғариб беморни.

Ярим оқшом эди — чақмоқдек елиб
Хиебон бошига келдилар етиб.

Жомий этар эди тўнакда оғир,
Бошида Абдулҳай — хужаста замбир.

Табобат илмида якто суҳандон
Донгидан ҳайратда бутун Хуросон.

Шухрати тутганди Самарқандин ҳам,
Нажот тилар эди Арабу Ажам.

Ҳусайн Бойқаронинг эди табиби,
Навойининг эса дўсти ҳабиби.

Дард чангал солганда Хожа Аҳрорга,
Даво тополмагач ҳеч ким беморга.

Навойи номига нома йўлланди,
Оқибат Абдулҳай табиб тиланди.

Устод боини узра эгилди шоир,
Қўлини тутди, ожиз урарди томир.

Ўзини танитди — зўрга илғади,
Лаблари шивирлаб умр тилади.

Табибдан ҳолатин сўрди оҳиста,
У деди мунгайиб: «Тузалимас хаста.

Қариллик — танида йўқдур дармони,
Нина узра турар омонат жони.

Жон ини узилғай пешини ёки шом,
Оғирлик қилмакда демоқлик калом».

Мутаассир бўлди Навоий баттар,
Ҳаёт гули сочмас эди муаттар.

Ғам туни бардавом — тонг отмас гўё,
Шодлиқини унутган кўришди дунё.

Табибдан тилади: «Тонгайсиз даво,
Наҳот, назм уин қолғай бенаво?»

Абдулҳай, авайлаб шеър мейморини,
Сув билан ичирди дармон дорини.

Момик билан артиб қўйди лабини,
Қўлоқ тутиб, тинглаб кўрди қалбини.

«Жиндак тузук» — мадад берди шоирга,
Дардин баҳам кўриб у билан бирга.

Хожа Дехдор гарчи мулозим — доно,
Навоий қадрлаб демини: мавлоно,

У Жомий бошида ўқиб «Қуръон»ни,
Бостирди дилларда турган буронни.

Устод кўзин очди зўрга бир лаҳза
Ва тушди қалбига аянчли ларза.

Юракдан отилди аламли нидо:
«Алишербек, дўстим, бўлғайсиз ризо».

«Маҳдум! — шоир ёнди, дилида азоб —
Сизсиз дунё уин бўлғай-ку хароб».

Жомий индамади — нурли сиймоси
Навойининг эди умид дунёси.

У, тонгин оттириб устод бошида,
Жума намозгача турди қошида.

Ногоҳ порлоқ умр қасри бузилди,
Шоирнинг қўлида жони узилди.

Фарёдди тоғлардан қулади тошлар,
Тошлар тегиб, ғамдан эгилди бошлар.

Қўзлардан селобдек ёш оқди, ҳайҳот!
Мотам либосига ўранди Ҳирот.

Маҳзун элга тўлди Хивбон боши,
Умри тугаб, ботди назм қўёши!

Мусиқа йиғлади ҳазин, дилпора,
Бутун юракларни этди мингпора.

«Шашмақом» оҳанги бузди оламин,
Ҳофизлар кўнглига солди аламин.

Мотамкан эл ичра аҳли фуқаро:
Турку форс, уйғуру арабу тарсо.

Навойи дилафкор Жомий бошида,
Султон Ҳусайн ҳам ғам отанида.

Ҳирот улўғларин эгилган қадди,
Таъзиякан элининг йўқ эди ҳадди.

Маҳдумни бир оқшом қилишиб «меҳмон»,
Шанбада қўйдилар қабрга нолон.

Гурига тортдилар тунроқни мардум,
Нирининг ёнига кўмилди маҳдум.

Азиз фарзандларин силаб бошини,
Қўздан Навоий арғди ёнини.

Оғир жудоликка берди-да бардош,
Маҳдумни хотирлаб, элга берди ош.

Садоқат кўрсатиб буюк дустига,
Тўн ёлди — келганки, элининг устига.

Икки тоғ эдилар — қулади бири,
Не кечур бирининг энди тақдирини?

V

Навойини эзар даврон жафоси,
Ғуссада қолдирган дўстлар видоси.

Фалакка етмайди видоси нетсин?
Ё оёқ етгунча бош олиб кетсин?

Нотавон бошини урса деворга,
Табиб тошиларни ғариб беморга?

Ўзга элни, нетсин, ўз элни қўйиб?
Дунё дардларидан кетди-ку тўйиб!

Ўйланди Мажиддин таназзулидан,
Зерикди султоннинг тақаллуфидан.

Умид боғлаганди Низомулмулкка,
У ҳам терак каби говлади қўкка.

Мажиддин товонин ялаган бадбин
Энди улўг султон билан ҳамнишин.

Гурига ўт қўяр кетса гар омад,
Маснадга миндими қилар хушомад.

Гарчи душман эрур дўст булар дарҳол,
Хизматига белин боғлар қул мисол.

Зоҳиран бўлса-да мўмин ва юшоқ,
Ичи қора унинг, баттол, қурумсоқ.

Чаёндек чақади — заҳри бедаво,
Сулукати билан жон олар, аммо.

Болаликда кечган турмуши оғир,
Отасиз, онасиз у ўсди сағир.

Тоғаси шаҳарнинг қозиси эди,
Султон Абу Саъид тозиси эди.

Улғайди тоғаси қаҳри остида,
Баджаҳл аясин заҳри остида.

Кифти яра бўлган қўтариб обкаш,
Машаққат ҳаётдин юрагида ғаш,

Вале мактаб кўрди — кўрди мадраса,
Қўвлик ҳунарини ўрганди роса.

Мулозим бўлса деб, кочки, султонга,
Тоғаси етаклаб келган девонга.

Ҳусайн Бойқаро чиққанда тахтта,
Яна у осилди баланд дарахтта.

Султон Абу Саъид тарафдорлари
Чопилди-кесилди ағёр сингари.

Қўллар қурбон бўлди, у қолди омон,—
Замона тилини билган ўстмон.

Ҳамтобоқ бўлди-да Мажиддин билан
Қинғир қўлларига кирмади тикан.

Ораси бузилди йил ўтган сайин,
Хизматини қадрига етди Ҳусайн.

Зўғми остида энди Мажиддин,
Қонини қайнатар хусумат ва кин.

Аммо, Навоийдан ҳайиқиб яшар,
Фитна лашкарини зиндан бошқарар.

Фигон гулханида шоирнинг жони,
Ситам кўргизмоқда жафо даврони.

Бир ғаним камайса, бири тиклар бош,
Элдан ўзга йўқдир бирор қайғудош.

Жомий қадрини ўтар — қўмсар суҳбатин,
Рухини шод этиб, эзар ҳасратин.

Қўксин нишон қилиб даврон зарбига,
Мақбара ўриятди унинг қабрига.

Бир йил ўтар-ўтмай маҳдумдан кейин,
Яна бўлди унинг аҳволи қийин.

Наҳлавон Муҳаммад кўнглида фарёд,
Олам аҳли билан қилди хайрбод.

Нетур энди? Ҳлим устига — ҳлим,
Унинг мусибатин баҳам кўрар ким?

Кетди сафдошлари — азиз дўстлари,
Энди кимга керак юрак сўзлари?

Ким билан кўтарар юрт юмушини?
Ким билан саз қилар эл турмушини?

Ҳйлаб етолмайди уйига, ҳайҳот!
Дўстлар хотираси багрин эзар бот.

Тушқунлик тумани босар руҳини,
Ҳнутмоқ истади қалб андуҳини.

Алам жабрин тортар бир ўзи якка,
Игнаси санчилар яра юракка.

Қазо аждаҳосин жаҳаннам коми,
Башар оёғига қўйилган доми.

Ҳлимни уйламоқ пайти эмас, йўқ!
Бадбин уйга ҳаёт бермагай ҳуқуқ.

Ҳлиммас, ҳаётда яшашдан мақсад,
Гарчи ҳлим қўяр умрга сарҳад.

Ҳаётни уйламоқ керак — фурсат оз,
Меҳнатин қилгайдур ҳаёт сарафроз,

Ҳаётни — ижод, деб, билди бир умр,
Умридан нолимас — дилида шукр.

Ҳамонки, қаламдир умрин йўлдоши,
Яна қоғоз узра эгилди боши:

«Тирик чу охир улар бас уқуш гам муҳлик¹ —
Чекиб, ажал мададига бу изтироб недур?»

Чу ҳар кишики тутар, ўлмайин йўқ имкони,
Не ишки, бўлмайин имкони йўқ — шитоб недур?»

Яна уйга ботди — чорлади ҳаёт:
Кўзида умиду қалбида нажот.

«Ажал чун муқаррардур, ўлмак учун, бас, таъмадин —
Недур юз гам утига куйдирмак ўзни?»

Чу туғмоқдур ўлмак учун, бас, не яъни —
Ҳлардин бурун ҳар дам ўлтирмак ўзни».

Ҳаёт гулшанига ташлади назар,
Кўнглини яйратди гули муаттар.

Ҳар қалай танҳомас — дўстлари кўндур,
Улуг халқи каби дўстлари ҳубдур,

Гурбатда қолмагай — уларки ҳаёт,
Кўзига нур бўлур, дилига сабот.

Дариг тутмас ундан ҳаёт неъматин,
Беминнат очгайдур кони ҳикматин.

¹ Уқуш гам муҳлик — ҳалок этувчи кўп гам.

Ажиб дўстлар билан арзир қувонса,
Беҳад ишқи билан ўт каби ёнса.

Арзийди ҳаётга айтса шукрона,
Садоқат шаробин ичса мардона.

Яна қўлга олиб ҳамдард қаламин,
Ярасига боғлар дўстлар малҳамин:

«...Бириси мир Атоий янгли,
Бир дарвеш Фаноний янгли,

Ҳл бири илм синеҳри уза меҳр,
Бу бири фаъл қўёшига синеҳр.

Осафий улки, не назм этса рақам,
Қиймати мулки Сулаймондур кам¹.

Яна бири келдики, Биноийки, фунун —
Касбида айламади манъи жунун².

Яна бир дарди гамим огоҳи,
Ҳамдамим, ёру зиёратгоҳи.

Яна бир Машҳадий ул даҳрда тоқ,
Шок таҳриру каримул-ахлоқ³.

Яна девонаи Котибки, хаёл —
Тушса, ҳар гамга қилур дафъи малол.

Яна ҳам бир нечадурлар гоҳ-гоҳ
Лутф ила барчадин бўлсун огоҳ.

Узгасин қилмадим ондин мазкур,
Ким, «Мажолис»да эрурлар мастур⁴.

Гар алар тутти дашти адам⁵,
Шукр, бу хайл эрурлар ҳамдам.

Шукр, неъматқа чу ҳамдаст бўлай⁶,
Жоми шукрона ичиб, маст бўлай».

Тушқунлик тумани тарқаб бошидан,
Бошин олиб қочиб ҳасрат тошидан,

Ижодга тутинди — дили булғай соф,
Яна «Унсия»нинг ҳавоси шаффоф.

Яна у «Ҳамсатул-мутаҳаййирин»⁷
Қалами учидан сочди сўз дуррин.

Яна Жомий билан этди мулоқот,
Мулоқот бир китоб қилғай муқофот.

¹ Яъни, Сулаймон подшоҳ мамлакатининг қиммати Осафий ёзган шеърга арзимаиди.

² Илмларни урганишда жинни бўлишдан ҳам тоймайди, яъни қаттиқ берилди.

³ Каримул-ахлоқ — яхши хулқли (Машҳадий — машҳур хаттот Султон Али).

⁴ Яъни, бошқа шоирлар «Мажолисун-нафоис»да айтилган.

⁵ Дашти адам — йўқлик саҳроси (улим).

⁶ Ҳамдаст — қўлдош, бирга.

⁷ «Ҳамсатул-мутаҳаййирин» — «Беш ҳайрат», Жомийга бағишланган асар.

Яна юрагида яшар бир рағбат,
«Беш ҳайрат»га боқиб, кутадири навбат.

«Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад»дир¹ бу,
Башар боғи аро дўстликка қўзғу.

Шоир ўйга ботган тонг кучоғида,
Қалам сайр этар ҳайрат боғида.

VI

Салтанат бошида ким ўйнатар от,
Унинг нағмасига бўйсинар ҳайт.

Мамлакат жилови гарчи султонда
Низомулмулк мутлақ ҳоким девонда.

У фақат ҳукмдор айтганини қилар,
Эл билан сўзлашини йўлини билар.

Мулкнинг улуғими ёки фуқаро
Девондан чиқмайди бўлиб дилқаро.

Боладек алдайди ширин сўз билан,
Ярасин боғлайди дилафрўз билан.

Буғай десанг (бадсўз чиқмай тилингдан)
Илондек сирғалиб чиқар қўлингдан.

Навозини боғида ўстомон якто,
Изласанг топиламас — уруғи анқо.

Иини битмаса ҳам эл ютмас захр
Мажиддин сенигари эмас бадқахр.

Унга хизмат қилиб тили куйган бир,
Қатиқни ҳам нуфлаб нчади ҳозир.

Ҳибсдан бўшаган барлос беклари,
Низомулмулкка кек сақлайди бари.

Беклар бегини шоҳ кўзи қиймади,
Аввалги обрусин яна тиклади.

Мажиддин ўтди лек минг чигириқдан,
Аюҳаннос кўтарди жон чинқириндан.

Улуғ вазир унга ўтказди зулмин,
Занжир-ла боғлатди оёғу қўлин.

У, гувоҳ қидирди оғир қийноқда,
Жонга умид боғлаб турди сўроқда.

Мулк киним-чиқими қилинди тафтиш,
Тафтиш қилувчилар тарқатди миш-миш.

Ҳар бир динор-чун у берди ҳисобот,
Гуноҳи йўқлигин қилгали исбот.

Низомулмулк қўлаб барча имконни,
Жонин олмоқ бўлди оқизмай қонин.

Истеъфога чиққан пасткаш амалдор
Амир Ободийга деди сервиқор:

«Вазирни титкилаб қилгайсиз сўроқ,
Айбини топмасдан қўймайсиз, бироқ».

Мажиддин сўроқдан бош тортди, аммо,
Ободий амрини қилмади бажо.

Зеро, бундан ортиқ бўлмагай таҳқир,
Ундан кўра яхши: тортса қаро ер.

Ўзидан ўн қарра тубан нокаста
Мутельникдан аъло тушса қафаста.

Мажиддин хўрликдан бўлди-да диққат
Мажбур этди ўзини ёзмоққа тилхат.

Бўйинига олди у барча гуноҳини,
Шод қилиб бош вазир деган гумроҳини.

Йиғирма минг динор қўйиб бадалга,
Ғамзада уйидан топди қўналга.

Шарт қўйилди — гарчи қилинди шафқат:
Уйда қамалиб ётсин бедахнат.

Этилган чоғида даргоҳин тинтув,
Тўшди Низомулмулк дилига қўрқув.

Кўзини қамангирди молу дунёси:
Хазинага синамас дурру кимёси.

Мулки мусодара қилинди ашқол
Чапак чалиб қолди сичқонлар беҳол.

Бадалга қўйилган қарзини тўломай,
Жонидан тариқча умиди қолмай.

Фаранг тожирлари¹ билан иннҳона
Кирмонга қочди у — Макка баҳона.

Муқаддас Каъбага столмай, аммо,
Карбалю даштда у қилди қазо.

Ничоғи ёғ узра Низомулмулкнинг,
Йиқилмас устунни гўё у кўкнинг,

Дилгир Навоийни эттали хўррам
Жафокор ҳукмдор айлади карам.

Ўжар Дарвеш Али ҳибсини тарк этди,
Душмани изидан² Ҳаж йўлини тутди.

Навоийни хурсанд этолмади шоҳ,
Мирҳайдар ғамида эди дилснёҳ.

Озод қилингандан буён тутқундан,
Фарқи қолмаганди унинг жунундан.

Султон жафосидан бағрида доғлар,
Бошида ваҳима солмоқда зоғлар.

Навоий кўксига отилган тошлар
Қўзларидан унинг оқизар ёшлар.

¹ «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» — «Паҳлавон Муҳаммад ҳолати» асари.

¹ Фаранг тожирлари — Француз савдогарлари.

² Душмани изидан — яъни, Мажиддин изидан.

Майга рўжу қўйиб гами ошди бот,
Каззоб кимса каби алдади ҳаёт.

Дунёга қул силтаб, бош олиб кетди,
Дарвешлик йўлида дардин унутди.

Ҳирот Намозгоҳи топган гулшани,
Чашмаи Моҳиён суяк маскани.

Навоий қурдирган мазкур хонақоҳ
Қаландар Мирҳайдар бошида паноҳ.

Кунида бир-икки маротаба у
Ҳирот бозорига соларди гулу.

Хайру эҳсон йиғар раҳмдил элдан,
Илоҳий газаллар уқирди дилдан.

Маскани ободон эл инъомидан,
Покиза дили шод эл икромидан.

Умрини бағишлаб савоб йўлига,
Кўзини тикмайди нопок қўлига.

Навоий пандлари сочилди елга,
Қатрадек қўшилди у дарё элга.

Гарчи ярим оқшом Навоий бедор,
Замона зайлидан дилида озор.

Сўнгсиз ўйларини этсам-да рақам,
Чигал қисматидан кўнглимда алам.

У, элнинг эҳтиром кошонасида,
Ағёрлар уқининг нишонасида.

Фуқаро аҳлига кўрсатиб минҳож,
Ўзининг дардига тополмас илож.

Бўлиб бунёдкорлик иши билан банд,
Онаси қабридан кетмади дардманд.

Мунаққаш мақбара тиклагунча қад,
Яна жамол очди қалбида мақсад:

Таъмир этди ота мақбарасини,
Малҳам-ла тузатди дил ярасини.

Йироқдан келганлар топсин деб нажот
Бозори Маликда қурдирди работ.

Эшини очди фуқаро учун,
Бошида пана йўқ бечора учун.

Зиммасига тунди катта харажат,
Эли шод этмоққа қилди ҳаракат.

Нигоҳи қадади яна Инжилга,
Хайрли бинога интилган элга.

Энди бунёд этса бирор иморат,
Мурувват илкани туттай имомат.

Кезиб у юртининг шаҳар-қишлоғин
Кўрди неча ўйнинг сўнган чирогин.

Етимлар гамидан кўзи ёнланди,
Шафқатсиз ҳаётдан бағри ганланди.

Кулфат балосига тополмай даво,
Гул ёзмай, гунчалар бўлмоқда адо.

Қорни нонга тўйса, топса парварिश,
Турмуш тарзида ҳам бўлмай ўзгариш.

Вале ким бошида бўлғайдир паноҳ,
Бағрини очади қайси хуш даргоҳ?

Ўйларин тагига етолмай шоир,
Савобли юмушга тутгинди охир.

Хайрхоҳлик ҳиссин сезиб у элда,
Етимхона қурмоқ бўлди Инжилда.

Тасаввур айлади истиқболини,
Яхшиликка бурди етим ҳолини.

Сағир угил-қизни келинса йиғиб,
Бошлари силанса меҳр йўғириб.

Мураббийлар булса отаю она,
Оға-ини булса барча ҳамхона.

Маърифат уйда чиқарса савод,
Сабоқ олиб, этса диёрин обод.

Эзгу ниётлари умид бағишлар,
Иморат қурмоғин улус олқишлар.

Қанча машаққатли бўлмасин бу иш
Бесамар қолмағай чекилган ташвиш.

Ўзи билан олиб кетмас мулкани,
Муҳтожга узаттай нажот илкани.

Яшашдин мақсади эзгулик унинг,
Садағаси кетар ҳар яхши куннинг.

Халқнинг дарду гамин тортмаса бирга,
Кулфатда ким паноҳ булур шоирга?

Қочса халойиққа ёққан балодан,
Не фарқи бор унинг жунун гадолан.

Худбин назм боғин этмасин ҳаром,
Элбин топсин унда олий эҳтиром.

Кўкида учмасин ичи қора зог,
Пок умр бағрига у солмасин доғ.

Боғ аро тикмасин қон тушмуғини,
Чангида тутмасин назм тугини.

Ҳаром ичган сувнинг томчисин заҳар,
Ғаним заҳаридан асра, алҳазар!

Душманга дўст қилма, нопокка йўлдош,
Дўстга душман этма, номардга қўлдош.

Яна бир аҳд яшар — Машҳати азим
Қошида фарзанддек қилмоқдир таъзим.

Ариқ қазиб, унга келтирганда сув,
Чашмаи Гилдан чўл бўлганди сулув.

Мадраса қурмоқчи халқ фарзандига,
Илму маърифатнинг ҳавасмандига.

Ағер күрғизса-да унга жабрини,
Талқон эта олмас тоғдек сабрини.

Умид билан яшар, улуг орзулар —
Мақсад тоғларида кезган оҳулар.

Оҳ урмоққа унинг йүкдур фурсати,
Қаддини эголмас дунё гурбаты.

Улус меҳри берур қалбига сабот,
Зоглар, боши узра ёзолмас қанот.

Олам нурга тўлур — Навоий деса,
Эл эшиги очиқ — Навоий келса!

VII

Умр китобига бағишлаб мазмун,
Нурли сатрлар-ла ўтмоқда ҳар кун.

Ҳар соат ғанимат, ҳар онки — азиз,
Замин неъматидек меваси лазиз.

Навоий бермоқда ҳар каломга зеб,
Эл уни қадрлар «суз зарғари» деб.

Мистару чилангар кўп суз мулкида,
Темирга айланар зар суз илкида.

Сузнинг кўркига хос излаб безаклар,
Маъно қулогига тақар зираклар.

Улкан мақсад наҳри оқар қалбидан,
Ҳамонки, қарздор азиз халқидан.

Битди қанча ғазал, рубоий, туюқ,
Вақт топиб, бир девон тузгани ҳам йўқ.

Тартиб берсалар-да котиблар аввал,
Шеърлари, меҳрига эдилар маҳтал.

«Хамса»га кийдириб либоси заррин,
Халқ бирла Ватандин олди офарин.

Пайсалга солди у, қилмай бир девон,
Ғарчи даъват этди Ҷомий ва султон.

Назмини, онаси асраб сандиқда,
Кўзи йўлда эди, қалби — санчиқда.

Ғард қўнса — киприк-ла олди волида,
Сочилиб ётди, оҳ, нодир обида!

Пишиб етилди, ҳа, мурод меваси,
Тўфонда чайқалар қисмат кемаси.

Умр қўшин ҳам оғди — шом яқин,
Бошида булутлар чақмоқда чақин.

Мурод мевасини сочмасдан елга,
Узи териб бермоқ керақдир елга.

Заъфарон қоғозлар узра бош эгиб,
Хайёл наҳри гўё оқди тиниб.

Юракдан берилган сирли ижодга,
Ҳар шеър бир тарихни солади ёдга.

Туркийда не битди — қалашиб ётар,
Хотира уйида оппоқ тонг отар.

Ҳасби ҳоли бордир ҳар бир шеърининг,
Тирик гувоҳлари кечмиш умрининг.

Неча тонг отдию неча кун ботди;
Кундуз халқ, кеча шеър ишқи қўзғотди.

У — шиддат отида, топмайди қўним,
Ғайрат билан ишлар — билмайди тиним.

На замон жафоси, на ёт фитнаси,
На ҳасад балоси, на кин нинаси.

На-да қарилликка ҳамдам беморлик,
Беморликка ошна бўлган бедорлик.

Абгор қилолмади кўрсатиб ситам,
Ёруғ кунни ваъда этди субҳидам.

Ижоддан топади қаноат, ором,
Ғарчи ёронлари камдир бу айём.

Ҳамлард рафиқи йўқ дардин демакка,
Ё ишқ маҳрами йўқ ғамин емакка.

Ҳамзабон мушфиқ йўқ — ҳолати душвор,
Кўнгил асрорини қилолмас ошкор.

Бағрини тиглаган ҳасратин гоҳо,
Бирор матлаъ билан қиларди адо.

Яна қоғозларга кўмилар боши,
Сарғайган битиклар бўлур йўлдоши.

Умрни тақсимлаб у тўрт фаслга,
Тўрт девон тузмоқни ўйлар аслида.

Ҳар фасл назмини қилиб бир девон,
Кўзи тиригида этмоқчи эҳсон.

Болаликни қилур баҳорга қиёс,
Йигитлик кўркида жилоланур ёс.

Ўрта ёш — қуз каби тўкин, ҳосилдор,
Қариллик — фасли қиш, боши узра қор.

Умр фасллари нодир ва аъло,
Маънолар махзани унда бебаҳо.

Ҳар девонга қўйиб алоҳида ном,
Улусга тутмоқни ўйлар бу айём.

Тўрт девонни эса жамълаб сарбасар,
Яратмоқ истаиди яхлит бир асар.

Тўрт сулим фаслнинг волидаси — йил,
«Хазойинул маоний»дир¹ — коми дил!

Хайрли ораулар чиқар рўёбга,
У ботиб қолади, балки, савобга.

Улус қойил унинг шердек азмига,
Туркийда яратган мумтоз назмига.

¹ «Хазойинул-маоний» — «Маънолар хазинаси» асари.

Беҳад қўлзмага қадаб кўзини,
Уммонда даргадек сезар узини.

У — қароғ, битиклар кўзи оқида,
Порлоқ ой — юдхузали кўк пенгтоқида.

Карвондек утади суронли йиллар,
Шаҳару улкалар, элату элар.

Тафту Язд ҳам Ироқ — муҳожирликлар,
Машҳаду Самарқанд — мусофирликлар.

Яздий баиорати, Удугбек дами,
Хожа Аҳрор меҳри, Лутфий карамн,

Ардашар, Абуллайс раҳнамолиги,
Жомий ва Паҳлавон дўст, пенволиги,

Турбатий ҳиммати — тирк хотирот!
Умид бешигини тебратар Ҳирот:

Яшалган умрининг қайтмас нафаси,
Ҳамонки, қулоғи остида саси.

Гоҳ фано боғидан бутунлай беэди,
Гоҳ таъқиб қилинган жайрондек кезди.

Надомат ғорига боини урди гоҳ,
Гирдоблар қаърида қон тулурди гоҳ.

Бўғзидан тутганда разолат қўли,
Мақсудга уидади рўшнолик йўли.

Қотиллар кўксига урса исфиҳон¹
Қондон эл узини айлади қалқон.

Ҳақсизлик, хиёнат қазиганда чоҳ,
Адолат бошида бўлудди паноҳ.

Меҳрибон шафигълар² булмаганда гар
Ағёрлар дўст булиб тутарди захар.

Ҳар қалай, соф ниёт одамлар бисёр,
Бадхоҳлар комида қилмади абгор.

У — голиб, енгди не кулфату гамни,
Яна равиан кўрди зулмат оламини.

Гарчи кўп кўргизди меҳр ва карам,
Улардек меҳрибон топмади ҳеч ҳам.

Гарчи кечиб ўздин жон қилди фидо,
Жонига оромни топмади, аммо.

Бевафоллик жабрин тортди ҳайтда,
Беқадрлик зарбин кўрди Ҳиротда:

«О, Ҳирот! — Адолат истаган пойтахт!
Қачон улар сенинг юзларининг бахт?»

Ҳақиқат оғочни мевасин қачон
Тотмоққа мушарраф бўлмай шўр инсон?

¹ Исфиҳон — қилич.

² Шафигъ — ҳимоячи.

Қачон ақлни топар ҳумдек каллалар?
Қачон одам бўлмай разил бандалар?

Эрк онаси сени аллалар қачон?
Жувонмарг бўлмагай яллалар қачон?

Эзгулик боғида ким тонса шараф,
Палахмон тошидек отдинг ҳар тараф.

Еки раво кўрдинг эиндон ё дорин,
Инсон деб зар тўн-ла безадинг морин.

Меҳрин, қадрин, ҳақни шпор эт!
Разолат, хиёнат, зулмдан ор эт!»

Шонр мянсада ҳар турли фикр,
Битикли варақлар этарди зикр.

Бир варақ заъфарон, бир варақ нимдон,
Бир варақ чапг ютган, бир варақ нурнон;

Саргардон йилларининг бемажол охи,
Урушу ихрожининг шобн гувоҳи.

Бирн озор чеккан — йсуви хира,
Бирн гард қўнмаган, гузал, бокира.

Назмини жон ичра тутган ҳар варақ —
Умр дарахтидан узилган янроқ.

Ҳар варақнинг бордир ўз шажараси,
Ҳар варақ — қўнгилининг бир манзараси.

Сўзлар туркумига кўзлар қадалган,
Ишқлар қаърига шонр қамалган:

«Ой Павоний, сўз ила олча гуҳар сочтингим,
Баҳру кон кирди қаро ерга сенинг қилкингини!»

Бирнга ё ушнга, ё юзига, ё мишгига
Дегай эл, пайлагай ортуқ эса эллик мишгини?»

Осон эмас бунча абётни битмоқ,
Ғанимат умрин унга бахш этмоқ.

Қушлар калта эди, тун эса узун,
Манаққати бўлди кундан-кун фўзун.

Ҳузур кўчасида урмади жақлон,
Иштироб даштида топмади омон.

Тошбағир ҳужрада соғуқда қотди,
Мусибат тунида мунгайиб ётди.

Ватаандан узоқда қувғинди мисол
Яшади — ёдуга интизор инҳол.

Хуросон кўкида гарчи «янги ой»,
Иғволар тўрига ташлади сарой.

Чеккан укубати кўрсатиб асар,
Умрининг қишида нур сочмас қамар,

Жаладек ёдириб йўқ гуноҳини
Жисмини тилкалар ишқ сипоҳисин.

¹ Қилк — қалам.

Этидан айириб сунгагини бот
Оёғи остида тепкилар, ҳайҳот!

Жабрдан қолди на сузидан асар,
Не сузи, қолди на узидан асар.

Дил уйи бузидди ишқ гавгосидан,
Қолди жон учқуни ғам балосидан.

Ҳақгўй қаламини синдирилмай лек
Боқди зулм аҳли — дилида ҳадик.

Унинг ашъорининг ундан бирин ҳам
Битолмай, ағёрлар ҳасратда бу дам.

Қузгундек, дашт аро юраги қондир,
Умрини совурган қуюн фиғондир.

Ут бўлиб оғзидан чиқади дами,
Бағрини кемирар ҳасад алами.

Ерга урмоқ булар унинг хизматин,
Топтамоқ истади элда иззатин.

Ҳасад қўли билан бўғиб нафасин,
Низомийга тақлид дейди «Хамса»син.

Ғазалин Ҳофизга дебон назира,
Итдек гингшимоқдан тинмайди сира.

Рубойисин нисбат бериб Хайёмга,
Макр заҳрин солар у тутган жомга.

Даҳо Ҳиравийнинг уйдирмаси бу,
Парвоз Самовийнинг кин ҳийласи бу.

Уларнинг ортида турар узгалар,
Ичи оғу билан тўлган кўзалар.

Кўзалар заҳари етар бир элга,
Шоир кўкси қалқон қутурган селга.

Ҳасадгўйлар тинмай кутарар уввос:
«Навой абёти салафларга хос,

Нечун такрор этур алар мавзуин,
Улуғлар сафига уради узин?

Алар юрган йўлдин юрмоқ на ҳожат,
Нечун узга мулкин этгайдур горат?»

Шоир атрофида кўзғолган тўзон:
Ит ҳуради, вале утадар карвон.

Бу карвоннинг юки тоғдек залварли,
Раҳнамо деб билгай доно сарварни.

Чор девон қаёқда? Битса гар манзум,
Ҳиротда санарди узини маҳдум.

Яратса «Хамса»нинг бир достонини,
Жар солиб бузарди эл ошённини.

Ҳар қалай, гул билан усади алаф,
Шоир бир тарафу душман бир тараф.

Тупигига чиқмай ағёрлар сели,
Мевасин тўқолмай хусумат ели,

У ижод қўйнида кечаю кундуз,
Бир орзуси чақнар бўлиб минг юлдуз.

Сеҳрлар болалик гаройиботи,
Лол қилар ёшликнинг ут ҳиссиёти.

Йигитлик айёми — нодир даврон,
Оламтоб дурларни этур намоён.

Фархунда¹ урта ёш саодатидан,
Қарилик фойдасин маҳобатидан.

Бисоти бебаҳо, ташвиши бисёр,
Машаққат ганжини йигар бахтиёр.

Неча юз ғазалу мустазод, туюқ,
Маснавий, рубойи жонидан суюқ.

Яна кўз тутмоқда қитъа, таржеъбанд,
Қасида, мухаммас, чистон, таркиб банд.

Ҳар бирини кўздан кечирмоқ лозим,
Иззатини қилгай бўлиб мулозим.

Гард тушган бўлса гар гулнигорига,
Дилини тутгайдир унинг хорига.

Бирор сўз, ташбиҳда саҳв улса гоҳ,
Меҳр билан уни этади ислоҳ.

Ҳар ғазалин кўзин нурига урар,
Ҳар каломга юрак қўрин йўғирар.

Ўзининг хос фаслин топмаса абёт,
Ўзга фасл, балки, маскан булур ёт.

У битган назмни битолмас минг жон,
Истеъдод кўкида бир элга тенг жон.

Сўз мулки бемонанд — туганмас бир кон,
Жавоҳири пинҳон туби йуқ уммон.

Неча эллар ҳали баҳраманд булгай,
Неча юрак ҳали ҳавасга тулгай.

Уддалай олса гар бу улуг ишни,
Улусидан, балки, олгай олқишни.

Турт олий қасрни қилса гар бунёд,
Не бахт, бўлса ундан авлодлари шод.

Гарчи даврон унга утказар жафо,
Девон тузмагида султон раҳнамо.

Эллик ё юз ғазал йиғилиб қолса,
Султонга кўрсатмоқ фикри кўзғолса,

Бўлиб фирдавс осо мулоқотида,
Жон яйрарди назм музофотида.

Наинки, кўз тикиб у ғазалларга,
Маъно париларин урарди зарга.

Баъзисидан кўрса бетакаллуфлик²,
Ўз ганжини сочиб, этарди кўҳлик.

¹ Фархунда — бахтли.

² Бетакаллуфлик — оддийлик, соддалик.

Девон тартибини бузмасдан изчил
Хос ўринини топиб қўярди яқдил.

Навоний қайтади «Унсия»га шод,
Яна эгар ижод хонасини обод.

Яна абёт бўлур содиқ йўлдоши,
Бағрида нурафшон девон қўяши.

Яна Фарҳод каби қилар жасорат,
Кони, яратса тўрт олий иморат.

Тилагим: шонга наҳом ёр бўлсин,
Чордевои ниқода устувор бўлсин!

VIII

Гозургоҳни тутди Наврўз навоси,
Жамолин кўрсатди эл мудоаиси.

Янги йил тилини жуфтлаб каломга,
Келинчак сингари келди саломга.

Меҳнаткан улуста қўлини узатди,
Эски йилни эса хушнуд кузатди.

Навоний йўлига сочиб ишжулар,
Қалбига бахш этди поэтик туйгулар.

Дуниёни ғамлардан қилгани халос
Шодлик поғорасини чалди у ҳассос.

Қалбини бушатди темир қафасдан,
Кўзлари чақнади завқу ҳавасдан.

Роз айтди гул ёзган куртакларга у,
Қулоқ тутди сирли эртақларга у.

Чашмалар кўзига тикилди ёниб,
Ҳирриуд қўнигини тинглади қониб.

Янгидан таваллуд тошган сингари
Қўнглини сеҳрлар Наврўз сирлари.

Ҳаётда ўзини сезмайди ўксиз,
Туз берган халқининг карами чексиз.

Дўстлари — жонажон эл ўғлонлари,
Элининг жони билан тутан жонлари.

Кўзининг қароғи, киириги улар,
Эл билан робита кўприги улар.

Яна қўшқини обод этди аҳли саз,
Илму назм аҳли куйга ниқибоз.

Тенгқур дўстлар аро қолиб бир ўзи,
Ҳасрат чашмасидек Мирхондининг кўзи.

Хондамир ҳайратга чўмиб, қувонур,
Ҳилолий дарди сел — кўзлари ёнур.

Дўстлар севишчига ҳамрозу ҳамдам
Султон Али билан Абдуҷамил ҳам.

Наврўз кўркидан маст Баҳзод хайли,
Маҳмуд Музаҳҳибнинг фарҳудида ҳоли.

Абдулвоҳсӣ тошар мисли шайола,
Аскиядан чиқур кўзлардан жола.

Бир маҳал жонланиб қолди Осафий,
Кўнжўт ҳолига олиб келди Офатий.

Ҳоливагар билади унинг қўнглини,
Шеър ила тарқатар баъзан мунглини.

Наврўз неъматин-ла тўқин дастурхон,
Атрофида жамъидир дўсту қадрдон.

Дилларда ғубор йўқ — тоза руҳлари,
Тундек унутилган ғам-андуҳлари.

Сумалак — поз-неъмат кўркидир бугун,
Таомил сийлови янги йил учун.

Уни пиширурлар Наврўз келганда,
Навбахор боғларда голиб елганда.

Наврўз сумалакниз ўтмаган ҳеч гал,
Сумалак — Наврўзнинг рамзидир азал.

Меҳмонлар тоғади бир-бир ҳавасга,
Жон найваст мусиқи таратган састга.

Меҳмон билан яшнаб Гозургоҳ боғи,
Қолмади Навоний қўнглида доғи.

Бугун ғамларидан асар йўқ гўё,
Қувониб деди у: «Дўстлар, марҳабо!»

Наврўз баҳонаю дийдор ғанимат,
Бевафо дунёда дўст-ёр ғанимат.

Ғанимат ҳар лаҳза, ғанимат ҳар кун,
Умр ғаниматдур одамзод учун.

Ҳар кун Наврўз бўлмас — қайтмас ўтган кун,
Дўстлар билан бўлсун бағрингиз бугун.

Дил-дилдан сув ичар Наврўз тўфайли,
Ғанимин дўст қилсин Гозургоҳ сайли.

Навоний парвона меҳмонларига,
(Меҳмонлар фидоин мезбонларига):

«Водариг, дунёга ҳаммамиз меҳмон,
Келиб-кетгувчидан бозор бу жаҳон.

Ўтқинчи умрин билмай омонат,
Наврўзи оламга айтинг ҳасанот».

Аҳли дил шонга боқди миннатдор,
Қўнгли боғларида кезиб навбахор.

Боши оғиб келиб қолди Самовий,
Бадиха тўқиди бир байт Фаноний:

«Тугун чиққан жойдан қолмаган Нарвоз,
Сим дормас, ер узра юрур бу дорбоз».

Анжуман жонланди — Навоний хушҳол
Сўрашиб, ўринини кўрсатди дарҳол.

Ширакайф эди у — урмабди нафета,
Ҳиринглаб кулади бўлар-бўлмаста.

Синчалак жуссада ясама виқор,
Баъзан эсин таниб, боқар димоғдор.

Устозсиз қолди у, Ҳиравий ўлиб,
Энди юрар ўзи устозлик қилиб.

Хожа Низомулмулк тувагин ялаб,
Шоирлар гўрига юрар ут қалаб.

Гозуртоҳ дарагин эшитиб ундан —
Кўришаналак чиқиб келминдир тундан.

Айтоқчилик ҳамон умрин мазмуни,
Сотқинлик қилмаса — ўтмайди кўни.

Навоий билса-да — парво этмайди,
Чақир тиканакни қўла-ла тутмайди.

Яшани дозимдир, ахир, тикан ҳам,
Нуқул тоза гўлдан тузилмас олам.

Вазири аъзамнинг ҳаёт тарихин,
Назмга солар у, бошлаб таърифин.

Бир кўн айби бордир: ким берса қўйиб,
Ўтиб олар унда, уйини қўйиб.

Ичиб алжирайди — шешр ўқиб вайсар,
Тоғга қадар ичиб тўймас бу қайсар.

Нафси — бир ийла майнинг гаджси,
Шу йўсини кун кўрар шешр мубталожси.

Мувазам оҳангдан боғ тебранади,
Не боғ, Кўҳи Сафид — тоғ тебранади.

Навоий газали куйланади боғ,
Қўшиқнинг сеҳридан чайқалар Ҳирот.

Хуросон чайқалар қўшиқ мавжиди,
Қалблар яйраб кетар қўшиқ авжиди.

Яна кенг олиниб баҳс доираси,
Бошланар улфатлар муноираси.

Туркони рубоий ўқир Атоий,
Бу йўлда қилмади асло хатоий:

«Шароб деса ўзин таплагай томдин,
Қўйқасин қолдирмай сиқаргай жомдин.

Майхўрини мачитга қилминилар имом,
Эл кўрса қочади бундай имомдин».

Шерга қиёс этиб Атоий азмин
Фаноий қизитар рубоий базмин:

«Тўтидек янайсен олтин қафасда,
Қўшлар боқар сенга — кўзи ҳафасда.

Ўз сўзинг йўқ сенинг, хожанг не деса,
Такроқлаб тургайсен керак нафасда».

Рубоийда эмас Бадийи якто,
Фаноий изидан от қўяр тапхо:

«Яшамоқ қийиндур — тўғри сўзликмен,
Сўздин тонмаган солда ўзбекмен.

Андижон элидин келмадим абас,
Бошимда синса-да қилич, ўзликмен».

Анжуман «ваҳ» деди — тошиб ҳайрати,
Ҳилолийнинг жўшиди дилда гайрати:

«Бағримни эзмакда маҳзун лаҳзалар,
Дил уйини бузмакда ёғий ларзалар.

Қўшларим гоятда кечмоқда оғир,
Кўксимга санчмакда дўстлар найзалар».

Ҳилолийга тутиб бир кесим ҳалво,
Офатий солмади оламга гавго:

«Гарчи боши узра булутли осмон,
Умидга таяниб яшайди инсон.

Ҳеч нарсаи йўқдур умиддин ўзга,
Умиддин айрилса, жаҳон зимистон».

Осафий отига босдию қамчи,
Рубоий наҳридан олди бир томчи:

«Ҳаёт — уйини, дединг, инсон — қиморбоз:
Ютқизганлар кўну ютганлари оз.

Ютган ҳам ютқизар, билсанг оқибат:
Бирини дорбоз бўлур, бирини морбоз».

Диллардан ўгилди офарини саси,
Шуъладек сочилди Котиб нафаси:

«Ҳаёт шодлик берди — берди озроқ гам,
Гамсиз татимайди нуқул шодлик ҳам.

Шодликдан иборат бўлса гар ҳаёт,
Гамни эва ўзи яратди одам».

Ҳаёл чўққисиди чақнаб Хондамир
Бир рубоий айтди — донғи оламгир:

«Сен бугун доносен, эртага нодон,
Нодонини адашиб сийлайди даврон.

Ҳаёт чархи доим айланади турғай,
Яна ўз аслига қайтади жаҳон».

Оғир ҳаёлларга ботди жамоат,
Мирхонд деди, дилда сабру қаноат:

«Дунё яралминики, жоҳил азиз — софдил хор,
Нодонлик уйида бузғун азиз — оқил хор».

Ҳаёт ўз намини ўтказди, инсон лол,
Жаҳон айвонида эгри азиз — одил хор».

Яна уйга чўмиб бошлар бўлди ҳам,
Бир рубоий деди Султон Али ҳам:

«Рухимга ёт менинг замонасозлик,
Ҳеч кимга қилмадим парвонабозлик.

Тонмадим эътиқод, виждон, иймондин,
Замона аҳлида кўрдим носозлик».

Рубоий базминни қизитган жонлар
Дилидан тўкилди дардин армонлар.

Самовий ҳам майдан бўлиб жонфироғ,
Рубоий даштида кўтарди тўзон.

Ясаул итингмен дебон султонга,
Мастона қалбини тўлдирди қонга.

Хатто, Навоийни қилмай андиша,
Низомулмулк қадрин айлади пеша.

Яна неча шоир, котиб, созанда,
Рубоий мулкига бўлдилар банда.

Митти юлдуз каби боқиб Зайниддин
Қўзлари чақнади назм завқидин.

Соҳиб Даро унга этгач ишора,
Навойдан деди, қилиб наззорат:

«Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ».

Зухра адаб истасанг фаровон қилмоқ,
Бир они ато-анога эҳсон қилмоқ».

Зайниддин шаънига ўқиб офарин,
Навоий ҳам сочди рубоий зарин:

«Меҳмоннинг меҳрин асрагил жон ичра,
Неъмат қалин айла хони эҳсон ичра,

Ҳар неча адаб ўксук эса нон ичра,
Баракат етурур қалин илик хон ичра».

Жамоат бошини эгди миннатдор,
Меҳр гулларини этдилар нисор.

Санъатин намоиш этдилар хуррам
Аҳли котиб ила аҳли мўйқалам.

Кўнгиллар торини журлаб нағмага,
Неча сурат чизмиш Беҳзод «Хамса»га.

Мана, севги дашти — Қайс кезар мажнун,
Фигонли қалбида ишқ — дурри макнун.

Оҳулар ичра у — либоси жулдур,
Оҳ урса — оғзидан чўғлар тўкилдур.

Мана, тутқун Лайли — рангпар рухсори,
Сочлари тўзгиган, кўзда ишқ зори.

Гул тутган илкига тикан санчилган,
Дилини айрилиқ ханжари тилган.

Боқиб, кўздан ҳайрат шуъласи тошди,
Қалб исён қилдию ишқ гами босди.

Навоий қалбида оташ ҳаяжон,
Беҳзодни кучди у падарисимон.

Қўзлари намланди — дарди сел бўлиб,
Чўқур нафас олди ўпкаси тўлиб.

Рассомни қўлади ҳозиронлар ҳам,
Тасанно ўқиди Наврузи олам.

Султон Али очиб хиром жуздонни,
Наврўз ҳадяси деб тутди девонни.

«Ғаройибус-сигар»¹ — дебоча девон,
Офарин, сенга эй, котиби даврон!

Подлик гулшанида Абдуҷамил ҳам:
«Наводирӯш-шабоб»² қўлида кўркам.

Шоирга узатди — қалди тазнимда,
Улуғ ҳодиса бу мулки азимда!

Замон котиблари кўчириб оққа,
Аҳд қилди: Наврўзда элга тутмоққа.

Хурсанд Навоийнинг қуллуқда боши,
Қалбидан жой олган меҳр кўйиши.

Муборакбод этди аҳли жамоат,
Бахтиёр қўзларда ёнди садоқат.

Боғбон Зайниддин ҳам айлаб эҳтиром,
Бадиҳа айтмоқни кўнгли этди ком:

«Навоийдур миллатимиз отаси!
Инонингиз, сўзимнинг йўқ хатоси».

Навоийни қўтлаб нағма қилди соз,
Не соз, Наврўз этди элга сарафроз.

IX

Хожа Низомулмулк ургимчак мисол
Турига уради саройни дарҳол.

Номақбул ҳайдалди — келди мақбуллар,
Бош эгиб, хизматта шайланди қўллар.

Ур деса — урурлар, сур деса — сурур:
Ёқмаган кимсанинг шўрин қуригур.

Девонни босди ўз аймоғи билан,
Ёруғ кунни гўё қоплади туман.

Мўр-малахдек қатнаб қолди уруғи,
Оғзини мойлади девон куйруғи.

Босар-тусарини билмай қолдилар,
Ҳокимлик жиловин қўлга олдилар.

Қайноғаси Хожа Имадулислом
Вазирлик тўнида қилинди икром.

Яна амакиси Низомиддин Қурд,
Соҳиб девон бўлиб қидирди мурид.

Яна Абдулазиз — котиб жиёни,
Ковлаб берар эди қўлга миёни.

Яна: ўғиллари минди мансабга:
Ҳокимлигин берди икки қасаба³.

Яна: тоғасига тегди мироблик,
Пулдор инисига эса саррофлик⁴.

¹ «Ғаройибус-сигар» — «Болалик ажойиботлари».

² «Наводирӯш-шабоб» — «Ийитлик ноҳирликлари».

³ Қасаба — шаҳарча.

⁴ Сарроф — қимматбаҳо тошларни сараловчи, заршунос.

Яна: гунчачиси — заргар ёш жувон,
Ҳарамнинг бекаси, измида султон.

Масъул маҳкамалар қўлида, хуллас,
Курсида: ўтқазиб қўйилган туллак.

Ким келса арз билан таҳдид қилинар,
Ҳиротда янаши таъқиб қилинар.

Султонга етмасин дебон эл арзи,
Қўлларида ушлаб турарлар гўрзи.

Унинг боши чиқмас айишу инсратдан,
Ўзини йўқотиб қўйган шухратдан.

Ҳарамни ободдир гул қизлар билан:
Не-не паризодлар боши эгилган.

Кайфу сафо қилар, унутиб ғамни,
Бахтин қаро қилди неча санамни.

Истифода этиб ўз мансабини,
Низомулмулк эса билмас ҳаддини.

Кимки эгилмаса — уни билар ёв,
Иссиқ ўрини совуқ қилади дарров.

Бекларнинг тагига сув қуяр зимдан,
Отган томирини узади чимдан.

Ўзи илдиэ ёр ажириқ каби,
Давлатни ўмармоқ асл матлаби.

Кимки Маждиддинга бўлса тарафдор
Ўз комига тортди зиндон ёки дор.

Аминиддин Маҳмуд гарчи неча йил
Вазирдир, у билан топмаганди тил.

Зуғумин ўтказди Низомулмулк ҳам,
Қамоққа ташланди — дилида мотам.

У қочди — оғаси Хожа Афзалдек,
Бошин дорда кўрар қараб турса тек.

Аёл либосини кийиб бир оқшом
Жуфтагин ростлади Кирмонга томон.

Низомулмулк сўраб турар Ҳиротни,
Султон Ҳисор томон бургандир отни.

Яна у саргардон Балх ўлкасида,
Қалби нафас олар ғам кўлкасида.

Яна сулҳ бузилди — Султон Маҳмуд ёв,
Яна Хуросонга чанг солди олов.

Мададга чорланди Бадиуззамон,
Астрободдан чиқди қўшин беомон.

Ота-ўғил отландилар Ҳисорга,
Бошлар тегди вале тошди деворга.

Зур-базур тиклашди бузилган сулҳни,
Яна дарвозага солишди қулфни.

Балхга ҳоким қилди ота ўғлини
Ва солди кафтига ётлик чўғини.

Ўғил оғоҳмасди ота макридан,
Қадрига инҳоний сочган захридан.

Умиди зўр эди Мўмин мирзодан,
У билан шод эди ўткинч дунёдан.

Астрободдан Балхга жунар чоғида,
Ўғлини тутди у жон қароғида.

Мўмин мирзо эди кўзин қораси,
Жонидан узилган жигариораси.

Ўиди-да ўғлининг пешонасидан,
У деди, кетар чоғ кошонасидан:

«Ўлтирган ўринингиз ўчмасин, ўғлим.
Сиздин ўзга менинг таянчимдур ким?»

Ўзини хунёр тутинг, эҳтиёт даркор,
Ақлу идрок билан ин тутинг зинҳор.

Улуғ бобонгизнинг қўнгли этиб ком,
Кошки, Астрободни айласа инъом».

Қиличдек қомати таъзимга келиб,
Мўмин мирзо деди табассум қилиб:

«Надари бузургвор, кафилдур жоним,
Идора этмоққа етур имконим.

Сиз кезмин гулшанда алаф унмагай,
Сиз кезмин боғ аро зоглар қўнмагай.

Асло тенг бўлмагай бургут ила зог,
Бургутдин эзгулик, зогдин қолар доғ».

Кўзлари намланиб Бадиуззамон,
Ўғлин қучиб, қўнар эгарга чаққон.

Ва деди эгилиб қўлогига бот:
«Сизни деб яшармен, эканман ҳаёт!»

Юз бериб қолса гар бирор кори ҳол,
Балхга элчи йўлланг — келгайман дарҳол».

Ота-ўғил қилинчилар хайрбод,
Мўмин мирзо амрини кутди Астробод.

Низомулмулк билан Хадича бегим
Султон Ҳусайнга бермади тиним.

Жиловин чиқармай қулай фурсатни,
Оқни қора қилиб унга кўрсатди.

Малика ноз билан қўйнига кирди,
Ариқ сувин ўзга томонга бурди:

«Музаффар мирзонинг дили шикаста,
Ҳокимлик ишқида кезадур хаста.

Балхни Улуғ мирзо этмиш идора,
Музаффарга тегса Астробод зора».

Ҳусайн қўйнида диканглар илон,
Деди, маҳкам тутиб буйнидан шу он:

«Мўмин мирзо беҳад хуб кўрар бизни,
Инжитиб қўймасак набирамизни.

Не деб сўз айтгаймиз Улуғ мирзога?
Ўзимиз суқмайлик бошни низога.

Суюк уғлимиздан аямам ганжни,
На булғай, топиширсак Кўҳна Урганжни?»

Илон қўлдан чиқиб, бошин уйнатди,
Заҳар тилин чўзиб, уни уйлатди:

«Мумин мирзо ҳали успириин бола,
Улуғ вилоятни қилманг ҳавола.

Дорилфатҳ — Музаффар мирзо матлаби,
Копки, кулса анда умид кавкаби¹.

Якка уғлим истур дур² Хоразмда,
Астробод турганда мулки азимда?»

У, силаб илоннинг силлиқ баданин,
Сийлагач, ишвакор юмди даҳанин.

Олий фармон чиқди: Музаффар мирзо
Астрободга ҳоким қилинди, аммо,

Даргазаб қўзғолди Бадиуззамон,
Уруш гирдобиди қолди Хуросон.

Ота билан ўғил бўлди энди ёв,
Ўртага қўйилди жонлари гаров.

Барқвор навкар йўллаб Астробод томон
Ўғлига буюрди Бадиуззамон:

«Қора булут солимиш бошларга соя,
Дорилфатҳни қилинг қаттиқ ҳимоя.

Оёгин босмасин Музаффар зинҳор,
Лозим бўлса — қўшин тортгайсиз девкор».

Хусайн жонига гулгула тунди,
Суянган тоғидан кўчкилар кўчди.

Қари қоплон каби судралди ҳар ён,
Надомат тошига кўкраги ишон.

Айёр Низомулмулк боқар иложсиз,
Султон таҳликада — қолгандек тожсиз.

Малика фиғони чиқиб фалакка:
«Навоийни чорланг, — дейди, — қўмакка».

Улуғ вазир дейди: «Тадбири шоян,
Алишербек сулҳга топгайдур умкон.

Ўзга киши сўзи ўтмас Мирзога³.
Ўзга киши чек қўлмас низога».

Оғир кунда — даркор бўлур Навоий,
Енгил кунда — унутилур Навоий.

Хусайннинг эгик боши тикланди,
Қийиқ кўзи қув нуқтада миҳланди.

¹ Кавкаб — юлдуз.

² Дур — узоқ.

³ Мирзо — Бадиуззамон мирзо.

Нимани уйлади? Ҳали номаълум,
Фикрида тузонлар қўзғатди самум,

Қуюн босилганда булғайдир ошкор,
Ҳозирча бир гапни айтмоқлик душвор.

Жон қафасда — Навоийни тилади,
У бош тортса, кимга нола қилади?

Куп ўтмай, Навоий тахттоҳга кирди,
Султоннинг жонига дармон югурди:

«Алишербек, бошим ғамларга ботди,
Ўз уғлим бошимда тошни ушотди».

Навоий сўзлади қилолмай тоқат:
«Ҳазратим, юз берди қандай фалокат?»

Фиғонли деди у: «Бадиуззамон
Отасига уруш қилибди эълон».

Шоир утда ёнди: «Нечун? Бесабаб,
Ўғил илк кутарса отага қараб?»

Сабабин сўзлади Хусайн дилгир,
Салтанат юзидан утинди охир:

«Гарчи Балхга бормоқ эмасдур ҳавас,
Оғир кунда яна булинг ҳамнафас.

Яраштириб қўйинг ота-ўғилни,
Кўнмаса, ўртага солгайсиз элни.

Астробод ишқиди Музаффар мирзо,
Урушсиз бермакка қилгайсиз ризо.

Фалокат юз берса — афсус қилмас кор,
Ўкинч ўтида денг олий ҳукмдор».

Навоий илкни тутди аросат,
Хуросон бошида яна фалокат.

Ичидан чиқса-да ҳасрати тошиб,
Мулоийм сўзлади ўзини босиб:

«Шафқат илкин чўзинг Мумин мирзога,
Азиз бошингизни қўймаг низога.

Улуғ мирзо бўлса сиздин миннатдор,
Мамлакатда тинчлик топгайдур қарор.

У, мулкка валийаҳд, дорилфатҳ эса,
Не ажаб. Мирзога даҳлдор бўлса.

Музаффар мирзога ўзга вилоят
Ҳокимлиги тегса — шодлангай гоят».

Навоий нестаги жавобсиз қолди,
Хусайн ўзини гўлликка солди:

«Дорилфатҳ оёғини тонган бир ўлка,
Балх бошига душман солар таҳлика.

Улуғ мирзо Балхда ҳокимлик қилса,
Орзу этган эдим: оёғини бўлса.

Салтанат умиди сизда, жанобим,
Сиздин ўзга йўқдур энди навоҳим».

Навоний тахттоҳдан чиқди дилсузон,
Боши берк кучада яна Хуросон.

Х

Уруш ҳолатида яшар эди Балх,
Ҳаёт фавқулодда кечар эди талх¹.

Туфонли денгиздек чайқалар даврон,
Таҳлика остида нотинч оломон.

Оёққа қузғолган жанговар қушин,
«Ҳайт!» деса — душманининг учирар хушин:

Ё раб! Душман булмиш — топишолмай тил:
Уғилга отаю отага уғил.

Зил кетди мустабид хонадонига,
Не хонадон, мулки Хуросонига.

Салтанат жиловин чиқарди қўлдан,
Тоғу тахт макрида у озди йўлдан.

Яна юрт талашар — талашади тахт,
Яна қирғинлардан қидиради бахт:

Ҳамфикр қилолмай уғиллар бошин,
Дилига соқолмай меҳр оташин,

Алам утларида хас каби ёнар,
Не хас, оташ ичра мисли самандар.

Отадан ранжиган Бадиуззамон
Дилига андиша ётди бегумон.

Кузини чўқиган сингари қарға
Астрободдан осон қилди «бадарга».

Энди ўглини ҳам этса қувгинди,
Наҳотки, бошида қилчлар сиңди!

Йуқ, бардош беролмас бу кўргиликка,
Ҳар қандай балога ташланар тикка.

Ўғли учун қилгай жонини фидо,
Шердек наъра тортса, кўк бергай нидо.

Ҳарқалай, Мумини чаптаст ва жасур,
Душманининг олдида бош эгмас — мағрур.

Ерга қаратмайди ота юзини,
Ҳимоя қилмакка қодир ўзини...

Шоирга очилди Балх дарвозаси,
Эл аро тарқалди зур овозаси.

Бошига кўтариб Бадиуззамон
Эътиқод кўшиқда сийланди меҳмон.

Навоний отаси монанддир унинг,
Болалиқдан меҳри баланддир унинг.

Ўрни келса — қўяр отадан юксак,
Шеърининг сеҳридан кўз очган юрак.

¹ Талх — аччиқ.

Ҳайратда тутади ақл-идрокни:
Дунёда кўрмади бундай беконки:

Эл хурмат қилади султондан ортиқ,
У меҳр кўргизар имкондан ортиқ.

Султоннинг фикридан оғишган башар
Шоирнинг ақлидан нур олиб яшар.

Сўзидан чиқмаган эсини таниб,
Барча шаҳзодадан юрар қизганиб.

Навоний ҳам қилиб уғлидек икром,
Хумоюн кафтида тутади мудом.

У — нозик табиат, хулиқи хуш инсон,
Фаҳми тез, диди хуб, ута билимдон.

Узи учун қилар назмдан ҳам машқ,
Машқини қилади ўзидан ҳам рашқ.

Набира сингари шоирга ўғли,
Ўглининг назмда юраги чўғли.

Навоний меҳридан усиб-улгайди,
Тили чиқиб, унинг шеърини айтди:

Хулласки, шоиру Бадиуззамон
Отаю ўғилдек яқин, меҳрибон.

Навоний арқонни ташлади узун,
Гарчи юрагида дардлари фузун.

Шаҳзода сезса-да ташриф сабабин,
Сўрмади, дегунча шоир матлабин.

Эътиқод қасрида учрашдилар бот,
Игна узра туриб кўз тикар Ҳирот.

Навоний бир жойга йиғиб фикрини,
Деди, шаҳзодага айтиб узрини:

«Жаноб Улуғ мирзо, султон Ҳусайн,
Фақирга таъкидлаб қилдики тайин:

Унутгайсиз булиб ўтмиш ниқорни¹,
Қураб ташлагайсиз кўнгулдин қорни.

Ота сўзи — тангри сўзига тенгдур,
Ота сўзи — ақл юзига менгдур.

Тор жаҳон кенг бўлгай ота бор бўлса,
Ҳар мушқил ечилгай ота ёр бўлса».

Шаҳзода узди-да жон қулогини,
Ўртага ташлади кин улогини:

«Улуғ ҳазрат, келиб шунча йироқдин,
Чиқармоқ истайсиз мени қийноқдин.

Ниқорни унутмоқ мумкиндир, токи,
Ади йўл курсатса султон идроки.

Қор эмас, дилимда қоттандир музлар,
Қадримга илк чўзмиш кўзи ёвузлар.

¹ Ниқор — келишмовчилик.

Не сабаб илкимдин кетгай Дорилфратх?
Не сабаб маконим булгай эди Балх?

Музаффар тутди 8 султон бугзидин,
Она сутн хали кетмай озгидин?»

Шахзода кунглига келтирмай озор,
Шоир деди юминоқ ҳамда маънодор:

«Отангизнинг яна ташвиши ортди,
Абас ниқор сизин урунга тортди.

Фармони олийсин қилолса бекор,
Овора этмасди мени ҳукмдор.

Шахзодам, айбур сизга малика,
Ҳазрат дилига у солминн таҳлика.

Ошкор айтолмади гарчи фақирга,
Истак йўқ кўриди уибу тадбирга.

Балки, ризо булган поиложликдин,
Малика сўзига зор, муҳтожликдин».

Шахзодадинн эди чикди фиғони:
«Ҳазратим, ким ўзи мулкнинг султони?»

Малика қилсин ўз маликаликгин,
Султон — султонликгин, ўз молликликгин.

Маликада қолса давлат жиловин,
Анинг ўзи булгай мулкнинг гўрковин.

Бетайин, безори бир ўғлини деб,
Улуғ хонадонга кетар ўт қўйиб.

Раҳнамо бўлгунча мамлакатга у,
Банарасин кўрсин олиб бир кўзгу.

Яшноқ юзи ўхшар жирканч бақага,
Ҳуснинн олмайдн сариқ чақага.

Ғунчачи пайтида экан ҳусндор,
Султон Абу Саъид сарқити — мурдор.

Не балюким, эди мулки Хуросон,
Бир баттол аёлдан тонмаса омон!

У дастур бермаса улуғ султонга,
Бошини сўқмаса кори девонга.

Йўлдин оқдирмаса бек, амирларин,
Зуғумга олмаса қув вазирларин.

Ёв қилмаса уни билан оғани,
Ёв қилмаса ўғил билан отани.

Раҳму шафқат этса улус жонига,
Бекалик қилса ўз хонадонига!

Ҳашам тушорида келса Музаффар,
Кузатиб юради бир даста навқар.

Куча-куйдан ўтар қийқириқ солиб,
Оз эмас дастидан юрганлар солиб.

Бирини бостириб, бирини уриб,
Шахзода юрибди даврини суриб.

Бу — хунук ҳодиса етмас султонга,
Қувғайлар, арз билан келса девонга.

Эл кунгли давлатдин совур кун сайин,
Қайга қарамоқда султон Ҳусайн?»

Шоир мутаассир: ҳақдир шахзода,
Тобора султондин эл кунгли зада.

Турмуши йил сайин оғир кечмоқда,
Сувин ҳам эл эмас, беклар ичмоқда.

Мадори қуриди — ер ҳоли хароб,
Сувин ҳам ер эмас — ичмоқда мироб.

Тинкаси қуриган элиниг закотдан,
Умрига пушаймон оғир ҳаётдан.

Елкаси яғирдир зулм юкидан,
Юраги ярадир беклар дўқидан.

Ҳиротдин мурувват кутар мамлакат,
Эшитмас — қулоғи кардир салтанат.

Манманлик дангида султон аданган,
Шухрат кўзгусида кўзи қаманган.

Навоий тадбирин унча хунламас,
Ғар ини тушмаса ойлаб йўқламас.

Шоир дил тағидан ҳарчанд саъй¹ қилди,
Юртга тинчлик истаб боши эгилди:

«Инобатга олинн ота сўзини,
Улусда қаратманг ерга юзини.

Қай ота ўғилнинг ғамини емас,
Инингизга беринг — бетона эмас.

Валийаҳдиз — қочиб кетмас Астробод,
Фақиру отангиз кунглинн этинг шод».

Шахзода кўнмади — дили эди ранж,
Ота тадбиридан руҳи ҳам шиканж:

«Улуғ ҳазрат, олмаиғ юракка малол,
Султон сизин йўлдин урминдир хиёл.

Гарчи менинг меҳрим сизга беқийс,
Орамизга тушманг, қилгум илтимос.

Аданган йўлдин қайтаринг шоҳин,
Адолатга чорланг олийшаноҳин».

Кунгли юминоқ шоир эилди баттар:
Салтанат бошида турар зўр хатар.

Устун келиб, ўгли ёниб қўзлари,
Қулоғига айтди у хос сўзларин.

Ва деди: «Унуттинг бу сўзларин лек»,
«Қайси сўзларин?» — деб Мирзо боқди нек.

Мутаассир бўлиб Навоий бисёр,
Кўн қайғурди — Мирзо юшатди почор.

¹ Саъй — ҳаракат, урушин.

Бир пайт тилаб келди мулозим бежо,
«Хиротдан одам...» деб қилди илтижо.

Узрли қўзғолди Бадиуззамон,
Ғамзада кўнглида ёнди ҳаяжон.

Йўқлаб келган эди содиқ киши,
Ғазабин қайнатди ота қилмиши:

Мўмин мирзо қўлга олинсин» дебон
Яширинча буйруқ берганди султон.

Буйруқ қўлга тушиди — исботсиз далил!
Энди қандоқ топсин ота билан тил?

Бобо набирага қилса хиёнат,
Бу — қандай қабоҳат, қандай жиноят!

Аламин босолмай қайтди шаҳзода,
Навоий орауси сарсон ҳавода.

У, қабиҳ буйруқни ғамгин узатди,
Шоир ўқиб, тамом ўзин йўқотди.

Бундай жирканчликни кўрмаган инсон
Сўзсиз қотиб қолди тош каби бежон.

Ғазаб тўлиб келди кўзига унинг,
Султон ханжар урди ўзига унинг.

Ўйлади: қилибди дебон ўйинчоқ,
Ғофилнинг бўйнига тақмиш кўзумчоқ.

Оқибат кўнглига бўлдиким аён:
Ота-ўғил ярашмоғи даргумон.

XI

Хуросон зийнати — Тус вилояти,
Навоий қалбида унинг ояти.

Вилоят маркази — муқаддас Машҳад,
Машҳадга топинмоқ келмоқдан мақсад.

У йиллар чархидан кутаради бош,
Хотира уфқида ҳеч ботмас кўёш.

Бутун ўзга эди неча йил бурун,
Оҳ, фиғон янградди бўлса кечкурун.

Киши ҳайқиради тор кўчаларда,
Тентираб юарди шум кечаларда.

Хароба кулбада очин-тўкин эл,
Супуриб кетарди турса гармсел.

Ғариб хонадонлар куйган ғурбатда,
Бахт талоқ этгандек яшар фурқатда.

Қорни тўққа Машҳад жаннат бўлса гар
Қорни очлар учун, дўзах, алҳазар!

У гўзал — бошингда бўлса паноҳинг,
У хунук — йўқ бўлса борар даргоҳинг.

У шодлик — дилингни эзмаса кулфат,
У ғамдир — шодликдан кулмаса қисмат,

Кундуз ҳам, кеча ҳам — Машҳади азим!
Машҳади азимга у қилар таззим.

Балки, бу ўспирин хотиралари,
Балки, ҳақиқатнинг сочилган зарри.

Ўзғариб кетибди Машҳад батамом,
Дилини босмоқда шодлик ва илҳом.

Яна англаб бўлмас турли туйғулар;
Бахтиёр ғамлари хурсанд қайғулар,

Бу ўтли туйғулар туғилди нечун?
Шодлигу аламдан бўғилди нечун?

Нечун умидсизлик руҳини эзган?
Нечун умидворлик қалбидан безган?

Бутун Хуросонда бўлса-да донгдор,
Наҳотки, дилида унинг ғами бор?

Шухрат ҳам, ҳурмат ҳам сийлаган ортиқ,
Ғурбат ҳам, кулфат ҳам қилинган тортиқ.

Қувончли кунидан ғамли туни кўп,
Азалик тунидан тўйлик куни кўп.

Бир юракда яшар шодлик билан ғам,
Кун билан тун каби келишмас бир дам.

Юраги бутунмас — дардлари беҳад,
Яна дард устига дард бўлса Машҳад!

Толиби илмлилик пайтидан бўён,
Бундай ҳислар дилга бўлмаган меҳмон.

Чиллага кирдимми ё умр қиши?
Ёки дилда адам дашти¹ ташвиши?

Хайрбод қилмоққа келдимми ёки
Қишнинг қаҳратони бошланмай токи.

У таниш ҳужранинг остонасида,
Ўспирин чоғларин ғам хонасида.

Бош эгиб турибди маъёс, дилафкор,
Олам дардларига булиб гирифтор.

Анорнинг бағрини тилмасанг агар
Қон-сели тизилиб отилмас магар.

Шоирнинг қалби ҳам ўхшар анорга,
Тегманг, давоси йўқ ғариб беморга.

Ичида пинҳондир қонли доналар,
Қонлигин билмайсан кўрмасанг агар.

Султон ўйинига беролмай бардош,
Аламдан Ҳиротдан олиб қочди бош.

Чунки балоларнинг домида Ҳирот,
Мисоли аждаҳо комида Ҳирот,

Хотира булоғи бенаво жўшар,
Ғурбатли кунлари ёдига тушар:

¹ Адам дашти — йўқлик дашти.

Тани — иситманинг исканжасида,
Қалби — гам қузғунини қон панжасида.

Мафосил дардидан¹ бўғумлар оғир,
Яккалик кулфатини кўтармоқ оғир.

Хотира тунини ёритар шуъла:
Умид парилари айтар ашула:

Шайх Камол Турбатний кўрсатиб ҳиммат,
Мурувват тахтида айлади иззат.

Толиби илмга қўлин узатди,
Шикаста дил уйини гўё тузатди.

Машҳадий шод этди — ёшлик маҳали
Ҳужрага етаклаб келмиш газали.

Бутун у Навоий ёнида яна,
Айрилмас дуст каби жони парвозна.

Яна кечиб гўё ёшлик наҳрини,
Бирга сайр этмоқда она шаҳрини.

Соҳиб Доро хурсанд боқар аҳбобга,
Қўнгли ҳамроз бўлиб ўтли хитобга.

Шоир ҳаёти қуни учиб олиста,
Унутилмас қуни солиди эста:

«Ёдингизга тунди, эҳтимол бу он,
Фақирини жанобим йўқлаган айём.»

Машҳадий руҳланди: «Жимда ҳамон,
Ҳужрани кўрдиму қалб қилди тўён.

Ёшлик фусулининг остонасида,
Танингандек девон баҳонасида.

Бошингиздан нечук қўнлар ўтмади,
Ҳарқалай, қисматини иқбол қўтлади».

Одамлар овозини эшитиб қолиб,
Ҳужрасини эшигини очди бир толиб.

Деди, ниҳол қаддин эғиб таъзимга:
«Марҳабо, ҳазратим, шаҳри азимга.

Нафасингиз яшар ҳужрада ҳамон,
Ҳар гишти, ҳар кўнжи сизга қадрдон.

Марҳамат қилгайсиз — ўз ҳужрангиз бу,
Бунда яшаш ҳар бир толибга орау».

Ичкари кирдилар — сурандилар ҳол,
Толиб йиғит боши таъзимда хиёл.

Унинг қувончларини йўқдир сарҳали,
Жамолдин кўрсатди олий мақсади.

Навоий қалбида ажойиб бир ҳол,
Қайтмас йиллар аро чарх урар ҳаёл.

Ўнгида жонланди ўтмиши бутун:
Алам осмонини қўнлаган кўкун.

¹ Мафосил дарди — бўғимлар зирқираш касали.

Ҳужрани ҳавас-ла кўздан кечирар,
Даричага кўзини нурини ичирар.

Таниб бўлмас эди — берилган оро:
«Бу ҳужра — табаррук!» — дер Соҳиб Доро.

Шоир кулиб қўйди, сўнг толиб билан
Бир фурсат самимий тузди анжуман.

Инъом этди унга бир миқдор динор:
«Китобдин бошингиз кўтарманг зинҳор.

Илмда чексангиз нечоғлиқ захмат,
Шу қадар олгайсиз улусдан раҳмат».

Толиб қўллуқ қилди: «Илмдин ўзга
Дунёда ҳеч нарса кўринмас кўзга.

Таҳсил умидим бор «Ихлосия»да,
Шу фикр айланиб юрар мияда».

Навоий қувонди — Ҳиротга тилаб,
Ота каби қўйди бошини силаб.

Ҳовлига чиқдилар, ғариб ҳужрадан
Бир қўшиқ таралар — жимирлар бадан.

Ҳазини пола қилар толиб, эҳтимол,
Дард-гами келгандир голиб, эҳтимол.

Овоз парвозига бермасдан озор
Навоий тинглади — юрагида зор.

Бағри бутун бўлса дунёда унинг,
Нечун дилида гам, қўзларида мунг?

Йўқ, бағри бутунмас — қўнгли яримта,
У, инсон фарзанди — эмас фарингта.

Бағри бутун бўлмас инсон фарзандини,
Тотса-да, ҳаётининг асалу қандини.

Ўзига стади ҳар кимнинг дарди,
Дунё кўрмаган ҳеч дарди йўқ мардини.

Инсон-ку дард билан бирга туғилган,
Дард билан улгайган, дарддан бўғилган.

Қўшиқ тингач, деди толибга хурсанд:
«Бу йиғит ташламини жонларга каманд.

Тақсирим қилсалар Ҳирий ихтиёр,
Қўшиқчи йиғитни унутманг зинҳор».

Толиб таъзим этди — хайрланди хуш,
Умрида бошланур ўзгача турмуш.

Бир вақтлар ўқиган мадрасасини ҳам
Дустлар-ла зинрат айлади хуррам.

«Жўйи нав»¹ бўйлаб сўнг сайр этдилар,
Яёв анча йўлини босиб ўтдилар.

Баланд тепаликка чиқиб филҳол,
Бог-роғли водийга боқдилар ҳунҳол.

¹ Жўйи нав — Янги ариқ.

Хотира кӯеши келиб қиёмга,
Навойи юраги тўлди илҳомга.

Бир орау уйғониб ниҳол чоғида,
Кун сайин гул очди кўнгил боғида.

Ҳали толиб экан мадрасада у,
Қадрини ўтказди элга оқар сув.

Сув учун талашган эрларни кўрди,
Сувга лаби ташна ерларни кўрди.

Машҳадни эзарди сув танқислиги.
Боғларнинг қуриган эди илиги.

Менқобчи ҳам сувни бермасди текин,
Сувсиз қилолмасди фуқаро экин.

Оби ҳаёт эди — ҳам оби нажот,
Фуқаро қиларди кўкка муножот.

Не фурсат зор бўлиб ёғин-сочинга,
Ўхшарди қаноти синган лочинга.

Орау қилган эди, балки, ўшанда:
«Сув бўлса, юз тутар Машҳад гулшанга».

Умр иморати топганда сайқал,
«Ҳамса»га қўлини урмасдан аввал.

Машҳадга сарф этди шоир ганжини,
Дилидан аритди улус ранжини.

Сув олиб келгани Чанман гилдан,
Нажот сўроқлади бунёдкор элдан.

«Лаббай» деб қўзғолди Тус вилояти,
Назмни безадди сув ҳикояти.

Фарҳодга ўшлаган эрлар қўзғолди,
Қўлига кетмону замбилини олди.

Узоқ тоғ бағрида солинган сурон
Машҳадда акс садо берди беғумон.

Машҳаддан бошланган элнинг ҳужуми
Йўлига сочилди тоғ табассуми.

Икки ёқдан келган икки зўр қўшни,
Хурсанд бўлиб қўйди тўшига тўшини.

Эл бошида туриб — бўлиб раҳнамо,
«Жўйи нав»ни этди Навоий барно.

Оби ҳаёт оқди янги ариқдан,
Машҳадни қутқариб сувга зорликдан.

Не Машҳад, Кашафруд водийсига ҳам
Чанман гил суви келтирди қўктам.

Ташна даштни бўстон этди фуқаро,
Кўчиб чиқиб, макон этди фуқаро.

Оромбахш боғлардан узмай кўзини,
Навойи бахтиёр сезар ўзини.

Эл териб емоқда умид мевасин,
Тамом ўзгартириб турмуш шевасин¹.

¹ Шева — одат, равиш, тарз ва ҳоказо.

Ҳавас қилган эди мангу ёшликни,
Қариллик солмоқда дилга гашликни.

Келган-кетар, қолмас боқий дунёда,
Кетган-келмас, яшар фоний дунёда.

Турли хайлларга у бўлиб тутқун,
Устоз хотирасин ёд этмоқ учун.

Шайх Камол Турбатий қабрига келди,
Узоқ суқут сақлаб, боши эгилди.

Қабрига қурдирган улуг мақбара
Мозорга берарди ўзга манзара.

Маҳзуи нигоҳ солди қабр тошига,
Не гам солмас дунё инсон бошига.

Муқаддас жойларни этиб зиёрат,
Кўнгил дарди бўлди яна зиёдат.

Қайтиб келадими яна ёки йўқ?
Ўзи ҳам билмайди, ўлим узган ўқ

Олиб кетди азиз дўстларини, ҳайҳот!
Эртага не ўйин кўрсатар ҳаёт?

Гардини айёмдан¹ қалбида гулу,
Ўтган кунлар ёди билан тирик у,

Хотира кӯеши, сўнмагин абад,
Сенда учқун бўлиб порласин Машҳад!

XII

Ҳиротда бошланиб даҳшатли ўйин,
Хуросон кўкини қоллади қуюн.

Ота отасининг устига баттол,
Ўғли эса ўғлин устига қаттол,

Балху Астрободга қўшни тортдилар,
Халқ кифтига қулфат тоғин ортдилар.

Тоғларнинг тағида бошлар янчилди,
Қондошлик кўксига қилич санчилди.

Мағлуб бўлиб қочди Бадиуззамон,
Юрагида қасос ўтди беомон.

Мўмин мирзо беҳабар отасидан,
Отасининг шафқатсиз хатосидан.

Юрт талашмоқ нечун керак ёш жонга,
Навиҳолдек ўсаётган инсонга?

Ота сўзи амри вожиб азалдан,
Ота деса — ўғил қўрқмас ажалдан.

Шунинг учун қилич олди қўлига,
Қўшни тортиб чиқди оға йўлига.

Эл, юртини мудофаа қилмаса,
Жанг-жадалда душманга бас келмаса,

¹ Гардини айём — замон айланиши, кунлар ўтиши.

Асрамаса элини ваболардан,
Не вабо, балою қазолардан,

Эр бўлиб у дунёга келди нечун?
Туғилмаган курашмай ўлмоқ учун!

Ғолибона тўриқ отга минган у,
Лочин каби зар эгарга қўнган у.

Лашкарида даста-даста хос йиғит,
Душман билан олишмоққа мос йиғит.

Лашкарбоши отасининг ўртоғи,
Оғир дамда суянгувчи зўр тоғи.

Дажжол каби Музаффарнинг лашкари,
Азроиддан жон олувчи навкари.

Гарчи ўзи жангда ношуд ва қўрқоқ,
Қаҳри қаттиқ ботирлари қўп, бироқ.

Сайлаб-сайлаб навкар берган отаси,
Отасининг — бу, даҳшатли хатоси.

Кенг майдонда икки лашкар тўқнашди,
Бир учоқда ҳул ўтиндек туташди.

Кеча, боғда бирга кезган жигарлар,
Бугун тутди қўлларига ханжарлар.

Нечун уруш? Бу юрт қолар ҳаммадан,
Нечун танни жудо этмоқ калладан?

Нечун лашкар? Қайга кетди заковат?
Нечун ёвлик? Зўр келдими қабоҳат?

Мустабиднинг эси оғиб қолдими?
Е қўйнига душман илон солдими?

Нима деманг — хатарлидир бу юриш,
Хуросонга бало бўлур бу уруш.

Икки лашкар от чоңдилар майдонда,
От чоңганда ғазаб тошди ҳар жонда.

Мўмин қилар адолатни ҳимоя,
Музаффарда — босқинчилик дастмоя.

Ўз инини қуриқлайди қушлар ҳам,
Ёвни қўйгай ўз уйига қай одам?

Қули билан ўз эшигин очгай ким?
«Хуш келдинг», деб, бошидан гул сочгай ким?

Бу сотқинлик ётдир Мўмин қонига,
Фидойидир отаси фармонига.

Олга босди Музаффарнинг лашкари,
Жангдан қочиб турди ўзи сал нари.

Мўмин эса ҳайиқмай ҳеч балодан,
Чекинмасдан босиб келган вабодан,

Қушдек учди, ана, душман устига,
Душман эса тушди унинг қасдига.

Бир бетавфиқ суриб чиқиб лашкардан,
Писиб келиб илиб кетди эгардан.

Отга босиб, олиб қочди уни тез,
Қўрнаб олди лашкарини ёв барқхез.

Келтирдилар Музаффарнинг ёнига,
Ўлим ваҳмин союлмасдан жонига.

Ғолибона боинини у тутди тик,
Солди яна Музаффарга зўр ҳадик.

У қилинди шу фурсатда занжирбанд,
Бир байт айтиб, ёв бўйнига солди банд:

«Манам к-аз тиги ман нас бена
холи аз ғазаффар шуд,
Фалак ёрний накард, эй дўстон
душман Музаффар шуд»¹.

Султон буйруғига биноан тутқун
Дарҳол жўнатилди Ҳиротга дилхун.

Бу хабар яшиндек пойтахтга етди,
Дилларни поралаб, Ҳиротни тутди.

Шаҳар аҳолиси қўзғолди алҳол,
Қўзғолди ғамнишин эркак ва аёл.

Ҳиротдан тўрт фарсах ошиб чиқдилар,
Пули Солор² томон тошиб чиқдилар.

Мўмин мирзо эди улусга марғуб,
Латиф ғазаллари кўнглига матлуб.

Насиб этса, улуг шоир бўлгай, деб,
Умид қилар эди, жон кўзин тикиб.

Навоийнинг арзандаси эди у,
Шеър мулкининг бир бандаси эди у.

Шу ваҳҳдин халойиқ чиқди қошига,
Мушкул савдо тушганида бошига.

Мўмин келар от устида — занжирбанд,
Қўлига арқондан солинган каманд.

Узоқ йўлдан, тутқунликдан бедармон,
Кузларида ўтли алам ва армон.

Дардман элга мунгли боқди — жигардош,
Гуноҳи не? Нечун тутқун? Билмас — ёш!

Навкарлар улусни қилар назорат,
Инсоний ҳуқуқлар этилган горат.

Ғавғони кўюндек бостирап улар,
Неча банда яна зиндонга тушар.

Бошин қўйи солган шаҳзода бедод,
Оломон қалбида қўзғатди фарёд.

Бағри қон эл бирга пойтахтга кирди,
Ҳирот томирига олов югурди.

¹ Мазмуни: мен ўз қиличим билан қўп ўрмонлардан шерларни қувган кишиман. Тақдир мадад бермади, мана энди, дўстларим, душманним Музаффар бўлди — ғолиб чиқди.

² Пули Солор — Ҳирируднинг Солор қуриғи.

У, Ихтиёридин қалъаси томон
Етақлаб кетилди бесару сомон.

XIII

Ҳусайн Бойқаро Мурғобга қўнган,
Маҳрамин, ҳарамин, навқари билан.

Дарахтлар бўзарган ҳазон фаслда,
Айшини сурмоқда нақшин қасрда.

Ғолиблик нашъаси дилида хандон,
Дон бермай чекинди Бадиуззамон.

Музаффар мирзонинг зафаридан маст,
Хадичабегим-ку туялар ишқпараст.

Шод этар, ҳарамдан бўшаса боши,
Бўшамаган чоғи — фитна йўлдоши.

Султонга йўлланиб пойтахтдан чопар:
Халқнинг гавғосидан қилинди хабар.

Ҳусайн бу ганин дилида тутди,
Низомулмулк билан маслаҳат эди:

«Ҳирийда қўзғолминн бир кўп оломон,
Нима қилмоқ керак — қилишн галайн?»

Низомулмулк унга тикиб шум кўзин,
Кўнглини билди-да, кўрсатди ўзин:

«Раҳнагарин мулк сарафанда бех,
Лашқари бадахд пароканда бех»¹.

Мўмин мирзо ҳибсда — қизиди базм,
Самовий, султонга тўқиди назм.

Дунёни унутиб, шароб ичдилар,
Ғалаба кўкида қўшдек учдилар.

Ота ҳам енгилди — ўғил ҳам, ҳайҳот!
Қиёмат кунларининг комида Ҳирот.

Ҳусайн кеккаяр — осмон устунн,
Ҳарам қизларининг қари мажхунн.

Аммо, тан олмайди қарилликни ҳеч,
Ҳамонки, от чопар, ўйнатар қилич.

Ҳамон боши унинг шароб хумида,
Безанглаб турибди жон ҳалқумида.

У, майни бедовдек ичар ютоқиб,
Раққоса ғамзаваш, қошини қоқиб,

Қуз сузиб, ноз қилиб чорлар висолга,
Ҳамоғуш бўлгин, дер, лаблари болга.

Низомулмулк билан Хадичабегим
Базмда яратди султонбоп иқлим.

¹ Мазмунн: бебошнинг асқари тарқатилса, салтанатни ларзага солганининг боши олинса яхши булар эди.

Махфий хона ичра икки дили бир:
У сузлар малика қўлогига сир.

Фармони олийини қилинг деб тайёр,
Ингичка белини қучар бахтиёр.

У эриб, осилар вазир бўйинига,
Нозланиб, ўзини тўқар қўйинига.

Малика султондан ёш эди анча,
Дилида айш дарди эди тутунча.

Қундошн эди лек ҳарам қизларн,
Қирилса эди, дер, кошкн изларн.

Вазир билан зимдан олингани дон,
Кун сайин булмақда сирли қадрдон.

Шу бонсдан бир мақсадга қўшди бош,
Ўлса ҳамки бир-бирини қилмас фош.

Базмгоҳга кирди вазир, қолди у,
Хавотирга солди қалбин шум туйғу.

Султон бадмаст эди — кўзида туман,
Эшик тирқиншдан пойлар ёсуман.

Низомулмулк жонин қўйиб гаровга,
Гўё ўзин таплар эди оловга.

Омад келса — кўкдан узгай у ойини,
Омад кетса — тарк айлагай саройини.

Таваккал деб, бой бермасдан фурсатин,
Фармойинини ҳукмдорга узатди.

Ўз қўли-ла ут қўйди у ниймонга:
Ўқий олмай, имзо чекди фармонга.

Хурсанд вазир яна тутди майн ноб,
Қон тупурди май наҳрига гарқ Мурғоб.

Вазир чиқиб, кирди хилват хонага,
Маликани қучиб деди мастона:

«Мана фармон, бегим сизда ихтиёр,
Жанобингиз васлингиздан умидвор».

Малика шод — ўпиб олди юзидан,
Қотилликнинг макри чақнаб кўзидан.

Тун қўйнида чопар миниб ғиротга,
Елди махфий буйруқ билан Ҳиротга.

Бий Жангийга¹ буйруқ теккан замони,
Кўкни тешди Мўмин мирзо фиғони.

Бўғзига чанг солди унинг жаллодлар,
Қора тунни тутди нолаю додлар.

Отасин кўролмай, абгор, бенаво,
Адам даштига у бўлди равона.

Тонг билан ҳушига келдию султон,
Қаҳри тошиб, бекор қилинди фармон.

¹ Бий Жангий — қалъа қутволи.

Пойтахтта йулади янги буйруқни,
Қайтара олмади узилган ўқни.

Эрталаб шаҳарга миш-миш тарқалди,
Қиёмат купгандек Ҳирот чайқалди.

Бутун шаҳар тошиб чиқди кўчага,
Эркак-аёл босиб чиқди кўчага.

Мотам тутиб, қаро кийди бутун халқ,
Кўз ёш тўкиб, ғам наҳрига бўлди ғарқ.

«Боғи нав»да таъзияга йиғилди,
Навқаламга марсиалар ўқилди.

Хуросоннинг шоирлари қон йиғлар,
Жисми аро жони ичра жон йиғлар.

«Шашмақом» ноласи ўрлар фалакка,
Жудолик ўқини санчиб юракка.

Ота сўзин оқлаб ўлди шаҳзода,
Ота номин поклаб ўлди шаҳзода.

Ғолиб келиб душманларнинг фитнаси,
Дилни эзди Гулханийнинг қитъаси:

«Бозори зулм боз ривожни дигар ёфт,
3-ин кофире, ки Муъмини динро шаҳид кард.

Он жо Язид омаду кори Ҳусайн сохт,
Инжо Ҳусайн омади кори Язид кард»¹.

XIV

Ҳирот қора кийган — Ҳирот мотамда,
Оғир мусибатдан ҳаёт мотамда.

Халқ юзин ўтирган баттол султондан,
Золиму бешафқат, қаттол султондан.

Ўт қўйди гофил ўз хонадонига,
Бу ўтдан омонлик йўқдир жонига.

Қари қонлон каби судралар зўрга,
Балки, бир оёғи етгандир гўрга.

Кулфату аламдан қадди букчайган,
Қўзлари қизарган йиғи ва майдан.

«Боғи нав»ни босган қайғу булути,
Юракни эзди мунгли сукути.

Бағри қон Навоий кўринган замон,
Фарёд қилиб, боғни титратди султон.

Мунгайиб бағрига отилди унинг,
Алами тарқалган янглиғ қайғуининг:

«Алишербек, нима қилиб қўйдим, дод!
Кўксини тешмоқда алам ва фарёд».

¹ Мазмуни: яна зулм бозори қизиди. Уни Мўмин-ни бандан шаҳид этган кишининг қўли қизитмоқда. Бир вақт Язид келиб, Ҳусайини бартараф қилган эди, энди Ҳусайн келиб, Язиднинг ишнин қилди.

Ўкириб, кифтига қўйди бошини,
Аччиқ-аччиқ тўқди ҳасрат ёшини:

«Водариг, қўйнимга кирибди душман,
Тангри ҳам кечирмас — набиракушман.

Энди не қиламан — Мўмин мирзо йўқ!
Кўзум қароғига душман узди ўқ.

Машҳадда юрибсиз — қолдириб якка,
Сизни йўқлаб, оҳим етди фалакка».

Бошини кўтариб, йиғлади ҳўнграб,
Кайфда эди — дили тўлғанди мунграб:

«Йўлига чиқмишдур Ҳиротнинг халқи,
Сақлаб қолардингиз, булсангиз, балки.

Порлоқ қалам синди — синди ниҳолим,
Гурбат шонида не кечгайдур ҳолим?

Падаркуш фарзандин кўрган замона
Набиракуш бобо бирла ғамхона.

Танга жон ортиқлик қилмакда, ҳайҳот!
Темир қафас каби қисмакда Ҳирот».

Кўшк томон судралди Навоий билан,
Яна оёғига ғам солди кишан:

«Тангри дилга шафқат солса, на бўлғай?
Омонат жонимни олса, на бўлғай?

Ғамларим қилмасдин мунча қиёмат,
Ҳаётимга этса, кошки, хиёнат.

Алишербек, қандай ювай бу доғни?
Қандай қилиб кутарайин бу тоғни?

Не қилсам — улуснинг ёдидан чиқур,
Азим гуноҳимни бутун унутур?»

Фотиҳа ўқилди Мўмин мирзога,
Қўллар сокин омин қилди дуога.

Низомулмулк маънос, дили ғаш, бироқ,
Чой тутиб, қўзғолди сал эгилиброқ.

Султоннинг оғзидан эшитмоқ бўлиб,
Ғамни шоир сўрди юраги тўлиб:

«Нечук содир бўлмиш бу даҳшатли ҳол?»
Ханжардек санчилди кўксига савол.

Йиғлаб-сиқтаб деди кечмиш гурбатини,
Ерга яксон қилди тонган шўхратини.

Аламини босолмай тилади шароб,
Ўқчиб-ўқчиб жонни бўшатди шитоб.

Қора либос ичра мисоли қўзғун,
Невара жигарин чўқийди маҳзун.

Навоий қўзғолди аламини тониб,
Жонига мотамининг ўти туганиб.

Бойқаро ёлворди — қўзғиш жола,
Сукутли боғ аро этди вовайло:

«Алишербок, кетманг, кетманг, жон дўстим,
Куролмай қолгайсиз — бағрим қон, дўстим.

Якка тилиб кетманг — бўлинг дармоним,
Ўзимга қиммандур бермиш фармоним.

Гофилманг, ёнимда қолинг, жон дўстим,
Гурбатда турибди Хуросон, дўстим».

Гарчи жонин эзар мотам қайғуси,
Юракда қузғолди шафқат туйғуси.

Юпатмоққа, аммо, йўқ эди ҳожат,
Ўлка осойишин қилганди ғорат.

Алам билан деди султон юзига,
Бу зарба келтирди уни узига:

«Водариг, бузилди улуг хонадон,
Туфонга учради мулки Хуросон.

Даҳшатдур улими Мумин мирзонинг,
Қурбони бўлди у телба дунёнинг.

Бу — улуг хонадон инқирозидур,
Хуросон мулкининг ихтилофидур».

Мунгайиб судралди Хусайн нолон:
«Тухтанг, Алишербек — фахри Хуросон».

Қайрилиб деди у: «Хайр, шаҳаншоҳ!»
Хусайн мунгради: «Қўйманг бепаноҳ!»

«Боғи нав»дан чиқди шоир дилафгор,
Издан ёлвориб қолди жафокор.

Шоирга эргашди Хондамир, Беҳзод,
Жудалик дардидан қалбларда фарёд.

Навоий чекмоқда қаттиқ изтироб,
Юзига тўкилар қўздан шўроб.

Не шўроб, қўздан қон тўкиб йиғлар,
Азиз шогирд учун қад букиб йиғлар.

Даврон жафо захрин узатмоқда бот,
Ким англар дардини — қилса муножот!

Салтанат бошида бир кун бағритош,
Улус кулфатига бўлмас қайғудош.

Ғами бўлса элиниг ғамидан қатра,
Тингловчи киши йўқ уни бир марта.

Замон улуглари — аҳли зурафо
Йўқлик дунёсида чекмоқда сафо.

Кун сайин камаяр дўстларнинг сафи,
Кам бўлса-да, элга тегмоқда нафъи.

Нажот қўтиб, барча дард қилар ошкор,
Гарчи ўз дардидан қисмати дунвор.

Беҳзоду Хондамир, Хилолийки бор,
Мирхонду Сухайлий, Бишойки ёр,

Қўнғил дардларига малҳам топилағай,
Ҳаминини ҳамқору ҳамдард топилағай.

Ўғилдек кургандан Мумин мирзони,
Ғоят оғир олий фожий жафони.

Не унинг, элиниг йўқ шоҳга рағбати,
Етиб ортар элга чеккан гурбати.

Неварага раҳм қилмаган султон,
Қандай қилиб бўлсин элга меҳрибон?

Қўлини ювиб эл қўлтиққа урди,
Хукмдордан гуё юзини бурди.

Аламини босиб Навоий бир оз,
Деди тақрор: «Давлат тонди инқироз.

Фалокат домида турур Хуросон,
Ҳалокат комида турур Хуросон.

Улус бошин ёрғай жафо тошлари,
Зулмдин эгилгай ерга бошлари.

Фалокатдин элни қўтқариб бўлмас,
Ҳалокатдин мулкни қўтқариб бўлмас.

Шаҳид этилганда Бағдодий¹ бир чоқ
Мовароуннаҳру Хуросон, Ироқ

Чингизхон қаҳридан учраб қувғинга,
Тириклай ем бўлди ёвуз қузғунга.

Султон Хусайннинг хунук қилмиши —
Пок Мумин мирзонинг ўлдирлиши

Оқибати ҳам худди шундай бўлажак,
Қиличнинг дамида турар келажак!»

Шогирдлар тинглашди чиқармай нафас:
«Бағдодийни тилга олмади абас».

Ўйлашиб елурлар устозга ҳамдард,
Беҳзод қўзларида йиғлар алам, дард.

Хондамир қалбида яна жароҳат:
«Навоий нимага қилур каромат?

Ҳалокат комида деди Хуросон,
Қул чўзмоқ пайида, балки Туркистон.

Самарқандда ёнар уруш олови,
Шайбонийхон Бобур мирзонинг ёви.

Бобур-ку қариндош, Шайбонийхон ёт,
Ёт келиб, Ҳирийда қўпса қиёмат».

Машғум ўйларини бошдан чиқарди,
Битта илдини қўймай қўпурди.

Маҳзун устоз бузди оғир сукутни,
Ҳирот узра қўриб қора булутни.

Хондамирга тикиб таъкид қўзини,
Деди у, мардона тутиб ўзини:

«Шаҳзода ўлимин унутманг, тақсир,
Бағдодий қатлига ухшайди, ахир!»

¹ Шайх Мажиддин Бағдодий.

Ҳайратли бошини эди ёни олим:
«Устози нимадин бермакда таслим?»

Нимага каромат қилмоқда — билмас,
Бир дамда не фикр хаёлга келмас.

Мотамдан эгилган Навоий боши,
Беҳзоду Хондамир гамгин йўлдоши.

Кетмоқдалар боши оққан томонга,
Сизмаган сизгари ёруғ жаҳонга.

XV

Улангинини, Ноосойини урдугоҳ,
Султон тинди — ўғли томон юрди гоҳ.

Илғор қўшин Исфизорда дарбадар,
Яксон этмоқ истар ёвин сарбасар.

Улуғ мирзо ўғлининг қасосида,
Ота тахти — жангининг асосида.

Мулки Афғон жанубин қилиб ишғол,
Навкар йиғиб, Ҳиротини эди хаёли.

Кучаярди ҳужумининг зарбаси,
Санчиларди ёв кўксига пайзаси.

Абу Саъид ўғиллари: Улуғбек,
Султон Маҳмуд Бойқарога сақлаб кек.

Мадад берди — отасин қилса яксон,
Ғазна, Қўндўз бўлғайдир дорул-амон.

Салқин боғда оромни йўқ Хусайн,
Зўраймоқда душман хавфи кун сайин.

У хавфдан ҳам бу хавф ёмон — ичида,
Нафас олар Низомулмулк учиди.

Қўли билан ўлдиртирди жигарин,
Санчди яна кўксига ҳам ханжарин.

Улуғ вазир қилмаганда хиёнат,
Содир бўлмас эди, балки, жинойт.

Исбот талаб қилмайдиган далил бор:
Қабих фармон бўлур унга асоскор.

Хожа Афзал қайтди мулки Кирмондан,
Яна кўрди меҳри карам султондан.

У, фуратдан фойдаланди — устакор.
Низомулмулк илқин тийди — диловар.

Унга душман қилиб ўзин кўрсатди,
Баҳам кўрди султон билан ғурбатин.

Мартабаси баланд бўлиб тобора,
Хўросонда чалди яна ногора.

Безовга бир ҳолат Улангининида,
Дўсту душман яшар унинг ичинда.

Низомулмулк эди ҳайиқиб қолган,
Султонга ишончи, меҳри йўқолган.

Ҳар қандай балога эҳтиёт турар,
Дуч келган душманини ўт каби ўрар.

Лайёр маликанинг гарчи меҳрида,
Қаттол душман каби султон қаҳрида.

Гарчи султон қаҳрин қилмайди ошкор,
Қўнган сезиб турар: хунук ганлик бор.

Унга сир бермайди — сирини, аммо,
Малика орқали билмоқ муддао.

Султон ишонмайди эди ҳеч кимга,
Дили қулфи-қалит, ўхшар тилсимга.

Ичи мисли қудуқ — оғзи бекилган,
Қудуққа ҳусумат захри тўкилган.

Набираси учун олганда қасос,
Фарёди ўт бўлиб қидирар асос.

Мўмин мирзо бахтин қилмаса қаро,
Балки, қўзғолмасди мулкда можаро.

Қилч торғмас эди Бадруззамон
Ўғли душманига солғали неси.

Оёққа турмасди халқ ўғиллари:
Жанг қилмасди ота-ўғил лашкари.

Ўғил қўли жа келмоқда устун,
Ота аҳволни танг — бўлмоқда кукун.

Ҳалокат домидан олса оёғин,
Ҳиротга тикади зафар байроғин.

Ва лекин кетмоқда қўлдан омади,
Саробга тутмоқда юзин мақсади.

Фикрига Навоий бошини қўнмади,
Ҳайрат қўли билан ёқа ушлади.

Хожа Афзал жа тоғиб хўб, мақбул,
Инга киришмоққа даъват эди ул.

Султон мардонавор ишхон буюрди,
Қасос қилчига қўлини урди:

Давлат олдидаги гуноҳи учун
Низомиддин Қурдин этдилар тутқун.

Қайноға эди у Низомулмулкка —
Султон хазинасин соварган кўкка.

Чўқмор теккан каби бошига мубҳам
Ҳибета олинди улуғ вазир ҳам.

Улангинини бағрини босди васваса,
Малика дилига тунди талваса.

Маҳбуслар Ҳиротга олиб кетилди,
Ихтиёридинида тутқун этилди.

Занжирга солинган ваъзирни аъзам,
Қамоққа ташланди ўғиллари ҳам.

Ким унга қариндош — тутилди дарҳол,
Тунди уруғининг бошига завол.

Қонсираган султон мисоли тимсоҳ,
Заҳарли комига тортади ногоҳ.

Ютиб юборади — наҳанг келса дуч,
Кузида газабу юрагида ўч.

Гарчи Ўлангнишин уруш домида,
Султон қасоскорлик ўт ҳангомида.

Қон ичмоқ истайди шароб ўрнига,
Ўт қўймоқ истайди душман гўрига.

Исфизор томонда гарчи у душман,
Интиқом тиғида турар бу душман.

Бу душманни агар қилса бир ёқлик,
У душманга мадад бергай, дер холиқ.

Бир ойни ўтказди қасос макрида,
Ўлангнишин ёнди унинг қаҳрида.

Ҳиротта йўланди қатл фармони,
Қасос найзасида душманлар жони.

Амир Абдуллоҳиқ буйруқ келган он
Ижрога киришди мисли жонситон.

Болтасини олди қўлига жаллод,
Маҳбуслар чинқириб кўтарди фарёд.

Низомулмулк кўзи олдида, ҳайҳот!
Азиз ўғилларин улдирса, наҳот!

Ажал кундасига қўйилди боши,
Навқирон умрлар ботди қуёши.

Ота қон йиғлади, солди айбўханнос,
Боши узра болга кўтарди қасос.

Бу — не қиёматдур? Бу не кўргулик?
Илкимда мадор йўқ қалам сургулик.

Ота учун бундан ортиқ жазо йўқ:
Фарзандига тегса ўзи узган ўқ.

Қалъа дарвозаси олдида ўзин
Терисини шилиб, ўйдилар қўзин.

Қариндошлари ҳам топмади омон,
Бошлари узилди ҳандалаксимон.

Бозори Маликда Имадулислом,
Чорсуда Маҳмудшоҳ қилинди қурбон.

Абдулазиз билан Низомиддин Қурд
Қонига беланди лаби Ҳирируд.

Девонда бўлса-да булар хизматкор
Бадиуззамонга эди тарафдор.

Ҳирот кўчаларин босди оломон,
Ҳайиқиб, қилмади гавғо, тўполон.

Қонли фожеадан даҳшатга тушди,
Таҳлика, таҳдиддан жони увишди.

Султон найрангидан Навоий ҳайрон,
Қасос қиличлари ўйнайди ҳамон.

Фигонли қўнларни кечирар Ҳирот,
Салтанат биноси ларзада, ҳайҳот!

Тўқилган қонлардан кўзи даҳшатда,
Не даҳшат, яшайди шоир ваҳшатда.

Қасос макри ёмон — қаттол гуноҳкор
Доҳил жазосини олмоғи даркор.

Нокас банда учун нега ўзгалар
Ҳаёт илдизини ердан узгайлар?

Нега ота учун фарзанд жавобгар?
Қотил отадин у қилса не ҳазар?

Бир-бирига нега қариндош масъул?
Нега анинг учун жавоб бергай бул?

Султонни бу қадар йўлдан урди ким?
Хунрезлик хуружин баҳам кўрди ким?

Наҳот Хожа Афзал? Булиб қувғинда,
Маслаҳаттўй бўлса Ўлангнишинда?

Гарчи Низомулмулк илки қон кимса,
Ўзгалар, наҳотки, тўрга илинса?

У — маккор шахс эди, кўзи оч тимсоҳ,
Комига торғди ўзи қазиган чоҳ.

Мамлакат кемаси кетур қаёққа?
Балки, яқсон бўлур етмай қирғоққа?

Ўт-олов сочмоқда қасос вулқони,
Дунёни ютмоқда қодир ўшқони.

Тинчин бузди ота-ўғил низоси,
Бағрин эди қотилликнинг нидоси,

Ижод уйи бўлур кун сайин барбод,
Аламини енгиб қилолмас обод.

Ўйлаб қўйган китоблари кўп унинг,
Қурбони бўлмоқда гурбатли кўннинг.

«Унсия»ни айланади — бағри қон:
Пароканда бўлмоқдами Хуросон?

Ота-ўғил жанги топмаса барҳам,
Осойиш бўлмагай улусда ҳеч ҳам.

Мўмин мирзо ўлимидан поризо
Шаҳзодалар сони кўпаяр, аммо.

Инобатта олмай ота сўзини,
Мустақил тутмоқда улар ўзини.

Фалокат жарида турар салтанат,
Илқидан чиқмоқда улуг мамлакат.

Хуросонни сақлаб қолмаса омон,
Қирғинга учрайди мўмин оломон.

Ўлангнишин томон шоир сурди от,
Отаю ўғилга бермоқчи нажот.

Кун сайин хавф солар Бадиуззамон,
Ваҳима дўқини урмоқда султон.

Турт ойдирки, халқнинг ҳаёти нотинч,
Уйқусин бузмақда даҳшатли қўрқинч.

Навойини кўриб султон шодланди,
Қўзларида ҳасрат ўтлари ёнди:

«Алишербек, бошим чиқмас гавғодин,
Хавфим кучаймоқда улғу мирзодин.

Аввал кун қайтардик зўрға лашкарин,
Бўғзимда тутмоқда қонли ханжарин.

Яна тушмасангиз орамизга гар
Ғолиблик тўнини кийгай душманлар.

Ички ғанимларим йўқ қилдим — тинчмен,
Бадруззамондин, афсус, нотинч мен».

Шоир масалани қўйди қўндаланг,
Султон ўйга ботди — аҳвол эди танг:

«Барча шартларимга бўлсангиз ризо,
Сулҳ тузмақдин, балки, бош тортмас мирзо.

Уриниб кўрғаймен: уруш стар, бас,
Осойиш замонни этингиз ҳавас.

Беш-олти ғанимни дафъ қилган билан
Аччиқ алафдин соф бўлмагай гулшан.

Тикламоқ қийиндир, бузмаклик осон,
Қон тўкилса, тинчиб қолмас Хуросон.

Бўлса Низомулмулк гуноҳи оғир
Ўзи жавоб берсин, қайси муғомбир

Ҳазратим бошлади нотўғри йўлга?
Бегуноҳ қисматлар айланди кулга.

Кунглик уртамоқда аччиқ ҳасратим,
Оқибати яхши бўлмас, ҳазратим».

Султон мулзам бўлди: юраги хуноб,
Аламин босқилмас — кўзида шўроб.

Гарчи урилса-да боши деворга,
Тож учун таянар жаллоду дорга.

Бошидан кетса тож — гадо ва хордир,
Дардин сўргувчи йўқ, меҳрга зордир.

Риоя қилиб у ушбу ҳикматга,
Ҳимоя қидирар тож ила тахтга.

Беш қулиқ дунёни — ўйлайди боқий,
Ишрат хангомида шайтонлар — соқий.

XVI

Субҳидам. Дарчадан бош суқиб Зухра
Мўралар шоирнинг елкаси узра.

Яна улғу «Хазойинул-маоний»
Фикри билан нафас олар Навоий.

«Бадосъул-васат»¹ бўлиб саранжом,
«Фавондул-кибар»² эрур сўнгги ком.

Уни синаб кўрар охири довон,
Не довон, қароғи — тўртинчи девон!

Умр фусулнинг қаҳратон қиши,
Қишининг ўзига хос кўндир ташвиши.

Бир кўн қор ёдиди — ғамлари бисёр,
Офтобнинг ҳоври наст — эрини душвор.

Ўткинчи умрининг сўнгги фасли — бу,
Илдизин кесмоқда, қилса не орзу.

Гарчи бермаса-да тақдирига тан,
Андухли бошида кезмоқда туман.

Қариллик кун сайин кўрсатар асар,
Беморлик сеадирмай узатар заҳар.

Шитоб ижод қилар — енгиб ўзини,
Абёт либосига ўрар сўзини.

Фуркат ғаниматдур — ғанимат ҳар он,
Ёзиб қолмоқ керак — «умри гузарон»

Қайтиб келмас яна — шоир ошнқар,
Ўткир қалами-ла гўё тоғ йиқар.

Аввалги ғазаллар азъодир гарчанд
Бир кўздан ўтказмоқ фикри этар банд.

Неки ижод қилиши назм бобида,
Авлодларга бўлса дейди обида!

Уқубати ортар қариган сари,
Бўлоқ эди — денгиз бўлди ғамлари.

Зулмининг қўймайди нобакор даврон,
Бир бошида синди неча юз гаврон.

Эркалаб қўймади кексалликда ҳам,
Эзилган дилига солмоқда ситам.

Дунёнинг тағига етолмай доғдир,
Ҳукмдор илқини тибмай доғдир.

Йул азоби эзар қариган сайин,
Хануз ўз ҳолига қўймас Ҳусайин.

Мустақиллик истаб ўғиллари бот
Урушга солмоқда бирин-кетин от.

Абулмуҳсин Марвда кутарди неси.
Иброҳим қўзғайди Балхда тўполон.

Дорилфатҳни кулга олди Муҳаммад,
Ҳайдар хузурида бош эгди Маишад.

Бадруззамонни бари қўлашар,
Астрободни ташлаб қочди Музаффар.

Тилка-тилка бўлди мулки Хуросон,
Инқироз чоҳида Ҳусайин сарсон.

¹ «Бадосъул-васат» — «Ўрта ёш бадеалари».

² «Фавондул-кибар» — «Қариллик фойдалари».

Ўғиллар исёнин бостирилмаётган,
Юртма-юрт от сурар қартайган паланг,

Бўғзига тиқилган фиғонли жони,
Танида қолмаган кучу дармони.

Навоний ҳориди нажот бермоқдан,
Султон ғамларини баҳам кўрмоқдан.

Ота билан ўғилларни неча бор
Яраштириб қўйди, аммо, ҳукмдор,

Бирини боктирса, бири қўзғолар;
Ота фарзандлардан тожин қизганар.

Жанг қилар ягона Хуросон учун,
Бўлак-бўлак эмас, бўлсин бир бутун.

Улар ҳокимликни қилмоқда ҳавас,
Тобеълик бошини эғмоқ истамас.

Давлат — хавф остида, ногинч ўлкалар,
Пир паланг бу юкни қандай елкалар?

Тинч яшаб бўлмайди — ижод қайда?
Шоир бир ёқдаю султон бир ёқда.

Икки қутб улар — ўхшамас асло,
Икки қалбдан чиқар икки хил садо.

Навоний бўлса сўз мулкида султон,
Ҳусайн мирзо ўз мулкида султон.

Султон ўз тахтида турмаса беҳад,
Шоир сўз тахтидан тушмагай абад,

Икки султон гарчи болаликдан дўст,
Наҳотки, ажралса мисли мағзу иўст.

Султон Марвда эди, шоир Машҳадда:
Мамлакат қисмати угли сарҳадда,

Абулмуҳсин билан султон қилар жанг,
Ўғилни енгилмай падари тажап.

Узоққа чўзилди Марв қамали,
Метин эди шаҳзоданинг тамали.

Шоир сўз айтгани улуг султонга,
Табибни йўллади Марв томонга.

Махсус нома билан қайтди Абдулхай,
Қўнглига султоннинг фикри маъқулдай:

«Осойиш топгунча араб дийри
Дилингиз тарк этсин Макка қарори.

Ҳаж йўли хатарли — мушкил тинч сафар,
Фақир истар: сафар бўлсин беҳатар.

Ўтишиб тилаймен: бўлинг ёнимда,
Ғавғолар тингунча Хуросонимда».

Машҳад улугларни, дўстлар билан бот,
Маслаҳат боғида қилди мулоқот:

Давлат осойишини ўйлашиб улар
Ҳажга бормасликни мақбул кўрдилар.

Шоир оёқ тираб турмади, аммо,
Аҳли дил фикрини келтирди бажо.

Барқдек елди султон урдуси томон
Бир даста ҳамроҳга бўлиб соябон.

Бош кўтарган ўғил сулҳ тузмоқ учун
Шарт қўйди: «Навоний ўртага тушсун.

Элчи бўлиб келса подшоҳ номидин
Дил топгай осойиш сулҳ хангомидин».

Яраштириб ота билан ўғилни
Балодан асради Навоний элини.

Тошқин селни зўрга қайтардим дебон
Қатъий ваъда берди шоирга султон:

«Юртимда қолишга экансиз ризо,
Барча истагингиз қилинур бажо».

У, ўйлаб боқди-да, деди тилагин,
Нур билан тўлдириб подшоҳ юрагин:

«Не мансаб, не унвон керак фақирга,
Олий бахт — яшасам эл билан бирга,

Савоб ишга берсам қолган умримни,
Хонақоҳдин топсам ўз ҳузуримни».

Султон мулзам бўлди — илож йўқ ўзга,
Ризолик илкнин сурди у кўзга.

Шу тариқа Хиротдаги энг манхур
Хонақоҳ шоирга топилиди манзур.

Гарчи ором тоиди жорубкаш¹ бўлиб,
Яна оқди ташвиш дарёси тўлиб.

Ва лекин дил боғи эмасди обод,
Ораулар тобора бўларди барбод.

Мамлакатда низо кучайган сари
Кўксига санчилар унинг ништари.

Юрагин эзгали янги зарбалар
Темир чангалида жонин азоблар.

Гарчи Дарвеш Али қилинди амр,
Бошида тиг тутиб турибди жабр.

Мирҳайдар юртма-юрт кезар дарбадар,
Гоҳ унга, гоҳ бунга бўлиб ҳамсафар.

Иброҳим Ҳусайн бўлгач соябон
Бир муддат Балхни у айлади макон.

Жорубкашлик қилди Синоҳиёнда —
Муқаддас даргоҳдин у Хуросонда.

Иنجитиб қўйгач у ҳоким маҳрамин,
Қўндуз томон ростлаб қолди қадамин.

Таитанавор кутиб олди Ҳисравшоҳ,
Мулки Ҳисор бўлди унга нусратгоҳ.

¹ Жорубкаш — хизматкор.

Тузалмас — султондан оғриган дили,
Энди чурқ этмайди — кесилган тили.

Дунё ғамларини отиб бир ёққа,
Навой хилватда девон тузмоқда.

Бу девон — оламтоб аҳсани унинг,
Энг ноёб, мангулик маҳзани унинг.

Зур тоғдан ошмоққа қолди бир қадам
Чуққига ўрмалаб чиқмоқда кам-кам.

Бир ҳамла қилса гар муродга етар
Ва мақсад гуллари сочар муаттар.

Кўкрагига жойлаб шер юрагини,
Юзага чиқарар халқ тилагини.

Гарчи азоблардан қондир юраги,
Халқига бор унинг доим кераги.

Бошидан кечирар қийин кунларни,
Аламли утказар бедор тунларни.

Дарвешлик йўлини тутиб ҳаётда,
Тарки дунё қилса — яшаб узлатда.

Ё кетса юртидан — улус на бўлмай?
Не улус, она юрт ҳажрида сўлмай.

Ватану халқидан гар тушса йироқ,
Дийдасин кўр қилар гурбатда фироқ.

Чинордек кўкарди она тупроқда,
Меҳри илдиз отди ҳар бир юракда.

Энди томирини ҳеч ким узолмас,
Шеъринг қасрини ёт ҳам бузолмас.

Пайт келиб, қутурган буронлар тингай,
Қадрини топтаган нодонлар тингай.

Абёт либоси-ла безаб фикратни,
Назмда кўрсатар шердек қудратни.

Дағдага қилса-да даврон беклари,
Кун сайин ошса-да унга кеклари,

Қул силтаб, жоҳиллар кирдикорига,
Юрак қўрин бериб иқтидорига.

«Фавондул-кибар» ишқи билан банд,
Ганижини кутади улус орзуманд.

Девонни ўпади зукко кўзлари,
Лабидан учади таскин сўзлари:

«Сарф этгим анга умр баҳорин доғи,
Бустону ҳаёту лозазорин доғи.

Олдида хазони зарнинисорин доғи,
Кофур фишон¹ қиш билла қорин доғи».

Сунги нуқта қўйиб у чордевонга,
Ният қилди: совға эттай султонга,

¹ Кофур фишон — ошпоқ тусни сочувчи.

Умид иморати бузилди, хайҳот!
Яна ўқлар узди кўксига ҳаёт.

Яна золим замон тошбўрон қилди,
Кўзларидан қонли ёшлар тўкилди.

Қалби вайрон бўлди ноҳуш хабардан,
Дўстман деб дўшмани санчган ханжардан.

Балхни қамал қилур дебон Хисравшоҳ,
Султон Сараҳсада этилди огоҳ.

Иброҳим мирзога бергали Ёрдам
Балхга қўшни торғди Хусайн илдам.

Хисравшоҳ тўхтатиб Балх қамалини,
Ўртага ташлади сулҳ тамалини.

Мирҳайдарни элчи қилиб юборди,
Султон кўриб, ғазаб майини сипқорди.

Урушга қўзгаган Хисравшоҳни деб,
Баҳона қидириб, олдилар тутиб.

Бир неча кундан сўнг у қатл этилди,
Хирот кўкида ой яна тутилди.

Не ой, офтоб куйди шоир оҳидан,
Жасадин келтирди Бобо Хокийдан.

Яна мотам... Борми унинг адоғи?
Яна яланғочдир кулфат яроғи.

Қачонгача шоир қалбин поралар?
Тузалмасдан газак олур яралар!

У нидо қилмоқда — бугиң нафаси,
Жонини қисмоқда қайғу қафаси.

Босар-гусарини билмайди султон,
Оёғи остида қонли Хуросон.

Ярадор шер каби ўкириб ётар,
Тобора улуснинг қонига ботар.

Қанча қон тўкилди — йўқдир ҳудуди,
Йиғига айланди авом суруди.

Бир лаҳза тинмайди йиғламоқдин у,
Юрагин аламдан тигламоқдин у.

Дунёдан бош олиб кетса тузуқдир,
Дунё ноосойиш, дунё бузуқдир.

Эл армони эди: юрт безар султон,
Янглишди: чиқди у юрт бузар султон.

Юрт бузилди — тиклаш мушқилдир энди,
Осойиш боғига қўзғунлар қўнди.

Шоҳу шаҳзодалар сипқоради қон,
Жони узилгудек инграр Хуросон.

У нафас олмоқда завол шомида,
Улус жонин кўриб зулм домида.

Овози етмайди кўтаргали дод,
Қақшаган қалбида бугилган фарёд.

Бир фарзандин тортди комига аждар:
Ерут кунни кўрмай кетди Мирҳайдар.

Ўлим — султон учун жазо яроғи,
Жазо яроғининг ювилмас доғи.

Қанча қурбон берди шоир султонга,
Энди ўзи сиғмас ушбу жаҳонга.

Султон учун тоғалари берди жон,
Оқибат жиянин айлади қурбон.

Балки, навбат келди энди ўзига,
Қоронғидир энди дунё кўзига.

Норизо: султоннинг сиёсатидан,
Мирҳайдар жонига хиёнатидан.

Бош кўтариб унинг зулмига тамом,
Ўзди — оёғида бўлса неки дом.

Бутун Ҳирот келди яна мотамга.
Эгик боши билан ботишиб гамга.

Қора либос кийган шоир қадди дол,
Асога таяниб турар бемажол.

Мирҳайдар улусни қайғуга солди:
Чанмаи Моҳиён бағрига олди.

Бу — унинг қаламдарлик маскани,
Шаҳид бўлиб, унга кўмилди тани.

Шоир тупроқ тортди, йиғлаб, қабрига,
Боши қалқон бўлиб даврон жабрига.

Халойиқ шод этди ўлик руҳини,
Кўз ёшлар босолмас дил андуҳини.

Мирҳайдарни кўмиб дабдаба билан,
Нафратин билдириб шоҳга нисбатан,

Шоир қайтди дафн маросимидан,
Ўзини йўқотиб саросимадан.

Ғариб эл янада бирлашди маҳкам,
Барчанинг бошини қовуштирди гам.

Улуғ шоирига бўлиб гамгусор,
Энг оғир кунда жон этди нисор.

XVII

Чақмоқдек ўтмоқда умр онлари,
Дилга ларза солиб юрт суронлари.

Гарчи қишга ётдир момақалди роқ,
Қалбининг кўкини тарк этмас бироқ.

Гардуни қоплаган қора булутлар,
Умид тоғи узра учмас бургутлар.

Орау қилган эди юртда тинчликни,
Қон-қардош миллатлар аро тенгликни.

Елга созурилди умид гуллари,
Калталик қилмоқда энди қўллари.

Танидан куч кетди — гарчи ғайрат бор,
Оёғин узатиб ўтирмас бекор.

Кун бўйи юрт иши билан овора,
Тун бўйи шеър ишқи этар дилпора.

Қушлар тили мафтун этган бу айём,
Қалб меҳрига йўғрилади ҳар калом.

Болалик чоғидан яшаб юракда,
Мақсад қанотида учди юксакка.

Ижодда ағдарди залворли тоғни,
Сўз билан яратди неча гулбоғни.

Билгур шамъ ёнмоқда... У ўйга ботган,
«Мантиқут-тайр»¹ дир¹ илҳом уйғотган.

Таржима қилмоқчи эди даставвал,
Янги асар топди фикрида сайқал.

Жазм этди «Лисонут-тайр»² та охир,
Машаққат чекса-да бу йўлда оғир:

«Турк назмида чу мен торттиб алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.

Тўрт девон бирла назми панж ганж,
Даст берди чекмайин андуҳу ранж.

Назму насрим котиби тахминшунос,
Ёса, юз минг байт этар эрди қияс.

Оқибат кўрдумки умр айлар шитоб,
Ўлсаму, қолса дейилмай бу китоб.

Олтмишқа умр куйғонда қадам,
Қуш тилин шарҳ этгани йўндум қалам».

Қушлар билан мажлис тузар неча ой,
«Қирқ-элик байт ҳар...кеча» очар чирой.

У ёниб ёзмоқда — камдур фурсати,
Бошида турибди гардун ғурбати.

Сиёсат қиличин ўтқирдир дами,
Юрагин тиглайди даврон алами.

Замон зайли билан олса-да нафас,
Юракда дарди кўп — айтмаса бўлмас.

Ошкора демоққа тополмай илож,
Қушлар тили билан айтмоққа муҳтож.

Ҳақиқат сирларин мажоз туфайли
Ифода этмоқдир асли дил майли.

Ҳақиқат йўқ дейди ўзга оламда:
У яшар табиат билан одамда.

Илоҳий қудратта боғламоқ нечун?
Заминда йўқ бўлса ҳақиқат бугун.

¹ Фариддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» («Қушлар сўзи») асари.

² Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» («Қушлар тили») асари.

Заминда бўлмаса — бўлмас осмонда:
Ҳақиқат уруғи — одил инсонда.

Одил инсонлардан кам чиқар шоҳлар,
Шоҳлик тожин кийгай баъзан гумроҳлар.

Шоир ҳаёлида ушбу фикрлар,
Рақам айлар экан, эти жимирлар.

Қушлар тили билан қилса-да баён,
Фикрнинг мағзини чақар ҳар инсон.

Қушлар мажлисидан бошлаб асарни,
Бир-бир тасвир этар барча манзарни.

Ўтириш тартиби бузилиб аммо,
Қушлар аро чиқди мажлисда низо:

Булбул ва қумридан юқорида зоғ,
Лочин пастда, калхат тўрда — сердимог.

Ола қарга эса тўтидан баланд,
Бойўғли товуста боқар нописанд.

Бир фикрга келди қушлар баногоҳ:
Можаро чиқмасди бўлса одил шоҳ.

Одил шоҳ — Симурғни чиқдилар излаб,
Неча тоғ, водийни ошдилар бузлаб.

Худҳуд¹ мушкул дамда бўлиб раҳнамо,
Қушларни гурбатда қолдирмас асло.

Ҳар қушки, чекинмоқ истади хиёл,
Худҳуд мадад бериб айлади хушҳол.

Ҳар қушки, керилди ўз турмушидан,
Айтди бир ҳикоят доно ишқдан.

Ҳар қушки, сафарда этди арзиҳол,
Оғзига сув эмас, у томизди бол.

Машаққат чекса-да, бўлишиб дилроз,
Кўҳи Қоф томонга этарлар парвоз.

Худҳуддек донони, балки; топмаслар,
Раҳнамо эканки — йўлдан топмаслар.

Навоний қушларни сўзлатиб қўйиб,
Ишқ дардин битмоқда — тошларни ўйиб.

Бу — бир ишқки, асло тан олмас динни,
Оқил кишини ҳам қилгайдир жинни.

Бу — бир ишқки, шоҳни айлагай гадо,
Ернинг балосига этгай мубтало.

Бу — бир ишқки, шоир қисмати туташ,
Юрагида — ишқдан яралган қўён.

Бу — Шайх Санъон ишқи, зўр эшон ишқи,
Не эшон, ишқ аро бир инсон ишқи.

Тушида кўриб у бир тарсо қизни,
Севги водийсида унутди ўзини.

¹ Худҳуд — сассиқ пўншақ.

Румни макон қилди Каъбани ташлаб,
Ишқ майин тутди қиз, бағрин оташлаб.

Висоли базмига етишмоқ учун
Матъуқа шартларин тинглади мафтун:

«Май ичиб, зуннор олиб, бўлгонда маст,
Куйдуруб мусҳафни¹, бўлмоқ бутпараст.

Ишқнинг бу тўрт эрур шукронаси,
Ёна икки иш эрур журмонаси²...

Хўкбонлиг³ келди бир йил ёнаси,
Бўлмоқ оташгоҳ ути девонаси».

Барчасин бажарди: кезди-да маствор,
Қуръонни куйдирди, боғлади зуннор.

Кундуз тўнғиз боқди, тунда ўт ёқди,
Тарсо малак учун ишқда тугоқди.

Муридлар қилмасин қанча илтижо,
Каъбага қайтмоқни билур нораво.

Охир Румга ташлаб кетдилар якка,
Оху фиғонларин айтиб фалакка.

Содиқ мурид Шайхнинг ҳолин билган он,
Дашном билан этди дилларни вайрон,

«Шайхқа тушганда бу янглиғ бало,
Ким биров ишқда бўлди мубтало.

Ул ўзига ҳар жафо қилгон чоғи,
Вожиб эрди қилмоқ они сиз доғи».

Хуллас, Румга келиб дардин айтдилар,
Шайхни Каъба томон олиб қайтдилар.

Ғойибдан бир хабар тинглаб тарсо қиз,
Шайхни излаб йўлга отланди ёлғиз.

Учратиб, жонига дармон югурди,
Ишқ йўлида унинг динига кирди.

Лек ўтди дунёдан ўша замоноқ,
Шайхга ҳамла этди ишқ олиб яроқ.

Йўқлик дунёсига йўл олди Шайх ҳам,
Қора либос кийиб ишқ тутди мотам.

Не ишқ, Навоний ҳам дилдан қайгурар,
Бағридан қон силқиб, ўгли оҳ урар.

Шайх Санъон ишқини қилганда рақам,
Дўстон этмоқ бўлди ўз ишқини ҳам.

Ишқ жабрини тортди шайх Санъон билан,
Ишқ захрини тотди нег инсон билан.

Тарсо қиз рамзида кўрди малағини,
Ҳаё қўли узган гунча палағини:

¹ Мусҳаф — қуръон.

² Журмона — жарима.

³ Хўкбонлиғ — тўнғиз боқувчилик.

«Шайхни андоқки шайдо этти ишқ,
Олам аҳли ичра расво этти ишқ,

Сунгра мендин солмади гавгосини,
Кимса кўнгли мулкига яғмосини¹.

Ҳолим андин кимса гар ортиқ демас,
Ортуқ эмас, бўлса ҳам ўксук² эмас.

Кел, Навоий, сўзни ҳоло хатм³ қил.
Ишқ аро изҳори даъво қилмагил.

Бир неча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.

Анда билгай кимгаким инсофдур,
Ким сўзум чинмудурур ё лофдур».

Кошки, бўлса рақам бу ишқ достони,
Дилда қолмас, балки, шоир армони.

Кошки, ҳаёт қушса, умрига умр,
Ўқиб ишқ достонин эл қилса хузур.

Ишқ мадҳин эшитгач қушлар ҳудҳуддан,
Жадал учди — диллар яйраб суруддан.

Кўҳи Қофга етиб борди ўттиз қуш,
Васл боғин кўриб бўлдилар сархуш.

Шодлик, мурод гули хуш бўйин сочди,
Ҳар гул бир кўзгудек жамолин очди.

Кўзгуларда ўзин кўрди ўттиз қуш,
Ўттиш қуш дедилар: «унгми ёки туш?»

Мажоз либоси-ла безанган мазмун
Қушлар тили билан қилинди якун:

«Ким қилиб Симурғ ўттиз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул симурғ⁴ бас».

Демак, кутмагил ҳеч ўзадин нажот,
Ўзинг ўз бахтингни ярат, дер ҳаёт:

«Ўз вужудингта тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдан истагил».

XVIII

Навоийни босди ташвиш, ҳаяжон:
«Ҳиротта отланмиш Бадиуззамон».

Султон йўқ — Абивард, Марвда беқарор,
Ҳимоя чорасин кўрмоғи даркор.

Яна бош кўтарган бебош ўғиллар,
Ота тож-тахтига чўзилган қўллар.

Астробод исёни кучайди беҳад,
Мустақиллик даъво қилмиш Муҳаммад.

¹ Яғмо — талон-тарож, бузғунлик.

² Ўксук — кам, оз.

³ Хатм — тугалиш, тамомлаш, сўзни охирига етказиш.

⁴ Симурғ — ўттиз қуш.

Султон от миномас — жони фиғонда,
Юрар ароба ё тахтиравонда.

Ҳилвираб қолса-да тахтта ёпишар,
Тилка-пора мулкни ямамоқ истар.

Мансаб чўққисиди Муборизиддин,
У — пойтахт ҳокими, йўқотди тинчин.

Тонгда ижод уйин бузиб кетди ул,
Бўлинди, қизиган «Муҳокаматул...»¹

Беюз шаҳзодалар ҳаддидин ошур,
Қутурган сел каби қирғоқдин тошур,

Бадиуззамонга бўлиб тарафдор,
Музаффар мирзони санашар гаддор.

Шаҳзодалар ҳақдур: Музаффар дебон
Масъуд Мумин мирзо қилинди қурбон.

Султон хонадони энди бузилган,
Гадо устидаги тўндек тўзиган.

Ота ўғилга ёв — ўғил отага,
Жон тикмиш тахт деган эски матога.

Бу даргоҳ тинч бўлса, ўқтирди не бор,
Давлатда осойиш бўлур барқарор.

Ўқмади султон ҳам, шаҳзодалар ҳам,
Тўзиган тўн энди бермагай ҳашам.

«Бу қандай замона, қандай одамлар?»
Бу қандай фожеа, қандай аламлар?

Яна исён, яна уруш — талофот!
Яна халқ жонига келтирур офат.

Қаттол қилич яна сизмайди қинга,
Ҳирот юз тутуди яна қиргинга».

Навоий босолмай ташвиш оташин,
Ҳасратли ўйлардан кўтарди бошни.

Алам билан олди қўлига қалам,
Ғам-ғусса майини ичмоқда олам.

Оғир чарчоқ сизди руҳида ногоҳ,
Гардундан ўзга йўқ бошида паноҳ.

Сабоҳдан тушгача, пешиндан оқшом
Ижодга бахш этди ўзини мудом.

Эл-юртга бахш этди бутун умрини,
Салоҳият бирла тафаккурини.

Олий мақсад уйин қилса ҳам бино,
Асоси мўрт экан, илож йўқ — танҳо:

Якка отнинг чанги чиқмас, дейдилар,
Чанги чиқса — донғи чиқмас, дейдилар.

Халойиқ билмаса гапирмайди, йўқ,
Арзийди: минг бора айласа қуллўқ.

¹ «Муҳокаматул-луғатайн» — «Икки тил муҳокамаси» асари.

Буюк инлар қилди якка бўлса ҳам,
Асоси мурт эмас, балки мустаҳкам,

«Хамса» билан унинг «Чордево»нинг
Бир халқ ёза олмас — тикса жонини!

Хуросон кўркидир иморатлари,
Ўзингас, элга аталган бари!

Шаҳзодалар аро Бадиуззамон,
Меҳр кишварида тонганди макон.

«Замон нодири» деб, кўриб жонга тенг,
Ўзи қўйган эди номини унинг.

Хиротни босмоқчи кечаги бола,
Отасини этмоқчи гамага ҳавола.

Бу даҳшатта нечун беролгай бардон,
Наҳот, ота-ўғил бўлгай жонталон?

Инсофга чорламоқ бўлиб Мирзони,
Қасд қилди: йўқотгай эски низоми.

Қалам қоғоз билан бўлиб ҳамоғун,
Махсус нома майини этар эди нуни,

Ўндан ўзга бирор шаҳзода бўлса,
Бунча қайғурмасди тоғиб-тўқилса.

У ўғли сингари — оғрийди жони,
Сўздан чиқмагай — комил иймони.

Насиҳат гавҳарини сочди неча бор,
Умидвор қалб билан этмоқда тақдор.

Саркашлик қилганда Астробод учун,
Балхни қўтарганда бошига бутун,

Қўлига кирмаган Ироқни ҳали,
Бекларга улашиб берган маҳали,

Мактуб йўллаб ёки учрашиб махсус,
Қаттиқ койингани ёдида ҳапуз.

Ота ризо бўлса — халойиқ ризо,
Деди: норизолик бўлмасин раво.

Ота газабига учраган ўғлон,
Боғи кўкармайди қарғини ёмон.

Шайх Ҳаким Сулаймон демини бир айём:
«Она розиқи марсум, ота қодирни қайюм»¹

Отанинг сўзига қилинг деб амал,
Адиб Аҳмад шеърини юборди бир гал:

«Атодин хато келса кўрма хато,
Савоб бил хато токи қилса ато.

Атонинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин қўтқаргай худо».

¹ Мазмуни: она ризқ берувчи, ота абадий қудратли зотдир.

Яна койинганди: давлат нишонини¹
Тугросида² битмагач ота номини.

Нима қилсин: оқил, хуштаб ўғилга
Қилган насихатни соврилса елга?

Мўмин мирзо қатлини кечирмас ҳамон,
Отага ўғилнинг ўлими ёмон!

Интиқом шамшири тушмас қўлидан,
Фарзанд қони учун қайтмас йўлидан.

Яна бир инсофга даъват этмоқда
Ва яроғ кўтарган илқин тутмоқда:

«Султон қўшини тортса бўлгайдир ёмон,
Сулх тузмоқ лозимдур, нодири замон.

Отангиз сўзига кирмасангиз ҳам,
Чиқманг асло фақир сўздан, бутам.

Ўттииб тилаймен. — қайтинг бу йўлдин,
Душманлик қилишни ташлангиз қўлдин.

Яна оёқ ости бўлмасини Хирот,
Хиротда — ҳаёт шол, тилайдур нажот.

Оёққа қўймоқдур муродим ани,
Зора, сизга етгай улус аламини».

«Бадиуззамонга ўқдек учинг» деб,
Шайх Баҳдулни юборди элчи қилиб.

Мактуб билан махсус элчи қўйди от,
Ҳимояга қўзғолди бутун Хирот.

Қушлар кечар — юраклар ваҳимада,
Қурама эл боғи саросимада.

Ички душман — шаҳзодалар, побакор,
Ташқи душман — Шайбонийхон, шум, гаддор.

У ўғли кўтарди Туркистондан боғи,
Забтига Самарқанд беролмади доғи.

Султон Али³ қонини ичди май каби,
Хуросонга қўл чўзмоқдир маглаби.

Маъшум хабар шоир бағрини этди қон:
Мовароуннаҳрга душман ҳукмрон.

Баҳор босиб, ёзда сураб у даврон,
Уч ойдирки, зардоб ютар Регистон.

Уч ойдирки, эл янайти кишианда,
Ваҳм кўзли бойқўш сайрар гулшанда.

Шайх Баҳдул келтирди жавоб Мирзодан,
Шартига кўнса, бош тортмиш низодан.

Навоий тинчланди — чекилди хатар,
Султон ҳориб қайтди урушдан баттар.

¹ Нишон — белги, аломат.

² Тугро — герб, давлат нишонаси.

³ Султон Али мирзо — Мовароуннаҳр ҳукмдори. Султон Аҳмад мирзонинг ўғли.

Бир фикрга келгач Навоий билан,
Сулҳ тузди, қўйилган шартга биноан:

Бадиуззамонга тегди Балх яна,
Жайхундан то Мурғоб эди кўрмана.

Султон билан бирга хутбада унинг
Номини ўқийди хатиб¹ булдан сўнг.

Хусравшоҳ қувониб, Бадиуззамон
Олий ҳукмдор, деб айлади эълон.

Хутбага қўлди-да унинг номини,
Билдирди мирзога эҳтиромини.

Яна номин чекиб танга зарб этди,
Султон Ҳусайини тамом унутди.

Ҳусайн ўглига ён берган замон
Самовий кўнглида қўзғолди гумон.

Султон хизматидан ўгириб юзни,
Урди Улуғ мирзо пинжига ўзни.

Ўғлига ёмонлаб золим отасин,
Тузатмоқ истади тақдир хатосин.

Шафқат қўлин чўзиб Бадиуззамон
«Нотавон» бошида бўлди соябон.

Самарқанддан келди, ҳар қалай чопар,
Ҳиротни қўзғатди янги хушхабар:

«Бобур мирзо отланиб Андижондан
Озод этмиш шаҳарни қотил хондан.

Ёв қочмиш Шош томон — жон сақлаб омон,
Эҳтимол, куч йигар — нияти ёмон».

Душман қилмасин деб тахтини барбод,
Навқирон ҳукмдор тиламиш имдод.

Султон Ҳусайдан чиқмади садо,
Навоий фикрин ҳам кўрмади раво.

Гарчи Шайбонийдан эди хабардор,
Тадбир изламади худбин ҳукмдор.

Қутлов номасини битди-да шоён,
Чопарга узатди шоир, бериб ён.

Мурувват қилолмай Бобур мирзога,
Меҳрин тўкиб солди қутлуг иншога.

Астробод гавғосин қилиб баҳона,
Султон чопар дилин этди ғамхона.

Бош эгиб, саройдан чиқди у дилгир,
Ҳоли ночор, имдод бергай ким, ахир?

Нажот этса, кошки, Бадиуззамон,
Улуғ ният билан елди Балх томон.

Султонга тикилди шоир ғамзада:
«Темурийлар салтанати ларзада!

¹ Хатиб — хутба ўқувчи.

Вале Бобур мирзо чиқмиш майдонга.
Улуғ бобосидек йўғрилса шонга!»

XIX

«Унсия» хазонда — оғочлар маҳзун,
Яланғоч шохлари оҳ тортар узун.

Япроқлар елларга айтиб тушини,
Ерга бериб ётар сўлгин тушини.

Анжиру анору тоқлар кўмилган,
Заъфарон гулларнинг кўзи юмилган.

Ҳиририддун совуқ шамол эсмоқда,
Қанотли куйчилар тилин кесмоқда.

Навоий асога таяниб, ғамгин,
Тингламоқда кузнинг ҳазин оҳангин.

Хазон барглар боқар мунгли йўлакда,
Қўзғолади маънос ҳислар юракда.

Боғи хазон бўлди — қилар хайрбод,
Умрин узайтмоққа беролмас имдод.

Боғбони Зайниддин келиб бир маҳал,
Ҳасрат уйларига етказди халал:

«Жанобим бошинда кезур не хаёл,
Бир ғазал ишқида ёнур, эҳтимол?»

Навоий ошуфта табассум қилди,
Қалб меҳрини тўкиб, боғбон эгилди:

«Боғингиз ишини қилиб саранжом,
Фароғат уйида сурурсиз даврон.

Фақир ҳам сиз каби шўнғиб ишига,
Бутунлай ботибмен юрт ташвишига.

Мул ҳосил кўтардим куз фасли каби,
Икки китоб эди кўнғил матлаби...»

Келиб қолди шу пайт бир даста ёшлар,
Устоз ҳузурда эгилди бошлар.

Навоий қувониб бир-бир сўрди ҳол,
Ҳасрат уйи нурга чўлғанди алҳол.

Бахт билан мавжланиб дил наймонаси,
Яна обод бўлди меҳмонхонаси.

Соҳиб Доро уста кутишга меҳмон.
Ноз-неъмат файзидан яшнар дастурхон.

Сўхбат қизиб кетди — диллар очилди,
Тиллардан фасоҳат дури сочилди.

Меҳрли кўзлари ўткир ва чақноқ
Хондамир фикратин ёритди чақмоқ:

«Надари бузургвор, муборак бўлсун,
Истиқбол бахтидан зур дарак бўлсун!

«Муҳокаматул»нинг толеъи кулуб,
Хотима топибди «Маҳбубул-қулуб»¹.

¹ «Маҳбубул-қулуб» — «Кўнғилларнинг севгани» асари.

Икки кон очибсиз — махзани беҳад,
Юзага чиқибди энг олий мақсад.

Гарчи иншоидин фақир хабардор,
Қувонч туйғусидин қўнғулумда анвор.

Дўстларим шодлиги ичига сизмас,
Қўтламоқ бахтидин кўзида ҳавас¹.

Навқирон зурафо табриклар топиб,
Навойи жилмаяр ҳаяжон босиб.

Келажак наслига у бўлиб жарчи,
Улуғ адабиёт яратди, гарчи,

Қадрини кўтарди она тилининг,
Не тили, санъаткор улуғ элининг.

Миллий адабиёт учун мухтазам
Курашиб келди у, бўлиб ҳамқадим.

Шароит яратиб берса-да султон,
Қувватлаб турса-да ҳуқумат мудом.

Замон шоирларин қўпроғин, аммо,
Қалбида яшади ўзга муддо.

Бу курашин улар қадр этмади,
Туркийда Навойи қўлини тутмади.

Гарчи асли туркий — форсий шеър битди,
Она тили гулшанини унутди.

Туркий афзаллигин қилгали небот
Назарий китобга қўлини урди бот.

Асослаб бергали туркий қудратин
Тилга бермоқ бўлди олтин фурсатин.

Замону келажак шоирларига,
Туркий шеърятининг моҳирларига,

Курашда бўлингиз дебон устувор,
Қолдирмоқ ниятда ўлмас бир ёдгор.

Форсий ва туркийни қилгали қисс,
Гул ёди қалбида туғилган ихлос.

Мўйсафид чоғида чекиб азият,
Гўё авлодларга қилди васият.

Яна бири унинг «Маҳбул-қулуб»,
Ўзоз тошгай, қўнғил ардоғи бўлиб.

Жамиятнинг барча синф, табақаси
Шаънига берилган шоир баҳосин.

Гадодан шоҳгача, деҳқондан то бек,
Ҳаёт низомига айлағай тобуқ¹.

Инсонга яхшилик — бу китоб руҳи,
Шодлик, ғамга тўла умр шукӯҳи.

Умрининг мазмунини қилиб рубоий
Муқаддима этди унга Навойи.

¹ Тобуқ — бўйсунини, итоат.

Едидан ўтказгач ушбу фикратин,
У яна ўзига тортди диққатин:

«Бошим кўкка етди сиз келгач, дўстлар,
Қўнғул боғи яшнаб, қувонди кўзлар.

Ҳар қалай, ўтмади умрим бесамар,
Лисон махзанидан сочолдим гавҳар.

Яхшига дўст бўлдим, қочдим ёмондин,
Гоҳ карам, гоҳ ситам кўрдим даврондин:

«Гаҳи тондим фалақдин нотавонлик,
Гаҳи кўрдум замондин камронлиқ.

Басе иссиқ-совуқ кўрдум замонда,
Басе аччиқ-чучук тотдим жаҳонда».

Замон тошдек отди истаган томон,
Отди, нетайи, кимда бўлса палахмон.

Найза солиб тутди асал ичига,
Жонимни тикдилар найза учига.

Ўёқдин тортдилар баландга чиқсам,
Бошимдин теңдилар гар настга тунисам.

Қушим тун етдилар, жигаримни хун,
Лек заққум ютдилар қилосмай жузун:

«Гардун гаҳ манга жафои дунлик¹ қилди,
Бахтим киби ҳар нига забунлик қилди.

Гаҳ ком сари раҳнамунлик² қилди,
Алқисса: басе буқаламунлик³ қилди».

Ҳали навқиронсиз — бўлиқсиз кучга,
Умидингиз ҳали чиқмаган пучга.

Шоҳдин йироқ турсанг — умринг бехатар,
Ҳоқонлар базминини кўрма муяссар.

Ройи келса шоҳга айблар — ҳунар,
Мақбул нарға анга айбдан баттар.

Бундай зот хизматин истар тентак хар⁴,
Ўзи ўз кўкенига ургандек ханжар.

Уйида асрайди шерин қай башар?
Хосият тошгали ким оёйди заҳар?

Шоҳлар хизматига ким қилса журъат,
Ўз ҳаёт ишини узажак албат.

Ким яқин бўлишини қилса муддо,
Ўлим тигини кўрар ўзига раво.

Шоҳлар кулишлари чақмоққа ўхшар,
Бир лаҳза бефойда ёруғлик берар.

¹ Дунлик — разиллик.

² Раҳнамунлик — йулбошчилик.

³ Буқаламунлик — алдоқчилик (буқаламун — мавсум ва шароитга қараб, ранги ўзгариб турадиган махлук).

⁴ Хар — эшак.

Аммо, куйдириши унинг муқаррар,
Тирик жондин эса қолдирмас асар.

Чақмоқ чақинини қўз билан кўрдим,
Найзали асални тил билан сўрдим».

Сукут чўкди — барча ҳайрат наҳрида,
Сокин нафас олар ситам бағрида.

Бир бошига солиб даврон минг гавго,
Без бўлиб турмоқда, яна не савдо —

Кутмоқда шоирни, қолмоқда пинҳон,
Каззоб дойрасига ўйнайди замон.

Беҳзоднинг чеҳраси маҳзун ва порлоқ,
Ичида шодлигу ғамлари булоқ.

Устод сўзларидан қалби ларзада,
Ўқсиниб қўяди дардди лаҳзада.

У бундоқ мунг билан сўзламасди ҳеч,
Бенажот, алампнок бўзламасди ҳеч.

Яна не синоат бўлмоқда содир?
Олдими олмоққа эмасми қодир?

«Устод, — деди Беҳзод, — «Муҳокаматул...»
Аҳли зурафога келгай, дур мақбул.

Икки ажиб тилини бирор нажиб зот
Қиёслаб берганин ким этур исбот?

Энг олий кашф бу илм ва фанда,
Кошки, зикр этилса ҳар анжуманда».

Навоний фикрини қилиб мухтасар,
Сўйлаб берди нечун ёзилди асар:

«Китобнинг мақсади бутунлай ўзга,
Бир боқинида равнап кўринмас кўзга.

Туркий исбот эди назмда ўзини,
Энди илмда ҳам кўрсатгай сўзини.

Баъзи аҳли қалам қисмати маҳзун,
Форсийни туркийдан қўялар устун.

Истамас туркийда койитмоқ жонини,
Гармесел ургаи, дер, янги бўстонини.

Туркийда ёзмоққа чорлайди султон,
Ривож топсин назми туркий дер ҳар он.

Кўпчилик унутиб анинг сўзини,
Форсийга қуюндек урди ўзини.

Йулдан оғишиб кезур овора,
Умидим: кўзлари очилгай зора.

Бу китоб — икки тил муҳокамаси,
Икки тилга фақир муомаласи.

Аҳли зурафога жавобим бўлгай,
Бахтияр авлодга хитобим бўлгай:

Туркий шеърятини топтириб ривож
Кошки, боши узра кийгизсалар тож».

Кўзларда чақнади ифтихор ўти,
Қанотин ростлади фикрат бургути.

Закода беназир Ҳожи Муҳаммад
Қошида бош эгди не олий мақсад.

«Инсон қиёфаси бу фаришта» зот
Донғидан оламга дostonдир Ҳирот.

Навонийга эса фарзанддек азиз,
Кутубхона эди меҳроби ёлғиз.

Унга ясаб қўйди бир ажиб соат,
Вақт билан доимо эди мулоқот.

Қутидек соатда одам ҳайкали,
Қулида таёқча, етанда гали,

Бир-бир уриб қўяр, соат берар занг,
Хонага таралар ғаройиб оҳанг.

Соат икки бўлса — урар икки бор,
Уч бўлса — уч бора этади такрор.

У эди илмда ўзини исбот,
Ҳайратдин ёқасини ушлади Ҳирот.

Яна у бўлди не соҳиби ҳунар,
Сағъат киншварини қилди мунаввар:

«Надари бузургвор, бу олий ҳилқат!
Икки тил мулкини безамиш ҳикмат.

Қай кимса тош отса она тилига,
Хонлиқ қилгай ул туққан элига.

Она тили қадрин ким тутса балад,
Анинг номин этгай улус сарбаланд.

Эл билар яшар у ўтиб асрлар,
Қадрини кўтаргай буюк насллар.

Бирор кун янамай ўзингиз учун,
Жонини бахш этдингиз сўзингиз учун.

Заҳматкан улуста бериб бордингиз,
Ташвишли мулк олди ихтиёрингиз.

Назмингиз иқболи боқий бўлажак,
Ед эгар миннатдор бахтли келажак.

Сиз — улут миллиятнинг отасидурсиз,
Табиатнинг бизга атасидурсиз.

Халқ айтар таҳсинлар буюк даҳога,
Номингиз таралгай бутун дунёга!»

Навоний хиёлатдан эгди бошини,
Ҳаяжон қонлади ичу тошини.

Ботирбек деди шод: «Бўлмаса устод,
Умримиз кечарди зулматда беод.

Фақир бир фуқаро фарзанди эди,
Мадорисда бўлмиш мударрис эмди.

Толиблар илмга танина ва учдир,
Гар тилини билмаса, истеъдод пучдир.

Тил билган — эл билур, эл билган-чи — тил,
Икки тилга кўприк «Муҳокаматул...»

Зайиндин Восифий гарчи толибдир,
Тенгқурлар сафида ўзгир, голибдир:

«Баҳраманд бўлмасак устод меҳридин,
Нашъа тошмас эдик илм сехридин.

Равнақ тошмас эди улуг мулкимиз,
Жаҳонни ўртарди, балки, мунгимиз.

Гарчи ноусойиш яна Хуросон,
Устод борларки, халқ кезмас нотавон».

Содиқ шогирдларга боқиб миннатдор,
Шоир деди, аламлири бешумор:

«Елга сочманг ҳаёт гулини зинҳор,
Ганимат умрни утказманг бекор.

Ҳар лаҳза қадрини билинг муқаддас,
Юксакроқ чўққини, қилингиз ҳавас.

Лафзи йуқ кимсадин юрингиз йироқ,
Илм истар қалбга ёқингиз чироқ.

Яна бир савоб иш — элга эҳсондур,
Мурувват соҳиби шариф инсондур.

Саховатдек шоён хислатни мудом
Саодат билмоқни кўнгул этсин ком.

Аmmo, бу бетайин, қилвир замонда,
Ота фарзандига душман давронда,

Бу хислат варағи ётар тескари,
Бу ҳукм аксига юрар аксари.

Яхшилик йўлида ёмонлик турур,
Игна қўшиб сенга асал узатур.

Ҳар кимга бир хизмат қилсанг, ўн бора
Қаттиқлик кўрмоққа излагин чора.

Олқишлаган бўлсанг кимники бир бор,
Кўшлаб қарғишига бўлгайсан дучор.

Бировга бир қадаҳ май берсанг шодон,
Бадалига ютгунг пиёлаб қон.

Кимники сийласанг ичириб асал,
У сенга туттуси косалаб заҳар.

Нусрат қўзин тикинг аҳли деҳқонга,
Дон сочиб, ризқ йўлин очур инсонга.

Меҳнатга ҳамниша ҳамдам, ҳамқадам,
Деҳқон омоҳ сўрар мисоли Одам¹.

Бу оламнинг маъмуриги деҳқондин,
Одам аҳли масруриги деҳқондин.

Миришкор деҳқонга кимки ҳамқадам,
Бошидан аригай мушқилот ва ғам.

¹ Одам Ато маъносида ишлатилган.

Фақирда ушалмин яна муддао,
«Девони Фоний»ни қилибмен адо.

Неки рақам этдим форсий забонда,
Жамолин кўрсатгай мазкур девонда.

Тонглади бир ғазал ўт солмин жонга,
Битдиму тиркадим ани девонга.

Ижозат этсалар баҳам кўрғаймен,
Фоний лафзи билан жавлон урғаймен.

Шогирдлар чақнади: «Марҳабо, устоз!
Форсий қанотида қилгаймиз парвоз».

Навий эгилган қаддини тиклаб,
Инсон дардларидан яна очди лаб:

«Оламе ҳоҳам, ки навбат мардуми олам дер у,
К-аз жафон мардуми олам набошад ғам дер у»¹.

Шоир бургут эди — қаноти синган,
Тонқин дарё эди — мавжлари тинган.

Қудратли шер эди — ожиз, камдармон,
Паҳлавон эр эди — пиросол инсон.

Офтоб эди — заиф юлдуз сингари,
Тонг эди — кўкда шомнинг ханжари.

Мақтаъга² мунгайиб сурган чоғда от,
Гуё шогирдлардан тилади нажот.

Қалбида чўғланиб умид ва ният
Келажак наслга қилди васият!

«Фоний, дар ваъзи гардун пур макун андеша эон-к,
Нуктае навбат, ки навбат бир хирад муҳам дар у»³.

«Ваҳ!» дебон ҳислари олиб аланга,
Копки, жонни тикса ёшлар Ватанга!

Бу ғазал қалбида муаззам оҳанг,
Сарбадорлар орзусига ҳамоҳанг.

Орзулар ушалган борми бир замон?
Орзули инсонга торми ё жаҳон?

Жавобсиз қолмоқда бу савол ҳамон,
Савол берган тилни кесмоқда даврон.

XX

Ташвишли уйғонди Поёб работи,
Наҳорнинг бошланди қизгин ҳаёти.

Тонг юзи туманда, рутубат ҳаво,
Зимистон заҳридан ингранар маъво.

¹ Мазмуни: «Бир олам истайманки, унда даври-
мизнинг одамлари бўлмасин; Бу оламда одамнинг жа-
фосидан ғам бўлмасин».

² Мақтаъ — ғазалнинг сунғи байти.

³ Мазмуни: «Эй Фоний, олам вазияти (аҳволи)ни
кўп уйлама, унда ақл ҳал қила олмайдиган ҳеч бир
муаммо йўқдир».

Шоир адо қилиб бомдод намозин,
Карамдан яшнатиб мақсад самосин,

От сурди Шоҳ Малик работи томон,
Шавқ утида ёниб тўлғонади жон:

«Манзили васл чун шавад наздик,
Отани шавқ тезтар гардад»¹.

У билан ёлма-ён елмоқда илдам,
Меҳридан баҳраманд қадронлар ҳам.

Ҳиротни тарк этиб икки кун бўрун,
Қиннинг аёзида йўл босди узун.

Дуч келган работда тунаб бир оқшом,
Тонг билан манзилга яна урди гом.

Манаққат чекса-да йўл азобидан,
Дили равшан эди эл оқтобидан.

Илож йўқ русумни этмоққа канда,
Итоат этмоғи лозим ҳар банда.

Шу ваҳждин, қондириб дил истагини,
Тингламоққа мажбур йўл эртагини.

Йўлда ўтди ярим ҳаёти унинг,
Эгарда битилди абёти унинг.

Водаринг, умрига тушгач фасли қиш,
Фароғат ўрнига зўрайди ташвиш.

Давроннинг зўрайди унга жафоси,
Саробдек аллади қилган вафоси.

Қарилликда назм уйини тuzатиб,
Ўтира олмаса оёқ узатиб.

Гоҳ унда, гоҳ мунда — билмайдн ором,
Иёён чиққан жойга йўлланар мудом.

Беором жонини тикди мулкига,
Адолат лангарин олиб илкига.

Гарчи жафо майин тутса-да султон,
Жондан азиз эди унга Хуросон.

Хуросонни ташлаб кетмади ғамга,
Бардош берди беҳад дарду аламга.

Хуросон — туғилган Ватани унинг,
Бешигию гуру кафани унинг.

Ота маконидан тушса гар йироқ,
Бағрини эзарди унинг ал-финоқ.

Дарбадар буларди шоҳ асарлари,
Волидасиз қолган фарзанд сингари.

Ҳар қалай, бу йўлга босмади қадам,
Буюк улусини этди якқалам.

¹ Мазмуни: Васл манзили яқинлашгач, шавқ ути тезлашади.

Неки рақам этди улуста бўлғай,
Улус билан анинг толеъи кулғай.

Висол манзилига келмоқда яқин,
Бағрида чақмоқлар чақмоқда чақин.

Юзларида порлар шодлик нурлари,
Қувонч бўлиб тошар дил сурурлари.

Астробод исёнин бостириб султон,
Музаффар қайтмоқда Ҳиротга томон.

Эҳтиром достонин айлаб сарафроз,
Навоий султонга чиқмоқда пешвоз.

Шиддат босиб ўтиб бир фарсахни у
Илғор қўшин билан келди рўбару.

Навкарлар шоирни хурсанд этдилар,
Ҳол сўраб, иззатин бонда тутдилар.

Султон муҳафаси¹ қўринган замон
Шоир юрагини босди ҳаяжон.

Дафъатан қувончдан айланди боши,
Бошини қонлади туман отани.

Чорлаб Шаҳобиддин Абдуллаши тез,
Нафаси қисилиб дееди ёлғиз:

«Аҳволим ўзгариб қолди тўсатдан,
Мендин огоҳ бўлинг ҳар эҳтиётдин».

«Қуллуқ» деб мулозим торгди хавотир,
Гуё гурзи тегди бошига оғир.

Зўрға отдан тушди Навоий беҳол,
Юрмоққа танида қолмаган мажол.

Жалолиддин Қосим ва мазкур амир
Қўлтиғига кирди — у юриб, оғир.

Ҳукмдор кўксига бошини қўёлди,
У ғамгин, дўстини бағрига олди.

Шоир бош қўтариб зўрға сўзлади:
«Даврон тузлиғида бизни тузлади,

Ҳар қалай, тинчиди бир оз Хуросон,
Хуросон бошида бўлғайсиз омон».

Султон ёниб қайғу ўтида бедод,
Деди, Навоийга бергали имдол:

«Алишербек, дўстим, кўзим қароғи,
Улуг салтанатим машъал қароғи,

Кошки, менга келса — сизга келган дард,
Кошки, кўзга кўнса — сизга кўнган гард.

Бир оз толиқибсиз, топғайсиз шифо,
Кўз тутар сизга эл — меҳри дилкушо».

Навоий кўзлари термулар ожиз,
Дард танга тобора қилар тажовуз:

¹ Муҳафа — тахтиравон маъносига.

«Давлат дарахтини қилинг ҳимоя,
Зоглар ҳужумига қуйинг ниҳоя.

Эҳтиёт бўлғайсиз Шайбонийга лек,
Балки, гаддор қўймас Хуросонни тек.

Мовароуннаҳрни қилмиш қатоғон,
Хуросонга қочмиш бир қуп оломон.

Элга паноҳ бўлинг, зулим чекмасин,
Низо уругини душман экмасин...»

Тилининг учида қолиб сўзлари,
Ҳасрат билан нурсиз боқди кўзлари.

Муҳафага уни ётқизиб дарҳол,
Хиротта жўнади табиблар алҳол.

Шоир хизматида бўлганлар дилхун,
Ортидан эргашди — дардлари фузун.

Султон муҳафаси орқада қолди,
Қуп ўтмай, қораси кўздан йўқолди.

Навойий дардидан барча фиғонда,
Сактага¹ айланди касал шу онда.

Ҳаракат қилмоққа, сўзламоққа ё
Мажоли қолмади, боқиб бемаъно,

Дард билан юмилди кўзлари унинг,
Ҳамроҳлар ўтида қолди қайғунинг.

Бемор оғирланди — танг эди аҳвол,
Табиблар иложсиз — очар гўё фол.

Одам юбордилар султонга охир:
Қон олмоқ таклифин қилди Хондамир.

Табиблар ризолик бошини эгмади,
Султон руҳсатсиз игна урмади.

Рўҳсат келган пайтда — бўлган эди кеч,
Табиблар дилини тилмоқда ўкинч.

Абдулҳай,² Гилоний³ азоб чекиб минг,
Томирдан зўрға қон олди унинг.

Бироқ, бундан бирор фойда бўлмади:
Навойий ҳушига қайтиб келмади.

Фуркатни бой бердинг, эй гофил табиб!
Барча жонзот бўлмас, ахир, андалиб.

Сендан билимдонроқ тошилар бир зот,
Шоирнинг дардига бергувчи нажот.

Сен нечук табибсан, сўрсанг султондан,
Айрилиб қоласан унда инсондан.

Қўзғол, вақт ўтмоқда — шаҳарга отлан,
Жон турар илжинда, қўшдек қанотлан!

¹ Сакта — бутун баданининг ҳаракатдан қолгани.

² Низомиддин Абдулҳай — табиб.

³ Шамендин Муҳаммад Гилоний — табиб.

Икки кунлик йўлдири пойтахтта қадар,
Гур азобидан йўл азоби баттар.

Муҳафа елмоқда — йўл эмас равон,
Қисмат косасида чайқалади жон.

Навойий чалқанча ётар, бемадор,
Оғир нафас олар — сокин, беқарор.

Юзидан нур томар — ухлаган каби,
Ҳаёт оҳангини чалмоқда қалби.

Бошида парвона мулозимлари,
Инлари бузилган қушлар сингари.

Табиблар тополмай ўзга бир чора,
Аҳволин кузатиб елар дилпора.

Хайрли бинолар меъморин, хайҳот,
Йиғлаб қарши олди қоронғу Хирот!

Эрталаб йиғилди донгдор табиблар,
Не табиб, шоирга азал ҳабиблар.

Қанча дори-дармон қилмасин, аммо,
Беморнинг дардига бўлмади даво.

Дам сайин ҳолати кечарди баттар,
Бошида тиг тутиб турарди хатар.

Султон Хусайн ҳам йўл босиб барҳез,
Тугри «Унсия»га қараб тутди юз.

Шоирга меҳрини қилгали изҳор,
Ғам чекиб, бошида турди жонсипор.

Дарди оғирлигин сезгач ниҳоят,
Аччиқ-аччиқ йиғлаб, қайғурди гоят.

Табибларга деди қилиб илтимос:
«Ўликни тирилтган кишиларсиз хос.

Ҳакимсиз, қилингиз не келса илқдин,
Жонини аямас эди у мулкдин.

Ул таянч тоғидур салтанатимнинг,
Тузалса — енгилар, ёғий бўлса минг».

«Амри вожиб» деди табиблар — ожиз,
Саъй-ҳаракат қилди тузатмоқда тез.

Натижа юзини кўржатмас ҳамон,
«Боғи жаҳонаро» бағрида султон,

Ором тўшагида ёта олмас тинч,
Бемор ғами билан юраги нотинч,

Тез-тез ҳолин сўраб юборар одам,
Жонини қиймалар тиғида алам.

Қўз юммай озулда ўтказди тунни,
Ўт бўлиб қуйдирди охи гардуни.

Қўлдек ожиз эди қудратли султон,
Даво топилмади дардга — нотавон.

Занфлик шоирини комига тортар,
Касаллик шиддати тобора оғтар.

Хушига қайтган йўқ, кўзлари юмуқ,
Оёғу қулию танда мажол йўқ.

Эй, чархи кажрафтор, айланмасанг каж,
Шоирнинг тилини қилмасдинг фалаж.

Бас, етар, қийнама — гарчи феълнинг ёт,
Бир лаҳза қайтиб бер тилларини бот.

Азиз улусига сунг сўзин айтсин,
Улим кўчасидан бош олиб қайтсин.

Дуст-ёрни қурғали очсин кўзини,
Дурри манзум¹ каби сочсин сўзини.

Танига мадор бер, ўлтирсин бирга,
Улуғ давраларни йўғириб нурга.

Оёғу қулига бергин куч-қудрат,
Юрт кезиб, курсатсин алга мурувват.

Жаҳон боғидаги энг покдил инсон
Меҳридан яшнасин яна Хуросон!

Чархи каж — изида ҳамон айланар:
Нидони эшитмас — қулоқлари кар.

Беаёв чанг солиб шоир жонига,
Ногаҳон ут қўйди хонумонига.

Қайтадан дунёни кўролмай кўзи,
Субҳидамда сўнди унинг юлдузи.

Жон руҳи тарк этди озурда танни,
Йўлчидек кўзлади дашти адамни.

Чархи каж яна бир қилди номардлик,
Дунёдан кетди у юраги дардлик.

Кўп кўрди умрига бир неча кунни,
Омонат бошига отди гардуни.

Ўз ишқи достонин ётолмади шарҳ,
Шарҳсиз бу жумбоқни ечолмади чарх.

Ҳаёт гулшанига қилиб хайрбод,
Замона булбули кўтарди фарёд:

«То жаҳон чунин буду, чунин хоҳад буд,
Ҳамаро оқибати кор ҳамин хоҳад буд».²

XXI

Пойтахтни титратди «Унсия» доди,
Фалакка чирмашди аччиқ фарёди.

Гуё тоғлар қадди ҳам бўлди ғамдан,
Қуёш жамшиди кўк кийди мотамдан.

Бепаноҳ халойиқ боши эгилди,
Табиат кўзидан ёшлар тўкилди.

¹ Дурри манзум — шеър инжуси.

² Мазмуни: То жаҳон мавжуд экан шундай булган, шундай бўлади, ҳамманинг тақдир оқибати шундай кечади.

Халқ сизмас кучага, боғ, хиебонга,
Кулфат ели эсди дашт, биебонга.

Ҳирот қайғуради маҳшар комида,
Улим майи қалқир ҳаёт жомида.

Султон Хусайнинг ларзада тахти,
Ҳасрат гирдобида умр дарахти.

У, иззат кўшқидан тушиб бедармон,
Мотам палосида чекмоқда фиғон.

Султон хонадони йиги-сигида,
Жонлари мусибат, алам тигида.

Амиру вазирлар кўзларида ёш,
Олиму шоирлар сўзларида ёш.

Айрилиқ домида мударрис, толиб,
Жаҳон айвонида арконсиз қолиб.

Машойих, сайидлар чекар надомат,
Қаландар, дарвешлар турар бенажот.

Мотам либосида аҳли фуқаро,
Фуқаро бошида маҳзун Бойқаро.

Фарёдү фиғондан тўлгонар осмон,
Жудолик даштида ҳунграр Хуросон.

Аҳли саз афтода мотамгоҳида,
Юраклар садпора созлар оҳида.

«Шашмақом» навоси оламни уртар,
Мотамга келганки одамни уртар.

Қайғудан узилар танбур торлари,
Дилни кукун қилар гижжак зорлари.

Қон ёши оқизар дутор ноласи,
Ёмғирдек тўкилар уднинг жоласи.

Най афғон даштида, чанг дарди фузун,
Мотам куйига гарқ замин у гардун.

«Унсия»ни босган Хуросон гами,
Хуросонни тутган шоир мотами.

Соҳиби хонадан айрилди, э воҳ!
Букилмас қаноти қайрилди, э воҳ!

Қалбларни уртайди унинг ноласи,
Кўзида видонинг аччиқ жоласи.

Бағрида барҳаёт шоирнинг руҳи,
Юрагин поралар алам андуҳи.

Мангулик уйқуга чўмган Навоий,
Ҳиротни мотамга кўмган Навоий!

Аммо, боқий умри унинг шу ондан
Бошланиб, шон топгай ҳали жаҳондан!

Навоий бошида султон Бойқаро,
Таянч тоғи қулаб, қисмати қаро.

Яна Дарвеш Али, қон-қариндошлар,
Султон хонадони — мотамда бошлар.

Барча маросимлар этилгач адо,
Тобутни кўтарди шоҳ мотамсаро.

Дарвеш Али билан Беҳзод, Хондамир,
Табутга кифт тутди — қолгандек сағир.

Кўтариб чиқдилар ҳовлига томон,
Тобутга талишиди ҳадиз оломон.

Кифтдан-кифтга ўтар тобут лониллаб,
Алвон тобут борар ўтдек лангиллаб.

Бутун Ҳирот келган эди мотамга,
Бутун Ҳирот ботган эди дард-ғамга.

Инсонлик бурчини қилгали адо,
Шоирга сўнгги бор дегали видео.

Табаррук тобутга елкасин тутар,
Меҳр боши узра кўтариб ўтар.

Хиёбон бошига оқар оломон,
Оғир жудолондан бесару сомон.

Каттаю кичикнинг кўзи тўла ёш,
Мунгайган улусга султон бошу қон.

Мўмин мусулмонлар дафига келган,
Маъёс кўзларидан хуноб тукилган.

Тобут томон ўзин уради бари,
Отадан айрилган фарзанд сингари.

Кифт тутмоққа кимки бўлмас мўжсар,
Тобутга қўл уриб, кўзига сулар.

Бебахра қолмай деб токи савобдан,
Гўё нур налайди ботган офтобдан.

Тоғдай оғир дардин кўргали баҳам,
Халойиқ сингари ўқинди кўк ҳам.

Инжу қатраларин сочар оқ булут,
Кифтларда лониллаб борар зил тобут:

«Хунри шафақ аз дидан гардун бичакид,
Маҳ рўй биканду зуҳро тесу бибурид.

Шаб жома сийҳ кард дар ин мотаму, субҳ,
Барзад нафаси сарду гирибон бидарид».¹

Аҳли мотам бўлиб Ҳайиттоҳга жамъ,
Жаноза ўқилди — адо қилди ғам.

Яна эл тобутни елкага олди,
Жомигъ масжидига қараб йўл солди.

У ерда шоир шу ҳодиса учун
Бир гўмбаз қурганди икки йил бурун.

Тобутни элтдилар сўнгги манзилга,
Султон мотамсаро термулди элга.

¹ Мазмуни: Офтоб кўзларидан шафақ қонларин томди, ой юзларини тирнади, Зуҳро сочларини келди. Шу мотам чоғи тун қаро тун кийди. Тонг жа совуқ оҳ тортиб, ёқасини йиртди.

Дафни маросимини эттали бажо,
Афтода улусдан тилар бемажол:

«Эй, мўмин халойиқ, эй аҳли кабир,
Нечук одам эди Амир Алишер?»

Кўк тоқига етди улус индоси,
Кўкдан ерга қайтди акс садоси:

«Яхши одам эди!» — эл қилди дуо,
Султон деди маъёс: «Дўстим, алиvido!»

Жасадин кўтариб лаҳадга кўйди,
Елғиз қолганини лаҳадда тўйди.

Дарвеш Али дилхун — тўн барин тутар,
Бир сиқимдан тўнроқ солар кинилар.

Тўнроқни сочади ога қабрига,
Бош тутиб афтода даврон жабрига.

Лаҳадга сўнгги бор мунгайиб кўзи,
Йиллаб тўнроқ тортиди султоннинг ўзи.

Кетмонини султондан олди кабирлар:
Машойиҳ, фузалю, сайид, амирлар.

Замин билмас — кимни олди бағрига,
Садаф қолиб — дурин солди бағрига.

Фотиҳа ўқилди, почор оломон
Сингари кўз ёшини тилмас осмон.

Дар! бўлиб оқар эл «Унсия»га,
Бел боғлаб турибди шоҳ таъзияга.

Шоир қабри жа қолмади якка,
Рухи дармон эди ҳар бир юракка.

Буюк сайидлари дондор олимлар
Қабри тенасида тунаб қолдилар.

Тонг отгунча мижджа қоқмай қорилар
Тилловат қилдилар, ёшу қарилар

Гўмбаз атрофидан кетмайини йироқ,
Қорилар сўзига тутдилар қўлоқ.

Мотамкан улусдек қўён жаминиди
Тонг билан эғнига кўк тўнини кийди.

Таъзиякан элга бўлиб жонфишон
Мотам мақомида ўлтирди султон.

Ҳирот уруғлари ундан кўйида,
Бошлари эгилган мотам кўйида.

Халойиқ шоирнинг руҳин этар шод,
Фуқарога энди ким этгай имод.

Бош суқини маҳолдир, балки, девонга,
Зулм ханжарлари қадалгай жонга.

Серқилиқ давронини кўрган мўйсафид
Фасихиддин қўнглини тарк этган умид.

Устоздан айрилиб қолса-да сағир,
Султонга ачиниб сўзлар Хондамир:

«Сулғиб яшарди устозга Ҳазрат,
Қариган чоғида эзмаса ҳасрат.

Шоҳга қийин бўлди — раҳнамоси йўқ,
Бебош фарзандлари қилмагай қуллуқ.

Ишқироз домида тилка-пора мулк,
Тушди улуг мулкнинг бошидаги бурк.

Энди мулкни нечук қилгай идора,
Кинин йўқ — мушқилга тонувчи чора?»

Отир уйга ботиб деди аллома,
Бу сўзин демаган бирор ҳукамо!

«Султон-ку ёшини яшади, тақсир,
Ҳечдур қолган умрин утказса тахир.

Навоий бўлмаса ёнида анинг
Улуг ҳукмдори бўлмасди мулкнинг.

Осойиш тахтида ултирмай узоқ.
Балки, талофатта учрарди тезроқ.

Ишрат билан умрин утказди султон,
Хавотир тортмангиз, тошадир имкон.

Халққа қийин бўлди, билсангиз энди,
Зули калхатлари кифтига қўнди.

Отасиз қолди халқ — халқ қолди етим,
Анинг аҳволини энди сўрғай ким?

Халққа қийин бўлди — гамгусори йўқ,
Анга ён босувчи мададкори йўқ.

Халққа қийин бўлди — у гарчи қарам,
Навоийдек анга ким қилгай қарам?

Умидим қолмади энди ҳаётдин,
Бош олиб кетмасам, балки, Ҳиротдин.

Бошки, тезроқ олса омонат жонни,
Қўзим-ла кўрмасам тўқилган қонни.

Султон бир кунини кўради, ахир,
Халққа қийин бўлди, мулла Хондамир».

Хондамир чурқ этмай эди бошини,
Дили йиглаб, тушди кўздан ёшини.

Ҳамон оқиб келар «Унсия»га эл,
Қўли калта унинг, азиятда эл.

Шу кун масжидлар халқ билан тўлди,
Навоийга хатми қуръон ўқилди.

«Аз навти у нишаст ба ҳар хона мотамс.
В-аз фавти у бихост зи ҳар гўша шеванс».

¹ Ҳукамо — дошманлар, ҳақимлар.

3-ин заҳмгин мусибату, 3-ин сахмнок марг,
Оташ фитод дар дили сангу оҳане».¹

Навоий уйда қолиб нотавон,
Уч кеча-кундузни утказди султон.

Мозори бошига бориб ҳар кунин,
Ўзидан шод қилди унинг руҳини.

Худойи ва хатм буюриб сўнгра
Ота бўлиб турди эл боши узра.

Улус ёқа вайрон, улус бағри қон,
Бошига қулаган сингари осмон.

Бу ёруғ дунёдан сўниб умиди,
Шир номин ёд қилди минглаб муриди.

Шоирлар марсия, таърих битдилар,
Хотира уйини обод этдилар.

Фасоҳат эгаси, закий ва мумтоз
Соҳиб Доро битди бир таърихи соз:

«Афсус зи Мири осмон кадр,
К-афтод ниҳоли умраш аз беҳ,

Дар мотами у чу диди хун мерехт,
«Хун резии дийда» гашт таърих».²

Марсия, таърихдан султон дилсўзон,
Сарбонсиз тевадек данг аро гирён.

Ожиз табиблардан дили аламда,
Даво тополмайди керакли дамда.

Туман ичра кўриб истиқболини,
Ёд этар Навоий ҳасби ҳолини:

«Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зоҳир эмас,³
Табиблар бу балога не чора қилгойлар».

Навоий дардига кор қилмоқ учун
Не табиб, лол эди тиб илми бутун.

Шоир мавлудидан қувонди олам,
Қазо қилганида уни босди ғам.

Бу ғамга — ўлимга даво йўқ, инон,
Келиб-кетувчидир дунёга инсон.

Аммо, Навоийсиз не қилтур султон,
Заволга юз тутди мулки Хуросон!

¹ Мазмуни: Унинг ўлими сабабли ҳар уйни мотам қулгади, унинг вафоти туфайли ҳар бурчакда нола кўзгалди. Бу фожиали мусибатдан, бу қайгули ўлимдан, ҳар қандай бағри тош қалбга ҳам ут тушди.

² Мазмуни: Афсуски, осмон қадарли Амрининг умр ниҳоли илдири билан йиқилди. Унинг мотамида кўз қон тўқкани учун «хунрезий дийда» унга таърих бўлди.

³ Мараз чу зоҳир эмас — касалим кўзга кўринмайди.

ХОТИМА

Манзилга етгандек шукуҳди карвон,
Маснавийга нуқта қўйдим беармон.

Ҳн йиллик меҳнатим кетмай бесамар,
Зур хирмон қўтармак булди муяссар.

Филдай меҳнат қилиб ҳн йилдан ортиқ,
Турт китобни элга айладим тортиқ.

Ижод фикри билан банд бўлиб бошим,
Билмадим: отди ё, ботди қўчим.

Гоҳ ёғди бошимга ёмғир ила қор,
Гоҳ мени сийлади ёз ила баҳор.

Умид юлдузин гоҳ қонлади абр,
Гоҳ рўшно айлади лайлатули-қадр.

Неча йил хаёлим уралди нурга,
Неча йил юрагим чулғанди шеърга.

Шеър билан бахтиёр сездим ўзимни,
Шеър билан сўйладим элга сўзимни.

Умримга ёр бўлиб Навоний руҳи,
Шеъримга зеб берди шаъну шукуҳи.

Сўз билан яратиб турт чаманзор боғ,
Кифтимдан гўёки ағдарилди тоғ.

Қишдай енгил бўлиб ростладим нафас
Ва боқдим оламга — кўзимда ҳавас.

Ижод машаққати булгандек унут,
Ўзни озод сездим мисоли бургут.

Кўз ўнгимдан ўтди уйқусиз тунлар,
Устоз меҳри билан яшаган кунлар.

Навоний юлдузи қутлуғ ҳар кеча
Бошим узра сочди нур тонг отгунча.

Кўзимни айлади қалб каби бедор,
Бедор қалбга тунлар сўйлади анъор.

Ҳазрат сиймосидан дил бўлиб равшан,
Рухимни яйратди раъзан гулшан.

Гоҳо хурсанд бўлиб, гоҳ кўриб алам,
Ҳаёт китобини этдим якқалам.

Бу йўлда салафлар қўлади мени,
«Хамса» кишварига йўлади мени.

Ҳазрати Низомий қўлимдан тутди,
«Панж-ганж»идан гўё дур инъом этди.

Пешанамдан ўпиб Деҳлавий, Жомий,
Дедилар: «Низмда қаламнинг қавий».

Келди қалам йўнмоқ фурсати дебон
Қалбим даъват этди: осойиш замон.

Аммо, носойиш кунлар ҳам келиб,
Нокаслар кетдилар бағримни тилиб.

Захматкан улусим бўлиб тилақдон,
Омолим қасрига эрга-да нақшон,

Ўзим тотдим барча дардининг захрини,
Не захр, каззобу қалъобу макрини.

Кунни кун демасдан, тунни эса тун,
Ижод хонасида эгладим тутқун.

Ҳаёт шодлигидан бутунлай кечдим,
Алам даштда гам бодасин ичдим.

Кузда хазон буддим, қишда қақнадим.
Содиқ мурид бўлиб, ширин оққадим.

Ағёрлар ҳасадин қилдим барбод,
Турт қасри олийини айладим бунёд.

«Потинч Хуросон»им — баҳор пайғоми,
«Шукуҳди карвон»им — ёзининг инъоми.

«Сокни Хуросон»им қуздан бир нишон,
Қишдан армуғондир «Қоли Хуросон».

Устоз Ойбек деди: «Бу — мардининг иши!
Сенинг ишининг қилмини, айт, қайси киши?»

Не бахт, улуг ишни тутатдим охир,
Дилимни оромга унатдим охир.

Балки, арзир энди қўнискан элга,
Хизмат камарини боғласам белга,

Қурдошлар қилмаган бир ишни қилдим,
Эҳтимол, жонимга ташвишини қилдим.

Меҳнат қилган киши хор булмаган ҳеч,
Нокаслар хайлига зор булмаган ҳеч.

Дунёга бергусиз ушбу чоркитоб,
Аминман: бошида кулгайдир офтоб.

Бу асар — ҳаётда юдир хилқатим,
Ҳазрат Навонийга олий ҳурматим.

Куллуқлар қилмаган тақдирга, шоён,
Буюк бир асарини айлади эҳсон.

Яна бир сийласа қисмати анвор,
Дунёга келгайдир «Ҳайрату-л-Аҳрор».

Ушанда ярадгай яна бир «Хамса»,
Шоини қутлар: Ҳирот, Деҳлию Гаижа.

Ва лекин бу айём дилда бир армон:
«Чоркитоб»ни элга этсам армуғон.

Ўқиб чиқиб, деса, аҳли замон:
«Бу — эл орзу қилган «Навонийнома».

Ҳн етти минг байтдан иборатдир у,
Мозийдан муборак китобатдир у.

Бу улкан меҳнатим меҳрга муҳтож,
Ким унинг бошига кийгизади тож?

Ким унинг йўлига булур раҳнамо?
Қисматини ўйлаган борми бир даҳо?

Бу саволга, афсус, топмадим жавоб,
Ё гуноҳ қилдимми, қидириб савоб?

Дилда алашим йўқ, шодман ўзимдан,
Кун келиб, эл баҳра топгай сўзимдан.

Юрт бошига оқил раҳбарлар келгай,
Зар қадрини билган заргарлар келгай.

Истиқлол, Хуррият бўлса муяссар,
Бошига тож кийгай, балки, бу асар.

Навойй пойига гул қўйиб шоҳлар,
Таъзимга келгайлар улус паноҳлар.

Шоир қадри яна бўлиб сарбаланд,
Не ажаб, авлодлар боқса орзуманд.

Самарқанд элида бу муборак зот,
Не бахтки, неча йил кечирди ҳаёт.

Азиз меҳмон қилиб Андижон, Тошканд,
Меҳрини қалбига айламин пайванд.

Табаррук заминда излари қолмин,
Элга ёдгор бўлиб, сўзлари қолмин.

Изларин қўзимга тўтиё айлаб,
Сўзларин дилимга нураё айлаб,

Ўн йилки, Навойй васфини битдим,
Ўзлат ҳарамига бош олиб кетдим.

Элу юрт кўкида норлаган юлдуз
Нуридан рўшнодир мен чеккан ҳар сўз!

Навойй мадҳида ким сурса қалам,
Ўзича кашф этар, балки, бир олам.

Олам аро мен ҳам олам кашф этдим,
Фасоҳат қасрига сўзим нақш этдим.

Шоир ёди билан фикрим бўлиб банд,
Муборак изларин ўндим орзуманд.

Бу қутлуғ изларин ҳур Ўзбекистон
Қалбида ардоқлар, токи бор жаҳон!

Ташаккур сенга, эй, муқаддас дийр,
Навойй васф этган хуш нафас дийр!

Сен билан, она юрт, чорбоғ яратдим,
Чорбоғ аро назм созин янгатдим.

Бу — менинг чаманим, бу — менинг боғим,
Бу — менинг ватаним, менинг қароғим!

Бу чаман саҳнини билиб муқаддас,
Авлодлар сайр этса — шу олий ҳавас!

Дустлар, ҳайратланманг бу муъжизотдан,
Тухфа деб билгайсиз Мирзо Баротдан.

Йўқлик дунёсига кетгач Навойй,
Унут бўлган эди гўё маснавий.

Не бахт, яна уни хуш қўриб қалам,
Қўй, деди, Навойй изидан қадам.

Яна обод бўлди маснавий боғи,
Яна ёнди унинг сўнган чироғи.

Яна ариғидан сув оқдим тўлиб,
Яна хуш бўй сочди, гуллари қулиб.

Яна ниҳоллари мева боғлади,
Меvasи ўзига элни чоғлади.

Фақир рақам этиб маснавийини,
Яратди, балки, ўз Навоййини!

Навоййда кўрдим отам сиймосин,
Оламин безаган Одам сиймосин.

Асога суялган табаррук устод
Мўйсафид отамни менга этур ёд.

Навойй васфида мен олиб қалам,
Чекмадим бу йўлда не ранж, не алам.

Тунлар кинригимни қилиб нур қалам,
Навойй қасрига ёқдим биллур шамъ.


Бу шамъдан баҳраманд бўлса, эл, кошки,
Қутлуғ ниятига етса, дил, кошки.



Азиз халқим, тингла, қалб хитобимни:
Сенга бағишладим «Чоркитоб»имни!


Қўзинг тушса, ўқиб, мени ҳам ёд эт,
Фақирининг дил уйин ўзинг обод эт!



ЖАҢЫРАМЫЗ
= АЖРОР







Маъжур асарни Ҳазрати Хожа Носриддин Убайдуллоҳ ал-Шошӣ (Хожа Аҳрори Валӣй)нинг табаррук авлоди бўлмиш азиз фарзандларим — Шаҳлоҳон, Фарруҳон, Нигинаҳон ва ул қаро кўзларининг волидан муҳтарамалари, фақрининг рафиқан меҳрибони Сурайёҳон бинт Султонҳон ибн Тураҳон Эшон қизларига камолни эҳтиром ила бағишлайман.

Байт:

*Бу асарни битдим ақлодим учун,
Туркистонда манхур ажлодим учун.*

Муаллиф

*Келди бу жаҳонга илоҳлик навбати,
Фақир Убайдуллоҳ наъму шавкати.*

*Руйи замин бошу кети йуқ магар,
Наздида ер юзи бир тирноқ қадар.*

*Фақирлар эркидан дони оғоҳдир,
Улки, Хожа Аҳрор — Убайдуллоҳдир*

Абдураҳмон Жомӣй

*Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор.*

*Қўймасун айвони жаҳонни таҳи,
Дабдабан кўси Убайдуллоҳи.*

Алишер Навоӣй

*Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳдин,
Эшиг ул сирри худо оғоҳдин.*

*Хожалар хожаси ул хожа Убайд,
Ходиму чокари Шиблюю Жувайд.*

*Ҳолату мартабаси зоҳирдур,
Васфи таърифиди тил қосирдур.*

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

БИЁММАЖИД РОҶМАЖИД РОҶИМ !

ДЕБОҶА

Одлоҳим, ўзингга минг қатла шукр,
Бесамад ўтмади берилган умр.

Бемақсад қилмадим ганжинасин хароқ,
Олдида беқадр булди унинг ганж.

Молу мулким йўқдир, шайримдан ўзга,
Заҳматқаш улуста меҳримдан ўзга.

Умрининг асрори бандога мубҳам,
Бандога қоронғу валлоҳу аълам.

Илтижо қилгаймەن Расулulloҳдин:
Савобга дегълат эт, сақла гуноҳдин.

Меҳринг дариг тутма бир умматингдан,
Бенасиб қилмайсин мен ҳимматингдан.

Арини аъзам эли ва олам эли,
Хулафо, машойих ва одам эли.

Мўнқилот тушганда бўксалар ҳамдам,
Армонли дунёда чекмасмен алам.

Одил замон келиб қайтдим ўзликка,
Яна насиб этди ҳурлик ўзбекка.

Ҳазрати Хожан Аҳрори Валлий!
Самодан бир дегълат келишин илоҳий.

Иршод этди гўё илоҳий садо,
Дилимда қўзғатиб олий муддо.

Ҳайратдан фалакка тикдим кўзимни,
Тагри даргоҳида сездим ўзимни.

Ғаройиб кўринди дорул-ҳаводис,
Аҳли миллат ила туздим мажолис.

Машойих лутфидан кўнглим юксалди,
Аҳли ҳақиқатнинг созини чалди.

Мосийдан сочилди қалбимга анвор,
Шуурим забт этди «Ҳайратул-Аҳрор».

Беш аср нарига азимат этдим,
Пирим деб муборак кўлингиз тутдим.

Ҳазратим ҳақирга келтирса ниймон,
Умрингиз фусулни қилгаймەн дoston.

Барҳаёт руҳингиз қўласа мени,
Бувоқ мақсуд сари йўллага мени.

Мушкул кўнод бўлмай, фарҳунда мурид
Бу дорул-фанода бўлмас ноумид.

Кошкийди, дегълатин мен адо этсам,
Саводхон улусин мен доюо этсам.

Худо сизин меннинг дилимга содди,
Тасаввуф дуйёси хаёлим олди.

Тугъилган унутиб кўйдим сўзимни,
Тагридан тилладим жонга тўзимни.

Сизин билган сари, муридди аъзам,
Ҳимояга муҳтож кўринди одам.

Умрингиз булоғи қайнаб мутғасил,
Оби нажот бермин мисли Сажабил.

Ким савоб икласа баҳравар ўлмин,
Мурид дўстига сазовор ўлмин.

Қутлуғ беш юз тўқсон ёнга тўлибсиз,
Ҳамонки, улуста исроил бўлибсиз.

Улус эҳтиромин қозонган инсон
Улус бирла яшар токи бор жаҳон.

Не бахтки, мунарраф бўлиб карамга,
Эл дардин сўзладим мушк қаламга.

Недур сир-асрори улуг Ёношининг,
Ҳидоят афсарин азиз инсонининг?

Не важҳдин амрига бўйсинишин осон
Мовароунаҳру мулки Хурсон?

Не важҳдин Навоий, Жомий ва Бобур
Эҳтиром тожини безар мисли дур?

Не важҳдин авому мулуки Турон,
Мулуки Ажам ҳам сийлар нир дебон?

Не важҳдин карвондек йиллар ўтга ҳам
Муқаддас қабридан аримас қадам?

Не важҳдин ҳамонки, ботмас бу қўшан,
Бошида кўтаргай Самарқанду Шом?

Мушкул саволларга жавоб иладим,
Табаррук тарихдан савоб иладим.

Не бахтки, Ҳазратининг тоғам анвор,
Шажага дарахти ҳамон устувор.

Авлоди фахридир улуг аждоди,
Аждоди фахридир эшон авлоди.

Не бахтки, фақирнинг фарзандлари ҳам
Ҳазратнинг авлоди бўлиб мукаррам.

Буюк сулолага меҳрим бепоян,
Тақдирим рингаси боғланмиш шоён.

Йўқолиб истибод келтирган алам,
Нажиб зот мадҳига олибмен қалам.

Уни севган элдек ул озод бутун,
Уни севган эл ҳам ҳур нажод бутун.

Аҳли ҳақиқату улус пешвоси
Рухини шод этса фақир нишоси!

Минг тўққиз юз тўқсон тўртинчи йилнинг
Наврӯз субҳида бу тўхфаси дилнинг.


Муъжиз иморатга муҳандис бўлсам,
Туркий иборотга мударрис бўлсам.

Бир қасри олийин айласам бўлид,
Фасоҳат нақшидин улус бўлса шод.

Туркистон мулкида мунаққаш бино —
Ки, баҳраманд улса алому доно.

Шамъдек шуъла сочса дилларга сўзим,
Мужда каби етса элларга сўзим!

Иншооллоҳ, муродимга еттаймен,
Аҳли ҳол, аҳли дил васфин биттаймен!



БИРИҶИ ФАЕЛ

Бизнинг Хожамиз (Хожа Аҳрор) хожа Маҳмуднинг ўғлидир. Хожа Маҳмуд эса хожа Шаҳобиддиннинг ўғли бўлиб, хожа Шаҳобиддин уч ё тўрт восита билан Хожа Номийга бориб етади. Айтувларким, Хожа Муҳаммад Номий асли Бағдоддан бўлиб, шофеия уламосининг улугларидан бўлиши ва зоҳиру ботин илмларида асрнинг нодир ва замоннинг имоми ҳазрат шайх Абу Бакр Муҳаммад ибни Али ибн Исмоил Қаффоли Шошийнинг муриди бўлгач, ҳазратнинг мулозамати муносабати билан Шошга келиб, бу ерда тургуви бўлиб қолган. Хожамизнинг оналари Довуднинг қизи бўлиб, хожа Довуд ҳазрати шайх Хованди Тахурнинг ўғлидир, шайх Хованди Тахур эса шайх Умар Боғистонийнинг ўғлидир.

Муҳаммад ҚОЗИ

Тахур, мулло бўлма, шайх бўлма, суфи бўлма — мусулмон бўл!

Шайх Умар БОҒИСТОНИЙ

БИРИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Эй, Оллоҳ назари тушган Боғистон,
Эътиқод булоғи жушган Боғистон!

Дилимда эҳтиром, тилимда калом,
Таъзим бирла сенга дейман: «Ассалом!»

Кўрмакка ошиқдим мастона каби,
Чироққа талинган парвона каби.

Муҳсар улгунча висол айёми
Осойиш бермади илҳом пайғоми.

Юрагим ишқингда Ёнди оташдан,
Сени истаб келдим Шоши дилкашдан.

Чирчиқент, Хужакент назмда қолди,
Табиат жамоли кўзимни олди.

Ақлимни дол этди ҳайбатли тоғлар,
Забони ҳол этди ҳайратли боғлар.

Чорбоғда зулоли Кавсар кўринди,
Ҳуснида фалакваш манзар кўринди.

Чимёнга имлади ўн икки чашма,
Оби ҳайтига мен эдим ташна.

Угамдек уксиниб термудди Хумсон,
Наъматак оҳидан ўқиб бир дoston.

Тор уйдан отилдим кенг олам саря,
Қафасдан қутилган бир қуш сингаря.

Кўҳистон кўржада кўриб шуқуҳим,
Булутсиз осмондек очилди руҳим.

Кунгилдан йўқолди губору гардлар,
Хазондек тукилди аламу дардлар.

Далалар бердилар жонимга нажот,
Утмас кўзалар гўё ўткирлашди бот.

Муаллақ яшардим шаҳарда афғор,
Оёғимга ердан олдим куч-мадор.

Ажиб бир тароват жисму жонимда,
Аланга тафтини сездим қонимда.

Куч сизмай кетгандек билакларимга,
Шеър тугён солгандек юракларимга.

Кўнгим покизадир — гамлардан холи,
Пешанам сўламинш толей шамоли.

Қанот боғлаб кўкка учгим келади,
Боғистон, элигини кўчгим келади.

Борми сенинг бутун дилингда армон,
Не дилинг, тилингу элингда армон?

Тукиб сол, дилингда армонинг бўлса,
Дардинг айт, элингда сарбонинг бўлса.

Яна қилди сенга Истиқлол насиб,
Истиқлол субҳида истиқбол насиб.

Қайтди кетган Эркинг яна узинга,
Ватан ҳур кўринди яна кўзинга.

Яна узлигинга қайтибсан, шукр,
Яна узбегинга қайтибсан, шукр.

Қир олиб, тоғ олиб келмасдим абас,
Сенга етаклади мени бир ҳавас.

Сен азизсан Туркистон тупрогида,
Не Туркистон, Хуросон тупрогида.

Хуросон демагин, Турону Эрон
Маржонида дурри якто, Боғистон.

Бир тарафда Румдин Мисрға қадар,
Бир тарафда Хитодин то Ҳинд яксар,

Боғистон шухрати нурдай тарқалмиш,
Руҳи пок дилларга замзама солмиш.

Тупроғи олгинми, лаълми ё гавҳар,
Мўқаддас санаиди улус мунчалар?

Салсабиддан чиқур ёки зилоли?
Тоза ҳавосими танинг мажоли?

Гийҳи давоми давосиз дардга,
Ё бешик бўлганми бир жувонмардга?

Умидвор тикилсам узоқ мозийга
Нигоҳим тушиди бир умри боқийга.

Кўзимни узоқмай боқдим маҳлиё,
Ул менга кўринди бўлиб авлиё.

Хожа Убайдуллоҳ ҳазратдир бул зот,
Ҳаёти, аъмоли азал мўъжизот.

Улус аро Хожа Аҳрор дерлар уни,
Қутб-ул аброр, гаве-ул ахёр дерлар уни.

Улуғ бобосидир унинг Шайх Умар
Валий Боғистоний — авлиё башар.

Таваллуд маскани Боғистон унинг,
Боғистон — бешиги буюк умрининг.

Шундан олам аро машҳур Боғистон,
Бандаи мўъминга манзур Боғистон.

Улуғ шайх наслига бўлиб қариндош,
Боғистон, қошингда эгмакдаман бош.

Ул Ҳазрат ёгмишлар хокингда сенинг,
Руҳларин шод қилмак мақсудим менинг.

Муришиди аъзамни зиёрат этсам,
Мозори бошида тиловат этсам.

Армон бўлиб қолмас, балки, армоним,
Шарафли сафарда толмас карвоним.

Қучоғини катта очиб Боғистон,
Боғлари хуш бўйин сочиб Боғистон,

Меҳрини поёндоз этди йўлимга,
Гулдаста узатди гуё қўлимга.

Нотаниш улуси шинос кўринди,
Қуларда фақирга ихлос кўринди.

Сўрдилар ҳолимни — ажиб мулоқот,
Юзларда балқиди нури саодат.

Сунг эса йўл олдик азиз боғ сари,
Жимирлаб оқарди булоқ сувлари.

Шайх Умар Валийнинг руҳини этиб шод,
Бир айём айладиқ мазорин обод.

Мангулик офтобин кўриб бошида,
Сукут толдим улуг Шайхнинг қошида.

II

Мозийга отланди хаёл тушори,
Тилла эгариди назм шунқори.

Қамчимас, илқида уйнайди қалам,
Йўлини ёриттар шуъла сочиб шамъ.

Улуғлар даргоҳини кўлаб еладир,
Дардини улуста сўзлаб еладир.

Салафлар қисмати уй ва фикрида:
Салафлар ҳикмати фикру зикрида.

Муаррих сингари боқсам тарихга,
Улуғлар аъмоли сиймас таърифга.

Беназир зотларга тополмай қиёс,
Хожан акмалга қўйибмен ихлос.

Ҳаёт булогидан баҳраманд бўлсам,
Дарз кетган дилимга топарман малҳам.

Қўнган маҳалида бошимга қиров,
Аҳли миллат аро изладим пешрав.

Улуғ Валий шу он чиқди йўлимдан,
Меҳрибонлиг ила тутди қўлимдан.

Ўзимни унутдим хурсандлигимдан,
Муршиди қомилга дилбандлигимдан.

Ҳикмат маҳзанига кириб йўқолдим,
Тилсимот ичида гуёки қолдим.

Етти иқлим аро кезиб, йиғдим бол,
Етти муслим аро бўлиб, қолдим лол.

Таърифлаб утирмай етти иқлимни,
Бошимга кўтарай етти муслимни:

Бир — Жомий ҳазрат, нузли инсондир,
Инсонийлик аро ҳусни жаҳондир.

Мурид бўлиб хожа Убайдуллоҳга,
Эътиқод қўймишдир олийпаноҳга.

Меҳрини назмда қилгани изҳор,
Дунёга келибди «Тухфатул-Аҳрор».

Ҳазрати Алишер Навоий бири,
Шоиру олиму фуқаро пири.

Назм султони деб элда олган ном,
Туркийда тенги йўқ — маликул-калом.

Хожани кўтариб иззат тахтига,
Раҳнамолиг қилди улус бахтига.

Румдин Мисрғача, Хитодин то Ҳинд,
Озардин Шомғача, Ажамдин то Синд,

Хожа Аҳрор Валий деса кифоя,
Лутф этди: шуҳрати билмас ниҳоя.

Ҳазрати Устоднинг олий баҳоси
Бежизмас, шукуҳин йуқ интиҳоси!

Хожа мактубидан мураққаъ ясаб,
Келдилар то бизнинг кунларга асраб.

Бири — Заҳриддин Муҳаммад Бобур,
Буюк шаҳаншоҳу шоири нодир.

Хожани пир дебон этагин упиши,
Эътиқод тахтида бошида тутмиш.

Мулки Ҳинд фаҳтида қилиб тантана,
Ограни этганда дорус-салтана,

Эҳтиром туфайли пири азимга,
«Волидия»сини солмиш назимга.

Форсийда битилган бу насрий асар,
Туркийда бобурий оҳангда янграр.

Икки улуг зотдан меросий Ёдгор
Пиру мурид ишқи каби устувор.

Бири — Абдулаввал, Хожага домод,
Толеъига кулиб боққандир омад.

Ҳазратнинг меҳридан булиб баҳраманд,
«Масмуот»ни битган мисли жигарбанд.

Бири — соҳиб қалам Муҳаммад Қози,
Хайрли ишдан Хожаси рози.

Ноъб «Силсилатул-орифин...» унинг,
Балки, бир умрлик хизматига тенг.

Бириси Фаҳриддин Али Сафийдир,
Қалами ўткиру дили қавийдир.

Қуриб пири муршид саодатини,
Яратди беназир «Рашаҳот»ини.

Бири — набираси Хожа Абулҳақ,
Бобоси бахтига яратибди Ҳақ.

Нодир «Мақомоти Хожан Аҳрор»
Авлодларга ундан қолибди Ёдгор.

Қаламга руҳ бериб улуглар ёди,
Қоғозга тўкилур фақир муроди.

Нафас олиб улар олган нафасдан,
Дур тердим битталаб чоши садафдан.

Гоҳ тошган дуримни йўқотиб қўйдим,
Садафни дур деб гоҳ ўтсиз ҳам қўйдим.

Душман чиқди дўст деб қўл узатганим,
Олтин чиқди тош деб боқмай ўтганим.

Меҳр кўргаздим қаҳрга ботдим,
Малҳам узатдим заҳрга ботдим.

Қўнглим ёруғ бўлса зулмат этдилар,
Виждоним пок бўлса туҳмат этдилар.

Омадим келганда очдилар кучоқ,
Омадим кетганда қочдилар йироқ.

Рўзгорим бут бўлса — кўролмадилар,
Нон, тузим йуқ бўлса — беролмадилар.

Рост юрсам чалдилар гоҳ оёғимдан,
Ҳақ десам тортдилар гоҳ қўлоғимдан.

Манзилга ошиқсам йўлим тусдилар,
Сарбонга узатсам қўлим кесдилар.

Қўзғунлик қилдилар азғулик қилсам,
Бузғунлик қилдилар ўзғулик қилсам.

Дўст бўлсам, дилимга тикан санчдилар,
Ёт бўлсам, дўст тутмай, дондек янчдилар.

Хуш дамда турдилар овлаб қўнглимини,
Сезмадилар нохушлиқда мунглимини,

Азиз бўлсам, хор қилмоқ истадилар,
Тўкин бўлсам, зор қилмоқ истадилар.

Бешафқат бўлдилар мен шафиқ бўлсам,
Бетавфиқ бўлдилар мен тавфиқ бўлсам.

Яхшидан сўз очсам ёмон дедилар,
Дондан лол қолсам нодон дедилар.

Иззат қилсам тушурдилар турга утиб,
Рағбат этсам кўпирдилар кўпик ютиб.

Навоийвор наво қилсам, тиндилар,
Бозорлари касод булиб, синдилар.

Олтин деб турганим, нетай, тош экан,
Ёлғиз балогардон, нетай, бош экан.

Бошим тош эканми, валлоҳу аълам,
Ҳар қалай омондир — кўп кўрдим алам.

Тошдан бўлсин бошим — унбу дилхоҳим,
Пенанамни тошдан қилма, Оллоҳим.

Толеъим ёруғ эт, қилма қоронгу,
Гарчи ҳаёт тутар бол бирла оғу.

Ҳали умидларим кўндир жаҳондан,
Ғаввос бўлсам, дурсиз чиқмам уммондан.

Фарзандлар камолни кўрмоқ истаيمان,
Набиралар бирла юрмоқ истаيمان.

Рафиқам юзида кўриб табассум,
Мункайган чоғда ҳам қилсам такаллум.

Шият билан улуг инга қўл урдим,
Умид маъғини кўзлаб йўл юрдим.

Гоҳ яёв, гоҳ отлиқ кездим мезийда,
Адашган кимсадек турфа юдийда.

Сарбланд тоғларнинг дафинасида,
Шўқуфта боғларнинг хазинасида

Дунёга бергусиз зотлар ҳикмати,
Қўнликдек ақллар фикрат хилқати.

Ўтдек ёниб ўтган улус боболар —
Чақмоқдек чақнаган буюк даҳолар!

Даҳоларнинг даҳосидан баҳравар
Булмакни Оллоҳим этди муяссар.

Шукрлар бўлсинким, Ҳақ таслога,
Зориқмай етмакда дил мудлога.

Пир номин эъзозлаб, мукаррар айлаб,
Васфига қаламим суҳанвар айлаб.

Турибман Истиқбол айшини суриб,
Қоғоз меҳробига бошимни уриб.

Канда қилмагандек беш вақт намозини,
Муғанний сингари чалурман созини.

Созим куйи етти иқлимга етгай,
Навоқанда етти муслимга етгай!

III

Тошкентда тўхтади қисмат қариони,
Ломакон кимсага ўшар сарбони.

Нотанин шаҳарда чорасози йўқ,
Чорахоҳ эрса-да, жонгудоми йўқ.

Оҳ урса, ўртанар осмон оҳидан,
Не осмон, ўртанар инсон оҳидан.

Бошпана қидириб толди оёғи
Ва лекин сўнмади умид майғи.

Шуъла соҳди кўздан йироқ гўшада,
Рўзгор ташвишидан жон андишада.

Оқибат меҳрибон зотлар топилди,
Ғариблик эинги гўё ёшилди.

Шайхонтаҳур даҳасига кўнди шод,
Омонат қулбани айлади обод.

Садоқат чироғин ёқди дилдорин,
Муҳаббат боғида парвона ёрин.

Ҳаёт уммонида икки навқирон
Бир кемага тушди, дилида сурон.

Дуч келди гоҳ довул, гоҳо тўфонга,
Гоҳ тошқин, гоҳ туман, гоҳо буронга.

Даврон уқларига бўлишиб қалқон,
Ҳаёт гулшанида сурдилар даврон.

Турмуш ташвишини бирга тотдилар,
Мақсад тулпориди бирга чоңдилар.

Мурувват кўрсатиб давлат бир замон
Қатортол даҳасини этдилар макон.

Мўъжаз хонадонда кечириб ҳаёт,
Умрлар дафтарин бевади абёт.

Қашқар маҳалласи сўнг очди кучоқ,
Кўзларга кўринди истиқбол порлоқ.

Бир ўғил, икки қиз ато этган Ҳақ
Саодат қасрида сийлади барҳақ.

Фарзандлар камолга етдилар аъло,
Комил инсон бўлди — умри бебаҳо.

Ота-она фахри бўлиб усдилар,
Аёз эсса, кукрак билан тусдилар.

От айланиб қозигини топган каби,
Яна қулди Шайхонтаҳур кавкаби.

Матлаи саодат янглиғ бу макон
Бағридан жой берди, қисмати шоён.

Тақдир тақозоси ё ҳаҷаси бу,
Хонаи хуришида ушалди орау.

Ҳайратга тушади умр йўлдошим,
Не умр йўлдошим, шеърда қўлдошим.

Ул умри азизнинг бобокалони
Шайх Хованди Таҳур — тутандир қони.

Гап очилиб қолса ажждоддан гар
Навоий байтнини мукаррар айлар:

«Ҳам обоси бу хонадон бандаси,
Ҳам ажждоди ажждодим афғандаси».

Қошига чорлаган, балки, Шайх руҳи,
Ҳамонки, сўнмаган унинг шукуҳи.

Мусофир эмассан, ўз шаҳринг дебон
Эҳтимол, бошида бўлган соябон.

Шайхонтаҳур азалдан асрорга бой,
Азиз-авлиёлар ватани бу жой.

Машойихлар дуо қилган маскан бу,
Ҳам Валиёлар сайр этган чаман бу.

Фақир насли баҳраманд ҳавосидан,
Шоши дилкаш тўҳфаи маъвосидан.

Гарчи йўқдир менда хомайн тақдир,
Қоғозини бевади номайн тақдир.

Бу азиз масканда йўнилди хома
Ва келди дунёга «Навоийнома».

Улус рағбат қўйиб ўқиди ани,
Улус раҳмат айғиб сийлади мани.

Чуккан кўнглим кўтарилди, ҳар қалай,
Синган руҳим бутун бўлди, ҳар қалай.

Бир даста қаламзан тош отган эди,
Ҳасаду таънадан бош қотган эди.

Гапни чувалатиб орқаворотдан,
Ҳадик-ла боқдилар, тушмайин отдан.

Ўзларин санашиб шоири аъзам,
Нисанда қилдилар баъзи дустлар ҳам.

Даҳоликни даъво қилиб, бузани —
Сипқордилар, кўзга илмай ўзгани.

Не тонг, рост айланди кажрафтор фалак,
Аҳли ҳасад ерга боқди — жон ҳалак.

Ҳақиқат бор экан — ҳақ топди қарор,
Деб улус қувонди, қувонди дуст-ёр.

Яна озурда дил қайтди аслига,
Наврузда юз тутди илҳом фаслига.

Кунглим зада булган эди ҳасаддан,
Яна у ком топди қулган омаддан.

Қаламим қоғозда рахш сурди равон,
Паришон ҳаёлим йиғилди комрон.

Не ҳаёл, фикримни йиғиб олдим боз,
Қуп ўтди умрдан, балки, қолди оз.

Хайрбод қилгунча бу дунё билан,
Қуришиб қолгунча у дунё билан

Мозийдан бошладим яна бир достон,
Дилда армон булиб қолмасин армон:

«Хунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб тупроққаму кеткумдур охир».

Кунглимда йиғилиб қолган гапларим,
Не гаплар, аламу гаму дардларим

Қоғозга тўкилгай — достон баҳона,
Дебача бўлгайдир унга даҳона.

Иншоолоҳ, хотимага етолсам,
Китобимни эл қўлига туголсам,

Рози бўлса мендан элим тамоми,
Коми шухуд эди дерлар дил коми!

I V

Аҳрория сулоласи бардавом,
Не сулола, хонадони ҳур мудом.

Томир отган Самарқанд тупроғига,
Аҳли муслим орзуманд чироғига.

Олтин занжир ҳалқасидек найваста,
Ҳақдин ўзга узолмагай, вобаста.

Ҳамонки, авлоди яшар иззатда,
Гарчи ноҳақ нафас олди узлатда.

Ҳақиқат мезони бузилди юз йил,
Бўхтошлар мажлиси тузилди юз йил.

Юз йил — йиғирманчи аср демақдир,
Эътиқод вайрона қаср демақдир.

Туркистон бошига ёққанда ажал,
Ҳожа хонадони қилинди қамал.

Гуё замбаракдан тутилди ўққа,
Совурмоқ булиди кулини кўкка.

Оқ подшо тахтидан қулаган замон
Яна гирдиболда қолди Туркистон.

Шуролар ташлади арқонни узун,
Улусни худосиз қилмоқлик учун.

Тонмоққа ундади эътиқодидан,
Художўй муслимни ўз аждодидан.

Иймон келтиргани қилиб қатагон,
Омонат умридан этди пушаймон.

Даҳрийлар топилди ўз ичимиздан,
Айюҳаннос солғувчи кечмишимиздан.

Қуршаналак каби қўзғолиб шомдан,
Оздилар эътиқод, дину иймондан.

Элга ёт эттали дини исломни,
Оёғига солди арқондан домни.

Гуё қон қақшатиб Ҳожа руҳини,
Сундирмоқ бўдилар эл шуқуҳини.

Рухоният эса қолди зугумда,
Қўзини очолмай тўфони қумда.

Мозий дарвозаси ёпилди маҳкам,
Қулфлар осиди оғизларга ҳам.

Исмоил Бухорий, Аҳмад Ясавий,
Ҳожа Баҳоваддин, Шайх Умар валлий,

Ҳожа Абдуҳолиқ Гиждувоний ҳам
Ҳожа Аҳрор каби чекди ранж, алам.

Маҳдуми Аъзаму Нажмиддин Кубро,
Суфи Оллоёру Муҳаммад Порсо,

Авлиё Отаю Ҳаким Оталар
Қамалда қолдилар — умри бақолар.

Суфийлар қасрига йўллар тўсилди,
Номин зикр этган тиллар кесилди.

Улус утмишидан этилди маҳрум,
Пирин муршидларсиз ютилди заққум.

Тасаввуф булоғини қўзи юмилди,
Динни афюн деб эл бағри тилинди.

Маънавий пирларсиз қолган муридлар
Кунглини юпатди унсиз умидлар.

Манқуртлик бостириб келди сел каби,
Худосини унутган манқурт эл каби.

Зугумдан бўлса-да юрагини зада,
Орзую умиди, тилагини зада,

Мард улус тонмади иймону диндан,
Оллоҳни кунглида сақлади ишқон.

Дил розини сўзлаб Расулulloҳга,
Савобга юз тутди, ботмай гуноҳга.

Саҳнага чиқдилар замонасозлар,
Қўзларга мил тортиди — олиб қасослар.

Мадрасалар хароб бўлди бухронда,
Толлибу мударрис юрагини қонда.

Масжидлар бузилди — имому авом
Оллоҳнинг уйидан қувилди тамом.

Ёт китоб саналди Қуръони карим,
Қуръони каримсиз эл кўнгли ярим.

Дуога очилган қўллар кесилди,
Оллоҳга элттувчи йўллар кесилди.

Афтода улуснинг умиди, аммо,
Сунмади, пирпираб ёнди доимо.

Ислом фарзларини қилмади қанда
Ким ўзин санаса Оллоҳга банда.

Ва лекин замона зўрлари зўр-да,
Улуг Эшон руҳин этди озурда.

Ундан қайтаргани эл эътиқодин,
Учирмоқ қасдида диллардан ёдин.

Маломат ёғдириб шаънига унинг
Қилмоқчи бўдилар душман билан тенг.

Улутбек қатлига булиб раҳнамо,
Расадхонасин ҳам буздирган сиймо.

Хожа Аҳрор дебон ёлгон тўқилди,
Оллоҳдан ҳайиқмай бўхтон тўқилди.

Худком аҳли қалам, аҳли илму фан
Сўёсий ўйинида ўйнади зотан.

Шу йўсин ҳақиқат юзи тўсилди.
Шу йўсин ҳақиқат сўзи кесилди.

Таълиққа учради Хожанинг ёди,
Не ёди, Хожанинг авлюд-аждоди.

Нақибхон Тугрални навмид этдилар,
Қаламни синдириб, шаҳид этдилар.

Назм-жавоҳирин солиб зиндонга,
Озор қилчини санчдилар жонга.

Аҳмадхон, Султонхон Тураҳонзода —
Самарқандда муҳтарам эшонзода

Тақдир боғланди Андижон билан,
Топилди у ерда осойиш маскан.

Султонхон домлага куёвдир фақир,
У билан Андижон қиларди фахр.

Орифни қомил деб олган эди ном,
Гоят баланд эди элда эҳтиром.

Навқирон авлюдга ургатиб сабоқ
Истиқбол уфқини этдилар порлоқ.

Муаллим бўлмақдан улутроқ не бор,
Таълимот бермақдан қутлутроқ не бор?

Ўз шаҳридан, ўз қавмидан йироқда,
Умри кечди гуё унинг фироқда.

Мозий кўзгусига ташласам назар
Бир манзара кўз ўнгимда жонланар.

Шайбонийхон Самарқандни олганда,
Темурийлар таҳликада қолганда.

Хожа Аҳрор ўғли Хожа Абдуллоҳ
Андижон элидан излади паноҳ.

Чунки азиз эди унга бу диёр,
Ҳануз падарининг муриди бисёр.

Умаршайх мирзо ҳам улуг пирим деб,
Эътиқод уйига берган эди зеб.

Султонхон домла ҳам айни қатагон
Омонлик излади бу юртдан шоён.

Тарихан ухшашдир бу икки тақдир,
Тақдир китобини Ҳақ қилгай таҳрир.

Бандасин қўлидан келмас, на чора?
Не ёзилмиш, ўқий олмай овора.

Ҳаёлга ботаман ўйлаб қисматни,
Умримга, Оллоҳим, ёр қил исматни.

Азиз хонадонга яқин булибман,
Толёи кўкида чақин булибман.

Бу дорул-амонга қўнмасин губор,
Мусаффо осмони булсин бегубор.

Омон булсин доим Ақл куёши,
Ақл куёшини яратган боши!

Хожа Аҳрор руҳи токи барҳаёт,
Аҳли муслим ундан излайди нажот.

V

Самарқанд, бу — Амир Темур ватани,
Соҳибқирон пойтахт қилгандир ани.

Мулки Турон Каъбасидир Самарқанд,
Ҳам Туркистон кавкабидир Самарқанд.

Ўзбекка Маккаи мукаррама у,
Ехуд Мадинаи мунаввара у.

У — Хожа Аҳрори Валий маскани,
Адою Тугралу фақир чамани.

Рўйи замин сайқали, деб, машҳур у,
Аҳли олам меҳри тушиб, манзур у.

Самарқанд қайтмақда яна узликка,
Мозий бешини у насли ўзбекка.

Улуснинг бош урган меҳробидир у,
Ўтмишнинг сунмаган офтобидир у.

Самарқанд тупроғи — хоки муқаддас,
Қўзларга сурмадек қўймақлик ҳавас.

Оғушида аҳли туроб ётур жим:
Жаҳонгиру мошайиху мунажжим.

Табаррук сиймолар руҳи поклари:
«Анал-ҳақ» демақда авлодлар сари.

Билҳақиқат, гуноҳчилар қилинди,
Истиқбол туфайли бутун бўлинди.

Темури дейишиб қонхўр ва элим,
Не зотлар бўлмади адиб ва олим.

Адолат кўзига тортиниб мисли,
Кўр қилиб қўйдилар бутун бир элини.

Ажратиб бўлмади этни тирноқдан,
Не этни тирноқдан, кўзин қабоқдан.

Аммо айирдилар — зўриқи замон,
Аҳли ҳол бошига йиқилди осмон.

Пирини сотганлар тошлди, аттанг,
Сувдан қуруқ чиқди устаси фаранг.

Динини унутган аҳли бенимон
Даҳрийлар юртида сурдилар даврон.

Дастурхон йиғилди дуо, оминсиз,
Манқуртлар авлоди улғайди динсиз.

Дилида эътиқод сўнмаган зотлар
Тилидан тунмади сура, оятлар.

Қуръони каримни сўриб кўзига,
Амал қилди Расулуллоҳ сўзига.

Муслимонлик бир қуликмас — умрбод,
Фариштадек этди умрин нурубод.

Ушб-ўсим Самарқанди азимда,
Умрим этди улугларга таъзимда.

Намозхон эдилар раҳматли отам,
Не отам, жаннати раҳматли онам.

Болаликдан ургатдилар намозни,
Намозхон аҳлига ҳурмат, эъзозни.

Ота-она дуосини олибмен,
Дурдек асраб дил уйига солибмен.

Надару волидам сингари фақир
Фарзандларим дуо қилиб муфтахир.

Табаррук зотларни рўйи заминда
Зийрат айламак орзуи менда.

Муродга етгани уйғониб саҳар,
Тошкентдан учурман мисли кабутар.

Бу сафар чорлади улуг шир руҳи,
Унутилди гўё турмуш андуҳи.

Авлиёлар акмали Хожа Аҳрор,
Сўфийлар мухтарамин Хожа Аҳрор.

Оллоҳ сирларининг огоҳидир у,
Покизалар қутби, паноҳидир у.

Азиз фарзандларим, рафиқам ҳамроҳ,
Яна Самарқандни этдим қароргоҳ.

Қўндим яна Намозгоҳ гузарига,
Қувонч инди ақрабо кўзаларига.

Аҳрорий наслидан закний Аҳрорхон
Лутфи-карамидан хижолатда жон.

Усмоиҳон эшонга улуг фарзанд у,
Султонхон домлага жиан — дилбанд у.

Тавоҳъ айламак азат одати,
Беназир инсоннинг бахт-саодати.

Риъзний бўлиб у чекди риъзат,
Али Қўшчи этди илмин эъдат.

Серфарзанд падар у — хонадонга бош,
Шуаро — Адою Туграл қариндош.

Волидаси — аммаси рафиқамнинг,
Не рафиқам, жонимда жон эркамнинг.

Аҳрорийлар Намозгоҳда бахтиёр,
Не Намозгоҳ, Самарқандда бешумор.

Сулжаси Тошкенту Ботистонда,
Сарбоқору хуш ҳаво Андижонда.

Асл мақсудимдан очганимда сўз,
Аҳрорхон кўзимга кўринди фируз.

Чақнаб кетди унинг кўзлари бирдан,
Узига сизмасдан қолди сурурдан.

Хожанинг ҳайти, аъмолини бир-бир
Муаррих сингари айлади тасвир.

«Силкислатул-орифин»дан сўзади,
«Раноҳот...»дан ишжу қатра келади.

Эски китобларин кетди варақлаб,
Улуг бобоенининг меҳрин ардоқлаб.

Икки тил соҳибни бўлмиш ажиб элт,
Икки эл вақили бўлмиш нажиб элт.

Гоҳ ўзбекча, гоҳ тожикча қилди баҳс,
Туйғуларни кўзларида этди акс.

Ўзбекча сўзласа ўхшар тожикча,
Тожикча сўзласа ўхшар ўзбекча.

Ўзбекгу тожикни қилиб бўлмас фарқ,
Тожигу ўзбекдан обод қадим Шарқ.

Шақли шамоийли ўхшандир тамом,
Исми шарифи ҳам уйқандир тамом.

Дини бир, русуму навоси бирдир,
Замини осмони, ҳавоси бирдир.

Дили бир, феълли бир, бирдир иймони,
Наҳри бир, шаҳри бир, бирдир макони.

Лисони ўзгаю ажлоди бирдир,
Жисми жон ўзгаю ажлоди бирдир.

Бир инсоннинг гўё икки кўзидир,
Бир юракнинг гўё икки сўзидир.

Икки эл ирийдир Хожа Аҳрор ҳам,
Икки эл биридир насли аброр ҳам.

Камкина ҳам худди ину элга фарзанд,
Шу эл бешинга юракдан пайванд.

Якқалам эттали пири муришдин,
Дилимга жо эдим улуг умиддин.

Суйлган тоғим йўқ умиддан ўзга,
Умид билан пири муришдан ўзга.

Тавозеъ боғида Аҳрорхон Усмон.
Шод эди бу айём авлоди эшон.

Обод эдик улуг пир мазорини,
Кўрдиқ гўё руҳи пок назорини.

VI

Кедди ажиб бир замонким, Ватан хур,
Тоғу дарё, боғу бўстон, чаман хур.

Инсон хуру толеъ хурдир, хур юрак,
Лисон хуру кўшиқ хурдир, хур тилан.

Хурриятдан озод нафас олурмиз,
То улгунча озодликда қолурмиз.

Не улгунча, қиёматта дегунча,
Озодлик-ку берилмаган бутунча.

Ким сезмайди — юраги тош, кул банд,
Манқуртликдан хузур тонган афканда.

Ким сезмайди — тирик мурда, ҳисси эшон,
Манглайн шўр, кўзи очик кўр инсон.

Ким сезмайди — ургангандир қафаста,
Қафассиз у яшолмас бир нафаста.

Хурлик — Оллоҳ неъматидир, бебаҳо,
Бебахра инсоннинг умри бенаво.

Эрдан баҳра тонган башар озоддир,
Ҳаёт боғи ҳазон бўлмас, ободдир.

Эрк, хуррият бизга ҳам насиб этди,
Хурлик кўрган элни у нажиб этди.

Қаддини гоз тутиб боқди жаҳонга,
Не жаҳон, толеъи кулган инсонга.

Одам қаторида кўриб узини,
Англади одамлик уз нуфузини.

Бую баста аҳли олам билан тенг,
Ҳақ-ҳуқуқи насли одам билан тенг.

Одам бўлиб таниди у ўзинин,
Не ўзинин, таниди у ўзегин.

Не ўз бети, бордир шоҳи Гозийси,
Шоҳи Гозий ила буюк мозиёси.

Мозий қайтди ўз элига сургундан,
Ўтмиш озод, хурлик тонган бутундан.

Тарихнинг дол қадди ила алифдир,
Ёт саналган шахслар эоти шарифдир.

Қораланган аҳли зариф оқлади,
Матнавийят чашмалари поклади.

Очмади ёшилган булоқ кузлари,
Ўз элига қайтди улус сузлари.

Ўз йулидан оқди фан дарёлари,
Ўз гошини тоқди эл наволари.

Маънос диллар шодлик билан йўғрилди,
Одам бўлиб ўзбек қайта туғилди.

Ўз эркига, ўз мулкига ҳоким у,
Ўз дардига, ўз гамига ҳаким у.

Босқинчиға бошини энди этмайди,
Таслими бўлиб кўз ёшини тўқмайди.

Ўз тоқинга, ўз тахтига етмайди,
Ўз ганжига, ўз бахтига етмайди.

Кўзи энди ўтмас эмас, ўтқирдир,
Сўзи энди ўтмас эмас, шешқирдир.

Соқор тили гўё бўлибди байрон,
Маҳрун дили гўё бўлибди шодон.

Қайтиб келди унинг кетган омади,
Эрк субҳида у омадсиз қолмади.

У — саромад Марказий Осмада,
Косинки, бўлса саромад у, дунёда.

Минг шукрки, улус бахти бор экан,
Ҳақ таоло ўзи унга ёр экан.

Қаро кунини ёрут эди дафъатан,
Озодликка чиқди ила кул Ватан.

Занжирбанд шер каби етган миллатим,
Қафас ичра гамга болган миллатим,

Занжирини узди, бузди қафасин,
Арслондай қўнди — ростлаб нафасин.

Наъра тортиди тоғлар аро забарраст,
Жавлон урди боллар аро эркинараст.

Бўлмаса гар Улуг Инсон раҳламо,
Хурриятини кўрмак эди муаммо.

У Темурдай майдон аро от солди,
Эшим деб, юртим деб шердай қўзғолди.

Парчаланмай ҳали буюк салтанат,
Тури юртдан бирио бўлган мамлакат,

Шуро биносига даро кетмай ҳали,
Қўлида порлади хурлик мангали.

Боши узри уни тутди-да балад,
Улусини қўзади халоскор мованд.

Эл яқдил эрганиди изидан унинг,
Хурлик жабаҳасига отади минг-минг.

Истибод умрига келтириб қирон,
Шуро тузумида қўзғатиб бухрон,

Мустақил давлатни эълон қилди у,
Улуста озошлик инъом қилди у.

Халқ шодлиги тошди сирмай юракка,
Истиқбол шамоли теги кўракка.

Аждодлар ҳам эддек овоз этилди,
Мозий хапон боғи обод этилди.

Аждодлар қатори Хожя Аҳрор ҳам
Хуррият тахтига чиқди мукаррам.

Буюк даҳоларга тазлим этган эл
Озошлик наҳрида оқди мисли сел.

Отадек эъозлаб Эрк заргарини,
Бошида кўтарди Юрт сарварини!

VII

Озод Ўзбекистон сарвари якто,
Буюк Соҳибқирон Темурдек доно.

Беназир даҳо у, мутафаккир зот,
Хурлик деб солди у майдон ичра от.

Истиқбол майдони эрур бу майдон,
Майдонда Оллоҳга келтирди ниймон.

Журъатда ўхшайди у арслонга,
Озошлик келтирди Ўзбекистонга.

Қайтиб берди қўлдан кетган бахтини,
Не бахти, улуснинг тожу тахтини.

Темур панжасига панжа урди у,
Темурда илоҳий қудрат кўрди у.

Жаҳон саҳнасига чиқди нуриқор,
Адолат ўриятди юрда устувор.

Қовуштирди тарқоқ улус бошини,
Яқдил қилди унинг қари, ёшини.

Панжадек бирлашди бутун бир улус,
Манглини яқдироқ кундек ҳур улус.

Юз йилда бир марта чуқур бундай зот,
Ватан осмонида юрлоқ кундай зот.

Меҳридан улуснинг кўнгли мунаввар,
Кунида шамсидир у, тунида қамар.

Бундай зотни, балки, минг йилча бурун
Ҳавас қилган ўхшар Форобий бечун.

Подшоҳнинг мақсуди олийсин, устод:
Раийятни бахтли қилмак деди шод.

Саодатли бўлса улуси шоҳнинг
Эътибори баланд бўлмай борғоҳнинг.

Обрус юксалар эл-юртда ани,
Фароғат жанияти бўлмай ватани.

Подшоҳни беъамин ўн икки хислат,
Анга ёр улғайдур илоҳий исмат.

Биринчи хислати: шоҳ бўлса соғлом,
Улуста кўринса доим шерадон.

Яна бир хислати шундан иборат:
Кўнглини безаса юзлик фаросат.

Яна бир хислати: кучли хотира,
Унга зийнат берса, сўнмаса сира.

Яна бир хислати: у бўлса зукко,
Зеҳида ўткиру фикратда якто.

Яна бир хислати эб берар унга —
Позик фрасоҳатли ширинсуханга.

Яна бир хислати бўлур ҳамнафас:
Билим, маърифатга қўйса зўр ҳавас.

Яна бир хислати, еганда таом,
Ичимлик ичганда меъёр бўлса ком.

Яна бир хислати: ҳаққўй ва одил
Аҳли ҳақиқатга қўй дейди қўнтил.

Яна бир хислати: олий ҳиммат бўл,
Номус-ориятли бўл дейди нуқул.

Яна бир хислати: туниб назарга,
Бойликка қизиқма, учма дер зарга.

Яна бир хислати: ақолатпарвар
Ва яхшилик учун курашга чорлар.

Ҳам жабру зулмини кўр дейди ёмон,
Мурувват қилишга яралган инсон.

Яна бир хислати қилар муножат:
Умрининг кўрқидир қатъият, сабот.

Журъатли ва жасур бўл дер доимо,
Қўрқоқликка эса йўл қўйма эсмо.

Форобий деталдек, ўн икки хислат
Одил шоҳ умрига бергайдир зийнат.

Гарчи бизда шоҳ йўқ, йўқдир шаҳаншоҳ,
Тоғ кийиб тахтада у ўлтирмас дилшоҳ.

Бордир элу юртнинг буюк сарвари,
Не буюк сарвари, суюк сарвари.

Подшоҳ демасак-да Йўлбошимизни,
У Истиқбол сари стақлар бизни.

Хайрли аъмолин бир ўйлаб боқсам,
Ўн икки хислат ҳам унда мужжасам.

Бирин кам бўлса ҳам кўнтил тўлмасди,
Қалам қоғоз узра равон жолмасди.

Улус етмас эди бахтиёр кунга,
Юракдан ташаккур айтмасди унга.

Ўн икки дурри ноб бозар тожини,
Кўрмай, дурри нобу бе зар тожини!

Тоғу тахти доим омонда бўлсин,
Элу юртин бини осмонда бўлсин.

Шухрати тарихни буркасин шонга,
Оллоҳ берди уни Ўзбекистонга!

ИККИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Ҳаёт волидаси қуёш орауманд,
Оғушида нафас олмакда Тошканд.

Машойиҳ бешинги бўлган шаҳарда
Бир фарзанд дунёга келмиш саҳарда.

Ҳижрий саккиз юзу олтинчи йилнинг
Рамазон ойида¹ туғилди, элнинг —

Келажакда ёнин олган бир инсон,
Кинилик боғини этиб гулистон.

Шодликка йўғрилди азиз хонадон,
Сасини эшитди гўё Туркистон.

Не Туркистон, Хуросон ҳам эшитди,
Руму Араб, Ҳиндистон ҳам эшитди.

Ажам, Шомда эшитди машойиҳлар,
Зуналасини иншитди машойиҳлар.

Саси Маккан Мадинага етди
(Шажараси бугун каминага етди).

Етди у пайғомдек етти оламга,
Етти олам аро етди Одамга.

Хожа Имод ул-мулк — улуг бобоси,
Оллоҳга етганим унинг дуоси.

Хожа Убайдуллоҳ деб қўйдилар ном,
Толғи хур бўлган деб қилдилар ком.

Машойиҳлар дуосига даъво йўқ,
Бандасига ундан зўрроқ дуо йўқ.

Яна бир зўр дуоки — эл дуоси,
Эл дуосин олганининг йўқ қазоси.

Бандасин яратган чоғида Оллоҳ,
Қисматидан уни қилмади огоҳ.

Умрини ҳисоблаб қун, соатгача,
Пешанага битмиш охиратгача.

Инсонки, нечоғлик бўлмасин доно,
Ўқий олмас тақдир китобин асло.

Эртаси не бўлур билмайди, мубҳам,
У ожиз бандадур, валлоҳу аълам.

Гоҳ ёниб, гоҳ сўниб ўтаркан умр,
Ҳар ўтган кунига у қилган шукр.

Банар яна кўпайди бир инсонга,
Келди яна бир инсон бу жаҳонга.

¹ Мелодий 1404 йилнинг март ойи.

Не каромат кўрсатур у, ҳали сир,
Валий зотдан туғилди ё валий бир.

Машойиҳлар дуо қилдилар уни,
Зар билан безашди гўё умрини.

Ҳам ота, ҳам она томондан унинг
Насаби олийдир, фахридир мулкнинг.

Отаси дарвешваш Хожа Маҳмуддир,
Ўғлининг дилида шамъи мақсуддир,

У фарзанди Хожа Шаҳобиддиннинг
Фидойи дилбанди йўлида диннинг.

Хожа Шаҳобиддин падари эса
Хожа Имод ул-мулк бўлур, алқисса.

Сулук, тариқатдан отаю ўғил
Мулоқот этарди туғлар муттасил.

Хожа Имод ул-мулк аждоди асли
Хожан Муҳаммад Номийнинг насли.

Уч-тўрт бўгин ила боғланур унга,
Шажара китоби пурдир мазмунга.

Аслида — бағдодлик Муҳаммад Номий,
Пиридир Исмоил Қафқоли Шошӣ.

Мовароуннаҳрга келиб у Шомдан,
Тошкандда толғи қудди икромдан.

Номийнинг насаби Абу Бақрдан,
Расулаллоҳ халифаси — кабирдан.

Пиру мурид ҳусусида муфассал
Сўзлағайман, иншооллоҳ, келса гал.

Хожа Убайдуллоҳ ўсган хонадон
Ҳавосидан нафас олган Туркистон.

Унинг волидан муҳтарамаси,
Бешинги тебратган мукаррамаси

Шайх Хожа Довуднинг қизидир, покзод,
Меҳри билан унинг хонадон обод.

Хожа Довуд падари бузургвор
Шайх Хованди Таҳур — Шоиш ифтихори.

Таҳурнинг отаси — Шайх Умар Валий
Богистоний, беҳзод, покрой ва закий.

Нажиб зот Баҳоваддин Нақшбанд
Меҳрини қозongan, жон қилган пайванд.

Ҳурмат-эҳтиромга бўлиб сазовор
Валийлик боғида тонган эътибор.

Аждодининг эса нурли тарихи,
Мукулмон аҳлига етган таърифи.

Шажараси дейдилар Пайгамбардан,
Тўрт халифасининг бири — Умардан.

Хожа Убайдуллоҳ келиб дунёга
Кўзи тушди унинг аҳли зиёга.

Икки олий насаб — умид, нажоти,
Қушдек парвоз қилса — икки қаноти.

Баҳра тонди икки тоза булоқдан,
Зиё олди икки қутлуг чироқдан.

Дарга каби сузди икки уммонда,
Булбулдек сайр этди икки бўстонда.

Ғаввосдек дур терди икки наҳрдан,
Не наҳр, оламтоб икки баҳрдан.

Дарё булиб оқди икки тоғ аро,
Боғбон булиб кезди икки боғ аро.

Қузига нур олди икки китобдан,
Қалбига қур олди икки офтобдан.

Бир ажиб саз топди икки навога,
Бир нажиб кун булди икки самога.

Икки дарё келиб бирлашди унда,
Икки дунё келиб сирлашди унда.

Элу юрт умидвор боқди гудакка,
Ораую армонин жойлаб юракка.

II

Баҳор келди Боғистон боғларига,
Не боғлари, Боғистон тоғларига.

Куллар исиб, шўх елар илиқ сабо,
Аёз эсиб, гоҳ қилар қилиқ сабо. *

Чуққиларнинг оқ сочлари тукилар,
Офтоб тегиб бошин қашир чуққилар.

Қор тагидан термулади майсалар,
Еллар чўзиб қулогидан най чалар.

Бойчечаклар жилмаяди заъфарон,
Наъматаклар қоялари беармон.

Бинафшаю чучмўмалар нозланар,
Куртак отиб дарахтлар ҳам саз чалар.

Чумолилар индан чиқиб куйманар,
Айвонларда мусичалар ийманар.

Қалдирғочлар тумшугида чўп тишлаб,
Уя қурау уй соҳибин олқишлаб.

Кабутарлар чарх уради осмонда,
Ҳавас қўзгаб умиди бор инсонда.

Булутлар чопади елини тўлиб,
Сутлари тукилар ёмғир, сел булиб.

Гоҳ осмон хўмраяр, гоҳ кун чарақлар,
Гоҳ найсон зилолин замин ардоқлар.

Қувонч гулшанида аҳли Боғистон,
Дарду ғамдан йўқдай кўнглида нишон

Наврўз келиб, бутун олам безанди,
Не олам, жамъики одам безанди.

Безанди Боғистон — тўй устига тўй,
Тўйхонада янграр тонгдан кўйиқ, куй.

Белни боғлаб дўсту ёрон хизматда,
Тўрга ўтиб азиз меҳмон иззатда.

Хожа Маҳмуд ёмнин элга дастурхон,
Қўл кўксига — садқа меҳмонига жон.

Хожа Убайдуллоҳ бир ёнга тўлмин,
Умид осмонида офтоби қулмин.

Суннат тўй қилмақда ўзига бутун,
Ош бермақда бобо юртида мамнун.

Фарзанди сочини олдириб илк бор
Сочқи сочиб элни этди миннатдор.

Оёғи остида жонлиқ сўйилди,
Ақрабо бағрида ўлиб, сўйилди.

Тўйга келди Тошканд, Нанаю Хумсон,
Тўйга келди Фарканд, Сижжаку Чимён.

Таниш-билиш келди яқин-йироқдан,
Шаҳари азиму кичик қишлоқдан.

Икка хожа бобо хурсанд, масъуддир:
Бирини Шаҳобиддин, бирини Довуддир.

Бир пайт хабар келди Шоҳруҳиядан,
Гўё чақин чақнаб ўтди миядан:

«Амир Темур вафот этибди, э воҳ!
Паноҳингда асра, ўзинг, эй Оллоҳ!»

Улусни таҳлика, хавотир босди,
Саросима булиб қўрқуви ошди.

Ёв босиб келгандек ваҳмига тушиб,
Тоққа томон елди фуқаро чўчиб.

Шу йўсин тарқалди авжидаги тўй,
Ваҳима ичинда қолди куча-куй.

Дамланган ошларни емай халойиқ,
Удумга булса-да гарчанд нолойиқ

Тоққа олиб чиқди қозони бўлан
(Аросатда қолур бостириб келган).

Тоғ устида гўё тўй давом этди,
Нохуш хабар эса дилни шом этди.

Улуснинг ишонган тоғи қулади,
Наҳотки, яшнаган боғи сўлади!

Соҳибқирон ташлаб кетиб даҳрни,
Кўз ёшидан селоб қилди наҳрни.

Кимга у қолдирди мулки Туронни,
Ким бостирау қўпса агар суронни?

Фуқаро бошини қовуштирар ким,
Дарду аламига ким булар ҳаким?

Жудолик юкини кўтармак оғир,
Отасиз фарзанддек эл қолди сағир.

Кимга ташлаб кетди салтанатни у,
Дуёни қаратган мамлакатни у?

Наҳот, сўнди унинг ҳаёт кўёни?
Не ҳаёт, сўнмағай шухрат кўёни!

Бор-ку Шоҳруҳ мирзо, Мирзо Улуғбек,
Салтанат бошига қўтарса тугдек.

Вақти келди гапининг — чекинмак зарур,
Урнига тушса у, нур устига нур.

Элу юртнинг синмасин деб қаноғи,
Сир тугилди Амир Темур вафоти.

Бир йил бурун ўтган эди оламдан,
Аҳли Темур ёнган эди аламдан.

Хожа Убайдуллоҳ эса ушанда
Кўзин очди ҳаёт деган гулшанда.

Дерларким, улуг зот улган чоғида
Рухи қолар эмиш ҳаёт боғида.

У излаб туғилган маъсум гўдакни,
Ватан этар эмиш закий юракни.

Буюк соҳибқирон руҳи, эҳтимол,
Унинг жисми жонин айлади ишғол.

Балки, келиб даврон Убайдуллоҳ ҳам,
Темурдек бўлса не машҳури олам.

Машойиҳ ҳикмати кўрсатиб жамол,
Убайдуллоҳ бўлди соҳиб камол.

Балки, келиб унга Оллоҳдан ваҳий,
Ном олмиш Хожан Аҳрори Валий!

Балки, Темур руҳи унинг жонида,
Балки, Темур қони унинг қонида.

Яна қайтдим Боғистон боғларига,
Не боғлари, Боғистон тоғларига.

Тоғ устига чиққан улус ҳайрондир:
Туйдан хурсанд, азадан дил вайрондир.

Убайдуллоҳ гўдак ҳали, билмайди,
Волидаси бағрида у, жилмайди.

Табассуми элга бахш этди мадор,
Офтоб кулиб гўё яшнади баҳор.

Улус билан бўлди гўё жони бир,
Не жони, эътиқод ҳам иймони бир.

III

Шайхонтаҳур азал қутби Тошкандур,
Машойиҳлар ўтган азиз маскандур.

Нажот истаб фуқаролар интилар,
Не фуқаро, бечоралар интилар.

Мушкилини осон қилмак истарлар,
Муқбилини гўё излаб келарлар.

Хожа Шаҳобиддин ҳам Хожа Довул
Кароматли шайхлар ки, айлар маъсуд.

Обрулари элда гоёгда баланд:
Мушкил кунод, мушриф зот, мушкил писанд.

Шаҳобиддин — насли Расулulloҳнинг,
Катта отасидир Убайдуллоҳнинг.

Биринчи халифа азиз авлоди,
Абу Бакр Сиддиқ эрур ажлоди.

Карим хилқат, доно киши бўлиб ул,
Тан берди илмига ҳар аҳли усул.

Ҳозибали бир одамки, мажнунвор,
Фасоҳатда беназиру мафтункор.

Ер тилини билган донишвар деҳқон,
Иш кўзини билган соҳибкор инсон.

Экинзорда ўтказар кун фурсатин
Ва меҳнатга оширар эл ҳурматин.

Савдо-сотиқ билан бўлди-да машғул,
Ўзини кўрсатди тижоратда ул.

Бу ишда чунонам бўлдики голиб,
Савдогар аҳли ҳам қолди кўзголиб.

Замон улуглари бўлиб раҳнамо
Сафарга чиқарди Эшон доимо.

Йўлга отланарди гоҳ ўзи танҳо,
Ҳамроҳга эҳтиёж сезмасди асло.

Гоҳо йўл бошида тўхталиб бир оз:
Париншон бўларди — ҳаёли иймос.

Мададу нафъ олиб закий зотлардан,
Омон ўтар эди мушкилотлардан.

Гўё улар билан руҳан бирлашиб,
Ғоибона суҳбат қурар сирлашиб.

Еинки, уларни элагани он
Маслаҳат йўлида кўринар аён.

Икки ўглига у боғлади умид:
Улуғи Муҳаммад, кичиги Маҳмуд.

Фарзандлари ерга қаратмай юзин,
Икки қилмадилар унинг бир сўзин.

Муҳаммад изидан улғайди Маҳмуд,
Уни етаклади бир олий мақсуд.

Отаси қадрлаб фикру илмини,
Хожа Маҳмуд дебон атарди уни.

Униб-ўсди эркин набиралар ҳам
Катта отасини айлаб муҳтарам.

Карвон каби утди «умри гузарон»,
Эзгулик йўлида бағишлади жон.

Энди у кексайди — мўйсафид бир чол,
Бетоблик туйфайли ҳолати ишқол.

Гуё умри унинг охирлаб қолган,
Кўнглига у дунё ташвишлар солган.

Бу дунё ташвиши ундан зиёда,
Икки кўзи унинг икки дунёда.

Катта ўтлига у заъф айёми,
Деди: «Жонситондир умрининг шоми.

Ҳақ берган умрини қайтиб олмакда,
Жудолик кўнгулга ҳасрат солмакда.

Олиб келсанг дейман фарзандларингни,
Дил хоҳиш этмакда дилбандларингни.

Токи улар билан кўришиб дийдор,
Видолашиб қолай, ўғлим, дил афғор.

Исҳоқу Масъудни Хожа Муҳаммад
Икки қанотим деб севарди беҳад.

Ўғилларин олиб келди, утмай дам,
Бобо қадрин улар тутди муқаррам.

Бир-бир ўниб, ўткир солди-да разм,
Дил амрин айтмакка айлади азм:

«Сенинг фарзандларинг, Хожа Муҳаммад,
Жаҳон айвонида, билсанг, ҳеч аҳад.

Паришонлик, саргардонлик истарлар,
Мушкилотда аввали ҳол, музтарлар.

Ўғилларинг булғай, балки, ташвишинг,
Уҳдасидан чиқмас бирор-бир ишнинг.

Хожа Маҳмуд, сенинг ўғилчангни ҳам
Хайрбод қилмасдан бир кўриб қолсам».

Тўнларига ўраб Убайдуллоҳни
(Истиқбол уфқида улуспаноҳни).

Бобоси қошига олиб келган чоқ
Ёришиб кетгандай кўринди афғок.

Хожа Шаҳобиддин Валий улуг зот
Назариди пайдо бўлди мўъжизот.

Кўзи тушган замон Убайдуллоҳга,
Муножот этди у қараб Оллоҳга.

Ўрнидан турди-да ўнглади ўзин,
Набира юзига суркади юзин.

Пешанасни ўнди маъжус ва хўрсанд,
Кўзларига боқди унинг орауманд.

Мен истаган ўғил мана шу дебон
Авиюдин бошлади ҳужраси томон.

Ҳужраси гўёки Каъбаси унинг,
Гувоҳи бўлмишидир тарихий кўннинг.

Болалар юзига тикиб юзини,
Болалар кўзига тикиб кўзини,

Вужуди титрабон кўп йиғлади у,
Ўз бағрини тигсиз кўн тиглади у:

«Эй дариг, фақир ўз фарзандларини,
Не фарзанд, жигарбанд, кўнгили зарини

Шундоқ бўлмоғини сўраганмидим,
Нетайин, тоғ бўлсам нураганмидим.

Истамайман, бу дам руй берганини,
Истамайман, кўзга кўринганини.

Истамайман, алар ҳеч мушкилотин
Ва бу оламдаги тасарруфотин.

Алар ўлса ношуд, ҳақир, камбағал,
Убайдуллоҳ бергай оламга сайқал.

Оламгир бўлур ул — олам лол булғай,
Не олам, оламда одам лол булғай.

Шариат топади андин иложин,
Тариқат топади андин ривожин.

Анинг фармонида булғай султонлар,
Нажот топар андин ҳақдил инсонлар.

Андин равнақ топар хайрли аъмол,
Не аъмол, мақсуду орзуо омом.

Аmmo, бўлмас андин улуг машойих,
Не улуг, андин-да қутлуг машойих.

Бошқа машойихлар қилолмаган иш
Анинг амалида булур намоийиш.

Мендин анга ўтган барча хислатлар
Бирма-бир юз очиб ўзин курсатар.

Фақир кароматим анга ўтгайдир,
Аҳрори валийси элни тутгайдир».

Хожа Маҳмуд томон қараб деди боз,
Васиятта ухшаб чиқди бу овоз:

«Бу ўғлимга астойдил бер эътибор,
Алоҳида тарбияни бил даркор.

Яхши қара анга, парварииш қилғил,
Нима қилар бўлсанг анга, пеш қилғил».

Хожа Муҳаммадга қараб сўнг айтди,
Аввалги фикрига, гўёки қайтди:

«Сенинг ўғилларинг ҳақинда фақир,
Бундай дейлмадим, шу экан тақдир.

Хафа бўлма, ўғлим, тақдирда не бор
Бандаси кўргайдир, чора йўқ зинҳор.

Азиз ва муқаррам тақдирдан ўзга
Нарса кўринмайдур, нетайин, кўзга.

Хожа Убайдуллоҳ тақдирин эса,
Не дердим, азалдан шундайини бўлса,

Бошқача сўзни ҳеч айтолмасман мен,
Афсуски, омадин кўролмасман мен».

IV

Хожа Убайдуллоҳ устан Боғистон,
Ғам-ғусса йулини тустан Боғистон.

Болалик бешинги тебратган она,
Фарзанди бошида мушфиқ парвона.

У она бағрида ғамсиз ва шодон,
Илоҳиёт солган дилига тугён.

Шу ерда кўрди у саодат юзини,
Кўрди жамолини иқбол юдюзини.

Шу ерда ҳис қилди, ишонди маҳкам
Худо иноятин ҳақлингга ҳам.

Шу ерда ўзига тортди тажални,
Бундай иноятдан олди тасални.

Унгида қиёфа бўлганда пайдо.
Бенхстиёр қилди штижио, дуо:

«Ситораи хатти шумо хонда сано гуфт,
Фариштаи руйи туро дида дуо кард».

(Юддюз сизнинг чиройингизни уқиб айтди сано,
Фариштадек қиёфангизни кўриб қилди дуо).

Субҳидамда богот қўйнига чиқиб,
Сарбаланд тоғларга боқар энгикиб.

Юксак чўққилардан сўрайди савол,
Баланд қояларда осуда ҳаёл.

Ғиёҳлар юзида мусаффо шабнам
Бегубор инжудек жилва қилган дам.

Бокира оламдан дили рўшнодир,
Рухига ҳузуру илҳом ошнодир.

Биқирлаб қайнайди зиллол чашмалар,
Чанқоғин қондирар кўнгли ташналар.

Шаффоф зиллолдан қониб ичсам дер,
Не қониб, ташнадек ёниб ичсам дер.

Сизиб чиқар улар тоғлар бағридан,
Не тоғлар, аждодлар кўнгли қаридан.

Маънавият манбаи бу булоқлар,
Излаб келар, кимки, бўлса чанқоқ гар.

Олам хароб бу булоқлар бўлмаса,
Одам хароб бу булоқлар кулмаса.

Маънавият ила боқийдир дунё,
Не дунё, боқийдир инсондек даҳо.

Убайдуллоҳ излай-излай толмади,
Топмагунча ўз йулидан қолмади.

Даставвал баҳраманд бўлган булоғи
(Маънавият оламининг зўр тоғи) —

Умар Боғистоний — кутб-ул авлиё
(Оллоҳ раҳматида бўлсин доимо).

Катта бобосининг (Шайхга нисбатан)
Ун олти авлюдин боғлаб бир расан,

Умар бин Хаттобга пайванд айламинч,
Буюк халифага фарзанд айламинч.

Саййидлар зотидан бўлиб Шайх Умар,
Ҳазрат Али унга аждод саналар.

Бўлса тўрт халифа Пайгамбар насли,
Уч халифа Шайхнинг аждоди асли.

Поқсод сулолани айлаб бардавном
Каромат боғида у айтди калом.

Каломини эшитди мулки Туркистон,
Не Туркистон, Ажам, Ироқ, Хуросон.

Замона шайхлари тутиб бошида,
Таъзимга келдилар унинг қошида.

Эҳтиром давлати ҳақсиз, бешоён,
Қисмат китоби ҳам мақтовга шоён.

Хожа Баҳоваддин каби буюк зот
Меҳрини қозониб, у чиқарди от.

Нақшбанд ҳурмати чексиз, беқиёс,
Эътироф қилмаса қўймасди ихлос.

Бухорода кечди умри бир муддат,
Нақшбандияда кўрди зўр қудрат.

Суфийлик қўйини у обод этди,
Каромат қасрини у бунёд этди.

Яна бир булоқким — муқаддас, азиз,
Убайдуллоҳ учун зиллоли лазиз.

Шайх Хованди Таҳур булоғидир бу,
Баҳраманд бўлмаса тонмасди обрў.

Таҳур — Шайх Умарнинг катта углидир,
Юраги чўглию фикри туглидир.

У — Убайдуллоҳнинг бобо калони,
Маҳв бўлган, Хожамиз кўрмай жаҳонни.

Отоҳдор қилгандек: — «Таҳур, — дебди ул, —
Мулло бўлма, суфий бўлма, муслим бу!».

Отаси сўзига у қилиб амал
Одам бўлиб этишибди энг аввал.

Сўнг мулло бўлибди, сўнг эса олим,
Олиму муллони эъзоз этмас ким.

Падари бузургин берган сабоғи —
Илми зоҳир, илми ботин қаймоғи.

Ота тарбиясин олган уғилдан
Барака топган эл қувонар дилдан.

Ешлик бустонида тугилиб орау
Тошканди дилкашда қозонди обрў.

Орау тулпориди омонга етди,
Тасаввуф уйида камолга етди.

Муриди у хожасон тариқатин,
Муришиди у жоножон тариқатин.

Тариқатта бағишлади китобин,
Эл эшитди, юрт эшитди хитобин.

Шарҳ айлади унда яна тавҳидни,
Не тавҳидни, тажрид ила тафридни:

Шариатда тавҳид Ҳақни бир демак,
Не бир демак, балки, Ҳақни бир билмак.

Тариқатда эса яккалан дилни,
Ҳақни ўзгасига қўймай кўнгилни.

Мурид хусусида сўз очиб Таҳур
Ҳикматин улуста қилди манзур:

«Дилбар бўлмак жамолсиз,
Мурид эса камолсиз».

Муллою олимга дарс берган мурид
Шоирдек улуста уйғотди умид.

У қалам сурдию насури назид,
Шайну шавкат тоиди юрти азид.

Мақсудин шейрда у қилганда баён.
Нурдек кириб борди дилларга равон.

Сўфий шоирларга қўл бериб гўё
Ҳақиқат шаклида кўриди рўё.

Тасаввуф аҳлининг меҳрин қозонди,
Рубоий ишқида саҳар уйғонди.

Насрига назми ҳам бўлди ҳамоҳанг,
Фикрату ҳиссият гўё урди занг:

«Маҳбуб ба жуз эбо набувад,
Ҳар боғча жон тамошо набувад.

Дилро ба касе мадеҳ, ки дар олами ишқ,
Ҳар жо ки равад рахти варо жо набувад».

(Ҳар машуқа севганига эбо бўладур,
Ҳар боғча не жойи тамошо бўладур.

Дил берма кишигаки, бу ишқ оламида,
Ҳар дилга ситишига сенга на жо бўладур).

Таҳур энгил қилди инсон гамини,
Эл гамида бутун қилди камини.

Амир Темур назарига тулган зот
Ақлидан ёришиди гўё кинот.

Илми зоҳир, илми ботинда номдор,
Оламтоб фикридан олам шўълавор.

Яна бир булоқки, мисли Салкабил,
Зилулидан ичсанг яйраб кетар дил.

Бу — Хожа Довуднинг ҳаёт булоғи,
Убайдуллоҳ учун нажот булоғи.

Бобоси меҳридан бўлиб баҳраманд,
Ҳаётга боғди у хурсанд, орзуманд.

Довуд — Шайх Хованди Таҳур фарзанди,
Закӣи надарига ўғил арзанди.

Волидан муҳтарами Салбия
Оқ юшиб-оқ тараб қилди тарбия.

Сайидлар наслидан ота-онаси,
Расулуллоҳ ёққан шамъ парвонаси.

У — оят соҳиби, кароматли зот,
Ҳадис донишманди, саодатли зот.

Убайдуллоҳ — унинг қизининг ўғли,
Оқил набиранинг юраги чўғли.

Дерлар: данагидан мағизи ширин,
Англаб етди энди бу ҳикмат сирин.

Фарзандга нисбатан набира азиз,
Не азиз, набира меҳридир лазиз.

Унинг жамолида кўриб ўзини,
Унинг камолига тикиб кўзини.

Бобоси гоҳ ситмай кетар ўзига.
Жон-жон деб қўюғин тутар сўзига.

Оллоҳдан тилайди унинг умрини,
Нотяждоз қилади кўзини нурини.

Тасаввуф аҳлига у бўлди кендрав,
Муборак бошига қўнганда қиров.

Ҳаётдан бир ҳикоят эшитдим,
Зуваласин мен назмда шинитдим.

Ҳазрати Хожаи Муҳаммад Порсо
Аҳли ҳол ичинда баобру зако.

Анджон томондан йўл босиб узоқ
Самарқанд жамолни кўрибди муштоқ.

Ярим йўлда эса бир киши ноҳос
Хожа Довуд томон жўнатишди хос.

Шайх Ҳижоз сафари фикрини қилиб,
Машаққат, азият экирини қилиб,

Берибди (Порсои биллиб ҳампеша),
Тулки пустинини ҳам болта-теша.

Бу совғадан Хожа бўлибди хайрон:
Иссиқ кунда пустин... қизиқ бир эҳсон.

Таажжуб бўлди у — йўқ эди ҳожат,
Хотирадан ўтди, аммо, шу зоҳат:

Авлиё, Оллоҳнинг бежизмас иши:
Унда бир ҳикмат бор, ожиздир киши.

Дерлар, Мадинада хожага филҳол
Теша, болта лозим бўлибди дарҳол.

Унда Расулуллоҳ вафот этгандир,
Эҳтимол, Хожадан нажот кутгандир.

Тузатиб қўйганда Найғамбар қабрин
Фаҳм этди тешаю болтанин қабрин.

Мадина йулида бордир қанча тоғ,
Совуққа дуч келди утайтган чоғ.

Совга пўстин агар бўлмаса унда,
Муздек қотар эди, балки, ушанда.

Уша совуқ кунда (шайхнинг ҳиммати)
Аён бўлди унга пўстин ҳикмати.

Хожа Довуд агар қилса каромат
Содир булур эди не-не аломат.

Унга мерос эди, балки, валийлик,
Зоҳиру ботинда илми закийлик.

Бобоси қошида Убайдуллоҳ дол,
Бошида парвона толей ва иқбол.

Тоза булоқлардан ичиб қонмади,
Каромат кўкида учиб толмади.

V

Убайдуллоҳ сув ичган сарчашмалар
Бўйларидан кетолмас саргашталар.

Жонга мадор, дардга даво зилоли,
Кузга нуру дилга наво зилоли.

Жамолдан куз хурсанду руҳ тоза,
Фикр тоза, зикр тоза, руҳафзо.

Хайл тоза, шуур тоза, тил тоза,
Иймон тоза, виждон тоза, дил тоза.

Шу булоқлар туфайли олам обод,
Не олам, оламро одам обод.

Бир ажиб булоқнинг мавжлари тинмас,
Мавж уриб, мавж ила авжлари тинмас.

Кундан-да ҳайратда Убайдуллоҳ ҳам,
Бўйини тарк этиб кетолмас бир дам.

Кузга куринар азиз, муқаддас,
Унга қарай олмас ҳаргиз беҳавас.

Жонига туташдир қисмат раштаси:
Гўё бу ошиқ, у ишқ фариштаси.

Йўқ, йўқ фариштамас — у бани башар,
У — Хожа Муҳаммад Номий, бир падар —

Қалбида мавжланган меҳр булоғи —
Бағдода туташган сеҳр булоғи.

Убайдуллоҳ фарқлар дурни садафдан:
У бир аждодидир ота тарафдан.

Асли Шомлик, насли Расулуллоҳдан,
Энг сўнгги Пайгамбар, улуспаноҳдан.

Шайх Абу Бакр Муҳаммад Қаффоли
Шошнинг қисмати вобаста филҳол.

Савҳат қилганда Шайх Рум томонга,
Дуч келмиш Ғазода закий инсонга.

Сафарда Шайхга ул раҳнамо булмиш.
Меҳрда Ҳотамдек ул сахо булмиш.

Шайхнинг ҳам илҳоси ошмиш Номийга.
Эътиқод қўйибди Номий Шошнингга.

Дур каби жой топмиш Шайх юрагидан,
Юракдек жой топмиш Шайх курагидан.

Пирга мурид бўлиб Шошга келибди,
Бола-чақаси ҳам шонлиқ бўлибди.

Умирбод қолди шу тупроқда ул
Ва томир отибди шу тупроқда ул.

Пирнинг этагидан у тутиб маҳкам,
Узи ҳам пирликка қўйибди қадам.

Илми зоҳир, илми ботинда Номий
Қавий дил эканин кадрлар Шоший.

Валий нарвонидан чиқиб юксакка,
Каромат утини солди юракка.

Асалга ёпишган мисли болари
Атрофиян уради фуқаролари.

Эзу юртда тонди обрў, эътибор,
Машойих мадҳига будди сазовор.

Шоший билан Номий — пир билан мурид
Булмади биридан бириш навид.

Меҳрдан тахт ясаб утқазди тахтга,
Қадрдан тож ясаб етказди бахтга.

Номий удус аро мисли газанфар
Илми ислом тугин тутди музаффар.

Убайдуллоҳ уйлар аждодин бисёр,
Кунглини тўддирар қувонч, ифтихор.

Қалбга қувват олар булоқ мозийдан,
Фикри маъно тошар сулоқ мозийдан.

Номий чашмасига қўйганида лаб,
Ҳиссиёт зурдан титраб кетди қалб.

Ичган сайин босилмади чанқоғи,
Ташнамеҳр ўтар бир умр чоғи.

Яна бир булоқким — ичса тугамас,
Нопок зот ичшини кунгли тусамас.

Юксак тоғ бағридан сизиб чиқади,
Не сизиб, оламни кезиб чиқади.

Шайх Қаффоли Шошнинг булоғидир бу,
Номий чашмасидек яшайди мангу.

Убайдуллоҳ ундан бир ҳовуч ичиб,
Юрибди тунлари уйқудан кечиб.

Бир оқшом бўлиб Шайх зиёратда,
Ҳаста Имом нурли мазоротида.

Ҳазрати Исони тушида кўрмиш,
Илоҳий зот гўё унга буюрмиш:

«Хожа Убайдуллоҳ, ҳам сема ҳарғиз,
Зиммага олганмиз тарбиянгни биз».

Баъзилар келтирди туш таъбирини:
«Соғлом бўлмаймен деб билгил сирини».

Таъбирингиз менга маъқулмас дебон
Ўзининг таъбирин сўйлади шоён:

«Ҳйотиш мазҳари ҳазрати Исо,
Бу сифатга эга қайси авлиё».

Исавий машраб, дер халойиқ ани,
Ҳазрат тарбияга олминдир мани.

Демак, фақирда бор Исо хислати:
Ўлик қалби тирилтириш сифати.

Бу сифатлар бир кун бўлмай намоён,
Ҳйотурман ўлик дилларни шоён.»

Шайх Қафқол булогин бўйида туриб,
Сувда қиёфани турибди кўриб.

Валийлик ўтдими боболардан ё,
Келдими энг олиқ дунёлардан ё?

Убайдуллоҳ ишонмайди кўзига,
Не кўзига, ишонмайди ўзига.

Улуғ Шайхнинг гўё ҳайрати босиб,
Шому саҳар кезар ҳислари тошиб.

Шайхга бир фазилат бўлганди одат,
Сафарга чиқмақдан тонар саодат.

Ғазо шаҳрига ул борарди бир йил,
Бир йил ҳаж сафарин истарди кўнгли.

Бир йил илжотта чиқиб ниҳоят,
Улуғин Ҳақ томон этарди даъват.

Қалами ўткирдир илми илжомда,
Донги кетган Ироқ, Урдуму Шомда.

Рум томонга ҳали келмасдан илжом,
Илжомни ёйинини унда этди ком.

Зоҳиру ботину тафсиру фатво
Бобида китоблар қилминдир иншо.

Шу ваҳҳдин машҳурдир олимлар аро,
Не олим, манзурдир мўслимлар аро.

Имом Ғаззолий ҳам, Имом Розий ҳам,
Имом Наввийлар ҳам айлар муқаррам.

Сарчашма бўйида Убайдуллоҳ лол,
Нима ваъда этар унга истиқлол?

Кошки, пиру мурид кўрсатса имдод,
Ўз булогин қилса эл боғин обод.

VI

Фасона эшитдим афсонасанждан,
Менга аъло эди фасона ганждан.

Бинидан не ўтди касрий этди ёд,
Меҳр-ла назмда айладим бунёд.

Не аср ўтса-да, мендек, эҳтимол,
Убайдуллоҳни ҳам этган бўлса лол.

Ҳазрати шайх Абу Бакр Қафқоли
Ҳажга сафар қилиб кўлди иқболи.

Бағдодга кирди у қўниб ўттали,
Меҳрибон дўсту ёр қўлин туттали.

Шаҳарни серташвиш, безовта кўрди,
Боиси не дебон аҳбобдан сўрди.

Ташвинининг сабаби қилниди аён:
Рум султони Бағдод подшоеси томон.

Ибри лисонида юбормиш нома:
Услуби мураккаб, хушхат ва якто.

Унда уч шарт қўймиш — адоси душвор,
Бирини, албатта бажармак даркор.

Жавоб ёзмак лозим номасига хос,
Ибрида услуби, чиройига мос.

Мужсар бўлмаса, унга бериб тан,
Жўнаттай бир дунё бойлик дафъатан.

Бойликин рад этса Рум султони гар
Дейилган: урунга бўлингиз тайёр.

Рум билан урушга Бағдод ҳазирмас,
Кўп товон тўлашга мулки қодирмас.

Елғиз қолган эди уч шартдан бири,
Имдод бўлса, кошки, лисони ибри.

Чорланди подшоҳининг саройи сари
Бағдоднинг уламо ва фозиллари.

Жавоб мактубини, аммо, бирор кас
Ибрида ёзмакни қилмади ҳавас.

Рум султонин айёр элчиси ҳар гал
Жавобни қистарди — танг эди аҳвол.

Шу пайтда танг уйини кенг қилган каби
Бағдодга келганди Шошнинг кавкаби.

Туркистондан келибди бир дониниманд,
Деган хабар тарқалди чақин монанд.

Подшоҳ қулоғига етиб бу пайгом,
Саройга чорланди меҳмони киром.

Мақсудини изҳор қилди-да подшоҳ
Рум султони хатин узатди дилхоҳ.

Шайх Қафқоли Шоший чиқариб савод
Етмиш икки тилни биларди озод.

Кезиб неча юртни ва неча элни,
Толиби илмдек ўрганди тилни.

Тил билган — эл билур, дейди халойиқ,
Эл билган — дил билур, ҳурматга лойиқ.

Эҳтиром курсисин обод этди Шайх,
Хатни ўқиб чиқиб, ўзин тутди Шайх.

Деди: «бир шарт билан ёзурман жавоб».
«У нима?» — деб подшоҳ сўради шу тоб.

«Подшоҳ ҳазратлари! Фақир дилхоҳи
Амир ул-мўминин Усмон муҳаффи».

Аммо, шоҳ қўнмади — қўйиб чин ихлос,
Жавоб ёзмагини қилди илтимос.

Шайх рози бўлмади. Подшоҳ дафъатан
Кенгаши уламо, амирлар билан.

Дедилар: «Муҳаффиж жавоб битмайди,
Беринг, аммо, Муҳафф қўлдан кетмайди.

Олтин эвазига қайтиб олурмиз,
Олтинга қўнмаса, тортиб олурмиз».

Шоҳ қўнди. Муҳаффин Шайх олган зоҳат
Жавоб учун ўн кун сўради муҳлат.

У сезиб подшоҳнинг асл мақсудин,
Зийрак муридига боғлаб умидин,

Учқур отга уни миндириб дарҳол,
Қўрон-ла Табризга жўнатди хушҳол.

Ўн кунда Табризга етгайсен, дебон,
Оқ фотиҳа бериб келтирди иймон.

Сўнг ибри тилида сўриб хомасин
Битди гоят гўзал жавоб номасин.

Подшоҳ ўқиб, Шайхга ҳурмати ошди,
Сароӣ аҳлини эса қувончи тошди.

Элчи хатни олиб Румга отланди,
Султонни ўқигач, ҳайратда ёнди.

Унга аён эди: бундай улўғ зот
Бағдодда йўқ эди, ёзди қай хаттот?

Элчи деди: «Туркистонлик доиниманд,
Ундай зот Бағдодда топилмаг гарчанд».

Эголмай бағдодлик муслим бошини,
Рум султони эгди таслим бошини!

VII

Яна бир фасона ақлимни олди,
Қалбимга фасоҳат дурини солди.

Насрга назмдан либос кийурдим,
Улўс хизматига ани буюрдим.

Сўзига зеб бериб фасона пардоз
Тошкандан Рум сари айлаган парвоз,

Эҳтимол, эшитиб, айлаб мукаррам,
Ҳайратда қолгандир Убайдуллоҳ ҳам.

Ғазога борганда ҳазрати Қафқол
Ой каби тугилди дилида омон.

Урушиб аҳли Рум ва аҳли Ғазо,
Ғазонинг бошида қорайди само.

Бағдодийлар каби Ҳазрати шайх ҳам
Румийлар қўлига тушди субҳидам.

Асирларни қўздан кечириб бир-бир,
Рум султони деди Ҳазратга охир:

«Ўхшамайсан Бағдод аҳлига, аммо,
Қаердансан, айттид, алдама асло?»

«Мен шонлик бўламан», — деди Шайх алҳол,
Рум султони яна айлади савол:

«Менинг хатимга сен ёздингми жавоб?»
Шайх деди: «Ҳа, менман ўша зот, жаноб».

Рум султони деди ундаб Ҳазратни:
«Арабчага ўтириб бер Тавротни.

Адо этсанг, инъом бериб эттум шод,
Сен ҳам, асирлар ҳам қилинган ошод».

Шайх қўнди, шарт қўйиб, сўнг қилди огоҳ:
«Мавжуд Таврот қўн бор қилинган ислоҳ».

Таржима қилолмам бундай нусхани,
Қабул этолмасман, афсус, тўхфани».

Султон ғазабланди: «У пайтда сен ҳам,
Ёғни ҳам қўйгай у дунёга қадам».

Шайх деди: «ўзинг еч бу мушкилотин,
Ўғирмайман нозил бўлмиш Тавротин».

Румийлар маслаҳат қилиб ўзаро
Қўндилар, полюж тошилди чора:

«Нозил нусхасини ўғир, аммо, биз,
Муҳаммад бобидан қўзин юмўрмиз».

Алқисса, Шайх нозил нусхани олиб,
Ўғирди арабий оҳангга солиб.

Тўхфа этди уни Рум султонига,
Ора кириб асирларининг жонига.

Султон эса қўлга олиб Тавротни,
Ўлимдан асради неча ҳаётни.

Ҳазрати Шайхга ул бериб инъомлар,
Шоҳона кўрсатди кўн эҳтиромлар.

Изат-ҳурмат билан қўзатиб қолди,
Тошканди дилканга узатиб қолди.

Шу ерда фасона тоиди хотима
Ва лекин афсона тугади дема.

Авлоддан авлодга ўтгай бардавом,
Умрини безагай ул зоти киром.

Шайх Қафқоли Шоний юрган йўлларда,
Не йўллар, ул кезган турли элларда,

Кеча кундуз бўлди, мушкиллар осон,
Ярасига малҳам тополди нисон.

Нур ёғилиб турган чехрасин кўриб,
Беморлар оёққа кетдилар туриб.

Ҳожат тоғди ундан аҳтиёжмандлар,
Амиру олимдан то ҳунармандлар.

Обрўси шу қадар эдики баланд,
Султонлар эгилди муриди монанд.

Маърифат кўкида бўлиб бир чўлпон,
Нуридан ёришди замин у осмон.

Меҳр булоғидан баҳра топганлар —
Ҳурмат остонида таъзим этганлар.

Ҳамон қайнаб чиқар бу азиз булоқ,
Соҳибин бағрига олса-да тупроқ.

У мангу уйқуда Ҳаси Имомда,
Руҳи поклари ҳам иззат-икромда.

Табаррук номини ким олса тилга,
Эзгулик шуъласи кирар кўнгилга.

Зиёрат айласа ким мазорини,
Эҳтимол, унутар дил озорини.

Қабри бошида ким этса тиловат,
Муслимлик бурчини қилгай ижобат.

Элу юрт ардоқлар шайхул-аъзамни,
Учирмас қабрида ёқилган шамъни.

Улус қаторида фақир ҳам борман,
Руҳини унутсам мен гуноҳкорман.

Ёд этиб, қошида таъзим қилгайман,
Таъзимни ҳурматим дебон билгайман.

Ажиб фасоналар сўзлаб ул зотдан,
Кўнглим таскин тоғди, балки, ҳаётдан.

Мозий кўзгусига ташласам назар,
Убайдуллоҳ Шайхнинг мазорин кезар.

Руҳида маъюслик, паришон хаёл,
Дилида тугёну кўзида савол.

Устоди аъламни, балки, этиб ёд,
Ҳазрати Исодан тилайди имдод.

Ғафлат уйқусидан уйғониб ногоҳ,
Ўлик қалблар ундан тирилди гоҳ-гоҳ.

Ишонди валийлик кароматига,
Ишонди гоҳ узин саодатига.

Сув ичиб у қанча тоза булоқдан,
Юраги қонмади ҳамон чанқоқдан.

У янги булоқлар излади яна,
Эл аро бутадек бузлади яна.

Фақир йулга тушиб унинг изидан,
Кошқийди, дурри ноб топсам сўзидан.

Дунё боқий. Одам умри — омонат,
Омонат умрининг кўрки — дийнат.

Дийнатли одам — закний одамдир,
Исофли одамдир — ҳусни оламдир.

Одамсиз бу олам — хароба хилват,
Оламга одамдан ўтгандир хилват.

Одам умри азал шуълабахш чироқ,
Ёки у бир лаҳза ялт этган чақмоқ.

Ўткинчи умрга қилинса нисбат,
Мангулик тимсоли ҳар азиз хилқат.

Азиз хилқат азал машойихлар ҳам,
Ҳамон ёниб турар улар ёққан шамъ.

Йўлимга нур сочиб шамъ-чироқлардан,
Шайхлар имдод этар кўп йироқлардан.

Манзилга ошиққан сайёҳ сингари
Шодон талпинаман чироқлар сари.

Шайх Хованди Таҳур масжиди аро
Машойихлар берар мажлисга оро.

Худонинг уйида аҳли миллат жамъ,
Азиз-авлиёлар баҳсида карам.

Диққат гушнн тутиб ёш Убайдуллоҳ
Улуғлар суҳбатин тинглайди дилхоҳ.

Аҳли ҳол зикрида ҳурмат, ҳуш ният,
Тоза осмон каби равшан руҳият.

Шайхлар аро қизир баҳс, мунозара,
Ҳар баҳсни этади у мушоҳада:

Ўз йўлини қуриб тиклагунча то,
Ундан мақсуд сари йўл олгунча то,

Қанча машаққатлар чекмоғи лозим,
Азоб-уқубатга бўлиб мулозим.

Англади тариқа ва тариқатни,
Англади гўёки бор ҳақиқатни.

Ҳақиқат ҳижобда кўрсатди жамол,
Ҳижобин олгунча ёр булғай омом.

Шуур дафтарини безар ҳикмат боз,
Ҳикматлар туфайли булур фикратсоз.

Энг нодир масаллар қолур ёдида
Шайхлар мажлисидан бўлиб обида.

Сайёҳ йўл ишқида бўлса саҳарда,
У илм ишқида кезди шаҳарда.

Сайёд — ов ишқида, у — дил ишқида,
Дорбоз — дор ишқида, у — эл ишқида.

Ишқ уни етаклар валийлик сари,
Каромат аҳлининг пинҳон сирлари.

Тушининг ҳаёлига у бўлур банд,
Тушида қургани содир бўлганда.

Едида: болалик чоғи бир оқшом,
Ваҳима босса-да, отланди шаҳдам.

Абу Бакри Қафзол, Хованди Таҳур
Мозорин бирма-бир зиёрат этур.

Қўнглига қандайдир ёруғлик тушиб,
Енгил нафас олди кўкраги тўлиб.

Бейхитёр бир куч бўлди-да пайдо
Қўрқувни ҳайдади жисмидан гўё.

Шунданми ваҳима йўқолди тамом,
Журъат пайдо бўлиб, кезди гоҳ оқшом.

Тошкандда бўлса гар қанча мазорот
Бир кечада қилиб чиқди зиёрат.

Улуғлар арвоҳи бўлиб миннатдор,
Мушқил онларида қўллар, мадакдор.

Ҳаёлин забт этган кечаю бугун,
Кеча — ўтмиш бўлса, бугун — янги кун.

Ҳар ўтган кунига шўқрлар қилиб,
Отаси ёнига кирар эр бўлиб.

Зироат кўнглида ҳавас уйғотди,
Меҳнат билан унинг суяғи қотди.

Пешана терини ерга тўқди у,
Умид уруғини гўё экди у.

Яратди ўзининг ризқи-рўзини,
Аямади зинҳор ердан ўзини.

Не ердан, меҳнатдан аямади ҳеч,
Меҳнатсиз ўтган кун уйғотди ўқинч.

Отаси ёнида тиргак бўлди у,
Меҳнат мевасини емак бўлди у.

Кундузми-кечами қочмади ишдан,
Жони ҳузур қилди эзгу ташвишдан.

Ишлади гоҳ Келес, гоҳ Боғистонда,
Ерга меҳр кўриб ҳар азиз жонда.

Бир ҳикоят сўзлай мен аъмолидан,
Наер ҳусн олди назм жамолидан.

Маснавийга солдим мазмунин унинг,
Вазн мезон бўлди, қофияси менг.

Мактаб томон борарди Убайдуллоҳ
Икки киши учради йўлда ногоҳ.

Ўзаро гаплашиб турарди улар,
Ҳамроҳига қараб бири уқтирар:

«Қопқир итга дуч келсанг мушқил булур,
Қўтилишнинг йўли лек мумкин булур.

Соҳибини чақириб ўша замон
Паноҳида сақлайсан жонни омон.

Золимларнинг зулмидан энди, аммо,
Халос бўлиш чораси йўқ, муаммо.

Ягона тадбир бу — Ҳаққа муножот,
Имдод тилаб, қолмак эрур саломат.

Золимлардан асрагувчи Оллоҳдир,
Бандасининг бошига у паноҳдир».

Мактабгача бу гапни ўйлаб борди,
Мағзин чақсам деб дилга сўйлаб борди.

Ўйлаб-ўйлаб боши қотди кейин ҳам,
Ёмон бўлиб кўринди золим одам.

Қопогон ит ундан афзал кўринди,
Паноҳ бўлган соҳиб гўзал кўринди.

Камбағални эсса улар, қийнаса,
Одам қолиб, молни кўзи қийнаса,

Зулм қилиб, етса, ўз мақсадига,
Зинна қилиб, чиқса, ўз маснадига,

Ундан яхши кўринади қопқир ит,
Эгасига ўхшаганроқ топқир ит.

Золимнинг зулмига чора йўқ, нетсин,
Ё камбағал ердан бош олиб кетсин.

Ўйлайди, ўйлари келур кўмакка,
Валлоҳу аълам деб сўйлар юракка.

Бандасин зулмдан қутқаргувчи Ҳақ,
Унинг инояти, чораси барҳақ.

Яратганининг ўзи раҳим қилмаса,
Золимлардан шафқат кутма, аққисса.

Нечун шоҳ золимлар илкни тиймайди?
Убайдуллоҳ ҳайрон, тинмай ўйлайди.

Ким яқин қилажак шоҳ билан элни,
Ким олди қилажак жоҳ билан дилни?

Машойиҳлар нега восита бўлмас,
Подшоҳу улусга робита бўлмас?

Улғайтирди тетик ўйлари уни,
Ешлик кўчасида кўринган куни.

II

Бани одам хусусинда ажиб бир
Ҳикматларни камина қилай тасвир.

Жамолин курсатур унда бир тийнат,
Кишилик ҳуснига у зебу зийнат.

Одамни яратган чоғида Оллоҳ
Уни бандам дебон сийлади дилгоҳ.

Бошқа жонзотлардан айлаб олий зот,
Инсонни деди у буюк мўъжизот.

Унга ақл берди ҳам берди иймон,
Берди эътиқоду инсофу виждон.

Диёнат бердики — кишиликка зеб
(Баъзилар кун кўрар уни сотиб еб).

Номус берди уни фарқлаб ҳайвондан,
Меҳр берди айрилма деб инсондан.

Фазилат бердики — зар узра зардир,
Одамзод умрига зебу зевардир.

Фазилат дурини кимки асради,
Эҳтиёж уйида Оллоҳ олқади.

Кимдаким эҳтиёт қилмай йўқотди,
Кишилик қасридан тош каби отди.

Ҳар банд қалбига солиб бир дурни,
Ҳақ таоло берди унга умрни.

Ҳар инсон — бир дунё, зеби жаҳондир,
Жаҳоннинг соҳиби азал инсондир.

Подшоҳ ҳам, гадо ҳам фарзанди инсон
Фазилат дурисиз инсон бир ҳайвон.

Инсон эса овлар инсон кўнглини,
Не овлар, у сийлар инсон кўнглини,

Бир инсон кўнглини олмак савобдир,
Савоб эса инсон учун моҳтобдир.

Инсон азал яратилган савобга,
Жамолин ухшатиб ҳусни офтобга.

Офтоб каби сочар юзи унинг нур,
Нуридан дил уйи ёришиб кетур.

Кўзини юлдузга, қошин ҳилолга
Ўхшатиб, ёр этган уни иқболга.

Гуноҳ кўчасига кирмасин дебон
Ақлини қалбига айлаган посбон.

Гуноҳ — захри қотил инсон умрига,
Не инсон, зомин у жаҳон умрига.

Савобнинг душмани азалдан гуноҳ,
Гуноҳ қазир унинг йўлларига чоҳ.

Савоб билан гуноҳ кун била тундир,
Савобдан дил равшан, гуноҳдан хундир.

Савобнинг манзили жаннат бўлса гар,
Гуноҳнинг манзили — дўзах, алҳазар.

Дўзахга тушмайин деб у дунёда,
Жаннатга юз тутгил сен бу дунёда.

Фазилат дурини-ла шоҳдир ҳар инсон,
Шоҳлар маконидир асли бу жаҳон.

Фазилат дурисиз гадодан хордир,
Не гадо, ҳайвондек меҳрга зордир.

Убайдуллоҳга зеб фазилат дурини,
Фазилат дуридан дурафшон умрини.

Ҳар инсон ҳурматин қуйиб жойига,
Ҳусн берди кишилик чиройига.

Теран ақли пайгомгар ақли кулдан,
Ҳар жабҳада қутқарарди мушқилдан.

Азиз хонадонда келиб дунёга,
Ўзин урди Ақл деган зиёга.

Парвонадек кўйди қаноти гарчанд
Оёғи остига йиқилди ҳарчанд.

Илоҳий ақлнинг нишонлари
Қўрина бошлади улғайган сари.

Дунёнинг ишларин кузатиб ақлан,
Оқибатин гуё ҳис қилди қалбан.

Ақлини ўздирди яхшининг Оллоҳ,
Ақлдан оздирди ким булса бағдхоҳ.

Иймон бериб синаб кўрди бандасин,
Тийра турмуш гамиди афғандасин.

Иймон ақли билан бирга ултирдим,
Иймонсиз ақлдин оёққа турдим.

Иймони бутунни эл ардоқлади,
Иймони чалани кўриб, боқмади.

Азалдан Ватанни севмак иймондан,
Не севмак, фидойи бўлмак иймондан.

Ватанни севган зот севар элни ҳам,
Эл билан у булур юртда мукаррам.

Элдан айри тушса тақдири забун,
Баланд тутса андин оқнадар мажнун.

Эл севгани, дерлар, севар худо ҳам,
Эл севмаса — икки олам жаҳаннам.

Иймонлилар билан юрт боғи обод,
Иймонсизлар қилгай дунёни барбод.

Иймони мустаҳкам одам бегубор,
Ишонч-эътиқодда булур устувор.

Ҳақ инсонга умри омонат берди,
Умри омонатта диёнат берди.

Диёнат беади кишилик юзин,
Кишилик ичинда кишининг узин.

Диёнат гавҳарин кимки йўқотди,
Тополмай, узини ҳар ёнга отди.

Ўлгунча улусда хору зор булди,
Хору зордин улус ҳам безор булди.

Чунки у беинсоф, худбин кас эди,
Кишилик ичинда бир нокас эди.

Диёнат гавҳарин ким тутди бегард
Ўлгунча бўлмади унинг юзи зард.

Эҳтиром тахтида ултирди шоҳдек,
Қадр афлукнини беади моҳдек.

Дийнатин сотмаганлар туфайли
Шариф бўлди, зариф бўлди эл хайли.

Қилмишига ҳакамлик қилсин дебон
Ҳақ таоло бандага берди важдон.

Важдони олдиди бурчиладир киши,
Бурчин адо этмоқ бу важдон иши.

Кимки ўз бурчига қилса хўнат,
Важдони олдиди этур жиноят.

Пок бўлса важдони юзи ёруғдир,
Нолок бўлса — борар жойи тамуғдир.

Важдон азобидан ортиқ жазо йўқ,
Важдони покларга, балки, қаза йўқ.

Кимки савоб ишни кўрди нолойиқ,
Важдон жазосига тоғлиди лойиқ.

Энг олий жазодир важдон жазоси,
Не важдон, эътиқод, иймон жазоси.

Яратган маҳалда Одами хокий,
Яратилган эди қилиб илохий.

Унинг кўнгли ухшайди бир тилсимга,
Сар-асрори айи эмас ҳеч кимга.

Одлоҳдан ўзгага эмасдир айи,
Бандасин билмоғи, эҳтимол, гумон.

Башломас илми гайб билимдони ҳам,
То ўзи очмаса кўнглини кам-кам.

Убайдуллоҳ калит излаб ҳар дўлга,
Фасоҳат заридан зеб бериб тилга,

Одамлар кўнглига қараб гапирар,
Кўнглини кўтариб, кўнглига кирар.

Бўлгани туфайли каримул-ахлоқ
Эшигин очмакда замин у афюқ.

III

Убайдуллоҳ ҳаётидан ҳикоят
Сўзлаб берай, у ибратдан иборат.

Мазмунин матндан қилиб иқтибос,
Насрга назмдан кийгиздим либос.

Боғларга қумилган муаззам Тошканд,
Меҳрга қумилган мукаррам Тошканд.

Саратон офтоби қутлут бошида,
Жилваси акс этар тоғлар тошида.

Анҳор энюлида кўрар ўзини,
Тиниқ сувларига ювар юзини.

Богоддан эсадир ёқимли шамол,
Жамолин кўрсатур айёми иқбол.

Босорда ёз ўзи намоёнш этур,
Далалар ҳуснини оройиш этур.

Ҳосилдан қайинган расталар бели,
Бунда жамъ гуёки Туркистон эли.

Тошканд атрофида бутун ўзга ҳол,
Зироят жабҳаси қилинган ишғол.

Ҳосилдор далалар, мевали боғлар
Қўйнида иш қизгин — энг долзарб тоғлар.

Бугдойзор, экинзор ястаниб ётур,
Келесдан уфққа қулочин отур.

Галласин йиғмакда Хожа Маҳмуд ҳам,
Чошидан қумнайди кўзлар утбу дам.

Убайдуллоҳ эса шаҳарда мангул,
Омборга жойлайди қошлаб донни ул.

Иш билан банд бўлиб, қилмади парво
Галласин келтирган кишига ҳатто.

У эса бўлватиб қоширини дарҳол
Жўнаб қолди, иши зарур, эҳтимол.

Убайдуллоҳ бир пайт қараса, у йўқ,
Раҳмат ҳам демабди — унутди нечук.

Ишини танлабон елди изидан,
Дили уксинида — утди ўзидан.

Ярим йўлда унга етиб олди у,
Кузиди илтижо, кўнглида гулу.

Қошида эғишди айтиб узлар,
Изилаб топганига қилди шукрлар.

Ковчки, Тангри ҳолига раҳм қилса,
Бундан сунг ишлари ўнгидан келса.

Турк киши бу ҳолдан таажжуб қилди,
Гарчи Убайдуллоҳ кўнглини билди:

«Турк машойхлари айтгандек сен ҳам
Амал қилибсан бир ҳикматта, бугам:

«Ҳар ким кўрсанг Хивар бил,
Ҳар тун кўрсанг қадр бил».

Сенинг бу хислатинг яхшидур, аммо,
Фақирнинг кимлиги сенга муаммо.

Мен ҳақир кишиман, кимлигимни ҳам
Ўзим ҳам билмайман, аслим-ку муҳкам.

Қўл-бетим ювурман бўлганда зарур,
Шу йўсин утмакда савдоин умр».

Шунчалик бўлса-да, ўзгариб бир ош,
Ўтинчига унинг қилмай эътироз,

Хуш кайфият бўлиб юзида пайдо,
Қўлини кўтариб у қилди дуо.

Убайдуллоҳ эса айтиб раҳматлар,
Дилида уйғонди гуё рағбатлар.

Дуосидан сеади ўзини енгил,
Хижилу уқинчдан халос бўлди дил.

Бир ҳарир ҳурматин келтириб бизю,
Кўнглида ушалди гўё мурдаю.

Каттани иззатлаб, ҳеч бўлмади кам,
Камтарлик боғида у тоғди карам.

Алҳисса, ҳурматдан ҳурмат кўрурсан,
Ҳурматин боғи узра тоғ деб билурсан.

Сен иззат қилмасанг, ўзгадан кутма,
Ҳаргиз кибру ҳаво кўнидан ўтма.

Билгингиз: манманлик оқибати хор,
Камтарлик кинини қилгай бахтиёр.

Камтарга камол, дер, манманга завол,
Завол кўрмай умр тоғса не камол.

IV

Туркистон мулкида Тошиқанди азим
Дилқам бир шаҳарки, қилурсан таъзим.

Сенга очиқ ўн икки дарвозаси,
Эли туган унинг зўр овозаси.

Кўбининг ўн икки буржига қибъа,
Ўн икки дарвоза қурилгани хос.

Балки, Самарқанддан олган андоза,
Бухорога ихлос қўйгани тоза.

Чиниининг ўн икки булоғи ишён,
Оғтоб буржларидан, балки бир нишон.

Ўн икки дарвоза аъмоли унинг,
Тўрт кўрсам даҳаси жамоли унинг.

Шайх Ховакди Таҳур, Кўкча, Бешкоч,
Тахтанул шаҳарга ёгандир қўлқоч.

Оғанилардек даҳалар иноқ,
Тўрт даҳада гўё ёнар бир чироқ.

Унинг дўстлари кўп, душманлари кам,
Кам бўлса-да, улар кўнглида алам.

Ҳасад гулханида ҳасдек ёнадир,
Тахт учун ийжону диндан тонадир.

Тошиқанд парво қилмай, бўлмай бетарво,
Ёмонлиқни кўрмай ҳеч кимга равю.

Жаҳон айвонида нафас олар шод,
Ҳаёт иморатин қилгани бунёд.

Наҳрул-нажотидир азалдан Анҳор,
Кишилик умрига гўё шифокор.

Ҳуснига ородир сулим боғлари,
Боғлари кўнида шўх ирмоқлари.

Ариқлардан сувлар оқар шилдираб,
Маҳаллалар аро чопар пилдираб.

Кўчалар кўчага кетган тугашиб,
Ўйлари турнишар гўё ўпишиб.

Алашиб қолсан тор кўчаларда,
Йўловчи чироққа зор кечаларда.

Тошиқанднинг ҳаёти ўзига хосдир,
Серттавиш турмушининг ақинга мосдир.

Олмасанг ақлингги йиғиб агарда,
Ақлдан озасан катта шаҳарда.

Еҳуд ҳаётидан олмасанг сабоқ,
Йўқ бўлиб кетасан чапғитиб туироқ.

Нажотта муҳтождир ақли мусофир,
Бегона шаҳарда аҳволи оғир.

Бўлмаса танишинг ёнги дўст-ёр,
Турмушининг кўида кезурсан аёбор.

Ётдан ўпкаланини ҳеч қилма одат,
У сенга келтирмас аслю саодат.

Ўзига старли ҳар жон танишини,
Ўзига юкламас танишини кини.

Ўбайдуллоҳ бўлган ўйларига гарқ,
Йўқ, турмуш оқининг куйларига гарқ.

Унинг оҳанглари турли-тумандир,
Гўё ибратомуз бир анжумандир.

Инсон қисматида уйга толади,
Инсон хислатидан ҳайрон қолади.

Бир бирисига ўхшамас аслю,
Ноқаслар даврасин хулнамас аслю.

Яхшига итилар, қочар ёмондан,
Меҳр кўриб яна инсон инсондан.

Ҳар одам ўзига хос бир оламдир,
Одам айвонига ёқилган шамъдир.

Шамъ умри боқиймас — ёниб ўчади,
Аммоки, шўхласи олам кўчади.

Шамъдек нур сўжлмас вақ ҳар одам,
У севинч уйини босар бўлиб ғам.

Инсон чеҳрасидан нур турса томиб,
Кўнгли боғи айрар меҳрига қониб.

Заҳар томса агар инсон юзидан,
Олисроқ турган ҳўб унинг кўзидан.

Оғзида айланса тили илқондек,
У яшай олмайги насли инқондек.

Кўзидан меҳрмас, қон томса агар,
Кўрган кўни унинг бол эмас, заҳар.

Душманлик нияти бўлса финрида,
Ўзи сезмай, айн булар зикрида.

Бировнинг йўлига ким қазиса чоҳ,
Ўша чоҳга ўзи йиқилар ногоҳ.

Йиқилган кимсани ўтмагил телиб,
Тўғзиб қўйсанг ҳўб қўлидан тутиб.

Муҳтожга узатсанг нажот илкени,
У обод этгайдир кунгил мулкени.

Етимнинг бошини силасанг агар,
Эҳтимол, кун келиб меҳр кургивар.

Гадонинг ҳожатин чиқарсанг, балки,
Ҳожатинг чиқарур у сенинг, балки.

Душманга дуст бўлиб чўсанг қўлингни,
Еггайдек пойламас, балки, йўлингни.

Садоқат гавҳарин соясанг ҳар томон,
Йигиб ололмайсан, сунг булма пушмон.

Меҳр ҳам гарчандки, меҳрга муҳтож,
Меҳр орқасидан киймак булма тож.

Бир банданинг қилсанг кўнгилни рўшно,
Бу олам кўрингай унга дилкушо.

Парварииш этсанг гар экиб бир ниҳол,
Мева берганида ейсан бемалол.

Ариқ қазиб, дашта сув чиқарган аот
Наслини сийлайди бир кун ҳаёт.

Бир жонга бутун сен ўргатсанг савод,
Эртага саводхон булур бир авлод.

Бир зотни масжидга келсанг етаклаб,
Бошқани етаклаб келгай эрталаб.

Нотаниш кимсани айласанг шимос,
У сенга қўлди меҳр ва ижлос.

Бир бемор ҳолдан хабар олсанг гар,
Соғайса, дилингни айлар мунаввар.

Адашган одамга курсатсанг йўлни,
Нажот истаганга у берар қўлни.

Еинки бир мактаб қилолсанг бино,
Неча дил илмдан булгайдир рўшно.

Бир киши мушқилин енгил қилсанг гар,
У узга ҳожатин, балки, чиқарар.

Дема ўани доно, ўзгани нодон,
Ўзингни дон билма, ўзгани сомон.

Бир жонда муҳайё доною нодон,
Бир бошоқдан чиқар дон билан сомон.

Ўзингни шоҳ билма, ўзгани гадо,
Шоҳу гадони ҳам яратган худо.

Оллоҳ назарида бандаси бирдир,
Бандасига эса қисмати сирдир.

Убайдуллоҳ уйлаб уйига етди,
Эл билан булмакни у мақсад этди.

Енгил қилмак истаб мушқил ҳолини,
Улусда кўрди у ўз иқболлини.

Қисматлар риштаси боғланди шоён,
Улусга топниб келтирди иймон.

V

Богистон қўйнига чўлди намозином,
Сочларини ёйди гузал бир оқшом.

Бору роғ оралиб асди майин ел,
Фароғат тушагин содди бутун эл.

Юлдузлар самода ёндылар пир-пир,
Фаришталар чиқди сайрга бир-бир.

Ой олди юзидан ҳарир ҳижобин,
Нур қилиб сочди у ҳусни ижодин.

Осмон билан турар тоғлар сузлашиб,
Тоғларининг устида боғлар сузлашиб.

Чўққилар бошида ойдин оқ шуъла,
Фараҳин кечага айтар ашула.

Осуда тун ўхшар меърож шомига,
Ҳамроғ Убайдуллоҳ кўнгил комига.

Юлдузлик самога тикиб нигоҳин,
Ғойибдан кургандек булур Оллоҳин.

Ўтган кунни учун шукрлар қилиб,
Эртанинг йўлига боқар тикилиб.

Эл бошида кўриб ҳурмат тоқини,
Кўнса қўймак истар ер меърожини.

Ё чиқсин, ё тушсин паноҳ истаса,
Маломка каби Оллоҳ истаса.

Вағизлаб сой бузар тун жимлигини,
У билмас дунёнинг тиксимлигини.

Убайдуллоҳ унга калит излайди,
Ҳаёт жумбоғини ечмак истайди.

Ҳайи уфқи унинг тоса ва теран,
Дунёни кўздан ўтказар фикран:

Офтобдан баҳраманд бутун кoinот,
Жисмига жон олар ундан бор ҳаёт.

Қиёмат қойиндир офтоб булмаса,
Бир лаҳза ҳаёт йўқ офтоб кулмаса.

Ҳаётга волида азалдан офтоб,
Ҳаётни салқилади амалдан офтоб.

Гуша йўқки, унинг нури тушмаган,
Жонзот йўқки, уни нури кучмаган.

Гинҳдан тортиб то дарахтга қадар,
Заррадан тоғгача ундан баҳравар.

Қуёшнинг меҳридан ҳаётнинг боши,
Шу вақхдан улус дер: ҳаёт қуёши.

Қуёшни яратган Оллоҳим, ўзинг,
Дунёда ягона паноҳим ўзинг.

Ойни ҳам яратдинг тун париси деб,
Пари бергай ҳаёт саҳнасига деб.

Заб бўлиб зулматни қилди у равшан,
Қоронғи кечани кундуз каби шаън.

Ҳаёт — зулмат, тунда моҳтоб бўлмаса,
Моҳтоб кулмас эди оғтоб бўлмаса.

Оллоҳ назарини элга қаратмин,
Ойга қўшиб юлдузларни яратмин.

Юлдузлар ҳусидир само юзига,
Ғаройиб кўринар инсон кўзига.

Убайдуллоҳ эса боқар ҳавасманд,
Осмон асрори-ла хайёлари банд.

Само денгизда кема сизгари
Сузмакда заминнинг сайёралари.

Ҳақ таоло барчасин ижодкори,
Қийин кунда меҳрибон нажоткори.

Унинг нами бирла ҳаракат қилур,
Замин неъматини баранат қилур.

Ки, ерда яшайди бандан Оллоҳ,
Ўзга ким бўлғайдир ҳолидан огоҳ.

Она заминни ҳам Тангри яратмин,
Бандаси нигоҳин кўнка қаратмин.

У оро бағинилаб замин ҳусинга,
Оқибат бош қўяр унинг кўксинга.

Неки яратибди Оллоҳ — мўъжизот,
Аммо, барчасидан, инсон — олий зот.

У — Одам Атодан, Момо Ҳаводан,
Одами хокий у! Ҳақ таолодан!

Инсонена бу замин, бу ер ваёрона,
Бу замин, бу ерча инсон гиряна.

Одам ерга, ер эса унга ухшар,
Одам ерни, ер эса уни кўсар.

Бандасин яратди ижодкор қилиб,
Оллоҳим ўзидан нажоткор қилиб.

Яратди заминда кул ва уммонин,
Тоғ ила дарённи, боғу бўстонин.

Яратди заминга не бўлса даркор,
Чумолидан тортиб арслону мор.

Бургуғу, тўғидан то булбулгача,
Чинору ўрикдан майса гулгача.

Булуғин яратди ёсин деб ёмғир,
Шамолни яратди қилиб бесабр.

Донулу туфону бўрон яратди,
Ҳаёту мамоғу қирон яратди.

Инсон қурди ерда ўзига макон,
Не ўзи, ўғлино қизига макон.

Авлюдим ҳаётин давом қилсин деб,
Ота маконига соҳиб бўлсин деб,

Она ерни унга мерос қолдирди,
Не мерос, меросча ихлос қолдирди.

Алиқисса, оламини тугал яратди,
Бирин-кетин эмас, бир гал яратди.

Убайдуллоҳ уйлар — жавоб налайди,
Дуённинг тағига етмак истайди.

Бизнинг устимизда, остимизда ҳам,
Қадим-қадимлардан яшармин одам.

Тўққиз қават осмон бор устимизда,
Етти қават ер эса остимизда.

Арши Аъю — тўққиз осмон устида,
Дуённинг чиройи Оллоҳ ҳуснида.

Шу важдин бокира, гузал бу олам,
Шу важдин оламдек покназа одам.

Одам борки, олам боғи гулистон,
Олам борки, одам насли шодумон.

Тилсимотга ухшар оламу одам,
Фақирга аймас валлоҳу аълам.

Богистон қўйинга чуқди намозном,
Сочларини ёнди гузал бир оқном.

Осуда тун ўхшар меърож шониға,
Ҳамроэ Убайдуллоҳ кўнгила комиға.

VI

Убайдуллоҳ боқди ҳаётга танина,
Зилолин уағди унга не чашма.

Ўқимини хонадонда ўзғайди,
Маърифатнинг зийёсига чулғайди.

Ота-бобосидан ўрганиб сабоқ
Шуур кулбасига ёқди шамъчироқ.

Йна у мактабдан олди маълумот,
Аҳли ҳақиқатдан эса таълимот.

Ҳаёт мактаб бўлди, улуе мударрис,
Фикрини ўстирди аҳли муҳаддис.

«Чор китоб», «Ҳафттияк», «Қуръон»ни қачон
Ёд олиб, илмда урди у жавлон.

Ҳадис гавҳаридан ясаиб зирак
Фикр қулоғига тақибди зийрак.

Расулуллоҳ ҳадислари — дур қони,
Дур билан безанди умр айвони.

Умр айвонидан кирсанг уй томон
Турини безамини жавҳари «Қуръон».

Шуур жавоннида подир «чор китоб»,
Мусулмон аҳлига бериб турминн тоб.

Йна бир жавонни «Ҳафттияк» безар
Мақтаб, мадрасага эсб ила эвар.

Яна не жавонда шайхлар ҳикмати,
Марварид йиғмакдир Хожя хислати

Салафлар меросин асраб бегубор
Кўзига сурмакни этди ихтиёр.

Яна бир жавонда мўмин халойиқ
Мақоли ўзинга жой олмиш лойиқ.

Доналаб терибди эл аро ани,
Сийму зардан аъло масал махзани.

Яна не жавонда аҳли донишманд
Бебаҳо меросин этмиш аржуманд.

Хоразмий, Беруний, Сино, Улугбек
Илмда алардин йўқдек улуг бек.

Яна бир жавонин қилибди кўркям
Буюк Амир Темур «Тўзукот»и ҳам.

Ноёб мулкка бўлса соҳиб ихтиёр,
Убайдуллоҳ санар ўзин бахтиёр.

Ва лекин ҳамонки, кўнгли тўлмайди,
Ўқиб-ўрганмаса ҳали бўлмайди.

Дўлана қайдадир чиқмаса тоққа,
Мева қайда, ниҳол экмаса боққа.

Ариқ қазимаса — чиқармаса сув,
Дангта боғу роғни ким қилгай орзу.

Хайрли иш қилмай савоб қидирма,
Ё савоб бермасдан жавоб қидирма.

Пойдевор қўймасдан қурма иморат,
Азалу охирдан умр иборат.

Тижорат қилмагил билмай савдони,
Ғалвасиз бошингга солма ғавғони.

Ҳаёту улусдан ўзинг ол таълим,
Ўтмишу ҳозирдир сенга муаллим.

Оғу тутиб, болни ўзгадан кутма,
Синамаган отнинг сиртидан ўтма.

Яхшию ёмон сўз чиқар бир тилдан,
Сўзлашни ўргангин отангу элдан.

Авалло волиданг оқ сўтин оқла,
Фарзандлик қарзинг уз ҳурмату ҳақ-ла.

Китобдан сўз очма кўрмасдан Китоб,
Китоб бу — Қуръони карим, бир оғғотоб!

Улуғлар олдида тийгин тылингни,
Ўзингдан кичикка очма дилингни.

Дономан деб элга бўлма сўзомол,
Нодон деб оғзингга урғайдир дарҳол.

Қадр жавоҳирин асра жон каби,
У умр осмонин порлоқ кавкаби.

Рост турган жойда ҳеч гапирма ёлгон,
Ёлгончи қисмати аччиқ, беомон.

Ҳадисга амал қил бўлсанг қай жойда,
У сенинг ўзингга келтирар фойда.

Болари гул аро кезиб йиғар бол,
Эларо кезиб сен тўшлагин мақол.

Болари болини элга берса гар
Элдан олдин ўзинг сабоқ ол магар.

Эл улуг дарёдир — ирмоқ бул унга,
Юрт қутлуг хонадон — чироқ бул унга.

Ирмоқ зилолидан, чироқ нуридан
Баҳраманд элу юрт қонсин умрингдан.

Фикри равшан бўлиб Убайдуллоҳнинг,
Паноҳидан паноҳ тылаб Оллоҳнинг,

Олий мақсуд этди билим олмакни,
Не билим, эл билан бирга қолмакни.

Боболар изидан юрмак истайди,
Тоғаси синагари илм излайди.

Оламни кезмаклик хаёли унда,
Шайхларин кўрмаклик омоли унда.

Олам танимаган одам танимас,
Одам танимаган олам танимас.

Фикрида одаму олам жамоли,
Не жамол, оламу одам камоли.

Нечун бу дунёга келгай ҳар банда
Емаку ичмакни этмаса қанда?

Меҳнатни ўзига билмаса ҳунар,
Дуч келган эшикда кўзи мунғалар.

Бир ғариб кулбани олмаса қуриб,
Лулидек яшайди элма-эл юриб.

Кўча-кўйда кезар ё дайди итдек,
Ахлатга ташланар охир сарқитдек.

Бемақсад япаса хору зор бўлгай,
Кун келиб, ўзига қўли дор бўлгай.

Ўзидан кейинга қолмаса зурёд,
Тутилган кунинёқ улгай одамзод.

Бир булак ерни ё обод қилмаса,
Бир ғариб кимсани дилшод қилмаса,

Ё дон, сув бермаса бирор жонзотга,
Нечун келгай, ахир, инсон ҳаётга?

Фикрлари чуқур Убайдуллоҳнинг,
Мақсуд биносини қурган дилхоҳнинг.

Олам боғида бир ҳамдам топсам, дер,
Одам дардига бир малҳам топсам, дер.

Соҳиб иршод бўлса, кошки, муслимга,
Соҳиб карам бўлса, кошки, иқлимга.

Боболар изидан юрмак истайди,
Тоғаси синагари илм излайди.

Убайдуллоҳ катта бўлган хонадон
Хавосидан нафас олар Туркистон.

Иқлими бир муътадилки, соф ҳаво;
Не замини, осмони ҳам мусофирю.

Ўзига тортади шайхлар маъноси,
Ҳаёт маъносию ислом даҳоси.

Пирларини истаб келар муридлар,
Дилларига мадад бериб умидлар.

Қийналган саволга жавоб топарлар,
Гуноҳдан чекиниб савоб топарлар.

Дуосин олгани султонлар келар,
Танишу нотаниш инсонлар келар.

Дейдилар: ҳазрати Амир Темури ҳам
Муқаддас даргоҳга қўйганмиш қадам.

Шоҳруҳ ҳам Ҳиротта кетар чоғида
Меҳмон бўлмиш шайх Тахурнинг боғида.

Утрорга утганда султон Улугбек
Шайхлар шухратини кутармиш туғдек.

Пирларини шод этиб Умаршайх мирзо
Ўзи ҳам алардин бўлганмиш ризо.

Хожа Баҳоваддин Нақшбанд ҳазрат
Шайх Умарни йўқлаб келмиш бир фурсат.

Боғистон кўридан узоқмай кўзни
Жаннатда юргандек сезмишлар ўзни.

Алоуддин Аттор билан шайх Довуд
Қуришиб, дилларин айламиш масъуд.

Тошканди дилкашга келмиш Жомий ҳам,
Машойих зотини билиб муҳтарам.

Тошканд азиз ўлмиш шайхлар туфайли,
Ҳар дилда туғилмиш зиёрат майли.

Улуғ зотлар унга ташриф буюриб,
Қувонмиш азизлар дийдорин кўриб.

Шайх Умар, шайх Тахур ёки шайх Довуд
Ҳикматин эшитмак бўлмиш зур мақсуд.

Камолот касб этиб қутлуғ даргоҳда
Валийлик туғилмиш Убайдуллоҳда.

Ажиб ҳодисотни тушида кўриб,
Ҳайратта тушарди саҳарлаб туриб.

Ўнгида қиёфа бўлиб намоён
Қаромат кўрсатиб, қиларди ҳайрон.

Валийлик утдими қондан қонига,
Не қони, ўтдими жондан жонига.

Валийлик меҳри ға Ҳақ инояти,
Мўмин бандига ғ Ҳақ ҳидояти,

Боболар изидан юрмак истайди,
Тоғаси енгари илм излайди.

Самарқанд кўринар унинг кўзига,
«Марҳабо!» дегандек чорлар ўзига.

Маърифат маскани таратиб зиё,
Толиби илмин қилар маҳлиё.

Меҳрибон тоғаси Хожа Иброҳим
Қўлидан не келса — кўради лозим.

Жиянин доимо тутар назарда,
Таҳсил олсин дейди улуг шаҳарда.

Ўзидек курсин дер олий мадраса,
Ниятига етгай ота алқаса.

Мурод белбоғини боғлаб белига,
У қайтди юртига — Тошканд элига.

Машҳур Эгу Темури мадрасасин у
Толиби, илмда қозонди обрў.

Сайид Шариф Журжонийдек ягона
Олим чироғига бўлмиш парвона.

Хожа Алоуддин Аттор билан ҳам
Мусоҳиб бўлиб у, тутди мусаллам.

Баҳс этди Хожагон тариқатидан,
Тариқат тарқатган маърифатидан.

Замонанинг машҳур алломалари,
Самарқанднинг манзур уламолари

Хожа Иброҳимнинг бошин силамиш,
Камоли умрига омад тиламиш.

Ўзидек бўлсин дер Убайдуллоҳни,
Ўзидан ўзини дер Убайдуллоҳни.

Шу важдин, қўл солди қўнлига унинг
Ва бўлди раҳнамо йўлига унинг.

Падари бузурги Хожа Довуд ҳам
Иброҳим фикрини қўллади маҳкам.

Ҳузурига чорлаб Убайдуллоҳни,
Тоғаси билан у кўрсатди роҳни.

«Олгин ўғлим, асло олдирмагин» деб
Дуо қилди икки қўлин кутариб.

Падари дуосин олиб у шодон:
«Ота ўғли бўлгум, — деди, — отажон!»

Юзингизни ерга қаратмам асло,
Менга мадад бўлмай Сиз қилган дуо».

«Баракаллоҳ, ўғлим» деди падари,
Бошидан сочилди дуо гавҳари!

ИЖЖИЖЪЧИ ФАЕЛ

Агар сен саодатга эришмакни истасанг, бу туркистонлик йигит (Хожа Аҳрор) этагини маҳкам туттил. Чунки у замоннинг аъжубаси бўлиб, ундан кўнгина ишлар содир бўлгувсидир. Тез орада жаҳон унинг валийлик нури билан ёришади ва ўлган кўнгуларни ўзининг суҳбатлари шарофати-га тирилтиривсидир.

Сайид Қосим АНВОР

Улуғ Хожа Баҳоваддин шайх Умар Боғистонийни шўхотда мақтар эдилар... Менинг қўлларимни ушлагил (Хожа Аҳрорга), чунки Хожа Баҳоваддин деб эдиларки, Яъқуб, сенинг қўлинг бу менинг қўлимдир. Шундай бўлгач, Сиз Хожа Баҳоваддиннинг қўлларини оласиз.

Яъқуб ЧАРХИЙ

ТЎРТИНЧИ ҲАЙРАТ

1

Самарқанд! Таърифингга қайтдим яна,
Не таъриф, тарихингга қайтдим яна.

«Шуқўҳли карвон»у «Афросиёб»да
Мақтовинг кўргандим сенинг офтобда.

Яна бир сайр этиб шеър бўстонида,
Манзур этдим «Регистон» достонида.

Яна рақам этдим «Кун ва тун»да ҳам,
Бобур мадҳин битиб, руҳланди қалам.

Бугун яна васфинг этдим ихтиёр,
Мени олиб келди «Ҳайратул-Аҳрор».

Шукр қилдим яна жамолинг кўриб,
Истиқлол субҳида аъмолинг кўриб.

Аждодлар нидоси келди мозийдан,
Не мозий, нидоси келди боқийдан.

Ифтихор жушдию боқий нидодан,
Мурувват ахтардим кўҳна дунёдан.

Яна қалам бўлиб мунис ҳамроҳим,
Яна мозий бўлиб қутлуг даргоҳим,

Ахтариб келибман Убайдуллоҳни,
Самарқанд томонга бурибман роҳни.

Илм истаб келди у, шаҳри азим
Кўркидан лол бўлиб, шод этди таъзим.

Ҳайрат босди Регистон майдонида,
Енди ҳавас углари қон-қонида.

Бир айёмки, қалам ожиз васфинга.
Гўё замон қайтган эди аслига.

Самарқанд тахтида Мирзо Улуғбек.
Оламда одил шоҳ йўқдир унингдек.

Адолат ўрнатиб мулки азимда,
Рўйи замин аҳлини кўрди таъзимда.

Темурхон авлоди ичра улуғ бек,
Не улуғ, қадами азиз, қутлуг бек.

Маърифат чироғин ёқиб, нур сочди,
Илм маҳзанидан гўё дур сочди.

Улуснинг меҳрига дили тўлуғ бек,
Бошида кўтарди улусни тўгдек.

Баланд осмон сари ул солиб назар,
Қоронғи самони этди мунаввар.

Қалб кўрини гўёки адади йўқдек,
Қаҳқашон саҳнига сочилмиш чўгдек.

Юлдузлар кўнглига солиб қўлини,
Кўрсатиб бермишдир юрар йўлини.

Олам аро қуриб якто бир расад,
Фан аҳли бошинда жилмайди омад.

«Зижи Курагоний» жадвалин тузиб,
Фалак илмида ул кетмишдир ўзиб.

Ҳамонки, бу расад амалиётда,
Нодир кашфиётдир фалакиётда.

Истиқлол айёми аҳли замона
Улуғбек ҳақинда айтур фасона.

Маърифат тахтида Мирзо Улуғбек,
Аъламул-уламо йўқдир унингдек.

Қайтдим Убайдуллоҳ қошига яна,
Шамъ сари интилган мисли парвона.

Бир айёмки, Улугбек замонида,
Убайдуллоҳ илму фан маконида.

Рўйи замин олимлари булган жамъ,
Мадрасалар аро ёнур минглаб шамъ.

Султонидан Самарқанд кўнгли тўқдек,
Дорус-салтана йўқ, балки, унингдек.

Самарқанд доврўғи оламини тутган,
Руму Ироқ, Хито, Фарангга етган.

Ажамдин Ҳиндгача, Шомдин то Юнон
Самарқанд васфидан ўқийди дoston.

Хуросон-ку, Шоҳруҳ мирзо илкида,
Икки кўзи унинг ўғли мулкида.

Улугбек бошида бўлиб соябон,
Кузатиб туради мисли нигоҳбон.

Убайдуллоҳ бахти кулдими чиндан,
Кишвар паноҳ тонди рўйи заминдан.

Бошлаб келди уни Хожа Иброҳим
Улуғ олимлардан олсин деб таълим.

Мавлоно Қутбиддин садр этиб шод,
Мадраса бағрини қил деди обод.

Гўё бир нияти ушалиб унинг
Бошидан эврилди қувончли кўннинг.

Ҳолидан тоғаси огоҳ доимо,
Не огоҳ, бошида паноҳ доимо.

Қадри баланд экан илм бобида,
Жияни тобланар меҳр тобида.

Мадрасалар унга кўрнар малиҳ:
Улугбек, Фирузшоҳ, Амир Шоҳмалик,

Сароймулк хониму Қутбиддин садр
Эгу Темур каби топгандир қадр.

Фазлуллоҳ Абуллайс хонақоҳи ҳам
Убайдуллоҳ учун қадамжо олам.

Олам аро олам кашф этиб янар,
Олимлар сабоғи бўлар муяссар.

Оламининг оламгир олимлари шод,
Маърифат қасрини эдилар бунёд.

Қозизода Румий — рифзаний, доно,
Муҳаммад Хавофий сингари якто.

Ғиёсиддин Жамшед, Хожа Абуллайс,
Саъиддин Кошғарий элга берур файз.

Саккокний, Бисотий ҳам Қосим Анвор
Улугбек меҳрига бўлмиш сазовор.

Не бахтки, бу юртнинг султони зўрдир,
Зўр олим, зўр шоир унга манзурдир.

Эътибор қилмаса султон Улугбек
Зўр булса-да, бир-бир сунарни чўғдек.

Султонки, хабардор илму назмдан,
Олиму шоирни тияр таъзимдан.

Аммо, ҳурматини келтириб бажо,
Бир-бирин сийламак асл муддао.

Не олиму шоир, жаҳонга номдор
Аҳли ҳунарманд ҳам топди эътибор.

Ҳассос рассомлари моҳир меъморлар,
Қўли гул наққошлар, нозик заркорлар

Самарқанд бағрини қилганди ватан,
Ривож топган эди ҳунар, илму фан.

Кошки, Убайдуллоҳ бўлиб муносиб,
Қилса не, улуглар давраси насиб.

Баҳраманд булсаю суҳбатларидан,
Доналаб дур терса ҳикматларидан.

Парвоз этар орзулар осмонида,
Толё кулиб Улугбек замонида.

II

Шуҳрат тожи Самарқанднинг бошида,
Ҳирот таъзим этар унинг қошида.

Таъзим этар Бухорон шариф ҳам,
Ухшаши йўқ шавкатига таъриф кам.

Уйқусидан уйғотолди Машриқни,
Ўз донгига қаратолди Мағрибни.

Амир Темур қудратидан донгдор у,
Улугбекнинг шуҳратидан шондор у.

Соҳибқирон руҳи унда барҳаёт,
Барҳаётдир токи унда бор ҳаёт.

Ғури Амир товланадир қуёшда,
Замин тахту мақбараси тож бошда.

Маънос ҳислар босиб Убайдуллоҳни
Хомуш бўлиб кезар эиёраттоҳни.

Мозори бошида тиз чўкиб бир он
Рухини хотирлаб ўқиди қуръон.

Оҳиста қўлини тортиб юзига,
Фотиҳа қилиб ул келди ўзига.

Оғир қадам босиб чиқди таниқари,
Рухи парипону эгик бошлари.

Бир лаҳза ўйланиб, қидирди нажот,
Боқсаки, шаҳарда авжида ҳаёт.

Рухи снғил торти ва елди шаҳдам,
Ўткинчи авомга эрганди ҳамдам.

Амир Темур эди кўнглида, аммо,
Ҳаёлин тарк этиб кетмади асво.

Мадрасаи Улутбекка келган он
Толибларга дуч келди у ногахон.

Баҳс бойлашиб, қилмишлар мунозара,
Мунозара эмаским, муҳораба.

Бир муаммо устида бошлари ҳам,
Баҳсга шўнғиди Убайдуллоҳ ҳам.

Тортиша-тортиша топдилар охир,
Асовни жиловлаб чопдилар охир.

Шундан иборатки ушбу муаммо:
Биринчи дарс ўқиган қай уламо?

Мадрасада дарс берган ким энг аввал,
Улутбекми ё Румийми? Этинг ҳал.

Бир Қозизода Румий деса гар,
Мирзо Улутбек деб бири жилмаяр.

Баҳс тўққини чиққанида авжига,
Убайдуллоҳ туш урди баҳс мавжига:

«Аслида гап бундай, суаласам сизга,
Бир назар солайлик мозийимизга.

Регистон майдони машҳур қадимдан,
Одам уялмаган ушбу заминдан.

Машриқу мағрибдан қатнаган карвон
Шу ерда тўхтаган қадимдан буён.

Шод этган Мирзоий карвонсаройи,
Гуё рўйи замин бўлиб чиройи.

Шу ерда учрашган Қашқар, Хуросон,
Ажаму Кашмиру Чину Ҳиндистон.

Шу ерда учрашган миллату элат,
Турли шамойилу турлича хислат.

Шу ерда учрашган аҳли муҳожир,
Олиму ҳунарманд, шоиру тожир.

Мулоқот маркази булган Регистон,
Турли-туман элга тўлган Регистон.

Шундан олампаноҳ Улутбек мирзо
Шу ерда мадраса қилдирган бино.

Тўрт бурчида унинг тўртга дарсхона
Ва тўрт минораю икки оивона.

Қирқ саккиз ҳужрадан бўлиб иборат,
Юксалди шаҳарда олий иморат.

Бу айёмдан неча йиллар муқаддам
Мавлоно Восифий этмишлар рақам.

Вақти-вақти билан Мирзо Улутбек
(Оламда йўқ, балки, меъмор унингдек)

Бохабар булгани иш маромидан,
Меъмору ҳунарманд нек аъмолидан

Регистонга келиб турмиш оқ отда,
Усталар руҳданмиш ҳар мулоқотда.

Оро-торо тоғиб мадраса тамом,
Эрта-индин битай деган бир айём,

Сўнғи маротаба ул зоти шариф
Оқ отга миниб боз буюрмиш ташриф.

Шунда қизиқсиниб гилга беланган
Одамлардан бири ундан сураган:

«Ҳазратим, мадраса битур тез кунда,
Биринчи дарсни ким ўқийди унда?»

«Жамъики фанлардан тўлиқ билюгон
Олимгина ўқир», — деб айтди султон.

Усти-боши юпун, қўл-бети ифлос
Савол берган киши қилган илтимос:

«Ана мутайину бихаза ал-мансаби»¹
(Кошки, боиса унга толмаъ кавкаби).

«Бу киши ким бўлди?» — сураган Султон,
Нотаниш кимсадан қолмасдан ҳайрон.

Мавлоно ҳурматин келтириб лозим,
Деди, таништириб уни мулозим:

«Хавоф шаҳаридан аслида тақсир
Донишманд Муҳаммад Хавофий бўлур.»

Алқисса, ичидан қувониб, шу он
Катта бир издиҳом олдиди Султон,

Қайси соҳасидан бўлмасин фаннинг
Истеъодин синаб кургандир анинг.

Саволлар ётилган фалакиётдан,
Мангик, илми баён, риёзиётдан.

Илми бадеъ, илми фикҳ қолмаган,
Олим эса жавоб бериб толмаган.

Ундан олиб ёрқин ва пухта жавоб,
Улутбек қалбида балқиган оғтоб.

Қаноат юлдузи чақнаб куздан,
Бағоят қувонган унинг суздан.

Ҳаммомга юбориб уша ондаёқ
Янгилатган уст-бошин боиндин-оёқ.

Мадраса зеб тоғиб, келгач хуш айём,
Олимга курсатиб олий эҳтиром,

Чорлаган биринчи дарста ул зотни,
Ки, олам курмаган бу муъжизотни.

Донгдор тўқсон олим ва юздан анёд
Толиби илмдан мадраса обод.

Хавофий дарсига бериб элтибор,
Мукамал билимин қилгани ошкор,

Тайёрланди роса: илмий лугатлар,
Атамалар, муаммолар, ҳикमतлар

¹ Маъмуни: мени уша мансабга лойиқ курсангиз.

Мураккаб усулди қилгани бари,
Назарий илмига бўлиб имтиҳон.

Ким ахир сунглиар биринчи баҳсда,
Ким узин қўрқатмас биринчи дарсда!

Ҳар жиҳатдан баркамол аъломалар,
Эду юртни танитган уламолар

Қошида дарг бермак эмасдир осон,
Олий бахт-узагини қилмак намоён.

Аллома биринчи мударриг бўлиб,
Шуъдай ваъз айтганик (ниқоли кулиб),

Икки улуг эрдан узага бирор кас,
Нима қилсин, унинг дарсин англамас.

Қошида Румий, Мирзо Улугбек
Дарсини тушуниган худди унингдек.

Бу ҳолдан Улугбек гани келмаган,
Хавофийдан таъби хира бўлмаган.

Дардан сунг Румийни тартиб четроққа,
У деган, мавзудан кетмай йироққа:

«Бордию рўй бериб бирор ҳодисот,
Бонимизга тунса яна мушкикот,

Китобларимиздан ажраб қолсак ҳам,
Мен эди қўрқмайман, устоди аълам.

Маълумо Хавофий ёдидан, зеро,
Қўчириб тикламак бўлмас муаммо.

Илм маҳзашидур ул эрнинг бони,
Дилдан жой олимни фуюн қўйни».

Муҳаммад Хавофий — олимни киром,
Биринчи дарг берган, хулласи калом.

Биринчи бўлмаган султон аъзам,
Муҳтар бўлмаган ул Румийга ҳам».

Толиблар эшитиб Убайдуллоҳни,
Унинг сўзидан излар паноҳни.

Ақидан, фикрдан, эриқдан хайрон,
Косики, булжа дерлар олимни даврон.

III

Мадраса хужраси бўлиб макони,
Толиби илмининг қудди имкони.

Илму фан олимни дарсхона унга,
Субҳи шом баҳсламса, баҳсхона унга.

Дарг олиб оламгир аъломалардан,
Билимда теги йўқ уламолардан,

Убайдуллоҳ кезар турфа оламда,
Бир хосият қўриб ҳар бир оламда.

Шаҳарда булжа гар қанча илмгоҳ
Қатнашдан толмади ҳеч Убайдуллоҳ.

Олимлар дарсини жойлаб дилига,
Ҳикматдан эб берди сўз тилига.

Файдуллоҳ Абулхайр хонақоҳида,
Донги элини тутган фан даргоҳида

Унга кулиб боқди яна бир омад,
Меҳрин тортиди бир шайх, шайхки — саромад.

Саъиддин Қошғарий эдилар бул эрт,
Муборак маскани саробахш Ҳирот.

Келиб ул сайқали рўйи заминга,
Саъвор бўлибди меҳру таҳсинга.

Нақибандия тариқатин арбоби,
Олиму аҳли ҳол унинг аҳбоби.

Хонақоҳда қилиб ул истиқомат
Этар маъриф, фиқҳдан истифодат.

Толибларга дарг бериб тариқатдан,
Баҳра тоқсин дер аҳли ҳақиқатдан.

Убайдуллоҳ Шайхнинг меҳрин қозонди,
Сўхбатин олмакка ҳавас уйғонди.

Шайх билан баҳслашиб қолиб узаро
Турли саволларга тошарди чора.

Уш ҳар жабҳада синарди Шайх ҳам,
Мушкил дамда эса буларди ҳамдам.

Хонақоҳ ёндан утайтан он
Бир дўсти тўхтагди уш ногаҳон.

«Хонақоҳда ётур, — деди, — бир бемор,
Бир қўриб чиқайлик, аҳисли почор».

Ичкари кирдилар толиблар дарҳол,
Қараса, бир киши ётибди беҳол.

Саъиддин Қошғарий экан бу одам,
Ҳол сўраб, дардига булдилар маълам.

Озурда жонини хурсанд этдилар,
Кўнглини қўтариб, чиқиб кетдилар.

Убайдуллоҳ эса қолди ёнда,
Қилди у, булжаси, не имконида.

Фарақди сингари қараниб турди,
Кеча ҳам, кундуз ҳам аҳисли сўрди.

Хаста касалига у бўлиб дучор,
Дори-дармон эса қилмас эди кор.

Кўнлар ўтиб, ҳар қалай, шайх тузалди,
Убайдуллоҳ ва лекин ўтиб қолди.

Тифга чалиндию кетди дармони,
Исканжа домда қийналди жони.

Саъиддин Қошғарий эса бир айём,
Ҳол сўроқлаб, унга келтирди пайғом:

«Сайид Қосим Анвор ҳазрати шариф
Самарқанд элига буюрмиш ташриф.

Ул зотни зиёрат айламак юзим,
На фақат шайхдир ул — донгдор бир нозим».

Убайдуллоҳ деди: «Куч-қувватим кам,
Зиёрат этурман албат тузалсам».

Тоғаси ҳалидан бўлиб хабардор
Табиб налаб елди, даво қилди кор.

Тузалиб кетдию бўлиб камдармон,
Таҳсиждан қолди у — кунглида армон.

Тоғаси чекса-да гарчи надомат,
Курсата олмади унга паромат.

Шу йусин тарк этди таҳсини тамом,
Мустақил ўқишни кунгли этди ком.

Аmmo, тарк этмади олимлар баҳсин,
Ҳам олди билгича ҳаётнинг дарсин.

Куп ўқиб-ўрганди ўз майлига хос,
Азия китобларга улгайди ихлос:

«Ал-жомеъ ус-саҳиҳ», «Фусуе ал-ҳикам»,
«Манозили соирин» мисли билдур шамъ.

Фикрини ёритди ва булди марғуб,
«Таакират ул-авлиё», «Кашф ул маҳжуб».

Ҳаким Термизий ва Ибн Жудубий,
Шайх Хованди Таҳур, Имом Ғаззолий.

Камол Хужандий ва Муҳаммад Порсо,
Фаридиддин Аттор булди раҳнамо.

Варақ-варақ ўқиб илми ҳикматин
Англади оламу одам хилқатин.

Олимлар дарс берди, дарс берди ҳаёт,
Одамлар дарс берди — топди қаноат.

Йигитлик айёми — фасли саодат,
Фасли камолоту фасли ҳидоят.

Кимки етмас йигитликнинг қадрига,
Доп беролмас қарилликнинг жабрига.

Бир айём аҳбоби булганида жамъ,
Фикрлар уйини ёритди бир шамъ.

Дустлар ҳайрон қолди ақлига тақрор,
Шуурга нур сочди бир дурри шоҳвор.

Фаридиддин Аттор келиб кўмакка
Байтнини жойлаган эди юракка.

«Дил эи нур гуфтан бимирад дар бадан,
Гарчи гуфторат бувад дурри Адан».

(Сўзларинг гарчи Адан дурри эрур,
Куп гапирсанг гар танда кўнгул улур).

Зероки, шоирнинг ҳикмати барҳақ:
«Куп ўйла, оз сўйла» дейди доно халқ».

Доно халқ сўзига у қилиб амал
Куп сайин фикрига беролди сайқал.

Не бахтки, минг ўйлаб бир сўйлади у,
Валийлар сингари сир сўйлади у.

Мутолаа билан утар кунлари,
Дил мулкни безайди маърифат зарн.

Қуръони Кариму Расулудлоҳнинг
Ҳадислари — ганжи Убайдуллоҳнинг.

Фикҳ ила тасаввуф, назм ва наср
Илимдан қуролди ажойиб қаср.

Бу қасри олийда яшаб муҳтарам
Фазилат аҳлини тутди мукаррам.

Забардаст олимлар билан мулоқот,
Ислои меҳробиди Ҳаққа муножот

Олтин анна бўлиб поя топди у,
Энг буюк шайхлардан соя топди у.

Унга қойил қилиб бир шайхи шаҳар
Ҳазрат Қошгарийга дебди бир сафар:

«Жаноб, айтнинг Хожа Убайдуллоҳга,
Синглимининг қизини олсин никоҳга».

Қошгарий етмакса унга бу гапни,
Убайдуллоҳ зикрин ақл беаъбди:

«Тарк этиб вилоят, маърифаттоҳим,
Қисмат ҳужми ила уагартиб роҳим,

Бу шаҳарга абас елган эмасман,
Кадҳудо булгани келган эмасман.

Фақирнинг мақсади булақдир тамом,
Улуғлар даврасин кунглим этмин ком.

Уламо, аллома жон этса пайванд,
Судбатидан булсам дейман баҳраманд».

Қошгарий лол булди бундай жавобдан,
Ўйланди: ўқиди қайси китобдан?

Бундай жавоб йўқдир бирор китобда,
Ўзгалар роҳатин кузалаган тобда,

Убайдуллоҳ танлабди ўзга йўлни,
Машаққат йўлига урибди қўлни.

Машаққат чекмасанг роҳат қайда,
Юриб келмайди-ку роҳат оғда.

Машаққат даштда тортмасанг азоб,
Насиб қилмаляжак аслида савоб.

Савоб йўли — илм йўли, эзулик,
Савоб йўли — кунгил йўли, эзулик.

Убайдуллоҳ йигитликнинг фаслида,
Илм йўли танлаб олди аслида.

Мутолаа қилди ўзлигига хос,
Ўз йўлига қўйди азал чин ихлос.

Нақибандия тариқати забт этди,
Элни ўйлаб, ўз ҳаётин унутди.

Манойиҳдан налади ири мурид,
Ири мурид налади удан мурид.

IV

Соҳибқирон киншар паноҳ Самарқанд,
Турон ичра олий дартоҳ Самарқанд.

Самарқанд — улуғлар улағайган бешик,
Самарқанд — улуғлар мунгайган бешик.

Мен уша бешикда камолга етдим,
Шеър ҳамандек хайри аъмолга етдим.

Мен уша бешикда Убайдуллоҳни
Бахтли киншиси деб билдим Оллоҳни.

Мен уша бешикда кўрдим Рухсини,
Туронни забт этган зур шукҳунини.

Мен уша бешикда толдим ақлодин,
Бошига кўтарини улуг аждодин.

Мен уша бешикда англадим айи
Печоғлиқ шавкатли мушиди жаҳон.

Мен уша бешикда боқдим мозийга,
Не мозий, мозийдек умри боқийга.

Убайдуллоҳ ақли ичган чашмадан
Баҳра тошиб, боқдим унга ташна ман.

Улуг эллар суҳбатиди кўрдим бот,
Имдод тилаб, етдим яша муножот.

Амир Қосим Анвор ҳазрат билан у
Хужрада мулоқот қилар рубою.

Навқирон йиғиту етмин яшар чол
Ажиб мусоҳибни, хайл булур лол.

Содиқ шоғирд ила устоди аъзам
Суҳбати нуридан мунаввар олам.

Қосим Анвор деди Убайдуллоҳга
Фасоҳат тилини буриб огоҳга:

«Камона ташвинини қилгучи эйла
Подон киншилардур атрофда, номод.

Жоннинг ақбидур алар фақирга,
На чора? Юрминлар биз билан бирга.

Сизга эса ташвини орттирар мудом,
Сизнинг дунбингиз, худласи калом».

Убайдуллоҳ тунар ҳайратта бир дам,
Унинг дуниси-ну то ҳануз мубҳам.

Бундай улуг башоратдан воқиф эот,
Кўриндими унгиди й муъжизот?

Қари билганини нари билмас, дер,
Нима қилсин: осмон узоқ, қаттиқ ер.

Айтгани унгидан келсин илоҳим,
У дондур бир шонр — Убайдуллоҳ ким?

Ким булур? Айтмас ҳали ўзига,
Конкийди, шонсе устоз сузига.

Ташвинини орттирар нега подонлар?
Подонлик қилади нега ишонлар?

Доннинг душмани аслида подон,
Подон борни, доно тоймайди омон.

Доню подондан жаҳон иборат,
Иккиниси сиздирган у бир иморат.

Конки, бу иморат вайрон булмаса,
Доню бор булсаю подон булмаса.

Сайид Қосим Анвор — шоир даврон,
Гоҳ сийлаб, гоҳ уни хўради замон.

Агарчад Табрэдир ота макони
Не элларни кезди умр карвони.

Шоҳруҳ мирю Хиротиди тонди ном,
Шоҳу гадо этди уни эҳтиром.

Ҳали Амир Темур ҳайт чоғиди
Меҳмон булди Соҳибқирон боғиди.

«Амир Темурни кўрини воқеасин байш»
Маснавийси булбди достонларининг достони.

Жаҳонгир шуҳрати шуҳрат бахш этмин,
Назм сарофинга номин шақш этмин.

Амир даҳоятга келтириб таъзим,
Буюк салтанатта булмини мулозим.

Ушанда ҳазрати шайх Қосим Анвор
Самақандда тонмини обрӯ, эътибор.

Жон: ҳиноятни қаламга олесам,
Насрдан кечсаму назмга солсам.

Иқтибос қилсаму маъмуни унинг,
Шаҳодати булсам ўтган бир кўшининг.

Оҳорли суҳлардан кийингизам либос,
Ўзгача янтрағай, балли, иқтибос:

Бир айём Шайх Бурҳон олиб ҳет-қирин,
Кўргани келибди Қосим Анворин.

Ўйда бир кун одам, Қосим бемалол
Кибконилаб, оғзига қаратмини филаҳол.

Шайх Бурҳонга бу ҳол ўрмади асло,
Унга қараб деди недир мудло:

«Бундай элтирсангиз шайх булбон Сиа,
Чуқилиб етгайдур мурисларингиз.

Бунақа элтирини ярашмас сизга,
Ярашмас, жанобим, шайх номингизга».

Элтирмагунча шайх оғзин йиғиб,
Ганидан қолмади шайх Бурҳон ҳа деб.

Унинг шайхга қилган элтирсидан
(Элтироз туфайли эҳтирсидан)

Ранжиди Мир Махдум ва ўзга шайхлар
Ўзгашиди тавҳиддан мураккаб баҳслар.

Унинг гоят мушқил масалалари
Савол бўлиб учди Шайх Бурҳон сари.

У деди, тупроққа беламай зарни:
«Мен билмайман бундай масалаларни.

Аммо биламанки, Сайид боғбонин
Уч кундан сўнг чиқур танидан жони.

Ўзи эса қолмас бир четда бекор,
Фалаж касалига бўлмай гирифтор».

Қўли-да ташқари чинди зардали,
Очиқ айтди гапини, қилмай нардали.

Уч кундан сўнг эса боғбон ўлибди,
Сайид ҳам тўсатдан фалаж бўлибди.

Ўша кунлар иссиқ, ҳаво эди дим.
Соя-салқин жойини наларди ҳар ким.

Бўшаб қолган яхдон деворига у
Суянган чоғида элтибди уйқу.

Уйғониб қараса аҳволи чатоқ,
Шайх Бурҳон валийдек кўриди бироқ.

Унга эътибори ошиб тобора
Кўнглини олмакка қидирди чора.

Самарқанд тарқини қилгунга қадар
Тўхфалар юбориб тургани шайх Анвор.

Ҳикоятни эшитиб Убайдуллоҳ
Ошиқарди кўрмакка уни дилхоҳ.

Бахти кулиб Ҳазрат келди Ҳиротдан,
Убайдуллоҳ қўлиди мушқилотдан.

У билан кўришмак мушарраф бўлиши,
Унга ҳам, ҳар қалай, бир шараф бўлиши.

Мадрасаи Шоҳ Малик обод бугун,
Меҳр уйи меҳрдан бунёд бугун.

V

Улуғбек мирзонинг ҳур пойтахтида
Ҳазрат Сайид Қосим иззат тахтида.

У султон меҳрига бўлиб сазовор
Мадрасаи Шоҳ Маликда ҳужрадор.

Мирзо мурид бўлиши, Сайид эса пир,
Пир ила муридки, илми оламгир.

Унга хос мулозим ҳам тахти равон
Таъйинлаб, мурувват кўрсатди султон.

Надари бузурги Шоҳруҳ мирзо лек
Фитнада айблаб тортибди ҳадик.

Масжиди Жомеънинг улкан майдони,
Намозга келганда Ҳирот султони

Ғанимлари унга суиқасд қилиши,
Сайиднинг қули бор унда деб билмиши.

Чунки машҳур бўлиб ҳур фикрлари
Эли қўзғар эди эркин шеърлари.

У кириб борганди ҳар хонадонга,
Гулгула солганди чўнг Хуросонга.

Шу ваҳҳдин Ҳиротдан қилинди ихром,
Чорасиз мушқилга топилди илож.

Аммо, Самарқандда топди эътибор,
Шоирни аъзаму шайхи бузургвор.

Соҳибқирон сийлаганди у сафар,
Набираси эъозлади бу сафар.

Бахти кулиб, иззат-икром кўрди у,
Паноҳ топиб, ҳаёт завқин сурди у.

Убайдуллоҳ бўлиб унга мусоҳиб,
Шайхнинг сулуқини кўрди муносиб.

«Илмининг баънида», «Саволу жавоб»
Мағзини чақмакни у билди савоб.

«Суфия истилоҳидин юз мақом»
Фикрини банд этди, ҳаёлини ром.

Уни мафтун қилди шоир девони,
Не девон, ҳикмату илмининг кони.

Шайх билан учрашув бўлиб улғу дарс,
Сўхбатин олмакни билар эди фарс.

Дил ваҳҳида уриб манжи эҳтиром,
Шайх Бурҳонин олиб келди бир айём.

Танимади уни шайх Сайид, аммо,
Ҳижолатдан қутқарди у шу асио:

«Ҳазратим, бу кини шайх Бурҳон эрур,
Маҳаллан Хожа Кашифийда турур».

Шайх дарҳол таниди шу гапдан кейин,
Шодлиғидан йиғлаб юборди лекин.

«Қозизода Румий жанобга кўп бор
Хат ёзиб, сўрадим мен такрор-такрор.

Аммо Қозизода (ҳурматим сизда)
Ҳеч нарса ёзмади сиз ҳақингизда.

Мен эса доимо сизни эслардим,
Саломат кўришини жуда истардим.

Худога шукрки, кўришдим дийдор,
Сўхбатингиз этдим яна ихтиёр.

Сиз зоти олийсиз, шайхки — покдомон,
Илтифот боғида сизга нисор жон».

Шайх Бурҳонга кўрсатиб кўп илтифот,
Қосим Анвор топди гўё саодат.

Бир айём Шайх Сайид ва Убайдуллоҳ
Сўлим боғда сўхбат қурдилар дилхоҳ.

«Уғлим, бу замонда ҳақиқий асрор,
Маориф камлигини не сабаби бор?»

Доб сўраб қолдию Убайдуллоҳдан,
Узи жавоб берди унга ногоҳдан:

«Сабаби шундаки, инсондаги хос
Ботиний покликдан қидирар асос.

У — ботиний поклик эса бегумон
Бир ҳалол луқмада бўлур намоён.

Ҳалол луқма камайди бу замонда,
Ботиний поклик ҳам камдир инсонда.

Ботинда, билингни, илоҳий асрор
Ва маориф хира тортмайди зинҳор»

Ҳазрат уйга чўмиб қилди ҳикоя,
Убайдуллоҳ топди ундан зўр голя.

«Қулимда куч-қувват булган замонда,
Фақир яшамадим сира армонда.

Ҳазорбахя дўппи тикардим, кўркам,
Шундан утар эди тирикчилик ҳам.

Қулим фалаж бўлиб қолгандан буён,
Ишга ҳам ярамай қолдим, эй углон.

Отаю бобомдан кўпгина китоб
Мерос қолган эди — гоятда ноёб.

Сотдиму харж қилдим саёҳат учун,
Яшайман уша ҳисобдан бутун».

Убайдуллоҳ ботди тубсиз хаёлга,
Таажжуб қилмади вале бу ҳолга.

Ҳалол ва покиза яшамак аъю,
Беминнат яшамак ундан-да авлю.

Маънавий мусаффо булмаса киши,
Икки дунёда ҳам унглинамас ниши.

Меҳнатдан келгани ҳалолдир азал,
Меҳнатсиз келгани ҳаромдир тугал.

Улуг шайх ҳаёти дарс булғай унга,
Не дарс, умрбод фарз булғай унга.

Яна Шайхи кабир деди бир айём,
Оҳиста сепини ёр эди шом:

«Уғлим, қизиқ экан замона зайли,
На мунча кеккаяр бу Хожа Али?»

Зеро, Хожа Али Чокардизағий
Замона фозили, булса-да закий,

Қўйиб юрар эди узига бино,
Мутакаббир олим, гарчи у доно.

Камтарлик кўйини тарз этгансимон
Олифта юрарди олими даврон.

Дарахт шохи қимирламас шамолсиз,
Камол топмас инсон хайри аъмомсиз.

Хайри аъмол қилиб, булма такаббур;
Такаббур киши ҳеч олмас ташаккур.

Бу — ҳаёт сабоғи Убайдуллоҳга,
Такаббурлик чорлар кишини чоҳга.

Инсон камолига зеб эмас, айб у,
Инсон камолига кўрк эмас, ҳайф у.

Улуг шайх мударрис, илми толиб у,
Гоҳ баҳсада мағлубу гоҳо ғолиб у.

Ўзаро суҳбатда билинар киши,
Не унинг мақсади, недир ташвиши.

Убайдуллоҳ кўнглини билиб олди шайх,
Билган сари унга ҳайрон қолди шайх.

Илгаридан кўриб ҳур истиқболни,
Оллоҳдан тилади унинг иқболни.

Сайид Қосим Анвор кўзида ҳавас,
Убайдуллоҳ, шеърин айтмади абас:

«Эй, ошиқон, эй, ошиқон, ҳангоми он шуд к-аз жаҳон,
Мурғи дилам тайрон кунад болон ҳафтун осмон».

(Эй, ошиқлар, эй, ошиқлар, пайт етди дунёдан абас.
Кўнгил қуши парвоз этар еттинчи осмон узра бас.)

Баланд тутиб Убайдуллоҳ қадрини,
Қосим Анвор бажарар дил амрини.

Суяниб қолдики унга шу қадар
Ўксинарди узоқ кўрмаса агар.

Йиғилганда дўсту ҳаммаслақлари
Унга ёғиларди ҳурматин зари.

Ҳужраси кун сайин бўлиб пойқадам,
Йўқлаб турар эди зумраи маҳрам.

Фатҳуллоҳ Табрзий шу жумладандир,
Унга эътиқодманд пок зумрадандир.

Қосим Анвор билан бўлиб мусоҳиб,
Тасаввуф йўлини кўрмиш муносиб.

Ўзига ноён турли муаммо
Асрорин биларди ундан доимо.

Дилкаш суҳбат кўрмиш пир ила мурид,
Тасаввуф илимда саромад мурийд.

Убайдуллоҳ келиб қолиб шу асно
Қосим Анвор дилин айлади рўшно.

Кўришиб, сурашди улар ҳол-аҳвол,
Фатҳуллоҳ Табрзий танишди дарҳол.

Жўшиб кетди ногоҳ шоир илҳоми,
Гўё янги шеърини келиб пайғоми.

Турфа мавзуларга доир гаройиб,
Ҳикоятлар сўзлаб берди ажойиб.

Қизиқ хангомалар дилин этди ром,
Ешарган кўринди шоири киром.

Убайдуллоҳ тутди жон қулогини,
Табрезий татида сўз қаймогини.

Тўхтатиб бўлмади Қосим Анворни.
Сўхбатга муштарак этди анъорни.

Унга қўмак берди Убайдуллоҳ ҳам,
Сўзида фикрату ҳикмат мужжасам.

Узоқ давом этди ўзаро сўхбат,
Табрезий қўшилди етганда фурсат.

Убайдуллоҳ хурсанд қўзғолди бир найт
Фаридиддин Аттордан келтириб бир байт:

«Чу шаккар меҳури бо гул биёмеъ,
Ки дар таркиб бошад нафъи бисёр».

(Шакар ссанг агар гулга қорингил,
Ки таркибида булғай нафъи бисёр).

Қосим Анвор эса қузатиб қолди,
Қузатиб қолдию оғир тин олди:

«Убайдуллоҳ ташриф буюрса мудом,
Дилшуда чашмадек қайнайдди илҳом.

У кетса, дафъатан тиниб қоладир,
Рўҳини маъюслик қамраб оладир».

Табрезийга қараб деди маънодор:
«Саодатга етмак эсанг ихтиёр,

Этагин тут маҳкам, бу туркистонлиг
Йиғит ниймонида қўдир инсонлик.

У булғайдур замоннинг аъжубаси,
Не замоннинг, инсоннинг аъжубаси.

Қўп ўтмай, валийлик нуридан жаҳон
Мунаввар булғайдур, шод булғай инсон.

Ўзининг сўхбати шарофати-ла,
Қўрсатган мўъжиза, каромати-ла,

Тирилтиргай ўлган қўнғиларни у,
Ўзига қаратгай не элларни у».

Сайид Қосим Анвор сўзларидан лол
Табрезий бошига қўнгандай иқбол,

Яна кўрсам дебон Убайдуллоҳни,
Меҳри соясидан излар паноҳни.

VI

Султон Улугбек оқ отида елиб,
Мадраса олдида тўхтади келиб.

Жиловин ушлади хурсанд мулозим,
Улугбек тикилди унга мулойим.

Аҳволин сўради отидан тушиб,
Мулозим эгилди ҳурмати тошиб.

Амир Шоҳ Малик шод чиқди-да пешвоз,
Эҳтиром тахтида айлади эъвоз.

Меҳрини поёндоз қилиб султонга,
Бошлади ораста ҳужра томонга.

Улугбек амирдан юриб илгари
Ҳужра эшигидан кирди ичкари:

«Ассалому алайкум, ҳазратлари!
Тошилурми сўхбатга фурсатлари?»

Шайх Қосим чехраси ёришиб кетди,
Шодлигидан боши осмонга етди:

«Ва алайкум ассалом, олампаоҳ!
Сиз туфайли ҳужрамиз олий даргоҳ.

Бош устига, келинг, жонимиз нисор».
Шайх билан Улугбек қўришди дийдор.

Шайхнинг ҳузурда Хожамиз бўлиб,
Қимтинар қомати таъзимга келиб.

Улугбек у билан қуюқ сўради
(Келажакнинг буюк зоти учради).

Деди, солиб унга диққат назарин:
«Танимадим бу йиғитни, ҳазратим?»

Шайх деди: «Фикрида илим мўъжизот,
Хожа Убайдуллоҳ ал-Шоший бул зот.

Фақирга мусоҳиб — қизиқини зўр,
Тасаввуф оламини кўрмишдур манзўр.

Улуғ боболари Шайх Умар Валий,
Шайх Хованди Таҳур — шайхларни, закний.

Илим истаб, нир излаб маон тузмишдур,
Машойих қўдириб эли кезмишдур.

Самарқандга фақир келгандин буён
Хожадек толмадим дилкаш бир инсон.

Шому саҳар бўлиши ҳолимдан огоҳ,
Хизматин аямас бул Убайдуллоҳ.

Илтифот кўрсатмиш анга шайх Бурҳон,
Фазлуллоҳ Абулайс фидо этмиш жон.

Ўғлим деб, ўғлимдин зиёд кўрурмен,
Анинг иқбол боғин обод кўрурмен.

Валийлик хислати анга берур зеб,
Оллоҳ ҳам сийлагай валий бандам деб».

Гарчи ун ёш улуг ундан Улугбек,
Кўрмаган сингари инсон унингдек,

Ҳайрат кўзи ногоҳ қувониб кетди,
Шайхи кабир сўзин тагига етди.

Ўлтириб, бемалол сўхбат туздилар,
Кишилик боғидан гуллар уздилар.

Убайдуллоҳ эса шайх мадҳидин лол,
Хижолатлик уйда ошўфта ҳол.

Тоғ каби босадир султон савлати,
Не савлат, илмда султон давлати.

Ахир, у — Улугбек ўз номи билан,
Оламда тенги йўқ, ўз шони билан.

Султонга мусоҳиб бўлмак улуг бахт.
Меҳрига муносиб бўлмак қутлуг бахт.

Бахтдир буюк олим қилса наззора.
Расадда дарсини эшитса зора.

Хуб эди аждодин Шайх айтмаса гар,
Зимзиё бўлмасди, балки, мунаввар.

Шайх қайдин эшитди, ким этди ошкор,
Ўзи-ку сир тутди, не қилмак даркор?

Ўйлаб боши қотди — булди бўлгани,
Ноқулай бўлди-да султон билгани.

Боболари билан қилса-да фахр,
Истифода этмак нолозим, ахир.

Ўз йўлини ўзи топмак истади,
Йуллар куп — энг тўғри йўлни излайди.

Убайдуллоҳ таърифини эшитиб,
Не таърифи, тарихини эшитиб,

Султон кўзларида кўринди ҳавас,
Шайхнинг сўзларига булди ҳамнафас:

«Огоҳмен, Тошкандда азиз хонадон
Эътиборга лойиқ қадимдин буён.

Умар Боғистоний, Хованди Таҳур
Шайхларки, Туркистон элида машҳур.

Азиз сулолага экансиз мансуб,
Аларнинг ҳурмати этгаймен марғуб.

Покзод фарзанд асло нопок иш қилмас,
Нокаслар мажлисин кўзига илмас.

Кимки илм истар — улус қилмас кам,
Жаҳолат дағида кўзини этмас нам.

Илм йўли равои эмас, паст-баланд,
Муродга етадур жон қилса пайванд.

Илми нуҷум, фиқҳ ҳам риязиёт
Йўлинда чекурсен қанча риязат.

Илми бадеъ, мағиқ ҳам илми баён,
Илми муҳандисдек чеки йўқ жаҳон.

Илми ислум, шарҳи Қуръон ҳам ҳадис
Йўлинда барча зот бўлмас мударрис.

Илмининг улуги — илми халойиқ,
Ким ани ўрганса, ҳурматта лойиқ.

Бир олим билюлмас эл билганини,
Бир олим қилюлмас эл қилганини.

Улус дил наҳридин дур терган нисон
Давлати олдиде не ганжи жаҳон.

Одам истиқлоли илмдин азал,
Олам истиқболи илмдин азал,

Илмдин одаму олам иқболи,
Илмдин тоғлидур ҳаётнинг боли.

Жаноб Убайдуллоҳ аҳд қилса киши,
Анга завқ бағишлар дунё ташвиши.

Одам забт этмаган жабҳа йўқ бирор,
Аҳд айлар кишини далер, улугвор,

Белга маҳкам боғланг аҳд камарини,
Дилга чирой айланг аҳд зеварини.

Шаббооб айёмин ким ўтказар бекор,
Қариган чоғида бўлғай хору зор».

Убайдуллоҳ эгди қултуқ бошини,
Тоғдек баланд айлаб умид чошини.

Султонга дилидан айтиб ташаккур,
Фалакиёт илмин қилди тафаккур:

«Султон ҳазратлари, маъзур тутгайсиз,
Расадни оламга манзур этгайсиз.

Кўҳақда қурилмиш олий иморат
Буюк заковатдин қилур башорат.

Ўзимни унутдим этиб томоша,
Эл келмиш кўргани тоғу тош она.

Уч ошёналиг бул қасри мумтозда
Олиму уламо тахти эъозда.

Дурбийдин фалакка тикдим кўзимни,
Не кўзим, фалакда ссадим ўзимни.

Юлдузлар кўринди кўзимга ошно,
Этиб туққиз ошён осмонни рўшно.

Ҳайратдин ушладим, нетай, яқони,
Сайрибоғ этгандек булдим фазони.

Расадда зур зако мужассам бўлмиш,
Олам олимлари анда жаъм бўлмиш.

«Зижи Кўрагоний» олмиш ақлимни,
Не ақлим, забт этмиш бутун қалбимни.

Осмон паст кўринди кўзимга менинг,
Юлдузлар кирдилар сўзимга менинг.

Ўзига чорламини арши муалло,
Арши аъзам эли кўринди аъло.

Кўзатдим фалакнинг ҳодисотини,
Худойим яратган мўъжизотини.

Қуллуқлар келтириб фақир Оллоҳга,
Омадлар тиладим Оламанноҳга».

Мамнуният билан тинглаб Улугбек,
Уш бир валийга тенглаб улуг бек,

Узоқ сўхбатлашди — кўнглини билди,
Не билди, кўнглига меҳри тўкилди.

Тасаввуф ҳақида сўзлашди дилтоҳ,
Аҳли мусоҳибини қўлади илоҳ.

Не имдод эгай деб сурганда султон,
Убайдуллоҳ унга келтирди иймон.

Шайх Қосим даставвал Олампаноҳни,
Сунгра дуо қилди Убайдуллоҳни.

Пирим, дуойингиз ижобат дебон
«Омин» қилиб, мамнун қўзғолди султон.

Ҳозирунлар чиқди уни кузатиб,
Қолдилар Қўрсарой томон узатиб.

Оқ отин елдириб султон Улугбек
Регистон қонишдан утар, қутлуг бек.

VII

Боғи дилкушода жавзо авжида,
Саратон жилваси унинг мавжида.

Баҳор даврон суриб тушмакда тахтдан,
Ёз тахтта интилиб жилмаяр бахтдан.

Фасллар шоҳлардек талашмасдан тож,
Бири кияр, бири кўрсатар минҳож.

Қай фасл заминда қурса салтанат,
Ҳавосидан нафас олар мамлакат.

Баҳорни узатиб Боғи дилкушо
Гўёни деманда ёзга: «Марҳаб!»

Хуш айём: тут пишган, гилос қизарган,
Қулупнай етилган, урик бузарган.

Боғ аро гулзорлар чаман очилган,
Анбари сородек бўйи сочилган.

Димоғни маст этиб, яйратар жонни,
Чиройли кўрсатар кўзга жаҳонни.

Булбуллар уқийди гул китобини,
Қушиққа солади дил хитобини.

Товуслар хиромон кезар арзанда,
Гулзорни ҳусни-ла этиб шарманда.

Оромбахш эсадир Қўҳан сабоси,
Майин қанотида Қўҳан навоси.

Боғ аро юксалган қасри муҳташам,
Офтоб яна унга бермакда ҳашам.

Қасрга бағишлар яна кўри, виқор;
Аҳли расад, аҳли ҳол, аҳли кинбор.

Алқисса, Самарқанд улуглари жамъ,
Улуглар қатори Убайдуллоҳ ҳам.

Турда ултирибди юртнинг султони,
Шуурин забт этган нужум макони.

Қозизода Румий — устод мунажжим,
Султоннинг ёнида ҳайл сураар жим.

Муҳаммад Хавофий — қомус ул-аълам,
Улуглар ичинда улуг, мукаррам.

Ғиёсиддин Жамшед — риёзий, якто,
Фикрини банд этган муҳим муаммо.

Али Қўшчи султон зикридин ҳайрон,
Бошини қамраган юлдузли осмон.

Савкокий уйланар — шоири киром
Бир қасида битмиш, банди илҳом.

Ёнида Бисотий — назмининг қули,
Салтанат чаманин хушхон булбули.

Амир Сайид Қосим Анвор бир ёнда,
Ғаввос каби сузар назмий уммонда.

Саъдийдин Қошғарий — аҳли тариқат,
Тариқат йўлинда илар ҳақиқат.

Фазлуллоҳ Абуллайс — фиқҳ илминда
Донг таратган ул Самарқанд элинда.

Хожа Алоуддин Аттор — Нақибанд
Таълимотин этган жонига пайванд.

Қутбиддин садрки, илмпаноҳ зот,
Толибул-илмга устод ва нажот.

Амир Шоҳ Маликдан хурсанд султон ҳам,
Маърифат йўлида алда мунаррам.

Фатхулло Табрэзий — покдомон, покррой,
Сулук мажлисига бағишлар чирой.

Хожа Иброҳим ал-Шоший топди ном,
Аҳли илм аро иззату киром.

Кириб қолганидан бу анжуманга,
Убайдуллоҳ хурсанд, келиб жаҳонга.

Улуглар таърифин қилсам мухтасар,
Қуришмай қолмагай зар ичинда зар.

Зар ҳамиша зарким — қўндирмас губор,
Зар қадрини билур заргар ва зарпор.

Зар ичинда зардир Убайдуллоҳ ҳам,
Зурафо кўрмагай узларидин кам.

Не бахтким, улуглар давраси насиб,
Муяссар бўлибди суҳбати ажиб.

Бошлари банд бир муаммо устида,
Муаммони ушбу дунё устида.

Инки тараф уртасида баҳе мудом,
Баҳсени, азал-охир булғай бардавом.

Доно билан нодон баҳседир бул баҳе,
Гарчи бир-бирига фикридир билъакс.

Нечун нодон келгай донодин баланд?
Нечун ташлар унинг бўйнига каманд?

Нодон нодон эмас сиз уйлагандай,
Лодон одам дебон сиз суйлагандай.

У шундай кимсаки, тулкидан айёр,
Қашқирдан ёвузу қўйдек беозор.

Шароитга қараб туги ўзгарар,
Бир куннинг узиди киз бор турланар.

Донлар узини ўнгласа араб,
Подонлар азалдан устаси фараб.

Устаси фарабни, ҳар қандай доно
Одамга чап бериб кетар шу асно.

Устаси фарабни, келса ўзига,
Ҳеч нарса кўринмас унинг қўлига.

Устаси фарабни, буқаламундек,
Тегирмон тошида янчиламак уйдек.

Устаси фарабни, у сувдан қуруқ,
Ўтдан омон чиқар, ҳеч чораси йуқ.

Устаси фарабни, кулиб юзига,
Қайрилган заҳотинг тулар изига.

Устаси фарабни, одил шохлар ҳам
Балиқдек турнга илтибар ҳар дам.

Турдан чиқмай, айтгани қилур,
Уни ўзига энг яқин дўст билур.

Емон кўрсатибон яхинини шохга,
Етаклабди уни билдирмай чоғга.

Тамға нардаси-ла бослаб қўзини,
Шоҳ қилиб кўрсатар элга ўзини.

Мансабга мислириб ўз одамини,
Қузатиб боради шоҳ қўдамини.

Шоҳнинг фармонини қилдим деб ижро,
Адо этмай, унга боради жаҳо.

Шоҳга бўлатмасдан аҳли донони,
Унинг қўлига қуяр итёни.

Итёнга ишониб амр этса шоҳ,
Фитна уясига айланар борғоҳ.

Шоҳнинг боши чиқмай фиёку фужурдан,
Унлади унинг оёғи ордан.

Улуғнинг ҳолидан огоҳ бўлмай шоҳ,
Ўздан айри тушиб қолади ногоҳ.

Амал кўрсенга чиқса подонлар,
Дано шохни подон дегар итёонлар.

Шоҳ улким, донолар бўлса савдоши,
Шуурни ғритга ақа қўшини.

Шоҳ улким, сарофи бўлса оқолини,
Мулоким покликни этса намолини.

Шоҳ улким, яхшилар бўлса қардоши,
Зағулик уйдан чиқмаса боши.

Шоҳ улким, ироқда тутса подонни,
Подондан сақласа аҳли замонни.

Шоҳ улким, ҳуш кўрмай аҳли итёни,
Жазосини берса аҳли яғмони.

Шоҳ улким, устаси фарабга асло
Сарофи дононинг қўлига ошно.

Шоҳ улким, фарқласа доно, подонни,
Англаса, тамағир аҳли донони,

Шоҳ улким, узидан бўлмаса гоҳил,
Ғафлатда қўлмаса андин юрту эл.

Шоҳ улким, ним бўлса унинг ўнг қўли,
Ўз қўли бўлмаса ўнг қўлини қўли.

Шоҳ улким, дўст бўлса аҳли хуномад,
Қўлимдан кетди деб ўйласа омад.

Шоҳ улким, билса ул дўсту душманни,
Қўюндек босмаса зоглар гулшанни.

Шоҳ улким, зурафо аҳли қўлласа,
Улуғни илму фан сари бўлласа.

Ақригса, шоҳ улким, сийлаб донони,
Сарофдан узоқда тутса подонни.

Султон Улуғбекни одил шох дебон
Анжуман аҳли бек келтирди иймон.

Убайдуллоҳ олиб ўзига бир дарс,
Али адо этмак бўлди қарзу фара.

БЕНИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Саъиддин Қонғарий ва Қасим Анвар
Самарқандда тошиб юксак элтибор.

Хиротга қайтдилар, Улуғбек мирзо
Меҳридан бир умр бўлишиб ризо.

Дилларини ўртаб ҳажру армонлар
Ўзатиб қолдилар дўсту ёронлар.

Хайрланиб қолди Убайдуллоҳ ҳам,
Соҳиб нарамларга кўрсатиб нарам.

Аммо, юрагига бермай оқолини
Садоқат ҳислари қилди намолини.

Печа кун келмасдан юрди ўзига,
Ғароиб кўрибди Хирот қўзига.

Обрўсин кутарди унинг Самарқанд,
Сийлади ардоқли фарзанди монанд.

Конгабди билими ва тасаввури,
Шуурни ғритди илму фан нури.

Зурафо меҳридан бўлиб баҳраманд,
Тасаввуф боғида қолди орқуманд.

Удуғ олимларининг тушиб назари,
Дил уйни бевади маърифат зари.

Ўзига ҳис ҳурмат ва қозонди ном,
Султон ҳам кўрсатди унга эҳтиром.

Самарқанд муҳити қилса-да иззат,
Дунёни кезмакка туғилди рағбат.

Ҳиротга бормакка ҳавас қузғолди,
Сафар тадорикки ҳаёлини олди.

Чунки Самарқанд-ла баҳслашиб Ҳирот,
Машриқи оламда қозонарди от.

Унда Шохруҳ мирзо бўлиб ҳукмрон,
Шуҳрат топар эди мулки Хуросон.

Раҳнамолиғ қилиб Улугбекка ҳам
Надари бузургвор берарди ёрдам.

Убайдуллоҳ Ҳирот йулига тушди,
Азиз зотлар меҳри кўнглида жушди.

Ва лекин хожагон тариқатин бир
Мухлис, борманг, деб кўрсатди таъсир.

Чунки борганига бўлиб пушаймон,
Саъдиддин Қошғарий чекармиш фиғон.

Убайдуллоҳ қайтмагач ўз аҳдидан,
Мухлис кечиб йўздан уриш шаҳидан.

Деди: «Йўқса, Сиадан шуки илтимос,
Шайх Умарга унда қўйингиз ихлос.

Мен шайхни кўрганман, хоксор киши,
Тариқатимиздир анинг ташвиши.

Куп фойда олгайсиз ундай инсондан,
Баҳраманд бўлингиз ул хонадондан».

Шундай қилиб, отланди у Ҳиротга,
Сафар анжомини юклади отга.

Самарқандга хайр дебон қузғолди,
Бухоро томонга қараб йўл олди.

Пирмаста у меҳмон бўлди бир оқшом,
Шайх Сирожиддин шод айлади икром.

Дилкаш суҳбатлашди улар ўзаро,
Тариқат бахш этди дилларга оро.

Абдуҳолиқ Гиждувоний ёдланди,
Ҳожа Баҳоваддин руҳи шодланди.

Эрталаб Бухоро қайдасан дебон
Йўлга тушди Убайдуллоҳ бегумон.

Не қишлоқ, даҳани ул босиб ўтди,
Туман, қасабани йўл босиб ўтди.

Йўлида дуч келди шинос, ношинос,
Барчада уйғотди ўзига ихлос.

Наҳри Қўҳан уни бирга узатди,
Самарқанддан то Бухоро кузатди.

Ҳар кишида бир фазилат кўрди у,
Қийин кунда киши ҳолини сўрди у.

Имдод этди келса агар қўлидан,
Тўсиқ бўлса, олиб қўйди йўлидан.

Оч қолганда баҳам кўрди нонини,
Дард чанг солса, қалқон қилди жонини.

Хафа бўлса, уксик кўнглини кўтарди,
Азоб чекса, кўнглини гамдан қўтқарди.

Суҳбатда ёндошди бамаъни бўлса,
Ёнига келмади бемаъни бўлса.

Яхшилар эргашди унга сафарда,
Қолдирмас бизни деб гаму кадарда.

Кўнглини шод этди Бухоро саси,
Мавлоно Муборак шох мадрасаси

Ҳужраси Хожанинғ бўлди манзили,
Азизлар суҳбатин қўмсади дили.

Улуг бобоси Шайх Хованди Тахур
Бухоро элида эдилар машҳур.

Ул зотнинг мухлиси бу юртда бисёр,
Авлодин ҳурматта этмиш сазовор.

Мавлоно Ҳамидиддин қилмиш карам,
Ҳожа Алюддин Гиждувоний ҳам

Марҳамат кўрсатиб сийлади ани,
Кун сайин бойиди суҳбат маҳзани.

Ҳожагон сулукин қилиб бардавом,
Азиз зотлар кўрди эздан эҳтиром.

Губор қўндирмасдан ул тариқатта,
Риоя эдилар бор ҳақиқатта.

Яна бир карра мен айлай муқаррар,
Не бўлса кўргайдир банди муқаддар.

Ҳожа Баҳоваддин ҳазрати олий
Меҳрини қозонган шайх Умар валий

Энг улуг бобоси Убайдуллоҳнинг,
Севиқли бандаси эрур Оллоҳнинг.

Боболар изидан юрмиш набира,
Ўзининг аждодин унутмас сира.

Уларнинг қадами теккан азиз ер
Умрбод уни ҳам ўз фарзандим дер.

Нақшбанд мазорин зиёрат этиб,
Гиждувоний руҳин бошида тутиб.

Азизлар хокини сурди қўзига,
Итоат айлади улар сўзига.

Ворислик бурчига юқтирмасдан гард
Меросин эъзолаб кезди жувонмард.

Ҳожа Алюддин меҳр қўйиб хос
Нодир хислатига излади қиёс.

Олий фазилатлар соҳибин куриб,
Неча кун дилосо суҳбатлар куриб.

«Етук зот» деб уни каромат қилди,
У билан булмакни саодат билди.

Алқисса, у Бухорон шарифда,
Яхши ном қолдирди аҳли зарифда.

Қашф этиб ўзига хос бир одам,
Одам аро қашф этиб янги одам.

Таҳсинлар ёғдириб дуст-биродарга,
Тарки шаҳар айлаб чиқди сафарга.

11

Хожа Убайдуллоҳ йўлга тушди бот,
Умидвор қўзлаган манзили Ҳирот.

Қумликда йўқолди наҳри Қўҳак ҳам,
«Сафаринг беҳатар бўлсин» деб хуррам.

Издан термулиб қолди қишлоқлар,
Оқ фотиҳа берди яқин-йироқлар.

Ўқиб қараб қолди Қўҳак водийси,
«Ой бориб омон қайт» деди мазийси.

Қишлоқда эва қизғин қумликлар,
Ҳар қалай қилмади унга шумликлар.

Ўғлидай қузатди Чули малик ҳам,
Хоразм мулкига қўйилди қадам.

Жайхун — минилмаган бир асов тушор,
Эгар урқолмаган тўғи бир девкор.

Тошиб, ҳамла қилар қирғоқларига,
Таҳдид солар яқин қишлоқларига.

Лойқага беланган тушорининг боши,
Мавжисда кўринмас жанжо кўбини.

Соҳили тўқайзор кета-кетгунча,
Тўқайзор ораслар оёқ етгунча.

Шикорбон дейдилар тўқайзорини,
Тўқайга берганмиш Жайхун борини.

Дафт аро яратиб Урганж, Марини,
Меъмори боғларга экинчи сарини.

Боғлигин аймай султон у шоҳлар
Бунёд қилишибди олий даргоҳлар.

Убайдуллоҳ ҳавас билан тикилмиш,
Жайхун мавжларидай меҳри тўкилмиш.

Зиёрат қилиб ул азиз жойларни,
Арвоҳини этмиш шод покройларни.

Урганж бозорида бир кўнги одам,
Кучиб келган каби жумлан одам.

Убайдуллоҳ кўриб не элини унда,
Ўзи ҳам оқди боз авом тўқинида.

Марв эва Урганждан қолишмас асю,
Улуси бошида минг бир муаммо.

Шакси-шамойили, тили ҳам ажиб,
Зоҳиру ботини — дили ҳам ажиб.

Яна Убайдуллоҳ булди рабона,
Саман тушорига жони парвона.

Омон бўлса агар унинг оёғи,
Тошга урилмаган ногоҳ тўғи,

Эсон-омон этиб олғай Ҳиротга,
Ўшанда дам бергай, албатта, отга.

Бир зотга дуч келди сафар чоғида
Ва сайр этдилар суҳбат боғида.

Асли хоразмлин Хожа Мусофир,
Ёши улуг бўлиб, суҳбати подир.

Кўп нарса утганди бошидан унинг,
Тирик шохид эди ёшидан унинг.

Бир ажиб фасона сўзлаб берди у,
Дилида не бўлса тўқиб кўрди у:

«Хожа Баҳовуддин Нақибанд ҳазрат,
Ҳайъдан ҳеч қачон қилмасди ҳазрат.

Анинг суҳбатиди булганман кўп бор,
Ҳеч бир масалада чиқмасди ниқор.

Ақд ҳукми ила тонарди яқун,
Сўзини бозарди ҳикмат ва мазмун.

Фақирнинг кўнгу рақста нисбатан
Ҳавасига барча берар эди тан.

Ёшликдан ҳаваси ситғиб қонимга,
Тинчлик бермас эди жисми жонимга.

Ҳазрат ҳузуриди фақир бир айём,
Нафосат мажлисини кўнгли этиб ном.

Чолгу исбобларини келтириб илдам,
Хонанда, сөзанда аҳли эрдик жамъ.

Хожа нима деркан ташвини, аммо,
Барча хайлида булди муаммо.

Сўзминани Ҳазрат қолдирмай ерда
Мажлисида иштирок этдилар бирга.

Ўйини кўшиқни этмадилар манъ,
Бир сўзни дедилар фақат дафъатан:

«Инок намекунем ва ин кор намекунем»,¹
«Ин кор намекунад, мо инкор мекунем»,²

Демади бир нимса, нечуним Ҳазрат,
«Ўйини кўшиқда бердилар руҳсат».

Убайдуллоҳ ўйга ботди дафъатан,
Ҳазрат улуглигин яна олиб тан.

Чулки нақибандия тариқати хос
Ҳайт русумига қилмай эътироз,

Эътироз этганин қилмиш намойиш,
Инсон камалига бериб оройиш.

¹ Инок қилмаймиз, аммо, бу ишни қилмаймиз.

² Бу ишни қилмаймиз, аммо биз инкор қиламиз.

Унга манзур булди ушбу фасона,
Қизиқ афсоналар эшитди яна.

Қунглидан жой олмиш Хожа Мусофир,
Хайрланди, оқ йўл тилаб, муфтахир.

Сидқидилдан уни айлаб мухтарам,
Омонлик тилади Убайдуллоҳ ҳам.

Работда дам олиб, босиб чарчоғин,
Яна узангига қўйди оёғин.

III

Саратон заминга қўйдию қадам,
Ўзгарди иқлиму замин ҳусни ҳам.

Заъфарон тус олди қирлар жамоли,
Армон бўлиб қолди кўклам шамоли.

Сарғая бошлади бугдойзор дала,
Бошоқлар етилди қилиб ҳафсала.

Бедазорга урди бедана ўзин,
Мўлтираб, оқтобдан яширди кўзин.

Тўрғайнинг навоси авжига чиқди,
Сароб далаларнинг мавжига чиқди.

Мевазор боғларда баракаю қут,
Табиат қўйнидан йўқолган сукут.

Ҳаёт қайнаб ётар борлиқ оламда,
Ҳаёт илинжини кўриб одамда.

Чумолидан инсон зотига қадар
Ташвиш божорида мисли савдогар.

Йўлларда толиқмас карвонлар қатнар,
Шаҳардан шаҳарга эб-зевар элтар.

Энақлиғ, туюлиғ, отлиғ сайёҳлар
Қимирлаб қир ошар, ошар даргоҳлар.

Қиншоқлар, шаҳарлар орқада қолур,
Шомлару шаҳарлар бағрига олур.

Одам биллинади дерлар сафарда,
Одам боласи ул бўлса агарда.

Убайдуллоҳ ҳам кўп одамни кўрди,
Кўп ҳолини сўради, кўп суҳбат кўрди.

Яхшига ёндошди, қочди ёмондан,
Донини ажратиб олди сомондан.

Элу юртлар кўриб кўзи нишинди,
Мусофирлик муслим қилар кишини.

Йўл юрди — мўл юрди, чекди азият,
Уни синаб кўрди турли вазият.

Ўз йўлини, аммо, тополмас ҳамон,
Олисми, яқинми — унга дарғумон.

Қайда у? Биларми Ҳирот ё Тошканд?
Ё уни сийларми яна Самарқанд?

Тақдир китобига нима ёзилган?
Нимадир Сарахсга етаклаб келган?

Тоғлар оғушида кўринар Ҳирот,
Ё ваъда этарми сийму зар Ҳирот?

Туронга тарқалиб Ҳирот довруғи,
Баланд кўтарилди шуҳратини туғи.

Маҳлиё қилдими Ҳирот шавкати?
Ё Шоҳруҳ мирзонинг буюк давлати?

Саъдийдин Қошғарий ё Қосим Анвор
Даҳоси чорлади, ким этар ошкор?

Нима ваъда этар Хуросон унга?
Ёт элда қийинми ё осон унга?

Осонни қидирмас, кўрқмас мушкилдан,
Орқасига, аммо, қайтмайди йўлдан.

Олдинга нигилар нима бўлса ҳам,
Қийинчилик бошини этолмайди ҳам.

Ҳаёт бўстонидан омад излайди,
Личиқ-чучуғини кўрмак истайди.

Пири муринд излар ўзига лойиқ,
Яҳон айвонидан излар ҳақойиқ.

Тасаввуф мулкнинг алломалари,
Тариқат аҳлининг уламолари

Суҳбатидан баҳра олмак истайди,
Сўнг отин майдонга солмак истайди.

Ҳиротга яқинлаб қолган бир айём,
Чилдухтарон работида бир одам

Убайдуллоҳ билан бўлиб мусоҳиб,
Маслаҳат бермакни кўрди муносиб.

Дилбар шаҳс эканки, дилида не бор,
Дилхоҳлик боғида айлади онкор:

«Ҳирийда машойих бордирки, донддор,
Лвондек яшайдур ҳақир ва хоксор.

Аммо, тасаввуфда энг билимдон зот
Ҳўлгуғавда сокин кечирад ҳаёт.

Ул мавзе бу яқин-атрофда машхур,
Лидин таралгуси мавзиларга нур.

Ҳазрат Хожа Баҳоваддин Нақибанд
Халифаси тасаввуфда сарбаланд.

Ул мавлоно Ўғрўб Чархий — азиз зот,
Фасоҳатда беназиру лавиз зот.

Суҳбатидан баҳраманд бўлса киши,
Унутилар бу дунёнинг ташвиши.

Фақир эса азиз зотнинг муриди,
Азиз зотдир фақир пири муринди.

Барча мардум йўқлаб келур ул зотни,
Енгил қилур ҳал бўлмас мушкилотни.

Зийрат эгалар ани хўб бўлур,
Мавлоно сизга ҳам хўб марғуб бўлур».

Убайдуллоҳ қалбига тунди тунчи,
Бориб кўрмак ани лек бўлди армон.

Чунки Хирот яқин эди, у узоқ,
Мақсадидан қайтиб бўлмади бироқ.

Хулғутавни туниб қўйиб дилига,
Ингишиб, тунди ул Хирот йўлига.

Аҳд кишиси қайтмади ўз аҳдидан,
Не бўлса ҳам тушмади ўз шахдидан.

Шаҳд билан қўйди ул Хирот томон от,
Кўзига кўринди шаҳри мўъжизот.

Боғ ошиб, тоғ ошиб, ошиб дашту қир,
Убайдуллоҳ етди Хиротга охир.

I V

Икки тоғ бағрида муаззам Хирот,
Хуросон мулкида мукаррам Хирот.

Кўҳи Сафид деса бирини авом,
Кўҳи Ситёх дебон бири олган ном.

Тоғларга тирманиб ётибди боғлар,
Боғларни қучоқлаб ётибди тоғлар.

Тоғларнинг бошида қуёш ва само,
Замин ҳаётига гуё раҳнамо.

Ҳирируд бўйида оромбахш шаҳар
Болишдан бошини кутарар саҳар.

Мадрасалар қошида миноралар,
Миноралар пойида бечоралар.

Расталар ораста, дўконлар гавжум,
Бозор чиройида ўзга табассум.

Ошиғи олчидир аҳли тожирнинг,
Турмуши харобдир лек муҳожирнинг.

Кўчаларда улус башангу юпун,
Бириси хурраму бириси нигун.

Олий иморатлар бир ёнда қатор,
Хароб иморатлар бир ёнда афгор.

Султон Шоҳруҳ мирзо Хиротидир бу,
Бир ёнда йиғио бир ёнда кулгу.

Хожа Убайдуллоҳ туриб саҳарда,
Бомдодни ўқигач, кезар шаҳарда.

Маҳлиё кўзлари ҳайратта тўлгин,
Гоҳ яшнаб боқади, гоҳида сўлгин.

Кўркем қасрлардан қилса ифтихор,
Ночор кулбалардан чекади озор.

Зоҳиру ботини бўлса мусаффо,
Башангми, юпунми кўнгилга сафо.

Зоҳир поку ботини понок бўлса гар,
Бандаси дунёда турланиб яшар.

Ботини поку зоҳир понок бўлса гар
Бандаси дунёни ҳайратта солар.

Алқисса, ботини зоҳир бўлса бир,
Одам билан олам қилгайдир фаҳр.

Йўқ эрса, одамдан олам ўксинар,
Оламининг чиройи одам ўксинар.

Баланд тепалиқда Хирот чиройи —
Хуросон мулкининг машҳур саройи.

Ул Ихтиёриддин қалъаси дебон
Машриқу мағрибда булгандир достон.

Яна Мадрасан Гавҳаршодбегим,
Хиротда энг доғдод маскани илм.

Яна бир қасрким — Масжиди жомеъ,
Улуснинг тилидан тушмагай номи.

Хожа Убайдуллоҳ кезиб Хиротда,
Бир мўъжиза кўрди ҳар иморатда.

Китоб дўконига кириб йўқолди,
Соатлаб хазина ичида қолди.

Гуё дур излади садаф чошидан,
Бир фикр кетмади, аммо, бошидан.

Уйларин тағига етмаклик истаб,
Паришон кезди ул бир хилват излаб.

Ҳирируд бўйига келди хаёлманд,
Сайид Қосим Анвор дилин этиб банд.

Толнинг соясига олиб ўзини,
Дарё мавжларига тикди кўзини.

Юзига урилди майин шаббода,
Фароғат гўшаси узатди бода.

Тошларга бошини уриб оқар сув,
Сувга сочин ювар мажнунтол — сулув.

Баланд харсанг узра сакрар шалола,
Мисоли дарёга шўнгиған бола.

Ҳирируд зилоли шифобахш, тоза,
Тоғларнинг мадҳини этар овоза.

Кўзгудек тиниқ у — осмон акс этар,
Тошлари устида мавжлар рақс этар.

Офтобда товланар заррин қумлари,
Инжудек сочилар табассумлари.

Пуртана мавжлари қирғоқни упар,
Оромбахш насими дилин эркалар.

Дарёга маҳлиё Убайдуллоҳ лол,
Мажнунтол тағида суради хаёл.

Хаёл олиб кетар уни узоққа,
Тоғу тошлар она Самарқанд ёққа.

Қуз ўнгида мисли ойнан жаҳон
Биринчи учрашув бўлур намоён.

Унда қурур Сайид Қосим Анвори,
Машойих, шуаро ичра донгдорин:

«Шайх йўл олмиш Абуллайс ҳаммомига,
Насиб бўлмиш ул ҳазрат икромига.

Мадрасан Мавлоно Қутбиддиндан
Убайдуллоҳ отланди, қошки, улдан

Баҳраманд бўлсаю олса суҳбатин,
Бошига кўтарса назм ҳазратин.

Қошки, дийдорига бўлса мушарраф,
Толиби илмга бу олий шараф.

Бир маҳал ҳаммомдан чиқиб ажиб зот,
Самарқанд меҳмони, азиз, важиб зот.

Оҳиста ўлтирди тахти равонга,
Ҳавас-ла боқди эл улғу нисонга.

Тўрт киши кўтарди тахта равонини,
Шоҳ каби эъзоқлаб шайхи давронини.

Бир поясин олиб елкага илдам
Қаторга қўшилди Убайдуллоҳ ҳам.

Мадрасан Шоҳ Маликка етган найт
Тушди тахти равонидан ҳазрат шайх.

Мулозимлар деди Убайдуллоҳга:
«Сенинг бу хизматинг ёқур Оллоҳга.

Шайх иззатин жойига қўйдинг бешак,
Одамийлар сафига кирдинг демак».

Қосим Анвор ҳузурига кирган он:
«Ўғлим, отинг недур?» — сўрди шайх ҳайрон.

Таъзим ила деди ул: «Убайдуллоҳ...»
Шайх деди: «Буюргил!» ва боқди дилхоҳ.

Қўзлари ўнгида ажиб учрашув,
Вағиллаб ҳаёлин бузди оқар сув.

Не оқар сув, дарё ҳаёлин бузди,
Зилол кўзусида уни кўргизди.

Убайдуллоҳ очилиб руҳияти,
Дарё бўйин тарк этди, зур нияти.

Ўз йўлини излаб элга қўшилди,
Шайх Қосим Анворнинг қошига елди.

V

Султон Шоҳруҳ мирзо Хуросонида,
Мавлоно Лутфийнинг шеър бўстонида,

Жамолин кўрсатиб осойиш даврон,
Фароғат завқини сурадди замон.

Музаффар қиличлар қинга солинган,
Зираот қуроли қўлга олинган.

Йиғилар жангдас — меҳнат билан банд,
Ҳосилдор далалар эди орзуманд.

Шоҳруҳ мирзо мулкнинг кишвароройи,
Қулдан-қул очилар юртнинг чиройи.

Бог-бўстон яратиб, қуриб иморат,
Савдо-сотиқ қилиб, қилиб зироат.

Турмуш таъвишидан хурсанд халойиқ,
Ҳаёт кечирмақда нисонга лойиқ.

Маънавий оламда иккишоф ясаб,
Маърифат кун сайин ўсмақда яшшаб.

Олиму шуаро топмиш қадрини,
Гарчи тортар назму илм жабрини.

Алқисса, ифтидор замони келиши,
Ҳиротга шавкатининг қарвони келиши.

Келиши Убайдуллоҳ шундай шаҳарга,
Илму фан тараққий этган кишварга.

Аmmo, машойихни истаб келди ул,
Ҳаётда ўз йўлини излаб келди ул.

Ҳиротда ҳам уни этди маҳлиё,
Тасаввуф илмию азиз-авлиё.

Самарқандда орттирган маслақдонин,
Не маслақдонин, дўстни тилақдонин

Ҳазрати Саъдиддин Қошгарий билан
Тўзмақин истади яна анжуман.

Хиёбон бошига елди шул сабаб,
Шайхларнинг шайхининг суҳбатин истаб.

Боши кўкка етиб қўтиб олди Шайх,
Хожанинг азmidан ҳайрон қолди Шайх.

Дийдор қўришчилар икки дўст яна,
Меҳру оқибат боз қилди тантана.

Убайдуллоҳ Шайхни айлаб эҳтиром,
Дўсту ёронлардан етқурди салом.

Аҳбоб ҳурматини келтириб бажо,
Меҳмонлик бурчини Шайх этди ижро.

Уни меҳмон этиб, бош узар тутди,
Соғиниш дардини гуё унутди.

Шайх деди: «Шунча йўл босиб келибсиз,
Азият чекмақни роҳат билибсиз.

Жанобим мақсудин қилсалар изҳор,
Илкимдин келгунча эттум жон нисор».

Убайдуллоҳ деди: «Сизни кўрмақдин
Ўзга мақсуд йўқдир, суҳбат кўрмақдин.

Қошки, ҳосил улса фақир муроиди,
Ани тинчигмади Ҳазратнинг ёди».

«Барақаллоҳ, ўғлим, — деди Шайх шодон, —
Сизга садқа бўлсин сари Хиёбон.

Кулбан харобам обод булмиш боз,
Йиқилган арконим бунёд булмиш боз».

Убайдуллоҳ деди боши осмонда:
«Осойиш айёми кулган замонда,

Аҳли миллат ила булсам мусоҳиб,
Аҳли ҳол хизматин кўрсам муносиб.

Кошки, имдод этса аҳли ҳақиқат,
Фақирни англаса аҳли тариқат».

Шайх деди: «Интилса руҳоният гар
Тасаввуф олами булгай мунаввар.

Бул шундай оламки, тоза иқлими,
Баҳра олгай бани башар муқбили.

Бул шундай оламки, бирор нопок зот,
Анга кирай деса тополмас нажот.

Бул шундай оламки, покас эрса ким,
Эшиги ёпиқдур мисоли тилсим.

Бул шундай оламки, аҳли салоҳ жамъ,
Эзгулик ҳавоси жонларга малҳам.

Бул шундай оламки, покзод ва покрой
Мутасаввиф аҳли анга кўрк, чирой.

Бул шундай оламки, Оллоҳ йўлида
Фидойи банданинг Оллоҳ дилида.

Оллоҳга етишмак истаган киши
Эзгулик, сахийлик, покликдир ниши.

Пок булса ботину зоҳири анинг
Мусаффо бандаси булгай худонинг.

Ҳаққа бағишласа ўзин бандаси,
Булмагай кулфату ғам афкандаси.

Мусоҳиб булсалар Убайдуллоҳга,
Ҳақ қилгай иноят аҳли салоҳга».

Шайхдан мамнун бўлиб дер Убайдуллоҳ:
«Бандасин яратган чоғида Оллоҳ,

Барчани бир қилиб яратмиш азал,
Олам чиройига бахш этиб сайқал.

Демай бири яхши, бириси ёмон,
Бергадир диннат, виждон ва ниймон.

Ўзининг илкинда инсон тақдир,
Не инсон, инсонин жаҳон тақдир.

Бандаси қилмаса ўзи ҳаракат,
Анинг турмушида булмас баракат.

Ҳар киши ўз йўлин топмоғи лозим,
Гарчи бири шоҳдир, бири мулозим.

Ўз меҳнати билан янаса ҳалол,
Оллоҳ берган умр булмагай завол.

Текин томоқ булса — егани ҳаром,
Заҳарга айлангай гарчи бол таом.

Ўзлигин, ўз йўлин ахтарар фақир,
Кошкиди, тошмеҳр булмаса тақдир».

Шайх деди суҳбатдан толиб қаноат:
«Ўзлигин топмақдур олий саодат.

Кошки, сиздек деса аҳли тасаввуф,
Тасаввуф йўлидин топсалар вуқуф.

Олам боғи булур эди гулистон,
Саодат топарди, балки, ҳар инсон.

Тасаввуф аҳлига фуқаро муҳтож,
Кошки, аҳли миллат булсалар минҳож».

Узоқ давом этди суҳбати дилкаш,
Қарашлар, фикрлар мос келди яккаш.

Нақибандия тариқати хусусда
Не фикр бор, аён булди улусда.

Бул сулукка кимки булса фидойи,
Моҳиятин англаб олса, чиройи.

Хожа Баҳоваддин ҳазрати пойдор,
Деганлар: «Дил ба ёру даст ба кор».

Бул ҳикмат қадрига етса қай инсон,
Турмуш кучасида булмагай сарсон.

Дилида Оллоҳни сақлаб умрбод,
Ўз касби-кори-ла яшагай ул шод.

Ўзгасин истамас бандасидин Ҳақ,
Шайху Убайдуллоҳ фикрати барҳақ.

VI

Убайдуллоҳ булиб бир дусту киrom,
Ҳирот турмушига куникди тамом.

Камтарлик кўйига кўйдию қалам,
Оёғини ундан узмади ҳар дам.

Шайхлар суҳбатини тарк этмади ҳеч,
Улар ҳузурда булди эрта-кеч.

Баҳоваддин Умар ҳурмат уйғотди,
Зайниддин Хавофий ҳавас қўзғотди.

Суҳбатлар чоғида булдики аён,
Ўзи ҳам кўп нарса билар бегумон.

Майл қилиб пайдо Баҳоваддинга,
Суҳбат учун кўирак нитиди унга.

Фойдали эмасди суҳбати гарчанд
Қўлоқ тутар эди мисли бир фарзанд.

Аммо, суҳбат чоғи англаб ўзлигин,
Қайтадан танирди ўзинин, ўзин.

Шайх баланд тутмасди ўзини асло,
Камтарлик уйига зебдир доимо.

Мулоқот қиларди самимий, дилкаш,
Бирор бир кишида қўзғатмасди ғани.

Оҳиста сўзларди, овози майин,
Ошарди мусоҳиб меҳри кун сайин.

Ҳар киши кунлига қараб сўзларди,
Унинг манфаатин доим кўзларди.

Ғоят содда бўлиб турмуш тарзи ҳам,
Ҳақирона ҳаёт кечирар хуррам.

Чиллада ултирар эди ҳамини,
Унга қаср каби хароба гуша.

Шу йусин ўтарди умри омонат,
Фуқаро меҳридан топиб саодат.

Ҳирот шайхларини кузатиб узоқ,
Убайдуллоҳ бошини қийнар бир жумбоқ.

Яна уйга толди — ечмак истади,
Жавобин топмакка ўзин қистади.

Аён бўлди охир: Ҳирот шайхлари
Фаоллик кўрсатмас мушкул пайтлари.

Шайх Баҳовалдину шайх Зайниддин ҳам,
Фуқаро ичинда гарчи муҳтарам.

Улу манфаатини кўлаб ҳеч қачон,
Иш тутмас эканлар, бўлса-да инкон.

Золимларнинг зулми ҳаддан ошганда,
Эл сабр қосаси тўлиб-тошганда.

Султон Шохруҳ мироо олдида бир бор,
Ўз фикрин айтмаган эканлар ошкор.

Ё унга кўрсатмай ўз нуфузини,
Муаммодан четта олмиш ўзини.

Ё тўғйир қилмасдан амалдорига,
Шахсан бош қўшмаскан улуе корига.

Улуе масаласин қилмак учун ҳал,
Ўзга бир кишини йўлларкан ҳар гал.

Унинг сўзи ўтмай аҳли девонга,
Имдод этолмаскан муҳтож инсонга.

«Шайх элчиси» деркан халқ эса ани,
Амалга ошмаскан унинг айтгани.

От суриб юраркан бозорлар аро,
Ишидан натижа кўрмай фуқаро.

Убайдуллоҳ фикри тамом булақдир,
Машойих аҳлини фаол кўрмақдир.

Бошига мушкулот тушган фуқаро
Чорасиз қолмасин икки йўл аро.

Рўй берса ҳақсизлик, зулм кўрса ё,
Кошки, шайхлар бўлса элга раҳнамо.

Улуе манфаатини кўзласа шайхлар,
Эл дардин султонга сўзласа шайхлар.

Шоён, обрўсига етмасди зийн,
Фаоллик кўрсатса, эл бўлмас гирён.

«Шайх элчиси» не бўлибди султонга,
Ўзи қадам қўелмаса девонга.

Шайхлару шоҳ аро элчи на керак,
Ани шоҳмас, улус қилса гар эрмак.

Журъат қилиб, шайхлар борса султонга,
Мушкулга юз тутса, боқмай осонга.

Ҳал қилиб берсалар улус корини,
Қозонарди унинг эътиборини.

Шохруҳ мироо гарчи райиятпарвар,
Фуқаро ҳолидан бўлса беҳабар.

Машойих айтмасе унга ҳақ сўзни,
Бир чеккага олиб турсалар ўзни.

Ҳақсизлик рўй берур шайху эл аро,
Кунглини узгайдур ундан фуқаро.

Убайдуллоҳ бул хусуседа ўйлар хос:
Ҳирот шайхларига фикри келмас мос.

Шайх улки, эл дардин айтса султонга,
Ўзи кириб борса тўғри девонга.

Шайх улки, бир ёқдан қилмай томоша,
Эл ичра кезсе ул тоғу қир оша.

Шайх улки, авжиге чиқмай бедодлик,
Фуқаро уйига келтирсе шодлик.

Шайх улки, таянчи бўлса султоннинг,
Диёнат, иймони бўлса давроннинг.

Шайх улки, чиллада ётмай батамом,
Улуе қаторида айласа иқдом.

Шайх улки, эл билан бўлса нияти,
Элга боғлиқ бўлса фаолияти.

Шайх улки, лоқайдлик бўлмасдан зевар,
Фаолликини этса ўзига ҳунар.

Шайх улки, кўмаги тегсе девонга,
Не девон, эл бўлса ҳақир инсонга.

Шайх улки, гавҳардек ул бўлса тоза,
Мусарффо ҳаёти бўлса овоза.

Шайх улки, эл анга айласа ҳавас,
Эл билан доимо бўлса ҳамнафас.

Шайх улки, эгрилик қилмасе қўли,
Элдан эса айри тушмасе йўли.

Машойих дилию тили бўлса бир,
Элу юрт ул билан қилгайдир фаҳр.

VII

Саъдиддин Қошғарий ва Убайдуллоҳ
Бир осмон остида топдилар паноҳ.

Доим бирга эди шогирд ва устод
Башорат мулкани қилишиб обод.

Ҳазрати Шайх уни элиб имтиҳон,
Валийлик фазлига яратар имкон.

Башорат тасдиғи учун доимо
Шароит тонардн табаррук сиймо.

Полвонлар кураши маъракасида
Бирга қатнашарди улар аслида.

Қай полвон голибу қай полвон мағлуб
Бўлишини олдиндан кўрарди марғуб.

Кураш маъракаси бўлиб зўр синов,
Башоратни синаб кўрарди дарров.

Тутри чиқиб Убайдуллоҳ айтганин,
Олқин билан сийлар эди эл ани.

Ҳиротда обрўси ошиб шу йўсин,
Ҳурматга сазовор бўлиши кун сайин.

Халойиқ билан ул қилиб мулоқот
Турди тонфада қозонарди от.

Ҳожн Маҳмуд муқовасоз бир айём,
Эътиқод қўйдн ром бўлди тамом.

Муқоиматида қилиб у охир
Хизматин қилмакдан айлади фахр.

Ҳатто отасини чорлаб Манҳаддан
Таништириб қўйиб қувонди ҳаддан.

Аммо, Ҳожн Маҳмуд кўринмай қолминн,
Хотиржамъ қўнглига ташвишлар соқминн.

Суриштириб боқса, Бойсунур мирзо
Муқовасоз билан экандур ошно.

Тавсия қилибди уни девонга,
Толеъ жилмайибди хоксор инсонга.

Борса, яхши жойда ўлтираркан ул,
Камарбаста неча турку ҳинду қул.

Енида бир йигит урганар ҳунар,
Халойиқ демшики, ҳунардан унар.

«Бу ким?» деб сўради Ҳожн Маҳмуддан,
У деди: «Ҳар қалай, чиқдим мақсуддан.

Муқовасозликка кўриб ани мос,
Султон Шохруҳ мирзо тоширдилар хос.

Шайх Бусъыддир бул йигитнинг оти,
Кошки, эсвар бўлса фақир нажоти».

Убайдуллоҳ кирган чоғида ҳамма
Овққа турдию бу йигит, аммо,

Қўзғолмади, оғрир экан оғни,
Беморга ушамас гарчи сийғи.

«Юз қаро кўрурман ҳали сени» деб,
Қўнглидан утказди ижиган бўлиб.

Қушлар утиб, тоби қочдию, аммо,
Табиблар дардига налади даво:

«Бир хил дори ичиб, парҳез таомлар
Тановул қилгайсиз, имкон бўлса гар».

Ҳожн Маҳмуд, балки, этгай деб имлод,
Убайдуллоҳ қилди девонини обод.

Арзи ҳолини тинглаб, ташвиш чекибон,
Дорини у толиб берди шу замон.

Парҳез ошини ким пиширар дебон
Сўрганда, Бусъыд: «Мен» деди шу он.

Таом қилаётган чоғи эгилиб,
Қули қора бўлиши қозонга тегиб.

Юзини артибди сезмасдан ўзи,
Дафъатанда қора бўлибди юзи.

Убайдуллоҳ кўриб қолдию бирдан,
«Шунга розиман» деб утказди дилдан.

Шундан сўнг Бусъыд қўйди-да ижлос,
Доим бирга бўлди муқоимга хос.

Убайдуллоҳ ҳаётдан яна бир
Воқеани қилдим наамда тасвир:

Дарвозан Малик олдида ночор
Дарвеш Аҳмад деди унга, чекиб зор.

Қўздан гилтиллаб ёшлар тўкилди,
Оҳ уриб олаваши, қаттиқ ўкилди:

«Ночор аҳволдан ортиб ташвини,
Шундай деб маслаҳат берди бир киши.

Ҳожа Убайдуллоҳ олдига борил,
Борил-да, ул зотга қўнглигини ёрил.

Сенинг мушқилигини қилгайлар осон,
Яна сўг бўлур бошингда осмон.

Шуниги учун сизга қўйдим-да ижлос,
Ердан сўраб келдим ҳазратимдин хос».

Аслида ган бундай: қушлардан бир кун
Шайх Зайишдин Хавофий бўлиб мамнуи,

Дарвеш Аҳмад Самарқандий жанобга,
Ваъз айтмак қудратин олиб ҳисобга,

Вонзлик қилмакка берибди руҳсат,
Улуғини ваъзига элибди даъват.

Бу ҳолат неча бор бўлибди тақдор,
Аммо, Шайх раижибми, чиқибди ишқор.

Бирор сўз айтмасдан унинг ўзига,
Одамларин борманг дебди ваъзига.

Ҳатто, кофирликда айблаб дарвешини,
Бошига солибди унинг ташвишини.

Шул ваҳҳдин ваъзига бормай одамлар,
Дарвешининг қўнглига солибди ғамлар.

Шўрликнинг бозори бўлибди касод
Ва қайтиб кетибди бир келган омад.

Ночор ҳолга тушиш сабаби ушбу,
Саргардон бўлибди куча-қўйда у.

Раҳми келиб унга Убайдуллоҳнинг
Устини ёшибди йўлида чоҳнинг.

Маслаҳат берибди Аҳмад дарवेशга:
«Енг шимариб энди киришинг ишга.

Бу кун бир масжид, унга кун фалон
Масжидда ваъз бўлур дегайсиз шоён.

Янаги кун эса яна бир масжид,
Намоздан олдин ваъз қилинсин мақсуд.

Хабар қилинг элга — боғланг белингиз,
Очилиб кетгайдур ёпиқ йўлингиз».

Хожанинг айтгани қилганда Аҳмад,
Бир кўп одам йиғилдики, йўқдир ҳад.

Жумъа намозидан олдин айтиб ваъз,
Дарвеш Аҳмад яна этилди эъвоз.

Ваъзини бузмакка қидириб чора,
Баъзилар эл аро бўлди овора.

Аммо, улус унга қўйиб эътиқод,
Кун сайин обрўси ошди, этиб шод.

Овоза тарқалди Ҳиротта шунда,
Миш-мишлар кўпикдек оқди тулқинда:

«Бир ёш углон дарवेशга бериб ёрдам,
Шайх Зайниддин юзига қўймиш қадам.

Унга қарши иш юритиб пинҳона,
Шайх меҳридан элни қилмиш бегона».

Алқисса, обрўси ошиб яна ҳам,
Убайдуллоҳ бўлмиш машҳури олам.

Ҳирот аҳли ортиб ихлоси яна,
Қайга қадам қўйса, бўлмиш тантана.

Унга «Валий» дебон қўйишибди ном
Ва меҳр уйда топибди киром.

Аммо, Шайх Зайниддин қилгач иштибоҳ,
Тарки Ҳирот этди боз Убайдуллоҳ.

ОЛТИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Ҳиротда ҳурматга бўлиб сазовор,
Машойих ичинда топиб эътибор,

Улуснинг меҳрига бўлса-да лойиқ,
«Валий» деб айтса-да уни халойиқ,

Тариқат йўлида маънавий пири
Тополмай, ошди бот тоғ ила қирни.

Балки, уша бўлиб унга бир омил,
Сафарга чиқмакни этди твомил.

Баҳоваддин Умар — шайхи бокиром,
Унга руҳсат берди, хулласи калом.

Чағониён томон йўлга тушди бот,
Оқ фотиҳа бериб қузатди Ҳирот.

Хожа Убайдуллоҳ келдию Балхга
Муъссар бўлди ул яна бир бахтга.

Ҳисомаддин Балхий — улур мавлоно,
Қадрин баланд тутиб бўлди парвона.

Мулоқот этдилар не шому саҳар
Тасавуф наҳридан теришиб гавҳар.

Мавлоно қистови туфайли дыҳоқ
Тариқатта шўнғир боз Убайдуллоҳ.

Унинг жуда нозик масалалари
Эшигини очди тилсим сингари.

Яна ул Балхни ҳам этди зиёрат,
Қуббатул-исломда чекмай рибзат.

Машриқда баланддир унинг шухрати,
Намойиш этилмиш ислом қудрати.

Сухбатига бўлиб аҳли миллатнинг
Асрорини билди яна хилқатнинг.

Оллоҳнинг уйда жамъ бўлмиш авом
Ҳурматин қозонди Хожани киром.

Сафарга шайланиб Убайдуллоҳ бот
Чағониён томон дадил сурди от.

Аммо, тоби қочиб Чағониёнда
Хулғутавга бормак бўлди армонда.

Мулоқотда бўлиб турли кишилар
Боз унинг кўнглига солди ташвишлар.

Яъқуб Чархий хусусида кетса суз,
Ёқимсиз гапларни эшитди, афсус.

Иккиланиб қолиб, ўйланди узоқ,
Курмасдан кетмаса бўлмайдди бироқ.

Йўқса, нечун келди Чағониёнга,
Бормаса Хулғутав деган маконга.

Одамлар гапига солмасдан қулоқ
Хулғутавга елди — ташвишда бироқ.

Яхши кутиб олди уни мавлоно,
Сураб-сурштирди аслини, аммо.

Шош вилоятидан, деди у ночор,
Яъқуб Чархий эса суради тақор:

«Ҳазрати Шайх Умар Боғистоний ҳам
Шошлиқдур, эҳтимол, яқинсиз, бутам?»

Убайдуллоҳ эса ўйланиб қолди,
Турли хаёл уни ташвишга солди.

Фикрини банд қилди бир хаёл, аммо,
Бор гапни айтмағи бўлди муаммо.

Уйлашиб турди-да деди ниҳоят:
«Ул шайхнинг мухлиси бисёрдир гоёт.

Шуларнинг биридир аждодимиз ҳам,
Аназ хонадонга мухлику маҳрам».

Йўқуб Чархий деди бўлиб ҳавасманд:
«Улуг Хожа Баҳоваддин Нақибанд

Ниҳоятда мақтар эди ул зотни,
Бонига кутарган янглиг Ҳазратни...»

Эртаси кун эса келган чоғида,
Кутиб олди уни жаҳл боғида.

«Одамларнинг гани рост экан, демак, —
Хайлга борди у, — не қилмак керак?»

Орадан бир муддат утгач сўнг, аммо,
Жаҳлдан тушиди-да, боқиб сермағно.

Меҳр кўзи билан хуррам кузатди,
Қўлларини эса унга узатди.

Манглайида кўриб қолиб оқ доғни,
Қўлини олмасдан бузди фароғни,

Убайдуллоҳ ҳолини кўриб маклоно
Тортиб олди қўлларини шу асно.

Қияфаси бирдан ўзгариб кетди,
Ажиб ҳолга тушиб, ўзин унутди.

Убайдуллоҳ эса жол-хайратланди,
Уни қучиб олмак нистаб шайланди.

Қўлларини яна узатиб шунда,
Йўқуб Чархий деди юрак тўқинида:

«Менинг қўлларимни унлагил, бўтам,
Хожа Баҳоваддин деб эди хуррам.

Йўқуб, сенинг қўлинг — бу менинг қўлим,
Демак, олажакасиз сиз унинг қўлини».

Убайдуллоҳ бирдан бўлиди-да хунҳол,
Ҳазрат қўлларини унлади дарҳол.

Бу демак — тонди ул пири муридани,
Қўл бериб, шод этди пири муридани.

Убайдуллоҳ қалби тўғида қолди,
Ғўе Баҳоваддин қўлини олди.

Ҳеч кимдан қўл олмай шу қўнга қадар
Оқибат бўлди ул нирга мунесар.

Баҳравор тасаввуф ҳақиқатидан,
Не тасаввуф, хожагон тариқатидан.

II

Йўқуб Чархий ҳузурда олиб дарс,
Убайдуллоҳ этди тасаввуфдан баҳс.

Тасаввуф аталган муқаддас бино
Тамал тоинин қўйган энг буюк даҳо.

Шайхлар шайхи Юсуф Ҳамадонийдир,
Иксоилар ичинда энг иксонийдир.

«Қутб ул-аср» деган олий мартаба
Берилмиш тарихда унга илк дифъа.

Зеро, Хуржону Мовароуннаҳр,
Сунгроқ эса бутун иксоний даҳр.

Маънавиятини тасарруф этган,
Довруги жумлан оламини тутган

Буюк тариқатлар илдиэлари ҳам
Шу азим чинорга боғланур маҳкам.

Ясавия, Нақибандия олиб нур
Бандан муслимга бўлибди манзур.

Шайхлар шайхин энг сўнгги халифаси
Абдулхалиқ Ғиждувоний нафаси.

Ҳамонки, сўнмаган — сўнмағай абад,
Элу юртлар аро билмағай сарҳад.

Хожагон сулукини эъжозлаган зот
Ҳайти, аъмоли асл муъжизот.

Ул зот пандлари соф чашмага ўхшар,
Кимки баҳра тоиса, янада қўнсар:

«Васият қилурмен сенига, эй фарзанд,
Доям илм, амал, тақво-ла бул банд.

Салафлар изидан юриб, қўзга сурт,
Сўннат, жамоатин доим маҳкам тут.

Фикҳ ва ҳадисин ургангин нухта,
Билиму амалини айла омухта.

Оз сўзла, оз е, ҳам оз ухла — билгил,
Аҳли ақлинига эҳтиёт бўлгил.

Шармисилар, хотинлар ҳамда бидъат,
Бойлар, омилар-ла қурмагин суҳбат.

Ҳалол е, шубҳадан холи бул доим,
Ҳаромдан асрагин сени, илоҳим».

Тасаввуф мунаққан қаср синари,
Калимоти қудсийдир эварни.

Юксак қаср ичра ушбу хазина,
Убайдуллоҳ чиқмиш зинама-зина.

У ўн бир зинадан кутарилган чоқ
Тариқат қасрига ёқур шамчироқ.

Биринчи зинаси унинг «Хуш дар дам»,
Тариқат йўлига ким қўйса қадам.

Худони ёд этиб зикр асноси,
Ичдан чиқайтган ҳар бир нафаси,

Огоҳлик, ҳушёрлик талаб этадир,
Ғафлат юз бермасини, нафъсиз нестадир.

Иккинчи зинаси — «Назар бар қадам»,
Ҳушёрлик лажимдир солиқдан ҳар дам.

Ҳар бир қадамидан ул бўлиб огоҳ,
Бежо қадам ташлаб қўямасин ногоҳ.

Қадамига разм солгани сари
Пароканда бўлмасин ҳеч назари.

Учинчи зинаси — «Сафар дар ватан»,
Юртни кезиб чиқсин ҳар ким ботинан.

Қалбан сайр қилсин доим Ватанни,
Меҳридан ўстирсин унда чаманни.

«Хилват дар анжуман» — тўртинчи зина,
Солиқда ташқию ички дафина.

Зоҳиран одамлар билан бўлсанг ҳам
Ҳақ таоло бўлсин ботинан ҳар дам.

Бешинчи зинаси «Ёдқард» аталур,
Тил билан ҳам, дил билан ҳам сочиб нур.

Оллоҳни ёд этиб, зикр қилмақдур,
Тил билан, дил билан фикр қилмақдур.

Олтинчи зинаси «Бозгашт»дир унинг,
Ерқин ифодаси солиқ кўнглининг.

Калиман тойибадан сўнг солиқ
Оллоҳнинг меҳрига бўлгани лойиқ.

Яратганга қалбан қилиб муножот,
Шукрлар айтсин-да тиласин нажот.

Еттинчи зинаси «Ногоҳдошт» эрур,
Солиқнинг хотири унда синалур.

Солиқ чалғитмасдан ўзини зинҳор,
Хотирин жамъ қилиб олмоғи даркор.

Фикрга келтирмай ташқи оламин,
Батамом тозалаш ички оламин.

Ташқари дунёдан фикран узилсин,
Ҳар хил рутубатдан дил тоза бўлсин.

Саккизинчи зина «Ёддонг» демақдир,
Огоҳ бўлиб Ҳақни ёлда тутмақдир.

Ёд бўлса Ҳақ субҳонаҳу таоло
Солиқнинг аъмоли бўлғайдир бажо.

Убайдуллоҳ чиқса бул зиналардан,
Кошки, баҳра тонса хазиналардан.

Ўтса ё муқаддас саккиз манзилни,
Ҳар манзилда бир-бир бойитиб дилни.

Тасаввуф қасрига бир меъмор бўлса,
Тариқат уйига бир заркор бўлса.

Қонса ё табаррук саккиз булоқдан,
Нур олса ё ёниқ саккиз чироқдан.

Чиқса ё ул саккиз қават осмонга,
Шафъғлик қиларди ҳақир инсонга.

Ҳазрат Ўқуб Чархий билан мусоҳиб
Ҳожага кўп нарса қилинди насиб.

Устод билан шогирд гуё баҳслашар,
Не баҳс, тариқатдан боз суҳбатлашар.

Азиз саккиз зина — саккиз манзилни
Кимки босиб ўтса, пок қилар дилни.

Ҳожа Баҳоваддин энг буюк зотлар
Йўлидан оғишмай, тилаб нажотлар.

Ҳамадоний, Ғиждувоний сингари
Тариқат йўлида юрди илгари.

Яна уч қонда яратиб тугал
Тариқат биносин қилди мукаммал.

Бул юксак қасрга ясаб уч зина —
Уч манзилдан ясаб яхлит силсила,

Устодлар аъмолин эгтириб давом,
Тариқатда тоғди юксак эҳтиром.

«Вуқуфи адалий» мазмуни ушбу:
Солиқни чорлайди ҳушёрликка у.

Зикр асносида чалғимай солиқ
Адалга риоя қилмоғи лойиқ.

Қалбий зикр қилган чоғда зокир,
Ҳисоб адалинидан сақлашга қодир.

«Вуқуфи замоний» — манзили вақтдир,
Қадрига етолса солиқка бахтдир.

Ўз аҳволини банди қузатсин доим,
Ундан воқиф бўлиб, тузатсин доим.

Мавжиби шукрми, мавжиби узр,
Ихшими, ёмонми — ўтади умр.

Солиқ ҳисоб-китоб қилмоғи лозим,
Доимо ўз ҳолни билмоғи лозим.

«Вуқуфи қалбий» — бу, қалбида солиқ
Ҳақни ёд этмакни қўрмақдир лойиқ.

Зокир дили доим ҳақ Сабҳонаҳу
Томонга воқифу огоҳ бўлсин у.

Алқисса, хожагон тариқатига,
Унинг солиқлари ҳаракатига

Йўлланма бўлсин деб ўн бир қонда
Яратди шу йўсин уч буюк сиймо.

Ўн бир қонда — бу, ўн бир одобдир,
Солиқнинг йўлида мисли офтобдир.

Офтоб каби улар сочиб турар нур,
Солиқни этгани Оллоҳга манзур.

Ўн бир қондага қилса риоя
Тариқатда солиқ тонғай ҳидоят.

Уч буюк сиймонинг бири — ҳазрати
Юсуф Ҳамадоний, шайхнинг хизмати —

Шундаки, у силаб улус бошини,
Қўйди тариқатнинг тамал тошини.

Дастлаб тўрт одоба у солиб асос,
Тариқатга элида қўзғати ижлос.

Бирини Абдулхалиқ Гиждувонийдир,
Тариқат уйида гуё монийдир.

Ул ҳам тўрт қонда қилди-да ижод,
Одоб иморатин айлади обод.

Бирини — Хожа Баҳоваддин Нақшбанд,
Тариқатда обрусин зур, арауманд.

Яна уч қонда яратди ул ҳам,
Устодлар аъмолин қилгани кўркем.

Шу йусин тариқат булиб мукаммал,
Тасаввуф қасрига бахш этди сайқал.

Уч буюк даҳонинг аъмолидан лол
Убайдуллоҳ учун қолмади савол.

Хурсанд булиб пири муршид дарсидан,
Нажот топган каби умид аршидан.

Тариқат бобида бойиб тасаввур,
Яъқуб Чархийга у деди ташаккур.

III

Яъқуб Чархий билан Убайдуллоҳни,
Тасаввуф йулида икки сайёҳни.

Мафтун этган Нақшбандия сулуки,
Не сулуки, Нақшбандия мулуки.

Мулук: Ҳамадоний ҳам Гиждувоний,
Хожа Баҳоваддин ки, комрасоний.

Фақирлик мулкига шоҳ булиб минҳож,
На тахтта чиқдилар, на кийдилар тож.

Улу аросинда булиб доимо
Шоҳдан баланд обрӯ топдилар, аммо.

Қасрдан кулбасин кўрдилар афзал,
Хоксорлик заридан бердилар сайқал.

Тождан-да дасторни кўриб аълороқ,
Тахт дебон билдилар бўённи бироқ.

Ҳақирлик мулкига булишиб банд,
Этмадилар Оллоҳ уйини канда.

Ҳақ таоло сари булиб даъваткор
Масжидга чорлашди эли нажоткор.

Тариқат қасрини кўриб мухташам,
Ун бир зина билан қилиб мустаҳкам,

Ҳар зинада гуё бир манзил ясаб,
Ё ун бир манзилни мунаққаш безаб,

Қонда яратиб ҳар зинага хос,
Ёки ҳар манзилга ани қилиб мос,

Солиқ қондасин қомус этдилар,
Одоб китобини элга тутдилар.

Уч буюк сиймодан Чархийга қадар
Эркин фикрлик тариқатга зар.

Ўзгалар раъйига бериб эътибор,
Фикрию аъмоли бўлмади инкор.

Оллоҳ таолога бўлган эътиқод,
Иймонининг бутлиги қилинарди ёд.

Истифода этиб ўзга меҳнатини,
Эътироф қилмасдан ўзга хизматини,

Текинхўрлик ила ким утказса кун,
Хилқоф деб топдилар ҳаётга бутун.

Истибодга қарши кўтаришиб бон,
Золимлар макрини айладилар фон.

Тарки дунё қилса қайси бир банд,
Ё ҳаёт куйида бўлса афканд,

Меҳнатга чорлашди бул аҳли миллат,
Бандани беъайди дедилар меҳнат.

Пешона терини тўкиб дурсимон
Ўз ризқин яратсин дедилар инсон.

Ҳалол меҳнат нони ҳаром бўлмагай,
Ҳаром меҳнат нони ҳалол бўлмагай.

Ҳар киши бўлса бир соҳиби ҳунар,
Ўзганинг қошида бўлмагай музтар.

Гулшанда алафдир ҳунарсиз киши,
Боқимонда бўлмак ташвиши иши.

Тариқат пирлари этдилар даъват,
Кишини беъагай кори зироат.

Тижорат, маърифат анга зеб бўлмай,
Меҳнат қилса, зог ҳам андалиб бўлмай.

Олимми, шоирми, наққошми, заркор,
Хатотми, рассомми, чеварми, меъмор,

Созандами, хонандами, бастакор,
Меҳнат-ла ҳурматга бўлмай сазовор.

Тирикликнинг волидаси меҳнатдир,
Аждодларнинг обидаси меҳнатдир.

Меҳнат қилган киши муродга етмай,
Ҳаёти ҳаловат уйида ўтмай.

Тариқат асрори булиб намоён,
Пиру мурид суҳбат қурар шодумон.

Убайдуллоҳ сўрар Яъқуб Чархийдан,
Туркистон мулкида киром фахридан:

«Ҳазратим, хожাগон тариқатида,
Тариқат аҳлининг маърифатида

Жаҳрия, хуфия навъли зикрлар
Мавжудки, билгаймен снадин фикрлар?»

Яъқуб Чархий деди босиқ, улутвор:
«Жанобим бўлса-да мундин хабардор.

Афранда поилож этгай мукаррар,
Кошки, бўлса сизга яна мўяссар.

Жаҳрия — жазаба усули, бўтам,
Оллоҳ таолони ёд этиб маҳкам.

Баланд овоз билан ўзин кетгунча,
Ёки солик жазабага етгунча,

Эзлаш усулидир зикр асноси,
Самога етгунча солик садоси.

Хуфийа зикри бу — зикри дил демак,
Ҳақ таолони доим дилда деб билмак.

Қўнгилда ёд этиб Нарвардигорни,
Васлига етказмак бандан зорни».

Убайдуллоҳ қудуқ қилиб пирига,
Яна етди тариқатнинг сирига.

IV

Йўл юриб, мул юриб — кезиб дунёни,
Ошиб не тоғу тош, не-не дарёни,

Кезиб неча қишлоқ, неча шаҳарни,
Сафарда ўтказиб шому саҳарни,

Машойих аҳлига бўлиб мусоҳиб,
Улуғбек меҳридан бўлмаё бенасіб,

Сўхбат қуриб олим, уламо билан,
Дарвешу фуқаро, аллома билан,

Мусофир бўлиб ул гоҳ Ватан ичра,
Гоҳ хилватда, гоҳ анжуман ичра,

Билмин бойитиб, таниб ҳаётни,
Гоҳ ёдлаб Қуръонни, гоҳ абётни,

Йўлига раҳнамо бўлиб ҳадислар,
Ақлига тан бериб зур мударрислар,

Улуғлар қабрини қилиб зиёрат,
Меҳри салафларга бўлиб зиёдат,

Гоҳ кўриб иссиқлик, гоҳ совуқлик,
Энг олис манзиллар бўлиб ёвуқдек.

Гоҳ кезиб от узра, гоҳ пиёда,
Турли-туман элни кўриб дунёда

Ҳожа Убайдуллоҳ йўл олди Шошга,
Толё осмонида балққан қуёшга.

Яъқуб Чархий — пири муршид, мавлоно,
Тасаввуфу тариқатда фарзона,

«Рисолаи унсия» китобини,
Тақдим этиб тариқат офтобини,

Оқ фотиҳа бериб қузатди хушнуд,
Дуоси муриднинг йўлида хуршид.

Асога таяниб қолди мўсафид,
Руҳоният ичра донишманд жамшид.

Умар Боғистоний, Қасфозли Шоний
(Шайхларки, унутмас тарих ва мовий).

Шайх Хованди Таҳур руҳи покларин
Шод қилинг дебон ул, ютиб оҳларин,

Ғилтиллаб кўзида умид ёшлари,
Эгилган кўриниб азиз бошлари

Ҳожан нақибин узатиб шодмон,
Издан термулди салоҳи инсон.

Ҳожа Убайдуллоҳ еддириб отин,
Оти Семурғ каби ёйиб қанотин.

Насаф шаҳарига бир қўлиб ўтди,
Самарқанд тарафга талишнинг ўтди.

Қадам қўйганида Шаҳрисабзга,
Шаҳрисабз эмас, баҳри сабзга.

Мафтуну дол этди машҳур Оқсарой,
Забони ҳол этди манзур Оқсарой.

Едга тушди Самарқанд Кўксаройин,
Соҳибқирон пойтахтин кўрк, чиройин.

Маҳобатда бир-бирдан қолинмас,
Ўртада тоғ, масофаси олмас.

Тахти қорачадан ўтар чоғида,
Ором олди Амир Темур боғида.

Бир боғки, яшнагай сўлган руҳлар ҳам,
Бир боғки, тирилгай ўлган руҳлар ҳам.

Бир боғки, жаннатдир тоғ домонида,
Ундай боғ йўқ Шоҳруҳ Хурожонида.

Қўнглини яйратар Ургут тоғлари,
Мусаффо ҳаволи Ургут боғлари.

Боғларда хиромон кезар эди кўз,
Жон яйраб, дил яшнаб, қувнар эди кўз.

Ҳаёл қўни қолиб Омонқўтонда,
Нигоҳи сайр этар боғу бўстонда.

Қоратена, Мингбулоқ ва Кенасаг
Самарқандга қузатади серҳавас.

Бир кишнаб ўтади оти Дарғомдан,
Оқмачит файз олар зоти киромдан.

Ланг очилар Мулийн дарвозаси,
Дил созида Самарқанд овозаси.

Яна қайтиб келди азим шаҳарга,
Қўл кўксига: қилди таъзим шаҳарга.

Яна аҳбоб сўхбатига мушарраф,
Олимлар бир тараф, шайхлар бир тараф.

Икки тарафида икки қаноти,
Мусоҳиб тилида мукаррар оти.

Алоуддин Аттор, Ҳожа Абуллайс
Ҳаёт бўстонига бағишлайди файз.

Қозизода Румий меҳрибон яна,
Саккокий, Бисотий булур парвона.

Мавлоно Қутбиддин, амир Шоҳ Малик
Яна Хожамизга қилди оталик.

Меҳр кўп кўргизди унга дўсту ёр,
Не дўсту ёр, султон Улугбек бисёр.

Азилар меҳридан этиб баҳраманд,
Ўғлидек қузатди яна Самарқанд.

Хожа Убайдуллоҳ йўлга чиқди бот,
Қайдасан Шош дебон яна сурди от.

Эл таниб, юрт таниб, таниб дунёни,
Шод қилиб не олим, не авлиёни.

Валийлик санъатин қилиб намойиш
Фуқаро меҳридан топиб оройиш.

Тўғри чиқиб қилган башоратлари,
Элни қувонтириб кароматлари.

Жиззахда анжуман тузиб бир оқшом,
Чинозда суҳбати элни қилиб ром.

Ўзига ишониб, оламни кўриб,
Халқ дилида меҳр қасрини кўриб.

Шоҳу гадо кўриб, кўриб шайх, дарвеш,
Бир лаҳза яшамай беғам, беташвиш.

Ҳаёт синовидан утиб неча бор,
Мушкилот олдида қолмасдан ночор.

Ҳар жабҳада унга омад ёр бўлиб,
Бегона юртларда бахтиёр бўлиб.

Не азоб чекса-да мусофирликда,
Бўлмасдан ва лекин муҳожирликда.

Толеъинин синаб бир Ватан ичра,
Не Ватан, дўсту ёр, анжуман ичра.

Она шаҳри Шошга қайтиб келди ул,
Улуглар саломин айтиб келди ул.

Остонаи Шошга қадам босган он,
Тиз чўкиб, туяроғин ўчди шодумон.

V

Хожа Убайдуллоҳ юриб сафарда,
Узоқ вақт бўлмади азим шаҳарда.

Дийдорин кўролмай ўн йилга яқин,
Соғинч осмонида чақнади чақин.

Қавму қариндондан бўлиб узоқда,
Кўнглини қўш каби кўрди тузоқда.

Ота-она меҳрин қўмсаб янади,
Ёру дўстлар меҳри билан яшнади.

Қаерда бўлмасин шонлик деган ном
Умрини безади мисли ассалом.

Едида: Саъдиддин Қошғарий билан
Султон Шоҳруҳ мирзо тузди анжуман.

Чорлади Ҳиротда Боғи зогонга,
Эҳтиром кўрсатиб шайх ул-жаҳонга.

Ҳазрат ҳурматини тутиб мукаррам
Бирга борган эди Убайдуллоҳ ҳам.

Шоҳруҳ мирзо Шайхни тутиб бошида,
Таъзим бажо этди Ҳазрат қошида.

Убайдуллоҳ билан кўришиб дилшоҳ,
Аслини сўради ул олампаҳоҳ.

Шайхи кабир таништириб султонга,
Улуғ боболарин олди лисонга.

Убайдуллоҳ хижлат чекиб, эғди бош,
Елкасидан босган каби залвор тош.

Шоҳруҳ мирзо меҳри тошиб, деди шод,
Азиз шайхлар пок руҳларин этиб ёд:

«Умар Боғистоний, Хованди Таҳур
Туркистон элида азалдин машҳур.

Соҳибқирон ҳазратлари эҳтиром
Тахтида ўлтириб, ул зоти киром —

Шайх Хованди Таҳур билан мулоқот
Этгани фақирга рузи саодат.

Улуғ ажлодига муносиб бўлиб,
Машойих, уламо мусоҳиб бўлиб,

Хожа Убайдуллоҳ ҳидоят топгай,
Салтанат тарафдин иноят топгай.

Фикрати булинди. Келса узига,
Бир лаҳза кирмин ул хаёл сўзига.

Не бахтки, эл кўриб қайтди шаҳрига,
Не шаҳр, отаю она бағрига.

Хеш-ақрабо билан кўришди омон,
Хурсанд кутиб олди дўсту қадрон.

Хожа Маҳмуд кўнгли яна тоғ каби,
Надари бузургнинг қулди кавкаби.

Азиз воллидасин боши осмонда,
Неча йил яшади, ахир, армонда.

Хурсанд амакиси Хожа Муҳаммад,
Икки ўғлини қувончига йўқдир ҳад:

Хожа Исҳоқ, Хожа Масъуд парвона,
Оға-ниилардир, эмас бегона.

Алқисса, шодумон азиз хонадон,
Хонадонга эса сизмайди меҳмон.

Йўқлаб келишлар яқин-йироқдан,
Баҳраманд бўлгани меҳри бўлоқдан.

Чиндан-да, азизу мукаррам зот ул,
Тошканди дилканда муҳтарам зот ул.

Қуриб қанча шайху азиявлияе,
Қайтди охир бўлиб узи авлияе.

Уздан олдинроқ келиб шуҳрати,
Яна ошган эди Тошканд ҳурмати.

«Хиротда валий деб Хожа олмиш ном»,
Хуш хабар етмазиш аҳли Хуросон.

Нъдуб Чархий сўзи бўлиб инобат,
Салафлар мазорин қилди зиёрат.

Ул ҳазрат учун ҳам тиловат этди,
Қуниги тилагини ижобат этди.

Рухлари шод бўлиб, азиявлияе
Ениқ чироғидан таралди зие.

Тошкандни айланиб томоша қилди,
Пасту баландини англади, билди.

Ҳамон уша-уша, узгарии камдир,
Ҳамон уша қувонч ва уша гамдир.

Уша мажнунтоғлар Анҳор бўйида,
Бошлари ҳам гўе ҳаёт қўйида.

Ҳақир фуқарога ухшаб қуринар,
Бошини қутармак истаб уринар.

Хам боши тик бўлса, кошки ўйида,
Эгилиб юрмаса турмуш қўйида.

Ғамга яратмаган бандасин худо,
Шодликни қилмаган умридан жудо.

Ғаму шодлик билан тирик бандаси,
У — шодлик султони, ғам афкандаси.

Халойиққа ёрдам бермак ишқида,
Хурраму фаровон қурмак ишқида.

Яна кўз ўнгида жонланар Хирот,
Ҳар куни қуринар бўлиб муъжизот.

Қўҳи Сафид ён бағрида Гоаургоҳ,
Абдулла Ансорий қурган қароргоҳ.

Хожа оромгоҳи бўлиб қадамжо,
Хирот шайхларидан обод доимо.

Баҳоваддин Умар унда иззатда,
Рамазон ойида бўлмиш узолатда.

Жазирама иссиқ, дим бўлиб ҳаво,
Ултиришга соя қуринмас ҳатто.

Муридлар қатори Убайдуллоҳ ҳам
Офтобда ултириб қийналди бирам.

Ҳар қалай, ел эди тушиб намозгоҳ,
Салқинга юзини тутди оромгоҳ.

Ифторда тановвул қилинди таом,
Сунгра тутди Шайхга қулоғин авом.

Тасаввуф, тариқат ҳақинда ул зот
Бир суҳбат туздиким, эшитди Хирот.

Эртаси билдини, кечаги таом
Қилинган экандур ба аҳли авом.

Бундан Убайдуллоҳ жуда қайгурди,
Узини гуноҳкор сингари курди.

Авомнинг риқзини едим деб нега?
Мушқил саволларни берди узига.

Нега меҳнат қилмай, у егай таом.
Меҳнатсиз таомни билур-ку ҳаром?

Хожа Убайдуллоҳ омоли буюк,
Не омом, мақсуду аъмоли буюк.

Иншооллоҳ, кун кечирмас меҳнатсиз,
Меҳнат қилиб, таом егай миннатсиз.

Зироат қилгай ул бўлиб бир деҳқон.
Деҳқон бўлиб элга егай дастурхон.

Савобнинг кониқдир зироат иши,
Гуноҳдан йироқдир деҳқон ташвиши.

Доимо ҳалолдир зироат нони,
Ҳаромга йул қўймас унинг иймони.

Зироат қилмакни қатъий этди аҳд,
Деҳқоннинг қулидан ерга оқур шаҳд.

Ерга оро берса оро топгайдур,
Савоббахш таомга чора топгайдур.

Хожа Убайдуллоҳ омоли буюк,
Не омом, мақсуду аъмоли буюк!

VI

Жуда ажойибдир кузи Тошканднинг,
Не кузи, гаройиб узи Тошканднинг.

Боғларда мевалар гарқ пишган айём,
Боғбонлар қулида асал тўлгин жом.

Мевалар лаазати тилини ёрадир,
Тил ёрар болидан лаблар порадир.

Офтобда сарғаймиш узумлар боши,
Узумлар бошида кузак қуёши.

Олма билан беҳи, нок билан анор
Етилиб турибди — қул уришга зор.

Ёнғоқ пустилогини ёриб, жилмаяр,
Қоқиб ол дегандек ранги саргаяр.

Олхури қизариб ётур қуёшда,
Хурмо ҳосилини қутарган бошда.

Қунга боқиб, писта боши эгилмиш,
Ёнғоқ сингари у ерга тўкилмиш.

Боғларнинг қувончи — унинг ҳосили,
Боғбоннинг қувончи — тотиса эли.

Полизда қовчулар ётур ёнбошлаб,
Ёнида тарвузлар турур, бош қашлаб.

Жўхори тоқшар мисоли садаф,
Заъфарон макканинг бошида шараф.

Қанча баланд бўлса боғларнинг чопи,
Шуначалик эгилгай ҳосилнинг боши.

Куз шундай ажибки, қўшлар ҳайратда,
Тавсифига эса сўзлар ҳайратда.

Ҳайратда фалакда сайр этган оқтоб,
Олам китобини ўқиб бобма-боб.

Тўқин-сочини куз — бу, Оллоҳ нисмати,
Ризқ-рўзини яратган Оллоҳ сабъати.

Бандасин қилмай деб ону нонга зор,
Бу йилги кузини ҳам этини ҳосилдор.

Феълнга яраша ҳар кимсага ул
Насибасин берминш — умрига масъул.

Оғу бўлганидан тилида доим
Бермабди илонга оёқ, илоҳим.

Гулзорга маҳли! бўлгач андалиб,
Берибди тилига наво билан эб.

Бандасига кўриб меҳнатин раво,
Узи қилсин дебминш ризқини бино.

Ҳалол меҳнат билан бўлсин деб мангул
Оллоҳим берибди унга икки қул.

Одамнинг ҳунари қўздандир азал,
Оламнинг зевари қўздандир азал.

Бой-бадавлат кузининг нисматлари ҳам
Қўздандир, қул билан ризқидир одам.

Тошкандининг йўлида турнадек қатор
Фуқаро мақсади аслида бозор.

Саваб кажавали улоқлар беҳад,
Чор тарафдан келур, йўқдир ҳалду ал.

Еки аробага ортиб юкнини,
Оёғига ялиб йиртиқ мўкинни,

Тошканд бозорига деҳқон еладир,
Чорини чапг югиб чунон келадир.

Шаҳарнинг чиройи бутун ўзгача,
Ўзига эб берди, ахир кузгача.

Дарихтлар янроғи бўлиб заъфарон,
Оҳиста тўқилар йўлларга хазон.

Бир маромда оқар Бўзсуву Солюр,
Чархпалак айланар ҳорғини, бемадор.

Қўзгуга ўхшайди тиниқ зилоли,
Мажнунтоқлар сочин ювар, ибolini.

Боғларга қўмилган Ташиканди азим
Соҳибқдор аҳлига қилмакда таъзим.

Ҳар кулбага кирган баракано қут,
Йўқчилик бир умр бўлгандек унут.

Ризқ бўлиб қайтмакда ерга меҳнати,
Ниродек учмасдан елга хизмати.

Чорсу дўконлари бўлиб муҳташам,
Ҳинтин растасидан узилмас қўдам.

Тўқин-сочини Деки жува бозорин:
Фарқанд узумино Сайрам апорин,

Чиноқ қовушино Келес бутдойи
Богистон ёнроғи унинг чиройи.

Елга ниманки ер қилса тортиқ,
Тижорат жойи йўқ бозордан ортиқ.

Кузининг нисматлари бўлиб муҳайи,
Харидор аҳлини этар маҳли!

Қўли очик деҳқон Хотами Тойдек,
Ҳосилни кўтариб сахий ва бойдек.

Не қўшлар қўнмасе галла чопидан,
Эрилса арзийди деҳқон бошидан.

Зироатда Хожа Убайдуллоҳ ҳам,
Ер тилини билган соҳибқдор одам.

Ўйли-жойли бўлиб тебратар рўзгор,
Ҳаётининг ўзидир унга омузгор.

Мўл ҳосил кўтарди барча қатори,
Елга эмас, бордир қаторда пори.

Оғ-инилари, қавму қариндон,
Гў! бир яқодан чиқардилар бош.

Унга мадад бўлиб «Ҳорманг» дедилар,
Ҳалол меҳнат нонини бирга едилар.

Ортиқчаси эса чинди бозорга,
Маблағи харж бўлди яна рўзгорга.

Бир улуғини эса элга илтиди,
Ҳақир фуқарога тақсим қилинди.

Зироатдан гарчи бунамас қўли,
Ул билан ободдир тариқат йўли.

Дилини банд этган Нақибандия
Фирқидан чиқмайди бирор сония.

Тариқатга содиқ намояндалар,
Тасаввуф мулкюда закний бандалар:

Мавлоно Имоми мусоҳиб бўлиб,
Низомиддин Хомуш муносиб бўлиб.

Баҳе этар тасаввуф ҳам тариқатдан,
Қуръону ҳадису фикҳу хизматдан.

Фирқлар очилар чанма қўзидек,
Инжулар сочилар муринид сўзидек.

Баҳе қўчар Тавроту Забур, Инжилга,
Не муаммо есилар ҳар бири дилга.

Қуръонни қаримга қилинар қиё,
Ўзоқ давом этар инжумани хос.

Ақли китоб Оллоҳ сўзин сўзлаган,
Бани Одам манфаатин қузлаган.

Хожа Абдулхалиқ Гиждувоний бир
Машхур шиорини қилишар тафсиар.

Ҳазрат демуш: «Даст ба қор ва дил ба ёр».
Ушбу ҳикмат бўлиб асос, пойдевор,

Тариқат биноси кутарибди қад,
Унга гишт қуйибди неча саромад.

Демакким, Хожагон тариқатида,
Тариқатнинг асл ҳақиқатида.

Меҳнатнинг мавқеи баланд ва илгор,
Меҳнатда синалар асли иқтидор.

Булса қул меҳнатда ва дилда Оллоҳ,
Яратганининг ўзи булғайдир паноҳ.

Меҳнатсиз олмағай бирор иш барор,
Барор олмас дилда булмаса Ҳақ — ёр.

Оллоҳ дилда бўлиб қилмасанг меҳнат,
Бешафқат ҳаётдан кутмагин шафқат.

Оллоҳни ёд этгай меҳнаткаш киши,
Меҳнат кишисининг яхшидир иши.

Тариқат шиори — Ҳазратнинг сўзи,
Сулукнинг азалий йулча юлдузи.

Фикрлар келади бир-бирига мос,
Мусоҳиб кўнглида уйғотиб ихлос.

Убайдуллоҳ ёдлаб азиз хилқатни,
Дастурул-амал дер ушбу ҳикматни.

Шу важдин омадин кўриб меҳнатда,
Меҳнати туфайли бўлмиш иззатда.

Шу важдин касб этмиш зироат ишин,
Зироат бедамиш умрининг кишин.

VII

Хожа Убайдуллоҳ уқиб-урганар,
Тинимсиз доналаб теради гавҳар.

Бошини кутармай азиз китобдан,
Қалбига нур излар гуё офтобдан.

Китоблар тоқчада терилган қатор
Мисоли шоҳода не дурри шоҳвор.

Ҳар китоб гуёки дурри яқдона,
Китоб кирган уйга қайғу бегона.

Элдан эшитганин битиб дафтарга,
Ҳикмат саройида ўрайди зарга.

Ўзининг сўзи ҳам ўшар ҳикматта,
Ҳикмат зийнати берад фикратта.

Қуриб кўп аду юрт, қуриб кўп китоб,
Валий бўлиб унинг фикри жаҳонтоб.

Тасаввуфнинг асл моҳиятини,
Англаб етди унинг хосиятини:

У камол топтириб бани Одамни,
Ақл зарн билан безар оламни.

Худо ҳавасларин кўриб инсонда,
Сифатларин пайдо қилғайдир онда.

Худого яқинроқ қилиб Инсонни,
Яратур Оллоҳ-ла васли имконни.

Яқинлашур Оллоҳга оқибатда,
Бандаю Ҳақ булғайдир мулоқотда.

Тасаввуф мақсади комил инсондир,
Инсонки, азалдин соҳиб жаҳондир.

Хожа Убайдуллоҳ комил инсонни
Тасаввур қилади — ҳусни жаҳонни.

Ул шундай инсонки — етук, мукаммал,
Шариат, тариқат, ҳақиқатта ҳал.

Бошқача айтганда, ул шундай инсон —
Ки, тўрт нарса унда бўлмиш намоён:

Яхши сўз, яхши хулқ ва яхши амал,
Маърифат ул шахсга берғайдир сайқал.

Ул шундай инсонки — дили, тили пок,
Иши, нияти пок, умр йули пок.

Оллоҳ йулин қабул этган солиқлар
Ушбу тўрт нарсани билишар зевар.

Уларга етишмак ишқида яшар,
Камолга етказмак булғайдир ҳунар.

Кимки, тўрт нарсани топтирса камол,
Ўзи ҳам эл аро булғай баркамол.

Даригким, бу йулга кириб кўп одам,
Гирдобларга тушиб гарқ бўлди мубҳам.

Мақсад манзилига улар етмади,
Муродлари эса илқин тутмади.

Демакким, ўзи пок, сўзи пок инсон,
Ишию қули пок, кўзи пок инсон,

Нияти пок инсон — комил инсондир,
Оллоҳнинг васлига ноил инсондир.

Деган эканларким, Пайгамбаримиз —
Исломи яратган илк сарваримиз,

Қараб мусоҳиби Абу Дардога:
«Ақлинга ақл қўш. Шунда Худого

Яқинроқ буласан». (Ўйлаб фикр этсам,
Тангрининг васлига, кошки, етишсам).

Ақлу заковатин улғайтиб мудом
Камолот чўққисин забт этган одам,

Энг нодир Инсондир — ҳусни жаҳондир,
Оллоҳга яқинроқ борган инсондир.

Китоб кўриб ўлтирар Убайдуллоҳ,
Дини ислом асрори бўлиб огоҳ.

Тариқат пирлари унга мударрис,
Азиз раҳнамоси Қуръону Ҳадис.

Яна Таврот, Забур, Инжил дарсхона,
Муқаддас Китоблар унга дурдона.

Оллоҳ ила бани Одам уйида,
Маърифатнинг шамъи ёнур уйида.

Тасаввуфнинг чапмасидан баҳраманд,
Тариқатнинг пирларига жоншайванд.

Туркистон элида бўлиб сафарда,
Не муъжизот кўрмади ул шаҳарда.

Хожа Аҳмад Яссавийни ёд этди,
Муқаддас мазорин зинрат этди.

Ёд олди Авлиё Ҳикматларини,
Қўнғлига жо қилди фикратларини.

Қуръон маънилари солиб назмга,
Ҳазрат донг таратмиш юрти азимга.

Муқаддас Китобдек суриб кўзига,
Дилини боғлади Ҳикмат сўзига:

«Мени ҳикматларим кони ҳадисдур,
Киши буй элтмаса билгил хабисдур.

Мени ҳикматларим фармони субҳон,
Ўқуб уқсанг ҳамма маънини Қуръон».

Яна Убайдуллоҳ кўриб бир китоб,
Ажиб калимага дуч келди шу тоб.

Хожа Баҳоваддин Нақшбанд пирни
Амир Сайид Кулол — зурлардан бири.

Донишманд шоғирди топганда камол,
Муришдинк йўлига қузатиб хушҳол.

Ул Ҳазрат шундай деб этмин васият,
Не васият, дилдан этибди ният:

«Мустақил ишодот йўлига томон
Қадам қўймакдасиз сиз энди, ўғлон.

Энди турку тожик саҳобалар ҳам
Тариқатда булғай сиз билан ҳамдам.

Таважжуъ кўрғанинг барчасига тенг,
Аларни муришиддек тарбия қилинг.

Таълим ва тақвият бахш этинг бирдек,
Сизни эъвозласин алар ҳам пирдек».

Хожа Баҳоваддин устод сўзини
Оқлашга бахшида этди ўзини.

Баробар бўлиб ул тожигу туркка,
Обрўси таралди бутун бир мулкка.

Чунки турку тожик эту тирноқдир,
Бир уйни мунаввар этган чироқдир.

Айириб бўлмайди этни тирноқдан,
Уйлари чароғон битта чироқдан.

Турку тожик сув ичар бир наҳрдан,
Икки фарзанд чиққандир бир бағрдан.

Онаси тожигу отаси туркдир,
Иккиси бир мулкнинг кўркига кўрқдир.

Ё волидаси турк, тожик падари,
Бир узук кўзининг ноёб гавҳари.

Мозийга шу йўсин тапласан назар
Тарих саҳифасин қардошлик безар.

Амир Сайид Кулол падари билан
Сайид ото азал қадрдон бўлган.

Шу вақҳдин чорлатиб ўғлини Тошкандга,
Тарбия бергандир шоғирд дилбандга.

Тариқатда бўлиб пирни муришди,
Рўйига чиққандир бутун умиди.

Мозийдан кўринар яна бир мисол,
Азалий дўстликка энг ёрқин тимсол.

Хожа Баҳоваддин Нақшбанд ҳазрат,
Тошканди азимга келиб бир фурсат.

Туркигўй муришдилар дарсини олмини,
Халил ото, Қусам шайхдан лол қолмини.

Не дареки, таълиму тарбия олмини,
Печа йил уларнинг қошида қолмини.

Улуғ Яссавия тариқати боз
Хожагон сулуқин этибди эъвоз.

Бу икки тариқат азалдан қардон,
Бириси қўлдошу бириси йўлдон.

Алқисса, улғайиб бир хонадонда,
Турку тожик даврон сурмини Туронда.

Хожа Убайдуллоҳ сиймоси яққол
Ушбу хонадонда кўрсатур жамол.



УТВЕЖЕВИ ФАЕЛ

Бу замонда подшоҳлар ҳузурига бориб, мазлумлар ва ҳожатмандларнинг мушкилини осон қилишдан яхши ҳислат бўлмас. Шунга эришмак лозимки, бир мазлумнинг арзини сўтгонларга етказиб, унга мададкор бўлиш, адолатсизлик ва зулмин бартараф қилиш учун барча куч ва гайратни аямаслик лозим.

Хожа АҲРОР

Биз бу бузургвор (Хожа Аҳрор) камолотларини яхши билмасмиз. Ҳазрати Эшон бизни кўп масалада лол қолдирадилар. Бу кароматдан бошқа гап эмас.

Хожа Фаздуллоҳ Шайх АБУЛЛАЙСИЙ

ЕГТИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Шукӯҳли карвондек утади йиллар,
Йилларин безайди элатлар, эллар.

Оро бериб уммат ҳаёт қасрига,
Омаду бахт тилар азиз наслига.

Наслинг умиди бўлмаса жонда,
Инсон яшамасди ушбу жаҳонда.

Ҳаёт боғи хазон бўлур инсонсиз,
Не инсонсиз, инсон бўлса иймонсиз.

Иймонли одамлар, ҳар қалай, бисёр,
Эду юрт ишқиде жонлари нисор.

Хожа Убайдуллоҳ иймони бутун
Кинилар туфайли яшар сермазмун.

Ҳар бир кун унинг ўтмайди нафъсиз,
Ўтмайди улусу гами салафсиз.

Нақибандия тариқатин пирлари
Иршодианоҳ унга падар сингари.

Кун сайин бўлмақда иршод ойини ул,
Улусга кўрсатиб тариқатда йўл.

Тариқат аҳли-ла бўлиб суҳбатдон,
Не суҳбатдон, улар билан фикратдон.

Намоён этмақда салоҳиятин,
Дилига жо қилиб улус ниятин.

Тошканд вилояти ҳамда Туркистон
Улуси ичинда ҳурматга шоён,

Хожа Убайдуллоҳ ал-Шошӣ номини,
Каромат сеҳрию валӣи каломини

Етди Самарқанду Бухоро томон,
Андижон, Хоразм сари бегумон.

Йил сайин улгайди унинг шухрати,
Валий деб ном берди туркий уммати.

Насрий бир ҳикоят тарихин билсам,
Назмий лисон ила таърифин қилсам.

Иқтибос айламак гарчандки мушқил,
Анинг адосига бўлғаймен мангул:

Хожа Баҳовуддин Нақибанд билан
Сайфиддин Манорий суҳбатдон бўлган.

Мавлоно Имоми анинг фарзанди,
Фарқатдин тусабди кўнгли Тошкандни.

Не Тошканд, истабди Убайдуллоҳин,
Кўргани келибди валӣи панохин.

Бир кеча бўлибди азиз меҳмонин,
Қутлуғ хонадонда яйрабди жонин.

Хожа Убайдуллоҳ бўлиб навосоз,
Отаси ҳурмати қилибди эъвоз.

Саҳар найти эса келиб рўбару
Ғамгин ҳолда кўрди Имомини у.

Сабабин сўраса, у этди баён:
«Тун кўрдим, таъбири эмасдур айён.

Қўлимда оқ бургут бўлиб бир асно,
Ул учиб кетибди, қарасам, аммо.

Оёғида ипи осилиб турур,
Париншонлигимга сабаб ишл эрур».

Хожа Убайдуллоҳ тун таъбирини
Келтириб, сўйлади унинг сирини:

«Бахраманд бўлибсиз суҳбатимиздин,
Суҳбатни безамини ҳикматимиздин.

Ул қанча мароқли бўлмасин, майли.
Таъсири камаймиш уйқу туфайли.

Қуш оёғидаги ип ҳали, аммо.
Бахраманд бўлишга ундар донмо.

Яъни алоқамиз узилмас тамом,
Ул яна неча бор этгайдир давом.

Бургут тимсолида зоҳир бўлгай бот,
Ул ўзга қушларни ов қилмиш жонзот».

Мавлоно Исмоил бир оз дам ўтиб,
Ололди анчайин ўзини тутиб.

Хожа дер: «Қаранг-чи, келибдими қуш?
Ё ҳамон банд этмиш ҳаёлингиз туш?»

Бул савол келтирди уни ҳушига,
Хурсанд бўлиб, таъбир тонди тушига.

Ушбу воқеадан сўнгра Исмоил
Енидан кетмади ва қолди қойил.

Исмоил сингари қанча суҳбатдош
Убайдуллоҳ билан буддилар йўлдош,

Тирикчилик ташвишидан хотири
Паришон бўлмасин дебон ҳар бири.

Эҳтиёж туфайли қилиб зироат,
Меҳнат орқасидан топди саодат.

Шундан дунё кераклиги билинди,
Мол-мулк орттиришга ҳавас қилинди.

Бора-бора бойиди Убайдуллоҳ
Ва булди уммати бошига паноҳ.

Орта борган сари унинг ҳурмати,
Не ҳурмати, Туркистонда уммати.

Хожагон сулукин улуғлари ҳам
Мусоҳиб бўлмакка ошиқни хуррам.

Мавло Низомиддин Хомуш бир айём,
Хожаи Валийни қилиб эҳтиром.

Азиз меҳмон булди унинг уйда,
Зилоли нилйидек Анҳор буйида.

Иззат-ҳурматини келтириб бажо,
Мавлоно меҳрини қозонди Хожа.

Унинг истагини олиб инобат,
Мозорларни бирга қилди зиёрат.

Салафлар руҳини шодон этдилар,
Босган изларини бустон этдилар.

Ёд олиб машойих азиз номларин
Бажо келтирдилар кўнгли комларин.

Оллоҳ хоҳишига қарши борган зот
Икки дунёда ҳам топмагай нажот.

Ҳикматин ёдида тутиб доимо,
Шарафга эришди бул икки сиймо.

Оллоҳ берганига айтиб шукрона
Яшамак бандасин қилгай фарзона.

Яна бир ҳикоят истар назмин,
Не тонг, наسر этса анга рамзин.

Насрдин кўркамдир назм либоси,
Не либос, назмининг йўқдир қийси.

Назмин тушунмак мушкилдир гарчаңд.
Осон ишга фақир жон қилмас пайванд.

Назмдир азалий сўз ибтидоси,
Кошки, ортса анга улус ихлоси.

Умнатда қўзғатиб меҳр ва ҳавас,
Токи, назм билан олсин деб нафас,

Насрни назмда тараннум этдим,
Мухлиси насрга тараҳҳум этдим:

«Низомиддин Хомуш Тошкандда ҳамон
Хожа Убайдуллоҳ уйиди меҳмон.

Мавлононинг тоби қочиб қолмиш деб,
Унга хабар берди бир киши келиб.

Зироат иши-ла бўлса-да машгул,
Келесдан отланиб йўлга чиқди ул.

Келиб қарасаки, устига унинг
Бир неча тун ёшиб, уч-тўрт киши денг,

Босиб турар эди Ҳазратни алҳол
Аммо, ул титрарди — бўлгандек беҳол,

Тиши-тишларига тегмай қалтирар,
Бул ҳолдан Хожанинг кўнгли уксинар.

Эшикдан кирди-да кимдир шу асно
Жамоани содди ҳайратга, аммо.

Сувга тушиб кетиб совуқ ҳавода,
Усти-боши юпун, бўлиб шалаббо,

Совуқ қотар эди — кўзида нажот,
Мавлоно айтдилар, аммо, шул заҳот:

«Мени қўйиб, иситинг бул одамни,
Кўмакка йўллангиз ганимат дамни.

Унинг учун совуқ қотардим фақир,
Мени қўйинг, тезроқ бўлингиз ахир».

Бир гариб ҳожатин чиқариб илдам,
Савоб манзилига қўйилди қадам.

Мавлоно бўлса-чи, чекмай ҳеч заҳмат,
Уридан қўзғолди — эди саломат».

Низомиддин Хомуш каромати бу,
Жамоа аҳлининг саодати бу.

Тошканд атрофидан отланиб умнат
Ҳазратни қилишар ҳар кун зиёрат.

Не ҳазратни, Хожа Убайдуллоҳни,
Улусга очилган азиз даргоҳни.

Шухрати ошгани сайини тобора
Мухолифлар тинмай қилирар чора.

Рақиблари унинг маҳкам эмас, мурт,
Обру дарахтига тушган каби қурт,

Тикан тўшагида ёта олмай тинч,
Фитна уясига чун тиқар нотинч.

Иғво матосидан тўқинар тухмат,
Фужур саҳросида тонгали хурмат.

Уввос солиб ҳасад чангалзориди,
Даллодек изғинар кин бозориди.

Бойқушдек сайрашар қаро тунларда,
Зулматга бекинар ёруғ кунларда.

Буқаламун каби ўзгартиб тусини,
Зах ерга босинар аламдан куксини.

Худбинлик дардига бўлишиб дучор,
Тошканд кўчасида кезинар почор.

Уламо Миржамол Хожа — зорманда,
Димоғи баланду бурни осмонда.

Бошидан тушмайди саватдек дастор,
Хумдек келмасини қилиб «хусидор».

Бўйини йўғон, калта — қўли, оёғи,
Бўйи паканаю мешдек қурсоғи.

Ақисса, жуссаи гўлага ўхшар,
Укки кўзларидек кўзлари ўйнар.

Хожа Убайдуллоҳ обрўси беҳад,
Қора юрагида қўзғатди ҳасад.

Кўролмаслик дардига у йўлиқди,
Хўнар қилди тулки каби қувлиқни.

Уни уламою санамай ориф,
Чўкайтиб, хасга ёпинар, заиф.

Уламолар қаторига қўшмас ҳеч,
От қаёқда? Эгардан ҳам тушмас ҳеч.

Қибр кўчасида ҳавоси баланд,
Уламо аҳлига даъвоси баланд.

Тошкандда бор эди ҳақир бир дарвеш,
Дарвешлик бошига солмасди ташвиш.

Учрашиб қолсалар кўча, бозорда,
Мулоим табассум ўйнаб узорда

Убайдуллоҳга у дерди беозор,
Ушбуни доимо этарди такрор:

«Худо сизни бундай мусулмонликдин
Қутқарсин». Хожамиз дол-ҳайронликдин

Борарди гоҳида турли ўйларга,
Фикрат мағзин эса ўрарди зарга.

Дарвеш: Убайдуллоҳ билан Миржамол
Муносабатини ҳис этиб яққол,

Ҳамдам бўлган каби Убайдуллоҳга,
Қадам босманг асло ундайини роҳга.

Сиз ундай йул тутманг, туринг узоқроқ,
Дегандек буларди кунглига бироқ.

Яна дарвеш дерди гўёки унга:
Ҳаётда ҳеч маҳал ўхшаманг менга.

Фақир кун ўтказар қаландарона,
Дарвешлик йўлига кирмас фарзона.

Қаландарлик машраби йўли сизга
Вафодорлик қилмайди — қайтинг изга.

Дарвеш ҳаётдан норози бўлиб,
Огоҳ этарми ё аламга тўлиб.

Ҳар икки ҳолда ҳам, эҳтимолки, бир —
Ҳақиқат яширин, ҳақиқатдир сир:

Хожа Убайдуллоҳ ном тошган сари
Тошкандда кўнайди мухолифлари.

Бир айём улардан ранжиб, уксинди,
Ўсган дил дарахтин бир шохи синди.

Қўл силтаб безовта мухолифларга,
Шомдин кечиб, тикди кўзин саҳарга.

Фаркатта отланди озурда бўлиб,
Рақиблар ҳолидан ичида кулиб.

Ҳазратга эътиқод қўйган дўсту ёр
Издан йўл олди Фаркатта наҳор.

Билсалар, Сайфридин Манорий ҳазрат
Мозори ҳужраси бўлибди хилват.

Унда кўриб Хожа Убайдуллоҳни,
Адолат йўлида уммат паноҳни,

Ўзларин унутди ҳайбати босиб,
Ўзига келдилар ҳайрати тошиб.

Дилидан кетказиб ранжу аламни,
Тошкандга қўйдилар яна қадамни.

Гарчи кўпайса-да унинг душмани,
Дилига файз берди улус гулшани.

Мухолифлар қанча келмасин баланд,
Баланд тутди уни янада Тошканд.

II

Ҳирот осмонида тутилди қўёш,
Самарқанд тикилди унга қайғудош.

Хуросон гирдибод комида қолди,
Мовароуннаҳрининг тинчи йўқолди.

Баҳор булутлари кийдилар қаро,
Кўз ёшин тўқдилар боз мотамсаро.

Хирируддан эди алам еллари,
Куҳакка тақалди келиб йуллари.

Не ел, қаттиқ шамол турди дафъатан,
Кулфат қуюнида оҳ урди Ватан.

Кукка ларза солди момоқалдироқ,
Чақиндан чақнади яқину йироқ.

Темурийлар дарахтидан яна бир
Улкан шох синдию титраб кетди ер.

Дарахт томирлари гарчанд устувор,
Синган шох зарбидан едилар озор.

Соҳибқирон руҳи безовта, полон,
Гуримир кукида чекмишдир фиғон.

Ногаҳон қулади яна бир тоғи,
Хазонга юз тутди яна бир боғи.

Султон Шоҳруҳ мирзо рихлат этмишдир,
Бу дунёдан у дунёга кетмишдир.

Қирқ уч йил Хуросон бошида турган,
Жаннатбахш Ҳиротни янгидан қурган.

Муътабар сиймонинг қуёши ботмиш,
Хуросон мотамдан тош каби қотмиш.

Пойтахтни қонламиш фарёд нидоси,
Қайгудан қораймиш Ҳирот самоси.

Ҳирот тахти улуг тождорсиз қолмиш,
Не тахтки, пойтахти сардорсиз қолмиш.

Султоннинг завжаи муҳтарамаси,
Аниси, ҳамдами, муқаррамаси.

Малика Гавҳаршод Бегим фиғонда,
Чинори қулаган Боғи зоғонда.

Хуросон улусин волидаси ул,
Мовароуннаҳр нури дийдаси ул!

Самарқандни тутиб мотам хабари,
Саросима бўлмиш мулкнинг сарвари.

Улугбек мирзонинг дилида мотам,
Чинордек қалдини эгиб қўймиш ғам.

Унга қолмиш энди буюк салтанат,
Машриқу Мағрибга маёқ мамлакат.

Сўянган тоғи йўқ — энди на қисағай,
Надари бузургсиз ҳоли не бўлғай?

Ҳирот тахти учун қўзғалиб низо
Волидасин этмиш қавми норизо.

Шаҳзодалар тахтга тикиб қўзини,
Гавго гирдобига урмиш ўзини.

Онаси қисматин ўйлаб, қўйиннар,
Душманлари эса ичдан суйиннар.

Бобоси Темурбек — буюк саркарда,
Араб юртларига қилган сафарда.

Дунёга келиб ул Султонияда
Она меҳрин туйди илк сонияда.

Бир ён Озарбайжон, бир ёнда Эрон,
Султония сурмиш уртада даврон.

Улугбек бешигин тебратган шаҳар
Номини, не ажаб, ёд этса башар.

Амир Темур қайтгач ҳарбий сафардан,
Шавкат қасрин безаб улуг зафардан,

Самарқандда қилиб тую тантана,
Фароғат тоғанда дорус-салтана,

Улугбекда кўриб ўз юлдузини,
Дунёда бахтиёр сезде ўзини.

Муҳтарам бувиси — Сарой Мулк Хоним,
Набирамга садқа бўлсин деб жоним.

Тарбия қилгани бағрига олмиш,
Қалбига садоқат зийёсин солмиш.

Улугбек таваллуд тоған кунданоқ
Меҳри-ла яшади онаси муштоқ.

Ўз нури дийдасин соғиниб бисёр,
Беш йилдан сўнггина кўришди дийдор.

Гавҳаршод Бегимнинг боши осмонда,
Ўғли билан яшар дорул-амонда.

Унинг ҳар қадамин кузатиб турар.
Мактаб, мадрасага узатиб турар.

Идрокини кўриб сизмас ичига,
Севинч қўшилади ҳар севинчига.

Ул тунлар юлдузлар сайрин кўрганда,
Қалбида қувончлар жавлон урганда.

Жонини гиргитгон қилиб бошида,
Иқболини кўрар кўз қарошида.

Алломалар Саид Шариф Жўржоний,
Қозизода Румий ҳам Тафтаазоний.

Ўғлини баҳраманд қилмиш илдан,
Не илм, илм аро барча тилсимдан.

Шодлигин чеки йўқ онаизорининг,
Не она, аҳли фан, аҳли киборининг.

Волида умиди, тилаги унда,
Нажоти, қувончи, юраги унда.

Жонда жондир ул — жигариораси,
Қонида қондир ул — қўзини қораси.

Йиллар ўтиб, ўғли камолга етди,
Илму фан, тахту тож илқидан тутди.

Ҳиротда бўлса-да Гавҳаршод Бегим,
Самарқанд бағрида дер эди дилим.

Подшоҳлик тожини кийган Улугбек,
Илмга меҳрини қўйган Улугбек,

Кухакда қурдирди хонаи расад,
Маърифат аҳлига жилмайди омад.

Энг кузга қуринган алломаларни,
Илмада беназир уламоларни

Бош устида тутиб, кўргизди меҳр,
Фикру ҳаёлини банд этди сипеҳр.

Минг тўрт юз йигирма саккизинчи йил
Ҳиротдан узоқ йўл босиб муттасил.

Расадхона пайгомидан бўлиб шод,
Фарзандини кеча-кундуз этиб ёд.

Самарқандга ташриф буюрди она:
Ўғлига зар либос киюрди она.

Хонаи расадни қилиб зиёрат,
Қувончи янада бўлиб зиёдат,

Муҳташам қасрдан тушди ҳайратга.
Ўхшашин топмади олий санъатга.

Ер устида кўрам уч ошён бино,
Ер остида сирли яна бир дунё.

Энг баланд ошёндан боқса волида,
Самарқанд, кафтида турган обида.

Зиналардан тушиб хос хонага сўнг,
Алломалар билан айлади гурунғ.

Дурбийндан боқди юксак фалакка,
Юлдузлар меҳрини жойлаб юракка.

Назарида гўё осмон бўлди паст,
Каҳкашон сеҳрига жонидир пайваст.

Нигоҳи қадалди Арши Аълога,
Ҳаёли чулғанди сирли самога.

Хонаи расаднинг ҳайрати босиб,
Дилидан ташаккур булоғи тошиб,

Фарзанди ақлига тан бериб яна
Ўзини қўйишга жой топмас она.

Расадни атади «Зеби жаҳон» деб,
Ки, жаҳон илмига расад бергай зеб.

Улугбек мирзони босиб бағрига,
Бир лаҳза чўмди ул меҳр қаърига.

Гавҳаршод Бегимдек бахтли она йўқ,
Унинг ўғли каби бир фарзона йўқ.

Ул Турон заминда расад боғлади,
Илму фан кишисини кашфга чоғлади.

Рўйи замин сайқалини кезиб шод,
Соҳибқирон пок руҳини қилиб ёд.

Улугбек аъмоли жамолин кўриб,
Ўлкаю умматнинг камолин кўриб.

Султону малика ҳолин сўроқлаб,
Невара, чевара меҳрин ардоқлаб,

Қавму қариндошнинг билиб кўнглини.
Алқисса, ободон этиб мулкини,

Ҳиротга жўнади Гавҳаршод Бегим,
Оллоҳга топширдим сени, деб, ўғлим.

Азиз волидасин нузли сиймоси,
Оллоҳга топшириб қилган дуоси,

Улугбек мирзога бағишлар кумак,
Аммо, мотам ичра тўлғонар юрак.

Падари бузурги энди йўқ, нетсин,
Қандоқ қилиб мулкни илқида тутсин.

Мулкки, Машриқ аро булок, улугвор,
Турон заминиди шукуҳи донгдор.

Тахту тож макрида икки мулк аро
Шаҳзодалар бошларида можаро.

Ҳаёл гирдобиди султон Улугбек,
Мотам меҳробиди гирён Улугбек!

III

Мовароуннаҳру мулки Хуросон
Бошида Улугбек мирзо соябон.

Ота давлатига соҳиб ихтиёр
Султоннинг улусда қадри устувор.

Меҳрини қозонган маърифат аҳли,
Ҳурматга сазовор тариқат аҳли.

Аммо, баъзи худбин аҳли хурофот
Кўзини пардадек тўсмиш жаҳолат.

Фосиқ Шайх Хомуший чайнга ўхшар,
Шайх Саид Ошиқий илонга ўхшар.

Уларнинг гарчандки, тилида шакар,
Дилида йигилиб ётибди заҳар.

Фурсати етганда чақар султонни,
Маҳв этмак истайди комил инсонни.

Хамонки, оғусин ютиб ичига,
Қўлини қўзолмас кин қиличига.

Тулкидек пойлашар энг қулай онни,
Суиқасд домида тутиб султонни.

Комил инсон турмай давлат бошида,
Нодон турса басдир шайхлар қошида.

Улугбек мирзонинг тўнғич фарзанди —
Бидъат чанғалига илинган банди.

Абдуллатиф мирзо тахт ҳавасида,
Тож киймак истайди ҳар нафасида.

Шайхлар гирдобиди тинмай айланар,
Отаси қасдига зимдан шайланар.

Абулазиз қондош иниси гарчанд,
Меҳр кўргизмасдан оғаси монанд,

Давъюгар бўлгай деб ота тахтига,
Чағи солмак истади ота бахтига.

Фосиқ Шайх Хомуший хунари фасод,
Осейиш уйини қилгувчи барбод.

Бир ўғил ўстирди нобакор, баттол,
Ақли қосир унинг, фосид ва қаттол.

Аббос деб шайх унга қўйганида от,
Қотиллик хунидан тойдими нажот.

Чиқолмай бузғунчи шайхлар домидан,
Не домн, аждаҳо каби комидан,

Абдуллатиф қабиҳ ишга қўл урди,
Надаркун бўлиб ул тахтга ўлтирди.

Улутбек қатлидан эл чекиб фиғон,
Қўён тугилгандай қорайди осмон.

Орадан олти ой ўтмасдан, аммо,
Надаркун қилинди жонидан жудо.

Мутаассиб шайхлар, хурофотчилар,
Илму фан дунмани, жаҳолатчилар

Қонга беланса-да гарчи қўллари,
Зулматга элгеса-да юрмиш йўллари,

Улуғнинг зулукдек қонин сурдилар,
Макр кўчасида даврон сурдилар.

Улутбек қатлидан дили йиғлаб қон,
Хожа Убайдуллоҳ умиди вайрон.

Қулаган сингари суянмиш тоғи,
Қуриган мисоли нажот булоғи.

Маърифат офтоби ўчганга ўхшар,
Хурофот қуюни кўчганга ўхшар.

Бесоҳиб қолгандек хонан расад,
Самарқанд бошидан кетгандек омад.

Ҳоли не кечадир «Зеби жаҳон»нинг,
Қўёни ботдими коми инсонининг?

Само юлдузлари гирён кўринур,
Не юлдузлар, гирён осмон кўринур.

Отасиз қолгандек эл тутар мотам,
Юракларни пора-пора этар ғам.

Надаркунга унбу қисмат деб раво,
Хожа Убайдуллоҳ топар тасалло.

Фосиқ машойихдан чекиб ранж, алам,
Тортгай дер аларни коми жаҳаннам.

Хурофот аҳлига қолса Самарқанд,
Қилинганга маърифат аҳли занжирбанд.

Алардин қутулса дорус-салтанат,
Устувор бўлгай дер салтанат яна.

Жаҳолат азалдин маърифат ёни,
Ҳар қалай, Улутбек мирзо кўёни —

Абдуллоҳ мирзога боғлаб зўр умид,
Дуни аъмолидан бўлмай ноумид,

Мадад бўлсам дебон янги султонга,
Не султон, афтода умум инсонга,

Самарқандга таширф буюрди, аммо,
Султонни кўрмаклик бўлди муаммо.

Саройнинг нобакор амалдорлари
Йўлатмади уни ҳукмдор сари.

Фосиқ шайхлар эса қўзғашиб фитна,
Сангдилар мақсудин кўзига игна.

Умид оғочининг синиб шохлари,
Хожага ёпилди сарой роҳлари.

Қадрини бош узра тутса-да улус,
Султон суҳбатига етолмай, афсус,

Хожа Убайдуллоҳ Тошкандга қайтди,
Тушини гўёки ул сувга айтди.

Ранжиган дилига бериб тасалло,
Ҳақ таолога боз этди тавалло.

Оллоҳ эшитгандек муножотини,
Улус билан қилган мулоқотини,

Имдод этдими Убайдуллоҳга,
Адолат йўлида умматпаноҳга?

Тахтни олса ҳамки Абдуллоҳ мирзо
Шаҳзодалар аро тинмади низо.

Тожга давъюгарлар турини мади тинч,
Баланд келса, не тонг, ақдан қилч.

Абу Саъид мирзо пайт келди дебон
Бухоро томонида кўтарди исён.

Миррошох мирзонинг набираси ул,
Самарқанд тахтига узатмакда қўл.

Султон Улутбекка бўлиб мулозим
Саройда қилди ул не бўлса лозим.

Нолозим нарсдан тортиб ўзини,
Тахтидан узмади, аммо, кўзини.

Фурсат оғочда етилиб самар,
Ўтдан омон чиқди мисли самандар.

Истифода этиб потинч айёмни,
Ўзига қаратди зимдан авомни.

Абдуллоҳ мирзонинг бошидан тожин
Олгани излади гўё меърожин.

Ва лекин қудрати етмади тахтга,
Сизмаган кўринди гўё пойтахтга.

Мадад излаб елди Тошканд сарига,
Не Тошканд, ундан-да ўтди нарига.

Данги Қинчоқ томон йўл олиб илдам
Абулхайрхондан тилани ёрдам.

Темурийлар аро қўпиб можаро,
Қилмасин қанчалик ниёо узаро,

Аралашмас эди Абулхайрхон,
Илтимос қилса-да насли Темурхон.

Ўзгача йўл тутди, аммо, бу сафар,
Самарқанд бошида кўргандек хатар.

Улутбек қатлидан чекиб надомат,
Авжига чиқибди деди хурофот.

Фосиқ шайхлар илкин тийгани дарҳол
Абу Саъид мирзо сўз берди алҳол.

Ҳарбий кумак олиб Дашти Қипчоқдан,
Тошкандга йўл босиб келди йироқдан.

Қўшини тўхтади шаҳар тошида,
Самарқанд гавгоси унинг бошида.

Оқтепадан тортиб Кўкчага қадар
Шовқин-сурон солиб депсинар лашкар.

Абу Саъид мирзо ахтариб нажот
Шайхонтаҳур томон яна сурди от.

Ўтар маҳалида Дашти Қипчоққа
Бир оқшом бўлганди унда қўноқда.

Паноҳ излаб Хожа Убайдуллоҳдан,
Қайтмади мақсудга отланган роҳдан.

Самарқандда эшитса-да номини,
Билмас эди Ҳазратнинг дил комини.

Бир оқшом бўлса-да унга мусоҳиб,
Мусоҳиб бўлдими унга муносиб?

Хаёл гирдобига урилиб боши,
Бошида айланиб тегирмон тоши.

Зиёрат қилгани илдам еладир,
Маслаҳат сўргани хуррам келадир.

Пир дебон этагин тутса гар маҳвам,
Эҳтимол, дардига булғайдир малҳам.

Ноумид этмагай пири муридни,
Кўнглида устувор этгай умидни.

Бошда тутиб Ҳазрат аҳтиромини,
Айтгани келадир кўнгли комини.

Кошки, боши узра соябон бўлса,
Мушкил дам қошида намоён бўлса.

Кошки, Ҳазрат уни комраво қилса,
Ўзини Мирзога раҳнамо билса.

Самарқанд тахти гар этса муяссар,
Хожа Убайдуллоҳ булғай тожи сар!

IV

Тошканди азимдан қўзғолиб саҳар
Самарқанд тарафга отланди лашкар.

Абу Саъид мирзо лашкар бошида,
Баланд тоғлар пастдир унинг қошида.

Етти минг аскар кўтариб тўзон
Карвонсиз йўлларда соладир сурон.

Кўкка сапчигудай аргумоқлари,
Чув деса, чақнайди чақмоқ сингари.

Сайхунни дев каби кечиб ўтадир,
Не кечиб, лочиндек учиб ўтадир.

Улуғ чулдан ўтар бир ҳамла билан
Қулу оёғига кирса-да тикан.

Кўксига текканда Сангзор шамоли
Салтанатнинг гўё очилди фоли.

Не кечаю кундуз йўл босиб узоқ
Ҳориган кўринди аскарлар бироқ.

Сарбозорни қўшин қилди-да макон,
Дам олиб, шайланди жангга беомон.

Абу Саъид хуружини эшитиб,
Русумоти жангни обдон пишитиб,

Абдуллоҳ мирзо ҳам жангга отланди,
Душманни маҳв этмак қасдида ёнди.

Ўн мингдан зиёда лашкари унинг
Ёғийни қилмакчи тупроқ билан тенг.

Икки қўшин Булунгурда дуч келди,
Икки қардош ёғий бўлиб тикилди.

Темурийзодалар тахту тож дебон
Яна жангга кирар, яна тўкар қон.

Ўзига ишонган Абдуллоҳ мирзо,
Музаффар лашкари этмас норизо.

Абу Саъид мирзо ташвишда, аммо,
Ғалаба қилмоғи жангга муаммо.

Икки қўшинда ҳам таҳлика зурдир,
Икки мирзода ҳам тажриба гурдир.

Мирзолар умрида — бу, биринчи жанг,
Ваҳима этмакда аҳволини танг.

Бошлари гарангдир: келдими фурсат,
Мард бўлсанг, майдонда ўзингни кўрсат.

Мирзолар Оллоҳдин тилайди омад,
Булунгур ариғи ўртада сарҳад.

Икки қўшин турар икки томонда,
Тахту тож ҳал булар бугун майдонда.

Абдуллоҳ мирзога фосиқ шайхлар пир,
Зафар ёр бўлсин деб келтирар такбир.

Шайх Саид Ошиқий, шайх Хомуший бот
Саройда ин қўрмиш қўзғундек, ҳайҳот!

Абу Саъид мирзо: «Ҳаёт ё мамот!»
Муаззам жангида қозонай деб от,

Оқ фотиҳа тилар гўё Оллоҳдан,
Раҳнамоси Хожа Убайдуллоҳдан.

Мирзонинг ёнида Ҳасан Баҳодир,
Баҳодирки, тоғни йиқмакка қодир.

«Ё Оллоҳ!» деб жангга кирар лашкари,
Девдек урушади ҳар бир аскари.

Урҳо-ур бошланар, бошланар сурон,
Булуғгур кўкини қоплайди тўзон.

Ёғий қўли баланд келмакда дебон
Бир даста аскари қочар ёв томон.

Абу Саъид мирзо қўллари бежо,
Қўрқув аломати бўлди ми найдо,

Ҳасан Баҳодирга деди жоисарак:
«Хиёнат балюси бермакда дарак.

Кўрясанми бирор нарсаин, Ҳасан?
На чора? Тақдирга берамизми тан?»

Унга далда берди Ҳасан Баҳодир:
«Султоним, ёғийнинг бахти қародир.

Кўрянман, самони тўсса-да тузон,
Хожа Ҳазратлари мисли кўмондон.

Қўшининг олдида бормакда — илгор,
Ёғийнинг изидан қувмакда девкор».

Тасалло бергандек Баҳодир сўзи,
Қўлларида ёшиб умид юлдузи,

Абу Саъид деди: «Кўрянман мен ҳам,
Хожа Ҳазратлари от қўяр илдам».

Лашкарбоши унинг кўнглини кутарди,
Мирзоси гўё шу сўзни кутарди:

«Султоним, ғам еманг, зафар бўлмай ёр,
Қаттол душманингиз қилгаймиз тор-мор».

«Ёғий қочди!» дебон Ҳасан жоғишон
Наъра тортди шу он мисли арслон.

Лашкароҳга етди ўқдай бу садо,
Еру кўкни тутди бирдан зўр нидо:

«Ёғий қочди!» дебон лашкар солди жар,
Душманга бўридай тапланди лашкар.

Қиличлар ялтиллаб ёнди қўшда,
Не қўёш, қиличлар уйнади бошда.

Даҳшатли ҳарбу зарб, шовқину сурон
Гирдобиди қолди жангтоҳ беомон.

Мардона от сурди Абу Саъид ҳам,
Отару тутарда у моҳир, ўктам.

Ёғий қочди зўрдан, келмай ўзига,
Ширин кўрингандай жони кўзига.

Кўп фурсат ўтмасдан, қолмай имкони,
Асир тушди Самарқанднинг султони.

Султонсиз лашкарга ёт бўлиб ҳамдам
Таслимга бош эгди аскарлари ҳам.

Қилич кесмас дерлар эгилган бошини,
Аммо, кесди бошини ёғий қардошини.

Абу Саъид мирзо очилиб бахти,
Қўлга киритилди Самарқанд тахти.

Хожа Убайдуллоҳ гарчи раҳнамо,
Булуғгурдан қайтди Тошқандга, аммо.

Абдуллоҳ мирзонинг қатлидан ёқим
Норози эдимиз? Жавоб берур ким?

Нега Самарқандга қўймади қадам?
Нега Тошқанд сари от сурди илдам?

Саволлар жавобсиз қолмакда ҳамон,
Асрорин билосмай ўтмакда даврон.

Эҳтимол, пайт келиб, Ҳазрати эшон
Узлари сабабин этгайдур аён.

Ёқим воқеалар қилиб ишора,
Мажоз йўли билан тонгайдур чора.

V

Абу Саъид мирзо давлат бошида,
Тоғ кийди йиғирма етти ёшида.

Самарқанд султони деган улуг ном
Мушарраф бўлдию кўрди эҳтиром.

Фитнаю фасоҳга бергали барҳам
Салтанат жиловини ушлади маҳкам.

Саройда ўрнатиб тартиб, интизом,
Давлат миқёсида эттирди давом.

Ноурин қўйилса дастлабки қадам
Сўнгги қадамлари келтирар алам.

Шу вақддин ул ўйлаб босди қадамни,
Кўксарой қасрига ёқди сўнг шамъини.

Кимки шамъ нуридан бўлса баҳравор
Садоқат уйида этди жон инсор.

Парвонанинг гарчи қуяр қаноти,
Шамъга толнинмаклик унинг одати.

Кўксарой хокини билиб муқаддас
Кўзига сурмакин ким қилмас ҳавас.

Урушу қирғиндан эл бўлиб зада,
Умидин пуч қилди неча шаҳзода.

Улугбек мирзонинг қатлидан бўён
Осойиш тонмади улус беомон.

Султоннинг сўндию умр қўёни,
Ғавғодан чиқмади халойиқ боши.

Маърифат юзини қоплади туман,
Жаҳолат саройда тузди анжуман.

Хира тортди бир оз ақл шамълари,
Доно бўлди даврон ақли камлари.

Фосиқ шайхлар қилди шайтон ишини,
Хурофот тўрида тутди кишини,

Ҳасад билан боқиб «Зеби жаҳон»га,
Расадни қуфр дайри деди нисонга.

Улутбек мирзонинг дўсти, сафдоши
Али Қушчининг ҳам қонади боши.

Султон хазинасин — китобларини
Улусу нўжумга хитобларини —

Бебаҳо «Зиж»нин юклаб қарвонга,
Отланди мулки Рум деган томонга.

Фитналар домида қолган Самарқанд
Осойини қушларга эди орзуманд.

Абу Саъид мирзо чиқдию тахтга,
Тинчликни барқарор этди пойтахтга.

Не пойтахт, улут Мовароуннаҳр
Мулкига қайтсин деб томурий фахр,

Буюк бобосидек истаб адолат,
Тождан порлади нури саодат.

Абдуллоҳ мирзога кимки тарафдор
Қўқсарой қасридан қувилди яқ бор.

Норизо акобир зиндон қилинди,
Не зиндон, баъзиен гумдон қилинди.

Қаттиққўл бўлмаса агарда султон
Ари уясига айланур девон.

Сарой дарахтини босар чуғурчуқ,
Чуғурчуқ бор жойда улуста кун йўқ.

Саройини тозалаб аҳли худкомдан,
Абу Саъид мирзо қутилди домдан.

Йўлидан говларин қилиб баргараф,
Улусу юртидан излади шараф.

Не шараф, ўзига излаб раҳнамо,
Танлаган йўлидан қолмади асло.

Пирим дебон Хожа Убайдуллоҳини,
Унинг паноҳидан топди паноҳини.

Ул билан егинди энг олий бахтга,
Ул билан тож кийиб, ўлтирди тахтга.

Қошида бўлмаса нири мушини,
Пучга чиқар, балки, унинг умиди.

Умидим тўқ бўлсин дебон доимо
Пирини кўрди-да ўзидан аъло.

Тошканди азимдан уни чорлатди,
Қисмат осмонида қуидек порлатди.

Хожа Убайдуллоҳ қўйдю қадам
Қўқсарой кўриши яна муҳташам.

Илий гумбазлари нурда товланиб,
Феруза ранглари офтобда ёниб,

Мунаққаш қасрлар яна топди зеб,
Туида томошага чиқди кавокиб.

Само қизи — моҳтоб мафтун тикилди,
Тулин юзларидан ёғду тўкилди.

Қўқсаройга қайтди гўё осойиш,
Осойини ўзини қилди намойиш.

Таъзим гулшанида аҳли мулозим
Хожа ҳазратларин кутди мулојим.

Юзу кўзларида балқиб эҳтиром,
Тавозеъ уйида сақлаб интизом,

Марҳамат йўлида тизилиб сафга,
Муяссар бўлгандек олий шарафга,

Меҳру муҳаббатин қилиб поёндоз,
Муришиди комилни этдилар эъвоз.

Аҳли мулозимнинг ҳурматига хос
Эҳтиром кўрсатиб гарчи ношинос,

Хоксорлик кўйида босиб қадамни,
Намоён этгандек ихлос, қарамни.

Султон ҳузурига елар нақиб зот,
Қаромат бобида тенгсиз, нажиб зот.

Қадамлари шаҳдам, қомати расо,
Ўткир нигоҳида фикр ва маъно.

Очиқ чехрасидан ёғилади нур,
Дуч келган мардумга бўлади манзур.

Эликни қоралаб қолса-да ёши,
Не-не мушкilotни кўрса-да боши,

Нурли сиймосида гўё йўқ асар,
Ёшига нисбатан улут кўринар.

Салобати босар ҳар бир кишини,
Шоҳлар ҳам маслаҳат қилар ишини.

Фуқарога эса нажотбахш азал,
Аҳли руҳоният фикрига маҳтал.

Ҳазратнинг бошида пешада дастор,
Юзидан дастори олгандек шарор.

Дасторининг бир учи ўнар кўксини,
Қўрқамроқ кўрсатиб яна ҳуснини.

Қора соқолига оралаган оқ,
Толеъ офтобидай манглайн порлоқ.

Усти-боши сипо — руҳонийга хос,
Нуроний сиймоси қўзғатар ихлос.

Абу Саъид мирзо хос одамлари
Парвона бўлишар мурид сингари.

Эшик оға нақшин эшикни очиб,
Меҳр гавҳарини бошидан сочиб,

Қўлини кўксига қўйиб шодумон:
«Хожа ҳазратлари, марҳабо!» дебон.

Жилмайиб, таъзимга келди қомати,
Бундан ортиқ унинг йўқ саодати.

Хожа Убайдуллоҳ кирди тахттоҳга,
Не тахттоҳ, эл кўзин тиккан бахттоҳга.

Султон тахтдан тушиб пешвоз чиқди шод,
Пири муршид билан тахттоҳи обод.

«Хуш келибсиз, шаҳри азимга!» дебон
Таъзим бирлан этди меҳрин намоён.

Улуғ бобосининг тожи бошида,
Олам бош экканди бу тож қошида!

Тожида порлайди дурри доянзур,
Етти иқлим аро гўё сочиб нур.

Амир Темури тахти бўлиб муяссар,
Жумлан оламга боқди музаффар.

Аmmo Пир қошида қадди таъзимда,
Ундан буюк зот йўқ мулки азимда.

Муршиди комилнинг ўпиб илкени,
Илкига топширди гўё мулкени.

Рубару ўлтириб тўшакка хуррам
Сухбати жон тузди икки мукаррам.

Хожа ҳазратлари қутлаб султонни,
Насиҳат дурлари безар лисонни.

«Тахту тож муборак, Ҳазрати султон,
Муборак бўлгайдур илюхий эҳсон.

Ўлтирган урнингиз амонда бўлгай,
Тахтингиз амонли замонда бўлгай.

Душман наст бўлсину дўст бўлсин баланд,
Осойиш гаҳвори бўлсин Самарқанд.

Гаҳу бегоҳ тагин чиқмасин низо,
Тинчликни барқарор этгайсиз, Мирзо.

Улус нафас олса озод ва эркин,
Ораю мақсуди қурсатгай қуркин.

Шоҳ улки, суянгай халқига мудом,
Халқ бирла иқболга айлагай иқдом.

Шоҳ улки, тийгайдур зулм илкени,
Саодат сорига элтгай мулкени.

Шоҳ улки, эл бирла қилгай маслаҳат,
Маслаҳат ошига муҳтож мамлакат.

Бузилмас дейдилар маслаҳатли тўй,
Маслаҳат туфайли шоҳ топгай обру.

Шоҳ улки, хунари бўлса бунёдлик,
Юртига келгирса файзу ободлик.

Шоҳ улки, илму фан аҳлин уйласа,
Шуаро, муганний дардин сўйласа.

Адолат юзидин иш тугса султон,
Ҳақ қарор топгайдур, эл сургай даврон.

Олий ҳазратимдин умидим улуг,
Жамолин кўрсатгай, кун келса қутлуг».

Дастурул-маликдан уйга бўлиб гарқ
Абу Саъид мирзо дил кўкида барқ.

Қувонч осмонда ёниб юлдузи,
Олқин либоси-ла безанди сўзи:

«Хожа ҳазратлари, Оллоҳ бўлиб ёр,
Сиз бирла фақирин этмиш бахтиёр.

Давлат қуши қўнган чоғда бошимга,
Миннатдор чорладим сизни қошимга.

Толё оғдобидин бўлиб баҳравор,
Самарқанди азим кутмиш интизор.

Истиқомат топса пири аржуманд,
Бош узра кўтаргай мулки Самарқанд.

Олтидин қимматдур ҳар бир сўзингиз,
Тавофга арзигай босган изингиз.

Фақирнинг қошида бўлса Ҳазратим
Тоғни кўтармакка етгай қудратим».

Хожа Убайдуллоҳ ўйланиб узоқ,
Ризолик уйида ёқди шамъ чироқ.

Шомга қадар давом этди мулоқот,
Мулоқот сўнггида бўлди зиёфат.

Хожа ҳазратларин ақобир, ашроф
Боши кўкка етиб қилдилар тавоф.

Султоннинг суянган тоғи ёнида,
Амир Темури қони қайнар қонида.

VI

Истиқоматтоҳи бўлиб Самарқанд
Хожа Убайдуллоҳ мавқен баланд.

Султон эҳтиромин қозонган киши,
Бошида Ватану улус ташвиши.

Муридлари ортиб кун сайин унинг
Пири муршидига айланур мулкнинг.

Мовароуннаҳрдай улуг мамлакат
Каттаю кичиги қилур маслаҳат.

Зиёрат аҳлига даргоҳи кушод,
Дуосин олганлар ўзида йўқ шод.

Дехқону хунароманд, шоиру меъмор,
Олиму руҳоний, тожиру мулкдор.

Аҳли иродату мардуми нажот
Комил инсон билан қилур мулоқот.

Дарвеш Сарипулий — ҳассос мавлоно,
Кўзию сўзию фикрида маъно.

Тасаввуф кўйига киргандан буён
Аҳли салох билан бирга, қадрдон.

Яхшига ёлдониб, қочур ёмондан,
Ҳурмат болин йигур аҳли замондан.

Эл аро топса-да обру, эътибор,
Ўзини тутарди донмо хоксор.

Самарқандни макон этган айёмда
Хожа ҳазратларин тутиб икромда,

Даргоҳи хокини суриб кўзига,
Пири комил билиб уни ўзига,

Эҳтиром тожиги дурдан бериб зеб,
Зиёратга келди биринчи бўлиб.

Хожа Убайдуллоҳ чиқди-да пеншов,
Қадр тахти узра айлади эъвоз.

Дарвеш Сарипулий ҳайрати тошиб,
Ўзин зўрга тутди салобат босиб.

Ўнг қўли кўксига, қадди тазимда,
Дили Оллоҳдаю пири азимда.

Қуюқ сўрашдилар шинос синари,
Гарчи кўришмаган улар илгари.

Аммо, Сарипулий қўйиб эътиқод,
Қўп йилки, Хожага қилди эътиمود.

Кўнглининг тўрида тутиб номини,
Келтирди эл аро эҳтиромини.

Дийдорини кўрмак эди кўп орау,
Мақсудига етиб бугун хурсанд у.

Хожага танишдир унинг ҳам номи,
Висолга етказди Ҳаққа каломи.

Оқибатда насиб этди мулоқот,
Ёдида, дўстлари айтган муножот.

Тавозеъ боғида Сарипулий хуш,
Деди улуг инсон меҳридан сархуш:

«Жонимиз садқалур қадамларига,
Хурраммиз, етишдик карамларига.

Марҳабо, Ҳазратим, Самарқанд пешкаш:
Мардуми меҳрибон, боғлари дилкаш.

Сиздек пири муршид кам эди бунда,
Камимиз бут бўлди толеъ кулганда,

Мурид бўлиб, кошки, илкингиз ўпсам,
Эътиқод уйига фақир ёқсам шамъ».

Ҳазрат деди меҳмон кўнглига қараб,
Эҳтиром уйида шоҳ каби сийлаб:

«Ташаккур, мавлоно! Мақсудсиз киши
Бошида бўлмағай дунё ташвиши.

Мақсуд қилган киши муродга етгай,
Мушқилот чоҳидин саломат утгай.

Султон ҳазратларин кўндур ташвиши:
Эду юрт ишню жамият иши

Мақсудин кўзида турибди, шоян,
Фақирнинг фойдаси тегур бегумон.

Самарқанд беназир, довруги баланд,
Дилкушо боғлари жаннатта монанд.

Маърифат бениги Маширқ аро ул
Ҳазрат Саккокийдек достонсаро ул.

Анинг ҳолин, жанобим, айланг баён,
Кўлдин буён фақирга эмас айён.

Дарвеш Сарипулий чўмди фикрга,
Ўйланиб, жуфтлади тилин зикрга:

«Фикри ожизимча, аҳли Самарқанд
Қўлу оёғидан олинди каманд.

Сунгги йиллар қолиб остин-устинда,
Дилафгор янади гўёки тунда.

Қанча қон тўкилди, олинди бошлар,
Юзларин куйдириб оқди кўз ёшлар.

Улугбек мирзонинг юлдузи сўнди,
Жаҳолат калхати расадга қўнди.

Нобакор шайхлардин улус дилозор,
Илкнини тиймаса, давлат бўлур хор.

Алар эл қонини сўрар зулукдек,
Ўзларин санайди элдин улугдек.

Султон Абу Саъид мирзо, хайрият,
Шаҳарда ўрнатди яна амният.

Халойиқ умиди Ёлғиз султондин,
Оқибат кетмасин ҳаргиз султондин.

Тагин сизга айтсам, беку амалдор
Ҳаддидин ошгандур, эл чекар озор.

Ҳокимларин қўйинг, алар атосин
Унутган, тан олмас асло хатосин.

Доругалар бўяр султон кўзини,
Тузлиққа тупурар ичиб тузини.

Улугбек мирзонинг қадри утмақда,
Аммо, эл султондин нажот кутмақда.

Хирождин тинкаси қуриган, нетсин?
Бош олиб ёки ул дунёга кетсин?

Турмуш гирдобида айланур боши,
Бўйнига осилган зулмнинг тоши.

Ора кирмасангиз улус жониға,
Ҳазратим, ўт тушар хонумониға».

Хожа Убайдуллоҳ ўйланди узоқ,
Тинчини йўқотди — аҳвол танг бироқ.

Мунчалик эканин кутмаганди ҳеч,
Мушқил масалалар ётар печо-печ.

Султонни зуд билан қилмаса огоҳ,
Йулининг устида турар унинг чоҳ.

Халойиқ ёнини олмаса агар
Чиппакка чиқади бутун орзулар.

Тахтиннинг пояси бўлса устувор
Зилзила қўпса ҳам синмайди зинҳор.

Эл билан мустақкам тахтин пояси,
Не поя, эл анинг зур ҳимояси.

Султондир улусга буюк соябон,
Балодин сақловчи фидойи посбон.

Эл анинг умиди ҳам нажотидур,
Суянмиш тоғию ҳам қанотидур.

Адлу дод юзидин иш тутса султон,
Элу юрт осойиш топгай бегумон.

Уйга ботган бошин кўтариб вазмин,
Сарипулийга ул сузлади азмин:

«Самарқандни мақон этмақдин мурод,
Адолат қасрини қилмақдур бунёд.

Фақир эл тарафдур, султон бир тараф,
Элу султон аро турмак зур шараф.

Султонга етмаса улуснинг зори,
Зулмкор беқларнинг қизир бозори.

Золимларни дафъ қилмақчи бўлса ким,
Ҳиммат дурри бирлан безанмак лозим.

Жабр кўрсатувчи кимсаларни ҳам
Йўқотишда ҳиммат бўлгайдур малҳам.

Эл узса оёқдин зулм занжирин,
Қўлига олмаса ёғий шамширин.

Шоҳ улки, зулмдин эл бўлса озод,
Шоҳ улки, меҳнатдин юрт бўлса обод.

Удубек самога солдию назар,
Ақл нури бирлан этди мунаввар.

Маърифат аҳлига бўлиб раҳнамо,
Жаҳолат илкинда фавт бўлди, аммо.

Буюк алломанинг умри боқийдур,
Кашф этмиш «Зиённинг нури боқийдур.

Улус йўқки, анинг бўлмаса шоҳи,
Шоҳ йўқки, бўлмаса улус паноҳи.

Улус бирла шоҳни қилгали ҳамдам
Сайқали заминга қўйибмен қадам.

Иншооллоҳ, ниятимга етгаймен,
Улусу шоҳ илкии маҳкам тутгаймен».

Дарвеш Сарипулий ичдан қувонди,
Қузида умиднинг учқунин ёнди:

«Ҳазратим, муродга етинг, илоҳим,
Ҳақ йўлида Сиз-ла адашмас шоҳим.

Оллоҳим мадақдор бўлсин доимо,
Заҳматқаш улусга бўлинг раҳнамо».

Хожа Убайдуллоҳ деди миннатдор:
«Мавлоно, суҳбатнинг фойдаси бисёр.

Шул важдин, дўстларни тарк этманг зинҳор,
Алар бирла суҳбат қурмақлик даркор.

Дўстларнинг суҳбати жоннинг ҳузури,
Суҳбатда кетадур кунгил қусури.

Йўқлаб турмак лозим аларни гоҳ-гоҳ,
Яхши-ёмон кунда дўст булур паноҳ.

Дўстлар-ла дил дашти бустон бўлгайдур,
Дўстларсиз дил уйи хуфтон бўлгайдур.

Дўстларнинг суҳбати бир олам шодлик,
Ҳар сузи келтирар дилга ободлик.

Мавлоно, шул важдин, бўлинг дўст билан,
Киприк бирла олур ул кирса тикан».

Сарипулий бошин эгди «Қуллуқ!» деб,
Қадамлари бўлсин яна қуллуғ, деб.

VII

Моҳи шаъбон. Кун иссиғи авжида,
Самарқанд чўмилар ёғду мавжида.

Кўзгудай мусаффо, нилранг самоси,
Боғларда сайр этар Қуҳак сабоси.

Соя-салқин жойлар роҳатбахш, гавжум,
Ором гушасини излайди мардум.

Борлиққа таралар чолгу навоси,
Улуснинг кўнглида байрам садоси.

Бутун барот — қутлуғ кун шаъбоннинг,
Муборак байрами муслим инсоннинг.

Байрам ҳисобланур исломда бу кун,
Азалдан иззату иқромда бу кун.

Кимки мансуб бўлса дини исломга,
Субҳи содиқ билан чиқур байрамга.

Барот кечасини ўтказиб шодон
Улус Яратганга келтирди нймон.

Аҳли миллат ила бандан муъмин,
Аҳли фазлу камол ҳам аҳли яқин,

Аҳли жоҳ султоннинг меҳрин қозониб,
Тонг билан байрамга чиқди ясаиб.

Қўшиқ, куй наҳрида оқар Самарқанд,
Ийд ўтини балад ёқар Самарқанд.

Самарқанд кўкидек эл дили тоза,
Шодингин оламга этур овоза.

Бутун гам чекинган — зарра йўқ асар,
Чеҳран зарди ҳам кўндек мунаввар.

Майдону хиебон, кўчалар бари
Мавжланур денгизу дарё сингари.

Бозорлар ободон — қизиган савдо,
Ёзининг ноз-неъматини бунда муҳайё.

Ноеб моллар билан дўконлар ҳанам,
Қўли калта киши босолмас қадам.

Вале ийди акбар қувончи фузун,
Калта қўли ҳам ул айлаган узун.

Топган-тутганини харж қилар мардум,
Ота мерос эрур унга шу удум.

Барот тўғри келди жумъага бугун,
Жумъа — намоз эрур жумлага бугун.

Шул важеҳдин шаҳарнинг маркази томон,
Чумоли сингари елар оломон.

Регистон майдони лиқ тўла одам,
Оламнинг одами гўё булган жамъ.

Унда савлат тўкиб турар муаззам
Масжиди Муқатта — нодир, муҳташам.

Ҳайратли гумбазу миноралари,
Рангларда товланар офтобнинг зари.

Жамоли қараган жануб томонга,
Оллоҳнинг уйи ул азиз инсонга.

Даргоҳи хокини қилиб тутийё,
Аҳли ҳол, аҳли дил боқар маҳлийё.

Ўзини мусулмон деб санаган кас
Ундаги намозни қилур зўр ҳавас.

Бир ёнда Мирзойи карвонсаройи,
Ҳайратта солади кўзни чиройи.

Турли мамлакатлар тижорат аҳли
Учрашуви ўтар унда фараҳли.

Мулки Чин, мулки Ҳинд, мулки Ажамдан,
Тожирлар қўнади келиб оламдан.

Буюк ипак йўлини қилиб ободон
Машриқу мағрибни боғлар бегумон.

Яна Мадрасаи Улугбек мирзо,
Самарқанд мулкида донгдор ва якто.

Олимлар дарсидан обод кучоғи,
Толиблар баҳсидан ўчмас чироғи.

Офтобга юзини тутмиш улугвор,
Аллома руҳидан бағри шуъладор.

Регистон жамоли кўринар ажиб,
Мунаққаш бинолар унга берар зеб.

Масжиди Муқатта элга келиб тор,
Регистон кучоғини очди миннатдор.

Байрамда айланди намозгоҳга у,
Шўкрона эл билан бағрида гулу.

Жумъа намозини билиб муқаддас,
Байрамда ким уни қилмайди ҳавас.

Ҳар мардум келгандек Ҳақ масжидига,
Оллоҳ инояти ёр умидига.

Ҳазрати Хожа ҳам элдан илгари
Отланди Масжиди Муқатта сари.

Аҳли миллат уни қаршилаб маъсум,
Нурли кўзларига инди табассум.

Икки сафга туриб икки томонда,
Таъзим бажо қилиб, тутиб икромда,

Муршиди комилни эъзоз этдилар,
Иzzатин бош узра кундек тутдилар.

Ҳурматин жойига қўйиб Ҳазрат ҳам
Рухоният билан сурашди хуррам.

Масжид даргоҳидан киргач ичкари,
Издан эргашди дин аҳллари.

Шайх Саид Ошиқий, Шайх Хомуший лек
Ясама илжайиб, ўзни тутди нек.

Гарчандки, дилида гулхани ҳасад,
Урнига қўйилди сохта хушомад.

Куп утмай намозга келди султон ҳам,
Оллоҳнинг уйига бағишлаб ҳашам.

Атрофида унинг мулозимини хос,
Рафтори султоннинг қадамига мос.

Ясовуллар сақлаб турар интизом,
Ёнига йўлатмас, интилса авом.

Улусдан қизганар султонни гўё,
Уларнинг қўлида қолгандек дунё.

Ҳазрати Хожаю покдомон имом
Кутиб олди, дилларида эҳтиром.

Абу Саъид мирзо утказмай фурсат,
Ҳурматга яраша курсатди ҳурмат.

Амиру кабиру аҳли миллат ҳам
Ҳукмдор обрўсин тутди муҳтарам.

Қул каби букилди аҳли хушомад,
Маккор тулки янглиғ қидириб омад.

Мункиллаб қолган шайх Саид Ошиқий
Ҳузурига чиқмак бўлди ошиқиб.

Султон утиб кетди қилмасдан парво,
Издан елди ул таяниб асо.

Шайхулислом Хожа Мавлоно, аммо,
Савлат тўкар, қўйиб ўзига бино.

Улугбек мирзонинг саройини ков-ков
Қилган кимса яна кўтармиш касов.

Фитна оловини ёқиб, ковлар у,
Султон назарида тополмай обрў.

Шайх Хомуший кўзи ўтмай қолса ҳам,
Дилини қурумдек боғса-да алам,

Туғсам дебон ҳукмдор назарига,
Дадил урди ўзини илгарига.

Аммо ясавуллар йўлини тўсдилар,
Айёр шайхнинг нажот ипини уздилар.

Қўзойнаги ерга тушиб синди-я,
Хира кўзга қулфат гарди қўнди-я.

Шум шайхларнинг умиди парчаланди,
Не умиди, юраги пармаланди.

Қасд қилишиб Хожа Убайдуллоҳга,
Йўл тонмак бўдилар оламинаноҳга.

Намози жумъага ҳали фурсат бор,
Байрам-ла қутласа элини ҳукмдор,

Нур устига булар эди аъло нур,
Эшитарди раъийятдан ташаккур.

Хожа Убайдуллоҳ фикрига лойиқ,
Ҳурмат, эътиборга лойиқ халойиқ.

Абу Саъид мирзо чиқиб минбарга,
Бахтиёр кўзини тикди мингларга.

Хожа ҳазратлари унинг ёнида,
Эл меҳри кўпириб оқар қонида.

Фақиҳ Абуллайсу имом бекалом
Султон ҳузурда сақлар эҳтиром.

Майдон тўлқин урди — ҳаяжондан лол,
Ёшу қари дилларида иштиол.

Ҳавас кўзини тикди улус султонга,
Не султон, муршиди комил инсонга.

«Хожа Убайдуллоҳ мана шу киши,
Эл гамидин ўзга йўқдир ташвиши».

Деди Саринулий чол қулоғига,
Меҳр ўтин ёқиб жон чирогига.

Кўп дунёни қурган допо мўйсафид
Кўзида порлади шуълан умид.

Дарвеш Саринулий томон элганшиб,
Деди, гўё кўнгли билан кенганшиб:

«Кешкиди, улуснинг ўйлаб гамини,
Шоҳ бирла бут қилса анинг камини.

Элини ўйлаган кам бўлмас асло,
Эл қўлласа, ани қўллағай худо».

Айтганингиз бўлсин илоҳим дебон
Дарвеш Саринулий келтирди иймон.

Вужуди қулоққа айланиб улус
Ҳукмдор сўзини тинглади маҳсус.

Улуғ байрам билан қутлаб ул элни,
Адолат қилмакка боғлади белни.

Икки ҳисса камайтириб закотни,
Халойиқ дилига солди нажотни.

Афв этилди маҳбуслар фармон билан,
Эл қутарди фармонни армон билан.

Халойиқ дуога очиб қўлини,
Мунаввар қилдилар султон йўлини.

Сўнг эса бошланди жумъа намози,
Оллоҳга ибодат қилди эл рози.

Хожа ҳазратлари минбарга чиқиб,
Муъмин муслмонга умидин тикиб,

Иймон келтирдилар, Ҳақ таолога,
Токи етсин дебон эл муддаога.

Наид-насиҳат сўзин айтиб динга хос,
Элда боз исломга қўзғатди ихлос.

Султон номин қўшиб хутба ўқилди,
Дуо қилиб, улус боши эгилди.

САККИЗИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Хожа Кафийий маҳалласи осойиш,
Толё дарвозаси элга кўпоиш.

Боғларга кўмилган сўлим масканда
Истиқомат қилсам дейди ҳар багда.

Ким ўтса тикади ҳавас кўзини,
Фароғат уйида сезар ўзини.

Кўчаси ораста, уйлари кўркам,
Нақшин дарвозалар этган муҳташам.

Ҳовиллар саҳнаси боғчаю гулзор,
Жонга бағишлайди руҳ ила мадор.

Самарқандда машҳур асли бу маъво,
Ширин-шакар мевалари бебаҳо.

Хусайини, кишимини эса беназир,
Хурмою нокига бозор мунтазир.

Яна элини этди унга маҳлиё,
Хожа Убайдуллоҳ — улуг авлиё.

Бир шинам қароргоҳ у олди сотиб,
Маҳалла аҳлида меҳр уйғотиб.

Ички-ташқи ҳовлидан ул иборат,
Ҳавас билан қурилган бир иморат.

Ҳовиллар озода, сўлим ва хилват,
Истиқомат қилса не азиз хилқат.

Ичкисига боғча берар табассум,
Замин билан гўё айлар тақаллум.

Унинг юзига хол бўлмиш гулзорни,
Ҳуснидан яшнайдн киши ўзорни.

Бир ариқча оқиб утар туридан,
Ҳаёт куйи янграр сув суруридан.

Пешайвон олдида баҳаво ишқом,
Узуми бош эгиб бергандек салом.

Муршиди комилга булди-ю макон,
Бинонинг толеъи кулди бегумон.

Дарвозаси қарар кунгай томонга,
Бағрини очади келган инсонга.

Қутлуг қадамини упар даргоҳи,
Дардига эш булур улус паноҳи.

Самарқанднинг ақобир ва ашрофи,
Алломаю уламою саррофи,

Руҳонию ҳунарманду деҳқони,
Ёки унга келиб-кетган меҳмони

Зиёрат қилмакни биларди савоб,
Бошин қуйи деса буларди меҳроб.

Аҳли шаҳар келиб ҳовли тўйида,
Олий ҳурмат кўрди ҳазрат уйида.

Тўй бошида турди султоннинг ўзи,
Салтанат кўнида чақнаб юлдузи,

Тилдан тилга ўтди тўйнинг мақтови,
Фуқарога ёқди эшон сийлови.

Хожа Убайдуллоҳ сиймосида эл
Гамхурини куриб, тошди мисли сел.

Яна кўрди: эркин, озод инсонни,
Улус билан кўнгли обод инсонни.

Яна кўрди: олийжаноб бир зотни
Меҳри покдан топди инсон нажотни.

Яна кўрди: валийни ул — фикри зўр,
Каромати, кўзи ўткир, зикри ҳур.

Яна кўрди: пири комил, махдумни,
Улуг эшон, муршиди дин, мардумни.

Кун сайин ул шуҳрат топди эл аро,
Ҳимматидан хурсанд эди фуқаро.

Мурувват, валийлик, ҳурлик бўлиб ном,
Хожа Аҳрор дебон элда олди ном.

Лафз биносин беазаб тожиклар магар
Хожан Аҳрори валий дейишар.

Ҳовли васиқасин олган айёми
Фаҳрий унвонлар-ла безанди номи:

«У давлату дин шарафи ҳам шони,
Салтанату тасаввуфнинг арқони.

Илоҳий асрорнинг ориф, маҳзари,
Ақобиру фуқаронинг сарвари,

Ҳам пушгу паноҳи ки олий мақом,
Саҳийлик бобида замони Ҳотам».

Аъламул-уламо Хожа Фазлуллоҳ
Абуллайс, кўнглига солгандек илоҳ,

Юксак мартабасин эътироф этди:
«Шундай. В-оллоҳу аълам» деб битди.

Ва қуйи васиқа тағига имзо,
Имзо қуйиб, тасдиқ айлади, зеро.

Не аҳли Самарқанд, мулки Хуросон
Аъламу-уламо сингари, шоён,

Хожа Аҳрор билан қилиб ифтихор,
Олий унвонларга этди сазовор.

У аҳли мўминни айлаб эҳтиром,
Адолат юзидин иш тутди мудом.

Султону халқ аро элчи сингари
Диянат йулидан юрди илгари.

Султон ҳузурда элга босди ён,
Эл қошида эса ёқланди султон.

Куймасин деди-да сих ҳам, кабоб ҳам,
Султону эл билан бўлолди ҳамдам.

Унгача салафлар — дин пешволари
Ўзларин тутдилар султон сингари.

Яхши кўрингали улус кўзига,
Гоҳ қарши бордилар султон сўзига.

Хурофотга бошлаб, аммо авомни,
Йулига қуйдилар кўринмас домни.

Фуқаро мушкили бўлмасдан осон,
Бўйида айланди санги тегирмон.

Хурофот домидин узолмай оёқ
Қаро тунда гуё излади маёқ.

Гоҳ султон наздида топгали обрў
Олий мартабани қилишиб ору,

Кўзига улусни кўрсатиб ёмон,
Оллоҳдин кўрқмасдин тўқинди бўхтон.

Гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай султонлар
Аросатда яшади не замонлар.

Ишонганда улус чекди жабрни,
Ишонмаса ҳамдам этди сабрни.

Авом қолди гоҳо икки ут аро,
Гоҳ толеъи ёруғ булди, гоҳ қаро.

Барчасига бардош берди — толмади,
Ҳаёт экан... уз йулидан қолмади.

Золимлар яқосин этса-да вайрон,
Дунёнинг ишига бўлмади ҳайрон.

Кечаси тушида кўрди ҳурликни
Кундузи ҳушида кўрди ҳурликни.

Кўзи пишди кўриб яхши-ёмонни,
Ўзгарга олмади, аммо, замонни.

Тақдирга тан бериб яшади донм,
Паноҳингда асра дебон илоҳим.

Оллоҳ эшитгандек авом оҳини,
Сабр манзилга бурди роҳини.

Сабр таги — олтин, дейди халойиқ,
Сабр қилган киши олтинга лойиқ.

Эл азал тоқатни айлади одат,
Олтинга етказди оқибат тоқат.

Хожа Аҳрор бўлиб элга гамгусор,
Мурувват аҳдида турди устувор.

Улусдан ўрганиб сабр дарсини,
Не сабр, ўрганиб қадр дарсини.

Халқ гамидин ўзга бўлмай бир гам,
Унинг ташвишисиз ўтмай бир дами.

Ҳамжихат қилгани каттакон эли,
Ҳиммат белбоғи-ла боғлади белни.

Зеро, юрту улус султонсиз бўлмас,
Улус гарчи буюк — нуқсонсиз бўлмас.

Қай мулкда бир бўлса улусу султон,
Ишонч, умид боғи бўлғай гулистон.

Улус сиймосида кўрди офтобни,
Юрагида эса дарди хитобни.

Улус зур дарёдир, тошқини унинг
Тоғни ҳам қилажак тупроқ ила тенг.

Улус — азамат тоғ, қўпориб бўлмас,
Ўрнидан қўзғолса, келиб бўлмас бас.

Улус — буюк қудрат, кучдир улғувор,
Салтанат — улуссиз бўлмас устувор.

Улус эрур унинг таянч аркони,
Арконга суннар юртнинг султони.

Хожа Аҳрор боқиб ушбу ҳикматга,
Раҳнамолик қилди азиз хилқатга.

Халойиқ эргашди унинг изидан,
Ҳаёт дарсин олди панду сўзидан.

Ҳидоят тожини кўриб бошида,
Шараф меърожини тутди қошида.

Кўтарилса ундан пояма-поя,
Улус манфаатин қилса ҳимоя.

Оллоҳ ҳам қувонғай Хожа Аҳрордан,
Хожа Аҳрор эса Парвардигордан.

Унинг қўли очиқ, ҳиммати баланд,
Нирлиги нуридан равшан Самарқанд.

Не Самарқанд, балки, мулки Хуросон,
Кўн келиб, деса не муриши жаҳон.

Боғи баланд, ёғар қор устига қор,
Қиш кеч келиб, замин қорга эди зор.

Ҳар қалай, оҳини Оллоҳ эшитди,
Чилла ўртасида қаттиқ қиш эди.

Қорнинг кўрмасига ёниган бўлиб
Ер нафас олмакда ункаси тўлиб.

Лайлак қор нағмаси адир, сайхонда,
Пуштан Қўҳаку Боғи майдонда.

Расадхона, Чинихона қордадир,
Шоҳизида, Чўпон ота қордадир.

Қорда Афросиёб, қорда Қўқарой,
Амир Темур боғларига қор чирой.

Қорда азим шаҳар, қорда қишлоқлар,
Қорда еру осмон, яқин-йироқлар.

Оби раҳмат оқар буғлашиб қорда,
Боғи баланд қасрин кўриб виқорда.

Қаср ичра суҳбат қураб икки зот,
Зарур эди султонга бу мулоқот.

Хожа ҳазратлари кўн фикр қилиб,
Дилсини очди бир фикрга келиб:

«Олий ҳазратлари, қилсам сизга панд,
Қадрингизни тутиб бошимдин баланд.

Дилимда йиғилиб қолган ганим кўн,
Ани изҳор этсам, балки, бўлур хўб.

Тахт олмак, тож киймак осонмас, аммо,
Сақлаб қолмак эса андин муаммо.

Билинғиз, шоҳ ёки аркони давлат,
Базму анжуманда тўқсаю савлат.

Кўнгилахушлик билан бўлса овора,
Улус арз-доғига топмаса чора.

Анинг дардларига бўлмаса ҳамдард,
Асраган кўзига тушғай чўпу гард.

Мамлакатни бўшанг қилса идора,
Ҳимояда қолса ожиз, бечора.

Кўн сайин берилса айшу ширатга,
Жабр чекканлардан қочса хилватга.

Қўлларини узатмаса ёрдамга,
Ундай шоҳнинг ўзи ботар дард-гамга.

Хуш кўрсаю танбур, дотор навосин,
Тингламаса ситамкор дил ноласин.

Қўллассаю амал аҳлини, қардошини,
Силамаса зулм кўрган халқ бошини.

Нароканда бўлғай давлати албат,
Ортиқчалик қилғай унга бу давлат.

Қай шоҳ қилса элга адолатсизлик,
Умрини хор этгай саодатсизлик.

Ҳазратим, адолат сизга ёр бўлсин,
Эътиқод ниймондек устувор бўлсин.

Адолат гавҳарин асранг қарогдек,
Йўлингиз ёритгай сунмас чарогдек.

Султоним, саройга пок зотлар лозим,
Асқода, мардлар бўлсин муюзим.

Олийжаноб, олийҳиммат кишилар
Салтанат юзини менг каби безар.

Насткаш, диёнатсиз, виждонсиз, айёр
Одамлардан узоқ юрмаклик даркор.

Саройга аҳли дил йиғилган сари
Махфий тутилади давлат сирлари.

Халқ турли балою офатдан омон
Сақланиб қолади — тинч булар девон.

Худком, диёнатсиз касларни зинҳор
Тарбия қилишидан фойда йўқ бирор.

Чунки улар шундай бўлиб туғилган,
Тавқи лаънат билан дунёга келган.

Лаёқатли, иқтидорли мардумни
Тарбиялаб, ўргатилса удумни.

Отаси хизмати эвази учун
Уқувсиз ўғилни ҳурматлаш нечун?

Киши эътибори, қадр-қиммати
Отасининг насабно иззати

Туфайли ўлчанмас, лаёқатли гар
Ўзига ҳар кимда ҳурмат уйғотар.

Ақлу адаб бўлса бирга, муштарақ,
Киши мартабасин оширар бешак.

Ақли ва фикри терап бўлса ким
Настликдан юксакка чиқиши мумкин.

Азалдан истеъдод зебар кишига,
Ақли комил ярар сарой ишига.

Саройга йиғилса аҳли сидқ агар
Ҳақиқат боғида етилгай самар.

Зақони кишилар бўлишиб ҳамдам
Маслаҳат қилсалар, ўзгарар олам.

Ҳар қандай мушкилга ечим топилар,
Фалокатнинг олди дарҳол олинар.

Юз берса чорасиз, қийин бир ҳолат,
Кони фойда эрур асли маслаҳат.

Давлат идораси иш эмас осон,
Муяссар бўлмагай анга ҳар нисон.

Хонадон сиримас давлат асрори,
Ани билмаса саз дўст, биродари.

Ҳар кимдан маслаҳат сўраб ҳам бўлмас,
Комил кишиларга суянилса, бас.

Ўтган подшоҳларнинг қўллари бироқ
Олмадилар ҳаёт дарсидан сабоқ.

Кишилар аслидин бўлмай хабардор
Давлат сирларини этдилар ошкор.

Кунгул асрорин ҳам кўрдилар баҳам,
На чора? Уйламай қўйдилар қадам.

Юксак тахтдан қулаб тушдилар жарга,
Оғзини тутдилар бол деб заҳарга.

Машойих дер: кенгашганга — кенг дунё,
Чора топмак — маслаҳатдин муддао.

Аҳли салоҳ билан қилса маслаҳат,
Эзгулик кўрғайдур шоҳлар оқибат.

Кимки бўлсин деса бошим омонда,
Сирини сақлайди дилу забонда.

Оллоҳ берган умр зоёе кетмасин,
Вафодор дўстларсиз умр утмасин.

Мунофиқ кишилар дўст бўлолмагай,
Мушкил туғса бошга буйин товлагай.

Нодон билан доно дўст бўлмас асло,
Мулоқот этмакни кўрмайди раво.

Дўстлашиб, мулоқот айласа агар
Илонни асраш-ла бўлур баробар.

Илон илонинг қилдур барибир,
Пайт пойлаб, пинҳона сочади заҳр.

Атторга монанддур ақли киши,
Атир-упасини сотмакдур иши.

Дўст бўлса, ёки ким юрса ёнма-ён,
Хушбўй ҳидлар ундан ўтур бегумон.

Атир-упасига бўлиб маҳлиё
Хоҳлаган фурсатда сотиб олур ё.

Ақли, ниймонли кишилар билан
Маънавият қасри мунаввар бўлган.

Давлат ишларини юритар аксар
Турли тонфага мансуб кишилар.

Шоҳлар мартабаси гарчандки юксак,
Мавқен настлар ҳам бўлади керак.

Алар хизматини айласа инкор
Салтанат ишлари олмагай барор.

Чунки мамлакатнинг кўндир ташвиши,
Аларга боғлиқдур қайсидир иши.

Найза қанча узун, бўлмасин йўгон,
Иғнанинг ишини қилиши гумон.

Ёинки, қаминдан ясамак қалам,
Нозик иш бўлса-да, ҳунарманд одам

Ўткир пичоқ ила қилгайдур адо,
Қилич-ла бажармак ани муаммо.

Мулозим бўлмасин ожиз, нотавон,
Ўзини этиши мумкин намоён.

Зарару мусибат олдини олиб,
Кўрган кўзларни ҳам ҳайратта солиб.

Фойдали ишларни қилмакка қодир
Лаёқатин, балки, этгайдур содир.

Элчи тайинлаган чоғида подшоҳ
Бўлмоғи лозимдур аслидин огоҳ.

Элчи — уддабурон, сўзамол, доно,
Билимдон бўлмоғи керак доимо.

Ҳар сўзи қиличнинг дамидек ўткир
Ва юмшоқ, мулозим бўлмоғи зарур.

Сўзлаган маҳалда, ҳар бир сўзига
Эътибор бермоғи зийнат ўзига.

Гар қатъий оҳангда бошласа зикрин
Мулозимлик билан тутатсин фикрин.

Оқиллик, ҳалимлик унга бўлиб ёр,
Ёқимли каломни қўлласин бисёр.

Донолар дерларки, этиб ихтиёр,
Турт тоифадаги кишини зинҳор

Элчи қилиб тайин этиб бўлмайди,
Давлат низомига тўғри келмайди:

Бир: шохдан ноҳақ ранжу алам, зор
Чеккани хаёлдин чиқармак даркор.

Яна: шохнинг газаби-ла мол-дунё,
Обрўсидин айрилгани мутлақо.

Яна: амалидин бушатишган кас,
Хизмат вазифасин нурутган нокас.

Яна: уз фойдасин кўзлаган инсон,
Давлатга етказиб зарар ва зиён.

Бундай кишиларга ишониб, ҳатто
Бирорта давлатга юбориш хато.

Мазкур тоифага мансуб кишилар
Қалбига ранж-алам солгандур заҳар.

Жонига санчилиб озор тикани,
Кўзига кўринмас гоҳо ватани.

Душман куч-қудратин ошириб бутун
Ўз шохидин қўяр ганимни устун.

Хоинлик қилгайдур фурсат келган он,
Алам тугёнида кутарур исён.

Элчи — ихтиёри ўзида, мухтор,
Сузида устувор турмоғи даркор.

Давлат манфаатин қилиб ҳимоя,
Салтанат аркони бўлса кифоя.

Сахийлик, ҳақғўйлик неъматдур ажиб,
Истаган кимсага қилмайди насиб.

Жисмонан бақувват бўлса ҳам инсон,
Ани зур, кучли деб бўлмас ҳеч қачон.

Мулоҳаза қилиб кўрсак бир фурсат,
Мағзини чақурмиз бу гапнинг, ҳазрат.

Қамишнинг танаси бўлса ҳам йўтон,
Чўп билан урсангиз сингай шу замон.

Турна бўйи қанча бўлмасин баланд,
Бургут чангалида ожиз қуш монанд

Ақли расо, фикри теран ҳар инсон
Зурларнинг зуридин устун бегумон.

Душмanning сўзлари уйдирма, ёлгон,
Ишонган кишилар кўради зиён.

Зеро, гўзал мато каби сўзлари,
Харидорни тортар матонинг зари.

Гўё у ўзини солиб бозорга,
Жилмайиб боқади ҳар харидорга.

Чиройли бўлса-да унинг зоҳири,
Ботини ёлғону алдов тасвири.

Хушёр, уддабурон душман ўзини
Яхши кўрсатгани безар сўзини.

Асл қиёфасин яшириб мудом
Эътибор топгунча айлар эҳтиром.

Ким анга хайрихоҳ бўлган чоғида,
Ўзини кўради ганим чоғида.

Қачон отган ўқи тегса нишонга,
Душман шайқат қилмас уша инсонга.

У қилган хатосин тузатай дебон
Урунса, вақт утган — тополмас имкон.

Душман уэр сўраб, эгиб бошини,
Елвориб, тўкса-да кўздан ёшини.

Ишонмаслик даркор, чунки у душман,
Қалбида гул эмас, устандур тикан.

Унда илдиз отган ҳийлаи заққум,
Меваси мевамас, заққуми жаҳим.

Дуст билан душманни фарқ этмак лозим,
Душмандин чиқмайди содиқ мулозим.

Кошки, дастур бўлса пандларим сизга,
Ғубор қўнмаса ҳеч шавкатингизга.

Иншооллоҳ, яна кўргайсиз ҳурмат,
Улуғ бобонгиздек топгайсиз шухрат».

Султон Абу Саъид гарқдир фикратга,
Таъзим боши эгик азиз халқатга.

Миқ этмай тинглади маслаҳатларин,
Не маслаҳат, муришид насиҳатларин.

«Иншоолуҳ, бўлғай дастурул-амал»,
Дебон у раҳматлар айтди бебадал.

Ичкарида шамъи суҳбат шуълавор,
Лонилаб ёғарди ташиқарида қор.

Қордек оқ кўнгили покрой, беғубор,
Элу юрт шапоҳи пир Хожа Аҳрор.

III

Баҳор базми тугади жавзо билан,
Ёзининг базми бошланди гавго билан.

Илк қадамин кўйганида саратон
Сокни эди, сўлим эди Регистон.

Аммо, тонгда нохуш хабар тарқалди,
Тинч Регистон уммон каби чайқалди.

Таҳлика остида қолди Кўксарой,
Шодлик сенин йиғиб олди Кўксарой.

Султон Абу Саъид ҳаловати йўқ,
Танвини гирлобида, қаноати йўқ.

Нима қилмоғини билмас — боши ганг,
Бўғзига ваҳима солган каби чанг.

Нафаси қисилар — дили тўғида,
Қолармикан тождор боши омонда.

Наҳот, барбод бўлса тахти устувор,
Ихтиёрини қолса соҳиб ихтиёр.

Бадбин ҳаёлларнинг эди тутқуни,
Хас каби оқида уни тўққуни.

Девон бесаранжом, мулозимлар лол,
Акобир бошида минг турли савол.

Қўшин саросима, навкар қўрқувда,
Кўзлари Ҳиротдан чиққан адувда.

Энди ором топганида халойиқ,
Наҳот, бўлғай осойишга нолойиқ.

Урушга киргайми Самарқанд яна,
Тиниқ сув бўлғайми лойқа, пўртана?

Навқирон йигитлар гулдек сўлғайми,
Ватан деб, элим деб фидо бўлғайми?

Яна волидалар чекурми фарёд,
Оталар умиди бўлғайми барбод?

Султон пароканда, султон ваҳма,
Дили азобдаю жони раҳма.

Билмасдан бошини қайга уришни,
Олдиндан тасаввур қилиб урушни.

Маслаҳат сўргали, истаб ҳимоя,
Аламу дардига бўлмай киҳоя,

Хожа Аҳрор ҳузурига елди у,
Афтодаҳол, бошин эгиб келди у.

Хожа ҳазратлари чиқди-да пешвоз,
Удумга биноан айлади эъвоз.

Уйининг тўрига ўтқазиб алҳол
«Нима гап ўзи», деб сўради дарҳол.

Султон эса зўрга босиб ўзини,
Саросима ерга тикди кўзини.

Ва огоҳ айлади нохуш хабардан,
Нажоту маслаҳат сўраб сарвардан:

«Абулқосим Бобур елминн барқосмон,
Икки юзининг лашкар билан беомон.

Анинг кучига мен келолмасман бас,
Нима қилмак керак? Сарой тинч эмас».

Ҳазрат таҳликага тушмади, аммо,
Султонни тинчигди бериб тасалло.

Кўнгли кутарилиб султон отланди,
Кўксарой қасрининг шамълари ёнди.

Хавф-хатар селинининг олди олинди,
Хавотир қулфига калит солинди...

Бобур мирзо ўтгач кечиб Жайхўнни,
Лашкари кўтарминн бошига гардўнни.

Тоғлар оша келминн тўзони унинг,
Не тўзон, даҳшатли сурони унинг.

Султон тахттоҳ ичра саросимада,
Мисоли довулда қолган кемада.

Амирлари эса қуриб манварат
Бермишлар тождорга шундай маслаҳат:

«Туркистонга чекинмакдин ўзга ҳеч
Чора йўқдур, отланайлик, бўлмай кеч.

У ерда ўрнашиб олиб устувор,
Эҳтиёт чорасин кўрмаклик даркор».

Гарчи у султондир, гарчи бошида тож,
Амирлар сўзига кўнди ноилж.

Сафарга тадорик кўрилди, афеус,
Амирлар макридин беҳабар улус.

Дорус-салтанани ташлаб ғанимга,
Улуғлар бош урғай қаерга, кимга?

Мард — майдонда синалади, дейдилар,
Майдонга чиқ, марди майдон бўлсанг гар.

Жони ширин кўринса гар кўзига,
Эл қисматин олмаса гар ўзига,

Не керак тож кийиб ултирмак тахтга,
Шоҳ бўлмак не Темур қурган пойтахтга.

Элдин олдин йўлга тушиб, қочса шоҳ,
Ўзи тушмай, элни солса, кўрса чоҳ.

Бемор эл дардига табиб бўлмаса,
Ҳақиру мискинга ҳабиб бўлмаса.

Шоҳлик недур, гадо ундан яхшироқ,
Кун киролмас уйга кирар шамчироқ,

Шоҳ булсаю ватанпарвар булмаса,
Лашкарига жангда сарвар булмаса.

Куну тун чиқмаса ишратдан боши,
Бошини эгса гар ришватнинг тоши,

Ўзин баланд тутиб, элни кўрса паст,
Кибр-ла урмаса совуқ сувга даст.

Тахтини ўзгага берса яхшироқ,
Тож кийиб, овора булмаса бироқ.

Султону амирлар ҳам лашкари хос
Ҳаракат қилдилар маслаҳатга мос.

Сафарга отланар чоғида, аммо,
Воқиф бўлди ундан муриши доно.

Бомдод намозини қилмасдан канда,
Саройга ошиқди тонг оқарганда.

Дарров етиб келди Кўксаройга у,
Қалбларда уйғотиб умид ва оруз.

Сарой бесаранжом, шовқин ва сурон
Ари уясига ўхшайди девон.

Туяю отларда сафар анжоми,
Ўзгача амиру беклар андоми.

Жангдан бош тортгандек кўринар лашкар,
Мушқидин қочгандек уринар лашкар.

Унга пешвоз чиқди султон, амирлар,
Давлатни тебратиб турган кабирлар.

Туяю отлардан юкларни дарҳол
Туширинг деб Ҳазрат буюрди алҳол.

Сўнг деди таъзимда турган султонга:
«Бормаким истайсиз, айтнинг, қайнга?»

Ҳеч қайга кетмайсиз — ҳожати йўқдур,
Самарқанднинг бундай одати йўқдур.

Мушқилот шу ерда булғувен осон,
Ваҳимага ўрин йўқдур, эй султон.

Зиммамга олганман ҳимоянгизни,
Елғиз қолдирмасман камини сизни.

Гарчи сизнинг баъзи амирларингиз,
Не амир, суянмиш кабирларингиз.

Ҳазрат бошламакда ўзимга бизни,
Дебон ишонтирган бўлса-да сизни.

Сиз бундай гапларга ишонманг зинҳор,
Мушқил дамда Оллоҳ ўзи бўлғай ёр».

Султонга жон кирди — у қилди қуллук,
Хатарда янаган кўнгли бўлди тук.

Барҳам берди дилидаги ҳасратга,
Ўйиқоди зўрлигидан Ҳазратга.

Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмади,
Сафар каломини тилга олмади:

«Хожа ҳазратлари, тутгайсиз маъзур,
Сизни кўргач ёнди дилимда гурур.

Нотавон чоғимда йўқлаб келибсиз,
Йўлимдан қайтариб тўғри қилибсиз.

Ёнимда турсалар асло йўқ гамим,
Эҳтимол, душман ҳам бўлғай ҳамдамим.

Камина қилмасман тарки Самарқанд,
Кўнглумда чақнайду барқи Самарқанд».

Юклар туширилди уловдан шу он,
Югурган сингари танларга дармон.

Султон Абу Саъид келиб ўзига,
Амал қилди Хожа Аҳрор сўзига.

Яна ҳам мустаҳкам этиб қалъани,
Қайтармак истади келган балони.

Урушга ҳозирлик кўрди чинакам,
Қўшин ҳам боғлади белини маҳкам.

Навкарлар машқ аро тобланди яна,
Томирда қонлари қилди пўртана.

Отару тутарда ким моҳир, чаққон,
Ўқлари тегмаган қолмади нишон.

Ўзини кўрсатди навкару саркор,
Отлиғу пиёда мисли фидокор.

Лашкарбошилар ҳам синовдан утди,
Султон назарда сийловдан утди.

Қўшинда сақланиб тартиб, интизом,
Амиру беклардин кўрди эҳтиром.

Қалъага гамланди нимаки лозим,
Навкарга айланди шоҳу мулозим.

Кеча-кундуз тинмас шаҳар ташвиши,
Хавотир уйида яшар ҳар киши.

Ўз айбини билмас фуқаро ҳамон,
Нега у урушда бўлади қурбон?

Унга нима керак сарой, тожу тахт,
Осойиш яшаса булғани пойтахт.

Ўтиб турса басдир тирикчилиги,
Ўчмаса бас, чирогининг нилги.

Бировга тегмайди — тегмаса унга,
Оллоҳга шукр дер ўтган ҳар кунга.

Ҳар олган нафасга этиб минг шукр,
Савоб ини қилсам деб ўтказар умр.

Темурийлар тахт талашар, аммо, халқ
Сабабини билмас ҳамон, қайси ҳақ?

Шаҳзодалар тахт деб туғилган каби,
Бошига тож киймак асл матлаби.

Тож кийиб ҳам тинчимайди баъзида,
Узга мулкни босиб олмак азмида.

Султонлар бир қавмдан — ҳеч бегона йуқ.
Танобин тортувчи бир мардона йуқ.

Зеро, Амир Темур йуқдур жаҳонда,
Улус кўзи эса янги султонда.

Тахту тож бор экан можаро тинмас,
Можаро бор экан фуқаро тинмас.

Навкарларнинг жангдан қули бўшамас,
Бўшаган маҳалда кетмон ушламас.

Уларнинг касб-кори қилич ва камон,
От чопмак, ўқ отмак, жанги беомон.

Кичиклик ёшидан шаҳзодалар ҳам
Отару тутарда улғаяр уқтам.

Шаҳзода йуқ — от чоғиб, ўқ отмаган,
Ё қиличин уйнатиб от чоғмаган.

Абу Саъиднинг ҳам отар-тутарда
Кўзи пишган эди — усган эгарда.

Не ажаб, ўзини кўрсатса яна,
Душмани устидан қилса тантана.

Абулқосим Бобур солур хавотир,
Кимлигин кўрсатур бўлса баҳодир.

Хожа Убайдуллоҳ турса ёнида
Ҳеч кимдан ҳайиқмас жанг майдонида.

Урушга кўзголар икки қариндош,
Қайси голиб келур, жавоб бер, қуёш!

IV

Қуюндек бостириб келдию душман,
Учради ўзидек зўрга дафъатан.

Қалъага бошлолмай турди ҳужумни,
Ололмай кўзига тикилган қумни.

Бобур мирзо амирлари ўйлаб хом,
Қўйибди ўзларин оёғига дом:

«Абу Саъид бизга беролмасдан дош
Қалъани бушатиб, олиб қочар бош».

Деган хаёл билан юрган эканлар,
Не тонг, товонига кирмиш тиканлар.

У эса қалъани қилиб мустаҳкам,
Ҳимоя чорасин кўрди чинакам.

Бобур мирзо яқин келиб қалъага,
Ўз бошини тутди гўё жалага.

Халил ҳинду деган унинг илғори,
Саналса агарда қаторда нори.

Намозгоҳ ёнида ҳоли бўлиб танг,
Мардонавор туриб қилолмади жанг.

Навкарлар чиққанди душманга ўтру,
Шаҳарнинг тошида келди рубару.

Сенингдек ганимга ёпиқ деб шаҳар,
Уни ураб олди бир даста навкар.

Халил ҳинду қолиб қуршовда ногоҳ
Оёғи остида кўрди гўё чоҳ.

Гарчи қибла эрур унга тўрт томон,
Қочиб қутилмакка йуқ эди имкон.

Беаёв жанг қилди — жони ҳалқумда,
Меҳр-шафқат йуқдек борки мардумда.

Ундан қолишмади аскарлари ҳам,
Гарчи кўзларига қоронги олам.

Қиличбозлик бирдан бошланиб кетди,
Урушнинг нағмаси авжига етди.

Халил ҳинду эса тушди асирга,
Етақлаб келинди олий қасрга.

Навкарлари бошин эгиб таслимга,
Қисматин тошпирди билмайди кимга?

Бобур мирзо умидлари бўлмай пуч,
Қаттол ганимлардан олмак бўлди уч.

Аmmo, қаршиликка учраб қушини,
Бошидан учирди унинг ҳушини.

Шаҳарга киролмай — боролмай яқин,
Ялт этиб сунгандек қалбида чақин.

Оқибат йул олди Афросиёбга,
Орзу-умидлари чиқмай рўёбга.

Хароба қалъага ўрнашиб маҳкам.
Юрагин ут каби ёндирди алам.

Лашкарбошилару амирлар гаранг,
Султоннинг кўзига қарашар аранг.

Навкарлар аҳволи кун сайин ночор,
Жангга юраги йуқ — эмас ҳужумкор.

Шу тахлит ўтмакда кунлар бесамар,
Гарчи дилларида нафрату кадар.

Бобур мирзо дили жангга бермас дов,
Осонликча жон бермади, нетсин, ёв.

У хаёл қилгандек бўлмади, нетсин,
Ё бош олиб яна Ҳиротга кетсин.

Абу Саъид ташлаб қочмай шаҳарни,
Урушга шайлабди элу лашкарни.

Алам гирдобиди айланар боши,
Айланган бошида тегирмон тоши.

Самарқанддан узоқдан бир ҳикоят
Сўзлаб берсам дейман сизга ниҳоят.

Ҳикоятнинг бу урунига дахли бор,
Ғолиб чиқар ким аҳдида устувор:

Хуросонда ўзин билиб бебадал,
Бобур Самарқандни қилганда қамал,

Порсо ҳазратлари Балхда эканлар,
Унда миш-миш тарқатибди душманлар.

Хожа Абдулмалик чекиб изтироб,
Ҳазрат ҳузурига отилмиш шитоб.

У келиб юрагин тўкиб солибди:
«Бобур мирзо Самарқандни олибди».

Ҳазрат бунга бермагач ҳеч эътибор,
Абдулмалик такрорлабди неча бор.

Намоз одатини қилмасдан қанда,
Таҳорат қиларкан Ҳазрат ушанда.

Абдулмалик эса маҳобат билан
Яна айтмиш — дили жунбинига келган.

Ҳазрат дебдиларки: «Шундай овоза
Қилсалар, нияти эмасдур тоза».

Қўларин узатиб дебдилар: «Мана,
Бобур Самарқандни олар экан-а!»

Самарқанднинг эгаси бор. Унингсиз
Ҳеч ким ололмайди, билиб қўйингиз.

У руҳсат бермаса, бўлмаса ризо,
Ҳеч ким Самарқандни ололмас асло».

«Самарқанднинг эгаси ким?» — сўрди у
Ва ҳазрат кўзида учқун кўрди у.

Хожа Абу Наср Порсо деди шод:
«Хожа Убайдуллоҳ — муршиди беҳзод!»

Хожа Абдулмалик эса қувониб,
Ҳазратни тарк этди, сўздан қониб.

Мазкур ҳикоятни қилиб муҳтасар,
Балхдан Самарқандга айладим сафар.

Муҳаммад Қозининг номин этиб ёд,
«Ҳайратул-Аҳрор»ни айларман бунёд.

Мунис зот насрда этганин баён
Назмга қўчирмак эмасдур осон.

Дилда маснавийга зўрайиб рағбат,
Устозга айтурман мингдан-миш раҳмат.

Самарқанд қалъаси қамалда ҳамон,
Бобур мирзо, аммо, ноком, нотавон.

Зурға утар лашкар тирикчилиги,
Оч-наҳор, қуриган, балки, илги.

Ризқ-рўзини излаб навқари сарсон,
Қувгинга учрайди бормасин қаён.

Душманга нафрати кучайган мардум,
Дуч келса, жазога этади маҳқум.

Тугиб олиб кесар қулоқ, бурнини,
Кўрсатиб қўяди унга ўрнини.

Лашқари ноилож — оғир аҳволда,
Учриб кетади турса шамолда.

Улови ҳам бўлмиш касалга дучор,
Ўлатга учради отлари бисёр.

Ўлакса ҳидига булганган Ҳисор
Ҳавосидан чекар навқарлар озор.

Бобур мирзо узун-узун чекар оҳ,
Афросиёб унга хароб қароргоҳ.

Кўримсиз масқанда бир ўзи — якка,
Аросат чапг солар маҳзун юракка.

Қамалдан умид кам — ҳамон самарсиз,
Само ҳам қоронғу гуё қамарсиз.

Абу Саъидга лек ёғду сочар ой,
Тинчлигин йўқотган гарчи Кўксарой.

Хожа Убайдуллоҳ унинг ёнида,
Қалқондек турибди истехкомида.

Вазирлар чиқарган бир ёқадан бон,
Амиру ҳокиму беқлари йўлдош.

Арқони давлату улусу лашқар
Бир мақсуд уйига бермақда зевар.

Самарқанд мисоли метин истехком,
Лашқари қалбида ёнар интиқом.

Ўн газга яқиндир унинг девори,
Нистирмада эса йипитлар нори.

Дарвозалар маҳкам, соқчилар ҳушёр,
Навқарлар жангга шай — турар ҳужумкор.

Мунг каби тугилган гарчандки лашқар,
Уруш гирдобида тулғонар шаҳар.

Зафар қозонмакка етмасдан кўзи,
Ором бузилиб кеча-кундузи.

Бобур мирзо тинмай қидирди илож,
Сулҳ тузмакка охир бўлинди муҳтож.

Қайтса битим тузмай Хуросонга гар
Қайси юз билан у пойтахтга кирар.

Сулҳсиз қайтмак тенгдир мағлубиятга,
Элу юрт олдида қолур уятга.

Ярашиб қайтса гар топилар узр,
Гарчи обрўсига етади путур.

Рози бўлармикан душмани сулҳга,
Андина қалитин соларми қулфга.

Дилига игнасин санчади гумон,
На қилсин, аҳволи ёмондин ёмон.

Йонини қийнайди дардисар уруш,
Нечун Самарқандга айлади юриш?

Осойиш яшарди — йўлдан урди ким,
Топиларми энди дардига ҳақим?

Етмасмиди унга мулки Хуросон,
Е жангсиз турмасми насли Қурагон?

Самарқанд шухрати банди этди ё,
Е бобо пойтахти этди маҳлиё?

Е сохта шавкату қозонай деб ном
Оёғига ўзи ташладими дом?

Ножуя иш қилди нима булса ҳам,
Тузатмак лозимдур хатосин илдам.

Маҳзун уйга ботиб қотди ноилож,
Ярашмакка охир сизди эҳтиёж.

Қошига чорлатди дарҳол ҳомийни —
Мавлоно Муҳаммад Муаммойни.

Нажот излагандек кирди Мавлоно.
Ҳар галгидек йўқдур тилида сано.

Саросима бўлиб тикилди маҳзун,
Султон қўзларида кўринди мазмун.

Бобур мирзо унга солди маслаҳат,
Мухтасар қилинди, аммо, машварат:

«Сулҳ тузмакни тақлиф қилсак, Мавлоно,
Ғалаба қозонмак бўлгач муаммо».

Мавлоно ризолик бошини эгди,
Чунки, Султон сўзи нишонга тегди:

«Олий ҳазратлари, мақбул сўзингиз,
Узоқни қўзлайди басир кўзингиз.

Лашкарнинг аҳволи кечмакда душвор,
Талафот кўрмасдин ярашмак даркор.

Эҳтимол, ганим ҳам истар битимни,
Уруш таҳликага солмайди кимни».

Бобур мирзо ҳосил қилиб қаноат,
Кўнглининг амрига этди итоат:

«Элчи бўлиб боргай жанобим магар,
Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари гар

Бош қўшиб, битимга бўлсалар ризо,
Ул зотнинг гапидин чиқмагай Мирзо».

Мутаассир бўлиб Мавлоно хиёл,
Хожа ҳузурига отланди дарҳол.

V

Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ макони,
Муаммой бугун унинг меҳмони.

Хожа ҳусусида кўп эшитган зот,
Не бахтки, ул билан қилур мулоқот.

Ҳайрат чорбоғида мутаассир, лол,
Қалбида хурсандлик, кўзида иқбол.

Ҳурмати, шухрати гарчи сарбаланд,
Ҳазрат хоксор экан бир мўъмин монанд.

Меабонлик бурчини келтириб бажо,
Хижолат домидан қутқарди, аммо:

«Элчилик осонмас — вазифаси ҳам
Ундан-да вазминроқ, бўлинг хотиржам».

Муаммой хурсанд бўлди куллуқ деб,
Мақсудини айтди сўзга бермай зеб:

«Султон Бобур мирзо қадрлаб Сизни,
Бошдин баланд тутар ҳурматингизни.

Шул вақҳдин юборди ҳузурингизга,
Сулҳ тузмакни тақлиф қиладур Сизга.

Олийҳиммат киши бизнинг Мирзомиз,
Акобир, фуқаро андин ризомиз.

Қайга борса, олмай қўймаслар ани,
Гоҳо таслим бўлгай жангсиз душмани».

Яна қизик гаплар сўйлади меҳмон,
Ҳайратта тушмади эшитиб меабон.

Фақат мийғида қўйди-да кулиб,
Деди у меҳмонга меҳрибон бўлиб:

«Султон Бобур мирзо улут бобоси
Шоҳруҳ мирзо нек давроннинг подшоши.

Анинг замонида Ҳиротда фақир
Кўпгина фароғат кўргандир, тақсир.

Гар Шоҳруҳ мирзога нисбатан юксак
Бўлмаганда эди ҳурматим бешак,

Масалани қолдирмасдин сулҳгача,
Мумкин эди ҳал этмаклик узгача».

Муаммой англаб гап маромини,
Ҳазратга билдирди эҳтиромини.

Чўккан кўнгли кутарилган сингари,
Куллуқ қилди ҳал бўлгандек ишлари.

Бобур мирзо гарчи султон, элсевар,
Тасаввуфга берилганди сарбасар.

Меҳр қўйиб Хожа Убайдуллоҳга,
Интилиб яшаркан улуспаноҳга.

Хуросонни тутгач унинг шухрати,
Элни лол этганда валий қудрати,

Ҳайрон қолар экан эл билан бирга,
Тушуниб етмаскан, аммо, бу сирга.

Кун сайин Ҳазратга ошиб ҳурмати,
Ҳайратта солибди шону шухрати.

Сўхбатига етишмаклик ҳаваси
Юрагида яшар экан хулласи.

Тасаввуф билгичи санаб ўзини,
Аҳли миллат аро айтмиш сўзини.

Мажлисида тасаввуф муқаддимоти
Хусусида баҳслар бўлиши нажоти.

Закий мутасаввуф Нирзода Қайюм
Мулозиматида бўларкан доим.

Мазкур тонфага муътақид султон
Дарवेशван, хуш таъъин эди бегумон.

Фонийсифат ҳамда қаримул-ахлоқ
Киши бўлиб, назмга ўч эди бироқ.

Ҳиммати олдиди қумуну олгин
Тошу тунроқ каби йўқотгани қадрини.

Форсий ва туркийда тебратиб қалам,
Аҳли назм ила бўлинидир ҳамдам.

Ундан баҳра толиб аҳли нафосат,
Ижод бешигида тоиди саодат.

Вале уни йўздан урдими шайтон,
Ё торлик қилдими мулки Хуросон,

Қўшини тортди Самарқандга ногоҳ у,
Зарба сгон сулҳ истади бегоҳ у.

Афросиёб қалъасида потавон,
Ғалаба қилмоғи энди даргумон.

Қадимий Ҳисорда ёнбошлаб олиб,
Йқониди ором йўқ, ташвишида қолиб.

Узилган сингари умиди сулҳдан,
Не сулҳ, Самарқанди азимдек мулкдан.

Баланд овоз билан қилмакда вайло,
Хароба қасрдан қайтур акс садо:

«Орифда ҳиммат йўқ, ҳиммат йўқ асло,
Ҳиммат бор деганлар қилгайдур хато.

Самарқандни ололмаган бўлсан-да,
Лашкаримиз гарчи сарсон Кўҳақда.

Хожа ҳазратлари, билдикки, аммо,
Ориф эмас экан, ўйлабмиз хато.

Бизни ҳиммат билан хароб қилдилар,
Ҳиммат билан дилимизни тилдилар».

Бобур мирзо қилар эди вовайло,
Муаммойи бўлган чоғида пайдо,

«Бормисиз, Мавлоно!» дебон қўиди у,
Қўзларида ҳасрат, дилида қайғу.

Муаммойи деди сизмай ўзига,
Мулоийим жилмайиб султон кўзига:

«Хожа ҳазратлари қилдилар ҳиммат»,
Сулҳ каломи берди тилига зийнат.

Бобур мирзо енгил тортди «ўх» дебон:
«Иншооллоҳ, шод бўлгай аҳли замон».

Ҳазрат тилагини тутиб муҳтарам
Сулҳ тузмак бўлинди Кўксаройда ҳам.

Бобур мирзо эса қилмиш илтимос.
Ки, зўрликдан унда Ҳазратга ихлос:

«Сулҳ маросимида қатнашса Эшон,
Фақирининг дилида қолмагай армон».

Бобур мирзо хоҳишини гап аро
Айтганида пири мурид, бечора —

Султон Абу Саъид ўйлашиб узоқ,
Ҳазратга ижозат этмади бироқ.

Маросимга, аммо, кўрилди лозим
Хожанинг шогирди Мавлоно Қосим.

Боғи дилқушода қасри муаззам,
Нафосат-ла безатилган, муҳташам.

Бир ёнида — Шохизинда, улғувор,
Бир ёнида — Расадхона, устувор.

Кониғилининг сўлим боғлари аро
Боғи дилқушонининг юзида оро.

Қасрга ноъидоз кўркем хийбон,
Хийбон ёларини безар аргувон.

Соқчилар саф тортган икки томонида,
Олмосдек кўзлари аҳли замонда.

Мовароуннаҳру мулки Хуросон
Акобири бир-бир бўлур намоён.

Тавозеъ айлайди аҳли мулозим,
Иззатин жойинга қўймаклик лозим.

Ҳашаматли хонаи хоҳ. Барча жамъ.
Жамоат ичинда икки султон кам.

Бир томонда акобири Хуросон,
Самарқанднинг пешволари бир томон.

Саҳида гулзордек шоҳона гилам,
Ўртада хонтахта — нақиллари кўркем.

Хонтахтанинг атрофида зар тўшак,
Етмас эди буида гўё аргунтак.

Икки султон кирди икки тарафдан,
Икки дур чиққандек мисли садафдан.

Таъзимга эгилди мағрур бошлари,
Қалбларини тубида гина тошлари.

Улар ёт эмасди — қариндон эди,
Бобур шоҳдан Абу Саъид ён эди.

Бир азим дарахтнинг шоҳларисмон
Тарқалиб кетганди улар ҳар томон.

Томирлари биру самари ҳам бир,
Бир осмонда шамсу қамари ҳам бир.

Буюк Соҳибқирон набиралари,
Наҳотки, жанг қилса душман сингари.

Бир-бирига яқин келиб туришди,
Таъзим ила қўл бериниб кўришди.

Султон Абу Саъид марҳамат дебон
Ултирмакка таклиф этди шу замон.

Бобур мирзо эса тавозеъ билан
Уни таклиф қилди — боши эгилган.

Икки султон ултирди бир фурсатда,
Гарчи душман бўлсалар-да, иззатда.

Анжуман тузилди — ўпкаю гина
Бўлиб ўтди улар аро озгина.

Бир маромга тушди сунгра анжуман,
Диллари кўкидан тарқалди туман.

Ўзаро сулҳ тузиб, чекдилар имзо,
Боболари руҳин қилгандек ризо.

Ўридан қўзғолиб, боқиб орзуманд,
Бир-бирини қучиб, қутлашди хурсанд.

Акобир ҳам қутлаб султонларни шод,
Ишонч кўпригини қилдилар бунёд.

Сулҳга умидини этиб зиёдат,
Султон Абу Саъид берди зиёфат.

Бобур мирзо хижолатда, узрли,
Урунга сарфламас қолган умрини.

Душман бўлиб келиб, қайтмиш дўст каби,
Унга сабоқ бермиш ҳиммат мактаби.

Хожа ҳазратларин кўрмадим дебон
Юрагида, аммо, қолди зўр армон.

Сулҳдан сўнг султондан сўради Ҳазрат:
«Не сабаб фақирга бўлмади руҳсат?»

Абу Саъид деди узрли, аммо:
«Бобур мирзо сўзга чечан ва доно.

Мафтун эта олур мусоҳибини,
Сўз топмай дилига муносибини.

Ул шундай йиғитки, соҳиб ихтиёр,
Ҳайратга тушгайсиз сўйласа ашъор.

Мойил бўлиб қолманг дебон кўрганда,
Е ултириб бирга суҳбат кўрганда.

Ризолик бермадим бормагингиага,
Аммо, бу фикримни айтмадим Сизга.

Шундай ҳол рўй бериб қолганда агар
Камина ишлари бўларди бадтар».

Хожа ҳазратлари топиб тасалло,
Султон қадрин тутди яна муалло.

VI

Кўксарой бошидан йўқолиб хатар,
Эркин нафас олди янгидан шаҳар.

Оллоҳга шукр деб бандан мўмин,
Энди осойишда яшани мумкин.

Ҳазрати Хожага қилиб қуллуқлар,
Раҳматлар ёғдирар унга улуғлар.

Султон Абу Саъид эса беҳад шод,
Обру кошонаси бўлмади барбод.

Ҳурматдан тахт ясаб азиз муршидга,
Буюк пир деб билди мулки хуршидга.

Садоқат тожини дур билан безаб,
Бошига кийдирса унинг не ажаб.

Гарчи султонликни қилмайди даъво,
Султондан зиёдроқ иш қилди, аммо.

Камтарлик курсисин тарк этмай бир дам
Тахтда ултиргандан юксак, муҳтарам.

Султон назарида қадрни ошди боз,
Эътиқод уйда қилинди эъзоз.

Не бахтки, чиқмади сўздан султон,
Унинг ҳақлигини этмасди гумон.

Акобир гапига кирганда агар
Эгасиз қоларди муаззам шаҳар.

Душман қувиб бориб Туркистонга ҳам
Буюк бир давлатни қиларди қарам.

Ҳар қалай, сўзини ўтказиб, кордон,
Йўлидан қайтарди Ҳазрати эшон.

Султон сезганида унга аҳтиёж,
Комил ақин билан кўрсатди минҳож.

Ўзига ишончи зўр эди унинг,
Самари эди бу ақли комилнинг.

Бўлмаса, икки юз минглик лашкардан
Ҳайиқмай, чиқмангиз дерми шаҳардан.

Шундай демасдилар валий бўлмаса,
Ҳақ таолодан ё ваҳий келмаса.

Бобур мирзо тортиб келдию лашкар,
Лашкари солдию Намозгоҳда жар,

Наъра тортиб қалъа атрофида гоҳ
Қақшатгич зарбага учради ногоҳ.

Хожа ҳазратларин дуоси кучли,
Дуойи баъд қилса олғайдур ўчни.

Унинг газабига учраган ишон
Омонда қолмоғи гумондир, гумон.

Ҳурмати зўрликдан Шоҳруҳ мирзога,
Ўзлари чек қўйди кечмиш низога.

Йўлидан адашган набирасини,
Ҳаётдан узмайини насибасини,

Дуойи баъд қилмай, аяди, балки,
Раҳму шафқат билан сийлади, балки.

Йўқса, Бобур мирзо қолиб бемкон,
Аҳволн бўларди ёмондан-ёмон.

Бостириб келдию Кўҳакка, аммо,
Самарқандни олмак бўлди муаммо.

Беаёв ҳужумга кўнгли бермай дов,
Сўнди унда гурлаб ёнгувчи олов.

Умид чинорининг илдири лат еб,
Гурбат шамолида қолди чайқалиб.

Яна учраб халқнинг қаттиқ қаҳрига,
Неъматни айланди ҳаёт захрига.

Бўрига ўхшаган ботир навқари
Думин қисди қўрқоқ тулки синғари.

Ваҳимага тушди даврон пиридан,
Ҳайиқди шекилли унинг сиридан.

Сир-асрори босиб, қолди имконсиз,
Урушмакка майли камдир, дармонсиз.

На чора? Улуғ пир бўлмаса агар
Бардош беролмасди ҳарбига шаҳар.

Шаҳарни қутқарди Ҳазратнинг сири,
Элу юртнинг пири, султоннинг пири.

Унинг шавкатига ҳад йўқ — оламгир,
Ҳурматин қилмаган йўқдир одам бир.

Сигиниб келмаган муслим топилмас,
Нафаси етмаган иқлим топилмас.

Бобур мирзо Самарқандни ололмай,
Кўксаройга қадамини босолмай

Кетгани сабабли бесару сомон,
Халқ меҳри Ҳазратта ошди минг чандон.

Уни ўзларига пир деб билдилар,
Тоғ оша, қир оша йўқлаб келдилар.

Бу яқин орада ундан улуг зот,
Улус дарди билан кўнгли тўлуғ зот

Йўқ эди Туркистон, Хуросонда ҳам,
Ажаму Румда ҳам йўқ эди аъзам.

Нақшбандия — тариқати хожагон,
Халойиқнинг эътиборин қозонган.

Жамиятнинг турли табақалари
Солиқлик йўлидан юрди илғари.

Тариқати хожагонда доимо
Амал қилиб келар ажиб қоида:

«Дарвешлар удуми шундан иборат —
Ки, улар ўзлари қилиб итоат,

Барча ҳимматини сарф этар буткул
Бирор бир иш билан бўлмакка машғул.»

Хожа Убайдуллоҳ мазкур тариқат
Асосида қурди ажиб иморат.

Кимки қадам қўйса азиз бинога,
Кўзи тушар унинг ушбу иншога:

«Ҳақ субҳонаҳунинг васлига етмак
Воситаси эрур ани ёд этмак».

Аммо, унинг энг яхши бир йўли бор,
Расулulloҳ умматига дахлдор:

Бир мусулмон кўнглини хурсанд этмак бу,
Муҳтож киши раҳматига етмак бу.

Табаррук сўз айтмиш хожан жаҳон
Абдуҳолиқ Гиждувоний бир замон:

«Дари хилват банду дари суҳбатро куншой,
Дари шайхиро банду дари ёриро куншой».

(«Хилват эшигин ёнгилу суҳбат эшигин оч,
Шайхлик эшигин ёнгилу ёрлик эшигин оч.»)

Зеро, хурсанд этмак бир мусулмонни,
Олмақдин, билингиш, афзал жаҳонни.

Инсонни яратган чоғида Оллоҳ
Эзгуликка этган қалбни қароргоҳ.

Яхшилик қилмакни унутманг асло,
Бандаси билмаса — билади худо.

Мурувват — кишининг қалбида гавҳар,
Гавҳар бериб, Раҳмат олғайдур башар.

Раҳматдан шарафли, азиз, мўътабар
Сўз йўқдур дил уйин этса мунаввар.

Тоғдек юксалтирар Раҳмат инсонни,
Муқаддас кўрсатар кўзга жаҳонни.

Шодумон айласанг сен бир кишини,
Бахтиёр этади юз киши сени.

Яхшилик ёр бўлсин, насли муслимсан,
Аҳли муслим аро асли мўъминсан.

Тасаввуф кўкида Хожан жаҳон
Юлдузи чарақлаб турибди ҳамон.

Тилларда ёд эрур панди табаррук,
Дилларда яшайди падари бузрук.

Тасаввуф қўйига кирсам келмиш пайт,
Унинг ҳикматига қўшсам не бир байт:

Даҳрийлик эшигин ёнгилу ибодат эшигини оч,
Мазлумлик эшигин ёнгилу саодат эшигини оч.

VII

Хожа Аҳрор хонадони. Намозгар.
Мезон кириб, салқин тушган, дил яйрар.

Ширин, хуш суҳбатни яна қўмсашиб,
Жамъ бўлмиш энг яқин аҳли мусоҳиб.

Фазлуллоҳ Абуллайс зеб бермиш тўрга,
Ҳазрат хонадонин тўлдирмиш нурга.

Фиқҳда беназир донишманд инсон
Аъламул-уламо деб олмиш унвон.

Машириқда донгдордир улуг аждоди,
Уларга муносиб чиқди авлоди.

Шарафли сулола бўлсин бардавом,
Насиб қилсин унга тахти эҳтиром.

Хожа Аҳрор билан бўлиб мусоҳиб,
Эътиқод қўймакни кўрди муносиб.

Гарчи тенг эмасдир уларнинг ёши,
Бир мақсуд йўлида қовушди боши.

Ҳазрати Хожа ҳам оғадек суйди,
Иззатини унинг жойига қўйди.

Султон қошида ҳам тутди аржуманд,
Қуриб хурсанд бўлди аҳли Самарқанд.

Умрини илмга бахш этган даҳо
Ўздин баланд қўйди Ҳазратни, аммо.

Алқисса, бир-бирин айлаб эҳтиром,
Шарафга етдилар мардуми киром.

Фатхуллоҳ Табресий — хуштолеъ киши,
Ўткинчи умрда нури кечмиши.

Хожа этагини тутгин деб маҳкам,
Қосим Анвор ёққан дил уйига шамъ.

Қулогидан чиқмай устод берган панд,
Ҳазрат меҳри билан дили бўлди банд.

Ҳавас қўзин узмай ундан муттасил
Интилди неча йил ва неча фасл.

Муридлик қўйдан босди илгари,
Манзилга ошиққан йўлчи сингари.

Мақсуд қилган киши муродга етсин,
Мурид бўлса, пирнинг илкени тутсин.

Ноумид бўлмасин дунёдин асло,
Гарчи машойих дер: бири кам дунё.

Бири кам дунёда кам бўлмасин кас,
Бутун бўлсин, токи оларкан нафас.

Фатхуллоҳ Табресий боқиб хилқатга,
Риоя айлади ушбу ҳикматга.

Шул ваҳҳдин етишди пир дийдорига,
Ўзни бериб Оллоҳ ихтиёрига.

Ўтитини оқлаб Қосим Анворнинг,
Меҳрини қозонди Хожа Аҳрорнинг.

Яна бир мусоҳиб Хожа Иброҳим,
Умрин узоқ қилсин ўзи илоҳим.

Ҳазрати Хожанинг тоғаси ул зот,
Яхши билур уни Тошканду Ҳирот.

Гарчи Тошкандда ул топди таваллуд
Самарқандда ўтди таҳсили масъуд.

Сунгра мадрасаи Улугбек мирзо
Мударрисси бўлиб танилди, зеро.

Бир неча илмда доно, билимдон,
Элу юрт эъвозлар «Мавлоно» дебон.

Пайгамбар ёшидан ўтса-да магар
Кишининг кўзига ёшроқ қўринар.

Жуссаси пишиғу қотма юзлари,
Кўзойнак кўрмаган ҳали кўзлари.

Соқол-мўйига ҳам кечроқ тушди оқ,
Ҳамонки, қомати алифдек, бироқ.

Кўрган киши ҳавас билан тикилар,
Уруғ ҳам заминга бир-бир экилар.

Тоғасига ўхшаб кетар Ҳазрат ҳам,
Аммо, ундан ўтиб кетди бир қадам.

Не бир қадам, ўтди анча илгари,
От изини той босгани сингари.

Дарвеш Сарипулий яна бирлари
Ҳазратга аёндир барча сирлари.

Содиқ мурид бўлиб меҳрин қозонган,
Ўч деса ўчгану ён деса ёнган.

Тонги шабнам каби покиза дили,
Фитнаю ёлғонга айланмас тили.

Мусаффо дилига қўзғу кўзлари,
Раҳмату ростликдир айтган сўзлари.

Мусича сингари яшаб беозор
Мушук жонига ҳам бермаган озор.

Умрини безаган тоат-ибодат,
Оллоҳдин сургани бўлган ижобат.

Таъби хуш, мулойим, чеҳраси нури,
Поклик жавоҳири безар умри.

Дардли жонга қўяр сўз билан малҳам,
Сўзини қадрлар суҳбат аҳли ҳам.

Яна бир суҳбатдош илми толибдир,
Тасаввуф кўнглига туғён солибдир.

Акобир суҳбатин жойлар дилига,
Эрк бермас — жиловни солган тилига.

Хоксор тутар ўзни гарчи навқирон,
Кибр кўчасида солмаган сурон.

Босиб ўтган замон азиз даргоҳни,
Ўзининг ўрни деб билди пойгоҳни.

Тарбия кўрмаган ёшларга жабр,
Кишилиқ уйида топмагай қадр.

Турга урар ўзин улуглар қолиб,
Эҳтиром қасрини бузар от солиб.

Манманлик даштида кўтариб тўзон,
Камтарлик боғида бўлмаган меҳмон.

Пойгоҳга чўкмакни қилмаган одат,
Тўрдан топмак бўлур гўё саодат.

Русумга биноан уз урнин билмас,
Билса ҳам одатни кўзига илмас.

Ким риоя қилса улуста манзур:
Кичик жойи — пойгоҳ, улугники — тўр.

Толиб бир-бир ўтиб ҳаёт дарсидан,
Хабардор дунёнинг баланд-пастидан.

Аҳмад Яссавийдир муриши унинг,
Бошидан эврилса арзир бу куннинг.

Хожа Аҳрор назарига тушди ул,
Бургут бўлса, баланд тоғга қунди ул.

Ёш бўлса-да, ҳурмат этади улус,
Шеърига «Шоший» деб қўяр тахаллус.

Ўзига қаратди Тошкандни номи,
Туркистон аҳлига етди каломи.

Илм булоғидан бўл деб баҳраманд,
Бағрига чорлади уни Самарқанд.

Сухбат ўти ёнар — баҳс аро яшнар,
Фикрат чўғларидан уққунлар сачрар.

Ҳазрати Хожа ҳам утга урди дам,
Аланга жонланди, кел, бани одам.

Баҳра топ, ҳарорат унда илоҳий,
Улуг пирга ёрдир дами Исавий.

Болалик айёми тун булиб рўшно,
Унга муришид бўлган ҳазрати Исо.

Ҳазрат дами зўрдир ўшандан бўён,
Исо назарида турар бу Инсон.

Мушкул кунда имдод этар Пайгамбар,
Не Пайгамбар, Оллоҳ ўзи булур ёр.

Мулоқотга яна бағишлаб мазмун,
Деди: «Тариқати хожагон бугун»

Тарихий айёми бошдин ўтказур,
Наслдин наслга ани етказур.

Фақир мансуб экан шу тариқатга,
Не фойда келтирур бу жамиятга?

Саволнинг жавоби барчага аён:
Кўзу мужгон бўлсин улусу султон.

Султони — улуснинг қароғи бўлсин,
Улуси — султоннинг чароғи бўлсин.

Султон билан улус бўлсин меҳрибон,
Ҳамжиҳат яшасин насли Кўрагон.

Султон эли деса, эл эса ани,
Жаннатга айлангай киши Ватани.

Элдин айри тушса — кун кўрмас султон,
Султонга суянса — эл бўлгай омон.

Халқ билан султонни қилгани ҳамдам,
Камина саройга қўйибман қадам.

Осон қилай дебон халқ юмушини,
Бошимга олибмен бор ташвишини.

Хайрли ишларни қилган салафлар
Арвоҳи бизларни, балки, шарафлар.

Алар умид билан келиб жаҳонга,
Гоҳ элга ён босди, гоҳо султонга.

Улус деб, султонга бормади утру,
Султон деб, улусни қилмади орау.

Фақир, аммо, ўзга йўл тутдим тамом,
Адолат юзидин иш кўрдим мудом.

Тарозига солиб элу султонни.
Иккисига бирдек қўйдим мезонни.

Тарози палласи тенг бўлса, кошки,
Улус — юз, султони — менг бўлса, кошки.

Бирин паст, бирини қўймадим баланд,
Иккисин жони ҳам жонимга пайванд.

Адолат саройин қилдимми бунёд,
Жаҳолат зиндонин эгдимми барбод,

Фақирга қоронгу, Оллоҳга аён.
Фидойи бўлгаймен савоб иш дебон.»

Аъламул-уламо қониб суҳбатга,
Қуллуқ деб бош эгди азиз хилқатга:

«Хожа ҳазратлари, элу юрт гами,
Кошкийди, барчанинг бўлса ҳамдами.

Афсус, амал аҳли андин йироқдур,
Амал ҳирси-ла маст, баланд димоғдур.

Ҳокиму беклардин эл кўнгли зада:
Тўйларда ҳозиру йўқдур азада.

Унутиб қўйганлар элга ҳимматни,
Киссага урурлар, аммо, ришватни.

Ўзидин узгани билмаслар, афсус,
Қулогин солмайди, дод деса улус.

Султон ҳазратлари, балки, беҳабар,
Илкани тиймаса, юз бергай хатар.

Ҳар қалай, Сиз борсиз — улус эмас гам,
Анинг кўзи Сизда, этгайсиз ёрдам.

Ҳазрати султонга етмаса зори,
Ҳокиму бекларнинг қизир бозори.

Бозори қизимай бўлса гар касод,
Фуқаро илкидин туггайдур омад.»

Узоқ ўйлаб деди муришид комил:
«Сукут — аломати ризо, аҳли дил.»

Табрезий зикрини қилди мухтасар:
«Кошки, шоҳу улус яқдил бўлсалар.»

Мавлоно Иброҳим билан фикри бир
Сирипулний деди қидириб тадбир:

«Истифода этиб уз обрусини,
Ҳазрати султону эл ораусини

Рӯебга чиқаргай Хожамиз шовён,
Иймоним комилки, келгай хуш даврон».

Сунг илтижо қилиб Парвардигорга,
Омонлик тилади Хожа Ахрорга.

Судбат аҳли унга бўлиб тилакдош,
Дуога қўл очди мисли эмакдош.

Мутаассир бўлиб Ҳазрат ҳам гоят,
Оллоҳдин аҳбобга сўрди иноят.

ТЎҲҚИЗИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Мулkning тахти борки — тож бўлгай талош,
Тож борки — подшоҳлик боз бўлгай талош.

Тахти йўқ — мулк эмас, тожи йўқ — подшоҳ,
Тож-тахтсиз салтанат — салтанатмас, чоҳ.

Тахт олмак, тож киймак осонмас, аммо,
Подшоҳлик қилмаклик ундан муаммо.

Райят кўнглини олмак-ку душвор,
Барчага хуш келмас бирдек ҳукмдор.

Ҳаммага муносиб шоҳ бўлмас асло,
Сийёсат бобида гарчандки, доно.

Зеро, фуқарога кимки босса ён,
Мулкни урушдан сақласа омон.

Осойиш, бирликни этса барқарор,
Салтанати унинг бўлгай устувор.

Темурийзодалар икки мулк аро
Тахтга даъвогарки, тинмас можаро.

Мовароуннаҳру мулки Хуросон
Даштида от сурар — салтанат ларзон.

Тож-тахтни истамас шаҳзода йўқдир,
Темурхон каби бир раҳнамо йўқдир.

Уларга саромад булар улуг йўқ,
Йўқдир Султон Шохруҳ ёки Улугбек.

Гарчи Бобур мирзо Ҳирот тахтида,
Ороми йўқ унинг ўз пойтахтида.

Ҳамон тинчимас тахт даъвогарлари,
Унда-мунда кўпар қўюн сингари.

Муяссар бўлса-да тахти Самарқанд
Султон Абу Саъид омонат монанд.

Абдуллатиф мирзо ўғиллари тинч
Туролмас, қўлида уйнатиб қилич.

Даъвогар бўлишиб ота тахтига,
Болта урмак истар шоҳ дарахтига.

Аҳмад мирзо билан Жўгий мирзолар
Унга қарши гоҳ-гоҳ қўзғар низолар.

Тахт таланиб, Аҳмад қатл этилди,
Жўгий мирзо эса қочиб қўтилди.

Абу Саъид голиб келди урушда,
Аммо, душманлари унинг хуружда.

Абулхайрхондан тилаб куч-мадад,
Муҳаммад Жўгий боз қидирар омад.

Унга имдод бўлиб ўзбеклар хони,
Кўз остига босди мол-мулк, дунёни.

Хуросонда эса ўзга ҳол эди,
Ҳаёт куйи ҳазин, шодлик шол эди.

Машҳади азимни солиб мотамга,
Султон бевақт кетмиш дашти адамга.

Абулқосим Бобур рихлат этанда,
Ғамзада райият аза тутганда,

Даъвогар кўпайди тож-тахтга яна,
Ғулгула солдилар пойтахтга яна.

Қанчаки шаҳзода бўлса Ҳиротда
Бошини кутарди бу мушкилотда.

Фурсат етди дебон маликалар ҳам
Ўғиллари белин боғлади маҳкам.

Ундан бунга утиб турганида тахт,
Бир кулиб, бир йиғлаб турганида бахт.

Омадни бой бермай, Хуросон томон
Абу Саъид лашкар тортиди беомон.

Ҳиротни олдию бир ҳамла билан
Бобур саройида тузди анжуман.

Анжуман бузилди кўп ўтмай, аммо,
Самарқанд устида қорайди само.

Жўгий мирзо олди тахтни эгаллаб,
Абу Саъид йўлга тушди эрталаб.

Уруш гирдобиди қолди Самарқанд,
Тожи тахт жангида толди Самарқанд.

Жўгий мирзо енгилдию оқибат,
Озурда жонига тилади сиҳат.

Самарқанд қўлига кирдию такрор
Ҳиротдан ташвишга тушди ҳукмдор.

Шаҳзода Ҳусайн мирзо Бойқаро
Дафъатан бошига солди можаро.

Салтанат жиловин қўлига олиб,
Хуросон тахтига ўлтирди голиб.

Ҳусайн мирзо лек бегона эмас,
Жияни бўлса-да, Ҳиротни бермас.

Самарқандга келган айёмида ҳам
Бебошлик қилганди, кезмай хотиржамъ.

Ҳибета солганди шу сабаб уни,
Қўзига чўп тикса, нетсин тутқуни?

Ҳиротда Феруза бегим қўзғолиб,
Бобур мирзони ҳам уртага солиб,

Қошига келганди қутқаринг дебон
Ва олиб кетганди шаҳрига омон.

Бу энди нимаси? Яна хиёнат!
Ё Оллоҳ, келдимиз рўзи қиёмат?

Не душманлик қилди унга тоғаси?
Борми ё ишонган буюк оғаси?

Гапга қўнмас йигит Ҳусайн мирзо,
Ўз сўзида туриб олар донмо.

Ўта шижоатли, довиорак, ботир,
Шаҳзодалар аро ўктам, баҳодир.

Жанговар бўлса-да, навкарлари кам,
Унга ён босмагай акобирлар ҳам.

Самарқандда тартиб ўрнатиб бир оз,
Абу Саъид қилди Ҳиротга парвоз.

Тахтини қолдириб Аҳмад мирзога,
Хуросонда барҳам берди низога.

Ҳусайн мирзони Ҳиротдан ҳайдаб,
Астрободдан қувди газзоби қайнаб.

Аммо, таҳдид солиб Ҳусайн мирзо
Мағлубликка асло бўлмади ризо.

Қозоқийлик даври бошланди унинг,
Ўч арқони узун таниланди унинг.

Икки мўлка бўлиб голиб ҳукмдор
Абу Саъид тахтга ўлтирди тақдор.

Истиқомат қилиб Ҳиротда тамом,
Самарқандни этди ўзига инъом.

Аҳмад мирзо бўлиб ташвиши бисёр,
Не зауи тунларни ўтказди бедор.

Осойиш топмаган ҳали мамлакат,
Мамлакат сингари нотинч салтанат.

Шаҳзодалар кўндир тахтга даъвогар,
Унда-мунда қўниб, қилар даъволар.

Улар бегонамас — қариндошлари,
Нима қилсин, қовушмайди бошлари.

Темурийзодалар ичиди нифоқ,
Минг афсуски, бўлмадилар ҳеч иноқ.

Салтанат туфайли қону қардош ёт,
Бир-бирин устига солишади от.

Ўзга хешлар эса эл орасида
Қавмини тутади кўз қорасида.

Бир-бирин қўллайди — ёт ила тирноқ,
Тую азада бир — кўз ила қабоқ.

Шодингу ғамини кўришиб баҳам,
Ҳамжиҳат яшайди — дардига малҳам.

Нега бу фазилат, бу эзгу удум
Сирини шоҳларга ўргатмас мардум?

Нега шаҳзодалар тожу тахт дебон
Бир-бирига ётдир, душмандир ҳамон?

Аҳмад мирзо бошини қийнар бу жумбоқ,
Жавобини излаб тонолмас бироқ.

Нечунким, салтанат меваси ширин,
Англаб етолмагай бу жумбоқ сиррин.

Тожу тахтдан тамом воз кечса агар
Унинг моҳиятини, балки, тушунар.

У, ахир, шаҳзода — йўқ, йўқ, англамас,
Тахту тож учун у тугилгандир, бас.

Қошки, қариндошлик меҳри бўлиб фара,
Шаҳзодалар олса раийятдан дарс.

Улуғ бир давлатни этмак идора
Осон ин эмасдир — мушқил минг бора.

Надари бузурги узоқдир гарчанд
Амрига бўйсинар унинг Самарқанд.

Отаси помидан қилар идора,
Не ажаб, мушқилга топилса чора.

Ташвини зиёда Аҳмад мирзонинг,
Хожа Аҳрор каби улуғ сиймонинг

Сўзидан чиқмайини, раҳнамо этди,
Пири не буюрса, у адо этди.

II

Аъламул-уламо Хожа Фазлуллоҳ
Абуллайсий кўзга сурган хонақоҳ.

Ота-боболарин руҳин этиб шод
Яхши бир айёмда қилдирминн бунёд.

Масжид мақбаранинг шарқ томонида,
Ота-боболарин қабри ёнида.

Аҳли миллат, аҳли динга меҳроб у,
Олиму толибга субҳи офтоб у.

Хожа Аҳрорга ҳам таниш хонақоҳ,
Толиблик даврида сийлаган даргоҳ.

Устод ҳузурида бўлиб, олган дарс,
Дарсини билгандир ўзига бир фарс.

Гарчи нақшбандия пиридир бугун
Аллома сўзини қўяди устун.

Иzzат-эҳтиромин келтириб бажо,
Садоқат бурчини этади ижро.

Зероки, ул доно, фақиҳи даврон,
Бошида тафраккур ганжидир шинҳон.

Улуғ хонадоннинг азиз фарзанди
Дунёга танитди боз Самарқандни.

Энг улуғ бобоси эди буюк зот,
Жумлаи оламга машҳур, суюк зот.

Мовароуннаҳр ҳам Арабистон
Илмининг амрига бўйсинмиш осон.

Фақиҳ Абуллайсий Самарқандий у,
Авлодлар қалбида яшайди мангу.

Ундан мерос қолмиш нодир асарлар,
Билим саройига зевар гавҳарлар:

«Бўстон ул-орифин» — китоби даврон,
Билимдон кишилар сайр этган бўстон.

«Хизонат ул-фиқҳ» — илм махзани,
Унда жамъ фикратнинг дурри адани.

«Танбеҳ ул-ғофилин» ҳам «ан-Навозил»
Ақл даласидан йиғилган ҳосил.

Ҳамонки, барҳаёт аллома номи,
Шухратин безайди халқ аҳтироми.

Қадим замон эшик очган хонадон,
Ҳамонки, бардавом ва булғай омон.

Унинг фаҳри эрур Хожа Фазлуллоҳ,
Бу рубъи маскунда қўлади Оллоҳ.

Ислоҳ динининг ул ҳуқуқ илмида
Шухрат топиб, фақиҳ бўлмиш мулкида.

Не мулк, Туркистонга етди доврўғи,
Ажам, Хуросонни тутди доврўғи.

Мулки Чин, мулки Ҳинд, Арабга ўтди,
Руму Юнон, Олмон тарафга ўтди.

Аллома яшади буюк замонда,
Улутбек даврида дорул-амонда.

Қозизода Румий юлдузи чақнаб,
Шуъла сочган бўлса унга не ажаб.

Али Қўшчи баҳра топган-булоқдан
Бир ҳовуч ичгандир, балки, чанқоқдан.

Саккокий, Ривзий назмига шайдо
Экани булгандир элга ҳувайдо.

Нафас олиб бир иқлим ҳавосидан,
Яйрашган бир муганний навосидан.

Буюк зотлар эди замондошлари,
Олтинга тенг эди азиз бошлари.

Аҳли фазлу камол бирга, бемалол,
Бир хон узра суҳбат курган, эҳтимол.

Фиқҳда Абу Ханифан соний у,
Зурафога меҳрибону ҳомий у.

Арабиётда ҳам нодир замон,
Ибни Ҳожибга тенг донишманд инсон.

Саид Шариф Журжонийдур устози.
Юксак эди фан кўкида парвози.

Шогирдидан топиб кўнгли қаноат,
Даре айтурга берган эди ижозат.

Устоз ишончини оқлаб, муносиб,
Ўзига ҳам қилди устозлик насиб.

Не-не толибларни қилиб саводхон,
Иқболни кўрди олими даврон.

Жомий ҳам баҳравор бўлиб илмидан,
Устоз деб тутганди унинг илқидан.

Самарқанднинг акобири қатори
Сийланди — қадрига етди диёри.

Шоҳруҳ мирзо Ироқ ҳам Озарбайжон
Сафаридан голиб қайтганда омон,

Азиз падарини қутламак учун
Ҳиротга борганда Улутбек мамнун,

Фақиҳ ҳам булганди унинг ҳамроҳи,
Муқаррам айлади кишвар паноҳи.

Умрин сўнгигача Улутбек мирзо
Унга меҳр билан боқди доимо.

Аъламул-уламо унвонин бериб,
Қувонди эҳтиром тахтида кўриб.

Султон Шоҳруҳ мирзо саройида ҳам
Мулозимлик қилди зоти мухтарам.

Ҳирот улуглари билан ўшанда
Мулоқот айлади хуш анжуманда.

Меҳрин торғди амир Ғиёсиддин ҳам
Нафосат аҳли-ла булганда ҳамдам.

Дерларки, амирнинг аждоди, насли
Мовароуннаҳр тарафдан асли.

Бу мулкда бисёрдир унинг таниши,
Азиз эди самарқандлик ҳар киши.

Фақиҳ ҳам кўринди кўзига яқин,
Кўнглининг кўкида балқиди чақин.

Амир Темур замонида саромад
Улут боболарин айладими ёд.

Шоён, чулғаб олди олим нуфузи,
Юлдузига тўғри келиб юлдузи.

Фасллар сингари ўзгариб даврон
Қанча сувлар оқиб ўтди бегумон.

Аммо, теурийлар хонадонида,
Адолат устувор ҳур замонида.

Эътибор зўр эди уламоларга,
Шоиру меъмор улаомаларга.

Қадри баланд эди илм аҳлининг,
Фаҳрию шавкати эди халқининг.

Султон Абу Саъид давронида ҳам
Аллома бўлмади уламодан кам.

Даврон Абу Али Синоси дебон
Фиқҳ пешвосига берилди унвон.

Бунда ҳиммати зур Хожа Аҳрорнинг,
Ҳукмдор пирию пири аброрнинг.

Бирн тасаввуфда, бири илмда
Султонни қўлади ушбу иқлимда.

Нарвоз этай деса қанот бўдилар.
Сабри тугай деса сабот бўдилар.

Оламга боқдилар қўзлари бўлиб,
Қалбларга кирдилар сўзлари бўлиб.

Раҳнамун сингари фикрат бердилар.
Адолат қилмакка ҳикмат бердилар.

Уларга суяниб Абу Саъид ҳам
Салтанат кўйида чекмади алам.

Улус орасида ҳурмати баланд
Кишилар туфайли қудрати баланд.

Икки тоғ турарди икки ёнида,
Элу юрт шониши кўриб шонида.

III

Муслмонлик сирн нимада дебон
Ҳазратдан сўрарди гоҳ аҳли замон.

Ҳазрат дердиларки:

Муслмон ҳам Оллоҳнинг бир бандаси,
Жумла жаҳон ичинда арзандаси.

Муслмон бўлмаклик мушкилмас асло,
Ўзининг шартлари бор унинг, аммо.

Яхшилик — муслимлик қасрин зевари,
Кишилик ҳуснию умр гавҳари.

Олий мартабага етса ҳам инсон
Яхшилик қилмаса бўлмас муслмон.

Фуқаро ғамини ҳар киши еса,
Арзийди ўзини муслмон деса.

Шод қилса қай инсон бир муслмонни,
Муруват зарига ўрар жаҳонни.

Бир мазлумга меҳр кўргизган башар
Инсонлик тожини дур билан безар.

Бир муҳтож бошини слагаган киши
Кўнглини ўстирар савобли иши.

Иймонли кишилар муслмон бўлгай,
Кўнгли тиканзормас, гулистон бўлгай.

Муслмон бўлмакнинг оқибати нек,
Дилнин тарк этгай хусумату нек.

Яхшилик савобдур азали охир,
Умр беағидур мисли жавоҳир...

Хожа ҳазратларин Ёдида ҳамон
Улут бобосининг сўзлари шоён.

Одамни биддию шайх Хованд Таҳур,
Ота пандин унутмади бир умр.

Азиз набираси Хожа Аҳрор ҳам
Бобо насихатин тутди муқаррам.

Муслмонлик бўлиб умрин зевари
Эъвоз кўрди боболари сингари.

Бир муслмон эмас, минглаб муслмон
Ҳиммати туфайли ундан шодумон.

Улусда кун сайин оғиб шавкати,
Шавкатидан қолнимасди давлати.

Зероки, бермаса султон эътибор,
Бунчалик бўлмасди соҳиб ихтиёр.

Арқони давлатдан қўймаса баланд,
Султондек кўрмасди уни Самарқанд.

Ҳазрат бир тарафу султон бир тараф
Бўсалар, тошмасди бунчалик шараф.

Султон иззат қилиб пири комилни,
Унга мурид этди мисли бир элн.

Султонга етмаган арзини фуқаро
Ҳазратга етказиб, излади чора.

Чиқади дегандек қарс икки қўлдан,
Султон ила Ҳазрат юрди бир йўлдан.

Нинсонга қўйибон эзу мақсудни,
Олга етказилди мўъмин мардумни.

Султон пири кўриб узидан ортиқ,
Арзанда бойликни айлади тортиқ.

Молу мулк, еру сув суюрғол этди,
Ҳурматини тождор бош узра тутди.

Ҳазратга дахлдор мол-мулкдан султон
Кам солиқ олмакка чиқарди фармон.

Дехқонга нисбатан уздан бир солиқ
Тўламак муришда кўрилмин лойиқ.

Шу сабаб йўлини топиб дехқонлар,
Солиқдан тинкаси қуриган жонлар.

Ерини ўтказиб Ҳазрат номига,
Овқдин илинмай солиқ домига,

Ўзлари хўжайин бўлиб ўзига,
Ёмон кўришса-да беклар кўзига.

Зулм балосидан қутилган мисол
Ўз ерида меҳнат қилур бемалол.

Солиқни тўлашур Ҳазрат қатори,
Кўнгли тўққа ўхшар энди рафтори.

Чунки ноҳақликка булишса дучор,
Ҳимоя қилгувчи соябони бор.

Тебраниб турса бас ҳақир рўзғори,
Фалакка туғундек ўрламас зори.

Елкасига офтоб тегиб, чекмас ғам,
Ғамига гўёки берилди барҳам.

Бир-бирдан олиб деҳқонлар ибрат,
Эркинроқ яшашга келди деб фурсат.

Ўз ерини Хожа Аҳрорники деб,
Юрарди эл аро кўкрагин кериб.

Йил сайин кўпайиб муридлар сони,
Халқни хурсанд этди ширнинг эҳсони.

Ҳазратнинг бойлиги кўпайган сари,
Беадад сочилди ҳиммат гавҳари.

Гарчи кўтарилди деҳқон шарафи,
Назар ерининг йўқдир ҳазратга нафъи.

Уқубат чекмасини бир мусулмон деб,
Ўз ғамидан кечди — эл ғамини еб.

Турли хил солиқлар комида қолиб,
Йўқчилик даштда уриниб, толиб,

Алами сингари қайнаб қозони,
Азоб тиканига иланиб жони.

Сабр тоғи талқон бўлган чоғида,
Ҳақсиялик ўтининг кўйиб доғида,

Мусулмонлар сўраб Ҳазратдан ёрдам,
Битмас ярасига топарди малҳам.

Зулм кўрса беғу амирлардан ё,
Қознио ҳокиму кабирлардан ё

Паноҳ истаб келар эди қимтиниб,
Турмуш ташвишидан умиди синиб.

Ҳазрат эса қулоқ солиб барига,
Тутар эди азоблардан нарига.

Балогардон бўлиб, қайтариб дардини,
Олар эди гўё кўзидан гардини.

Ёки ҳиммат қилиб бойлигини ҳам
Ҳақир авом билан кўрарди баҳам.

Ўзи эмаса ҳам ўзгага тутди,
Фуқаро ғамиди ўзин унутди.

Улуе фойдасига ини кўрди чунон
Султондан норизо бўлмасин дебон.

Эл бўлса норизо — келиб бўлмас бас,
Барча саъй-ҳаракат кетгайдур абас.

Балаид қилай дебон султон қадрини,
Елкасига олди улуе жабрини.

Ўзи азоб чекиб, роҳат қилса эл,
Ҳаёт гулшанига эмас гармисел.

Осойиш саройи бузилмасин деб,
Мурувват заридан унга берди зеб.

Улуғ мулкка гарчи эмасдир тождор,
Улуеда султондек қадри устувор.

Салтанату халққа бўлиб фидойи,
Шавкат самосида кезадир ойи.

Элу юрт тинчлиги лозим султонга,
Не султон, Ҳазратдек азиз инсонга.

Кошки, юрт ободу улуе шод бўлса,
Золимлар тож-тахти барафтод бўлса!

IV

Султон Абу Саъид Ҳирот тахтида,
Хотирин жамъ эмас лек пойтахтида.

Осойиш истайдн мулки Хуросон,
Не Хуросон, балки, ҳар бир хонадон.

Ҳаддидан ўтказиб жабру зулмини,
Ўз қавми бошига солди ўлмини.

Гавҳаршод бегиму набиралари
Бартараф қилинди душман сингари.

Уни йўлдан урди қайси бир гумроҳ,
Оёғи остида ким қазиди чоҳ?

Хожа Убайдуллоҳ мутаассир, лол,
Алам саҳросида афтода бир ҳол.

Қаттиқ хафа бўлмиш — кайфияти йўқ,
Нохуш хабарлардан амнияти йўқ.

Абу Саъид илкин тиймаса дарҳол
Салтанати унинг топгайдур завол.

Алам билан елмиш Ҳиротга Ҳазрат,
Юрагин эзадир армон ва ҳасрат.

Гарчи султон кутди тантанавор, шод,
Кўнгли боғи унинг бўлмади обод.

Ҳазрат оромида сўрашиб аҳвол,
Сездирмади зарра ичида не ҳол.

Абу Саъид хурсанд бўлиб зиёда:
Дўстлар омонини деб сўрди дунёда.

Хожа ҳазратларини тетигу руҳи,
Тоғ каби кифтидан босар андуҳи.

Аҳмад мирзо билан амир, ақобир
Саломини етказиб, хўрсинди охири.

Йўл азоби огир деб қилиб гумон,
Ўзидан ўтганини билмади султон.

Пиру мурид суҳбат кўрди хилватда,
Муриднинг кўзлари азиз хилқатда.

Хожа Аҳрор эса ўйланиб узоқ
Насиҳат қилгандек сўзлади юмшоқ:

«Олий ҳазратлари, шаҳзода кўндур,
Барчаси фақирга азиз, марғубдур.

Ва лекин аларга берилса нисбат,
Сиз бирла боғланмиш риштан қисмат.

Сизга чоҳ қаизган ёвдир менга ҳам,
Зулм кўрса улус фақир чекар ҳам.

Ноҳақ шаҳид бўлса бандан муъмин,
Камина норози бўлмаги мумкин.

Душманидин қурққан подшоҳ бўлмас,
Не подшоҳ, хешга ҳам паноҳ бўлмас.

Қавмин ранжитса ким кўкармас боғи,
Бемаҳал учадур умр чироғи.

Шоҳ бўлмай фархунда — улус олқаса,
Шоҳ бўлмай хору зор — улус қаргаса.

Тахту тож боқиймас — дунё бевафо,
Бевафо дунёда умр бебаҳо.

Чакки иш қилибсиз, фақир озурда,
Минбаъд ундоқ қилманг энди умрда.

Меҳру шафқат этиб улусга бисёр,
Ҳар банда жонига бўлинг халоскор.

Шоҳни ота каби кўрса райийт,
Бежавотир яшар — чекмас азият».

Абу Саъид мирзо укинар, мулзам:
Боши ҳам, тили лол, дилида алам.

Қавмининг қатлидан бўлиб пушаймон
Юраги қарига сирқиб оқар қон.

...Хожа Убайдуллоҳ уйғониб бардам
Хиёбон бошига елди субҳидам.

Маҳрами Мавлоно Қосим — ҳамроҳи,
Суллим манзарада ҳайрат нигоҳи.

Қуши Сафид узра жавзо кўёши,
Саъиддин Қошғарий мазорин боши.

Қуръони каримдан қилиб тиловат,
Башарий бурчини этди ижобат.

Арвоҳин шод қилиб ўқиди дуо,
Пирисиз ғариброқ кўринди дунё.

Зиёрат этди сунг Хиёбонини,
Не Хиёбон, унинг хонадонини.

Боши кукка етиб ўғилларининг
Оталари билан кўрди уни тенг.

Қуёви Нуриддин Абдурахмон ҳам
Боши узра тутди — меҳри бир олам.

Иқтидори баланд мулки назмда,
Тасаввуф билгичи шаҳри азимда.

«Жомий» деб шеърига қўяр тахаллус,
Шоирини даврон деб тан олмиш улус.

Жомийга Самарқанд бўлиб қадридон,
Муносиб сийланди толиби замон.

Биринчи марта ул ўн беш йил бурун
Илм масканида сайр этди мафтун.

Кўзига нишонмай боқди шаҳарга,
Жаҳаннатга ўхшаган ажиб манзарга.

Мадрасан Улуғбекнинг даргоҳи
Бўлган эди унинг илк қароргоҳи.

Истиқомат қилиб бир ҳужрасида,
Парвона сингари шамъ теграсида

Улуғ олимлардан ўрганиб сабоқ,
Шуур кулбасида порлади чироқ.

Султон Улуғбекнинг дарслари, аммо,
Нужумга фикратин айлади ошно.

Дарс олди тўрт улус тарихидан ҳам,
Қисматлар риштаси боғланди маҳкам.

Олий мадрасанинг толибин шоён,
Хурсанд кутиб олди мулки Хуросон.

Бўлғувчи пир билан Ҳирот шаҳрида
Бир завраққа тушди тақдир наҳрида.

Муъжиза рўй берган сингари бунда
Жомийни бир умр этди фархунда.

Нақшбандия тариқатин муриди,
Ки, Саъиддин Қошғарийнинг муриди

Бўлиб, тасаввуфдан олди маълумот,
Уни мафтун этди мазкур таълимот.

Тасаввуф боғида кезаркан Жомий
Шарафга йўлади табаррук ҳомий.

Пири комил кетгач дашти адамга,
Ҳайратли кўз билан боқди оламга.

Ёдида: устода аълам хуш айём
Деганди, кўнглида жушиб эҳтиром:

«Силсилаи тариқати хожагон
Ўзилмағай, устувордур, бу замон.

Зеро, анинг номдор намояндаси,
Оллоҳнинг суюкли, азиз бандаси

Хожа Носириддин Убайдуллоҳдур,
Авлиё сингари уткир нигоҳдур.

Толиби мадраса экан ҳали ул
Бетиним излади тасаввуфга йул.

Фақир суҳбатига етишиб мудом
Нақшбандия тариқатин этмиш ком.

Истаган маҳалда қошимда бўлиб,
Тариқат сирридин сўзларди тўлиб.

Фикримиз бир жойдин чиқарди мудом,
Суҳбатимиз узоқ этарди давом.

Ўз қисматин боғлаб тариқатга ул,
Оқибат етишди ҳақиқатга ул.

Хожа Убайдуллоҳ бўлиб авлиё,
Фақирлик шамъидин таратмиш зиё.

Сизга насиб этса, кошки, суҳбати,
Ул хожагон тариқатин шуҳрати».

Саъиддин Қошғарий — пири табаррук
Сўзидан чиқмади муриди бузрук.

Ғойибан интильди Хожа Аҳрорга,
Тариқат йулида зоти киборга.

Суҳбатига етишмакни истаб у
Яна Самарқандни қиларди оруз.

Не бахт, амал олиб умид ниҳоли,
Куртак ёзиб, юз кўрсатди иқболи.

Олий мартабали азиз-авлиё
Фақирлиги уни этди маҳлиё.

Жомий мутаассир, лол бўлиб тамом
Изаат курсисиди қилди аҳтиром.

Отасин барҳаёт кўрган сингари
Парвона бўдилар пир ўғиллари.

Муршиди комилнинг руҳи бўлиб шод,
Хотира макони этилди обод.

V

Хожа Убайдуллоҳ Боғи зогонда,
Шоҳруҳ мирзо қурган дорул-амонда.

Унга баланд эди меҳри, хурмати,
Ҳайратга солганди эса шуҳрати.

Шабоб даврониди бўлиб Ҳиротда
Неча бор кўрганди уни оқ отда.

Ҳатто суҳбатига етишиб хуррам,
Кўнглида султонни этди мусаллам.

Номини ёд айлар бутун Шоҳруҳнинг,
Хуросон мулкида соҳиб шукуҳнинг.

Боғи зогон ундан бўлиб бир ёдгор
Ободон Ҳиротни қилмиш ҳусдор.

Ундан миннатдордир дорус-салтана,
Олий иморатлар қурмиш тантана.

Қўлдан қўлга ўтиб тахти Хуросон,
Оқибат ўлтирди Абу Саъидхон.

Унга насиб қилди Боғи зогон ҳам.
Амрига бўйсинди мулки муаззам.

Улуғ пир меҳрини жойлаб юракка,
Хурматин кўтарди унинг юксакка.

Талбеҳин олмади кўнглига оғир,
Гарчи қаттиқ ботди мисоли шамшир.

Гуноҳкор бандадек пири қошида,
Бошини кўради алам тошида.

Минг афеус, энди кеч — ҳечдир надомат,
Султонлик боқиймас, умр — омонат.

Бошини кўтарса султон афеусдан,
Мухтор элчи бўлиб гуё улусдан,

Хиёбон бошида кўринди Жомий,
Унга пешвоз чиқди Ҳазрати олий.

Ўридан кўзголиб Хожа Аҳрор ҳам
Истиқболи сари қўйди бир қадам.

Авлиё қошида Жомий таъзимда,
Хуш насим эгандек боғи азимда,

Улуғ мавлонолар — Ардашер, Мирхонд,
Лутфий, Фасиҳиддин бош эгди хурсанд.

Қуюқ сўрашдилар мисли қадрдон,
Юраклар қаърида ўгли ҳаяжон.

Кўзларда акс этди меҳр зиёси,
Не меҳр зиёси, меҳр кимёси.

Таъзим бажо этиб қадни буқдилар,
Қат-қат шоҳи тушак узра чўқдилар.

Меҳмонлар Ҳазратин ўтқазиб тўрга,
Эҳтиром уйини чулганди нурга.

Мавлоно Қосим ҳам унинг ёнида,
Ҳирот улугларин анжуманида.

Султон таништирди мавлоноларни,
Ирфон кишварида фарзоналарни.

Вале шиннос эди ғойибдан улар,
Не ажаб, бир-бирин кўрган бўлсалар.

Султон Шоҳруҳ мирзо Хуросониди,
Шаҳобиддин Умар хонадониди

Лутфий билан Мирхонд топиб дилхоҳни,
Кўргандилар Хожа Убайдуллоҳни.

Ҳазрат ҳам эслайди: икки ажиб зот
Номини муқаррар этарди Ҳирот.

Лутфийни билмаган киши кам, шён,
Шуҳрати беназир шоири замон.

Мирхонд қўл урдию «Равзатус-сафо»
Аҳли дилга берди мозийдан садо.

Фасиҳиддин билан Ардашер, зеро,
Ҳазратни қилмади бугун ихтиро.

Ҳиротни тутганда шону шуҳрати,
Дилларин забт этди валий хурмати.

Алқисса, бир-бирин билар ақобир,
Тавозеъ, карамдан диллар рўшнодир.

Элу юрт аҳволи безаб суҳбатни,
Кўнглини кўтарди азиз хилқатни.

Султон деди: «Осойишни барқарор
Қилолмаган салтанатдан эл безор.

Улус истар, энг аввало тинчликни,
Ҳавас қилур фаровонлик, тўқликни.

Хонадони омон бўлса — бас анга,
Бирликда яшамак зўр ҳавас анга.

Камина мақсуди гарчи улугвор,
Давлатда осойиш ҳануз беқарор.

Йўлидин оздирар кўнлар авомни,
Алдаб оёғига солурлар домни.

Шаҳзодалар боши қовушмас ҳамон,
Фитнада ўзини этар намоён.

Ҳамон тинчиган йўқ Ҳусайн мирзо,
Гоҳ унда, гоҳ мунда кўзгайди низо.

Собиқ амал аҳлин дили фиғонда,
Бир кўзи саройда, бири исёнда.

Илму назм аҳли, аҳли замона
Султони ёнида турса мардона.

Кошки, бунёд этиб бир пули сирот,
Урушдан ўтса не тинчликка Ҳирот.

Иншооллоҳ, кимки юртга фидокор,
Улус раҳматига булғай сазовор».

Абу Саъид бир оз гапирди нолиб,
Олиму шоирлар ёнини олиб,

Ки, юртда зурафо обрус катта,
Сўзига ишонар улус, албатта.

Уларга эргашиб гоҳ эл алданди,
Йўлини тополмай гоҳ каловланди.

Кимки тахтга чиқса, шоиру олим
Мадҳу сано билан сийлади доим.

Қулдек хизмат қилиб ҳар бир султонга,
Хиёнат этдилар дилу иймонга.

Адолат кўзига қарасак тикроқ,
Иймони бутлар ҳам бор эди бироқ.

Султон ушаларни тутиб назарда,
Сўйлади, эҳтимол, сўзида парда.

Суккутдан бошини кўтариб Мирхонд,
Деди, ҳукмдорга кўнгли энг монанд:

«Таърихдан маълумким — одил бир подшоҳ
Йўлига кўз тиккан, эл излаб паноҳ.

Адолат лангарин тутган ҳукмдор
Оёғи остида булмағай симдор.

Улуг йўлдин доим юрур илгарин.
Изидан эргашур фуқароларин.

Халқнинг ишончини қозонса тождор
Тахтининг пояси булғай устувор».

Аҳли дилга боқар пир оромиди,
Фикрат чўғи яшнар суҳбат дамида.

Салобати босар мусоҳибларни,
Суҳбатига унинг муносибларни.

Шаҳриёр азмига бериб эътибор,
Мавлоно Ардашер деди маънодор:

«Давлатда бўлмаса тартиб, интизом,
Ҳаёт равишида бузилғай низоом.

Беҳуда тўқилса бир қошиқ қон ҳам,
Алами қилгайдур ўнлаб бошни ҳам!

Кафилга қўйилса иймон, диёнат,
Аҳдига қилмаса султон хиёнат,

Улус ҳурматига булғайдур лойиқ,
Анинг тарафини олур халойиқ».

Ҳазрати Лутфийнинг чеҳраси нурпош,
Кўзлари меҳрли, ақлида қўёш.

Хожа Аҳрор каби эл гамида у,
Не эл гами, бугун оромиди у.

Чўқур нафас олиб деди бир замон:
«Кўп шоҳларни кўрди тахти Хуросон.

Бир кун хуррам, бир кун хафа фуқаро,
Бир кунни тинч ўтса, бири мोजаро.

Шоҳ анга отадек бўлиб меҳрибон,
Умрини утказса фарзандим дебон.

Фарзанд ҳам отага булғай вафодор,
Хонадонда топғай осойиш қарор».

Мударрис аълам Фасиҳиддин ҳам,
Лутфийга ён босиб деди хотиржамъ:

«Яхши ота бўлсин улусга султон,
Ямон ота бўлса ямондин ямон».

Жомий ҳам суҳбатга қўшилиб гоҳ-гоҳ
Дахлдор фикрини сўзлади дилхоҳ.

Гарчандки, саройдан яшар узоқда,
Улусдек унинг ҳам жони қармоқда:

«Олий ҳазрат, доим аҳли мулозим
Тождор назарида турмоғи лозим.

Амиру беклар ҳам, доругалар ҳам
Ўзини султондин кўришмайди кам.

Ҳайиқиб турмаса ҳукмдордин гар
Фуқарога бадтар зулм ўтказар».

Хожа Убайдуллоҳ зурафо тараф,
Зурафо келтирар мулкига шараф.

Улугларнинг гани чиқди бир жойдан,
Султон чиқмай қўйган, балки, саройдан.

Хотири жамъ булмай деди фикрини.
Фасоҳат беъади унинг зикрини:

«Султон ҳазратлари, улус беғуноҳ,
Йўлидан уролмас ани ҳеч гумроҳ.

Яхши сўздин чиқур инидин илон,
Яхши гап гадоси азалдан инсон.

Хушғўй бўлинг, тилингиздин бол томсин,
Муруввату меҳрингиздин эл қонсин.

Амал аҳлин тортиб қўйинг танобин,
Чиқармасун фуқаролар хунобин.

Топмак лозим шаҳзодалар кўнглини,
Қорачигдек асрасинлар мулкани.

Алломаю уламолар нозик таъб,
Муомала қилинг раъйига қараб.

Қай киши улусда бўлса саромад,
Феълига ёт эрур анинг хушомад.

Оқибатсиз бўлур тамбагир мардум,
Узгариб турадур мисоли мавсум.

Юзингизга айтса кимки ҳақ сўзни,
Дўст билинг, яқинроқ тутингиз ўзни.

Улус фахр этса султони бирлан,
Анга хизмат қилур иймони бирлан.

Улусдин содиқ дўст йўқдур тождорга,
Не тождор, Ҳазратим, Хожа Аҳрорга».

Қўлдуқ деб бош эгди султони кабир,
Фахри киром билан кўнглида фахр.

VI

Султон Абу Саъид мирзо саройи,
Муаззам Ҳиротнинг фахри, чиройи.

«Мовий гумбаазлари кўк ичида кўк»,
Тоқига берилган зарҳал билан кўрк.

Турт бурчида кўркам миноралари
Юксалгандир тоқи самовот сари.

Қорли Кўҳи Сафид ҳам Кўҳи Сиёҳ
Ундан бир сония узмайди нигоҳ.

Пойига бош уриб боқар Ҳирируд,
Қумуш мавжларида оҳанг ва суруд.

Азим мадрасаи Гавҳаршод Бегим
Султон саройига термулади жим.

Қасри олий ёдгор бўлиб Шоҳруҳдан,
Шаҳодат беради сўнмас шукӯҳдан.

Абу Саъид мирзо тахтида унинг,
Тожини киймаган, аммо, Шоҳруҳнинг.

Мовароуннаҳр тожи бошида,
Ғолибдир Хуросон тахт талошида.

Икки мулкка бўлиб якка ҳукмдор
Беором юраги осойишга зор.

Баҳридан кечди-да баъзи закотнинг
Ҳурматин қозонар аҳли Ҳиротнинг.

Хожа Убайдуллоҳ пандига лойиқ
Иш кўриб, нек қилди султони ҳозиқ.

Кўнгли тинчиб бир оз пири комилнинг
Илтимосин унга етказди элнинг:

«Тамга закотини бағишлаб, тақсир,
Ташвишлардин халос қилиндим фақир.

Сизу биз дўстликнинг етиб қадрига,
Доим қулоқ тутдик кўнгул амрига.

Дийдаи мардумдек асрасак не тонг,
Гарчи урмасак-да олам аро бонг.

Нима бўлардики, ҳимматингизни
Олий даражага етказиб, бизни

Шодумон этсангиз яна бир бора,
Обруйингиз ошар эди тобора.

Ғайри шаърий бўлмиш тамга закоти
Важҳидин улуснинг тоқдур тоқати.

Ани барча учун қилсангиз бекор
Давлатингиз кам бўлмағай, шаҳрёр.

Сиз олий ҳимматли, сахий кишисиз,
Хуш нафас олмайсиз эл ташвишисиз.

Билганим сабабли ҳимматингизни,
Хурсанд қилинг дейман умматингизни.

Ушбу илтимосни тутиб кўнгилга,
Улус хоҳиши-ла отландим йулга.

Зеро, илтимосим бўлса ижобат,
Ҳосил қилур эрдим фақир қаноат».

Ҳеч нарса демади султони акрам,
Бошқа гапирмади Хожа Аҳрор ҳам.

Аммо, билинмади сукут уртада,
Намозгар салқини эсди ўртада.

Ҳазрат оромида чиқди тахттоҳдан,
Кўнглида гина йўқ, аммо, подшоҳдан.

Боғи зорон сари отланди илдам,
Оқ отининг эса одими шаҳдам.

Бу орада эса Амир Нурсаъид
Зиёрат айлади Ҳазратни масъуд.

Маақур воқеани гап орасида
Унга айтди Эшон тинч, оромида.

Султон ҳузурида бўлиб хуш айём
Амир деди унга етказиб пайғом:

«Олий ҳазрат, ажиб бир иш қилибсиз,
Элдин олдин эл кўнглини билибсиз.

Ҳиммат қилиб, ҳамма учун баробар
Тамга закотини этибсиз бекор».

Юзи кулимсираб шундай деди у,
Дилини қувнатиб ажойиб туйғу:

«Ҳазрати Хожамиз қўзламай ўзини,
Олий ҳимматликдин бошлади сўзини.

Зеро, қондирмасам бу илтимосни,
Қайтарган бўлурдим фақир ихлосни.

Боз, ҳимматени бўлиб қолмайин дебон
Айтганларин қабул қилдим бегумон.

Хожа ҳазратларин ҳурмати учун
Йўқ қилгаймиз элга тамгани бутун.

Олий ҳимматимиз бўлиб намоён,
Бекор этилажак аввалги фармон».

Шоён, ўтмай туриб бир неча муддат,
Султон ҳимматидан қувонди Ҳазрат.

Ваъдага бипоан барчага илк бор
Тижорат солиғи қилинди бекор.

Самарқанд, Бухоро фуқаролари
Дилини безадди мурувват зарри.

Ўзини ўйласа Ҳазрат агарда
Уриниб юмасди олис сафарда.

Унинг муаммоси ҳал бўлиб қачон
Тамға солиғини кечганди султон.

Улусга қисмати боғланиб маҳкам
Ярасига унинг излайди малҳам.

Табибдек даволар дардини унинг,
Қўзидан оладир гардини унинг.

Эл унга нишонар, суянар унга,
Пирри қомил билиб таянар унга.

Унга стар, етмас сўзи султонга,
Яқин йўлатмаслар элни девонга.

Худком мулозимлар бозори чаққон,
Хушомад боғида уришар жавлон.

Аммо, фуқарони қилмаслар писанд,
Ёши улугга ҳам ўргатишар панд.

Совундек кўпирар минбар сўзлари,
Тулқининг кўзига ушар кўзлари.

Улардан қўлини ювган фуқаро
Ҳазрат даргоҳидан қидирар чора.

Очиқ эшигидан кириб ичкари
Дардини айтади мурид сингари

Танишми, нотаниш — унга барибир,
Аввал-охир эли билан дарди бир.

Улуссиз бир нафас ололмас нафас,
Улуссиз кенг дунё унга тор қафас.

Улусда кўради шодлик, ғамини,
Не шодлик ғамини — офтоб дамнини.

Улус омон бўлса — бўлгайдур омон,
Улус ўлмас, гарчи ўлгайдур инсон.

Улуснинг дардини жойлаб юракка,
Нарвоз қилди мақсуд қўни юксакка.

VII

Фақих Абуллайсини хонақоҳида
Аҳли руҳонийят Ҳақ паноҳида.

Драфа баҳона — дийдор ғанимат,
Инғилмиш аҳли дил, аҳли иродат.

Мавжланиб оқмақда наҳри мулоқот
Одлоқ даргоҳига айлаб муножот.

Муҳаммад Хавофий — нуруний сиймо,
Тасбиҳин ўтирар — тилида дуо.

Сайид Ошиқ эса ёнида унинг,
Садағаси кетса арзир бу кўннинг.

Хожа Мавлоно ҳам иззат-иқромлик,
Ота мерос унга шайхулисломлик.

Мавлоно Қосимнинг ҳуснидир тийнат,
Тийнатига берар хоксорлик зийнат.

Фақих Абуллайста илм ярашиқ,
Доно кўзларига мисли қорачиқ.

Иқтидор камоли Али Арронда,
Муҳаббат уйқотган аҳли Туронда.

Тенг эмасдир алломалар ёшлари,
Кўп нарсани кўрган, аммо, бошлари.

Фикрати ёришган нури ирфондин,
Кўзлари шинишган яхши-ёмондин.

Даврага зевардир Хожа Аҳрор ҳам
Аҳбоб эъзозиди ширри муҳтарам.

Хожа ҳазратларин ҳурмати охиб,
Кетмади дарёдек қирғоқдин тохиб.

Адолат қошида эғилмиш боши,
Бошин қонатди гоҳ ҳақсизлик тоши.

Улус раҳматидин қўқси мисли тоғ,
Ёғий тухматидин кўнгли эса доғ.

Яхшилик, ёмонлик куну тун каби,
Эзгулик, ёвузлик суту хун каби.

Ҳурмати сарбаланд бўлса қанчалик,
Душмани кўпайди зимдан шунчалик.

Дўстлик ниқобида иш кўриб шинҳон,
Ошкор булмагидин кўрқдиглар чунон.

Ёв кўрқди дуоийи баъдийдин унинг,
Дўст ўеди дуоийи саъдийдин унинг.

Аҳли миллат ўтказиди ифторни,
Саволларга кўмди Хожа Аҳрорни.

Муҳаммад Хавофий бир он уйлаб жим,
Сурадилар: «Олим киму омий ким?»

Ҳазрат дедиларки:

Суфиянинг одатига биноан
Расмий илмларни билмасдан айнан

Расулуллоҳ олийжаноб хулқидин,
Пайгамбарнинг хуш ахлоқий мулкидин

Хабардор кишини олим дебдилар,
Олимлик уйида солим дебдилар.

Шунинг билан бирга тинмасдин бир он
Расмий илмларни эгаллаб чандон,

Расулуллоҳ олийжаноб хулқидин,
Пайгамбарнинг хуш ахлоқий илмидин

Бехабар кишини омий дебдилар,
Олимликни анга монӣ дебдилар.

Яна айтдиларки:

Илми молу мулк, амал учун ё
Ишлатган олимлар таратмас зиё.

Алардин узоқда турган яхшироқ,
Маърифат қасрига ёқолмас чироқ.

Сайид Ошиқ сурадилар:

Доимо барҳақми аҳли тафаккур,
Тафаккур қилурми аҳли такаббур?

Ҳазрат дедиларки:

Тафаккур аҳлига йўлдош камолот,
Такаббур аҳлига ҳамроҳ залолот.

Такаббурнинг азал хосияти йўқ,
Не хосият, анинг оқибати йўқ.

Хурлик ва зорликдир охири анинг,
Тубанлик, танҳолик, хорлик билан тенг.

Яна айтдиларки:

Ўзининг ҳолига яраша мардум
Камтарликни этса ҳаётий удум,

Тавозеъ боғини айласа бустон,
Кишилик уйида яшайди шодон.

Хусусан давлату соҳиби давлат
Ҳуснига менг эрур бу мақбул одат.

Али Аррон сурадилар:

Тасаввуф маслагин бирига мансуб
Дарвешликни кимлар кўргайлар марғуб?

Ҳазрат дедиларки:

Дарвешлар — Оллоҳнинг муъмин бандаси,
Художўй муслимнинг хўб арзандаси.

Тасаввуф куйига кириб покдомон,
Оёгин босмаслар нопоклик томон.

Доим зикр айтмак дарвешлик эмас,
Зикр айтмак билан дарвешлик булмас.

Балки, Расулуллоҳ олий тийнатин,
Хуш хулқу ахлоқин, умр зийнатин,

Олийжаноб феъли атворин анинг,
Ариғ тийнатлигин, анворин анинг,

Камтарлик, майинлик, садоқатини,
Шафқату караму саховатини

Ўрганмақдин иборатдур муттасил,
Амал қилмак шарофатдур куп асил...

Мусоҳиблар аро Хожа Мавлоно
Суҳбат чирогига булмас парвона.

Самарқанд мулкининг шайхулислом
Оёғидан тортар хусумат доми.

Мартаба қасрига етгандек футур
Ҳасад тушагида зўрға ўлтирур.

Аммо, сездирмайди — дарди ичида,
Дили пораланар кин қиличида.

Бу юртда йўқ эди ундан азиз зот,
Хожа Аҳрор келиб, хор булса, наҳот?

Султон наздида ҳам, эл наздида ҳам
Негадир обрусси топмақда барҳам:

«Хожа Аҳрор қилса пирликни даъво,
Нега фақир булмас бу юртга мавло.

Шайхулислом қолиб ул топса қадр
Нотавон бошимга булғай-ку жабр».

Бадбин ҳаёлларга гарқ булиб тамом
Ўзини унутди гоҳ шайхулислом.

Муҳаммад Хавофий ва Сайид Ошиқ
Отдан тушган эди — чеҳраси очик.

Хайрихоҳ эдилар пири муридга,
Кунгил пиёласи тулиб умидга.

Фақиҳ сурадилар:

Ҳайратгадир, Ҳазратим, аҳли фунун,
Шайхликни буйинга олмайсиз нечун?

Ҳазрат дедиларки:

Аъламул-уламо Хожа Абуллайс
Ҳамиша бергайлар анжуманга файз.

Не анжуман, азим Самарқандга ҳам,
Мулки Маширқ аро зоти муҳтарам.

Маърифат аҳлига, Соҳиб ихтиёр,
Асл нијатимиз қилгайсиз ошкор.

Аҳли фунун тушмасинлар ҳайратга,
Бел боғласин доим илми ҳикматга.

Шайхликни буйинга олсак биз агар
Бирор шайх муридни тополмас магар.

Бизнинг вазифамиз ўзгадур, аммо,
Бошимиз қийнайдур ушбу муаммо:

Золимлар зулимдин қилиб ҳимоя
Муслмон аҳлига бўлмақдур соя.

Мазкур вазифани этгани адо,
Рўбга чиқсун деб эзгу муддао,

Қўлаб муслмонлар манфаатини,
Дилга туғиб улус саодатини,

Шоҳлар билан бўлиб суҳбатда доим
Алар ишончини қозонмак лозим.

Машойхлар аяб вақтларини гар
Бу ишга қарамай юрган бўлсалар,

Биз эса фуқаро учун ҳеч қачон
Вақтимизни аямаймиз бу даврон.

Яна дедиларки:

Подшоҳларнинг ҳузурига бориб гоҳ,
Муслимларни қолдирмасдан бенашоҳ,

Мазлуму муҳтожлар мушкилини осон
Қилмақдин яхшироқ хислат йўқ шоян.

Адлпарвар бўлмасанг бул замонда,
Истиқомат қилолмас эл омонда.

Шунга эришмақлик лозимки яна,
Бир мазлум бошида бўлиб парвона,

Арзини етказиб анинг султонга,
Имдод илқини туғиб бир муслмонга,

Ҳақсизлик, зулимга бергани барҳам,
Адолат ўйида ёқай дебон шамъ,

Барча куч-ғайратни аямай зинҳор
Яхшилик йўлида сарфламак даркор...

Милтиллаб ёлмақда шамъи анжуман,
Ҳазратнинг гапидан қўнгиллар равшан.

Қўлар мардумида умид зиёси,
Ақли бошларда фикрат кимёси.

Мамнунлик туйғуси, майли дилларда,
Дилларнинг раҳмати зийнат тилларда.

Бир муслмон қўнглини шод қилмаган кас
Бу ёруғ оламга келибди абас.

Муслмон бўлмаса ўзи агарда
Муслим қўнглини олмак ҳатто маҳшарда.

Ҳожа ҳазратларини суҳбатин олиб,
Дурри ҳикматини қўнглига солиб,

Самимий қўзғолди аҳли мусоҳиб,
Ири муридига бўлиб муносиб.



Тўртинчи Ҷаъд

Барча кучли ва азаматли хоқонлар Хожа (Хожа Аҳрор)га қуллиқ, фармонбардорлик ва ихлосмандлик камарини белларига боғлагандилар. Хонлар бошларида хонлик тожи ва белларида подшоҳлик камари бўлган ҳолда, унинг замирида яйов олиб-югурар эдилар.

Абу Тоҳир ХОЖА

Хожа Аҳрор Амир Темур умрининг сўнггида дунёга келиб, унинг ҳаёти Мовароуннаҳрда Халил Султон, Мирзо Улугбек, Абдулатиф, Мирзо Абдулло, султон Абу Саъид, султон Аҳмад; Хуросонда эса Шохруҳ, Абдуқосим Бобур, султон Абу Саъид ва Ҳусайн Бойқаро ҳукмронликлари даврига тўғри келади. Бу даврда унинг шўҳрати фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки Хоразм, Дашти Қишлоқ, Хуросон, Эрон, Рум, Ироқ, Шом ва Ҳиндистонгача бўлган кенг жуғрофий минтақада тарқалган эди.

Ботурхон Хилъатпурни Валий ХОЖА

ЎНИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Мотрида тушгандек Хиёр назари,
Жаннатдан қолишмас сўлим манзари.

Дилкушо мавзеда кезар саратон,
Боготта кўмилган муборак макон.

Ҳаёт наҳри жушар буида осуда
Хожа Аҳрор бўлиб қадам расида.

Оёғи остида мавж урар Сноб,
Оби раҳмат сувини ичмакдир савоб.

Чинниҳона маҳобати этур лол,
Расадхона — зеби жаҳон, безавол.

Шўҳрат тожи қолиб ўтган замонда
Афросиёб харобаси армонда.

Богибаланд, Богимайдон осойиш,
Сархил меваларини қилур намоиш.

Мотридининг қучоғи салқин, хушҳаво,
Кўнглини яйратар бу азиз маъво.

Қадамжодир аҳли миллат, авомга,
Ақобиру султон келар саломга.

Бу маъво соҳиб Хожа Аҳрордир,
Турида шавкатли насли аборрдир.

Самарқанд қибласи гўё бу маъво,
Бир дардга тоғилар ундан минг даъво.

Бир ажиб айёмки — анжир пинган чоғ,
Жаннат мевасидан яшнаб кетган бог.

Олгиндек анжирлар япроқлар аро
Ўзиб енглар дебон қилар тавалло.

Шивирлаб, имлайди гўё ҳар япроғ,
Иқбол гўнасида пир тонар фароғ.

Анжирзор оралаб хурсанд кезмишлар,
Авайлаб, саватта анжир узмишлар.

Оқ яқтак яраниқ расо бўйига,
Оқ тола тушибди соқол мўйига.

Юзлари бугдойранг, пешанаси кенг,
Кўзлари ўтқиру қоши узра менг.

Меҳнат мевасидан севинчи — булоқ,
Бошида тошкандча духоба қалоқ.

Оёғида кафшу белида белбоғ,
Кўнгли офтоб каби нурлиқо бедоғ.

Ҳазрат шилаганда бог қилар ҳузур,
Фароғ истаганда бог бўлар манзур.

Унга парвонадир Мавлоно Қосим,
Исмигу совуқда содиқ мулозим.

Анжир узар пир мурид ёлма-ён,
Чошттоҳ офтобида яйраб тану жон.

Фарзандлари Хожа Абдуллоҳ билан
Хожа Яҳё эса яқиниқ яқтан.

Дафъатан бог аро куннинг авжида
Меҳмонлар қилдилар қадам ранжида.

Ҳазрат кутиб олди — чехраси кушод.
Эҳтиром сароғини этилди обод.

Қушқак тақлиф қилиб хурсанд этдилар,
Хурматин бош узра балаид тутдилар.

Хон ёзиб, қўйилди жаннат неъматин,
Унга етмак ҳар банданинг ниятин.

Меҳмонларнинг бири фақиҳ Абулайис,
Юзларидан унинг балқиб турар файис.

Бириси дилига жойлаб хушидини,
Зийрат этгани келмиш муришини.

Сиеқидан у толибга ўхшайди,
Устозига муносибга ўхшайди.

Қалбида ҳаяжон — кўзида ҳавас,
Ичидан энтикиб олади нафас.

Фикрат ичра боши эгилган ерга,
Қуллуқ қилиб ултирадир тақдирга.

Ултирадир кўзларида саодат,
Елкасидан тоғдек босар салобат.

Ҳирот аҳлига хос унинг либоси,
Хуросонда кўндир пирнинг ихлоси.

Ҳазрат дийдорига бўлиб мушарраф,
Бир дурни топди у, қолиб минг садаф.

Ҳожа Аҳрор Валий — бу дурри шоҳвор,
Дурсиз садаф унинг олдида тождор.

Фақиҳ деди порлаб кўзларида нур:
«Бу йигит Навоий, Алишербекдур».

Уридан қўзғолиб у қуллуқ қилди,
Гуе пир қошида мурид эгилди.

Диққат билан боқиб ҳазрати Эшон
«Ултиринг, бутам», деб жилмайди шодон.

У чўқди тавозеъ билан оҳишта,
Карам гулшанини айлаб ораста.

Фақиҳ сокин этди сўзини давом:
«Алишербек қилмиш Самарқандни ком.

Илим истаб келмиш тоғу тош ошиб,
Йигитлик фаслинда наҳрдек тошиб.

Жанобим кўнглида Ҳазратим номи,
Чашмадек мавжланмиш дил эҳтироми.

Зийрат этмакка бўлиб орзухоҳ,
Фақирни бахтиёр қилди баногоҳ.

Муайян фурсатни билиб ганимат,
Мотриди фирдавсга этдик азимат».

Ҳазрат деди: «Олиб келиб тақсирни,
Жанобим бахтиёр этмиш фақирни.

Алишербек номи ҳақирга шинос,
Назмига кўнгулда қўзғолмиш ихлос.

Ҳироти азимда бўлгоним айём
Мавлоно Лутғийдек шоири киром,

Жанобим номини олиб забонга,
Тароват берганди Боғи зогонга.

Ул чоғ Алишербек экан таҳсилда
Машҳади муқаллас мадориснида.

Дейдиларки, тоғ тоғ билан учрашмас,
Одам одам билан учрашур билъакс.

Ҳирийда нима гап, сўзласа меҳмон,
Кўнглимиз тагида меҳри Хуросон».

Ҳазратнинг сўздан бўлиб миннатдор,
Алишербек ўзин сезди бахтиёр.

Жисмини бир лаҳза босди ҳаяжон,
Қалбида кўп эди оруз ва армон.

Қай бирини айтсам дебон қимтинди,
Мақсуд катъбасига дили интиллиди:

«Валий ҳазратлари, кўнглимда фақир
Сиз бирла ҳаминча қилгаймен фаҳр.

Ҳирийда номингиз машҳур эл аро,
Сизни ҳавас қилур аҳли фуқаро.

Дорус-салтананда акобир, шоён,
Жаноби олийга меҳри бепоён.

Ҳазрати Лутғий ва Ардашер мавло,
Устод Фасиҳиддин, Мирхонди доно,

Каминадин Сизга йўллашди салом,
Омон бўлсин дебон муришиди киром».

Қуллуқ қилди Ҳазрат — кўз олдида бот
Куринган сингари мардуми Ҳирот.

Эслади суҳбати Боғи зогонни,
Эслади фарзона дуст-қадрдонни.

Улар меҳрин кўмсаб дили шодланди,
Номлари эҳтиром ила ёдланди:

«Ажойиб кишилар — Ҳирий фаҳридур,
Хуросон мулкининг мавжнок наҳридур.

Ул наҳрдин улса кимки баҳравор,
Ҳаёти богида яшнар навбахор.

Қаъридин ололса бир дона дурни,
Абас утказмадим дегай умри.

Алар бирла фақир бўлиб суҳбатда,
Кўп нарса ургандим азиз фурсатда.

Бир биридан пок — ариг тийнатлиг,
Ирфонпаноҳ — фасоҳати зийнатлиг.

Алар улус юзи, мулкнинг шавкати,
Илоҳо, сарбаланд улсу давлати».

Фақиҳ деди унга: «Алишербекнинг
Падарлари азиз ошнамдир менинг.

Шоҳруҳ мирзо саройида бир замон
Ҳизмат қилиб, бўлган эдик қадрдон.

Ғиёсиддинбекни аъло ҳазрат ҳам
Қардошидин асло кўрмас эди кам.

Фақир билан суҳбат аро бир айём
Мовароуннаҳрни кўнгли этди ком.

Самарқандлик экан билсам аждоди,
Ҳамонки, сўнмаган аларнинг ёди.

Ҳирийни олғонда Темур Кўрагон
Толёин бедамиш мулки Хуросон.

Улуғ боболарин сийлаб Мироншоҳ,
Надари бузургин айламин дилшоҳ.

Алишербек ҳали бўлиб бир мурғак
Насиб этган эди фақирга кўрмак.

Амир Ғиёсиддин қиларди ҳавас:
Самарқандда таҳсил олса, ажабмас».

Алҳақ! Амал олиб орау ниҳоли,
Ҳамолин кўрсатди ота иқболи.

Ҳиротнинг саромад уламолари,
Машҳаднинг забардаст аъломалари

Наздида таҳсилни этдириб давом,
Алишербек тошди илм ичра ном.

Энди у фақиҳнинг хонақоҳида
(Худойим асрасин ўз паноҳида)

Дарс олғай илму фан пешволаридан,
Тариху фалсафа зукколаридан.

Мавло ал-Беруний ҳам Ибн Сино,
Форобий илмидин қидиргай маъно.

Пир деди: «Тақдирга шундоқ ёзилмиш,
Алишербек ота юртига келмиш.

Иншооллоҳ, учмас мақсуди елга,
Қисмати вобаста бўлмиш бу элга.

Ота юртидин-да азиз макон йўқ,
Тупроғини тўтиё этмаган жон йўқ.

Бахтиёр улғайдур бу Ватан ичра,
Қадрини топғайдур анжуман ичра».

Меҳр билан уйиб ҳурмат чошини,
Алишербек эгди қуллуқ бошини.

Суҳбат давом этди намозином қадар,
Меҳр уммонидан терилди гавҳар.

Жавоҳир сандиғи очилган каби,
Дурри аданлари сочилган каби.

Анжуманга зийнат берди ҳикмат, шеър,
Ҳазрат меҳри тушиб хурсанд Алишер.

«Ҳасби ҳол» асрори дурдек сочилди,
Самарқанд сафарин фоли очилди:

«Заруратки ясаб сафар баркини,
Тушуб йўлга қилгай ватан таркини...

Ина бир будурким, гадо гар мулук,
Талаб йўлига қилгай онча сулук.

Бурун муршиди комил истай юруб,
Ани топгач, ўзин анга топшуруб...

Мениким бу савдо низор айлади,
Ҳавас илгида беқарор айлади...

Урармен қадам токи боргунча гом,
Ки булгай менга муяссар ушбу ком.

Агар бўлса бу йўлда умрум талаф,
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф.

В-агар бўлсам ўз комима баҳраманд,
Зиҳи мулки жовиду бахти баланд».

Алишербек олди Пирдан офарин,
Назмда жо қилиб сафар асрорин.

Фақиҳ ҳам англади унинг ҳолини,
Жайхун узра эган дард шамоллини.

Мавлоно Қосимнинг ҳаваси келиб
Ҳайрат чорбоғида қолди тикилиб.

Хожа Калон билан Хожа Яҳёлар
Қалбида мавж уриб оқди дарёлар

(Хожа Абдуллоҳни Хожа Калон деб,
Ҳазрат ҳам, улус ҳам атарди севиб):

«Сафар тушги олимга беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр».

Байти ўйлангирди аҳли суҳбатни,
Шоирнинг бошига солмиш фуқратни.

Ва лекин у кириб талаб роҳига,
Келди комил муршид қароргоҳига.

Ўзини гўёки унга топширди,
Шарафли солиқлик кўйига кирди.

Дилини лол этди умр дунёси,
Китоби мухтасар «Волидия»си.

Жомий даргоҳида қутлуг айёмда
Мутолаа қилди уни икромда.

Шунданми, пир излаб унга ошиқди,
Е қолмай ихтиёр сафарга чиқди.

Ҳар қалай, бу йўлда бўлмасдан нобуд,
Мақсудига етди фархунда мурид.

Балки, бундан ортиқ бахт йўқ жаҳонда,
Не жаҳон, муршидга муҳтож инсонда.

II

Ҳазрат ҳузурда улуғлар ҳам лол,
Султонлар бош эгиб турарлар хиёл.

Рухий таъсир кучи зўрки шу қадар,
Ҳайратдан ақлини йиғолмас башар.

Валийлик қудрати туфайли шоён
Куп нарса олдидан буларди аён.

Еки содир бўлиб тушида унинг
Унгида рўёбга чиқар эди сўнг.

Салобати босиб кўрган кишини,
Унутиб қўярди гуё ишини.

Дил яшнаб кетарди нурли юзидан,
Танга жон кирарди сирли сўзидан.

Олқаса, гадо ҳам булар эди шоҳ, -
Қарғаса, шоҳни ҳам тортар эди чоҳ.

Кўнглини оғритса ё бирор киши,
Бошига тушарди адам ташвиши.

Фурсат етди — келтирай бир ҳикоят,
Кечмиш воқеа бу, эмас ривоят:

Насаф водийсига етмакда хазон,
Ҳавода сайр этар муждаи мезон.

Салқин шамол эсар субҳи азондан,
Боғлар юзи заъфар барги хазондан.

Чошгоҳи султоний бўлиб хуш нафас,
Кўзларга кўринди қалъаи Насаф.

Уч-тўрт отлиқ бўлиб йўлда равона,
Ҳазрати Хожага жони нарвона.

Унинг соясидек Мавлоно Қосим,
Неча йилки, мунис, содиқ мулозим.

Дарвеш Сарипулий бириси — нек зот,
Ҳазрат меҳри унга буюк мукофот.

Яна бири — ўғли Хожа Абдуллоҳ,
Паноҳида ўзи асрасин Оллоҳ.

Ешлик бўстонида сайр этар хуш,
Олам жилвасидан хаёли сархуш.

Тасаввуф илмининг зийрак соҳиби,
Мадрасан Улугбекнинг толиби.

Хожа Убайдуллоҳ елар оқ отда,
Муридлари бисёр бу музофотда.

Яна мол-мулки бор унинг бешумор:
Тахти Қорачадан то дашти Анҳор.

Улуси ҳолидан олгани хабар
Узоқ йўл босса ҳам ҳоримас магар.

Бир маҳал йўлига чиқди бир киши,
Бошини ҳам қилган турмуш ташвиши.

Пирининг ҳурматин келтириб бажо,
Кўзида ёш билан қилди тавалло:

«Ҳазратим, фақирни тутгайсиз маъзур,
Ҳасрат-шикоятим бўлмаса манзур.

Исмин Қора Аҳмад — араблардан мен,
Қўп чекдим азият арбоблардан мен.

Сайид Муҳаммад сорт — бизга оқсоқол,
Зулмидин танимда қолмади мажол.

Таҳқиридин анинг тугади сабрим,
Меҳнат қилиб, нетай, топмадим қадрим.

Туя боқдим, нетай, иссиқ-совуқда,
Ҳурматим бор эди узоқ-ёвуқда.

Қадримга етмади Сайид Муҳаммад,
Кўрсатган жабрига йўқдур ҳадду ад.

Бир туяга олиб ун карра тавон,
Рўзгоримни этди хонаи вайрон.

Инсофни унутиб, уткарди зулм,
Зулмидин афзалдур фақирга улим».

Сорбоннинг сўзидан узғариб руҳи,
Ҳузурин олса-да унинг андуҳи.

Ҳеч нарса демади — уксинди кўнгли
Ва Насаф томонга йўл олди мўнгли...

Самарқандга қайтиб келгач Насафдан,
Кўнгли тинчимасди унинг сафардан.

Кўчаи Маликка борган маҳали
Сайид Муҳаммад сорт, Муҳаммад Али

Кўкалдош дуч келиб қолди дафъатан,
Ҳол-аҳвол сурашган бўдилар, зотан.

Ҳазрат аччиқ билан Сайид Муҳаммад
Сортга қараб деди: «Не ўзи мақсад?»

Бизнинг одамларни сен этиб таҳқир,
Зулм қилурмишсан, билгилки, фақир,

Таҳқир йўлларини яхши билурмиз,
Биз ҳам сенга худди шундай қилурмиз.

Қўрқиниш керакдур бундан сен эса,
Истифода этма амалии берса».

Арабларнинг оқсоқоли тош қотди,
Ҳазрат зарда билан уни жунатди.

Кўкалдош ҳам елди сортнинг изидан,
Ташвишга тушибон ҳазрат сўзидан.

Уйига қайтдию Ҳазрат шу кун
Индасандан ўтгирдилар кун бўйи.

Эрталабга қадар журъатсиз, мулзам,
Гап-лаша олмасди бирор киши ҳам.

Сайид Муҳаммад сорт кўп ўтмай, аммо,
Бир оғир касалга бўлди мубтало.

Бетоблик сабабин қилиб мухтасар
Аҳмад мирзога у етказди хабар:

«Ҳазрати Хожага инсбатан, э воҳ,
Одобсизлик қилиб қўйибмен — гўмроҳ.

Ҳазабига учраб ҳолим танг меним,
Танимда мажол йўқ — бошим ганг меним.

Иложи булса гар қилгайсиз имдод,
Ҳазрат гуноҳимдин утсалар шояд».

Мутаассир бўлиб бу ҳолдан султон
Чорасин топмакка қидирди имкон.

«Сайид Муҳаммад сорг аҳволи душвор,
Гуноҳин бағишланг, пири бузургвор».

Дебон ҳузурига одам йўллаб хос,
Ҳазратдан жуда ҳам қилди илтимос.

Дарвеш Амин эса ҳадеб неча бор
Султон илтимосин этганда изҳор,

Ҳазрат деди: «Қандай афв этур фақир
Ўлган киши гуноҳини, эй тақсир.

Мен — Хожа Аҳрорман, эмасман Исо,
Ўликлар танига жон қилсам ато.

Мирзо Султон мени кўрмакчи экан,
Борурмен, афсуски, тирилмас ўлган».

Дарвеш Амин Ҳазрат сўзидан ҳайрон,
Йўлга тушди унинг билан Арк томон.

Аркка оз қолганда бир даста башар
Ундан бир тобутни олиб чиқишар.

Бу Сайид Муҳаммад тобути эди,
Дарвеш лол: «оламдин утибди» деди.

Ҳазрат қулин очиб торгди юзига,
Аркка ҳам кирмасдан қайтди изига.

Дунёда камайди гарчи бир одам,
Бир зулм қилгувчи, балки, бўлди кам.

У ўлди — тирилиб чиқмас қабрдан,
Фуқаро қутулди зулму таққирдан.

Мўмин бандаларнинг тарафин олиб,
Золимлар қавмини ташвишга солиб,

Ёмон кўринса-да амал аҳлига,
Соябонлиг қилди Ҳазрат халқига.

Султондан ҳайиқмас золимлар худком,
Ҳазратдан ҳайиқиб турдилар мудом.

Рост турган жойда гоҳ сўзласа ёлгон,
Ғазабидан чўчиб келтирди иймон.

Ўткир нафасининг билмай асрорин,
Ҳайратдан йўқотди гоҳ ихтиёрин.

Фуқаро кўнглини овлаб гоҳида
Осойиш топдилар эл паноҳида.

Ҳазратнинг кўзига кўрингани хуб,
Улус хоҳишини эътидилар марғуб.

Хожа Аҳрор гарчи обрус баланд,
Ўзини тутарди ҳақирга монанд.

Султонми, фуқаро ёки амалдор,
Барчасин кўрарди бирдек, баробар.

Бир маромда муомала қиларди,
Барчасига омад, неклик тиларди.

Барчаси Оллоҳнинг эди бандаси,
Оллоҳнинг барчаси бир арзандаси.

Бирини паст қўймай, бирини баланд,
Бандан Оллоҳга жон этди пайванд.

Фақирлик кулбасин этди-да обод,
Савоб эшигини айлади кушод.

Тасаввуф мулкида фидойи мухтор,
Фақирлик — фаҳрим, дер, Хожаи Аҳрор.

III

Хожа Убайдуллоҳ барқ каби елди,
Улуғ мақсад билан Тошкандга келди.

Қавму қариндошу дўсту биродар,
Муридлар шодлиги селга баробар.

Улуснинг бошига чиққан каби кун,
Турмуш ташвишида янги бир мазмун.

Бўлган каби унинг толеъи кушод,
Қақраган дил боғи этилди обод.

Киргандек уйининг туйнугидан нур,
Қоронғи гушаси ойдину манзур.

Қасрга ўхшайди хароб кулбаси,
Равшанроқ товланди офтоб шуъласи.

Хожа Аҳрор Валий келибди дебон
Тилдан-тилга ўтди хушхабар шоён.

Олам ёруғ бўлиб кетди бир зумда,
Чорсуга ошиққан эл табассумда.

Муридлик русумин этмасдан қанда
Зиёрат этмакни истар ҳар банд.

Жамъ бўлди аҳли дил, руҳонийят ҳам,
Аҳли фазлу камол тутди мусаллам.

Бирма-бир сўрашиб Хожаи ҳазрат,
Халойиқ кўзида кўрмади ҳасрат.

Ҳаётдан ризолик, хуррамлик кўрди,
Кўнглини ободу кўркамлиқ кўрди.

Гарчи эл дилида дард-ғами бисёр,
Андиша юзидан қилмади ошкор.

Кишилиқ расмига қилиб риоя,
Тилига солди у қулфи ниҳоя.

Меҳри тушиб, йўқласаю пири пок,
Яхшимас-да, кутиб олса яқо чок.

Бош ёрилса, дўппи остида дебон
Алам тошин дилда тутдилар пинҳон.

Аммо, валий учун пири мукаррам,
Улус кўнглин билган эди муқаддам.

Унинг ҳасратидан дили гамнокроқ,
Уқубат кўйида кўзи намонокроқ.

Ғамгусор бўлгани ҳолига унинг,
Не тонг, даво тоиса, бир дардига минг.

Бир масжид қурсам деб Хаста Имомда,
Хожа Убайдуллоҳ ёнди илҳомда.

Самарқандга кўчиб кетмасдан аввал,
Қурилиш бошлади қилиб таваккал.

Ҳа демай муаззам масжид тиклаб қад,
Мўмин мусулмонни айлади хурсанд.

Энди эса келди Чорсуга навбат,
Улуснинг кўнглида кўзғолди рағбат.

Мақсуд қутисини очиб улуг пир
Баҳам кўрди, олиб ундан жавоҳир:

«Кўндин буён фақир яшар орауда,
Бир масжид қурдирсам дейман Чорсуда.

Азият чекмасдин аҳли мусулмон
Тоат-ибодатга топгайдур имкон.

Тангри уйин обод этса ҳар банда,
Савоби қутқарар гуноҳ қилганда.

Қай кимса жон тикса савоб йўлига,
Эзгулик ҳунарин олгай қўлига».

Ҳазрат ниятидан хурсанд халойиқ
Масжидни қурмакка топилди лойиқ.

Устаю меъморлар чиқди ичидан,
Пир ўзин унутди эл севинчидан.

Мавлоно Қосим-ку, ундан-да хурсанд,
Тошканд эли, ахир, бирга жигарбанд.

Ота-боболарин мазори бунда,
Қувончли, ташвиши, озори бунда.

Танишу нотаниш, хешу ақрабо
Эшигини очиб, дейди: «Марҳаб!»

Қўлини кўксига қўйиб дўсту ёр
Кўнгил эҳтиромин этади изҳор.

Надари бузургин шавкатига мос
Закий Хожа Калон қўзғатар ихлос.

Ота ибрат бўлиб у тоғди камол,
Мўминлик қалбида кўрсатди жамол.

Хоксорлик қўйини айлаб ободон,
Муслимлик дарсида берди имтиҳон.

Бирга олиб юрар падари доим,
Узугин кўзида гавҳари доим.

Эл-юртни кўрсин, дер, танисин одам,
Одам танимаса беҳуда олам.

Улуснинг ҳолини билмаса магар
Обру тополмагай шоҳ бўлса агар.

Ўғли ҳам ўз ўрни, қадрини билар,
Авмонинг меҳрию қаҳрини билар.

Фуқаро суянимин тоғдир падари,
Меҳрибон, ғамгусор валий сарвари.

Эл ундан меҳрию жонин аямас,
Пир элдан ошною нонин аямас.

Ўзини урмайди олдинга ҳадеб,
Кишилиқ тоғида камтаринлик зеб.

Йнгитлик фаслига хайр-хуш дебон,
Камолот фаслида сурмакда даврон.

Унга ҳавас қилар қарию ёш ҳам,
Надари сингари нуқси йўқ, бекам.

Фуқаро ғамини ёйди — меҳрибон,
Қадрин баланд тутар — унга меҳри кон.

Улус билан Ҳазрат қуриб машварат,
Не машварат, бирга қилиб маслаҳат,

Чорсудан масжидга жой танланди хос,
Қаранлар, фикрлар муштарак ва мос.

Қуръони каримни тиловат қилиб,
Салафлар руҳини барҳаёт билиб,

Тириклар умрига тилаб саодат,
Ёшларга кўрсатиб роҳи ҳидоят.

Халойиқ раъйини қайтармай, абжир,
Масжиди жомеъга асос қўйди пир.

Тоғдек кутарилди ўқсик кўнгиллар,
Яхши сўз сўзлашиб яйради тиллар.

Аҳли муслим белни боғлади маҳкам,
Савоб ишга қўлни урди бор одам.

Тошканднинг тўрт даҳасидан эл келди,
Қўйларин тўлдириб гўё сел келди.

Тугал бўлиб ишга кирди тўрттовлон,
Кўк гўмбази бошлар узра бир айвон.

Ҳазрат ният қилиб берминн элга он,
Баҳраманд булдилар ундан кекса, ёш.

Азим тўйхонага ўхшайди Чорсу,
Масжиди жомеъни иштайди Чорсу.

Ашрофу ақобир Ҳазрат қошида,
Оламнинг шодлиги ичу тошида.

IV

Тошканди азимда осойиш, маъмур
Шайх Хованди Таҳур даҳаси машҳур.

Зоти киром мақбараси бор унда,
Не Тошканд, азиздир рубъи масқунда.

Улуг бобосининг барҳаёт руҳи,
Туркистон мулкни тутган шуқуҳи

Хайратга солади Хожа Ахрорни,
Дилига жойлайди барча асрорни.

Қариндошлар ила уни қилиб ёд,
Мозори бошини айлади обод.

Не улуг шайх, ота-боболарин ҳам
Арвоҳин шод этди муршиди аъзам.

Қавми билан суҳбат қурди бир оқшом,
Панд билан йўғрилди гўё ҳар калом.

Закний амакиси Хожа Муҳаммад
Авлодига унинг ҳурмати беҳад.

Хожа Исҳоқ билан Хожа Масъуд ҳам
Қардошини эл аро айлар муқаррам.

Ҳазратдан, гарчандки, улуг ёшлари,
Даҳоси олдида эгик бошлари.

Пайғамбар ёшини яшаб қўймишлар,
Қадларин ё этмиш кунлик ташвишлар.

Қавми улуг эди — бутун бир даҳа,
Бир ҳовлига сигмас йиғилса, эҳ-ҳа!

Асли қавми эса Богистондадир,
Тоғлари сарбаланд бир бўстондадир.

Унда яшаб утган шайх Умар валний,
Шухрати оламгир, дами исавий.

Ҳазрат Хожа Баҳоваддин Нақшбанд
Меҳрини қозонган зоти аржуманд.

Фируз авлодидир бу аҳли замон,
Эшон бобосидан фархунда жаҳон.

Жавзо оқшомининг файзи булакча,
Ҳавоси фароғат берар юракка.

Эл сийлаб, эъюзлар Хожа Калонни,
Бошида кўтарар зоти киромни.

Чунки у Ҳазратнинг улуг фарзанди,
Кўзининг қораси, азиз дилбанди.

Хожа Калон каби Мавлоно Қосим
Ҳазратнинг пандига қулоқ тутар жим.

Диққат билан тинглар уни аймоғи,
Асалдан тотлидир угит қаймоғи.

Хожа ҳазратлари этади гуфтор:
«Одамлар кўнглини оғритманг зинҳор.

Хиёнаткор билан нодонга асло
Сир айтманг, кенгашни кўрмангиз раво.

Олиму фозилга эргашинг мудом,
Мурувват аҳлини айланг эҳтиром.

Бировдан бўлсангиз агар қарздор,
Ваъда қилган кунда қайтармак даркор.

Қўлингиздан келган барча хизматни
Ҳеч кимдан аяманг, билинг иззатни.

Бошингиз ёстиққа қўйганда ҳар кун
Қилган ишингизга ясангиз якун.

Яхши бўлса — ундан суйинмак лозим,
Маъносиз бўлса гар куйинмак лозим.

Яхши уйлаб кўринг эртанги ишни,
Беҳуда юкламанг бошга ташвишни.

Мабодо, кўнглингиз бўлса беқарор,
Қарор топмагунча қилманг ихтиёр».

Хожа ҳазратлари уйланиб бир дам,
Фикрат кулбасига яна ёқди шамъ:

«Дуст, душман ичида билингиз ўзини,
Нобон ишлар қилиб қизартманг юзини.

Гузал хулқлар билан шараф касб этинг,
Тўғри йўлдан озманг, ўзингиз тутинг.

Адабсиз кимсага бўлсангиз ошно,
Ўз йўлига тортмай қўймайди асло.

Даражангиздан наст этади сизни,
Ерга қаратади юзларингизни.

Омонатингизга хиёнат қилур,
Сирингиз фош этиб, бағрингиз тилур.

Ҳазар қилган яхши ундай ноқасдан,
Нари турган афзал бир таги настан».

Хожа ҳазратлари яна айтди панд
Ва этди аймоғи дилига пайванд:

«Ўзгалар айбини кўрган фурсатда,
Ўз айбингиз билмай, қолманг гафлатда.

Ўз айбини кўрган чоғида башар
Ўзгадан қидирмас айбни муқаррар.

Елгончилик билан орттирманг шухрат,
Назардан қоласиз келганда фурсат.

Билмаган нарсани биламан демек,
Уятга қолдирар кишини бешак.

Ўзингизга лозим бўлмаган сўзга
Аралашиб, ёмон кўринманг кўзга.

Кимлигини билган яхши инсоннинг,
Аслини билмасанг озори жоннинг».

Хожа ҳазратлари бир оз олиб тин
Панд билан қавмига узатди олтин:

«Истаган нарсангиз бўлмай қолган он
Қайғуриб, бетоқат бўлманг ҳеч қачон.

Сабр этинг, келгувси кунларни уйланг,
Сабрсиз кишидай куйинманг-куйманг.

Тўғри ё нотўғри нарса учун ҳеч
Қасам ичманг, токи қилмайсиз укинч.

Очиқ жойда уят бўлган ишни кас
Яширин жойда ҳам қилмасин ҳавас».

Хожа ҳазратларин гуфтори ширин,
Забони тагида асал яширин:

«Бир киши туфайли узга билан ҳеч
Орангизни бузманг, некдур юрмак тинч.

Дустлашиб қолсалар улар мабодо
Уялиб қолмангиз ўртада, аммо.

Кўзлар бор чиройли ишни кўргувчи,
Қаламлар бор уни ёзиб тургувчи.

Энг тўғри насихат берар ақлингиз,
Ақлингиз гапига кирсин қалбингиз.

Кўрқманг нодонликдан бошқа душмандан,
Донолик гулини узинг гулшандан.

Доимо қадрланг или нуруни,
Бузуқлик суви-ла учирманг уни.

Одоб, ахлоқ кийимидан гўзалроқ
Кийим йўқдир ҳали, унутманг бироқ.

Орангизда булса гина, адоват,
Дўст булиб, бартараф этмак саодат!»

Миқ этмай тинглади барча суҳбатни,
Кўнглига жойларди дурри ҳикматни.

Бошлари осмонга етиб фахрдан,
Шукрона айтишар — ризо тақдирдан.

Бирига қардош у, бирига оға,
Бирига амаки, бирига тоға.

Ҳиммату меҳридан баҳраманд қавм,
Туркистон элида аржуманд қавм.

Занжир ҳалқасидек қисматлар туташ,
Барчасин қалбида ёнар бир оташ.

Бир хил қон оқади томирларида,
Не томир, ҳаётбахш замирларида.

Боғистон чинорин шохлари бари,
Туташиб кетгандир жон томирлари.

Чинорнинг навдаю ниҳоли бисёр,
Соябони унинг Хожан Аҳроп.

V

Самарқандда эса узга ҳол эди,
Адолат қомати гўё дол эди.

Эзгулик тахтига чиқиб ёвузлик,
Эътиқод бағрини этганди музлик.

Инофнинг юзига оёқ узатиб,
Садоқат уйида ниғоқ кўзгатиб,

Зимдан бош кўтарди аҳли хиёнат,
Яқо тутди кўриб аҳли дийнат.

Ёлган ҳасад ўти учмаган ҳамон,
Шуъласи тафтида исниар не жон.

Сокин кўзаб турар Хожа Мавлоно,
Унга ҳайрон боқар бу дайри фано.

Гарчи у Самарқанд шайхул-исломи,
Қулида тасбиҳдир хусумат доми.

Кўкармасин дейди узидан узга,
Кўринмасин дейди кўкариб кузга.

Ҳасад ўти тутар — ачишар кўзлар,
Тутун туманида хира юлдузлар.

Ҳул ўтин ўтидек сўнади гоҳо,
Боз пуфлаб ёндирар Хожа Мавлоно.

Тутуни тарқалди шаҳарга аста,
Аччиғи дилларни этди шикаста.

Баъзида бекларнинг ҳасад гулхани
Олдида очилди ёниқ даҳани.

Ундан баҳра топди баъзи амирлар,
Аросат тўрига тушган кабирлар.

Шайхул-ислом ташлаб арқонни узун,
Фуратни пойлади, булса-да дилхун.

Нега қараб турсин — қулай пайт келди,
Эгилмаган бошлар унга эгилди.

Ўзидан обрўли зот йўқ шаҳарда,
Хожа Убайдуллоҳ эса сафарда.

Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, дер халойиқ,
На булғай, иш кўрса ҳикматта лойиқ.

Энди нисиб ётмай дадил кўзғолса,
Бекларни узига оғдириб олса.

Сўзидан чиқмаган амирларни боз
Султоннинг қошида этса сарафроз.

Ширин хўрак тиқиб ташласа қармоқ,
Аламдийда тишлаб қолмайди бармоқ.

Илмоқли гап айтса Хожа Аҳрордан,
Ташвишга тушмасдан қолмас ахбордан.

Кўзаб қўйса аста гумон чангини,
Кейинроқ отади тўхмат сангини.

Фитна ели кириб борса девонга,
Ётмасдан қолмайди сира султонга.

Гарчи меҳри баланд ширига унинг
Қаро тўни бор-ку, ёи-ёруғ кўннинг.

Асалининг ҳам, ахир, бордир оғуси,
Шодликнинг булғандек гаму қайғуси.

Не ажаб, айланса меҳри қаҳрга,
Қадам босмаса у олий қасрга!

Ҳаёл гирдобда Хожа Мавлоно,
Фитнада ўстаси фарангу доно.

Нима қилса, султон ундан айнийдн,
Ишончли бир гапни тоғса қанийдн.

Ўзига айтмакнинг камдир имкони,
Енига йулатмас аҳли девони.

Тозидек оғзини пойлаб туришар,
Не оғзи, ўзини пойлаб туришар.

Султон Аҳмад мирзо гарчи султондир,
Сиёсат юргизган аҳли девондир.

Девон аҳли аро котиби малъун,
Игводан чиқмайди боши куну тун.

Яхши кишини ҳам кўргизар ёмон,
Ёмон одам билан аҳил, қадрдон.

Ўзини тутади валийаҳд каби,
Фикрида, балки, тож киймак матраби.

Бош бўлиб бир даста фикри бузуққа,
Тор келса, тулурар, балки, тузлуққа.

Ришват билан олса унинг қўнглини,
Аритарми севинч бўлиб мунгини.

Шайх Саид Ошиқий маслаҳаттўйи,
Тарафкашлик қилиб оқарди мўйи.

Бир қадам чиқмайди унинг сўзидан,
Фикрини ўқийди шумшук кўзидан.

Шайхга айтса, балки, асл мақсудни,
Муридан нарига чиқармас дудни.

Аммо, Шайх етказса Хожа Аҳрорга,
Бошини суқарми ўзи ниқорга?

Шаҳарга ёйса ё хунук миш-мишни,
Султонга аридек санчарми нишни?

Безовта қилмаса Кўксаройни гар
Девонда обрўси қандай юксалар?

Шайхул-ислом сўзи — сўзи Оллоҳнинг,
Нега ишончи кам олий даргоҳнинг?

Нега Хожа Аҳрор сўзи сўз мудом,
Сўзин ўтказолмас бир шайхул-ислом!

У дини исломда соҳиби виқор,
Мулкда йўқ ундан-да юксак унвондор.

У диннинг таянчи — ислом аркони,
Нега ҳисоблашмас юртнинг султони.

Маҳв этмак истайди алам гирдоби,
Бағрини қиймалаб чиқар хуноби.

Ўз ўтида ёнар Хожа Мавлоно,
Ўзгани тан олмас — воҳиди доно.

Ўзим бўлсам дейди — ягона орзу,
Хожа Аҳрор билан талашар обрў.

Иззатгалаб бўлиб борар кун сайин,
Силқорар гуруру манманлик майин.

Кибру ҳаво шаробидан саркаш у,
Иззат-обрў саробидан барқваш у.

Баланд бўлсам дейди Хожа Аҳрордан,
Тарафдор ахтарар аҳли кибордан.

Ёмон отлиқ қилса уни мобадо,
Бир ўзи қолади танҳо дунёда.

Шул важҳдин ўзини уриб ҳар томон,
Игво уругини сочади пинҳон:

«Хожа Убайдуллоҳ бўлиб норизо,
Тошканду ўтрорда қўзгармиш низо.

Оёққа кўтариб турк улусини,
Оламга чалармиш исён кўсини».

Қулоқдан қулоққа етди бу игво,
Шаҳарни бир кунда қилди серғавго.

Оқибат урмалаб саройга етди,
Таҳлика остида саройни тутди.

Султон Аҳмад мирзо қотди ҳайратга,
Ташвиш гирдобига ботди ҳайратда.

Асли билган учун пир мақсудини,
Бостирди игвонинг аччиқ дудини.

Мағзи пуч игвою таги йўқ гапдан
Қоринни тўйдирар қайси бир гапдон?

Олдин ҳам бўлганди бундай игволар,
Девондан ўрмалаб чиққан низолар.

Хуросонга кетган чоғида султон,
Ўрнига қолганди отдош бир инсон.

Абу Саъид эди унинг ҳам номи;
Қўлида ўйнади хусумат доми.

Ҳазрати Эшондан бўлиб норизо,
Амирлар султонга йўллади нома.

Хожа Убайдуллоҳ шаҳарни пинҳон
Олиб бермак бўлмиш узгага шоён.

Деган игво билан амирлар дарҳол,
Султонни чорлади айлаб арзи ҳол.

Абу Саъид қайтди Хуросондан тез
Кечиб ўтди наҳри Жайхунни барқхез.

Амирлар қатори билиб муқаррам,
Кутмакка отланди Хожа Аҳрор ҳам.

Дашти Аббосда у султонга ночор
Бир сўзни уч марта айлади такрор:

«Қандай қилган бўлсак эътиқод сизга,
Сиз ҳам шундай қилинг эътиқод бизга.

Нима қилган бўлсак сиз деб қилганмиз,
Элу юрт тинчлигин афзал билганмиз».

Лекин султон унга бермади жавоб,
Индамай шаҳарга йўл олди шитоб.

Аммо, аниқ бўлгач сири бу корнинг,
Моҳирлик усули Хожа Аҳрорнинг.

Инобатта олиб аҳволни шоян
Келишинга мажбур бўлади султон.

Ва лекин султоннинг ташвиши булак:
Эл оғзинга боғлаб бўлмайди элак.

Елгон гап урмалаб юрса эл аро,
Бир кунмас бир кунни чиқар жоғаро.

Шул ваҳждин олдини олмаклик лозим,
Тилини тийса хуб бегу мулозим.

Аҳли миллат ганин ковлаб масжидда,
Тутмаса булғайдур эли таҳидда.

Бу ганин эшитиб Хожа Мавлоно,
Ўқимади султон шаънига сапо.

Отган ўқи, аммо, тегиб нишонга.
Бостириб келмади потинч девонга.

Шаҳарда урмалаб иғво илони,
Заҳрига чалинди қўпчилик жони.

Хожа Аҳрорни боз қилгани бадном,
Фитнадан ташлади оғинга дом.

Беклардан ўзинга топиб тарафдор,
Деди у: «уйинга бормайсиз зинҳор.

Тошканди азимдин қайтса, йўқламанг,
Дуч келса сўрашинг, аммо хушламанг.

Яккалаб қўймаса ун кубаро,
Иzzатин қилмаса бегу умаро.

Кун йўқдир, жаноблар, шайхул-исломга,
Улус ардоқлаган зоти киромга».

Муршиди комилдан зада аҳли жоҳ,
Не аҳли жоҳ, худбин бир даста гумроҳ.

Чоҳ қазиди унинг йўлига чуқур,
Хожа Мавлонодан олишиб дастур.

VI

Хожа Убайдуллоҳ қайтди Тошкандга,
Отини боғлади мурид дарбадга.

«Зиёратлар қабул ўлсун» дебон шод,
Хожа Масъуд этди кўнглини обод.

Хожа Исҳоқ қадди келиб таъзимга,
«Хуш келибсиз!» деди шир азимга.

Қариндошлар қучоқлашиб кўришди,
Меҳри жўшиб ҳолу аҳвол сўрашди.

Диллар яйраб, сўнг юрдилар ҳовлига,
Айвон саҳни тўла эди қавмига.

Таъзим билан кутиб олди аймоғи,
Дийдорлашиб, яшнаб кетди дил боғи.

Жомий билан Амир Абдулаввал ҳам
Хушнуд пешвоз чиқди қавми-ла ҳамдам.

Ҳазрат ҳайрат ила сўранди шодмон,
Қўлуққа бош эгди ҳиротлик меҳмон.

Амир Абдулаввал эса домоди,
Қисмат кншварида келминн омади.

Жомий мурид эди, Хожа Аҳрор пир,
Нирни йўқлаб келминн мурид муфтахир.

Самарқандга қадам қўйган чоғида,
Муршиди кўришди Тошканд боғида.

Амир Абдулаввал бўлди-да йўлдон,
Отга қамчи босди, қайдасан, деб Шон.

Савҳатда экан келса устози,
Чорсуда тўхтади, аммо, парвози.

Масжид қурилшини бўлиб авжида,
Жомий қўлоч отди ҳавас мавжида.

Найғамбар ҳам сийлагандир кўввини,
Хожа Масъуд қойил қилди сийловини.

Амир Абдулаввал боши осмонда,
Жомий билан бўлиб азиз меҳмонда.

Машойихлар мазорини бирма-бир
Зиёрат этдилар кўвбу шоир.

Савоби тегади деган умидда,
Меҳмонлар тер тўқди гоҳо масжидда.

Хожа Масъуд бўлиб барча шнга бош,
Маслаҳат сўрарди меъморун нақшон.

Бунёдкор кншлар гарчи сийловда,
Барчаси турарди катта синолда.

Хожа Аҳрор хўрсанд қайтиб сафардан,
Кўнгли тўқ кўришди ёр-биродардан.

Боғдаги баҳаю кўшда ўлтириб,
Ййранди суҳбатин хон узра қуриб.

Ётқурғач ҳиротлик дўстлар саломини,
Садоқат безади Жомий каломини.

Баҳрамад бўлгани ширнинг меҳридан,
Тариқати хожагонинг сеҳридан,

Сабъиддин Қошғарий бошида бўлиб,
Абу Сабъид миръо қошида бўлиб,

Устози руҳидан тилаб ижозат,
Султонни меҳридан бўлиб зиёдат,

Жайхўнни бедави кечиб ўтибди,
Ургутнинг устидан учиб ўтибди.

Ўтибди Қўҳаку Сангзор, Сайхўнни,
Бахмату Ётимтоғ — қўхи гардушини.

Тошкандга келибди бош уриб охир,
Меҳрин дариг тутмас муршиди подир.

Дилда ниҳон ётган дардлари бисёр,
Дардлари қўнглини ётган дилафгор.

Икки наҳр оқар бир юрагида,
Бир юрак минг пора гоҳ кўкрагида.

Бири шодлик наҳри, бири наҳри гам,
Шодлик билан гамдан яралган одам.

Инсон кўнгли бутун — гоҳ кўнгли ярим,
Шундай яраттандир Оллоҳи карим.

Жомий шукр қилса арзир умрига,
Тақдири йўғрилди иқбол нурига.

Исми шарифи мос маъно йўлидир,
У нурдан яралган худо қулидир.

Арзир толеъидан булса миннатдор,
Буюк зотлар билан этди бахтиёр.

Саъиддин Қошғарий — пири бузургвор
Дуосини олиб ҳеч бўлмади хор.

Яна мурид қилди Хожка Аҳрорга —
Буюк авлиёга, буюк диндорга.

Дийдорига етиб улуг Эшоннинг,
Бутун армони йўқ азиз меҳмоннинг.

Бош эгиб ўлтирар пир хузурида,
«Тухфатул-аҳрор»нинг тафаккурида.

Аҳли дилнинг кузи буюк Эшонда,
Тақдирни олдиндан билган инсонда.

Барча авлиёнинг оғзига маҳтал,
Не оғиз, фикратин мағзига маҳтал.

Сўзининг дони кўп, камдир сомони,
Дурри нобга ўхшар ҳикмат хирмони.

Минг ўйлаб бир сўзлар Ҳазрат азалда,
Ўзгани тинглар кўп суҳбат маҳалда.

Бировнинг гапини бўлмайди асло,
Танбеҳ бермакни ҳам кўрмайди раво.

Ўзгани қадрлар ўз қадрин билиб,
Ерга урмас асло қадрсиз қилиб.

Салобати босар аҳли суҳбатни,
Кўргизган бўлса-да олий ҳурматни.

Масжиднинг ишидан бўлгач хотиржамъ,
Таассуротини кўролди баҳам:

«Боғистон тоғларин бошидаги қор
Эриб улгурмабди ўтса-да, баҳор.

Фақир қувондимки, ободон жойлар,
Ўзига сиғмасдин оқмақда сойлар.

Мул-қўлчилик булур — сув бўлса бисёр,
Дастурхон тўкину бут булур рўзор.

Зироат билан банд аҳли мусулмон,
Ризқини қидирган чумолисмон.

Замин нафасидан бўлиб баҳравор,
Далани айлансанг қолмайди губор,

Шаршаралар солур тоғларга сурон,
Не тоғлар, бағрида боғларга сурон.

Салафларни ёдлаб мазористонда,
Дилга таскин бердик сокин маконда.

Энг улуг бобомиз Шайх Умар валий
Дуоси азалдин экан илоҳий.

Ул зоти табаррук қабри бошида
Сукут сақлаб, таъзим этдик қошида.

Абадият дунёсига кетмиш зот
Авлюдлари юрагида барҳаёт.

Аждодини эсламаса авлюди,
Авлюдиндин ризо бўлмас аждоди.

Ўттанларин ёдлаб, қабрига қаранг,
Тириксиз — тириклар кунига яранг.

Дунёни унутиб қўйган маҳалда,
Давлатингиз тошиб, тўйган маҳалда,

Мозорга борингиз, эй аҳли замон,
Бандаи осийга у сўнгги макон.

Эҳтимол, қайтурсиз англаб дунёни,
Шамолга сочмасиз умри кимёни...»

Ўйлантириб қўйди жамоатни у,
Дилларни қўзгади армонли тўйгу.

Нигоҳин ташлади барча ўзига,
Ҳаёти кўринди яққол кўзига.

Бу дунёни ўйлаб юрган кишилар,
У дунё гамида чекди ташвишлар.

Ҳазрат эса қайтмиш юраги тўлиб,
Болалиги ўтган боғларда бўлиб.

Йул-йўлакай тўхтаб ўтмиш Фаркатда,
Сайфидин Манорий ётган хилватда.

Хожка Баҳоваддин Нақшбанд билан
Ул зоти муҳтарам суҳбатдош булган.

Қадри баланд бўлиб улус олдида,
Эҳтиром қўзгатган унинг қалбида.

Мавлоно Исмоил эса фарзанди,
Азиз кўрар эди аҳли Тошкандни.

Отаси ҳурмати туфайли Эшон
Ҳазратлари унга бўлмиш соябон.

Бошида кутариб ул ҳам пирини,
Пойига сояди дил жавоҳирини.

Хожка Аҳрор этди суҳбатни давом,
Ойдин эди ою юлдузли оқшом:

«Фақир кўриб қайтдим Туркистонни ҳам,
Назардан қолмади Яссию Сайрам.

Ҳазрати Қул Хожка Аҳмад қабрида
Бош эгдик, ўткинчи дунё қасрида.

Соҳибқирон Амир Темур ижоди —
Мақбараким, барҳайдур пир ёди.

Юксак осмон билан ҳусн талашур,
Не ҳусн, кишининг ақли аданшур.

Қул Хожа Аҳмаду турк улуси бир,
Абъти соддаю маъноси утқир.

Ундоқ битган йўқдур улус тилинда,
Ҳадисдек машҳурдур назми элинда.

Ҳазрат дил майлини айлаб ижобат,
Яссавий назмидан қилди қироат:

«Уммат бўлсанг ҳақ Расулга тобей бўлғил,
Оти чиқса дуруд айтиб таъзим қилғил,
Ғариб бўлуб, ғариблардин маъно олғил,
Ғариб бўлғил, ғариблардек гадо бўлмас.

Ғарибларин кўрган ерда оғритмангиз,
Ғарибларга очинганиб сўз қотмангиз.
Заъиф кўруб, ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғарибликдек бало бўлмас».

Барчани уй босди. Ҳазрати Энон
Фазлидан ҳайратда замину осмон.

Сарин ел боғ аро елди Анҳордан,
Кўшкка ором олиб келди Анҳордан.

Пир муршид деди: «Бўлмай қайида:
Фаркатми, Боғистон ё Туркистонда

Далаларин кўриб кўзум қувонди,
Фаровон турмушга умид уйғонди.

Ғалла ўримида деҳқон — йиғар дон,
Ризқини бои бермас, қўлида имкон.

Амиру беклардин солиди, аммо,
Зулмидин ёғилминн бошига бало.

Экканда йўқ — тикканда йўқ, хирманда
Ҳозиру позирлар бўлминн қушанда.

Мевалар ҳам сероб — сизмас боғотга,
Ёзининг баракаси кирминн ҳайтга.

Эл бахтидур йилнинг яхши келгани,
Юрт бахтидур элнинг обод бўлгани.

Ҳар қалай, улуснинг ҳолини кўруб,
Дардига эш бўлуб, сўхбатлар қуруб,

Чигал бўлуб кетган кўнглум ёзилди,
Мен эли, эл мени яхшироқ билди.

Закоғчи дастидин халос қилурмиз,
Фуқаро ёнида бирга бўлурмиз.

Ғар анинг бўлмаса мушкили осон,
Саодат топмағай замини Турон».

Ҳазрат сўхбатидан мамнун муридлар
Кўнглида қўзғолди янги умидлар.

Йўлдан келган пирин аяшди, аммо,
Ғарчи бошларида қанча муаммо.

Кеча сокин эди — қутлуғ дам эди,
Юлдузлар — парвона, ой бир шамъ эди.

Боши узра замини кўтариб шамъни,
Равшан қилур зулмат босган оламин.

VII

Шоҳруҳия гарчи тоғлардан узоқ,
Бағридан отилар ун икки булоқ.

Боғларга кўмилган осуда макон
Тошканд кўз остида бўлур намоён.

Иқлими муътадил, ҳавоси тоза,
Туркистон элида номи овоза.

Ҳавас кўзи билан боқурлар ҳайрон:
Бир томони Сайхун, бири Оққўрғон.

Кўркам бинолари оғтоб тобида,
Пиллӣ гумбазлари кун симобида

Жилвалалар, сайқал бериб дунёга,
Маҳобат тахтидан боқиб дарёга.

Бир обида бўлиб Соҳибқироидан,
Тимсолин топмайди еру осмондан.

Эъзоз этиб Шоҳруҳ мирзо номини,
Олам аро дoston қилди шонини.

Унда меҳмон бўлиб Ҳазрати Энон
Доруға кўнглини этди гулистон.

Йўқлаб келди пирин эшитган киши,
Зийрат этмакдир энг улуг иши.

Номин эшитгану кўрмаган бисёр,
Дуосин олмакка барча шитёор.

Энг бахтли одамдир мурид бўлган,
Муридлик йўлида пир қўлин олган.

Сўхбатига зорлар кўндир эл аро,
Кабирдан яқиндир унга фуқаро.

Улусдан ҳол сўраб, билиб кўнглини
Аритмак истади Ҳазрат мунгини.

Деҳқонлар солиди, аммо, солиқдан,
Мурувват тилади аҳли солиқдан.

Закоғчи, миробдан ёниб қилди арз,
Бекларнинг дилига гўё кетди дарз.

Аяб ўтирмади ҳокимларни ҳам,
Ақобир аҳлининг бошини этди ҳам.

Аҳмад мирзога ҳам тиланди инсоф,
Ўз эли раъйига бўлмасин хилоф.

Мутаассир бўлиб эшонин аъзам
Узоқ маҳалгача жим қолди, мулзам.

Оқибат келди у бир қарорга хос:
«Бу йилги закоғдин эл бўлур халос».

Тошканд аҳли учун фақир тулармен,
Анинг ташвишига ҳамдам булармен.

Қанча маблағ бўлса — эл емасин гам,
Аҳли муъмин учун қилгаймиз карам.

Ҳазрати султон ҳам келур инсофга,
Эл билан бормагай ҳеч ихтилофга.

Аммо, сўзимиз бор амир, беқларга:
Аларни кўтариб қўйдик кўқларга.

Ўзлари тушмаса заминга агар
Тушириб қўймаклик бўлур муяссар.

Улуснинг дардига эмаски малҳам,
Қадр тоғмас киши шоҳ бўлганда ҳам.

Назаридан қолса — хор, гадо бўлур,
Меҳру мурувватга зор, адо бўлур.

Мол-мулки, бойлиги кор қилмас анда,
Ўз феъли жонига бўлгай қушаида.

Одам боласан — одам бўл, одам,
Одам бўлмасанг тор сенга кенг олам.

Элинга сирмайсан одам бўлмасанг,
Бандан муъминнинг ҳолини билмасанг.

Туфроққа тенг қилур улус қарғини,
Афлокка юксалтгай улус олқини.

Қарғин олма — олқин олғил ҳамини,
Уммати Расулсан, бул хирад пеша.

Бонин қўйи солиб барча сукутда,
Аҳли амал ичи, юраги ўтда:

«Фуқаро тапобни тортмаса агар,
Эртага бошида гавроилар синар.

Паноҳ билиб деди Хожа Аҳрорин,
Пир кетгач, тилига санчурмиз хорин.

Елкасига офтоб тегай деганда,
Душманлик қилмаса ўзига банда.

Қайси бек ўрибди арнасини хом,
Қайси амир қўйини оёғига дом?

Зақотчи, миробдин жони фиғонда,
Хўроздек қичқирад мунча азонда.

Аста узиб олди ном, ҳокимини,
Таянч тоғим дебон билурлар кимини?

Тил тегизди султонга ҳам, ботиниб,
Эшондан ҳам ўтирмади тортиниб.

Жиловини қўлга олмасак маҳкам,
Андина қилмайди отасини ҳам.

Бу гаплар гар етиб борса султонга,
Бошимиз қолади бало, бўҳтонга.

Эшони аъламга қилсак тавалло,
Балки, қўнглимизга бергай тасалло.

Аросат кўприги узра кабирлар,
Ичидан зил кетиб, чекар жабрлар:

«Ҳар ҳолда, бу гаплар яхши бўлмади,
Пир келди ва лекин омад келмади.

Эшитган қулоққа ёмон бу гаплар,
Яхшимас улусга тарқалса агар».

Пири муришидига ишониб авом,
Дил гапини айтса, нимаси ёмон.

Орамида деди Ҳазрат маънодор,
Жон қулогин тутди авому кибор:

«Одамлар айбини қидирманг зинҳор,
Фазлидин, файзидин бўлинг баҳравор.

Ўзаро келинмай юрмангиз узоқ,
Яқинроқ бўлингиз дўстлашиб бироқ.

Бир хонадон кишилари мисоли
Меҳру муҳаббатли бўлмак бахт, толеъ.

Бировдан сўраманг бўлмаса зарур,
Миннатин кўтариб юрманг беҳузур.

Инсон учун азал зийнатдур ақл,
Улуғ ҳади, улуғ неъматдур ақл.

Уни соф ва комил сақланг беғубор,
Бахтиёр этар у, қилмас хору зор.

Бебаҳо бойлик у — гавҳари жоннинг,
Шарафни, шавкати асл инсоннинг».

Жомий ҳам Эшонга бўлиб ҳамсафар,
Халойиқ қатори ўйчан ўлтирар.

Ғаввос каби кириб суҳбат наҳрига,
Дур излаб шўнғийди наҳр қаърига.

Амир Абдулаввал, Мавлоно Қосим
Хожа Калон каби суҳбатда маъсум.

Мусоҳибдан кўриб иззату икром,
Пири комил этар фикрида давом:

«Қадам босманг мунофиқлик қўйига,
Элтади ул хиёнатнинг уйига.

Каззобу тухматчи, фитнагар бўлманг,
Бандан муъминнинг ўстидан қўлманг.

Ким бўлса бахилу хасису шайтон,
Тавба қилсин, бўлгай охири ёмон.

Ваъдангизга вафо қилинг доимо,
Вафосиз кимсалар чеккайдур жафо.

Меҳнатсевар бўлинг, гайрат ёр бўлсин,
Шижоат, матонат биродар бўлсин.

Ғур, аиқов одами кўлдирини учун,
Бемаъни сўзларини ишлатмак нечун.

Адаб, тарбияга ким бўлса хилоф,
Сўзда масхарабоз ўша поинсоф.



Ўзи кулиб, элга кулги бўлмақда,
Кулги билан анинг дили ўлмақда.

Кимлигини билгур ақли одам,
Ақлига қараб у қўяди қадам.

Комил инсон ёмонликдин қайғурар,
Яхшиликдин севинару мавж урар.

Молу давлатингиз, фарзандингизни
Тарбия этмакка яратган сизини.

Ўзингиз бахш этинг, қизганманг асло,
Хонадон, мол-мулк-ла обод бу дунё.

Гуноҳ унутилмас — ёмондур гуноҳ,
Эзгулик қолмайди ерда, қайтар гоҳ.

Пешанада борин инсон кўрмишдур:
Ҳар ким нима экса, шуни ўрмишдур.

Бир муслим кўнглини ким қилса обод,
Савобда тенг олгмиш йиллик ибодат.

Шукр қилиб яшанг — бўлмаг ношукур,
Шукрли бандасин Тангри хуш кўрур».

Сухбат давом этди то ярим кеча,
Кўз юммади аҳли дил тонг отгунча.

Ҳазрат отланаркан кун ёйилган пайт,
Жомий дostonидан ўқиди бир байт:

«Чу фақир андар қабои шоҳи омад,
Ба тадбири Убайдуллоҳи омад».

Дилларни забт этди шоир нидоси,
Туркона оҳангда ушбу иншоси:

«Фақирлиг чун қабои шоҳлиг ўлди,
Ки тадбири Убайдуллоҳ ўлди».

ЎН БИРИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Музаффар пойтахтта бағишлаб чирой,
Ҳашамат тахтидан боқар Кўксарой.

Жисму жамолида кўрку маҳобат,
Ҳусну камолида эрку саодат.

Қуббалар тиллоранг, гумбазлар мовий,
Юксак миноралар боши самовий.

Қошида Гуримир, қасри Регистон,
Масжиди жомеъининг кўрки бир жаҳон.

Сокин Шоҳизинда кўнгли армонда,
Расад кошонаси Боғи баландда.

Масжиди Муқатта бошида ойи,
Хуш маскан Мирзойи карвонсаройи.

Мадрасан Мирзо Улугбек шодон,
Толиби илмдан бағри чарогон.

Чорсу расталари серфайзу гавжум,
Ҳайратда турлича кийинган мардум.

Ҳиндулар бошида қизил дастори,
Ўзун кўйлак кийган араб тужжори.

Саватга ухшайди испан қалпоғи,
Тизига стади қора пайпоғи.

Фаранглик савдогар камаули калта,
Хитонинг кўзлари қисқ, албатта.

Тижорат билан банд юнону булғор,
Мулки Румдан эса тожирлар бисёр.

Турли-туман элдан келган меҳмонлар,
Тилмочсиз ҳам сўзлашгувчи инсонлар.

Яйрашар: Самарқанд об-ҳавосидан,
Сафобахш Кўҳакнинг хуш сабосидан.

Чорсу манзараси гўзал, ажойиб,
Савдогар, харидор аҳли гаройиб.

Султон Аҳмад мирзо ва Хожа Аҳроп
Шаҳар кезиб, элдан тинглади ахбор.

Не шаҳар, юртни ҳам кезиб қайтдилар,
Саройда, бор гапни, йиғиб айтдилар.

Бозорда мол кўпу неъмат кам, аммо,
Тирикчилик воситаси муаммо.

Амирларнинг гарчи паст ҳафсаласи,
Кундаланг қўйилди дон масаласи.

Уларнинг қорни туқ — ташвиш, гами йўқ,
Ҳамма нарсаси бут, асло камии йўқ.

Эл билан ишлари, ташвишлари йўқ,
Ўзлари бўлса, бас, элнинг зари йўқ.

Улусин уйлаган бордир бир киши,
Ўз ишидан азиз ўзганинги иши.

Хожа Убайдуллоҳ авлиё бул зот
Замину замона аҳлига нажот.

Ва лекин амирлар ундан ҳайиқар,
Туфон ичра улар чиққан қайиқлар.

Умарога қараб деди маънодор,
Султон пир сўзидан сал тортди хушёр:

«Ғалланинги ҳосили яхшию, бироқ,
Олдинги йилларга нисбатан камроқ.

Тузук кўринса-да, тош босмас, аммо,
Барака қолмади ҳеч нарсада ё.

Бунинг сабабига ухшайдур гоят
Анушервон ҳақидаги ҳикоят:

«Адлни унутиб подшоҳи азим,
Ўтказмак бўлибди улусга зулим.

Ғалла ҳосили ҳам шоҳ Анушервон
Мазкур фикри билан боғлиқдур шоян».

Дебон Хожа Аҳрор билдириб фикр,
Анушервон қиссасин қилди зикр:

«Бир айём парвона бўлиб дўст-ёрга,
Анушервон отланибди шикорга.

Йўл юриб-мўл юриб, чанқаб қолибди,
Бир қишлоққа қараб сўнг йўл олибди.

Сув сўрабди келиб бир хонадондин,
Сабо эсиб турган саро бустондин.

Қизгина бир қадаҳ шарбат келтирар,
Устига қўйилган барги найшакар.

Анушервон ичиб бўлгач шарбатни,
Қизча билан азиз билди сўҳбатни:

«Найшакар баргини, билмадим, нега
Шарбатнинг устига қўйдинг, қизгина?»

Қизча жавоб бермиш ийманиб, бироқ:
«Кўннинг қизигида келибсиз чанқоқ.

Сипқариб ичсангиз муздек шарбатни,
Касал бўлиб, чекардингиз кулфатни.

Оҳиста шимириб ичинг деб бир-бир,
Найшакар баргини қўйгандим фақир».

Солиқлар қандай деб сўрмиш сўнг подшоҳ,
Қизча жавоб бермиш билгича дилхоҳ.

«Қўпайтирмак зарур, солиқ кам экан»,
Дебон Анушервон ўтказмиш дилдан.

Кўп вақт ўтиб, келиб қишлоққа ушбу
Йна ўша уйдан сув сўрабди у.

Ҳаяллаб кетибди бека анча вақт,
Сўнгра келтирибди бир қадаҳ шарбат.

Анушервон дебди: «Айтгин-чи, нега
Бу сафар ҳаяллаб кетдинг, қизгина?»

У дебди: «Ўтган гал битта найшакар
Поясини сиқиб, бир қадаҳ агар

Шарбат олган бўлсам, бу сафар эса
Шунча чиқур уч-тўрт пояни сиқса».

Сабаби нимада бунинг, деб, ҳайрон
Қизгинадан сўрабди Анушервон.

У жавоб берибди: «Эҳтимолки, шоҳ
Кўнглига улусга зулму иштибоҳ,

Адолатсизликлар қилмак нияти
Келган бўлса керак, йўқ амнияти.

Бундайин шум ният туфайли Оллоҳ
Таоло одамлар орасидин оҳ,

Баракани кўтарган кўринади...»
Подшоҳ эса мулаам бўлиб жунади.

Алқисса, алига зулм қилса шоҳ,
Бандасини ўйлаб, хуш кўрмас Оллоҳ.

Барака бўлмайди юрту элда ҳам,
Меҳр-оқибатта зор бўлур одам».

Ташвиш сели босди султонни бежо,
Ранжитиб қўйдими раийятни ё.

Ношукрлик қилди ё Анушервондек,
Умид осмонида кулмай чўлпондек.

Ғалланинг ҳосили кам бўлди нечун,
Барака кетдими ё элдан бугун?

Йил яхши келмади — алдади баҳор,
Осмонга кўз тикиб толди соҳибкор.

Амиру беклар ё ҳалдин ошдими,
Уни орқа қилиб седдек тошдими?

Чумолидек тинмай нишлаган авом
Кўнгли кулмай субҳдек, наҳот, бўлса шом?

Тангрим оч қолдирмас — нонга зор қилмас,
Ризқини бергайдур, ётта хор қилмас.

Амирлар бошнини босган халлот:
Кўтарилган бўлса барака, наҳот!

Ишонмай илож йўқ улуг Эшонга,
Унинг сўзи сўздир аҳли давронга.

Барака қолмабди ҳеч нарсада деб,
Акобирни қўйди ташвишга солиб.

Султонни ҳам аямади нечундир,
Салтанат қасрида гарчи устундир.

Элу юртга куйинмаса ич-ичдан,
Сўзи ўтқир бўлмас эди қиличдан.

Енгил кечмас, балки, улус аҳволи,
Эмас, бас, қаҳатчилик шамоли.

Барака туфайли ўтган йилги дон
Еру кўкка сигмай, бўлганди арзон.

Улуснинг, ҳар қалай, заҳираси бор,
Қора кун келганда бўлгайдур даркор.

Қора кун бўлмасин — оқ кунлар бўлсин,
Қора тун кулмасин — оқ тунлар кулсин.

Улуг Эшон огоҳ этди султонни,
Не султон, умаро, аҳли девонни.

Элу юртда бўлсин деса баракат,
Зулм илкин тийсин, этсин ҳаракат.

Улусга қилмасин адолатсизлик,
Бўлмасин деса гар саодатсизлик.

Жабру зулм курса мўъмин раийят,
Не сарой, мулкида бўлмас амният.

Адолат бўлмаса баракат бўлмас,
Баракат бўлмаса мамлакат кулмас.

Адолат, баракат кўрки осойиш,
Улусу салтанат эрки осойиш.

Осойиш бор бўлсин дорул-амонда,
Дорул-амон кўзи улуг Эшонда.

II

Самарқанд мулкининг шайхул-исломи
Хожа Мавлононинг баланд икромии.

Иzzату обрўда ундан-да баланд
Хожа Убайдуллоҳ — фахри Самарқанд.

Аммо, кўролмайди Хожа Мавлоно,
Ўзидан баланд йўқ оқилу доно.

Амирларни чорлаб хосса суҳбатга,
Тош отмак пайида азиз хилқатта.

Кунгли нотинч, вале катта хонадон
Меҳмонлар қадами тегиб ободон.

Дамини ичига ютиб кабирлар
Қулоқ тутар — ҳар бир сўзин қадрлар,

Қизитди-да гийбат базмин, голибо,
Бир қарорга келди Хожа Мавлоно:

«Шу ерда қолсин, — дер, — барча гап-асрор,
Хабардор бўлмасин Хожани Аҳрор.

Деворнинг ҳам қулоғи бор, унутманг,
Изминиздин чиқиб зинҳор йўл тутманг.

Бундан сўнг бормаисиз Хожа уйига,
Қадам ҳам босмаисиз Хожа кўйига.

Анинг сўзларига солмаисиз қулоқ,
Боқса-да, эътибор бермаисиз бироқ».

Ўз айтган сўзига ишониб кетиб,
Яна шундай деди мақсадга етиб:

«Фақир шайхул-ислом бергаймен фатво,
Шаръий ҳукм чиқаргаймен, бебаҳо.

Ҳукм асос бўлиб бағрин тилгайсиз,
Мол-мулкин мусодара қилгайсиз».

Амир Абдулалӣ йўқ эди бошда,
Бу гаплар айтилган чоғда кенгашда.

Дарвеш Муҳаммадга бўлиб қариндон,
Кўзга илмас эди гарчи ундан ёш.

У Бухоро ҳукумати неча йил
Бошқарди дағдага қилиб муттасил.

Навқарга кўрсатиб яхши шафқатлар,
Мурувват, эҳсонга қилди рағбатлар.

Зобит, золим, фосиқ бир киши эди,
Дабдаба, тантана ташвиши эди.

Шайбонийхон гарчи навқари эмас,
Вале неча маҳал мундин айрилмас.

Унинг мунча ўсиб, тез ўзмоғига,
Қадим сулоланинг бузулмоғига

Абдулалӣ тархон бўлди сабабкор.
(Ет қавм чиқдим тахтта талабгор).

Кечикиб келди у — билмас не мақсад,
Шунда деди амир Дарвеш Муҳаммад

(Аҳмад билан Маҳмуд мирзоларнинг у
Туққан тағойиси — элда баобрў).

Султон Аҳмад мирзо қошида ундан
Муътабар, улугроқ бек йўқдир чиндан.

Мусулмон ва одми, дарвешваш мардум,
Китобат қиларди мусхафни маъсум.

Шатранжни бисёр уйнар эди хуб,
Қуш уйнаб, илмин ҳам билар эди хуб):

«Бир қарорга келдик сиз бўлмаганда,
Биз билан бўлсангиз мушқилли дамда».

Амир Абдулалӣ сўради ҳушёр:
«У қандай келишув? У қандай қарор?»

Тушунтириб беринг сақламай муҳам,
Фақир сўнгра шунга қараб иш тутсам».

Алҳақ! Амир Дарвеш Муҳаммад тархон
Хожа Мавлоною амирлар пинҳон

Мажлиснинг моҳиятин бирма-бир
Тушунтирди унга қандай деб тадбир.

Амир Абдулалӣ уйланиб туриб,
Огоҳ этиб деди фитнани кўриб:

«Хато қилибсизлар бу масалада,
Балки, шундай қилган Шайх талвасада.

Бу азиз биз-сизнинг эътиборимиз
Туфайли муътабар бўлмаган ҳаргиз.

Балки, Ҳақнинг эътибори туфайли
Азиз бўлган зотдур, бу Оллоҳ майли.

Эртага бу муътабар зот шундай бир
Зарба берадики, сизу биз, амир.

Зарбидин бўлурмиз ер билан яксон,
Шармсор этурлар аҳли мусулмон.

Мазкур масалада, бўлсинким маълум,
Фақир қарорингиз кўрмасмен маъқул.

Бундай душманликдин кўра ўзга бир
Макруҳлик йўлиқса розидир ҳақир».

Амир Абдулалӣ гапидан ҳайрон
Бўлиб қолди Дарвеш Муҳаммад тархон.

У кетди фитнадан бошини олиб,
Тархоннинг ичига гулгула солиб.

Шайхул-ислом эса безовта, нотинч:
Ҳасад биносидан қулади бир синч.

Амир Абдулалӣ феълини биллиб,
Деди у тархонга ишанда қилиб:

«Ҳайтиб келгай боши қолса ниқорга,
Не ниқор, калласи тегса деворга.

Афеус, пушаймони булғай кеч анда,
Бир илинжи бордир, балки, душманда.

Бизга ҳам, анга ҳам ё қилиб хизмат
Топмакни истайдур ҳурмату иззат.

Биз билан уздими робитани ё,
Домига тортдими ани авлиё?»

Унинг боши қотиб турган паллада,
Тархон бош огриги бўлди каллада:

Шайхни у тарк этди сўраб узлар,
Уйи бўшаб қолди кетиб кузирлар.

Аммо, йўқлаб келди яна бир кузир,
Балки, шайхул-ислом эди мунтазир.

Бу зот — жаҳон устод ул-уламеси,
Мовароуннаҳрнинг зур алломаси

Али Аррон мавлонодир, дили пок,
Фазлидан ҳайратда замин у афлок.

Хуррам кутиб олди Хожа Мавлоно,
Кўркамроқ кўриниб бу дайри фано.

Ҳол-аҳвол сўралгач деди қувониб,
Айёр кўзларида кин ути ёниб:

«Ташрифингиз яхши бўлди, мавлоно,
Ҳозир (ҳосил бўлди айни муддао)

Қуришга борурмиз қишлоқий шайхни,
Келгинди, дарвешванш бир омий шайхни.

Ани қай аҳволга солурмен шоён,
Бир кўриб қўйсангиз (булмасди ёмон)».

Қотиб қолди Мавлоно Али Аррон,
Икки утнинг ичинда жони сарсон.

Унинг Хожа Аҳрор ҳазратларига,
Авлиё нусрату исматларига

Эътиқоди баланд эди, зур эди,
Қалби қуёш бўлса, меҳри нур эди.

Хожа Мавлононинг эшитиб сўзин,
Жуда хафа бўлди, койиди ўзин.

Оқибат деди у: «Ҳазрати Эшон
Уйига бормакка йўқдур ҳеч имкон.

Ижозат этсалар ташриф этмасам,
Ишим кўп, бўлмағай дарҳол кетмасам».

Шайх деди: «Сизда-ку, баланд ақида,
Нима қилмак бўлсак анинг ҳақида,

Қилурмиз, жанобим, ҳузурингизда,
Гумон аломати қолмасин бизда».

Бу гапларни эшитиб лолу ҳайрон,
Кетаёзди ўзидан Али Аррон.

Аммо, тонолмади ўзга бир илож,
Бормакка у мажбур бўлди ноилож.

Хожа Аҳрор турар эди Мотридда,
Аҳли муслим кўзи эди муршидда.

Мотрид томон йўл олинди пешинда,
Ут ёнади Али Аррон ичинда.

Хожа Мавлононинг ҳавоси баланд,
Не ҳаво, исломда даъвоси баланд.

Али Аррон эса қилар илтижо,
Илоҳ, илтижойим қилгин дер бажо:

«Хожа Мавлононинг улуг Эшонга
Беодоб қилмишин кўрсатма манга.

Анинг найрангига қилма ҳеч гувоҳ,
Чора топ, Ҳазратга булгин хайрихоҳ».

Али Аррон билан Хожа Мавлоно
Мотридга етдилар, Шайх кўнгли бежо.

Ташвишли кўринар Али Аррон ҳам,
Умрда бундай ҳол булур камдан-кам.

Меҳнат қилиб боғда Эшони аълам
Ораста айвонда олар эди дам.

Меҳмонларни кутиб олиб, сўнг меҳмон
Уйга кириб, олиб чиқди дастурхон.

Хожа Мавлонога кўрсатиб икром
Ўзлари хон ёзиб, қўйдилар таом.

Шайх майл кўрсатиб таомга, энди
Эшонга бир нима демакчи эди,

Ки, мулозим келиб деди шодумон:
«Ташриф буюрдилар ҳазрати султон

Аҳмад мирзо... бирга умароси ҳам...»
Шайхул-ислом шошиб қолди, босди ғам.»

Оғу ичган каби кўнгли безовта,
Кимдир гўё гурзи урди беҳосда.

Чунки, амирларнинг кенгашида у
Эшоннинг тагига қуйган эди сув.

Шарт қўймиш: уйига бормасиз дебон,
Шавкат иморатин қилгайсиз яксон.

Не мақсадда келди кабирлар — билмас,
Тараддудга тушиб қолди у билъакс.

Олий меҳмонларни қадрлаб чунон
Куттани чиққанда ҳазрати Эшон,

Султону амирлар кўрмасин дебон
Шайхул-ислом билан аллома шу он

Барқ каби қўзғолиб ўрнидан турди,
Дарахтлар ичига ўзларин урди.

Қумақлашиб ҳовлидаги кишилар
Тўрт нахса девордан ошиб тушдилар.

Хожа Мавлононинг Хожа Аҳрорга,
Унингча, йўлини тўсган ағърга

Нисбатан беодоб муомаласин,
Ноҳақ билан ҳақнинг муҳорибасин

Кўрмагани учун қилиб шукрлар,
Али Аррон Ҳақдин тилар умрлар.

Туiproқда беланиб усти-боши чанг,
Деворнинг тагида икки чол гаранг.

Мулозимлар отларини келтирди,
Қариялар эгар узра ўлтирди.

Қилган қилмишига бўлиб пушаймон,
Ажралиб кетдилар улар ҳар томон.

III

Боди сабо каби уйғониб азон
Мотрид боғларида кезмакда хазон.

Ғарқ пишган узуму анжир ила пок,
Ёнғоқлар тўкилган, анор бағри чок.

Беҳзор, хурмозор қўзлари муштоқ,
Мезон шамолига очади қучоқ.

Осмон чарақлаган, сўлим, ҳаво соз,
Шохдан-шоҳга қўнар қўшлар навосоз.

Мириқиб, бир тўйиб олсангиз нафас,
Жон яйраб, тан яйраб қўзғолар ҳавас.

Ўзига яраша қўзнинг ташвиши,
Тошқимас ташвишсиз, иши йўқ киши.

Бандаси эмаса рўзғор ғамини,
Ким келиб бут қилгай қишда камини.

Мезондан сўнг ҳосил кирар омборга,
Боғ ғами қолмагай Хожа Аҳрорга.

Қумилади анжир, ток бирла анор,
Ором олиш мумкин келгунча баҳор.

Кун эса пешиндан оққан чоғида
Меҳмон кутар эди Ҳазрат боғида.

Яна таъриф этди олий меҳмонлар,
Улардан нуфузли азиз инсонлар:

Султон Аҳмад мирзо, Аҳмад Ҳожибек;
Пир қадри бош узра подшоҳ тоғидек.

Амирлар, олимлар, шоирлар бирга,
Алқисса, иззатли кабирлар бирга.

Хожа Аҳрор пенвоз чиқди бир зумда,
Қули кўксидая қадди таъзимда.

«Марҳабо, тожи сар!» — дейди шодумон,
Меҳру муҳаббатин этиб намоён.

Таъзимга келади султон қомати,
Бош эгиб кўришмак унинг одати.

Самимий сўрашар амирлар бир-бир,
Аҳли дилу моғриз-замирлар бир-бир.

Бир-бир қадам босиб аҳли замона
Ҳовлига кирурлар — Ҳазрат парвона.

Хуш ҳаво айвонга қилиб марҳамат,
Меҳмонлар ҳайратда: тўшаклар қат-қат,

Очиқ дастурхонда ноз-неъматлар мўл,
Бирор кимса гўё узатмаган қўл.

Улардан-да ҳайрон ҳазрати Эшон:
Меҳмонлари қайга бўлишди гумдон.

Қани Али Аррон, Хожа Мавлоно,
Қуш эмаски, учиб кетсалар, аммо.

Бош олиб қочдилар қасрга, нечун?
Чўчишдими султон келгани учун?

Бирор айбли иш қилишганми ё?
Айбини олдиндан билишганми ё?

Бу ёни қоронғу Хожа Аҳрорга,
Ғарчи равшан эрур аҳли киборга.

Шайхул-ислом макри саройини титиб,
Султон қўлонига борганди етиб.

Шул вақҳдин Мотрида отланди султон,
Амирларни олиб бирга, ёнма-ён.

Қўзғолган фитнани бостирмак бўлиб,
Султон йўлга чиқди юраги тўлиб.

Дили лат эмаски дебон пиришинг,
Қўнглини олмакчи бўлди тез унинг.

Танобини тортиди амирларнинг ҳам,
Қўлида ушлади жиловини маҳкам.

Тарафдор бўлма ким шайхул-исломга,
Боши билан гўё илтиди домга.

Фитнаю бўхтонга бергани барҳам,
Ўт қўйди иғвонинг уясига ҳам.

Бир ёнди, қўйиб қул бўлмади, аммо,
Илондек ўрмалаб панада иғво.

Пирига меҳрини қилгани изҳор
Мотрида азимат этди шахриёр.

Ҳазрати Эшоннинг ҳовлиси обод,
Ҳурмат қасри тақрор қилинди бунёд.

Аҳмад Ҳожибек ҳам зийфатида,
Хўрсанд ўлтирибди зийфатида.

Азамат фарзанди у Хуросоннинг,
Ишонган одами, қўзи султоннинг.

Абу Саъид мирзо уни қўлламинш,
Самарқанд ҳокими қилиб йўлламинш.

Яна маслаҳатгўй Аҳмад мирзога,
Йўл қўймас фитнаю иғво, низога.

Шеър битар, «Васфой» тахаллусидир,
Назмининг мухлиси турк улусидир.

Ҳомийдир Алишер Навоийга у,
Бир буюк шоирни қилади орау.

Ҳомийлик қилади — дохийлик қилмас,
Шоирни ҳимоя қилмаса бўлмас.

Мурувватта шоир доимо муҳтож,
Тахти йуқ бўлса-да, боши узра тож.

Тахти бўлса, йуқдир бошида тожи,
Тож билан тахтнинг ҳеч йуқдир иложи.

Тахту тож бўлса ҳам шоир шоҳ бўлмас,
Шоир шоҳ бўлганда тахту тож бўлмас.

Қишда Кафшийдаю Ёзда Мотрида
Алишербек сабоқ олди муршида.

Тасаввуф илми-ла фикри бўлиб банд,
Тариқати хожাগонга ихлосманд.

Нақшбандия куйида у сайр этди,
Солики амрда узини тутди.

Хожа Абдухолик Гиждувонийдан —
Тариқати хожাগони сонийдан.

Хожа Баҳоваддин Нақшбанддан ҳам
Урганди, дорул-қурб айлади карам.

Шоён, қадри бўлмай тупроқ аро хор,
Самарқандда топди обрў, эътибор.

Мадраса таҳсилин қилдию тамом,
Амирлик тўнида этилди игром.

Шул важдин амирлар қаторида у
Ўлтирадир султон билан рубарў.

Давлат иши билан гарчи банд боши,
Аҳли шеър, аҳли илм доим йулдоши.

Абётин қадрлар Хожа Аҳрор ҳам,
Дил сиеҳин равшан этар назми шамъ.

Ўз нуфузи бордир шоирлар аро,
Не шоир, саройда амирлар аро.

Самарқанд илҳоми қалбида тугён,
Туйгулар мавжида уради жавлон.

Жонида ором йуқ — билмас ҳузурни,
«Темурхон» дейди у Амир Темурни.

Кўрагон наслига ҳурмати баланд,
Бошида кўтарган мисли Самарқанд.

Кўксарой қасридан то руде Кўҳак
Васфида ўт бўлиб ёнмақда юрак.

Расадхонадан то Гуримир қадар,
Регистон кўркидан ҳайратда башар.

Боғи дилкушодан то Боғи шимол
Жаннатнинг боғлари курсатур жамол.

Соҳибқирон тахти — муқаддас Кўктон
Ишқида ҳар куни чиқади қуёш.

Унга теккан Амир Темур оёғи,
У — буюклик, у — салтанат маёғи.

Навоий — сойири Мовароуннаҳр,
Оби раҳматидан у топди баҳр.

Самарқанд — шоирнинг жони ичра жон,
Аждоди бешигин тебратган макон.

Дастурхон устида қизирди суҳбат,
Бир ғазал ўқинг деб юзланди Ҳазрат.

Султон ҳам кўзида ёниб эҳтирос,
Пирини қувватлаб, қилди илтмос.

Шоирга тикилди аҳли анжуман,
У ҳайрат боғида кезар аржуманд.

Бир нафас ўйланиб, кўнгли бўлиб шод,
Кеча ёзган маснавийсин этди ёд.

Оҳиста — овозин кўтармай баланд,
Қироат этди у (тингла, Самарқанд!):

«Латофат аро раваздин баҳр анго,
Вале исм ўлуб Мовароуннаҳр анго.

Нединким икки наҳр ароси келиб,
Яқин юз йиғочқа фазоси келиб.

Оқиб ҳадди шарқида Сайхун суйи,
Бориб ҳадди ғарбида Жайхун суйи.

Йуқ улким анго бу икки руд бас,
Ўн-ўн беш суй ҳар бир нучукким Арас.

Бўлуб ҳар еридин жудо наҳрлар
Ки, ҳар наҳри обод этиб шаҳрлар.

Ва лекин бу рудеки дерлар Кўҳак,
Ки, йуқ равзанинг наҳри эрканга шак...

Хусусан Кўҳак рудиким наҳри Нил
Эмас онча, не Нилким, Салсабил.

Ҳамул пуштаеким Кўҳак топди исм,
Не пушта, жаҳон ганжи узра тилисм,

Ушоқ тош анго лаълу инжу киби,
Яшил сабзаси чархи мину киби.

Ки мансуб эрур анга Кўҳак суйи,
Нединким эрур жорий андин куйи...»

Кишилар чўмдилар ҳайрат наҳрига,
Не ҳайрат, шукуҳу шавкат наҳрига:

«Мовароуннаҳр васфин бу қада,
Якқалам этмаган фарзанди башар.

На ҳазрат Яссавий, на-да Саккокий
Бунча айтолмаган, гувоҳдир мозий.

Яна бўлса ўқинг, — деди, — авлиё»,
Навоий лутфига бўлиб маҳлиё.

Алишербек эди қуллуқ бошини,
Эҳтирос чулғади ичу тошини.

Хайл кабутари учар Кўҳақда,
Кўҳақнинг мавжлари жўшар юракда:

«Темирхон наслидин султон Улутбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек.

Анинг абнои жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридини айламас ёд.

Валек ул илм сори тоғди чун даст,
Кўзи олида бўлди осмон наст.

Расадким боғламинн зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.

Битиб бу навъ илми осмоний
Ки андин ёзди «Зижи кўрагоний».

Қиёматга дегунча аҳли айём,
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком...»

Аҳли замон оғир хайлга ботди,
Маскани фикратда тош каби қотди.

Курдилар наздида буюк инсонни,
Назм осмонида меҳри рахшонни.

Султон Аҳмад мирзо чақнар чақиндек:
«Туркона анъорини нечук соғиндик.

Ёса бўлур экан ўз тилингда ҳам,
Шоир бор экан-ку, турк элинда ҳам.

Навойи назминн эшитиб алаҳақ,
Ўйладим: зўр шоир берминн бизга Ҳақ.

Иншооллоҳ, шоҳлар таъзимга келгай,
Олам аҳли мулки назмга келгай!»

Навойидан хурсанд Хожа Аҳрор ҳам:
«Самарқанд васфига йўнибди қалам.

Мазмуни мавзундур, балки достонга.
Ташаккур, бу шеърин битган инсонга!

Балки, у «Хамса»га дебоча бўлгай,
Шоҳ асар шавкати дунёча бўлгай.

Алишербек, Сиздин умидим улут,
Шоирн киромениз, қадами қутлут.

Савоб иш қилибсиз — кам бўлманг асло,
Кишилик боғида ҳам билманг асло.

Улутбек мирзонинг шод бўлгай руҳи,
Сизга имдод бергай сўнмас шукуҳи.

Умрингиз тилармен — ёр бўлсин ҳудо,
Элу юртдин асло қилмасин жудо.

Ҳаётдин кишини алам олғайдур,
Қилич етмас ерни қалам олғайдур.

Қаламингиз доим омонда бўлсин,
Назмингиз шавкати жаҳонда бўлсин!»

Навойи бош эгиб тинглади пири,
Не пир, тасаввуфда бир оламгирни.

Қўнғида жо эди мурид умиди:
«Илжидин тутса, бас, пири муриниди.

Илоҳо, меҳрингни тутмагин дариг,
Умрдин ўқнииб, демай: во дариг!»

I V

Фитна чангалнда Хожа Мавлоно,
Маккорлик бобида воҳиди доно.

Камлик қилган каби шайхул-исломлик,
Иzzат-икром кўрсам дейди султондек.

Хожа Убайдуллоҳ авлиё каби
Мовароуннаҳрда пирилик матлаби.

Тариқати хожагонга солиқ у,
Қанча вақфу молу мулкка молик у.

Вале эл ичида камдир ҳурмати,
Ўндан ўзгага йўқ муруввати.

Хасислик даштида кезиб саргардон,
Сахнийлик уида бўлмаган меҳмон.

Очқўзлик феълини сира қўймайди,
Ўзи тўйса ҳамки, кўзи тўймайди.

Айбини юзига айтолмас бир зот,
Донгинн чиқарган қачон Ёлғиз от.

Дуоин баъдидан ҳайиқар, балки,
Юз-хотир байдаси мусулмон халқи.

Орқасидан эса гапирини одат;
Гоҳ гийбат, гоҳи ҳақ ёзади қанот.

Учраниб қолсалар — энг азиз хилқат,
Ўринга қўйилар тавозъ, ҳурмат.

Ҳеч гап бўлмагандек — қилинар қуллуқ;
Оғизлари ўра, ичлари қудуқ.

Хожа Мавлонога ётдир гуломлик,
Аждод мерос унга шайхул-исломлик.

Катта оҳурдан у ем еган тулпор,
Тумшуғи сизмайди — кичик оҳур тор.

Ешлиқдан осилган у баланд дорга,
Гарчандки, насаби ёт сарбадорга.

Турда ултиради — пойгоҳ бегона,
Иzzатга ўргатган бешикда она.

Ундан олдин, балки, ҳеч ким юрмаган,
Орқадан юрганга парво қилмаган.

Ўзига хон бўлган — ўзига султон,
Ҳурматин бурч билган аҳли мусулмон.

Ялови остида дини исломнинг
Бош эгиб, пешрави бўлган авомнинг.

Аммо, султонларга бўлолмай пешрав,
Тириклик кўкламин босибди қиров.

Хожа Аҳрор бўлмаганда султонлар
Саройида топар эди икромлар.

Пири бўлиб ўлтирарди ёнида,
Е тожиги дур бўларди камида.

Йўлига гов бўлмиш «қишлоқ» эшон,
Кун йўқдир, гар говни этмасе яксон.

Ўйлаган ўйининг чуви чиқди, эҳ,
Ечилмасдан қолди боғланган гириҳ.

Ҳар қалай, қутилди қочиб маликдан,
Худо бир асради шармандаликдан.

Шармисор этолмай Хожа Аҳрорни,
Ўзи изза бўлиб ошди деворни.

Шундан бери эмас аҳволи тузук,
Али Аррон билан ораси бузук.

Амирлар ҳам ўзин тутинлар узоқ,
Қўрмакни тарк этмасе Эшонни бироқ.

Ҳурматин ошириб устига-устак,
Султон эътиборин қилурлар дастак.

Энди ишни ишини қилмасе агар,
Балога қолиши мумкин... Алҳазар!

Аввал ўлчаб, кейин кесмак бўлди у,
Яна Эшон йўлин тўсмак бўлди у.

Шунинг учун тузди хоссе бир суҳбат,
Суҳбатга шом эди энг қўлай муҳлат.

Шом аскарни босиб келганда илдам,
Риёкор, нобакор шайхлар бўлди жамъ.

Шайх Саид Ошиқий, шайх Хомуний бу,
Хожа Мавлонодек дилида оғу.

Яна аҳли миллат, аҳли замона,
Суҳбатни хоссада йўқдек бегона.

Бир ерга қовуниди яна бошлари,
Эшонга отилди гийбат тошлари.

Амир Абдуали ҳақ бўлиб чиқди,
Беҳуда фитнага бошини тиқди.

Қаттиқ зарба еди Хожа Аҳрордан,
Кун сайини қолмакда у эътибордан.

Султон ҳам гарчандки, қилди андиша,
Билади: тузалмас бир синган ишша.

Мулзам амир Дарвени Мухаммад Тархон,
Марҳамат биносин қилинди вайрон.

Алқисса, амрида гарчи Самарқанд,
Хожа Аҳрор қўли келмакда баланд.

Унинг баланд қўлин даст қилмак даркор,
Фитнага қасосин даст қилмак даркор.

Бегона бор экан хоссе суҳбатда,
Анжуман аҳлини қўйди ҳайратда.

Эшони аъзамга мухлис экан у,
Муфтийнинг кўзига бўлди тикан у.

Авжига чиққанда гийбат сўзлари
Хожа Мавлонони гўё тузлади:

«Эшон ҳазратларин ҳеч бўлмаганда
Соҳиб давлатлигин қилиб писанда,

Ҳаддидин оширманг бунча гийбатни,
Ўртага қўйсангиз хўбдур иззатни».

Унга жавоб берди Хожа Мавлоно:
«Сиз тўғри айтасиз, фикрингиз доно.

Мен ҳам буни яхши биламан, аммо,
Нима қилайинки, шуҳрат бир бало.

Шоён обрў-иззат гўрури доим
Мени тинч қўймайди, йўқдир иложим.

Мен шайхул-исломлик лавозимининг
Тақозаси билан (ҳурмати диннинг)

Шундай йўл тутинга мажбурман, тақсир,
Йўқсе, Эшон мени қилгайдур таҳқир».

Мухлис бошқа индамади, эгди бош,
Шайхул-ислом этди гийбат доини чош:

«Бу жуалга мунча қилманг эътибор,
Чунки анинг иши ўзига даркор.

Анинг иши молу дунё йиғмақдин
Ўзга нарса эмас... Аҳлат титмақдин

Қачон тинган қўнғиз — бу қора жуал
Ер қолиб, кўкка ҳам солгайдур чангал».

Риёкор шайхларнинг мақсади аён:
Йўлидин дафъ бўлсин «қишлоқий» Эшон.

Шайхул-ислом сузи элда суз бўлсин,
Унинг жигари хун, бағри муз бўлсин.

Алқисса: бўлмасе яхши шаҳарда,
Хўб ўлгай, олинсе йўлдан агарда...

Ташвиши, иши кўп Хожа Аҳрорнинг,
Ғамини сўйди у улуг дийрининг.

Бир томони Утрор — бир ёғи Ҳирот
Азиз авлиёга қилар муножот.

Сайхулни, Жайхулни каттакон Ватан
Пири муришим деб уни олган тан.

Нажотбахш зотдир у аҳли муслимга,
Мурувват этмакда неча иқлимга.

Вале душманлари унинг йўқ эмас,
Елғиз Яраттанин душмани бўлмас.

Хожа Мавлононинг қилган қилмиши,
Шаҳарда тарқатган турли миш-миши,

Қулогига етиб, қўнгли ўксинди,
Унга булган сўнги умиди синди.

Деди: «Оқибатда жуалдай улгай,
Сарсону саргардон, хору зор бўлгай!»

Пир қўнглини овлаб Мавлоно Қосим
Парвона буларди қошида доим.

Нохуш хабар келди саройдан, аммо,
Эшонга айтолмай маҳзун Мавлоно.

Оқибат деди у тўлиб аламдин:
«Абу Саъид мирзо утмиш оламдин».

Хожа Аҳрор дардманд ёд айлаб номин:
«Худо раҳмат қилсин», деб этди омин.

Сўнгра Қўксаройга отланди шу дам,
Аҳмад мирзо ғамин кўргани баҳам.

Қўнглини тумандек босдию мотам,
Узангига қўйди оёгин илдам.

V

Султон Абу Саъид ўтгач дунёдан,
Ҳирот нажот кутди Аҳмад мирзодан.

Шоён қалқиб қолди буюк салтанат,
Бир султонга тобеъ икки мамлакат.

Мовароуннаҳру мулки Хуросон
Тахтига ўлтирмак эмасдур осон.

Аҳмад мирзо энди ўн саккиз ёшда,
Буюк бир мамлакат ташвиши бошда.

Маҳмуд мирзога ё қолиб Самарқанд,
Ҳиротга елсами падари монанд.

Иниси ўн олти баҳорни кўрди,
Серғавго дунёни таниб улгурди.

Яна бир иниси Умаршайх мирзо,
Ўн уч ёшда этди оламни шайдо.

Бошлари қовушса — олам гулистон,
Бошлари айрилса — тахтдир саргардон.

Гап солиб кўрганда Хожа Аҳрорга,
Эғалик қилингиз, деди диёрга.

Вале Ҳирот нотинч, Ҳирот серғавго,
Хуросон бошида булутли само.

Қанча шаҳзода бор — даъвогар тахтга,
От суриб келмакда бари пойтахтга.

Ҳирот тахти талаш — талаш Хуросон,
Ҳайратли кузатар аҳли Туркистон.

Оқибат, тинчликка юзланди пойтахт,
Ҳусайн мирзога насиб этди тахт.

У Аҳмад мирзонинг тағойнисидир,
Аммасининг ўғли — оғайнисидир.

Ўн уч ёш улғудир Ҳусайн мирзо,
Отару тутарда моҳир бир сиймо.

Қўқалтош дўстидир Алишербекнинг,
Ҳиротга қайтмагин сўрабди унинг.

Маншури олийсин олгани замон
Ҳиротга отланди шоири даврон.

Султон Аҳмад мирзо, Хожа Фазлуллоҳ,
Хожа Убайдуллоҳ кузатди дилхоҳ.

Хуросон тахтига бўлмади даъвогар
Самарқанд султони топти сийму зар.

Мовароуннаҳр бўлиб осойиш,
Оламга ўзини этди намойиш.

Тошкандга қилинди Маҳмуд мирзо хон,
Умаршайх мирзога тегди Андижон.

Лек тобеъ эдилар Аҳмад мирзога,
Борганлари йўқдир ҳали низога.

Хожа Убайдуллоҳ туфайли пойдор
Самарқанд султонин тахти устувор.

Вале ороми йўқ улуг Эшоннинг,
Меҳрини кўролмас унга султоннинг.

На чора? Шарият пешволари гоҳ,
Гоҳ ҳоким табақа қазийдилар чоҳ.

Фитнакашлик давом этмакда ҳамон,
Мард бўлса, майдонга чиқолмас, пинҳон.

Енгининг ичига тиқиб пичоқни,
Қўли кўксидадир — пойлар авлоқни.

Султон Абу Саъид улимидан сўнг,
Ўйлашди: ишимиз келгай дебон ўнг.

Қўлга олиш мумкин Аҳмад мирзони,
Ўрнига қўйилса далил, игвони.

Ўйлари чувалиб Хожа Мавлоно
Қўксаройга елди — тилида сано.

Яхши сўздан чиқур инидан илон,
Наҳот, хуш кўрмаса мақтовни султон.

Ярим дунё энди қолди ўзига,
Шаҳзодалар қараб турар кўзига.

Гапига кирмаса шайхул-исломнинг
Назаридан қолар аҳли авомнинг.

Шарият пешвоси бўлса агарда,
Ҳукмини утказар катта шаҳарда.

Ўзига оғдирар умарони ҳам,
Оёққа қўзгайди фуқарони ҳам.

Қўлига олади аҳли девонни,
Не девон, афтода қолган султонни.

Ўзича келганда қатъий қарорга,
Чорсуда дуч келди Хожа Аҳрорга.

Юзма-юз учрашиб қолдилар ногоҳ
(Эшон ҳазратлари фитнадан огоҳ).

Хожа Мавлононинг думоғи баланд,
Юзини ўтирди бирдан нописанд:

«Хожа, салом-алеёйк» дебон бетамиз,
Тўхтамай отини суриб кетди тез.

Хожа Аҳрор боқди изидан ҳайрон,
У кетди қилиб дил уйини вайрон.

Ваҳоланки, султон ўламасдан бурун
Учрашиб қолинган эдилар бир кун.

Кўнглидан ўтказди Эшон: ўшанда
Хушомад қилганди бизга бу банда.

Канадай ёнишиб олганди шўрлик,
Манфаати унга қилганди зўрлик.

Алча йўлни бирга босиб ўтганди,
Ўзини фақирга яқин тутганди.

Йўлингиздин қолманг бизни деб тақсир,
Деса-да, ўзини кўрсатиб ҳақир.

Кузатиб қўярмен ҳазратим дебон,
Унамаган эди, қолмагач имкон.

Йўлни давом этди орқага қайтиб,
Бизларга мингдан-минг раҳматлар айтиб.

Ва лекин кўзлари ўйнади бежо,
Маккор жилмаярди Хожа Мавлоно.

Кўнглимизга келган эди ўшанда,
Бирор иш найида юрар бу банда.

Бир неча кундан сўнг бўлдики маълум:
Амирлар билан у аҳд қилмиш машғум.

Фитна қўзғадилар зимдан авбонлар,
Девор орқасидан отдилар тошлар...

Ажиб замон экан: бандаси қургур
Буқаламун каби тусланиб турар.

Бир кун илдоғу бир кун мундоқ,
Элу юрт ўйлари бошидин йироқ.

Юзага чиқса бас ўз манфаати,
Ўзгани деганда йўқ қаноати...

Амир Абдуали, маълумки, сизга,
Фитнадан бош тортди — йўл тутди ўзга.

Бу гап етган эди Хожа Аҳрорга,
Ҳазрат ҳайрон бўлди мазкур ахборга.

Хожа Мавлононинг қилигин кўриб,
Амирни эслади — қолди уй суриб.

Шунда айтган гапи ёдига келди
(Чорсуга қараб у уйчан тикилди):

«Абдуали кўзлаб нафсин доимо
Зулм ўтказувчи бўлса-да, аммо,

Тариқатимизга (бизнинг муътабар)
Ихлоси туфайли Ҳақ-Парвардигор

Анинг барча ноҳуи ҳамда номақбул
Ҳаракатларини кечириб буткул,

Ани авф қилгусидур...» Авли!
Кўнглин равшан этиб таралди зин.

Чорсуда халойиқ турли-тумандир,
Эркин улус тузган зўр анжумандир.

Отидан тушиб у бозорга кирди,
Ўзини одамлар ичига урди.

VI

Хожа Убайдуллоҳ Камонгаронда,
Тоғлар қўйнидаги сулим маконда.

Боғ-роғли, ер-сувли сокин қишлоқда
Самарқанднинг ташвишидан йироқда.

Не ташвиш, фитнаю игводан узоқ,
Ҳасаду тўхмату гавгодан узоқ.

Узоқдир дунёнинг савдоларидан,
Шўхрату амалнинг гадоларидан.

Бунда иқлим тоза, мусаффо ҳаво,
Хизр назар қилган бир ажиб маъво.

Тоғлар бир-бирига ётар мингашиб,
Чўққилар сойларга боқар энгашиб.

Жимирлайди турна кўзли булоқлар,
Булоқлардан пайдо булар ирмоқлар.

Тобистон нафаси бўлиқ ерларда,
Зумрад сайхонлару бахмал қирларда.

Ўриклар сарғайган, олма қизарган,
Гилослар гарқ пишган, узум бўзарган.

Нисбатан кеч келар кўҳистонга ёз,
Кеч келса-да, шундай берурки пардоз.

Табиат жамоли мот қилар кўзни,
Жаннат қучоғида сезурсан ўзни.

Фасона боғларга бир кириб қолиб,
Чиқолмайсан боғлар аро йўқолиб.

Чўққилар бошига қўниб оғтоб,
Кечгача ёзади гўёки китоб.

Юлдузлар чиқади томошагоҳга,
Гумбази гардунни олиб паноҳга.

Тун буйи вағиллар Камонгаронсой,
Унга термулади кўзгу излаб ой.

Яна тонг отади — қайнайди ҳаёт,
Янги кун — инсонга олий мукофот.

Улуғ Эшон ёни ўтказар бунда,
Дўсту ёр, аҳли дил биргадир кунда.

Бошида парвона аҳли хонадон,
Хонадон бошида осойиш осмон.

Аъламул-уламо Хожа Фаазуллоҳ
Абуллайс ҳам бунда — ҳамфикр, дилгоҳ.

Мол-мулки бор бунда алломанинг ҳам,
Богини айлансанг — дилда қолмас гам.

Хожа Аҳрорнинг-ку, мулки беҳисоб,
Бир ёғи Панжакент, бир ёғи Кифти об.

Бир ёғи Кенагас, бир ёғи Ургут,
Учиб утай деса толиқар бургут.

Мевазор боғдаги улуг шийпонда
Энг яқин кишилар бирга, меҳмонда.

Султон Аҳмад мирзо йўқлаб келибди,
Али Аррон унга ҳамроҳ бўлибди.

Яна бирга келмиш икки-уч амир
Эшон ҳазратларин қилишиб қадр.

Меҳмонлар сийловда — хон уара суҳбат,
Суҳбатта зевардир ҳикмати фикрат.

Зеро, шуни айтмак лозимки, такрор:
Эшон суҳбатларин истаган бисёр.

Суҳбатин олмакни ким қилмас ҳавас,
Ёнида ултирмак бахтдир бир нафас.

Қул бериб қуришмак эл муддаоси,
Мурид бўлмак эса орзу дунёси.

Курганлар ҳазратнинг суҳбатига зор,
Курмаганлар эса унга интизор.

Назари тушган зот кам бўлгани йўқ,
Униб-усиб қилар тақдирга қулғуқ.

Дуосин олмакка кимки сазовор,
Дунёда киши йўқ ундан бахтиёр.

Ва лекин меҳрини қозонмак мушкул,
Бир боқиб, кимлигин биллади буткул.

Дилингда нима гап — бўлғай намоён,
Кўзгудаги каби қўринғай айён.

Кузни дил ойнаси деганлари рост,
Яна у дилингда таржимони хос.

Синашга кинига ҳамдам, жонпарвар,
Носинашга билан намози дигар.

Авлибуллоҳ ҳам дер уни улус,
Расулulloҳ наслидан алал-хусус.

Нодир зот азишу авлиё эди,
Оламу одамга маҳлиё эди.

Хаёлин уфқи кенг кўнот қадар,
Оламни сиздирмак булур муяссар.

Насиб этган эди эзу бир одат,
Умрига бағишлаб тоъё, саодат.

Ул киши ўзининг кашфиётларин,
Элни лол қолдирган кароматларин

«Тушда шундай кўрдим» деб айлаб баён,
Оҳиста этарди фикрин намоён.

Денгиздек терандир мушоҳадаси,
Оламдек чексиздир муҳокамаси.

Ақлининг кўзида замин у афлок
Қалбининг кўзида ғайб олами пок.

«Тушда шундай кўрдим» деб улуг Эшон,
Ғайб олами асрорига берур жон.

Алҳақ! Каромати қолмай бесамар
Куп фурсат утмасдан берарди асар.

Ҳазрат суҳбатидан қидириб фойда
Кабирлар қотандир ултирган жойда:

«Азалдан Хожагон тариқатимиз
Аҳли удумига итоатда биз.

Ким қайси мазабу динга эътиқод
Қўймасин, ҳурматлаб қилғаймиз дилшод.

Аларнинг фуқаро манфаатлари,
Адолат йўлида ҳаракатлари,

Наздимида бўлса диққатта молик,
Урганмакка бизда тарафдор солиқ.

Билинг, бу тариқат донишмандлари
Мақсудин асоси — муслим дардлари.

Аларнинг сўзидин ким топса хато,
Уша киши кофир бўлса-да ҳатто.

Оёқ қилиб азиз бошимни алҳол
Анинг ҳузурига боргаймен дарҳол.

Суҳбатин олгаймен — фақир қилмай ор,
Кофирлигига ҳам бермай эътибор...»

Фаазуллоҳ Абуллайс фикри илҳомда,
Етук қонуншунос илми исломда.

Унга тенг келгувчи Туркистонда йўқ,
Не Туркистон, мулки Хуросонда йўқ.

Эшоннинг тарафин олиб ҳамиша
Дерди: белланади қай хирад пеша.

Хожа Мавлононинг тарафдорлари
Бош кўтариб кўзиқорин сингари

Ёмғирдан сўнг кўрсатарди ўзини,
Элда тарқатарди таъна сўзини.

Унга айб тақарди «кишлоқий» дебон,
Туркистондан чиққан бир омий дебон.

Мадраса кўрмаган, йўқ деб саводи,
Таънаю тухматдан улар толмади.

Шундай маҳалларда Хожа Фаазуллоҳ
Шайх Абуллайс унга бўларди паноҳ,

Фитначи каслардан қилиб ҳимоя,
Эшоннинг бошида буларди соя.

Улар қўшни эди Камонгаронда,
Ҳавоси жаннатта ухшаш бустонда.

Аммо, ўзни тутиб Эшон наздида,
Буюк ҳурмат акс эгарди фаалида.

Бугун ҳам ултирар гарчи ёнма-ён,
Елкасидан босиб тургандек осмон.

Не фақеҳ, барчанинг диққати унда,
Салобати босиб рубъи маскунда.

Шайх Абуллайс деди: «Биз бу бузургвор
Буюк камолотин билмасмиз зинҳор.

Валийлик асрори андин-да сирли,
Саодат тахтига чиқармиш пири.

Аммо, бизга шуниси ҳам маълумки,
(Гарчи расмий кам олса-да таълимни)

Доим ташриф этиб ҳузуримизга,
«Тафсири Қози»ни келтириб бизга,

Баъзи шарҳларига нисбатан шоён,
Булган шубҳаларин исботлаб Эшон,

Бизни лол этурлар бу масалада,
Гап мадрасадамас, гап ҳафсалада.

Кароматдин бошқа гап эмасдур бу»,
Шундай деб мухтасар қилди сўзин у.

Аҳли суҳбат бир оз ўйланиб қолди,
Шайх гапи дилларга тугёнлар солди.

Алломан машҳур Али Аррон ҳам
Ҳазратнинг илмидан ҳайратда, мулзам.

Гарчи Али Аррон донойи даврон,
Тасавуфда ундан эмас билимдон.

У киши олдида бош эгиб бесас,
Бирор гап айтишга қўнгли ботинмас.

Ҳайрат тоғи босиб кифтидан мудом,
Саодат боғида айлар эҳтиром.

Хожа ҳазратларин мажлиси усиз
Ўтмас эди Самарқандда, шубҳасиз.

Камонгаронда ҳам биргадир, не бахт,
Замона аҳлига ҳамма нарсат тахт.

Ҳазрат унга қараб деди бир замон,
Жон қулогин тутди лол Али Аррон:

«Зоти киrom, Сизнинг ҳузурингизда,
(Фақир эътибори, меҳридир Сизда)

Биз гапирсак, балки, одобдан бўлмас,
Сиз гапиринг, бизга эшитмак ҳавас».

Ҳазрат ҳурматини келтириб шу тоб
Али Аррон камтар қайтарди жавоб:

«Файзлар етказувчи пири каромат,
Олам асроридин сўз айттувчи зот.

Ҳузурда бизнинг гапиришимиз
Одобсиалик саналади, шубҳасиз».

Султон Аҳмад мирзо лол бу икромдан,
Олийжаноб муносабат, киромдан.

Аммо, Ургут бегин кўзи султонда,
Оғзин пойлаб ултирадир ҳайронда.

Тушига кирмаган бундай кишилар,
Муносиб кўрмаган суҳбатта улар.

Вале кал бошига соч чиқди бугун,
Энди булса арзир осмонга устун.

Лапас банги дерлар Ургут бегини.
Чармдан ҳам қаттиқ дерлар бегини.

Нафси ёмон унинг — кўзи эса оч,
Ургут фуқаросин қилди яланғоч,

Босар-тусарини билмайди банг еб,
Банг емаган кун юради гангиб.

Банг олиб, банг бериб биттирар ишни,
Ташвиш деб билмайди бангсиз ташвишни.

Лапас банги ружу қўйди ришватта,
Ришват, балки, олиб кетар рихлатта.

Султоннинг тепакал амири жура,
Иш биттирар улар ришватта кўра.

Аҳмад мирзо хурсанд Ҳазратларидан,
Меҳмонда курсатган ҳурматларидан.

Пиридан бир ҳикмат келтириб шоён,
Фуқаро тарафин кўзлади султон:

«Ҳазрат айтурларким: ҳоким, султонлар
Фуқаро, раййат ҳам мусулмонлар

Адабини бермак учун яралган
Қамчига ухшайди (бу гап тарқалган).

Шуни билсинларки, бир от муқаррар
Йигирма қамчини эскиртиб қўяр.

Мамлакат заволин қилиб андиша
Унутиб қўймангиз элни ҳамиша.

Раййат, фуқаро — мусулмон башар,
Аҳволдан асло қолманг беҳабар.

Чунки салтанату ҳукумат ҳар дам
Раййат, фуқаро туфайли маҳкам.

Ҳурматта муносиб булай десангиз,
Не ажаб, улуснинг гамин есангиз.

Салтанат, ҳукумат халққа дахлдор,
Кимки шоҳ булса гар халқдир сабабкор».

Алҳақ! Пир меҳридан мурид қувонди,
Кўзи қароғида зўр умид ёнди.

Надари ўрнида падар эди у,
Тожида порлаган гавҳар эди у.

Бир муслим кўнглини ким этса хурсанд,
Тангри айлар уни элда аржуманд.

Султон ҳиммат қилса раийятига,
Иншооллоҳ, етгай ўз ниятига.

Тоғ насими эсар Камонгаронда,
Кўнгли қуши яйрар дорул-амонда.

VII

Самарқанд боғлари фасли ҳазонда,
Ҳосилининг тақдирин аҳли деҳқонда.

Йиғим-терим қизгин далада шобён,
Мезондан сунг қайтиб келмас саратон.

Баҳору ёз меҳнат қилди муттасил,
Меҳнатига лойиқ етишди ҳосил.

Кузни бой бермаса деҳқон агарда,
Тукин-сочин булар қишда шаҳарда.

Ҳеч нарса кўринмас деҳқон кўзига,
Вақт эса кирмайдиги унинг сузига.

Ҳосилини қилмаса токи саранжом,
Кеча-кундуз жони билмайдиги ором.

Хожа Аҳрорнинг ҳам кўндир ишлари,
Бошдан охири ётар куз ташвишлари.

Мулки кўп: ер-суви, боғ-роғлари кўп,
Улуғга дахлдор сийму зарри кўп.

Бир куни ундаю бир куни мулда,
Ўзига муносиб иш тонар кунда.

Қўлини узмайди меҳнатдан ҳамон,
Қариллик боғида булсада меҳмон.

Ҳамон галла уриб хирмон уяди,
Йиғитлар сингари кетмон уради.

Ҳамон от чопади бир чавандоздек,
Қалди-қоматини тутади годек.

Ҳамон хуш кўради яёв юрмакни,
Кўнгли қўмсаб қолар сайри Қўҳакни.

Ҳамон келтирмайдиги бировга малол,
Чумоли умрига булмайдиги завол.

Ҳамон юрагига жойлаб офтобни,
Умр зийнати деб билар савобни.

Савобдан ўзга бир иши ҳамон йўқ,
Савоб иш қилмаса унга жаҳон йўқ.

Яна йўлга чиқди ахтариб савоб,
Самарқанд Сўғдига отланди шитоб.

Унда мулки бўлиб улуг Эшоннинг,
Ҳудудида эди Пулатдархоннинг.

Зироат аҳлидан гарчи кўнгли туқ,
Бир ҳафтадан ошди — ҳол сургани йўқ.

Дерлар: аргамчига қил булур қувват,
Кошки, мадад бўлса, қилса мурувват.

Кошки, деҳқонларни шодумон этса,
Кўнгли гушасини хонумон этса.

Умидлар донини айласа хирмон,
Савоб айвонида ёса дастурхон.

Уларга қўшилиб бирга ишласа
Ва меҳнат нонини бирга тишласа.

Ҳаёт кўрки деб у билар меҳнатни,
Меҳнат қилган эшитмайди миннатни.

Болалиқдан меҳнат билан улғайди,
Меҳнатсиз утган кун кўнгли муңгайди.

Меҳнат билан тошди нонини ҳалол,
Ҳалол нонни еган кўрмагай завол.

Меҳнат билан ўси фарзандлари ҳам,
Ишдан қочмадилар оғир келган дам.

Ибрат мактабига бўлиб мударрис,
Меҳнат дарсин берди барчага холис.

Молу мулк, давлатни меҳнатдан тошди,
Обру ва шавкатни меҳнатдан тошди.

Меҳнатдан тахт ясаб, бахтдан эса тож,
Ҳурмат саройида сўзмас аҳтиёж.

Қушдек енгил бўлиб кетаётган он
Бир қаландар йўлини тўсди ногаҳон.

Ва деди Ҳазратга қараб риёкор:
«Қанча дунё тўилайсан, эй дунёдор?»

Бу қадар бойликни, айтгин, нестарсан?
Еки у дунёга олиб кетарсан?»

Қаландар нидоси жавобсиз қолди,
Ҳазрат барқидек чақнаб йўлга от солди.

Табъи хира бўлиб, кўнгли уксинди,
Булутлар қонлади гўё кўксини.

Хожа Мавлононинг фитнаси дебон
Дилидан ўтказди — озор чекди жон.

Дуч келса — букилиб қилар хуномад,
Соқоли ер ўниб, тилайдиги омад.

Гарчи ҳасад ўти ёндирад дилни,
Аламини ютиб у тишлайди тилни.

Орқасидан эса қўзғайди иғво,
Оёқмас, тил билан юради, аммо.

Буқаламун каби Хожа Мавлоно,
Бунчалик қўймаса ўзига бино.

Дарёдан ўтди-да, отини бурди,
Сўғдидаги мулки томонга юрди.

Хожа Мавлононинг уйида, аммо,
Уртага қуйилди янги муаммо.

Меҳмон Абдураззоқ деган бир киши,
Йулгусарлик эди унинг қилмиши.

Емонлиги билан чиқарганди ном,
Инсонлик отини этганди ҳаром.

Шайхул-ислом деди унга хилватда:
«Хожа Убайдуллоҳ тахти иззатда.

Ҳурматда бўлсаю бир туркистоний,
Ҳукмини ўтказса «қишлоқи омиё».

Самарқандлиг юрса девондин йироқ,
Не девон, ҳазрати султондин йироқ.

Не дейсиз? Қонингиз қайнарми танда,
Шайхул-ислом кимдир ўзи Ватанда?

Нечун мендан ўзин қўяди баланд?
Нечун бўйинсинар анга Самарқанд?

Абдураззоқ, ани дафъ қилмак даркор,
Йулимни тўмасин қув Хожа Аҳроп.

Сен Ҳазрат Хожани улдирсанг агар,
Бошингдин сочармен олтину гавҳар.

Бой бўлиб яшарсен ўлгунингча то,
Муҳтожлик кўрмагай авлодинг ҳатто.

Аммо, гап урмалаб кетмасин зинҳор,
Уртамизда қолсин, бўл эҳтиёткор.

Оғзингдан чиқарма — билмасин биров,
Ўзимизга яна орттирмайлик ёв».

Абдураззоқ кўнди — тез бўлди рози,
Шайхул-исломга йўқ ҳеч эътироз.

Хамирининг учидан патирни олиб,
Бир неча олтинни чунгакка солиб.

Хожа Мавлонони тарк этди айёр,
Катта ваъдалардан бўлиб бахтиёр.

Шайхул-ислом қолди бир ўзи якка,
Фитна ханжарини санчиб юракка.

Ҳанига кирмади баъзи амирлар,
Қариган жонига қилди жабрлар.

Мавқеи пасайиб борар йил сайин,
На чора? Амиру беқлар бетайин.

Обрусига футур етказмакдалар,
Эшон билан ишин битказмакдалар.

Уйдан қадамин узмай қолдилар,
Саю танбурини қўлга олдилар.

Ва лекин қўзгаса элни оёққа,
Хожа Аҳроп қочиб борур қайққа.

Гап тарқатса элни қилди деб талон,
Мол-мулкни ўзига олди деб эшон,

Қулдек шилатади улусни деса,
Не ажаб, бошидин авом эврилса.

Андин юз угириб, боқмаса, не тонг,
Муридлик наҳрида оқмаса, не тонг.

Шайхул-ислом бунда фитна билан банд,
Улуғ Эшон унда элта жон пайванд.

Бири — каллакесар, йулгусарга дўст,
Бири — меҳнатсевар, эрқларварга дўст.

Илондек сочади захрини бири,
Инсонга очади бағрини бири.

Бири — ота мерос амалда, кибор,
Бири — амали йўқ улусдек хоксор.

Обру талашади ор қилмай бири,
Обру орттиради зор бўлмай бири.

Алқисса, бири тун, бириси кундир,
Куну тун туфайли олам бутундир.

УН ИККИНЧИ ҲАЙРАТ

I

Сокин Хожа Кафшиий тепасида ой,
Олисида салобат тўкар Куксарой.

Бири қалъа ичра, бири тошида,
Кутариб турибди ойни бошида.

Шамъдек милт-милт порлар сонсиз юлдузлар,
Гумбази гардунни айлаб кундузлар.

Не гардун, нуридан равшан коинот,
Қалбига жон олар заминда ҳаёт.

Хожа Кафшиий маҳалласи боғотда,
Ой, юлдузга кўз тикади нажотда.

Хожа Убайдуллоҳ маконида кўрк,
Ораста чорбогин уртасида кўшк.

Оромбахш, дилкушо жавзо оқиноми,
Шўх сабо илкида фароғат жоми.

Катта шамълар ёнар кўшк айвонда,
Юлдузлар, эҳтимол, лолдир осмонда.

Чорбоғнинг файзидан меҳмонлар масрур,
Меҳмонлар фаэлидан чорбоғ ҳам маъмур.

Дастурхон устида аҳли мусоҳиб,
Бегона киши йўқ — аҳли муносиб.

Султон ҳам бир мўъмин банда сингари,
Гарчанд кўзни олар хилъатин зари.

Хоксорлик тўшаги узра амирлар,
Табаррук даргоҳда топган қадрлар.

Абдураҳмон Жомий султон ёнида,
Эшон ҳақирлиги унинг қонида.

Азалдан отадан улуғдир меҳмон,
Бошига қўгарар меҳмонни мезбон.

У мурид бўлса-да, пирдан тўрдадир,
Чунки меҳмон ихтиёри пирдадир.

Пир айтганин қилган муридлар азал,
Бирор нарса пирсиз, балки, бўлмас ҳал.

Пир билан учрашди гоҳо Тошкандда,
Гоҳ Хирот, гоҳ Марв, гоҳ Андижонда.

Самарқандда эса бўлиб неча бор
Муридлик одатин бузмади зинҳор.

Сухбатини олиб ҳурмат қозонди,
Аҳли дил сингари меҳрида ёнди.

Шоирлик кўзини тикиб ҳолига,
Қулоқ тутди улус қийлу қолига.

Ҳаётига тушиб солиқ назари,
Жамолини очди умр манзари.

Фақирлик — фаҳрим, деб, пири каби у,
Ундан-да фақирлик қилинди орзу.

Вале унинг бутун ташрифи ўзга,
Таърифи, тавсифи сирмайди сўзга.

Пирининг ҳурматин тутиб бошида,
Таъзим бажо айлаб унинг қошида,

Навоийдан ноёб туҳфа келтирмиш,
«Хамса»дин бир нодир нусха келтирмиш.

Хожа ҳазратларин боши осмонда,
Ундан бахтли одам йўқдек жаҳонда.

Жомий деди бағри тўла ҳаяжон,
Кузатиб тургандек аҳли Хуросон.

Амирлар тикилди оғзига унинг,
Садағаси кетиб қувончли куннинг.

Султон кўзларида ҳавас нурлари,
Бахтлидир илму фан, назм пирлари:

«Алишербек сазин баланд янградмиш,
Туркийда бебаҳо «Хамса» яратмиш.

Фақир ўқидиму ҳайратдин қотдим,
Шодик уммонига ўзимни отдим.

Жонимга фаҳрнинг ўти тутатиб,
Шоирни қутладим наҳрдек тошиб.

Дедим анга, сўзим атрок эшитсин,
Не атрок, замину афлок эшитсин:

«Кел, эл Жомий, умрлар чекиб ранж,
Этиб зоҳир ҳаёлингдин бу панж ганж.

Бу панжнинг панжаси қудратли панжа,
Ки дарё панжасин этгуси ранжа.

Бу дунё газнасин кўрдим ва лекин,
Не-не «Панж ганж»лар унда олгуси тин.

Қаён етгай у «Панж»ларга бу «Панж»нинг,
Етолмас битта «Панж»га юзта ганжинг.

Не панжким, хоса шерга солди панжа,
Бу панжа нақшидин овоза Ганжа.

Ажиб бир нақш эрур туркий забонда,
Этибдур тилини лолу ақлини банда.

Шараф бўлсун, муборак бу рақамга,
Уни оламга бахш этган қаламга.

У форелар ичра топди шуҳрату ном,
Дарий назмига ҳам дур этди инъом.

Бу нақшни битса эрди гап шу тилда,
Мажол қолмасди сўз битмакка элда.

Бўлурди ўзга мўъжаз назм мизони,
Қаёнда Хисрану, қайда Низомий?!

У, ўзга тилда шеър битди, шу боис,
Хирад лолдур, қаён бут, қайси ноқис.

Сенинг табъингга салламно, суҳандон,
Қалам бўлди қалит, сўз ганжи — эҳсон.

Касод бўлганди сўз бозори, бешак
Ва хор эрди қалам гуфтори, бешак.

Қалом мўъжизасини нақш этибсен,
Сен анга янги обрў бахш этибсен.

Муродинг нуридин тонди сафо у,
Навоий дутфидин тонди наво у».

Деди-да, «Хамса»ни пирга узатди,
Шавкату аҳтиром тахтин тузатди.

Хожа Убайдуллоҳ иззат тахтида,
Мовароуннаҳрнинг шод пойтахтида

«Хамса»ни улади кўзига суриб,
Заррин муқовада монийни кўриб.

Чунки юрти энди «Хамса»ли юртдир,
Туркийлар назмининг махзани — юртдир.

Илҳом сазин нағма қилганда рассом,
Қулоғи остида янграб «Шашмақом»,

«Хамса»га бағишлаб иқтидорини,
Безакларга бериб ихтиёрини,

Юксак маҳорат-ла қилдики ижод,
Гуё қасри олий айлади бунёд.

Зарҳал либос билан китоб безанди,
Не китоб, оламтоб офтоб безанди.

Ҳар саҳфага шундай бердики зевар
Назм махзанида фикрат кийди зар.

Рассом Мониймикан, ё Моний хаттот,
Илкидан зар либос кийинди абёт.

«Хамса»ни томоша қилиб чинакам,
Султонга бераркан эшони аъзам.

Севиниб дедики: «Ҳазрати султон,
Оқибат шоирин топибди Турон.

Атрок тарихида йўқ бундай асар,
«Хамса»га бўлмаган атрок муяссар.

Беш достон — «Панж-Ганж»,
дер Мавлоно Жомий,
Алҳақ! Истеъдоди анинг илоҳий.

Офаринлар бўлғай Алишербекка,
Атрок назмнин ул юксалтмиш кўкка.

Иштироллоҳ, уқуб бўлғаймиз хурсанд,
«Хамса»га муҳтождур аҳли Самарқанд».

Султон Аҳмад мирзо «Хамса»ни олиб,
Юраги қаърида тугён қўзғолиб.

Ўйиб — кўзга сурди ва боқди узоқ,
Ўқимак истади варақма-варақ.

«Ҳайратул-аброр»га тушганда кўзи,
Ярқ этиб чақнади ҳавас юлдузи.

Навоний сиймоси бўлиб намоян,
Байтлар аро боқди унга шодумон.

Ҳолини сўраган ҳомий сингари
Мукаррам айлади назм сарварни.

Дарвоқеъ, Навоний билан қадрдон,
Иззатин жойинга қўйганди султон.

Чигатой амири деган лавозим
Хилъатини унга кўрганди лозим.

Таҳсил пайтида ҳам, девонда ҳам
Меҳр меҳробиди кўрсатди қарам.

«Ихроҷ» қилса ҳамки уни падари,
Узугин кўзида бўлди гавҳари.

Буюк бир даҳони кўриб назмида,
Салоҳият ила тутди наздида.

Ўзидан Навоний ун ёш улугдир,
Улугнинг ҳар сўзи унга қутлугдир.

Навоний ҳам Султон Аҳмад мирзони
(Ўзига нисбатан меҳри дарёни)

Эъозлаб, номини тутарди баланд,
Меҳрини меҳрига этганди найвалд.

Яхшиликдан ўзга нарсени ундан
Кўрмади — ҳурмати юксакми шундан.

Муҳрдору улуг амир бўлса ҳам,
Хуросонда улуг шоир бўлса ҳам.

Улуг қардошидек сўрар ҳолини,
Тангридан тилайди бахт-иқболни.

Фақирлик кўйида амир топиб ном,
Ҳақирлик уйида шоир топиб ном.

Эски ошнларин унутгани йўқ,
Иссиқ меҳрини ҳеч совутгани йўқ.

Шул ваҷҳми, «Хамса»га миҳланди Султон,
Оҳанрабо каби тортиди ҳар достон.

Сухбат аҳли гарчи кўрмакка муштоқ,
Бирор сўз деълмас Султонга бироқ.

Ҳазрат ҳам, Жомий ҳам кузатар хурсанд,
«Хамса» ишқи билан юраклари банд.

Султон эса кўзин узмайди ҳамон,
Бағридан тошмакда Жайхун беомон.

Севиниб, ичида ўқиди аввал,
Сўнг овоз чиқариб қилди таваккал.

Сухбат аҳлига у деди шоҳона,
Не шоҳона, деди у шоирона

(Чунки у газалини ўқир эди хуб,
Илму шеър аҳлини кўрарди марғуб.

Нафис мажлис тузиб, Боғи дилкушо
Бағрида дилларни этарди рушно.

Қай шоир, қай ҳофиз, қайси бастакор
Ғолиб бўлса, сийлар эди бахтиёр):

«Эй, муҳтарам зотлар, «Хамса» муборак!
Муборак демакди замину афрок!

Форсийда бор эди «Хамса» пирлари:
Низомий, Деҳлавий, Жомий сингари.

Ва лекин йўқ эди пири атрокда,
Сўз мулки йўқ эди анинг амлюкда.

Фалак томи узра атрок бу айём
Ифтихор кўсини чалсин — тоисин ном.

Хитодин токи Рум, Ҳинддин то Араб,
Ажаму Озару қолсин тишлаб лаб.

«Хамса» найғомини олам тингласин,
Оламдаги барча одам тингласин.

Форсий ва туркийдин ўзга қай тилда
«Хамса» яратилган, айтинг қай элда?

Мундин булак йўқдур, бўлмағай, балки,
Эй, «Хамса» кўсини, то абад балқи!

Мавлоно Алишер Навоний алҳақ,
Улуг иш қилибди — паноҳ бўлғай Ҳақ!

Раҳмату офарин дегаймиз анга,
Таъзиму тавозеъ қилгаймиз анга.

«Хамса»ни яратган қалам синмасин,
Соҳибига гарди фано қўнмасин.

«Панж»у «Ганж»дан бири «Ҳайратул-аброр»,
Ҳайратда замину гумбази даввор

Мулки Хуросонни тутиб шуҳрати,
Оламни забт этмиш шаъну шавкати.

Хожа ҳазратлари, Сизга даҳлдор,
Ҳар нодир байт анда бир дурри шоҳвор.

Ижозат этгайсиз, уқисам фақир,
Аҳли мусоҳибни қилсам муфтаҳир».

Рухсатни пиридан олиб шод Султон
Улут ҳазрат васфин айлади достон.

Бу мадҳни илк бора Эшон эшитди,
Не Эшон, аҳли дил комрон эшитди.

Шундай гузал уқидики, барча лол,
Кузларида куринмади бир савол.

Ҳар байтга, ҳар сўзга у берар ургу,
Дилларда наҳрдек мавжланар туйғу.

Ҳар калом, ҳар жумлаъ касб этар оҳанг,
Тафтидан эрирди юрак бўлса санг.

Ҳайрат огушида дусту қадрдон,
Англади: на қадар буюк зот Эшон:

«Улки бу офоқ ичида тоқ эрур,
Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.

Чархи нигун дарғаҳида хок руб,
Балки жабини била хошок руб.

Юз қўюбон қултуғига шоҳлар,
Базмида беҳуд ўлуб огоҳлар.

Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,
Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб.

Неча тушуб эгнига қилсанг қиёс,
Хозини ирфон кафидан юз либос.

Зарқ ила тағйири либос этмайин,
Тафриқан хаззу палос этмайин.

Сўхбатида ҳар неча бешаку райб,
Жилва қилиб шоҳиди раъноий ғайб.

Гушаи хилват аро тутмай қарор,
Узини қилмай яшурун ошкор.

Атласи гардун била минг зебу фар,
Турқа тўни остида кук остар.

Лек ушал тўрқаси ҳар тор ила
Фақирда юз муршид учун силсила.

Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки нигоҳбони ул...»

Хожа ҳазратлари уйга берилган,
Достон оҳангига — куйга берилган.

Маънолар наҳридан терар гавҳарлар,
Ҳикмат маҳзанидан сочар жавҳарлар.

Султонга осуда тутади қулоқ,
Қалбида гуёки қайнайди булоқ.

Фахр чуққисиди сўхбат аҳли ҳам,
Бундай дам умрда булар камдан-кам.

Султон дил амрига этиб итоат,
Давом этиб яна қилар қироат:

«Йуққи мамоликка ниғаҳбон ўлуб,
Борица салотин уза султон ўлуб.

Руқалари етса не шоҳ қонига,
Иш ани қўймоғлинг ўлуб бошига.

Англаб ани бош уза тожи яқин,
Ҳар сўзи ул тож уза дурри самин.

Шаҳға дема лутф чоғи тож бахш,
Балки гадоларга доғи тож бахш.

Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг курунуб олдида шоҳу гадо.

Чун чолнииб навбати қадрига кўс,
Шаҳлар ўлуб навбат ила хокбўс.

Хотир ўлуб меҳри жаҳонтоб анга,
Авжи шараф анжуми асҳоб анга.

Ҳар бири олам элига раҳнамо,
Дема жаҳон аҳлини, аҳли само.

Барча сулук аҳлига раҳбар бўлуб,
Йўл элига тийра тун ахтар бўлуб.

Тийра назарларга бериб нуру тоб,
Ҳар бириси ўйлаки нажми шиҳоб.

Гарчи тижорат бўлуб ойинлари,
Булмади бир мулкда таскинлари.

Юкларида тўхфан нақди фано,
Ҳар бири ул нақддин истаб гино.

Симлари борса фано қонидин,
Дурлари йўқлук суви Уммонидин.

Чун кивуруб ҳар сори раҳти нажот,
Банд бўлуб чорсўйи коинот.

Олгучи гар ваҳми зиёнбуд этиб,
Лек бу савдо чу қилиб судиб...»

Султонга маҳлиё Мавлоно Қосим,
Ҳазрати мадҳидир кўнглига ҳоким.

Ўйчан қулоқ солар Муҳаммад Қози,
Эшон ҳузурида тақдирдан рози.

Меҳрига етгунча утиб неча йил,
Машаққат даштда кезди муттасил.

Ҳайратда Фаҳриддин Али Сафий ҳам,
Диққат билан тинглар фикрин қилиб жамъ.

Эшоннинг асҳоби бўлгунча то
Тангри унга қалам этганди ато.

Ҳаёт булогидан томчилар йиғар,
Бундан ортиқ йўқдир унга сийму зар.

Яна Амир Абдулаввал — домоди,
Не бахтки, келгандир унинг омади.

Мулюзимлик қилиб ўн беш йил қадар
Кўёвлик бахтига бўлган муяссар.

Сурур гулшанида сайр этар Жомий,
Назм кишварида шоҳми ё доҳий?

«Хамса»ни ўқиди гарчи неча бор,
Ҳар сафар кашф этар янги бир дивр.

Аҳмад мирзо эса тошқиндек тошиб,
Дашту адир, тоғу тошларни ошиб.

Кезади «Хайратул-аброр» мулкида,
Шоҳона «Хамса»ни тўтиб илкида.

Камолитдин Беҳзод унга мусаввир,
Кўрки узра кўрдир шоҳона тасвир.

Султонали Манҳадидир хаттоти,
«Хамса»нинг сўнигида ҳақирининг оти.

Олам аро йўқдир бундай ҳусни хат,
Ҳусни хат неким, йўқ бундайини хаттот.

Султон қироатни айлайдиган давом,
Пирига кўрсатиб олий эҳтиром:

«Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор.

Кўймасун айвони жаҳонни тиҳи,
Дабдабали кўси Убайдуллоҳи.

Ҳимматидин бизни ҳам этқун худой,
Фақр йўлида гани, имонга бой».

Бир бобни тугатди султон «Хайрат»дан,
Кўкеси осмон бўлиб васфи ҳаяратдан.

Оғзига қаради барча Эшонининг,
Сеҳри аҳкомида қолиб достонининг.

Ўйланиб, у сукут сақлади узоқ,
Сўнг деди достондан сўз очмай бироқ:

«Амир Алишербек Ҳақ даргоҳида,
Худойим асрасин ўз паноҳида».

Дуога қўлини кўтарди Эшон,
Не Эшон, дуоғўй улуси Турон!

II

Икки буюк лашкар улуг сайҳонда,
Саф тортиб турмакда икки томонда.

Қўшинлар дўст эмас — бир-бирига ёв,
Урушсиз юзма-юз туриши — сийлов.

Ўртада шоҳона чодир тикилган,
Зобит сипаҳдорлар собир тикилган.

Уларнинг амрига маҳтал навкарлар,
Навкарлар остида учқур тулпорлар.

Уруш кийимсиз — жубба киймаган,
Аммо яроғини қўлдан қўймаган.

Чодирни кузатар зийраклик билан:
Кўзларда меҳрмас — кўзларда тикан.

Нохушироқ ҳаракат сезилса агар
Бир-бирини устига шердек ташлапар.

Ҳан бундай, бир бошдан айтай, биродар,
Айтмасам бўлмайдиган уни саросар.

Султон Аҳмад мирзо, Умар шайх мирзо,
Султон Маҳмудхонлар қиссаси якто.

Қиссанинг мазмуни шундан иборат,
Оламда кам бўлган бундай музоқот:

«Самарқандга энди кирганда жавзо
Оромни йўқотди Боғи дилқушо.

Султон Маҳмудхонга бўлиб жонфизо
Шоҳруҳияга келмиш Умаршайх мирзо.»

Деган хабар ташвиш солди султонга,
Не султон, девону дорул-амонга.

Аҳмад мирзо тўнлаб беадад лашкар,
Чақин каби чақнаб гўё ҳар аскар,

Ҳамроҳ этиб Ҳазрат Хожа Аҳрорини,
Огоҳ этиб яна аҳли киборни,

Тоғида Кўҳак кўпригидан ўтдилар,
Шаҳзодалар қонига йўл тутдилар.

Олис эди, халис эди йўл, аммо,
Ҳаво майини, қун маромда, тинч само.

Лашкар утган йўлдан қолар тўзонлар,
Чанг ютади чўллар, боғу бўстонлар.

Жасур лашкарканлар бўлиб саромад,
Сулҳ йўлида қидиради даромад.

Улар билан бирга елар Ҳазрат ҳам,
Қариганда йўл юрмакка ҳавас кам.

Ўзи билан олиб бормақдан мақсад
Сулҳ тузмак эканини айтганди Аҳмад.

Рад этолмай султон илтимосини,
Не илтимос, дилжу илтижосини,

Тинчликка жонини фидо этгани,
Иноқ бўлингиз деб нидо этгани,

Яраштирамак истаб уч оғайинини,
Кўнгли тарк этмади сафар майлини.

Булунгур, Сарбозор, Сангзордан ўтди,
Бахмалу Етимтоғ, Кўҳсордан ўтди.

Ўтди Амир Темур дарвозасидан,
Ҳайратда тоғлардан келган сасидан.

Жиззах чўлларини Сайхундан ўтди,
Чинозу Қовунчи, Маскундан ўтди.

Султон Аҳмад мирзо лашкари ила
Қўнларни тунларга айлаб силсила,

Доим бирга бўлди Ҳазрати Эшон,
Азиз жони унинг топмади омон.

Неча кунлар лашкар йул босиб узоқ,
Орқада қолиб не қасаба, қишлоқ.

Шоҳруҳия музофоти Оққургон
Қучоғига келиб қунди саргардон.

Улуғ лашкардаги айрим кишилар
Ҳазратга нисбатан (қўзғаб ташвишлар)

Одобсилик қилиб қўямасин дебон
Тарки одат этмай, меҳрибон султон

Уни эъвоз этиб қароргоҳида,
Тутарди доимо уз паноҳида,

Бир кун жаҳли чиқиб Хожа Аҳрорнинг,
Элу юрт ишқида жони нисорнинг,

Деди Султон Аҳмад мирзога қараб,
Сарсонлик даштда лашкарни асраб:

«Бизни нима учун олиб келдингиз?
Қайси йўлингизга солиб келдингиз?»

Ҳарбий киши эмасманки, урушсам,
Урушмакчи бўлсангиз гар бизни ҳам

Нима учун олиб келдингиз буён
Ёки сулҳ тузмакчи бўлсангиз шоён,

Кечиктиралайсиз нега бунчалар?
Ўтмакда беҳуда кундуз-кечалар.

Лашкарингиз орасида турмакка,
Саргардону сарсонликда юрмакка

Тоқатим қолмади бошқа фақирнинг,
Ўйини эрурми бул ё тақдирнинг?»

Мирзо деди: «барча ишимиз бизнинг
Илтифотингизга вобаста сизнинг.

Сиз нимани лозим топсангиз ўша
Амалга ошмасдин қолмас ҳамиша».

Ҳазрат ишораси билан ушбу он
Отланди бир неча киши бегумон.

Улар билан бирга қўшиб мардона
Муҳаммад Қози ҳам бўлди равона.

Умаршайху Султон Маҳмудлар томон
Отини елдирди Ҳазрати Эшон.

Улар ҳам, дарвоқеъ, буни эшитиб,
Ака-ука дарҳол ганини нишиштиб,

Ярим йўлгача то от суриб илдам,
Ҳазратни кутгани чиқдилар хуррам.

Икки томон бир-бирга дуч келди,
Шаҳзодалар отдан тушиб эгилди.

Ҳазрат ҳам оҳиста эгардан тушди,
Ҳурмат бажо айлаб меҳрибон қучди.

Ҳол сурашиб, таскин топгач кўнгиллар,
Илтифот боғида эганда еллар,

Ташриф мақсадини қўйиб бир ерга,
Шоҳруҳияга кириб бордилар бирга.

Ҳазрат иззатини қўйиб жойига,
Антиқа гиламлар солиб пойига.

Шоҳона қасрда меҳмон этдилар,
Меҳрибон қалбида макон тутдилар.

Мулоқот чоғида Ҳазрати Эшон
Султон Маҳмудхонни қадрлаб чунон

Унга курсатдилар кўп илтифотлар,
Бартараф этилди бор ихтилофлар.

Келишиб олинди сулҳ маросими,
Не маросим, эсди сулҳ насойими:

«Унга кўра, икки лашкар саф тортар,
Ўрталикда улкан чодир тикилар.

Ҳар икки томондан қўзғолиб бирга,
Саноқли кишилар келур чодирга.

Уларга бўлғайдир Ҳазрат раҳнамо,
Сулҳ шартномасига чекилғай имзо.

Шунда яраштираб қардошларни у,
Тахту тож ишқида «бебош»ларни у.»

Намозгар бўлганда Султон Маҳмудхон
Рухида акс этди ўзга бир жаҳон.

Ҳазрат илтифоти қолмай бесамар,
Яхши натижадан берарди хабар.

Кетмакка қурилган чоғи тараддуд,
Муҳаммад Қозига гапирди муршид

(Улуғлар суҳбатини жойлаб қалбига,
У яна тан берди Ҳазрат ақлига):

«Бизнинг рисолаи келтириб шоён,
Ўқиб беринг, билсин Султон Маҳмудхон».

«Қуллуқ, бош устига!» — деди у шодон,
Ҳурматин Ҳазратга қилиб намоён.

«Фикрот ул-орифин» бу, ки «Воридот» —
Орифлар фикридан қурилган работ.

Тасаввуф аҳлию ҳам Хожа Аҳрор
Фикрати, ҳикмати унда дурарбор.

Қасрдан чиқдилар — ҳаво мулозим,
Отларини келтирди аҳли мулозим.

Султон Маҳмудхону Умаршайх мирзо
Қўзларида кўрди Ҳазрат илтижо.

Хайрлашди улар билан — кўнгли тўқ,
Сулҳ тузмакка розидилар — хатар йўқ.

Ўзангига қўйиб оёғин абжир,
Эгарга ўлтирди Эшонни кабир.

Кузатиб келишган ҳамроҳлари ҳам
Отларига миниб қўзғолди илдам.

Мирзолар жўнатиб қўйдилар — уйда,
Саргардон кездилар сулҳ деган куйда.

Битимга биноан, эрталаб Султон
Аҳмад мирзо лашкарлари тинч, омон,

Жубба киймай, олиб ярогин лекин
Талли Қаҳқаҳада саф тортди эркин.

Хожа ҳазратлари бўлмай хотиржамъ,
Боз Шохрухияга бордилар шаҳдам.

Наздига келдию дарҳол Маҳмудхон,
Умаршайх мирзодан бўлмади нишон.

У бир оз ҳаяллаб, олгандай малол,
Кечикиброқ чиқди — қилди не ҳаёл?

Ҳазрат мушоҳада қилиб бу ҳолни,
Топмасин деди у бирор ишколни.

Муҳаммад Қозини қақириб шу он
Қулогига қуйди гапини пиҳон:

«Зудлик билан бориб Султон олдига,
Ғаними гавҳардай солгин қалбига.

Умаршайх мирзонинг (баланд идроки)
Кечикиб чиққанин айтиб қуй, токи,

Ўзининг аҳтиёт чорасин кўрсин,
Ҳар ҳолда ҳар ишга шай бўлиб турсин.

Ушбу масалада (ғафлат олмасин)
Менинг умидимда бўлиб қолмасин.

Зероки, пайғамбар алайҳиссалом
Ҳам кўриб аҳтиёт чорасин мудом

Боғлаб қуй, деганлар, туя тизларин»,
Деди-да, мухтасар қилди сўзларин.

Отта қамчи босди Муҳаммад Қози,
Шамолдан тез эди унинг парвози.

Ўқдек учиб келиб султон ёнига,
Тугёну ҳаяжон солди жонига.

Айтилган гапларни етказди вазмин,
Кутиб Султон Аҳмад мирзонинг азмин.

У эса лашкарга бўлиб парвона,
Ҳазрат ҳузурига елди мардона.

Қуй изидан кетган қўзи сингари
Кетидан эргашди сонсиз лашкари.

Шундай қилиб, утгач маълум бир фурсат,
Икки лашкар жубба киймай, серсавлат,

Барча қуролини олгани ҳолда,
Рубару саф тортди, мушқил аҳволда.

Дарвоқеъ, уртада тикланмиш чодир
Ўрни ҳусусида баҳс бўлди содир.

Бири ундоқ деди — бириси мундоқ,
Бири милтиқ бўлди — бириси қўндоқ.

Бири бу томонга — бири у томон,
Яқин бўлибди деб қилдилар гумон.

Даъвогар купайди — голиб, аммо кам,
Беҳуда чузилди музокара ҳам.

Хожа ҳазратлари эса бир ҳолат,
Шу ерда олдилар охир таҳорат.

Пешин намозини қилдию адо,
Муҳаммад Қозига деди пурмаъно:

«Султон Аҳмад мирзо ҳузурига сиз
Айтингки, фақир бир кишиман — ёлғиз.

Бунинг устига боз қарилитим ҳам
Татъир утказмакда қадамба-қадам.

Лек шундай бўлса-да урушмангиз деб,
Осойиш қасрига ахтарурмен зеб:

«Бегона бўлманг деб бир-бирингизга,
Мурувват илкени узатдим сизга.

Ҳарбий юкларингиз оғирлигин ҳам
Ўз зиммамга олдим гарчи қаддим ҳам.

Бошқа куч-қудратим ва тоқатим ҳам
Қолмади танимда — чекиб ранж, алам.

Агар бизга бўлса эътиқодингиз,
Унда қўйинг (етар эҳтиромингиз)

Қаерга тикламак бўлса чодирни
Тиклайверсин, ҳамроҳ этинг собирни».

Ҳазрат сўзларини (барқдек парвози:)
Хуш хулқли султонга етказди Қози.

У деди: «Не ташвиш чодир туфайли,
Исталган жойига тикласин, майли.

Яккаю ягона умидим менинг,
Ишончим, таянчим, муришдим менинг

Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларидур,
Ҳазратнинг бегараз нусратларидур».

Шундан сўнг чодирни маълум бир жойда
Тикладилар гарчи даъво бефойда.

Аҳмад мирзо келиб кирди чодирга,
Акобир жой олди у билан бирга.

Кейин эса Ҳазрат отланиб шаҳдам,
Маҳмудхон, Умаршайх мирзоларни ҳам

Одамлари билан бошлаб келдилар,
Маросим шартига амал қилдилар.

Чодир яқинига келди-да улар
Учқур отларидан илдам тушдилар.

Шу пайт Аҳмад мирзо чиқиб чодирдан,
Аҳли жоҳ-ла кутиб олди қадрлаб.

Маҳмудхонга Ҳазрат қилиб пендравлик,
Аввал унга берди гўё сийловлик.

Аҳмад мирзо кучоқ очиб кўришди,
Бир дақиқа кучоқлашиб туришди.

Умаршайх мирзога сўнг келди наивбат,
Йўлбошчилик қилди унга ҳам Ҳазрат.

Умаршайх акаси Аҳмад мирзонинг,
Салтанат тахтида бир жонфизонинг

Қўлларини юзларига суртарди,
Юзга суртиб, ўқиб-ўқиб йиғларди.

Шундай йиғлардики — титрарди одам,
Не одам, титрарди еру кўк, олам.

Шундай йиғлардики — жонга тутанди,
Тулиб кетган ўлкаси сал бўшанди.

Шунда йиғлардики — ранж, алам тоши
Сув бўлиб, кўздан чиқарди ёши.

Аҳмад мирзонинг ҳам дардлари кўшиб,
Азиз ўқасининг бўйнидан ўниб,

Тинмай йиғлар эди кўнгли ўқсиниб,
Кўнгли синиб — йиғлар эди ўқиниб.

Бундай манзарани кузатганки жон,
Оҳ уриб оламдан, чекарди фиғон.

Кўшилиб йиғларди кекса-ёшлар ҳам,
Йиғини билмаган бағри тошлар ҳам.

Наҳотки, салтанат аҳли девона,
Акани укадан этур бегона.

Наҳотки, салтанат ҳавоси ифлос,
Ёинки мамлакат ҳавосига мос.

Наҳотки, салтанат комида султон,
Эл-юртни қийратур аждаҳосимон.

Салтанат боқиймас, балки омонат,
Омонат қасрда қилма хиёнат.

Мирзолар йиғиси тинди, ҳар қалай,
Вале дилларида дарди бир талай.

Кадар тоши қандек эриди гўё,
Ихтилоф кўнлари мисоли рўё.

Чодирга киришиб жойландилар ҳос,
Кўзларда акс этди нишонч ва илҳос.

Шундай ҳашаматли эдики йиғини,
Бадарга бўлгандек адоват ва кини.

Муҳаммад Қозин зуд ёзди дастурхон,
Бир оз шониб қолиб хижолатсимон.

Ташқарида эса ўзгача ҳолат,
Лашкарлар жонда йўқдир ҳаловат.

Қўшин қай йусинда турмоғи лозим,
Мазкур боб бошида этганмен нозим.

Икки томон лашкарлари эгарда,
Чодирдан кўз узмас, ҳушёр, агарда

Кўнглисиз ҳодиса рўй бериб қолса,
Не ажаб, курашга девдек қўзғолса...

Ичкарида аҳиллигу эгулик,
Баҳона йўқ, боз ораши бузғудек.

Салтанат тахтида иззат, эҳтиром,
Дастурхон устида не зоти киром.

Таом келтирилди — не тарки одат,
Одатни сақламак азал саодат.

Овқатдан сўнг эса сулҳга дахлдор
Барча шартлар келишилди устувор.

Хожа ҳазратлари Тошкандин такрор
Султон Маҳмудхонга этди ихтиёр.

Энг олий шарафдан қувониб беҳад
Сулҳ шартномасини ёзди Муҳаммад.

Унга бир-бир чекди мирзолар имзо,
Ҳазрат ризо, демак, Оллоҳ ҳам ризо.

Фотиҳа ўқилиб, барча қўзғолди,
Бир-бирини қутлаб, олқинлар олди.

Ёв эмас, тил тоғди уч оға-ини,
Урушмас, тинчликдир ҳаёт мазмуни.

Хожа ҳазратларини номи тилларда,
Не тил, каромати мадҳи дилларда.

Достон салобатини улугворлиги,
Аҳдининг, азмининг устуворлиги.

Зероки, ушанда юз минглаб лашкар
Урушга киришиб кетсами агар

Юз берарди, балки, қанча фалокат
Ва бўлиб хунрезлик, келарди офат.

Сайхонга йиғилган лашкар кечиб қон
Ва қонга беланиб улугвор сайхон,

Ҳандалакдек учиб танлардан бошлар,
Фиғонлар донидан уйилиб чонлар.

Эҳтимол, буларди қиёмат-қойини,
Ҳар қалай, асради ўзи, худойим.

Хожа ҳазратлари фаолияти,
Ғайрати, ҳиммати, сазоҳияти

Туфайли бир печа соат ичида
(Гарчи жонлар турар қилич учиди)

Ўн минглаб одамлар орасидан зуд
Хусумат, душманлик йўқолиб, беҳбуд.

Дўстлик ва тотувлик тикланди яна,
Башарий фазилат қилди таяна.

Бундан жамъи одам ҳайратда қолди,
Офарини кўсини оламга чалди.

Дедилар Ҳазратга қараб жамоат:
«Бошқа машойихда йўқ бундай одат.

Бундай хусусият, бундай куч-қувват
Аларда кўринмас, эй олий ҳазрат!»

Сулҳ анжуманидан сўнгра лашкарлар,
Икки ёқда турган ёғий аскарлар —

Бир-бирига интилдилар илгари,
Қўй сари интилган қўзи сингари.

Дилларида хусуматдан асар йўқ,
Тилларидан бол томади, захар йўқ.

Хожа ҳазратлари елкадан тоғни —
Агдариб, чоғ қилди гўё думоғни.

Султон Маҳмудхон-ла хайрлашар чоғ
Дедилар: «Тошкандга боринг сиз тезроқ.

Бошқа йўлдан анга борурмиз биз ҳам».
Лашкарлардан узоқлашди ушбу дам.

Ва келдилар Мулкат деган мавзегга,
Кўнгиллари тўла эди орауга.

Муҳаммад Қозига дедилар шунда
(Бундай ҳол Ҳазратда бўлмасди кунда):

«Нима дейсан бизнинг бу ишимизга,
Сулҳ бобида чеккан ташвишимизга?

Бу воқияни эса ёзишнинг керак,
Авлюдлар билмоғи лозимдур бешак!»

III

Хожа Убайдуллоҳ — фахри замона,
Фахри замон ичра фақри замона.

Саҳнаи давронда у буюк Эшон,
Султонлар султони, доноийи даврон.

Тангри-таолонинг мўмин бандаси,
Тасаввуфнинг машҳур намоиндаси.

Ундан улуг зот йўқ замонасида,
Не замон, тасаввуф кошонасида.

Шаъну шавкатидан Хожа Аҳрорнинг,
Валий санъатидан соҳиб виқорнинг,

Подшоҳлар, хоқонлар ҳамда султонлар,
Тоғирлар, чўпонлар ҳамда деҳқонлар,

Вазирлар, амирлар ҳам муаррихлар,
Толиби илмлар ҳам мударрислар,

Олимлар, шоирлар ва аҳли айём,
Аҳли жуд, аҳли сидқ, хулласи калом,

Нақшбандия тариқатини мухлиси,
Йил сайини ошмақда унинг нуфузи.

Шоҳлардан кўнглини узган фуқаро
Муришиди комилдан қилдирди чора.

Унинг барча айтган гапига кирди,
Нобакор шайхлардан юзин уғирди.

Фақирлар бахтини кўзлаб доимо
Роҳатини унутди табарруқ сиймо.

Хотираси кучли, ўткир суҳандон,
Донишманд Эшон деб билур Туркистон.

Не Туркистон, машҳур Хуросонда ҳам,
Қашқару Ажаму Бадахшонда ҳам.

Ҳофиза қуввати зўрки шу қадар,
Минг йиллик тарихни ёдида сақлар.

Жомий тутди унинг этагини маҳкам,
Изидан қолмади қадам бақадам.

Доимо интильди пири муришида,
Туркистон мулкидан чиққан хуршида.

Неча йилки, баҳраманддир меҳридан,
Ундан ўзга топмади бир меҳрибон.

Тирмашиб чиқди у энг баланд тоққа,
Чанқоқ ҳолда боқди тоза булоққа.

Баланд тоғнинг чўққисидан учди у,
Тоза булоқ зилолидан ичди у.

Йиллар ўтиб, Жомий касб этди камол,
Тасаввуф мулкида кўрсатди жамол.

Бугун у эл-юртда соҳиб ихтиёр,
Аҳли айём ичра фикри устувор.

Хуросонда илму назм зуккоси,
Нақшбандия тариқатини пешвоси.

Эътиқоди баланд Хожа Аҳрорга,
Туркистон элида насли аброрга.

Маънавий пир дебон билур узига,
«Қаъбан мақсуд» деб кирур сузига.

Сўхбатин олмакка ошиқар мудом,
Садоқат тахтида айлар эҳтиром.

Мириқиб тингларди ҳикояларини,
Кўнглига жойларди ҳур гоиларини.

Илми ғайб асрорини билмакни истаб,
Наздидан кетмади, кўрди у мусҳаф.

Варақ-варақ ўқиб китобларини,
Тинглади эркин дил хитобларини.

Фикрат махзанида бўлиб саройбон,
Ҳикмат уммонида сузди беармон.

«Фикрот ул-орифин» чархлади фикрини,
Ҳикматга йўғирди забону зикрини.

Умрию назмига бағишлаб маъно,
Қалбига нур бўлиб кирди соф ҳаво.

Орифлар етаклаб камолот сари
Ижодини безади фикрат гавҳари.

«Волидия» солди юрагига ўт,
Фикридан бир лаҳза бўлмади унут.

Тушлар қолиб кетди у билан бирга,
Тонглари оттирди шўнғиб фикрга.

Ҳазрат Навоий ҳам унинг уйида,
Нақшбандия тариқатин куйида

«Волидия» билан бўлганди ошно,
Англаб етган эди не фоқру фано.

Кўнглидан ўтганди, балки, ушанда,
Ҳайратда кезганда фикран гулшанда:

«Ота хоҳини-ла айттинг, қай фарзанд,
Бундай китоб битган жавҳарга монанд.

Ҳам фақр, ҳам фано тариқида у
(Янги ган тасаввуф тарихида бу).

Бундай давлат қай ўғулга муяссар
Бўлиб эркин, ота амри — тожи сар,

Ота амри билан бундайини маъқул,
Шойишта хизматни қилмиш қай ўғул.

«Волидия» — ушалган энг афр орау,
Маърифат денгизин дурдонаси у».

Ҳайратга чўмганмен фақир ҳам ўқиб,
Ҳам фақр ҳам фано асрорин ўқиб.

Инсон зоҳирини ботинини тамом
Покиза қилмакка чорлар ҳар айём.

Бу асар туфайли Навоийнинг ҳам
Қисмати Ҳазратга бўйланди маҳкам.

Ва яна: «Фикрот ул-орифин» нури
Туфайли ёришди фикри-шуури.

Орау билан ўтиб ёшлик замони,
Унга етмак эди буюк армони.

Ҳусусан, Жомийнинг ҳикоялари,
Ҳазратнинг аъмоли, ҳур гоилари.

Авлиёлик каромати асрори,
Тариқати хожагонда аҳрори,

Зоти киром ҳоли — ҳаёт низоми,
Ҳиммати, шавкати, илму урфони

Улуғ таассурот қолдирди унда,
Боши омон бўлсин рубъи масқунда.

Унинг суҳбатига етмак истади,
Пирим деб илқидан тутмак истади.

Меҳрига етсам деб ўйлади узок,
Ўйлари уни тинч қўймади бироқ.

Оқибат, Навоий қолмай армонда,
«Таҳсил учун Самарқандга боргонда».

Хожа Аҳроп дийдорига етди у,
Улуғ Эшон қўлларини тутди у.

Фақир рақам этдим буни илгарин,
Пиру муридга бир котиб сингарин.

Асосий мавзудан бир оз чекнидим,
Ҳазрат Навоийга яна сиғнидим.

Фақир тилим яйраб Навоий десам,
Не тил, дилим яшнар Навоий десам.

Навоий деганда, равои қаламим,
Дилга шодлик тўлар, қолмас аламим.

Навоий деганда, ажиб мўъжизот,
Кўзимга кўринмас ундан буюк зот.

Бу сўзим бировга ёқар ё ёқмас,
Оламда Навоий бўлса менга бас.

Навоийсиз менга хароб бу дунё,
Мени алаб утган сароб бу дунё.

Бу дунёнинг ҳашамати Навоий!
Не ҳашамат, шаън-шавкати Навоий!

«Хуроия» банд айлади фикратин,
Мағзини чақди бир рубоий ҳикматин.

Абу Саъид Абулхайр бир замон
Яратган бу рубоийда не шинҳон?

Беш аср утса ҳам машҳурдир нега?
Шоҳу гадога ҳам манзурдир нега?

Не маъно яширин, мубҳам не асрор?
Мулча шарҳталабдир нега бу анҳор?

Ким билур, унда не демакчи шоир?
Не бор муҳокама ё баҳса доир?

Нега ҳар ким ҳар хил талқин этдилар?
Нега улуғ зотлар таҳлил этдилар?

Нега тилдан тушмас, нега қилур ёд?
Нега унутмайди уни одамзод?

Сайид Неъматуллоҳ Валлий неча бор,
Амир Сайид Қосим Анвор бетакроп,

Маҳдум Шайх Озарий нега этиб мадҳ,
Рубоийни таҳлил этиб, ёзди шарҳ?

Нега Хожа Аҳроп ҳам боа урди даст?
Нега таҳлилига жон этди пайваст?

Нега шарҳлаб битди рисолаи хос?
Мазмуни келдими ё руҳига мос?

Ҳаёл гирдобиди Жомийнинг боши,
Ўйлиб ётибди саволлар чоши.

Абу Саъид Абулхайр фарзона
Шоир булмаганда, бундай дурдона

Рубоийни, балки, қилмасди ижод,
Ким айтур: у туркий ё форсий нажод?

Шоирга бахт йўқдир бундан зиёда,
Бир рубоий бирла машҳур дунёда.

Яна замонанинг энг буюклари,
Буюклар ичида энг суюклари.

Эъозлаб, шарҳидан юритса калом,
Ед айтиб юрмакни кунгли этса ком.

Раҳмат, бундай шеърни битган инсонга,
Номини таратди аҳли жаҳонга.

Жомий билан суҳбатида бир айём,
Навойи ҳам ундан очганди калом.

Сўз борарди Амир Темур мадҳида,
Анингдек шоҳ йўқдир олам саҳнида.

Илтифот қилмаскан айтмакка назм,
Аммо, назму насрга этганда жазм,

Вақтини, ўрнини топиб, билогон,
Шундай ўқирканки, лолдир суҳандон.

Унинг бир байт ўқигани, биродар,
Минг яхши байт айтган билан баробар.

Аслида гап бундай: Темур кўрагон
Фарзанди Мироншоҳ гарчи ҳукмрон,

Ичкиликка рўжув қўйди, беқарор,
Хожа Абдулқодир бунга айбдор.

Ерга қаратиб у Мирзонинг юзини,
Девонага солиб юрарди ўзини.

Соҳибқирон юриш қилди Ироққа,
Аммо, Абдулқодир тушди туюққа.

Тутиб келтирдилар уни шу замон,
Қилмишига бўлсин дебон пушаймон.

Зеро, берган эди унга камолот:
Қуръон хифзи билан илми қироат.

Филҳол баланд овоз билан Қуръонни
Ўқиди, лол айлаб Соҳибқиронни.

Ҳазратнинг газаби лутфга алманши,
Қуръон оҳанглири жонга тутанши.

Фахлу камол аҳли сари боқди у
Вақтида ўқиди мисрани ушбу:

«Абдол зи бим чанг бар муҳаф зад».

Барча ҳайрон, лек девона осмонда,
Гуноҳкор қўллари соҳибқиронда.

У қўриб, Қуръонга қўлин узатди,
Вайрон бўлган тақдир уйини тузатди.

Мазкур мисра Хожа Аҳрор шарҳ битган
Рубойининг мазмунини зар этган.

Жомий бош кутариб ҳаёл наҳридан,
«Хуроия» дуррин терди қаъридан:

«Ҳавро ба назоран нигорам саф зад,
Ризвон зи таажжуб кафи худ бар каф зад,

Он холи сияҳ бар он руҳон мутраф зад,
Абдол за бим чанг бар муҳаф зад».

Рубойини солсак лисонимизга,
Ажойиб мазмуни англолар бизга:

«Хурлар нигорини кўриб торғди чу саф,
Ризвон таажжубда уриб кафтига каф,
Ул қаро холи юзларига пайдайи нафъ,
Абдол чўчиб қўлига олди муҳаф».

Жавоб топган каби саволларига,
Кужсин тутди даврон шамолларига.

Мамнун бўлиб Хожа Аҳрор шарҳидан,
Саҳв топмади «Хуроия» тарҳидан.

Ҳазратга нисбатан меҳри жўшиб боз,
Муборак номини этди сарафроз.

Мовароуннаҳрга қилганда сафар
Суҳбатига доим бўлди муяссар.

Ойлаб қолиб кетди унинг ёнида,
Самарқанд, Тошканду Андижониди.

Хожа Кафийий, Мотрид, Камонгаронда
Саодат тасбеҳини кўрди Эшонда.

Диққат гўшини тутиб Нирнинг сўзига,
Керакли нарсани олди ўзига.

Бошини қўйи солиб тинглади уни,
Ҳикмату фикратини бўлди мафтунни.

Ҳикоя айтганда ҳайрати тонди,
Илҳомбахш суздан гафрати онди.

Шунчалар суҳандон эдики ул зот,
Ҳайрат қўлогини тутди конют.

Сўзлаган чоғида ёнарди ўтдек,
Не ўт, чақнаб турар эди бургутдек.

Қаратиб оларди ўзига элини,
Мисоли тошқиндан тўхтатиб селини.

Дарёлар шовқини тиниб бир нафас,
Унга қулоқ солиб турарди бесас.

Бир лаҳзага тўхтаб Қўҳак ели ҳам,
Мароқли суҳбатини тингларди хуррам.

Тонгда қўён, ой ва юлдузлар оқини,
Суҳбатини олмакка чиқарди мудом.

Подшоҳлар, вазирлар, амрлар келиб,
Шоирлар, олимлар, кабирлар келиб,

Келиб деҳқонлару аҳли ҳунарманд,
Наздида тутарди ўзини аржуманд.

Суҳбатдан сўнг бўлиб мушқили кушод,
Уни тарк этарди шоҳу гадо шод.

Булмаса оламгир, зукко суҳандон,
Суҳан лашкарига доно қўмондон,

Сўзамол, билимдон бўлмаса агар,
Бўлмаса ширинсўз, хушгап, суҳаншар,

Бўлмаса гапининг мағзи ва дони,
Уйиниб турмаса маъно хирмони.

Келмас эди, балки, нажот сўроқлаб,
Юраги тўрида меҳрин ардоқлаб.

Шул важҳ, Туркистондан токи Хуросон
Ҳазратнинг амрига бўйсинди осон.

Шул важҳ, Ҳинду Хито, Арабга қадар,
Ажаму Румнинг ҳам тожида гавҳар.

Бундай олий зот йўқ бугун оламда,
Машҳури олам йўқ дини исломда.

Шундай буюк инсон наздида Жомий,
Обрўю эътибор фазида Жомий.

Сўхбатлашган сайин авлиё билан,
Эл унга боқмақда маҳлиё билан.

Азиз киши билан бўлмақда азиз,
Азиз бўлган сайин сўхбати лазиз.

Пири каби хоксор, нурли бир одам,
Фаришта чехрали — бундай одам кам.

Хуросонда шоир бўлса ҳам донгдор,
Назм кишварига гарчи ҳукмдор,

Камтарлик бобида тенги йўқ эди,
Иззату икромдан кунгли тўқ эди.

Хусусан, «Фақирлик — фахримиз» дебон
Хожа Аҳрорга у келтирди иймон.

Унинг таълимотин этдириб давон,
Узи ҳам қозонди Хуросонда ном.

Зероки, «ал-фақру фахри» гоёси
Ҳаёт фалсафасин булди доёси.

Бу гоё тарқалиб халқ ичига ҳам,
Эътиқод боғига келтирди кўклам.

Ижод мазмунига айланиб шоён,
Назмида узини этди намоён.

Неча йил кузатиб пир ҳаётини,
Улус аро топди дил нажотини.

Фақирлик мулкнинг шаҳаншоҳи деб,
Ҳашамат қасрига жаҳон берди зеб.

Фақр ҳурриятин паноҳи дебон
Ҳазрат аъмолидан огоҳдир замон.

Тухфа бўлсин дебон улуг Эшонга,
Кунгил дурларини тўқди дostonга.

«Тухфат ул-аҳрор» деб чекдию рақам,
Садоқат қасрига бахш этди ҳашам.

Хожа ҳазратлари нима деркин деб,
Ушбуни ёд этди фақр гамин еб:

«Зад ба жаҳон навбати шоҳаннаҳй,
Кавкабан фақри Убайдуллоҳий.

Рўй замин к-аш на сару на бун аст,
Дар назараш чун рўй як нохун аст.

Он ки зи ҳуррияти фақр оғаҳ аст,
Хожан Аҳрор — Убайдуллаҳ аст».

Ўзбекча таржима қилинса агар
Мазкур байтлар ажиб оҳангда янгра:

«Келди бу жаҳонга шоҳлик навбати,
Фақир Убайдуллоҳ шаъну шавкати.

Рўй замин бошу кети йўқ магар
Наздида ер юзи бир тирноқ қадар.

Фақирлар эркидин доим огоҳдир,
Улки, Хожа Аҳрор — Убайдуллоҳдир».

Қалбида мавж уриб ўтли туйғулар,
Тунлари кўзидан қочди уйғулар:

Ҳазрат меҳри билан юраги урди,
Томирида ҳаёт қони югурди.

Дунёни билмади Хожа Аҳрорсиз,
Тасаввуф қилмади Хожа Аҳрорсиз.

Хожа Аҳрор билан олдию нафас,
Калому пандини билди муқаддас.

Хожа ҳазратларин зебу зевари,
Киши фазилатин нодир гавҳари.

Камтарлик кўйини этганда обод,
Саховат уйини айлади бунёд.

Ҳиммат гулшанида сайр этганда,
Карам гулларини этмади канда.

Одиллик ниҳолин эккан чоғида,
Ҳалоллик мевасин терди боғида.

Адолат тахтига қуйганда қадам,
Истибод тожига қарамади ҳам.

Жомийга ибратдир пир фазилати,
Кўзига қароғдир панд-насихати.

У зийнат бағишлар дostonларига,
Тароват, файз берар бустонларига:

«Силсилат уз-заҳаб», «Тухфат ул-аҳрор»,
«Юсуф ва Зулайҳо», «Сибҳат ул-аброр»

Ҳам «Хирадномаи Искандарий» ком,
Ҳазратга кийгизди тожи эҳтиром.

Унга қараб деди Мавлоно Жомий,
Келажакни кўрган фарзона Жомий:

«Ба ту шамъи равшандилон зинди бод!
Бар офоқ нури ту тобанда бод!»

Форсийга ҳамоҳанг туркий лисони,
Таржима бобида беҳад имкони:

«Сен-ла ноқдильларни шамъи бор ўлуб,
Сен-ла турсин бу жаҳон нурвор ўлуб».

Шул ваҳждин нигилди табаррук зотта,
Ҳаёти, аъмоли зур мўжизотта.

Баҳра топиб доим суҳбатларидан,
Огоҳдир дунёнинг хилқатларидан.

Алишер Навоий таклифи билан
«Нафоҳат ул-унс...»ни у тузар экан,

Тангри таолонинг азиз бандаси,
Тасаввуфнинг ийрик намояндаси

Хожа Убайдуллоҳ зикрини эгиб боб,
Китоби бағрига яширди офтоб.

Шайхларни мадҳ этди унда насрода,
Ўтган булсаларда қайси асрода.

Барҳаёт шайхлардан эса ягона
Хожа Аҳрорни васф этди мавлоно.

Икром нури балқар ҳар каломида,
Ҳар калом маъноси аҳтиромиди.

Пирига ё пири битганда мактуб,
«Ал-фақир...» сўзини кўрдилар марғуб.

Бир-бирисидан камтар ва хоксор,
Фақирлик фахрини этмиш ихтиёр.

Хожа Убайдуллоҳ ақидалари
Абдураҳмон Жомий умрининг зарри.

Ҳаёти, аъмоли, аъвори ўхшаш,
Ҳикмати, фикрати, аҳрори ўхшаш.

Буни яхши англаб, балки, Жомий ҳам,
Эътиқод суҳбида чеккандир рақам:

«Роҳату ранж бувад гузарон,
Ранж каш баҳри роҳати дигарон.
З-он ки бошанд ба мазраъи умед,
Ранжи ту тухми роҳати жовидон».

Ўзбекча маъносин англамак бўлсанг,
Ранж чекмай, роҳат қил, қадрини билсанг:

«Ўткинчи нарсадир роҳат ҳам, ранж ҳам,
Ўзга роҳати деб сен чек ранж, алам.
Чунки ранжинг умид экинзориди.
Роҳат уруғидир абадий, ҳар дам».

IV

Султон Аҳмад мирзо узидан кетди:
Эзгу ишларининг бошига етди.

Манманлик тахтида ҳавоси баланд,
Не ҳаво, оламга даъвоси баланд.

Элга берган ваъдаларин унутди,
Ўзига ишониб қалгис йўл тутди.

Хожа Аҳрор пандларига боқмади,
Меҳри сўнган эл меҳрини ёқмади.

Йўлдан урди уни нобон амирлар,
Нобон амалдорлар, нобон кабирлар.

Кўзига Ҳазратни кўрсатиб ёмон,
Бўзчидек тўқиниши ибвою бўхтон.

Яна Тошканд этди ҳаёлини банд,
Торлик қилган каби унга Самарқанд.

Катта лашкар тўлаб боз Регистонга,
Юришни бошлади Тошканд томонга.

Бундан хабар тонган Ҳазрати Эшон
Йўлидан қайтармак истади шу он.

«Чунки, — деди унга, — сулҳни яқинда
Зўрға тузган эдик қолиб чақинда.

Битимга биноан, эй азиз фарзанд,
Султон Маҳмудхонга берилган Тошканд.

Мулки азим анинг ихтиёрида,
Қўйинг, тинч яшасин ўз диёрида.

Шартномани бузиш муносиб эмас,
Дўст киши сизга ҳеч офарин демас.

Тарафдор бўлмагай бу инда сизга,
Укангиз устига юришда сизга.

Ўттиз беш баҳорни кўрибди энди,
Қўйинг, тушимда у менга кўринди.

Битимга хиёнат оқибати ҳам
Хайрли бўлмагай, маълумдур бу дам.

Лашкароҳга қайтса ҳўб ўлғай лашкар,
Қай эр йиғит, айтнинг, аҳдини бузар.

Сизга жоним оғриб айтдим бу сўзин,
Ёниб турган ўтга урмангиз ўзини...»

Султон миқ этмади. Ҳазрат кўзғолди,
Хожа Кафрий томон маҳзун йўл олди.

Қулоқ солмай Ҳазрат маслаҳатига,
Вақтида қилинган насиҳатига,

Инобатга олмай илтимосин ҳам,
Аҳмад мирзо қўйди ножўя қадам.

Юз эллик минг лашкар билан беомон,
Тошкандга отланди бепарво султон.

Уч кун урушдилар акаю ука,
Уч кун тарк этмади элни таҳлика.

Каттакон жанг бўлди уч кеча-кундуз,
Бекинди булутлар ичра ой, юлдуз.

Ерда нима бўлди? — хабарлари йўқ,
Туйнукдан боқсалар — лашкарлари йўқ.

Булутлар тарқалиб, кетмиш изига,
Пардасин тўсмабди осмон юзига.

Ерда бўлган гаплар эса баҳслидир,
Аҳмад мирзо ҳаёлининг аксидир.

Урушди-да икки томон аёвсиз,
Эришмади галабага бировсиз.

Аммо, шунда Аҳмад мирзо лашкари
Яшинга дуч келди мағлуб сингари.

Ки Муҳаммад Шайбонийхон ногаҳон
Утиб кетди Султон Маҳмудхон томон.

У билан келишиб бирга жанг қилди,
Султон Аҳмад мирзо ҳолин танг қилди.

Лашкари энгилиб, кўп бериб қурбон,
Аскарлар ваҳмдан қочиб ҳар томон,

Чирчиқ дарёсида оқиб кўллари,
Мағлуб қайтди султон Самарқанд сари.

Гапига кирмаган қайсар султонга
Нисбатан ўзгарди фикр Эшонда.

Муносабати ҳам шундан ўзгарди,
Эритиб бўларми дилдан музларни.

Оқилна маслаҳатга нописанд
Қарамакнинг сабаблари кўп гарчанд.

Халқ наздида топиб юксак эътибор,
Султонлар меҳридан бўлиб бахтиёр,

Ҳазратнинг обрўси юксалган сари
Уни тинчитмади «дўст» душманлари.

На чора? Шариат пешволари ҳам,
Амиру амалдор «ошна»лари ҳам,

Обрусин тўқмакка қилиб ҳаракат,
Керак бўлса, қилиб сарфу харажат,

Жонига қасд этмак булдилар зимдан,
Қасд этса, айбини қурарди кимдан?

Турли йўллар билан камситса уни,
Эҳтимол, аламдан битади куни.

Ҳатто, султон билан орасин бузиб,
Душманлик йўлида фитна юргизиб,

Гумон қўзғатсалар, кошки, султонда,
Шубҳа тўғдирсалар унга девонда.

Кўксарой бўлсаю тамом бегона,
Чироққа урмаса ўзин парвона.

Хулас, душманлари кичикмас — катта,
Каттага катта куч керак, албатта.

Аммо, Хожа Аҳрор билиб иззатин,
Худога тоширди улар қисматин.

Бир қиссани эъсам назмда баён,
Душманлар ҳийласи бўлур намоён:

«Бухородан Хожа Мустафо Румий
Шаҳрисабз орқали қувониб руҳий

Самарқандга келар эди серикром,
Хожа Аҳрор зиёратин этиб ком.

Шаҳрисабзга қўнганида (сирли зот)
Мирак Ҳасан билан қилди мулоқот.

Хожа Мустафога дебди у хушёр,
Гарчи султон девонида амалдор:

«Сен бир мард кишисан, Хожа Мустафо,
Мен бир гапни айтсам қилиб муддао,

Ҳазрати Хожага етказурмисен?
Фақирни ташвишдан қутқазурмисен?»

«Ҳа, етказурмен», деб Хожа Мустафо
Қўнглига берибди унинг тасалю.

Мана шундай нақл қилди бир дарвеш,
Қўнглига гулгула солибди ташвиш:

«Булганимда Ҳазрат суҳбатларида
(Ташвишли кўринган фурсатларида)

Фақир билан бирга Ҳазрати Хожа
Наздида бор эди Хожа Мустафо.

Ҳазратга қараб у деди: «Яқинда
Мирак Ҳасан билан учрашганимда,

Бир гапни топширди Сизга айтинг деб»,
Ҳазрат сўрди: «Қандай гап экан?» Жимиб,

Сунгра Мирак Ҳасан гапни етказди:
«Аҳмад мирзо жондин тигин ўтказди.

Султоннинг қолгандир озгина жони,
Ҳазратга боғлиқдир қолган имкони.

Ани ҳам олсин-да илтифот қилиб,
Бизни халос этсин, андин ишқилиб».

Бу гапни эшитиб Ҳазрати Эшон
Рухида ўзгариш булди намоён.

Опоқ сочлари тик тургандай булди,
Қўллари устига қўйди-да қўлни,

Деди: «Бу ит бизни (домла тутмакда)
Қассоблик қилмакка даъват этмакда».

Ҳазабдан ўзларин зўрга тутдилар,
Даст турибон уйга кириб кетдилар.

Ун беш кундан кейин Мирак Ҳасан бир
Гуноҳи тўфайли қилинди таҳқир.

Учраб Султон Аҳмад мирзо қаҳрига,
Дафъ этилди жаҳаннамнинг қаърига,

Тириклайин терисини шилинг, деб,
Буюрилди... Тирикларнинг гамин еб».

Маълумат тошларин отиб беомон,
Душманлар ҳаётдан тонмади омон.

Қазиган чоҳига йиқилиб ўзи,
Қўлларнинг оқибат очилди кўзи.

Баъзилар ҳаётнинг дарсин ўқмади,
Боши берк кўчадан қайтиб чиқмади.

Айрим шахслар боши тегиб деворга,
Бошини суқмади кейин ниқорга.

Нокаслар пишириб фитна ошини,
Ошдан сунг едилар дустнинг бошини.

Ҳасад тузоғига илинган жонлар
Айбини англаб кеч, қилди пушмонлар.

Шон-шуҳрат кетидан қувган одамлар,
Шуҳратта етолмай, чекди аламлар.

Ёмонлик йулига қадам қуйганлар,
Кишилик нонига, балки, туйганлар.

Ёмонлик дарахтин меваси заҳар,
Яхшилиқ боғининг меваси шакар.

Ўзгага қасд этган киши наст бўлур,
Ҳаёт йулида хору хас бўлур.

Бир мусулмон кўнглини хурсанд қилган зот
Савоб гулшанида топади ҳаёт.

Бир мўъмин банданинг бошин силасанг,
Худо берур сенга, нима таласанг.

Ўзинг тоза бўлсанг, дилинг бўлса пок,
Балолардан асрар замин у афюк.

Қўлингни узатсанг ҳаром таомга,
Бир кун илинасан буйнингдан домга.

Ошинг ҳалол бўлса ичгин кўчада,
Дустлар чироқ бўлмай қаро кечада.

Шуҳрат балосига йулиққан каслар,
Ёмонлик даштида бўлди нокаслар.

Алқисса, ёмонлик неъматин ёмон,
Ёмонликдан қочинг яхшилиқ томон.

Яхшилиқ кишварин қилиб ободон,
Яхши ном чиқарди Ҳазрати Эшон.

Худо ҳам қўллайди яхши кишини,
Доимо унғ қилар унинг ишини.

Яхшилиқ қилиб гоҳ ёмонлик кўрдим,
Яхши кишилардан шодмонлик кўрдим.

Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари ҳам
Яхшилиқ туфайли чекди ранж, алам.

Бир мунгли ҳикоя олган тинчимни,
У ҳолга солмасин худо ҳеч кимни:

«Ул Хожа Муҳаммад жарроҳнинг ўгли
Мавлоно Маъруфнинг сўзлари чўгли.

Мен Ҳиротда эдим, деди у нолон,
Хожа Мавлоно ҳам бўлди намоён.

Кўргани келдилар биродарлари,
Аҳли ҳолу шаҳар ақобирлари.

Сўзлари паришон Хожа Мавлоно
Ҳолдан ачинди аҳли фарзона.

Шундан сунг олдига жуда кам одам
Борарди, оёғи торгмасди кўп ҳам.

Охири яшади қадам расида
Оддий амир Чақмоқ мадрасида.

У дерди наздига келган одамга,
Кўнглини тўлдириб ҳасрату ғамга:

«Буларнинг ҳаммаси (хунук тақдирга)
Уша шайхнинг каромати (фақирга)».

Шунда деди келганлардан бири лол:
Эй Хожа Мавлоно (келмасин малол),

Сиз шайх ул-исломсиз (азиз инсонсиз),
Самарқанднинг соҳибсиз (комронсиз),

У ерда ҳурматда аждодларингиз,
Не аждод, иззатда авлодларингиз.

Умрингиз сунгида бундай ҳурликка,
Паришонхотирлик, ношукурликка

Дучор бўлишингиз сабаби аён,
Уша шайхнинг каромати беғумон».

Оқибатда Хожа Мавлоно ночор
Касаликка учраб қолди, беқарор.

Фақир эса унга қарашиб турдим,
Бир куни ғалати ҳолатда кўрдим.

Ҳужрасига кирсам (пушаймонман минг),
Устида утириб нажосатининг,

Қўли билан титиб, бармоқларини
Бурнига келгириб, ҳидламинг уни.

Эй Мавлоно Маъруф, деди у бирдан,
Нажосатнинг ҳиди ёқимли экан,

Деганин эшитиб, унга нисбатан
Нафратим ошди-да, эсга дафъатан

Ҳазрати Эшоннинг сўзлари келди,
Қисмат қаҳрин кўриб бошим эгилди.

Ул ҳазрат деганди ушанда доно:
«Жуалдай ўлғайдур Хожа Мавлоно».

Дарвоқеъ, ушандай бўлди оқибат,
Яқин қолган эди унга охират,

Мавлоно Муҳаммад Муаммой бир
Куни ҳузурига келса, ул тақсир,

Кўзларини очиб дебди бемадор:
«Ҳурматли Мавлоно Муҳаммад саркор,

Хожа Убайдуллоҳ — зоти муҳтарам
Зиёратига гар қўйсангиз қадам,

Гуноҳларимизни айтиб қулай дам,
Анга етказгайсиз узримизни ҳам:

Нима қилган бўлсак, иззатталашлиқ,
Обрў орттириш-чун қилдик биз ғашлик.

Энди ҳаммасидан воз кечдик тамом,
Карам қилсинлар-да ул зоти киром

Гуноҳларимизни бағишласинлар,
Пунаймон эканим охир билсинлар».

Шундай дебон кўз юмди у оламдан,
Олам эса кам бўлмади одамдан».

Мавлоно Маъруф бу мунгли қиссани
Муҳаммад Қозига айтиб, ҳиссани

Қолдирган келажак китобхонига,
Кириб Хожа Аҳрор хонадонига.

Ва лекин бунгача қиссани ушбу
Ҳазрати Эшонга сўзлаб берган у:

Унинг кайфияти яхши чоғида,
Сайр этиб юрганда Мотрид боғида.

Хожа Аҳрор таъсирланиб бу ҳолдан,
Хожа Мавлонони узмай ҳаёлдан,

Гуноҳларин бағишлаган ниҳоят,
Шунинг билан тамом бўлди ҳикоят.

V

Касалликни олмай бўйинга ҳамон
Охир этиб қолди Ҳазрати Эшон.

Қариллик ўзини кўркатган сари
Белида камайди ҳаёт жанҳари.

Танидан куч кетди — камдир дармони,
Ҳали юрагида қўндир армони.

Умр дарахти ҳам тебраниб қолди,
Кўнглига ташвишу тугёнлар солди.

Назар солжа босиб ўтган йўлига,
Узоқдир, қарвони кирмас қўлига.

Аммо, елкасида фуқаро юки,
Аъмолининг буюгидан буюги.

Қарвон боши узра сузади оёни,
Ҳамонки, муҳташам умид сароёни.

Дард чангал солмақда унинг жонига,
Шодликни йўлатмас хонадонига.

Азия ўғлонлари посбон бошида,
Қавму қаришдону султон қошида.

Хожа Кафшій маҳалласи беором,
Самарқанд аҳлининг кўнгли тийра шом.

Табиблар дардига қидирар даво,
Давосин тополмай қийналар, аммо.

Хожа Ҳазрат эса эмас нотавон,
Умид саройида мисоли султон.

Муҳаммад Қозини чорлаб наздига,
Ишонч кўзин тикиб унинг фазлига.

Ҳиротга жўнатди сезиб мушкилот,
Жомий, Навоийга битиб мактубот.

Султон Ҳусайнга ҳам йўллади салом,
Салтанат тахтида айлаб оҳтиром.

Муҳаммад Қозига қўшиб ҳамроҳлар,
Султон Аҳмад мирзо кўрсатди роҳлар.

Султон Ҳусайнга қилиб илтифот,
Табибин тилади қидириб нажот.

Амир Алишерга ёзганда мактуб,
Кўнгли кўрди яхши сўзларни марғуб.

Бу галмас, доимо юборса нома,
Эзгу гапни чекди қоғозга хома.

«Меҳрибонлик манбаи» деб меҳрибон,
«Муҳтарам мавлоно Алишер» деб жон —

Кўйдириб, ҳурматин тутди сарбаланд,
Кафтида кўтарган каби Самарқанд.

Печа йиллар бурун ташвини чекибон,
Жомийга битганда мактуби шоян,

Навоий саройдан кетмак бўлганда,
Сабрининг қосаси гўё тўлганда,

Мурожаат қилиб илтижо билан,
Муродни аниқлаб илтимос билан,

Худонинг ҳурмати учун салтанат
Фармонинг Ҳазратга қилиб марҳамат,

Лозим бўлган ҳолис вазифаларин
Бажариб, топмасин василаларин.

Қандайки нафъ келтиролса саройда,
Манфаати муслимларга у фойда.

Ҳақиқатдан яхшилик ва манфаат
Келтирин бу ҳазратгадир нек одат.

Деб ёзганди унга ҳеч бермай эб
Ва чекмиш: «Ал-фақир Убайдуллоҳ» деб.

Бу қадар ўзини фақир ва хоксор
Тутмакнинг ўзида бир буюклик бор.

Камтарга камолу манманга завол,
Ҳикматин, биродар, ўзинг билиб ол.

Шундай мактуб ёзиб Навоийга ҳам
Илтимос этганди Эшон аъзам:

«Кўндан бери бу фақирда сиз билан
Бир қарра мулоқот фикри тугилган.

Шарафли бу орау, саодат қачон
Ва қандай муяссар ўлғайдур билмон.

Муслимлар нажотсиз нотинч замонда,
Сиз қолинг деганди унга девонда.

Чунки инсон гамин ёйишга ҳеч ким
Эътибор қилмаган даврда, балким,

Мусулмонлар манфаатин кўзлаш ком,
Олижаноб фиолинг. «Васалюм.

Ал-фақир Убайдуллоҳ деб чекиб имзо,
Навоий ҳурматин келтирмиш бажо.

Яна мактуб битиб, жавоблар олди,
Эшон ҳам, амир ҳам савоблар олди.

Бу сафар ҳам унга ёганида хат,
Ҳар сўзда акс этди меҳру муҳаббат.

Султон Ҳусайн, Навоийнинг табиби,
Не табиб, шоиру шоҳнинг ҳабиби

Улуғ ҳаким Абдулҳайни тилади,
Чунки Ҳазрат уни яхши билади.

Хожа ҳазратлари гарчи тўшақда,
Соғайиш умиди устун юракда.

У касал бўлмакни кўрарди ёмон,
Унча-мунча дардга бермасди имкон.

Ўзини ҳамиша меҳнатга уриб,
Ландавур кимсани кўрмасди кўриб.

Ёши ўтган сайин кетиб кучи ҳам
Аввалгидек эмас бақувват, бардам.

Қариллик фаслининг қаҳратон киши
Совуғига бардош бергай қай киши?

Чарх қавсига ўхшар энди қомати,
Аммо, қаддин тутмак унинг одати.

Эгилиб юришни истамас асло,
Бўлмаса-да, чинор сингари расо.

Хиралашган эмас кўзлари ҳамон,
Кўзойнак тақмасдан ўқийди осон.

Қалби кўрга тўла, кўзлари нурга,
Буюк ақли етар икки умрга.

Вале дармонсизлик сезиб гоҳида,
Ўзини асрайди Ҳақ паноҳида.

Бу навбат кучлироқ хуруж қилди дард,
Олишмай бош эгар, айтнинг, қайси мард?

Сурагувчи кўпдир гарчи ҳолини,
Ҳазрат яхши билур уз мажolini.

Бошида Мавлоно Қосим парвона,
Ёнига киролмас аҳли бегона.

У Эшоннинг улуғ сўҳбатдошидир,
Элик йилдан бери бир йўлдошидир.

Анжуманда ҳамдам — хилватда маҳрам,
Сафарда ҳамқадам — дардига малҳам.

Элик йил ҳазратда бўлиб хизматда,
Меҳрибонлиг умри ўтди иззатда.

Асли анинг Фаркат навоҳисидин,
Тошканд андалибин навогоҳидин.

Ҳазрати Эшонга андин ўзга зот
Яқин бўлганини билмайди ҳаёт.

У доим биргадир узоқ-ёвуқда.
Ташвишни тенг кўрди иссиқ-совуқда.

Ҳазрат меҳри унга ўзгармади ҳеч,
Бўлакка илтифот кўрғазмади ҳеч.

Мавлоно Қосимга ишониб Эшон,
Муҳим масалалар бўйича мудом

Арбоблар ҳожатин чиқармак учун
Султонлар қошига йўлларди мамнун.

Султонлар қаршилаб, ҳурматлаб шодон,
Қошида таъзим-ла ултириб комрон,

У неки Ҳазратдин қилса рисолат,
Миннат тутиб, яна этиб илтифот,

Худди шундай кузатарди эъзолаб,
Қилган хабарига чора пардозлаб.

Мавлоно илоҳий зот эди бутун
Кўрган киши унга буларди мафтун.

Ҳазрат Навоий ҳам деганди шоён,
Фоний зотлигига келтириб иймон:

«Хожа ҳазратлари аҳли мусулмон
Маслаҳати учун Хуросон томон

Мовароуннаҳрнинг бўлиб гамида,
Рисолат расми-ла юборганида,

Бул фақир аларни кўриб ул айём,
Сўҳбат кўриб, шайдо бўлгандим тамом.

Ул ишни бажариб жўнади комрон,
Ҳурматин жойига қўйди Хуросон.

Ҳирийда кўрди ул иззат-икромлар,
Эъзолаб, зиёфат қилди султонлар».

Аввал бўлиб ўтган воқеа мазкур
Навоий ёдида қолди бир умр.

Муҳаммад Қозига Мавлоно Қосим
Тайинлаган эди табибни маъсум.

Бориб-келишингиз шарт деб Ҳиротга,
Кўзларин тикканди бир муъжизотта.

Етмишдан ўтганди Мавлоно ёши,
Қорли чўққиларга ўхшарди боши.

Ҳазратнинг қошидан кетмасдан нари,
Дардига эш бўлди табиб сингари.

Унинг азим касаллиги бор эрди,
Сул ёнида қаттиқ санчиқ турарди.

Ҳаётдан улус бирла табиблар
Умид узган эди яна ҳабиблар.

Мавлоно бу ҳолини кўриб эслади,
Хожалар авлоди ишин истади.

Улар дилхоҳ элга бўлиб гамгусор
Касали юкини кутарса аҳрор

Ул сихат толарди. Ҳазрат илоҳим
Тузалсинлар дебон Мавлоно Қосим,

Оқибат қисматин буйнига олиб,
Фидолик қўйига у кирди голиб.

Ҳазрат ҳузурида кўнглини ёрди,
Ўзидан кечиб у ёрликка борди.

Деди: «Фидо қилдим сизга ўзимни».
Ҳазрат айтди унга: «Тингла, сўзимни.

Сен фақир кишисан, Қосим, биламан,
Ўзни фидо қилиб нима қиласан.

Кўп кишилар сенинг қарамоғингда,
Шуниинг учун қариб қолган чоғингда,

Бундай қилма, сен уларга кераксан,
Ақрабою ашлюдингга тиргаксан».

Шунда деди сокин Мавлоно Қосим:
«Бу ишда ўзгадур, Ҳазратим, роҳим.

Сизга келганим йўқ маслаҳат учун,
Бу ишни мен қилдим садоқат учун.

Ани қабул этди Ҳақ субҳонаҳу»,
Илтижо боғида таъзим этди у.

Қанча гапирса ҳам Ҳазрати Эшон
У бошқа ҳеч нарса демади, комрон.

Шундай қилиб, бемор гамини ебди,
Ҳазратнинг касали унга ўтибди.

Сул ёнида санчиқ туриб унинг ҳам,
Қаттиқ-қаттиқ оғрир эди дамба-дам.

Бир ҳафта шу дардга бўлиб гирифтюр,
Охир бандаликни этди ихтиёр.

Хожасига фидо қилди жонини,
Унга ташлаб кетди хонумонини.

Шундан сўнг тузалиб, саломат, омон,
Эҳтиёж сезмади табибга Эшон.

Қайтиб келганида Муҳаммад Қози
Оламдан ўтганди Мавлоно рози.

Ҳиротта бориб у келгунга қадар
Ўттиз беш кун ўтди... Йўқ фоний башар.

Муҳаммад ғам чекди — йиғлади унсиз,
Закий зот дардида ёнди тутунсиз.

Шу куни Ҳазратни тутиб икромда,
Олдига кирди у намози шомда.

Ниҳоят қайғуриб Ҳазрати Эшон
Мавлоно Қосимни эслади чунон:

«Олижаноб фазилатли, нймонли
Киши эрди — қўли очик, эҳсонли.

Қосим, олам аҳлин фахрига арзир,
У маънавий бойлик эди беназир».

VI

Бетиним утмакда йиллар карвони,
Устидаги юклар — инсон армони.

Карвоннинг сарбони кексайиб қолди,
Бекатлар йулида мунгайиб қолди.

Узоқ йул босиб лек ҳоригани йўқ,
Кўнгли ҳамон ёшир — қаригани йўқ.

Фикри тиниқ — чашма сувидек бултур,
Ақлнинг мезони — идроки ўткир.

Ғанининг мағзи тўқ — пуч ғани йўқдир,
Ади пенвосидан эл кўнгли тўқдир.

Ҳиммати стади етти иқлимга,
Хизмати сингиган аҳли муслимга.

Мовароуннаҳрда ундан буюк зот
Айни замонда йўқ — гувоҳ кониот.

Шоҳона буюклик, шуҳрат ила шон
Тахтида соҳиби давлат бу инсон.

Фақирлик кийимин кийса-да гарчанд
Шаън-шавкат соҳиби этди Самарқанд.

Аъмоли, ҳиммати ила фақирлик
Шоҳона тўн кийиб булди фахрлик:

«Чу фақр андар қабон шоҳи омад,
Ба тадбири Убайдуллоҳи омад».

Шуҳратли машъали Туркистоннинг у
Тенги йўқ сайқали Хуросоннинг у.

Машъала нуридан баҳраманд олам,
Не олам, васлида орауманд одам.

Жомий ҳам Ҳиротдан тўрт бор қўйди от,
Комил инсон билан истаб мулоқот.

Не мулк подшоҳлари интилди унга,
Майсалар буй чўзган сингарни кунга.

Меҳру муҳаббатин қозонай дебон,
Ҳузурига елди не амир, султон.

Улус-ку, беадад мисоли нужум,
Ойни урагандек, не тарки русум.

Манзил сари елар карвон гўёки,
Ўзига қаратиб аҳли дунёни.

Йул юрди — мўл юрди, сизди муҳлатни,
Босиб ўтди саксон тўққиз бекатни.

Ҳар бекат бир йилга қилинса қиёс,
Юракда жўшади меҳр ва ихлос.

Тошканди азимга етганда карвон,
Отдан тушиб ўлди тупроғин сарбон.

Муқаддас кўринди ота макони,
Олтин бешигида тебраиди жони.

Юраги гупиллаб ура бошлади,
Соғинчли туйгулар кўзин ёшлади.

Бир ажиб ҳис пайдо бўлдики унда,
Ўзига келмади юрак туқинда.

Ота юртнинг меҳри оҳанрабоми?
Дўсту ёрми ёки хеш-ақрабоми?

Тупроқли кўчалар, чаман боғларми?
Болалик ё ўспирилик чоғларми?

Анҳорларми, дарёларми, булоқлар?
Сайхонларми, адирларми, ўглоқлар?

Ота юртнинг меҳри ер-осмоними?
Қўшиғи, навоси, шеър, достоними?

Ҳавоси, иқлими, табиатими?
Асрори, ахбори, синоатими?

Мозорлари, бозорлари, сеҳрими?
Одамларнинг кўзидаги меҳрими?

Ота юртнинг меҳри недур, ёронлар?
Нега тортар ҳамон утиб замонлар?

Унда нимма пинҳон, не асрори бор?
Меҳрига тўйгани не қилмак даркор?

Ўзга ўлкалардан нимаси яхши?
Нега дилдан ўчмас ўлғунча нақши?

Ота юрт отасин макони эрур,
Не ота, бобосин ошёни турур.

Ота юртнинг меҳри ва қадри баланд,
Шул вазҳдин азиядир Ҳазратга Тошканд.

Тошканд — олтин бешик, унда улғайди,
Соғинган чоғида дили мунғайди.

У — тилло гаҳвора, тенгиз, ягона,
Жаҳон айвонида ноҳир коҳона.

Унда камол тошган зоти олийлар,
Кўшилик ёдида умри боқийлар.

Абу Бакр Қарфол ҳам Шайх Зайиуддин,
Шайх Хованди Тахур, Ҳазрат Номий, дин —

Йўлида фидойи, сўзи лазизлар,
Худо раҳматиға етган азизлар.

Яна қанча азиз зотлар макони
Тошканднинг таралган оламга шони.

Нигоҳи тушганда Шайхонтахурга,
Шукр қилди худо берган умрга.

Чунки яна насиб қилди дийдори,
Меҳридан эриди кўнглининг қори.

Яна сўрди қариндонлар ҳолини,
Яна тотди дўсту ёрлар болини.

Улус билан яна қилди мулоқот,
Салафларга яна этди муножот.

Зиёрат айлабон мазорларини,
Унутди кўнглининг озорларини.

Ва лекин кўнгли зор дўстлар сўзига,
Мунғайиб кўринди олам кўзига.

Кўплари ҳаётга ўқишди видо,
Энди ер бағридан қилурлар нидо.

Аждоди кетса ҳам бордир авлоди,
Авлоди туфайли тирик аждоди.

Аждоди ёдини олиб хотирга,
Хожа Аҳрор боқур Шайхонтахурга.

Кўксига урилар Анҳор нафаси,
Кўнглини кўтарар қўшларнинг саси.

Тахтапул, Бешоғоч, Кўкчаю Себзор
Боғларида сайр этмак гашти бор.

У нафас олади улкаси тўлиб,
Ажойиб кўнларнинг шоҳиди бўлиб.

Орау-ҳавасига йўқ асло сарҳад,
Уни олиб келди бир олий мақсад.

Ота юрт жамолни кўрмак ниятдир,
Не жамол, меҳрига тўймак ниятдир.

Боғистонга ҳам у ташриф буюрди,
Бобоси боғларин айланиб юрди.

Энг улуг бобоси шайх Умар валий
(Хожа Баҳоваддин сингари закий)

Мозорида бўлиб, уни ёд этди,
Арвоҳин хотирлаб, хайрбод этди.

Тоғларга, боғларга, сойларга боқди,
Кўёшга, юлдузга, ойларга боқди.

Боқди дарахтларга, майса, гулларга,
Боқди адирларга, сайхон, чўлларга.

Булоқлар бошида сукутга чўмди,
Хайлу шуурин фикратга кўмди.

Чинорлар умрига кўзголиб ҳавас,
Уйғоқ дарёларга бўлди ҳамнафас.

Хайллари сўқмоқларда адашди,
Чўққиларда офтоб кўзи қамашди.

Қайтди мадад олиб собит тоғлардан,
Азиз ҳамқишлоқлар, сўлим боғлардан.

Боғистон, Чорбоғу Хумсон кузатди,
Хўжакент, Оқтошу Чимён кузатди.

Дил тўлгин ҳам хуррам, ҳам маънос нурга:
Қайрилиб қаради ўтган умрга.

Ундан гинаси йўқ — қилмас надомат,
Фақирлик йўлида топди саодат.

Қайтди Тошкандга у, Шайхонтахурга,
Кўнгли маҳтал эди гўё ҳузурга.

Осойини бошланди моҳи Рамазон,
Саҳарликка турди аҳли Туркистон.

Эрталаб меҳрибон Ҳазрати Эшон
Муҳаммад Қозини чақирди комрон:

«Пазандалик ишин қилгувчи бажо
Жаноби муҳтарам Лутфуллоҳ маклю

Самарқандга жўнатилди ноилж,
Онашага сезилди бугун эҳтиёж.

Зиммангда булади ошпазлик сенинг,
Энди кўрсатурсан бунда кимлигинг.

Умрим охирида истардим фақир,
Шу табаррук ёшга етказди тақдир.

Умри азиз ота-боболаримиз
Мозорида ўқиб дуоларимиз,

Туркистоннинг оч-яланғоч бандасин
Овқат билан таъминласам барчасин.

Чунки қимматчилик бўлган замонда
Овқат ҳам қаҳатдур бу Туркистонда.

Бева бечоралар аҳволи ёмон,
Руза тутмакка йўқ танида дармон.

Қозони қайнамас, ўтмас рўзғори,
Қорни туқ зотларга етмайди зори.

Бу ишни сен қилурмисан ёки мен
Ўзим қилайинми?» — деди у сокин.

Қуллуқ бошин эгди Муҳаммад Қози,
Ошпазлик қилмакка йўқ эътирози.

Ҳар куни еттига қуй сўйиларди,
Яна етти юзга нон ёшилларди.

Буларнинг ҳаммасин гарчи беадад,
Фуқарога тарқатарди Муҳаммад.

Яна авом билан кўрилди баҳам,
Бозорга чиқмаган қовунларни ҳам.

Кўпайиб кетдики иши шу қадар,
Териб ололмасди тўкилса гавҳар.

Бошини қашишга вақти йўқ унинг,
Садағаси кетар ҳар утган куннинг.

Саҳарликка турганида Ҳазрати,
Гоҳ таомга топиларди фурсати.

Бир оқшом олдига қўйиб гўшт, нонни,
Фикр юритмакка тоғди имконни:

«Оҳ, сенинг овқатинг шу бўлса агар,
Қаерга ҳам бора олардинг магар».

Кимдир келиб огоҳ айлади шу чоқ:
«Хожа ҳазратлари кўрмакка муштоқ».

Ҳозиргина нохуш ҳаёл қилганим
Ҳазратга ҳам маълум бўлибди маним,

Дебон тавба қилиб, қошига елдим,
Таҳорат олурди, унсиз эгилдим:

«Биласанми, тариқати хожагон
Улуғлари берган барчага имкон.

Хизмат қилмак бўлган кишиларга хоҳ
Умид билан қараб, қўйганлар ихлос.

Чунки кимки қилса хизмат ва ғайрат,
Хусусан, жамоат тоғса манфаат.

Анинг хизматлари кетмай бечфойда,
Истаган кишилар топсалар фойда,

Анингдек зотларга назар этгандур,
Оламул-ғайбдан кўп файзалар етгайдур.

Кимки жамоатга қилсаю хизмат,
Андин аҳли муъмин кўрса манфаат,

Олам ул-ғайб файзларига мушарраф
Бўлса гар бошидин ёғилиб шараф,

Ундай киши саодатли кишидур,
Эл-юртига садоқатли кишидур».

Бу гапни эшитиб улуг Ҳазратдан,
Муҳаммад қутқарди ўзни ҳасратдан.

Гарчи нохуш ҳаёлидан пўшаймон,
Кўнглида туғилди устувор паймон.

Ишонч ҳосил қилди ва этди эъзоз:
«Қанча хизмат қилса, шунча бўлур оз».

Бундай хусусият Ҳазрати Эшон
Ҳаёт китобининг мазмуни шоён.

Кишиларга сидқидилдан хизматда
Бўлгани туфайли умри иззатда.

Одамларга хизмат қилиш — олий бахт,
Деб билди, йўқ унга бундан юксак тахт.

Ҳазрат ушбу байтни ёддан ўқурди,
Мазмуни узига муносиб кўрди:

«Ҳиммат туро ба кунгураи кибриё кашад, —
Ин сақфи хоҳро беҳ аз ин нордбон махоҳ».

Диққатта сазовор байтнинг мазмуни,
Кошки, шир эсанг умрингга уни:

«Ҳиммат сени кўтаргай энг юқори фалакка,
Ундан яхши нарвон йўқ чиқмак бўлсанг юксакка».

«Ҳиммат» каломининг урнига мудом
«Хизмат» сўзин қўллаб Ҳазрати киром,

«Мен шундай ўқурман» деб айтарди недур мақсад:
«Хизмат туро ба кунгураи кибриё кашад».

Ҳазрат ўқигани, балки, анча яқин юракка:
«Хизмат сени кўтаргай энг юқори фалакка».

Эй, азиз биродар, элга хизмат қил,
Хизматни обрўнинг тимсоли деб бил.

Савобнинг кониدير улус хизмати,
Хизматкаш кишининг баланд иззати.

Кўпчилик хизматин қилган қаримас,
Ҳаёт бустонидан шодлик аримас.

Хожа Ҳазратларин таҳрири билан
Мазкур байт бойиди яна мазмунан:

«Хизмат сени кутаргай энг юқори фалакка,
Ундан яхши нарвон йўқ чиқмак бўлсанг юксакка».

Орттираман десаг обрў-эътибор,
Одамларга хизмат қилгин, биродар.

Элга хизмат қилсанг — кўнглинг бўлсин тўқ,
Юксалмакка ундан яхши нарвон йўқ.

Элга хизмат қилиб Ҳазрати Эшон,
Эҳтимол, кўнглида қолмади армон.

Навоий айтмишлар: «муршиди офоқ»,
Фақир дерман ани: «хуршиди офоқ».

VII

Чархи даврон тинмай айланган сари
Тўқсон-ла тўқнашди Ҳазрат ёшлари.

Умр йули босиб ўтилди узоқ,
Манзили кўзига кўринмас бироқ.

Ўзлари айтгандек Ҳазрати Эшон,
Беш ой яшасалар бўлгайдир тўқсон.

Юз билан юзма-юз бўлмак умиди
Орау кўкин равшан этган хуршиди.

Зоти киром — авлиёлар султони,
Фуқаролар мададкори, дармони.

Султон ул-авлиё, деса инсонлар,
Муин ул-фуқаро, дейди султонлар.

Донишманди илоҳиёт асрорин,
Олам ул-ғайб файзи берган аҳрорин.

Валийлик осмонин қутби, дилхоҳи,
Ҳақиқатсеварлар пушту паноҳи.

Унда шаҳаншоҳлик, подшоҳликка сас
Истеъдод бўлса-да, нодир, беқийс,

Нигоҳин тикмади ҳеч шоҳлик сари,
Ҳадисларда айтилгани сингари

«Ал-фақру фаҳри»га қилдию амал,
«Фақирлик фаҳримдир» дебон бебадал,

Фақирликнинг равон йулидан асло
Оғишмади бир нафас ҳам авлиё.

Ҳақиқат намоён назарига ҳам
Илоҳий тажалли кўринди кўркам.

Дунёвий нарсалар олмай нигоҳин,
Олам ул-ғайбдан у топди паноҳин.

Бениҳоят кўп бўлса-да мол-мулки,
Деҳқончилик билан банд бўлди илки.

Еридан олинган барча ҳосилни
Муҳтожларга бериб, шод қилди элни.

Фуқарою бечоралар бўлса шод,
Олам боғи бўлмай бундан ҳам обод.

Ҳазрати Хожага Жомий бериб тан,
Меҳрибон кўнглидан топганди ватан:

«Ҳазорон мазраа дар зери киш аст,
Ки зоди рафтани роҳи биҳишт аст».

Ўзбек лисонига таржима қилсак,
Не ажаб, ушбу байт мазмуни билсак:

«Минглаб ерин ҳосили бой хислатга,
Неъмат булур ким йул олса жаннатга».

Бу дунё еридан олиб маҳсулот,
Садақа қилинса, обод охираат.

Яхшилар сайиди ҳазрати Эшон
Аҳл ул-лоҳ сулукин безаган инсон.

Муҳаббат тариқи Ҳаққа ихлосдир,
Вужуди мутлаққа бандалик хосдир.

Иродат йулининг солики бўлиб,
Кўп нарсадан ўтди кўзини юмиб.

Хусусан, бахш этди унга саодат,
Дунёдорликдан кўз юммакдек одат.

Илоҳ даргоҳининг мақбул Эшонин
Наздида не голиб мулклар султони,

Баланд мартабали шаҳаншоҳлари,
Қудратли, карамли, нек подшоҳлари

Таъзим-ла ултириб, қилиб мулоқот,
Зафарбахш руҳидан истарди нажот.

Уламо, аллома, фозил кишилар
Ҳазратнинг покиза боғини безар.

Оллоҳнинг раҳматли ариғи билан,
Маърифати дарёсида сув ичган —

Чаманзори, мурод гулидан зебо,
Ихлос самарини топар зурафо.

«Мақсуд каъбаси» деб Жомий интилди,
«Дунё муршиди» деб Навоий билди.

Гарчи йўқдир унинг тож ила тахти,
Тож-тахтли султондан юксакдир бахти.

Баланд бўлмаса гар мартабаси ҳам
Йигирма етти мулк этмасди карам.

Фармони олийсин қилгани адо,
Белини боғлади шоҳ ила гадо.

Аҳли муслим эса авлиё дебон
Аъмоли хайрига келтирди иймон.

Ҳайрат бустонида кезиб Жомий ҳам
Валийлик сифатин айлади рақам:

«Зада асҳоби Хожа ҳалқа ба ҳам,
Чун нигинанд ҳалқа дар ҳотам.

Ҳаббазо, ҳалқае, ки фавжи малак,
Ҳалқа дар гуни он аст авжи фалак.

Филмасал, гар ҳазор дил мурда,
Аз ҳавои нафс афсурда.

Бигзарад аз ҳарими маҳфилашон
Зинда гардад зи мурдагӣ дилашон.

Еди вақте, ки вақти ман хуш буд,
Давлатам сӯяшон инонкаи буд.

Гирдашон гапгаме ва ҳар рӯза
Кардаме қатра-қатра дарюза».

Эркинроқ таржима қилсак мазмуни,
Туркона тинглайсиз Жомийнинг уни:

«Офарин, ул ҳалқаки, бир тўп малак,
Ким қулоғида эрур жойи фалак.

Филмасал гар мингта дил ўлган эрур,
Нафсининг орузидан сўлган эрур.

Ҳарами маҳфилидан ўтишса гар,
Ўлик кўнгуллари қайта тирилар.

Еди ул вақтки хушсафо эди,
Давлатим уларга раҳнамо эди.

Ҳар рӯза гардида юрардим,
Кам-камдан садақа сўрардим».

Демак, ким берилса нафсу амалга,
Кўнгли ўлур, бу хотима масалга.

Маънавий жиҳатдан булуру қаншоқ,
Мол-мулкка, бойликка берилгай бироқ.

Уни шу балодан қилгани халос,
Маънавий камолот касб этсин деб хос.

Кўнглида жо айлаб Ҳақ таолони,
Емон ҳаёллардан қутқариб уни,

Инсонда уйғонсин инсонийлик деб,
Еинки тирилсин иймонийлик деб,

Буюк мақсад билан яшади Эшон,
Умрини сарф айлаб тоғди обрӯ, шон.

Ешнинг улуғлиги, хасталик, шоян,
Уринтириб қуйди уни бегумон.

Анча озиб қолди — камдир дармони,
Аммо, кўнглида кўп орзу-армони.

Мавлоно Лутфуллоҳ кўнлардан бир кун
Хожа Фазлуллоҳга гапирди маҳзун:

«Ҳазрати Хожани истаб бир замон
Уйларига бордим бесару сомон.

Ҳаво иссиқ эди. Пир ҳазратлари
Ички қўйлақ билан чиқди ташқари.

Шунда кўрдим анча озиб қолганин,
Узоқ умр йўлини босиб, толганин.

Шундай булса-да, бу жуссада катта
Маънавий бир куч бор эди, албатта».

Фақеҳ деди унга: Хожан ҳазрат
Кўнглини қийнайду, афсус, бир ҳасрат.

Дерлар: «Биздин кейин аҳли фуқаро
Ҳолини сўрғай ким? Бева-бечора

Е яна қолгайми пушти-паноҳсиз?
Ким ишин битиргай олий даргоҳсиз?»

Ким боқиб кўнглига, егай гамини?
Ким, айтгин, бут қилгай анинг камини?»

Негай, жавоб топмай бу саволларга,
Бошим теғди фақир не дуволларга

Кошки, Хожа Калон ё Хожа Яҳе,
Отаси йўлини этса муддао.

Хожа Калон олимликка майлдор,
Исломиё илмга анинг дахли бор.

Хожа Яҳе тутмин ота йўлини,
Фуқаро ишига урмиш қулини.

Фахр деб билиминдор фақирликни у,
Авлиё булмакни қиладур орзу.

Ҳар қалай, хабардор ғайб илмидин ҳам,
Насиб улгай бундай бахтта камдан-кам.

Умидни Ҳазратнинг ўғилларидан,
Қароғдек жой олмиш кўз гавҳаридин».

Мавлоно Лутфуллоҳ айтгандек шоян,
Катта маънавий куч соҳиби Эшон,

Кўнгли тусаб қолди Камонгаронни,
Қўмсади боғистон ҳам кўҳистонни.

Негадир тоғларни кўргиси келди,
Булоқлар бошида юргиси келди.

Туйиб нафас олиб сўлим боғларда,
Ййрагиси келди сўнгги чоғларда.

Ақраб субҳида у отланиб овоз,
Хожа Кафшиё билан қилди хайрбод.

Бирга йўлга чиқди ўғиллари ҳам,
Издан эргашди бир неча маҳрам:

Амир Абдулаввал, Муҳаммад Қозин
(Рухи бўлсин унинг фақирдан розин),

Азиз набираси Хожа Абдулҳақ
(Унинг қаламини уткир қилсин Ҳақ).

Ҳазрат қўйсалар-да тўқсонга қадам,
Йигитдек аркалар уни бу олам.

Оламга боқадн тўймай кўзлари,
Кинилик қалбида қолиб излари.

Намозгарда етди Камонгаронга,
Тоғлар қўйнидаги азиз маконга.

Йўлига отилиб чиқди муридлар,
Ҳосил бўлган каби эзу умидлар.

Пири мушидини тушириб отдан,
Гўё мамнун қилди яна ҳаётдан.

Буюк салобати босиб Ҳазратнинг
Яқосидан тутди барча ҳайратнинг.

Тароват, файз бериб Камонгаронга,
Куч-мадад бағишлаб муҳтож инсонга,

Хожа ҳазратлари дардин унутди,
Эл кўнглидек катъбаларга юз тутди.

Шаҳарнинг девори бўлса гар вайрон,
Эй инсон, ҳокимдан бўлма ҳеч ҳайрон.

Адолат деворин қилсангу бунёд,
Йўлин этсанг зулму ситамдан озод,

Ғишт, тош, ганч деворга қолмас эҳтиёж,
Шунда улус тоғгай дардинга илож.

Ҳокимлар — уткинчи, банди амал,
Эл заққум ютса ҳам, улар ер асал.

Шул вазҳудин, эл билан Ҳазрати Эшон
Гоҳо заққум ютди бесару сомон.

Аҳли амал билан банди амал
Унинг аҳд қасрини гоҳ этди қамал.

Гоҳо ҳужум қилди аҳли жоҳ мубҳам,
Тош отди шарият пешволари ҳам.

Вале улус қилди уни ҳимоя,
Тухмату фитнага қўйди ниҳоя.

Ақрабу қавс ўтди саломат, омон,
Жадий этди, афсус, уни нотавон.

Ҳазрат ётиб қолди — хасталик яна
Сихати қошида қурди тағтана.

Белдан қувват кетди — тандан дармони,
Афсуски, кўнглида қолди армони.

Ораулари юлдуз каби бешумор,
Чарақлаб, оламга сочолмас шарор.

Кўзларин нури ҳам тортгандир хира,
Гарчанд хайлари ҳамон бокира.

Ҳамон мақсадлари сўнмас, улугвор,
Манзилни кўзлаган мисли шаҳсувор.

Ҳамонки, кўнглига ёр умидлари,
Шому саҳар йўқлар не муридлари.

Ҳамонки, дунёда яшашдан мурод,
Ҳаёт боғин этмак дейдилар обод.

Ҳаёт боғи хазон бўлмай инсонсиз,
Инсон билан ҳаёт боғи хазонсиз.

Далв утиб, хут келди — Ҳазрат тўшақда,
Ҳаётнинг ҳаваси сўнмас юрақда.

Оҳиста сизади ҳаёт булоғи,
Умр дарахтининг заъфар япроғи

Бир-бир тўкилмақда, яланғоч шохлар,
Дил ўртар, барглардан таралган оҳлар.

Илдизлари унинг лат еган, ожиз,
Қаттиқ бурон турса, қулар, шубҳасиз.

Бўлгани туфайли мевали дарахт,
Тош отиб, бошини қилдилар қарахт.

Гоҳо синдирдилар унинг шохини.
Шод қилмак ишқида юртнинг шохини.

Гоҳо мевасин еб, айтишиб таҳсин,
Данагин чақдилар бошида кейин.

Икки букилдилар олдида гоҳо,
Оғзидан не чиқса, келтириб бажо.

Ҳаёт оғир экан — йули паст-баланд,
Пешрав оёғига ташларкан каманд.

Бировнинг иши йўқ орқада юрсанг,
Юкнинг қолиб, ўзга юкин кутарсанг.

Сухандон гапига тутсангу қуюқ,
Қарши фикр унга айтмасанг бироқ.

Ўз фикринг бўлмаса ундан-да аъло,
Фикрат кишиларин хуш кўрмас дунё.

Донолар бошига балоидир фикрат,
Не фикрат, фикратдан туғилган ҳикмат.

Фикрли зотларга кўзи тўрт дорнинг,
Тилининг учиди заҳари морнинг.

Фикратсиз кишилар борар узоққа,
Илимасдан қолмас, аммо тузоққа.

Ҳаётнинг бунақа уйинларини,
Шамоли, тўзони, қуюнларини

Дунёда кўп кўрди Ҳазрати Эшон,
Буқаламун каби ўзгарур даврон.

Келганидан буюн Камонгаронга,
Осуда фароғат излади жонга.

Тоғлардан дардига малҳам излади,
Боғлардан кўнглига ҳамдам излади.

Бир йили шаҳарда тарқалиб вабо,
Дафъатан кўп одам буддилар қазо.

Ушанда бу ерда сақлаганди жон,
Боғистонга ўхшаб кетар бу макон.

Кошки, бу сафар ҳам соябон бўлса,
Балодан асровчи бир қургон бўлса.

Ҳолидан огоҳдир ҳаким, табиблар,
Бошида паноҳдир маҳрам, ҳабиблар.

Хожа Калон, Хожа Яҳё парвона,
Келадир ҳол сўраб мурид, фарзона.

Аммо, эрталабдан айниди ҳаво,
Булутлар остида қолди бу маъво.

Совуқ шамол эди Қуҳак томондан,
Изгирин игнасин ўтказди жондан.

Ер остидан келиб кучли бир садо
Қаттиқ силкинди ер пешинда, аммо.

Тоғларни кўтариб турган заминда
Зилзила бўлмаган бундай қадимда.

Мазкур ҳодисадан Ҳазрати Эшон
Руҳида узғариш бўлди намоён.

Чорлади авлоду мусоҳибларин
Ичидан ўзига муносибларин.

У дунё йўлида кўриб ўзини,
Уларга айтмишлар видео сўзини.

Ҳазрат қайғусида бошлар эгилди,
Кузлардан аламнинг ёши тўкилди.

Баланд тоғлар гўё паст бўлди бирдан,
Айрилиқ нидоси таралди ердан.

Бир нафас йўлидан тўхтади шамол,
Бир нафас қушлар ҳам сайрамади, лол.

Булоқлар қайнашдан тинди бир нафас,
Сойлар ҳам бир лаҳза чиқармади сас.

Қанот қоқмай қотди бургут парвозда,
Котибнинг каломи ёнди қоғозда.

Намози хуфтондан утган маҳалда,
Ҳаёт қон йиғлади дасти ажалда.

Ажал паймонаси Ҳазрати Эшон
Кузига энг гузал кўринди жаҳон.

Хожа Калон билан Хожа Яҳёдан
Ризо булиб, кетди у бу дунёдан.

Ҳаётга мафтунваш кузлар юмилди,
Юраклар қаърига музлар кўмилди.

Шамшод қадлар эса эгилди ғамдан,
Шодлик зоти кетди ғамли оламдан.

Отаси улғандек аҳли фуқаро
«Отамлаб» йиғлади чунг тоғлар аро.

Видолашмак оғир булгани учун
Бир силкиниб олинмиш замин ҳам маҳзун.

Тили бўлмаса-да чиқариб нидо,
Энг буюк инсонга деганмиш видео.

Тоғли Камонгарон мотамда қолди,
Орқасидан унинг «отамлаб» қолди.

Табаррук жасадни кўтариб нолон
Шаҳарга отланди аҳли нотавон.

Хожа Кафийий маҳалласи мотамда.
Бундай мотам бўлмагандек оламда.

Қўчиб келди бутун шаҳар, бутун эл,
Қўча-қўйни босди одам мисли сел.

Султон Аҳмад мирзо келди — қадди ҳам,
Элида мотаму дилида мотам.

Келдилар акобир ҳам уламолар,
Рухоний, бастакор ҳам аллюмалар.

Ҳазрат билан видолашиб (армонда)
Қолмакнинг умиди ҳар мусулмонда.

Табаррук тобутта кифтини тутиб,
Ҳазрати Эшоннинг руҳин шод этиб,

Не зоти киромлар қолди гирёнда,
Мусибат, қайғунинг ўти ҳар жонда.

Жаноза ўқилгач нолада султон
Мозоротта елди бесару сомон.

Хожа Ҳазратларин қўйиб қабрга,
Ғамкаш эли чорлади у сабрга:

«Қандай одам эди Ҳазрати Эшон?»
«Яхши одам эди!» — деди оломон.

«Яхши одам эди!» — замину само
Оломон сасига берди акс садо.

«Яхши одам эди!» таралди чунон
Мовароуннаҳрдин токи Хуросон.

«Яхши одам эди!» — Туркистондин то
Қашқару Кашмирга етолди ҳатто.

«Яхши одам эди!» — Румдин токи Шом,
Ажаму Озорда топди эҳтиром.

«Яхши одам эди!» — Навоний, Жомий
Кўнгиш кишварини забт этди боқий.

«Яхши одам эди!» — деб қотди қуёш,
«Яхши одам эди!» — деб ботди қуёш!

Тупроққа топшириб улуг Эшонни
Қайтдилар, ғам босиб элу султонни.

Фотиҳага келди халқ дарё булиб,
Мусибат, ҳасрати бир дунё булиб.

Мовароуннаҳр мотамда қолди,
Буюк Даҳрни у қайғуга солди.

Уч кун турди султон тонгдан то оқшом,
Ғамзада улуста кўрсатиб киром.

Мулки Турон қолди Хожа Аҳрорсиз,
Бу дунё кўринди кўрсисиз, виқорсиз.

Аммо, буюк Эшон барҳаёт руҳи
Ватану улуснинг булғай шуқуҳи.

Бу шуқуҳ сўнмагай токи бор ҳаёт,
Шоён Хожа Аҳрор руҳи барҳаёт!

ҲОҶИМА

Элда қадр тонгач «Навоийнома»,
Янги бир асарга йўнилли хома.

Манглайга не ёзмин хомайи тақдир,
Ҳамон ўқий олмай овора фақир.

Ва лекин мозийни айлаб нурафшон,
Чорлади яна бир энг азиз инсон.

Хожа Убайдуллоҳ эдилар бу зот,
Ҳаёти, аъмоли асл муъжизот.

Хитодин токи Рум уни олиб тап,
Муқаддас қалбида топдилар Ватан.

Қонинда тиз чўқди шоҳу гадолар,
Оқимдан тўхтади сойлар, дарёлар.

Бахт, нажот тилади аҳли Туркистон,
Не Туркистон, аҳли Ажам, Хуросон.

Амир Темури насли унга топинди,
Пир дебон илкани униб, топинди.

Йигирма етти мулк шоҳу султони
Улуғ Эшон дебон сийлади уни.

Ами-фармонига қилиб итоат,
Қузага сурдилар битса муношоот.

Пир дебон атади улуг сиймолар:
Жомий, Навоий ва Бобур мирзолар.

Фақир ҳам бош эгдим Ҳазрат наздида,
Даҳовий қудратни куриб фазлида.

Аҳли муслим қунглин қилсам гар обод,
Балки, у дунёда бўлмасман ношод.

Эътиқод уйида ким бўлса соҳиб,
Худойим савобга кўргай муносиб.

Валийлар валийсин йулидан юрдим,
Оламу одамда синоат кўрдим.

Ҳиротга етибман чиқиб Уттордан,
Куч олиб Ясавий, Хожа Аҳрордан.

Ҳазрат Хожа Баҳоваддин Нақшбанд
Кеча-қундуз ҳаёлимни этди банд.

Йул босиб, ишратни тамом унутдим,
Азиз шайхлар қабрин зиёрат этдим.

Тошканду Самарқанд, Марву Бухоро
Замин жамолига бермиш кўрк, оро.

Сайхуну Жайхуну Мурғобдан ўтдим,
Қизилқум, Қорақум қумини ютдим.

Комил муришд излаб чекдим алам, ранж,
Одамлар қалбида тошмас, кўрдим ганж.

Кўрдим ганжи муқаддасни — иймонни,
Кишилик тўни-ла безар инсонни.

Гуноҳ кўчасига кирмасин дебон
Инсонга берилмиш ақл ва иймон.

Кўрдим Заҳириддин Бобур мирзони,
Шоҳу шоир бўлиб олмиш дунёни.

Отаси Умаршайх мирзони комрон
Фарзанд деб эдилар Ҳазрати Эшон.

Бисёр суҳбатига бўлиб мушарраф,
Саодатли мурид топганди шараф.

Надаридек унга қўйиб эътиқод,
«Волидия»сини айлади обод.

Тушида намоён бўлиб мушкил дам
Пири комил унга кўратмиш ёрдам.

Самарқанду Қобул ё Ҳинд кишвари
Забти Ҳазрат Хожа Аҳрор ишлари.

Ул Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга,
Топиниб яшади пушти — Паноҳга.

Не ҳазрат, шарафли авлодини ҳам
Муқаррам айлади подшоҳи олам.

Фарзандларига ҳам қилмиш насиҳат:
«Ҳазрати Хожадан сўранг маслаҳат».

Кўрдим Ҳумоюну мирзо Комронни,
Ҳиндону Акбаршоҳ ҳам Шоҳжаҳонни.

Кўрдим Аврангзеби Оламгирни ҳам,
Авлиё номини тутмиш муқаррам.

Барчаси пир дебон Улуғ Эшонни,
Ватан деб билмишлар хур Туркистонни.

Яна кўрдим Хожа Аҳрор наслини,
Ҳар бириси беади уз асрини.

Султонхон Адонинг ҳурмати баланд,
Таҳсин дер Самарқанд, Бухоро, Ҳуқанд:

«Адо мулки маънида султон эрур,
Хирадманди иқлими Турон эрур».

Калом бустонининг боғбони Адо,
Аҳрорийлар фахри, комрони Адо.

Яна бири суҳан мулкига сайқал,
Самарқанд шавкати Нақибхон Туграл.

Унинг ушбу байти ҳол баёнидир,
Асл шажарасин намёнидир:

«Мерасад аслам ба Аҳрорӣ Валий,
Дудан ман бошад аз ин дудмон».

(Аҳрори Валийдан аслим, шажарам,
Хонумонидандур хонадоним ҳам).

Аҳрорийлар авлюдидан муҳтарам
Султонхон Тураҳон — устода аъзам.

Самарқандда топди таваллуд гарчанд,
Андижонда ўтди умри аржуманд.

Шаъну шавкат қуриб Ўзбекистонда,
Яхши ном қолдирди ўздин жаҳонда.

Тўрт фарзанд ўстириб ул зоти киром,
Минглаб ёшга сабоқ берди, вассалом.

Бир оқил фарзанди Сурайёхондир,
Фақир билан жони пайванд, комрондир.

У менга ўзини этди бахшида,
Фикратин ганжи бор «Хамса» нақшида.

Ўзига муносиб рафиқаси ҳам,
Ҳамон хонадонин этар муҳташам.

Муаллима бўлиб, хизмат кўрсатди,
Ўзбекистон унга иззат кўрсатди.

Фарзандлар бошида бўлиб соябон,
Неваралар билан яшасин омон.

Аҳрорийлар хонадони, не ажаб,
Фақир камолига бўлса бир сабаб,

Не ажаб, Ҳазрати Хожан Аҳрор
Мушкил кунларимни айласа анвор.

Не ажаб, тушимда бўлиб намён,
«Ҳайратул-Аҳрор»ла этсалар комрон.

Буюк зотлар билан сўзлашган сайин,
Ўзим ҳам, сўзим ҳам бўлмишдир майин.

Аҳли миллат билан қилиб мулоқот,
Тасаввиф хилъатин олдим мукофот.

Улуг ният билан бошлаб ишимни,
Мадҳ этдим кўнглимга яқин кишимни.

Эл ўзин минбарга урган чоғида,
Фақир ижод этдим хилват боғида.

Сўнгига еткунча токи маснавий,
Ҳазрат мадад берди менга маънавий.

Ҳам руҳий жиҳатдан тикладим ўзим,
Тарозига қўйсам тош босди сўзим.

Мағзи пуч, бачкана гаплардан қочдим,
Мағзи тўқ, дур сўзга бағримни очдим.

Билганим сайин мен дини ислонми,
Бир уриб синдирдим май тўла жомни.

Валийни васф этиб закий бўлибман,
Не закий, муриди валий бўлибман.

Йигитликда бўлса мағрурлик фахрим,
Қариликда эса фақирлик фахрим.

Фақирликдан ўзга фахр бўлмагай,
Мағрурликдан ўзга захр бўлмагай.

Мағрурлик теракка қилинса қиёс,
Фақирлик ўрикка, не тонг келса мос.

Ўрикнинг меваси асалдан ширин,
Данаги ичида мағзи яширин.

Фақир фикрати ҳам калом ичрадир,
Ўтли туйгулари илҳом ичрадир.

Калому илҳомдан тиланиб нажот,
Маснавий машқини олимшидир Барот.

Қаламидан жилюланди маснавий,
Отадек қўлади буюк мавлавий.

Ҳазрат Навоийга фақир эгиб бош.
«Чоркитоб» яратдим, азиз замондош!

Бу — «Нотинч Хуросон», «Шукуҳли карвон»,
«Сокин Хуросон»у «Қонли Хуросон».

Бешинчи китобим «Ҳайратул-Аҳрор»,
Авлиё инсонга қилинди нисор.

Не шарафдир, беш китобни жамъ этсам,
«Панж ганж» каби уни элимга тутсам.

«Янги Хамса» дебон фақир қўйсам ном,
Кошки, турк улуси ани этса ком.

Энг буюк кишилар умри, аъмоли,
Кошки, аҳли муслим бўлса жамоли.

Ибрат олса, ҳавас қилса наслар,
Ёдларин муқаддас тутса асрлар.

Умидимки, умидингдан айрилма,
Мурид бўлсанг, муршидингдан айрилма.

Фақир ҳам пирим деб Ҳазрати Эшон
Рухларин умрбод этгайдир шодон.

Ҳурликда битилди «Ҳайратул-Аҳрор»,
Ўқиганга Ҳазрат бўлсин мададкор.

Мавзуни: тўрт фаслу ўн икки ҳайрат —
Қўёшининг ўн икки буржига нисбат.

Ҳар фаслда уч ой — уч ҳайрат демак,
Ун икки ҳайратда бир йил муштарак.

Ҳар ҳайрат иборат етти бобдан боз,
Етти кунн этсин ҳафтанинг эъзоз.

Саксон тўрт манзумдан яралган асар
Фикрат махзанини безаган гавҳар.

Яна Дебочаю Хотимаси бор,
Ҳурликка дахлдор гаплари бисёр.

Арузу бармоқда у топди ижро,
Ҳар мисраъининг авзони ун бир хижо.

Уч йил ҳаёлимда ёнди мисли шамъ,
Саккиз ойда эса айладим рақам.

Икки йил уч ойдан ишлаб мунтазам,
Сунғи йил икки ой тебратдим қалам.

Олғмиш-егмиш байтни битиб ҳар оқшом,
Эрталаб хизматга отландим мудом.

Ун тўрт минг мисраъга жойлаб фикримни,
Қоғозга туширдим дилдан зикримни.

Наврўзда тугатдим бошлаб Наврўзда,
Икки юзу қирқ беш кеча-кундузда.

Истиқлол бўлмаса бизга муяссар,
Дунёга келмасди, балки, бу асар.

Набрам Маъсудхон тугилган айём,
Элга етди «Янги Хамса»дан пайғом.

Устодлар боғини айладим обод,
Низомий, Деҳлавий, Жомий дили шод.

Ҳазрат Навоийнинг туриб ёнида,
Мангулик офтоби порлаб шонида:

«Хамса» муборак!» деб табрик этдилар,
Хамсанавис дебон номим битдилар.

Шодликдан унутдим гўё узимни,
Не узни, унутдим айтар сўзимни.

Қуллуқ деб бош эгдим — салафлар комрон
Бошладилар мени Хамсакепт томон.

Қошки, фақир бўлсам унда бир меъмор,
Бир иморат курсам минг йилга пойдор.

Авлодлар йўқлашиб, шодумон этса,
Хамсакептни мендек хонумон этса.

Устодлар бўлмаса, балки, раҳнамо,
Бундайин улўғ иш бўлмасди адо.

Не ажаб, меҳнатим мевасин курсам,
Тўрт паҳлавон шернинг ёнида турсам.

«Янги Хамса»дан ҳам ўтиб замонлар,
Баҳраманд бўлсалар азиз инсонлар.

Менинг сийму зарим, давлатимдир бу,
Халқ аро обрўйим, шавкатимдир бу!

Кел, эй Барот, энди сеники даврон,
«Хамса» сизин чалсин ҳур Ўзбекистон.

Сасини Чину Ҳинд, Эрон эшитсин,
Русу Рум, Арабу Турон эшитсин!

Эҳтиром тахтида кўрсин сўзингни,
Не сўзинг, тахт узра кўрсин ўзингни.

Мозийга қилиб сен муборак сафар,
Салафлар меҳрига бўлдинг муяссар.

Беш дoston яратдим авлодларимга,
Олам аро донгдор аждодларимга.

Йиғирма тўрт минг байт бўлур этса жамъ,
Маоний махзани ундан муҳташам.

Ижодий меҳнатдан кўтардим бошим,
Эй, закий китобхон — содиқ йўлдошим.

Халқимдан ҳеч нарса қилмайман ҳавас:
«Янги Хамса» ёзди, деса, менга, бас!

Беш жилддан иборат бу нодир асар
Ал-фақир Баротдан бир ёдгор магар.

Бу асарни битдим авлодим учун,
Туркистонда машҳур аждодим учун.

Қошки, улус ани қабул айласа,
«Янги Хамса» дебон мақбул айласа!

Иншоолўҳ, ҳосил улғай муродим,
Омин, аҳли муслим, азиз авлодим!

Тошкент,
Шайхонтихур даҳаси

МУЎДАРИЖА

ДЕВОЧА	7	Иккинчи қисм	
		«Фусулнинг хазони...»	245
НОТИНЧ ХУРОСОН			
Биринчи қисм		ҚОНЛИ ХУРОСОН	
«Умр фусулнинг навбахори»	11	Биринчи қисм	
Иккинчи қисм		«Умр фусулнинг қиши»	303
«Ҳаёт гулиганининг шукуфа ва гулзори»	41	Иккинчи қисм	
Учинчи қисм		«Замон аҳли била хайрбод»	340
«Шабоб замони...»	70	ХОТИМА	386
ШУКУҲЛИ ҚАРВОН			
«Илгитлик чашмасорининг ҳаётбахилигининг оғози»		ҚАЙРАТҲУЛ-АҲРОР	
Биринчи қисм	111	ДЕВОЧА	392
Иккинчи қисм	151	Биринчи фасл	394
		Иккинчи фасл	421
		Учинчи фасл	451
		Тўртинчи фасл	491
		ХОТИМА	541
СОКИН ХУРОСОН			
Биринчи қисм			
«Фусулнинг ёзи...»	181		

БАРОТ БОЙҚОБИЛОВ

ЯНГИ ХАМСА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти
Тошкент — 1998

Нашр учун масъул *З. Мирзоҳакимова*
Безакловчи рассом *Л. Башарова*
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова, Л. Хиждова*
Мусахҳиҳлар *Ю. Билятова, Ж. Тошрова*

Теринга берилди 16.07.97. Босинга рухсат этилди 17.11.97. Бичими 60X90¹/₈. Бодони гарнитураси. Оффсет босма. Шаргли босма тобоғи 68,0. Нашриёт ҳисоб тобоғи 71,0. Адади 15000 нусха. Буюртма № 1479. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси.
700083, Тошкент ш., «Буюк Турон» кучаси, 41.